


# ҲАЙДАР АЛИЕВ



Виктор  
Алири янов  
Хусайнбола  
Мираъламов



АЖОЙИБ КИШИЛАР ҲАЁТИ

# АЖОЙИБ КИШИЛАР ҲАЁТИ

*Биографик туркум*

1890 йилда

Ф. Павленков асос солган ва

1933 йилда

М. Горький давом эттирган



МОСКВА  
«МОЛОДАЯ ГВАРДИЯ»

---

323 (479 24) (032)

А 65

Виктор Андреевич  
Хусайнбола Мураъзамов

# ХАЙДАР АЛИЕВ



ББК 66.3(50за)8  
А 32

Тулдирилган русча иккинчи нашридан  
Нуъмон РАҲИМЖОНОВ  
таржимаси

Abdulla Qodiriy nomidagi  
viloyat AKM  
INV № 2023 / 32-16

ISBN 978-9943-01-608-8

- © Андриянов В.М., Мираъламов Ҳ.Ф., 2006
- © «Молодая гвардия» АЖ наприёти,  
бадий безаш, 2006
- © «O'ZBEKISTON» НМИУ, таржима, 2010

## СУЗБОШИ

Тасодифнинг кўпинча кўзи кўр бўлади, дейишади. Аслида унинг кўзи гийрак. Тақдир аломатларини пайқамаган кимсаларнинг кўзи ҳам, кўнгли ҳам сўкир.

1944 йил 27 ноябрь кўни Франция Республикаси муваққат ҳукуматининг бошлиғи, мамлакатнинг бўлажак Президенти, «Курашаётган Франция» ҳаракатининг етакчиси генерал де Голль СССР Халқ Комиссарлари Советининг Раиси Иосиф Виссарионович Сталин билан музокаралар олиб бориш учун Москвага кетатуриб, Бокуга кўниб ўтди. Ҳам тўғри, ҳам кўчма маънода юқори мартабали меҳмон иттифоқдош мамлакатнинг раҳбари сифатида кутиб олинди. Халқ Комиссарлари Совети Раисининг ўринбосари Алексей Николаевич Косигин Сталиннинг шахсан топшириғига биноан генералнинг Совет Иттифоқи бўйлаб икки ҳафталик сафарида ҳамроҳлик қилаётган эди. Орадан кўп йиллар ўтгач, СССР Министрлар Советининг Раиси Алексей Косигин Парижга расмий таширф билан борди. Буни қарангки, совет ҳукуматида келган юксак даражадаги меҳмонни кутиб олиш учун Орлидаги аэропортга, дипломатик қонун-қоидаларга қарамай, Президент де Голлнинг ўзи чиқди. Лекин бу алоҳида тарих, алоҳида суҳбат мавзуси...

Бокуда генерални иззат-икром билан қарши олинди. Байроқлар. Мадҳиялар. Фахрий қоровул дегандек... Барчаси рисоладагидек бўлди. Кутиб олувчилар орасида хизмат тақозосига кўра Давлат хавфсизлик хизматининг ёш лейтенанти Ҳайдар Алиев ҳам бор эди: эгнида бежирим плаш, бошида пўрим шляпа. Кейинчалик Ҳайдар Алиевнинг ўзи ҳикоя қилишича, кутилмаган бир лаҳзада кўзлари де Голль кўзлари билан тўқнашади... Кечкурун машҳур француз «Кўруғли» операсини тинглади, эртасига эрталаб эса поездда Сталинградга жўнаб кетди; ҳаво бузуқ бўлгани учун самолётлар учмаётган эди.

Бу кишиларнинг сиёсий тақдирида кўпгина умумий жиҳатлар бор. Давлат арбоби сифатидаги кўп йиллик муваффақиятли фаолиятдан кейин ҳар иккиси ҳам ишдан четлатилди. Хизматдан сурилган парижлик ҳақнда, ҳеч ким гапини

олмай куйгач, кадрсизланган пайғамбардек ўзини четга олди, дейишди. Горбачев бошлиқ КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросида айтганларига кулок осмай куйишгач, Ҳайдар Алиев ҳам эшикни ташқаридан ёпиб чикиб кетди.

Колумбздаги мулкида куз кечириб турган генерал де Голль 1958 йил май ойида Франция томонидан даъват этилгач, гушанишинликни тарк этиб, Парижга қайтиб келди.

Москвада ёлғизликда кун кечириб турган Ҳайдар Алиев 1990 йил июль ойида она юрти Озарбайжонга қайтди. Халқ ўз ўғлини кучок очиб кутиб олди.

Ушанда улар 67 ёшда эдилар. Одатда, бундай ёшда неварачеваралар билан уралашиб, эсдалик ёзишга тушилади. Лекин, уларга марокли уй юмушларни хотираларни бир чеккага суриб куйишларига тўғри келди – гоёт калтис вазиятларда ўз Ватанлари шон-шавкати сақлаб қолиш учун она юртларига қайтишди. Биринчи – Франциянинг бирлиги ва мустақиллигини сақлашга чоғланган бўлса, иккинчиси Озарбайжоннинг давлат суверенитети ва яхлитлигини таъминлаш мақсадида келди.

Ҳайдар Алиев сиёсатчи сифатида совет даври кадриятлари тизимида шаклланганди. Партиявий ўқитиларга биноан интернационализм сузи унинг учун тумтароқ ибора эмасди. Ҳайдар Алиевдек совет сиёсатчиси ва давлат арбоби ҳақида гап кетар экан, у том маънода интернационалист булганлигини айтиш керак.

XX аср адоғида Ҳайдар Алиев ўғли генерал де Голлинг миллий манфаатлар устуворлиги ҳақидаги фикрларини қайтадан кашф этди; у бошқа ҳар қандай гоёлар, назариялар, шиорлар ва принциплар олдида мухташам улуғворликка эга экан. Дарҳақиқат, тарихий воқеликлар тасдиқлаганидек, миллий гоё булак барча тизимларга қараганда яшовчан экан. Ҳақиқатчи-сиёсатдон бундан биргина хулоса чиқариши мумкин: давлат суверенитети миллиятни сақлаб қолиш билан баробар эди.

... Машхур Карловя Вари. Сукутга чўмган боғ йўлаги. Бу ерда, бир-бирига гуташиб кетган, ун икки шифобахш булоқдан ташкил топган Млин (Мельничний) колоннаси яқинида «Бристоль» санаторийси жойлашган. Бу совет номенклатураси ходимларининг сеvimли оромгоҳи эди. Кекса боғбон гулларни суғораркан, бу гушада Косигин, Алиев, Шербицкий, маршал Конев... ларни кўрганлигини ҳикоя қилади.

Юксакликдаги хушманзара майдончадан рус ибодатхонасининг нилий гумбази кўзга ташланади, у ердан кўнгирик садолари эшитилиб туради. Бошқа томонда «кўп қолдузли» санаторийлар ва меҳмонхоналар жойлашган замонавий курорт...

Кекса киши билан кечган суҳбат, унинг хайрли «ағой» («хуш кол») деган лутфи шу заҳоти унутилиши мумкин эди:

лекин Москванинг кечки теледастурида у иликлик билан хотирлаган кишилар чехраси кўриниб қолди. «Известия» газетаси ва Марказий телевидениенинг собик шарҳловчиси, дипломат, КПСС Марказий Комитетида консультант бўлиб фаолият кўрсатган, икки Бош секретарь – Брежнев билан Андроповнинг энг яқин ёрдамчиси бўлиб хизмат қилган Александр Бовин хотирасига бағишланган кўрсатув берилаётган эди. Телеэкрандан турли йиллар фотосуратлари ва лавҳалари бирма-бир утиб турарди...

Ана, катта байрам дастурхони атрофида Юрий Владимирович Андропов, унги томонида Алиев, чап томонида Громико ва Горбачев... Чамаси, кўнгил ёзар ҳазил-мутойиба булган шекилли, Ҳайдар Алиев билан Юрий Владимирович қаҳ-қаҳ отиб кулишяпти; доимо қовоғи солиқ Громиконинг ҳам лабида ним табассум; Совет Иттифоқи ташқи ишлар министрини Ғарбагилар жавоб «Йук» деб аташарди. Горбачевнинг ҳам юзига кулгу югурган; у ҳали Сиёсий бюронинг «оддийгина» аъзоси эди, КПССнинг иккинчи кишисига айланмаганди. Брежнев вафотидан сўнг Михаил Сергеевичнинг ҳасадини орттириб, Константин Устинович Черненкони КПССнинг иккинчи одами этиб белгилашган эди.

2004 йил апрелининг шу кунлари чех рузномалари Катта Европа ҳақида ютоқиб ёзишга тугинганди: Чехия ва яна тўққиз мамлакат 1 майдан бошлаб Европа Иттифоқига аъзо булади. «Энди биз, – деб ёзади «Днес» рузномаси (аввал у «Млада франта» номи билан маълум ва машҳур эди) ўз газетхонларига ҳисобот бераркан, – 455 миллионга етдик, худудимиз 3,9 миллион квадрат километр, 25 давлатмиз...»

Карлови Вари узра роппа-роса тунги соат ун иккида салют садоси янгради; ранго-ранг ёркин мушаклардан осмон ярақлаб кетганди. Чехия байрам нашидасини суради. Литва, Латвия, Эстония, Словения... тантаналар оғушида эланарди. Европа чегараларни сидириб ташлаётган эди. Ёки, янаям аниқроқ айтганда, ўз худудларини Шарққа томон суриб бораётганди.

Дунёнинг янги сиёсий харитасида энди социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари йук; Варшава Шартномаси ва Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо давлатлар номи ҳам кўринмайди; XX асрнинг 80-йилларига келиб жаҳон буйича ишлаб чиқаришнинг бешдан бир улуши унинг зиммасига тушган эди. Ушбу харитада Европа Иттифоқининг 25 давлати кўрсатилган; бир пайтлар Совет Иттифоқини ташқил этган янги давлатлар ҳам ушбу харитада қайд этилганди. Уларнинг сафида Озарбайжон ҳам бор эди.

Икки минг йил бурун бир донишманд: ўзгаришлар даврида яшашдан худо асрасин, деган экан. Бу ожиз бир банданинг кушойишини ҳамма даврларда ҳам тушуниш мумкин. У ўз

бошпанасига – фанза<sup>1</sup>, изба<sup>2</sup>, сакля<sup>3</sup>, хатасига<sup>4</sup> бикиниб, бурон-қасиргалар утиб кетишини кутишни истарди.

Табиатда бурон бошланишининг кўплаб аломатлари бор, буни ҳийла синчков одам дарров пайқайди. Айтайлик, қаттик жала куйишидан олдин кукка куюқ чағ-тузон кутарилади. Катта сиёсатда ҳам шундай, лекин бу соҳада чакмоғу момақалдирик босиб келаётганини олдиндан пайкаш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди...

Андропов, Громико, Алиев, Горбачевлар акс эттирилган телетасвир 1982 йил ноябридан аввал ҳам, Юрий Владимирович оғир бетоб бўлиб етиб қолган 1983 йил охиридан кейин ҳам суратга туширилмаган. Қарангки, ушбу намоёиш этилган кадрларни 2004 йилнинг айван апрель кунларида кўлингиздаги китоб муаллифларидан бири ҳам кўрган, унга диққатини қаратган экан.

Кўпинча, тарих шартлиликни билмайди, дейишади. Лекин, ушбу ҳолат ҳам воқеалар ривожини кўрсатувчи у ёки бу сценарийларни олдиндан ҳисобга олишга монелик қилмайди. Агар шундай бўлса... Иттифокнинг ҳоли не кечарди. Тахминлар, тусмоллар кўп бўлса-да, умумий хулоса бятта – Совет Иттифоки муқаррар ҳалокатга маҳкум этилмаган эди.

Америка Қўшма Штатларининг СССРдаги элчиси Жек Мэтлокнинг «Деловой вторник» ҳафталиги 2005 йил 5 июль сонисида чоп этилган интервьюсидаги нуфузли мулоҳазалар ғоят эътиборли: «Ҳақиқат ҳақиқатлигича қолади: коммунистик тузумнинг путурдан кетиши ва емирилиши Ғарбдан кўрсатилган босим туфайли эмас, балки Горбачев ислохотлари натижасида содир бўлди. Улар муваффақиятли амалга оширилган тақдирда СССР ҳалокатдан омон қоларди. Совет Иттифокининг емирилиши «совук уруш» сиёсатининг муқаррар меваси ёки Ғарбда олиб борилган қандайдир ҳаракатларнинг самараси эмас».

Албатта, бунда жаноб Мэтлок камтарона баҳолаётган «Ғарбнинг ҳаракатлари» муҳим роль уйнади. Ва лекин, сидқидилдан эътироф этиш жоизки, ислохотлар оқилона олиб борилганда, жамиятнинг тараққиёт тамойиллари зукко ҳисобга олинганда бизнинг Иттифок янгиланган ҳолатда янада камол топиши мумкин эди. Аммо, минг афсуски, ақидапараст кишилар давлат тепасига келиб, мустаҳкам ўрнашиб қолган, улар учун ҳаётда пупанак боғлаган қонун-қондаларга қур-қурона эргashiш, амал қилиш эътиқодга айланган эди. Горбачев КПССнинг Бош секретари бўлгач, жамиятга, мамлакатга қайта қуриш, янги-ланиш ва жадаллашишни ваъда қилди. Мамлакатнинг бепоён

<sup>1</sup> Фанза – хитой деҳқонларининг уйи.

<sup>2</sup> Изба – егочдан тикланган қишлоқ уйи.

<sup>3</sup> Сакля – Кавказда тоғлилар уйи.

<sup>4</sup> Хата – қишлоқ уйи – (таржимон изоҳлари).



худудлари унга торлик қилиб қолди. У ўта такаббурлик билан ўзининг (?) янгича тафаккур концепциясини нафақат Совет Иттифокига, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига, балки бутун дунёга тикиштиришга тутинди. У хою ҳаваслар оғушида купириб-тошиб юрган бир паллада мамлакат ичкарасидаги аҳвол тобора оғирлашиб борарди. Йўлбошчи нимага қўл урмасин, вайсақиликдан нарига ўтмас, кимда-ким эътироз билдиришга журъат этса, шу заҳоти рад жавобини оларди.

«Қайта қуриш» атамаси қўлланила бошлаганда, бу – «халокатга мук кетиш» дегандим, – хотираларга берилади файласуф, ёзувчи Александр Зиновьев журналист Виктор Кожемяко билан суҳбатда. – 1988 йилдаёқ «Горбачевизм» деган китобим босилиб чиқди». Илова сифатида айтиш жоизки, китоб Германияда нашр этилган эди; партия зуғуми буюк олимни шу юртга сургун қилганди. Орадан кўп йиллар ўтгач, у она Ватанга қайғиб келди. «Ғарбдаги чиқишларимдан бирида, – дея хотирлашда давом этади Александр Александрович, – совет тузумининг энг қалтис, заиф жойига тегишли бир савол беришди. Унга жавоб қайтарарканман, энг муस्ताҳкам деб ҳисоблангувчи партия аппарати, аслида, энг ожиз, илвиллаган совет тизимидир, дегандим. Ушанда залда енгил кулги кўтарилди. Партия аппарати деганим, – давом эттирдим мен, бу – КПСС Марказий Комитетидир. – Кулги янада кучайди. Фикримни давом эттираман. – КПСС Марказий Комитетида – Сиёсий бюро бор, унинг эса Бош секретари бор. Ярим йилга борар-бормас у мамлакатни буткул барбод қилиши мумкин». Ҳаммаси айтганимдек бўлиб чиқди! Лекин ўша пайтда уларнинг кўз остига олган ўз одами борлигини қаёқдан ҳам билибман. Уни шошмасдан вояга етказишган экан» («Правда», 2005, 18 август).

Техни ўткир, заковатли сиёсатдонлар англашдики, Ҳайдар Алиевич Алиевни ҳам, шубҳасиз, улкан бошқариш тажрибаси, одамлар дилидаги ҳис-туйғулар эврилишини ўта нозик ҳис қилиши ва ўткир сиёсий идрокига кўра ана шундай нуқтадон шахс деб билишганди. Лекин «жараён жойидан силжиган эди» (М. Горбачев ибораси). Уридан қўзғалган ушбу жараён иттифок давлати парчаланишига олиб келарди. Шу орада, Россия узиб юбориши лозим бўлган «вагончалар» хусусидаги гап-сузлар пайдо бўлди. Бу – қардош республикалар тўғрисидаги, бир давлатда, бир осмон остида турли халқлар билан юз, икки юз, уч юз йил ва ундан ҳам кўпроқ иноқ яшаб келаётган руслар, россияликлар ҳақидаги гаплар эди. Мамлакатни бўлинишга даъват этувчи сиёсатчилар ҳар қандай мамлакатда судга тортилади. Совет Иттифокида эса ёлғон ғоялардан мияси қарахт оломон арзанда сиёсатчисини бошига кўтарарди.

Қардош республикаларда сепаратизм<sup>1</sup> кайфияти авж ола бошлади. Бир томондан, ҳокимият, мол-мулк илинжидаги маҳаллий элита уларнинг қултиғига сув пуркай бошлади. Иккинчи томондан, туғриси айтиш керак, миллий манфаатлари озор чеккан гуруҳлар ҳам ошқора ҳаракатга ундар эди. Республикаларнинг ўз байроғи, мадҳияси, конституцияси бор бўлса-да, аслида, ниҳоятда чекланган мустақилликка эга эдилар. Кадрларни гайинлаш масаласи олтин гумбаз остида ҳал қилинарди. У ерда ҳушига келганларни муқофотлашар, истаганча амалдан гушириб, амалга кутаришар, кимларнидир дорга тортишар, кимларнидир афв этишарди. Қўқисдан маълум бўлдики, олтин гумбазнинг инон-ихтиёридан ташқарида ҳам нималарнидир ҳал этиш мумкин экан. Лекин, айнан нималарни? Москва жиловни қанчалик бўш қуяр экан? Яна жиловни ўз қўлига олмайди, деб ким айта олади?

Ҳокимиятни эгаллаш учун курашга гурли хил кучлар чоғланди: улар орасида чет эллик валинеъматлари мурувватидан баҳраманд бўлганлар ҳам, турфа кингир йўллар билан маблағ орттирганлар ҳам бор эди. Бу ҳол ҳар бир иттифоқдош республикада ўзига хос тарзда кечди: Молдавия ёки Грузияда дейсизми, Украина ёки Озарбайжонда дейсизми – ҳар бирида ушбу жараённинг қуриниши ўзгача эди... Албатта, бу борада тарихий, ижтимоий, ташқи сиёсий ва ҳоказо куплаб омилларнинг ҳам фаол таъсири бўлди. Чунотчи, Молдавияда Руминия таъсир доираларининг фаоллиги яққол кузга ташланиб турарди. Литвада эса, русларга муҳолифатдаги «Саюдис» мамлакатдаги барча паст-баланд ишларни бошқарарди. Украинада алданган, лақиллатилган шахтёрлар, меҳнат жабҳасида тобланган гвардия зулмкор совет ҳокимиятини ағдарсин, деган маънода, сиёсат майдонига – курашлар бухронига ташланган эди. Озарбайжонда Москванинг буйруғига биноан, ўзи она юртида бўлмаса-да, Алиев билан орани очик қилишга тутинишди. Бошқача айтганда, у Ватанига ҳали етиб келишга улгурмаган эди. Мамлакатда оғир турғунлик ҳукм сурарди.

Шахснинг тарихдаги урни, шахс ва ҳокимият барча замонларда одамлар фикри-зикрини банд этган масалалар сирасидандир. Бир пайтлар тахтга утирган подшоҳнинг пешонасига черковда «муқаддас» мой суртиш маросими ўтказилар эди; шахслар тақдирига қизиқиш тор манфаатпарасглик қизиқишларидан иборат эмас. Йўлбошчи-раҳбарларнинг қўпчилиқ нигоҳидан яширин шахсий ҳаётига даҳлддор айрим факт-маълумотларни ойдинлаштиришга ҳам ўхшамайди. Ле-

<sup>1</sup> *Сепаратизм* – қўпчиликдан ажралишга интилиш; миллатларнинг ажралиб чиқиб, мустақил давлат тузишга қаратилган ҳаракати.

кин, кўпинча, айрим раҳбарларга тақдир «ёзигини ўқиш» осон кечади ва улар шароит туфайли туғилган туганокларни барта-раф этиб, Буюк Пётр, Франклин Рузвельт, Отатурк, Сталин, Черчилль, Ганди, де Голль сингари ўз мамлакати ва халқини юксакларга кўтаришга эришишади.

У ҳолда нега, серғулув сел ихтиёрсиз хас-хашакларни ҳам оқибат келгани сингари, бир хил воқеа-ҳодисалар бошқача оқибатларга олиб келади? Шундай пайтларда Россия императори Николай II, австрияликларнинг Франц-Иосифи, германларнинг Вильгельми, СССРнинг биринчи ва охири Президенти Михаил Горбачев салтанатдан мосуво бўлганидек, бошлар тождан маҳрум бўлади...

Ҳайдар Алиев ун тўрт йил мобайнида Озарбайжон Коммунистик партияси Марказий Комитетига бош бўлди. Совет даври йуриғи буйича айтганда, республикага етакчилик қилди. Беш йил бадалида совет ҳукуматининг иккинчи кишиси бўлди; КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ҳам эди. Совет асридан кейинги мустақил Озарбайжоннинг юзага келиши, тараққиёти Ҳайдар Алиев номи билан боғлиқ. Мамлакатни ўн йилдан ортик ҳормай-толмай бошқарди. Унинг ҳукумат тепасига келиши генерал де Голлнинг ўзлигини йўқотаёзган Франция ҳукуматига қайтишини эслатади. Бу икки тарихий шахсни бир-бирига қиёслаш шуни курсатадики, гарчанд улар ўзгача сиёсий муҳитда ва фарқли шароитда фаолият кўрсагишган эса-да, муштарак бир жиҳат, бош хусусият уларни яқинлаштиради, бирлаштиради: бу – мамлакат манфаатларини ҳар нарсадан устун қўйишда, бош вазифа этиб белгилашда намоён бўлади. Дарвоқе, 1999 йил март ойида, айнан Алиев курсатмасига биноан, 1944 йили генерал де Голль қўниб ўтган уйга хотира тахтчаси урнатилди. Нефтчилар шохқучасидаги амбир<sup>1</sup> композицияли бу улуғвор бивони боқуликлар яхши билишади; унинг ортида машҳур Кизлар минораси қад ростлаб турибди; у XII асрнинг ноёб архитектура ёдгорлиги ҳисобланади. Даврлар шу тахлит ёнма-ён ўтиб, бир-бирига ўхшаб кетаркан.

Қатга истеъдод ва мустаҳкам ирода – Алиев шахсиятини музайян қилган устувор фазилят. Фейлида узига нисбатан беҳад талабчанлик, уюшқоқлик бўртиб туради. Бир одамнинг дил асрорини тушунган каби, кўпчиликнинг кўнглини била олиш ҳам ноёб салоҳиятдир; зеро, ана шу кўпчиликни «халқ», «миллат» тушунчалари бирлаштириб туради. Улкан сиёсатчининг пайғамбарона узоқни кўра билиши билан қўмондонлик жасорати Ҳайдар Алиев шахсида бирдек мужассам эди. Яна теран билимдонлик, табиат инъом этган нозик эстетик туйғу

<sup>1</sup> Амбир - архитектурада, бино ва уй жиҳозларини нақшлар билан безашда ва, умуман, санъатда зийнат бериш усули.

ҳам унинг ноёб хислатларидан; олийжаноблик, кунгилчанлик ва кек сақламаслик ҳам нурпош фазилатларидан эди. Билиб-билмай беғараз янглишган одамларни кечирарди, лекин нодон, жоҳил, ғаразгуй, тамағирлар ундан омонлик кутмас, шафқат-мурувватига умид боғламас эди.

Туғилганда унга Ҳайдар исмини беришди. У Йулбошчи, Етакчи маъноларни билдиради. Куйида унинг болалиги, камолот фасллари, жонажон Нахичеван орқали оламни ўзича кашф этганлиги, Озарбайжон елкаси оша дунёни таниганлиги хусусида ҳикоя қиламиз; Каспий денгизидан пурвиқор тоғлар қадар – Совет Иттифоқи деб аталган бепоён мамлакатда қай тариқа сиёсатчи, давлат арбоби, миллат йулбошчиси, халқ раҳнамосига айланганлиги туғрисида фикр юритамиз.

## «МЕН НАХИЧЕВАНДА ТАВАЛЛУД ТОПДИМ...»

1923 йил 10 май, Нахичеван

«Мен, Алиев Ҳайдар Али Рза ўғли, – деб ёзган эди у таржимаи ҳолида, – 1923 йил 10 майда Нахичеванда таваллуд топдим...» Боку, Ленинград ёки Москвадами, қачон ушбу сўзларни истифода этмасин, ҳар гал кўз ўнгида Аракс дарёси бўйидаги кўнгли ҳамиша очик, гинч ва осуда шаҳар пурвиқор қаддиқомати билан гавдаланади. Асрлардан асрларга ўтиб, минг йиллар оша яшаб келаётган ушбу шаҳарнинг май кунлари мачит гумбазлари узра нилий жилоларда жилваланган баҳор осмони сингари масъуд ва масрур кечади. Эндигина кўз очиб, дунё ганиётган гудак ота-онасини суюнтириб, фараҳли умидларда сел қилгани сингари, Нахичеваннинг май кунлари ҳам шунақа нурафшон бўлади.

Шундай осуда баҳор кунларидан бирида Али ва Иззат хоним Алиевлар хонадонини нурга тўлдириб, тўртинчи фарзанд дунёга келди. Уни суюб-ардоқлаб, Ҳайдар деб исм қўйишди. Иззат хоним акасининг руҳини шод этиб, ёрқин хотирасини алқаб, исмини янги чақалоққа беришди. У йигирма уч ёшида қувғинга учраган озарбайжонликлар билан Зангизур тоғидан олиб ўтиш маҳали фожиали ҳалок бўлган эди. Катта Ҳайдар жигарлари кўнглида йигирма уч ёшлигича қолган... Орадан йиллар ўтгач, Алиевлар оиласида Айюб Аббосовнинг «Зангизур» романи қўлма-қўл бўлиб ўқилди. Икки жилдли қалин китобни ўқиб тугатгач, романдаги воқеалар юрагини ўртаб юборганини, уларни бир пайтлар онасидан эшитганини Шафиқа акаларига сўзлаб берди.

– Ҳақ гапни айтгансан, Шафиқа, – деганди ўшанда Ҳасан. – Ушбу китобни ёзган киши халқ бошига тушган қувғинлик азоб-уқубатларини ниҳоятда ҳаққоний кўрсата олган.

«Андроник Узуняннинг аскарлари кишлоққа қўйи томондан кириб келишди. Қоя этагидаги бир нечта уйдан қуюқ тутун кўкка ўрлади. Ловуллаган аланга зумда уйларни буткул чирмади. Жўмард ҳамкишлоқларидан қўлга ялинган, ўзларига зарур нарсаларни олиб, тезроқ тоғ-тошларга чиқиб кетишни талаб қиларди.

Қурқув аралаш кичкириклар, аёллар фарёди, болалар йиғиси қишлоқни тутиб кетган эди. Зангизур тупроғи узра кўпчиган фожиа-қирғинга, ҳатто, тоғ-тош, қоялар ҳам бефарқ қараб гурулмади. Уридан қузгалгандек, ғазабидан силкин-гандек бўлди. Чавандозлар, юк ортилган эшаклар, қурқувдан шаталоқ отган буқалару сизирлар ҳаммаси айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Қишлоқда ёлғиз ақл-хушидан ажралгудек гарангсиган, тинка-мадори қуриган, уйдан булак жойда кун қуришни ҳаё-лига ҳам келтиролмайдиган мажолсиз кексалар қолишган эди».

Бу - бадиий адабиётга кўчиб ўтган воқеликнинг бир парча-си. Аслида эса, Елизаветполь губерниясига қарашли Зангизур уездида<sup>1</sup> XX аср бошларида 326 қишлоқ бор эди. Ушша пайтда руслар билан арманлар қўшнилари «озарбайжон татарлари» деб атаган озарбайжонлар, қурдлар пахта стиштиришар, кир-адирларда қўй-қўзи, пода боқишарди; руслар билан арманлар ўз эҳромларида ибодат қилишарди; сунний ва шиалар эса мачитларида намозларини ўқишарди... Баракотли бу ўлкада ҳамма нарса маъмур. қутли-фаровон эди; сахий боғ-роғларда олмаю ўрик, шафтолию нок - турфа мевалар пишиб ётар, тўкин-сочинлик ҳукм суларди; кўм-кўк адирлару ўтлоқларда гала-гала сурувлар, тўп-тўп подалар ўтлаб юрарди. Ҳисоб-китобни яхши кўрадиган солномачи ушша пайтда қўйидаги маълумотларни қайд этиб кетган экан: ўтган аср бошларида Зангизур уездида яшаган 123 минг 997 кишига 83 минг бош қорамол, 83 минг 400 қўй-қўзи, 4 минг эчки тўғри келар экан... Ипакчилик аста-секин ривожлана бошлаган, мис қазиб олиш ва эритиш ҳам йўлга қўйилган экан.

Бу ўлкада ҳаммага барча нарса етарли эди, бироқ тинч-тотув яшаётган халқлар орасига миллий адоват тўйғуси солиндию, икки ўртадаги қаҳр алангасидан қўшнилар юз қўрмас ёв бўлиб қолишди.

Бошидан ўтган аччиқ кечмиш Иззат хоним кўнглида бир умрга қора доғ бўлиб қолди. У ўзининг қайғу-ҳасратларини фарзандларидан қанчалик яширмасин, барибир, синчков қизлари онасининг бир чеккада яширинча йиғлаб олишини пайқашган эди (қизлар, аслида, ўғил болаларга қараганда зийракроқ бўлишди).

Агар, Нахичеванда гўзалларнинг кўрик-танловини ўтказишганда эди, Иззат хоним шак-шубҳасиз маликалар сарвари унвонини олган буларди. Лекин бу ўлкада қабул қилинган аёлларнинг тавфиқлилиги, такводорлик расм-русумлари бу хил эркинликларни «ҳазм» қилолмас, унга йўл ҳам бермасди. Иззат хоним ота-онаси Жафаргули билан Сорабегим, уларнинг ота-боболари, момолари сингари такводор эди; Қуръони қарим

<sup>1</sup> Уезд - Қадимги Русда шаҳарга боғлиқ бўлган округлар ва волостлар, туман. Чор Россиясида районлаштиришдан илгари маъмурий-ҳудудий бўлинишнинг номи.

амрларини бажо келтириб яшарди: «Яна, билиб кўйингизки, Оллоҳ такволилар билан биргадир»<sup>1</sup>.

Уйда онасининг дуррасиз, бошланг юрганлигини ҳатто ўғиллари ҳам кўришмаган эди.

Бир куни Шафика хонада онасининг сочини тараётган эди. Кимдир эшикни тақиллатди. «Ҳайдар шекилли, кайтган бўлса керак», – дедию, Иззат хоним шошилтиб бошига суюкли келгайини ташлади.

Катта оилаларда расм бўлганидек, Русда ҳам, Украинада ҳам, Озарбайжонда ҳам уй юмушлари аёллар зиммасига юкланарди. Отаси Боку нефть тармоқларидаги хизматидан бушагач, темир йўлда ишлаётган эди.

Ҳайдар туғилган куни Алирза Алиевнинг эски кадрони, паровоз машинисти кулоқларни батанг келтириб, темир машинаси – паровозни чинкиртириб гудок чалганча қутлаган эди. Қутлуғ аънаанага кўра, яқинларини палов ва шарбат билан меҳмон қилишди.

Чакалокнинг жарангдор чинкириғи катта ҳовлини бошига кўтаргунга қадар Ҳасан-Ҳусайн акаси билан опаси Сура дунёга келганди. Кейин, Оллоҳнинг иродаси билан яна тўрт фарзанд кўришди: Оқил, Жалол, Шафика ва Рафика. Ҳаммаси бўлиб оилада беш ўғил, уч қиз фарзанд бор эди.

## Тарихнинг бир куни

1923 йил 10 май... Ушша куни курраи заминда, Совет Социалистик Республикалар Иттифоқида, Озарбайжонда қандай воқеалар содир бўлганди? Боку ва Нахичеван газеталарини бирров варақлаб кўрайликчи, нималарни ёзишган экан?

Германия замини ишчилар намоёнлидани ларзага келаятган эди. Совет Иттифоқи касаба уюшмалари «Рур ҳавзасида иш ташлаган ишчиларга 500000 миңг пуд ун юбориб ёрдам кўрсатиш»га даъват этади. Боку нефтчилари Донбасс кончиларига дастлабки нажот эшелонларини жўнатишга чоғланишган. «Биз, СССР меҳнатқашлари, – деб ёзишганди улар, – сафдошларимиз бошига кулфат тушганда ёрдам кўрсатмасдан бир чеккада гомошабин бўлиб туролмаймиз».

Америкаликлар рус октвардиячиларининг Америка Қўшма Штатларига киришига қарши норозилик билдиришяпти. Москва «профессор Тимирязев хотирасини ёд этмоқда». Бутун Совет Иттифоқи буйлаб «ҳаво флотини кучайтириш» учун ёрдам пули йиғиляпти. Бокудаги хусусий бичиш-тикиш устаноналари ишчилари 22 миллион 280 миңг сўм қоғоз пул топ-

<sup>1</sup> Қуръони карим. Маъноларининг таржимаси. Тавба сураси. 36-оят. Т., 2001. (Таржимон ва изохлар муаллифи Абдулазиз Мансур.)

ширишди (миллионлар – «лимон»лар муомалада эди. Ҳисобчи Алексей Маркович ҳамёндан 16 миллиард сўм купюрани<sup>1</sup> шилиб олинди; Зейба Мамад кизи квартирасидан 45 миллиард сўмлик уй жиҳозлари мусодара қилинди; миллионер-миллиардер фуқароларимиз шу тарих тарихга кириб қоладиган бўлишди). Яна ҳаво флоти тўғрисида – беш сўмлик киймагга эга бўлган учта облигацияни топширгани учун Цибельман, Эйдельштейн ва Оганезовларга кўндан-кўп раҳмат; Азизбеков номли шифохона ячейкаси ҳам ана шундай облигациядан биттасини топширди. Йил охирига бориб Совет Озарбайжони жумҳуриятда янги қилинган маблағ ҳисобига бунёд этилган иккита самолётни авиаторларга топширди. Улардан бирига «Қизил Боку», иккинчисига ҳалок бўлган Боку комиссарлари хотирасини ёд этиб «26» номи берилди; йигирма олти Боку комиссари орасида ёвқур ва жасур Мешади Азизбеков ҳам бор эди.

Мешади Азизбеков ва унинг кадрдонларини инглизлар 1918 йил сентябрида Каспий орти биёбонида отиб ташлашган эди. «26» самолёти кўкка кўтарилганда ҳалок бўлган комиссарларга атаб Бокуда хотира ёдгорлиги ўрнатилди; ёдгорлик таникли архитекторлар Якулов ва Шчуко лойиҳаси асосида яратилган эди. Владимир Алексеевич Шчуко В.И. Ленин номли СССР кутубхонасининг янги биноси лойиҳасини яратганлиги билан ҳам маълум ва машҳурдир. «Бакинский рабочий» газетаси Сергей Есениннинг «Йигирма олтилар ҳақида баллада»сини босиб чиқарди. С. Есенин ушбу асарини олийжаноб дўстига бағишлаган эди: «Гузал санъаткор Г. Якуловга муҳаббат билан» деган бағишлов битилганди. Ҳаётда уларни бир-бирига боғлаб турган жиҳатлар кўп эди.

Москвада «Большая Садовая» ҳалка йўлидаги 10-уй хонадонларидан бирида машҳур архитектор Георгий Якулов истикомат қиларди; шу хонадонда ўтган йиллардан бирида Сергей Есенин мафтункор раққоса Айседора Дункан билан танишганди. Яна шу уйдаги хонадонлардан бирида Ленинга ўқузган Фанна Каплан ҳам яшарди. Михаил Булгаков бир пайтлар ана шу коммунал уйдан бошпана топганди; у «Гудок» газетасида мухбир бўлиб ишлар, узок тунлари мук тушиб «Ок гвардия» романини ёзиб чиқарди.

Ҳаётда жуда кўп воқеалар бир-бири билан чагишиб, чирмашиб кетган; тарих калавасини истаганча чуваш мумкин. Шу боис, фақат бир нарсани айтиб ўтамиз; Боку Есенин учун ҳам, Якулов учун ҳам ижодларининг янги саҳифаси бўлиб қолди. Келинг, 1923 йилги газета таҳлавларига қайтайлик...

...Боку совет-партия мактабининг бир юз ўн курсанти, «ишчи-деҳқонлар орасига кириб бориб, синфий онгни эгаллаб,

<sup>1</sup> Купюра – заём ва бошқа қимматбаҳо қоғозларининг алоҳида булаклари, айрим облигацияси.



минг-минглаб меҳнаткашларни саводхон қилиш» учун марксизм асосларини пухта эгаллашга киришган эди.

Фабрика- завод район коммунистик партия комитетлари (бошқа партиялар йук бўлиб кетганди) партия сафларига қабул қилинаётган аъзолар рўйхатини матбуотда эълон қилиб борарди; номлари курсатилётганларга нисбатан кимнинг эътирози булса, рад этувчи маълумотларни район партия комитетига юборишни сурарди. Рўйхат катта булмаганлиги боис уни тўлиқ келтириш мумкин:

«Партия аъзоси номзодлигига қабул қилинувчи ўртоқлар: Казаков Г.П. – Шмидт заводи ячейкасидан, Красноярская Л.Г. – механика устахонаси ячейкасидан, Захаров И.О. – Озарбайжон нефть корхоналари қурилиши бўлимидан, Федотов М.Ф., Фатонов С.И., Залин В.Т. – «Пролетарий» ячейкасидан, Акопов А.А., Филатов Д.Т., Хачиянц С.Г., Степин К.И. – Озарбайжон нефтининг Черногород булинмаси ячейкасидан. Каспаров И.Г., Муратов А.А. – 2-арқон фабрикасидан. Жафар Ғазанфар Абулфайз – Аҳмадий кишлоғи ячейкасидан...»

1922 йил декабрда Озарбайжон Халқ маорифи комиссарлиги билан Россия Федерацияси Халқ маорифи комиссарлиги ўртасида тузилган ҳамкорлик битими нечоғлиқ зарур ва самарали эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлайди. Москва, у пайтда номи ҳали Ленинград деб алмапгирилмаган Петроград ва Совет Россиясининг бошқа университет марказлари асбоб-ускуналар, китоблар, илмий кадрларни Озарбайжон институтлари билан баҳам кўра бошлади.

Озарбайжоннинг дастлабки олий ўқув юрглари – университет ҳамда политехника институти кафедралари асосан рус олимларидан таркиб топа бошлади.

1923 йилнинг ўзида айнан шу рус зиётилارининг фаол иштирокида Озарбайжонни атрофлича ўрганиш ва тадқиқотлар ўтказиш жамияти юзага келди.

Орадан олти йил ўтгач, унинг негизида Давлат илмий-тадқиқот институти ташкил этилди ва у Озарбайжонда академик фанлар ибтидоси бўлиб қолди.

Озарбайжон Халқ маорифи комиссарлиги, Ички ишлар халқ комиссари уринбосари ва Юстиция халқ комиссари Халқ Комиссарлари Советининг 1923 йил 22 апрелда қабул қилган қарорига асосан тайёрланган йуриқномага имзо чекди. Унда: «Озарбайжон матбуот сирларини саклаш Давлат комитети ҳузуридаги репертуар гуруҳининг ижозатсиз бирон-бир асарни нашр этиш ёки намойиш қилиш ман қилинади», – дейилади.

Концерт, спектакль афишалари боқуликларни ҳарбий денгизчилар (собик Пель-Мюль) театрида намойиш этилаётган «Гусар муҳаббатига» пьесасини қуришга, «Сатир Агит» номли Давлат эркин театрида «ростовлик арман артистла-

чўғ учсин, кулга айлансин», деб қарғаганда, ойимнинг дили оғриб, у билан бошқа гаплашмай қўйганди.

Онанинг қўлаб хислат-фазилатлари дастлаб қизларига ўтади, дейишади. Лекин, ўғил болалар ҳам бундан бебахра қолмас экан. Ҳайдар Алирза ўғли юрагига энгил-бошни ораста тутиш, юксак дид ва покдомонлик ана шу ота макон, она уйда инган, вужудига сингган нурли жиҳатлардир.

Совет ҳокимиятининг тўртинчи йили бошқа жумҳуриятларга қараганда Озарбайжонга анча кечикиб келди. Нахичеванда янги ҳаёт белгилари аста-секин куз оча бошлади. Мўмина хотун («Юқори мартабали бекач ойим») мақбараси ёнида болалар боғчаси очилди; онланинг тўнғичи Ҳасан укаси Ҳайдарни етаклаб, шу боғчага олиб борадиган бўлди. Кейинроқ, гали келгач, Ҳайдар ҳам укаси Жалол билан синглисини шу боғчага олиб бориб, олиб келарди. Буюк меъмор Ажамий Нахичеваний отабек Муҳаммад Жаҳон Паҳлавоннинг аёли қабри устида мислсиз обида бунёд этганидан буён ҳам саккиз ярим асрдан олти вақт ўтибди. Унинг деворлари тарихий воқеа-ҳодисаларни кўравериш, эшитавериш, кўникиш кетганидан эндиликда ҳеч нарсага хайратланмай қўйганди.

Ҳайдар вояга етаркан, синфдошлари билан шу мақбарага тез-тез келишни ёқтирар, кўкка бўй чўзган гумбазларни бутун улғуворлиги билан қоғозга туширишга интиларди. Нахичеван бутунлай жонли тарихнинг ўзи эди. Ажамий томонидан бунёд этилган яна бир обида – машҳур Юсуф ибн Қусейр мақбарасини айтмайсизми. Аракс дарёси узра қурилган, у ёғида Эрон худудлари бошланиб кетган хайбатли кўприк, кўп асрлик қарвонсаройларнинг қолдиқлари, олмон ишчиларининг йўлбошчиси номи билан юритиладиган Тельман клуби... Йиллар ўтиб, юртидан анча олисда, қайта таъмирланган ибодатхонага кираверишда ўз номи битилган пешлавҳа ўрнатилишини Эрнест Тельман кўнглининг кўчасига ҳам келтирмаган бўлса керак (Мюнхен ва Гамбургда бўлиб ўтган намоёнлар акс садоси олис озар тупроғига ҳам етиб келганлигини қаранг; «Урушнинг уйи қўйсин», «Фронгга йўл йўқ» деган шиорлар тутилган мушг бўлиб ифодаланган эди). Яна Нахичеванда Пионерлар уйи очилди: Ҳайдар Алиевнинг акаси, Миллий фанлар академиясининг муҳбир аъзоси, атоқли иқтисодчи олим Оқил Алирза ўғли буни ҳали ҳануз илиқлик билан эслайди: «Пионерлар уйида ҳамма нарса жуда яхши ташкил этилган эди. Мақтабда дарслар тугагач, уйга қайтардигу ўша ёққа ошиқардик, кизикарли машғулотлар кўп эди-да».

Ҳайдар Алиев шахсиятини безаган миллат тарихи – мозийга, маданиятга, меъморчиликка, театр санъатига бўлган сўнмас муҳаббат ва қизикиш ана шу унинг-ўсган, қамол топган она замона, муҳитда шаклланган, кўнглига чўғ бўлиб қадалган эди.

Ҳасан – Алиевлар оиласининг тунгичи эди; табиатнинг асл ошиғи, теварак-атрофдаги хушманзара жойларда сайр қилишни жон-дилидан севарди. «Табиатнинг мафтункор сайёҳи», гузалликнинг «фидойи ошиғи» десак, Ҳасан Алирза угли табиатини бир қадар очган бўламиз. Алиевлар хонадонининг тунгичи кунлидаги табиатга бўлган романтик меҳр илм-фанга нисбатан оташин муҳаббат билан уйғунлашиб кетганди. Кейинчалик у Қишлоқ хўжалик академиясини тугатди, донгдор олим бўлиб эл-юртга танилди, партия Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалиғи буйича секретари бўлиб, партия ходими сифатида фаолият юритди. Унинг фидойи хизматларини, олийжаноб фазилатларини Озарбайжонда катта ҳурмат билан эшлашди.

Алиевлар оиласида табиий фанлар билан ижтимоий-гуманитар фанлар мутахассислиғи тенг бўлинган эди. Ҳусайн болалик йилларидан бошлаб расм чизишни яхши қурарди. Болалик орзулари уни Ленинграддаги И.Е. Репин номли тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик институтига олиб келди. Умрининг охиригача у мольбертидан<sup>1</sup> айру тушмади. Сура журналистиқани танлади; Оқил – иқтисодчи сифатида эътироф этилди; ишбилармон доиралардаю илм-фанда катта довруғ қозонди. Жалол эса донгдор биолог, Озарбайжон Миллий фанлар академиясининг академиғи бўлди. У буғдойнинг янги навларини яратиб, истеъмолга олиб кирди, Шафика билан Рафика педагог бўлиб етишишди.

Ҳайдар ҳам, Ҳусайн сингари, санъатнинг мухлиси эди. Тенгдошлари хотирлашича, у қуп ва хўп суратлар чизар, мактаб саҳнасида қўйилажак пьесаларни безатар, театрни эса жон-дилидан суярди.

Ҳайдар ва унинг ака-укалари қузи унгида Нахичеван осмон остида ястанган улкан очик музей сифатида намоён бўларди. Болалик майллари ва қизикишлари уларни қадимғи мағораларга, ям-яшил қир-адирларга, дўнгликларга етаклар, у ердан асрлардан асрларга ўтиб келаётган сополақларни топиб келишарди. Найза учи она юртни ёғийлар ҳужумидан ҳимоя қилган баҳодирлардан ҳикоя сўйлаётгандек бўларди. Яна кўҳна тарих қаъридан Мидия – Атропатена ҳақида хабарлар келтиргандек бўларди. Бу – бутунғи Озарбайжоннинг илм-фанга маълум қадимий номларидан бири.

Йиллар ўтиб, унинг номи турли хил ўзгаришларни, эврилипшларни бошдан кечирганлиғини тарих муаллими техникум талабаларига тушунтиришга тутинди: хусусан, қадимғи форсийларда кўҳна «Одар-бадагон» деган бир ибора бўлган экан; араблар «Одарбайжон» ва «Озарбайжон» деб атаб келган. Бу – «Оловлар ўлкаси», деган маънони билдиради.

<sup>1</sup> *Мольберт* – рассомликда ишлатяладиган уч оёқли дастгоҳ. рамкага тортилган полотнони унга уриятяб, расм чизилади.

Узи туғилиб усаётган она юртининг олов-оташ билан боғлиқлигини Озарбайжон болалари тарих муаллимисиз ҳам яхши билишарди. Ҳар бир хонадонда олов бор: учокларда ёниб турган нефть ҳам ризк-руз, ҳам қалбларига тафт бағишларди. Окибатда уйлар томи бир энликча нефть қуруми билан қопланиб қоларди. Лампа-чирокларга керосин қуйиб қуйилар, қўзларни живирлатмаслиги ҳамда хонани кўпроқ ёритиши учун пилта пастки қисмига бакалоқ шиша қолбачалар қийғизиб қуйиларди.

...Керосин лампа-чирокларнинг хира ёруғида ўз юмушлари билан қуймаланаётган бола-бақраларнинг қадди-басти элас-элас кўзга ташланади. Шафиқа қўғирчоғи билан овора: Хусайн билан Ҳайдар расм чизишга муккасидан кетган. Хусайн табиатни тасвирлашни хуш кўрарди; манзарали суратларда таниш тоғ-тошларни, оппоқ булутларга туш урган қояларни тасвирлашни суярди... Ҳайдарнинг тотли хаёллари олис тарих саҳифаларига сингиб кетар, тасавурида она юртини ёғийлар ҳамласидан ҳимоя қилишга отланган ёвкур жангчилар жонланарди. Паҳлавон келбатли жанговар аждодларимиз киёфаси унинг чизгилари орқали буй кўрсатар, рангин бўёқлар воситасида жонланарди. Дастлаб IX асрда яшаб ўтган миллий озодлик курашининг йўлбошчиси Бобак гавдаланади: «Қирк йил мутелиқда яшагандан кўра, бир кун озод яшаган афзал», дея ўғлига ўғит айтаётган, кураш йуриқларини ўргатаётган булади. Ундан кейин XVII асрда усмонли босқинчиларга қарши кўзгалган халқ сардори Кўруғли, «Шоҳнома»нинг афсонавий қаҳрамонлари Рустам-Зол, Сиёвуш ва ҳоказо паҳлавонлар бор буй-бастлари билан намоён булади...

Россияга садоқат кўрсатиб хизмат қилган Нахичеван хонларининг номлари ҳам халқ ёдида сақланарди: янги ҳокимият даврида газеталар улар ҳақида оғиз очмасликни хуш кўрар, «подшоҳга мулозамат кўрсатганлар» номини тилга олмаган маъқул деб ҳисобланарди, шекилли. Лекин Келбалихон Нахичеваний ва унинг ўғиллари – Эксанахон, Шихалибек, неваралари Исмоилхон ва бобосининг исмини олган Келбалихон Нахичеваний ҳамда жангу жадаллардаги жасорати учун етти-та жанговар мукофот билан тақдирланган эвараси Хусайнхон тўғрисида ҳар бир хонадонда самимият билан гапиришар, номларини ҳурмат билан тилга олишарди. Нахичеваннинг беш хони рус қўшинларининг қўмондони, Георгий ордени соҳиби эди. Хусайнхон генерал-адъютант унвонига эга бўлиб, гвардиячи отличлар корпусининг қўмондони эди; 1917 йилги февраль тўнтаришидан кейин Муваққат ҳукуматга хизмат қилишни ўзига муносиб кўрмади ва Петроградда истеъфога чиқди. 1919 йил феврилида эса янги ҳукумат уни ва яна анча кишиларни отиб ташлади. «Allah rejmet elesin!» («Оллоҳ раҳматига олган

бўлсин») – Алирза Алиев қайта-қайта тилга олган ушбу калима аччиқ хабарга айланиб, фронт ҳалқалари оша Нахичеванга етиб келди.

...Мақтаб драма тугарагида сахналаштирилган пьесаларда Ҳайдар севикли қахрамонлари ролини ижро этишни яхши қуради. Мақтаб ўқувчилари миллий ва жаҳон мумтоз адабиётининг Маматқулизода, Шекспир, Грибоедов сингари вакиллари пьесаларини сахналаштиришарди... Тельман номили клубда эса кинофильмлар қўйиларди. Санъатнинг энг муҳим турларидан бўлган кино ўша пайтда овозсиз эди; лекин бу нарса болақайларга суюкли кинофильмларни уч-тўрт марталаб қуришга халакит қилмасди. Кейин ўша кезлари Нахичеванда бола-бақра ўртасида жудаям машҳур бўлган самокатда<sup>1</sup> росаям учтишарди. Подшипникка<sup>2</sup> ўрнатилган ана шундай «машина» Ҳайдар, Оқил ва Жалолда ҳам бор эди.

Ҳайдар Алиев авлоди тарихий бухронлар даврида ҳаётга кириб келди. Яқиндагина подшо салтанати ағдарилганди. Кейин Озарбайжон Демократик Жумҳурияти ўзлигини танитиб-танитмай барҳам топди. Озарбайжон Совет Социалистик Республикаси бўлди; Кавказорти федерацияси (Озарбайжон, Арманистон, Грузия) гаркибида ҳамда Украина, Белоруссия, Россия билан биргаликда янги давлат – Совет Иттифоқи барпо этилди. Уни жаҳон халқларини бахтли-саодатли қилишдек эзгу ниятларни қўнглига тутган ва фаолиятларига эш қилган орзуманд кишилар бунёд этишганди.

Шундай учрашувлар бўладики, у бир умр қўнглингда нақшланиб қолади, тотли хотирага айланиб, умр буйи ҳамроҳ бўлади. Айримлари эса, баҳорнинг серғулув сувлари мисоли, бир қўпириб-тошадию, қайталанмайди. Нега шунақа?

– Учрашувдаям учрашув бор-да, – жавоб беришга юкунади доно Довлат Ҳайдарович. – Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, фронтдош рус дўстлари уни шундай аташади.

Довлат Ҳайдар ўгли Мамедов Озарбайжонда хизмат қўрсатган муаллим, бутун умрини болалар тарбиясига бағишлаган. Умрида биргина катта «танаффус» бўлган; бу – уч юз минг ватандош – озарбайжонликлар жангоҳлардан қайтиб келмаган уруш йиллари.

Довлат 1936 йил августнинг ўша кунини ҳозиргидек эслайди. Ўшанда отаси уни эски биродари Зайналобдинникига жўнатган эди. Ҳейдара кишлоғининг жазирама иссиқда толиққан, сукутта чўмган кўчаларидан елдек чопиб келиб, пастаккина ёғоч эшик олдида тўхтаб, уни қоқди. У ерда Нахи-

<sup>1</sup> Самокат – икки тилдиракли, бир оёқ билан ер тегиб юргизиладиган болалар аравачаси.

<sup>2</sup> Подшипник – машина ва механизмларда ўқ ўрнатилладиган ва унинг айланишини ситил-равон қиладиган қисм.

чевандан меҳмон бўлиб келган ёш хушсурат ўспирин ҳам бор экан.

– Ҳайдар, – дея унга қўлини узатди.

– Бу, жияним, нахичеванлик биродарим Алирзанинг ўғли бўлади, – дея таништирди уй эгаси.

Улар шу тарзда танишишди, кейинчалик, августда Нахичеван педагогика техникумига кираётган пайтда дўстлашиб ҳам кетишди.

Орадан кўп ўтмай, биз яна бир киши билан танишишга муяссар бўлдик; у ўша олис йиллардаги кечмишнинг жонли гувоҳи экан. Бу – кекса муаллим Латиф Хусайнзода эди. У Ҳайдар билан Довлатнинг тенгқурларига она тили фанидан сабоқ берганди. У билан учрашув қўтилгандан ҳам дилхушлик билан кечди; у Бокувинг оддий, лифтсиз беш қаватли уйлари билан бирида яшаркан. Иулакнинг икки томонига пора-пора қилинган почта қўтилари ўрнатилган, зиналар супурилмаган эди. Лекин кекса муаллим хонадони ниҳоятда ораста, шинам экан. Хосхонасидаги шифтгача буй чўзган жавон озарбайжон, рус, форс, турк тилларидаги китоблар билан тулган, унинг ёнгинасидаги столда компьютер турарди. Суҳбатдошимизнинг хотираси ҳавас қилгулик даражада экан, фақат эшигишга ҳийла қийналар, қулоғи оғиррок эди. Шундай пайтларда профессор ўғли Руфат кўмакка ҳозир эди.

Латиф муаллимнинг юз йиллик тўйи 2003 йили нишонланган эди; ушанда Ҳайдар Алиевич устози, республиканинг энг кекса педагогларидан бири, атоқли адабиётшунос олим Латиф муаллимга қўтлов йўллаш баробарида уни ўқитувчилар орасида биринчилардан бўлиб «Истиклол» ордени билан ҳам тақдирлаган эди.

– Ҳайдарни отаси етаклаб келганда у ўн уч ёшли ўспирин эди; педагогика техникумига эса ўн тўрт ёшдан қабул қилинарди, – дея тотли хотираларга берилади Латиф Хусайнзода. – Ўғлим муаллим бўлмоқчи, деди отаси. Ушанда педтехникум илмий бўлим мудири эдим. Кел, бир суҳбатлашиб кўрайлик-чи, дедим йигитчага.

Ҳайдар илмий мудирнинг ҳамма саволларига бурро-бурро жавоб берди; Латиф муаллим ўспириннинг жавобларидан каноат ҳосил қилгач, директор Козим Толиблининг ҳузурига олиб кирди: «Бу йигитча озарбайжон адабиётини, тарихини яхши биларкан, – деди у директорга. – Китоб ўқишни жону дилидан ортиқ кўраркан, нутқи равон, билимга чанқок, ундан яхши ўқитувчи чиқади».

Директор математика фанидан ҳам суҳбатдан ўтказишни маслаҳат берди. Математика муаллими Товфик Бектоший М.В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетини эндигина битириб келган кезлар эди. Суҳбатлашиб кўргач,

«маъкул, бўладиган бола», деди мамнуният билан (У Нахичеван педагогика техникумидаги фаолиятдан кейин Боку давлат университетида назарий механика фанидан сабоқ берди).

– Ҳайдар техникумдаги тахсилнинг биринчи кунларидан бошлаб тиришқоклиги, илмга чанқоклиги билан салоҳиятли талабаларимиздан бири сифатида ўзини кўрсата билди, – дея хотирлашда давом этади Латиф Ҳусайнзода. – Ҳатто юқори босқич талабалари ҳам унга катта ҳурмат билан муносабатда бўлишар, келажагини олдиндан билгандек, оркаворатдан ҳам, ўзига ҳам «бизнинг генерал» дейишарди.

Танаффус чоғида талабалар техникумнинг кенг ҳовлисига отилиб чиқишар, тўп-тўп бўлиб турли уйинлар уйнашарди. Қизлар чекка-чеккада сокин суҳбатга берилишса, ўғил болалар тезда командаларга булинишарди.

«Мен ким билан бирга бўламан?», «Мен ким билан бирга бўламан?» деган овозлар кенг ҳовли сахнини тутиб кетарди.

– Биргина Ҳайдар: «Ким мен билан бирга бўлади?» дея тенгқурларига мурожаат қиларди, – дейди Ҳайдарнинг фамилиядоши, кекса муаллима Заркалам Алиева олис йилларни эсларкан. Дарҳақиқат, Ҳайдарнинг катъиятли, собит феъл-атворига хос ғоят муҳим аломатни хотирасида сақлаб қолган экан.

Техникумда тахсил олган талабаларнинг хотирлашига караганда, у ерда билим олиш учун барча шарт-шароит муҳайё этилганди: зарур авжомлар билан жиҳозланган хоналар, лабораториялар, кинооускуналар, ҳарбий-спорт мажмуи – барча-барчаси талабалар ихтиёрида эди. Буш вақтларини спорт машғулотларига бағишлашар – югуриш, сакраш, волейбол, турникда<sup>1</sup> турли амалларни бажариш, тирда<sup>2</sup> эса нишонга ўқ отиш машқларини адо этишарди. Ўғил болалар бир қаторда саф тортишгач, «Ворошиловчи мерган» аълочи нишонни тақдим қилинишини жудаям яхши қуришарди; ахир, бундан ҳам ортиқ мукофот бўладими?! Ушанда Ҳайдар Алиев умрида илк бор аълочи мерган нишонни билан тақдирланган эди. Ҳайдар ниҳоятда тиришқоклиги боис ҳамма машғулотларга улгурарди. Ҳарбий ва спорт машғулотлари бўладими, Шомил Козиев етакчилигидаги расм тугараги топишиқларини бажариш дейсизми, сидқидилдан адо эгарди. Ушанда ёш мусаввирлар чизган суратлар шаҳар кўргазмаларида намоиш этиларди.

Энг машҳур мавзулардан бири армия эди. «Биз уша пайтлардаёқ улкан ватан – СССР ҳимоясига ҳозирлик кўрардик. – дея хотирлайди Довлат Мамедов. – Чизган суратларимизда қанотларига беш қиррали қизил юлдузчалар тасвири туширилган самолётлар кўкда парвоз қилар, совет танклари гулду-

<sup>1</sup> Турник – гимнастика асбоби.

<sup>2</sup> Тир – нишонга ўқ отиш учун ажратилган майдонча

раб ҳужумга ўтар... Хаёлларимиз ранларга сингиб борарди... 1937 йили улкан советлар мамлакати А.С.Пушкин хотирасини ёд этди; буюк шоирнинг фожиаги ўлимига юз йил тўлганди. Унинг шеърларини ёд олардик; бепоён Россия шаҳарларидан анча олдин, XIX аср охирида Нахичевандаги кучалардан бири А.С.Пушкин номи билан юритила бошланганлигидан гурур туярдик. Техвукумда талабалар уртасида Пушкин асарларига ишланган расмлар конкурси бўлиб ўтди. Биз, Ҳайдар ва акаси Ҳасан билан Пушкиннинг «Калитан кизи», «Евгений Онегин», «Руслан ва Людмила» асарларига суратлар чиздик. Афсуски, улар сақланиб қолмаган... Ҳалиям шундоққина эсим-да, ушайда биринчи ўринни Ҳайдарга беришганди, Ҳасан билан менга иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этганди».

Рус тили ва адабиёти муаллими Ҳасанбек Ғозиевнинг тавсиясига биноан Ҳайдар сабоқдошлари орасида биринчилардан бўлиб Лев Николаевич Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романини рус тилида ўқиб чиққанди. Дарвоқе, Ҳайдар буюк адибнинг суратини ҳам қойилмақом қилиб чизганди. Довлат Мамедов ушанда Лев Толстойнинг озарбайжон тилида чоп этилган қалин китобларидан бирини ўқиётган эди. Лекин, ўша якпанба куни китобни қўлига ололмади. Ҳайдар билан бирга шаҳар чеккасидаги қишлоқда яшовчи қариндошлариникига йўқлаб борадиган бўлиб қолди. Йигитчалар йўловчи араваларни кутиб ўтиришмади; ким билади тагин, ҳали учрайдими-йўқми. Шу боис саҳарлаб пиёда йўлга тушаверган маъқул.

Эх-хе, йул олис, икки биродарнинг гап қони очилиб кетди; йул-йўлакай очилиб-сочилиб дил қулфини ёзишди. Ўқилган китоблари, қурган кинофильмлари, илк муҳаббат изтироблари – кимга ким ёқади, қайси қиз иккига кўпроқ ўтиришади... гаплашмаган гаплари қолмади, ҳисоби.

– Сендан Феруза кўзини узмайди-я, – дейди Довлат дустининг кўнглига қўл солиб кўраркан.

– Сени қурган захоти Зарқаламнинг юзлари кип-қизариб, кўзлари ёниб кетади, – дейди унга жавобан Ҳайдар. – Ҳамиша калами зар қиз, деб йўқлайман-ку, ўша қиз.

Тоғ қишлоқларидан бирида туғилиб ўсган Зарқалам муаллим бўлишни, болаларга таълим беришни орзу қиларди. Вояга етгач, педагогика техникумига ўқишга кирганди. Лекин бунинг учун олдин ота-онасини, она катталарини кўндиришга тўғри келди; боиси, улар ҳам қиз бола бировнинг ҳасми, ўқиб нима килади, Қоратоғни қайириб берармиди, дегувчилар тоифасидан эди-да. Бувилари, оналаридан олган турмуш сабоқларининг ўзи ҳам етиб ортади, деб ҳисоблашарди. Лекин, Нурс қишлоғида ҳам дунёқарашлар ўзгарган сайин урф-одатлару расм-русмлар, қуш нарсаларга муносабат ўзгариб бораётган эди. Куйинчак, тиришқоқ Зарқалам охири муддасига етди. Ҳайдар, Довлат



билан бир гуруҳда педагогика техникумига ўқишга кирди. Жиянининг ўқишига бош-қош бўлиб келган Зарқаламнинг амакиси гасодифан Ҳасан Алиев билан танишиб қолганди. Ҳасан ҳам отаси билан бирга Ҳайдарга хайрихоҳлик курсатиб келганди. Қишлоқдан шаҳарга келиб дабдурустдан киришиб кетолмай, қисиниб-қимтиниб юрган Зарқаламнинг амакисига Алиевлар ёкиб қолишди. Иккига ўтиришиб, ўзига жудаям яқин олди. Ҳатто, Зарқаламнинг амакиси Ҳайдардан: «Ундан ўз синглингдай куз-қулок бўлиб юр», деб илтимос ҳам қилди.

Ҳайдарнинг катталар гапини икки киладиган одати йук эди. Бу илтимосни туғри тушуниб, астойдил қабул қилди. Аксар кишлоқ кизлари талаба бўлган заҳоти шаҳар хавосига тезда мослашиб кетар, шаҳар кизлари каби сочларини кестириб, ўзига зеб беришга, ороланишга гутинишарди. Ҳайдарга сабоқдош кизлар бирин-кетин сочини кестира бошлашди. Бир кун юмуш билан кизлар ётоқхонасига борган Ҳайдар Зарқаламга: «Сочингни кестирмай қўяқол. бошқаларга тақлид қилма», – дегандек маслаҳат берган бўлди. Зарқалам қувлик қилиб, уни лақиллатмоққа тутинди.

– Биласанми, Ҳайдар, – деди у жондий тус олиб, – кизлар орасида бир ўзим ола қарға бўлиб қолишни хоҳламайман. Мен ҳам сочимни кестириб, сунгги модада турмаклатиб келмоқчиман.

Ҳайдар ҳазилни тушунмади:

– Сендан хабардор бўлиб туришимни илтимос қилишганди. Демак, менинг розилигимсиз сочингни кестиролмайсан.

Охири Зарқалам ҳазиллашганини, бироқ ҳазили чикмаган бўлиши мумкинлигини тушунтиришга тушди.

Болалар йўлда кетатуриб, ўша воқеани эсга олишди. Шаҳар чеккасидаги уйларнинг қораси кўринмай, ортда қолди; кенг йўл тоғ этагига етганда анча торайганди. Тизма тоғнинг қоядор ёнбошида Эсаби-каҳф («Асҳоби каҳф») ибодатхонаси қад ростлаб турарди. Ёнгинасида зумрад булоқ билқиллаб қайнаб чиқар (ҳозир ҳам қайнаб чиқиб ётибди), кексалар ўша пайтдаёқ уни шифобахш деб таърифлашар эди. Ўнлаб, юзлаб йиллар ўтиб, бу гуша табаррук масканга айланганди; одамлар бу ерга қора тортиб келар. Оллоҳ йўлига дуои фотиҳа қилишар, қурбонликлар атаб, бева-бечораларга ҳада қилишарди.

Ҳайдар билан Довлат олис йўл босиб, булоқ бошида ҳордик ёзадиган бўлишди. Иззат хоним ёпган бўрсилдоқ нонни муздек булоқ сувига буктириб ейишдан булак роҳати жон бўлмаса керак. Довлат болалиқдан онасиз, етим ўсгани боисми, Иззат хоним ҳамиша оналик меҳрини аямас, унга меҳр кўрсатарди.

Кўҳна ибодатхонанинг салобатли деворлари панаси ҳатто жазирама ёз чилласида ҳам салқин булар, одамлар ловуллаган кўёш тафтидан сақланиб, шу ерда паноҳ топар эдилар. Ута таъ-

сирчан Хайдар яқиндагина ўқиб тугатган «Уруш ва тивчлик» романи воқеалари оғушида яшарди. У 1812 йилги қирғинбарот уруш туғрисида, аланга ичида қолган Москва ва Кремль ҳақида тулиб-тошиб гапиришга тушди, ахир бу воқеаларни фақат кинода кўришганди, китобини ўқиш эса ўзгача сурур бағишлар экан-да... Ана шу икки йигитчадан бири йиллар ўтгач, Кремльга йўл олишини ким ҳам билибди, дейсиз. Чамаси бу ўта фасоҳатли, зийрак Латиф муаллимдан булак ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган бўлса керак. У суюкли талабаси фавқулодда салоҳият эгаси эканлигини юрак-юракдан ҳис этар, заковатли шогирди ҳақида кўнглида тутилган ёруғ мушоҳадаларини ҳамкасблари билан баҳам кўрарди.

– Бу йигитнинг келажаги порлок, у жудаям катта одам бўлади, – дерди у муаллимлар билан суҳбатлашиб қолганда қайта-қайта.

Жумхуриятнинг чекка бир гўшаси улкан советлар мамлакатининг дарди-дунёси, ташвишлари, юмушлари билан ҳамнафас эди. Нахичеван автоном республикасида, Жулфада кон-металлургия комбинати қурила бошланди. Болалар уни ДнепроГЭС, Магнитка, Уралмаш сингари совет давлати учун ўта муҳим, дея ҳисоблашарди.

Республика пахтакорлари ва нефтчиларининг зафарларидан бошлари кўкка етгудек севинишарди. Нахичеванга қачон электр чироклари келаркин, дея интиқлик билан кутишарди; ахир, телефонни айтмайсизми, бутун бошли катта бир шаҳарда бор-йўти ўнтагина телефон бўлса-я.

Бирок Тельман номли клуб Озарбайжоннинг бўлажак халқ артистлари Иброҳим ва Зарош Ҳамзаевларни қизгин олқишлар эди. Кучма кино ускунасидан ғир-ғир ўтиб турган тасмалар билимга чанқоқ болаларни Боку ва Москва, Ленинград ва, ҳатто, бу жойлардан анча олисдаги Комсомолск-Амур шаҳарлари билан таништирар, дўстлаштирар, бу дунё шунақа беадад, деган тушунчани онг-шуурларига сингдирарди... Аҳён-аҳён техникумга чегара қўшинларида хизмат қилаётган рус, украин, армени, озарбайжонлик аскарлар ташриф буюриб туришарди... Болалар уларнинг хушбичим кадди-бастига қўйиб қўйгандек ярашган ҳарбий кийимларига суқ билан тикилишар, кейин тўда-тўда бўлиб ўраб олган ҳолда заставка<sup>1</sup>ларигача кузатиб қўйишарди. Бир умрга татигулик ана шу учрашувлар завқи-сурури Хайдарнинг юрагига ўчмас чўт солиб қўйган, чегарачиларга нисбатан адоқсиз ҳурмат-эҳтиром туйғуларини кўнглига жойлаган эди. Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг чегараси уларга жудаям яқин жойдан ўтарди-да. Шундоққина кўл узатсанг етадиган эди.

<sup>1</sup> Застава – чегарада соқчилик юлувчи ҳарбий қисм ва шу қисм жойлашган ҳудуд.

Кўпириб, жўшиб окиб ётган Аракс дарёси узра қурилган кўприклар икки томонни бир-бири билан боғламас, аксинча, қирғоқларни айириб турарди. Қирғоқнинг икки чеккасида яшовчилар. негадир, шу хусусда уйлашмас, орадан йиллар ўтса ҳам бош қотиришни хушлашмас эди. Уларнинг бирлашиши учун ҳам жудаям кўп сувлар окиб ўтишни керакмиди ёки дунёнинг кийёфаси ўзгариши лозим эдими?! Янаям аниқроқ айтилса, аввало, одамларнинг онги-дунёси ўзгариши шарт эди. Ана шу зарурат тақозоси билан одамлар дунё кийёфасини ўзгартиришга жазм этадилар.

Орадан ўнлаб йиллар ўтиб, фасллар, даврлар қатъий ўзгаришларни бошдан кечиргач, Ҳайдар Алирза ўгли Алиев тарихни ўзгартиришга чоғланган ҳовлиқмаларга қарата ўзининг қатъий муносабатини билдиради: «Кимларнингдир манфаати ва нималарнингдир янгилаш йўлида кечган умрлар юзига қизик тортолмаймиз. Улар яхшими, ёмонми – барибир тарих, мозийга қора қизик тортишга эса ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ҳеч кимга бундай ҳуқуқ берилмаган». Бу муҳолифатдагиларнинг турли хил гап-сузларига муносиб жавоб бўлиши билан бирга, ҳаётнинг аччиқ-чучугини обдан тотган, паст-баландини кўп курган донишманд кишининг қатъий нуқтаи назари эди. Ўзининг ёшлик, талабалик, ҳарбий хизмат йилларини шонли, мазмунли кечирган ушбу авлоднинг миллат ва тарих олдида юзи ёруғ эди.

Ҳайдар Алирза ўгли Алиев 1939 йили педагогика билим юртини (улар уқий бошлаган техникум эндиликда шундай юритила бопланганди) аъло баҳолар билан битирди. Унга толширилган гувоҳномага зарҳал ҳарфлар билан шундай сузлар битилган эди: «Фуқаро Алиев Ҳайдар Алирза ўгли 1938/39 ўқув йили режасига киритилган барча фанларни пухта ўзлаштирди; бошланғич мактабларнинг бошланғич, тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактабларнинг 1–4 синфларига дарс бериш ҳуқуқига эга». Озарбайжон ва рус тилларида ёзилган ушбу ҳужжат Нахичевандаги Ҳайдар Алиев уй-музейида куз қорачиғидек сақланыпти. Стендадаги ана шу гувоҳнома ёнида талабалар ва муаллимларнинг биргаликда тушган суратлари ҳам илиб қўйилган. Албатта, суратнинг энг юқорисида Ленин ва Сталин кийёфалари туширилган катта полотно. Ундан қуйида муаллимлар сурати жой олганди. Имонов, Ҳусайнов, Замонов, Аббосов, Исрофилов, Бектоший, Искандар (Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган), Охундов, Григорьев, Мкртчян, Ғозиев ва бошқалар... Хиралашган суратлар остида курсатилган фамилиялардан ҳам аёнлашяптики, талабаларга турли миллатга мансуб устозлар сабоқ беришган экан; улар орасида озарбайжонликларнинг кўпчилигини ҳам тушуниш мумкин.

Ушанда «Шярг гаписи» («Шарқ қолқаси», «Шарқ дарвозаси») номли республика газетаси битирувчи аълочи талаба-



АзССР  
НАРОДНЫЙ КОМИССАРИАТ ПРОСВЕЩЕНИЯ

# АТТЕСТАТ

Именной аттестат выдан Алиеву Гейдару Алиеву

№ 5140

рожд. 1925

в 1925 году

в том числе окончил полный курс обучения СРЕДНЕЙ ШКОЛЫ

в школе Ханлы-Алиевской историко-педагогического института в городе Баку

по специальности СРЕДНЕЙ ШКОЛЫ педагогическая (специальность история)

|   |                |
|---|----------------|
| По родному языку                              | <u>Отлично</u> |
| методике преподавания родного языка           | <u>Отлично</u> |
| литературе                                    | <u>Отлично</u> |
| русскому языку и литературе                   | <u>Отлично</u> |
| методике преподавания русского языка          | <u>Отлично</u> |
| орфографии                                    | <u>Отлично</u> |
| методике преподавания арифметики              | <u>Отлично</u> |
| геометрии                                     | <u>Отлично</u> |
| тригонометрии                                 | <u>Отлично</u> |
| алгебре                                       | <u>Отлично</u> |
| истории                                       | <u>Отлично</u> |
| методике преподавания истории                 | <u>Отлично</u> |
| географии                                     | <u>Отлично</u> |
| методике преподавания географии               | <u>Отлично</u> |
| физике  | <u>Отлично</u> |
| химии   | <u>Отлично</u> |
| педагогике                                    | <u>Отлично</u> |
| школьной гигиене                              | <u>Отлично</u> |
| Конституции СССР                              | <u>Отлично</u> |
| иностранным языкам; <u>английский</u> ; языку | <u>Отлично</u> |
| исповедания                                   | <u>Отлично</u> |
| методике преподавания рисования               | <u>Отлично</u> |
| музыкальному                                  | <u>Отлично</u> |
| физкультуре                                   | <u>Отлично</u> |
| методике преподавания физкультуры             | <u>Отлично</u> |
| Технике и чертежу                             | <u>Отлично</u> |
| общему знанию                                 | <u>Отлично</u> |
| практике в школе                              | <u>Отлично</u> |

Издан Алиеву Гейдару Алиеву лично

как выходящий из школы с полным курсом средней школы (зачисление в школу производится по предварительным испытаниям в начальной школе СР по методам средней и средней школы.)

М. Директор  
З. Кочетов

*(Handwritten signatures)*



AzSSR

XALQ MAARIF QOMISSARIATB

# ATTESTAT

Bu attestat 1981-ci ilin noyabr ayının 15-də təqdim edilmişdir.

*Hijer*

*Hijer*

*Hüseyn*

*oqluna*

*Nəcəvran*

*sohn*

*internasional*

Təhsil aldığı məktəp:

*məktəb*

bəhsin vaxtı (ay, ayın adı):

*1981*

sayı:

və attestatla bəhsin vaxtı eyni olmalıdır.

|                             |            |
|-----------------------------|------------|
| Ana dili                    | <i>3/4</i> |
| Ana dilinə fəhri metodlarsa | <i>3/4</i> |
| İngiliz                     | <i>3/4</i> |
| Ədəbiyyat dili              |            |
| Rus dili və ədəbiyyatı      | <i>3/4</i> |
| Rus dili fəhri metodlarsa   | <i>3/4</i> |
| Aritmetika                  | <i>3/4</i> |
| Algebra                     | <i>3/4</i> |
| Geometriya                  | <i>3/4</i> |
| Fiziqa                      | <i>3/4</i> |
| Kimya                       | <i>3/4</i> |
| Biologiya                   | <i>3/4</i> |
| İnformasiya                 | <i>3/4</i> |
| Şaxsət                      | <i>3/4</i> |
| Tarix                       | <i>3/4</i> |
| Tarixi təlim metodlarsa     | <i>3/4</i> |
| İrs                         | <i>3/4</i> |
| İrsi təlim metodlarsa       | <i>3/4</i> |
| Qəzetlər                    | <i>3/4</i> |
| Qəzetlərə təlim metodlarsa  | <i>3/4</i> |
| Sənət                       | <i>3/4</i> |
| Kitab                       | <i>3/4</i> |
| Pedaqogika                  | <i>3/4</i> |
| Məktəp quruluşu             | <i>3/4</i> |
| SSRİ Qanunları              | <i>3/4</i> |
| Şəxsi və ictimai fəhri      | <i>3/4</i> |
| Qəzet                       | <i>3/4</i> |
| Kənd təsəvvüf metodlarsa    | <i>3/4</i> |
| Rəsm                        | <i>3/4</i> |
| Fizika                      | <i>3/4</i> |
| Fizika təlim metodlarsa     | <i>3/4</i> |
| Nağara və musiqi            | <i>3/4</i> |
| Musiqi                      | <i>3/4</i> |
| Musiqi təlim metodlarsa     | <i>3/4</i> |

Vətəndaş:

*Hijer*

*Hijer*

*Hüseyn*

Bu attestatla təhsil aldığı məktəp və təhsil aldığı vaxtı eyni olmalıdır. Attestatla bəhsin vaxtı eyni olmalıdır.

*1981* / *1981*

*№ 1000*



Professiya məktəbi direktoru

*[Signature]*

ларнинг суратларини чоп этганди. Бу – Ҳайдар Алиев билан Фируза Рзаевалар эди... Улар ўша куни Нахичевандаги энг чиройли Пушкин шохкучаси буйлаб узоқ сайр қилишди. Катта кўчанинг икки чеккасидаги йўлчалар ёқалаб ариқда сувлар шилдираб оқар, ариққа бош этган мажнунтоллар баргаги сувга жовдир-жовдир тикилиб қолганди; шундай дилтортар, нафосатли гузалликка опшuftалик белгиси сифатидами, уларни Пушкиннинг мажнунтоллари дейишарди.

Фируза ўзларининг сурати чиккан газетадан уч дона сотиб олди.

– Шунчани нима қиласан? – ҳайрон бўлиб сўради Ҳайдар.

– Альбомимга ҳар уччала суратингни ёпиштириб қўяман, – ўқтам жавоб берди қиз.

Ўша олис йиллар пучмоғида рўзномадан кирқиб олинган уч дона сурат бутун анчагина саргайиб, униқиб қолган. Лекин улар оддий кишлок муаллимаси Фируза хоним умр бўйи йигиб келаётган Ҳайдар Алиев ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти солҳомасининг ибтидоси эди.

Йиллар дегани елдек келиб, селдек ўтиб кетаверар экан. Қаранг-а, Ҳайдар Алирза ўғли Алиев Нахичеванга қайтиб келади. Москвада кечган ташвишлар, хархашалар чарчоғи чикқанидан кейин ҳийла ўзига келгач, туманлар буйлаб сафарга чиқади. Шохбуз туманига қарашли Кулюз кишлоғига етиб келишганда кексаю ёш азиз, муҳтарам меҳмонни кутлаб унга пешвоз чиқади. Туман ва кишлок раҳбарлари ҳамроҳлигида аҳоли билан танишиб, суҳбатлашиб бораркан, Ҳайдар Алирза ўғли Алиевнинг кузи йўл чеккасидаги бир тўп ҳамкишлоқлари орасидан рўмолчасини хилқиратиб силкитаётган бир аёлга тушиб қолади. Бу – Фируза Рзаева эди. Унга яқинлашиб боргач: «Сен Фируза эмасмисан?» – деб сўрайди Ҳайдар Алирза ўғли. «Худди ўзимман!» – жавоб беради бардам овозда Фируза.

Улар техникумни тугатишгандан кейин 1953 йили бир мартагина кўришишган эди-да. Мана, яна рўпарама-рўпара туришибди. Ҳамкишлоқлари икки собик талабадошларни ўраб олишди.

– Биз техникумда ўқиб юрган кезлардаёқ дўстлашиб кетган эдик, – лейди Ҳайдар Алирза ўғли. – Болаликдаги, ёшликдаги дўстликнинг қадри беҳад баланд бўларкан.

Фируза эса кекса муаллимининг Ҳайдар ҳақидаги самимий дил сўзларини эслади.

– Катта амалларда бош-кош бўлиб юриш муҳим эмас, – жавоб беради Алиев. – Ҳамма гап эл-юрт, ватандошларнинг сenga ишонишида. Ушанда ҳайбатли тоғларни ҳам талқон қилиб ташлаш ҳеч гап эмас.

Лекин бу кишлок йўлида бўлиб ўтган учрашувга етиб келгунча ҳали олдинда жудаям кўп вақт бор.

Ҳозир эса ўттизинчи йиллар охирига бораётган, шонли зафарларию аччиқ мевалари билан адоғига етиб келаётган эди. Зарбдор қурилишлари тунги «ўпирилиш»лар шитоб билан кечаётган эди... Ҳусайн Жовиднинг газеталар кўрки бўлган шеърлари эндиликда чоп этилмай қўйди. Газеталарнинг катта-катта саҳифалари асабий, газабга минган турли хил намойишлардан тайёрланган ҳисоботлар билан тўлиб тошган эди:

«Боку меҳнаткашлари СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси троцкийчи разил фашист тўдалар устидан чиқарган ҳукми қўллаб-қувватлайди. Намойишчилар урток Сталин ва унинг яқин сафдошларининг минглаб портретларини, байроқлар ва транспарантларни<sup>1</sup> бошлари узра кўтариб олишган. Троцкийнинг ва маҳкум этилганларнинг нафрат кўзғатувчи афти-башаралари карикатуралардан<sup>2</sup> бузрайиб қараб турибди; уларда малъун итлар ўзларининг фашист эгалари билан тасвирланган» («Молодой рабочий» газетаси, Озарбайжон ЛКСМ МК ва Боку шаҳар комитети нашри, 1937 йил 2 февраль). Самад Вурғун «Комсомол достони»нинг дастлабки бобларини ёзиб, эълон қилди; гарчанд, мафкуравий мезонлар нуқтаи назаридан «душман синф» вакили эса-да, жозибадор Герайбек образини гавдалантиришга муваффақ бўлганди. Замятиннинг «Биз», Платоновнинг «Чевенгур», «Пойдевор» романлари эса орадан кўп йиллар ўтгачгина ўқувчилар қўлига етиб келди. Албатта, Ҳайдар Алирза ўғли фикри-зикрида кечаётган гирдибод ялпи эврилишларни бутун нозиклиги билан фарқлашга ҳали анча ёшлик қиларди. Лекин ўспирин Ҳайдар Алиев миллий чолғу асбобларига, жумладан, торга қарши уюштирилган гуруҳбозлик чиқишларидан хабардор эди (Россияда эса, ўша кезлари скрипка чолғу асбобини йўқотишга қаратилган нохуш кайфият пайдо бўлганди). У ҳассос шоир Мушфикийнинг оташин шеъри – «Янтра, торим»ни ўқигани ўқиган эди. Ўттиз еттинчи йилнинг машъум шамоли торнинг ҳам симларини узиб ташлади.

Орадан ўнлаб йиллар ўтгач, Ҳайдар Алиев Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари бўлган кезлари Бахтиёр Ваҳобзодани ва унинг тақиқларга қарамай, Озарбайжоннинг бўлиниши ҳақида мушоҳада юритилган «Гулистон» поэмасини турли ҳамлалардан ҳимоя қилганди.

Ўша йилларда Ҳалил Рза қуйидаги «исёнкор» сатрларини ёзганди:

Етишолмас эркига осмон,  
Билмас қайга бошин урмоқни.

<sup>1</sup> Транспарант – рамкага тортилган мағога ёзилган шоир, чакирик, сурат, ракамлар ва плакатлар.

<sup>2</sup> Карикатура – ҳажвий расм.

Мендан курсия,  
Қўл-оёғим тушовга солган –  
Кишанларни парчаламоқки.

Озарбайжон миллий мустақилликка эришгач, Президент Ҳайдар Алиев Бахтиёр Ваҳобзода, Ҳалил Рза Улуғтурк, Мамед Ораз сингари соҳир истеъдод эгаларини мамлакатнинг энг юксак мукофотлари билан тақдирлади.

Лекин ҳозирча суронли ўтгизинчи йиллар эди. Ҳайдар Алиев педагогика билим юргини аъло баҳолар билан тугатиб, фахрий ёрлик ва мактаб муаллими шаҳодатномасини олди. Бироқ мактабда ишлаш унга насиб этмади.

Довлат Мамедовни армия сафига чақиришди. Жулфа туманининг Бонаниёр қишлоғидаги саккиз йиллик ўрта мактабга у уруш жанггоҳларидан кўкрагини жанговар мукофотларга тўлдириб қайтди. Ана шу мактабда Ҳайдар Алиевнинг укаси Жалол ҳам болаларга сабоқ берар, муаллимлик қиларди.

Ҳайдарни эса ўз fronti кутарди. Вақти-соати келгунча бу ҳақда сукут сақлаш даркор эди.



## II боб БУ ЕР ҲАМ ФРОНТ

1941 йил 22 июль, Нахичеван

Қора булутлар тупланаётган Узоқ Шарк чегаралари ҳақида Иккинчи жаҳон урушигача машҳур бўлган қушиқни чегара қушинлари Нахичеван отряди ўзига мослаб айтарди:

Аракс узра қовок уйган қора булутлар,  
Қаҳратон улжада изиллар киш сукувати...

Албатта, серкӯёш улжада қўпчиган қора булутлар кўча маънода тилга олинаётган эди. Сабаби, минглаб километрларга қўзилган дарёнинг қўпгина қисми чегара зонаси ҳисобланар, хавфни билдирувчи қўзик сигналлар овози кечаю кундуз эшитилиб турарди. Чегара томондан суқилиб қирган қуролли гўдалар дехқонларни талар, бор-будини шилиб, молларини ҳайдаб кетарди. Контрабандачилар<sup>1</sup> ҳам ўз ишини қилаётган эди. Эрон<sup>2</sup> (ўша пайтларда форслар деб ёзишарди) ва турк чегара қўриқчилари совет чегара бўлинмаларини уқтин-уқтин уққа тутиб турарди. О'Г'У чегара муҳофазаси ва қушинлари бош бопқармаси бошлигининг уринбосари Бобришев ССР Иттифоқи Ташқи ишлар халқ комиссарлигига қуйидаги мазмунда ахборот жунатади: «1931 йил 27 июль куни соат 10 дан 30 дақиқа ўтганда Нахичеван чегара отрядининг Қорагулук бўлинмаси ҳудудида Форсиён аэроплани чегарамизни бузиб, бизнинг ҳудудга ўтди. Мамлакат ичкарасига кириб бораркан, аэроплан жануби-шарк йўналишида (чегара бўйлаб) анча учиб борди ва Бузбоши бўлинмасига яқин келгач, ортига – Форсиёнга қайтди».

Фашистлар Германияси СССРга ҳужум қилишидан анча олдин Техронда «Эрон давлатининг янги маъмурий-ҳудудий бўлиниши» деган янги харита чоп этилди.

«Эрон чегаралари, – дейилади мажлис қарори асосида нашр этилган харитага изоҳда, – Туркия билан чегарани истисно этганда, расмий эмас». Англашиляптики, қўшни мамлакат амалда Советлар, уларнинг ўз таъбири билан айтганда, пойтах-

<sup>1</sup> *Контрабандачи* – давлат чегарасидан яшириқча, бож туламай мол ўтказиш.

<sup>2</sup> 1935 йилгача бутун мамлакат Форсиён деб юритиларди.

ти Боку шахрини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, Кавказ Озарбайжонига даъвогарлик қилаётган эди; Эрондаги расмий нашрларда Боку шахри қадимги форсийча Бод Кубо деб кўрсатилган эди. Эроннинг узини эса гитлерчилар советларга қарши плацдармга<sup>1</sup> айлантириб олишганди. «Германия легиони вермахтнинг ушбу мамлакат ҳудудидаги ўзига хос қўшилмаси бўлиб қолмоқда эди, – дейилади «Иккинчи жаҳон уруши тарихи»да. – Эроннинг СССР билан чегарадош шимолий районларида гитлерчилар қурол-яроғ ва портлатгичлар омборхоналарини барпо этишаётган эди; Совет Иттифокига, Туркменистоннинг нефть корхоналарига яширинча ўтказиладиган диверсиячи ва террорчи гуруҳларни шакллантиришарди».

Бир сўз билан айтганда, мамлакатнинг қайси чегараларини олманг, жанубийми, ғарбийми ёки шарқийми, ҳаммасидан порохнинг аччиқ қиди димокқа уриларди. Урушнинг бошланиб кетгани туғрисида Нахичевандаги тинч аҳоли орасида темир йўлчилар биринчилардан бўлиб хабар топишди. Уларни йиғиб, бутундан бошлаб ҳарбий ҳолатга ўтилгани, узлари эса аскарларга тенглаштирилганини маълум қилишди. Темир йўл депоси партия ташкилотининг секретари катта митингда сўз олиб, шулар хусусида гапирди; русча ва озарбайжонча сузларни айкаштириб, бу ер ҳам фронт, у чегара ёқалаб оқиб ўтаётган Аракс дарёси бўйлаб ўтади, деди ҳамма эшитсин учун овозини баландлатиб. Яқингача паровоз гулаҳи бўлган партия гашкилогининг секретари асл ҳақиқатга анча яқин гапларни айтди. Ловиллаб ёниб турган ўтхонага кўмир қалаган каби юракларни бозиллатиб, оташин сўзларни айтди.

– Уртоқлар, эсингизда бўлсин, Аракснинг нариги томонида гитлерчи тўдаларга пешвоз чиқиб, бизга қарши тиш қайрашмоқда, чакчайган кўзларини нефть қонларимизга қадашмоқда.

Ҳар йилгидек, бу йил ёзда ҳам бутун Нахичеван бўйлаб пионер лагерлари очилган эди. Уларни зудлик билан ёпишга, болаларни эса уйларига қайтаришга тўғри келди. Лагерь ҳодимларига, пионервожатийларга ёрдам кўрсатиш мақсадида Нахичевандан зуваласи пишиқ йигитлардан таркиб топган бир нечта гуруҳни жўнатишди. Фахрийларнинг хотирлашига кўра, ана шу гуруҳлардан бирида ўн саккиз яшар Ҳайдар Алиев ҳам бор эди. У келажакда машҳур геолог бўлиб етишган Фармон Салмонов билан ўшандаёқ танишган бўлса ажабмас.

Фармон тоғдаги пионер лагерларидан бирида чиникиб, тобланаётган эди. Йигирма иккинчи июнь куни вожатий уларни тоққа сафарга олиб боришга ваъда қилганди. Лекин, ўша мудҳиш куни эрталабки саф тортишда қувнок, ҳаракатчан жисмоний тарбия муаллими ўрнига саросимага тушган лагерь

<sup>1</sup> Плацдарм – ҳарбий ҳаракатга тайёргарлик қуриладиган ва шу ҳаракат бошланиб кетадиган жой.

бошлиғи кути учган ҳолда югуриб чиқди. Овози қалтираган ҳолда уруш бошланганини, Гитлер Германияси Совет Иттифокига қўқисдан ҳужум қилганини, шу боис лагерь ҳам ёпилганини маълум қилди. Ҳамма тезликда уй-уйига қайтиши керак эди.

Аммо, қандай қайтишади? Биттагина автобус бўлиб, у ҳам бузилган. Айланма тоғ йўли орқали йигирма километрча яёв тушишга тўғри келади. Бунчалик узоқ йўл босишга болаларнинг қурби етармикан, уларга оғирлик қилмасмикан? «Бир неча километр йўлга мени бақувват бир арман йигити опичиб олиб борди, – деб эслайди Фармон Қурбон ўғли. – У лагерда ким бўлиб ишлагани эсимда йўқ, лекин ана шу узоқ йўлда болаларни галма-галдан опичиб борганини яхши эслайман».

Буюк олим, Россия Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси, Ленин мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Тюмень нефти кашфиётчиларидан бири Фармон Салмонов хотираларида бундай теша тегмаган, тахи бузилмаган ёрқин ҳолатлар анчагина. У инсондаги шундай тиник, ёрқин жиҳатларни кура оларди. Унинг эсдаликларидан бобоси Сулаймон тирикдек куз унгимизда гадаланади; ҳокимиятга бўйсунмаганлиги боис уни подшо Россияси судьялари йигирма йилга Сибирга сургун қилган экан. Унинг ҳасми-ҳалоли, хотини Ольга Озарбайжонга эри Сулаймон билан бирга келади; маҳаллий аҳоли унга яқин олиб, ики суюб уни Фируза деб йўқлай бошлайди. Фармоннинг синглисига ўша олис улкаларда кечган кунлар хотираси учун, Узоқ Шарқдаги дарёлардан бири – Амур номини қўйиб, Амурса деб аташади.

Киши ота-онасини уз хоҳишига кура танламагани сингари, Ватанни ҳам танламайди. Кавказ – озарбайжону арманларнинг, грузину осетинларнинг, чечену ингуш, абхаз, доғистонликларнинг ягона умумий уйи... Шундай кўп миллатли уйда пионерлар отрядининг раҳбари бўлган арман йигити қабилар болаларга яна йўлиқармикан? Ёки ҳозир куздан нафрат ёғилиб турган бошқа мураббийлар урф бўлганми?

...Уруш бошланиши билан Нахичеван кўчалари ҳарбийлар ва ҳарбий техника ҳисобига гавжум бўлиб қолди. Армия ишдан беҳабарлар ҳам жиддий уруш ҳаракатларига тайёргарлик қўрилаётганини пайкаши қийин эмасди.

1921 йили имзоланган совет-эрон шартномасига мувофиқ 1941 йил 25 августдан 26 августга утар кечаси совет қўшинлари Эрон ҳудудига кириб борди. Шоҳ аскарлари узоқ қаршилик кўрсатолмади: 26 август соат 13.00 гача айрим ҳудудларда қаршилик кўрсатилган бўлди. Айни маҳалда Эроннинг жанубий районларини Буюк Британия қўшинлари эгаллади. Сентябрь ойи бошларида совет ва инглиз ҳарбий қисмлари

Техронга кириб борди. Эрон жанубини 30 мингта яқин америка аскарлари эгаллади.

Яқин-яқингача Эрон Озарбайжонидаги<sup>1</sup> воқеа-ҳодисалар ҳақида оғиз очилмасди, ёзганда ҳам хира, англаш кийин бўлган йўсинда маълумот бериб келинди. Озарбайжон демократик партияси етакчилигида бу улкада миллий озодлик ҳаракатлари олиб борилаётган эди, гуё. Ушбу партиянинг раҳбари, Озарбайжон Демократик Республикасининг бошлиғи Жаъфар Пешоварий номияи, ҳатто, академик нашрлар ҳам негадир «унутиб» юборган.

1945 йил охириларида ташкил этилган Жанубий Озарбайжон ҳукумати бор-йўғи бир йилгина яшади, холос. Унинг тасарруфидаги ҳудудларда минглаб совет муҳандислари, геологлар, курувчилар, муаллимлар, маданият ходимлари фаолият юритишган эди. Ушбу мавзунини атрофлича тадқиқ этган олимлардан бири тарих фанлари доктори Жамил Ҳасанлининг таъкидлашча, уларнинг кумаги беғараз ва фидокорлик-жонбозликка асосланган эди. 1941–1946 йилларда кечган жўшқин давр ҳодисаларига бағишланган ушбу китоб «Жанубий Озарбайжон: «совуқ уруш»нинг бошланиши» деб аталади. Жанубий Озарбайжон атрофида кечган барча галотуп воқеалар Ҳайдар Алиевнинг ҳаётига ҳам бевосита таъсир курсатмай қолмади.

...1941 йил 10 май куни дўст-биродарлари уни туғилган куни билан табриклашди. Олдинда галдаги имтиҳонлар, ёзги таътил кутиб турарди; ундан кейин сентябрь ойи, талабаликнинг учинчи босқичи ҳам эшик қоқиб қўяётгандек эди. Лекин биринчи сентябрда Индустириал саноат институтининг талабалари ўқишга гулик келмади. Кимдир армия сафига чақирилган отаси ёки акасининг урнига заводга кетган, яна кимлардир ҳарбий билим юртига йўлланма олган. Алиев сингариларни эса турар жойларидан ҳарбий комиссариатларга чақиришган эди. 23 июнь кунинёқ Ҳайдар Нахичеван Автоном Совет Социалистик Республикаси Ички ишлар халқ комиссарлиги архив бўлимининг махфий қисмидан ишни қабул қилиб олди.

Уйга қайтганда қоронғи гушганди. Сукутга чўмган Нахичеван кучаларидан гурс-гурс қадам товушлари эшитилди. Баъзан тун қўйнидан соқчилар чиқиб: «Хужжатингизни курсатинг!» – деб қоларди.

<sup>1</sup> Ҳозир Озарбайжоннинг Эрон томондаги ҳудудлари Жанубий Озарбайжон деб юритилади. 1942 йил 29 январда совет ва инглиз кўшинлари Техровдан олиб чиқиб кетилгандан сўнг, инглиз-совет шартномаси имзоланган эди. Тарихчиларнинг эсишига кўра, СССР ва Буюк Британиянинг ҳамкорликдаги ҳаракати Эрон ҳудудидан фойдаланиб гитлерчиларга қарши кураш иттифоқини ташкил этган мамлакатларга энд иш кўришининг олдини олди; Иккинчи жаҳон уруши йилларида уларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти таъминланди.

Ҳовлига кенг ёғоч каравотлар қўйилганди; нахичеванликлар, эски одатга қура, ёз ойлари очик ҳовлида, осмон остида тунашади, уй ичи дим булиб кетардида. Ичкаридан фақат қурпа-тушаклару идиш-товокларни олиб чиқишарди, холос. Иззат хоним примуста энгашди, кейин дастурхон ёзди. Энди Ҳайдар оиланинг энг каттаси ҳисобида эди: отаси муттасил сафарларда буларди; Ҳасан армия хизматида, Ҳусайн эса Боқуда эди... Укаси Жалол акаси Ҳайдар билан маслаҳатлашиш учун кутиб ўтирган экан; эндиликда ўқиш учун йилига 150 сўмдан тулаш жорий этилибди. Бунча пулни тулаш Алиевлар оиласи учун оғирлик қиларди. Обдан келишиб олишгач, Жалолга муаллимлар институтининг тайёрлов бўлимига ўқишга киришни маслаҳат беришди. У ерда таҳсил бепул, яна ҳар куни 50 граммдан нон ҳам беришарди.

– Бугун Жалол ўзига тегишли нонни олиб келди, – деди ички бир қувонч билан Иззат хоним Ҳайдарга.

– Раҳмат, ойижон, – деди Ҳайдар жавобан. – Куп уринманг, чой ичаман, холос.

Иззат хоним обдастадан ўғлининг қўлига сув қуяркан, бир бурда гил совун тутказди; уруш йиллари Озарбайжон оилаларида ироқи совун ва кир совун ўрнида гил совун ишлатилар эди.

Ғира-шира тонг отиб келаётган қунларнинг бирида қўшни хонадондан кутарилган йиғи овози Алиевларни уйғотиб юборди. У ерда Хуршид хоним оиласи истикомат қиларди. Эри фронтга кетган, беш мурғак бола билан қолганди. Иззат хоним овоз бериб, ҳол-аҳвол суради:

– Ҳа, қўшни, тинчликми? Нима ёрдам керак?

– Болаларим оч-наҳор, ухлалмаяпти!

Иззат хоним Ҳайдарга юзланди:

– Болам, қумақлашиб юбор...

Лочирага пишлоқ билан бир ҳовуч канд қуйиб, қўшни аёлга узатиб юборишди. Иккала она хўрликлари келиб, қўзларига ёш олишди.

Онаси тахта каравотнинг бир чеккасига бориб ўтирди; бошини кафтлари орасига олиб, аччиқ уйга чўмганини қўрган Ҳайдарнинг юраги увишди.

Шу куни ҳарбий комиссариатга бориб, бахтини яна бир бор синаб қўрмақчи бўлди; фронтга юборишларини суради. пайсалга солмасликларини утинадди. Шу қилдаги ҳолатлар бутун мамлакатимиз бўйлаб такрорланаётгани таяин; бунга ажабланмаса ҳам буларди. Ҳарбий комиссариат бошлиқлари ҳаракатдаги армияга юборишларини сураб ўздан юқори раҳбариятга мурожаат этишар, аҳолининг шундай хоҳиш-истакларига жавоб қайтараман деб, қолдан тойишарди.

– Сизлар шу жойда ҳам зарурсиз. Чегарада, милицияда, билим юрглари ва ер ости қонларида ҳам ўрин бор, ошқиманг, – деб бир овоздан уларни рад этишарди.

Нахичеван ҳарбий комиссариатидаги навбатчи Ҳайдар Алиевнинг бу галли мурожаатига шу тахлит жавоб берди, илтимосини кескин рад этди.

— Бу ер ҳам фронт. Фақат Кавказортида. Керак булганингизда ўзимиз чакириб оламиз.

### **Жанубий Озарбайжондаги совет миссияси**

Бу пайтга келиб, Озарбайжондан Эронга ҳарбийлардан ташқари оддий фуқароларни ҳам юборишаётган эди; 3816 фуқаро сафарбар этилди. (Бу маълумотларни Жамил Ҳасанли расмий ҳужжатлар орасидан кидириб топди). Ундаги маълумотларга қараганда, рўйхатда 82 партия ходими, 100 нафар совет ташкилотларининг хизматчиси, 200 чекист, 400 милиционер, 245 темир йўлчи, 42 геолог-нефтчи бор эди. Жанубий Озарбайжондаги совет миссияси хизматини юритувчи кенг тармоқли хўжаликка Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Алиев Азиз Мамед Карим ўғли раҳбар этиб тайинланди.

Миссия таркиби ва раҳбари ҳақидаги қарор Москвада қабул қилинди. Азиз Мамедовични Жанубий Озарбайжоннинг пойтахти, қадимги Табризда жойлашган 47-армия Ҳарбий кенгаши аъзоси этиб тасдиқлашди. Миссия хизмати қирк биринчи йилнинг июль-август ойларидан қирк иккинчи йилнинг март ойигача давом этди. Бу пайтга келиб совет-герман frontiдаги воқеалар шунчалик шиддатли тус олган эдики, қолган мамлакатлар ҳудудидаги ходисалар унинг соясида қолиб кетди. Шу билан баробар Совет Иттифоқи Эрон орқали иттифокдошларидан муттасил ҳарбий мадад ола бошлади. Қурол-яроғ, ҳарбий аслаҳа-анжомлар Форс кўрфази орқали Эрондан ўтиб, Каспий денгизи, Волга дарёси ёки темир йўл орқали мамлакат ичкарисига етказиб бериларди.

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Мир Жаъфар Багиров Жанубий Озарбайжонга уюштирилган юришнинг фаол иштирокчиларидан бири эди. Таъқиқлашларига кура, у Қизил Армия томонидан 1939 йилда Ғарбий Украина ва Ғарбий Беларуссияда амалга оширилган ана шундай озодлик юришига ҳам бош-қош бўлган, натижада Украина ва Беларусь бир пайтлар Австрия-Венгрия ва Польша томонидан тортиб олинган азалий ерларини қайтариб олган экан.

Жанубий Озарбайжондаги вазият билан танишиш мақсадида Багиров Нахичеван орқали Табризга яширинча йўл олди. Унинг учун Эрон чегаралари беш кўлдек маълум эди. Жамил Ҳасанли унинг ушбу сафар билан боғлиқ мушҳодаларини

келтиради: «Нахичеванда бўлган пайтимда 3–4 соатга Табризга бориб келдим... Табризда бир неча марта тўп-тўп бўлиб юрган ўғил болалар билан кизларга дуч келдим. Улар билан суҳбатлашмоқчи бўлиб, хайдовчига машинани тўхтатишни айтдим; ажабланарлиси, машина тўхтар-тўхтамас, улар хуркак кушлардек гурр этиб атрофга таркалиб кочиб кетишди. Уларни озарбайжон лафзида «бу ёққа келинглар», деб ўзимга чорладим. Ўзларига таниш, кадрдон сўзни эшитгач, олдимга якин келишди... Жанубий Озарбайжон ерлари – бизнинг асл Ватанимиз заминидир. Бизнинг республика чегарасида яшовчи аҳоли ўз қариндош-уруғларидан айрилган, дийдорлашувдан жудо бўлиб яшаб келмоқда... Эрон ҳукумати ўз мамлакатини ҳудудларини вилоятларга бўлиб чиққанда Озарбайжонни шунақа курсатибди-я (У ҳаритага қўлини никтайди). Бу – ҳаммаси ёлгон. Озарбайжон ҳудуди мана бу ердан бошланиб, ана шу жойгача давом этади...»

Узоқ сафардан қайтиб келган маҳали, Марказий Комитетдаги йиғилишлардан бирида Туркманчай қишлоғидан ўтишанини айтди; Багиров ўшанда бундай деб лукма ташлаганди:

– Бу қишлоқда қатта озарбайжон халқи иккига ажратиб қўйилибди...

1827 йилнинг жазирама ёз ойлари, Россия – Эрон урласидаги уруш даврида генерал Паскевич қўшинлари Эриван (Ереван) ни босиб олгач, Нахичевандан ўн чақиримча наридаги Аббособод қалъасини қаттиқ ҳужум билан қўлга киритади. Икки уртада сулҳ тузишга киришилади. Кавказдаги рус қўшинлари қўмондонлиги топширигига биноан музокарани Александр Сергеевич Грибоедов олиб боради; ўша пайтда у атоқли шоир, ёзувчи бўлиши баробарида Россия империясининг хорижий ишлар коллегиясида еттинчи даражадаги<sup>1</sup> маслаҳатчи вазифасида хизмат қиларди.

Грибоедов Эрон шоҳи Аббос Мирзо билан олиб борган музокаралари хусусида генерал Паскевичга қўйидаги маълумотни етказди:

«... Урушдан олдин бўлган нарсани аниқлаштириб, орани очиқ қилиш ваколатига эга эмаслигимни, бу нарса менинг вазифамга кирмаслигини айтишга мажбур бўлдим.

– Ҳаммангиз менинг зиммамга кирмайди, дейсиз. Наҳотки бу дунёда одил ҳукм чиқарилмаса!

– Олий ҳазратлари, Сиз қилган ишларингиз учун ўзингизга ўзингиз ҳукм чиқарадиган бўлдингиз, адолатни қурол кучи билан қарор топтирмакча жазм этдингиз. Сизнинг куч-қудратингизга, жасоратингизга, ақл-заковатингизга шак келтирмаган ҳолда фақат бир нарсани қайд этишим жоиз: урушни

<sup>1</sup> Октябрь инклябидан бурун еттинчи даражадаги амалдорлик унвони.

бошлаган одам унинг охири нима билан тугадини айтишга ожиз қолади.

– Тугри, – деди у.

– Утган йили форс қўшинлари Кавказ орқали юртимизнинг анча ичкарасига бостириб кириб борди. Бугун биз Эриван ва Нахичеван вилоятларидан ўтиб келар эканмиз, Аракс устида тўхтадик, Аббосободни босиб олдик; ҳозир тўпша-туғри шу жойдан келаяпман.

– Босиб олдикмиш! Қўлга киритдикмиш! Аббосободни қўёвим сизларга индамай топшириб қўя қолди; у қўрқок, унинг хотиндан фарқи қолмабди! Хотиндан баттар!

– Биз қалъани қўлга киритишда нималар қилган бўлсак, сиз ҳам шундай йўл тутинг. Қалъадагилар сиз олий ҳазратларига таслим бўлишади.

– Йук, мурдангиз уша қалъа деворлари остида қолади, биронтангиз ҳам у ердан тирик чиқмайсизлар; йигитларим сизларни тирик қўймаслиги керак эди, йукса Аббосободни осонликча қўлга кирита олмас, маҳа этолмас эдингиз.

– Нима бўлишидан қатъи назар, ҳозирги ҳолатда, генерал сиз томондан уч марта тинчлик сулҳини тузиш туғрисидаги таклифни олди; бироқ юборган хабарларингиз мавжуд шароитга мутлақо мос келмайди; уларни ҳисобга олмасдан туриб биз музокараларга кириша олмаймиз. Подшо ҳазратларининг иродаси шундай... Бизга қарши бошланган адолатсиз урушни охирига етказгач, ҳар гал биз ўз чегараларимизни ғанимлардан узоқлаштирамиз; унга кадам босишга журъаг этмасин, деб уларнинг ҳам чегаралари бизникидан нарироқда бўлишини хоҳлаймиз. Шу боис, шароит тақозосига кўра, Эриван ва Нахичеван вилоятларини беришингиз тақозо этилади. Пул ҳам қурол тури бўлиб, усиз уруш ҳаракатларини олиб бориб бўлмайди. Жаноби олийлари, бу – савдолашиш эмас, қўрилган зарар учун товон тўлаш ҳам эмас; пул талаб қилиш орқали душманни бизга зарар етказиши мумкин бўлган усулларидан узоқ вақтгача маҳрум қиламиз!»

Туркманчайда келишилган шартномага биноан Россия ва Эрон ўртасидаги чегара эндиликда Аракс дарёси бўйлаб ўтарди. Эрон шоҳи Россияга икки вилоятини топшираркан, беҳад катта миқдорда товон пули тўлашга ҳам розилик билдиради; бундан буён ахил-инокликда, дўстликда ҳаёт кечиришга аҳд қилишганини Россия подшоҳининг элчисига қайта-қайта таъкидлайди. Эрон шохининг ушбу сузларини топшираркан, Грибоедов қўйидагиларни қайд этади: «Форсийларнинг сузи билан иши сира туғри келмаслигини фақат биргина менинг эмас, бошқаларнинг ҳам олиб борган кузатишлари тасдиқлади». Шу ўрjnда таъкидлаш жонзки, бу ҳосилдор замин аллазамонлардан буён инглизларнинг қўзини қамаштириб келарди; турли



хил келишимовчилик ва ноҳуш тўқнашувларнинг тез-тез содир бўлиб туришидан улар, шубҳасиз, манфаатдор эди.

Нахичеванда ҳозир ҳам генерал-губернаторнинг уйи сақланиб қолган (у ерда ажойиб гиламлар кўрғазмаси ташкил этилган); 1827 йили улуғ рус шоири ва дипломати Грибоедов шу ерда тўхтаб ўтган эди. Бу жойдан водийнинг гузал ва бетакрор манзараси қафтдагидек кўриниб туради: «...Кузимни қоғоздан узиб, дурбинни аёвсиз жанглار кечаётган томонга қаратаман. Йўртиб бораётган душманнинг отлик аскарларини кўриб турибман, улар кенг фронт буйлаб ҳаракат қиларкан. Аракс дарёсидан кечиб ўтаётган Муравьев ва унинг икки юз казаклари йўлини кесиб қўймоқчи булади. У ҳалокатнинг олдини олиб, чигал вазиятдан топқирлик билан эсон-омон чиқиб кетди ва ўзи қутмаган, қўққисдан оёқ остидан чиқиб қолган фалокатларни ёвқурлик ва топқирлик билан бартараф этганча, хузуримизга етиб келди».

Орадан бир йил чамаси ўтгач, дарғазаб оломон Россия императорлигининг Техрондаги ваколатхонасини остив-устун қилиб, вайронага айлантирди. 37 киши ҳалок бўлди, шуларнинг орасида Александр Грибоедов ҳам бор эди. Уни аравага солиб Тифлисга, сўнги манзилига олиб келишаётган эди, бу ерда ҳомиладор ёш беваси Нина Чавчавадзе қолганди: у алоҳида муҳим давлат топшириғи билан худди шу йўлдан жанубга – Техронга ошиққан эди, эндиликда кўзлари мангу юмук ҳолда жонсиз танаси қайтяпти. Нахичевандан, генерал-губернаторнинг уйидан ўтишди. 11 июнь куни (эски ҳисобда) Гергера кўрғонига яқин жойда ғичирлаб аста-секин бораётган аравага Пушкин рўбарў келиб қолади. Буюк шоирнинг «Арзирумга саёҳат» асарига ўқинганингиз қуйидаги мисраларни эсласангиз керак: «Мен дарё устидан ўтдим. Аравага қўшилган иккита ҳўкиз айланма йўлдан юқорига кўтарила бошлади. Бир неча грузин фуқароси аравани кузатиб келарди.

– Қайқдан келаяпсизлар?– сўрадим мен.– «Техрондан» дейишди.– Нимани олиб келаяпсиз?– «Грибоедни».– Бу ёвузларча ўлдирилган Грибоедовнинг жасади эди, уни Тифлисга олиб кетишаётган эди».

Орадан яна юз йил Аракс узра шовуллаб ўтди. Генерал-губернаторнинг баландликда жойлашган уйидан туриб рус шоири кўз илғамас олисларни дурбин ила кузатган эди; «бу ўлка ҳақидаги билимлари нечоғлик озлигидан ўқинган эди», эндиликда бу бино пештоқида кизил байроқ ҳилпирай бошлади. Шаҳар театрида пьеса қаҳрамонлари Фамусов, Молчалин, Скалозуб озарбайжонча ва русча сўзлаб, кунгил розини тўқиб-солишарди... Дўстларининг илтимосига кўра педагогика техникуми галабаси Ҳайдар Алиев спектаклга афиша яшлади. Ўзи Чацкий ролида саҳнага чиқди:

Бир овоздан мен нодонни шарафладянгиз,  
Ким оловдан ҳул чиқибди? Сиз, ахир, ҳаксиз.  
Ким сиз билан кунян утказса,  
Ҳаво ичиб, ҳаво еб, тўйса,  
Ақл-ҳуши соғаяр, шаксиз.  
Ҳай, Московдан туёғингни тезроқ шикирлат.  
Ҳа, шошиқиб кетаяпман, бу очун аро.  
Бормикан ҳеч, таҳқирланган ва бахти қаро –  
Туйгуларни паноҳига олгувчи узлат!

Ҳайдар ўзининг фамилиядоши Азиз Алиевни оркаворатдан яхши танирди, у гимнастёркасига орденлар қадалган, урта бўйли киши эди; лекин тақдир уларни шунчалик яқинлаштиришини ким ҳам билибди дейсиз.

1942 йил охирларига бориб Эрондаги совет миссияси барҳам топди, ағдариб ташланди, деса ҳам бўлади. Фақат темир йўлчилар кечаси-ю кундузи посбонлик қилишарди... Қирк учинчи йил 10 майда отаси Ҳайдарнинг туғилган кунини – йигирма ёшлиғи билан табриклаш учун уйга бирров келиб кетди. Орадан бир ҳафта ўтгач, оғир бетоб бўлиб ётиб қолди: тинкаматори қуриб, ҳолати разм бўлиб қолганди. 20 май кунини Алирза Алиевни тупроққа топширишди. Бу – Алиевлар оиласидаги дастлабки йўқотиш эди. Фурур билан, у фронтда ҳалок бўлди, дейиш мумкин эди.

1944 йил баҳорида Москва яна Жанубий Озарбайжон билан кизиқа бошлади. Иттифоқ Халқ Комиссарлари Совети 6 мартда «Жанубий Озарбайжон аҳолисига иқтисодий ва маданий ёрдам кўрсатиш тадбирларини янада кучайтириш» масаласини, гарчанд, Берлингача ҳали минглаб чақирим йўллар ўтиш, миллионлаб хонадонларга «қора хат» бориши олдда эса-да, қуриб чиқди. Иккинчи жаҳон уруши охирига келганда. Куп утмай шундай қора хатларнинг бирини Багировлар оиласи олди. «Сизнинг углингиз, катта лейтенант Жаҳонгир Жафарович Багиров ўз ҳарбий қасамёдига содиқ қолди...» Кирувчи-учувчи Жаҳонгир Багиров 1943 йил 8 июнь кунини рус осмонини узра фашистлар билан аёвсиз жангда ҳалок бўлди. Пулемётда ўқи тутагач, у таранга<sup>1</sup> шўнгиди. Улимидан сўнг уни Ленин ордени билан мукофотлашди. Ҳали фашистларнинг аёвсиз ҳужумларини 250 кеча-кундуз даф этган Крим билан Севастополни озод қилиш керак эди; Украинанинг ўнг ёнбошидан, Белоруссия, Болтиқбўйи ва Европада фашистларни қувиб чиқариш, шум қаламини қирқиб вазифаси турарди. Вайрон қилинган шаҳар ва қишлоқларни тиклашдек оғир юмушлар ҳам олдинда эди. Ана шундай ақли-ҳушингни қарахт қиладиган ола-туполоқ ҳарбий ва тинч тикланиш ишлари ора-

<sup>1</sup> Самолёт тумшуги билан душман самолётига бориб урилиши, шикаст етказиши.

сяда Сталин Жанубий Озарбайжонни ҳам унутмаган эди. Чамаси, бу масалага кизикишининг сусаймаслиги ва сунмаслиги Бокуда кечган ёшлик йилларининг таассуроти ҳамда Кавказ муаммосини ҳал қилишдаги ўзининг шахсий нуктаи назари билан белгиланса керак. Балки Техрон конференцияси янги қарорларни қабул қилишга йўл очгандир? Бу саволларни шу жойда, китоб хошиясида қолдираемиз; уларга жавоб излаш бизни асосий йўналишдан чалғитиб, бошқа кучаларга олиб кетиши шубҳасиз.

Совет Иттифоки Халқ Комиссарлари Совети белгилаган катта дастурга қўра, Табризда ун йиллик озарбайжон мактабини очиш, намунали агротехника станциясини барпо қилиш, трикотаж-пайпок фабрикасини қуриш кўзда тутилган эди... 1945 йил 10 июнь кунини Сталин «Шимолий Эронда совет саноат корхоналарини барпо этиш тўғрисида»ги махфий қарорга имзо чекди. «СССР Халқ Комиссарлари Советининг 10 июндаги қарори, – дея таъкидлайди Жамол Ҳасанли, – яқин келажакда Эрон Озарбайжонни билан Совет Озарбайжонининг бир-бири билан қўшилишидан дарак берарди». 1945 йил 21 июнда Сталин яна бир муҳим қарорни имзолади; бу – «Шимолий Эронда геологик кидирув ва нефть қазиб олиш ишлари ҳақида»ги 9168-қарор эди. Нефтчилар гидрогеологик кидирув отрядларининг ходимлари тусида Эрондаги совет қўшинлари штабига йўлланма олардилар. Эроннинг бошқа районларида эса инглизлар сув, нефть ва руда кидириш никоби остида фаолият олиб борарди.

Шунингдек, Москва билан келишилган ҳолда Озарбайжон демократик партияси (ОДП) шакллантирилган эди. Багиrowнинг таклифига қўра, ОДПни бошқариш Техронда нацир этиладиган «Ажир» газетаси муҳаррири Мир Жаъфар Пешоварий зиммасига юклатилди. (Бир қатор ҳужжатларда унинг исми шарифи Саид Жаъфар деб ҳам юритилади).

Багиrow ўзининг 1945 йил 6 июлда Молотов, Берия ва Маленковга йўллаган мактубида фавқулодда истеъдодли, ўтқир зеҳнли бу кишига шундай таъриф-тавсиф беради:

«Пешоварий асли Жанубий Озарбайжонда туғилиб ўсган, коммунистик партиянинг собиқ аъзоси, узоқ йиллар Совет Озарбайжонида маъсул партия-совет лавозимларида хизмат қилиб келди. 1927 йили Коминтерн орқали Эронга ишга юборилган эди; у ерда Ризо шоҳ ҳукумати томонидан ҳибсга олиниб, ун йил камоқ жазосини ўтади. 1941 йили совет қўшинлари Эронга кириб келгач, озод этилди. Унинг икки туғишган укаси Совет Иттифокида яшайди. Бирини Совет Арменияси сафида хизмат қилади, медицина хизмати капитанидир».

Жамол Ҳасанлининг таъкидлашига қўра, Пешоварий Озарбайжоннинг Эрон таркибида миллий мустақилликни қўлга

киритиш нияти истикболсиз, дея ҳисобларди. У Муғулистон сингари СССР паноҳида Озарбайжон халқ демократик партиясини тузиш ниятида эди. Кейинчалик уни Озарбайжон билан бирлаштириш мақсади бор эди. Халқаро сясётиний уйинлар бунчалик чигаллашиб, режалари айқаш-уйқаш бўлиб кетишида у айбдор эмас, албатта.

...Жанубий Озарбайжонга йўл олган автомашиналар карвоининг кети узилмасди. Уларга станоклар, озарбайжон ва форс тилидаги китоблар, озарбайжон қўшиқлари ёзилган лаптаклар каби жуда қўп нарсалар ортилган эди. Уларнинг орасида нафакат совет, шунингдек, италян, чех тамғалари туширилган қуроллар ҳам бисёр эди.

1945 йил 21 октябрда Боку харбий округи кўмондони, армия генерали И.И.Масленников билан М.Ж.Багиров Л.П. Берияга қўйидаги мазмунда ахборот жўнатишди:

«ВКП(б) Марказий Комитетининг Эрон Озарбайжони ва Шимолий Курдистон бўйича 1945 йил 8 октябрдаги қарори ижроси бўйича қўйидаги ишлар адо этилди:

Озарбайжон ССР ИИХК ҳамда ДХХКнинг 21 тажрибали оператив ходими сафарбар этилди; улар Эрон Озарбайжонда автоном ҳаракат ривожига тўсқинлик қилувчи кишиларни ва ташкилотларни бартараф этиш ишларини ташкил қилиш салоҳиятига эга. Шу ўртоқларнинг ўзи маҳаллий аҳолини жалб этган ҳолда қуролли партизан отрядларини ҳам ташкил этади».

Озарбайжон демократик партиясининг 1945 йил 2 октябрдаги биринчи таъсис съездида Пешоварий партия президиуми раёси этиб сайланди. 1945 йил 12 декабрда эса Озарбайжон Миллий мажлисининг биринчи сессиясида Миллий ҳукумат ташкил этилди. Пешоварий унинг Бош министри этиб тайинланди.

Айни шу кунларда махсус тайёргарликдан ўтган 80 нафар оператив чекист Жанубий Озарбайжонга юборилган эди.

Вашингтонда эса «Тайм» журналининг Эрондаги воқеаларга бағишланган навбатдаги сони чоп этилди. Журнал муқовасида Муҳаммад Ризо шох портрети берилган эди. Сурат тагида «Эрон шоҳи. Қадрдон нуфузли дўстлари унинг нефтига интиқ», деган ёзув битилганди. Журналда эълон қилинган хабартада эса Жанубий Озарбайжонни ўроқ сермаб олган, сопи эса Бокуга таянган эди.

Жанубий Озарбайжон ҳукумати сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ўтказишнинг кенг дастурини таклиф қилган эди. Озарбайжон тили давлат тили этиб белгиланди. Табризда Давлат университети очилди. Бу ерга Божудан профессор-ўқитувчилар юборилди. Етимлар ва қучада қолган болалар учун иккита ўғил ва иккита қиз болалар уйлари ташкил этилди.

Буларнинг ҳаммаси, албатта, Москванинг яқиндан курсатган мадади туфайли амалга оширилган эди. Москва эса Вашингтон ва Лондоннинг хоҳиш-иродаси билан ҳисоблашмаслиги мумкин эмасди. Урушдан кейин ер юзи бўйлаб қарор топган тинчлик кўп кутбли эди. Совет ҳукумати Эрондан ўз қўшинларини олиб чиқа бошлади.

Саф-саф аскарлар Эрондан чиқиб кетарди, уларнинг орасида озарбайжонликлар кўп эди.

– Биз олислаб кетмаймиз, Араксининг нариги бетида бўламиз!

– Сиз кетгандан кура Аракс тубигача қуриб битса бўлмасмиди!– дея афсус-надомат билан жавоб беришарди уларга.

Лекин Араксининг шиддатли тўлқинлари шитоб билан оқар, асрлар оша икки қирғоғини тўлдириб сувларини олисларга элтар, не надоматки, бир халқни икки мамлакатга ажратиш Аракс зиммасига тушган эди.

Москва ўз иттифоқдошларини муҳофаза қилишга интилар, лекин ғишт қолипдан кўчган эди. Эрон мамлакатнинг шимолий ҳудудларига ўз қўшинларини жойлаштира бошлади. Озарбайжон Демократик Республикаси ихтиёрида «снарядсиз 4 та тўп ва миналарсиз 2 миномёт қолган эди». Озарбайжон бундай зуғумга қарши курашишга шай эди, лекин Москва фақат маънавий мадад беришнигина ваъда қилди, холос.

1946 йил 11 декабрда Пешоварий ва унинг сафдошларига Сталиндан шифрланган хатни етказишди.

«Қавом бош министр сифатида Эроннинг исталган қисмига, шу жумладан Озарбайжонга ҳам қўшин юбориш ҳуқуқига эга. Шу боис бундан буён қуролли қаршилик кўрсатиш мақсадсиз, фойдасиз ва керакмас. Сайловнинг тинч-осойишта ўтишини таъминлаш ниятида ҳукумат қўшинлари Озарбайжон ҳудудига киритилишига эътироз билдирмаслигини хабарини берянг. Эрон халқларининг бирлиги ва тотувлиги, озодлиги ва мустақиллиги йўлида ушбу ишларни амалга ошираётганингизни айтинг».

Худди шундай қилишди. Шундай деб вассослашди ҳам.

... Босиб олинган Табризда уч мингдан зиёд кишини бир неча кун ичида отиб ташлашди. Озарбайжон тилидаги дарсликлар ва китоблар гулханларда ёқилди. Озарбайжон Давлат университети, Миллий театри, филармонияси ва музейи тақа-тақ ёпилди. Миллий қаҳрамонлар шаънига ўрнатилган ҳайкаллар бузиб ташланди. Махаллий ҳокимият конституцион тартибларни жорий этди.

Бағировнинг қатъий талабларидан кейин Москва Жулфа, Худофарин, Балосувар ва Астарда чегара пунктларини очишга ижозат берди. Икки кун ичида 5295 киши совет чегарасидан ўтиб келди.

Пешоварий бошлик бир гуруҳ партия ходимлари Нахичеванда вақтинчалик қилишди. Кейин уни Бокуга кўчиришди. У Москвага янги-янги таклифлар ёзиб жўнатар, Багировга янги таклифлар билан мурожаат қиларди. «Уни хотиржам қилиш ниятида, – деб ёзади Жамол Ҳасанли, – Жанубий Озарбайжонга фидойилар отрядларини тайёрлаб юбориш учун 1947 йил май ойида махсус махфий комитет тузилди: лекин ҳеч кимни юбориш насиб этмади; 1946 йил 3 июлда Евлах-Ганжа йўлининг 14-километрида Пешоварий тушган автомобиль ҳалокатга учради. Орадан бир неча соат ўтгач, у туман шифохоналарининг бирида вафот этди».

Серғайрат сиёсий муҳожирни Боку чеккасида жойлашган Бузовнадаги дала ҳовлисига дафн этишди. Қабрига гул кўчатлари ўтказишди. 1960 йил мартида Пешоварий ҳокини урушдан олдин, 30-йилларда барпо этилган фахрийлар қабристонига кўчиришди. Вақтни тизгинлаб туриш амри маҳол, тақдир кушойишини қарангки, унинг ёнига Азиз Алиевни дафн этишди.

Ҳар икки жонфидо фикри-зикрини ўртаган, юрагига ларза солган юмушлар, ишлар ўтмишга айланди; уларнинг олов умрию маслак-эътиқодлари ҳам эндиликда тарих мулки бўлиб қолди.

Шамол сарғайган, унққан ҳазонларни учиради. Улар қабридан хийла пастроқда Қорабоғ уруши қаҳрамонларига ёдгорлик ўрнатилган. Биринчи, иккинчи ва учинчи ёдгорликларга кизил боғич боғланган. 1991 йили ҳалок бўлган республика ҳукумати раҳбарларининг бир гуруҳи қабрини боқуликлар шундай белгилар билан ажратиб кўрсатишган. Давлат секретари, академик Товфик Исмоилов, ички ишлар министри, генерал Мамед Асадов, бош прокурор Исмаилов, Министрлар Совети раисининг уринбосари Зулфи Гажиев... Улар тушган вертолётни арман сепаратистлари уриб туширган эди.

«Биз қуролли кучларимизни асло тарқатиб юбора олмаймиз, – дерди қатъиятли Пешоварий. – Биз қуролли кучларимизни тула-тўқис сақлаб қолишимиз, эҳтиёт қилишимиз зарур».

«Назаримда, сиз мамлакат ичкарисида ҳамда халқаро майдонда юзага келган вазиятни нотўғри баҳолаяпсиз, – жавоб беради Сталин. – Биринчидан, сиз Озарбайжоннинг барча инқилобий талаблари зудлик билан амалга оширилишини талаб қилаяпсиз. Бироқ ҳозирги вазият бу хилдаги катта режани амалга оширишга монелик қилади.

Иккинчидан, мабодо совет кўшинлари Эронда қолганда эди, Озарбайжон халқининг инқилобий талабларини рўёбга чиқариш, муваффақият қозониш учун умид боғласа бўларди. Лекин биз қўшинларимизни Эронда тутиб туролмаймиз; совет қўшинларининг Эронда қолиши, биринчи галда Европа ва

Осиёда олиб бораётган халоскорлик сиёсатимизга раҳна солади. Инглизлар ва америкаликлар бизга ўз сўзини утказмоқчи бўлишмоқда: совет кўшинлари Эронда колгудек бўлса, инглиз аскарлари нима сабабдан Миср, Сурия, Индонезия ва Греция тупроғида қололмас экан ёки не боис америкаликлар Хитой, Исландия ва Дания заминидан чиқиб кетиши керак? Биз кўшинларимизни Эрон билан Хитойдан олиб чиқиб кетишга қарор қилган эканмиз, инглизлар ва америкаликлар қўлидаги дастакни тортиб олмоқчимиз, уларнинг турли хил даъволари учун ҳеч қандай асос қолдирмоқчи эмасмиз; кейин, мустамлакаларни империалистлар зулмидан озод қилишдек халоскорлик ҳаракатини янада кенгайтириш, асосли тизимга солиш ва жаҳон халқларига тобора кўпроқ наф келтиришдек хайрли ниятимиз ҳам бор. Сиз, инқилобчи сифатида, бундан булак йўл-йўриқ тута олмаслигимизни ўзингиз ҳам, албатта, яхши тушунасиз».

Учинчидан, Эрондаги сиёсий вазиятни ҳам ҳисобга олмаслик мумкин эмас эди; тўртинчидан...

«Бизга маълум қилишларига қўра, сизни осмон қадар кўтариб, юксакликларга олиб чиқиб қўйганимизни, кейин эса чоҳнинг оғзига ташлаганимизни, шу тариқа сизни обрўсизлангириб, номингизга доғ туширганимизни айтган эмишсиз; агар, шуларнинг ҳаммаси рост бўлса, у бизда қатта таажуб уйғотади. Аслида, ҳамма гап нимада? Биз бу ўринда ҳар бир инқилобчига ҳам маълум бўлган оддий бир усулни қўладик. Ҳозирги пайтда Эронда вужудга келган вазиятга қўра, ҳаракатнинг энг жузъий эҳтиёжларидан бошлаб маълум ва машҳур талабларини таъминлаш учун имкониятларни ҳисобга олиш даркор; қолаверса, ҳаракатни ана шу жимжилоқдек имкониятга мослаштириб, зўрма-зўраки тикиштиришга тўғри келади; бу эса, шубҳасиз, мавжуд ҳукуматга ҳавф-хатар солади; шу боис ҳукумат томонидан ён босишларни амалга ошириш учун муайян имкониятларни яратиш тақозо этилади. Олдиндан айтиб қўя қолай, Эроннинг айни бугунги шароитида илгари сураётган талабларингиз ижросига эришиш учун ижозат ололмайсиз; бунинг учун Қавом ҳукумати ҳам розилик билдириши зарур. Бу – инқилобий ҳаракатларнинг ёзилмаган қонуни. Бу ерда ҳамиятингизнинг ерга урилиши, қадрсизланиши тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Сизнинг камситилишингизга йўл берган дея биздан ёзғиришингиз ҳам кишини таажубга солади. Аксинча, сиз оқилона йўл тутсангиз, бизнинг маънавий мадалимиз кўмагида, шубҳасиз, Озарбайжоннинг амалдаги ҳолатини легаллаштирувчи талаблар ижросига эришишингиз мумкин. Шунда Яқин Шарқдаги тараққийпарвар демократик ҳаракатнинг қалдирғочи сифатида сизни озарбайжонликлар ҳам, Эрон ҳам бошига кўтаради».

Таассуфки, «Озарбайжоннинг ҳозирги мавжуд ҳолатини легаллаштирувчи талабалар ижросига эришиш» учун маънавий мададнинг ўзи камлик қиларди, албатта; яъни, ягона бир мамлакат ичидаги мухторият<sup>1</sup> кифоя эмасди.

Миллий ҳукуматнинг мағлубиятга учраши, Озарбайжон Демократик Республикасининг емирилиши Совет Озарбайжонда ҳам аччиқ акс-садо берди. Минглаб кишилар Аракс дарёсининг нариги соҳилидаги қариндош-уруғларига, жигар-бақдларига ёрдамга отилишди; уларнинг орасида ўқитувчилар ва врачлар, нефтчилар ва қурувчилар, геологлар ва артистлар, партия ходимлари ва ҳарбийлар... бор эди.

### Бу ҳақда лом-ним дейишмади

Ана шу талотум воқеа-ҳодисаларга яқинлик Ҳайдар Алирза ўгли Алиевнинг таъсирчан қалбига, ўткир зеҳнли онгу шуурига каттик таъсир қўрсатди. Унинг хориждаги биографларидан бири, французларнинг «Курье энтернасьонал» журнали муҳаррири Александр Адлер «Совет чекистларининг Туркия чегараларида, ҳудудларида муттасил олиб борган разведка ҳаракатлари» хусусида фикр юритиб: «Уларнинг орасида Ҳайдар Алиев исми ёш, навкирон лейтенант, айниқса, ажралиб турарди», – деб ёзади.

1944 йил 27 январь куни Ҳайдар Алиев Нахичеван АССР Давлат хавфсизлик халқ комиссари муовини, давлат хавфсизлиги майори ўртоқ Севоянга қуйидаги ариза билан мурожаат қилди. Ушбу мурожаат мазмунини тўлиқ келтирамиз:

«Давлат хавфсизлик халқ комиссарлиги тизимида амалий фаолият билан қизғин шуғулланишни хоҳлайман.

Шу боис мени Озарбайжон ССР Давлат хавфсизлик халқ комиссарлиги мактабларидан бирига ўқишга қабул қилишингизни сўрайман».

Чиройли дастхат, имзо, сана қўйилган... Тўғри, бу тизимда ишлаш учун кучли иштиёқ, майлнинг ўзи камлик қилади. Авра-астарини ағдаргудек чиғириқдан ўтказиш тўрт ой давом этади; бунчалик сиёчков текширишга «абитуриент»нинг ақли бовар қилмайди. 1944 йил май ойидан эътиборан Ҳайдар Алиевнинг Совет Иттифоқи Давлат хавфсизлик органларидаги жўшқин фаолияти бошланди. Ушанда у эндигина йигирма бир ёшга тўлган эди.

Энди, Адлернинг айтганларига қайтсак: «...Кейин Ҳайдар Алиев Табризда хизмат қилди; фожиаги воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳи бўлди; Жанубий Озарбайжондаги анча мураккаб вазиятда шох ҳукумати қўлга киритган натижалар моҳиятини,

<sup>1</sup> *Мухторият* – ўзини ўзи бошқариш, идора қилиш ҳуқуқи. Маълум бир миллий ҳудуд аҳолисининг ички идора ишларини мустақил равишда ҳал қилиш ҳуқуқи.



албатта, ўзи яхши тушунарди; Озарбайжондаги коммунистик гоялар мағлубияти, айникса, унга қаттиқ таъсир курсатди. Ахир, айни паллада озарбайжон халкининг эзгу умидлари шу билан боғлиқ эди-да».

Совет Озарбайжонининг чегарага туташ ҳудудларида яшовчи аҳолини миллий кутаринкилик туйғуси кучли забт этган эди. Куккисдан тарози посонгиси бошқа томонга оғиб кетди; Жанубий Озарбайжондаги фожиани озарбайжонликлар милдат бошига ёғилган офат, фалокат сифатида қабул қилишди. Уша пайтда бу ҳақда очик-ойдин ёзишмасди; лекин аксар кўпчиликининг тилида-ю дилидаги гап айни шу хусусда эди.

Ҳайдар Алиевнинг бу борада гувоҳлари ҳам бор; буни бизга Озарбайжон парламенти – Миллий мажлиси депутати Жамил Ҳасанли гапириб берган эди.

– Китобим босилиб чиққач, Ҳайдар Алиевич сим қокиб, табриклади: «Озарбайжонда шундай олим борлигидан хурсандман, – деди у. – Совет даврида лом-мим деб оғиз очилмаган нарсалар тугрисида ёзибсиз». Кейин ёшим нечада эканлигини сўради. Элликка тўлдим, деб жавоб бердим. «Ўз кузим билан кўрган факт ва маълумотларни ниҳоятда аниқ тасвирлаб берибсиз. Ҳайратландим. Етмиш-етмиш беш ёшларда булсангиз керак, деб ўйлагандим, уша воқеалар билан тенгдош булсангиз керак, дебман... Багиров билан Пешоварийнинг учрашувларига онд кўшимча тарихий тафсилотлар ҳам келтиргансиз. Бу китобнинг ишонтириш қуввати, таъсирчанлигини оширган. Уша пайтда Нахичеванда хизмат қилардим, учрашув куз унгимизда кечган эди, биз уларни кўриклаган эдик...» Сухбатимизга яқун ясаркан, яна бир марта миннатдорчилик билдирди; сўзининг охирида тарихга ана шундай ҳаққоний, холис ва беғараз ёндашиш керак, дея таъкидлади.

Вазиятни янада ойдинлаштириш учун таъкидлаш жоизки, олим муҳолифатдаги Озарбайжон Халқ фронтининг вакили ҳисобланади. У билан танишар эканмиз, шуларни айтди; чамаси, биз фақат Ҳайдар Алиев тарафдорлари билан мулоқотда бўлаяпмиз, деб ўйлади шекилли. Июк, биз ҳамманинг кўнглига кулоқ солдик. Дўстларининг ҳам, муҳолифатдагиларнинг ҳам дил сўзларини тингладик. Алиевнинг фаолиятини баҳолашар экан, кўпчилик сиёсий тарафқашликлардан юқори туриб фикр юритди; ана шу жиҳатлари айникса қимматлидир.

– У нафақат Озарбайжоннинг, шу билан баробар замонамизнинг ҳам улкан сиёсий арбобидир. У мустақил давлатчилигимиз пойдеворини яратиш, мустаҳкамлаш баробарида Озарбайжонни тараққий этган демократик мамлакатлар катори а олиб чиқди. У Озарбайжоннинг Россия, АҚШ, шунингдек, Ғарб ва Шарқ давлатлари билан халқаро муносабатларини мувозанатда ривожлантирди. Мени айникса хурсанд қилган, бошимни

қўққа етказган нарса шу бўлдики, Ҳайдар Алирза ўгли Алиев кексайган пайтида, олам-жаҳон юмушлари бўла туриб, монографиямни ўқиб чиқишга, ғоят қимматли фикр-мулоҳазалар билдиришга фурсат ажрата олди. Қўнғироқ қилиб, миннатдорчилик билдирди.

Фан доктори Ҳасанли монографиясининг биринчи нашри озарбайжон тилида эди. Иккинчиси эса, муаллиф ташаббуси билан, рус тилида босилиб чиқди.

– Буни Россияга бўлган катта ҳурматим туфайли амалга оширдим, – деди у.

– Уша йиллари Жанубий Озарбайжонга сафарга юборилганлар рўйхатида Алиев исм-шарифини учратмадингизми, – деб сўрадик.

– Йўқ, – жавоб берди олим, – учратмадим.

Дарҳақиқат, биз хикоя қилаётган қаҳрамонимиз уша рўйхатларга киритилмаган эди. Қайси бир рўйхатда қайд этилганди? Утмишдан саволга жавоб топишга интиламиз; маълум фактларни, версияларни<sup>1</sup> қисслаб, чоғиштириб қўрамиз, уларни янги маълумотлар билан тўлдириб, қўламдор, улкан шахслар ҳақидаги турли афсона ва ривоятларга аниқлик киритамиз.

...Истамбулда совет вице-консули вазифаси нуқоби остида фаолият юритиб келган хавфсизлик хизмати полковниги Волков 1945 йил майда қўққисдан Ғарбга кетишга қарор қилади. Британия разведкаси билан алоқа ўрнатади; сиёсий бошлана эвазига уларга махфий ҳужжатларни топширишини ҳамда Туркиядаги совет разведкачилари номини маълум қилишини айтади. Туркия билан қифояланса қоши эди; Британиядаги совет разведкачиларининг ҳам номини бирма-бир «сотишга» ваъда қилади. Аввал у Британия бўлимида ишлаган эди-да. Қобулдан юборилган инглизларнинг маълумотлари Лондонда Сикрет интеллигент сервис бўлими бошлиғи Ким Филбининг қўлига келиб тушади... Ким Филбининг совет разведкасидаги хизматлари шунчалар бекиёски, уни баҳолаш амримаҳол. Филби шу кунгидея фалокатнинг олдини олиш мақсадида бўлиб ўтган воқеани тегишли жойга – ДХХКнинг Лондондаги резиденцияси ходимига маълум қилади. Британия разведкаси ҳамма гапни жойида ҳал қилиш учун Филбини зудлик билан Истамбулга жўнатди. Лекин сотқиннинг оёғини ерга теккизмай, Москвага олиб кетиб бўлишган экан. Ким Филби ортига қайтар экан, Туркияда фаолият олиб бораётган Британия разведкачиларини раҳбарият олдида оппоқ қилиб кўрсатди. Ҳисоботида муваффақиятсизликни Волковнинг феъл-атвориға ҳам «ёпиштириб» қўя қолди: «Ҳаддан гашқари кўп ичиб, ортикча гаплар

<sup>1</sup> Версия - бир нарса ёки бир воқеа тўғрисидаги турлича хабар

ни валаклайверишли туфайли узини ўзи бадном қилган бўлса керак», – деб ёзиб берди.

Уша йилларда Михаил Матвеевич Батурин Туркиядаги совет разведкасининг бош резиденти<sup>1</sup> бўлиб ишларди. Унинг ўгли – космонавт ва олим Юрий Михайлович Батурин отаси ҳақида китоб ёзди. У «Трибуна» газетасининг шарҳловчиси Сергей Маслов саволларига жавоб бераркан, уша олис воқеа-ҳодисалар туғрисида куйидагиларни ҳикоя қилган эди.

– Шундай қилиб, ким кимни қутқарди: Михаил Батурин Ким Филбиними ёки Ким Филби Михаил Батуринними? – сўради Маслов.

– Ғалати, сийқаси чиққан нарса: атрофимиздаги моддий шунчалик бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетганки, – жавоб берганди Юрий Батурин, – биз бу робиталар туғрисида жудаям кам нарса биламиз. Фақат қандайдир алоқадорлик ришталарининг зохирий белгиларини пайқашимиз мумкин. Янаям теран алоқалар кўзга ташланса, ҳайрату таажжубларимизни яшира олмаймиз. Тушунасизми, икки разведкачи ўртасидаги махфий алоқа нима билан тугагини биронтаси ҳам охиригача англай ололмас эди. Ҳамма нарса шароитга, шунингдек, куп нарса унисининг ҳам, бунисининг ҳам профессионаллик даражасига боғлиқ эди. Агар, Михаил Матвеевич хийла сусткашлик кўрсатганда, Филби фош этилган бўлурди. Чамаси, «Кембриж бешлиги» фаолиятининг барбод бўлишида ҳамма айб совет резиденцияси ходимлари зиммасига тушарди. Ундай ҳолда разведка тарихининг каттагина қисми ва халқаро муносабатлар тарихининг бир қисми ўзгача ёзилган бўлурди.

Балки, Филби отамни асраб қолгандир. Ахир у зудлик билан ҳаракат қилган-да. Разведка одамлари, қаерда ишламасин, тизимнинг бир бўлаги эканликларини яхши ҳис этишадн. Разведкачи фақат ўзи учунгина жавоб бериб қолмаслигини, у билан алоқадаги одамлар тақдирига ҳам масъул эканлигини унуттишга асло ҳаққи йўқ. У, яна, ўзи мутлако билмаган ва ҳеч қачон билмайдиган одамлар ҳаёти учун масъул эканлигини ҳам ҳамиша дилдан ҳис этиб туради. Ҳар икки разведкачи бир-биридан мутлако беҳабар ёки бир-бири туғрисида аниқ бир нарса билмаган ҳолда, иложи борича тезроқ ва аниқроқ ҳаракат қилишга интилишган. Ҳар иккиси ҳам ўз вазифаларини намунали адо этишганди.

Юрий Михайлович Батурин сўзининг охирида кичик ва унчалик аҳамиятсиздек туюлган, лекин куп йиллар ўтгандан ке-

<sup>1</sup> *Резидент* – чет эл разведкасининг бирор давлат тупроғидаги вакиллари-га раҳбарлик қилиб турган киши.

йин ҳам таъсир кўрсатувчи бир боғлиқликни мисол тариқасида кўрсатиб ўтди:

– Агар Константин Волков Ғарбга чиқиб кетишга эришганида эди, унинг қўл остида хизмат қилган Ҳайдар Алиев исмли ходимларидан бирининг ҳаёти ҳам, фаолият мавқеи ҳам буткул ўзгача бўлурди; замонавий давлатлардан бирининг тарихи ҳам ўзгача кечармиди.

Разведка хусусидаги тахминнинг ечими шунақа. СССР Давлат хавфсизлик комитети раисининг ёрдамчиси, тажрибали разведкачи Игор Синициннинг нуфузли гувоҳлиги ҳам бизни ана шу хулосага йўналтирди.

«Ўзининг шахсий майли, салоҳиятига кўра у халқаро қўламага эга эди,– деб ёзади Синицин «Андропов – ёнимизда» номли китобида Ҳайдар Алиев хусусида фикр билдирад экан.– ДХКнинг Эрон, Туркия, Покистон ва Афғонистондаги резиденцияларида ишлади. Ташки разведка соҳасидаги фаолияти давомида у ана шу мамлакатларнинг биридаги юксак резидентлик лавозимига эришди. Камтар, жиддий ва зийрак разведкачини хавфсизлик органларини янада мустаҳкамлаш учун Озарбайжонга юборишди...»

Ташки разведканинг тўрт резиденциясида муваффақиятли фаолият юритишнинг ўзи бўладими! Китоб муаллифлари ҳаёлида яширин учрашувлар, пароллар<sup>1</sup>, шифрлар<sup>2</sup> билан боғлиқ мароқли воқеалар ғўжғон ўйнай бошлади... Россия ташки разведка хизмати (ГРХ) матбуот бюросига Ҳайдар Алиевнинг ташки разведкадаги фаолияти хусусида имкон қадар сўзлаб беришларини илтимос қилиб хат йўлладик. Россия ташки разведка хизматининг матбуот бюроси бошлиғи, генерал-майор Борис Николаевич Лабусовнинг жавоби бизни ўйлантириб, қийин аҳволга солиб қўйди: Ҳайдар Алиевич Алиев совет ташки разведкаси резиденцияларида хизмат қилмаган, резидент ҳам бўлмаган, дейилган эди жавобда.

Эътироф этиш жоизки, шундай мазмундаги жавобни олгач, ташки разведка хизмати биздан ниманидир яшираётгани, деган ҳаёлга ҳам бордик. «Мутлақо махфий» белгилари яширин фаолият амалга оширилганидан буён унчалик кўп вақт ўтмаган эди-да... Балки фахрийлар ўз хотираларини баҳам кўришар? Гарчанд ҳозирги ҳолат истисноли эса-да, аллақачон нафақага чиққан, истеъфодаги разведкачилардан ҳам бирон гап олиш амри маҳол; очилиб-сочишиб гаплашишмайди. Кўринмас фронтнинг кўпини кўрган бир ходимини шуҳратпарастлик кемиради-да, енг шимариб жасоратлари туғрисида хотира ёзишга киришади; назарида етарлича кадрланмаган, муносиб

<sup>1</sup> *Пароль* – харбий хизматда ўз одамларини таниб олиш учун айтиладиган ва олдиндан белгилаб қўйилган махфий сўз.

<sup>2</sup> *Шифр* – махфий ёзишма учун қабул қилинган шартли белгилар.

баҳоланмаган фаолиятини ёритишга бел боғлайди. Ҳарбий бўлмаган бошқа бир оддий санъатшунос бир пайтлар унга давлат одами сифатида ишониб топширилган махфий маълумотларни ошкор қилиб, ул-бул нарсали бўлиб қолишга чоғланади. Лекин буни истисно тариқасида айтдик, холос, Аслида, ташқи разведка профессионаллари учун бу мутлақо бегона ҳол. Профессинал ходимларни ичимдагини топ кабилидаги мактовга сазовор камгаплик (уларнинг нуктаи назарига кўра) кадрдон килиб қўйган; Ҳайдар Алиев ҳаётининг катта босқичини ҳам ана шундай парда тўсиб туради. Лекин Москвадаги кекса, тажрибали разведкачиларга мурожаат қилганимизда, хориждаги турт резиденция ҳақидаги гап (версия) тасдиқланмади. Факт-маълумотларни қайтадан чийлашга, қийслашга тўғри келди.

...Китобхоннинг хотирасида бўлса, полковник Волковнинг иши 1945 йил майида бошланган эди. Унинг қўл остида Ҳайдар Алиев исмли ходим бўлганми? Бўлса, бордир. Лекин у биз ёзаётган одам эмас эди; «замонавий давлатлардан бирининг тақдирига даҳлдор» шахс эмасди. Озарбайжон Республикасининг бўлажак Президенти 1945 йил ёзида Озарбайжон ССР Давлат хавфсизлик халқ комиссарлигининг Боку семинари қошидаги оператив ходимлар малакасини ошириш курсларида таҳсил олаётган эди. Педагогика техникуми сингари, бу курсларни ҳам аъло баҳоларга тутатди. Яна Нахичеванга қайтди; биринчи мукофоти – «Шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирланди.

Истамбулга уюштирилган махсус хизмат сафари-чи, у қачон кечган?

Бу ҳақдаги тахминни эшитгач, генерал-лейтенант Зиё Мамедович Юсифзода тугоқиб, жаҳли чикқандек ҳам будди:

– Чўпчак-ку, бу гаплар! Ҳайдар Алирза ўгли Туркияга биринчи марта 1963 ёки 1964 йили круиз лайнерида<sup>1</sup> борган. Истамбулда мазкур кема бор-йўғи 10–12 соатгина тухтарди. Марселда эса агентура учрашуви белгиланган эди. Шундан кейин СССР Давлат хавфсизлик комитетидаги хизмати давомида Туркияга бошқа бормаган. Покистонда ҳам, Афғонистонда ҳам бўлмаган.

Озарбайжон Миллий хавфсизлик министрлиги академиясининг бошини Юсифзода Зиё Мамед ўгли ортидаги деворда Ҳайдар Алиевнинг катта портрети илланган. Бу – ҳамкорликда узок йиллар бирга хизмат қилган, қўл остида ишлаган Зиё Мамедовичнинг раҳбарига орқаворатдан курсатаётган хурмат-эҳтироми эмас. Озарбайжон ССР Давлат хавфсизлик комитетининг собиқ раиси Юсифзода нафақага чикқанига ҳам бир неча йил бўлганди; президент Алиев уни ҳузурига чакириб, Миллий хавфсизлик министрлиги ҳамда чегара қўшинлари

<sup>1</sup> Лайнер – океанларда юк ҳамда одам ташувчи тезюрар катта кема.

учун малакали мутахассислар тайёрловчи Академияни ташкил этиш вазифасини юклади. Озарбайжонда сўнгги пайтгача шу йўналишдаги олий ўқув юрти йўқ эди; ваҳоланки, мустақил мамлакат учун бу сув ва ҳаводек зарур эди.

Шундай олий илм даргоҳини юксак савияда ташкил этиши мумкин бўлган номзодлар хусусида мулоҳаза юритаркан, Ҳайдар Алиевич ўзининг кўп йиллик хизматдоши Зиё Юсифзода номзодига тўхталди. Улар 1955 йилдан бери ҳамкорликда хизмат қилишарди. Республика Министрлар Советининг ёш ходими, Москва чет тиллар институтини битирган Зиё Мамед ўглини Давлат хавфсизлик комитетига ишга таклиф қилишди. У таклифни қабул қилди. Янги оператив хизмат вакили Алиев бошлиқ бўлимга ишга тайинланди.

– Ҳайдар Алиевич менга шу заҳоти ёкиб қолди! – дея тотли олис хотираларга берилади Юсифзода. – Унда кишини ўзига тортувчи жозиба бор эди. Туғма хислатли киши эди.

Кейин, кўп йиллар елкама-елка фаолият юритишди, бирга ишлаб чиқилган операцияларни ҳамкорликда ўтказишди... Зиё Мамедович икки марта махсус топшириқлар билан Туркия ва Англия сафарларида бўлиб қайтди. «Унинг кистови билан» дейди портретга карата бош ирғаб. 1980 дан 1989 йилгача – тўққиз йил генерал Юсифзода республика Давлат хавфсизлик комитетини бошқарди. Академияни шундай тажрибали одамгина оёкка қўйиши мумкин эди. Президент оқилона тўхтамга келган эди. Истеъфодаги генералнинг уйига шахсан ўзи сим қоқди. Зиё Мамедович дастлаб ёши бир жойга бориб қолаётганини айтиб, ваз курсатмоқчи, йўқ демокчи ҳам бўлди, лекин...

– Лекин унга йўқ деб бўладими, мумкин эмас! – эътироф этаркан, яна бир сигаретни олиб тутатади, енгил тутун академия бошлиғининг муъжазгина хонаси шифтига кутарилади.

Кейин Ҳайдар Алиевга бағишланган музейда кўргазмаларни биргаликда кўздан кечирамиз, Озарбайжон Миллий хавфсизлик министрлиги архивида махфийликдан чиқарилиб, ошкор қилиш мумкин бўлган ҳужжатларни ўқишга тутинамиз. Сахифама-сахифа, кадамма-кадам ўтиб борар эканмиз, Ҳайдар Алиевнинг чекистлик таржимаи ҳоли аёнлаша боради: оператив хизмат вакилликдан республика Давлат хавфсизлик комитети раисигача, лейтенантликдан генерал-майорлик даражасигача босиб ўтган ҳаёт йўли кўз унгимизда гавдалана боради.

1950 йил 6 июль куни СССР Давлат хавфсизлик министрлиги (ДХМ) нинг Ленинграддаги оператив раҳбар ходимлар таркибини қайта тайёрлаш мактабида байрам эди; битирувчиларга мактаб таҳсилини тугатганликлари ҳақидаги гувоҳнома

топширилаётган эди. Курсантлик ҳаёти оғда қолиб, олдинда уларни янги иш, янги вазифалар кутарди. Мактаб бошлиғи полковник Пинчук биринчи бўлиб катта лейтенант Алиевни чақирди:

– Ўртоқ Алиев, сизга ДХМ мактабини аъло баҳолар билан биғирганлигингиз ҳақидаги гувоҳнома топширилади. Табрик-лайман!

Битирувчилар гуруҳи хайрлашишдан олдин Буюк Пётр монументи ёнида суратга гушишди. Сурат ҳам аъло чиқибди!

Битирувдан кейин бир неча кун ўтиб, 1950 йил 21 июнда алоқа хизмати катта лейтенант Алиев Ҳайдар Алирза ўғлининг фаолияти хусусидаги тавсифномани Бокуга етказди:

«Катта лейтенант Алиев Ҳ., 1949 йил май ойидан 1950 йил июль ойигача (ёзув машинкасида ишловчи аёл дастлаб июнь деб ёзгач, қора тушь билан «н» ҳарфини «л» ҳарфига тузатиб қўйган) СССР Давлат хавфсизлик министрлигининг Ленинград оператив раҳбар ходимлар таркибини қайта тайёрлаш мактабида ўқиди ва ўзини фақат ижобий томондан кўрсатди. Ўқув машғулотларига ниҳоятда жиддий муносабатда бўлди. Ўқув материални кунг ва сабот билан ўрганди. Синф ва семинар машғулотларига тиришқоклик ва ҳафсала билан тайёрланди, ўзининг гоёвий-сиёсий билим даражасини ошириш ҳамда умумтаълим савиясини юксалтириш мақсадида ўз устида, дарсдан ташқари, қўшимча қаттиқ ишлади.

Натижада утилган барча фанлар бўйича имтиҳонлар ва зачётлардан фақат аъло баҳолар олди. Бутун ўқув муддати мобайнида аълочи сифатида ўзини кўрсатди, мактаб бошлиғининг қарорига биноан унга ташаккур эълон қилинди, номи мактаб таълими аълочилари ҳурмат тахтаюга киритилди.

Ўртоқ АЛИЕВ ўқув давомида ижтимоий-иқтисодий фанлардан тегишли билимга эга бўлди. Умумтаълим ва маданий савиясини оширди, чекистлик иши масалалари бўйича билимини такомиллаштирди. Оператив масалаларни ҳал қилишда энг муҳимини оқилона топа билади; оператив шароитда мўлжални эркин белгилаб, тўғри қарорлар қабул қилади; оператив ҳужжатларни ҳар томонлама асосли ва ишончли далилларга таяниб тузади».

Кейин ДХМ мактаби бошлиғи ўртоқ Алиевнинг аъло баҳога ўқини партиавий ва жамоат ишлари билан уйғунликда қўшиб олиб борганлигини қўшимча қилади; интизомли, ахлоқан вазмин, турмушда камтарин, дўстлари билан муомала ва мулоқотда хушфёъл, мулоийм ва назоқатли эканлигини таъкидлайди.

Хулоса: «Хизмат юзасидан кўтарилишга муносиб».

Озарбайжоннинг ўзида ҳам ёш, ғайратли, шижоатли чекистга алоҳида эътибор кўрсатишди; албатта, хизмати ва ўқиши давомидаги фаолияти юзасидан билдирилган нуфуз-

ли тавсифноманинг ҳам аҳамияти катта бўлди. Нахичеванга қайтиб келгач, Ҳайдар Алиевни автоном республика Давлат хавфсизлик министрлигининг 5-бўлинмасига бошлиқ этиб тайинлашди. Орадан бир ой ўтиб, 1950 йил 26 августда Бокуга ишга ўтказишди. Ҳайдар Алиев Озарбайжон ССР Давлат хавфсизлик министрлиги 2-бўлимида бўлинмалардан бирининг бошлиғи ўринбосари этиб тайинланди.

Иккинчи бўлим – бу контрразведка дегани. Ҳайдар Алиевич республика Давлат хавфсизлик комитети раиси ўринбосари ҳамда раиси лавозимларига тайинлангунга қадар утган унлаб йилларни ана шу гоят муҳим ва масъул давлат хизматига бағишлади. У хизмат вазифасини утаган нуфузли рўйхат қуйидаги қисқа, лунда ифодалар билан тулиб, кенгайиб борди: 2-бўлим бошлиғи этиб тайинланди... «Жанговар хизматлари учун» медали билан, «Давлат хавфсизлик хизматининг фахрий ходими» курак нишони билан тақдирланди... Махсус топшириқни муваффақиятли адо этганлиги ва бу борада ташаббус ва катъият курсатганлиги учун қимматбаҳо совға билан мукофотланди... «СССР Давлат хавфсизлик хизмати соҳасида эришган ютуқлари учун Кизил Юлдуз ордени билан мукофотланди...». «Бенуксон хизматлари учун» медали билан тақдирланди...

1967 йил 26 октябрда СССР Министрлар Совети қошидаги Давлат хавфсизлик комитетининг раиси Андропов Озарбайжон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлик комитетининг раиси Алиев Ҳайдар Алирза ўглини «генерал-майор» ҳарбий унвонига тақдим қилди. Расмий тавсияномада шундай ёзилганди:

«Уртоқ Алиев 1944 йилдан бери Давлат хавфсизлик органларида, 1945 йилдан эса юқори раҳбарлик лавозимларида хизмат қилиб келмоқда. Узок муддат Озарбайжон Давлат хавфсизлик комитети 2-бўлимининг бошлиғи, 1965 йилдан раис ўринбосари бўлди, 1967 йил июнидан эса Озарбайжон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлик комитетини бошқариб келмоқда.

Зарурий ташкилотчилик лаёқатига эга. Республиканинг миллий хусусиятларини ва мавжуд оператив шароитни яхши билгани ҳолда, қўл остидагиларни белгиланган муҳим вазифаларни адо этишга сафарбар этаркан, интилишларни бир максадга қаратиб, юксак катъият курсатади.

Республика ДХКда республикага ташриф буюрадиган хорижликлардан разведкачилар ва агентлар тайёрлашни янада тақомиллаштириш юзасидан фаол иш олиб борилмоқда; шунингдек, жосуслик ва бошқа ғаразли, хусуматли нияти билан шубҳа уйғотганлар орасида турли хил чора-тадбирлар ўтказиш, агентура аппаратини янада тақомиллаштириш борасида катъият билан иш олиб борилмоқда.



Давлат хавфсизлик комитетининг чекка органлари ишнини ташикл этишга ҳам катта эътибор қаратилди. Хизмат масалаларини ҳал қилишда ҳам Ҳайдар Алиев бир сузли ва қатъиятли. Энг мураккаб тадбирларни ишлаб чиқиш ва ўтказишда шахсан иштирок этади.

Оператив тадбирларни удабурунлик билан амалга оширганлиги учун бир неча марта рағбатлантирилган; 1962 йили Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланди.

Шахсий хислатларидан меҳнатқашлигини қайд этиш лозим. Иродали ва принципиал раҳбар.

Комитетнинг шахсий таркиби ва партия-совет фаоллари орасида катта ҳурмат-эътиборга эга; Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига номзод ҳамда Республика Олий Совети депутати этиб сайланган.

Ўрток Алиев «генерал-майор» ҳарбий унвони берилишига ҳар жиҳатдан муносиб».

Эртасига, 27 октябрь куни СССР Министрлар Совети тақдимотни кўриб чиқди (985-сонли протокол). 1967 йил 30 октябрда Юрий Владимирович Андропов СССР Министрлар Совети ҳузуридаги ДХКнинг Алиев Ҳайдар Алирза углига «генерал-майор» ҳарбий унвонини бериш туғрисидаги 136-сонли буйруғига имзо чекди.

Анча илгарилаб кетдик, шекилли. Урушдан кейинги Бокута қайтамыз; навқирон офицер-чекист Ҳайдар Алиевнинг тенгқури, шифокор Зарифа Алиева билан қай тариқа танишгани хусусида тўхталамиз.

### III боб ҲАЙДАР ВА ЗАРИФА

Шарқ шеърятти беғубор, бокира, садоқатли севги, вафо васфини асрлар оша куйлаб келади. Тоҳир ва Зухра, Хусрав ва Ширин, Лайли ва Мажнун. Уларнинг вафо-садоқати қаршисида ҳамма нарса – фитна ҳам, таҳдид ҳам, ҳасад-ғайирлик ҳам ҳамиша чекинади.

Мунча сабр-каноатсиз экан сунгги суз,  
Фисқу фасод, ғийбатлари тинмайди хануз.  
Худди шамол гувиллабон субҳ-саболарда  
Чачвонининг бир чеккасин кутарган мисол.  
Муҳаббатнинг манглайига битилган ёзук  
Факатгина икки қалбга эдику аён.  
Энди сукут сақлагандан не наф, не сабр,  
Такиқларнинг кузларидан ситилди қадр.

Ушбу мисралар буюк Низомий Ганжавийнинг «Хусрав ва Ширин» достонининг мағлаъидир. Ҳайдар Алиев ушбу байтларни ёшлик чоғларидан ёд биларди. Кунгил гули Зарифага қайта-қайта ёд айтишни хуш қуларди.

Маърифатли XX асрнинг урталарида тақдир Ҳайдар Алиев билан Зарифа Алиева муҳаббатини синовдан ўтказди – бу пайтда ҳали улар оила қуришмаган, факат фамилиядош эдилар, холос. Уларнинг бир-бирларига булган оташин муҳаббати Лайли ва Мажнун ҳис-туйғуларидан асло кам эмасди, мумтоз достонлар саҳифасини безашга муносиб эди. Вақти келиб, бу оташин туйғулар талқинига бағишланган кинофильмлар, саҳна асарлари яратилар.

Дарвоқе, истеъдодли режиссёр Вокиф Мустафоевга ҳар қанча раҳмат айтсак кам, у «Улкан муҳаббат тарихи» номли хужжатли фильм яратди, Ҳайдар Алиевнинг кунглини, кечинмаларини катта эҳтиром ила акс эттирди. Фильм муаллифининг ижозати билан биз Ҳайдар Алиевнинг Зарифа хоним билан учрашувлари, тақдирларини боғлашлари, келажакларини ўзлари белгилашга аҳд қилганликлари хусусидаги хотираларини таяндик.

Ҳайдар Алиев ёшлик йиллари хушқомат йигит бўлганлиги, йиллар ўтгач ва, ҳатто, етуклик ёшида ҳам жозибадор, келишган киши бўлганлиги сурагларидан кўришиб турибди; эътироф этиш керакки, боқулик, ленинградлик, москвалик сулув кизлар ҳам унинг эътиборини тортишга, назарига тушишга, меҳрини қозонишга орзуманд эди. Лекин уни яхши билган инсонлар таъкидлаганидек, нозанинларнинг ноз-қарашмаларига мутлақо эътибор бермас, ишқибозлик қилишларига йўл қўймасди.

– Бунинг боисини тезда тушундим, – дейди кекса муаллим Латиф Хусайнзода. – Алиевга бир кишига меҳр қўйиш хос эди. Умр йўлдошини ҳаддан ортиқ севарди. Чамаси, буни икки олов қалб бир-бирини топганда рўй берадиган камёб бахт деса бўлар.

Самимий, бетакрор туйгулар, аслида, қургазмага қўйилмайди. Улар ёт кўзлардан яширин сақланади, эъзозланади. Лекин ёшлиқдан сирдош бўлган икки дугона орадан йиллар ўтиб бир-бири билан кўришиб қолгудек бўлса, бола-чақали бўлишса-да, бир-биридан нимани сўрашади:

– Бахтлимисан, Зарифа?

Нюста Азизбекованинг хотирлашича (уйда уни русчасига Зиночка, дея эркалашарди), Стефан Цвейгнинг «Номаълум аёл мактуби» ҳикоясини ўқиб чиқишгач, икки дугона бир-бирига дилини ёзганди.

– Сен ҳам шундай сева олармидинг? – суради Зиночка дугонасидан. – Севгилинг учун борлигингни, умрингни бағишлай олармидинг?

– Мабодо севиб қолгудек бўлсам, қургулигим оғир ёки сурурли кечадими, барибир, қандай бўлишидан қатъи назар, муҳаббатимни бир умр қўнғимда ардоқлаб утаман, – деб жавоб берганди Зарифа.

Ҳайдар Алиев ҳам худди шундай жавоб берган бўлурди.

«Икки уртадаги садокатли меҳр-муҳаббат йиллар ўтгандан кейин ҳам асло сусаймаслиги, умр йўлдошининг гузал фазилятлари ҳусусидаги эзгин-эзгин ҳикояларини асло унутолмайман. Уша учрашувлардан сўнг кўп йиллар ўтгач, дугонам оилавий бахти-тахтининг тўқислиги ҳақида тўлқинланиб, ғоят мамнуният ила сўзларди. Шундай роҳат-фароғатли кечинмаларни ифодалар эдики, уларни қоғозга ишониб топшириш қийин».

Ҳаммамиз ҳам ҳаётда кўзи ожиз одамларни кўп кўрганмиз. Ана, у ҳассасини дўқиллатиб, йўлка буйлаб бир чеккадан келаяпти, ўтиш жойига яқинлашгач, тўхтади... Аксарият ҳолларда раҳмдил бир киши уни кўчанинг нариги бетига ўтказиб қўяди-ю, сўнг ўз юмушлари билан гизиллаб кетади. Кимлар учундир бу хил учрашувлар бир умрга унутилмас хотира бўлиб қолади. Зарифа Алиева билан ҳам худди шундай бўлганди.

Улуғ Ватан уруши йиллари Бокуга ўнлаб госпиталлар жойлаштирилди. Уларда 500 мингдан зиёд киши шифо топиб, оёққа туриб кетди. Ана шундай госпиталлардан бири университет биносига жойлашган эди. Мактаб ўқувчилари ва талаба кизлар ярадорлар ҳолидан хабар олиб туришар, жароҳатларини қайтадан боғлашар, ташналарга сув тутишар, қузғалолмайдиғанларга қошиқлаб овқат едириб ҳам қўйишарди. Пюста шеърлар ўқиб берар, Зарифа эса аккордеонда куйлар ижро этарди.

«Ёдимда, дераза олдидаги каравотда оёқ-қўли синган, куйган, оғир жароҳатланган учувчи чалқанча ётарди. У овқат ейишдан ҳам бош тортар, қўзларини чирт юмган қўйи палатада нималар кечаётганига, атрофида нималар булаётганига мутлако бефарқ эди. Зарифа унинг бошида бир муддат тўхтаб қолар, оиласи ҳақида сўрар, фронтдаги янгиликлардан сўзлаб берарди. Кейин билсак, унинг ҳам биздек қизлари бор экан, оиласига ортиқча юк бўлишни хоҳламаётгани бонс дарди-дунёси қоронғу, ҳеч ким билан сўзлашгиси келмаётган экан. Орадан анча ўтиб, унинг кўнглига йўл топдик, оиласига йўллаётган мактубини Зарифага айтиб туриб ёздирди. Икковимиз ўша мактубни почта қутисига бирга олиб бориб ташлаган эдик. Шу тарихи Зарифанинг палатадаги яна бир «касби» пайдо бўлди: бемор аскарлар гапларини айтиб туришар, Зарифа эса ёзиб олар, кейин мактубларини уйларига почта орқали жунатарди.

Чамаси, унинг табиатидаги ўзгалирга хайрихоҳлик, оғир дамларда ёрдам қўлини чўзиш, юксак масъулият туйғуси ўшанда шаклланган, камол топа борган бўлса керак».

Бир куни госпиталдаги навбатчиликдан кейин дугоналар шошилиб уйга кетишаётган эди. Уларнинг қаршисидан чиройли бир аёл ғалати бир ҳолатда бошини баланд кўтариб, қаддини ростлаб, кўча четидаги биноларга яқин юришга ҳаракат қилиб келарди.

«Зарифа турган жойида тақа-тақ тўхтаб қолди, қўлларини қаттиқ қисди, қатта бармоғини лабига босганча, ҳайрат аралаш ўша аёлнинг ортидан қараб қолди. Нафасини ичига ютиб, оҳиста сўз қотди: «Кўряпсанми? У аёлнинг қўзлари ожиз. Биласанми, анчадан бери врач бўлишни кўнглимга тугиб юрибман. Оиламизда ҳамма шифокор: адам ҳам, оғим ҳам, опама Тамерлан ҳам врач. Мен қўз шифокори бўлмоқчиман, қўз доктори бўламан, одамларга қўришдек беназир, бебаҳо бахтни қайтаришга умримни сафарбар қиламан».

Йиллар ўтди. Зарифа Алиева таникли офтальмолог врач бўлиб етишди. Шифокорлар орасида эътироф этилган мутахассис сифатида танилди, айниқса, беморлар орасида довруғи баланд эди. Йирик илмий анжуманлардан бирида у академик, атокли тарихчи Азизбекова билан қўришиб қолди.

– Зарифа, кирк тўртинчи йили тасодифан кузлари ожиз бир аёлни куриб қолганимиз эсингдами?

– Ҳаммаси эсимда, – жавоб берди Зарифа Азизовна. – Жарроҳлик операцияларини ҳам унутолмайман, эсимда қолган... Ахир, ғалаба байрамидаги учрашувимизни унутиб бўладими...

Уша куни тонг саҳарлаб боқуликлар Приморский хиёбони-га қараб йўл олишди. Шаҳар аҳолиси шу ерга жам бўлгандек эди. Боқулик 26 комиссарлардан бирининг невараси, академик Азизбекова шу куни бошидан кечирганлари, кўрган-билганларини қуйидагича хотирлайди:

«Боқуликларнинг ҳаммаси денгиз бўйига чиққандек эди. Бир-бирини танимайдиган, етти ёт бегоналар ҳам бири иккинчисини қутлар, бағрига босар, йиғлаб-сиқташар, яқинлари-ю жигарларини эслашар эди. Биз, ўзимизнинг кадрдон дарахтимиз ёнига келдик, у ҳалиям бор, қўғирчок театрининг бурчаги рўпарасида савлат тўкиб турибди. Шу жойда Зарифа бошдан-оёқ қора кийинган аёл қаршисида тўхтаб қолди, худди ерга қокилгандек серрайиб турарди. у озарбайжон аёллари аздорлик маҳали бошига ёпадиган қоп-қора келага билан олпок сочларини беркитган, адоксиз қайғуга чўмган эди. Зарифа, одатда, бегоналар рўпарасида тортиниб, кимтиниб туради, лекин уша куни аздор аёлнинг олдида дадил юриб борди, бағрига босди: «Онажон, – деди шикаста овоз билан, – эгингиздаги қорани ечиб ташланг, ахир, бутун байрам-ку». Аёл йиғлаб юборди. Зарифа уни янаям қаттиқроқ бағрига босаркан, суради: «Эрингизми?» – «Йук, – деди у. – ўғилларим... Уч ўғлим қайтмади».

Қадди-қомати келишган буйдор бир йигит уларнинг рўпарасига келиб тўхтаб қолди.

«Йиғламанг, онажон», – деди у оҳиста, чуқур ҳамдардлик билдириб. Боқуда Зарифа билан Ҳайдарнинг мазкур биринчи учрашувини чўпчак мисоли айтиб беришади. Одатда, қутилмаган, қўқисдан содир бўлувчи воқеалар ечимига олдиндан ишонгинг келади, лекин, уша куни қахрамонларимизга бир-бирлари билан учрашиш насиб этмади. Ҳайдар Алиев Зарифа билан 1947 йили Кисловодскда танишишди. Бу хусусда унинг ўзи шундай хотирлайди:

«Акам Ҳасан Кисловодскка дам олгани кетган эди, мени ҳам боришга таклиф қилди... У ерда ҳеч кимни танимасдим, акамнинг эса таниш-билишлари кўп эди. Бир қиз қўзимга иссиқ қуринди, кейин у билан танишдим. Билсам, акам унинг отаси билан кадрдон экан. Оиласини ҳам яхши биларкан. Гарчад, танишувимиз қисқа кечган эса-да, уша аснода юрагим жиз этганлигини сездим, ичимда бир нима қўпириб кетгандек бўлди».

Ана шу танишувдан сўнг катта лейтенант Алиевга келажакга ойдин офицер сифатида Ленинградга – СССР Давлат хавфсизлик министрлиги таркибидаги рахбар оператив ходимларни қайта тайёрлаш мактабига йўлланма беришди. Акасига ёзган хатларида Кисловодскда орттирган янги таниши нималар қилаётганини, ўқишларининг боришини кизиқиб сўраб турарди. Акаси ҳам уни ортиқча интиқ қилмас, Зарифанинг акаси, дўсти Тамерландан ёш шифокор Алиеванинг тиббиётдаги илк қадамлари ҳақида эшитган-билганларини ёзиб хабардор қиларди.

Разведка илми мактабини аъло баҳоларга битиргач, Ҳайдар Алиев Нахичеванга қайтиб келди, лекин куп ўтмай, юқорида эслатилганидек, у янги вазифага тайинланди – республика Давлат хавфсизлик министрлиги 2-бўлими бўлималаридан бирининг бошлиғига ўринбосар бўлди. Қариндошлари қулоғига куя бошлашди: ёшинг 27 га борди-я. Ойла қурадиган пайтинг ҳам бўлди!

«Ўзим ҳам оила қурадиган вақтим бўлганини кўнглимдан ўтказиш бошлагандим, – дея эслади Ҳайдар Алиев ўғли. – Бу табиий, албатта. Ҳар бир йигитнинг бошида бор нарса. Кейин, озарбайжонликлардаги мавжуд русумга кура, онаси ёки она томондагилар киз қуриш маросимини<sup>1</sup> ўтказишарди. Менга уйланишим учун таклиф қилинган кизлар орасида жуда хушсураатлари, хурликолари бор эди, лекин, барибир, Зарифага бўлган туйғуларим беҳад кучли экан, уни яна кўргим келди».

Ҳайдарнинг бахтига у Тамерландни учратиш қолди, у билан аҳён-аҳён телефонда гаплашиб туришарди. Бир кун Каспий бўйида сайр қилиб юришган эди, Тамерланд уни уйларига таклиф қилди:

– Дадам билан таништираман, у Нахичеван томонларда кун бўлган.

Россиядаги ва Озарбайжондаги китобхонлар Азиз Мамед Карим ўғли Алиев номини эшитган заҳоти дарров танишади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тиббиёт фанлари доктори, атоқли врач Азиз Алиевни катта ҳурмат-эҳтиром билан жамиятни даволовчи шифокор, дейишарди. Ўтган асрнинг 30-йиллари у Озарбайжон соғлиқни сақлаш халқ комиссари эди, Иккинчи жаҳон уруши бошларида у советларнинг Эрондаги миссиясини бошқарди. Ўша пайтлари у Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг секретари, Доғистон область партия комитетининг биринчи секретари бўлди. 1942 ва 1944 йилларда уни икки марта Ленин ордени билан тақдирлашганди; 1950 йили эса, Москвадаги бир йиллик ўқув курсларини тугатгач, Бутуниттифок большевиклар коммунистик партияси Марка-

<sup>1</sup> Киз қуриш куёвнинг ва куёв қариндошларининг киз билан танишиш маросими.

зий Комитети инспектори этиб тайинлашди. Бу поғона партия-рахбар доираларида парвоз майдончаси, деб юритиларди. Одатда, инспекторлар катта-катта вазифаларга тайинланишар эди. Эндигина элликни қоралаган, айна куч-қувватга тўлган, олти йил республика партия ташкилотлари етакчиси бўлган, Доғистон коммунистларига бош-қош тажрибали кишининг келажаги ойдин эди. Лекин Азиз Алиевни қўқисдан Бокута чакириб қолишди...

Тамерлан отасига биродарини таништирган пайтда Азиз Мамедович Алиев илмга қайтган, Ортопедия ва тиклаш жарроҳлиги илмий гадкикот институтининг директори эди. Бу хонадонда одат тусига киргандек, меҳмонни очик чеҳра билан ғоят самимий кутиб олишди. Яна, бу учрашув Нахичеванда ҳам содир бўлиши мумкин эди, деб эслатишди. Чой куйишди, енгил табассум билан Зарифа ҳам яқин орада келиб қолади, дейишди...

Азиз Алиев республикадаги энг ўқимишли кишилардан бири эди. Тиббиётнинг ўта ҳассос билимдони, маданияту мусиқани ҳам фасоҳат ила тушунадиган закий билагонлардан эди. Бастакорлар Узair Ҳожибеков билан Муслим Магомаевлар ўз асарларини Азиз Алиевга катта амалдор бўлгани учун эмас, аксинча, хайрихоҳ дўсти, кадрдони сифатида ҳурмат ила тақдим қилишган эди. Дарвоқе, у бугун иттифоққа маълум ва машхур Муслим Магомаевнинг буvasи ва адаши эди; Озарбайжон университетининг ректори Абулфайз Қораев, номи афсоналарга чулганган шоир Самад Вургун, буюк олим, республика Фанлар академиясининг биринчи президенти Мирасадулла Мирқосумовлар ҳам ушбу хонадоннинг азизу муқаррамлари эди. Халқ комиссари Азиз Алиев бошқа ҳамкасбларига қараганда минбарларда тез-тез пайдо бўлиб қоларди. У сўзамоллик қилишни хушламасди. Амалий ишни севарди, ўзи ҳам амалдаги фаолияти билан эл-юрт назарига тушганди. У Озарбайжонни ҳалокатли безгақдан халос этаётганди: тиббиёт институтлари учун она тилида дарсликлар, ўқув қўлланмалар ёзарди, олис чекка кишлоқлардан салоҳиятли йигит-қизларни излаб топиб, уларни иттифокнинг етакчи олий ўқув юртларига ўқишга юборарди, 20-йилларда Россиядан Озарбайжонга келган тажрибали шифокорлар мададига таяниб, янги-янги тиббиёт хизмати марказларини ташкил этарди.

Уларнинг орасида Фёдор Николаевич Ильин ҳам бор эди. Уни Озарбайжонда «Ғадын Аллахы» «Хотинлар Аллоҳи» – дейишар эди. Фавқулудда истеъдод эгаси, олийжаноб бу инсоннинг ҳаёти ва фаолиятига қизикқанларга Иван Третьяковнинг китобини ўқишни тавсия қиламиз. Фронтчи адиб Иван Третьяковнинг 2005 йили Бокуда нашр этилган ушбу асари «Хотинлар Аллоҳи» деб аталади. Фасоҳатли ўқувчи кутубхоналардан Ильиннинг факат тиббиётга оид эмас, бошқа мавзу-

даги асарларини ҳам топиб ўқиши мумкин. У 1904–1905 йиллари рус-япон уруши фронтларидан қайноқ воқеаларга, ҳаётий деталларга бой очерклар ёзган эди. 1928 йили Москвада Тео Эли таҳаллуסי билан «Янги ҳаёт водийси» илимий-фантастик қиссаси босилиб чиқди. 60-йиллар ўрталарида бу қиссани Иван Третьяков сузбошиси билан Бокуда қайта нашр этишди. Уша кезлари И.Третьяков «Литературный Азербайджан» журналининг бош муҳаррири эди. Лекин Фёдор Николаевичнинг ҳаёти мобайнида қилган энг катта иши – бу ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам берувчи муассасалар барпо этиш, оналик ва болаликка мадад курсатишдек олийжаноб юмушлардир. 1920 йили у Озарбайжон университети тиббиёт куллийтининг акушерлик ва гинекология кафедрасини бошқарди. Уша пайтда бутун республикада бор-йўғи ўн иккита гинеколог-шифокор бор эди, холос. Кейинрок Наримонов номидаги тиббиёт институти деб номлана бошлаган, битирувчиларни қирк бора чиқарган тиббиёт куллийтининг минг-миглаб битирувчиларига рус маърифатпарварининг қайноқ меҳри сингган. Улкан қалбли инсонпарвар рус олими Фёдор Николаевич Ильинни бутунги кунда ҳам эзгу сузлар билан эслашади.

...1942 йил сентябрида Давлат Мудофаа Комитетининг (И.В.Сталин уша пайтда ДМКнинг раҳбари эди) қарори билан Азиз Алиев Доғистоннинг раҳбари этиб тайинланди. Сталин имзо чеккан ҳужжатда шундай дейилганди:

«...ВКП(б) Доғистон вилояти комитетининг секретари Линкун Н.И. эгаллаб турган вазифасидан бўшатилиб, ВКП(б) Марказий Комитети ихтиёрига юборилсин.

Ўртоқ А.Алиев Озарбайжон КП(б) Марказий Комитетининг секретари вазифасидан озод қилиниб, ВКП(б) Доғистон вилоят комитетининг секретари этиб тайинлансин».

Азиз Алиев айна маҳалда Махачқалъа мудофаа комитетининг раиси, 47-армия Ҳарбий Советининг, Боку Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа (ПВО) Ҳарбий Кенгашининг аъзоси этиб тасдиқланган эди.

Доғистон вилоят партия комитетининг пленуми 1942 йил 23 сентябрда бўлиб ўтганида, унда ВКП(б) Марказий Комитетининг Кадрлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Киселев йиғилганларни Алиев билан таништиради. Ана шу ҳаяжонли, ҳаловатсиз йилларда фашистлар Сталинград билан Кавказга тиш-тирноғи билан тирмашган эди. «Доғистонда юзлаб қочоклар, ўнлаб қуролланган махфий гуруҳлар борлигига, қолхозчиларни, масъул партия ва совет ходимларини бемалол талаб юрганига қандай қилиб чидаш мумкин, – деганди москвалик вакил. – Яқинда ВКП(б) Ҳасавюрт район комитетининг биринчи секретари ўртоқ Лукян бандитлар зуғумидан ҳалок бўлди. Бошқа районларда ҳам партия ва совет ходимла-



рига нисбатан шундай ёвузлик содир этилмоқда. Бандитлар, кочоклар қолхозларимизни талон-тороғ қилмоқда...»

Вилоят партия комитетининг биринчи секретарини олам-жаҳон ишлар кутиб турарди; Азиз Алиев ҳаммасини уйдлашга улгурди. Буни бор тафсилотлари билан, ипидан игна-сигача китобимиз саҳифаларида ҳикоя қила олмаймиз. Биз қизиқувчан китобхонга кейинги йилларда Озарбайжон ва Доғистонда чиққан китобларни ўқишни тавсия қиламиз. Хусусан, Т. Толиблининг «Азиз Алиев. Даври, ҳаёти, шахсияти», Ш. Аҳмедовнинг «Азиз Алиев – ҳаёти, Доғистонда кечган давлат ва сиёсий фаолияти (1942–1948 й. й.)» ва ҳ.к. китобларга муурожаат этишлари мумкин.

Азиз Алиев олти йил мобайнида Доғистонни бошқарди. Шулардан уч йили урушга туғри келди. Гузал тоғли ўлка билан хайрлашар экан, у бундай дейишга тула ҳақли эди: «Бизнинг ташкилот юксак уюшқоқлик, жипслик ва метиндек мустаҳкам бўлиш намуналарини кўрсатди, Улуғ Ватан уруши йиллари республиканинг барча меҳнаткашлари бир тану бир жон бўлиб фаолият юритишига эришилди. ВКП (б) Марказий Комитети ва Иттифок ҳукуматиининг муқофотларини бир неча бор олишга муваффақ бўлдик».

150 минг доғистонлик Қизил Армия сафларини кўнгилли бўлиб тулдирди. Кўплари фашистларга қарши жанг майдонларида ҳалок бўлди. Улар орасида Расул Ҳамзатовнинг икки акаси – атоқли авар шоири Ҳамзат Цадасанинг ўғиллари ҳам бор эди.

Расул Ҳамзатов уша йилларни шундай хотирлайди: «Азиз Мамедович менинг шеърларимни тинглаб ўтириб, қутилмаганда: “Сев Москвада – Горький номидаги Адабиёт институтида ўқишни давом эттиришнинг керак экан”, – деди». Қарангки, Расул Ҳамзатовнинг улкан истеъдоди Москвада янада ёрқин намён бўлди.

Урушдан кейинги тикланиш йиллари минглаб доғистонлик йигит-қизлар Москва, Ленинград, Киев, Свердловск олий ўқув юртларида таълим олдилар.

Чамаси, Ҳамзатов ва тенгқурларининг маънавий-интеллектуал камоли уша пайтда Азиз муаллим курсатган йул-йўриқнинг қутлуғ дебчаси бўлди, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари бўлгач, республиканинг чекка-чеккаларидан келган иктидорли йигит-қизларни пойтахт олий ўқув юртларига ўқишга юборишни Ҳайдар Алиев кўнглига қимдир солгандир ва ёки шундай олийжаноб фикрга унинг ўзи келгандир. Няма бўлганда ҳам, қайнота билан куёвнинг тулроғи бир жойдан олинган экан, икковининг эзгу ниятларга йўғрилган қарори республикани янада юксалтиришга қаратилган эди. Айни пайтда, қушчина мамлакатларда совет ва Россия дипломлари

Ўтмай қолди. Лекин, бу ўткинчи ҳол... Энг муҳими, катта илмий мактаблар, уларнинг таъсир кучи сақланиб қолади: айтайлик, аслида боқулик академик Ландаунинг илмий мактаби ҳақида гап кетгудек бўлса ёки академик Иоффе, академик Алферовни эслагудек бўлinsa, уларнинг онги-шуурида гуллаб қолажак илм-фан боғлари, юракларда унган теран илмий-назарий ғоялар кўкариб-яшнаб қолгусидир. Совет Иттифоқидаги энг яхши олий ўқув юртлари оддий меҳнатқаш халқнинг фарзандлари учун – Донбасс қончилари қуналғасидан бош қутариб чиққан, Озарбайжоннинг тоғли қишлоқларидан, Ўзбекистоннинг унутилаёзган овлоқларидан келган умидли йигит-қизларнинг илм олишлари учун бунёд этилган эди...

Азиз Мамедовичнинг ҳаёти фарзандлари учун энг катта сабоқ бўлди. Лазифа, Тамерлан ва Зарифа тиббиёт фанлари докторлари бўлиб етиштирди. Зарифа Азизовна эса, Иттифокнинг нуфузли, номдор офтальмологларидан бири бўлди, Озарбайжон Фанлар академиясининг академиклигига сайланди.

Ушбу сатрларни ўқиган ўқувчи, ахир, шундай отасию, умр йулдоши бўлгач, ҳар қанча юксакликка қутарилади-да, дейиши мумкин.

Бу борада ҳеч қим билан баҳслашмоқчи эмасмиз. Бундай ҳолларда ҳиссий кечинмалар таъсирига берилишдан кўра, аниқ факт-маълумотларга таяниб фикр юритган маъқул. Зарифа хоним отаси ва эрининг обрў-мартабасидан фойдаландими ёки йўқми?

Шундай бир ҳолатни кўз ўнгингизга келтиринг. Польша Ички ишлар министрининг икки ўринбосари дам олиш учун оилалари билан Бокуга келади. Уларга СССР Давлат Хавфсизлик Комитети раисининг ўринбосари Филип Денисович Бобков ҳамроҳлик қилади. Таомилга кўра, юқори мартабали меҳмонларни Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Алиев ҳам қабул қилиши керак эди. Лекин у бу пайтда чет эл сафарида эди. Зарифа Азизовна меҳмонларни шаҳар билан таныштиришда ҳамроҳлик қилади. Режага биноан район партия комитетларидан бирига кириб ўтилиши керак. У меҳмонларни дабдабали учрашувга кузатиб қўйиб, ўзи машинада қолади.

– Сизни шу жойда кута тураман. Ахир, партия ходими ҳам, Марказий Комитет ходими ҳам эмасман.

Инсоний ахлоқнинг ибратли мисоли бу. Шифокорлик ахлоқи эса Зарифа хоним учун юксак инсонийлик ва муомала маданияти асосини ташкил этади, бу борада у ниҳоятда чўнг фикрларга берилади, Фёдор Николаевич Ильин ва бошқа устозларнинг ўтигларига қулоқ тутати.

«Фидокорлар офтобдек зарур», – Зарифа Алиева шифокор одобига бағишланган китобининг сарлавҳаларидан бирини

шундай атади. «Чеховнинг машхур иборасига мурожаатни, – деб ёзади Фотима Абдуллазода, – аслида унинг умуман рус маданиятига муносабати тақозо этган. Умри бадалида Чехов ва Рахманиновларга нисбатан оташин муҳаббат фаолиятига ёғду сочиб турди».

Ҳайдар билан Зарифанинг танишуви Азиз Алиев «юкорининг қаҳрига йўлиққан» йилларга тўғри келди. «Олий ҳокимиятга маъқул келмаган сиёсий арбобнинг кизи билан давлат хавфсизлик тизимида катта умидлар уйғотаётган йигитнинг яқин муносабатлари ҳар иккисининг шахсий сири бўлиб қолади», – дея қайд этади Фотима Абдуллазода.

Толенинг кулиб бокқани-да, Ҳайдар Алирза ўғли ушбу сирасорни ўзи билан олиб кетмади. 2001 йили куйидаги таъсирчан дил эътирофини ёзиб олганлиги учун Воқиф Мустафоевга беҳад миннатдорчилик билдиради.

– Зарифага бўлган туйғуларим янада самимий ва кучли бўлиб борди. У ҳам менга бефарқ эмаслигини, меҳри борлигини дил-дилдан ҳис эгардим. Шу боис тақдиримни у билан боғлашга аҳд қилдим.

Хизматдошлари Ҳайдар Алирза ўғли Алиевни назардан қолган сиёсатчининг кизи билан тез-тез учрашаётганини яхши билишарди. Азиз Мамедовични олдинда нималар кутаётган эди? Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, қўли узун Багиров рақобатдоши катта мансаблардан истеъфога чиққани билан кифояланмаслиги мумкин эди. Қора булутлар оилага ҳам қўланка ташлай бошлади. Азиз Мамедовичнинг хотини Лайли Ҳожи Жаббор кизини республика компартияси XIII съездида делегат этиб сайлашади. Лайли Ҳожиевна эрта тонгда отланиб, съездга йўл олади, бироқ кўп ўтмай уйдагиларни ҳайрон қолдириб, ортига қайтади.

– Нима бўлди? Съезд иши шунчалик тез якунландими?

– Йўқ, съезд давом этапти, лекин Багиров мени ҳайдаб юборди. – Шу сўзларни айтган Лайли хоним, илжайиб қўйишга ўзида куч топди. – Мандатни топшириб, чиқиб кетишингиз мумкин, – деди у.

Бу нохуш воқеа овозаси ғаройиб тафсилотлар билан бойитилган ҳолда бутун Бокуга ёйилди. Танишлар, дўстлар ва, ҳатто, қариндош-уруғлар ҳам Азиз Алиевлар оиласини четлаб ўта бошлашди. Уйдаги телефон ҳам аҳён-аҳёнда жиринглайдиган бўлди.

Ҳайдар Алирза ўғли Алиев шундай хотирлайди:

– Орадан бир неча кун ўтгач, Зарифа хоним билан қўришдик. У, дили зиркираб, бошқа учрашмаслигимиз кераклигини айтди. Нега, нима сабабдан, – сўрадим ундан. У: «Ўзингиз яхши биласиз-ку, адамни ишдан олишган. Органда хизмат қилсангиз, зарари тегмасмикан. Назаримда, муносабатларимиз барҳам то-

пиши зарур». Ким ва каерда хизмат қилишининг муносабатларимизга мутлако алоқаси йўқ, дея эътироз билдирдим. Отангининг ҳам, менинг ишимнинг ҳам муносабатларимизга дахли йўқ.

Ўртамизда ниҳоятда самимий, ишончли муносабат қарор топганди. У мени каттиқ севарди. Менинг ҳам унга муҳаббатим баян эди. Шу боис кўнглини хотиржам қилиш учун хавотир олма, дедим. Адасини ишдан олишганини, ўзи учун қайгурмаётганини айтди. «Сиз учун жоним халак, хизматингизга таъсир қурсатмасмикан, деган хавотирдаман».

Ҳайдар Алирза ўғли Алиев бу вазият ҳақида Зарифадан кура кўпроқ биларди. Отасининг ортидан кўз-қулоқ бўлиб кузатиб юришарди. Телефонлари ҳам назоратда эди, кечасию кундузи хуфий эшитишарди. Табиийки, Ҳайдарнинг ҳам Зарифага сим қокқан маҳалларини қайд қилиб, ҳамма гапларини оқизмай-томизмай ёзиб олишган. Республика Давлат хавфсизлик министри Емельянов ҳузурига чакиришганда Ҳайдар ажабланмади, бу қутилмаган нарса эмасди.

– Бир муддат хизмат юзасидан суҳбатлашдик, – дея хотирлайди Ҳайдар. Кейин у: «Шундай қиз билан учрашиб турасанми», – деб суради. – «Ҳа», деб жавоб бердим. – «Унинг отаси Азиз Алиевлигини, эгаллаган вазифасидан озод этилганлигини ҳам бйласаями?» – «Ҳа, биламан, хабарим бор». – «Ўртоқ Багировнинг у ҳақдаги фикри ёмон». – «Бу ҳақда ҳеч қандай маълумотга эга эмасман».

Рахбар ёш офицерга Зарифа Алиева билан таниш-билишчиликка барҳам беришни, муносабатларига чек қўйишни маслаҳат берди. – Келуси ишларингга, мартабангга таъсир кўрсатиши мумкин, – дея огоҳлангирди. Хайрлашар экан, «...органларда ишларинг ҳам мумкин бўлмай қолади», – дея таҳдид солди.

Давлат хавфсизлик органларидан бўшатилиш «аждаҳо коми»га тушишдек бир гап эди. Меҳнат дафтарчаси ва ҳарбий билетига шундай белги қайд этилган кишини ҳеч қаерга ишга олишмасди. Ҳайдар Алирза ўғли Алиев нафақат севган ишини йўқотарди, балки оиласи боқувчисидан ҳам маҳрум бўларди. Онаси, укаси ва сиягиллари унинг қарамоғида эди.

– Шундай эса-да, барибир фикримдан қайтмадим, ўз хоҳиш-истагимда каттиқ туриб олдим. Зарифа билан алоқамни узмадим. У пайтда Боку ҳозиргидагидек ёриткичлар билан таъминланмаган эди. Бегона кўзлардан панада, овлоқ жойларда қуришишга интилардик. – Шуларни эсларкан, Ҳайдар Алирза ўғли Алиев мийиғида қулиб қўйди, ёшлик, навқиронлик йилларини кўз унгида жонлангириш унга адоқсиз сурур бағишлаётганлиги юз ифодасидан қуришиб турарди.

Улар кўпинча губернатор боғида қуришиб туришарди, аввал инглиз боғи деб юритиларди. XIX асрда барпо этилган қўхна

хийёбонда кизикувчан одамлар нигоҳи тушмайдиган, икки томонига катор дарахт, бутя ва гуллар ўтказилган йўлчалар анчагина эди, ошиқ-маъшуклар висол онларини бегона кўзлардан панада ўтказишлари мумкин эди.

– Бокка кираверипда троллейбус бекати бор эди. Учрашувни шу бекатга тайинлар эдим. Ёш, дадил эдим, ҳеч нарсадан ҳайикмас, чўчимасдим, хизмат тақозосига кўра ёнимда туппонча билан юрардим. Зарифа ёш бўлиши баробарида ниҳоятда гузал, кўзга яқин эди. Узингизга маълум, чиройли кизлар ўтган-кетганининг диққатини тез тортади, қолаверса, унга хиралик қилишлари ҳам мумкин... Троллейбус бекатига яқин келиб, уни кута бошлардим. Кейин боғ ичкарисига йўл олардик.

Ёш чекистнинг ҳийлалари фойда бермади, генерал Емельянов уни яна «гиламга» – кураш майдонига чақирди.

– Нега топшириқларимизни бажармаяпсиз? – сўради хона соҳиби. Орадан ўн йиллар ўтиб Алиевнинг ўзи ана шу хонада раҳбар вазифасида ишлашини ўшанда ким билибди дейсиз.

– Биласизми, – жавоб беришга гутинди Ҳайдар орага чўккан жимликни бузиб. – Иш ўз йўлига, унинг ортидаги инсоний тақдирлар ўз йўлига. Ишимни жони-дилимдан ортик кўраман. Мени ходим сифатида қалрлашингизни ҳам биламан. Бу борада хавотирга ҳожат йўқ. Лекин иккинчи паллада менинг ҳаётим турибди – оилам, туйғуларим, муҳаббатим бор, улар мен учун ҳар нарсадан азиз. У кизни севаман, жонимдан ортик кўраман. У ҳам мени яхши кўради. Қандай қилиб ажрала оламан? Бу нарсани унинг ўзига ҳам айтдим, сираям ақлимга сиғдира олмаяпман, дедим. Мабодо, шу нарсага жазм этгудек бўлсам, унга сабабини тушунтиришим керак. Ёки, сени севмайман, деб айтишим, ёлгонни буйнимга олишим керак бўлади. Ёки, мана бу-мана бу нуқсонларнинг туфайли сени ёқтирмай қолдим, шунинг учун ажрალიшаман, дейишим зарур. Органдаги хизматимни саклаб қолиш учун сендан жудо бўлишим керак, дея олмайман, бунга тилим бормади.

Емельянов ақлли одам эди, Ҳайдарнинг вазиятини у тезда фахмлаганлигини Алиев дилидан туйди. Лекин бунда бошқа гап ҳам бор: бир қанча кўйлакни ортикча йиртган, Ҳайдар гени бир неча фарзанднинг отаси бўлган Емельянов бир томондаю, Давлат хавфсизлик министри иккинчи томонда турарди. Унинг овози қатъий тус олди:

– Хизматда қолиш-қолмаслик масаласини ҳал қилишга тўғри келади. Чамаси, ишингдан маҳрум бўладиган кўринасан...

Аслида, шундай бўлиши ҳам мумкин эди. Азиз Алиев она юртидан олисга, совуқ ўлкаларга сургун қилиб юборилиши, ортидан қариндош-уруғлари, ўғил-кизлари, дўстларининг ҳам ўша ёқларга жўнатилиши ҳеч гап эмас эди... Лекин 1953 йил биринчи мартга ўтар кечаси бу чархи кажрафторга кўринмас

қудратли кучлар тарихнинг навбатдаги саҳифасини очилди. Москвадаги Ближний чорбоғида Совет Иттифоқини ва яна дунёнинг ярмини бошқарган инсон тўсатдан ҳушини йўқотди. Сокчилар ботиниб хонасига кирган маҳали у базўр нафас олаётган эди. Бешинчи март куни Иосиф Виссарионович Сталин оламдан ўтганлиги бутун мамлакатга хабар қилинди. Орадан тўрт ой ўтиб Берия ҳибсга олиниб, суд қилинди, кейин қардош республикалардан раҳбарлик вазифасидаги сафдошларини ҳам камоққа олишди. Озарбайжондан – Бағиров, Давлат хавфсизлик министри Емельянов, унинг ўринбосарлари ҳибсга олиниб, жазога тортилди.

Энди Ҳайдар билан Зарифанинг пана-пастқамларда қимтиниб юришга ҳеч қанақа зарурат қолмади.

– Эндиликда учрашувларимиз очик-ойдин, ошқора тус олди, – Ҳайдар Алирза ўғли ўтган воқеаларни эсларкан, разведкачилар иборасини мамнуният билан қўллайди. – Биз бахтиёр эдик... Ҳамма нарса қафтдагидек аён бир паллада муҳаббатим нечоғлик теран эканлигини исботлаб ўтириш зарур бўлмаса керак!

Муҳаббатимиз оғир синовлардан ўтди. Уртамизга нифок солмоқчи, бир-биримиздан айирмоқчи бўлдилар. Лекин биз ортга чекинмадик, у ҳам, мен ҳам аҳд-паймонимизни бузмадик... Самимий туйғуларимга булган ишонч-эътиқодим тасдиқланди. Шундан сўнг ўттиз йил бахтли-саодатли ҳаёт кечирдик. Оқил, чиройли икки фарзандли бўлдик – қизим Севил билан ўғлим Илҳом икки қанотимиз... Лекин, минг афсус, Зарифа хоним ҳаётдан эрта кўз юмди.

1985 йили Москванинг изғиринли, серёмғир апрель кунида кечган фожиаги воқеага ҳали қайтамиз. Ҳозир эса Ҳайдар билан Зарифа яқинларини тўй дастурхонига таклиф қилган Боқунинг сулим окшоми билан бирга бўламиз. Меҳмонларни ўша пайтда энг қимматбаҳо ва ширин ҳисобланган «Мишқа Шимолда» шоколади билан сийлашди. Сотувчиларни ҳайрон қолдириб, бир килограмм сотиб олишган эди-да.

Бир куни Зарифа дугонаси Пюста Азизбековани учратиб қолганда онасининг ҳол-аҳволини, саломатлигини сўради:

«Қанд касаллиги асоратидан ойимнинг кўриш қобилияги сусайиб, ёмонлашиб кетди, деб жавоб бердим. Бу гашим ҳеч кимга ҳеч қандай мажбурият юкламас эди. Орадан икки-уч кун ўтгач, куча эшигининг кўнғироғи чалинди, эшикни очиб кузларимга ишонмай қолдим. Зарифа остонада турарди. «Ишга кетаётган эдим, ойингни кузлари анча хиралашгани тўғрисида айтганинг эсимга тушиб қолди. Сизларникига бурилдим. Бевотга бўлма, ишга шопилиб турибман. Иззат хонимнинг кузларини қураману изимга қайтаман». (Унинг исми Ҳайдар Алиев онасининг исми билан бир эди. – *Муалл.*) Таъжубланарлиси, Иззат хоним Зарифани қурмаганига ҳам бир

неча йил бўлганди, овозиданми ёки ички бир туйғу биланми, дарров таниди: “Кел, кизим, қайси шамол учирди?..”» Дугонаси онасининг хира тортган кўзларига зиё бағишлаш учун Зарифа хоним бор кучини, билимини аямади.

Зарифа Алиева 1977 йили Гельмгольц номидаги Москва Кўз касалликлари илмий тадқиқот институтида «Озарбайжон химия саноати корхоналаридаги ишчи-хизматчиларнинг кўз органлари аҳволи» мавзуида докторлик диссертациясини ёқлади.

Дарвоқе, Зарифа билан Ҳайдар Алиевнинг ўғли Илҳом шу йили Москва Давлат халқаро муносабатлар институтининг биринчи босқичига ўқишга кирди. Унинг бўлажак умр йўлдоши Меҳрибон Пашаева 1-Москва Давлат тиббиёт институтининг талабаси эди. Зарифа хоним офтальмология тўғрисида шунчалик мароқ билан ҳикоя қилардики, Меҳрибоннинг ҳам меҳри тушиб, шу соҳани танлади.

– Минг афсуски, – дея хотирлайди у, – Зарифа хонимнинг суҳбатларию мулоқотларидан баҳрамандлик бахти узокка бормади. Биз 1983 йили танишган эдик. 1985 йили Зарифа хоним бу дунёни тарк этди. Ушбу зарофатли ва заковатли кайнонамдан самимий, бир умрга тағимли унутилмас хотиралар қолди.

Зарифа Алиевани кўпроқ кўзнинг азалий ва абадий касалликлари кизиқтирарди. Интеллектуал камолот янги-янги соҳа тармоқларини вужудга келтираётган бир пайтда бу нарса ишчи-хизматчиларнинг соғлиғига қай тарика таъсир кўрсатаётгани масаласи фикри-зикрини банд этганди.

Россия Медицина фанлар академиясининг академиги, Кўз касалликлари илмий-тадқиқот институтининг директори Михаил Краснов бу ҳақда куйиб-пишиб шундай деганди:

– Зарифа Азизовна диққатини банд этган илмимизнинг ушбу йўналишидаги аҳвол ақл бовар қилмайдиган даражада ғалати. Меҳнат одамни яратгани аниқ, лекин у одам умрининг учдан бир қисмини, онгли ҳаётининг катта бўлагини ўтказадиган ишлаб чиқариш шароитида ўзига муносиб муҳитни ҳам вужудга келтирди. Буларнинг ҳаммаси икки қарра иккидек исбот талаб қилмайди ан ҳақиқат, шундай экан, кўз ва унинг кўриш салоҳияти, имкониятлари қай тарика кечади? Меҳнат қобилиятини тўлиқ сақлаб қолишда кўзнинг салоҳияти ниҳоятда улкан, бизнинг муттасил тараққий этиб бораётган ижтимоий-иқтисодий шароитимизда бу нарсага талаб ҳаммиша ортиб бормоқда. Шундай деймиз-у, лекин ана шу жараёни чуқур илмий ўрганиб, назарий жиҳатдан умумлаштирган фундаментал тадқиқотлар ҳанузгача йўқ, илмий ҳулосаларга ташналик катта. Зарифа Азизовнанинг зийрак ақл-идроки билан нозик ижтимоий фаросатига қойил қолсан, ниҳоятда катта меҳнат талаб қиладиган, мураккаб ва олийжаноб соҳага умри-

ни бағишлаши, маънавий-интеллектуал қобилиятини офтальмология равнакига сафарбар қилиши Зарифа Азизовнанинг нечоғлиқ катта шахс ва олима эканлигидан далолат беради. Зарифа Азизовнанинг саъй-ҳаракатлари билан кўзнинг патологик кўриш қобилиятини ўрганувчи илмий тадқиқот лабораторияси ташкил этилди.

Мутахассислар йўллаган тақризларга таяниб, ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар қўламининг моҳияти нечоғлиқ нуфузли эканлигини билиш мумкин. Хусусан, Зарифа хоним фаолиятининг нафақат тиббий муолажа жиҳатлари, балки улкан ижтимоий аҳамияти ҳам ёрқин намоён бўлаётир. Яна ўқтам олийжаноб инсоний хислат-фазилатларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

«Зарифа Азизовна билан кўп йиллар мобайнида иш шароитида, оилавий муҳитда, дўстона мулоқотларда, учрашувларда бирга бўлиш бахтига муяссар бўлганимдан бахтиёрман, – деб ёзади Гельмгольц номидаги Москва Кўз касалликлари илмий тадқиқот институти директори К.В. Трутнева. – Раҳматли умр йўлдошим, профессор Иван Иванович Шербатов мендан анча олдин Алиевлар оиласи билан дўстона алоқа ўрнатган эди. Зарифа Азизовна, Ҳайдар Алиев ва ўғил-қизлари Илҳом билан Севил туғрисидаги ёрқин, самимий, кайноқ таассуротларга бой фикрларни дастлаб эрим Иван Ивановичдан эшитгандим».

Профессор О.Добромислованинг дил сузларида ҳам ғоят ибратли, ҳаётий деталлар, ҳолатлар бўлиб, улар киши диққатини ўзига тортади.

У профессор умр йўлдоши билан Боку яқинидаги санагорида дам олаётганда уларни Алиевлар хонадонига меҳмонга тақлиф қилишган.

«Белгиланган вақтда уйга кириб бордик, ушанда Зарифа Азизовнани илк бор кўргандим. Урта бўйли, ҳаракатчан, жудаям истараси иссиқ аёл эди. Хушбичим қадди-бастига одмигина уй кўйлаги жудаям ярашганди, қошиқдек муъжаз оёғига босоножка илиб олганди. Шарқона шахло қора кўзлари одамга илтифот билан боқарди».

Дўстона мулоқот алламаҳалгача давом этди, Добромислованинг умр йўлдоши Раҳманияновдан ёқимли куй ижро этди. Анча кўзга кўриниб қолган фарзандлари туғрисида ҳам узок фикрлашиб ўтирдилар...

«Кечки овқатдан сунг кетишга чоғланганимизда қўш қорайган, вақт ҳам анча бўлиб қолган эди. Шу маҳал Зарифа Азизовнанинг эри ишдан қайтиб келиб қолди. У баланд бўйли, коматдор эди, тез-тез юриб хонага кириб келди. Юз ифодасидан толиққанлиги кўриниб турарди. Тезроқ кетишга ошиқдик. Ўрнимиздан кўзга олиб йўлаққа яқинлашгандик, Зарифа Азизовна хуш табассум билан эрининг қаршисига отланди. Яқин кел-



гач, эри анча буйдор булгани боис оёгининг учида кутарилиб, манглайдан улиб куйди, кулоғига нимадир шивирлагандек ҳам булди. Меҳмонларнинг кимлигини айтди, чоғи. Дилхушлик билан сурашганимиздан кейин бизни яна бир оз қолишга, бирга озарбайжон чойидан ичишга таклиф қилди.

Хийла фурсат утар-ўтмас катта дастурхон атрофида барча оила аъзолари жамулжам булди, шу аснода жуссаси кичкинагина уй бекасининг нечоғлик оқила, зарофатли эканлигини ҳис этдим, у ҳар кимнинг узига, ёшига мос муомала қилар, юксак ички маданият соҳибаси эканлиги шундоқкина балкиб кўриниб турарди».

Бир кун ўтиб Зарифа Азизовна оиласи билан Болгарияга учиб кетди. Добромисловлар оиласининг таътилдаги ҳордиқлари муддати ҳам охирлаб қолганди. Ҳа пайтда самолёт билан поездга билет олиш нечоғлик машаққатли эканлиги ёши катталарнинг ёлида бўлса керак. Санаторий ва дам олиш уйларида билетларни рўйхат буйича сотишарди, йўлланмасиз дам олишга келган салти-суворлар эса кеч кирмасдан кассанинг олдида гўж-гўж тўпланиб, навбат олишарди. Зарифа Азизовна Болгариядан боқулик таниш-билишларига сим қоқиб, Добромисловларга самолёт билетини нақд қилиб, кузатиб куйишларини тайинлади.

Академик Н. Пучковская шундай бир ҳаётий детални эслайди. Офтальмологлар съезди иштирокчиларидан бирининг оёғи тўсатдан лат еб қолади. Албатта, уни Боқудаги энг яхши шифохоналардан бирига жойлаштиришади, энг нуфузли мутахассисларга кўрсатиб, муолажа белгилятишади. Лекин Зарифа Азизовнанинг кўнгли тўлмади, бемор уйдан олисда эканлигини ҳис қилмаслиги учун уз уйдан тегишли нарсаларни олиб келиб берди.

Зарифа Азизовнани таниган ва яқиндан билганлар уни оғзидан бол томиб эслашади. «Боқу ва Зағульбада Алиевлар оиласининг меҳмони булганимда уни кўрганман, – дея эслайди Александр Сергеевич Дзасохов. – Зарифа хоним виҳоятда олижаноблиги, хушфёзлиги билан ажралиб турарди. У ўзининг медицина фанлари доктори деган баланд илмий даражасига тўла-тўқис муносиб эди. Эр-хотиннинг оилавий ҳамжихатлиги, готувлигига ҳамманинг ҳаваси келарди. Фалокатни қаранг, Ҳайдар Алирза ўғли 1985 йил апрель ойида умр йўлдошидан жудо булди. Ушбу фожиа кўргулик уни каловлатиб куйганлигини ҳам кўрганман. Бир нарсани қатъий ишонч билан айта оламанки, Алиевлар оиласининг шаклланиши ва оёққа туришида Зарифа хоним бекиёс катта хизмат қилди, айниқса, фарзандлари тарбиясидаги – кизи, шарқшунос

Севилнинг киши ҳавас қилгудек зукко, окила олима бўлиб етишишида, бугунги кунда отаси Ҳайдар Алиевнинг ишини муносиб давом эттириб, мустақил Озарбайжон ҳукуматини бошқараётган ўғли Илҳомнинг отага ҳар томонлама муносиб фарзанд бўлиб камол топишида, айниқса, она тарбиясининг ўрни, нуфузи бекиёсдир.

Ҳар бир оиланинг паст-баланди кузатувчан, синҷков меҳмонларга, яқинларга, қариндош-уруғларга четдан яхши кўринса керак. Ва яна, фарзандларининг кимлигига, ким бўлиб етишганлигига қараб одамлар оилаларнинг заковатига, миллат ва Ватан тақдирдаги ўрни-аҳамиятига баҳо беришади. Очигини айтиш керак, Ҳайдар ҳам, Зарифа ҳам олам-жаҳон юмушлардан ортиб, фарзандлар тарбияси учун истаганларича вақт ажрата олмаган бўлишса керак. Оилада фарзандларга катта меҳр-муҳаббат туйғуси ҳукмрон эди, ана шу олийжаноб ҳамиятли муҳит фарзандлар камолида ҳал қилувчи роль ўйнади, Озарбайжон оилаларига хос узидан катталарга, ота-онага чексиз муҳаббат ва садоқат бош омил булди. Орадан кўп йиллар ўтгач, отангиз олдида ўзингизни эркин тута олармидингиз, деб берилган саволга Севил Ҳайдар кизи шундай жавоб берганди: «Ҳатто, биз, оила аъзолари ҳам унинг ҳузурда ўзимизни жилолаб турардик, эркинликка кўпда йўл қўймасдик. Буларнинг ҳаммаси отамизга нисбатан ҳадсиз эҳтиром туйғусини ҳис этишимиз, уни жонимиздан ортик яхши кўришимиз сабабли бўлса керак, деб ўйлайман».

Севил хоним бутунлай отасига торпавлигини таъкидлайди.

– Сизга кимдир ёрдам берадими? – деб сураган эди «Панорама» газетасининг журналисти 1995 йили.

– Болалар тарбияси билан ўзим шуғулланаман, сабаби – ҳеч ким онанинг ўрнини босолмайди, – деб жавоб берган эди Севил Ҳайдар кизи.

– Чамаси, феълингиздаги бу хислат сизга кўпроқ онангиздан ўтган бўлса керак. Онангиз ҳам «уй бекаси» эди.

– «Уй бекаси» ифодасини, у, ҳатто, кўштирноққа олиб берилса ҳам, ёқтирмайман. Ундай дейиш ойимга ҳам, менга ҳам мос тушмайди. Ойим умрини буткул отамга, биз – фарзандларига бағишлаган эди. Шу билан баробар ҳамини илмий фаолият ва жамаот иши билан машғул буларди.

– Қандай фазилатларингиз онангизга ўхшайди? – деб суради яна журналист.

Ва, Зарифа ҳамда Ҳайдар Алиевлар кизига муносиб жавобни эшитди.

– Кўп жихатдан ойимга ўхшайман. Ҳамма гап шундаки, ойим билан дадамнинг феъл-атвори, табиати бир-бирига жудаям ўхшарди. Ҳаётда бундай муштарак мос келиш камдан-кам учрайди. Шу боис бир йўла ҳам ойимга, ҳам дадамга тортганман. Шундай ота-оналар фарзанди бўлганимдан фахрланаман.

Акаси Илҳом Алиев ҳам худди шу мазмунда жавоб бериши мумкин. Болалигидан қолган энг тотли хотиралардан бири – онасининг иссиқ қўлини тутиб, мактабга илк қадам қўйган онлар. Ушанда олти ёшга тулиб-тўлмаган эди. Мактабга шунақаям боргиси, ўқигиси келардики, қабул қилишмасая, деган ҳадик юрагига ғулғула соларди.

Эски Боқудаги олтинчи мактабга боришганини онаси ҳам тез-тез мароқ билан эслаб турарди. Буви бўлгач, невараси Лайлони ҳам шу тахлит мактабга олиб боришга ваъда берганди...

– Онам вафот этганда, тўнгич кизим эндигина бир ёшга тулганди, – деб эслайди Илҳом Ҳайдар ўғли. – Қизларим бувисини кўрмай ўсганлигини унганмас йўқотиш деб биламан.

– Онамнинг вафотидан кейин менинг ҳаётим ҳам, оиламизнинг ҳаёти ҳам буткул ўзгариб кетди. Эндиликда, онам бор пайтдагидек очилиб-сочилиб, хандон отиб кулолмайман. Ўзимни ғалати ҳис қиламан, ҳаётимда бирон-бир қувончли нарса содир бўлса, маънос тортиб қоламан, онам ҳаёт бўлганда қувончимга беҳад шерик буларди-я, деб уйлайман, ўқий кечинмалар кўнглимни тарк этмайди. Она – она-да, барибир...

Зарифа қайнонасига ўз онасидек меҳр кўргизарди. 1956 йили Ҳайдар Алирза ўғлининг онаси оғир хасталаниб қолганда Зарифа хоним ўртаниб кетди. Қўшни палатада машҳур шоир Самад Вурғун ётган эди. Иззат хонимнинг ёнида кўпинча Рафика қоларди. Ҳайдар билан Зарифа, унинг акаси Тамерлан ҳам қунора ундан хабар олишарди.

Иззат хоним ётган палата эшиги кўпинча қия очик буларди; бу гал эшикка яқин келишса, зич ёпилган эди. Билишса, кечаси Самад Вурғун оламдан ўтган экан, Иззат хоним бундан хабар топмасин дебми, врачлар эшикни каттик ёптириб қўйишбди.

Шафика ушанда Ленкоранда муаллимлик қиларди. Унга, «Ойим сизни жудаям кўргилари келяпти», деб хабар беришди. Шафика уч ёшли кизини кўтариб автобусга отилди... Лекин кизини шифохонага олиб бормади, дугоналариникида қолдирди. Борса, Ҳайдар, Жалол, Оқил ва Рафика ҳаммаси ойисининг олдида, палатада экан.

– Шафика, кизинг қани? – сўради ойис.

Неварасини қаерда қолдириб келганлигини билгач, янаям хавотири ортди:

– Шафика, дарров бориб олиб кел! Тезроқ бўл! Ахир, у ердагилар грипп-ку, ёш болага юқади-я... Бор, Шафика, болангни эҳтиёт қил.

Улар бошқа қуришишмади.

«Бир ой давомида ҳар куни ойим тушимга кириб чиқди, – эслайди кейин Шафика, – шунақаям бардам-бақувват эдиларки... Ҳар гал кўрганда кўз ёшларимни артиб қўярдилар... таскин берардилар...»

IV боб  
«БУ КАСБНИ БОЛАЛИГИМДАЁК  
ТАНЛАГАН ЭДИМ»

1980 йил 21 декабрь, Боку

Кучанинг нариги бетидаги совуқроқ бинога жойлашган Педагогика институтининг қизлари клубда намоиш этиладиган киноларни куриш ёки таянча тушиш учун бирров кириб ўтишни хуш кўрадиган Дзержинский номли клубда ўша куни таянча бўлмади. Боку шаҳрига маълум ва машхур, олди томони колоннали мухташам бу бинода республика Давлат хавфсизлик комитети (ДХК) – ФК органларининг 60 йиллик байрами нишонланаётган эди. Тим қора «Волга»лар бирин-сирин раҳбариятни олиб келаётган эди. Хабардор кишилар шахсан урток Андроповдан табрик келибди, Ҳайдар Алиевичнинг ўзи сузга чиқаркан, деган гап чиқаришди.

Аслида ҳам шундай экан. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Давлат хавфсизлик комитетининг раиси, армия генерали Ю.В. Андроповнинг табригини ўқиб эшиттиришди. Юрий Владимирович «душманларнинг махсус хизмати ва бошқа ганим кучларнинг турли хил қўпоровчиликларининг олдини олишга, сиёсий хушёрликни оширишга, зийракликни кучайтиришга даъват этган» эди. Кейин КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига номзод, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ҳ.А. Алиев сузга чиқди.

Ҳайдар Алирза ўгли коринф ордерли<sup>1</sup> гантанавор портикали<sup>2</sup> бу бинога кўп келган, илк бор таклиф қоғозини олганда боши кўкка етгудек хурсанд бўлганди, таклифнома сиртига Дзержинский қиёфаси туширилган, қалин қоғозга ёзилган эди... Ушандан бери қанча сувлар оқиб ўтмади, дейсиз; номи бир неча бор ўзгарди: ЧК(ФК) – ОГПУ (МДСБ) – НКВД (ИИХК) – МГБ (ДХМ) – КГБ (ДХК)...

У минбарга кўтариларкан, 1200 кишилик улкан залга бир караб олди:

<sup>1</sup> *Коринф ордери* – ўзининг мураккаб нақшли снгил устунлари билан машхур бўлган архитектура услуби.

<sup>2</sup> *Портик* – қатта бинога туташтириб солинган колоннали пешайвон.

– Азиз уртоқлар! Шу йил апрель ойида республикаимиз меҳнаткашлари улкан мамлакатимиздаги барча қардош халқлар билан биргаликда Озарбайжон ССР ҳамда Озарбайжон Коммунистик партияси ташкил топганлигининг 60 йиллигини кенг нишонлади. Яқинда, 20 декабрда СССР Давлат хавфсизлик комитети – БФК органлари ташкил топган кунга 63 йил тўлди. Бугун биз Озарбайжонда совет ҳокимияти ғалаба қозонган куннинг эртасига барпо этилган республикаимиз ДХК–ФК органларининг 60 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишга тўпландик.

У уз нутқларини, одатда, сузга чиққунча, охириги дақиқаларгача итидан-игнасигача кунт билан куздан кечирарди. Бу гал ҳам шундай, ёрдамчилари томонидан тайёрланган матннинг ҳар бир саҳифасини назардан ўтказар, айрим жумлаларни тиниклаштирар, фикрни бурғтириб, мазмунни очиб берадиган сузларни таялаб қўярди.

– ВЧК органлари дохиймиз В.И. Ленин ташаббуси билан ташкил этилган эди, Буюк Октябрь социалистик революцияси эришган ғалабалар муҳофазасини таъминлашдаги, мустаҳкамлашдаги ВЧК органларининг ролига ниҳоятда катта аҳамият берганди. Ильич таклифига биноан содик сафдошларидан бири Ф.Э.Дзержинский БФКга раҳбар этиб тайинланган эди. Уша унутилмас йилларда В.И. Ленин раҳбарлигида чекистларнинг шонли анъаналарига тамал тоши қўйилган эди... Ва бугунги кунда катта мамнуният билан айтиш мумкинки, чинакам ленинча қутлуғ анъаналар, «темир Феликс» камол топтирган ишлар мамлакатимиз Давлат хавфсизлик органларининг амалий фаолиятида яшаб келмоқда, тобора тақомиллаштирилмоқда.

1980 йил охирилаши баробарида беш йилликка ҳам яқун ясалмоқда эди. У мамлакатимиз тарихида унчалик яхши из қолдирмади. Иқтисод чок-чокидан сўкилиб борарди. Фақат иқтисод эмас! Орадан икки кун ўтиб, 23 декабрда Москва Косигинни дафн этди, у 16 йил мобайнида мамлакат Министрлар Советини бошқарди; мамлакат микёсида қўлаб ислохотлар ўтказилишини халқимиз интиқлик билан кутган эди. Шу йили кузда Алексей Николаевични истеъфога чиқаришганди; орадан икки ой ўтар-ўтмас оғир юрак хасталиги уни орамиздан олиб кетди.

Катта сиёсатда белгиланган қонун-қоидалардан четта чиқмаслик такозо этилади. Одатда, «буюк партияимизга, замонаимизнинг оламшумул давлат ва сиёсий арбоби ўрток Л.И.Брежнев бошлиқ ленинчи Марказий Комитетга, ички ва ташқи сиёсатдаги ленинча доно йўлни давом эттираётганлиги учун улкан миннатдорчилик туйғулари изҳор қилинарди.

Партия ва халқнинг мустаҳкам, монолит бирлиги, партия совет халқини янги-янги зафарларга бошловчи ва йўлловчи қудратли куч сингари сузлар, иборалар ва бутун-бутун жумлалар бир қолипдан кўчгандек катъий бўлиши лозим эди, яна

унинг етакчилари ҳам Ленин ишининг садоқатли давомчилари эканлигини қайта-қайта уқтириш, шубҳасиз, таомилга кирганди, бироқ онг-шуурга миҳланмай қолаверарди. Яна содик ленинчи, раҳнамо раҳбар иштирокида фахрли президиум сайланиши лозим эди. Кейин ҳамма оёққа қалкиб, бир неча дақиқа давомли қарсақлар билан олқишлаши лозим. Узоқ давом этган қарсақдан зал титраб кетиши, кулоқлар батанг келиши зарур.

Тантанали йиғишлар, съездлар, пленумлар кечган катта-катта ҳашаматли деворлар ортида эса буткул бошқа ҳаёт давом этарди. У бир-бирига уланиб кетган турли хил навбатда туришлар, латиғалар, қундалик хангомалар билан қоришиб, чатишиб кетганди. Орқаваротдан айтилган узунқулоқ гапларда пўлат сандиқ деганда «темир Феликс» назарда тутилар эди, бундай гапларни ошқора айтганларнинг таъзирини дарров бериб қўйишарди.

– Бугун ана шу мухташам залда Озарбайжон чекистларининг деярли барча авлод вакилларини кўриб турибман. – Алиев олдидаги қоғозга қарамасдан, эмин-эркин гапирарди. – Улар, оловли йиғирманчи йилларда Давлат хавфсизлик органларидаги дастлабки фаолиятларини бошлашган эди, ўттизинчи йилларда захматли ишларини фаол давом эттиришди, Улуғ Ватан урушида жон олиб, жон беришди, мамлакат ичкарасидаги бунёдкорлик ишларининг тинч-фаровон кечишини таъминлашди. Кейинги пайтда органга ишга келган ёшлар ҳам шу ерда, улар – чекистларнинг навқирон авлоди вакиллари. Бугун барча-барчангизга муборак байрам қутловларини, ўзимнинг эзгу истакларимни йўллаيمان.

Ҳайдар Алиев билан ИИХК–ДХМ–ДХК органларида бирга хизмат қилган сафдошларининг аксарияти йиғилишда иштирок этаётган эди: чорак асрлик умри қайнок жабҳа тўлқинларида кечди, беш йил республика Давлат хавфсизлик комитетига раҳбарлик қилди – раиснинг биринчи ўринбосари, раис бўлиб фаолият кўрсатди. Залга йиғилган елкадош – сафдошлари Озарбайжоннинг биринчи чекистлари қўлидан эстафетани олиб, кейинги авлодлар қўлига топширишди. Тарихга қаттиқ қизиққан Ҳайдар Алиев республика ДХК – ФК органларининг 60 йиллигига бағишланган ҳужжатлар тўплами ва материалларини алоҳида китоб ҳолатида нашр этишни таклиф қилди. «Озарбайжон Фавқулодда Комиссиясининг (1921 йил, май – 1922 йил, май) фаолиятига доир қисқача ахборот ҳисоботи» сингари ноёб тарихий ҳужжат ҳам шу китобдан ўрин олди. Ушбу ҳужжат 1922 йил 28 апрель куни Умумозарбайжон советларининг иккинчи съезди делегатларига тақдим этилган эди. Баъзи саҳифаларига бир сидра кўз югуртирсак ҳам бўлади.

«Совет ҳокимияти барпо бўлган биринчи ойданок Озарбайжон АССРнинг бир қатор уездларида революция душманлари

томонидан оломонни давлатга қарши бош кутаришга даъватлар бўлди. Озарбайжоннинг Ганжа, Қорабоғ, Закалат, Нухин ва провинциянинг бошқа районларидаги кўзғолошлар халқ омасининг омилиги, саводсизлигидан фойдаланган манфур бекхонларнинг қабих эксплуататорлик кирдикорларидир».

Тарихий ҳужжатнинг кейинги саҳифаларидан англаш мумкинки, янги ҳокимият бели синган, енгилган ғанимларини «турт томонинг қибла» дегандек чор атрофга тиркиратиб юборган эди. Шу ўринда қайд этиш жоизки, Октябрь дохийлари инкилобдан кейин қамокқа олинган чор Россияси генералларини ҳам озодликка қўйиб юборган эди. Уларнинг, оддий меҳнаткаш оммага қарши курашмаймиз, деган лафзига ишонишган эди. Виждон амри, чин сузи деб ишонч билдирилган-да. Боёнларнинг бош эгиб берган ваъдалари чақачалик қадри йук бўлиб чиқди. Чор генераллари Дон дарёси буйларига тарқалиб кетишди, оклар армиясини ташкил эта бошлашди. Озарбайжонда ҳам ана шундай аҳвол юз берганди. «Озодликда қолдирилган инкилоб душманлари, – дейилади тарихий ҳужжатда, – кўнгилчан, ишонувчан содда одамларимизни ўзимизга қарши қайрашди. Бизга қарши курашишга йўналтиришди». Қизил Армия қисмлари кўмагида кўзғолошлар бостирилди.

Шундай бир талотум давр эдики, бир балони даф қилсанг, иккинчиси бош кутариб чиқиб келарди. «Тифлисга мустаҳкам ўрнашиб олган, уюшган инкилоб душманлари енгилган бўлса-да, асло тилчимас, янгидан-янги тажовузларга қўл урарди. Озарбайжон ССР чегаралари оша қўшни совет республикаларига ўз эмиссарларини<sup>1</sup>, курол-яроғлар, қатта миқдорда пул ва бошқа анжомларни юборишар, фуқаролар уруши алангасини ёқиш, ўзаро фуқаролик жангу жадалларини бошлаб юбориш ва, ниҳоят, ҳолдан тойган халқни хонавайрон қилишга қаратилган хатти-ҳаракатларини авж олдиришган эди».

Замонавий китобхон «учтро» сўзининг маъносини билармикан? Уезд фавкулудда учлиги (уездная чрезвычайная тройка) дегани. Бандитларга, талон-торожчиларга, йултўсарларга (Озарбайжонда уларни кочи, деб аташарди) қарши курашиш мақсадида учликлар ташкил этилди. Бандитларга қарши қўлланилган шафқатсиз чора-тадбирлар натижасида шароитни бир қадар ўзгартиришга муваффақ бўлинди. 1921 йили учлик (уч кишидан ташкил топган гуруҳ)лар тугатилди. Йулларда бирмунча тинчлик ҳукм сура бошлади. Бироқ ҳамма кўркув, таҳлика Бокуга ёғилди. Шаҳарнинг турли қисмларида босқинчилар хонадонларга хужум қилмайдиган тун йук эди. Тинч аҳоли бундай хавф-хатардан юрагини олдириб қўйган, қоронғу тушиши билан кўчага чиқишга ҳайикиб қолганди. Чекистлар облава (бакин) уюштиришди. «Босқинчи гуруҳ

<sup>1</sup> Эмиссар – махфий топширик билан чет мамлакатга юбориладиган киши.

рахбарларидан 52 киши тутиб, отиб ташлангандан кейингина Боку шахри ва унинг атрофидаги районларда осойишталик хукм сура бошлади».

Республикага бандитларгина таҳдид солишмаётган эди. Бокуга урнашиб олган собиқ турк зобити Ҳалил Шокирзода «Иттиҳод ислом» партиясини ташкил этди. Китобда тавсифланишча, панисломизм<sup>1</sup> партияси жойларда кичик-кичик ўчоқларини ташкил этиб, кўзғолон кутаришни режалаштирган эди. Дастлаб «Совет Озарбайжонининг етакчи раҳбарларини – туркийларни йўқ қилиш ва шу тариқа халқ ўртасида парокандаликни келтириб чиқариш, саросимадан фойдаланиб республика буйича ёлпасига кўзғолон кутариш мўлжалланган эди. Кўзғолон кутариладиган кун белгиланган ва отиб ташланиши шарт бўлган бир қатор ўртоқларнинг руйхати тузилган эди». Лекин суикасд фoш этилди. 1921 йил 2 июлга утар кечаси чекистлар фитна бошлиқларини ҳибсга олишди.

Биринчи чекистлар орасида биринчи секретарь Алиевнинг фамилиядоши Бобо Али Йўлдош ўғли Алиев ҳам бор эди. У 1907 йили Бокудаги иш ташлашда илк бор синовдан ўтганди. Ушанда чор полицияси ишчилар ғалаёнини бостириш учун ёлланган бандитлардан фойдаланганди. Россия ишчи социал-демократик партияси (РСДРП)нинг шахар кўмитаси мусулмон биродарларини ишчиларга ёрдамга юборди. Улар орасида Бобо Алиев бор эди. Инқилобдан кейин у чекистликни танлади.

Халқ ишининг ҳақлигига тўла ишонч ҳосил қилган, эътиқоди мустаҳкам озарбайжон ва руслар, армани ва грузинлар, украин ва бошқа миллат вакиллари чекистлик хизматига умрини бағишлаш учун кийин, лекин шарафли жабҳага кириб келишарди. Ахир, Боку кўп миллатли шахар эди-да. Орадан кўп йиллар ўтгандан кейин ҳам Озарбайжон фавқулодда комиссияси раиси ўринбосари ва бўлими бошлиғи Габеркорн номияни озарбайжонликлар унутишмаган эди.

Ленинградда ишлаётган Сергей Миронович Киров (область партия комитетининг биринчи секретари, Марказий Комитет Сийсий бюроси аъзоси) мактубларидан бирида немис миллатига мансуб дўстини бундай тавсифлаган эди: «Ушбу ҳужжатни тақдим этувчи ўртоқ Габеркорн эски партия аъзоси, яхши ходим. Кавказ–Боку–Тифлисла прокуратура ва хоказо йўналиш буйича фаолият кўрсатди. Таъкидлайман, у яхши ходим».

Бокуда ҳам, Москвадаги сингари, соҳил буйлаб чекистларнинг ўзига хос ва мос уйи жойлашган.

<sup>1</sup> *Панисломизм* – XIX асрнинг охириларида Шарқ мамлакатларида кенг ёйилган ва мусулмон динидаги халқларни бирлаштиришни тарғиб қиладиган диний-сийсий мафкура. Шўро мафкураси тип-тирмоғи билан унга қарши кўришган эди



Москвадаги ковоғи солиқ одам ҳолатини эслатовчи шундай бино асли турар жой эди, ёзувчи Юрий Трифонов «Соҳил бўйидаги уй» номли қиссасида бу ҳақда алоҳида тўхталганди. Кремлга қараган нуфузли бу уйда яшаганларнинг аксарияти ўттинчи-қиркинчи йиллардаги катагон қурбони бўлишганди.

Боқуликлар қирғок бўйидаги ДХК биносини «Соҳил бўйидаги уй» дейишарди, Ҳайдар Алиев бу даргоҳда чорак аср фаолият юритди. Бироқ у ушбу масканга ишга келгунига қадар бу бино туғрисида яхши гаплар гапирилмасди. Ҳар бир мамлакатта сув ва хаводек зарур бўлган Давлат хавфсизлик тизими булакча фикрловчиларни даф этиш борасида катагон қилишгача борарди. Қуплаб матбуот нашрларида, меъмуар ва махфийлик белгиси олиб ташланиб, ошқора этилган ҳужжатларда бу ҳақда муфассал хикоя қилинган. Озарбайжон ҳам бундан мустасно эмас эди.

1956 йили Боқуда очик суд жараёни бўлиб ўтди. Озарбайжонда 1937–1938 йиллардаги катагонлар айбдорларини суд қилишди. Гарчанд, жараён ошқора ўтказилади, деб эълон қилинган эса-да, Ҳайдар Алирза ўглининг эслашига қура, Дзержинский номли клубга фақат «махсус рухсатномалар билан киритиларди». Хизмат вазифаси юзасидан унга ана шундай ижозатнома берилган эди. Суд залида вақти-соати келгунча архивларда махфий тутилган шифатсиз ҳақиқатлар, ҳужжатлар тилга олинар эдики, қандайдир бир қўрқувдан юрагинг увишиб, вужудинг музлаб қолгандек буларди. Кейинчалик шу ҳужжатлар, битта гапни чайнайвериб, сийқасини чиқаришнинг нима ҳожати бор, деган маънода, яна яшириб қўйилди. Одамлар эса асл ҳақиқатни билгиси келарди, ноҳақ ҳукм қилинган, қийноқларга гирифтор этилган қариндош-уруғлари, яқинларининг пок номи оқланишини интизорлик билан кутарди. Бу ишларни ўз вақтида қуриб чиқяшга ақл ва матонат етганда, лагерларда умри хазон бўлган ун миллионлаб тақдирлар хусусида афсоналар туқилмаган булармиди...

1980 йил декабрь ойида бўлиб ўтган йиғилишда Ҳайдар Алиев ҳам кўнгил қатларидаги ҳамма гапларни ошқор этолмади. Бунинг учун орадан кўп йиллар кечиши, қанча сувлар оқиб ўтиши лозим эди.

### 1997 йил 15 июль, Боқу

– Ўша пайтда, ёш мутахассис сифатида, архив ҳужжатлари, хусусан 1937–1938 йилларда ва ундан кейинги даврда кечган воқеа-ҳодисаларга доир материаллар билан танишар

эканман, Совет ҳокимиятини ағдармокчи бўлган, советларнинг шохини қайиришга чоғланган миллатчи гуруҳлар кимлар эди, деган саволни ўзимга ўзим кўп берардим. Уларнинг бир қисми ҳибсга олиндиб, олис Сибирда отиб ташланди. Лекин бошқа бир қисми камоққа олинмаганди. Бирок уларнинг кимлиги, исми шарифи советларга қарши гуруҳ, отряд ва ташкилотлар аъзолари рўйхатида қайд этилганди. Уйланиб қолдим, башарти, улар советларга муҳолифатдаги ташкилотлар аъзоси экан, нега эркинликда, дориломон юрибди? Агар ғанимларимиз бўлмаса, нега бу рўйхатларда номлари бор? Уйлаб чиқарилган, ноҳақ ишлар шунчалик кўп эдики, уларни элакдан ўтказиш, оқини оққа, кўкни кўкка ажратиш кийин эди.

Ушбу эътироф кундаликдаги қайдларга ухшайди, аччик ноҳақликларга дуч келган ва ана шу чигал, айқаш-уйқаш, зиддиятли ҳолатларни юзага келтирган сабаб-оқибатларни ойдинлаштиришга киришган, бунга қаттиқ жазм этган қалбнинг фарёди эди. Аслида ҳам шундай эди. Президент Ҳайдар Алиев оқини оққа, қорани қорага ажратишга аҳд қилди. Бу ишга ўз ҳолича эмас, балки Озарбайжон миллий хавфсизлик органлари ходимлари билан биргаликда киришди. 1997 йилда чиқарган фармонига биноан 28 март Озарбайжон Республикаси Миллий хавфсизлик органлари ходимларининг профессионал байрами куни деб эълон қилинди. 1919 йилда ана шу куни мустақил Озарбайжон Демократик Республикасининг хавфсизлик органлари ташкил этилган эди.

Бугун профессионал байрамини нишонлаётган кунда ҳамкасблари – миллий хавфсизлик органлари ходимларига мурожаат қиларкан, болалик йилларидан бери ўзи учун шунчалик кадрли ва қизиқарли бўлган ушбу касб эгалари билан дилидагини баҳам кўрди. Кунглини ўртаб келаётган уй-мушоҳадалар билан ўртоқлашди, уларни ҳам фикрлашга, ўйлаб иш юритишга, фаолиятга даъват этди.

– Собиқ ИИХКнинг энг катта хатоларидан бири – у ерда хизмат қилаётганларнинг аксариятининг фикрлаши ниҳоятда чекланган эди. Уларни интизомдан булак нарсга қизиқтирмасди. Аксарияти адабиёт, маданиятдан йироқ эди. Ваҳоланки, тарих, маданият, мусика, адабиётни яхши билмаган одам хавфсизлик хизматининг профессионал ходими бўлолмайди. Биласизми, хавфсизлик хизматининг ходими, бу шунчаки, изкувар эмас. У юксак маданият соҳиби бўлиши, шоир билан ҳам, бастакор, ёзувчи, олим ва оддий кишилар билан ҳам суҳбатдош бўла оладиган етук инсон бўлиши лозим. Акс ҳолда у яхшидан ёмонни, оқдан қорани, жиноятдан хатони фарқлай олмайдиган ношуд бир кимса бўлиб қолади.

1950 йили ёш чекист Ҳайдар Алиев буюк озарбайжон адиби ва олими Салмон Мумтоз тўғрисида маълумот излашга киришди. ИИХКнинг кекса ходимларидан бири бинонинг ички ҳовлисида (камоқхона ҳам ўша жойда эди) соқчилар Салмон Мумтоз билан Ҳусайн Жовид китобларини ёкишаётганини кўрганини айтгани, ушбу ваҳшийликни тўхтатишга унинг кучи етмаган эди.

Озарбайжон Миллий хавфсизлик министрлиги архивида 24938-рақамли дело (хужжатлар ва турли хил ёзишмалар тўплами) гоят эҳтиёткорлик билан сақланади. «Озарбайжон ССР Жиноят кодексининг 68, 72 ва 73-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этган Ҳусайн Жовиднинг айблов иши» эди. Тиғиз тикилган, саҳифалари пухта рақамланган, сўроқлар пайтидаги савол-жавоблар, юзлаштирилгандаги гап-сўзлар тафсилоти ва турли хил мактублар жамланмаси бўлган бу қоғозлар йиғма жилди республика ДХК раиси Ҳайдар Алиев столида ҳам ётарди. Хужжатларни бирма-бир варақлар эканмиз, буюк озарбайжон халқ шоирининг фоживали тақдири Ҳайдар Алирза ўғли кўз унгида қай тарика намоён була борганлигини тасаввур қилишга интиламиз.

*«1937 йил 27 май»*

Ҳусайн Жовид, 1892 йилда таваллуд топган, миллати озарбайжон, партиясиз, Озарбайжон ССР фуқароси, 1918 йилдан «Мусовот»<sup>1</sup> фиркасининг аъзоси, олий маълумотни Туркияда олган. Мусовотчилар ҳукумати пайтида «Яшил қаламлар» номли мусовотчилар адабий уюшмасининг аъзоси бўлган, шоир, Театр техникуми муаллими.

Озарбайжон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Давлат хавфсизлик бошқармасининг 4-бўлимида сақланаётган маълумотларга қараганда, Ҳусайн Жовид мусовотчилар билан инқилобга қарши алоқада бўлган, мусовотчилик борасида суҳбатлар олиб борган».

Сўнг терговчи олдинроқ камалган кишилар берган кўрсатмаларни, чақик маълумотларини<sup>2</sup> келтирган эди. «Пантуркизм<sup>3</sup> ташкилоти аъзоларидан мен: ... 9. Ҳусайн Жовид, ёзувчини билман». Ҳар бир маълумот остида кимнингдир фамилияси бор.

<sup>1</sup> 1911 йили Боқуда ташкил этилган фирма, тулки номи куйидагича: «Мусовот» («Бирлик») Мусулмон Демократик партияси. 1917 йилдан бошлаб «Мусовот» турк демократик партияси, деб юритилган. Озарбайжонда совет ҳокимияти ўрнатилгач, фирма раҳбарлари чет мамлакатларга кўчиб кетилган.

<sup>2</sup> *Чақик* – бировнинг қонунга хилоф иши тўғрисида ҳукумат органларига махфий суратда хабар қилиш.

<sup>3</sup> *Пантуркизм* – 1912–1913 йиллардаги Болкон урушлари вақтида пайдо бўлиб, барча туркий халқларни бирлаштиришни, бирлигига эришишни мақсад қилиб қўйган мафкура.

бирок бу курсатмалар қай тариқа олинганини тасаввур этганимиз учун бу номларни тушириб қолдирамыз.

«Юқорида баён қилинганларга асосланиб,– дея хулоса чиқаради терговчи,– Хусайн Жовидни ..... моддага мувофиқ жавобгарликка тортиш учун қамоққа олиш зарур деб биламан».

Хусайн Жовид ўзига босилаётган қора тамгадан ҳали беҳабар эди. Шеър ёзишда давом этарди. Қизи билан ўғлини денгиз соҳилига олиб борарди. Ёзувчилар уюшмасига ҳам аҳён-аҳёнда борадиган бўлди – ҳар кун у ердан кимдир йуқолар эди.

1937 йил 31 майда уни ҳам олиб кетишди.

Анкета саволларига жавоб бераркан, маҳбус касб-кори ва мутахассислиги деган жойда шоир, деб ёзган эди.

Ушбу илоҳий вазифани, тақдирга битилган бурчни ҳеч ким ундан тортиб ололмас эди. Ҳатто, «Озарбайжон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари ва аъзоликка номзодларнинг умумий йиғилиши» ҳам бундай қилолмас эди. Унинг ҳамкасблари «Озарбайжон Ёзувчилар уюшмасига ашаддий мусовотчилар, пантуркчилар ва турли хил миллатчи унсурлар сукилиб кириб олган ва жазосиз фаолият юритган», деган қарорни бир овоздан маъқуллашган эди. «Инсон руҳининг инженерлари» Хусайн Жовиддан ташқари яна ўнлаб ҳамкасбларидан юз ўтиришди. Ёш, истеъдодли шоир Самад Вурғунга эса «ижтимоий ёт миллатчи унсурлар билан алоқани тубдан узиш ва кибр-ҳавога мутлақо чек қўйиш»ни қатъий амр этишди.

Терговчилар алмашилиб туришарди; шу боис навбатдаги суроқлар протоколи узгача дастхат билан битилар, бири иккинчисидан фарқланарди, чамаси, вазиятни бошқариб борган тезкор вакилларнинг ўзи ҳам муҳит исканжасига тушиб, «халқ дудманлари» қаторига ўтиб қолишаётган эди, шекилли.

1937 йил 5 июнь. Сўроқ протоколидан.

«Савол: Тергов томонидан аниқланишига кўра, Сиз (ҳа, ушбу сўз катта ҳарф билан ёзилган эди! – *Муалл.*) инқилобга қарши ноқонуний миллатчилик ташкилотининг аъзоси экансиз. Буйнингизга оласизми?»

**Жавоб:** Қатъиян рад этаман».

Атоқли шоир, драматург бўлиб етишган Хусайн Жовид 1914 йили Тифлис (Тбилиси)да бўлган эди. Уни жандармерияга<sup>1</sup> сўроққа чақирди. Орадан чорак аср ўтгач, ИИХК терговчилари ушбу ҳолатни ҳам титқилаб топишибди. Суроқлар ва жавоблар зуғум остида кечганлигини пайқаш қийин эмас:

«Савол: Сиздан яна қайтариб сўраяпмиз, Тифлиздаги чор оҳранкаси<sup>2</sup> бошлиғи жосуслик иппи юзасидан Сизга қандай махфий топшириқлар берган эди?»

<sup>1</sup> *Жандармерия* – Чор Россиясида инқилобий ҳаракатга қарши курашувчи давлат полицияси ва унинг отрядлари, жандармлари.

<sup>2</sup> *Охранка* – Чор Россиясида махфий полиция ташкилоти.

**Жавоб:** Тифлисдаги чор оҳранкаси бошлиғи жосуслик иши юзасидан менга ҳеч қандай топшириқ бермаган.

**Савол:** Сиз сўрок давомида ўзингизнинг аксилинкилобий миллатчилик ташкилоти аъзоси эканлигингизни қайсарлик билан инкор қилишга интиляпсиз. Айбингизга иқдор бўлиб, терговга тўғри кўрсатмалар бериш ниятингиз борми?

**Жавоб:** Яна қайтадан маълум қиламан, мен, Ҳусайн Жовид, ҳеч қандай аксилинкилобий ташкилот аъзоси бўлган эмасман».

Терговчи, сўрок бераётганларни юзлаштириш пайтида ёзиб олинган кўрсатмаларга таяниб: «Тўғрисини айтинг!» дея ўз талабини бажартирмоқчи бўлар, Жовид эса паяъини баланд тутиб, ўзини химоя қиларди:

«Ҳеч қандай аксилинкилобий миллатчилик ташкилотига аъзо бўлган эмасман. 1926 йилгача ёзилган асарларимда қуйидаги камчиликлар мавжуд бўлган, жумладан: 1) Шу пайтгача ёзган асарларимда мен совет воқелиғи мавзуларидан йирик эдим ва совет воқелигидан асарлар ёзганим йўқ; 2) асарларимни халқ оммасига тушунарли тилда ёзмадим; 3) партия-совет ташкилотлари томонидан совет воқелигидан олиб асарлар ёзиш тўғрисида билдирилган барча тақлифларни рад этганлигимни, «хатоларим»ни тан оламан, лекин бу «хатоларим»ни кейинги йилларда муттасил тузатиб келдим».

Сўроқларда букилмаган, иродаси синмаган Ҳусайн Жовиднинг протокол ҳошиясидаги жавоблари тағига кизил қалам тортилиб, алоҳида таъкидлаб кўрсатилган эди. Терговчи ёки, ҳатто, прокурор ҳам янғидан тергов олиб бориш учун талаб қилиб олинishi мумкин бўлган бундай расмий ҳужжатларга нисбатан бу тахлит ҳушига келгандек эркин муносабатда бўлолмас керак. Бундай қайдлар «24938-рақамли дело» тарихий аҳамият касб эта бошлаган йилларга оидлиги шубҳасиз. 1952 йилда жорий талабларга кўра унга қайтадан мурожаат этилди. 1952 йилнинг 21–23 июнь кунлари Нахичеван АССР ДХМнинг Ордубад район бўлими бошлиғи, майор Эфендиев А.Г. «дело»ни ўрганиш учун қайта қўлга олади. «Архив делолари билан танишиб чиққан тезкор ходимлар ҳисоби ёзиб бориладиган назорат варакаси»да қуйидаги қайдлар битилган эди: «Аниқлаштириш учун. Бизнинг агентимиз М. Ҳусайн Жовид кўрсатмалари бўйича ўтмаяптими. Утмаяпти. Шу хусусда маълумотнома тузилди».

Ҳусайн Жовид ҳеч кимни айблагани йўқ. Ҳеч кимни сотмади. Ўзига нисбатан қуйилган барча айбларни рад этди. Ҳам сиёсий, ҳам адабий даъволарнинг барчасини инкор қилди. Хусусан, «лирикаси бошдан-оёқ тушқунликдан ёки тутуруксиз тубан ҳаёсизликдан иборат» кабилидаги даъволар ҳам тиркалган эди.

1938 йил 9 май. Озарбайжон ССР прокурори Уринбосари, махсус ишлар бўлими бошлиғи Пинкиснинг хулосасидан: «Тергов нагижаларидан аниқланишича, Хусайн Жовид аксилинкилобий мусовотчилар тарафида булгани ҳолда Бокудаги аксилинкилобий миллатчилар ташкилоти таркибига кирган ва шу ташкилот фаоллари билан алоқада булган... Совет воқелигини онгли равишда эътиборга олмаган ҳолда адабиёт ва драматургия соҳасида амалий аксилинкилобий фаолият юритган...

Курсатилган айбловда Хусайн Жовид узини айбдор деб ҳисобламайди, лекин айбловчиларнинг курсатмалари билан фош этилади... Шу боис Озарбайжон ССР Жиноят кодексининг 72, 73-моддалари бўйича Хусайн Жовидга қўйилган айбловларни тасдиқланган, деб ҳисоблайман, СССР ИИХК-нинг Махсус кенгашида кўриб чиқиш учун юборилишига розиман».

Иш битгандек эди, гўё. Олдинда фақат «учлик» ва у чиқаражак ҳукм қолганди, холос. Лекин айбланувчининг қатъияти, чамаси, қайсидир раҳбарни доводиратиб қўйган шеклли, тергов ишлари қайтадан бошланиб кетади.

1939 йил 8 март.

«ДХБ 2-бўлими 2-булинмаси бошлиғи ёрдамчиси (матнда айнан худди шу тахлит ёзилган. – *Муалл.*), Давлат хавфсизлик хизмати лейтенанти С.Мамедовнинг

**аниқлашига қараганда:**

айбланувчи Хусайн Жовид аксилинкилобий миллатчи ташкилот таркибига киришдан, ёш совет ёзувчилари орасида советларга қарши тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришдан ташқари, яна хорижий буржуа давлатларидан бирининг манфаатлари учун жосуслик фаолияти билан ҳам шугулланган, бу нарса аксилинкилобий миллатчилик ташкилоти маркази раҳбарларининг курсатмаларидан кўриниб туради. Шу боисдан,

**қарор қилади:**

... қўшимча айбловлар қўйилсин, аввал танланган эҳтиёт чораси – камокда сақлаш уз кучида қолдирилсин».

11 мартда Хусайн Жовид хотини Мушкинозга эрини ҳибсга олиш пайтида олиб қўйилган танга пуллар: совет даврида зарб этилган олтига бир сўмлик қумуш танга ва ўн саккизта 50 тийинлик қайтарилди. «Ҳаммаси бўлиб 15 сўм». Навбатдаги сўроқ маҳали терговчи буни Жовидга билдирди. Лекин ундан олдинроқ тергов ишлари тугагани тўғрисидаги протоколни курсатди.

«Айбланувчининг айтишича, менга бир юз икки саҳифадан иборат тергов иши маълум қилинди ва 102 саҳифалик тергов ҳужжатлари билан танишиб чиқдим (матнда асли шундай. –

Муалл.). Терговга қушимча қилишни хоҳламаяпти. Жосуслик билан шугулланмаган».

Кейин, «Кўрсатилган айблар бўйича узини айбсиз, деб ҳисоблади», деган бир жумла қоғоздан қоғозга кўчиб юрди. Ҳусайн Жовиднинг ҳаётини позициясини очик-ойдин кўрсатувчи ушбу сатрлар 1939 йил 2 июнда шошилинич ўтказилган суд жараёнида ҳам янграб турди: 1937 йил 4 июндан бошлаб, саккиз йил ахлоқ тузатиш-меҳнат лагерига ҳукм қилинди.

Мушқуноз ҳукмдан хабар топгач, ВКП(б) Марказий Комитети ва СССР Олий судига мактуб йўллади. Унга: «Ҳусайн Жовидга жазо тўғри белгиланган, ишни қайта кўриб чиқиш учун ҳеч қандай асос йўқ», – деб жавоб қайтаришди. У эрининг тақдири қандай кечганлигидан беҳабар ҳаётдан кўз юмди. Сталин ўлимидан кейин бир йил ўтгач, камок лагеридан дастлабки сиёсий маҳбуслар қайтиб кела бошлагач, шоирнинг кизи Турон Жовид Давлат хавфсизлик министрлигига хат ёзиб, отасининг тақдири билан кизиқди. «24938-рақамли дело» очиладиган назорат варағида: «... Турон Жовиднинг аризаси муносабати билан отасининг қаердалиги тўғрисида...», – деган ёзув пайдо бўлди.

Чамаси, капитан Ҳайдар Алиев ўшанда ушбу делони илк бор очиб кўрган бўлса керак. Буюк шоирнинг окланишигача бир йилдан салгина кўпроқ муддат қолганди. 1956 йил 23 февралда ноҳақ чиқарилган ҳукм бекор қилинди.

Ҳусайн Жовидни ҳам минг-миглаб жабрланганлар қатори, ўлимидан кейин оклашди. Уша кунлари Ҳайдар Алиев шоирнинг хокини ватанига қайтаришни илк марта ўйлаб қўйган эди.

Ҳайдар Алиев угли Ҳусайн Жовиднинг кўшлаг шеърларини ёддан биларди. Умар Хайёмнинг озарбайжон тилига ўгирган шеърларини ҳам гоят севарди. «Хайём» драмасида файласуф ва шоир тилидан қуйидаги оташин сўзларни айтганди: «*Одамларни ёрувликка олиб чиққан пайгамбар бўлишим мумкин эди*».

Ҳусайн Жовиднинг «Хайём» драмаси 1935 йили яратилган эди. Ҳусайн ўшанда ўз тақдирини башорат қилмаганмикан?

Ҳайдар Алиев ўтмишдан бугун ҳам муҳим бўлган сабоқ олишга албатта интиларди. Терговчилар билан тергов остидагилар – Салмон Мумтоз, Ҳусайн Жовид, Аҳмад Жавод, Микоил Мушфиқ ва ҳоказоларни ўзаро қиёсларди...

«Биласизми, бу нарсани эслаётганимнинг боиси шундаки, ичимизда, замондошларимиз орасида ниҳоятда маҳдуд фикрлайдиган, жуда кўпол, маданиятдан йироқ кимсалар ҳали ҳам учрайди. Катта лавозимларни эгаллаб туришган экан, демак, уларга ҳамма нарса мумкин, деб ўйлашади. Бироқ, юксак лавозим одамга ҳеч нарса бермайди, бор-йўғи

ваколат беради, холос. Қолган ҳаммаси унинг ақл-заковати, билим даражаси, маданиятига боғлиқ. Ана шу хислатлар унда мужассамлашгудек бўлса, юксак лавозим ваколатларини давлат манфаатлари йўлида истифода этиши мумкин. Унинг акси бўлса, одамларнинг тақдирини барбод этишдан булак нарсага қурби етмайди».

Ана шундай «фикр доираси тор» кичилар республика Давлат хавфсизлик комитети раисига, кейин Марказий Комитет секретарига бошқача фикрловчиларнинг таъзирини бериб қўйиш, шоирни қамокка олиш ва яна кимларнидир шамол почасидан кириб енгидан чиқадиган, ажиналар қўрқувдан ёқа чангаллаб қочадиган овлок ва увлокка бадарға қилишни маслаҳат беришади. Алиев бундай бедодликларга йўл қўймади. У жуда кўп истеъдодларни турли хил гаъкиблардан, таҳдидлардан омон сақлаб қола билди. Бугун Озарбайжон ана шундай шахслар билан фахрланаётир.

Бир қур эслайлик-а. Ўша йиллари Москва ва Ленинградда ҳам ўзгача фикрлайдиганларга, Киевда эса «миллатчилар»га қарши қаттиқ кураш олиб борилган эди. Афсус ва надоматлар бўлсинки, бағоят истеъдодли шоир Василь Симоненконинг, озарбайжонлик ҳамкасбларида бўлганидек, дўстлари ва химоячилари топилмади. У ерда, ҳатто, XX аср украин адабиётининг Олесь Гончардек классигини, ёрқин салоҳият эгаларини кўз очиргани қўйишмади, ҳамма билан барабар кадам ташлашни талаб этишди. Бу ерда эса, аксинча, истеъдодларга маслаҳатлар беришар, дўстона йўл-йўриқлар курсатишар, нуқтан назарлари ва дунёқарашларини тушуниб олишларида кўмаклашишарди.

1969 йили Ҳайдар Алиевнинг таклифи билан «Известия» рўзномасининг Туркия, Эрон ва Афғонистондаги махсус муҳбири Озод Шарифовни Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети маданият бўлимининг бошлиғи этиб тасдиқлашди.

– Озод, сени Бокуга бекорга чакириб олганимиз йўқ, – деди унга биринчи учрашувда Ҳайдар Алирза ўғли. – Республикаларда Марказий Комитетнинг маданият бўлимлари ташкил этилмоқда, ушбу масъул вазифага кимни тайинлаш туғрисида кўп бош котирдик ва охири сенинг номзодингда тўхтадик. Сен театр санъаткорлари оиласида туғилиб ўсдинг, вояга етдинг. Икки соҳа – ҳам мусиқа, ҳам адабиёт буйича олий маълумотлисан. Ундан ташқари, биламанки, Мирза Иброҳимов, Расул Рзо, Сулаймон Рустам, Имрон Қосумов билан яхши муносабатдасан. Қора Қораев, Фикрат Амиров, Ниёзий ва Товфик Кулиев, Тоир Салоҳовлар билан яқиндан танишсан. Худога шукрим, уларнинг барчаси шухратнинг энг баланд чўккисидан, халқимизнинг бадий-эстетик маданиятини жаҳон миқёсида



кўз-кўз этиб келишмоқда. Зиммангдаги асосий вазифа истеъдодли ёш ижодкорларнинг камол топишига, ўсиб-улғайишига кўмаклашишдан иборат.

Ёзувчилар, бастакорлар, рассомлар ва театр арбобларининг янги кўркем авлоди қад ростлаб келмоқда: Булар: ака-ука Иброҳимбековлар, Анор, Элчин, Юсиф Самад ўғли, Фикрат Хўжа, Ориф Меликов, Хайём Мирзаода, Рауф Абдуллаев, Элдор Кулиев ва ҳоказо ёрқин, бетакрор истеъдодлардир. Айнан шуларга бизнинг кўмагимиз зарур, бу демак, шоир ва ёзувчиларнинг китоблари ҳеч қандай тўсиқсиз чиқиб турсин, драматургларнинг пьесалари саҳналаштирилсин, ёш рассомларнинг кўрпаб кўргазмалари ташкил этилсин, театр ва кинодаги биринчи ролларни ёш-навқирон истеъдодларга ишониб топширишсин. Сенинг вазифанг шундан иборат. Ана шу хайрли ишда сенга омад тилаймиз, сенга каттик ишонамиз.

Озод Карим ўғли ўн йил республика Компартияси Марказий Комитетида хизмат қилди. Кейин Алиевнинг қийин-қистови билан Озарбайжон Давлат кино комитетини бошқарди. Олий дипломатия коллежининг муаллими профессор Шарифов ўз эсдаликларидан ана шу унутилмас йиллар тўғрисида батафсил хикоя қилади. Шулардан бирини, лекин гоят муҳим ҳолатни келтирмоқчимиз.

Таниякли озарбайжон драматурги Анор «Шаҳарда ёз» помли комедия ёзди. Унда олий ўқув юрғларида авж олган порахўрлик ва порахўрлар кулги остига олинганди.

«Совет цензураси», Главлит<sup>2</sup> ходимлари спектаклга қарши чиқишди, – дея эслайди Озод Карим ўғли. – Улар аёвсиз танқидни хийла юмшатишни талаб қилишди. Лекин муаллиф ҳам, режиссёр ҳам бунга рози бўлишмади. Спектаклнинг премьераси ўтказиладиган кун келган, чипталар сотилган. Главлитдан эса ҳанузгача руҳсат тегмаётган эди. Аксига олиб, ушбу идоранинг биз доимо тил топишиб юрган бошлиғи ҳам шаҳарда йўқ экан. Нима қилиш керак? Ушанда, маданият бўлимининг адабиёт сектори мудирини Хайрулла Алиев билан иккимиз ҳамма масъулиятни ўз зиммамизга олишга, Главлит розилигисиз пьеса премьерасини ўтказишга қарор қилдик. Спектакль катта муваффақият билан намойиш этилди. Орадан бир неча кун ўтгач, Хайдар Алирза ўғли сим қоқиб, сўраб қолди: «Озарбайжон драма театрида нима гап?» Унга вазиятни тушунтирдим ва спектаклнинг галдаги намойишига таклиф қилдим.

Хайдар Алирза ўғли театрга рафиқаси билан бирга келди. Спектакль тугагач, одатига кўра, у саҳна ортига ўтди, у ерда актёрлар кутиб туришган эди. Анор билан кетма-кет ўтиб бо-

<sup>1</sup> *Цензура* – матбуот, саҳна ва ҳоказо учун мулжалланган асарларни текшириб, назорат қилиб турадиган давлат идораси.

<sup>2</sup> *Главлит* – матбуотда давлат сирларини сақлаш идораси.

рардик, карасак, актёрлар хуш-хандон қарши олишди, қарсақ чалиб юборишди. Билсак, Ҳайдар Алирза ўгли уларга қараб кулимсираган экан. У муаллифни, режиссёрни ва театр жамоасини турмушимиздаги камчиликларни танкид қилган гўзал, ажойиб асар билан қутлади. Угирилиб, менга қараб, пьесани рус тилига таржима қилиш кераклигини, Бокуда истиколат қилаётган русийзабон аҳоли ҳам пьесани кўриши лозимлигини айтди».

Озод Шарифов ҳозир ҳам Ҳайдар Алирза ўгли адабиёт, театр, кино, мусиқа ёки тасвирий санъат орасидан қайси бирини кўпроқ яхши қўрганлигини айтишга қийналади. Чамаси, адабиётни кўпроқ севган бўлса керак, сабаби, ахир энг олдин калом пайдо бўлган-ку. Лекин, шу билан баробар, энг суюқли машғулоти театр томошалари бўлганди, Зарифа хоним билан Боку театрларида намойиш этилган барча спектакллар премьерасини қолдирмасдан бориб қўрган эди. Пьесалар намойиши тугагач, алламаҳалгача актёрлар ва режиссёрлар билан мириқиб суҳбатлашарди.

Уша йиллари Бокуда опера ва балет, драма театрлари таъмирланиб, ишга туширилган эди, мусиқали комедия ва ёш томошабинлар театрлари биноси қайта қурилган эди, Шеки, Сумгаит ва Ағдамдаги театрлар қайта тикланганди...

«Яна шу нарсани алоҳида таъкидлашим жоизки, дея сузида давом этди профессор Озод Шарифов.— Ҳайдар Алирза ўгли озарбайжон киноси тараққиётига ҳам ниҳоятда катта аҳамият берарди. — Айнан унинг ёрдами билан «Жануб шаҳарларининг бирида», «Суроқ» фильмлари иттифок экранга чиқиб кетди, ваҳоланки, Боку ва Москвада унга озмунча тўғанок бўлишганимди. Унинг қўллаб-қувватлаши ва бевоёсита ёрдами билан «Озарбайжонфильм» киностудиясида «Боба», «Насимий» номли тарихий фильмлар ҳамда Узаир Ҳожибеков тўғрисидаги «Узоқ умр тўлқинлари» фильмлари яратилди. Бу фильмлар ҳозир ҳам севиб томоша қилинади».

— Бугунги кунда улкан ғурур билан айтишим мумкинки, Озарбайжон Республикасининг раҳбари бўлганимда ҳам, республика Давлат хавфсизлик комитети органларида раҳбарлик вазибаларида фаолият юргизганимда ҳам озарбайжон халқининг миллий манфаатларига зид, монелик кўрсатувчи ҳеч қандай ишга йўл қўйилмади.

Ҳайдар Алиевич Алиев Бокуда бўлиб ўтган, республика миллий хавфсизлик органлари ходимларининг профессионал байрами нишонланган хотира учрашувида ана шу юрак сузларини айтган эди.

Унинг ИИХК – ДХК органларидаги фаолияти тўғрисида афсона монанд хикоялар сузлашади. Айтишларича, 1956 йилги машҳур воқеаларда Алиев ҳам Венгрияда бўлган ва Совет

Иттифокининг уша вақтдаги Венгриядаги элчиси Юрий Владимирович Андропов билан танишганмиш. Буларнинг ҳаммаси чўпчак. Уларнинг биринчи учрашуви 1967 йили бўлиб ўтганди. Алиев Семев Цвигуннинг урнига республика ДХКнинг раиси вазифасини бажариб турган эди, ушанда С. Цвигун янги вазифага кўтарилган – Иттифок Давлат хавфсизлик комитетининг раиси Андроповга уринбосар бўлиб ўтганди. Урнига раис қилиб Алиевни тасдиқлашганди. У чекистлар доирасида иродали, қатъиятли раҳбар сифатида маълум ва машҳур бўлиб улгурган эди, разведка ва контрразведка билан боғлиқ қатор операцияларнинг бевосита ташкилотчиси тариқасида назарга тушганди. Уларнинг орасида агент («Дузль»)ни гоёт муҳим ишга жалб қилиш, «Дуглас» америка самолётининг Озарбайжон осмони узра парашютда ўзини ташлаган учувчиларидан гап олиш, бир қатор хорижий мамлакатларда хуфия сафарларда бўлиб келиш сингари тadbирлар бор эди...

Ҳайдар Алиев Озарбайжон ДХКсида фаолият юритган пайтда турли йилларда ўйлаб тошган ва бевосита ўзи раҳбарлигида амалга оширилган куплаб операциялардан икkitаси – «Олақуз» ва «Натуралист» ҳақида хийла батафсил тўхталишни лозим топдик. 1955 йили Озарбайжон чекистлари Ғарб мамлакатларидан бирининг агентини фош этишга муваффақ бўлишди. Ушбу кишининг ҳаёт йулини ҳисобга олган ва муносиб баҳолаган ҳолда, хорижий разведка билан ҳамкорлик қилаётганлигини самимий эътироф этганлиги, совет ҳукумати олдида ўз айбини ювишга тайёр эканлиги боис капитан Алиев шундай бир оқилона тўхтамак келди: «Собир»ни ўзимиз томонга оғдириб олиш мумкин. Шу тариқа «Олақуз» операциясини амалга ошириш нияти туғилди, шунга кўра «Собир» Туркияга кочиб ўтиши ва у ерда бир қатор муҳим топшириқларни амалга ошириши керак эди.

1956 йил августда уни чегарадан ўтказиб юборишди. Туркия томонда у ўзини муносиб тутди, жиддий синовлардан ўтди, махсус агентларни тайёрлаб, Совет Иттифоқига, хусусан, Кавказга юбориладиган разведка мактабига йўл топди. Икки йилдан кейин уни Ереванга топширик билан юборишди. Арманистон пойтахтидаги хиёбонлардан бирида «Собир» турк разведкасининг агенти билан яширин учрашув ўтказиши, бошқа «ҳамкасblари» билан олиб бориладиган иккига алоқа ўчоғини аниқлаши лозим эди.

Ана шу операциядан кейин «Собир» Туркияга қайтиб бормади. «Олақуз» операцияси муваффақиятли якунланди.

1965 йил 9 сентябрда Озарбайжон ССР Давлат хавфсизлик комитети раисининг уринбосари, полковник Алиев «Натуралист» коди билан белгиланган операцияни тасдиқлади. Ғарбий германиялик туристнинг табиатга ҳаддан зиёд ошуф-

талиги сабаб уни «Натуралист» деб аташган бўлса ажабмас. Аниқланишига кўра, Иккинчи жаҳон уруши йилларида у Германиянинг ҳарбий разведкасида хизмат қилган экан, совет иқтисодиётини таҳлил қилиш билан банд бўлган, Англияга қарши контрразведка ўйинларида фаол иштирок этган. Афсуски, асли майор, профессионал ҳарбий разведкачини собиқ дushmanлари фойдасига хизмат қилишга қай тариха кўндиришганлигининг ўзи катта бир тарих. «Совуқ уруш» жабҳаларидаги тўқнашишлар, муҳорабалар, алғов-далғовлар тўғрисида ҳикоя қилиш бизнинг вазифамизга кирмайди. Энг муҳими, «Натуралист» Бокудан учиб кетмасданок гоёт муҳим маълумотлар қолдирди. Булар Ғарбий Германия танкларининг янги моделлари, Британиянинг Ғарбий Германиядаги қисмлари, ГФР разведка хизматидан сирғилиб чиқиб, жаноб Гелен қарамоғига ўтиб олган ҳамкасблари тўғрисида анча қимматли хабарлар эди. Уйига қайтгач, «Натуралист» узок йиллар мобайнида қимматли маълумотлар билан таъминлаб турди.

Бу – ўша, икки қисмат, икки тарихнинг қисқача тафсилоти. Учинчиси, тўртинчиси ҳам бўлиб ўтган эди. Уларнинг ҳар бирида чекист Алиев салоҳиятининг энг ёруғ хислатлари: психологик жиҳатдан аниқ ҳисоб-китоб, одамларни баъзан маънавий-ахлоқий, гоёвий жиҳатдан бўлса, баъзида моддий жиҳатдан ўз томонига оғдира олиш қобилияти кучли намоён бўлди. Тўғри, у ишни таваккал қиларди. Оғдириб олинган агент ишонччи окламагудек бўлса, келажак фаолияти ҳам хавф-хатар остида қолиши мумкин эди. Лекин бундай қутилмаган фавқулудда ҳодисалар Ҳайдар Алиевнинг чекистлик биографиясида мутлақо бўлмади. Бокуда ҳам, Москвада ҳам ҳамкасблари у билан ҳисоблашар, иззат-ҳурмати баланд эди.

1962 йил 7 февралда Озарбайжон Министрлар Совети қошидаги Давлат хавфсизлик комитети иккинчи бўлимининг бошлиғи, полковник Алиев Москвадан расмий ёзма курсатма олди:

«Маълумот учун шу нарсани хабар қиламизки, 1961 йил ноябрь ойи охирида Америка разведкасининг вакили махсус топшириқ билан Ливанга учиб келган дашноқ<sup>1</sup> партиясининг раҳбар арбоблари ва раҳбарлари билан йиғилиш ўтказди... Йиғилишда дашноқларнинг СССРга қарши разведка ишини фаоллаштириш, совет ҳукуматининг хориждаги арманларни Совет Иттифокига репатриация<sup>2</sup> қилишга қаратилган чора-

<sup>1</sup> *Дашноқ шўтюн* – дашноқлар партиyasi. XIX аср охириларида Кавказ ва Туркияда тузилган аксиникилобий арман майда буржуа миллатчилари партиyasi.

<sup>2</sup> *Репатриация* – ҳарбий асирлар, фуқаро асирлар ва қочоқларни ўз ватанига қайтариш.

тадбирларини барбод этиш ва жосуслик фаолияти учун 1961 йили қамалган дашноқларни ҳибсдан озод қилиш чораларини кўриш масалалари муҳокама қилинди...

Ушбу масалалар юзасидан хориж бюроси Арманистон ССРга репатриацияни норасмий йуллар билан тайёрлаш ва йўналтириш, кўпуровчилик ишлари учун чегарадош мамлакатлардан агентлар ёллаш, СССРга йўлланган сайёҳлик гуруҳлари ва қариндош-уруғларини йўқлаб келаётган алоҳида арманлардан жосуслик максадларида фойдаланиш, ҳар қандай усуллар ва воситалардан фойдаланиб бўлса-да, арманларни Совет Иттифоқига репатриация қилиш тадбирларини барбод этиш, бу борада фаоллик кўрсатган айрим кишиларга нисбатан, зарур бўлса, террор чораларини қўллаш тўғрисида махсус қарор қабул қилинди. Дашноқлар бу ишларни арман аҳолиси жойлашган барча мамлакатларда амалга ошириш ниятида, бу борада, улар томонидан, Совет Иттифоқи билан умумий чегарага эгаллиги ва мамлакатдаги ҳамда СССРдаги арман тилида сўзлашувчиларнинг шеваларидаги муштараклик, яқинлик ҳисобга олиниб, Эронга алоҳида аҳамият қаратилган.

Полковник Алиев Москвадан келган ушбу маълумотларни ўз фаолиятида ҳисобга олгани, шубҳасиз.

Булар ишончли фактлар. Мана, Алиев «солномачилари»дан эшитганимиз яна бир тарихий воқеа: у мазмунан афсонага ўхшаб кетади. Бу ҳикоянинг қисқача тафсилоти куйидагича:

«Бир куни Москвадан буйруқ олинди. Унинг ижроси ёш капитан Ҳайдар Алиев зиммасига юклатилди. Раҳбарият йўллаган ҳукмда беш минг озарбайжонликнинг исми-шарифи қайд этилган эди, улар гуё армияни, фронтни таълаб қочиб кетганликда – дезертирликда айбланаётган эди. Уларни излаб топиш керак. Ёш капитан бурч ва виждон олдида оғир вазиятда қолди. Моҳиятан озарбайжонликларга қарши қаратилган, бичиб-тўқилган ушбу маълумотномага ўзгартиш, тузатиш киритишга жазм этганда ўзини кўп жиҳатдан хавф-хатар остида қолдирган эди. Рўйхатдаги кўшгина номлар ўчирилган, ўрнига бошқа исмлар киритилганди; кўпчиликни «бедарак йўқолганлар» қаторига киритди; шу тариқа юзлаб одамларни қатағон азобидан асраб қолди...»

Бир пайглар СССР ДХКси раисининг уринбосари бўлиб ишлаган армия генерали Филипп Денисович Бобковдан ушбу ҳолатни шарҳлаб беришини илтимос қилганимизда, у кулиб юборди:

– Узингиз қай йўсинда тасаввур қиласиз? Беш минг қочоқ билан бир офицер шугулланиши ақлга сиғмайди, у Хлестаковнинг юз минг югурдагига ўхшайди. Аслида, уларнинг шунчалик кўшлигига шубҳаланаман, чунки фронтда озарбайжонлик жангчилар тўғрисида яхши фикрларни кўп эшитганман,

колаверса, улар билан республика Ички ишлар комиссарлиги шуғулланиши керак эди. Катта лейтенант Алиев, кейинчалик у каинтан бўлганди, узининг ҳарбий бурчини виждонан адо этган. Қочоқ деганда унинг куз унгида соткин пайдо буларди. Ушбу афсонани тукиган одам тили билан айтганда, хужжатни узгартирган кишини ким деб аташ мумкин? – сўрайди генерал уз-ўзига савол бериб. – Унинг жавоби битта: соткин ва хоинларнинг кумақчиси, дейиш мумкин, холос. Бундай хатти-ҳаракатлар учун ҳарбий давр қонунларига кура жавоб беришарди.

Дарҳақиқат, ёш офицер Алиевга қилмаган ишини қилди, деб емаган сомсага пул тулатмоқчи, бўлишган кўринади. Озарбайжон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлик комитети ходимлари – ҳамкасблари билан қандай вазифаларни адо этганлиги хужжатларда аён акс этган.

Иккинчи жаҳон уруши миллионлаб одамларнинг тақдирини узгартириб, остин-устун қилиб юборди. Фронт шароитида уларнинг ҳаёти ҳам ўзгача кечди. Кимлардир қон кечиб Берлингача ёки Прагагача борди, сўнг уй-уйига қайтди; кимларнингдир қисмати ўровга тушиб қолиш, асир тушиш билан тугади. Гитлерчилар асир олинганлардан, қочиб ўтганлардан миллий қисмлар тузишга киришганди. Сотқин генерал Власов кўмондонлигидаги Россия ҳалоскорлик армияси, Украин кўзғолончилар армияси, Туркистон дивизияси, Озарбайжон миллий легиони шулар жумласидан эди... Ҳа, ҳақиқатан, ушбу қисмларда сотқинлар ҳам хизмат қилишаётганди. Уруш тугаганидан кейинги дастлабки йилларда ва орадан кўп йиллар ўтгандан кейин ҳам чекистлар репатриантлар орасидан уларни топишарди. Кўплаб асирлар ҳарбий лагерлардан, фашистлар қисмларидан қочиб кетиб, Франция ва Чехия, Италия ва Югославия, Словакия ва Норвегияда партизанлар билан елкама-елка туриб фашистларга қарши жанг қилишди... Ана шундай партизанлардан бири Хусайн Мехти Ҳанифа ўғлининг тақдирини билан уч чекист – А.Мамедов, Ҳ.Алиев, В.Банцеревлар шуғулланишига тўғри келди. У ҳақдаги дастлабки маълумотлар урушдан кейин тез орада пайдо бўлганди. 1951 йил октябрида Озарбайжон Давлат хавфсизлик министри С.Ф.Емельянов тегишли жойларга қуйидаги мазмунда ахборот берди:

«Репатриантлар орасидан Ватан хоинларини аниқлаш борасидаги иш жараёнида 162-Туркистон немис дивизиясининг собиқ иштирокчилари қаторида боқулик Хусейнов Мехтининг фаолияти ва ҳалокати, қаҳрамонона тарихи Озарбайжон ДХМнинг диққат-эътиборини тортди. Кўрилган чоралар натижасида Хусейнов – Хусайнзода Мехти Ҳанифа ўғлининг

шахси аниқланди: у 1918 йилда Бокуда туғилган, шунингдек, ишончли гувоҳлар кўрсатмаси бўйича жасоратлари ҳужжатлаштирилди».

Орадан тўрт йил ўтгандан кейингина бу ахборот ишга тушди. Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети тегишли иттифоқ ташкилотларига Хусайнзода М.Х.га Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини бериш таклифи билан мурожаат қилганди. Бирок боқулик журналист Рукия Алиеванинг «Озарбайжонликлар Европа Қаршилик ҳаракатида» китобида ёзишича, маълумотлар етарли эмас деб топилди ва 1956 йилнинг февралда ҳужжатлар қайтарилиб, ўз кўзи билан кўрган янги гувоҳларни сураш асосида Хусайнзода жасоратларини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатлар тақдим этиш талаб қилинган эди».

Пухта олиб борилган тадқиқот натижасида катта лейтенант Хусайнзоданинг жанговар ҳаёт йўли аниқланди. У Сталинград остонасидаги ҳаёт-мамонт жанглиридан опаси Хурриятга қўйидаги мазмунда мактуб йўллаганди: «Тирик қоламанми ёки йўқми, билмадим, лекин қатъий сўз бераманки, мен учун ҳеч қачон юзингиз шувут, бошингиз ҳам бўлмайди. Вақти келиб номимни эъзоз билан тилга олишганини эшитасиз. Мабодо, ҳалок бўлсам, номимни шону шуҳратга бурқаб, қаҳрамонларча, ҳалок бўламан».

Жанглирдан бирида Мехти оғир яраланиб, асир олинади. Жигарлари эса бедарак йўқолди, деган мазмунда хабар олишади. Жароҳатларини даволагач, немислар унга Туркистон немис дивизиясига киришни таклиф қилишади. У ана шу дивизия таркибидан Югославия партизанлари сафига қочиб ўтади. Бу ерда бир қанча дадил, шижоатли ҳарбий операцияларни амалга оширади. Полкдошлари «Михайло» деб атаган рус партизаннинг боши учун фашистлар 300 минг марка муқофот ваъда қилишади. У аёвсиз жанглирнинг бирида ҳалок бўлади. Жанговар дўстлари унинг жасадини жанг майдонидан партизанлар назорати остидаги ҳудудга олиб чиқишади ва автоматдан отилган ук садолари остида Словакиянинг Чеповане қишлоғига дафн этишади.

1957 йил январда Озарбайжон Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат ҳафсизлик комитети М.Х.Хусайнзоданинг қаҳрамонона жасоратлари атрофида ёритилган маълумотномани республика Компартияси Марказий Комитетига йўллади: Марказий Комитет эса, ҳар доимгидек, ҳужжатларни Москвага юборди. 1957 йил 11 апрелда СССР Олий Совети Президиуми Хусайнзода Мехти Ханифа ўғлига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини берди (вафотидан кейин). Мазкур хушxabар толмас ва ёвқур партизаннинг сафдошлари, қариндош-уруғлари, яқинлари ва бутун Озарбайжон учун байрамга айланди. Ана

шу байрамни Озарбайжон тупрогига, озарбайжон халкига чекистлар Мамедов, Алиев, Банцеров тухфа қилишган эди, Хусайнзоданинг қахрамонона фаолияти хақидаги маълумотномада ҳам ҳар уч чекистнинг исми-шарифи шу тартибда қайд этилганди.

Шу нарсани таъкидлаш жоизки, Ҳайдар Алиев авлодига мансуб чекистлар шуғулланган хайрли ишлар кўпгина. Улар инсонни ҳимоя қилишар, уни хато йўлларга кириб кетишининг олдини олишар, янглиш фикрлардан қайтаришарди. Гап шундаки, чекистлар ушандаям, кейинчалик ҳам бу тахлит юмушларни «профилактика» – касалликнинг олдини олиш деб аташарди. Йўлдан озган, фикри чалғиган одамларни эътиқодидан оғмасликка даъват этишар, бор куч-имкониятлари билан кумак беришарди. Олтмишинчи-етмишинчи йилларда улар кўплаб вағандошларини ана шундай калтис, жиноят йўлига тойиб кетишдан асраб қолишди.

Республика ДХК раисы сифатида Алиев асраб қолган ёш олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари орасида Озарбайжоннинг булажак Президенти Абулфаз Элчибей ҳам бор эди. Совет даврида у кескин миллатчилик қарашлари билан ажралиб турарди. Йиллар ўтиб у мустақил республика бошлиғи бўлди, катта сиёсатнинг мураккаб ва зиддиятли дунёсида қарахт бўлиб, боши қотиб қолди.

Лекин буларнинг ҳаммаси анча кейин содир бўлди. Ҳозирча эса, 50-йилларнинг адоғи эди. Республика Давлат хавфсизлик комитетининг иккинчи (контрразведка<sup>1</sup>) бўлимини Алиев бошқарарди. Маълумки, бундай юксак вазифага номзодларни Москва тайинлар эди.

Ҳайдар Алиевнинг СССР ДХК Иккинчи Бош бошқармасининг бошлиғи ўринбосари Филипп Бобков билан яқиндан танишиши айна шу йилларга тўғри келганди. Филипп Денисович Алиевдан бор-йўғи икки ёш кичик эса-да, ҳар иккиси ҳам камолот босқичида бўлганлиги боис ушбу фарқ сидирилиб кетган, асло билинмас эди. Отаси, бронебойчи<sup>2</sup> оддий аскар сингари у ҳам фронтга кўнгилли бўлиб кетганди, Сибир кўнгиллилар дивизиясида отаси билан бирга жанг қилди. Отаси Денис Бобков Псковнинг Катта Гривна қишлоғида кечган жангда ўғлининг кўз ўнгида, шундоққина қўлида жон берди. Филипп ғалабани ун тўққиз ёшида, старшина ҳарбий унвонида, кўксида III даражали Шухрат ордени билан Курляндияда кутиб олди. Айна шу 1945 йилдаёқ у Смерш деб аталган Ленинград контрразведка мактабига йўлланма олди. Унинг номи-

<sup>1</sup> *Контрразведка* – душман разведкасига ва унинг жосусларига, диверсантларига ва пропагандасига қарши кураш олиб боровчи махсус ташкилот.

<sup>2</sup> *Бронебойчи* – ҳилип пулатни тешадиган қуролдан отувчи аскар.



ни Сталин топиб қўйган эди. У «Жосусларга ўлим» («Смерть шпионам») дея ўқилади. Бобков хавфсизлик органларида 45 йил фаолият юритди.

Генерал Бобков билан Ҳайдар Алиев ўртасида дарҳол самимий муносабатлар юзага келди.

– Дастлабки танишув тезда кадрдон дўстликка айланди, – дея эслайди Филипп Денисович. – Очиғини айтишим керак, бизнинг ўрганишда ҳеч қанақа бетакаллуф муносабат бўлган эмас. Кадрдонларча дўстлигимиз сўнгги кунларгача давом этди.

Бобков – Иттифок контрразведка бошқармаси бошлиғининг ўринбосари; Алиев эса, республика ДХК иккинчи бўлимининг бошлиғи эди. Хизмат юзасидан Москвада тез-тез бўлиб турарди. Муҳим операциялар режасини биргаликда тузишарди.

– Қанақа режалар эди, Филипп Денисович?

Қўқисдан берилган саволга суҳбатдошимиз дарров жавоб бермайди.

– Балки, уйингизда бирон нарса сақланиб қолгандир? – дея саволни бошқача йўсинда такрорлаймиз.

Саволга қилиқнинг зарбасидек шу заҳоти жавоб оламиз.

– Хизматга дахлдор ҳамма қоғозлар ДХКда қолган. Эсимда қолганлари туғрисидагина гапириб беришим мумкин.

Россия «Новости» ахборот агентлиги бошқаруви раисининг маслаҳатчиси утирган муъжазгина хона деразаси «Садовое кольцо»га караган эди. Шунақаям шовкин-суронки, деразани ёпиб қўйишга туғри келди – йўкса, диктофонимизга шовқиндан бошқа овоз тушмай қолади. Ёзиш керак бўлган гап эса анчагина.

– Эллигинчи йилларнинг охири – олтмишинчи йилларнинг бошида мутлақо янги муаммолар билан шуғулланишга туғри келди, – дея ҳикоя қилади Филипп Денисович. – Совет олий ўқув юртларида, шу жумладан, Боқуда ҳам дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган талабалар ўқишарди. Албатта, Америка разведкаси ана шу нарсадан ҳам самарали фойдаланиб қолишга ҳаракат қилди. Биринчи босқичдаёқ мамлакатимизга, олий ўқув юртларига атайлаб юборилган бир қанча кишини аниқладик. Улар шарт-шароитни япидан-игна-сигача ўрганишар, разведкани қизиқтирган маълумот ва ахборотларни синчиклаб жамлашарди. Ундан ташқари турли хил ижтимоий тартибсизликларни уюштириш ҳам уларнинг вазифасига кирарди, Совет Иттифоқида ўқиш хавфи, деган тасаввурни уйғотиш керак эди-да. Бу, албатта, жуда жиддий ташвиш туғдирарди, шу боис мазкур йўналиш бўйича ҳам Озарбайжонга бўлган қизиқишимиз янада ортди. Бу борада Алиев билан кўп марта учрашдик, ўқув жараёни муваффақиятли кечиши

учун мухитни кандай ташкил қилиш, ишларни олиб бориш масалаларини муттасил муҳокама қилдик. Бир суз билан айтганда, бунда контрразведканинг роли катта эди.

Дарвоқе, айни шу даврда Москвада Лумумба номидаги Халқлар дўстлиги университети очилди. Дастлабки ойлардаёқ уч агентнинг хуёна ишларини аниқладик, улар Москвадаги элчихоналар резидентлари билан бевосита алоқада иш қуришар, талабалар орасида игво-фитна кўзғаш ҳаракатида эди.

Табиийки, биз стратегик объектларнинг хавфсизлигини, саноат ва жамоат транспортида хавфсизликни таъминлаш, иқтисодиёт сирларини сақлаш, руй бериши мумкин бўлган турли хил фавқулодда фалокатларнинг олдини олиш тадориғини қуриш билан машғул эдик.

Тўғриси айтишим керак, Алиев сиймосида тажрибали профессионал ходимни учратдим. Ҳайдар бизнинг доирада катта ҳурмат, иззат-эътиборда эди – бу биргина менинг шахсий мулоҳазаларим эмас, бошқа ҳамкасбларимизнинг ҳам дил эътирофидир. Биргина Олег Михайлович Грибановни айта қолай, у ниҳоятда ҳурматли чекист, жиддий контрразведкачи ҳисобланади. У Алиевни профессионал, республика контрразведка тизимининг раҳбари сифатида беҳад кадрларди. Еки, Шербак Федор Алексеевични олайлик, у контрразведка бўлими бошлигининг ўринбосари, катта тажрибага эга контрразведкачи, ўз соҳасининг хассос, теран билимли мутахассисларидан ҳисобланади, у ҳам Алиевга нисбатан жудаям эҳтиромли муносабатда эди. Яна кўплаб эъзозли ҳамкасблар номини айтиб ўтишим мумкин, лекин шулардан ҳам ёрқин билиш, тасаввур қилиш мумкинки, Алиев Давлат хавфсизлик комитетида энг ҳурматли ва нуфузли ходимлардан эди. Бу нарсани унинг номзоди республика ДХК раиси ўринбосарлиги вазифасига курсатилганда бир овоздан маъқул қурилгани ҳам тасдиқлайди.

1964 йил 25 декабрда Республика ДХК раиси, генерал-майор С.Цвигун Озарбайжон Министрлар Совети ҳузуридаги ДХК 2-бўлим бошлиғи, подполковник Алиев Ҳайдар Алирза ўғлига берилган хизмат тавсифномасига имзо чеки.

«Урток Алиев тажрибали чекист, раҳбар ва ташаббускор ходим, – дейилади «Мутлақо махфий» тамғаси туширилган ҳужжатда. – Ўз қўл остидагиларни муҳим топшириқни бажаришга сафарбар эта олади. Урток Алиев бошлиқ оператив таркиб бир қатор ижобий натижаларга эришган. СССР Давлат хавфсизлик комитети билан ҳамкорликда капиталистик мамлакатларнинг хорижий фуқароларига нисбатан амалга оширилган жиддий чекистлик тадбирларида шахсан иштирок этди. Республика ДХК томонидан Эрон разведка органларига қарши қаратилган бир қанча тадбирлар унинг бевосита иштирокида

амалга оширилди. Агентура билан шахсан шуғулланади. Қўл остидагилар билан ўзаро муносабатларини туғри ўрнагади, уларга кунда ёрдам беради. Тўплаган бой тажрибасини баҳам кўради.

1963 йили ўртоқ Алиев чегарадан чиқиб кетишни мақсад қилган ўта хавфли давлат жиноятчисини кидириб топиш ва қўлга тушириш ишларини оқилона ташкил қилди. 1962–1964 йилларда унинг раҳбарлигида бўлимнинг оператив таркиби билан биргаликда турли хил хавф-хатарнинг олдини олувчи бир қанча профилактик тадбирлар ўтказилди, натижада, кўпгина кўнгилсиз воқеа-ҳодисаларнинг олди олинди, чалғиған, адашған совет фуқаролари туғри йўлга солиб юборилди.

Шахсий сифатларига кўра принципиал, ўзига ҳам, қўл остидагиларга ҳам талабчан, холис, қаттиқ берилиб ишлайди. Комитет ходимлари орасида катта обрўга эга.

Ташкилотчилик қобилиятига ва чекистлик иш тажрибасига эга бўлган ўртоқ Алиев Ҳ.А. Озарбайжон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги ДХК раиси ўринбосари вазифасига тайинланишга муносиб».

– Ана шу масъулиятли вазифада ҳам Ҳайдар Алирза ўғли энг яхши фазилатларини тула намоён қила олди, – дея сузида давом этади генерал Бобков. – Мен Марказда шуғулланган масалаларни Алиев назорат қилганлиги боисидан у билан муносабатларимиз янада мустаҳкамланди. Бу – миллий муносабатлар муаммолари, диний ва хорижий туризм масалалари эди.

У миллий муносабатлар масаласига ўта зийрак ва хушёр қараган республика миқёсидаги раҳбарлардан бири эди. Ушбу салоҳиятини ғоят кадрлардим.

Бобков билан Алиев миллий муносабатлар мажмуи бўйича катта социологик тадқиқот ўтказишди. Ўша пайтда энди ташкил этилаётган Ижтимоий-сиёсий тадқиқотлар институтида Юрий Владимирович Андроповнинг бевосита кўмагида махфий социологик тадқиқотлар бўлими очилган эди.

– Тадқиқот натижалари биргина нусхада чоп этилармиди?

– Йўқ, албатта, – ҳазилга жилмайиб жавоб берди Бобков. – Уларни КПСС Марказий Комитетига юборар эдик, афсуски, барча ташаббусларимиз ҳам қўллаб-қувватланмас эди.

Иттифок ДХК нашр этиб келган, бугунги кунгача ҳам ёпиқ бўлган тўпلامда Ҳайдар Алиевнинг подполковник, полковник, генерал имзолари билан мақолалари бор. У Озарбайжон чекистлари ўтказган, мамлакатимиздаги ҳамкасбларида катта қизиқиш уйғотадиган операцияларни таҳлил қилади. «Чегара районларида душман разведкаси кирдикорларига қарши курашиш амалиёти» тажрибаларини баҳам кўради. 1968 йил 6 май

учун муҳитни қандай ташкил қилиш, ишларни олиб бориш масалаларини муттасил муҳокама қилдик. Бир сўз билан айтганда, бунда контрразведканинг роли катта эди.

Дарвоқе, айни шу даврда Москвада Лумумба номидаги Халқлар дўстлиги университети очилди. Дастлабки ойлардаёқ уч агентнинг хуёна ишларини аниқладик, улар Москвадаги элчихоналар резидентлари билан бевосита алоқада иш қўришар, талабалар орасида игво-фитна қўзғаш ҳаракатида эди.

Табийки, биз стратегик объектларнинг хавфсизлигини, саноат ва жамоат транспортида хавфсизликни таъминлаш, иктисодиёт сирларини сақлаш, рўй бериши мумкин бўлган турли хил фавқулодда фалокатларнинг олдини олиш гадоригини қўриш билан машғул эдик.

Тугриси айтишим керак, Алиев сиймосида тажрибали профессионал ходимни учратдим. Ҳайдар бизнинг доирада катта ҳурмат, иззат-эътиборда эди – бу биргина менинг шахсий мулоҳазаларим эмас, бошқа ҳамкасбларимизнинг ҳам дил эътирофидир. Биргина Олег Михайлович Грибановни айта қолай, у ниҳоятда ҳурматли чекист, жиддий контрразведкачи ҳисобланади. У Алиевни профессионал, республика контрразведка тизимининг раҳбари сифатида беҳад кадрларди. Эки, Шербак Федор Алексеевични олайлик, у контрразведка бўлими бошлиғининг уринбосари, катта тажрибага эга контрразведкачи, ўз соҳасининг ҳассос, теран билимли мутахассисларидан ҳисобланади, у ҳам Алиевга нисбатан жудаям эҳтиромли муносабатда эди. Яна қўлаб эъозли ҳамкасблар номини айтиб ўтишим мумкин, лекин шулардан ҳам ёрқин билиш, тасаввур қилиш мумкинки, Алиев Давлат хавфсизлик комитетида энг ҳурматли ва нуфузли ходимлардан эди. Бу нарсани унинг номзоди республика ДХК раиси уринбосарлиги вазифасига курсатилганда бир овоздан маъқул қўрилгани ҳам тасдиқлайди.

1964 йил 25 декабрда Республика ДХК раиси, генерал-майор С.Цвигун Озарбайжон Министрлар Совети ҳузуридаги ДХК 2-бўлим бошлиғи, подполковник Алиев Ҳайдар Алирза ўғлига берилган хизмат тавсифномасига имзо чекди.

«Урток Алиев тажрибали чекист, раҳбар ва ташаббускор ходим, – дейилади «Мутлақо махфий» тамғаси туширилган ҳужжатда. – Ўз қўл остидагиларни муҳим топшириқни бажаришга сафарбар эта олади. Урток Алиев бошлиқ оператив таркиб бир қатор ижобий натижаларга эришган. СССР Давлат хавфсизлик комитети билан ҳамкорликда капиталистик мамлакатларнинг хорижий фуқароларига нисбатан амалга оширилган жиддий чекистлик тадбирларида шахсан илгирок этди. Республика ДХК томонидан Эрон разведка органларига қарши қаратилган бир қанча тадбирлар унинг бевосита иштирокида

амалга оширилди. Агентура билан шахсан шуғулланади. Қўл остидагилар билан ўзаро муносабатларини туғри ўрнатади, уларга кунда ёрдам беради. Тўплаган бой тажрибасини баҳам кўради.

1963 йили ўртоқ Алиев чегарадан чиқиб кетишни мақсад қилган ўта хавфли давлат жиноятчисини қидириб топшиш ва қўлга тушириш ишларини оқилона ташкил қилди. 1962–1964 йилларда унинг раҳбарлигида бўлимнинг оператив таркиби билан биргаликда турли хил хавф-хатарнинг олдини олувчи бир қанча профилактик тадбирлар ўтказилди, вағижанда, кўшгина кўнгилсиз воқеа-ҳодисаларнинг олди олинди. чалғиган, адашган совет фуқаролари туғри йўлга солиб юборилди.

Шахсий сифатларига қўра принципиал, ўзига ҳам, қўл остидагиларга ҳам талабчан, холис, қаттиқ берилиб ишлайди. Комитет ходимлари орасида катта обрўга эга.

Ташкилотчилик қобилиятига ва чекистлик иш тажрибасига эга бўлган ўртоқ Алиев Ҳ.А. Озарбайжон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги ДХК раиси ўринбосари вазифасига тайинланишга муносиб».

– Ана шу масъулиятли вазифада ҳам Ҳайдар Алирза ўғли энг яхши фазилатларини тула намоен қила олди, – дея сузида давом этади генерал Бобков. – Мен Марказда шуғулланган масалаларни Алиев назорат қилганлиги боисидан у билан муносабатларимиз янада мустаҳкамланди. Бу – миллий муносабатлар муаммолари, диний ва хорижий туризм масалалари эди.

У миллий муносабатлар масаласига ўта зийрак ва хушёр қараган республика миқёсидаги раҳбарлардан бири эди. Ушбу салоҳиятини ғоят кадрлардим.

Бобков билан Алиев миллий муносабатлар мажмуи бўйича катта социологик тадқиқот ўтказишди. Уша пайтда энди ташкил этилаётган Ижтимоий-сиёсий тадқиқотлар институтида Юрий Владимирович Андроповнинг бевосита кўмагида махфий социологик тадқиқотлар бўлими очилган эди.

– Тадқиқот натижалари биргина нусхада чоп этилармиди?

– Йўқ, албатта, – ҳазилга жилмайиб жавоб берди Бобков. – Уларни КПСС Марказий Комитетига юборар эдик, афсуски, барча ташаббусларимиз ҳам қўллаб-қувватланмас эди.

Иттифоқ ДХК нашр этиб келган, бутунги кунгача ҳам ёшиқ бўлган тўпламда Ҳайдар Алиевнинг подполковник, полковник, генерал имзолари билан мақолалари бор. У Озарбайжон чекистлари ўтказган, мамлакатимиздаги ҳамкасбларида катта қизиқиш уйғотадиган операцияларни таҳлил қилади. «Чегара районларида душман разведкаси кирдикорларига қарши қурашиш амалиёти» тажрибаларини баҳам кўради. 1968 йил 6 май

куни генерал-майор Алиев Киевда иттифок чекистлари олдида маъруза ўқиди. Маъруза мавзуи «Озарбайжон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги ДХК тажрибаси мисолида душман агентурасини ва капиталистик мамлакатлардан келган Давлат чегараларини бузувчиларни аниқлаш амалиёти», деб аталар эди.

Озарбайжон Миллий хавфсизлик министрлиги академиясида очилган Алиев музейида республика ДХК раиси ишлаган хонани катта иштиёқ ва гамхўрлик билан қайта жиҳозлашган. Инвентар рақамлари сақланган стол ва креслолар қўйилган. Иттифок герби қадалган телефонлар тигиз жойлаштирилган, таквим ҳам ўша-ўша. Деворда бўрттириб ишланган харита: Озарбайжон ва унга икки-уч юз километр масофадаги чегарадош мамлакатлар. Ана шу харита ёнида қанчадан-қанча махфий операциялар режаси ишлаб чиқилган, пишитилган. Улардан айримлари йиллар давомида бажарилган. «Мутлақо махфий» белгиси ҳалигача олинмаган. Иттифок ДХК буйича эълон қилинган, махфийликдан чиқарилган буйруқлар асосида унчамунча маълумотга эга бўлиш мумкин. Жумладан, 1965 йил 10 декабрда СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлик комитети раисининг ўринбосари, генерал-полковник Захаров Озарбайжон чекистлари амалга оширган операцияни юқори баҳолади. «Чел эл разведкаси агентини фoш этишда кўрсатган ташаббускорлиги ҳамда қатъияти учун» полковник Алиев Ҳайдар Алирза ўғли ва полковник Беличенко Дмитрий Андреевич СССР ДХКнинг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотланди, подполковник Валиев Хужад Вали ўғли, подполковник Рябин Александр Иванович, майор Алисов Камол Сатторович, маъмурий хизмат катта лейтенанти Никитин Виктор Ивановичлар шахсий қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

СССР ДХКдан Коммунистик партия Марказий Комитети-га йўлланган ҳужжатлардан бирида «миллатчи унсурларнинг душманлик фаолияти» таҳлил этилганди. 1966 йили 17 январда 2/9-299-рақами билан йўлланган ёзма маълумотномани СССР Давлат хавфсизлик комитети раисининг ўринбосари С.Банников имзолаган эди.

«Мамлакатимизнинг айрим районларида, айниқса, Украина, Кавказорти республикаларида ва яна Ўрта Осиёнинг айрим жумҳуриятларида буржуа миллатчиларининг ёвуз душманлик фаолияти анча кучайганлиги кузатишмоқда, – дейилади хисоботда. – Буржуа миллатчилари асосан, мутахассисларни танлаш ва уларни сақлаб қолиш, сиёсий жиҳатдан беқарор одамларга, айниқса, зиёлилар билан ёшларга ғоявий таъсир кўрсатиб, ўз томонига оғдириб олиш масаласига асосий эъти-

бор қаратмоқда, шунингдек, миллатчилик руҳидаги адабиётларни тарқатиш, партиямизнинг миллий сиёсатига доир турли хил ғийбат ва бўҳтонлар тарқатиш билан шугулланмоқда. Сиёсий эътиқоди заиф кишиларга советларга қарши миллатчилик руҳини сингдириш, гоёвий ҳаммаслак ва тил бириктирувчи шерикларни тайёрлаш, ўз сафларига ёш кадрларни жалб қилиш мақсадида миллатчи унсурлар ошқора имкониятлардан кенг фойдаланмоқда. Жумладан, ёш шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ташкил қилиш, ижодий кечалар уюштириш, адаблар, шоирлар ва бастакорлар юбилейларини ўтказиш, бадиий ҳаваскорлик тўғарақлари очиш сингари воситаларни кенг ишга солмоқда».

Кейин Украина, Эстония, Арманистон, Озарбайжон ва ҳоказо республикалар номма-ном кўрсатилган эди...

«1965 йили Боку шаҳрида иш олиб бораётган советларга қарши миллатчи гуруҳ ҳам фош этилди, у ўзига Озарбайжон миллий тилини химоя қилувчи комитет деб ном қўйиб олганди. Гуруҳга 20 дан 27 ёшгача бўлган етмишга яқин одам жалб этилганди, уларнинг орасида 6 КПСС аъзоси ва 20 комсомол бор эди. Гуруҳ раҳбарлари озарбайжон миллий тилини муҳофаза қилиш никоби остида СССР таркибидан ажралиб чиққан ҳолда мустақил миллий давлатни ташкил қилиш ва рус, арман миллатига мансуб кишиларни республика худудидан чиқариб юбориш фикрини илгари суришарди.

Гуруҳ раҳбарлари ўз талабларини қўллаб-қувватлашга чақириш мақсадида озарбайжон халқига мурожаат қилиш учун республика радиостанцияси билан телемарказини босиб олиш керак, деб ҳисоблашарди, 1965 йил 7 ноябрда ёхуд 1966 йил 1 майда тегишли шиорлар билан намоён бўлишга чиқиш, мабодо чиқишлари барбод бўлса, мавжуд тузумга қарши қуролли курашни бошлаш ниятида ҳам эдилар.

Совет ҳокимиятига қарши очиқдан-очиқ кураш йўлини онгли равишда танлаган энг фаол миллатчиларнинг душманлик фаолиятлари ДХК органлари томонидан ҳибсга олиш йўли билан бартараф қилинди, албатта. Сиёсий онги шакланмаганлиги, совет давлатининг миллий сиёсати моҳиятини англаб етмаганлиги боис буржуа тарғиботи ва советларга қарши унсурлар таъсирида миллатчилик қарапларини намоён этган кўпгина гуруҳ аъзолари билан профилактик чора-тадбирлар ўтказилди». (РГАНИ. Ф.5. Оп.33. Д.235. л. 62–65).

– Алиевни Озарбайжон ДХК раиси этиб тасдиқлашганда, ўзига уринбосар этиб Виталий Красильниковни тайинлашни илтимос қилганди, – дейди Бобков. – У менинг қўл остида ишларди. Ниҳоятда ишончли, олийжаноб инсон эди. Мен розилик бердим. Ушанда Бешинчи бошқарманинг бошлиғи эдим,

муносабатларимиз азалдан яхши эди. Ҳайдар Алиевич Москвада бўлган кезлари доимо мени йўқлаб кириб турарди.

Мамлакатдаги конституцион тузумни ҳимоя қилиш, ҳокимиятни қўлга киритишга интилганларнинг, қуроли кураш йўлини танлаганларнинг хатти-ҳаракатлари олдини олиш чекистларнинг мажбурияти эди. Лекин партия комитетлари, улкан мафкуравий тизим эплай олмаган, қурби етмаган ишларни ўнглаш, тўғри йўлга солиш кўпинча, чекистларнинг зиммасига тушарди. Бу ҳақда Ҳайдар Алиев ташвиш билан гапирган эди.

«1967–1968 йилларда хориждаги арман миллатчи ташкilotлари, айниқса, «Дашноқдутьон» ташкilotининг республикамизга нисбатан фаолияти анча жонланди. Кўпгина капиталистик мамлакатлардан совет ташкilotларига, республика газеталари таҳририятларига миллатчилик руҳидаги турли газета ва журнал мақолалари йўлланар эди. Хориждаги дашноқ доиралари республика ҳаётига оид айрим факт ва маълумотларни бузиб кўрсатарди» (1968 йил 28 августда бўлиб ўтган Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети пленумидаги нутқидан).

Оммавий ахборот воситалари партия билан халқнинг бирлиги, халқларнинг бузилмас дўстлиги ҳақида кунда гапирар эди, ваҳоланки, ушбу жараёнда жамиятда ҳал этилмаётган қолаётган муаммолар тушланиб борарди. Жамиятда нималар кечаяпти узи? Муром, Темиртов, Новочеркасск каби бир қатор шаҳарларда оммавий норозилик чиқишларининг юзага келиши боиси нимада? Мамлакатда қандай сиёсий жараёнлар етилиб келаяпти? Совет ҳукумагининг ғоявий ғанимлари уларда қай тариқа иштираётган этишяпти? Ана шу хил саволларга жавоб топиш янги ташкilot этилган, мафкуравий кўпурувчиликларга қарши кураш бошқармаси зиммасига юклатилган эди. Уни Бешинчи бошқарма, деб юритишарди.

Юрий Владимирович Андропов Бобковни ана шу «бешинчи»га бошлиқ этиб тайинларкан, чинакам ғоявий кураш авжига минганини, ким кимни енгали, деган масала кундаланг қуйилаётганлигини айтган эди.

– Биз Совет ҳокимиятини ҳар томонлама мустаҳкамлаш тарафдоримиз, мафкуравий муҳолифларимиз эса уни барбод қилиш учун бутун куч-ғайратларини сарфляяпти, – дея мулоҳаза юритганди Андропов уша кеча Лубянкадаги катта хонасида.

Ушанда, учрашув 22.00 да бошланган, соат миллари эса 23 га яқинлашиб қолганди. Юрий Владимирович учрашув норасмий эканлигини аңгалатишга ҳаракат қиларди: костюмсиз утирар, аҳён-аҳён хаёл аралаш подтяжкасини<sup>1</sup> тортиб кўярди.

<sup>1</sup> Подтяжка – шимни икки елка оша тортиб қуйиладиган тасма.



– Биз уларнинг режаларини, иш усулларини билишимиз лозим, мамлакатда кечаётган жараёнларни кўра олишимиз, одамларнинг кайфиятини билишимиз зарур. Бу – ниҳоятда муҳим. Турли манбалардан, очик муассасаларми, социологик институтларми, матбуотда ёритилган ахборотми, ёхуд ўзимизнинг махсус хизматларимиз маълумотларими, барча-барчасидан тўлиқ ва самарали фойдаланишимиз зарур. Кўриниб турган нарсалардан ташқари, кўз илғамайдиган яширин кучлар ҳам кўп. Ер остида кимирлаган илонни пайқаган сингари, ботиний жараёнларни яхши тушуниш, мохиятини яхши англаш лозим...

Орадан ўн-ўн беш йиллар ўтиб, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари бўлган Андропов: «Биз қандай жамиятда яшаймиз ўзи?» деган саволга жавоб топиш зарурлигини айтади.

Марказий Комитетга йўлланган мактублардан бирида ҳам ушбу сўзларни учратиш мумкин эди: «Аввало, биз қандай мамлакатда яшаётганимизни аниқлаб олишимиз лозим...» Фикрларнинг мослигини қаранг.

### Биз қандай мамлакатда яшаймиз?

1965 йил охирларида – партиянинг Хрушчевдан кейинги янги Марказий Комитети «Правда», «Комсомольская правда», «Литературная газета» таҳририятларига меҳнаткашлардан келиб тушган «фавкулудда мазмунга эга бўлган, ғайриоддий» мактубларни Марказий Комитетга юборишлари ҳақида сўраб топшириқ берди.

1966 йил 7 январда «Литературная газета»нинг бош муҳаррири А. Чаковский ва «Комсомольская правда»нинг бош муҳаррири Б. Панкинлар мазмуни давлат ва жамият ҳаётига оид нотўғри карашлардан иборат бўлган бир қатор мактублардан олинган парчаларни Марказий Комитетга юборишди. 11 январда «Правда» газетаси ҳисобот берди. Унинг биринчи саҳифасида «Маълумотномада кўрсатилган фактлар билан танишдик. Материалдан КПСС Марказий Комитетининг совет кишилари сиёсий ҳушёрлигини ошириш билан боғлиқ ҳужжатларини тайёрлашда фойдаланилди», деб ёзилганди. КПСС МКнинг инструктори, сектор мудири, Тарғибот-ташвиқот бўлими бошлиғининг ўринбосари... имзо чекишган эди. «Архив» деган кўрсатма, «Махфий. Махсус жилд» деган белги қўйилганди. Имзо қўйганлардан ташқари Марказий Комитетда юқорилик лавозимдагилардан яна кимдир уларни ўқиб чиққанига шубҳаланасан, киши.

## «ПРАВДА» ГАЗЕТАСИГА ЙУЛЛАНГАН МАКТУБДАН

*Москва. Имзосиз*

«В.И. Ленин ўлимидан кейин Компартия ўнга жудаям оғиб кетди, эндиликда бу боткокликдан чиқолмаяпти.

Бизда адолат йўқ, танқид ҳам йўқолиб кетди. Сталинча бошқариш тартиблари ҳамон сақланиб турибди. Бошқариш лавозимларида юлғичлар, олғирлар ўрнашиб олган. Барча партия ходимлари турли хил имтиёزلардан фойдаланишади, оддий халқ эса крепостнойлар сингари меҳнат қилиши лозим бўлган Иванларнинг аҳволига тушиб қолди.

Касаба уюшмалари ўз аҳамиятини йўқотди, ишчиларни ҳимоя қилмай қўйди.

Олий Совет ҳам ўз нуфузини йўқотди. СССР Олий Совети Президиуми партия курсатмаси билангина одамларни мукофотлаш ҳуқуқига эга. Бутун партия сиғиниш ўчоғи бўлиб қолди. Партия нафақа ҳақидаги қонунда катта ноҳақликларга йўл қўйди. Бир хил амалдорлар жуда катта нафақа олади, айримларнинг нафақаси эса кундалик тирикчилигига ҳам етмайди. Нега шунга? Ленинча йўлга ўтиш пайти келмадимми? Касаба уюшмалари ҳам, СССР Олий Совети ҳам ўз ўрнини эгаллаши лозим.

Халқ контроли олдинги марраларда бўлиши даркор, ушунда муттаҳамлар, олғирлар раҳбарлик лавозимларига суқилиб қиролмайди».

*Калуга. Имзосиз*

«Газеталарда юксак маданият, олий материялар ҳақида ёзиш уят... Одамларга заррача бўлса-да, гинч ҳаёт шароитини яратиш лозим. «Инсон инсонга дўст» эмиш, ҳаммаси ёлғон. Одамлар бир-бирини мажакляпти, ўлдирыпти. Бандитларни ҳимоя қилаётган қонунларни чиқараётганларни лаънатлайман. Мактубни Калугадан йўллайман, 10–17 декабрь кунлари шунчалик кўп ёвуз, босқинчилик ҳаммалари содир этилдики, совет ёшларининг безори хатти-ҳаракатлари ҳеч қанака қуюшқонга сиғмайдиган бўлиб қолди, одамларни эса ана шундай ҳайвонларни тарбиялашга мажбур қилишяпти.

Космос шахрини қандай аҳволга солиб қўйишганини бир кўринглар, шармандалик бу. Одамлар куча-қўйда бемалол, эмин-эркин юришларига ким ёрдам беради?»

*Ленинград. Имзосиз*

«Кўпчиликнинг фикрини ифодалаяпман, деб уйлайман. Халқ судьяларини сайлаш билан боғлиқ найрангбозлик кимга керак? Биздаги сайлов тизими бошдан оёқ ёлғон ва алдовдан иборат. Сайланган одамларни қайта сайлаш кишиларнинг

меъдасига тегди. Шу боис улар аввал ҳам шундай ўтиришарди, ҳозир ҳам ўша алфозда. Нима десанг, ҳаммасига рози, жон-жон деб овоз бераверишади. Ишчилар синфи ишига беҳад содик, покиза, эътиқодли одамлар қолмади, ҳисоби. Сталин даврида ҳозир яшаб турганларнинг «сукут аломати ризо»си билан минглаб одамларни кириб юборишди.

(Совет ҳокимиятининг. – *Муалл.*) 50 йиллиги арафасида ишларимиз, айтилаётгандек, қойилмақом эмас, ҳаммасини халқ кўриб, билиб турибди. Унинг ўрнини ҳеч нарса билан босолмайсан, тўлдиролмайсан».

*Воронеж. Замков П.И.*

«Нега олимлар ва ёзувчилар Лениннинг янги иқтисодий сиёсат (НЭП) ҳақидаги тарихий қарорни тўғрисида лом-мим деб оғиз очмай қўйишди? У инқилобдан кейин мамлакатимиз иқтисодиёти ва, айниқса, қишлоқ хўжалиги юксалишига олиб келган эди. Янги иқтисодий сиёсат даврида хусусий бозорларда бир ёшли новвос тирик вазнда 12–13 сўм турарди, бутунги кунга келиб (рублнинг эски қийматида) аини шу нархга хўроз ҳам харид қилолмайсан.

Сталинча коллектив хўжалик тизимини кўкларга кўтариб макташларига сира ақлим бовар қилмайди. Ахир, у ўзини оқламади-ку. Агар ана шу замонавий техника эски ғаллақор деҳқонлар қўлида бўлганда эдимиз, ҳамма капиталистик мамлакатларни орқада қолдирган бўлардик. Колхоз тизимини дўмбира қилиб макташнинг ҳожати йўқ, у ўзини оқламади».

*Чимкент, Қозғозистон ССР, Вубов М.Ф.*

«Правда» газетасида юридик фанлар доктори Р. Рахуновнинг «Қонунийлик ва одил судлов» номли мақоласини ўқиб қолдим. В.И. Ленин вафотидан кейин бундай мазмундаги мақолани биринчи марта ўқишим, шундай бўлса-да, думи хуржунда ғаллар кўп. Муаллиф юстиция ёмон ишлаётганини айтмаган. Қонунбузарлар ҳақида гапирилар экан, уларнинг мазмун-моҳиятини, СССРда жиноятларни юзага келтираётган сабабларни кўрсатиш зарур эди.

«Бутун ҳокимият Советларга» деган шиор 1930 йилдан буён аҳамиятини йўқотди. Унинг ўрнини Сталин диктатураси эгаллади. Ҳокимият тўла-тўқис компартия қўлига ўтди. У мамлакатни бошқаряпти, лекин халққа ҳисобот бермайди. Ҳар қанақа демократик эркинликлар барбод бўлди.

1936 йили қабул қилинган Конституция ана шу ҳолатни қонунийлаштирди, шунингдек, у Ленин томонидан жорий этилган сайлов тизимини ҳам йўққа чиқарди. В.И. Ленин партия аппаратининг энг юқори маошини 225 сўм миқдоридан белгилаган эди. Узя 215 сўм оларди.

1930 йили Сталин дохий томонидан белгилаб берилган максимумни бекор қилди, натижада маошлар кундан-кунга ортиб бормоқда. Ҳозир энг юқори маош – 700 сўм, энг кам миқдори – 40 сўм. Маркс, Энгельс, Ленин тилида буни нима деб аташ мумкин – инкилобнинг авра-астари ағдарилишими?

Бир савол туғилади, қардошлик, тенглик қаёқда қолди, унга нима бўлди? Давлатни ўмараётган, борган сари юхосуллоқлашиб кетаётган юлғичларни нима билан оқлаш мумкин? Очқузлиқ, калондимоғлик тобора болалаб кетаяпти. Юксак коммунистик дунёқараш, фуқаролик виждони қаёқда қолди. Ленин, бизда ишнинг ҳавосини олган уста-омилкорлар йўқ, деганди, биз уларни ёлламаяпмиз, балки сотиб олаямиз, уларга катта хизмат ҳақи тўлаяпмиз, демак, виждонан ишлашларини талаб қиламиз, зарар етказишса – жазога тортилишади. Сталин коммунистларни халқ пули билан сотиб олди, улар (коммунистлар) эса Сталинни маъбудга айлантиришди.

Сталинча бошқариш кишлоқ хўжалигини бутунлай таназулга олиб келди. Дехқонлар 20 йил давомида чақага ишлаб келишди, эвазига эса кулларча тирикчиликка мубтало бўлишди. Шундай аянчли ҳолатда қандай ҳуқуқ-тартибот туғрисида гап бўлиши мумкин? 7/VIII–1932 йилги ҳамда 4/VI–1947 йилги шафқатсиз қонунлар ўшандаёқ пайдо бўлганди (кимда-ким далада қолиб кетган дон-дундан олгудек ёки бир килограмм машок тергудек бўлса, 10–15 йилга қамаларди). 1930 йилдан 1953 йилгача миллионлаб ҳукмлар эълон қилинди, уларнинг тенг ярмидан кўпроги айбсиз айбдорлар эди. Жиноятчиликни юзага келтирган ва келтираётган ўша долзарб сабаблар ўтмишдан мерос қолмаган, балки ана шулардан иборат эди. Йллатлар янги муҳитда пайдо бўлмаган, балки жулдур жандасини елкасига олиб олган...

Мамлакатда ҳамма ишни КПСС бажаради, халқдан эса ҳеч нарсани сурамайди. Халқ мамлакатни бошқаришдан четлаштирилган, давлат неъматларини ишлаб чиқарувчи куч – халқнинг қўлида ҳеч вако йўқ.

Тирикчилик қилиш учун маош ниҳоятда оз. Донги дунёга кетган олимۇ фозилларимиз энг кам ойлик маошни 40 сўм деб белгилашганида нимадан келиб чиқишганди? Инсоф-диёнати, виждони бўлса, жавоб беришсин.

Социалистик революция оддий халққа ҳеч нарса бермади, жиноятчиликни юзага келтирувчи сабаблардан яна бири ана шу.

Энди, ҳамма гап КПСС XXIII съездида қолди, у ерда ана шу ботқоқликдан тортиб олиб чиқадиган, чинакам марксча-ленинча йўлга олиб чиқадиган ақл-идроқли, доно тафаккур эгалари топилармикан?»

### *Донецк области. Имзосиз*

«1919 йили нашр этилган «Правда» газетаси қўлимизга тушиб қолди. В.И. Ленин, ушбу газета мамлакатда кечаётган воқеа-ходисалар, бошбошдоқликлар моҳиятини тушунтиришда одамларга ёрдам беради, деб ёзган эди. Кўпчилик ишчиларнинг уртача иш ҳақи 60–70 сўм. Шу пулга рузғор тебратиш мумкинми? Шу боисдан ҳам ҳамма ёқда уғрилиқ, порахўрлик авж олиб кетди. Одамлар юпун, оч-наҳор кун кечириётган бир пайтда мамлакатимиз осмонга 100 та йулдош чиқариб қўйибди, ахир, булар – миллионлаб пул дегани-ку. Илтимосимиз шуки, озик-овқатлар нархи пасайтирилиб, маошлар ҳозирги ҳолатда сақлаб қолинсин. Сизлардан космосда эмас, узимизнинг она заминда яхши ҳаёт яратишингизни илтимос қиламиз. Ишчи-деҳқонларни уғрилиқ қилишга мажбур этишди. Уғрилар, қаллоблар жамиятнинг 80 фоизини ташкил қилади. Чагдан ҳам, унгдан ҳам пора олишади».

### *Кривой Рог. Имзосиз*

«СССРдаги тузум чиндан ҳам ўзгарди, одамларни эксплуатация қилиш эса, қандай бўлса, шундайлигича сақланган. Мен кимга овоз бераман? Партия амалдорларигами? Улар, асли нима билан машғул?

Асли, нарядни<sup>1</sup> 7 сўмга ёпиш зарур, у эса 5 сўмга юма-лок-ёстиқ қилиб беради. Ишчиларнинг ҳақидан чегириб, уғирлашяпти. Ўзлари эса мукофотлар олишади, «Волга»ларда ялпайиб юришади. Ишчилар эса ҳамма нарсдан курук қолашяпти. Бу эксплуатациянинг узгинаси эмасми? Мабодо, шикоят қилгудек бўлсанг, ишдан ҳайдашади ёки тикиб қўйишади. Суз эркинлиги қаёқда қолди? Ана шу зиёлилар – бизнинг эсплуататорларимиз – совет буржуазияси.

Бузоқни кушхонага ҳайдагандай, коммунизмга томон чоптиришяпти, уни ишчиларнинг суяги устида тиклашяпти.

СССРдаги ишчилар озик-овқат учун маошининг 65 фоизини сарфлайди, Ғарбий Германия ишчилари маошининг 34 фоизини, АҚШ ишчиси эса 18 фоизини ейиш-ичишга ажратади, шу боисдан ҳам, ишчилар эшитиб қолмасин, деб, чет эл («Би-би-си» ва «Озодлик») радиостанциялари эшиттиришларини учирасиз. Мен чет тиллар институтини тугатганман. Лекин кўпроқ пул ишлаб топиш мақсадида шахтага ишга бордим. Менга кўп нарса керак, ресторанларга, барларга боришни яхши кўраман. Ёшим бор-йўғи 25 да, ҳаёт лаззатини тотгим келади. Сайёҳ никоби остида АҚШга қочиб кетиш ниятим бор».

<sup>1</sup> Бажарилган иш учун берилган ҳужжат.

*Самарқанд вилояти, Ўзбекистон. Гуляев И.С.*

«Бизда бойлар, муллалар, азайимхонлар авлоди ҳокимият тепасига чиқиб олган. Улар талончи, зарарқундалардир. Шу боис ҳар йили Ўзбекистонда пахта чириб кетмоқда, халқ мулки атайин нобуд қилинмоқда, бунинг учун ҳеч ким жон койитмайди. Кимда-ким кўпроқ ўғирласа, нес-нобуд қилса, ўшани мукофотлашади. 1963 йили вилоятдаги чорва ва парранданинг тенг ярмини кириб юборишди, пахтанинг бари сифатсиз. Вилоятни эса Ленин ордени билан мукофотлашди. Режанинг бажарилгани, йиғиб-териб олинган ҳосил миқдори айтилди, вассалом. Ҳаммаси қоғозда, ҳайбаракаллачилик авжида!

Бизда Совет ҳокимияти йўқ, тепани капиталистлар эгаллаган, уларнинг бошлиқлари эса Кремлда ўтиришибди».

## «КОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВДА»ГА КЕЛГАН МАКТУБЛАРДАН

*Имзосиз. Манзили кўрсатилмаган*

«Труд» газетасининг 1965 йил 20 июнь сонида чиққан «Офтоб кимларга ёруғлик бағишлайди?» деган мақолани ўқиб қолдим, шундоққина ёнгинасида «Танланган кимсалар учун» деган мўъжазгина сарлавҳа ҳам бор. Унда «Буржуа Ғарбида ҳам ҳордиқ чиқаришади, у ерда ҳам ёзнинг сахий куёши нур сочади. Лекин, кимга?» – деб ёзилган.

Суратда бир қатор хусусий яхталар<sup>1</sup> акс эттирилган. Уларнинг эгалари узларига тегишли махсус пляжларда<sup>2</sup> офтобда гобланиб, кунтил ёзишарди. У ерга оддий меҳнатқашларнинг кириши қатъиян тақиқланган. Ун минлаб, миллионлаб ватандошлари каерда ва қандай шароитда дам олаётганликлари тукликка пухлик қилаётган бой-бадавлат кимсаларни асло кизиктирмайди.

Ғарб билан СССР ўртасида қандай фарқ бор, дея ўйга толасан. Ҳеч қандай фарқ йўқ, деган хулосага келдим».

*Ленинград. Имзосиз*

«Унлаб йиллар мобайнида мамлакатимизда оддий халқ шафқатсизларча эксплуатация қилинмоқда. 50–150 сум маош қандай ҳаётни таъминлай олишини ўзингиз ўйлаб кўринг. Нарх-наво эса чақади. Қулларча оғир меҳнатга маҳкум этилган колхозчилар ўзларининг ҳуқуқсиз ҳаётидан қанчалик «бахтиёр»лигини биласизми? Улар ҳатто Юрий<sup>3</sup> кунидан ҳам

<sup>1</sup> Яхта – моторли ёки елкали енгил кема.

<sup>2</sup> Пляж – сув буйидаги чумилиш учун қулай бўлган ва жиҳозланган жой.

<sup>3</sup> Юрий куни – айтиё Георгий Юрий шарафига байрам қилинадиган ва эски йил ҳисобида 26 ноябрга туғри келадиган кун, шу кунни крестной деҳқонлар бир помешчикдан бошқа помешчик ихтиёрига утиги ҳуқуқига эга эдилар.

бебахра... У колхоздан кетолмайди, ишлаб чиқаришга бориб меҳнат қилолмайди, паспорти йўқ, унга ҳеч ким ҳеч қанақа маълумотнома бермайди, уни ҳеч ким ҳеч қаерда ишга олмайди. Тушовсиз, ипсиз-арқонсиз колхозга боғлаб ташланган».

### *Москва. Имзосиз*

«Социализмнинг бош ақидаси – «ишламаган тишламайди», деган гап. Бироқ бизда юлғичлар жуда кўпайиб кетди, улар ҳалол ишлаб келаётганлардан кўра яхши яшашади. Демак, бу ақида фақат қоғозда қолиб келаётган ялтироқ суз... Аҳвол шу даражага бориб етдики, коммунизм кураётган мамлакатимиз пойтахтида ҳам тунда ва, ҳатто, коронги тупиши билан кучага чиқишга ҳайиқасан. Биз бўлсак, нуқул Американи ёмонлаймиз. Шундай бир масала кўндаланг бўлмоқда. Агар юқоридан ушбу масала ҳал этилмаса, ўзини-ўзи ҳимоя қилувчи кўнгилли гуруҳлар ташкил қилиш йўли билан муаммони ечишга ўзимизнинг қурбимиз етади. Бизнинг яшашимизга ва бунёд этишимизга ҳалақит берган ҳамма ғовларни ўзимиз йўқ қиламиз. Шу боис биз, ишчиларни етакчи синф, деб аташади. Яқинда Совет ҳокимияти барпо бўлганига 50 йил тўлади. «Олтин ёшлар»ни тартибга чақириш, эпақага келтириш вақти келди, улардан текинхурлар етишиб чиқаяпти, холос».

### «ЛИТЕРАТУРНАЯ ГАЗЕТА»ГА КЕЛГАН МАКТУБЛАРДАН

#### *Новосибирск вилояти. Бабин В.*

«... Биз бу ерда кўпчилик бўлиб партиямиз юритаётган сиёсат ҳақида фикрляймиз, уни муҳокама қилаймиз. Шу ҳақда ёзиш мажбуриятини зиммамга олдим. Раҳбар ходимларнинг маоши кўл остидаги ишчиларникидан юқори бўлса, шу жойда бюрократия, амалпарастлик патос боғлайди, чириш бошланади. Ахлоқсизлик, дунёқараш ва эътиқодда айнишлар, фоҳишабозлик ва эксплуатациянинг кўни туғади. Шундай экан, барча қўйи ва юқори тизимдаги раҳбарларнинг, барча мансабдор шахсларнинг иш ҳақи ишчилар маошидан юқори бўлмаслиги лозим.

... Сталин даврида шахсга сифтинишгина юзага келмади. Сталин янги синф – социалистик буржуазияни майдонга келтирди. Социалистик буржуазия диктатурасини яратди. Халқимиз бир текисчиликни ҳам, буржуазияни ҳам истамайди.

... Партиямиз сафларида соғлом, адолатпеша кучлар талай, улар ҳали-ҳануз ноҳақликларга қарши курашиб келмоқда. Бундай ҳатти-ҳаракат Сталин вафотидан кейин хийла жонланган эди. Бироқ бу нарса буржуа кучларининг мажбурий ён босиши

булиб чиқди. Хрушчев шахсига сизгиниш буткул Марказий Комитет айби билан сунъий равишда юзага келтирилгани ҳозир ҳаммага аён. Хато-камчиликлар Хрушчевнинг эмас, Марказий Комитетнинг бўлишига тушади. Бизнинг буржуазияга ўз сиёсатини бир мансабдор шахс орқали амалга ошириш фойдали эди. Бинобарин, буржуазия кучларининг коллектив донолиги ана шу биргина шахс орқали ҳаётга татбиқ этиларди. Ҳозир ҳам мамлакатимиз буржуа кучлари қўлига янада кўпроқ ўтиши, яна таъқиблар, қама-камалар бошланиши хавфи туғилмоқда. Сталин – Бериялар даврининг хиди келмоқда. Нега партиямиз таркибидаги виждонли кучлар гулиқ ва тугал ғалабага эришолмади? Сабаби, Сталинни қоралаш энгил-елли кечди, буржуазиянинг маоши қўл учигагина кискартирилди. Бойси, ҳамма қарорлар партия ва халқдан яширин қабул қилинарди. партия ва халққа суянилмасди.

...Бугунги кунда партия Марказий Комитетининг халқ турмушини яхшилаш ҳақидаги гамхўрлиги куйидаги йўсинда олиб борилмоқда: қорхона директорларининг маоши 300 сўмдан 600 сўмга кўтарилди. Оддий колхозчиларнинг маоши эса ойига 30 дан 40 сўмга етказилди. Бутун халқимизда коммунистик кутаринкилик йўқ. Халқимиз социализмни чинакамга қўмсаётган. Ҳа, XX съезддан кейинги янги муҳит шабадалари эсганича йўқ. Ҳали демократия қарор топмади. Ҳокимиятимизнинг юқори маошли ходимлари, аслини олганда, юқори маош билан таъминлаб келинган табақа вакиллари, буржуазиядир, лекин халқ эмас. Улар ҳамма нарсани ўз синфи буржуазия манфаатлари доирасида ҳал этмоқда.

...Партиянинг бугунги Марказий Комитети қанчадан-қанча хатоларга йўл қўйди. Уларнинг ҳаммаси илмий асосланган эди. Жудаям кўп хатоларга йўл қўйилди, лекин ҳамма бало бунда эмас. Барча офат шундаки, партия Марказий Комитетида инсоф-диёнат, виждон йўқлигини халқ куриб, билиб турибди. Нопок буржуа сиёсатини оқлаш ва саклаб қолиш учун узини доно қилиб курсагиш шарт эмас. Бутун сиёсатни янгилаш керак. Партия Марказий Комитетида муқаддас, коммунистик нарса йўқлиги бутун ҳаммага аён. Марказий Комитет аъзолари энг софдил, ҳалол коммунистлар, авлиёсифат одамлар, деб ўйлардик, энди билсак, улар мамлакатнинг энг бой-бадавлат кимсалари экан.... Халқимизнинг ишонч-эътиқодига кўра, коммунист дегани мутлақо соф, беғидир, ҳалол инсон бўлиши керак, унда заррача худбинлик бўлмаслиги лозим, асл коммунистлар ўз халқини севувчи, кишиларни бахтли-саодатли қила билиши, халққа яқин, кадрдон бўлиши лозим, деб ўйланарди. Коммунистларга ишонилар эди. Мамлакатнинг биринчи коммунист раҳбари қандай бўлиши тақозо этилади?... Ленин, Дзержинский сингари бўлиши керакмасмиди... Социалистик





*J. Beckman*



Иззат хоним ва Алирза Алиевлар, Ҳайдарнинг ота-онаси.

Ҳайдар Алиевнинг болалиги Нахичеваннинг Пушкин кучасида ўтган.  
У Москвадан кейин шу ерга қайтганди.





Алиевларнинг катта  
оиласи жамулжам.  
Ҳайдар чапдан иккинчи.



У 1938 йилда  
Нахичеван педагогика  
техникумини «аъло»  
баҳоларга битирди.



С. Вургуннинг  
«Воҳиф» пьесаси  
талабалар  
ижросида.  
Ҳайдар Алиев  
чапда.

Дўстлари билан  
тушган сурат.



Ҳаёт ҳали олдинда.



Рафиқа, Оқил  
ва Ҳайдар Алиевлар  
онаси Иззат хоним  
билан. Боку, 1952 й.





Зарифа Алиева турмушга чиққач ҳам фамилиясини узгартирмади.



Бокунинг мана шу  
бурчида,  
маишур Қизминор пойида  
Ҳайдар уни куп бора  
кутиб олганди.



Зарифа отаси  
Азиз Алиев билан.  
1948 й.



ДХМ махсус мактаби битирувчилари Ленинград билан  
хайрлашмоқдалар.  
Хайдар Алиев — биринчи қаторда чапдан иккинчи.



Давлат хавфсизлик  
хизмати капитани.



ДХМ Олий мактаби  
тингловчилари  
орасида.  
*Ленинград, 1949 й.*





Ёшликнинг завқли  
дамлари... Зарифа  
ва Ҳайдар Алиевлар.



Ҳайдар Алиевич  
қизчаси Севил билан.



Зарифа Азиевна ва Ҳайдар Алиевич фарзандлари  
Севил ва Илҳом билан.

Боқудаги Дзержинский номидаги Маданият саройи;  
ҳозир муниципал театр. Ҳайдар Алиев бу ерда кўп марта булиб,  
нутқ сўзлаганди.






КПСС МК секретари Н.В. Подгорнийнинг Бокуга ташрифи. Унинг унг томонида Озарбайжон Компартияси МК биринчи секретари В.Ю. Охундов, ча п да — республика ДХК раисининг биринчи уринбосари Ҳ.А. Алиев. 1964 й.

Давлат хавфсизлик  
хизмати полковниги.



Ҳайдар Алиевич  
Озарбайжон  
Компартияси МК  
биринчи секретарлигига  
сайлангунига қадар шу  
бинода, республика  
ДХК да хизмат қилган.





У суратга олишни ёқтирарди.



Севимли шаҳри Бокуга рассом ва меъмор назари билан  
нигоҳ ташларди.



СССР ДХК генерал-майори.



буржуазия даф эгилган тақдирдагина, бойлару камбағаллар, баланду пастлар бўлмасагина Ёлғон ва таъкиблар барҳам топиши мумкин»

*Днепропетровск. Приходько В.*

«Менда икки хил фикр пайдо бўлди: ё мамлакатда янги сиёсий инкироз юз бермоқда, ёки янги сиёсат вужудга келмоқда, бу нарса сталинча раҳбарлик усуллари қайталанишига олиб келса ажабмас. Совет халқига униси ҳам, буниси ҳам керак эмас. Вокеликни тушунишга ва баҳолашга сифат жиҳатидан янгича ёндашиш керак. котиб қолган, ақида тусини олган айрим ҳақиқатларни қайта назардан ўтказалиган оқилона, доно дунёқарап такозо этилаётир.

Биринчидан, қандай мамлакатда яшаётганлигимизни эътиборга олиш жониз, яна давлатчилигимиз асосини ташкил этган Конституцияни асло унутмаслигимиз зарур. Виждон эркинлиги менинг ишонч-этикодими химоя қилади, сўз эркинлиги – бу оғзига келган нарсани уйламай-нетмай, масъулиятсизлик билан валаклаш дегани эмас, аксинча, биринчи навбатда, мамлакатимизда содир бўлаётган барча воқеа-ҳодисаларнинг матбуотда ёритилиши, ошқора қилинишидир. Мамлакатда кечаётган нохушликларни, номақбул нарсаларни чайнайвериш яхши эмас, бу – ҳақ нарса. Лекин, уларни яшириш ҳам яхшилиққа олиб келмайди. Бу – масаланинг иккинчи томони. Газеталар хабарларига, партия ва ҳукуматга ишончсизликни вужудга келтирган овозлар пайдо бўлмоқда. Бу нарса жас, ҳаммасидан ҳам ёмон. Бизда бу хил нарсаларга майда-чуйда дебми, унчалик аҳамият берилмайди. Оломон – оломон-да. «Халю» деган мавҳум тушунчани уринлими ёки уринсизми, тез-тез қўллайверамиз.

...КПСС хақида икки оғиз сўз. Бугунги кунда унинг 10 миллион аъзоси бор. Бир пайтлар В.И.Ленин партия сафларини ҳаддан ташқари қупайтириб юбормаслик лозимлиги хақида огоҳлантириганди. Ҳатто Октябрь ғалабасидан кейин ҳам, бириккита тасодифий ҳолатни ҳисобга олмаганда, партия эшикларини ланг очиб қўйилмаган эди. Қизил Армия оқ гвардиячиларнинг сиқувларини қайтара олмай ожиз қолганда, Совет ҳокимияти душман курсовида қолиб кетган бир пайтда партия сафларига қуплаб аъзолар қабул қилинган эди. Ушунда партия билетини имзо чекиб олиш ўзига ўзи ўлим ҳукминини чиқариш билан баробар эди. Ана шундай онларда партия сафларини тўлдирган, том маънода, асл коммунистлар эди. Бу муттаҳамлар учун жозибали бўлмаган, деб уйлайман.

...Ҳозир партия сафларида 600 минг киши эмас, 10 миллион аъзо бор, бу шунчалик катта рақамки, ундан битта нолли олиб қўйсақ, унинг асл мазмунини тушунишим мумкин. В.И.Ленин

коммунист олдига куйган талабларни унутиб куймоқдамиз. Бугунги кун ўша талабларни асло сусайтиргани йўқ. Кўпчилик эътиқод юзасидан эмас, манфаат юзасидан партия сафларига кирмоқда. Балки, партия ўз сафларини кенгайтира бориб, мамлакат аҳолисининг катта қисмини камраб олгач, ўз вазифасини бажариб, аҳамиятини йўқотар. Лекин сифатни оширмасдан туриб санокка ружу куйиш ҳеч қачон маъқулланмаган.

...Ташки соҳада бўлганидек, ички ҳаётда ҳам жуда кўплаб ҳатоликларга, чалкашлик ва адашдишларга йўл куйилди. КПСС ўзининг жаҳон коммунистик ҳаракатининг авангарди мавқеини йўқотди. Хитой билан икки ўртада кечган даҳанаки олишувлар ҳар икки партиянинг бир-бирига сўқиштирмоқчи бўлган шиорлари мутлақо самарасиз эканлигини кўрсатди-қўйди. Ҳар икки партия етакчилари ҳам муштарак жиҳатларни топа олишмади, муросаю мадорага келиша олмаган икки қўшни давлатлар бир-бирининг камчиликларини дастурхон килиб ёйиб, обдон лаззатланишди. Бунинг оқибати хавфли эди. Ягона дунё вакиллари бир-бирини тушуна олмаса, қарама-қарши тизимлар қандай килиб чиқишиб, келишиб яшаши мумкин? Наҳотки партиямиз таркибида марксизм-ленинизмнинг у ёки бу даражада кучли назариячилари топилмаса, бугунги кун муаммоларига ленинча тўғри нигоҳ ташлаб, келгуси тараққиётнинг ленинча ягона тўғри йўлини белгилаб бера олишмаса. Айни маҳалда ленинча таърифларни бугунги даврга мослаштириш керак эмас, балки мураккаброқ йўлдан, ленинча принципларни янада ривожлантириш йўлидан боришга тўғри келади.

...Ҳозир дунёдаги кўплаб коммунистик, ишчи ва озодлик ҳаракатлари Ленин номидан иш олиб боришмоқда ва ҳар ким ўзини ҳақ деб ҳисобламоқда. Оддий совет ишчисининг бу масалага муносабати қандай (у партия аъзосими ёки йўқми, аҳамиятсиз)? «Борлиқ онгни белгилайди», дейди ишчи. Менга ҳаётим учун зарур нарсаларни беринг, шундай шароитни яратингки, фикри-зикрим эртанги кун қозонимни қайнатишу қорнимни тўйгазиш ташвиши билан уралашиб қолмасин, аёлларимиз билан оналаримиз «буш вақти»нинг катта қисмини дўқонма-дўқон елиб-югуришга сарфламасин... Шундагина менинг онгим шундай даражага кутариладики, беихтиёр, дунёнинг бошқа чеккасида болалар очлик-қашшоқликдан қирилиб кетаётган бир паллада сариёғ суртилган оқ нонни ейишга ҳаққим борми, деган ҳаёлларга бериламан. Ишчи шу тахлит фикрлайди. Биз «сахийликни» ҳаддан ошириб юборганимиздан кўнгли оғринади, норозилиги ортади. Биз қўни-қўшнилари «дўстларимиз» ҳақида шунчалик кўп қайғураемизки, оқибатда ўзимизнинг ҳолимиздан хабар олишга вақтимиз қолмаяпти. Бошқа мамлакатларда юзлаб корхоналарни барпо этаяпмиз, уларга ниҳоятда фойдали кредитлар бераёпмиз, бизга таклиф

қилинган савдо соҳасида ҳар қандай битимларни тузаяпмиз. Шу билан баробар, маълум маънода капиталистлар мушқулини осон қилиб, Англия банкларидан кредит ҳам олаяпмиз. Мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражаси бошқа давлатларга қараганда юқори эмас, шу боис фақат бомба билан ракеталарга ишониб қолмаслик керак.

... Бизнинг совет кишиларимиз елкаларига юкланган вазифанинг нечоғлиқ оғирлиги ва масъулиятли эканлигини жуда яхши тушунишади. Башарти, СССРнинг оддий фуқаролари шунчалик улкан маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлиши лозим экан, уларга бош-кош бўлиб турган раҳбарлардан талаб қилинадиган хислат-фазилатлар нечоғлиқ юксаклигини тасаввур қилиш мумкин.

... Агар, ҳаммаси эски ҳаммом – эски тослигича қолаверса, яна эски хатоларни такрорлаш хавфи сақланиб қолаверади. Бирмунча камтар, камсуқум бўлишимиз тақозо этилади, жалойирга жар солиб эришган зафарларимизни чилдирма қилишнинг ҳожати йук. Камчиликларни камроқ яширишимиз, раҳбарлар шахсини кўкларга кўтар-кўтар қилишни бас қилишимиз лозим.

Мен коммунист ҳам, комсомол ҳам эмасман, оддий фуқароман. Биргина нарсани хоҳлайман: тилимиз билан дилимиз бир бўлсин, сўзимиз бошқаю ишимиз бошқа бўлиб қолмасин, «дохий шахслар» йўқолсин, «сарой тўнтаришлари» бўлмасин. Ахир, мамлакатни бошқара оладиган ажойиб коллегиял органларимиз бор-ку».

*Киев. Киселева Н.*

«Мабодо фарзандларим: сиз коммунистсиз, мана бу-мана бу нарсаларга жавоб беринг, деб сўраб қолишгудек бўлса, нима дейишни билмай, юрагим орқага тортиб кетади. Киевда 30-грамвайга ўтириб, «Коциленко» бекатигача боринг. «Гастроном»га кўзингиз тушади. Йук, бу оддий «Гастроном» эмас. Бизда айтиляшича, «оддий одамлар» уни «сарқит», деб атайди. Партия ходимларидан қолган озиқ-овқат маҳсулотларини шу ерга олиб келиб ташлашади. Марказий Комитет ходимларига уларни ниҳоятда арзон нархда сотишади. Бизда ёпик шифохоналар, дорихоналар ва, ҳатто, меҳмонхоналар бор. Бу – даҳшат-ку!»

*Москва. Громов.*

«...Бизнинг ижтимоий, партиявий ва ҳоказо турфа соҳалар бўйича туриш-гурмушимиз, имтиёзли шароитимиз жамиятимизда табақаланишни вужудга келтирди. 47 йил ичида Москвада халқни ертўлалардан юқорига чиқара олинмаётган бир шароитда «раҳбар арбоблар» ниҳоятда ҳашаматли квартираларда яшашади: белгиланган ўртача нормадан анча

юқори, бир кишига 10 квадрат метрга яқиндан туғри келади. «Халкка» кооперативларга кириш таклиф қилинаётган бир вақтда «рахбар арбоблар» куп хонали кушклардан текин квартиралар олишади. Халк Медведковдан Мазиловога шаҳар транспортда туртиниб-суртиниб, амал-такал қилиб етиб бурса, «рахбар арбоблар» давлат автомашиналарида марказнинг у кучасидан бу кучасига ўтиб боришади. Халқнинг 95 фоизв уз меҳнат таътилларини ёввойиларча ғайритабиий шароитларда, муолажасиз утказишади (Бутуниттифок касаба уюшмалари марказий совети – ВЦСПС аҳолининг 5–7 фойзигагина ана шундай имтиёзли йўлланмалар билан таъминлайди); «рахбар арбоблар»га бепул йўлланмалар берилади, улар лифт олиб чиқадиган хувиллаган пляжларда (Юқори ва Қуйи Орлеанда, «Украина» санаторийси ва ҳоказо дам олиш масканларида) ҳордиқ чикаришади».

Уч машҳур газета таҳририяти ушбу мактубларни 1965 йил бошларида Марказий Комитетга етказган эди. Бу – Брежнев даври ва Косигин ислохотчилик даврининг бошланишига туғри келади. Одамлар мамлакат ҳаётида, жамиятда туб ислохотлар амалга оширилишига ишонипар эди ва, эътибор беринглarki, «биз ахир қандай мамлакатда яшаётганлигимизни аниқлаб олайлик», дея талаб қилишарди.

Орадан йиллар ўтгач, Юрий Владимирович Андропов Марказий Комитетнинг Бош секретари булгач, ушбу фикрни сўзма-сўз такрорлаган эди: «Биринчидан, биз қандай мамлакатда яшаётганимизни аниқлаштириб олиш лозим...» Унинг ўзи бу ишни амалга ошира олмади, унинг ворислари – Черненко билан Горбачевнинг эса ҳаёли бошқа нарсалар билан банд эди.

Ҳар ойнинг йиғирманчи куни Озарбайжон ДХКда маош бериларди. Ҳазил-мутойибага мойиллар бу кунни орзиқиб қутилган Чекистлар кунин, деб аташарди. Коммунистлар айни шу кунин партия аъзолиги бадалларини тўлашарди. Республика ДХК янги раиси Ҳайдар Алиев хузурига партком секретари, полковник Бистров ўзи киришга қарор қилди.

– Уртоқ Бистров, – деди Алиев, унинг нима мақсадда келганлигини билгач, – коммунистлар партия бадалларини тўлаш учун ўзлари сизнинг олдингизга бориши лозим. Хонвагизга боринг, бадаллик ҳақини тўлашга ўзим кираман.

Генерал Алиев бир ойи кам икки йил республика Давлат хавфсизлик комитетига раҳбарлик қилди. Юрий Владимиро-

вич Андропов СССР Министрлар Совети ҳузуридаги ДХКнинг (1969 йил 27 ноябрдаги 166-сонли) махсус қароридан генерал Алиев хизматдари юксак баҳолади:

«Генерал-майор АЛИЕВ Алирза ўғли Давлат хавфсизлик органларида 25 йилдан ортиқ хизмат қилиб келмоқда. Шу давр мобайнида у оператив вакилдан республика ДХКнинг раислигигача бўлган шонли йўлни босиб ўтди. Раҳбарлик вазифаларида хизмат қиларкан, уртоқ Алиев бор билими ва куч-қувватини Ватанимизнинг давлат хавфсизлигини таъминлашга бағишлади, ўз бурчини ҳалол бажаришнинг юксак намунасини кўрсатди, яхши ташкилотчи сифатида ўзини намойиш қилди.

Ҳозир уртоқ Алиев Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари этиб сайланди.

### БУЮРАМАН:

Давлат хавфсизлик органларидаги кўп йиллик ва беникус хизматлари учун генерал-майор АЛИЕВ Ҳайдар Алирза ўғлига таппаккур эълон қилинсин ва ёзилган қимматбаҳо совға билан мукофотлансин.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги  
Давлат хавфсизлик комитетининг раиси  
(Андропов)».

– Бу қанақа совға экан? – деб сўрашади Озарбайжон Миллий хавфсизлик министрлиги музейига келувчилар ана шу ҳужжат қўйилган стенд рўпарасида тўхтаб

Ушбу саволга ҳатто Миллий хавфсизлик министрлиги назорат-ҳисоб бўлимининг бошлиғи ҳам жавоб беришга қийналса керак.

– Одатда, исми ёзилган қурол совға қилингувчи эди. – дейди отасининг изидан бориб, бутун умрини ана шу хизматга бағишлаган полковник Ҳокони Багиров қисқагина қилиб. Лунда жавобдан кейин одатдаги босиқлик туфайли айтилмай қолган шундай уй қўнғилдан кечади: ахир, шу муҳимми? Эътиборнинг кадри юқори-ку!

«Алиев, Давлат хавфсизлик органларидаги кўп йиллик ва беникус хизматлари учун генерал-майор АЛИЕВ Ҳайдар Алирза ўғлига таппаккур эълон қилинсин ва ёзилган қимматбаҳо совға билан мукофотлансин.»

## РЕСПУБЛИКАГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИБ

1969 йил 14 июль, Боку

Озарбайжон Коммунистик Партияси Марказий Комитети Пленумининг 1969 йил 14 июлдаги мажлиси 16-сонли баёни (хужжатнинг асл нусхасида айнан шундай, ҳамма сўзлар катта ҳарф билан ёзилган). «Мутлақо махфий» муҳри босилган, машинкада ёзилган етти саҳифалик матн. Кун тартиби: «Ташкилий масала. Озарбайжон КП МК биринчи секретари туғрисида».

Мавжуд расмий таомилга кўра, Москвадан юксак мартабали меҳмон етиб келмагунча ташкилий масалалар кўрилмаслиги маълум. КПСС Марказий Комитетининг секретари Иван Васильевич Капитонов Бокуга самолётда учиб келди. Биринчи бўлиб унга сўз берилди:

– Ўзингизга маълум, – дея залда йиғилганларга мурожаат қилди у, – кейинги ўн йил мобайнида ўртоқ Охундов Вали Юсуфович Озарбайжон Компартияси МКнинг биринчи секретари вазифасида ишлаб келди. Ўртоқ Охундов республика иқтисодий ва маданиятини ривожлантиришга, ташкилий-партиявий ва мафкуравий ишларни яхшилашга бор кучини сафарбар этди. Кейинги пайтда ўртоқ Охундовнинг саломатлиги ёмонлашди, Озарбайжон Компартияси МКнинг биринчи секретаридек катта ва мураккаб вазифани адо этиши қийин кечаётганлигини ўзи ҳам билиб турибди. Шу боис у КПСС МКга илмий ишга ўтказишни илтимос қилиб, мурожаат этди.

Медицина фанлари доктори бўлган академикнинг илтимосини қондиришди. Пленум арафасида, уша куннинг ўзида уни Республика Фанлар академиясининг вице-президенти этиб сайлашганди...

– Табиийки, – оҳиста гапни буради Капитонов, – ўртоқ Охундовни Озарбайжон Компартияси МКнинг секретари ва бюро аъзоси вазифасидан озод қилиш масаласи юзага чиқмоқда. – Унинг ўриндошини белгилаш керак бўлади. – Озарбайжон Компартияси МКнинг биринчи секретари лавозимига кўтилаб

номзодлар кўриб чиқилди; бу – табиий, тушунарли, албатта; сабаби, республикада муносиб кадрлар жудаям кўп, таъбир жоиз бўлса, танлаш учун катта имкониятлар мавжуд.

Ушбу масала «атрофлича ва синчиклаб ўрганиб чиқилгач, ўртоқ Алиев Ҳ.А. номзодига тўхталдик; у айти пайтда Республика Давлат хавфсизлик комитети раиси вазифасини бажари келмоқда...»

Залда йиғилганлардан бирор киши учун ҳам бу хабар кутилмаган янгилик бўлмади. Чиндан ҳам Вали Охундовнинг саломатлиги сусайган, кейинги уч ой Москвада даволанган эди. Брежнев билан учрашган маҳали илмий ишга ўтказишларини сўраркан, тиббий хулосани ҳам кўрсатган эди; республика учун буткул борлигини бағишлай олмаётганидан «виждони қийналаётганини» айтганди. Шубҳасиз, у ўз ворисларини ҳам кўрсатиб ўтганди. Лекин кимни танлашлик унинг зиммасида эмас эди.

1969 йил бошларида Москвадан кадрдон дўстларимдан бири сим қоқиб қолди, дея эслайди Ҳайдар Алирза ўғли кейинчалик. Ундайларни одатда, курғур, ҳамма нарсадан бохабар-а, дейишади. «Ҳайдар, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретарлигига сен бирдан-бир номзодсан!», деганди у Алиевга. Бу Алиев учун кутилмаган хабар эди: «Бундай бўлиши мумкин эмас. Номимни шундай вазифага тавсия қилишганини тасаввур ҳам қилолмайман. Нега ўзимнинг хабарим йўқ?» – «Вақти келганда билиб оласан. Энди, Ҳайдар, янги ишга ҳозирлик кўравер!».

Ана шу суҳбатдан кейин орадан уч ой ўтгач, Ҳайдар Алиевни Москвага – КПСС МКнинг Бош секретари билан учрашувга таклиф қилишди. У ўз ҳаётидаги бурилиш паллалари ҳақида шундай хотираларга берилади:

«Кремлда Брежневнинг иш кабинетига йўлландим. Леонид Ильич мени очиқ чехра билан қарши олди. Икки ўртала куйидаги суҳбат кечган эди:

– Ўртоқ Алиев, Озарбайжон Компартияси МКнинг биринчи секретарлигига сизнинг номзодингизни кўрсагишга қарор қилдик.

– Буни ўзим учун катта шараф деб биламан, ўртоқ Брежнев. Лекин бу вазифани хоҳламайман.

– Хоҳламайман деганинг нимаси? – таажжубланди Брежнев, кадрдонларча «сенсирашга» ўтиб.– Биз шундай масъулиятли лавозимни сенга ишонаймиз.

– Республика Компартияси МКнинг биринчи секретари бўлишлик осон эмас. Шунинг учун ҳам истамаяман.

Лекин эътирозларимга Леонид Ильич аҳамият бермади. У ўзи учун алақачон қарор қабул қилганлиги суҳбатидан англашилиб турарди. Сиёсий бюро ҳам менинг номзодимни

муҳокама қилиб, бир фикрга келган, республиканинг ҳозирги ҳолатида факат Алиевгина муносиб, деган тўхтамда эди».

Ушбу сатрлар Кремлда кечган, хотирадан учмас уша суҳбатдан кейин орадан кўч йиллар ўтгач ёзилмоқда. Хаёлан уша суҳбатга қайтар экан, Алиев бир фикрни гаъқидлаган эди: «Номзодимни маъқул қуришганига сабаб, ДХКда ишлаганлигим, шахсий делодаги ҳужжатларга доғ тушмаганлиги, озарбайжонликларнинг ишончини қозонганлигим, меҳр-муҳаббатига сазовор бўлганлигим бўлса керак. Ўзимча, шундай мулоҳаза юритиб, тўхтама келаман...».

Москва бир қарорга келган эди. Боқу ҳам уни қабул қилиши аниқ. Лекин қандай шароит қўйишаркин? Шу аснода собиқ биринчи секретарнинг ўз вазифаси хусусидаги эътирофи-ю, йўриқларига эътиборни тортиш аҳамиятлидир.

«Урток Алиев Озарбайжон Компартияси МКнинг яхши биринчи секретари бўлиши учун ҳам сиёсий, ҳам ишчанлиги жиҳатидан ҳар томонлама муносиб. У зехни ўткир, салоҳиятли, қисқа муддат ичида катта ҳажмли ишни ўзлаштириш учун старли билим, малакага эга; у сиёсий тобланган, республиканинг барча кадрларига муносабатда ҳолис бўлади; агар республиканинг ўтмиши, ҳозирини ҳисобга оладиган бўлсак, Озарбайжонда кадрлар масаласи ҳал қилувчи нуфузга эга, биз уни софдил, адолатли, ҳаққий коммунист сифатида яхши биламиз» (*Озарбайжон Республикаси сиёсий партиялар ва ҳаракатлар марказий давлат архиви. Ф.1.Он.56.Д.4.Л.5*).

Ҳайдар Алиев биринчи секретарь этиб сайланганда шундай деган эди:

«Бу лавозимга киришар эканман, бор масъулиятни ҳис этиб, бўлиб турибман; олдимдаги машаққатли вазифанинг нечоғлик мураккаблиги ва оғирлигини тушунаман; олдимда турган катта ва юксак ишончини оқлаш учун барча имкониятларимни сафарбар этишга сўз бераман. Бу борада, аввало, Озарбайжон Компартияси МКнинг барча таркибининг, МКнинг бюро аъзоларига, республикамизнинг барча партия, совет ва ҳўжалик раҳбар ҳодимлари кўмагига таянаман, уларнинг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашларига умид қиламан. Келгусида эришилажак барча зафарларимизнинг бош омили фаол, дўстона ҳамкорликда иш юришидир» (*Ушбу ерда. Ф.1.Он.56.Д.4.Л.16*).

Ҳайдар Алиевнинг биринчи секретарликка сайланиши Озарбайжонда, бутун Совет Иттифоқида катта таассурот уйғотди. Хорижий мамлакатларда ҳам ақс садоси юқори бўлди. Прагада бўлиб ўтган машҳур воқеадан кейин орадан бир йил ҳам ўтмаган эди, ўшанда совет танқлари унчалик кўп лавом этмаган «Прага баҳори»га сўнгги нуқтани қўйганди. Кремлга ўрнашиб олган мафкура оталари – идеологлар ҳамма соҳаларнинг танобини тортишга киришган эди. Йирик бир



республика ДХК раисининг партия иерархиясига ўтказилиши (бу нарса нимага ва қандай амалга оширилаётганлиги ҳаммага аён эди) партия кадрлари учун ҳам, либераллар учун ҳам ошқора огоҳлантириш эди.

Шундан буён Хайдар Алирза ўгли ярим ҳазил, ярим чин аралаш бир нарсани таъкидлашни хуш қуларди: униш таржимаи ҳолида, шахсий календариди йиллик тадбир ва йуриқлар режасида Бастилияни ишғол қилган ўз куни белгиланган. Бу ўринда 1789 йилги Париж воқеалари билан қиёслаш шартли маънога эга, албатта. Бизнинг ҳикоямиз қаҳрамони ҳеч қанақа ҳукумат истеҳкомларини забт этгани йўқ. Янги лавозим (ва янги, кўламдор масъулият) ҳамisha катта хизматларининг муносиб эътирофи сифатида унга пешвоз чиқарди. Улар, табиатан ўга иктидорли бу ясоннинг келгусида янада сермикёс вазифаларни ҳам уддалай олишига бир тасдиқ эди.

Леонид Ильич Брежнев билан бўлиб ўтган уша тарихий учрашувни хотирлар экан, Хайдар Алиев тақдирдаги ушбу узгариш «жонажон халқига янаям самарали хизмат қилиши учун кенг имкониятлар яратганини» таъкидлар эди.

Брежнев қабулидан чиққандан кейин Алиев биринчи учрашган кадрдон кишиси Филипп Денисович Бобков эди. Эски учрашув барча тафсилотлари билан армия генералининг хотирасида хануз яшаб келади.

«Қутилмаганда қўқисдан, ҳеч қандай қўнғироксиз Алиев хонамга кириб келди. Нимадандир хижолат чекаётганлиги юзқўздан кўриниб турарди.

– Филипп, суҳбатимизга ҳеч қим халал бермаслигини илтимос қилсам бўладими?

– Албатга, – жавоб бердим ва барча телефонларни узиб қўйдим.

Хайдар туппа-туғри Брежневнинг олдида келаётганлигини айтди. Озарбайжон Компартияси МКнинг биринчи секретарлигига сайлаш учун Алиев номзоди тақлиф этилаётган экан.

– Сяққидилдан суҳбатлашиш, маслаҳатлашиш учун олдинга келдим. Ёиласанми, бошқа ҳеч қандай кўтчим йўқ. Гарчад, розилик берган бўлсам ҳам, қўнлим чопмаяпти.

Шу пайт СССР ДХК раисининг уриббосари Семён Кузьмич Цвигун алоқага чиқиб қолди. Москвага ишга ўтгунча у Озарбайжон ДХКнинг бошлиғи бўлганди. Брежневнинг энг яқин дўстларидан бири, урушдан кейинги йилларда Молдавияда бирга ишлаган эди.

– Менга қара, Филипп Денисович, Алиевни кўрганми йўқми?

<sup>1</sup> Иерархия мансабларга қўра даражама-даража бевосита итват қилиш, бўйсунуш тартиби.

– Нима эди?

– Унинг Комитетга кириб кетганлиги туғрисида йўлакдаги навбатчи хабар қилганди, қаёққа ғойиб бўлганлигини билолмаяпман.

Хайдар, бу ердалигимни айтмай қўяқол, дегандек қўларини бир-бирига қовуштирди.

– Курсам, сизнинг хузурингизга кирипти лозимлигини айтаман, деб жавоб бердим. Кейин икки ўртадаги холи суҳбатимизни давом эттирдик.

– Туғри, Брежневнинг таклифини рад қилолганим йўқ, – дилидаги ўйлари билан бўлишарди Алиев, – бу жудаям улкан ишонч. Биринчи галда нималарни қилиши зарурлигини чамалар эди: жамиятни тобора кемириб бораётган коррупцияга қарши курашмасдан туриб республиканинг қолоқлигини бартараф этиш, уни оёққа қўйиш мумкин эмас, дея ҳисобларди».

### «Айтингчи, у виждонли оламини?»

Орадан икки йил ўтгач, улар Бокуда яна учрашишди. Бобковнинг коррупцияни енга олдингми, дея берган саволига Хайдар Алиевич шундай жавоб берганди: «Фақат бир нарсага кафолат бера оламан, Озарбайжон партия МКда пора олишмайди».

КПСС МКдачи? Ғалати савол. Бобков ўзининг «ДХК ва ҳокимият» номли китобида Брежневга олиб келинган ақл бовар қилмас даражадаги қимматбаҳо совғалар туғрисида ёзади. Жумладан, кадрли Леонид Ильичга Грузиядан тилла самовар олиб келишган эди.

Марказий Комитетда деярли ҳамма пора оларди. СССР ДХК раисининг уринбосари Ф.Д. Бобков сингари куп нарсадан бохабар кишининг эътирофига қўра, ҳокимият тепасидагилардан – А.Н. Косигин, Ю.В. Андропов каби санокли кишиларгина «қора» рўйхатга тушмаганди. Уларнинг атрофига йирик ташкилотчилар, маънавий-ахлоқий жиҳатдан покиза, виждонли, ҳалол кишилар уюша бошлаганди. Республика, вилоят ва ўлкаларда бундай кишилар кам эмасди. Украинада Владимир Васильевич Шербицкий ва Александр Павлович Ляшко, Белоруссияда Петр Миронович Машеров, Озарбайжонда Хайдар Алиевич Алиев, Свердловскда Николай Иванович Рижков, Красноярск ўлкасида Владимир Иванович Долгих, Саратовда Владимир Кузьмич Гусев шундайлардан эди... Улар жамият тараққиётининг янги босқичида шаклланган партия ва давлат раҳбарлари эди. Улар эл-юртга, халққа хизмат қилишни пунчаки расмиётчилик, одамларнинг ғашига тегиб кетган сиёсий қоллибпоп иш деб эмас, аксинча, юксак бурч ва ҳаётбахш омил деб англашар эди.

Ҳайдар Алиев республикага етакчилик қиларкан, унинг кадрлар таркибини олдиндан биларди. Партия бўғинларининг қайси ҳалқасини мустаҳкамлаш, кимлардан воз кечиш кераклигини тиниқ тасаввур қиларди. Унга янги номзодни таклиф қилишар экан, биринчи галда: «Айтингчи, у виждонли одами?» – дея сўрагувчи эди. Кейин ишчанлик хусусиятларига утар, одамлар билан қанчалик чиқишиб ишлай олиши ва бошқа жиҳатларига тўхталарди.

Лекин, авваламбор: номзод виждонлими? Йўқса, юлғичлару порахўрларнинг темирдек мустаҳкам ҳалқасини уза олмайди. 60-йилларда Озарбайжон учун (фақат Озарбайжон учунгина эмас) хос бўлган бир ҳолат: совхоз директорини порахўрликда айблаб, ишдан олишади. Бироқ дарҳол уни бошқа райондаги шундай лавозимга тайинлашади. Коммунист Рамиз Тагир ўгли Тагиров КПСС МКга қуйидаги мазмунда мактуб йўллаганди:

«Қисқагина номамни охиригача синчиклаб ўқиб чиқишингизни сўрайман; қуйида ифодаланган фикрлар давлатимиз, халқимиз, партиямиз учун ниҳоятда муҳим». Атроф-теварагида кечаётган ноҳақликларга бефарқ қараб туролмасдан, ичи ачишиб дардини ёзганди: олғир ишбилармонлар томонидан ҳосилдор узумзорлар, ўрикзор, боғ-роғлар кесиб ташланмоқда; шахсий ҳамёнларини тўлдириш ниятида «ҳар йили 20–30 гектарлаб майдонга қовун-тарвуз экилмоқда. Бу давлатни, партия ва халқни алдаш-ку, ахир».

Бошқа бир районда қолхозчилар қўли эгри раиснинг номзодини рад этишганди. Райком секретари йнгилишга милиция чакиради. Бунга жавобан: «Ҳаммамиз газета-журналлар оламиз, ўқиб борамиз! Эндиликда қолхоз раисларини милиция билан, таҳдидлар билан сайлаш даври ўтди», – дейишади. Шу ўринда Сафавийлар ҳукмронлиги давридаги (XVI аср) ахлоқ беихтиёр ёдинга тушади, ушанда Озарбайжонда бир гал оғиздан-оғизга утиб юрган экан: «Вилоятингизни кимлар кемириб ётибди?» Кимлар бошқараётибди эмас, кимлар кемириб ётибди...

Нозим Иброҳимов салоҳиятли олим, ишлаб чиқаришда ҳам уқувли эди. Геология экспедициясининг бошлиғи эди, номзодлик диссертациясини ёклаб, докторлик тадқиқотини якунлаётганди; жамоатчилик ишлари-ю спорт билан шуғулланишга ҳам вақт топарди. У келажакда асосий хизматида озода қилинган партия ходими бўлишни эмас, балки илм-фан, ишлаб чиқариш билан шуғулланишни кўзларди. Бироқ республика Компартияси МКнинг биринчи секретари Ҳайдар Алиевнинг фикри ўзгача эди. Унинг ишонч-эътиқодига қўра, айнан шундай навқирон ва ҳаракатчан, қуч-ғайратга тўлган, инсофли, ҳар жиҳатдан шакланган кишилар партия комитетларига сув ва ҳаводек зарур эди. Хуллас, 1971 йил январда Нозим Садиҳович Иброҳимовни Боку шаҳар партия комитетига, сал

кейинрок Марказий Комитетга суҳбатга чақаришди – унинг номзодини пойтахтдаги Октябрь район партия комитетининг биринчи секретарлигига курсатишаётган эди.

Марказий Комитет биринчи секретарининг ёш коммунист-олим билан суҳбати икки соат давом этди. Ушанда Иброҳимов 35 ёшга тулганди. Ҳозир у саксонни қоралаб қолди, лекин сидқидилдан кечган уша самимий суҳбат унинг хотирасида бир умрга сақланиб қолган. Алиев унга пойтахтдаги энг йирик партия ташкилотларидан бирининг асосий иш тармоқлари йуналишларини белгилаб берди; унинг таркибида йирик илмий текшириш институтлари, олий ўқув юртлиари, ишлаб чиқариш бирлашмалари, турли хил корхоналар бор эди.

– Ҳамманинг эътибори райком секретарига, унинг одамлар билан қандай суҳбатлашишига, ҳаммани очиқ чеҳра билан қарши олишига, машинага қандай ўтиришига қаратилган бўлишини эсдан чиқармаят. Райком секретарлигида ҳам ўша ўша оддий одамлигинингизча қолаверинг, партия амалдори бўлманг.

Уша йиллари Боку шаҳрида ўнта район, ўнта райком секретари буларди.

– Кейинчалик Ҳайдар Алиевичга фақат узининг нахичеванликларининг кутараяпсан, деб таъналар ҳам қилишганди, – дейди Иброҳимов. – Лекин райкомнинг биринчи секретарлари орасида мендан булак нахичеванлик йук эди. Менга келсак, Бокуда тутилганман. Қорадоғ райкомига рус ўртоқ раҳбарлик қиларди; Киров районида армани, яна бир ҳамкасбимиз Шемахадан таклиф қилинганди. Йук, бу ерда ҳеч қанака уруғ-аймоқчилик йук. Биз ҳаммамиз илм-фандан, ишлаб чиқариш бағридан учирма бўлиб чиккандик; ишга шунақаям қаттиқ берилиб кетгандикки...

Бокунинг Октябрь райони коммунистлари Нозим Иброҳимовни яна уч марта раҳбарликка сайлашди. МКнинг биринчи секретари унинг районида бир неча марта булган, узи курсати ан номзоднинг юриш-туришидан хабардор эди; ҳар янги ҳисобот-сайлов йиғилишидан олдин, ўша биринчи учрашувларида кечганидек, атрофлича узок суҳбатга таклиф қиларди. Режалари, таклифлари, ҳаяжонга солган, ташвишлантираётган нарсалар тўғрисида сўраб-суриштирар эди.

– Эмин-эркин юргандим, – чуқур хўрсинди Иброҳимов, – менинг устимдан ҳам юмалок хатлар ёзишлари мумкинлигини тасаввур қилолмасдим.

– Иброҳимов, бир нарсани асло унутманг. – деганди ушанда Алиев. – Сиз шундай ҳаёт кечирингки, ҳеч қандай фискал-фужурларга тасдиқ топилмасин. – Сўнг қўл остидаги қалин папкага кафтини қўйди.

Кейинчалик Алиевнинг тавсияси билан Иброхимов республика нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси давлат комитетини бошкарди. Биринчи секретарь ўз ходимларининг ҳалоллигига тўла ишонгани боис, гийбату юмалок хатларга ҳеч қандай ўрин бермасди. Чамаси, ўзига ҳам ана шундай самимий муносабатда бўлишларига умид қиларди. Бирок у Москвада ишлаб юрганида Марказий Комитетга ва Иттифок Министрлар Советига СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари устидан бячиб-тўкилган, фикс-фужурга тўла юмалок хатлар ёғилиб кетганди. Фақат Николай Иванович Рижковгина бячиб-тўкилган қоғозларга эмас, Алиевга ишонганди. Бу ҳақдаги гапларимиз ҳали олдинда.

### Ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади

Хизмат пиллапоясидан юқорилаб бориларкан, сиёсатчи буладими, давлат ёки жамоат арбоби, хужалик мутасаддис буладими, кадрлар масаласини ҳал қилишига тўтти келади. Бу қатга уйинда беҳато одимлар булмаслиги мумкин эмас. Императорлар ҳам, президентлар ҳам, бош секретарлар ҳам янглишишади. Кадрлар билан ишлаш сиёсати туғрисида профессорлар ақлли китобларни ёзишади, маърузаларида қўлаб фойдали маслаҳатлар беришади. Лекин инсон шундайки, у ўзига шахсан яқин ва қўдан бери кадрдон булганларга ишонади, суянади. Жумладан, Брежнев пайтида днепропетровскликларнинг Москвага ёпирилиб келгани, Ельцин даврида уралликларнинг, Путин чоғида петербургликларнинг пойтахтга қўлаб келгани ана шу жиҳатлар билан изоҳланса керак.

Ҳайдар Алиев республика Компартияси МКга раҳбарлик қилганда ҳамкасб чекистларнинг мададига жудаям таянган эди. У кадрлар масаласини Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари ва Бюро аъзолари билан маслаҳатлашиб ҳал қиларди. МКнинг маъмурий органлар бўлими бошлиғи вазифасига республика ДХК контрразведка бўлими бошлиғининг ўринбосари, Юсифзода Зиё Мамед ўглини тавсия қилганди. Зиё Мамед ўглининг ишчанлик ва одамайлик хислатларини Алиев комитетда бирга ишлаган пайтдан яхши биларди. Марказий Комитетнинг ҳуқуқ-гартибот органларини ўз гасарруфига олган маъмурий бўлимни ҳам эшлаб кетишига шубҳа қилмасди. Шу тахлит МК аъзолигига номзодлар рўйхатида Юсифзоданинг исм-шарифи ҳам пайдо булди. Хизмат вазифасига кура у партиянинг юқори бўғинига мансуб эмасди. МК аъзолигига сайланишини эса хизмат пиллапояларидаги галдаги ўзгарышлар деб баҳолашди. Қўтловлар, телефон қўнғироклари ёғилиб кетди.

Зиё орадан бир-икки кунни ўтказиб биринчи секретарга сим коқди:

– Ҳайдар Алиевич, мени нега Марказий Комитетга сайлапди? Кунгироклардан ишлаб бўлмай қолди.

Жавоб қисқа бўлди:

– Яқин орада билиб оласан!

Орадан яна икки кун ўтиб, Алиев Юсифзодани МКга таклиф қилди; МКнинг маъмурий бўлими бошлиғи вазифасига тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинганини айтди. Биринчи секретарь Зиё Мамед ўғли розилик беришини кутганди. Ҳар ҳолда, нима деганда ҳам бу – Юсифзоданинг қурби етадиган катта бир поғонага кутарилиш эди. Бироқ Зиё ўз тақдирида рўй беражак ўзгаришни эшитгач, ёлворгудек ўтинчга ўтди. Бир пайтлар хавфсизлик хизмати органларига ишга ўтишдан олдин росаям ўйлаганини, охири зўрға рози бўлганини эслаганди.

– Биласизми, қараб турсам, ишим ўнгланиб, эпақага келаётгандек эди. Узингизга маълум бир ишни охирига етказиш тараддуидаман. Буткул беғона ишга қўл уриб нима қилдим?

– Ғалати савол бўлди-ю, – Ҳайдар Алиев яқиндагина узининг қўл остида ишлаган ходимига синчков тикилди.

Дарҳақиқат, ажабтовур бир ҳолат юзага келаётганди. Биринчи секретарнинг таклифни МК бюроси қувватлаган, коммунист Юсифзода Марказий Комитет аъзолигига номзод этиб сайланган эди. МК биринчи секретарининг обрў-эътибори қаёқда қолди? Партиявий интизом-чи? Орқаворатдан эшитиб, билишларича, Алиев ҳеч қачон ўз қароридан қайтган эмас, унга эътироз билдирмаган маъқул, дейишарди. Албатта, бу шунчаки узункулок гаплар. Юсифзоданинг лавозимга тайинланиши билан боғлиқ ҳодиса ягона эмас, бундай нарсалар рўй бериб туради. Ҳайдар Алиевич Юсифзода келтирган далил-исботларни ҳисобга олди, дастлабки қарорини ўзгартирди. Бу билан унинг юксак нуфузи, мартабасига путур етдими? Асло. Одатда, партия маъмурий органлари ҳар икки гапнинг бирида рўқач қилиб турадиган партиявий интизом озор чекдими? Асло.

– Хўп, – Юсифзоданинг шахсий ҳужжатлари жамланган калин папкани бир чеккага суриб қўйди. – Энди, буёғига нима қиламиз? Биласанми, бу жойга катъиятли, ишчан, виждонли бир одам жудаям керак-да!

– Тушуниб турибман. Муносиб номзодни – республика прокурорининг ўринбосари Собир Ҳусайновни тавсия этаман. Дарвоқе, МК аъзолигига номзод этиб сайланган.

Юсифзода республика ДХКдаги хизматини давом эттирди, разведка ва контрразведка соҳаларида ўзининг интеллектуал имкониятларини тўлиқ ишга сола билди, генерал-лейтенант унвонини олди, юксак мукофотлар билан тақдирланди. Собир Ҳусайнов ҳам жойини топган эди.

Алиевга йўл-йўриқлар курсатаркан, утмишдоши «ҳамма кадрларимизга бир хил муносабатда бўлиш лозим», дея қайта-қайта таъкидларди. Аслида, бўладиган тарзда айтилган. Ҳар доим холис бўлиш, одамларни ишга булган муносабатига қараб кадрлаш лозим. Ёки, собиқ ҳокимиятга курсатган шахсий садоқатига қарабми? Янги биринчи секретарь «ҳамма кадрларимизга ҳам бир хилда муносабатда бўлмаслигини» тез орада англатди. Республика партия ташкилотларида, министрлик ва идоралар, олий ўқув юртлари ва корхоналарда юлғичларга, порахўрларга, олғирларга асло ўрин йўқ. Ички ишлар министрлигига ниҳоятда соф, беғидир, малакали разведкачи Ориф Ҳайдаров раҳбар этиб тайинланди. Туғри, разведка хизмати салоҳиятли офицерни бергиси келмасди, ундан умиди катта эди, лекин Андропов ёрдам бериб юборди. Ҳайдаровни Туркиядан чақириб олишди.

Архивларда Озарбайжон Компартияси МКда куриб чиқилган ўнлаб, юзлаб шахсий делоларни бирма-бир ва рақлаймиз. Ҳаммага бир хилда талаб қўйилганди, мартаба, мавқеига қарамасдан, ёндашув қатъий ва жиддий эди. СССР ДХК раисининг ёрдамчиси Игорь Синицин баҳосига кўра, Ҳайдар Алиев ўзининг ишчанлиги, уюшган жиноятчиликка, порахўрликка қарши нафрати билан Андроповга анча яқин эди, унга ўхшаб кетарди.

«Келиб тушган хатларни, ташвишли хабарларни ўрганиш натижасида Озарбайжон Компартияси МК ташкилий-партиявий бўлими бошлигининг ўринбосари Багиров Д.Н. бир қатор номуносиб хатти-ҳаракатларни содир этгани аниқланди. Партия ходими ва коммунист сифатида ўзини иснодга қўйган. Обрусини йўқотган.

Багиров қинғир йўллар билан топилган маблағ ҳисобига яшаётганлигини яшириш мақсадида турли қаллоблик, фирибгарликларни амалга оширган. Жумладан, сохта шахслар номига енгил машина сотиб олган, дала ховлиси учун ер участкаси ажраттириб, данғиллама уй-жой, ховуз, гараж қурдирган... Қулгина қурилиш моллари учун ҳеч қанака далолатнома ҳужжатлар йўқ.

Ўз хизмат вазифасини ғаразли ниятларда сунистеъмол қилиб, коммунистга муносиб бўлмаган хатти-ҳаракатлари, маънавий-ахлоқий, маиший бузилишга йўл қўйгани, но-самимий хулқ-атвори учун 1961 йилдан КПСС аъзоси, 02800043-рақамли партбилет эгаси Багиров Жамол Насриддин ўгли Озарбайжон Компартияси МКнинг ташкилий-партиявий бўлими мудири ўринбосарлиги вазифасидан озод қилинсин ва КПСС сафидан чиқарилсин».

Шемаха районидаги педагогика билим юртида авж олган оммавий порахўрлик фoш этилди; айрим мансабдор шахс-

ларнинг ўз вазифасини суинистеъмол қилаётганлиги. йврик микдордаги юлвичлик, ўғирлик ҳолатлари аниқланди. Озарбайжон КП МК ўртоқ Саилов С.А. ни Шемаха район партия комитетининг биринчи секретари вазифасидан озод қилди. «Шемаха район парткомидаги ишлар юзасидан ўтказилажак кенг қамровли гекшириш натижаларига қура партиявий жавобгарлиги масаласини қуриб чиқишни» тавсия этди.

Кировобод ва Хочмас район партия комитетларида қурилиш ва қурилиш материаллари саноати ишчиларининг республика қасаба уюшмасида, М.А.Адиев номидаги Озарбайжон Давлат санъат институтида, республика прокуратурасида ҳам ана шундай ҳолатлар мавжудлиги аниқланган эди... Ҳа, дахлсизлар йўқ эди. МКнинг биринчи секретари ҳали кенг йўсинда русм бўлмаган опкоралиги учун Москвадан, қўшни республикалардаги ҳамкасбларидан анчагина дашномлар эшитишига тўғри келса ҳам, шу тахлит очик-ойдин қураш йўли билан нуқсонлар, иллатлардан қутулиш, уларни бартараф этиш мумкинлигига ишонарди.

- Эсимда, 1975 йили район партия комитети секретарларидан бирини вазифасидан бўшатиб, партиядан учирдик, ишнини ҳуқуқ-тартибот органларига топширдик. Шуларнинг ҳаммаси тўғрисида газеталаримизда икки саҳифада тўлиқ эълон қилдик. Бошқа республикаларнинг биринчи секретарларидан бири учрашиб қолганимизда, нега бундай қилаяпсиз, деб суради.

Айрим районларнинг биринчи секретарлари унинг ҳузурига келиб, Адиев райком секретарларини атайин бадном қилаяпти, дейишади. Узингиз-чи, шу фикрга қўшиласизми, деб сурадим. Қўшилмайман, лекин буларнинг ҳаммасини жамиятга опкор этили керакми, деди. Қизиқ, улар узини узи шарманда қилаётган бўлса, уларнинг нимасини бадном қилар эканман? Бирини, иккинчисини, учинчисини жиддий айблари, хатти-ҳаракатлари учунгина эмас, жиноятлари учун жазолаяпман. Озарбайжон жамоатчилигига билдириб қўяман, бошқаларни асраб қолиш, бу йўлдан юрмасликлари хақида огоҳлантириш учун шундай қилаяпман, деб жавоб бердим *(Россия ва Скандинавия журналистлари билан кечган суҳбатдан, 2001 йил 11 март, Боку)*.

Ҳайдар Алиевнинг Борис Пастухов билан танишуви 70-йиллар бошига тўғри келади. У пайтда Б. Пастухов ВЛКСМ МКнинг иккинчи секретари бўлиб ишларди. Республика комсомолларининг съездига келганди. Алиевнинг партия етакчиси сифатидаги фаолиятини баҳолаб экан, айниқса, ёшларга меҳри баландлигини таъкидлаган эди.



Ёшлар билан шугулланишга даъватини Алиев ўзининг дил амрига айлантирганди. Москвага ўқишга юборилган республиканинг биринчи стипендиатлари орасида истеъдодли математик Фотима Абдуллазода ҳам бор эди. Бугунги кунда физика-математика фанлари доктори бўлмиш бу аёл ҳам, мамлакат президенти ҳам буни унугишгани йўқ. Алиевнинг ёшларга курсатган меҳри йиллар, ўн йиллар ўтгач қанчалик самара берганлиги кўриниб турибди.

– Биз Озарбайжон комсомоллари съездида кейинчалик космонавтлар Добровольский ва Волковлар билан ўқиш чоғида ҳалокатга учраб ҳалок бўлган космонавт Пацаев билан бирга иштирок этгандик, – дея хотирлайди Борис Пастухов. – Ҳайдар Алиевнинг космонавт билан нечоғлиқ қизиққанлиги, уни яқиндан билишга ошиққанлиги мени хайратга солганди: бу шунчаки расмийлик эмас, аксинча, катта инсонийлик, одамга меҳр намунаси эди. Бу кишининг ўқув-идроқи, майлиштиёқи оддий кизиқиш эмасди, ундан катта меҳр-муҳаббат, самимият балқиб турарди.

Йиллар ўтди. Борис Николаевич эндиликда ВЛКСМ МКнинг биринчи секретари. Эндигина ишдан қайтиб, чой ичаётган эди. Телефон жиринглаб қолди. Боқудан Алиев сим қоқётган экан.

– Ошхонада ўтириб, Озарбайжон Компартияси МКнинг биринчи секретари, КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига номзод билан гаплашиб тургандим, – хикоя қилади Пастухов. – ВЛКСМ МК секретари Вокиф Ҳусайнов билан кизикаётган экан.

– Айтинг-чи, у виждонли одамми?

Гап кадрлар масаласи хусусида кетаётганлигини билгач, Ҳайдар Алиевнинг мақсади, режаси қандайлигини сўрайман.

– Уни чакириб олмоқчимиз. Боқу шаҳар партия комитетининг биринчи секретари этиб сайламоқчимиз.

Боқу – республиканинг пойтахти, улкан партия ташкилоти. Менинг дастлабки муносабатим қуйидагича бўлди: у, албатта, муносиб, лекин, Ҳайдар Алиевич, узр сўрайман, айрим жиҳатларини айтмасам бўлмайди. Назаримда, бу жудаям дадил кўтариш. У, асли журналист, ижтимоий соҳадан...

Алиев кулоқ соляб тургач, яна саволини қайтарди:

– Сиз менга шуни айтинг, у виждонлими?

– Билишимча, виждонли, ҳар жиҳатдан муносиб инсон: камтар, кўп ишлайди, қобилятли, ўзига яраша тиниқ инсон, лекин жудаям катта вазифани тортиб кетармикан?

– Бу, энди, бошқа масала. Сиз менга битта нарсани айтинг, у ҳалол, виждонлими ёки йўқми? – Сўнг орамиздаги суҳбатни қуйидагича якунлади. – Яхши, эртага КПСС МК секретарлари билан маслаҳатлашиб оламан, кейин сизга сим қоқаман.

Эртаси куни у менга телефон килди:

– Сяз айтган омилларни ҳам жиддий муҳокама килдик, шундай эса-да, йул ёшларники, деган қарорга келдик.

### Адо этилган бурч гуйғуси

1971 йил 30 мартда Москвада КПСС XXIV съезди очилди. 1 апрель куни эрталабки мажлисда Алиев сўзга чиқди – у съезд минбаридан биринчи марта сўзлаши эди. Узига бўлган ишонч руҳи балкиб турар, «марксизм-ленинизм ғояларининг голибона тантанаси» туғрисида, «коммунизм эртаси» яқинлашиб қолганлиги, Леонид Ильич Брежневнинг ҳормас-толмас фаолияти хусусида сўзлади. Дарвоқе, бу ҳамма нотикларга хос даромад гаплар эди.

Кейин асл муддаога кўчди: республикада ишлаб чиқариш кучлари ортда қолаётганлигини бартараф этиш ҳақида, КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1970 йилда қабул қилинган «Озарбайжон ССРда халқ хўжалигини ва кишлоқ хўжалигини ривожлантириш чора-тадбирлари туғрисида»ги қарорининг бажарилиши хусусида атрофлича сўзлади.

– Жорий беш йилликда Озарбайжонда 100 дан ортиқ янги корхоналарни ишга тушириш режалаштирилмоқда, бу – аввалги беш йилликка қараганда деярли икки ҳисса кўп демакдир, – сўзида давом этди Озарбайжон Компартияси МКнинг биринчи секретари. – Республикада замонавий машинасозлик саноатининг янги тармоқлари барпо этилади; нефтни қайта ишлаш саноатини, темир йул транспортини қайта таъмирлаш, кимё, озик-овқат ва саноатнинг яна бир қатор тармоқларини жадал ривожлантиришни таъминлаш даркор.

– Уроқлар, республика партия ташкилоти ва барча меҳнатқашлари номидан Озарбайжон ССРга кўрсатаётган оталарча ғамхўрлиги ва ёрдамлари учун партиямиз Марказий Комитетига чуқур миннатдорчилик билдиришга ижозат бергайсизлар. Миннатдорлигимизни конкрет ишларимиз билан кўрсатамиз, деб ишонтираман.

Орадан беш йил ўтгач, КПСС XXV съезди минбаридан туриб, қуйидагиларни тўла ишонч билан айта олди:

– Катта мамнуният ва масъулият туйғуси билан билдирамизки, Озарбайжон олдига қўйилган вазифалар муваффақият билан ҳаётга татбиқ қилинди. Узоқ йиллар давом этган иқтисодий колоқчилик бартараф этилди; унинг ривожланишида туб бурилиш ясалди. Беш йиллик режа асосий иқтисодий кўрсаткичлар бўйича кўп йиллар мобайнида биринчи марта муддатидан илгари бажарилди! Озарбайжон халқ хўжалиги тараққиётида авваллари сира кузатилмаган, ғоят юксак суръатларга эришди.

2000 йил майида Озарбайжон Президенти Ганжа шахрига келди; бу ерда глинозём<sup>1</sup> ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари ва ишчилари билан учрашув ўтказди. Бирлашма биринчи маҳсулотини 1969 йили берган эди. Нафақат республика, шунингдек, мамлакат миқёсида улкан аҳамият касб этган ана шу катта ҳодисани эслаш Ҳайдар Алиевич учун ёқимли бўлгани кўриниб турарди.

– 1969 йили Озарбайжоннинг раҳбари этиб сайландим. Уша пайтда комбинат қийин ҳолатни бошдан кечираётган эди. Бир томондан, қурилиш-монтаж ишлари кетаётганди; ўшанда ҳали қўп цехлар қурилмаган эди. Иккинчи томондан, комбинат фаолиятини бошлаб юборганди, – деди Президент корхона меҳнат жамоаси билан учрашувда. – Айтиш мумкинки, ўша пайтларда ҳар куни қурилишдаги ишнинг боришини муҳокама қилардим... Жараёнлар гоят қийин, машаққатли кечарди. Ҳозир шундай жамоа шакллангани – инженерлар, техниклар, юксак малакали ишчилар, мутахассислар борлиги яхши. Ушанда, биласизлар, бу нарса ҳали йўқ эди. Ишлаб чиқаришни таъминлаш учун малакали кадрлар йўқ эди. Қўпгина мутахассисларни Россиядан ёки СССРнинг бошқа минтақаларидан таклиф қилган эдик.

Ажабланирлиси шуки, орадан уттиз йил ўтган эса-да, Ҳайдар Алиевич комбинатнинг биринчи директорининг фамилиясини унутмаган экан, дарров эслади – Ямов.

Завод ишга тушиб кетди; шундан кейин лойиҳалаштириш пайтида уйлаб қурилмаган муаммолар бирин-сирин юзага чиқа бошлади; уйлаб қурилган бўлса-да, тежашга қарор қилишганда; боиси, тозалаш иншоотлари охириги навбатда топшириларди. Бир сўз билан айтганда, бутун шаҳарга, теварак-атрофга, ижоди шу маскан билан боғлиқ буюк Низомий Ганжавий (1141–1209) мақбарасига ҳар куни осмондан чанг ёғилаётган эди. Маданият арбоблари бонг ура бошлашди. Мутафаккирнинг ўғитларини такрорлашарди:

*«Ана шу тупроққа меҳр-муҳаббат қўрғазини ўз бурчинг деб бил. Ношукр бўлма».*

– Ҳозиргидек эсимда, – дея давом этди Ҳайдар Алиевич Ганжадаги учрашувда. – шоир Расул Рза, бастакорлар Қора Қорасев, Фикрат Амиров, шоир Сулаймон Рустам ва яна қўп зиёлилар алоҳида мактуб билан менга мурожаат этишганди. Низомий мақбараси ёмон аҳволда қолди, дея ташвиш билдиришган эди. Мазкур корхона шу ерда қурилган экан, уни бошқа жойга кучириш мумкин эмас. Шундай экан, Низомий қабрини бошқа жойга кучириш лозим; токи у ерда ифлосланмасин, деган тўхтамга келишганди. Қайтараман, ҳозиргидек эсимда,

<sup>1</sup> Глинозём – тупроқ таркибидаги алюминий оксиди; ундан алюминий ҳосил қилинади.

комбинатни бузиш ёки Низомий мақбарасини кучириш масаласи олдимизга кундаланг қилиб қўйилганди. Бундай комбинатлар қурилиши ҳам, бузилиши ҳам мумкин. Низомий эса, биз учун шундай бебаҳо бойликки, уни ҳеч нарса билан киёслаб бўлмайди. Шу боис Низомий мақбарасини бошқа бирон-бир жойга кучириб олиб ўтиш маънавий жиҳатдан биз учун катта жиноят билан баробар эди: бунга асло йўл қўя олмас эдик.

Комбинат билан боғлиқ муаммоларни ўша жойда ҳал қилиб бўлмади. МКнинг биринчи секретари мадад сўраб Москвага мурожаат қилди. Уни СССР Министрлар Советининг Раиси Алексей Николаевич Косигин қабул қилди. Кейин гапнинг нуқталласини айтди-қўйди:

– Бир ишни бошлагингизми, охиригача етказинг. Ҳар гап нимадандир шикоят кутариб келасиз – қаернидир чанг босиб кетди, қаеридир бузилиб тушди, дейсиз.

Косигин Алиевга Кировобод комбинати билан боғлиқ воқеани эслатди:

50-йиллар бошида Озарбайжон Компартияси МКнинг биринчи секретари Багиров Дашкесандан казиб олинган алуנית намунасини кутариб Иосиф Виссарионович Сталин хузурига келади. Ана шу минералдан глинозём олиш мумкин, дея катта гурур билан ахборот беради; маълумки, глинозёмсиз алюминий ҳам, қанот бўладиган металл ҳам бўлмайди. Жаҳон тажрибасида глинозём бокситдан<sup>1</sup> олинади; боксит эса Россияда ҳам, Иттифоқда ҳам анқонинг уруғи... Хориждан экспорт йўли билан келтирилган оз миқдордагиси билан кифояланиб гуриларди.

Хуллас, Багировнинг Озарбайжонда ғоят муҳим стратегик аҳамиятта эга глинозём ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ таклифини Сталин қабул қилди, ўша пайтда Министрлар Советидаги ўзининг ўринбосари Косигинга «ушбу масала билан шуғулланишни» тайинлади.

– Ва мен шуғулландим, – дейди Алексей Николаевич Алиевга, – лойиҳа тайёрланди, мутахассислар юборилди. Энди эса, сиз олдимга ҳали у, ҳали бу шикоятларни кутариб келаяпсиз.

Анча вақт илгари бўлиб ўтган ушбу воқеани эслар экан, Озарбайжон Президенти саволлар гирдобида уйга толди: ушанда янглишишганмиди? Ва бунга ладил жавоб берди:

– Йўқ. Алуנית – бу шунчалик фойдали қазилма бойликки, уни бизга табиатнинг ўзи тухфа этиб, икки қўллаб тутиб турибди: ундан фойдаланиш лозим. Лекин уни казиб олиш технологияси шундай юксак бўлиши керакки, сифатли маҳсулот олган ҳолда атроф муҳит ифлосланмасин, захарланмасин.

МКнинг биринчи секретари таклифига биноан нуфузли комиссия тузилди; унинг таркибига республиканинг етакчи

<sup>1</sup> Боксит – тоғ жииси, алюминий олинанидан асосий руда: бокситдан цемент, минерал бўёқлар, аччиқтош ва ҳоказо олинади.

олимлари ва хўжалик раҳбарлари киритилди. Хуллас, миллий адабиётнинг буюк классигини индустриалашган атроф муҳит билан «яраштириб» қўйишди. Ҳозирги кунда Ганжадан қазиб олинаётган глинозёмни қайта ишлаш учун Россияга ва Тожикистонга жўнатишяпти; корхонанинг келажаги порлоқ; республикага ниҳоятда зарур бўлган янги иш жойлари ҳам очилади.

2000 йилнинг уша май кунларида Озарбайжон Президенти «Жиҳоз» асбобсозлик бирлашмасида ҳам бўлди. Бу ерда кўп маҳсулотлар қатори иссиқ ва совуқ сувларга ўрнатиладиган ҳисоблагичлар ҳам ишлаб чиқарилади. Яна Ҳайдар Алиевичнинг хотирасида 70-йиллар жонланди:

– 1975 йили Озарбайжонда асбобсозлик саноатини ривожлантириш бўйича муҳим қарор қабул қилган эдик; аниқроқ айтганда, бу қарор бизники эмас, КПСС МК ҳамда Иттифок Министрлар Советига тегишли эди. Шу қарор асосида Озарбайжонда кўплаб асбобсозлик заводлари барпо этилди. Уша қарорда мазкур заводни ривожлантириш масаласи ҳам қўйилган эди. Заводнинг истиқболи катта. Буларнинг ҳаммаси кишини қувонтиради: боиси, бу заводни янги ускуналар билан қайта жиҳозлашда, модернизациялашда ўз вақтида кўп меҳнатим сингган. Ана шу саъй-ҳаракатларим бенаф кетмаганлигини кўриб, бугунги кунда кўнглим тоғдек кўтарилади; кўтлуғ самаралар бераёпти-да. Ушбу завод бугунги Озарбайжон учун ҳам, ташқи бозор учун ҳам жуда ям зарур.

Совет даврининг юзига қора чаплашга кўп уринишлар бўлди. 1990 йил ноябрида йўлдан адаштирилган оломоннинг Москвадаги Садовое халқа йўлини тўсиб чиққанлиги эсимга тушади. Ақл-хушдан оғган оломон катта-катта транспарантларни кўтариб олганди; унда совет ҳокимиятини англаган йил «73» рақамига кесишган иккита қора чизик тортилган эди. Қарахт каллалар тезда шамоллатилди: уларнинг илмий текшириш институтлари ёпилиб, кичик ва катта илмий ходимлар, фан номзодлари ва докторларининг ковуши туғрилаб қўйилгач, эс-хушини йиғиштириб олишди. Бозор қиладиган одам олди-сотида ўз ўрнини билишти лозим; метро станцияларидаги савдо расталаридан жой олинг-да, сигаретми, латта-луттами, батон номми ёки кефирми, сотаверинг...

Ҳайдар Алиев ҳеч қачон ўтмишдан кечмайди, демакки, ўзидан тонмайди. Озарбайжоннинг 70 йиллик совет даври тарихини баҳолар экан, ишонч билан пундай деганди:

– Айни шу йилларда Озарбайжоннинг иқтисоди, маданияти, маорифи, таълим тизими, фани кескин ривожланди; Озарбайжоннинг қиёфаси ҳам тубдан ўзгарди; энг муҳими, Озарбайжонда жуда катта ва бой интеллектуал салоҳият вужудга келди.

Аслида ҳам шундай. Совет даври 70 йилининг бешдан бир қисми – 14 йили давомида Ҳайдар Алиев республика етакчиси бўлди. Унинг раҳбарлигида иқтисод, фан ва маданият, маориф ва таълим тизими ниҳоятда тез суръатлар билан тараккий топди; халқнинг маънавий хотирасининг тикланишига қудратли куч берди, кўмаклашди. Бу борада рақамлар қуйидагича ҳикоя қилади: у раҳбарлик қилган даврда Озарбайжонда 1155 кутубхона, 1316 клуб, 849 мактаб, 44 музей очилди.

1971 йили ҳарбий йўналишдаги мактаб-интернатнинг очилиши ҳам унинг номи билан боғлиқ; у республикада биринчи шундай ўқув муассасаси ҳисобланади. Эңдиликда ушбу ҳарбий лицей Озарбайжондаги машҳур саркардалардан бири Жамшид Нахичеванин номи билан юритилади. Биринчи жаҳон уруши жанглирида кўрсатган мардлиги ва жасорати учун Георгий хочи ва кумуш қуроли билан мукофотланган эди; совет йиллари дивизия қўмондони бўлган. Лицейнинг шаклланишида Ҳайдар Алиев худди ўз фарзандини парвариш қилгандек ғамхўрлик кўрсатди. Бу ҳам келажакнинг катта пойдевори эди; ўз ҳарбий офицер кадрлари тарбиялаб етиштирилади.

Яна, гўёки, озарбайжонликлар олди-сотдидан булак нарсаларга ўқуви йўқ, қабилида иддао қилиб юрган айрим қўшниларга муносиб жавоб ҳам бўлди.

Ҳа, озарбайжонликлар чиндан ҳам савдо қилиш маданиятини юксак эгаллаган; ҳурмат-эътиборли бу касб билан ҳар қанча фахрлансалар арзийди, боиси, инсоният савдо-сотиксиз кун қўролмайдди. Савдо-сотик халқларни, мамлакатларни бири-бирига мустаҳкам боғлайдиган маданий робиталардан биридир. Азалда ҳам шундай эди, ҳозир ҳам шундай, келгусида ҳам шундай бўлиб қолади. Озарбайжонликлар ўз ҳарбий бурчларига содиқ жасур жангчилар ҳам бўлишган. Афсус, кўпчилик яхши билмайдикки, Россия–Крим урушида озарбайжонликларнинг тўртта полки руслар билан елкама-елка туриб мардонавор жанг қилганди. Биринчи жаҳон урушида ҳам, Иккинчи жаҳон урушида ҳам озарбайжонлик аскарлар жанг майдонларида душманга қанчадан-қанча қирон келтирганлиги маълум, тилларда ҳамон дoston. Улардан бир юз йигирма нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлди.

Михаил Гусман 70-йилларда Озарбайжон комсомоли МКда ишлаганди. Кейин Москвага кўчиб кетди. Охириги йилларда ИТАР-ТАССда жаҳоннинг энг йирик телеграф агентликларидан бирининг Бош директорининг биринчи ўринбосари вазифасида хизмат қилмоқда. Дарвоқе, Тверь хиёбонида жойлашган ушбу мухташам бинони ТАССчи фахрийлар Алиевга тегишли, дейишади. Айнан Ҳайдар Алиевич СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаган пайтда Совет Иттифоқи телеграф агентлиги учун янги бино

қурилиши ҳақидаги қарорга имзо чеккан эди. Михаил Соломоновичнинг хонасида Озарбайжоннинг деворга илиғлиқ катта харитаси кўзга ташланади.

– Ахир, бу менинг Ватаним, она юртим-ку,– дейди у кузлари қувнаб.– Бугунги кунда ҳам Озарбайжонда кечаётган ҳодисаларни синчиклаб кузатиб бораман. Орадан канча сув оқиб ўтган бўлса-да, ўша йиллари кечган воқеаларга ўзгача назар билан қарар экансан. Чунончи, ҳарбий йўналишдаги мактаб-интернатнинг ташкил этилишини айтмоқчиман. Озарбайжон болаларининг ҳарбий хизматга унчалик майли-иштиғки йўқдек кўринганди. Қорабоғда жанг қилиш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаганди-да. Ҳайдар Алиев, республикага миллий офицер кадрлар керак, деган қарор қабул қилди. Нима бу? Олдиндан кўра билиш, башоратми? Эки, замонавий давлатларни қуролли кучларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас, деган ишончнинг юзага чиқишимиз? Бу ҳақда энди Ҳайдар Алиевдан сўрай олмаймиз. Лекин ички бир туйғу менга бир нарсани қайта-қайта уқтираётгани: Ҳайдар Алиев халққа, ватанга, миллатга офицер кадрлар сув ва ҳаводек зарурлигини қалбан англаб етган эди.

Михаил Соломонович меҳмонларга ўзи яхши кўрган олча қоқини таклиф қиларкан, ора-сера телефонлар кўнғироғига жавоб беради: кейин, ўзилиб қолган, кўнғилдан куйилиб келаётган уй-фикрларини охирига етказди:

– Албатта, Алиев фақат офицер кадрларни етиштириш тўғрисидагина қайғурмаган эди; назаримда, у район комсомол комитети секретарларини номма-ном биларди. Бугунга келиб менежерларни, бошқарувчиларни тайёрлаш тўғрисида кўп гапирадиган бўлиб қолишди. Совет Иттифоқи даврида комсомол ана шундай давлат кадрларини тайёрлаш борасида фаол тизимга эга эди; масаланинг мафкуравий томонини бир чеккада қолдирса ҳам бўлади. МК биринчи секретарининг республика комсомол ташкилотлари ва етакчилари ишига эътиборининг юқорилигини шундан ҳам билса бўлади. Афсуски, ана шу иш юртиш тажрибасини эски замондан янги воқеликка кўчириб ўтказолмадик.

1975 йил октябрда Боқуда совет адабиёти кўнлари утаётган эди. Улкан мамлакатнинг барча атоқли шоирлари, ёзувчилари Совет Озарбайжонига етиб келишган эди. Улар китобхонлар билан учрашувлар ўтказишди, Самад Вурғуннинг уй-музейи очилишида иштирок этишди. Ҳайдар Алиевич ўсмирлигидан бошлаб унинг шеърларини яхши кўрарди. Марказий Комитет биринчи секретарининг ташаббуси билан 1982 йил 23 мартда яна бир улкан шоир – Жаъфар Жабборлига ўрнатилган ҳайкалининг очилиш маросимида қатнашишди. Ундан хийла олдин Алиев қорга бурканган Шушада бўлиб, Мул-

ла Панох Вокиф мақбарасининг тантанали очилишида фахрли меҳмонларга аталган алвон лентани киркиб берган, сунгра ҳаяжонли нутқ ҳам сўзлаган эди.

Орадан ўн йиллар ўтиб, Шушадек табаррук ўлкада уруш олови авж олишини, автомат ўқлари визиллаб учинини, «халоскор» жангчилар буюк инсонпарвар адиб ҳайкалини бузиб юборишларини ким ҳам хаёлига келтирибди дейсиз!

Ўн тўрт йил республика раҳбари бўлди... Шу орада бир-бирига зид, сафсата, ғийбат гапларнинг ҳам кўпини эшитди: республика йўлбошчиси Озарбайжонни тараққий эттиришда ўз концепциясига эгами ёки беҳато зехни-идроки, заковати билан юзага келаётган муаммоларни йўл-йўлакай ҳал этиб кетаяптими? Бу уринда баҳсга ҳеч қандай ҳожат йўқ. Режали иқтисод Озарбайжонни Иттифоқнинг умумий иқтисодий комплексида ривожлантириш истиқболларига эга эди. 60-йиллар охирида республика халқ хўжалигининг бир қатор тармоқлари Бутуниттифок курсаткичларидан кўра анча орқада эди. Янги ишлаб чиқариш соҳаларини тараққий эттириш, янги иш жойларини яратиш зарур эди. Лекин, аввало, нефть саноатини таназзуддан олиб чиқиш тақозо этиларди.

60-йиллар охирига бориб республикада нефть ишлаб чиқариш 1,3 миллион тоннага, газ – 659 миллион куб метрга тушиб кетди.

Нефть, газ, кўмир Иттифок ҳукуматининг алоҳида ҳисобида турарди. Энергетика масалалари билан СССР Министрлар Советининг Раиси Косигиннинг шахсан ўзи шуғулланарди. Алиевнинг айна шу даврдаги фаолияти тўғрисида фикр юритар эканмиз, «Озарбайжон нефти ва жаҳон сиёсати» номли фундаментал тадқиқотга суяниш жоиз кўринади. Тадқиқот муаллифлари Илҳом Алиев билан Акиф Муродвердиевнинг таъкидлашига кўра, МКнинг биринчи секретари «саноатнинг ушбу гармоғида вужудга келган қолоқлик ва кескинлик сабабларини аниқлади, очиб ташлади».

Республика ҳамisha фахрланиб келган ушбу соҳадаги аҳвол қандай эди? Геология-разведка ишлари оксаётганди. Бурғилаш ускуналари эскириб, ишдан чиқаётганди. Шунга қарамай, ўн йил (1960–1970) ичида «республика саноатига ажратилган капитал маблағнинг 45 фоизи нефть қазиб олиш тармоғини тараққий эттиришга йўналтирилган эди». Бирок, 1966 йилдан бошлаб нефть қазиб олиш йилдан-йилга пасайиб борди. Алиев жудаям кўп мутахассислар – олимлар ва ишлаб чиқарувчилар, инженерлар ва тажрибали бригадирлар билан маслаҳатлашиб кўрди. Кўпчиликнинг бир тўхтамга келинишига қараганда, асосий камчилик бурғилаш ишларидаги нуксонларда эканлиги маълум бўлди.



1966–1970-йилларда нефть қудукларини бурғилаш кулами бир миллион метрга камайган эди. Бурғиланган нефть қудукларининг 31 фоизи лойихада курсатилган чуқурликкача тушмаган эди. Ишчилар иш вақтининг ярмидан купроғи турли хил аварияларни бартараф этишга сарф булган, сабабсиз бекор туриб қолишлар ҳам кўпайган. Ушбу маълумот ва ракамларни юқорида кўрсатилган китобдан келтираяпмиз.

Озарбайжон Компартияси МК агрофлича тайёргарликдан сўнг республиканинг ушбу тармок олимлари билан нефтчилар иштирокидаги йиғинни ташкил этди. Бу – нефть билимдонлари билан уюштирилган машварат эди. Уларга мурожаат қиларкан, Ҳайдар Алиев шундай деганди: «Каспморнефть» ва «Ознефть» геологларидан, инженер-техник ходимлардан, ҳар икки бир-лашма раҳбарларидан мажбурий тадбирларни амалга ошириш талаб қилинади; эски майдонларда разведка ва бурғилаш ишларини яхшилаш ҳисобига, айниқса, мезозой<sup>1</sup> ётқизикларидан нефть қазиб олинишининг барқарорлигини таъминлашлари лозим; нефть ва газ қазиб олинишининг келгусида янада ўсишини таъминловчи омилларни кўпайтиришлари зарур. Бу борада, айниқса, нефть ва газнинг денгиз чуқурликларидан қазиб олинишига алоҳида эътибор берилиши тақозо этилади».

Ҳайдар Алиев ҳеч қачон кабинетта ёпишиб қолган партия амалдори булган эмас эди, Тўғри, биринчи секретарь хизмат тақозосига кура кўп вақтини ёзув столида ўтказишига тўғри келарди. Лекин, шундай эса-да, уни нефтни қайта ишлаш заводлари цехларида, нефть конларида, олимларнинг лабораторияларида тез-тез кўришарди. Бу, дилетант<sup>2</sup> ёки юксак мартабали меҳмоннинг шунчаки бир йўқлови эмас эди. Гарчанд, бугун хийла ноқулайдек туюлса-да, у билмаган нарсасини қайта-қайта сўраб-суриштириб урганиб оларди; атоқли олимлар – Озод Мирзажонзода, Артур Расизодаларнинг<sup>3</sup> фикр-мулоҳазаларини жон қулоғи билан тингларди; ҳаётдан кўз юмган бетакрор кимёгар олим, СССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси, Республика Фанлар академиясининг академиги Юсиф Ҳайдар ўғли Мамедалиев тадқиқотларига кўп мурожаат этарди.

Бундай одамлар тўғрисида, олов бўлиб ёниб яшади, дейишади. Уруш йиллари у самолётсозлик ёниқилари учун юксак сифатли қўшимча модда олинувчи усулни ишлаб чиққан эди; кейинчилик Давлат мукофоти дея қайта номланган Сталин мукофотининг лауреати бўлди. Атоқли олимнинг «Молотов коктейли» деб аталган яна бир кашфиёти Улуғ Ватан уруши та-

<sup>1</sup> Мезозой – ер тараққиёти тарихида учинчи, ўрта давр.

<sup>2</sup> Дилетант – ҳаваскор, етарли тайёргарликсиз бирор фан ёки санъат билан шуғулланувчи киши; юзаки билган киши.

<sup>3</sup> Расизода Артур Тоғр ўғли бугунги кунда Озарбайжон ҳукуматида бош министр, машҳур адиб, драматург Ҳусайн Жовиднинг жияни.

рихига киритилган. Бу – фашист танкларига қирон келтирган ёнғин қоришмаси эди; ХХІ асрнинг мудофаа ғов (баррикада) ларида ҳам у машҳур.

Рақамларни қўпинча зерикарли машғулот дейишади. Лекин ишлаб чиқариш тўғрисида гап кетгудек бўлса, рақамларсиз иш битмайди. «Ознефть» бирлашмаси газ олиш бўйича тўққизинчи беш йиллик режасини 3 йилу 6 ойда адо этди; нефть казиб чиқариш режасини эса 4 йилу 8 ойда бажарди.

Эндиликда янги марраларни эгаллаш вазифаси қўндаланг бўлганди. Ҳайдар Алиевнинг ташаббуси билан КПСС МК ва СССР Министрлар Совети 1974 йилда Каспий тубидаги разведка бурғилаш ишлари қўламини кенгайтириш, суръатларини янада ошириш тўғрисида қарор қабул қилди; бурғилаш бўйича янги техника воситаларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, денгиз тубидаги нефть қудукларидан янада унумли ва самарали фойдаланиш вазифаларини ҳам белгилаб берганди.

Ўзлаб қилиларнинг машаққатли меҳнати ўз самараларини бера бошлади. Нефть ва газни казиб олувчи янги ускуналар ишлаб чиқаришга жорий этилди. Нефтни тортиш заводлари янги ускуналар ҳисобига модернизациялаштирилди. 1961 йили ишга туширилган, республикада яққою ягона бўлган газни қайта ишлаш заводи тўла қувват билан маҳсулот бера бошладди. 1986 йили реконструкция қилиниб, қайта қурилгандан кейин газ ишлаб чиқариш қуввати 6,5 миллиард куб метрга етди.

Маиший кондиционерлар ишлаб чиқариладиган янги заводни дастлаб Запорожье шаҳрида бунёд этиш режалаштирилганди – бу шаҳарга Брежневнинг меҳри булакча эди. Урушдан кейинги йилларда Брежнев «Запорожсталь» металлургия заводи қаддини харобалар орасидан кўтаришда кечасио кундузи тиним билмаган эди. Иттифок министрлари ҳам бу ҳолатни яхши билганлиги боис Запорожье шаҳрини маҳкам ушлаб олишганди.

Алиев Иттифок Давлат режа комитети (Госплан) раиси Байбаков кўмагига таяниб Брежнев ҳузурига кирди. Леонид Ильич Алиевнинг асосли мулоҳазаларини жон қулоғи билан тинглагач, розилик берди. Шу тахлит Запорожьёда бунёд этилажак завод Бокуда қад кутарадиган бўлди. Бунинг учун япон ускуналари ва технологияси сотиб олинди; минглаб кондиционерлар иттифок бўйича тарқатиладиган, экспортга чиқариладиган бўлди.

1975 йил 25 декабрда завод фойдаланишга топширилди. Биринчи секретарь меҳнатқаплар митингида шундай деганди: «Ўзарбайжон саноати тарихи ишчилар синфи эришган қўндаланг самараларга бағоят бой. Лекин бугун дадил айтишимиз мумкинки, мамлакатимиз саноати тарихида бундай юксак меҳнат жасорати кузатилмаган эди...».

Уша йиллари бунёд этилган янги саноат объектлари ҳам кузни кувонтиради: «Улдуз» электр асбоблари заводи, Боку шампан винолари заводи, Боку сув ости асослар заводи (дастлаб ушбу заводни Астраханда барпо этишмоқчи эди, ускуналар учун 500 миллион доллар туланган эди), «Электротерм» заводи, пойабзал фабрикаси, Ленкоран консерва заводи шулар жумласидан эди. Янги корхоналар Озарбайжоннинг барча ҳудудларида – Тоғли Қорабоғ ва Ганжа, Боку ва Нахичеван шаҳарларида бунёд этилди.

10 йил ичида Озарбайжонда 22 миллион квадрат метр турар жой қуриб битказилди. Замонавий архитектура мажмуалари Боқунинг ҳуснига ҳусн бағишлади: Республика Олий Совети биноси, «Апшерон», «Ганжлик», «Москва» меҳмонхоналари, «Гулистон» саройи, Космик тадқиқотлар институти, Шувеляндаги ижод уйи, темир йул ва денгиз вокзаллари мухташам салобати ва чиройи билан бағоят жозибадор эди.

«Бу энг яхши йиллар эди,– дея эслайди кейинчалик Президент Алиев.– Баъзан, иш тугагандан кейин ҳам уйга кетгим келмасди, ўйга толиб қолардим; республика аҳволини янада яхшилаш, юксалтириш, камол топдириш борасида янги-янги режалар ғужгон уйнарди, марокли истиқболлари билан одамни ҳоли-жонига қуймасди. Эгаллаб турган вазифам тақозосига кўра имкониятлардан янада тулиқ фойдаланиб, халқимга кўпроқ фойда келтиришни уйлардим. Бунинг учун иккита нарса талаб қилинарди: Озарбайжон Коммунистик партиясига муваффақиятли раҳбарлик қилиш ҳамда ўз обрў-эътиборимни тобора юксалтира бориш. Назаримда, ҳар иккисига ҳам эришдим».

Марказий матбуот Алиевни янгича йўсиндаги партия раҳбари дея таъриф-тавсиф қиларди. Аслида ҳам шундай эди. Республика Компартияси МКдаги ўз фаолиятига баҳо бераркан, Ҳайдар Алиев тўла ишонч билан шундай дея оларди: «Озарбайжонга 14 йил мобайнида раҳбарлик қилар эканман, атрофимда жипслашган партиядош дўстларим билан республика камоли учун катта ишларни амалга оширдик».

Алиевнинг хизматларини Москва юксак кадрлади. Лекин янаям муҳими ватандошларининг эъзоз-эҳтироми эди.

– Бизнинг Жулфа районида ҳар йили ҳосилдорлик паст бўлса ҳам, негадир яна бугдой экаверишарди, гектаридаш борйўти уч центнердан ҳосил йигиб-териб олинарди,– дея эслайди Довлат Мамедов.– Қанчалик эътироз билдирмайлик, ҳеч кимни ишонтириб бўлмасди. Режани дастак қилиб маҳкам ушлаб олишганди. Ҳайдар Алиев уғли Алиевни Озарбайжон Компартияси МКнинг биринчи секретари этиб сайлашди-ю, урток Режа деганлари унчалик ҳам қудратли кучга эга эмаслиги маълум бўлди-қолди. Алиевнинг ташаббуси билан, Москванинг

қўллаб-қувватлаши натижасида Озарбайжонда, Нахичеван ҳамда бизнинг районда узумчилик ривожлантирила бошланди. Бу нарса мамлакатга ҳам, республикага ҳам, одамларга ҳам катта наф келтирди. Узумдан ипунчалик кўп ҳосил йиғиштириб олина бошладик, ҳатто улкан Иттифоқнинг шимолий ҳудудларига юборадиган бўлдик; олис шимол халқларини ҳам ширин-шакар узум билан таъминладик. Бизнинг қишлоқдан 64 оила автомашина сотиб олди; кўпчилиги икки қаватли уйларда яшай бошлади; хонадонларини чет эл мебеллари билан жиҳозлаш қурбига эга бўлишди.

Нахичеван ҳам одамларнинг кўзи ўнгида гуллаб-яшнаб кетди. Аракс дарёси бўйида салобатли замонавий «Табриз» меҳмонхонаси пайдо бўлди; янги туқимачилик комбинати ишга туширилди, муҳташам маданият саройи очилди.

Булар, унчалик катта бўлмаса-да, сонда ҳам, санокда ҳам мавжуд кўрсаткичлар. Унга яна архив ҳужжагларидаги маълумотларни ҳам қўшишимиз мумкин.

1970 йилдан бошлаб Озарбайжон мактабларида биринчи синфдан бошлаб бир йўла рус тили ҳам ўқитилиши жорий этилди. Орадан икки йил ўтгач, МК бюроси республика мактабларининг бошланғич синфларида рус тили ўқитилишини янада яхшилашга қаратилган тadbирлар мажмуини тасдиқлади.

1973 йил 13 мартда МК бюроси буюк озарбайжон шоири Имомиддин Насимийнинг 600 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тadbирларини ишлаб чиқди.

Боқудаги учинчи сув иншоотлари қурилишининг бориши қуриб чиқилди.

1973 йил 9 майда Боку шаҳрида Совет Иттифоки Қаҳрамони Меҳти Хусайнзодага ҳайкал ўрнатиши ҳақида қарор қабул қилинди (Михайло лақабли донгдор партизанга қай тариқа уз исмянинг қайтарилиши тарихини эсласангиз керак).

Энди, азиз китобхон, боқуликлар билан бирга бир зум табассум қиламиз; зеро, улар азалдан ва ҳозир ҳам кулгини, самимий ҳазил-мутойибани жони-дилидан яхши кўришади. «Озарбайжонфильм» киностудияси қаҳрамон-партизан туғрисида «Олис қирғоқларда» деган фильмни суратга олди. Бош ролни ажойиб актёр Нодар Шашиқ ўгли ўйнаганди.

Фашистлар жасур разведкачини қўлга олиш мақсадида узига тегишли назорат постларига тапшишли хабар етказди: «Михайло шахарда!» Русларнинг шоввоз учувчиси ҳақида ҳам худди шундай огоҳлантирувчи мужда тарқатган эди: «Ахтунг! Диккат! Осмонда Покришкин пайдо бўлди!»

Ҳайдар Алиевич шанба, якшанба кунлари бир ўзи дўконларни айланар, сотувчилар харидорлар ҳақидан уриб қолаяптими ёки йўқми, ўз кўзи билан қуришга интиларди; қай тарзда хизмат қилишяпти, деган маънода кафеларга ҳам кириб

утарди. Бу тахлит юришлар савдода катта саросималикни вужудга келтирарди. Шунга муқояса қилиб, «Олис кирғокларда» фильмидан олинган «Михайло шаҳарда!» калимаси шаҳар буйлаб канот ёзиб учиб юрадиган булиб қолди.

Ҳайдар Алиевич ўгли бундан хабар топгач, ҳаммадан ҳам кўра роҳатланиб қуларди.

1975 йил январидан бошлаб Боку иккинчи республика телевизион программасини қабул қила бошлади; бу ҳам, албатта, биринчи секретарнинг иродаси ва куч-ғайратининг самараси эди. Шеки шаҳрида Давлат драма театрининг, Бокуда эса муҳандислик-қурилиш институтининг очилиши ҳам биринчи секретарнинг саъй-ҳаракати, рағбати билан амалга оширилган эди.

1976 йил 9 апрелда бутун республика 26 Боку комиссарларидан бири – Мешади Азизбеков туғилган куннинг 100 йиллигини кенг нишонлади. Тантанали йиғилишда Ҳайдар Алиев Озарбайжоннинг партия, совет ва жамоат ташкилотлари вакиллари олдида нутқ сўзлади. Коммунистнинг шонли ҳаёт йўли, саноатнинг истеъдодли ташкилотчиси, Петербург технология институтини битириб чиққан сафдошларининг таъкидлашларига кўра, «Озарбайжоннинг биринчи инженери» фаолияти тўғрисида тўлиб-тошиб гапиришди: Арманистон, Грузия, Туркменистондан келган кекса биродларлари, меҳмонлар, Азизбековнинг ўгли юрак сўзларини ёниб айтишди. Айни шу кунлари Боқунинг гузал, кўкаламзор районларидан бирида Мешади Азизбековга хайкал урнатилди. Мазкур маросимда Ҳайдар Алиевичдан булак яна бобоси тўғрисида Пюста Азизбекова ҳам ёрқин хотираларини баҳам кўрди. Бугунги кунда атоқли тарихчи олима, донгдор тадқиқотчи, адиба Пюста Азизбековани бобоси суюб-эркалаб Зиночка деб ардоқларди.

1978 йил 25 мартда МК бюроси «Озарбайжон ССР Фанлар академиясида Табиий ресурсларни космик тадқиқ этишни янада ривожлантириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Ана шу тахлит кунма-кун, ҳафтама-ҳафта республиканинг иқтисоди, маданияти, фани, таълим тизими, ветеранлару ёшлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, Бокуда метро қурилиши ва «Совет Закавказьеси оҳанглари» фестивалини, классикларнинг юбилейларини утказиш билан боғлиқ масалалар биринчи секретарнинг фикри-зикрини буткул банд этган эди; у туну кун республика ҳаёти билан нафас оларди; шу орада урток Третьяков сингари фуқароларнинг турар-жой масаласини ҳам ҳал қилишга тўғри келарди...

Иван Поликарпович Третьяков – фронт қатнашчиси. Уни Венгриядан оғир ярадор ҳолда Бокуга олиб келишганди – айни Ғалаба арафасида фашистларнинг пулат ўқи ерга қулатганди. Даволаниб, оёққа туриб кетди; ижод қилишни бошлади. «Ли-

тературный Азербайджан» журналинн бошкарди. Савияси баланд журнал. Адабий материалнинг бадиий-эстетик савияси юксак. Ҳайдар Алиевич Алиев журнал жамоасига «Халқлар дўстлиги» орденини топширди. Сунг уйда телефон жиринглаб қолди. МКнинг умумий бўлими мудирн Яков Михайлович Кирсанов Третьяковлар турмуш шаронти билан кизиксинарди.

– Менга квартира беринглар, деб илтимос қилганим йўқ, – ўшанда кечган суҳбатни хотирлайди Иван Поликарпович, – умуман, ҳеч қачон ҳеч нарса сўрамаганман. Уч хонали квартирамиз бор. 49 квадрат метр сатҳли, ҳамма уйлар қатори стандарт; бу, блиндаждан кўра чандон яхши, албатта. «Қаерда тураман дедингиз?» – қайтариб сўради Кирсанов. Келиб-кетиш учун йўлга анча вақт сарф бўлади; лекин, аксига олиб жароҳатларим ўзини билдириб туради. Шу боис машинани бошқара олмайман, деб жавоб берди у. «Маъқул», – деди Яков Михайлович. Хайрлашатуриб, Алиевнинг топширигига биноан кўнғироқ қилганлигини кўшиб кўйди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, Третьяковга янги уйга ордер олиб келиб беришди, – бу ҳам қирқ тўққиз квадрат метр сатҳга эга; энди бу шаҳар марказида, денгизнинг ёнгинасида, қирғоқдан юз метрча берида эди.

– Эсимда, бу Алиевнинг яхшилиги эканлигини дарров билдим; ҳар куни ҳаққига дуо қиламан, – деди рус адиби, уруш қатнашчиси Иван Поликарпович Третьяков биз билан хайрлашар экан.

### «Уртоқ Вакилов, Сизга омовлик...»

«Озарбайжон жамоатчилиги буюк рус адиби Лев Николаевич Толстой туғилган куннинг 150 йиллигини қизгин нишонлади», деб ёзиб чиққан эди Боку газеталари 1978 йилнинг май ойида. Озарбайжон Компартияси МКнинг биринчи секретари учун бу йил давомида нишонланадиган йирик саналардан бири эмас эди; «Интернационал тарбия... қардошлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга қўшилган янги ҳисса», дея жарангдор сўзлар билан ҳисобот бериш, галдаги тадбирни ўтказдик, дегандек Москванинг олдидан ўтиб, енгил тортиш ҳам эмасди. Йўқ, Толстой, Пушкин, Гоголь Озарбайжонга совет давригача ҳам, совет даврида ҳам келиб туришарди; фақат турли хил байрам ёки юбилей саналарини ўтказиш муносабати билан эмас, асло. Уларнинг асарларини рус тилида ҳам, озарбайжон тилида ҳам севиб, ардоқлаб ўқишади.

Лев Толстой юбилейини ўтказиш билан боғлиқ хабарлар орасида боқулик Вакиловлар оиласи Ясная Полянадаги буюк рус адиби музейига унинг дастхати билан битилган мактубни юборганлигини ёзишган эди. Бу – рус армияси подполковниги, булажак генерал-майор Иброҳим оға Вакиловнинг умр йўлдоши Елена Ефимовна Вакилова мактубига йўлланган жавоб хати эди. Елена Ефимовна ўзининг оиласи – рус қизи билан озарбайжон йигити ўртасидаги муҳаббат ришталари тарихини сўзлаб берди; православ ва мусулмон динига мансуб икки ёшнинг оила қуришидек ҳолат кенг оммалашиб кетмаслиги учун подшоҳ Александр III истисно тариқасида никоҳга руҳсат берганди. Ўғиллари Борис билан Глеб ҳам ўсиб, улғайишди. Россияда эътиқод эркинлиги ўрнатилган. Кичик Вакиловлар ота-оналаридан мусулмон динини қабул қилишлари учун ижозат сўрашган эди. Шу боис онаси маслаҳат сўраб Ясная Полянага муружаат қилганди. Лев Николаевич ҳам узоқ куттирмай жавоб йўллаганди.

«Елена Ефимовна! – деб ёзади у жавоб хатида. – Ўғилларингизнинг кўнгил раъйига, хоҳиш-истакларига монелик қилолмайман; озарбайжон татар халқини маърифатли қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қувватламай иложим йўқ. – Лев Николаевич дин ҳақидаги мушоҳадаларига яқун ясарқан (у бугунги кунда ҳам кадрили йўқотмаган), шундай ёзади: – Уйлайманки, фикрларимни ўғилларингизга етказасиз. Олийжаноб ниятларини амалга оширишда мулоҳазаларим уларга асқотиши мумкин. Динларни уларнинг моҳиятини ташқил этувчи буюк ва эзгу ҳақиқатга қўланка солган, чирк боғлаган қарашлардан поклашда кўмак беради, деган ниятдаман. Ўғилларингиз мазкур фаолиятни ҳаётларининг бош мақсади деб билишаркан, умрлари тўқин, хайрли бўлгусидир».

Лев Толстойнинг дуои фотиҳаси билан Вакиловларнинг катта ўғли Борисга Форис деб, кичиги Глебга Голиб деб ном беришди. Голиб Иброҳим ўғли ҳарбий бўлди; 1931 йили Беломор-Болтиқ канали қурилишида жон олиб жон берди. Оламлар жасади устига қурилган канал буйлаб, Оқ денгиз томон оқ кемалар суза бошлагач, у Озарбайжонга қайтиб келди. 1937 йили уни камоққа олишди. Бу гал энг олий жазога – «отиб ўлдиришга» ҳукм қилишди. Форис Иброҳим ўғлини эса олис лагерга бадарга қилишди. 1956 йили Ватанига қайтиб келди.

Уларнинг фамилияси кўп учрайдиган фамилиялардан эмас. Шу боис бошқа Вакиловлар билан учрашган пайтимизда улар қайси шажарага мансубликларини суриштиришга тутунардик. Иброҳим билан Еленанинг томирлари, невара-чеваралари эмасмикан, дея қизиқардик.

Кўпинча шунга яқин воқеаларга дуч келасан. Бир умр тарихи билан қизиқсиниб, ҳаёти саҳифаларини ўқишга тутинар

экансан, беихтиёр буткул бошка тақдирларга рӯбару келасан. Янги-янги қисматлар билан танишасан; уларнинг кечмиши у ёки бу даражада Алиев ҳаёти билан тутшиб кетади. Нафакат Озарбайжонда, балки Иттифоқда маълум ва машҳур денгиз нефтчиларидан Тельман Вакилов билан танишув ҳам шу тарика юзага келган эди. Отаси Эрнст Тельман шарафига 1934 йилда унга Тельман деб исм берганди; немис коммунистларининг йўлбошчиси, иродаси буқилмас Тельман гитлерчилар турмасида минг хил қийноқларда ҳалок бўлганди. Вакиловларнинг «Лев Толстой» шохобчасига Тельман Ҳусайн ўглининг ҳеч қандай даҳли йўқ. Бироқ...

Ҳар бир кишининг хотира «рафлари»да шахсий ҳаётининг, унутилмас саналари сақланиб қолади. Тельман Вакиловнинг тақдиридаги ана шундай саналардан бири 1979 йил 11 сентябрь ҳисобланади. Уша куни у Москвадаги беш йиллик талабалигидан бўлак буткул умри кечган жонажон маскани Боку билан хайрлашганди. Мамлакат пойтахтида уни Совет Иттифоқи газ саноати министрининг уринбосарлигидек янги вазифа кутаётган эди. Тўғри, у Москвага унча ошиққани йўқ, амалга унчалик учмаган ҳам; барибир, ҳамма соҳадаям энг асл, муносиб мутахассисларни танлаб, топиб олишади, дея ҳисобларди. Тельман катта меҳр қуйган Песчанинск бурғилаш ишлари денгиз бошқармасига раҳбарлик қилаётган ажойиб кунларнинг бири эди. Москва нефть ва газ институтини битириб келиб, БИДБ (нефтчилар қисқача шундай дейишади)да илк хизмат фаолиятини бошлаган пайтлари эди. Йилдан-йилга тажрибаси ортиб, билими ҳам кучайиб, хизмат пиллапояларида юксалиб борди; денгиз геологияси бўйича диссертация ёқлади, фан номзоди бўлди, ишлаб чиқариш бирлашмаларини бошқара бошлади. Иттифоқнинг яшбилармон доираларида у истиқболи порлоқ олим, денгиз шароитида нефть ва газ қазиб олиш ишларининг йирик ташкилотчиси сифатида танилди, зътироф этилди. Шу жиҳатдан янги масъул вазифа табиий ва қонуний эди. Эндиликда Вакиловга улкан мамлакатимиздаги денгизлардан нефть ва газ қазиб олиш ишларини ташкил этиш масъулияти юкланган эди. Уша йиллари Озарбайжон нефтчилари Каспий денгизида янги-янги майдонларни ишғол қилиб боришаётган эди; геологлар Сахалин оролларида ҳамда Баренц денгизи бўғозида янги нефть ва газ қонларини топишган эди... Норвегия ва инглиз фирмалари, халқаро концернлар денгизда муваффақиятли иш олиб боришарди. Биз ҳар галгидек, рақобатдошларимизни қувиб етишимиз лозим эди. МКдаги суҳбатда Тельман Ҳусайн ўгли гапнинг индал-лосини айтди-қўйди: «Бу улкан вазифани эртагаёқ адо этиш мумкинлигига ишонмайман», деди. «Бунақа юмушни ўзимиз котириб ташшаймиз-да», дегандек ёлғон умидворликларга



ҳам берилмади, «ўзлигимни бағишлаб, кечаю кундуз тиним билмай ишлайман», деди.

1979 йил 11 сентябрда Вакилов Ҳайдар Алиевич Алиев билан учрашди. МКнинг биринчи секретари уни чакиртирмаган эди; Тельман Ҳусайн ўглининг ўзи телефон қилиб, Москвага кетишдан олдин хайр-хўшлашай дедим, деди. Кейин, хайрихоҳ овозни эшитди:

– Келавер.

Вакилов «Каспморнефть» бирлашмаси бош директорининг уринбосари вазифасига тайинланганда биринчи марта бу хонада бўлганди.

– Ушанда Алиев нималарни сураганлиги эсимда йук, – дейди Тельман Ҳусайн ўгли олис йиллар авроғида кечган воқеаларни хотирида тиклашга ҳаракат қиларкан. – Лекин бир нарса яхши эсимда: у мени урганар, билишга интиларди. – Ҳаётимда энг катта имтиҳон топширишга бораётгандек Марказий Комитетга йул олгандим. Яна кучли ҳаяжонда эдим; лекин Алиевнинг бир-икки саволидан сунг ўзимни вазмин тутиб, ҳаяжонимни жиловлаб олдим. Гарчанд, унинг кум-кук кузларига – снчков ва синовчан нигоҳига дош бериш осон эмасди. У одамнинг ичида нима кечаётганлигини шундоққина кўриб, билиб тургандек эди. У сенга шундай бир ўткир нигоҳ билан қараб турганда қувликка ҳеч канака урян қолмас, дилда борини тукиб солишдан бўлак иложи йук эди.

Мана, ўша таниш хонадаги янги учрашув. Хона эгаси қаршимга чиқди, янги масъул вазифага тайинланганим билан қутлади, муваффақият тилади. Айрим партия арбобларини баъзан англолмайсан; сал-пал кутгарилса, босар-тусарини билмай қолади; ўзи хон, куланкаси майдон, деяверинг. Алиев ҳеч қачон оддий савол-жавоблар билан кифояланмас эди. У ёки бу нарсани сураши тасдиқлатиб олиши билан уйғун кечарди:

– Биласизми, ўзингиз билан ҳамкорликда ишловчилардан икки-уч ҳисса баландрок бўлишингизга тўғри келади...

– Қанчалик баянд, яхши бўлишим лозимлигини билолмадим-у, – дея жавоб беришга тутинади Вакилов, – лекин улардан кам ёки паст бўлмасликка ҳаракат қиламан. Мени ўз соҳасининг билимдони, устаси сифатида билишади... Ғийбат, фикс-фужур билан асло шуғулланмаганман.

– Министрликда, бирлашмада ҳаммани билавермаслигингиз мумкин, лекин сизни ҳамма кўриб-билиб туради. Эҳтиёт бўлинг. Гаҳ деганда қулига кўндириб олишга интиладиган ҳушторларингиз ҳам кўп бўлади, – мийиғида кулиб қўяди.

– Шу пайтгача ҳеч кимнинг қулига кўнганимча йук, – Тельман Ҳусайн ўгли ҳам жилмайиб жавоб беради. – Эндиликда ҳам қулга тушмасликка ҳаракат қиламан.

– Балиқчилик соҳасидан хабарингиз бордир, албатта? – Алиев йул-йуриқ курсатишда давом этарди.

Ушанда унинг саволи ҳеч қандай изоҳсиз ҳам тушунарли эди. Эндиликда тушунтирадиган бўлсам, балиқчиликдаги мафия ишлари бутун иттифоққа ёйилганди. Балиқ саноати министрлигидан, савдо бошқармасидан энг катта «наханг»лар камокқа олинганди. Шов-шувли гаплар ҳамма ёқни тутиб кетганди.

– Фикрингизни англадим. Бундай хавф-хатардан холиман. Бонси, бу нарсанинг кўчасига йўламаганман.

– Уртоқ Вакилов, мартабангиз янаям баланд бўлишида сизга омад тилайман, – деди Алиев суҳбатни яқунлар экан.

Хизмат юмушлари билан Бокуга учиб келганда Тельман Хусайн ўгли биринчи секретарь ҳузурига албатта кириб ўтарди. Лекин бу гал ташвишли хабарга кўра, тўппа-тўғри денгизда кўтарилган ёнғиннинг олдини олишга ошиқди, самолётдан тушди-ю, воқеа содир бўлган жойга қараб отилди.

Одамлар асрлар мобайнида ана шу тилсиз ёв – оловга қарши курашиб келди. Баъзан ёнғин рўпарасида инсон иродаси ночор қолган пайтлар ҳам бўлган. Дашту биёбонлардаги, ўрмонлардаги ёнғинларни даф қилишга ҳам урганишганди. Нефть ва газ сувости уюмлари – қатламларидан казиб олина бошлангач, денгиз ёнғинлари ҳам пайдо бўлганди; агар, мабодо олов балосининг хилма-хил куринишларини бир-бири билан таққосланса, у энг қурқинчли, аёвсизи бўлса керак. Айрим оғзи ботириларга нисбатан, «Читтак денгизни ёқиб юбораман, дея қутқу солган экан» деган рус мақолини ишлатишади. Дарҳақиқат, денгиз ёнғинига асрлар мобайнида чора топилмай келинди. Лекин инсон сувнинг қават-қават қатимларига яширинган хазиналар эпигини очишга муваффақ бўлди. Не тоғки, сувнинг энг тубида, бурғилар туташган жойда қўқислан учқун пайдо бўлади-ю, қудратли босим остида олов гўлқини денгиз сатҳига отилиб чиқади...

Бу ҳақдаги шум шов-шувлардан жаҳон афкор оммаси хабар топса-да, совет рўзномалари «мию» этиб оғиз очмасликни маъқул кўрарди. Фавқулудда ходисалар, эпиглик қозон эпиглигича қолаверсин қабилдида, сир сақланарди.

1966 йил 17 февралда пойтахтдаги Шереметьево аэропортида учиб чоғида Ту-114 самолёти ҳалокатга учради; У Москвадан Конгога ўрнатилган алоқаларнинг биринчи – техник рейсини амалга ошираётган эди. Ушбу фавқулудда ҳодиса тўғрисида ТАСС бир кеча-кундуздан кейин хабар берди. Шу муддат оралиғида шум хабар бутун дунёга ёйилиб бўлган эди. «Совет самолётларининг ҳалокати тўғрисида негалир ёзишмайди; чамаси Фарбдаги самолётларга қараганда совет самолётлари асло фалокатларга учрамаслиги керак», – дея истеҳзо

билан қайд этгани японларнинг «Асахи» газетаси.— Совет газеталарига қараганда, на самолётлар ва на автомашиналар фалокатга учрамайди; котилликлар ҳам содир этилмайди, ёнғинлар ҳам бўлмайди. Гап Совет Иттифокида бу ҳол воқеа-ҳодисалар содир бўлмаслигида эмас, йўқ. Ҳамма бало у ерда ахборот эркинлиги йўқлигидадир. Ҳатто, Совет Иттифокига нисбатан ҳурмат-эътибори баланд кишилар ҳам бу тахлит маълумотлар яширилишидан ҳайрон қолишарди. Коммунистик самолёт бошқа мамлакатлардаги каби йиқилмаслиги, ҳалокатга учрамаслиги лозим. Ҳам ғалати, ҳам кулгили ҳолат. Бу бошини кум ичига яшириб, танасини ташқарида қолдирадиган айрим жониворларни эсга солади».

Дарвоқе, Ту-114 самолёти Ленинградда ҳалокатга учрашидан икки ярим йил олдин бошқа совет самолёти Нева дарёсига қўнишга мажбур бўлганди. Жаҳон афкор оммасининг ақли бо-вар килмайди! Самолёт қандай қилиб сувга қўниши мумкин! Бу — учувчиларнинг мардлиги маҳорати, қутқарув ишларининг олий даражада ташкил этилганлиги самараси эди, албатта. Самолёт ичидаги 48 йўловчи билан барча экипаж аъзолари қутқариб қолинган эди. Ана шу ҳайратомуз ҳодиса одамларнинг шундоқкина кўз ўнгига амалга оширилган эди; бир миллионли шаҳар бу воқеадан ўша захоти хабар топди; дунёнинг барча телевизион ва радио станциялари ўз эшиттиришларини дарҳол тўхтатиб, ана шу фавқуллодда янгиликни маълум қилишга тутинди. Совет матбуоти эса орадан икки ой ўтгандан кейин ана шу ҳодисани мамлакатга маълум қилди. Шундайм фақат «Правда» газетасида бир энлик мўъжаз хабар босилган эди.

Вужудга келган ана шу шарт-шароитни таҳлил қиларкан, ТАСС бош директори Д.Горюнов КПСС МКга қуйидагиларни ёзганди: «Бизнинг жўшқин давримизда бирон-бир йирик ҳалокат ёки фожей воқеа мамлакат ичкарисида ҳам, ҳорижда ҳам иссиз ўтиши, эътиборсиз қолиши мумкин эмас. Ана шу нарсалар тўғрисида ўз вақтида ва холис, тўғри маълумот берилмаслиги мамлакатимизда ҳамда унинг ташқарисида турли хил асоссиз овозларнинг тарқалишига сабаб бўлади; аксари-ят ҳолларда улар асл воқеликни бузиб кўрсатишади. ятўғри талқин қилишади. Ҳозирги вазият совет тарғибот-ташвиқот тизимига ҳам, мамлакатнинг ўзига ҳам зиён етказади; қолаверса, бу борада ТАССнинг оғзига талқон солгандек лом-мим демай жим туриши буржуа пропагандасининг тегирмонига сув қуюди, холос; СССР «ёпиқ жамият» деган, сийкаси чиққан, занглаган гап-сузларнинг авж олишига асос беради; совет кишиларини хорижий радиоэшиттириш станциялари оғушига тортиб олишига имконият яратади».

ТАСС бош директори ушбу мулоҳазаларининг тасдиғи тариқасида бошқа маълумотларни ҳам келтиради. Жумладан,

1961 йил 29 октябрдан 6 декабргача давом этган Боку денгиз нефть корхоналаридаги ёнгинни айтиб ўтади. «Ёнгиннинг кўлами ҳамда уни ўчиришдаги мураккабликка кўра бу хилдаги фалокат жаҳон тажрибасида кам учрайди. Мухбирларимизнинг хабарларини чоп этишга матбуотда давлат сирини сақлаш идораси (Главлит) томонидан ижозат берилмади; ваҳоланки, айни шу пайтда Бокуда йирик халқаро шахмат турнири ўтказилаётганди, шаҳарда жудаям кўп хорижликлар бор эди. Ёнгин ҳақидаги хабар мамлакатимизнинг ичига ҳам, хорижга ҳам тезда ёйилиб кетди» (РГАНИ. Ф.5. Он.33. Д.235. Л.138-141). Д. Горюнов ўзининг ёзма маълумотномасида матбуотда давлат сирларини сақлаш идораси (Главлит)ни бартараф этиш, тарқатиб юбориш таклифи билан чиқмаган эди; соддароқ қилиб айтганда, ана шу Бош адабий назорат маҳкамасининг думалоқ муҳрисиз мамлакатимиздаги кўп нусхали газеталардан тортиб, марказий нашрларгача чоп этишга рухсат берилмасди. ТАСС бош директори «СССР Бош адабий назорат бошқармасининг низомидаги бир неча моддаларга ўзгартишлар киритилишини» таклиф қилганди. Унинг «махфий» дея муҳрланган мактуби партия амалдорларининг столларида чанг босиб ёта-ёта, охири архивга топшириб юборилди. Ҳа, дарвоқе, ўша хат «рус демократиясининг бобоси», келгусида ошкоралик учун олиб борилган ҳаракатнинг фаол курашчиси Александр Яковлев имзоси билан архивга жўнатилганди. Шу ўринда Боку денгиз нефть тармоқларидаги ўша катта ёнгинни бир қур эслашга тўғри келади. Негаки, ун йилдан кейин айни шундай ҳолат қайта такрорланган эди. Бу гал оловнинг дахшатли алангаси уч ой бадалида ловуллаб турди. Иттифоқ матбуоти бу гал ҳам фавқулодда ҳодисани «билмаганликка, кўрмаганликка олди». Фақат хорижий радиотўлқинлар бир нима дегандек булар, овоз ўчиргичларнинг гувиллаган шовқин-сурони остида хирилдоқ, бўғиқ товушлар эшитилмай кетарди.

Каспий денгизида содир бўлган фалокатни бартараф этиш ишига СССР Газ саноати министрининг ўринбосари Тельман Вакилов раҳбар этиб тайинланди.

– Бутун Иттифоқдан денгиз нефть фонтани бўйича гўрт юз нафар мутахассисни йигдим, – дейди Тельман Хусайн ўтли ўша қайноқ дамларни хотирлаб.

Ҳар эҳтимолга қарши тушунтириб ўтай: улар шаҳар хиёбонлари ва боғларидаги сув фаввораларини ишга тушириб, тўхтатадиган усталар эмас; бу касб эгаларининг ишини байрамона, дейиш мумкин. Денгиздаги нефть ва газ корхоналарида буткул бошқача фавворачи мутахассислар иш олиб боришди: улар тизгиндан чиқиб кетган нефть ва газ фаввораларини бўйсундира билалдилар. Уларнинг иши – олов буронини жилволашдан иборат.

Вакилов фалокат ҳақида хабар олган заҳоти етиб келди. Узи ҳам, бутун Иттифоқдан йиғилган юзлаб фавворачи мутахассислар ҳам бу ерда олов офати билан курашиб, бир кунмас, бир оймас, уч ой қолиб кетишларини билмаган, ҳаёлига ҳам келтирмаган эди. Оловни даф этиш операцияси билан боғлиқ ишларнинг техник жиҳатлари тўғри ташкил этилганига дарҳол эътибор қаратди; йўқловга лаббай деб жавоб бериб, мамлакатнинг турли бурчакларидан зудлик билан етиб келган одамларнинг ётиш-туриши, овқатланиши кўнгилдагидек эмасди. Шу заҳоти район партия комитетига телефон қоқиб, ёрдам сўради. Ҳар ҳолда 400 киши кадрдон иши-ю, уй-жойидан узилиб келганди; ғоят хавfli меҳнат жабҳасида навбатма-навбат, баъзида эса навбатсиз ишлашига тўғри келарди. Улар ҳаётини хавф остига қўяётган бўлса-ю, биз кўнгилдагидек ейиш-ичишидан бохабар бўлолмасак. Бунга жавобан Сурахан район партия комитети бекасининг совуқ муомаласи улганнинг устига тепгандек бўлди; «едириб-ичириш сизнинг вазифангиз, бизга даҳли йуқ» эмиш. Ваҳоланки, Олов бурони ичида қолган денгиз нефть корхоналари худди шу район тасарруфида эди.

Вакилов бу аёлга ортиқча тушунтириб утирмади. Туппа-тўғри МК секретарининг қабулхонасига сим қоқди: «Ҳайдар Алиевич, аҳвол мана шунақа», деди. «Ҳозир, телефон гўшагини қўймасдан кутиб тур»,— деди Алиев. У бошқа телефон дастагини кутарганлиги шундоққина эшитилиб турарди: «Ишлаш жонингизга теғдими, дейман? Ҳозироқ олов даф этилаётган жойга боринг. Одамларнинг ётиб туриши, овқатланишини ташкил қилинг. Улар сизлар учун, Сурахан райони учун, бутун Озарбайжон учун заҳмат чекишяпти».

— Дарҳақиқат, Алиев тезкорлик билан ва қаттиқ чора кўрди, — дейди Вакилов. — Гапни тугатаркан, ҳамма гапдан хабардор қилиб туришимни илтимос қилди; зарур бўлса, истаган пайтда ёрдам сўраб мурожаат қилишим мумкинлигини айтди.

Дарвоқе, биринчи секретарь фақат телефонда берилган маълумотлар билан қифояланмас эди. Фавқуллодда ҳодиса рўй берган жойга хабар олгани ўзи ҳам келди. Олов бурони билан олишишдек мисли қўрилмаган операция уч ой давом этди. Ниҳоят, ёнгин ўчирилди. Каспий денгизидан нефть қазиб олиш бошланганидан буён қудук олов қомидан биринчи марта асраб қолинди.

Вакилов Москвада кўнглига тугиб қўйган режаларини амалга ошира олмади. Уша кезлари Иттифоқ диққат-эътиборини буткул Ғарбий Сибирни ўзлаштиришга қаратган эди.

— Ҳамма денгизлардан нефть қазиб олишни йўлга қўйиш учун бор-йўғи икки миллиард сўм ажратаяпсиз, — деди Вакилов КПСС МКдагиларга. — Саккиз мамлакат эса Шимолий

денгиздаги муз қатламлари билан қопланмаган ҳудудлардан қазилма бойликларни ўзлаштириш мақсадида 38 миллиард доллар ажратди. Ҳозир ҳар йили 100 миллион тонна нефть қазиб олишмоқда.

Унинг суҳбатдоши КПСС МКнинг секретари Долгихнинг столида денгиз тубидаги шельфлардан нефть қазиб олиш истикболларига бағишланган таклифлар ётарди.

– Ҳаммаси олди-қочди гапдан бошка нарса эмас, – деди дангалига Вакилов. – Маблаг ажратилмагунча ҳеч нарсага эришиб бўлмайди...

Кейинчалик, Владимир Иванович Долгих ўз хотираларида ана шу мавзуга ҳам тўхталиб ўтади. «Ўз вақтида, – деб ёзади у, – Министрлар Совети ва Давлат план комитети (Госплан) денгиз тубидаги шельфларда нефть ва газ конларини ўзлаштиришни йўлга қўйиш фурсати етгани ҳақида ғоят муҳим таклиф киритган эди. Моҳиятан ушбу таклиф ғоят ўринли ва истикболли эди; лекин уни амалга ошириш учун ақл бовар қилмас даражада жуда катта маблаг тақозо этиларди. Бу борада, биринчи навбатда, илмий тадқиқот институтларини ташкил этиш, ғоят теран бурғилаш ишларини йўлга қўйиш, зарур ускуналарни ишлаб чиқариш лозим эди. Шу жумладан денгиз платформалари барпо этиш талаб қилинарди (билишимча, бизда бу борада ҳали-ҳануз етарлича тажриба тўпланмаган). Бу нарса Ғарбий Сибирни кенг қўламда ривожлантириш авжига чиқаётган паллага тўғри келганди. Бу, ўз навбатида, ғоят улкан ресурсларни, воситаларни сафарбар этишни тақозо қиларди. Қисқаси, бу масала кўп муҳокама қилинди; аслида, ушбу таклифни Госплан кўтарган бўлса-да, бу борада яқдил эмасдилар. Ушбу масалага биз, МК ходимлари ҳам «аралашгач», нуфузли экспертларнинг, шу жумладан, яна уша Госплан мутахассисларининг эътиборли хулосаларига таяниб, бу масалани кўтаришга ҳали анча эрта, деган тўхтамга келгандик. Денгиз тубини ҳозирча қўятурайлик; ваҳоланки, ҳали «қуруқликнинг ўзида» киладиган юмушларимиз тулиб-тошиб ётибди. Яна шу нарсани таъкидлаш жоизки, уша пайтда Ямало-Ненецк автоном округидаги газ қазилма бойликларига етиб бормагандик; Нижневартовск эндигина ривож топиб келаётган эди; Обь дарёсининг ўрта қисмида қудратли электр станция қуриш, Тобольскда эса нефтни қайта ишлаш комплексини барпо этиш зарурати қўндаланг бўлганди. Яна қайтараман, денгиз туби шельфида иш юритиш учун биз техник жиҳатдан ҳам ҳали тайёр эмасдик; узоқ муддатли жиддий ҳозирлик қуриш тақозо этиларди. Қолаверса, Баренц денгизи, айниқса, Кара денгизини ишлизлар билан норвегияликлар денгиз тубидан нефть қазиб олишни қийинчиликлар билан йўлга қўйган Шимолий денгиз билан қийслаб бўлмасди.

– Хуллас, Вакилов ўшанда кўнгил амрига караб йўл тутиб, тугри иш қилган эди. Лекин ҳамсухбатимизга нимадир ҳозир ҳам тинчлик бермаётганди.

– Ўшанда кўнглим хира бўлганди, – дея эътироф этади Тельман Ҳусайн ўғли. – Боқуга қайтишга жазм этдим-у, негадир Алиевнинг ҳузурига кирмадим. У ўшанда Москвада ишларди. Очиғини айтсам, унга ҳурматсизлик кўрсатгандек бўлдим.

Вакилов Озарбайжонга қайтгач, Газлаштириш давлат комитетини бошқара бошлади; завқ-шавқ ва қатъга ғайрат-шижоат билан ишга шўнғиб кетди. Айни куч-қувватга тўлиб, ниятлари жўш урган бир пайтда, ўтиш даврида, қутилмаганда четга чиқиб қолди. Дўстлари муаллимликни таклиф қилишди. Таомилда анчайин эскириб қолган, лекин аҳён-аҳён эслаб туриладиган обрў-эътибор, деган тушунча бор. Бу – инсон қандай шон-шухрат орттиришидан қатъи назар, одамларнинг у ҳақда шаклланган фикри демакдир. Тельман Ҳусайн ўғли Вакиловнинг обрўи унинг билим-гафаксури, ўз ишининг профессионал билимдони, ўз кадр-қимматини чуқур туюши ва масъулият туйғуларининг йиғиндисиدير. Яна одамлар табиатидаги Ҳайдар Алиев ғоят қадрлаган юксак ҳалоллик, виждон билан ўлчанади.

1976 йил мартда, партия XXV съездида Ҳайдар Алиевни КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига номзод эгиб сайлашади. Озарбайжон вакили биринчи марта партия, аслида эса моҳиятан бутун Совет Иттифоқи штабига ишга ўтган эди. Алиевнинг амал пиллапояларидан кутарилишидаги янги поғона республиканинг иктисодий, ижтимоий, миллий муаммоларини ҳал қилишда, янаям муҳими, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш борасида янги, қатъа имкониятларни юзага келтирган эди.

1977 йили мактовларга бурканган тарғибот-ташвиқот остида Совет Иттифоқининг янги Конституцияси қабул қилинди. Газеталарнинг ҳар бир сонида лойиҳалар муҳокамасига бағишланган мақолалар бериб борилар, лекин комиссияда юзага келиб турган тўқнашувлар тўғрисида оғиз очилмасди. Комиссия таркибига ҳар бир иттифокдош республика вакиллари – атоқли юристлар, жамоат арбоблари киритилганди. Леонид Ильич Брежнев унинг раҳбари эди. Комиссияга Тоғли Қорабоғни Озарбайжондан олиб Арманистонга бериш тўғрисида уюштирилган таклифлардан иборат мактублар ёғилиб кетганди. Сўнг: «Жамоатчилик фикрини ҳисобга олиб, ушбу масала комиссия мажлисида муҳокама қилинсин», деган мазмундаги таклиф кун тартибига қўйилди.

Ҳайдар Алирза ўғли янги сайланган Миллий мажлис депутатлари олдида дастурий мазмундаги нутқ сузларкан, ана шу ҳолатни беихтиёр эслади:

«Лойихани (СССР Конституцияси. – *Муалл.*) гайёрлаш жараёнида Тоғли Қорабоғни ажратиб олиб, Арманистонга топширишга оид жуда катта миқдордаги таклифлар деярли бир йил давомида комиссияга келиб турди. Ҳатто, шундай таклифларни комиссияда қўриб чиқиш хусусида уринишлар ҳам бир-икки марта бўлди.

Мени туғри тушунинглар, бор ҳақиқатни айтаятман. Ушанда мен бунинг олдини олишга муваффақ бўлгандим. Лекин бу осон кечгани йўқ. Барибир уни бартараф этдим. Бутун иродамни ишга солиб, коним ва жоним билан Озарбайжон халқининг миллий манфаатларини ҳимоя қилдим. Лекин уша пайтда Тоғли Қорабоғдаги вазиятни авж олдиришар эди. Шу боис, бу нарсани очик-ойдин тан олиш лозим, Озарбайжонга раҳбарлик қилган маҳалим, Тоғли Қорабоғнинг иктисодий жиҳатдан тараққий этиши учун қулай шароит яратдик; унинг иктисодини ривожлантиришни афзал кўрдик».

Президент депутатларни бир нарсага даъват этди, «биз бу ерга ким гуноҳкор-у, ким айбдор эмас, нега юрт босиб олинган, деган масалани муҳокама қилиш учун йиғилганимиз йўқ». Миллатнинг боши қовушинини, Озарбайжон халқининг бирлашинини энг муҳим иш деб ҳисоблаб, «шундай пайтгача топилмаган», ягона йўлни миллат ҳамжиҳатликда топиши лозимлигини таъкидлайди.

Арман-озарбайжон мавзуси, Тоғли Қорабоғ можаролари хусусида келгусида атрофлича тўхталамиз; ҳозирча Ҳайдар Алиев билан бирга унинг Озарбайжон Компартияси МКдаги иш хонасига кириб борамиз. Биринчи секретарнинг иш столидаги таквимда 1978 йил 28 июнь куни очик турарди. Ҳайдар Алирза ўғли иш кунини телефон кўнгироғи билан бошлайди; республика ички ишлар министри Ориф Ҳайдаровни туғилган куни билан сидкидилдан табриклайди. Ориф Назар ўғли 52 ёшга тўлганди; катта ҳаёт йулига эга бўлса-да, олдинда ҳам хали катта ҳаёт интиқ кутаётган эди. Кечка пайт Алиев Зарифа хоним иккови бир даста гул билан Ҳайдаровларнинг дала ҳовлисыга кириб ўтишди.

Алиевни бошқалардан кўра яхшироқ билган генерал-лейтенант Юсифзода суҳбатларимиздан бирида шундай лутф қилганди: «Унинг Ориф Ҳайдаровдан булак кадрдон дўсти бўлган эмас».

Ориф билан Ҳайдар Давлат хавфсизлик органларидаги хизматни деярли бир вақтда бошлашганди. Факат бири Нахичеванда, иккинчиси Бокуда эди. Ориф Ҳайдаров билан бирга яна ўнлаб йиғитларни денгиз орқали, айланма йўллар билан Красноводск ва Ашхободга, Москва билим юрғларига ўқишга юборишганди. Орадан икки ой ўтиб, Ҳайдаровнинг отаси хизмат вазифасига кўра Москвага бориб қолади. У вақт топиб, би-



лим юртида таҳсил олаётган ўғлининг ҳолидан хабар олгани боради. Ўғли эса бу пайтда Москвадан анча олислаб кетганди. У фронтда эди. Ҳаракатдаги армияга юборилларини сураб мурожаат этганди. Уйда эса ота-онаси ҳар қафта ўғлидан хат олиб туришарди: ишларим жойида, хавотир олманглар, ўқиб юрибман, буш вақтларда Москвани айлангани чикаяпман, деган мазмунда. Олдинроқ ёзиб қуйилган мактубларни дўстлари Бокуга жунатиб туришарди. Ориф Ҳайдаров ўз қисми билан Берлингача борди. Таслим бўлган Рейхстаг деворига имзо ҳам чекди. Яна икки йил ҳарбий разведкада хизмат қилди, уларнинг гуруҳи Саксонияда иш олиб борганди.

Кейин Давлат хавфсизлик комитетида хизмат қилди, узок муддатли хорижий сафарларда ҳам бўлди. Ориф Ҳайдаров Анкарада консулнинг «паноҳида» хизматини ўтади. Ўша ерда Одилахоним билан уларнинг иккинчи ўғли дунёга келди.

– Одилага туғруқхонадан уйга рухсат беришган пайтда, – деб эслайди Ҳайдаровнинг кадрдон биродари «Известия» газетасининг Туркиядаги махсус мухбири Озод Шарипов. – Ориф зарур иш билан Истанбулга кетган эди. Бахтиёр ота ролини бажаришимга, чақалоқни қўлимга олишимга тўғри келганди. Медицина институтининг проректори, умумий дўстимиз Мақсуд Ализода хотирасига чақалоққа Мақсуд деб исм беришди. Уни иш хонасида отиб кетишганди.

Наҳотки фожей кўргуликлар орасида кўринмас мудҳиш боғлиқлик бўлса?! Ёш Мақсуднинг отаси, республика ички ишлар министри Ориф Назар ўғли Ҳайдаровнинг қабулига келган милиция формасидаги киши уни ўз хонасида отиб кетади.

Бу – 1978 йилда содир бўлганди. Туғилган кунининг эртаси эди. Алиевнинг илтимосига биноан оғир ярадор министрни даволаш учун нейрохирурглар бригадаси Москвадан йулга чиқади. Лекин кеч бўлганди.

Отилган бу ёвуз ўк бутун Озарбайжонни ларзага солди. Ҳайдар Алиев энг яқин дўсти, сафдоши ва ҳамкоридан айрилган эди. Бу – уларнинг умумий ишига қарата отилган ўк ҳам эди.

Видолашув Держинский номли клубда ўтди, фахрий кабристон хиёбонига қадар йўлни кайғуга чўмиб босиб ўтишди. Кейин видолашув нутқи сузланди:

– Республикамиз оғир жудоликка учради. Озарбайжон Компартияси МК аъзоси, Озарбайжон Олий Советининг депутаты, республика ички ишлар министри, ички ишлар хизмати генерал-лейтенанти Ориф Назар ўғли Ҳайдаров хизмат вазифасини ўтаб турган чоғида фожиаали ҳалок бўлди, – деди Ҳайдар Алиев сафдоши, кадрдони билан видолашар экан. – Бугун озарбайжон халқининг содиқ ўғлони, оташин ватанпарвар-интернационалист, қатъиятли коммунист, жанговар дўстимиз,

республикамизнинг асл фарзандларидан бирини гуфрокка топширмоқдамиз... Бугун бутун Озарбайжон қайғуга чумган... Ғам-аламларимизнинг адоғи йуқ...

Ориф Ҳайдаровни отаси Назар Ҳайдар ўғли ёнига қўйишди; отаси машхур нефтчи эди, узоқ йиллар Озарбайжон Олий Совети Президиумининг Раиси бўлиб фаолият курсатганди. 1967 йили оламдан ўтганди. Қайғули хабарни эшитганда Ориф Туркияда – махсус хизмат сафарига эди. Москвадан, СССР ДХК Биринчи бош бошқармаси (ташки разведка) раҳбариятидан таъзиянома олди; кейин бир ҳафталик таътил беришди. Мусулмонлар таомилига кўра, қариндош-уруғлар, яқинлар мархумнинг ўлган кунини, уч кунлигини, еттинини ҳамда қирқини ўтказишди. Қирқигача, ҳар пайшанба кун мархумнинг руҳига бағишлаб дуо-фотиҳа қилиб турилди. Яна Туркияга жўнаб кетган Орифнинг ўрнига таъзия русумлари ўтказишда Ҳайдар Алиевнинг ўзи иштирок этди.

– Шодлик кунимизда ҳам, қайғули дамларимизда ҳам Ҳайдар биз билан бирга, – деган эди ўшанда Одила Ҳайдарова эски ва энг яқин дугонаси Зарифага.

Одила билан Орифнинг тўйларидан кейин орадан тўрт йил ўтган эди. Ушанда Ҳайдар тўйда зиёфатбоши – косагул бўлганди. Дилқаш, самимий лутфи, ҳазил-мутойибалари билан даврага жон бахш этган, дустининг қувончларини бирга баҳам курганди; қадаҳ сўзлари айтган, шу жумладан Ориф ўз Одиласини топган партия учун ҳам қадаҳ сўзларини айтганди. Бу – геология партияси эди. Турмушга чиккач, Одила Ҳайрулла кизи техникумда муаллималик қилди. Умр йўлдошининг фожиали ўлиmidан сўнг икки ўғли билан қолди; тўнғичи ўн тўрт, кичиги ўн ёшда эди. Энди МКНинг биринчи секретари Ҳайдар Алиев уларга отаси ўрнида оталик ҳам қилди. Мурод ҳам, Максуд ҳам олий маълумотли бўлишди. Тўнғичи Москва Давлат халқаро муносабатлар институтини битириб, дипломатик йўналишни танлади. Кичиги Ички ишлар вазирлигида фаолият юритаётган эди, ҳозир Давлат божхона комитетида хизмат қилмоқда. Онасини таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг раиси этиб сайлашди.

Боқудаги кўчалардан бири Ориф Ҳайдаров номи билан юритилади: Озарбайжон Ички ишлар министрлигидаги олий курсга ҳам Ориф Ҳайдаров номи берилган. Каспий денгизида «Генерал Ҳайдаров» ганкери сузиб юрибди. Дарвоқе, Ҳайдаров номидаги кўча Ҳайдар Алиев шоҳ кўчасига келиб туташади. Вафотларидан кейин ҳам улар ҳаётда ёнма-ён қолишди.

– У, шубҳасиз, буюк шахс эди, – дейди академик Примаков Ҳайдар Алиев тўғрисида суҳбатлашар эканмиз. – Озарбайжон

учун Ҳайдар Алиевич жуда кўп эзгу ишларни қилишга эришди; фавқулодда кўп яш қилди. У Грузия Компартияси МКнинг биринчи секретари Шеварднадзе билан киши билмас баҳсда эди. Ана шу баҳсда Алиев ютиб чиқарди; боиси, у хозирлиги пухта, уюшқоқ ва зукко раҳбар эди.

– Алиев билан тез-тез кўришиб гузардик,– дейди Россия савдо-саноат палатасининг президенти Евгений Максимович Примаков суҳбатимиз давомида.– Мардакяндаги дала ховлисида уч кун дам олганман ҳам. Биз денгиз буйига тушиб дилкаш суҳбат қурадик...

– Суҳбатингиз, денгиз пўртаналари ҳақида, денгиз тўлкинларининг Бокудан Махачқалъага қадар ўрқач-ўрқач кутарилиши хусусида кечмагандир, албатта...

– Шубҳасиз,– дейди Евгений Максимович чехрасига кулгу югураркан, шоирона завқ-шавққа тулиб фикрлаш унинг ҳам табиғига хос эди.– Суҳбатимиз одамлар, давлатнинг тақдири, умуман мамлакат ва Озарбайжон ҳақида кечарди.

Примаков билан Алиев ошқора суҳбатлашиш учун денгизни танлашганини тушувса бўлади. Деворнинг ҳам, эшикнинг ҳам жуфт қулоғи бор, дейишади Озарбайжонда. Каспий эса, ҳар қанча сирни ичига ютади, ошқор қилмайди, сотмайди.

– Ҳайдар Алирза ўғли ўшанда ҳам ичидаги бор гапни ошқор қилмагандир албатта; лекин фикр-мулоҳазаларимизни очиқчасига муҳокама қилиб олардик. Алиев илғор фикрли шахс эди. Ана шу илғорлик табиғатидаги қаттиқ талабчанлик билан уйғунлашиб кетарди. Бу, шаксиз, тўғри эди. Бу борада шубҳа қилмайман. Унда, бир томондан, демократизм, иккинчи томондан эса, мустақкам тартиб омихта эди. Унинг раҳбарлиги даврида Озарбайжонда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда қатта ислохотлар қилинди. Ушанда у бозор тамойилларига эмас, хўжаликни режали юритиш тамойилига асосланган эди.

Алиев олиб борган бир йиғилиш қанчалик ҳайратда қолдирганлигини Евгений Максимович эслаб, гапириб беради. Бокудан сафарга кетатуриб, у МКнинг бюро аъзоларини тайёрагоҳга йиғди.

– Вазифаларни аниқ, лўнда қилиб белгилашда зукко-билимдонлигидан ҳайратга тушасан. Бақириб-чақирмас, овозини асло баланд кутармас, гарчанд, қаттиқроқ койиб кўйишга арзирли кимсалар бўлса-да, ҳеч кимни койимас, панд-насихат ҳам қилмасди. Оғир, босиқ, вазмин муомала маданияти унинг хислатларидан эди. Шу билан баробар талаб қилишни ҳам жойига қўярди. Охири, хайрлаша туриб икки оғиз суз қотди: «Келганда текшириб қураман», Шундай булғач, бажармай кўринг-чи.

## Адолат қарор топаверсин

1981 йил 18 ноябрда «Литературная газета» КПСС МК Сиёсий бюросининг аъзоси, Озарбайжон Компарияси МКнинг биринчи секретари Хайдар Алиев билан «Адолат қарор топаверсин», деган мавзуда катта суҳбатни эълон қилди. Уша пайтда энг машхур газеталардан бўлган «Литературка»нинг ушбу сони қўлма-қўл утиб ўқилди; кўплаб маҳаллий нашрлар ушбу суҳбатни қайта чоп этди.

– Ўйлайманки, умуман олганда, «Литературная газета» укувчиларини республикада қонунийликнинг кенг маънода тикланиши ва мустаҳкамланиши кўпроқ қизиқтиради, – дейди Хайдар Алиев журналист Антонина Григо саволларига жавоб бераркан. – Бизда катта шов-шувларга сабаб бўлган фош қилишлар, аксариятига қонуннинг тиши ўтмайдиган бўлиб қолган, қонуларни писанд қилмай қўйган одамларни қаттиқ жазолашлар содир бўлди. Масаланинг айна шу томони буржуа шарҳчиларининг диккат-эътиборини тортади. Республика Компартияси МКнинг республика ҳаётидаги камчиликлар Озарбайжон халкига ошқора, рўйи-рост айтилган 1969 йилги август Плевумидан кейин орадан ўн кунларча ўтгач, буржуа матбуоти жиноятчилик соҳасида шов-шув бўлишини кутганди.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлагим келади: «қонунийлик» деган сўзни тилга олар эканман, Жиноят кодексини эмас, кўпроқ жамиятимизнинг ахлоқ колексини назарда тутаман. Шу нуқтаи назардан қонунбузарликлар, уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари фақат ҳуқуқий масала эмас. Бу – ижтимоий ва маънавий-ахлоқий масала. Чунки бу ўринда инсон учун кураш, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, совет кишиларининг кадри ва шаънини ҳимоя қилиш, уларда юксак ахлоқий принципларни шакллантириш, инсоний фазилатларни камол топтириш ҳақида гап бормоқда.

Озарбайжон партия ташкилоти олиб борган ишларнинг асосини айнан шундай ёндашув ташкил қилганди ва республика меҳнаткашлари айнан шунини яқдиллик билан маъқуллади, негаки, аксариятининг ҳаёти ва меҳнат фаолиятида айнан шу етакчи принциплар устуворлик қиларди. Лекин хизмат вазифасини суниестемол қилиш, коррупция, порахўрлик, кўзбўямачилик, алдовлар, ҳалол меҳнатга нисбатан ҳурматсизлик ҳукм сурган бир шароитда меҳнаткашларнинг ташаббускорлиги сўнади; одамлар ҳақли равишда хавотирга тушиб қолади. Кейинчалик унинг ўрнини ожиз-нотавонлик, бепарқлик ҳисси эгаллаб олади. Озарбайжоннинг иктисодий курсаткичлар бўйича ўртача иттифок курсаткичларидан ҳаминша орқада қолишининг асосий сабаблари ҳам ана шунда эди. Биз халқнинг адолатга бўлган ишончини тиклашимиз, ҳақиқатнинг борлигига ишонтириши-

миз, жамиятни бошқаришдаги юксак маънавий-ахлоқий таъминларга таяниш зарурлигини тасдиқлашимиз лозим эди. Бу – кўпқиррали қайта тиклаш, қайта қуриш ишларимизнинг ўзагини ташкил этади: ана шу катта дастакка таяниб, занжирнинг барча халқаларини суғуриб олиш мумкин эди. Жараён анча оғир ва машаққатли эди. «Эди» дейишимга сабаб, ҳозир ҳаммаси қойилмақомлиги учун эмас, балки ана шу жараён ортга қайтмаслиги реалликка айланганининг тасдиғи бу. Кейинги ун йилликларда иқтисод, маданият соҳаларидаги кескин кўтарилиш, ижтимоий ривожланиш бунинг исботидир.

...Боя таъкидлаганимдек, меҳнаткашларнинг жуда катта қисми ҳалол яшаб, меҳнат қилаётганлигига ишончимиз қомил бўлмаганда, ишимиз олға босмасди. Уларнинг меҳнати кузбўямачилик, исрофгарчилик, талон-торож оқибагида зое кетганлиги, кадрланмагани бошқа масала. Кўп ҳолларда софдил, инсоф-диёнатли, ҳалол кадрлар қобилиятига яраша иш тополмас, хизмат пиллапояларидан кўтарила олмасди.

Кадрларни тайёрлаш ишига биз алоҳида аҳамият берамиз. Иқтисодий ҳамда ижтимоий-ахлоқий соҳаларни тартибга келтириш билан бирга, айти маҳалда, олий таълим муассасалари масаласига киришганлигимиз бежиз эмас. Республика Компартияси МКнинг олий ўқув юртларида кечаётган ишларга фаол аралашуви зарурати туғилди; бу ҳол олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари таркибида порахўрлик, қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик сингари иллатлар болалаб кетганлиги билан изоҳланади. Бу ҳодиса олий малакали етук мутахассислар тайёрлашга, ёшлар тарбиясига катта зарар етказди.

Олий таълимнинг айрим муаллимлари, раҳбар ходимлар ўз фарзандларини «ота-оналари касбига мувофиқ» ихтисосларга жойлашгиринишга ружу қўйган ҳолларга ҳам дуч келдик. Бу хил хатти-ҳаракатларга барҳам бердик; университетнинг ҳуқуқшунослик факультетига эса маъмурий органлар ходимларининг фарзандларини қабул қилинишини таъқиқлаб қўйдик.

– *Шундай чоралар ҳам қўрилганмиди? Лекин, Ҳайдар Алиевич, зиёлиларда ворислик бўлган, бундан кейин ҳам бўлиши лозим. Биз совет зиёлилари авлодини эндигина қарор топтира бошладик. Фарзандлар оилавий маънавий-ахлоқий, интеллектуал муҳитда ўсиб-ўзгайиб, ота-боболарининг касб-корини давом эттирса, яхши эмасми?!*

– Иккаламиз икки хил нарса хусусида фикр юритаяпмиз. Аввало, муҳокама этиладиган нарсани аниқлаштириб олсак. Зиёлини энг аввало, қандай аломатлар ажратиб туради? Олий маълумотли эканлиги хусусидаги дипломими? Фан номзоди ёки доктори дипломими? Назаримда, булар асосий хусусиятни белгиламайди. Зиёли кишининг асосий хислати бу – жамиятта,

миллатга холис хизмат қилишда жонбозлиги, фидойилигидир. Жумладан, Россия тарихида зиёлиларнинг фожиаги тақдирига қўплаб дуч келамиз, табақачилик билан боғлиқ тўсиқлар халққа эркин-эмин хизмат қилишга, ўз ишининг истеъдодли ворислари етишиб чиқишига халал берган. Асл истеъдодлар бу хил туғанокларни енгиб ўтишган, албатта. Ҳаётини хавф остига қўйиб, «халқ ичига» кириб боришган, олис-олис кишлоқларга, мамлакатнинг чекка-чеккаларига маърифат олиб боришган. Фарзандлар уларнинг ишларини давом эттиришга қодир бўлишса, беҳад бахтиёрлик туюшган! Энг муҳими, ишларининг давом эттирилишида! Лаёқати бўлмаса, у ҳолда уларни қобилятини ўз фойдалари ва халқ манфаати учун ишлата оладиган соҳага йўналтиришган. Сабаби, насаблари шаънини ҳар нарсадан юқори қўйишган; замонавий ибора билан айтганда, фарзандларини норасолик туйғусидан муҳофаза қилишга интилишган.

Жамият, ишчи-деҳқонлар давлати манфаатлари учун сидқидилдан хизмат қилиш йўлидаги ҳар қанақа туғаноклар бартараф этилган бугунги кунга келиб эса, дипломли мешчанлар пайдо бўлмоқда; улар халқнинг ишончидан, халқ пулидан шахсий тамагирлик мақсадларида фойдаланмоқчи бўлмоқда.

Ўзлари бошлиқ бўлган кафедраларга, лабораторияларга, институтларга бошинг қани, деб суралса, қулоғини курсатадиган лаёқатсиз, илм-фанга мутлақо алоқаси йўқ фарзандларини, невараларини, қариндош-уруғларини жойлаштириб келган профессорларни, академикларни қандай қилиб зиёли дейиш мумкин? Қобилятлари бўлмаса-да, уларга диссертациялар тайёрлашда, илм поғоналаридан кўтарилишларида имтиёзли шаронтлар туғдиришган.

Ҳуқуқшунослик факультети масаласига келганда эса, кўрилган чора-тадбирлар бу ерда авж олган носоғлом тамойиллар билан боғлиқ эди. Аниқлашимизга қараганда, бу факультетга ўқишга қабул қилинган талабаларнинг аксарияти ҳуқуқшунослик кафедралари, суд ва прокуратура, милиция, партия-совет органлари ходимларининг ўғил-қизлари экан. Вужудга келган ҳолат бизни каттиқ гашвишга солиб қўйди; у кўп ҳолларда сунистеъмомлик билан боғлиқ эди; кўпинча зарарли оқибатларга олиб келиши, оилавий катлам – уруғ-аймқчиликнинг кенг илдиз отиши, маъмурий органлар таркибида эса «меросхўрлик»нинг палак ёзиши сингари ғоят нохуш ходиса эди.

Ана шу тахлит бузилишларга қарши чиққанимда, дастлаб бундай каттиққўллик шартмиди ахир, бизда бободан отага, ундан ўғлига ўтган табаррук силсила – авлоддан авлодга кучиб келган шифокорлар, муаллимлар, ҳуқуқшунослар,

олимлар бўлган-ку. Нега энди бугунга келиб уни тақиклаш керак бўлиб қолди, деган мулоҳазалар етиб кела бошлади. Уларга берадиган жавобим битта: авлод-аждоди зиёли ўтган оилалар бўлган, бундан кейин ҳам бўлаверади. Фақат юксак маънавий-ахлоқий, интеллектуал заминда тикланган, асли жонфидолик асосига қурилган зиёбахшлиқдир бу. Шахсан ўзим ота-бобосидан тортиб нефтчи, кончи, пулат эритувчи, ғаллакор деҳқонлар авлодини гоёт эъзозлайман. Ўз ишига, касб-корига нисбатан ҳалол муносабатга асосланган наслий-азалийлик, хоҳ у жисмоний, хоҳ ақлий меҳнат жабҳасида бўлсин, авлодлар силсиласида асл зиёбахшлиқни шакллантиради.

Ҳар кимдан – қобилиятига яраша, ҳар кимга – меҳнатига яраша. Бу социализм даврида шаклланган қонуният. Бу жабҳадаки кўпол хатолар, узилишлар, бузилишлар бўлса, жилла курса ана шу ҳолатни ўнглашга, тузатишга ҳаракат қиламиз. Бу ўринда бир нарсани аниқлаштириб олайлик: оилавий мунаввар аъёналарга зарба берилаётгани йўқ. Аксинча, қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик, ошина-оғайнигарчилик, уруғ-аймоқчиликка қарши чиқилмоқда. Бу нарса «сендан угина, мендан бугина» қабилдаги ишларга асосланган. Бу хил иллатга барҳам бермоқчимиз. Бу – масалага башарий кадриятлар нуқтаи назаридан ёндашиш демакдир.

– Лекин булар маҳаллий хусусиятнинг лахтақлари эмас. «Қариндошинга ёрдам бериш», уни «нуфузли институтга киритиш», «қоқилмасдан-суқилмасдан яшайдиган иссиққина жойга жойлаштириш» сингари хатти-ҳаракатлар аксар ота-оналарга хос. Гарчанд, «бурнидан тушган олқиндилар»да заррача лаёқат бўлмаса-да, уруғ-аймоқнинг нуфузи биринчи ўринда туради. Бу – қатта ҳодиса. Она суги оғзидан кетмаган бундай сулақмонларни «ғура» дейишади. Жамиятда чуқур илдиз отиб, кенг палак ёзиб бораётган номатлуб ҳодисани тағ-томири билан қуритиш учун янаям қаттиқроқ чора-тадбирлар қўллаш лозиммикан...

– Мен ҳам шу ҳодиса ҳақида гапирмоқчиман. Бунга қарши қонунлар, низомлар қабул қилиш масаласига келганда... Ортиқча чекловларни ўрнатишга ҳожат бормикан? XXVI съездда айтилганидек, бизда яхши қонунлар қўллаб қабул қилинган, ҳамма гап уларни аниқ ва сўсиз амалга оширишда қолган. Ҳар қандай қонун ҳамма томонидан ва ҳамма жойда ижро этилган тақдирдагина яшаб қолади.

Конституция бор, коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси бор, фуқаролик бурчи, совет гурмуш тарзининг маънавий-ахлоқий принциплари бор. Ана шу маънавий-интеллектуал заминда аниқ амалий тажрибалар кўз очиб, қарор топади.

Жумладан, раҳбар партия ходимларига, мансабдор шахсларга дала ҳовлилар қуриш, хусусий автомобиллар сотиб олиш, илмий даража олиш учун диссертация ёқлашни тақиқлашга мажбур бўлдик.

– *Ҳайдар Алиевич, ижозат берсангиз, биз қонунийлик хусусида гапиряпмиз-ку. Юмшоқроқ қилиб айтганда, бу...*

– Юмшоқ сўзларни кидирмай кўяқолинг. Ҳа, бу – қатъий қарор бўлди. Компартия МКнинг биринчи секретари сифатида тақлиф киритган эдим, ҳамкасбларим қабул қилишди.

60-йилларда Боқуда дала ҳовлилар қурилиши ниҳоятда авж олган эди. Уларни кимлар қураётган эди? Асосан, раҳбар ходимлар-у зиёлилар бунёд этишаётган эди. Бу нимага олиб келди? Кўп ҳолларда ўз вазифасини, амалини суниистъомол қилиш: техникадан, транспорт воситаларидан, қурилиш материалларидан, корхоналар, қурилишлар ишчи кучидан ноқонуний фойдаланишга олиб келди. Бундан ташқари, дала ҳовлилар қурилиши хусусий манфаатпарастлик психологиясининг кўпчишига, индивидуализмга асос яратади, ижтимоий бурчининг унутилишига олиб келади. Айрим раҳбар ходимларни жиддий жазолашга, ҳатто, партия сафидан чиқаришга ҳам тўғри келди. Лекин дала ҳовлилар қурилишининг тақиқланишидан ҳеч ким зиён кўрмади, қайтага жамият ютди. Завод директори учун дала ҳовли эмас, барча жамоа учун пансионатлар, даволаш профилакторийлари барпо эгилди. Шу таҳлит ишни юригдик. Кейинги йилларда ана шундай пансионатлар, дам олиш уйлари, шу жумладан раҳбар ходимлар учун ҳам, қўшлаб қурилди. Қўрган тадбирларимизни республика жамоатчилиги қўллаб-қувватлади.

Хусусий автоуловлар сотиб олишнинг тақиқланиши ҳам беқорга эмас эди, бу – автомашиналар олиб сотарлиги кенг авж олиши билан боғлиқ. Бунинг учун ҳам масъул ходимлардан бир қанчасига жазо чоралари қўллашимизга тўғри келди.

Тажрибаларимизнинг кўр-кўрона татбиқ этилишини тақлиф қилмоқчи эмасман. Бундай қатъий қарорлар қабул қилинишини вужудга келган кескин вазият тақозо этди. Раҳбар ходимларга, ҳатто, шубҳа-ғумон ҳам соя солмаслиги лозим.

– *Илмий унвонлар-чи? Биз, ахир, жамиятни илмий асосда бошқариш тўғрисида кўп гапиряпмиз-ку. Агар, партия ходими ёки министр илмий даражаси бўлса...*

– Назаримда, шоирнинг сўзларини бузиб айтилган такаббуруна иборани билсангиз керак: «Сен олим бўлмаслигинг мумкин, лекин номзод бўлишга мажбурсан». Илм-фансиз кунимиз утмайди. Кимда-ким бошқариш билан шўгулланар экан, фан асосларини, хусусан ижтимоий фанлар асосларини беш қўлдек билиши шарт. Ундан ташқари, ўзининг амалий фаолияти билан фан ривожига муносиб ҳисса қўшиши, жа-



миятда содир бўлаётган воқеа-ходисаларни таҳлил ва тадқиқ эта билиши, ҳардамҳаёл эмас, аксинча, чуқур ўйлаб, ишончга асосланган қарорлар қабул қилиши лозим. Барча раҳбар ходимлар ана шундай фазилатлар эгаси бўлиши тарафдоримиз. Компартия МКнинг тарғибот-ташвиқот бўлими мудирини Афранд Фиридунович Дашдамиров рупарангизда утирибди. У ҳали қирқ ёшга ҳам тулгани йўқ, у – фалсафа фанлари доктори, профессор. МК аппаратида олим сифатида ўтди, партия ишларини илмий изланишлари билан қўшиб олиб бормоқда. Бу фақат фойда келтирмоқда. Ҳар қандай қонун-қоидада истиснолар бўлади. Йўқса, қоидалар қотиб қолган ақидаларга айланиши шубҳасиз.

Лекин Сумгаит шаҳар партия комитетининг собиқ биринчи секретари Болакишиевнинг техника фанлари номзоди илмий даражасини олишнинг нормал ҳол деб бўлмайди. Ахир, партия ходими бўлгунча у илмий тадқиқот билан шуғулланмаган, ҳатто, муҳандислик вазифасини ҳам адо этишига тўғри келмаган; ишлаб чиқариш соҳасида ҳеч қачон фаолият юритмаган. Шу боис текшириш натижалари ҳеч қимни ҳайрон қолдирмади. Қайтага, шубҳа-гумонларни тасдиқлади: Болакишиев аслида диссертация ёзмаган экан. У бировнинг меҳнатидан фойдаланган. СССР Олий Аттестация Комиссияси (ВАК) нинг 1981 йил 12 августдаги қарорига биноан Болакишиев олимга номуносиб хатти-ҳаракати учун илмий даражадан маҳрум қилинди. Ундан аввалроқ жиддий ҳатоларга йўл қўйганлиги учун вазифасидан бўшатилиб, оддий ходимликка юборилган эди.

Лекин бу ягона ҳодиса эмас. 60-йилларда раҳбар ходимлар ўртасида илмий даражага интилиш модага айланган эди. Бу ҳол илм-фан учун, партия, давлат фаолияти учун ҳеч қандай амалий наф келтирмайди, деган ҳулосага келдик. Қайтага маънавий зарари кўпроқ эди. Раҳбар ходимлар хизмат вазифасини сунистеъмом қилар, олимлар сафини эса тирк босиб борарди. Раҳбар ходимнинг илмий даражага даъвогарлигини тақиқлаш ана шу омиллар билдан изоҳланади.

Бу хил маънавий тақиқлар намуналари қўтилмаган бўлиши мумкин. Лекин меҳнат жамоаларида маънавий тақиқлар тез-тез қўлланилиб туради. Бу нарса муайян шароитда, ор-номус ва виждон тушунчаларидан келиб чиқиб, конкрет маъно касб этади. Айниқса, жамоаларни бошқариб келаётган раҳбар ходимлар зиммасига қатта талаблар юклайди. Раҳбарнинг маънавий қиёфаси, ахлоқий намунаси одамлар тарбиясида ғоят муҳим омил ҳисобланади. Агар раҳбар одам минбарларга чиқиб олиб, майда буржуача психология кўринишларини, ҳолатларини лаънатлаб қўнпая-қўн қилиб, лойга қориб ташласа-ю, шахсий ҳаётда ўз вазифасини сунистеъмом қилса, мол-мулкка муқкасидан кетса, тилла ва қимматбаҳо буюмлар сотиб олишга ружу

қўйса, мол ва пулдан бўлак кадриятларни билмаган кимсалардан юз ҳисса хавфлироқдир.

– Менда, жиноятлар ичида порахўрлик сизда аёвсиз қаҳрнафрат уйғотар экан, деган таассурот пайдо бўлди. Шоир Фикратхўжа эса: «Пора – бамисоли: орқангдан санчилган ханжар...», – деб ёзади. Нега энди айнан пора?

– Биласизми, пора – бу жиноятнинг кенг русум бўлган тури. Қолган ҳамма иллатлар унинг билан боғлиқ. Порахўр пептахта тагидан бекитикча дублёнка пальтоллар сотаётгани йўқ, у давлат манфаатларини сотмоқда. Шоирнинг ҳикматли шеъри – муболага эмас. Утмишнинг аянчли қолдиқлари қанчалик яшовчанлигининг гуноҳи ҳар биримизнинг зиммасида ётади. Ҳатто, инсоф-тавфиқли, пора олди-бердисидан хазар қиладиганларнинг ҳам зиммасида. Шахсий виждон покизалиги-ю, шахсий ижирганиш – бу ҳали фуқаролик фазилати бўла олмайди. Фуқаронинг олийжаноблиги – бу фаолликда, ёвузликка қарши кураша билиш ва буни исташдадир.

– Йирик юристлардан бири: «Меҳнатсиз топилган даромад ҳисобига яшайдиган одам истаган пайтда «меҳнат қилиб ортирган» даромадлари тўғрисида маълумотнома сотиб олиши мумкин», деган экан.

– Буни текшириб, аниқлаш осон. Ҳар иккисига ҳам қилмишига яраша жазо бериш жоиз. Бирок, энг муҳими шуки, ёвузликнинг олдини олиш билан кифояланиб қолмаслик зарур. Буларнинг ҳаммасини қонунбузарликларга нисбатан умумий ҳолатсизликнинг яхлит тизимида кўриш ва ўрганиш такозо этилади. Газетада чиқиш – фаол ҳаётий позициянинг кўринишига бир мисол бўла олади. Фаол муносабат эса реал ҳатти-ҳаракатсиз самара бермайди. Фаол фуқаролик позициясини шакллантириш бутунги кунда бутун мафқуравий ишларимизнинг ўзагидир.

– Айтиш керакки, Озарбайжон киностудиясида ишланган «Сўроқ» кинофильми москваликларда катта таассурот қолдирди: терговчи Сайфи чинакам жиноятчилар – катта амалдорлар сирини фош қилишга қаттиқ бел боғлайди. Фильм ижодкорлари – сценарий муаллифи Рустам Иброҳимбеков ва режиссёр Расим Ужаговлар «Қонун – ҳамма учун баробар» деган принципга публицистик жиҳатдан катта мазмун юклаган. Лекин ана шу принцип тантанани қилиши учун фильм қаҳрамони турли таҳдид ва дуқ-нўписаларни енгишгагина эмас, балки тергов олиб боришда айрим процессуал нормаларни эътиборга олмасликка ҳам мажбур бўлади. Бунинг учун уни тинч қўймасликларини тахмин қилиш мумкин. Қонун – ҳамма учун баробар. «Эзгуликнинг гурзидек мушти ҳам бўлади», – деган экан шоир. Лекин одил судловнинг ҳам ҳукми гурзидан оғир.

*Ёки, мисолни санъатдан оладиган бўлсак, Эльдар Рязановнинг сира эскирмайдиган, кўрсанг кўринг келаверадиган «Автомобилдан сақланинг» фильмини келтирмоқчиман. Судья билан халқ маслаҳатчилари, қанчалик раҳмлари келмасин, ҳатто, суюкли аёли унинг бегидир хатти-ҳаракатини тентаклик деб баҳолаган бегараз Юрий Деточкинга ҳукм чиқаришади. Бундай «тартиббузарлар»га нисбатан муносабат ҳар хил бўларкан. Айниқса, қонун муҳофазасини таъминлаётганларнинг қарашлари айрича бўларкан. Юристардан бири афсус билдириб, Смоктуновский «анархист»дан жозибадор қаҳрамон образини яратибди, деган экан.*

– Юрий Деточкинга меҳрим булакча! Тўғри, у бир ўзи ҳаракат қилиб, хатога йўл қўяди. Лекин, чамаси, ундан булагига қурбн етмаган. Сайфи ҳам бошқача йўл тутолмаган. Тирик жон борки, хато қилади. Ҳамма гап ўша одам қандай маънавий-ахлокий мулоҳазаларга таянганлигига боғлиқ.

Фильм ижодкорлари жамоатчилик эътиборини муттаҳамларга, каллобларга қарши қурапишга қаратаётти, уларнинг миёнг бир хил киёфага қира олишини кўрсатяпти. Деточкин ва Сайфилар шарофати билан ноҳуш воқеа-ҳодисаларга қарши қураш самарали олиб борилмоқда. Улар, гарчанд қураш усуллари ва шаклларида янглишишса ҳам, бепарқ кимсаларга қараганда кўпроқ бўлишгани маъқул.

Адиблар, шоирлар, кино ижодкорлари зиддиятли ҳолатларда тез ўзгариб бораётган ҳаёт билан мавжуд қонунлар ўртасида вужудга келаётган карама-қаршиликларни очиб беришмоқда. Бу нарса фақат юриспруденцияга эмас, оддий тасаввур ва тушунчаларга ҳам, мутаассибона анъаналарга ҳам, мустаҳкам деб ҳисобланган нарсаларга ҳам тегишлидир. Ёркин бадий образлар яратиш орқали улар ўзларининг фуқаролик муносабатини, қарашларини ифодалашмоқда.

Фақат бир нарсага афсус билдириш мумкин. Адабиёт, бу ўринда озарбайжон ёзувчиларини назарда тутаяпман, ҳаётдан орқада қолмоқда. Озарбайжон коммунистлари ҳозирги вақтда ғайриахлокий ҳодисаларга қарши олиб бораётган қурашни, жумард қаҳрамонлар қўрқув ва тахликаларни енгиб, аёвсиз олиб бораётган қурашни акс эттирган асарлар ниҳоятда кам. Аслида, реал воқелиқда улар қуп-қу!

Биз – идеалист эмасмиз, эзгуликнинг ёвузлик устидан мутлақ ғалабасига эришамиз, демоқчи эмасмиз. Лекин адолат, қонунийлик, ғоявийлик тарози посангисини босиб кетишига эришишимиз мумкин ва лозим.

– *Ҳайдар Алиевич, Низамий шеърининг олий лутфи билан муваффақият тилаш зарурати юзага келиб қолди:*

Инсонга навозиш – эҳсон ва карам,  
Озодни ҳам сента этади маҳрам.  
Халқ хизматига ярашга интил,  
Хулқинг била бу жаҳонни соз қил.

Ноумидликдан ҳам умид ураб бонг,  
Қаро кечадан сўнг, отар оппоқ тонг.  
Яхши бил, қаро тув тушса ҳам бошга,  
Охири етурсан порлоқ қуёшга<sup>1</sup>.

Булар XII асрда яшаб ижод қилган озарбайжон шоири Низомий Ганжавий қаламидан туғилган мисралардир.

### 1982 йил 2 декабрь, Боку

– Ҳозир ташкилий масалани кўриб чиқишимиз лозим. Уртоқлар, хабарингиз бор, мени СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари этиб гайинлашди; КПСС МКнинг Пленумида эса КПСС МК Сиёсий бюросига номзодликдан аъзоликка ўтказишди, – Ҳайдар Алиев Озарбайжон Компартияси МКнинг Бюро мажлисини, биринчи секретарлик вазифасини адо этиб турган кезларидаги олиб борган сўнгги бюро мажлисини шу сўзлар билан очганди. Эндиликда унинг ўрнига муносиб номзодни танлаш лозим эди. – Ва бугун Озарбайжон Компартияси МКнинг биринчи секретари масаласини ҳал қилиш зарур... – Ҳайдар Алиев Москвада қабул қилинган ҳужжатларни ўқиб берди ва гапини давом эттирди: – Назаримда, ана шулар асосида қуйидаги мазмунда қарор қабул қилишимиз керак: «Алиев Озарбайжон Компартияси МКнинг биринчи секретари вазифасидан ва Озарбайжон Компартияси МКнинг бюро аъзолигидан озод қилинсин». Лекин, ана шу қарор учун овоз беришдан олдин икки оғиз гапирмоқчиман. – Ҳайдар Алирза ўғли атрофга кўз югуртириб олди. – Аввало, шу нарсани таъкидламоқчиманки, КПСС МКнинг Сиёсий бюросида ва СССР Олий Советининг 7-сессиясида уртоқ Алиевнинг МК Сиёсий бюроси аъзолигига ва СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари вазифасига тайинланиши Озарбайжон партия ташкилотига, бутун республикамизга, халқимизга кўрсатилган улкан ишонч деб биламан. Бу воқеани биринчи галда Озарбайжон партия ташкилотининг фаолиятига, республикамиз меҳнатқашларининг, бутун республиканинг коммунистик жамият қуришдаги улкан зафарларига, самараларига, Озарбайжон Компартияси МК ҳамда унинг бюроси олиб бораётган ишларга берилган бағоят юксак баҳо

<sup>1</sup> Низомий шеърятидан. –Т.: 1983, 34, 35, 37-бетлар (Шоислом Шомухамедов таржимаси).

десам, барчанинг яқдил фикрини, ифодалаган бўламан. Менга жуда катта ишонч билдирилди. Мен бу ишончнинг, зиммамга юклатилган улкан масъулиятнинг аҳамияти нечоғлиқ бекиёс эканлигини ҳис этиб турибман. Ушбу ишончни ва партиямиз, Марказий Комитет ва унинг Сиёсий бюроси зиммамга юклаган янги топшириқни шараф билан адо этишга, оқлашга бутун билимим, куч-қувватим ва салоҳиятимни бағишлашга суз берман.

Бугун 1969 йилнинг 14 июль куни Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретарлигига сайланган дамларим ёдимга тушади. Мана, ўн уч ярим йилдан ортиқ муддат бадалида биз бирга фаолият юритиб келаяпмиз ва мен ушбу вазифани бажариб келаяпман. Бугунга келиб, орадан шунча давр ўтгач, партия ва давлат йулида шунчалик улкан ишнинг топширилиши зиммамга янада улкан мажбуриятлар юклайди. Қаршимда оғир, мураккаб, катта ишлар кутиб турганлигини ҳис этмоқдаман. Умид қиламанки, бу вазифада ҳам, аввал қандай бўлган бўлсам, шундайлигимча қоламан, кўрсатилган ишончини, жумладан, Озарбайжон партия ташкилоти, республикамиз Компартияси Марказий Комитети кўрсатган юксак ишончни оқлашга ўзимни бағишлайман.

Яна Озарбайжон Компартияси МК пленумида бу борада кентроқ тўхталиб ўтишимга имконият бўлади. Лекин, айни пайтда Озарбайжон Компартияси МК секретариати, МК бюроси уюшқоклик билан, аниқ, пухта, самарали фаолият юритганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Шу йиллар бадалида жудаям кўп вазифалар муваффақиятли адо этилди, республикамиз катта зафарларга эришди. Қисқа муддат ичида сурункали қолоқликни бартараф этдик. Республикамиз Иттифок миқёсида олдинги марраларга чикиб олди. Ўн икки йилдан бери сурункасига социалистик мусобақа ғолиблари каторидан ўрин эгаллаб келмоқда, Ватаннинг Қизил Байроғи билан мукофотланмоқда. Шу йиллар давомида республикамиз уч марта Совет Иттифокининг орденлари – Октябрь Революцияси ордени, Халқлар Дўстлиги ордени билан тақдирланди. Унингчи беш йиллик режалари муддатидан олдин адо этилгани учун яқинда Леонид Ильич Брежневнинг ўзи тантанали равишда топширган Ленин ордени билан нишонланди. Республикада ҳар томонлама ажойиб муҳит, соғлом сиёсий-маънавий, ахлоқий-психологик муҳит мавжуд. Ишчанлик кайфияти ҳукмрон. Дўстлик-кардошлик, биродарлик, интернационализм руҳи ҳар бир ишимизда ҳамнафас. Жуллас, ўртоқлар, республикамиз ҳар соҳада юксак поғоналарга кўтарилди, баланд юксалди.

Буларнинг ҳаммаси, энг аввало, Марказий Комитет ва унинг бюроси, Озарбайжон Компартияси МК секретариати самарали фаолиятининг қутлуғ натижаларидир. 1969 йил 14 июл-

дан бери бугунги кунгача эришилган зафарлар ана шу қутлуғ жойда – Озарбайжон Компартияси МК бюроси мажлисларида тайёрланарди, ишлаб чиқиларди, белгиланарди, шакллантирилларди. Ҳар бир одимимиз, у каттами ёки кичикми, ҳар бир тадбиримиз, республикаимиз муваффақиятини таъминлашга хизмат қилди, ҳар бир катта ишимиз яхлит олинганда – коллектив фаолиятимиз, коллектив ақл-идрок, МК бюросининг бир ёқадан бош чиқариб ҳамкорликда юритган ишлари самараларидир. Шу боисдан Озарбайжон Компартияси МК бюроси, Озарбайжон Компартияси МК секретариати шу йиллар мобайнида партия талаблари, КПСС Марказий Комитети, партиямиз сиздлари ва пленумлари қарорлари даражасида бўлди, деб айтишга тўлиқ асосим бор.

Бугунги МК бюросининг яқунловчи йиғилишида, сизлар билан ҳайрлашар эканман, ана шу нарсаларни катта мамнуният, қониқиш ва эҳтиром туйғуси билан айтишни зарур деб биламан.

Авалло, ана шу йиллар мобайнида ҳамкорликда фаол ва принципиал иш юритганимиз учун Озарбайжон Компартияси МК бюроси аъзоларига чуқур миннатдорчилик билдирмоқчиман. Азиз ўртоқлар, сизларнинг доимий қўллаб-қувватлаганингиз, тушуниб ёрдам кўрсатганингиз учун алоҳида ташаккуримни айтаман. Принципиал фаолият юритиб, кескин ва баъзан ҳаддан зиёд кескин қарорлар қабул қилар эканмиз, ҳар доим партия ва давлатимизнинг юксак принципларига таянганимизни ҳамда мамлакатимиз манфаатларидан келиб чиққанлигимизни алоҳида таъкидлайман...

Биз қўлаб жиддий ва принципиал масалаларни ҳал қилдик. Бу борада ҳар хил фикрлар, мушоҳадалар билдирилганди. Лекин биз доим ҳолис, энг тўғри қарорлар қабул қилдик, ҳамиша аҳил, баҳамжиҳат ва дўстона ҳаракат қилдик. Озарбайжон Компартияси МК бюроси ҳамда МК секретариати фаолиятида соғлом, ишчан муҳитни вужудга келтирганимиз ҳаммамиз эришган энг катта, мислсиз зафарларимиздан биридир. Утмишда Озарбайжон Компартияси МК фаолиятида, бюроси ва секретариати ишларида оқсаш кўзга ташлангани кўп жиҳатдан ишчанлик муҳити, ишчан ҳамжиҳатлик етишмаслигидан эди. Шахсий манфаатлар устун эди. Конъюнктура жиҳатидан ёндашиш, гуруҳбозлик, ғийбат, фикс-фужур, келишмовчилик ва ҳоказо нохуш ҳолатлар ҳукмрон эди. Биз уларга гезда барҳам бердик. Нафақат барҳам бердик, балки ой сари, йил сари МК бюроси фаолиятида бўлиши лозим бўлган шу соғлом муҳитни, ишчан кайфиятни, ҳамжиҳатликни қарор топдирдик, шакллантирдик. МК бюроси ишида айнан шу коллегиялик принципини қарор топтирганимиз туфайли юксак зафарларни қўлга киритдик.

Қайтараман, ҳозирги кунда МК бюроси ниҳоятда аниқ, уюшқоқлик билан, катъий мақсадга қаратилган соғлом асосда, партиявий, принципнал асосда фаолият олиб бормоқда. Ушбу омиллар МКнинг келгусида ҳам шундай самарали муваффақиятли иш олиб боришида пойдевор бўлиб хизмат қилади, деб ўйлайман. Шу сабабли, ўртоқлар, сизларга қайта-қайта миннатдорчилик билдираман. МК бюросининг ҳар бир аъзоси, МК бюроси аъзолигига номзодлар, Озарбайжон Компартияси МКнинг ҳар бир секретарининг фаолиятини юксак қадрдайман. МКнинг бюро йиғилишларида, секретариат мажлисларида ҳар доим МКнинг булим мудирлари, айрим партия ва мафкура муассасалари раҳбарлари ҳам илгирок этишади. Бугун уларга ҳам ўз миннатдорчилигимни билдиришни истардим. МК ашпаратининг (ушбу тизим ходимлари билан учрашувда истақларимни алоҳида айтиб ўтарман), МКнинг булим мудирларининг ва бошқа ўртоқларнинг шу йиллар давомида биз билан ҳамкор, ҳамнафасликда қилган меҳнатларини юксак қадрлайман, раҳматларимни билдираман, барчалари МК бюросининг самарали ва муваффақиятли иш юритишини таъминлаш учун меҳнат қилишди. Ўртоқлар, ҳаммангизга каттадан-катта раҳмат. Ва, ниҳоят, тушланган ана шу бой тажриба асосида, МКнинг бюроси ва секретариати фаолиятида шаклланган катъий, барқарор, ишчанлик анъаналари асосида иш олга босишига, самарадорлик, зафарлар давом этишига асло шубҳа йўқ. Бюронинг ҳар бир аъзоси, партия, совет, хўжалик раҳбар ходимларининг ҳар бири зришилган самараларга ўзининг янги-явги улушини қўшади. Жамланган тажрибаларни ривожлантиради, бунёдкорлик ишларидан толмайди, дея катъий ишонч билдираман ва яна ишончим қомилки, заминимиз, пойдеворимиз шунчалик мустақкамки, Озарбайжон партия ташкилотида 1969 йилгача узоқ вақт давом этиб келган нохуш ҳолатлар келгусида ҳеч қачон такрорланмайди.

Азиз дўстларим, сафдошларим, ўртоқлар, барча-барчангизга КПСС XXVI съезди қарорларини, КПСС МКнинг ноябрь (1982 й.) Пленумида илгари сурилган вазифаларни, Озарбайжон Компартиясивинг XXX съезди ҳамда Озарбайжон Компартияси МКнинг Пленумлари йуриқларини ҳаётга татбиқ этишингизда омад, иқбол, зафарлар гилайман. Сизга айтмоқчи бўлган дил сўзларим ана шулардан иборат эди.

Партия бюроси, у катта ёки кичик бўладими, қарсақ-бозликдан иборат хизмат ўчоғи эмас. Лекин бу гал зал гулдурос қарсақлардан ларзага келганди. Энди расмиятчилик нуқтаназарилан овоз бериш керак. Лекин қимдир бир-икки оғиз сўз айтиши ҳам керак-ку, МКнинг иккинчи секретари Юрий Пу-

гачев ташаббусни қўлига олди. Ҳаяжон билан, лекин дилда борини айтди. Ишонч-масъулият туғрисида, раислик борасида Ҳайдар Алирза ўғлининг ўрни билиниши хусусида гапирди. Унинг ўзи янги раҳбарнинг исми-шарифини айтди: «кишилар, коммунистлар, Марказий Комитет аъзолари, МК бюроси аъзолари фикр-мулоҳазаларини атрофлича урганиб чиққач, катъий бир фикрга келинди... Ушбу фикр-мулоҳаза туғрисида КПСС Марказий Комитетига, секретариатига, Сиёсий бюрога, шахсан ўртоқ Андропов Юрий Владимировичга ахборот берилди. Ва ана шу юксак лавозимга айна пайтда Озарбайжон Компартияси МКнинг секретари бўлиб ишлаб келаётган ўртоқ Багиров Комрон Мамедович номзодини тавсия қилиш мақсадга мувофиқ, деб топилди...»

Бунгача Комрон Мамедов Москвада барча суҳбатлардан ўтиб келган, Бош секретарнинг ҳам ҳузурда бўлганди. Сиёсий бюро уни биринчи секретарь этиб сайлашни тавсия қилганди. Аслида, ҳамма иш Москвада ҳал этиларди, лекин тартибнинг ўз йўли бир эди: бюро аъзолари, пленум аъзолари овоз беришди.

– Шовли инқилобий анъаналарга эга республика партия ташкилотининг раҳбари бўлиш нечоғлик масъулиятли эканлигини тулик англаб, турибман,– дея суз бошлади Комрон Мамедович Багиров,– Озарбайжон Компартияси МК томонидан менга шундай шараф курсатилар экан, бор куч-қувватимни, билимимни сафарбар қилишга, бутун таркиб билан, Марказий Комитет таркиби билан дўстона ишлашга, биринчи секретарь вазифасини виждонан бажаришга бағишлайман...

1982 йил 3 декабрда Дзержинский номли клубда, гумбази-ю равоклари суд жараёнларининг, бу каби юксак йиғилишларнинг гувоҳи бўлган даргоҳда МК Пленуми бўлиб ўтди. Пленум Ҳайдар Алиевни республика Компартияси МКнинг биринчи секретари вазифасидан озод қилиб, ўрнига Комрон Багировни сайлади. Алиев Комрон Мамедовичга «ўзи босиб ўтган ана шу катта, ғоят қийин, масъулиятли ишда ҳормай-толмай меҳнат қилишни, зафарлар кучишни» тилади; «умидларимиз узини оқласин», дея қутлуғ ниятлар билдирди.

Орадан бир неча йил ўтар-ўтмас, 70-йиллар турғунлик даври, деб атала бошланди. Ҳўш, уша пайтда ким турғун бўлиб қолган эди? Катта бир даврга, миллион-миллион меҳнатқашлар фаолиятига шунчалар ҳақоратомуз тамга босиш туғрими? Байкал – Амур темир йўл магистрали қурилишида, Фарбий Сибирь ва Каспийнинг нефть қорхоналарида, Донбасс, Кузбасс, Қарағанда шахталарида турғунлик бўлгани йўқ... Озарбайжон ҳам турғунликдан моғор босмаган эди. Алиев раҳбарлик қилган ўн-ўн беш йил ичида республикада миллий даромад киши бошига якки ҳисса ўсди, ишлаб чиқариш умумий ҳажми 2,5 баробар қупайди. Миллий даромаднинг ўсиши 1969 йилги



бутун курсаткичга тенг эди. Саноат ишлаб чиқариши деярли уч хисса ортган, халқ истеъмоли моллари уч баробар кўпайган эди. Шу йилларда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми аввалги 50 йил ичида эришилган ҳажмга тенг эди. 250 дан зиёд йирик заводлар, фабрикалар, цехлар қурилди; икки миллиондан ортиқ киши уй-жой шароитини яхшилаб олди. Айни шу даврда республика иккинчи Боқуни бунёд этди.

Нефть маҳсулотлари ва нефть усқуналарини, пўлат қувурлар, рангли металллар, синтетик каучук, электр двигателлар, қурилиш материаллари, маиший кондиционерлар, автомобиль шиналари, минерал ўғитлар, гилам ва гилам буюмлари, фаянс<sup>1</sup> маҳсулотлар ишлаб чиқариш буйича Озарбайжон пелқадам ўринларга кўтарилди. Озарбайжонда ишлаб чиқарилган 350 дан зиёд маҳсулот турлари жаҳоннинг 65 мамлакатига экспорт қилинарди. Республикада машинасозлик ва электрон саноатнинг янги тармоқлари вужудга келди; нефтни қайта ишлаш корхоналарида кенг қуламли қайта реконструкция амалга оширилди, Боқу метрополитени қурилиши авж олди.

Озарбайжон тажрибаси, ўзига хос бу республика, унинг бетакрор йўлбошчиси бутун дунёда, жумладан, Яқин Шарқ, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида катта кизиқиш уйғотди. Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитетининг раиси Александр Дзасохов СССРнинг 60 йиллиги арафасида (1982 йил) Боқу шаҳрида мустамлакачиликдан кейин барпо бўлган давлатлар миллий-озодлик ҳаракатларини сиёсий, дипломатик ва амалий қўллаб-қувватлашда Совет Иттифоқининг роли масаласига бағишланган йирик халқаро анжуман ўтказиш таклифи билан чиқди. Анжуманда элликдан зиёд давлатнинг нуфузли делегациялари, миллий-озодлик ҳаракати раҳбарлари катнашди. Бугунги кунда Россия Федерал Йиғини Федерацияси Кенгашининг аъзоси бўлиш Александр Сергеевич Дзасоховнинг хотирлашича, юксак мартабали меҳмонлар Ҳайдар Алиевич Алиев билан бўлиб ўтган учрашувдан илҳомланганликларини айтишди; кўп миллатли, кўп динли Боқу шаҳри билан, оксоч мозий юксак тараққий этган саноат ва илм-фан ила уйғунлашиб кетган шаҳар билан танишганликларини, олам-жаҳон таассуротлар орттирганликларини сўзлашди.

Алиев Озарбайжон давлатда муносиб мавқени эгаллашига, республика вакиллари ўз ташкилотчилик қобилиятлари ҳамда шахсий фазилагарига мувофиқ умумиттифок микёсидаги турли лавозимларга кўтарилишига ҳаракат қилди. Ажойиб тожик шоири, йирик жамоат арбоби Мирзо Турсунзода вафот этгач, Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Со-

<sup>1</sup> Фаянс - чинни (гипс ва бошқа моддаларнинг қотишмасидан ҳосил қилинган лой; керамика буюмлари тайёрлашда ҳам аниқ сифатида қўлланади).

вет комитетини ким бошқаради, деган масала кўндаланг турганда шундай бўлди. Ушанда Ҳайдар Алиев ташаббуси билан унинг юртдоши, кўплаб беназир романлар муаллифи, йирик олим, қомусий билимлар соҳиби Мирза Аждар ўғли Иброҳимов ана шу вазифага бир овоздан тавсия этилган ва сайланган эди. Мирза Иброҳимов кейинчалик ушбу ишни самарали олиб борди.

Лекин ўша йиллари қанчадан-қанча одамлар бадном қилинмади дейсиз; жамиятни мустақкамлашда ўзи битта миҳ ҳам қоқмаган «қайта қуриш бунёдкорлари», уларга жўровоз бўлган кимсалар кўплаб одамларни ёмонотлик ҳам қилишди. Сув келтирган хору, куза синдирган азиз бўлди. Утмишни бир овоздан қоралашга тушган, республика партия ташкилотининг 70-йиллардаги фаолиятини, халқнинг бунёдкорлик меҳнатини қоралашга ҳаракат қилган шоввозларнинг иддаоларига қарши Алиев аниқ, лўнда маълумотлар билан зарба берди.

– Сиз исбот тариқасида келтираётган далиллар қўшиб ёзиш мевалари эмаслигини қандай исботлаш мумкин? – деб суради Алиевдан журналист ва телебошловчи Андрей Караулов.

– Мен айтиб ўтган рақамларнинг ҳаммаси расмий манбалардан олинган. Расмий маълумотларни инкор қилиш учун эса бошқа далилларни келтириш тақозо этилади, чамамда. Лекин ана ўша асос йўқ-ку. Улар, бошқа рақамлар мавжуд ҳам эмас. Сабаби, мен айтиб ўтган рақамлар аини ҳақиқат.

– Яхши, лекин ўзингиз, айтайлик, министрликлар, қорхоналар, районлар фаолиятида қўшиб ёзиш ҳолларига дуч келганмисиз?

– Менгача ҳам, мен иш юритган пайтда ҳам, мамлакатнинг барча тармоқларида учрагани каби, Озарбайжонда ҳам хўжалиқнинг турли соҳаларида қўшиб ёзиш ҳоллари бўлган. Биз ўз фаолиятимизни ана шу хил нохуш ҳолатларга қарши фаол қурашишдан бошлаган эдик, шу жумладан кўзбўямачиликка, салбий ҳодиса, вазиятларга қарши аёвсиз ўт очгандик. Улар йўқ қилиндими? Йўқ. Шоли орасидан қурмак чикқани сингари, салбий ҳолатлар учраб турибди. Айнан учраятти. Бу нарса бутун бир район, қорхона, қурилиш, қолхоз ва совхозлар фаолиятида кўзга ташланиб турибди. МКга етиб келган барча факт ва маълумотларни бюро йиғилишларида ниҳоятда принципиал муҳокама қилар эдик. Шу тариқа ҳар қандай микёсдаги раҳбар ходимни сергаклантиришимиз, ноҳўя қадамларининг олдини олишимиз мумкин, деб ҳисоблардик... Биз нохуш ҳодисаларни томири билан қуриштиш устида муттасил иш олиб бордик. Очиғини айтишим мумкин, бу борада биз асло келишувчиликка йўл қўймаганмиз.

Ушбу китобни ёзиш жараёнида танишиб чикқан хўжатларимиз Алиевнинг айтганларини тасдиқлади.

VI боб  
«ХАЙДАР, СЕН БУТУН ИТТИФОҚҚА  
КЕРАКСАН!»

**Бош секретарнинг сўнгги таширифи**

1982 йил июль ойи охиридан август ойи адоғигача Брежнев Кримда хориждан йўқлаб келган меҳмонлар – социалистик ҳамдустлик мамлакатлари раҳбарлари Густав Гусак (Чехословакия), Эрих Хонеккер (Германия Демократик Республикаси), Войцех Ярузельский (Польша), Юмжагийн Цеденбал (Мугулистон)ни қабул қилди...

24 сентябрда КПСС МКнинг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Бокуга учиб кетди. Газеталарнинг ёзишича, у «Озарбайжон ССРга Ленин ордени топширилишига бағишланган тантаналарда қатнашиш учун келганди; республика меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликда саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда эришган катта муваффақиятлари учун ана шу юксак мукофот билан тақдирланган эди». Озарбайжонга ушбу мукофот берилганига икки йил бўлган, бу олий мукофот аллақачон топширилиши мумкин эди. Лекин Алиев уни Леонид Ильичнинг ўзи тақдим қилсин, дея қаттиқ туриб олди. Ва ниҳоят, муддаосига етди.

Турт кунлик тигиз тадбирлар режаси ҳар қанақа одамнинг, айниқса, ёши бир жойга бориб қолган одамнинг тинқасини қуритиб қўйиши мумкин. Атрофида кечаётган нарсаларни базўр илғаб қоладиган, кекса ва бетоб Бош секретарь учун бу нарса икки ҳисса оғирлик қиларди. Ун йил бурун қаддиқомати келишган, тетик, ҳаракатчан, бардам бу одам Боку вокзалида вагондан перронга шаҳдам қадам ташлаб тушганини эслади. Табриклар, олқишлар, қарсақлар остида одамлар билан лиқ тўлган вокзал олди майдонига чиқиб келган ва ён-верига қараб олгач, икки қора кўз гўзалга гулдасталар тутган; шаҳар аҳолиси кўрсатган меҳрдан кўнгли ийиб кетганди. Ҳозирги ҳолатдаги Брежневни Россия телевидениеси кўрсатмайди. Беҳол, ожиз, шалвираган қария қиёфаси телетомошабинларнинг бир неча авлоди хотирасида муҳрланиб қолди.

Газеталар саҳифаларини варақлаймиз. «Л.И.Брежневнинг Озарбайжонда булиши ҳақида» ҳикоя қилувчи мақолаларни ўқиймиз, тўрт саҳнадан иборат уша катта спектакль ҳақида тасаввуримиз тулик булиши учун уни қурган, гувоҳ бўлганлардан тафсилотларни аниқлаштирамиз.

Самолёт зинасидан тушаверишда ўртоқ Л.И.Брежневни КПСС МК Сийсий бюроси аъзолигига номзод, Озарбайжон Компартияси МК биринчи секретари Ҳ.А.Алиев, Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси К.А.Халилов, Республика Министрлар Совети раиси Г.Н.Саидов, Озарбайжон Компартияси МК бюроси аъзолари қизгин муборақбод этишди. Фахрий қоровул бошлиғи ўртоқ Брежневга рапорт берди. СССР ва Озарбайжон ССРнинг давлат мадҳиялари янгради.

Миллий аъаналарга мувофиқ кадрли меҳмонга саховатли Озарбайжон тупроғида етиштирилган тухфалардан келтиришди. Пионерлар гул тақдим қилишди.

Аэропортдан шаҳаргача пиюрлар, паннолар, транспарантлар билан безатилган кўчаларда, проспектларда, майдонларда Боқунинг юз минглаб аҳолиси Леонид Ильич Брежневни қизгин қарши олди.

Эртасига, 1982 йил 25 сентябрь шанба куни газеталар шуларни ёзиб чиқди: бу – асл ҳақиқатнинг ўзи эди. Озарбайжон пойтахти дабдабали кутиб олиш бўйича ўзиб кетгани йўқ. Бош секретарь Киев, Тбилиси, Тошкент шаҳарларида ҳам шу тахлит тантанавор кутиб олинарди – «ривожланган социализм» даврининг услуби шунақа эди. Машиналар қортежига эргашиб, биз ҳам йўлга тушамиз: виқорли машиналар қарвони денгиз бўйидаги гузал, улкан майдонга етиб келди – уша пайтда у Ленин номи билан юритилар эди.

Газетачилар тантанали намойиш ҳақида ёзишар экан, ҳисҳаяжонларини базўр жиловлаб олишарди.

Тантанали қарнай овози янграйди. Йиғилганлар ўртоқ Л.И. Брежневни ва республика раҳбарларини гулдурос қарсақлар билан кутиб олишди, Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети шаънига олқишлар йўллашади. Ўртоқ Л.И. Брежнев, Ҳ.А. Алиев, К.А. Халилов, Г.Н. Саидов ва республиканиннг бошқа раҳбарлари Озарбайжоннинг номдор кишилари жой олган ҳуқумат минбарига қараб йўл олишди.

Халқ депутатлари Боқу шаҳар Советининг қарори ўқиб эшиттирилади: Совет Озарбайжони барча меҳнатқашларининг хоҳиш-истакларини ифодалаб, чексиз муҳаббат ва шаҳар иқтисодиёти, маданияти, фани ва санъатини ривожлантиришдаги доимий ғамхўрликлари учун миннатдорчилик рамзи сифатида халқ депутатлари шаҳар Совети Леонид Ильич Брежневга Боқунинг Фахрий фуқароси унвонини берди. Майдон узра олқишлар, табрик садолари янграйди.

СССР халқ артисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Р. Бейбутов ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, бурғилаш ускунаси бошлиғи С.Нагиев Леонид Ильич Брежневга шахарнинг фахрий фуқароси нишони ва дипломни тантанали топширишди. Ёш ленинчилар гулдасталар тақдим этишди.

Ишчилар, қишлоқ меҳнаткашлари, зиёлилар ва ёшлар вакиллари ўртоқ Брежневни фахрий унвон берилганлиги билан табриклашди. Санъат усталари ва бадий ҳаваскорлик жамоалари томонидан миллий рақслар ҳамда кўпмиллатли ватанимизда халқлар дўстлиги ва қардошлигини улуғловчи кўшиқлар ижро этилди.

Бош секретарнинг илик сентябрь кўёшига йўғрилган Боку шахрига ташрифининг биринчи куни тафсилотларига бағишланган ТАСС мухбирлари ҳисоботи шундай яқунланган эди. Умид қиламизки, катта-катта кўчирмалар келтирганимиз учун китобхон бизни маъзур тутати. Лекин улар ўша кунлар нафасини ҳаққоний ва тўлиқ тасаввур қилишимизга кўмаклашади, ҳикоямиз қаҳрамони фаолиятига турли нуқталардан назар ташлаш ва баҳолаш имконини беради. Ҳам мезбон, ҳам учрашувлар соҳиби бўлган қаҳрамонимиз учун булар унутилмас дақиқалар, онлар эди.

Озарбайжон халқида шундай мақол бор: «Меҳмон келса эшикдан – ризки келар тешикдан». Озарбайжонликлар ота-боболаридан ўтиб келаётган анъаналарга кўра меҳмонни бошда кутаради, энг муътабар зот сифатида уйининг турини бушатиб беради. Алирза билан Иззат хоним Алиевлар ўглини ана шу руҳда тарбиялашган эди. Гарчанд, оила аъзолари кўпчилик эса-да, бор-йўғи икки хонали уйда яшашиди, биттасини албатта меҳмонга бушатиб беришди. Ипак кўрпа-тушагу ёстик дейсизми, ҳаммасини меҳмон учун асрашади. Бир куни кичкина Ҳайдар акаси билан Нахичевандан қариндошларини кўргани қишлоққа боришган эди. «Акам иккимизни йўлакда кутиб олиб, йўлакдан кузатишган эди, меҳмонга аталган хонага киритишмаганди, – деб эслайди Ҳайдар Алирза ўғли. – Буни ким учун асраяпсиз? Бу – меҳмонлар учун. Ичкари хонада битта каравот, яхши ипак кўрпа тушалган, ёстик ҳам бор эди. Ўзлари турадиган хонага гилам ҳам тушалмаганди. Меҳмон дегани бир йилда бир марта, икки марта, борингки, уч марта келсин, хона бўм-буш тураверадими, деб хаёлга толгандим. Одамлар кечаси-ю кундузи, йиллар давомида шундай тифизтиқилинч шароитда умргузаронлик қилишади. Кўникмани, одатни қаранг-да. Лекин бу нарса, чамаси, халқимизнинг маънавияти, психологияси билан боғлиқ бўлса керак: нимайки яхши, нимайки энг азиз бўлса, ҳаммаси – меҳмонга!»

Орадан анча йиллар ўтгач, Алиевдан интервью олган мухбирлардан бири унга: «Брежневнинг Бокуга тез-тез келиб

туриши, унинг шарафига дабдабали қабул маросимларини ўтказилгани»ни эслатади).

– Булмагур гап! – сал қизишиброқ жавоб беради Ҳайдар Алирза ўғли. – Мамлакат биринчи кишиси келишининг нимаси ёмон бўлганди? Биз, озарбайжонликлар табиатан шунанга меҳмондўст, меҳмоннавоз бўлсак, нимаси ёмон? Бутун дунёнинг, барча радиостанциялар ва телевизион алоқа йулдошларининг нигоҳи Боқуга қадалса ёмонми? Ва, янаям муҳими, Бош секретарнинг ташрифидан фойдаланиб, республиканинг янги-янги қурилишлари учун маблағ ундириб қолсак, нимаси ёмон?

Меҳмонларга қойил қолиш керак: Брежневнинг ўша охириги ташрифи пайтида улар ҳар галгидек тadbирлар дастури билан кифояланишмади, В.И. Ленин ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди, мангу аланга қошида бош эгиб турилди, фахрийлар билан мулоқот қилинган бўлди. Леонид Ильичга чуқур сув ости қудуқларини бурғилаш учун мўлжалланган «Шельф-2» ускунасини кўрсатишди. Кондиционер заводига ҳам боришди. Елкаси очиқ боқулик гўзал юксак мартабали меҳмонга гулдаста тутди. Йигитлиги эсига тушиб кетди шекилли, азиз меҳмон қизнинг елкасини меҳр билан силаб қўйди. Яқшанба куни эса Брежнев Озарбайжонга Ленин орденини топширди. Яна ТАСС репортажларига таянамиз.

Ўртоқ Ҳ.А. Алиев тантанали йиғилишни очаркан, Леонид Ильич Брежневни ташрифи учун чин дилдан қизгин қутлади. Ўртоқ Брежневнинг СССР ташкил топган куннинг 60 йиллиги бусағасида, совет кишиларининг улкан интернационал ва қардошлиқ байрами арафасида ташриф буюриши республика ахлига кўрсатилган юксак шараф бўлди, чексиз шодлик олиб келди. Ўртоқ Алиев Боқу меҳнатқашларининг Леонид Ильич билан кўришган ва суҳбатлашган пайтдаги самимий ҳис-туйғулари, ҳаяжонлари ва ушбу залда ҳукмронлик қилаётган тантанали байрам кайфияти, байрам руҳи Озарбайжон меҳнатқашларининг Леонид Ильич Брежневга бўлган чексиз миннатдорчиликлари, меҳр-муҳаббатлари рамзи, Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликлари белгиси эканини алоҳида таъкидлади.

Ўртоқ Л.И. Брежнев бошчилигидаги КПСС МК нинг Сиёсий бюроси йиғилишнинг фахрий президиуми аъзолигига бир овоздан сайланди. (Залда утирганлардан биронтаси, бу хил расмиятчилик кимга керак, дея саволга толганмикан?) Сўз ўртоқ Л.И. Брежневга берилди. Залга йиғилганлар оёққа қалқди ва узоқ давом этган қарсақлар билан Леонид Ильични қутлашди.

Бешга Олтин Юлдуз такиб олган мехмон вазмин кадамлар билая минбар томон юради. Варақларни олдига ёзиб қуяди:

Қадрли ўртоқ Алиев! Азиз ўртоқлар!

Кеча Ватанимизнинг олий мукофоти – Ленин орденини республикага топширдик, ҳозир эса партиячасига очик, кескин..

Брежнев оҳиста гаширар, «Озарбайжон» деган сўзни айтишда сунъий жағ тиши ҳалақит берармиди, ҳар гал тутиларди. Очигини айтиш керак, тириклигидаёқ улкан мамлакатнинг раҳбари тўғрисида тўкилган латифалар оғиздан-оғизга кўчиб юрар, нутқидаги нуксонларга эса деярли кўникиб қолинганди; муқаллидлар эса Ильячнинг овози-ю гапириш йўсинини обдан ўхшатиб, гурос-гурос кулгу уйғотишарди. Лекин ҳозир катта залда шивир-шивир бошланди: кутилмаган ҳол содир бўлаётган эди. Бош секретарь *эртаси кўни* МКда бўладиган йиғилишда ўкилиши лозим бўлган матнни ўқиб бераётган эди... Минбарнинг рўпарасидаги иккинчи каторда ўтирган Бош секретарь ёрдамчиси Александров-Агентов безовталаниб ўрнидан турди, раҳбарга нимадир айтиш учун минбар томон ошқиди. Нотиқ эса унга аҳамият бермади. Гангиб қолган ёрдамчи қўлларини ёйганча, кўзи ҳеч кимнинг кўзига тушмаслигига уриниб, залдаги жойига бориб ўтирди. Шу пайт президиумда ўтирган Алиев Брежневга яқин келиб, нималарнидир шивирлаб, *эртанги кўннинг* матнини қўлига олди.

– Ҳечқиси йўқ, бўлиб туради, – деди Бош секретарь мушоҳадакор йўсинда.

Воқеадан ташвишга тушиб ўтирган зал қарсақ чалиб юборди. Шундан кейин Ильяч бошқа қоқилмади; фақат бир марта «Озарбайжон нефти», дейиш ўрнига «Афғонистон нефти», деб юборди.

– Катта мамнуният билан таъкидлаш жоизки, Озарбайжон давлатга ғалла сотиш бўйича социалистик мажбуриятларини қардош республикалар орасида биринчилардан бўлиб бажарди. Азиз ўртоқлар, мехнатдаги катта ғалабангиз учун партия Марказий Комитети ва ҳукуматимизнинг Сизга йўллаган ташаққурини қабул қилгайсиз. Ушбу зафарларнинг илдизи, қалити қаерда?– Нотиқ савол билан залга мурожаат қилди. Ва қуюқ қошлари орасидан залга бир қур разм солиб олгач, но-стандарт катта-катта ҳарфлар билан ёзилган қоғозга тикилди. – Аввало, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети, унинг ҳаммамиз учун ҳурматли ўртоқ Ҳайдар Алиевич Алиев бошлиқ бюроси партиямиз йўл-йўриқлари принципаалик, изчиллик, қатъият билан ҳаётга татбиқ этиб келаётганлигида деб биламан.

Ҳайдар Алиев Озарбайжонга раҳбарлик қилаётганлигининг ун гўртинчи йили ўтиб борарди. Унинг ҳаётида ҳам, республика ҳаётида ҳам катта босқич яқунланаётган эди; бурч

кишиси бўлгани учун у ана шу икки тушунчани бир-биридан ажратмасди. У фахрланса арзигулик ишлар қилганди. Озарбайжон иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш бўйича давлат режаларини йилдан-йилга ортиғи билан адо этиб келмоқда. Республикада янги-янги заводлар ишга туширилаётганди. Нефть казиб олиш суръатлари ҳам ортиб бораётган – йилига 14 миллион тоннага етган эди; унинг учдан икки қисми Каспий денгизи тубидан олинаётганди. Ижтимоий гарақиёт дастурлари реал ҳақиқатга айланиб бораётганди.

– Душанба куни Озарбайжон Компартияси МКнинг бюро аъзолари билан учрашиб, *тегишли нутқни* ўқиб бергач, Брежнев Москвага учиб кетди. Олий ҳакам – вақт унинг сўнги кунларини шафқатсизларча ҳисоблаб борарди.

Бешинчи ноябрь куни у Кремлдаги Съездлар саройида Буюк Октябрь социалистик революциясининг 65 йиллигига бағишланган тантанали мажлис президиумида ўтирган эди. КПСС МК Сиёсий бюросининг аъзоси, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Виктор Гришиннинг катта маърузасини мудраб, зўр-базўр тингларди. Виктор Васильевич йиғилиш раиси бўлмиш Бош секретарни таъриф-тавсиф қилиш учун висотидаги ҳамма ялтирок сўзларни ишга солди:

– У ўзининг ёрқин маърузалари, чиқишлари ва асарларида марксизм-ленинизм назариясини фундаментал умумлашмалар ва хулосалар билан бойитди. Мамлакатимиз иқтисодиёти халқимиз турмуш фаровонлигининг турли-туман вазибалари томон тубдан юз бурганлигини, партияимизнинг бу вазибалари амалга оширишдаги улкан гашкилотчилик ишини совет кишилари ҳақли равишда унинг номи билан боғлашмоқда. Ленин васиятларига мустаҳкам садоқат...

Уртоқ Гришин қулидан келганича алқашга ҳаракат қилди; лекин бу масалада у ҳам ҳамкасби Шеварднадзегга ета олмасди. Эдуард Амвросиевич, дунё жуғрофиясига сиёсий тузатиш киритди. Эндяликда Грузияга офтоб Шимолдан – Россиядан балқиб чиқмоқда, – деди у гурур-ифтихорини ичига сиғдиролмай. Мадху сано айтишда у ҳаммани – оқинлар-у бахшиларни, бандурачилару<sup>1</sup> бардларни<sup>2</sup> орқада қолдирди.

7 ноябрь куни Брежнев Қизил Майдонда туриб, парад қатнашчиларини ва намойишчиларни муборакбод этди. Кремль Съездлар саройидаги қабул маросимида қисқача нутқ сўзлаб, кўп истакли жимжимадор қадах сўзини айтди:

– Жонажон ленинчи партияимиз учун! Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи – халқларнинг буюк қардошлиғи ва

<sup>1</sup> *Бандурачи* – бандура мусиқа асбобини чалиб, ашула айтувчи.

<sup>2</sup> *Бард* – қадимги кельт халқида куйчи шоир, бахши.



бирдамлиги учун! Ҳар бир совет оиласининг бахти-саодати, фаровонлиги учун! Ер юзидаги метиндек мустақкам тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстлик учун! Ушбу залга йиғилган барчанинг саломатлиги учун!

Бу унинг ҳаётидаги энг сўнгги қадах сўзи эди. 1982 йил 12 ноябрь, жума барча совет газеталарида таъзия эълон қилинганди.

... Буюк Ленин ишларининг содиқ давомчиси, оташин ватанпарвар, буюк инқилобчи ва тинчлик учун, коммунизм учун толмас курашчи, замонамизнинг улкан сиёсий ва давлат арбоби Леонид Ильич Брежнев ҳаётдан кўз юмди.

Ўлимига сабаб бўлган касаллик ҳақидаги тиббий хулоса...

Дафн маросимини ташқил этувчи комиссиядан: Леонид Ильич Брежневни дафн этиш маросими 15 ноябрь куни кундуз соат 12 да Қизил Майдонда бўлиб ўтади.

12 ноябрь куни КПСС МК Пленуми йиғилди; унда Юрий Владимирович Андропов Бош секретарь этиб сайланди. Шу куниёқ Пленум қатнашчилари Брежнев билан сўнгги бор вилолашиш учун Колонналар залига келишди. Катта сурат марказида – Андропов билан Тихонов, чалда Шеварднадзе, Алиев ва ўша пайтда СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган Кузнецов туришарди.

КПССнинг ва, шунинг баробарида, Совет давлатининг энг юқори раҳбарияти янгилашни кўпдан бери орзиқиб кутилаётган эди. Улкан мамлакатни бошқариш кўп нарсага фаҳми етмай қолган, мунқиллаган чолларнинг, янада аниқроқ қилиб айтганда, уларнинг «тожу тахт атрофини ўраб олган» яқинларининг кўлида қолиб кетганди.

Брежнев 1974 йил Узоқ Шарққа сафари чоғида оғир касалга чалинган эди. Карахтлик тарқаб, фикри-шуури тиниклашган пайтда катта юмушларни йиғиштириш вақти бўлганини ўзи ҳам ўйлаб қоларди. Лекин атрофдаги ёр-биродарлари эса эғаллаб турган мансабларидан маҳрум бўлишни истамай, «Леонид Ильич, ундай қилманг, ўрнингизни ҳеч ким босолмайди», дея фикридан қайтаришарди.

Марказий Комитет секретари, Сиёсий бюро аъзоси Андрей Павлович Кириленконинг бутунлай шарти кетиб, парти қолганди. У сановатни бошқарарди; министрлар, МКнинг мазкур тармоқлар бўлим бошлиқлари унинг қабулига ёзилишарди. Қабулга келганлардан бирини, ўз вақтида, Кириленко МКга ишга таклиф қилганди. Уша ўртоқ камол топа борди; МК секретарининг ўзи ҳам унинг автомобиль сановатидаги ва, умуман, машинасозликдаги билимини юксак кадрларди. Лекин бир гал очик чеҳра билан хушхол қарши олгач, рўпарасига ўтказди: қутилмаганда областдаги ҳосилдорлик, соғиб олинаётган сут миқдори, қишлоқ хўжалигидаги кам-кўстлар туғрисида сураб-

суриштира бошлади. Қабулидаги киши машинасозлик муаммолари баён этилган хатни дарров йиғиштириб, папкасига жойлаб қўяқолди: суҳбат кечаётган кабинет соҳибининг фикри тиниқлашиб қолмасидан бурун нарсаларини йиғиштириб жуфтакни ростлашни маъқул топди.

Черненко бетоб эди. Сталин даврида «отга» минган министрлар Устинов билан Громиконинг ҳам ёши етмишдан ўтганди.

Леонид Ильич сахнадан кетишидан икки йил олдин кекса большевиклар партия пиллаоясида 2-уринда турган Михаил Андреевич Сусловни боқий дунёга кузатишган эди; у чорак асрдан кўпроқ умрини «Старая площадь»да ўтказган, ҳатто, Сталин ҳам у билан ҳисоблашарди. Сталиндан кейин Кремлда ҳокимият учун кечган курашда Хрущёвга ёрдам берганлардан бири эди; ушанда Молотов, Маленков, Каганович ва «уларга келиб қўшилган Шепилов» (бу расмий партия ҳужжатларидаги ибора бўлиб, кейинчалик латифаларга кўчганди) ҳокимиятдан четлатилганди. 1964 йил апрелда Хрущёв 70 ёшга тулганда Сулов Никита Сергеевичга ҳаммадан ҳам ўтказиб, ошириб-тошириб соғлиқ-саломатлик тилаганди. Орадан ўн йил ўтгач, унинг ўзи Хрущёвни партиясига аёвсиз фош этган, камчиликларини айтиб, авра-астарини ағдариб ташлаган; Брежневга олқишлар ёғдириб, мадҳ алангасини кўкка ўрлатганди. Бир суз билан айтганда, мамлакатда янгилашни сув ва ҳаводек зарур эди. Бу ҳақда Юрий Владимирович Андропов аниқ ва лўнда қилиб айтган эди. У йигирма йилга яқин СССР ДХКни бошқарган; кейинги икки йил КПСС МКнинг секретари бўлганди; Сиёсий бюро мажлисларини олиб борганди; омади гапни айтганда, ҳужаликнинг жони ва қонида бўлгани боис мамлакатдаги аҳволни беш қўлдек биларди.

Андроповда мамлакатни буткул янгилаш тўғрисида батафсил ишлаб чиқилган дастур бўлганми-йўқми, айтиш қийин. Бу хусусда Алиев шундай деганди: «Андроповнинг кўнглига туғиб қўйган режалари ниҳоятда кўп эди; лекин уларни ошқор қилмасди; ушбу режалар бизга номаълумлигича қолди». Бироқ, энг аввал, «биз яшаётган мамлакат ўзи нима эканини» аниқлаштириб олиш зарур эди.

Олимлар мавжуд тузумга турли хил таърифлар бериб, маҳоратларини кўрсатишарди. Улар: реал социализм деб ҳам кўришди, етук, ривожланган социализм деб ҳам кўришди ва ҳоказо. Лекин булар ҳам такомиллаштиришга муҳтож эди. Улкан мамлакат олдида кундалик, ҳаётий вазифалар ўз ечимини кутиб турарди: одамларни едириб-ичириш, энгил-бошини бут қилиш, уйли-жойли қилиш, таълим-тарбия бериш, Афғонистондаги уруш билан боғлиқ можаролардан халос бўлиш даркор эди.

1982 йил 22 ноябрь, Москва

КПСС МКнинг галдаги Пленумида СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Давлат режа комитети (Госплан) раиси Николай Константинович Байбаковнинг «СССРни 1983 йилда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш давлат режаси ҳақида», СССР молия министри Василий Гарбузовнинг «СССРнинг 1983 йилги давлат бюджети тўғрисида»ги маърузалари муҳокама қилинди.

Расмий ахборотда, шунингдек, Пленумда ташкилий масалалар кўрилди, дейилган эди:

*«МК Пленуми ўртоқ Ҳ.А. Алиевни КПСС МК Сиёсий бюросига номзодликдан аъзоликка утказди.*

*МК Пленуми ўртоқ А.П. Кириленконинг саломатлигини ҳисобга олиб, ўз илтимосига кўра МК Сиёсий бюроси аъзоси ҳамда МК секретари вазифасидан озод қилди.*

*МК Пленуми ўртоқ Н.И. Рижковни КПСС МКнинг секретари этиб сайлади».*

Бунга қўшимча қиламиз: Алиев билан Рижков Андроповнинг таклифига биноан сайланишган эди. Шундан олдин, яқшанба куни (Юрий Владимирович учун ДХК да ҳам, МКда ҳам барча яқшанбалар иш куни ҳисобланар эди) ҳар икки сайланганлар билан Кремлда учрашган эди. Таомилга кўра, газеталар Сиёсий бюро янги аъзосининг сурати билан бирга таржимаи ҳолига оид қисқача маълумот ҳам берганди.

«Ўртоқ Алиев Ҳ.А. 1923 йили ишчи оиласида туғилган. 1945 йилдан буён КПСС аъзоси. С.М.Киров номидаги Озарбайжон Давлат университетининг тарих факультетини тугатган.

Нахичеван АССР Халқ комиссарлари советида бўлим мудирли бўлиб ишлади. Кейин давлат хавфсизлик органларида фаолият юритди; оддий оператив ходимликдан Озарбайжон ССР Министрлар Совети қошидаги ДХКнинг раиси даражасигача бўлган мураккаб йўлни босиб ўтди.

1969 йил июлда Озарбайжон Компартияси МКнинг биринчи секретари этиб сайланди.

КПССнинг XXIV, XXV, XXVI съездларида КПСС МК аъзолигига сайланди. 1976 йил мартдан КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига номзод.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг катор чакirikлари депутати».

Тарихчи ва публицист Рой Медведевнинг ўринли иборасига кўра, Кремль осмони узра янги ёрқин юлдуз пайдо бўлган эди. Совет раҳбарлари орасида энг нуфузлиларидан бири, СССР ташқи ишлар министри Андрей Громико ўша пайтдаёқ кўнглидаги галини айтган эди. Совет Иттифоқидек улкан мам-

лакатни бошқариш учун ана шундай ёш ва сергайрат раҳбар керак, деган уй кўнглидан ўтганини эътироф этгани. Афсуски, Андрей Андреевич ана шу тўғри фикрини Андропов билан Черненкодан кейин янги йўлбошчини белгилаш зарур бўлган ҳал қилувчи пайтда ошқор қилмаган.

Сиртдан қараганда, ҳаммаси ўша-ўша эди, гуё. Лекин бу зоҳирий таассурот эди. Брежневнинг ҳурматини баҳо келтириш давом этаётган – шаҳар ва районлар, заводлар ва колхозлар, олий ўқув юртлиари, мактаблар, майдонлар, 30-йилларда хизмат қилган танк ўқув дивизиясига Л.И. Брежнев номини бериш ҳақида Марказий Комитет, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «Леонид Ильич Брежнев хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори эълон қилинган эди.

Мамлакатда эса тараққиёт суръатларини чоғиштириш жараёни бошланаётгани ва кейинроқ Горбачев ўзлаштириб олмақчи бўлган *жадаллаштириш* деган ифода илк бор қўлланилмоқда эди.

Янги Бош секретарь Юрий Владимирович Андропов иқтисодиётни ривожлантириш суръатларини жадаллаштириш, миллий даромад, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ўсишидаги мутлақ кўрсаткичларни ошириш, чакана товар айланмаси ҳажминини кўпайтириш тўғрисида жон куйдириб гапирган эди. Брежневдан кейинги иккинчи ҳафта адоғига етаётган эди. Дастлабки гап нималар бажарилгани хусусида эмас, нималарни адо этиш зарурлиги ҳақида бўлди. Айрим муҳим жиҳатларини таъкидлаб ўтамиз.

Юрий Владимирович ўртокларнинг диққат-эътиборини «беш йилликнинг иккинчи йилида режада белгиланган кўпгина кўрсаткичлар бажарилмай қолганлигига» қаратди. Назаримда, қишлоқлардир ишни нимадан, қандай бошлашни билолмай турибди, чоғи, деганди Бош секретарь. Бундай ўртокларга қанақа ёрдам кўрсатиш зарурлигини уйлаб кўришимиз керак. *Жадаллаштириш* деган муҳим сўз яна янгради. Иқтисодиётга раҳбарлик қилишнинг барча соҳалари, хусусан, бошқариш, режалаштириш, ҳўжалик механизминини такомиллаштириш бўйича ишларни жадаллаштириш ғоят долзарб масала сифатида олдинга чиқди.

Бош секретарь сифатли, унумдор меҳнатни, таппаббускорлик ва тадбиркорликни рағбатлантирадиган иқтисодий ва ташкилий шароитни вужудга келтиришни зарур деб ҳисоблайди. Лекин долзарб масалаларни ҳал этишнинг тайёр қолипи, андазаси йўқ. «Жаҳондаги ва мамлакатимиздаги мавжуд тажрибаларни умумлаштириш, амалиётчи ходимлар ва олимлар билмларини уйғунлаштириш» орқали жавоб топиш даркор.

Бош секретарь саноатнинг асосини ташкил этувчи ёқилғи-энергетика комплекси, темир йўл транспорти сингари тармоқларни ривожлантириш билан боғлиқ муҳим масалаларни чуқур

тахтил қилиб берди. Темир йулдаги ахвол ниҳоятда оғир эди. Ҳайдар Алиев Министрлар Советида бошқа тармоқлар қатори айни шу соҳа билан астойдил шугулланиши лозим эди.

Партия МК пленумидан кейин унингча чақириқ СССР Олий Советининг еттинчи сессиясига йиғилишди.

Айни 23 ноябрь куни бир вақтнинг ўзиде – соат 16 да Кремлнинг катта саройида Иттифоқ Советининг биринчи мажлиси, Олий Совет палаталари йиғилиши утадиган залда эса Миллатлар Советининг биринчи мажлиси ўз ишини бошлади. Газеталарнинг ёзишига қура, Кремлнинг Катта саройида депутатлар ва меҳмонлар урток Ҳ.А. Алиев, М.С. Горбачев, В.В. Гришян, А.А. Громико, Д.А. Кунаев, Г.В. Романов, Н.А. Тихонов, Д.Ф. Устинов, К.У. Черненко, В.В. Шербицкий, П.Н. Демичев, В.И. Долгих, Т.Я. Киселев, М.С. Соломенцев, И.В. Капитоновларни давомли қарсақлар билан қарши олишди.

«Старая площадь»да матбуотга исм-шарифни алифбо тартибда беришни таъкидлашди – дастлаб Сиёсий бюро аъзолари, кейин номзодлар, сўнгида эса МК секретарлари бериладиган бўлди. Оқилона гап. Лекин бу ҳаммага ҳам маъқул тушмасди. Нега энди! Рўйхатнинг бошида Алиев турса-ю, Горбачев – иккинчи бўлиб қолса. Михаил Сергеевич, сизни камситишмоқда!

Совет Иттифоқи билан баробар КПСС ҳам ўтмишга айланганига йиғирма йилга яқин бўлаётган эса-да, Сиёсий бюронинг гулик тарихи ханузгача яратилмаган. Партия съездларида делегатлар Марказий Комитетни, МК эса, ўз навбатида, ҳамма нарсани биладиган, ҳамма нарсани ҳал қиладиган, ҳамма нарсани йўналтирадиган олий ҳокимият – Сиёсий бюрони сайларди. СБда (ушбу тизимни қисқа қилиб шундай ифодалаймиз) Бош секретарь атрофида ядро, жўнроқ айтганда, энг ишончли, гоят яқин гуруҳ жамланар эди. Сталин даврида, ҳаётининг сўнги палласида унинг ёнида Маленков, Молотов, Берия, Хрушчев буларди; Брежнев Устинов, Громико, Андропов билан, сал олдинроқ эса Суслов билан бемаслаҳат ҳеч бир ишга қўл урмасди. Горбачев ҳаммадан кўп Яковлев, Шеварднадзе, Медведевга ишонарди.

СБ аъзоларининг ўзидан узуқ-юлуқ хотиралар қолган, холос. Совет даврида «қачик таомлар тайёрланаётган бу ошхона»га ҳеч кимни яқинлаштиришмас, советлардан кейинги даврда ҳам унга бош суқиш амри-маҳол эди. Сиёсий бюро архиви тадқиқотчилар учун тамоман ёпик. Янги раҳбарлар кенг жамоатчиликка нимани маълум қилиш мумкину, нималарни мумкин эмаслигини ўзлари ҳал қилишади. Шундай эса-да, темир дарпардалар аста-секин кўтарилмоқда.

СБ 1919 йил мартада ташкил этилганди. Унинг таркибига МКнинг беш аъзоси кирарди; бажарилажак вазифалар олдиндан белгилаб олинарди: «кечиктирилиши мумкин булмаган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинарди». Сиёсий бюронинг дастлабки бешлиги қуйидагилар эди: Ленин – Халқ Комиссарлари Совети Раиси, Троцкий – Ҳарбий ва денгиз ишлари бўйича халқ комиссари, Крестинский – миллатлар ишлари бўйича халқ комиссари, Каменев – Москва шаҳар Советининг раиси. Тарихчи Юрий Жуковнинг фикрига кўра, Сиёсий бюронинг шахсий таркибидан маълум бўляптики, у мамлакатни бошқаришда сиёсий эмас, тор давлат раҳбарлиги органи эди. Сталин 30-йилларда ушбу йўналишни янада мустаҳкамлаган эди; хусусан, «ҳокимиятнинг яқин-яқингача алоҳида иш юритиб келган, расман мустақил икки тармоғи – партия ва совет тармоғини бирлаштирганди». Горбачев мутлақ ҳукмдор Сиёсий бюрони мувоҳаса клубига айлантириб қўйган қайта қуриш давригача СБ шу йўсида иш юритиб келди.

Бир Пленумда янги вазифаларга сайланган Рижков билан Алиев партиявий ака-укалар эди. Дуслари уларни кизгин қутлашарди. Иккаласи бир-бирининг қулини сиқарди. Алиев учун бу муваффақиятли партиявий мавқени янада мустаҳкамлаган қонуний олға сўлжиш эди. Рижков эса, кейинчалик эътироф этганидек, ҳеч қачон ўзини партия ходими сифатида тасаввур қилмаганди: «Мен ахир ишлаб чиқарувчиман», – деган эди у.

Улар қўлдан бўён кўзтаниш эди; пленумларда, сессияларда, ўтмишда машҳур «Уралмаш» бирлашмасининг бош директорни бўлган Рижков кейинги тўрт йил мобайнида ишлаган Иттифок Госпланида турли хил йиғинларда учрашиб туришарди. Госплан раисининг биринчи ўринбосари ихтиёрида катта молия, ресурслар бор эди, шу боис республика раҳбарлари унинг ҳузурига тез-тез бош суқиб туришарди.

Иттифок Госпланининг раиси Николай Константинович Байбаков эди, у Сталин даврига мансуб халқ комиссарлари авлодидан эди. Николай Байбаков Бокуда тутилганди; шу ерда нефтьчи-муҳандислик касбини эгаллади; ишбилармон доираларда профессионал сифатида танилди. Уттиз ёшга тулар-тулмас Поволжьедаги бирлашмаи, кўп ўтмай бутун нефть саноатини бошқара бошлади; 1942 йил июнида СССР нефть саноати халқ комиссари раисининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб турган Н.К.Байбаковни Сталин ҳузурига чақаришади.

– Ўртоқ Байбаков, – деди Иосиф Виссарионович, сўзинг иккинчи бўғинига алоҳида урғу бериб, – зудлик билан Кавказга етиб боришингиз лозим. Кимни лозим топсангиз ўзингиз билан бирга ола кетинг; нефть учун бошингиз билан жавоб берасиз. Қандай қуришни билган эдингиз. Энди ҳаммасини

бузиш лозим. Гитлерга бир тонна бўлса-да нефть қолдиргудек бўлсангиз, сизни отиб ташлаймиз. Лекин нефть ишлаб чиқариш тармоғини йўқотишга эришсангиз-у, немислар у ерга етиб келмаса ва биз нефтсиз қолсак, у ҳолда ҳам сизни отиб ташлаймиз.

– Муқобил йўл йўқми? – сўради Байбаков.

– Бунинг учун, йигитча, – жавоб берди Сталин – елкангизда бошнингиз бор. Уйланг. Зудлик билан жанубга жўнанг ва ҳамма масалани Будённый билан бирга ҳал қилинг.

Байбаков Сталиннинг шахсий топширигини уддалади. Хрушчев даврида у РСФСР Госплани раислиги пайтида гапга кирмагани боис Краснодарга халқ хўжалиги кенгашини бошқаришга юборишди. Сўнг яна Москвага қайтаришди. Хрушчев истеъфога чиққач, Брежнев билан Косигин Николай Константиновичга Иттифок Госплани раислигини таклиф қилишди. Лекин у каерда ишламасин, киндик қони тўкилган юртни асло унутмас эди.

– Байбаков Озарбайжонга жуда яхши муносабатда бўларди, – дея таъкидлайди Николай Иванович Рижков. – Кўп йиллар мобайнида у СССР Олий Советида Озарбайжоннинг вакили бўлди. Ҳайдар Алиевич Москвага йўли тушса, доимо Байбаковни кўриб ўтарди.

Госплан раиси ана шундай дилкаш учрашувларга, одатда, узининг тўртта биринчи ўринбосаридан энг биринчиси – Рижковни таклиф қиларди.

МҚнинг улар учун унутилмас Пленумидан кейин Алиев билан Рижков иккови «бир аравага қўшилди». Рижков МҚда иктисодиётни бошқарди, Алиев эса ҳукумат раисининг биринчи ўринбосари бўлди.

Ҳайдар Алиев ўзидан кейин ҳеч қандай ҳужжат қолдирмаган, унинг таржимаи ҳоли, ҳатто, туғилган жойи-ю, ота-онасининг келиб чиқишигача, барчаси қайта ёзилган, деган гапларни кўп бор эшитишга тўғри келди. Бу хил гапларга қўшилмаймиз. Андроповнинг маҳкамаси кадрларни ҳар қанақа рентген апаратидан ҳам аъло даражада кўра оларди. Ишончимиз қомилки, Бош секретарь ўзи билан бирга Сийсий бюрого олган киши ҳақида, етти ота-бобосигача ҳамма нарса-ни биларди. Алоқалари, атрофдагилар, одатлари, саломатлиги, қизиқишлари – ҳамма-ҳаммасидан хабардор эди. Дарвоқе, ана шу тавсифлар ичида, айниқса, интеллектуал салоҳияти ва шахсий ҳаётда қаноатлилиги, зоҳидона ҳаёт кечириши юксак баҳоланганди.

Минисрлар Советининг Раиси Николай Александрович Тихонов Андроповга Брежневдан ўтган эди. Юрий Владимирович негадир уни алмаштириб ўтирмади, лекин Тихоновнинг биринчи ўринбосари қилиб Алиевни тайинлади.

Унинг сиймосида давлатдаги иккинчи мансаб ворисини кўрган бўлса ажаб эмас. Кремль ботинидаги муҳитнинг яхши билагонлари бўлган суҳбатдошларимиз шундай тахминларни айтишган эди.

– Ишончим комил, Юрий Владимирович Андропов СССР Министрлар Советининг Раиси вазифасида Тихоновни эмас, бошқа кишини кўрган эди, – дея ўз мулоҳазалари билан уртқолашади Николай Семенович Конарев. Ҳозирги пайтда у Россиянинг энг йирик транспорт-экспедиция фирмаларидан бири «Интертранс» ЁАЖга бошчилик қилмоқда. Бу лавозимдан олдин тўққиз йил мобайнида Совет Иттифоқининг алоқа йўллар министри бўлган эди, ушбу вазифага 1982 йил ноябрь ойида Андроповнинг тавсиясига биноан тайинланганди. – Министрлар Советини кўламдоррок, ҳаракатчан, йирик ташкилотчи ва нуқтадон сиёсатчи бошқариши лозим эди. Бу борада миллий масала ҳам ҳисобга олинганди – кўп миллатли мамлакатни бошқарадиган ҳукумат фақат руслардан иборат бўлиб қолмаслиги лозим эди. Юрий Владимирович кадрларни ҳар қимдан кўра яхшироқ биларди. Уша пайтда ва кейинчалик унинг кадрлар билан ишлаш сиёсатини таҳлил қилар эканман, Алиевнинг тайинланиши узокни мўлжаллаб кўрилган тадбир эди, деган хулосага келдим. Афсус, Андроповнинг умри қисқа экан...

Бундай тайинловдан Тихонов асло хурсанд бўлмаган эди. Бир пайтлар унинг ўзи ҳам Косигиннинг биринчи уринбосари бўлганди ва унинг юксак обрў-эътиборга қарамай, аста-секин ўрнидан силжитиб, мақсадига интилиб борганди. Қартайиб қолган Тихонов Алиев тимсолида истаган маҳали ўзининг ўрнини олувчи, Бош секретарнинг катта ишонч-эътиборини қозонган рақибни куради. Николай Александрович бошқа биринчи уринбосарларидан ҳайиқмас эди: Байбаков билан Архипов унинг тенгқурлари эдилар, қолаверса, пешоналарига юксак партиявий рутбалар ёзилмаганди. Министрлар Советидан фақат икки киши – Тихоновнинг ўзи билан Алиевгина Сиёсий бюро аъзоси эди. Шундай экан, қолган уринбосарлар орасида назар биринчи бўлиб Алиевга тушарди-да. Бироқ Тихонов сафарга ёки таътилга кетар экан, ҳеч қачон ўз ўрнига Алиевни қолдирмасди. Албатта, бу нарса Ҳайдар Алиевичнинг иззат-нафсига тегарди, лекин у сир бой бермаслик илмини эгаллаганди.

Андроповдан тортиб Горбачевгача – орада қиёфасиз Черненко бошқарган давр билан – беш йил Кремлда, Министрлар Советида кечди.

– Йўлларимиз доимо туташарди, – дейди Николай Иванович Рижков уша йилларни хотирлаб. – Алиев транспорт, енгил саноат ва бошқа бир қатор тармоқлар билан шуғулланарди; МК секретари бўлганим учун менга Госплан, Нарх-наво комитети ва ҳоказо тизимлар боғлаб қўйилган эди. Янги вазифадаги



ишимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб ҳамкор, ҳамнафас бўлиб иш олиб бордик. МКда ҳам, Министрлар Советида ҳам куришиб турардик, хужжатлар устида биргаликда ишлаган пайтларимиз ҳам бўлган; кундалик ва келгуси ишларимизни муҳокама қилардик.

Ҳайдар Алиевич басавлатлиги билан ўша пайтдаёқ кунглимга ўтиришганди. У ниҳоятда киришимли киши эди. Ҳеч қачон одамови, калондимоғ, тунд бўлмаган. Ўта хотиржам, ҳазил-мутойибага ҳам майли бор эди. У билан инсонларча ишласа бўларди.

### **Министрлар Совети: кундалик ташвишлар**

Министрлар Советининг ва ҳукумат раиси биринчи ўринбосарининг, бунинг устига, аниқроғи, биринчи навбатда, Сиёсий бюро аъзосининг иш кунлари нималардан таркиб топади? 1983 йилнинг дастлабки ойлари тарихини бирма-бир варақлаймиз.

1983 йил 3 январь, душанба. Совет делегацияси Прага-га СМК (Варшава Шартномасига аъзо давлатларнинг сиёсий маслаҳат комитети) ишида қатнашиш учун учиб кетди. Делегация раҳбари Юрий Владимирович Андропов билан биргаликда Министрлар Совети Раиси Н.А. Тихонов, ташқи ишлар министри А.А. Громико, мудофаа министри Д.Ф. Устинов, КПСС МКнинг секретари К.В. Русаковлар ҳам жунаб кетишди.

Кузатиш маросими тўлиқ адо этилди. Газеталар, протоколга биноан, Алиевдан тортиб Рижковгача бўлган кузатувчиларни бирма-бир санаб ўтади. У расмий тушилган суратда ўнгдан энг чеккада эди. Орадан икки йил ўтгач, Николай Иванович расмий қаторнинг марказида турадиган бўлади. Алиев эса Тихоновнинг ортида туради. Николай Александрович раҳбарлик қилишга интилган кўринади, чоғи. Суратда Горбачев йук эди. Чамаси, таътилда бўлса керак. «Социалистик индустрия» газетасининг айни шу сонида йилнинг ишга тушириладиган йирик иншоотлари харитаси келтирилган: атом электр станцияларининг беш (!) блоки, учта Иссиқлик электр станцияси (ГРЭС), Ёкутистон ва Красноярск ўлкаларидаги йилига 20 миллион тонна кўмир олинадиган янги конлар, Уренгой – Ужгород (4,5 минг километрли), Уренгой – Новопсков (1,5 минг километрли) газ ўтказгичи ишга туширилиши белгиланганди; пўлат, прокат ишлаб чиқарувчи янги қувватларнинг ҳам ишга туширилиши кўзда тутилганди; дунёда энг йирик Череповецк металлургия заводи – ҳозирда хусусийлаштириб олинган «Северсталь»даги домна печининг бир қисми ҳам шулар жумласидан эди... Булар оғир индустрия иншоотлари, холос. Яна шакар заводлари, гушт комбинатлари, қандолатчилик фабрикалари, туқимачилик кор-

хоналари, тураржой бинолари, поликлиникалар, санаторийлар қурилиб, ишга туширилиши режалаштирилганди. Шунингдек, видеомагнитофонлар ишлаб чиқариш сингари ҳаёт ўзи илгари сурган вазибалар ҳам анчагина эди.

Филипп Денисович Бобковнинг хотирлашига кўра, КПСС Марказий Комитети 1980 йилдаёқ махсус комиссия тузган эди. Аъзолар бир неча марта йигилиб, бу нарса бизга керак эмас, деган фикр-мулоҳазани бир овоздан билдиришган. «Бизга бунинг ҳожати йўқ. Чегарачилар билан божхоначилар ўз ишини билиб қилаверсин, чегарада видеокассеталарни мусодара қилаверсин» – қўпчиликнинг фикри шундай эди. Шу жумладан, СССР алоқа министри В.А. Шамшин, СССР маланият министрининг биринчи ўринбосари В.И. Попов, СССР телевидение ва радио давлат комитети раиси С.К. Лапинлар ҳам ана шу нуқтага назарни қўллаб-қувватлашди. Видеотехникани ўзимизда ишлаб чиқариш тўғрисидаги таклифга фақат СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Г.М. Корниенко ва СССР давлат кино комитетининг раиси Ф.Т. Ермаш баъзи чеклашларни жорий этиш билан рози бўлишди.

Орадан икки йил ўтди. Ю.В. Андропов КПСС МКнинг Бош секретари этиб сайланган куннинг эртасига комиссия аъзолари яна йиғилишди. Бу гал видеотехника ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалани СССР Министрлар Советига киритишга оид қарор маъқулланди. Министрлар Совети мажлисини Ҳайдар Алиевич Алиев олиб борди. Совет саноати видеотехника ишлаб чиқаришга киришди.

1983 йил 9 апрелда КПСС МК Сиёсий бюроси СССРнинг 2000 йилгача мўлжалланган узок муддатли энергетика дастури лойиҳасини муҳокама қилди. Алиев, ҳар доимгидек, муҳим масалалар муҳокамаси юзасидан етти ўлчаб бир кесилган оғир, босиқ, пишқиқ таклифларни илгари суради.

12 апрель – Министрлар Совети ва Бутуниттифок касаба уюшмалари Марказий Совети (ВЦСПС) Меҳнат жамоалари ҳамда уларнинг қорхона, ташкилотлар ва муассасаларни бошқаришдаги роли ҳақидаги СССР қонуни лойиҳасини мамлакат Олий Совети йиғилиши кун тартибига киритишганди. Мамлакат ижтимоий ҳаётидаги янги бу ҳужжатда ҳам Алиев мулоҳазалари, аниқ таклифлари ўз ифодасини топганди.

18 апрелда қишлоқ ҳужалигини ривожлантириш ҳамда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишга бағишланган Бутуниттифок кенгаши бўлиб ўтди.

22 апрель... Сиёсий бюро Байкалорти ва Узок Шарқ районларида 1983–1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган иссиқлик-энергетика базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Кечкурун Кремлнинг Съездлар саройида В.И. Ленин тугилган куннинг 113 йиллигига бағишланган таътанали йиғилиш бўлиб ўтди. Президиумда – Кремлнинг барча «лашқари» жойлашган. Яқиндагина Ставрополь улка партия комитетининг биринчи секретари бўлиб юрган М.С. Горбачев КПСС МКнинг секретари сифатида маъруза қилди. Биз билан суҳбатда Байбаков қуйдагиларни эслайди: 1976 йили – унинг хузурига – Госпланга Ставрополь улка партия комитетининг ёш, серғайрат, фаол секретари қўйчиликни ривожлантириш таклифи билан келган эди. Уша пайтда (Байбаков 90 ёшдан ошган бўлишига карамай, рақамларни аниқ айтарди) СССРда битта қўйдан олинаётган жун 2,6 килограммни ташкил этса, Австралияда 10 килограмм жун олинаркан: Горбачев ана шу кўрсаткични ўлкада 6 килограммга чиқаришга ваъда берди. «Унинг дастурини қўллаб-қувватлаш тўғрисида кўрсатма бердим, – дея эслайди Николай Константинович Байбаков. – Менга айнан қишлоқ хўжалиги бўйича уринбосар керак эди. Турт кишининг номзодини таклиф қилишганди, улар орасида Горбачев ҳам бор эди. Михаил Сергеевич, келавер, ўзинг суйган иш билан машғул бўласан», – дедим. «Шундай масъулиятли вазифани удалай олармиканман?» – эътироз билдирди ва шу заҳоти қўздан ғойиб бўлди. Орадан икки йил ўтиб, ўзи қўз тиккан жойга – КПСС МКга ишга келди. МКнинг секретари бўлди. Бу ишни эплай олиш ёки удалай олмасликдан чўчигани йўқ.

Михаил Сергеевич Ленин ва ленинизм, Коммунистик партия ва совет давлати шаънига мадҳу саноли ёғдириб ташлади. Булажак Бош секретарнинг ўз партияси ва унинг идеалларидан, ўзи оғт ичган садоқатдан тониб, улардан воз кечишига бор-йўғи саккиз йил қолганди. Ушанда бу нарсалар кимнинг ҳам ҳаёлига келибди, дейсиз?

Уша маърузани қайта ўқир экансан, сийқаси чиққан гаплар эканлигини дарров пайқайсан. Иқтисодиётдаги инсон омили тўғрисидаги фикр йилт этиб пайдо бўлади-ю, «ингизомни мустаҳкамлаш – ҳар кимнинг бурчи» тарзидаги даромадбоп гаплар ортига беркиниб олади; яна «ўрток Андропов таъкидлаганидек...» сингари янги Бош секретардан иқтибос келтиришни ҳам унутмайди.

– Ишончимиз комилки, – дея лоф уришга ўтади Горбачев, – ғоялар курашида пировард ғалаба ҳақиқат ва гуманизм, марксча-ленинча мафкура тарафида бўлади. Биз, коммунистларга тарих томонидан шу пайтгача инсоният тасарруфида бўлган энг қимматбаҳо бойлик – гениал мутафаккирлар ва инқилобчилар Маркс, Энгельс, Лениннинг ғоявий мероси ишониб топширилган.

1983 йил 10 май куни Ҳайдар Алиев 60 ёшга тулди. Уни Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг иккинчи «Уроқ ва Болғ»

олтин медали билан мукофотлашди. Газеталар КПСС МК, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг кизгин кутловларини эълон қилди. Алиевни табриклар Кремлга келгувчилар қаторида Филипп Денисович Бобков ҳам бор эди. Юрий Владимирович Андропов йўллаган табрикномани Ҳайдар Алиевич қанчалик ғурурланиб қўрсатганлигини Филипп Денисович мамнуният билан эслаб: «Бу унинг учун энг юксак баҳо эди», – дейди.

Ана шу, эхтимол, болаларча чексиз ифтихор туйғулари ортида феъл-атвор аломаглари қуриниб турибди. Йиллар ўтиб, катта учрашувларнинг бирида Озарбайжон Президенти ҳар бир киши ўз меҳнатининг муносиб тақдирланишини истайди, «мен ҳам шунни истардим», деганди.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш жоиз: уни яхши билганлар баҳолашича, Ҳайдар Алиев асло шуҳратпараст, иззатталаб кимсалар тоифасидан эмас. Даль таърифлаган, «шуҳрат, унвон, мактов-мансабларга муккасидан кетган, маънавий эътиқод асосида эмас, аксинча, тескарича иш юритган одамлар» хилидан эмасди. У мактов, олқиш учун заҳмат чекмади! Лекин мактов, меҳнати эътироф этилиши кимгаям ёкмайди, дейсиз?

Алиевнинг иш тартибида темир йўл транспорти масаласи энг куп вақтини оларди. Бу – Андроповнинг шахсий тошшириғи эди. Бош секретарь Совет Иттифоқининг харитаси узра куз югуртирар экан, мамлакат темир йўли ҳам иқтисодий, ҳам стратегик, ҳам умуммиллий вазифани бажараётган, улкан иттифоқдаги халқларни бири-бири билан боғлаётган, яхлит бир бутунликни вужудга келтираётган тармок, деяр таъкидлашни яхши қўрарди. Бироқ кейинги йилларда темир йўлдаги иш анча сусайганди. Алоқа йўллар министри Павловскийни Сийсий бюрого суҳбатга чақиришди. Тайинли бирор гап айта олмади, нукул четдан кимдир айбдор бўлиб чиқди. «Бу министр билан йўлимиз бир эмас экан», деган хулоса чиқарганди Андропов ушанда.

Орадан бир ҳафта ўтгач, 29 ноябрда пленумдан кейин Николай Семенович Конаревни янги алоқа йўллар министри этиб тасдиқлашди. Бундай одамлар тўғрисида: танглайи темир йўлда кўтарилган дейишади. Ишлаб туриб ўқиган ва яна ўқиб туриб ишни давом эттирган, инсоф-диёнат билан ишбилармонликни ҳаётининг бош аъмолига айлантирган эди. Темир йўл бўлими бошлиғи, Жанубий темир йўллар (Харьков) бошлиғининг биринчи ўринбосари, бошлиғи, министр ўринбосари, министрнинг биринчи ўринбосари... Ана шу вазифани адо этиб турган бир пайтда уни Андропов ҳузурига тақлиф қилишди.

Хонада, бошқа республикалардан келадиган уртоклардан ташқари, Сийсий бюронинг деярли барча аъзолари жамулжам бўлганди.

– Урток Тихонов менга Алока йуллар министрлигини бошқаришга розиялик билдирганингиз тўғрисида ахборот берди, – деди Андропов. – Биз бу қарорни тасдиқлаймиз. Сийёсий бюрода транспорт масалалари билан урток Алиев шуғулланади. Бизга саволларингиз йўқми?

– Бор, – деди Конарев. – Биттагина саволим бор. Агар темир йул транспортига муносабат ҳозиргидек давом этадиган бўлса, 90-йилларга бориб мамлакат иктисодиёти ривожига жиддий тўғаноқ бўламиз.

Кейин Николай Семенович бир нечта рақамни келтирди. 1970 йилда тармоқ 80 минг янги вагон олди. 1980 йилга келиб 70 мингтага тушиб қолди. Иш ҳажми эса 25 фоиз ортгани ҳолда вагонлар парки 15 фоиз қисқарди. Аҳвол шундай экан, юк ташишни қандай қилиб таъминлаш мумкин? Локомотивлар, рельслар билан боғлиқ ишлар ҳам яхши эмас. 50-йиллар бошида темир йул транспортига ажратиладиган маблағ бюджетнинг 11 фозини ташкил этган эди; 1982 йилда ушбу курсаткич 4,2 фозизга тушиб қолди. Дарҳақиқат, атом энергетикасини ҳам, бошқа тармоқларни ҳам ривожлантириш лозим, лекин темир йул юк ташиш ишларини вақтида адо этмаса, аҳвол нима бўлади?

Ушбу муҳокамада Госплан раиси Николай Константинович Байбаков ҳам иштирок этаётган эди. Андропов ун иккинчи беш йиллик ҳақидаги бундан аввалроқ ҳар томонлама уйлаб, ҳисобга олинган, бу транспортни ривожлантириш беш йиллиги бўлиши лозим, деган хулосани, афтидан, унга йўллаган эди.

Бир неча кундан кейин Алиев Конаревни ҳузурига таклиф қилди – ёрдамчилари орқали чакиртирмай, ўзи телефон қилди. Министр бир ярим-икки соатда қайтсам керак, деб кўнглидан ўтказган, уринбосарларига ҳам шундай деганди.

– Сухбатимиз тўрт соату ун беш дақиқа давом этди! – дейди ҳайратини яширолмаётган Николай Семёнович.

Тўрт соатдан ортиқ вақт мобайнида улар темир йул хўжалиги билан боғлиқ ҳамма масалаларни, бир-бирига алоқадор барча тармоқлар муаммоларини саҳифама-саҳифа кўриб, синчиклаб урганиб чиқишди. Фақат дастлабки уч-тўрт дақиқада Алиев ўзи ҳам темир йулчи оиласидан эканлигини, отаси Нахичевандаги станция водокачкаси<sup>1</sup> мастери бўлганлигини, ҳар бир паровоз учун ташвишланганини эслади...

Госплан раисининг уринбосари, темир йул транспортни ва умуман транспорт соҳасининг энг катта билимдонларидан бўлган Виктор Ефимович Бирюков билан кечган суҳбат ҳам шу тахлит ғоят мазмунли бўлганди.

Россиянинг яқин воқелигига онд бир ҳолат эсга тушади. Премьер Касьянов марказий муассасалардан бирининг

<sup>1</sup> *Водокачка* – сув чиқарадиган насослар ўрнатилган бино.

рахбарини қабул қилаётган пайт эди. Унинг саволлари йиғилиб қолган, ҳукумат бошлигининг иш кунининг ҳар бир дақиқаси ҳисобли эканлигини билгани боис, гапни лунда ифодалай бошлайди. Шу пайт дам олиш хонасидан шахдам кадамлар билан бир киши чиқиб келди, ундайларни Русда олигарх, деб аташади. «Миша, вақтим зик, жудаям шошилаяпман, кетдик!» – деди. Кузлари ёниб турган йигитларнинг фикри-зикри пул топишда эди. Тармоқлар, иқтисодиёт, минтақалар муаммолари билан нима иши бор! Така бўлсин сут берсин! Нимаyki даромадли бўлса, ушя энг муҳим, деб ўйлашади-да. Пул, пул, пул... Вақт бу – пул, деб бежиз айтишмаган. Улар учун нимани бошқаришнинг аҳамияти йўқ. Рус нефтиними ёки рус кумириними, Россия осмониними ёки денгизлариними! Улар билан бирга бўлмаганларни истезфога, нафақага чиқаришади ёхуд бир пайтлар паровозлар бир чеккага чиқариб қўйилганидек, суриб ташлашади!

Николай Семенович Конарев министр ўринбосари булиб ишлаган йиллар якшанба кунинда вазирлик бўйича навбатчиликда эди. Телефон жиринглаб қолди.

– Косигинман. Салом, ишлар қалай?

– Ҳаммаси жойида, Алексей Николаевич. Яхши.

– Қанақасига яхши бўларкан, Рига бандаргоҳидан ғалланинг олиб чиқиб кетилишини таъминлай олмаётган бўлсангиз?

Бандаргоҳлар чет эл ғалласи ортилган, юк ташийдиган кемалардан юкни вақтида тушириб ололмас, улар эса Рига, Ленинград, Мурманск бўйлаб санғиб юришарди. Вагонлар етишмасди.

– Тезда чорасини курунг, икки кундан кейин натижасини хабар қиласиз – гапни қисқа қилди Косигин.

Икки кундан сўнг Бош министрининг топширигини бажараркан, Конарев Косигин қабулхонасининг телефон рақамларини тера бошлайди; Алексей Николаевич таътилда эканлигини, Алоқа йўллар министрлигига Латвиядан телефон қилганлигини билди. Ҳатто таътилда ҳам у ишдан узилиб кетолмасди.

Конаревнинг хотирасида яна бир нарса қолган. Ғарбий Сибирда нефть казиб олиш тобора ортиб борарди. Уни экспортга чиқариш учун бир йўла қудрагли нефть оқизиладиган қувурлар, темир йўл қурила бошлади. Янги тепловозларни ўзлаштиришга киришилди. Улар учун двигателлар Коломенск ва Харьков заводларида ишлаб чиқарилди. Давлат комиссияси Коломенск дизелини маъқул топган эди; у яхши бўлиб чиқмади. Охири иш Косигинга бориб тақалди. Алоқа йўллар министри Павловский Министрлар Советидаги йиғилишга Конаревни юборган эди. Николай Семёнович ўз мутахассислари билан олдиндан маслаҳатлашиб, Коломенск дизели ҳали тайёр эмас.

деган қатъий хулосага келганди. Жойлардаги темирйўлчилар ҳам бу нарсага ишонч ҳосил қилишганди.

– Тайёр эмас, деганингиз нимаси? – ёш министр Уринбосарининг гапини кескин бўлиб сўради ҳукумат раисининг Уринбосари Кириллин. – Мана, саккиз киши имзо чеккан акт – расмий ҳужжат; унда Алоқа йўллар министри Павловскийнинг ҳам имзоси бор.

Дарвоқе, Павловский ўз уринбосарини Косигин ҳузуридаги йиғилишга юборар экан, ҳужжатга имзо чекканлигини айтмаганди. Унинг йуриги бошқа эди: «Коломенск дизелига розилик берма».

– Алексей Николаевич, – Кириллиннинг хуноби ошиб, тутокиб борарди, – бу нима деган гап, министр имзо чеккан бўлса-ю, уринбосари норози бўлса!

Мажлис кечаётган катта зал сув қуйгандек жим-жит бўлиб қолди.

Косигин Конаревга разм солди, сунгра Кириллинга қараб қўйди, лабида ним табассум бор эди.

– Биласизми, урток Кириллин. ким нимага имзо чекканлиги мени кизиқтирмайди. Менга ҳақиқат муҳим. Яхшиси Томскдан келган депо бошчилигининг фикрини эшитақолайлик.

Косигин шу тариха ҳақиқатнинг тағига етганди. Алиев, Конарев, Бирюков шу тахлит иш олиб боришарди...

Уша тўрт соат ичида темир йўл транспортидаги асл аҳволни батафсил таҳлил қилиб чиқишганди.

– Алиев сиймосида, – дея эслайди Конарев, – кизиқувчан, зукко суҳбатдошнингиз эмас, балки ақлли, кенг куламда фикрловчи давлат арбобияни учратдим. У муҳимни иккинчи даражалисидан жуда тез ажратиб ола биларди, шундай оқиллик билан муҳим нуқтани топа билардики, колгани хамирдан қил суғургандек буларди-қоларди. Бу одам доно зот эканлигини ушандаёқ ҳис қилгандим. У факат техника масалалари билан чекланиб қолмасди; қатор-қатор муаммолар ортида одамларни кўриб турарди.

80-йил охирилариғача темир йўл хизматчилари Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ҳисобланмаганлигини кўпчилик билмайдди. Улар бомбалар, снарядлар ёғилиб турган бир пайтда поездларни состави билан фронтга олиб боришарди; қатор-қатор эшелонларни олов халқаси ичидан асбоб-ускуналар билан мамлакат ичкарасига – эвакуацияга жунатишарди-ю...

– Уруш қатнашчилари булган темир йўлчилар хотирасини абадийлаштириш ниятида бир китоб нашр этишни уйлаб юрардим, – дейди Конарев. – Шундай китоб чиқди ҳам. «Темир йўлчилар Улуғ Ватан уруши йилларида» деб аталади. Унда паровозларни бошқарган, жанг қилган, паровознинг унг қаноти ёнида турган одамлар ҳақида ҳикоя қилинади. Вагон назорат-

чилари, стрелкачилар<sup>1</sup> меҳнатини чинакам қаҳрамонлик деб атагим келади. Тасаввур қиласизми, душман темир йўл узеллари ва станцияларига йигирма минг мартадан ортиқ хужум қилган, 115 минг километрли темир йўл изини қайта тиклашга мажбур бўлинди. Ушбу китобни Хайдар Алиевичга мамнуният билан тақдим этгандим...

Махсус тузилмаларда ишлаган темир йўлчилар Улуғ Ваган уруши қатнашчиси деган мақомга эга бўлиши учун кўп йиллар кутишга тўғри келди.

Алиев ҳукуматда бажарадиган вазифалари қаторида яна Министрлар Советининг тезкор масалалар бўйича комиссиясини (комиссия по оперативным вопросам) ҳам бошқарарди, у қисқача КОВ деб юритиларди. Ана шу комиссия йиғилишларида нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министрининг биричи ўринбосари Юрий Петрович Баталин ҳам ҳамиша иштирок этарди; у кейинчалик СССР Давлат меҳнат комитетини бошқарди, СССР ҳукумати раисининг ўринбосари бўлди.

– Ушбу комиссия кун тартибига турфа хил масалалар олиб чиқиларди; комиссиянинг номидан ҳам маълумки, ундаги масалаларга зудлик билан аралашини, уларни тезликда ҳал этиш талаб қилинарди, – дея эслайди Баталин. – Ғарбий Сибирдаги бешта энг йирик газ ўтказгични қуриш, газ саноатини ривожлантириш; шунингдек, Уренгой – Помари – Ужгород йўналишида экспорт газ ўтказгичининг қурилиши газ саноати комиссиясининг доимий назоратида эди..

Партия ҳужжатларида ушбу қурилишлар тўғрисида суз юритилар экан, беш йилликнинг марказий вазифаси, дейиларди. Баталин нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши миистрининг биринчи ўринбосари сифатида бевосита ана шу масалалар билан шугулланарди.

– Ҳар ҳафтада бўлиб турадиган КОВ йиғилишига министр мени жўнатарди, – дейди Юрий Петрович хогираларини давом эттираркан. – Алиев ана шу мажлисларни олиб бора бошлагач, унинг омиққорлиги, билимдонлиги, хофиза куламининг кенглиги-ю, теранлигидан хайратга тушардим. Ишнинг кузини аъло даражада билиши шундоққина қуришиб турарди. Турли нуқтаи назарларни диққат билан эшитади, уларни бир-бири билан қиёслайди, шундан кейингина қарор қабул қилади. Барча мушоҳада-муҳокамаларидан улкан билим, тажриба ва теран идрок қуришиб турарди.

КОВга ниҳоятда кенг тармоқларга тегишли кўплаб масалалар киритиларди. Уларни дарров баҳолаш кийин бўларди.

<sup>1</sup> *Стрелкачи* - темир йўлларда бир йўлдан келаётган составни иккинчи йўлга солиб юборадиган стрелкаларга қараб турувчи ва бу стрелкаларни бир йўлдан иккинчи изга буриб турувчи ишчи.



Шунда мураса йўлини топиш учун гуруҳлар ташкил этиларди. Лекин купинча бунга вақт етишмай қоларди. Айтайлик, трассага қувур етказиб бериш кечикаяпти. Нима учун? Заводнинг қурби етмаяптими? Ёки айб темир йўлдами? Қайси бугинда иш пайсалга солинмоқда? Ҳақиқат қаерда?

КОВ ҳамisha шугулланиб келган масалалардан бири газ ўтказгич трассалар, қонларда вужудга келиб турадиган муаммолар эди. Темир йўлнинг Свердловскдан Тюменгача ва Тюмендан Тобольскгача бўлган қисмларида юкнинг қўлигидан доимо ғиғизлик вужудга келарди. Темир йўлларга иккинчи йўллар қурилар, станциялардагилари кенгайтириларди... Шундай эса-да, барибир, муаммо, қамаймасди. Эски тажриба асқотиб қолди; нефть ва газ қувурлари ётқизилаётган қурилиш объектларига трубалар етказиб беришда, ҳарбий эшелонларда қузатилгани сингари, вагонлар ҳарақатини бошқарувчи диспетчерлик назорати жорий қилинди. Ушбу жараёнда ҳам Алиев ғоят фаол иштирок этганди. Шундан сўнг нефть ва газ саноати қурилиши министрлиги бу борада муаммоларга дуч келмади. Алиев ўзининг сабр-тоқати билан ажралиб турарди, кимлар астойдил ишляяпти-ю, кимлар ўзини ишчан қилиб кўрсатаяпти, ҳаммасини қуриб-билиб, баҳолаб борар, ҳар қандай ҳолатда ҳам энг тўғри йўлни таниларди, тўғри қарорлар қабул қиларди. Ҳар бир сўз ортидаги маъномоҳиятни тез илғаб олиши жиҳатидан у одамлар қўнглини нозик аглаб олувчи катта руҳшунос ҳам эди, дегим келади.

КОВ раиси, ҳар доимгидек, аниқ қарорлар қабул қиларди. Ҳар бир сўзи мантикий асослангани, теран мушоҳадаларга таянгани билан ажралиб турарди. Ҳис-ҳаяжонни тезда жиловлай биларди. Ҳайдар Алиев КОВнинг ҳар бир йиғилишига қанчалик жиддий, пухта ва синчковлик билан тайёргарлик кўрганани шундан ҳам билиш мумкин эди.

– Алиев ўзининг адо этган Министрлар Советидаги вазифасига кўра ёки ҳукумат топшириғига биноан бошқарган қўлаб йиғилишларда бўлганман, – дея хотирлашда давом этади Юрий Батални. – Молиявий муаммоларнинг ҳаммаси бизга, Меҳнат комитетига оқиб келадигандек эди. Уларни ҳал қилиш учун маблағ талаб этиларди. Жумладан, район коэффицентларини жорий этиш, у ёки бу қорхоналарни, регионларни ривожлантиришни рағбатлантириш учун. Ўқитувчиларнинг маошларини ошириш ҳам шулар жумласидан эди.

Лекин, пулни қаердан олиш мумкин? Давлат меҳнат комитети таклиф киритади, Молия министрлиги эътироз билдиради. Хусусан, шу хил келишмовчилик ўқитувчилар маошини ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келган эди. Давлат меҳнат комитети МК ва Министрлар Советининг мактаб тўғрисидаги қарордан келиб чиқиб, ўқитувчиларнинг фикр-мулоҳазаларига суяниб, ўз таклифларини тайёрлаган эди. Молия министрлиги

ортикча ҳаражатлар талаб қилинмоқда, дея эътироз билдирди. Мен молия министри Гарбузов ҳузурда, Госпланда бўлдим. Турли йнгилишларда иштирок этдим. Уз нуқтаи назаримизни қаттиқ туриб ҳимоя қилдим, сабаби, у чуқур асосланган, республикаларда ўқитувчилар муҳокамасидан ўтган, Педагогика фанлари академиясида, партия ва совет органларида чиғириқдан ўтказилган, чоғиштирилган эди. Тўғри, талаблар анча катта эди, лекин биз, уйлашимча, оқилона ечимини топдик. Бироқ Молия министрлигига бу ҳам куп қуринди – ҳаддан ташқари деб ҳисоблади.

Ҳайдар Алиев олиб бораётган навбатдаги мажлисларнинг бирида эътирослар жунбишга келиб, ҳис-ҳаяжонларни жиловлаб бўлмади қолди. Давлат меҳнат комитетининг таклифлари тўғрисида ахборот бераётган эдим, Гарбузов сўзлаш учун Алиевдан ижозат олмаган ҳолда, қўққисдая мени қаттиқ танқид қила бошлади. Унинг таянадиган далил-исботи йўқ эди, бундай ҳолатда, одатда, шахсиятга тега бошланади: «Бу соҳада ҳеч нарсани тушунмайсиз, фақат дилетантларгина шундай таклиф билан чиқиши мумкин».

Баталин бир зум тинглаб тургач, маърузасини давом эттирди. Гарбузов ўзини босиб ололмади чоғи, яна Юрий Петровичнинг сўзини бўлди. Баталин ҳануз ўзини босиб турарди. Лекин молия министри бундай муътабар минбарга кўтарилишдан олдин ўзидан ёши катта, тажрибали одамлардан ўрганиш керак, дея луқма ташлаб, учинчи марта унинг сўзини булгач, Баталин қисқа қилиб жавоб берди:

– Ўрганиш керак деяпсизми? Сиздан ўрганамизми?

– Жилла қурса мендан ўргансангиз ҳам бўлади, – деди министр.

– Сиздан ниманиям ўрганардик? Қўполлик, безбетлик ва беҳаёликними?

Бундай кескинликни Гарбузов кутмаган эди. Баталин эса кўнглидагини айтиб олди:

– Агар ўргатмоқчи бўлсангиз, ибрат курсатинг, сурбетлик қилманг. Бу нарса биринчи марта бўлаётгани йўқ.

Дарҳақиқат, Гарбузов орқасида турган пулнинг кучи, ўзининг катта мавқеи билан, юмшоқ қилиб айтганда, вакилларга баланддан келиб гапирадиган одат чиқарганди.

– Сиз партия Марказий Комитети аъзоси сифатида ҳаммамиз учун ўрнак бўлишингиз лозимлигини наҳотки тушунмайсиз?

Залда ўтирганлар жим бўлиб, бир-бирига қўз ташлай бошлади. Гарбузов ўрнидан сакраб туриб кетди.

– Ўртоқ Гарбузов, жойингизга ўтиринг, марҳамат, – деди Алиев хотиржамлик билан.

Лекин министр овозини тобора баландлатиб, борарди.

– Ҳуртоқ Гарбузов, – яна унга мурожаат қилди Алиев. – Сиз хотиржам ўтириб эшитинг. Асосларингиз бўлса, айтасиз. Мабодо, бўлмаса, жаҳл қилишингиз ножоиз.

Йиғилиш ниҳоясига етди. Баталин хонасига қайтди. Тўсатдан биринчи вертушка<sup>1</sup> жиринглаб қолди. Телефон қилаётган Алиев экан!

– Ҳуртоқ Баталин, Гарбузовнинг танобини тортиб яхши қилдингиз, – деди Алиев. – У ўзини жудаям босиқсизлик билан тутди. Лекин, сизга маслаҳатим, қарши жавоб бераётганда кизишманг.

Ушбу қўнғирок Баталиннинг хотирасида бир умр сақланиб қолди, боиси бу ҳам бир сабоқ эди: Сиёсий бюро аъзоси ҳамманинг олдида танбеҳ бермади.

Баталиннинг кузатишларидан яна бири: Алиев ҳамиша давлат хазинаси имкониятлари билан одамлар, тармоқлар, муассасалар манфаатлари ўртасида мутаносибликни аниқ топишга интиларди.

Баталин СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари бўлгач, Алиевни яқиндан билиб олди. У қурилиш ва яна бир қатор тармоқлар учун масъул эди. Бу пайтда Николай Иванович Рижков Министрлар Советининг Раиси эди. Баталиннинг хотирлашига кўра, ҳукумат президиуми йиғилишларида Алиев ўз нуқтаи назарини ҳамиша асослар эди. У, айрим партия раҳбарлари сингари эгаллаган мансабига ҳаволаниб, «гап тамом вассалом», «ҳеч қачон, бунақа бўлмайди деб ҳисоблайман», дея охириги нуқтани қўймасди. Алиев муҳокамани давом эттирарди: сабаби, аниқ далил-исботларни териб чиқарди.

Ҳайдар Алиевич ўсмирлигиданок у ёки бу соҳанинг билимдонларини, омилкорларини кадрларди. Ҳозир ҳам Баталиннинг қурувчилик тажрибасини муносиб баҳолади. Мабодо комиссия йиғилишида тезкор масалалар қатори қурилиш муаммолари қуриладиган бўлса, Баталиндан албатта иштирақ этишни сўрарди. «Юрий Петрович, шахсан ўзингизни таклиф қиламан. Биргаликда асосли, ишончли ечим топамиз», – дерди.

1983 йил май ойи охирида Сиёсий бюрода иттифоқдош республикаларнинг умумтаълим мактабларида ва бошқа ўқув юрларида рус тили ўқитилишини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар масаласи муҳокама қилинди. Масала ниҳоятда муҳим эди. Эстония ва Грузия, Қирғизистон ва Литвадан армия хизматига келган ёш йигитлар рус тилида қийналиб муомала қилишарди. Озарбайжонда, Украина билан Белоруссияда бу борадаги аҳвол яхшироқ эди. Дарвоқе, Ҳайдар Алиев рус

<sup>1</sup> Вертушка - ҳукумат телефони.

тилини мукамал биларди; у ким билан учрашмасин ёки гаплашмасин, ҳатто, энг сузамол, мохир ёрдамчиларини ҳам рус тилининг билимдони эканлиги билан ҳайратга соларди.

– Рус тилини шунчалик чуқур билишидан ҳайратим ортганди, – дейди Виктор Ефимович Бирюков. – Бир хужжат устида ишлаётган эдик. У ҳар бир жумлани, мазгини чакқандек ҳижжалаб ўқишга туғинади: «Бу ерда равишдош ўрам аниқрок жарангларкан». У ўз ишини катта иштиёқ билан адо этарди. Айтиш жоизки, истеъдод билан бажарарди.

Сиёсий бюро рус тили масаласи билан махсус шугулланишининг боиси бор эди: кушмилатли Иттифоқда рус тили миллатлараро алоқа воситаси бўлганлиги учун ҳам ҳаётий заруратга айланганди.

Ўз вақтида, Хрушчев раҳбарлик қилган даврда Украинада куйидагича воқеа бўлганди.

Украина Компартияси МК пленумида делегатлардан бири ўз нутқини рус тилида бошлайди. Никита Сергеевич шу заҳоти калондимоғлик билан сўзини булади:

– Сиз украин тилини билмайсизми? Украинада ишлаётган бўлсангиз?

Биринчи секретарь «мустақилликпарвар» доираларда арзон шухрат қозониш, зътибор орттириш учун лукма ташлаганди-ю, лекин республика аҳолисининг ярми руслар эканлигини, рус тили миллатлараро муомала воситаси эканлигини ўйламаган эди. Худди шундай ҳол Бокуда ҳам бўлганди. КПСС МК қошидаги Марксизм-ленинизм институтининг Озарбайжон филиалида олимлар «Озарбайжон Коммунистик партияси тарихи» муҳокамасига йиғилишган эди. 200 га яқин одам тўпланган: улар боқулик ва москвалик олимлар, Туркманистон ва Грузия, Тожикистон ва Қозоғистондан келган ҳамкасблар эди... Турли миллатга мансуб олимларнинг кенг доирасини ҳисобга олиб, муҳокама рус тилида олиб борилди. Кенгаш иштирокчилари бир қатор жиддий нуқсонларни кўрсатишди. Уларнинг фикрига кўра, «Тарих...» муаллифлари мозийга оид хужжатларни бир мунча эркин талқин қилишган; жумладан, Ленин асарларига муносабатда шу ҳолни кўрамиз. Маҳаллий партия ташкилотларининг фаолиятини, Озарбайжоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти даражасини ёритишда, жумладан, XIX асрнинг охири – XX аср бошлари Озарбайжон қишлоқларидаги аҳволни очиб беришда ортиқча бўяб кўрсатиш ҳоллари кўзга ташланади. Яна, китобда буржуа-миллатчилик партиялари ва гуруҳларига қарши олиб борилган курашлар ҳам етарлича акс эттирилмаган. «Партия ходимларининг фаолияти ўқувсизлик билан, айрим ҳолларда атайлаб бузиб ёритилган. Большевикларнинг конкрет инқилобий ҳамда партиявий ишларини акс эттириш ўрнига, китоб муаллифлари

(зарур бўлса-бўлмаса) уларнинг исм-шарифларини рўйхатлар билан эслатаверишган. Айни маҳалда, Озарбайжонда партия ташкилотларини тузиш ва уларга раҳбарлик қилишда улкан хизмат кўрсатган Жапаридзе, Оржоникидзе, Сталин, Шаумян ва ҳоказоларнинг фаолияти китобда хира ёритилган».

Ушанда маҳаллий олимлардан бири озарбайжон тилида нутқ ирод этди, унинг сўзларини таржима ҳам қилиб беришмади: «Китобда масала, Озарбайжон Россияга ёхуд Эронга қўшилиши мумкинлиги тарзида қўйилган. Нима, Озарбайжоннинг уз мустақил ривожланиш йўли бўлиши мумкинмасмиди?». Уша пайтлар учун бу фитна қўзғашдек бир гаш эди! КПСС МК учун тайёрланган маълумотномада таъкидланганидек, академик Сумбатзода, баҳсли маърузанинг бир қисмини нотикнинг хато ва зарарли мулоҳазаларини тузатиш учун таржима қилди. Йиғилишнинг охири жанжалга айланиб кетди. КПСС МК қошидаги Марксизм-ленинизм институти директорининг ўринбосари Н. Шатагин ва унинг икки ҳамкасби МКга ўн беш бетлик ошиғич маълумотнома жунатди. Республика Компартияси МКнинг биринчи секретари Мустафоев билан учрашишгани, Озарбайжон Компартияси МКдан нотик мулоҳазаларидаги нотўғри ўринларга муносабат билдиришни сўрашганини айтишди. Мустафоев бу чиқишга эътибор қаратишга ваъда қилади. Лекин «Бакинский рабочий» газетасининг 1958 йил 30 декабрь сониди берилган, кенгаш туғрисидаги танқидий руҳда ёзилмаган ҳисоботдан маълум бўлишича, урток Қурбоновнинг кенгашдаги нутқига ҳалигача баҳо берилмаган».

Албатта, бу – айрим ҳолларда содир бўладиган ҳодиса эмасди. Бу ерда гап Озарбайжон Компартияси МКнинг тарғибот-ташвиқот бўлими мудирини Қурбоновнинг қўлқоллиги, ўзини тута олмаганлигида ҳам эмас. Қурбонов мафкура ходими бўлатуриб, «Қанақасига Наримонов шахсига сизнинг буларкан? У миллат учун озмунча иш қилганмиди? Мана, сиз кирғизларни ким озод қилган?» – каби лукмалар ташлаб, ҳамкасбларининг сўзини бўлиб турди.

Наримон Кербалай Нажаф ўғли Наримоновни (1870–1925) Озарбайжондан ташқарида кўпроқ сиёсатчи сифатида билишарди. Аслида у истеъдодли ташкилотчи-маърифатпарвар, шифокор, адиб ҳам эди. У «Руслар учун туркча ва туркийлар учун русча мустақил ўрганувчилар қўлланмаси»ни тузганди, Бокуда кироатхона – кутубхона ташкил этганди; Гоголнинг «Ревизор» асарини озарбайжон тилига таржима қилганди; қиссалар, ҳикоялар, пьесалар ёзганди. Унинг «Баҳодир ва Сўна» романи рус тилида кўп бор босилиб чиққан, охириги марта 1971 йили Москвада нашр этилган. «Ушбу романда, – деб ёзганди Наримонов 1909 йили, – акли, ўқимишли ва ўз халқини жонидан ортиқ кўрган арман қизи Сўна билан мил-

латсевар, ватанпарвар талаба – мусулмон йигити Баходир ўзларининг оташин муҳаббати орқали ҳар икки халқ ўртасида асрлар давомида ҳукм суриб, бир-бирларини айириб келган хурофот чоҳини бартараф этмоқчи бўлишади...» Сўна билан Баходир эзгу интилишлари йўлида ҳалок бўладилар. Икки халқни бир-биридан йироқлаштирган хурофот уларни ўлдирган эди, ҳар икки ёш қалб келгусида барпо этиладиган эркин жамиятда синфий қарама-қаршиликка, келишмовчиликка, диний адоватга, миллий низо-нифокка ўрин бўлмаслиги учун жон фидо этдилар.

Боқуда халқ комиссари, РСФСРда миллатлар ишлари бўйича халқ комиссари (Сталин)нинг ўринбосари, Озарбайжон ХКСнинг раиси бўлиб ишлаган Наримонов ана шундай жамият ҳақида орзу қилганди. 1922 йилнинг декабри охирида Наримонов СССРнинг I-съезди делегатлари қаторида Совет Социалистик Республикалар Иттифоқини ташкил этиш ҳақидаги тарихий ҳужжатга имзо чекканди. Ушанда съезд Иттифок Марказий Ижроия Комитетининг турт раисини сайлаган эди. Бунда Иттифокни ташкил этган республикалар сони инobatга олинганди. Булар – Россия Федерацияси, Украина ССР, Закавказье Федерацияси, Белоруссия ССР эди.

Ушанда Наримон Наримоновнинг икки йиллик умри қолганди... Уни Москванинг қоқ марказига, Кремль девори ёнига, Владимир Ильич Лениннинг шундоққина қаторига дафн этишди.

Айни шу йили, вафотидан кейин, Москвада унинг «Маколалар ва нутқлар» китоби босилиб чиқади. Афсуски, бугунги кунда у унутилган. Ҳайдар Алиевнинг Кремлдаги ёрдамчилари ушбу китобни СССР Министрлар Совети Раиси ўринбосарининг иш кабинетида кўрганликларини айтишган эди. Ҳайдар Алиевнинг қалингина китобни бирма-бир варақлаётган асноларини тасаввур қилишимиз мумкин; 1906 йилги Боку мусулмон муаллимларининг съезди кўз ўнгида жонланади. Съезднинг икки раисидан бир Наримонов эди. Айнан унинг қатъий талаби, қистови билан делегатлар миллионер бой Тагаевга ёкмаган қарор қабул қилишган эди.

«Кечаги қарорларингизга қараганда Наримоновга ўхшаган узокни кўра билмайдиган одамлар съездга раҳбарлик қилаётган экан, – дейди Тагнев. – Наримоновнинг кимлигини биласизми ўзи? Чўнтагида сариқ чақаси йўқ бир одам, аслида менинг ҳисобимга ўқийди, яна бу ерда инқилобий нутқлар сўзлаб, бизни чалғитмоқда, йўлдан оздирмоқда. Кечаги қарорнинг бекор қилинишини сўрайман; негаки, у ҳукумат олдида бутун миллатга соя солади».

Шу маҳал Наримонов шахдам юриб, минбарга кутарилди. «Ўртоқлар, – деди у зал узра чўккан, пашша учса эшитилади-

ган сукунагни бузиб, – Г. Тагъев маош билан таъминлаётган стипендиатлар орасида мен ҳам борман, лекин мен Г. Тагъевнинг камбағал талабаларга ўз мустақил фикрига, нуктаи назарига эга бўлмаслиги учун ёрдам бераётганлигини билмаган эканман. Г. Тагъев шу пайтгача талабалар учун фақат унинг фикрларига суяниб, унинг мушохадалари билан яшаши учун кўмак бериб келаётган бўлса, мен ўз ўтмишим ва келажагимни иснодга қолдириолмайман. Бақириб-чақириб керак бўлган жойда мум тишлагандек жим туриолмайман, ҳақ гапни айтиш эҳтиёжи туғилган пайтда оғзимга талқон солгандек гунг қолдириолмайман. Ҳеч кимга менинг оғзимни боғлаш ҳукуқини берган эмасман, ҳамма очиқ-ойдин гапириб, адолатни ёқлаб турган, чор ҳукумати, подшоҳ жабр-зулмидан халос бўлиш учун жонини ҳам бераётган бир пайтда манфур металл учун ҳақиқатни айтмасликка мажбур қилишларига йўл қўя олмайман. Барча съезд аъзолари олдида Г. Тагъевнинг стипендия маошидан воз кечишимни мамнуният билан эълон қиламан. Токи, замонамизнинг зулмкорларига қарам бўлиб қолмайлик; токи, келажақ авлодлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини манфур олтинга сотмасинлар».

Кўп йиллар ўтгач, Ҳайдар Алиев ҳам ўз кадр-киммати, шаъни-шавкати учун очик ва мардонавор курашди. Боку шаҳрининг тоғлиқ қисмида, ҳашаматли Наримонов проспекти бошланишида Наримон Наримоновга қўйилган улуғвор ҳайкал Ҳайдар Алиевнинг ташаббуси эди.

1983 йил 1 ноябрда Алиев КПСС делегациясига бош бўлиб Вьетнамга борди. Уша сафарда Николай Иванович Рижков ҳам у билан бирга бўлганди. Рижков Алиевнинг делегация раҳбари сифатидаги фаолиятини ниҳоятда юксак баҳолайди. Вьетнамда мамлакатларимиз ўртасидаги узоқ муддатли иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик дастури имзоланганди.

20 ноябрь. Алиев Сиёсий бюронинг «Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастури»ни ишлаб чиқишга раҳбарлик қилиш ва уни назорат қилиш комиссиясининг ишида иштирок этди.

3 декабрь. Сиёсий бюро ҳукумат томонидан СССР ҳаво кодекси қоидаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилган СССР ҳаво ҳаракатини бошқаришнинг ягона тизимини яратиш бўйича талбирларни маъқуллади. Ҳайдар Алиев ушбу ҳужжатнинг тайёрланишида бевосита иштирок этди.

26 декабрда КПСС МКнинг пленуми белгиланган эди. Шу кун Юрий Владимирович Андропов шифохонадан чиқиши кутилаётган эди. Афсус! Пленум иштирокчиларига Бош секре-

тарь нуткининг матни тарқатилди. Эртаси куни бу матн газета-ларда: «КПСС МК Бош секретари Ю.В. Андропов нуткининг матни» сарлавҳаси остида босилиб чиқди.

«Таассуфларким, муваққат сабабларга кўра пленум йиғилишида иштирок этолмаялман. Лекин келгуси йил режаси асосини ташкил қилган барча материалларни диққат билан кўриб, танишиб чиқдим... Уз нуткимнинг матнини юбормоқдаман».

Алиев ана шу видолашув нутқини ташвиш ва изтироб билан ўқиб чиқди. Барча уни васият тарикасида қабул қилди. Мана, Юрий Владимирович бамисоли маъқуллагандек. Алиевга салом йуллагандек булади:

«Транспорт иши хўжалик, партия ва совет органларининг доимий диққат-эътиборини талаб қилади. Албатта, кейинги пайтда ушбу жабҳада ижобий силжишлар кузга ташланмоқда. Лекин, чамаси, бошқа тармоқларга караганда транспорт соҳасида фойдлаланилмаган захира ва имкониятлар кўпга ўхшайди, қисқа муддатларда уни ҳаракатга солиб юборишимиз лозим».

Орадан икки ой ўтмасдан, МК Константин Устинович Черненко янги Бош секретарь вазифасига сайлади.

– Уртюклар, Юрий Владимирович Андроповга партия ва ҳукуматимизга ғоят қисқа фурсат раҳбарлик қилишга тўғри келди.

Фалакнинг гардишини қарангки, унинг уринбосарига тақдир бундан ҳам қисқа муддатни чегирган экан!

Юрий Владимировични замбарак садолари остида дафн этишди. Заводлар, денгиз флоти ва дарё кемалари уч дақиқа бонг урди.

Ана шу қайғули кунларда Ҳайдар Алиев 1967 йилги илк дафъадан бошлаб икки ўртада кечган учрашувларни эслади: Бунга жуда кўп йиллар булгандек туюлди, назарида. Андропов эндигина эзлик ёшдан ўтган, навқирон пайти эди; Ҳайдар эса қирк тўрт ёшга тўлган кезлари; ҳар иккиси келишган, буйдор, бакуват...

«Брежнев дафн этилгандан кейин, – деб эслаганди Ҳайдар Алиевич, – Андропов билан иккимиз холи учрашдик. «Ёрдамнингта жудаям муҳтожман, Москвада тезроқ ишга тушишингни хоҳлайман». Аввал Брежневга айтгандек, бу гал Юрий Владимировичга рад жавобини бердим. Ўзимни Озарбайжондан булак жойда тасаввур қилолмасдим, жонажон юртим Озарбайжондан ажралишни хоҳламасдим. Лекин Андропов эътироз билдирди: «Озарбайжон энди сенга торлик қилиб қолди», – сўнг мийиғида қулиб қўйди. Рад жавобимни яна кайтарган эдим, у анча жиддий охангда деди: «Ҳайдар, сен бутун Иттифокка кераксан, Озарбайжон эндиликда сенга торлик қилади. Менинг Бош секретарликка сайланишимда овоз берган эдинг, энди ёрдам беришдан бош тортаяпсан».



Озарбайжонликлар Кремлдаги ўз одами билан чексиз фахрланишар эди. албатта, Алиев, бошқа вазифалардан ташқари, Совет Иттифокининг ислом дунёси мамлакатлари билан алоқаларига ҳам бош-қош бўлиб турарди; ислом дунёсининг унга иззат-хурмати ўзгача эди. Турли хил дипломатик топшириқлар билан Миср, Ливия, Покистон, Иордания, Ироқда булишига тўғри келди.

«1984 йили мени шошилинч равишда Дамашкка юборишди, – дея эслаган эди у. – ДХК маълумотларига караганда, Сурияда Ҳафиз Асад билан унинг укаси, Сурия махфий ахборот хизматиининг бошлиғи Рифат ўртасида келишмовчилик вужудга келганди.

Суриядаги мавжуд тузумнинг ёки раҳбариятнинг узаришини Кремлдагилар истамас эди. Зудлик билан Дамашкка йўл олдим. Соғая бошлаган Ҳафиз Асад билан учрашдим. Бетблигига карамасдан, суҳбатимиз саккиз соат давом этди. Кўп вақт ўтмасдан у укаси Рифатни Испанияга жўнатиб юборди. Шундай қилиб, орадаги ихтилоф ҳал бўлди, Сиёсий бюродагилар эса енгил нафас олишди».

Александр Дзасохов кўп йиллар мобайнида Совет Иттифокининг Суриядаги элчиси бўлиб ишлади, кейинги пайтларда эса Шимолий Осетияни бошқарди. «Сурия Президенти Ҳафиз Асаддан Алиев тўғрисида кўп яхши гапларни эшитганман», – деган эди Александр Сергеевич бизга.

## Ёт фарзандлар

Иттифок ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Алиевга йитирмалаб министрликлар, муассасалар бириктирилганди. Транспорт муаммоларидан ташқари, китоб нашри, кинематографиянинг моддий-техника базаси, соғлиқни сақлаш, болалар уйлари масалалари билан ҳам шуғулланишга тўғри келарди. Ёзувчи Лихановнинг қайдларига кўра, булар Черненконинг шахсан ўзи берган топшириқлар эди. Бу расмий топшириқлар Алиевнинг қалб амрига ниҳоятда мувофиқ келганди.

Ҳайдар Алиевич чекислик йилларидаёқ аёвсиз уруш кучага иткитиб ташлаган етимлар-у безорилар билан тўқнаш келганди. Наҳичеван ва Бокудаги болалар уйларида кўп марталаб бўлганди. 1945 йил 20 сентябрда СССР Халқ Комиссарлари Совети Раисининг ўринбосари Н.А. Вознесенский имзо чеккан «Саноят корхоналари қошидаги болалар уйлари ҳақида»ги қарордан ҳам хабардор эди. Қолхоз ва совхозларда болалар уйлари анча илгари, дехқонларнинг маблағи ҳисобига ташкил этилган эди. Жумладан, Озарбайжонда шундай бўлганди. Ички ишлар халқ комиссарлиги шаҳар ва вилоят бошқармалари

қошида болалар қаровсизлиги ва назоратсизлигига қарши кураш бўлимлари иш олиб бораётган эди. Болалар уйларига комсомол яқиндан ёрдам кўрсатарди; 1946 йили Озарбайжон ёшлари улар учун 92 та стул, 348 та тарелка, 275 та қошиқ, 1725 дона китоб, 305 та дафтар йиғиб берди. Болалар ошиб-тошиб кетганидан эмас, баъзан охириги нарсасини бериб бўлса-да, етимлар оғирини енгиллатишга интилишарди, кўпинча, ўзларида қолган энг охириги нарсаларини бўлишишар эди. Ана шу юзлаб дафтарлар орасида Алиевнинг ҳам улуши бор эди.

Орадан йиллар ўтиб, мамлакатда болалар қаровсизлигига барҳам берилди. Етимлар, очиги, унутиб қўйилди. Партия, комсомол, совет раҳбар ходимлари ана шу қаровсиз қолганлар учун вақт ҳам ажратмай, эътибор ҳам бермай қўйганди. Чамаси, кўнгилчан онг-шуурларга жароҳат етказишдан кўркишарди. Озарбайжон Компартияси МКнинг биринчи секретари Алиев учун болалар уйларини, шarti кетиб парти қолган қариялар сўнгги кунларини ўтказаетган интернатларни бориб кўриш, ҳолидан хабар олиш худди нефть корхоналарига, пахта дала-ларига боришдек оддий ишга айланган эди. Ушбу муассасаларнинг ночор киефасидан ранжиган биринчи секретарь МКга бир гуруҳ архитекторларни таклиф қилди – шундай уйлар лойиҳасини яратингки, токи болалар иссик ва шинам жойда яшайдиган бўлсин, дея топшириқ берди.

Ўзувчи, Россия болалар жамғармаси бошқаруви раиси Альберт Анатольевич Лиханов, мазлум, етим, ҳақ-ҳуқуқсиз болалар химоясига, ҳеч муболағасиз, бутун умрини бағишлаган, дейиш мумкин. Черненко Бош секретарь этиб сайлангач, Лихановнинг комсомолдаги эски кадрдони Виктор Прибитков унинг ёрдамчиларидан бири бўлиб қолди. У Лихановнинг ташвишларидан хабардор эмасми, Бош секретарь номига хат ёзиб, мурожаат қилишни маслаҳат беради.

Орадан икки кун ўтгач, Лиханов қоғозларни кутариб келди. У дунёга келибок фалокатга учраган кичик бир инсоннинг аччиқ гақдири ҳақида ёзган эди. Болаларни тарбиялаш масалалари билан кенг жамоатчилик шуғулланиши лозимлигини таъкидлаганди. Етимларга тубдан ёрдам кўрсатиш шартлигини уқтирганди. Пухта уйлаб тузилган 45 банддан иборат ҳаракат дастурини таклиф қилганди. Биринчи банддаёқ Озарбайжон тажрибасига ҳавола қилганди.

«Мамлакатимизда мактаблар қурилиши кенг ривожлангани ҳолда болалар уйлари қурилиши мутлақо олиб борилмапти. Болалар уйлари эски, кўплари инқилобдан олдин қурилган биноларда жойлашган. Замонавий болалар уйларининг илмий асосланган концепцияси йўқ. Уни яратган ҳолда, назаримда,

янги болалар уйлари курилишини бошлаб юбориш лозим. Бундай ягона, нодир тажриба Бокуда амалга оширилди. Урток Алиев шахсан курсатган эътибор натижасида бир неча йил бурун намунали болалар уйи курилди.

Назаримда, йирик саноат марказлари ҳамда чекка кишлок районларда болалар уйларининг жойлашиши болаларга ёмон таъсир кўрсатади. Олис кишлок жойларда малакали педагоглар етишмайди, катта шаҳарларда эса, бу борада ота-оналик ҳукукидан маҳрум қилинган ота-оналар фаол иштирок этадиган носоғлом муҳит вужудга келмоқда.

Чамаси, идеалдаги болалар уйлари – мактаблар типдаги махсус мактаб-интернатлар йирик марказлардан, йўл яхши бўлгани ҳолда, 50–100 километр узоқликда жойлашиши лозим, шунда маданий марказдан узоқлашмаган ҳолда болаларни ярим қишлоқ муҳитида тинч-хотиржам тарбиялаш имконияти яратилади».

Альберт Лиханов мактубини кутаринки руҳда яқунлаган эди: «Уруш йиллари район партия комитетларининг айрим секретарлари кундалик иш фаолиятларини болалар уйларидан хабар олишдан бошлар эди. Бу тушунарли. Уша уйларда бошига фалокат ёғилган халқнинг егим қолган болалари яшаётган эди. Эндиликда замон бошқа. Ҳозирги норасида етимларнинг ноалари ўзгача эшитилмоқда. Лекин, биз учун, барча нарсани гушунадиган катталар учунгина ўзгача эшитилаётгандек туюлади, холос. Болалар учун, сабабидан қатъи назар, мусибат ҳамиша аччиқ.

Партия ҳамиша болаларга биринчи бўлиб кўмакка етиб келган. Мазкур аниқ ғамхўрликни ҳам ҳал этишига ишонман».

Бир ҳафтадан кейин Бош секретарь ёрдамчиси Прибитков Лихановга телефон қилиб, Константин Устинович мактуб билан танишиб чиққанини ва курсатма берганини айтди. Константин Устинович ушбу масала билан шуғулланишни Алиевга топширганди. Бош секретарь, эҳтимол, мактубда келтирилган болалар уйлари мисолига эътибор бергандир, Алиев абитуриентлар, ҳарбий йўналишдаги мактаб-интернатлар очиш учун қатъият билан елиб-югуриб МКдан квота олганлигини эслагандир... Лихановнинг хотирлашига кўра, кейин воқеалар қуйидагича ривожланди.

«Орадан бир неча кун ўтгач, Россия маориф министрининг уринбосари Любовь Кузьминична Баясная телефон қилиб, тахминан қуйидаги мазмундаги гапларни айтди.

– МКга йўллаган мактубингиз учун раҳмат, бизга катта ёрдами тегади.

Любов Кузьминичнанинг кўнгироғи мени беҳад мамнун қилганини яширмайман, шундай эса-да, ундан сўрадим:

– Айтингчи, Любовь Кузьминична, министрликнинг ўзи шундай қилолмасмиди?

– Йўқ-да, албатта,– хаяжон ила жавоб берди у. – Биз йўллаган қоғозга идоралар ўртасидаги ёзишмаларнинг галдаги оддий ҳужжати деб қарашган бўларди; Сиз эса, ёзувчисиз, жамият номидан ҳаракат қилаяпсиз!»

Ушбу ҳолатни, назарий жиҳатданми, асослаб берганлиги учун бу аёлдан миннатдорман. Бу тахлит гапга унча ишонкирамай, мийиғимда кулиб қўйдим, айни маҳалда ҳақ ҳам, ноҳақ ҳам эдим.

Орадан бир неча кун ўтгач, мени Кремлга, Ҳайдар Алиев ҳузурига кенгашга йиғилишга таклиф қилишди. Ушанда СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи уринбосари эди. Кабинетидаги узун стол атрофида кўпчилик ўтирганди. Чамаси, ҳаммаси узаро таниш бўлишса керак, кизгин суҳбатга берилишган эди. Алиев ўз столи ёнида ўтирар, телефондаги суҳбатини яқунлаётганди. Ёрдамчиси мени ёнига бошлаб бориб, таништирди. Алиев чехрасига илик, самимий табасум қалқди; кўлимни қисиб қуришди, сўнг стол атрофида ўтирганларга мурожаат қилди: «Бу киши – ёзувчи Лиханов бўладилар, илтифот ва марҳамат курсатгайсизлар».

Умумий стол ёнига бориб ўтирдим, чапга, унга қараб бошимни ирғайман, одамлар билан сурашаман: мен биринчи бор қуриб турган кишилар менга қизиқиш билан боқишарди. Кремлда бўлиб турадиган йиғилишларда аввал сираям қатнашмаган эдим, журнал муҳаррири эсам-да, Москвада кўпчиликни танисам-да, бу ерда менга маълум биронта ҳам чехра йўқ эди. Рўпарамда буткул янги – Министрлар Совети дунёси очилган эди, очигини айтганда, ўзимни қандай туттишни ҳам билмасдим.

Эътироф этиш лозимки, Алиев бу борада менга катта ёрдам берди. Унинг қясқа ва кескин нутқи Баяснаянинг гапига тула-тукис мос тушаётганди. Ҳайдар Алиевич ўз нутқида менга ва мактубимга кўп бор мурожаат қилар, айниқса, менинг ёзувчилигимни, демак, мустақиллигимни алоҳида таъкидларди. Сузида давом этаркан, Баясная билан ўртамизда кечган суҳбатдаги бир фикрга эътироз билдирди, етимхоналарга масъул идора ва муассасаларнинг ўзи, афсуски, шу тахлит муаммоларни қундаланг қўймайди ва аён муаммоларни ҳал этмайди, деган муралоҳазаларни айтди.

Бош секретарь етимларга ёрдам курсатишга оид ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрлаш тўғрисида топшириқ берганлигини айтди. Масъул одамларни санаб ўтди, ташкилий юмушлар билан боғлиқ айрим тафсилотларни аниқлаштирди. Мактуб муаллифи билан маслаҳатлашинглар, барча ишларни, қуриладиган талбирларни у билан келишиб олинглар, дея уч бора қайтарди, сўзининг охирида менга мурожаат қилди:

– Кейинги йиғилишимизда яна қачон иштирок эта оласиз?

Бундай илтифотни асло кутмаган эдим; ахир, мен адо этаётган юмуш – сураб олишдан, ундиришдан иборат эди-да. Яна вақтим борми ёки йўқлигини сураши, туғриси, каловлатиб қўйди. Жавобига ўйланиб қолганлигимни кўриб, Алиев табасум билан аниқлик киритди:

– Бу ерда амалдорлар ўтиришибди, қачон айтсангиз, етиб келишади, ахир сиз бошқа ихтисос эгасисиз-ку; демак, қачон вақтингиз бўлади?

– Истаган кунингизда, бемалол, – дедим зўр-базўр паст овозда. – Раҳмат!

Лекин, эртақларда айгилганидек, гап деса қоп-қоп, иш деганни урвоғидан топ, қабалида бўлди. Борадиган жойларимнинг ҳаммасини бекор қилдим, телефон «жиринг» этса, қулоғим «динг». Лекин мен кутган кўнғирокдан дарак йўқ. Алиевнинг ўзига сим қоқиб сураш ноқулай. Ана шу ғалати сокиятлик икки ойга яқин давом этди, нима қилишни билмай гарантсиз қолгандим. Прибитков хотиржам қилишга уринади: «Алиевнинг ўзи ишга киришдимиз, бас, кўнглинг тўқ бўлаверсин».

Ниҳоят, Кремлдан сим қоқиб қолишди: «Йиғилиш бутун фалон соатга белгиланган, келаверинг». Эртарок етиб бордим, қўлимга қарор лойиҳасини тутказишди. Варақлай бошладим, бошимдан ҳушим учгандек бўлди. Фикрларимдан тирноқчалик ҳам қолмапти. Совуқ тер чиқиб, вужудим музлади, ўзимни ёмон ҳис эта бошладим, котибага юзландим: «Ҳайдар Алиевга айтинг, йиғилиш бошлангунча у билан кўришсам дедим».

Хузурига таклиф қилишди. Кирган заҳоти ичимдагини тукиб солдим: «Бу – даҳшат-ку! Ҳаммасини қайчилаб, қурок қилиб қўйишибди-ку! Ахир, бундай бўлиши мумкин эмас-ку!».

Алиев қулиб қўйди ва, чамаси, шундай деди: «Ҳаяжонланманг, хавотир ҳам олманг; ҳозир стол атрофига ўтиргач, сизга сўз бераман, нималар қилиниши зарур бўлса, худди шундай қиламиз».

Йиғилиш бошланди. Аввал уч министрнинг уринбосарлари, молия министрнинг биринчи уринбосари сўзга чиқишди. Катта бошлиққа мамнун жилмайиб қараб, бир овоздан мутлақо қутилмаган нукта назарларни мужассамлаштирган тенгсиз қарар лойиҳаси тайёрланган дейишди: у етимхоналар тизимини буткул алғов-далғов қилиб ташлайди, аҳволни тубдан яхшилайти, мурувват, инсонпарварликнинг юксак намунаси бўлиб қолади ва ҳоказо қабалидаги силлиқ гаплар янгради.

Алиев фикр-мулоҳазаларни билиш учун ҳаммага сўз берди, охири деди:

– Энди, МКга мурожаат қилган мактуб муаллифи мулоҳазаларини эшитамиз, фикрларини билайлик. – Менга қараб, қулимсираб қўйди.

Мендая олдин сўзга чиққанларнинг хотиржамликка ундовчи нутқлари олди-кочди гаплардан иборат бўлганлиги боис юрагимни ўртаб, жиги-бийронимни чиқариб юборганди. Жумладан, сафсата гаплар орасида қуюшқонга сиғмайдиганлари ҳам бўлди, болалар уйида овқатланиш меъёрини ҳар бир етим ҳисобига 20 тийиндан оширилса кифоя эмиш. Уни қуйидаги тарзда тасдиқлашга ҳаракат ҳам қилишди; чунончи, етимхонада болалар кўп; шундай экан, умумий қозонга ҳар бир болага қўшимча 20 тийиндан қўшиладиган бўлса, озмунча бўлдики! Бу одамлар ким учун пулни тежаб-тергаётгани, кимнинг ризқини қийиб қолишаётгани ҳанузгача менга қоронғи! Амалдорларнинг давлат хазинаси манфаатлари йўлидаги интилишими?! Фақат, бу хатти-ҳаракатлар сохта фидойилик эди, ахир, қаровсиз қолган давлат болалари ҳақида гап кетаётгандида. Бундан гашқари, болаларнинг озиқланиши буйича парҳезшунос мутахассисларнинг хулосалари ҳам бор эди, у шу суқир қалбларнинг тош қотган совуққонлигига қарши асосий дастак эди. У ерда фақат атала-бутқадан ташқари, болалар саломатлиги учун зарур витаминли озиқ-овқатлар, мева-чевалар, шарбатлар ҳам курсатилган эди, улар бундай қарор учун жиддий асос эди. Ахир, гап юз минглаб ташлаб кетилган норасидаларнинг ейиш-ичиши тўғрисида кетмоқда-ку?! Башарти, ҳокимият улар учун масъул экан, ўзини қандай тугмоғи лозим? Зикналик қилсинми? Ҳали кимга мансублиги номаълум маблағни – жонсиз бюджетни ҳимоя қилиш ғалати-ку? Лекин ҳанузгача тинмай гапириляётган ана шу бюджетга бош билан қурсок-қорин вто этсанг кифоя, халқ қонини сўргувчи қанага ўқшаш бир нарса пайдо бўлади; ваҳоланки, аслида ҳамма нарса норасидаларга тегишли-ку. Аввало, етим-есир, ғариб-ғураболар, мискинларни едир-ичир, қарияларни ҳам унутма, кейин қолганини истаганча тақсимлайвер, қолдиқлар билан хилма-хил эҳтиёжларни қондиравер. Ўз фуқаролари олдида масъулиятли булган мамлакат худди шу тахлит ўйлаб, ҳаракат қилади.

Бундай эмас экан! Ҳозирги кундагина эмас, бюджет деган сўз одамнинг юрак-бағрини ўртаб юборган, унга қолганда одамларнинг қўзи кўр, қулоғи қар бўлиб қолган ўша даврда ҳам ана шу номаълум, қуринмас каналар остонасида ниманидир кимдандир қуриқлашни ўз бурчи деб билган церберлар<sup>1</sup> яшапшарди.

Хуллас, болалар уйида ёш норасидаларга бир кеча-кундузга ажратиладиган 20 тийинни 1 сўм 20 тийин қилиб ундирдим, болалар уйи ёки мактаб-интернатдаги ишлаб чиқариш амалиётида қийиладиган чит халатлар учун 10 сўм ўрнига икки юз сўмдан ортиқ маблағ ажратилишига эришдим. Сабаби,

<sup>1</sup> *Цербер* – қадимги грек афсоналарида – жаҳаннам дарвозасини пойлаган думи илон ва уч бошли ёлдор қопаргон ит.

етимхоналар, асосан, кишлок жойларда эди, кейинчалик ҳам кишлокларда қолганди, болалар амалиётни ёруғ ва иссик цехларда эмас, трактор ёнида, дала – ялангликларда уташарди. Бунинг учун шунга мос пахтали энгил-бош, худди шундай пахтали шим, пийма-калиш, қулқоп талаб қилинарди, иссик куйлакларни эса айтмаса ҳам бўлади...

Шу тарика, стол атрофини тулдириб утирган амалдорлар чиқариб ташлаган нарсаларни Алиевнинг кузатувида, бандма-банд ундиришга эришдим. Алиев, бир бандни айтмаганда, деярли барча ҳолатларда мени қўллаб-қувватлади. Ушанда, 1984 йили В.И. Ленин номидаги болалар жамғармасини ташкил этишни таклиф қилгандим.

Етимларга пахтали калта камзул учун пул бергиси келмаётган молия министрининг ўринбосари қўқисдан ўдағайлаб қолди:

– Хорижнинг олдида нима аҳволга тушамиз? Нима, ўз етимларимизни таъминлай олмаёмизми?

Суҳбат чоғи «хайрия» сўзини қўллаган эдим чамаси, у ҳам кузга қадалди, шекилли.

Алиев, узрли оҳангда охиста деди:

– Бу нарсага хали тайёр эмасга ўхшаймиз...

Лекин эришилган, қўлга киритилган нарсалардан бошим осмонда эди. Яшириб нима қилдим, ушанда жамғарма тўғрисидаги масала мафкуравий томонга оғиб кетмасмикан, дея чўчиган эдим, чунки у Министрлар Советининг ҳам, Алиевнинг ҳам ихтиёридан ташқарида эди-да. Бир нарса аниқ эди, хайрия жамғармасини ташкил этиш ҳақидаги ният, гарчанд, у Ленин номида ва болаларга тегишли ташкилот бўлса ҳам, юрагимни ҳовучлаб тургандим, ахир, совет ҳокимияти даврида «хайрия» юмушларини ташкил этиш хусусидаги йўриқ Сусловга ўхшаган партия раҳбарлари қўлига тушиб қолгудек бўлса, етим-есирлик ҳақидаги қарор барбод бўлиши тайин эди. Эришган нарсалардан суюнчим ичимга сиғмасди, бошқа ҳеч нарса талаб қилмай қўя қолдим.

Чамаси, аппаратлар йўлақларида ортик «адашиб юрмасин», амалдорлар эса болаларни четлаб ўтмасин дебми, Ҳайдар Алиев шундай йўл тутдики, қарорларнинг янги вариантларини кўриб, виза қўярдим. Ва, ниҳоят, 1985 йили мўъжиза рўй берди – ҳукумат қарори қабул қилиниб, элга маълум қилинди. Бошим осмонда эди.

Ҳозирги таъбир билан айтганда, етимхоналару есирларнинг иктисодий аҳволи тубдан ўзгарди. Озиқ-овқат, кийим-кечак кўпайди. Болалар ғариб кийим-кечак ўрнига чиройли, замонавий кийимлар билан таъминланди. Куртка, пальто, куйлак-шим, ҳаммаси яп-янги, ота-оналарининг бағридаги болаларникидек кўркам ва ораста эди. Ходимларнинг ма-

ошлари оширилди. Умуман, номини ҳам тилга олиш уятли ҳисобланган етимлик бирданига диққат марказига тушиб қолди. Иш шунақаям унглиниб кетдики, заводлар, колхозлар, институтлар, театрлар – ҳаммаси болалар уйларини оталикка олиш учун навбат талашадиган бўлиб қолди. Чакка ўтган томларини тузатиб бериш, пул, озиқ-овқат билан ёрдам кўрсатиш тадбирлари одатий тус олди, бу болалар театр ва музейларга олиб бориладиган, уларга кириш эса бепул бўлди.

МК яна бир фикримни инобатга олиб, кўплаб тарбиячилар, шифокорлар, ўқитувчилар, энагалар, ҳатто, ошпазлар ва албатта, болалар уйларининг директорларини орден ва медаллар билан мукофотлади. Етимлар тарбияси, камолига умрини бағишлаганларнинг мартабаси, обрў-эътибори ортганлигини кўриниб турарди».

Ойлар ўтди. Бош секретарь кабинетини Горбачев эгаллади. Хизматлари учун муносиб ҳордиққа аллақачон кузатилган Тихонов урнини Рижков олди. У Министрлар Советининг адоқсиз ташвишларидан ортиб, болалар масаласига ҳам эътибор қаратди. Шанба кунларининг бирида Лихановни хонасига таклиф қилди. Альберт Анатольевичнинг ён дафтаридаги қайдлардан парча келтиришни лозим кўрдик:

«Турли хил қоғозлар билан лик тўлган папкани кўлтиклаб етиб бордим, етимхоналар, етимларнинг ўзига яраша кўплаб муаммолари хусусидаги мулоҳазаларим, шунга тегисли ҳар хил фотосуратлар жамланган эди.

Рижков Кремлдаги резиденциясида хотини Людмила Сергеевна билан бирга кутиб олди. Бу, Сталиннинг машҳур кабинети, дея таништирди, ўша пайтдаги ҳамма нарса жой-жойда сақлаб қолинган эди. Николай Иванович қулай бўлиши учун хотини билан катта столнинг бир томонига ўтиришди, мени эса иккинчи томонига таклиф қилишди, рўпарама-рўпара жойлашдик.

Табииyki, дастлаб ҳаяжонлана бошладим; бундай мулоқот хали ҳаётимда бўлмаганди, бундан кейин ҳам такрорланмаса керак. Бу оддий бир нарса – Николай Ивановичнинг юксак даражадаги олийжаноблиги ва сиполиги билан изоҳланади.

Николай Иванович билан суҳбатимиз жуда самимий бошланди, болалик туғрисидаги мақолаларимни ўқиганлигини айтди, яна биринчи уринбосари Ҳайдар Алиев мен ҳақимда гапириб берганлигини ҳам қўшиб қўйди. Хуллас, Рижков 1984 йилги мактубимнинг мазмунидан ва шу асосда қабул қилинган ҳукумат қароридан тўла-тўқис хабардор эди.

Ўша кунги суҳбатимиз хотирамдан асло ўчмаса керак; уч соату кирқ дақиқа давом этди. Николай Иванович уруш йиллари қай тариқа иш бошлаганлиги, ўсмирлиги, шўх-шовур болалиги ҳақида гапириб берди. Людмила Сергеевна ҳам болалик



йиллари тўғрисида сўзлади. Улар босик, вазмин гапиришарди, шундагина, биз дардкаш бир авлод одамлари эканимизни чуқур ҳис этдим.

Чамаси, Горбачев билан Рижков ўртасидаги муносабатларга кўнгил хиралиги соя ташламаган пайтлар экан, шекилли. Николай Иванович учрашувимизнинг эртаси кунiek Бош секретарга мен ҳақимда гапириб берибди; етимхоналар ҳақида қабул қилинажак янги қарорни тайёрлашда мени ҳам жалб этишга, бу нарсани пайсалга солмаслик учун Министрлар Совети мутахассисларидан иборат кичик бир гуруҳ тузишга келишиб олишибди. Бу борада асосий вазифа Ҳайдар Алиевнинг ижтимоий масалалар буйича Министрлар Совети Бюросидаги ўринбосари Виктор Иванович Власов билан менинг зиммамга юклатилибди».

1987 йили ташкил этилган Россия (аввалги Совет) болалар жамғармаси бугун ҳам фаолият юритмоқда. Унинг хайрли ишлари сирасида кўпдан-кўп эзгу юмушлар, хайрия тadbирлари, минг-минглаб асраб қолинган тақдирлар қайд этилган... Афсуски, ҳамма бало шундаки, етимлар камайиш ўрнига тобора кўпайиб кетаётир. Россияда болалар ғамини ўз дарди деб билган Черненко, Алиев, Рижков сингари бирон-бир раҳбар ходим бўлмаса керак...

Озарбайжонда Ҳайдар Алиев жамғармасини мамлакатнинг биринчи аёли, Миллий мажлис депутати, ЮНЕСКОнинг элчиси Меҳрибон хоним бошқаради. Жамғарманинг серқирра иш фаолияти тўғрисида алоҳида ҳикоя қилишни истардим. Бу ерда Ҳайдар Алиевнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ноёб ҳужжатлар, материаллар жамланган, илмий tadқиқотлар олиб борилмоқда, гоят қизиқарли сайтлар очилган. Ҳозир жамғарма фаолиятининг бир қиррасини қайд этамиз: ёш авлоднинг энг кам ҳимояланган, кўнгли тез озорланадиган қисми бўлган етим-есирлар, касалманд-ногирон болаларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар тўғрисида ҳикоя қилмоқчимиз.

Ҳайдар Алиев номидаги жамғарма ходимлари аниқ масалаларни ҳал қиларкан, истиқбол стратегик лойиҳалари устида ишлашмоқда. Улардан бирини таълим соҳасидаги миллий лойиҳа дейиш ҳам мумкин. У кишлоқ мактабларидаги синфлардан бошланган эди... Бутун мамлакат Ҳайдар Алиев жамғармасининг яқин йиллар ичида кишлоқ мактабларидаги шарт-шароитни, савияни юқори даражага кўтариш тўғрисидаги даъватига лаббай деб жавоб берди; ҳали шундай кўнлар келадики, ана шу мактабларнинг битирувчиларидан бири, албатта, Ҳайдар Алиев университетига киради. Ушбу ўқув муассасасининг концепцияси бутунги кўнларда – XXI аср бошларида ишлаб чиқилмоқда. Ишончимиз комилки, ўнлаб,

юзлаб йиллар ўтади, мазкур университет Фарбдаги Кембриж ёки Сорбонна университетлари сингари Шарқ маданиятининг таркибий қисми бўлиб қолади.

### Хотира ва хотирасизлик

1984 йил июнида СССР нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министри Владимир Чирсков Москва шаҳар Советига хат йўллаб, Иттифок газ саноатининг биринчи министри КОРТУНОВ яшаган уйга ёдгорлик лавҳаси ўрнатилишини илтимос қилди. Бир ой ўтгач, ўзини пойтахтнинг хўжайини, деб ҳисоблаган Халқ депутатлари Москва шаҳар Совети ижроия комитети раиси Промисловдан раддия олинди:

«СССР нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министри ўрток В.Г. Чирсковга.

Хурматли Владимир Григорьевич!

А.К. КОРТУНОВ хотираси учун ёдгорлик лавҳасини ўрнатиш ҳақидаги илтимосингизга жавобан Моссовет қуйидагиларни маълум қилади: КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1983 йил 12 апрелдаги «1983–1985 йилларда ёдгорлик иншоотлари қурилиши учун давлат ва жамоат маблағларининг ортикча исрофгарчилигини бартараф этиш хусусида»ги 318-сон қарори билан, директив органлар ижозатсиз ҳайкаллар қурилиши ва ёдгорлик лавҳалари ўрнатилиши тақиқланади.

Бундан ташқари, А.К. КОРТУНОВ хотираси абадийлаштирилган: Новочеркасск муҳандислик мелиорация институтига, Бухоро газ саноати техникумига ва денгиз кемаларидан бирига унинг номи берилган».

Давлат хазинасининг жонқуяр посбонини қаранг-а! Бир тийинни ҳам беҳуда сарф қилмайди. Кейин, ҳамма нарсадан – кемадан, Бухоро техникуми-ю, Новочеркасск институтидан ҳам хабардор! Қаҳрамон ҳурматини жойига қўйдикми, бас, министрнинг хотирасини абадийлаштириш масаласи билан пойтахтни қийнаманг.

Хайриятки, ҳукумат бошида пойтахтни, хусусан, ўрток Промисловни ўрнига ўтказиб қўядиганлар бор эди. Яна бир ҳужжагни келтирамиз.

«СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи уринбосари ўрток Ҳ.А. Алиевга.

18.02.1985 йил.

Хурматли Ҳайдар Алиевич!

Собиқ СССР нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министри, Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. КОРТУНОВ хотирасини абадийлаштириш мақсадида КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1984 йил 26 июлдаги 813-сон қарорига

мувофик Нефть-газ саноати қурилиши министрлиги Москва шаҳар ижроия комитетига Москва шаҳридаги Горький кўчаси 8-уйга ёдгорлик лавҳаси ўрнатилган тўғрисида курсатма беришнинг сўради. А. КОРТУНОВ 1956 йилдан 1973 йилгача ана шу хонадонда яшаган.

А.К. КОРТУНОВ 1941 йил августидан Улуғ Ватан уруши фронтларида бўлди. Немис-фашист босқинчиларига қарши жангларда курсатган мардлик ва қаҳрамонликлари учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, тўрт марта Ленин ордени, икки марта Қизил Байроқ ордени, III даражали Суворов ва Александр Невский орденлари, кўплаб медаллар билан тақдирланган.

1948 йили Совет Армияси сафларидан бўшатиладиган, халқ хўжалигида раҳбар лавозимларда фаолият юритди. СССР Министрлар Совети қошидаги нефть-газ корхоналари саноати қурилиши бош бошқармаси Туймазин ҳудудий бошқармаси бошлиғи, Шарқ нефть-газ саноати корхоналари бош бошқармаси (Главвостокнефтегазстрой), нефть саноати корхоналари қурилиши бошқармаси (Главнефтепромстрой) бошлиғи, нефть саноати корхоналари қурилиши ва унинг уринбосари сифатида вазифаларда хизмат қилди.

1955 йили СССР нефть саноати корхоналари қурилиши ва унинг уринбосари сифатида вазифаларда хизмат қилди; сўнгра газ бошқармаси (Главгаз) бошлиғи – СССР ва унинг уринбосари сифатида вазифаларда хизмат қилди; 1972 йилдан ҳаётининг охиригача СССР нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши ва унинг уринбосари сифатида вазифаларда хизмат қилди.

КПССнинг XXII, XXIII, XXIV съездларида А.К. КОРТУНОВ КПСС Марказий Комитети аъзолигига номзод этиб сайланди; олтинчи, еттинчи, саккизинчи чакирик СССР Олий Советининг депутаты бўлди.

КПСС МКнинг оғир саноат ва энергетика бўлими А.К. КОРТУНОВ Москва шаҳрида яшаган уйга хогира лавҳаси ўрнатилишига оид таклифни қўллаб-қувватлайди.

В.Г. Чирсков».

Иттифок Министрлар Совети Раисининг уринбосари ушбу мактубни ўқиб чиққач, қандай уйларга борганлиги, нималар дегани хусусида тусмолларга берилмаймиз. Алиевнинг ёрдамчилари шаҳодат беришича, у дарҳол Москва шаҳар Советининг ўзи бу масалани нима учун ҳал қилолмаётганлиги билан қизиқди. Унга Промисловнинг жавоб хатларини курсатишди. Худди шу куни, 1985 йил 23 апрелда Алиев СССР Министрлар Советининг топширигига имзо чекди:

«А.К. Кортунов хотирасига «Москва шахри Горкий (ҳозирги Тверь. – *Муалл.*) кучасидаги 8-уйга лавҳа ўрнатилсин».

Москвада бўлган ҳар бир киши Россия пойтахтининг асосчиси князь Юрий Долгорукий ҳайкали қошида бир неча дақиқа тухтаб утади. Князнинг чап томонида машҳур «Арагва» ресторани ва Озарбайжон халқаро банки жойлашган. Унг томонида эса москваликлар билан пойтахт меҳмонлари орасида машҳур, тунги соат биргача ишлайдиган «Москва» китоб дукони. Ундан ҳийла пастга тушилса, куп баҳсларга сабаб бўлган ва охири тақдирини Ҳайдар Алиев ҳал қилган хотира лавҳаси.

*Бу уйда 1956 йилдан 1973 йилгача Совет Иттифоқи Қаҳрамони, нефть ва газ саноати корхоналари қурилишининг йирик ташкилотчиси Алексей Кириллович Кортунов истиқомат қилган.*

Алиев чиройли, кук куз бу кишини яхши эслайди, ҳатто, бир гал учрашишган маҳали Нозим Ҳикматнинг бир шеърини айтганди ҳам: «Кум-кук кузля, алш комат бир йнгит яшар...» Улар куп учрашишмаган: пленумларда, съездларда, сессияларда қуришиб туришган. Хусусан, Кортунов иш юзасидан Озарбайжонда хизмат сафарларида бўлган маҳаллари учрашишган. Ҳайдар Алиевич унинг стратегик фикрлаш салоҳиятини, ўз ишига фидойилигини, самияий ва камтарлигини гоът кадрлар эди. Бундай одамларни унутиб бўладими?

### **БАМ унинг калбида яшаб қолгуси**

Темир йўл транспорти кундан-кунга янгилашиб борарди. XX асрнинг улкан бунёдкорликларидан Байкал-Амур магистрали қурилиши давом этарди. Тинч океанига олиб борадиган 3150 километрлик йўлнинг иккинчи навбатини, янги шаҳарлар ва тураржой посёлкаларини, станциялар ва конларни, урмон хўжаликлари ва фабрикаларни бутун мамлакат бунёд этаётган эди.

1984 йил 5 июлда МК Сиёсий бюроси ўртоқ Ҳ.А. Алиевнинг «Байкал-Амур темир йўл магистрали қурилиши билан боғлиқ масалаларга оид ахборотини тинглади. Магистрал қурилиши умуман юксак суръатларда олиб борилаётгани таъкидланди. Оғир табиий иқлим шароитларида катта қўламдаги ишлар амалга оширилди, қўлаб кўприклар, тоннеллар ва бошқа иншоотлар қурилди. Одам қадами етмаган жойларда янги аҳоли пунктлари, турар жой посёлкалари қад ростламоқда. Булар ҳаммаси ишчилар билан инженер-техник ходимларнинг, маҳаллий партия, совет, касаба уюшмалари, комсомол ташки-

лотларининг ғайрат-шижоати, кўплаб республикалар. Улка ва вилоятларнинг оталиқ ёрдамлари натижасидир».

Уша 1984 йилда қурилиш жамоалари асосий темир йўлга рельс ётқизиш ишларини Улуғ Октябрнинг 67 йиллиги байрамига яқунлашни ва шу тариха магистрал йўлнинг барча тармоқлари бўйлаб поездлар қатновини муддатидан бир йил олдин йўлга қўйишни мўлжаллашган эди.

Муддатидан бир йил олдин дегани, бу – 1984 йил ноябрида демакдир. Ҳозир эса июль кириб келганди! Сиёсий бюро Алиев ахбороти асосида таъкидлаганидек, «локомотив ва вагон хўжаликлари объектлари қурилиши сушт олиб борилмоқда, улкан трассанинг турар жой, болалар муассасалари, шифохоналар, савдо-сотик ва умумий овқатланиш тармоқларининг муҳандислик таъминоти анча орқада қолмоқда». КПСС МК Сиёсий бюроси министрлик ва муассаса раҳбарларига Байкал-Амур магистралининг объектлари ўз вақтида ишга туширилиши учун тегишли чора-тадбирлар қўришни тавсия қилди.

1984 йил 30 сентябрда газеталарда БАМдаги йўллар тушганлиги ҳақида хабар берилди. «Социалистик индустрия» газетаси: «Байкалдан Амургача темир йўл қуриб биғказилди, – деб ёзиб чиқди. – Бутуниттифоқ зарбдор комсомол қурилиши жамоаларининг ниҳоятда улкан меҳнатларини яқунлаб, йўл қурувчилар Александр Бондарь билан Иван Варшавскийларнинг бригадалари кеча, муддатидан бир йил олдин 3150 километрли БАМ темир йўл изини Балбухта разъездида туташтиришди. Улар Ғарбдан Шарққа бир-бирига қараб келаётган эди».

Репортёр ҳақиқатни ёзаётган эди. Дарҳақиқат, тайганинг ажралиш минтақасида темир йўл излари туташганди. Телеоператорлар «олтин бугун»нинг туташтириш асноларини кўрсатишди. Лекин Шимолий Муйск тоннели ҳали тайёр эмаслиги тўғрисида ҳеч қим оғиз очмади; у ерда айланма йўл қурилаётган эди. Лойиҳачилар билан кидирувчилар янглишган эдилар: трассани ёриққа томон солиб юборишганди. Ер ости дарёси қурувчилар йўлини тўсиб қўйганди.

Дунёдаги ҳеч бир тоннель Шимолий Муйск сингари шунча кўп қатта бошлиқларни кўрмаган бўлса керак. Министрлар, партия амалдорлари, олимларнинг қадами бу ердан узилмай қолди. Тоннель қавлаб борилаётган жойдаги қутилмаган фалокат – ўпирилишни эшитишгач, Ҳайдар Алиевич Алиев, алоқа йўллар министри Николай Семёнович Конарев, Госплан раисининг уринбосари Виктор Ефимович Бирюков биринчилардан бўлиб етиб келишди. 72 ёшдан ошган эса-да, бўйдор, хушқомат Бирюковнинг кетидан ёши кичикроқлар ҳам улғуриб етиб юролмасди.

Унутилмас уша хизмат сафарига ҳам салкам ўттиз йил бўлиб қолибди. Бирюковнинг ёши тўксондан ошди, лекин ҳамон фикри тийрак, хотираси тиник; факт ва маълумотларда, воқеликни баҳолашда асло адашмайди. Иркутскдан Шимолий Муйск тоннелига махсус поездда етиб келишди. Вагонлардан бири Сийсий бюро аъзоси Алиевга берилганди, иккинчиси делегациянинг қолган аъзоларига бириктирилганди. Тонг саҳарлаб Бирюков спорт кийимида вагондан сакраб тушиб келади.

– Кеча ўт-ўланлар кўм-кўк эди, бугун эса кумушранг тусга кириб қолибди. Ё, тавба! Киров тушганми десам, қор ёғиб ўтибди-ю. Август ойида-я! – ҳаяжонини ёшларча бегидирлик билан ифодалайди у.

Спорт кийимидаги Алиев ҳам кўшни вагондан сакраб пастга тушади.

– Ҳайдар Алиевич! – кичкиргудек мурожаат қилади Бирюков, овози олисдан акс-садо беради. – Етиб олинг-чи!

– Етиб оламан!

Соғлом-бакувват бу икки киши завк-шавққа тулиб сўкмок бўйлаб чопиб кетишди, бу – тайгага хос чўнг сукунатдан, тонг саҳарлаб офтоб нурларидан ялтираб турган ям-яшил майсалар, кузни қамаштиргувчи ўт-ўланлар тароватидан кўнгилларга кўчган сурур эди.

Кейин тоннель бўйлаб уч километр пиёда ўтишди, ўнда ҳам, сўлда ҳам новлар измига базўр тушган сув шовкин солиб оқарди. Кейинчалик Николай Иванович Рижков ҳам бу ерга икки марта келиб, тоннелдаги аҳвол билан танишганди: «Худди шаршаранинг ичидан кетаётгандек бўласан», – деганди у тоннелдаги шароитни баҳолаб экан.

Алиевнинг салон-вагониди<sup>1</sup> шундай бир дадил таклиф янгради: тоннелни айланиб ўтиш зарур, йўкса ер ости йўлини бир-бирига туташтириб бўлмайди. Николай Семёнович Конарев уша кунларни хотирлар экан, ҳаяжонини босолмай қолади:

– Минг афсус, фалокат оёқ остида экан. Тоннелда қазиларни олиб бораётган проходкочилар ҳалок бўлипти... Минглаб яшчиларнинг меҳнати зое кетди. Зудлик билан бу вазиятдан чиқиш керак, деган фикр кўндаланг гурди. Темир йўлчиларда «ўн икки мингчи» деган бир ибора бор, биласизми? Юқорига кўтарилиш курсаткичи. – дея тушунтиради Конарев махсус атамани. – Бу, уша пайтда нормативлар бўйича руҳсат берилган кўтарилишнинг энг юқори даражаси эди. Шимолий Муйск тоннелини айланиб ўтишда энг юқори кўтарилиш – 18 метр. Бунга истисно тарикасида ижозат берилди.

Алиев аҳвол билан танишгач, Конаревнинг тоннелни айланма йўл билан ўтказиш тўғрисидаги таклифини маъқуллади.

<sup>1</sup> Салон-вагон – бир томонида купелари, айрим хоначалари, иккинчи томонида пассажирлар учун умумий хонаси бўлган вагон

Лекин ҳал қилувчи қарор ҳукумат томонидан қабул қилиниши лозим эди. Иш кўламини ҳисобга олиб, Николай Иванович Рижков масалани жойига бориб ҳал қилишни маъқул топди. У ҳам айланма йўл қурилишини қувватлади. Тоннель қурилишини эса йигирма йилда ҳам охирига етказишолмади.

Тоннель қурувчилари билан хайрлашгач, махсус поезд йўловчилари йўлни Шарққа томон буришди. Янги станциялар, чорраҳалар, алвон дунгликлар ортда қолди.

Уша сафар маҳали олинган суратларнинг бирида куйидаги сўзлар битилганди: «Б.А.М. Ургал станцияси билан танишув. Ҳ.А. Алиев – СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи Уринбосари. 1984 йил». Ҳайдар Алиевич бир гуруҳ кишиларнинг ўртасида турарди; оқ рангли костюмининг кайтарма ёқасида депутатлик нишони. Темир йўл кўшинлари бошлиғи генерал Когатько Алиевга катта альбом топширмоқда. Чама-си, Ургалда тушилган суратлар йиғмаси бўлса керак. Конарев чапак чалаёпти – у темир йўлчилар кийимида эди, яна бир тўп одамлар ҳам қарсақ чашиб кутлашяпти. Суратдагилар орқасида йўловчилар ташийдиган вагон.

Бундан ўн йил олдин номсиз бу станцияга Донбассдан йўл олган «Донбасс» поезди кириб келган эди. Ортидан яна беплта состав етиб келди. Улар машина ва кранлар, йиғма конструкциялар ва қурилиш материаллари, буг қозонлари ва электр станциялар, кучма ҳаммом ва клублар олиб келишганди. Темир йўл хужжатларида қайд этилишича, филдираклар устида ўн уч минг тонна юк турарди. Филдираклар устидан бўлғуси шаҳар гавдаланарди. Тахта деворлар бирлаштирилса, уйлар кад ростлайди, қарабсизки, қаторлашган уйлар кучани ташкил қилади... Биринчи кучага Артем деб ном беришади. Худди Донецкдагидек.

Буни расман Ургал станцияси бунёдкорларига Украина меҳнатқашларининг оталиқ ёрдами, дейилган эди. Норасмий жиҳатдан эса Украина вокзал, станция ва шаҳарни бунёд этаётганди. Бунинг учун Украина қуриляш («Укрстрой») трести ташкил қилинганди. Трестда бош бўлган «Донбасс» отряди эса унинг базаси эди.

Донбассликлар Ургал ҳақида биринчи бор шу ерга келиб эшитишганди. Катта Совет Энциклопедияси (БСЭ) нашрига кўз ташлашди. Унинг 44-жилдида Урга, Урганч ҳақида маълумотлар берилган эди. Ургал ҳақидаги маълумот шуларнинг ўртасида берилиши лозим эди. Лекин Катта Совет Энциклопедияси нашрга тайёрланаётган пайтда Ургал қурилиши ҳали бошланмаганди.

«Биз бу дунёда юраверамиз: лекин ана шу оламда, умргузаронлик қилинаётган заминда қанчадан-қанча фожиалар, инсоний тақдирлар, олийжанобликлар кечганлигини ва айни

пайтда ҳам кечаётганлигини мутлақо билмаймиз, тасаввур ҳам қилолмаймиз, – дейди Константин Паустовский. – Ваҳоланки, ана шу қарич-қарич тупроқ билан танишиш бизни одамлар, воқеа-ҳодисалар дунёсига олиб киради: улар теран тафаккур, ҳис-туйғулар олами тарикасида инсоният тарихидан, бадий адабиётнинг сўнмас солномасидан муносиб ўрин олади».

Ургал ҳам ана шундай масканлардан бири, у тайгада Транссиб магистралининг БАМга йўналган шохобчасидаги олис чекка станция эди. Ушбу китоб муаллифларидан бири «Комсомольская правда» газетасининг муҳбири сифатида Донбассдан йўналган дастлабки эшелонлар билан бир вақтда бу заминга қадам қўйганди. Биринчи темир йўл состави 1941 йил 7 ноябрда станцияга кириб келган эди. Ушанда Москвада ҳарбий парад бўлиб ўтганди. Қўшинлар Қизил майдондан ўтиб, туппа-туғри пойтахт остоналаригача етиб келган фронтга йўл олишган. Бу ерда, Москвадан анча олисда, темир йўл қурилиши бамисоли фронт эди. Мамлакатнинг бош майдонидаги танклар гулдуриси-ю, ҳайратга чўмган тайганинг чекка бир қишлоғидаги паровознинг кўкка ўрлаган биринчи чинқирғи кўп жиҳатдан бир-бирига ҳамоҳанг эди...

Ургалдан ўтган, ҳаёт нафаси уфуриб турган йўл Шарққа – Комсомольск-Амур шаҳрига қараб узалиб кетганди. Узок шарқликлар уни эски БАМ деб аташарди. Трассанинг уз газетаси ҳам бор эди; у «Бамовец» («Бамчилар») номи билан чиқарди. «Бамовец» 1932 йил 7 ноябрь сониди курувчиларнинг фаолиятини ёритиб, бундай деб ёзганди:

«Алоқа ходимларининг умумий йиғилиши бир овоздан қуйидаги қарорни қабул қилди: Октябрнинг 15 йиллиги шарафига устахоналар қуриб битказилсин. Ёғочга ишлов берувчилар бригадаси ҳам муқобил режаларини илгари суришди: дурадзорлик ишларини 1 ноябрғача якунлашга аҳд қилишди. Бугун биз ғурур билан маълум қиламизки, зиммамизга олинган мажбуриятлар тўлиқ адо этилди».

«Бамовец» яқин-яқинларгача интервентларга қарши давом этган жанглар туғрисида ёзганди. «Эндиликда партизан отрядлари юрган йўллардан Байкал – Амур магистрали трассаси ўтказилмоқда; яна бир неча йилдан сўнг бир пайтлар партизанлар қишлаган жойлар, партизан разведкачиларига маълум ва машҳур сўқмоқлар ўрнида темир йўл излари ётқизилади, парвозлар, Улуғ Социалистик мамлакатимизнинг завод ва фабрикалари мўрқонларидан тутунлар кўкка ўрлайди».

Дастлабки беш йилликлар ўрмонлари оша кўриниб турган яқин истиқболни Улуғ Ваган уруши орқага суриб юборди. Транссибирь магистралигача давом этган темир йўл изларини кўчириб олишди. Улар Сталинград учун зарур бўлиб қолганди.



Тупрок уйиб ясалган, темир йул ёткизилажак кутармаларни йиллар шамоли текислаб юборди. Эндиликда эски БАМни – «тарих чорраҳасини» кексаларгина эслаб куйишади, холос.

Атокли энергетик олим Глеб Максимилианович Кржижановский бир вақтлар таъкидлаганидек, Шимол билан олишув – бу, аввало, бепоён кенгликлар билан курашиш демакдир. Бу кураш жабҳасида йулларсиз ғалабага эришиш асло мумкин эмас. Узок Шарк узлаштирилишининг бутун тарихи, бу – йуллар курилиши тарихи демакдир. 1857 йилдаёқ Шаркий Сибирь губернатори, граф Муравьёв-Амурский ҳарбий муҳандис Романовни «ғилдирак йули лойиҳасини» тузишга жалб қилганди; Амур дарёсининг унғ қирғоғидаги Джой бурнидан<sup>1</sup> Софийск шаҳрига асос солинган Де-Кастри буғозигача булган худудларни бирлаштирувчи йул курилишини назарда тутганди. Йулни, келгусида ўрнида қийинчиликсиз темир йул ётқизишни ҳам ҳисобга олиб, бунёд этиш режалаштирилганди. Муҳандис Романов куп изланишлар олиб боргандан сўнг «Софийск – Александрийск темир йули» номли рисолаи нашр эттирди.

Лойиҳа ўз замонасидан анча илгарилаб кетганди. Мамлакат бундай курилишни амалга ошириш учун ҳали тайёр эмасди. Буюк Сибирь темир йулининг дастлабки метрлари орадан ушлаб йиллар утгачгина, ётқизилган эди. Транссибирь магистрали курилишининг аҳамиятини француз газеталаридан бири Америка қитъасининг кашф этилиши ва Сувайш каналининг бунёд этилиши билан тенглаштирган эди. Океанга олиб чиқадиган иккинчи йул курилиши ҳам шу қатордан жой олганди.

Яхшилаб қаранг: БАМнинг Шаркий қисмидаги Ургал шаҳри доира ичига олинган. Унинг ёнидан трасса Бурейни кесиб утади...

Эсимда, Ургалдан Бурейгача «узаник»да боргандик. Ана шу туташи йулнинг ҳар икки томонида бепоён тайга ўрмонлари ястаниб ётарди. Улар хийла ортга чекингандек туюлади, одамлар фаолиятини бир зум сусайтирса, яна куюк дарахтларнинг шох-шаббалари туташиб кетиб, инсон изини – муъжаз йулларни беркигиб юборадигандек кўринади.

Кутилмаганда дарахтлар ортга чекингандек булади. Дарё тўлкинларида живирлаган ёруғлик кўзни камаштиради. Кукниш ранг муз унинг ортида анча олисдаги қирғоқда қўнғир четан девордек кўзга ташланади.

Айни шу жойда жушқин, серғулув феълли Бурей дарёси узра кўприк қуриш керак эди. Ҳозирча эса қирғоқда гулалардан ясалган муъжаз барак тикланган – у ерда транспорт қурувчиларининг илғор отряди жойлашган; ундан қуйироқда

<sup>1</sup> Бурин – қуруқликнинг денгизга учли бўлиб қирган жойи.

Бородинлар хонадони бир ўзи сўппайиб кўзга тапшанди. Михаил Матвеевич Бородин овчилик билан шуғулланарди, Паша буви эса, етмиш саккиз ёшда бўлса-да, хўжалик юмушлари билан банд эди.

...Бу ердан олисда, дарёнинг икки қирғоғида қишлоқлар, шаҳарлар ипга тизилган мунчоқдек бир-бирига туташиб кетган. Бу хусусда элда шундай ибора ҳам бор: «Днепр Киевдан оқиб ўтиб Черкасскга йўл олади; ундан куйида Кременчук, Днепропетровск, Запорожье жойлашган...»

Уй бекаси гап орасида айтади:

– Дарё Николай Иванович томондан ўтиб келаяпти.

Қаранг-а, дарё шаҳардан-шаҳарга эмас, одамдан-одамга қараб ошиқади. Паша буви омади гапи билан харитага жон киритиб юборганди, гўё: статистик маълумотлардаги ўз квадрат километрида ўз ёғига ўзи қоврилиб юрган одамлар ҳаёти буй қурсатгандек бўлади.

Эндиликда, орадан ун йил ўтиб, Алиев БАМдан бораркан, янги посёлкаларни қуриб кўзи қувнарди. Уларни барча республикалар, қўплаб улкалар ва вилоятлар бунёд этган. Нияни – Грузия, Олёмани – Тожикистон, Этерканни – Молдавия, Дугда станциясини – Волгоград вилояти қуриб берди... Албатта, Озарбайжоннинг ҳам БАМда ўз жойи – манзили бор – магистрал йўлнинг ғарбий томонидан 210-чакиримда жойлашган Улькан станцияси эди. Тайганинг чеккасида, тезоқар Киренг дарёси қирғоғида посёлка барпо этилди: гўзал уй-жойлар, мактаб, болалар боғча-яслиси, медпункт, савдо-жамоа маркази қад ростлади. Алиев Республика Компартияси Марказий Комитетида ишлаган маҳали шу қурилиш билан шуғулланганди. Шахсан унинг маслаҳати билан вокзал ва бошқа биноларни безашда озарбайжон миллий архитектураси унсурларидан фойдаланилган эди. Ҳозирги кўпқунлик ва машаққатли сафар чоғида Ҳайдар Алиевичнинг қурганларидан кўзи қувнаб, кўнгли тоғдек кўтарилди. Тўғри, ҳали адо этиладиган юмушлар анчагина, лекин бажарилган ишларнинг кўлами ва салмоғи ҳар бир кичида фахр туйғуларини жўш урдирар, шуларда ўзининг ҳам ҳиссаси борлигидан боши осмонга етгудек ифтихор туярдди.

Делегация аъзолари Владивостокдан Москвага учиб кетаётган эди. Сийсий бюро аъзосига ИЛ-62 самолётдан алоҳида салон ажратилганди. Лекин Ҳайдар Алиевич давлат аъёнларидек ёлғизликка интилмас эди. У сафардаги ҳамроҳларини ёнига таклиф қилди, дастурхон ёздирди.

– Шундай қилиб, дўстлар, бугун мен юсагул бўламан.

Виктор Ефимович Бирюковнинг хотирлашича, ҳар кимга муносиб илиқ сўзларни топиб гапирди.

Шунгайм ун-ун беш йилдан ортиқ муддат ўтди кетди. Озарбайжон пойтахтида 24 мамлакатдан келган темир йўл идорала-

ри раҳбарларининг халқаро кенгаши ўтаётган эди. Президент Россия алоқа йўллар министри Николай Аксененкони қабул қилди. Ҳамкорликда бажариладиган ишлар лойиҳаларини муҳокама қилишди; министр Россия темир йўлларидаги мавжуд аҳвол тўғрисида гапирди, БАМни эсга олди... Ушанда Алиев Байкал – Амур магистрали тўғрисида эшитгач, нима-ларни сўраган эди, деб уйлайсиз? Албатта, ўша унутилмас тоннель ҳақида-да!

– БАМдаги тоннель туташтирилдими?

– 30 март куни бир-бири билан туташтиришди, – жавоб берди Николай Аксененко, – йил охирида текшириб ҳам қурилди (учрашув 2001 йил июнида бўлиб ўтганди – *Муалл.*) дастлабки қатновлар ҳам бошлаб юборилди. Бу ҳам унутилмас қувончи воқеа бўлди.

– У ерда бўлганман, – деди Ҳайдар Алиев. – Шарқий қисмини ҳам, ғарбий томонини ҳам бориб кўрганман. Ушанда проходкачилар 15 километр узунликдаги тоннелнинг бир томонидан уч-тўрт километр, иккинчи томондан ҳам худди шунча масофани қазиб ўтишганди. Ҳали автомобиль йўллари қурилмаган, Шарқдан ҳам, Ғарбдан ҳам уч километрдан ортиқ масофани тиззагача сув кечиб ўтгандим... У ниҳоятда оғир, машаққатли жойлардан эди-да. Проходкачилар учун 15 километрлик масофа нима деган нарса? Ҳеч гап эмас! Қаранг-да, 1974 йили БАМ қурилиши бошланган пайтда муддати 10 йил деб белгиланганди. Орадан ўн йил ўтиб, 1984 йили БАМга ўн кунга боргандим. Дастлаб Москвадан Братсккача поездда келдим, сўнгра у ердан Владивостоккача, Находкагача барча станцияларда бўлдим, кўздан кечирдим. 15 километр тоннель учун унчалик катга масофа эмас. Лекин у ерда ғоят мураккаб геологик шароитга дуч келган эдик. Комиссияни бир неча бор йиғиб, йиғилиш ўтказдик. Улар орасида академиклар, сейсмологлар, мутахассислар кўп эди. Қурилишни тўхтата қолайлик, бу – юқори даражада сейсмик зона, дегувчилар ҳам бўлди. Тоннелни қуришга қурасизлару, эрта-индин ўпирилиб тушиши ҳам ҳеч гап эмас, дейишди.

– Ушбу қурилиш бутун жаҳон учун сабоқ бўлиб қолди, – дейди Николай Аксененко. – Дунёнинг қўллаб мамлакатларидан: Америкадан, Япониядан келиб қуришди... Топширикни шараф билан уддаладик, қазилма ишларида ҳали ҳеч қаерда қўлланмаган ноёб усул кашф этилди.

– Табриклайман. Унга менинг ҳам меҳнатим сингган.

Шу хил улкан қурилишларни, йўлларни қуриб, уларнинг бунёд этилишида мен ҳам ҳисса қўшганман, дея олган одам ғоят бахтлидир. Бу – асл бунёдкорларнинг ҳаққи-хуқуқи. Олам эса, Ҳайдар Алиевич қайта-қайта таъкидлаганидек, ана шу тахлит яратувчиликлар, бунёдкорликлар эвазига гуллаб-яшнайверади.

Транспорт, таълим, соғлиқни сақлаш сингари соҳалардан ташқари, Алиев шуғулланган бошқа йўналишлар, масалан, кинематографиянинг ривожлантирилиши тўғрисида ҳам шу тахлит муфассал тўхталиб ўтишимиз мумкин. Бу ҳам Андроповнинг топшириғи эди.

– Мен табиаган ишни пухта қиладиган одамман, нимадир қилиш ёки ниманидир тайёрлаш учун масала моҳиятини синчиклаб ўрганиб чиқаман. Кинематографияни билганимдан ташқари, яна унинг аҳволи, имкониятлари ва ҳоказолардан ҳам бохабар бўлишим лозим эди, – дейди Ҳайдар Алиев ўз «киноэпопеяси»ни эсларкан. – Кинематографиянинг йирик арбоблари билан кулаб учрашувлар ўтказдим, ҳаммамиз ҳужжатларни, қарор лойиҳаларини ҳозирладик. Иттифок Давлат кинематография комитетининг раиси Ермашга, илтимос, кинематографиянинг барча улкан намояндаларини бир жойга йиғинг, мен бораман, дедим. Бу – 1984 йилда содир бўлганди. Бир неча соат мобайнида мириқиб суҳбатлашдик... Уша давр учун гоаят муҳим, фундаментал ҳужжат тайёрладик. У – Совет Иттифоқи кинематографиясининг тараққиёт дастури эди.

Алиевнинг ўз таъбири билан айтганда, ишга пухталиқ билан муносабатда бўлиш унинг ҳар бир ишидан кўриниб турарди. Машҳур олим Даль берган таърифга кўра, пухта дегани, бу – ўз ишининг моҳир устаси, заргарона маҳоратли, тажрибали демақдир. Ўз ишининг айнан шундай, соҳир билимдонлари Кремлда етишмас эди. «Биз Алиев шахсиятида мужассамлашган улкан куч-қувватни, янги салоҳиятни кўргандик» – Ҳайдар Алиевичнинг Кремлда кечган йилларини Александр Сергеевич Дзасохов шундай баҳолаганди, унинг ўзи Кремлда чиғириқдан ўтган инсон эди.

### Сўнган юлдуз шуъласи

Энди, азиз китобхон, Ҳайдар Алиев ҳаётидаги энг қора қунлардан бири тўғрисида ҳикоя қилишимиз лозим. 1985 йил 17 апрелда унинг ўзи, Илҳом ва Севил, қариндош-уруғлари ва яқинлари Зарифа Азизовнани тупроққа топширишди.

КПСС МК Сийёсий бюроси аъзолигига сайланиб, СССР Министрлар Совети Раиси ўринбосарлигига тайинлангандан кейин Ҳайдар Алиевич Москвага бир ўзи келганди. Зарифа Азизовна уйда қолиб, тадқиқотини якунлаётган эди.

Зарифа урушдан олдинги олис йилларда Москвани турмуш ўртоғидан олдин кўришга муяссар бўлганди. Нахичеванлик ўсмир йигитча учун мамлакат пойтахти етишиб бўлмас жойдек туюларди. Зарифанинг ота-оналарида имконият кўпроқ эди, шу боис улар қизини Москвага, дўстлариникига юбориш-

ганди. Зарифа ўшанда олам-жаҳон таассуротлар билан қайтиб келганди, тулқин урган кўнғир сочлари бошидаги дўппини базур тутиб турарди. Зарифа ўшанда эндигина ун олти ёшга тулганди, ҳали ҳаёт олдинда эди.

– Ўшанда Москвани мен ўзим учун кашф этгандим, – деганди Зарифа эрига ҳазил аралаш. – Энди сизнинг навбатингиз.

«Ҳозирча Бокуда қолаёпман, – деб ёзганди у Ленинградга О.П. Добромисловага ёзган мактубида, – фарзандимдек бўлиб қолган ишмни, адо этажак анчагина фойдали, мароқли тажрибалар ўтказаетганим лабораторияни ташлаб кетгим йук. Бокуда ўзим охирига етказишим зарур бўлган юмушларим бошимдан ошиб ётибди».

Бу парча бошқа мактубдан.

«Ҳозирча Бокуда қолаёпман. Йилни охирига етказиб, кейин кетсаммикан, деб ўйлаёпман. Оиламиз ҳаммаси у ёқда. Фарзандларимни, неварамни жуда соғиндим».

1985 йил 30 январда Москвадан йўлланган мактубдан:

«Ҳозир Москвадаман. Мени жуда яхши қабул қилишди. Жозибали таклифлар анчагина, лекин негадир юрагим дов бермаяпти. Бироқ ўйлаш учун вақт етарли». Ўшанда, унинг ҳаётдан кўз юмишига бор-йўғи икки ярим ой вақт қолганди.

Профессор, медицина фанлари доктори З.М. Скрипниченко билан ҳамкорликда тадқиқот олиб боришмоқчи эди. Галдаги учрашувлари 1984 йил кичида дала ҳовлида бўлиб ўтганди. «Бетоблигини куриб юрагим увишиб кетди. Лекин унинг кайфияти, ҳолати, юриш-туришидан ёмон гап кўнғилга келмасди. У Бокудаги маиший кондиционерлар ишлаб чиқарадиган заводда ўтказган янги тадқиқотлари туғрисида тулиб-тошиб сўзларди... Зарифа Азизовна оила аъзолари билан танишгиришга тутинганда мароқли суҳбатимиз бўлиниб қоларди. Унинг сўзлари ва юз ифодасида ажойиб самимият ва меҳр балкиб турарди. Севил қизи Зарифага ука совға қилди; Илҳомнинг рафикаси эса қиз неvara билан ҳаммани суюнтирди. Чакалокни меҳр билан кўтариб олган Севил хавотир ила ойисига боқарди, митти Зарифа эса бувисининг атрофида гиргиттон. Москвадан келган Илҳом дастлаб онаси билан меҳри жушиб саломлашди. Дарҳақиқат, уйда қандайдир бир хавотирни сезиш мумкин эди, лекин ҳолат иложсизлиги ҳеч кимнинг ҳаёлига келмасди».

Улар эртага яна учрашмоқчи, муҳокамани давом эттиришмоқчи эди. Лекин эртаси куни Зарифа хонимни шифохонага олиб кетишди. Бу – уларнинг сўнгги учрашуви бўлган экан.

Профессор Скрипниченко Зарифа Алиевани хотирлаб қабристонга келди.

– Унинг қабри олдида сўнгсиз қайғуга ботиб, ҳаёлга толаман: афсус-надоматлар бўлсинки, дўстлардан жудолик доғига ҳаёт мени эрта, Улуғ Ваган уруши йилларида фронтда ўргатди.

Лекин жудоликка асло кўникиб бўлмайди, йиллар ўтган сайин янги-янги жудоликлар азоби кўнгилни ўртайверади.

Уша фронт йилларидан бери кўнглимда, дўстинг ҳалок бўлса, у охирига етказишга улгура олмаган юмушларни ниҳоясига етказ, деган қатъий ишонч-этиқод шаклланган. Хотирасини азиз ва муқаррам тутганим Зарифа Азизовнанинг сўнги илтимоси юрагимга муҳрланиб, муқаррар қонунга айлангани, бирга бошлаган китобларимизни охирига етказишни, шу қатта меҳнатини юзага чиқаришни, фикр-мулоҳазалари кенг мутахассислар доирасига етиб бориши учун ҳамма юмушларни адо этишни ўз бурчим деб билдим.

Профессор Скрипниченко сўзининг устидан чиқди.

– Зарифа врач сифатида ҳасталиги нечоғлиқ хавфли эканлигини тушунарди. Албатта, касаллик одамни қанчалик ўзгартириб юборишини врачлар бошқалардан кўра кўпроқ билади.

Кимдир ўз оламида уралашиб қолади, кимдир ўз касалидан бўлак нарсани гапирмай қўяди, айримлар эса инжиклашиб, ҳатто, теварак-атрофдагиларга нисбатан шафқатсиз ҳам бўлиб қолишади. Зарифа Азизовна ўз оламига берилди-қўйди. У яқинларини ўзи учун қайгуришдан ҳалос этолмаслигини ўйлаб ташвиш чекарди.

Айтишларича, уни онкология марказига юборишади. Академик Блохиннинг ўзи кўради. «Жилла курса, икки ҳафта олдин келганимда эди», – деган экан у ўқинч ва афсус билан.

Аслида шундай бўлганмиди-йўқми билмадигу, ҳар ҳолда Зарифа Азизовна ачинарли даражада анча эрта – 62 ёшида ҳаётдан кўз юмди. 1985 йил 17 апрелда уни тупроққа топиширишди. Ёмғир шаррос қуярди. Кропоткинскийдаги «Олимлар уйи»га томон гулчамбарлар оқими узилмасдан борарди.

Эрталаб Борис Пастухов ВЛКСМ МК секретариатини йиғди: «Йигитлар, ихтиёр узингизда, хоҳлаганлар борсин, истамаганлар – йўқ». Секретариат аъзолари баҳамжиҳат йўлга тушишди.

– Биз биринчилардан бўлиб етиб келибмиз,– дейди Борис Николаевич ўша қайғули кунни эслаб.– Шундай ҳолатки бу, келишармикан-келишмасмикан, деб одам ҳар ҳаёлга борарди. Бирдан комсомол МК бюроси тўлиқ таркибда етиб келди. Ҳайдар Алиевич бу ҳақда сира гапиргани йўқ; лекин ўша оғир қайғули дамда йигитлар кўнгил сўраб келганини унутмаганига ишончим қомил.

Олимлар уйига қўйилган портретдан Зарифа хонимнинг шахло кўзлари боқиб турарди. Зарифа хонимни кўрганлар «қора кўзларининг ута маънодор» қарашини таъкидлашади. Ленинградлик профессор Добромислов шундай дейди: «Шарқона тимқора кўзларининг ажойиб нигоҳи уни бошқалардан аж-

рәтиб турарди... Унинг кўзлари савол берарди, тасдиқларди, хайратланарди, куларди, баъзида таажжубланарди; норозилигини, мурасасизлигини ифодаларди, лекин улар ҳеч қачон бефарқ боқмасди. Зарифа Азизовнанинг «кўзлари сузларди». Профессор Шутьпина ҳам Зарифа хонимнинг кўзлари нечоғлиқ маънодорлигини алоҳида уқтиради: «Одамнинг кўнгли тубигача кириб борадиган тим қора кўзлари теран ва маънодор эди». 1924 йили олинган, болалик дамлари нақшланган суратда ҳам Зарифанинг шахло кўзлари ёниб турарди. Суратда пешонасига тушиб турган сочи чиройли кесилган. кўтирчоғини бағрига маҳкам босган жажоки киз боқарди. Унинг катта-катта кўзлари вақтнинг ортда қолган дамлари аро сизга синчковлик билан қараб турарди. Ёамисли сунган юлдуз нури эди улар.

Хайдар Алиев дафн маросимидан кейин роса бир ҳафта утгач, Ленин туғилган куннинг 115 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда нутқ сузлашга керак эди, бу йиғилиш кейинги йилларда учинчи бор янгиланган Бош секретарнинг раҳбарлигида утаётганди. Горбачев, келгуси йили нутқ ирод этарсиз, бу йил кўяқолинг, деб таклиф қилди.

– Йўқ, – жавоб берди Алиев, – эплайман.

КПСС МК Сиёсий бюроси янги Бош секретарни 1985 йил 11 мартда сайлади. Украина Компартияси МКнинг биринчи секретари Владимир Васильевич Шербицкийдан булак ҳамма ҳозир бўлганди, у АҚШ сафаридан қайтиб келаётганди. Громико Горбачевнинг «Бетийқ ижодий куч-қувватини» ва яна бошқа кўп фазилатларини таъкидлаб, КПСС МКнинг Бош секретари этиб сайлашни таклиф қилди. Эътирозлар бўлмади. СССР Министрлар Советининг Раиси Тихонов шу пайтгача Горбачевдан марҳаматини дариг тутиб келарди, энди эса мақтовга утиб қолди; «Бу – Марказий Комитетнинг иқтисодиётни беш кўлдек биладиган секретарларидан биринчисидир». (Николай Александрович янги подшонинг марҳаматига умидвор бўлиб, кўзига тик қараб хушомад қилганди. АҚШ Президенти Жорж Буш Горбачев билан Мальтада кечган музокаралардан сунг кремлик ҳамсухбатининг иқтисодиёт соҳасидаги билимини бошқача баҳолаган эди: «Худойим-эй! – Буш ёрдамчилари билан суҳбатлашаркан, хайратини яшира олмади, – ахир иқтисодиётдан ҳеч вақони тушунмайди-ку»). Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Гришин бундай деганди: «У ниҳоятда кенг билим соҳиби». Қозоғистон Компартияси МКнинг биринчи секретари Кунаев сузидан: «...бу ерда муҳокама қай йўсияда кечмасин, Қозоғистон коммунистлари Михаил Сергеевич Горбачев КПСС МКнинг Бош секретари этиб сайланиши учун овоз беради».

Сиёсий бюро йигилиши кайдларида («ягона нусхада!») Хайдар Алиевнинг ҳам сўзлари сақланган: «КПСС МКнинг Бош секретарини сайлаш – жуда жиддий, тарихий иш. Назаримда, Михаил Сергеевич Горбачев буткул муносиб номзод. – Хайдар Алиев сафдош дустининг тажрибаси, камтарлиги, илтифотли эканлигини баҳолаган эди. – Бу эса у Бош секретарь вазифасини тула-тукис уддалай олади, деб ишонч билан айтиш имкониятини беради. Шунинг учун киритилган таклифни тўлик қўллаб-қувватлайман».

Горбачев моҳирона уддалаган хуфёна амал тақсимоотида Алиев иштирок этмади. Ваҳоланки, у ўзининг ишбилармонлиги, улкан тажрибаси, ташкилотчиллик салоҳияти билан бемалол Бош секретарь бўлиши мумкин эди. «У ана шундай имкониятни истисно этган кишиларга ишониб бекор қилганида», деган эди 80–90-йилларнинг машҳур публицисти Артём Боровик. Хусусан, Артемнинг Алиев ҳақида айтишича, «у ўзининг миллати ва дини» туфайли Иттифокнинг энг юкори мансабига лозим топилмади. «Менинг назаримда эса, – дея фикрини давом эттиради Боровик, – Алиев бошқалардан кура Россия манфаатларини кўпроқ ва яхшироқ ёқлаган бўлурди. Горбачев Иттифокни қай аҳволга солганига, Ельцин Россияни нима қилганига эътибор беринг. Алиев оқилона ислохотлар йўлидан бораётган эди, мамлакат тақдири ҳам, бизнинг тақдиримиз ҳам ўзгача бўлиши мумкин эди». Громико ҳам Алиевни Иттифок микёсидаги раҳбар бўладиган шахс деб ҳисоблаганини эслатиб ўтамиз. Лекин Горбачев унга СССР Олий Совети Президиумининг Раиси вазифасини таклиф қилганида, унинг марҳаматига сизиниб, таслим бўлганди.

### 1985 йил 22 апрель, Москва

Совет тақвимларида 22 апрель алоҳида кун ҳисобланарди, сабаби – бу Ленин тутилган кун эди. Шу кун тантанали мажлислар, мавзолейга гулчамбарлар қўйишлар, байрам концертлари бир-бирига уланиб кетарди. В.И.Лениннинг 115 йиллигига бағишланган тантанали йигилишда «Ленин ғоялари ва ишларининг тарихий ҳаққонийлиги» мавзуида КПСС МКнинг Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ҳ.А.Алиев маъруза қилди.

Бу Хайдар Алиевнинг мамлакат пойтахтида бундай қўламдаги биринчи чиқиши эди. Бир нарса аёнки, маъруза Сиёсий бюро МКнинг муҳим ҳужжати тариқасида қабул қилинади; маъруза матнига мамлакат ичкарасидаги тингловчилар учун ва хориждаги ҳамкасблар учун ҳам тегишли кўрсатмалар сингдириб юборилади... Лекин шундай муҳим маърузада Алиевга



хос нимадир бўлиши лозим! Ҳайдар Алиевич ёрдамчиларидан Ленин асарларини яна бир карра синчиклаб кўриб чиқишни, сийқаси чиқмаган фикрларига эътибор қаратишни илтимос қилди. Буни қаранг, ўзи жавондан Ленин асарларининг кўк жилдларидан бирини қўлга олиб, уларнинг диққатини бир фикрга қаратди:

– Қаранглар, большевиклар шуниси билан кучлики, деган экан Ленин, «...улар ҳамини янги тарихий шароитта диққатларини қаратишган, ҳаёт оқими нега бошқача эмас, айни шу ўзандан кетганлигини ақл чигиригидан ўтказишган...»

Албатта, бу иқтибосни келтирар эканмиз, нега ҳаётнинг нишаби кутилмаганда ўзгариб кетиши хусусида анча мулоҳаза юритиш мумкин, лекин 1985 йилги мажлис минбари учун бу эрта айтилган гап экан. Ушанда Лениннинг ҳамма гапларини мутлақ ҳақиқат деб ҳисоблаш ва Владимир Ильичнинг назарий ва сиёсий мероси ютуқларимизнинг асоси деб билиш зарур эди.

Кўп йиллар ўтгач, Алиевнинг ўша маърузасини қайта ўқиб, замонлар ўзгаргандан кейин ҳам у эътиқод қўйган қўлига нарсадан воз кечмаганлигига ишонч ҳосил қиласан, киши. Ҳайдар Алиевич рус халқи, Совет Иттифоқидаги бошқа миллатлар ва элатлар тилларини бойитган рус тили ҳақида катта ҳурмат ва эҳтиром билан гапиради: «... мамлакатимиз халқлари учун жаҳонга чиқажак кенг уфқларни очди. Унлаб миллатларнинг миллион-миллион вакиллари умумбашарий маданиятдан баҳраманд бўлди ва ўзлари ҳам ана шу хазинага баҳоли қудрат улуш қўшишмоқда».

Алиев Озарбайжон Президенти булганидан кейин ҳам Россияга, рус халқига, рус тилига булган муносабатидан воз кечмади.

Ишбилармон кишилар, ишни кўпроқ уддалаган кишини ишга кўмиб ташлашади, деб билиб айтишган экан. Алиев билан ҳам худди шундай бўлди. Министрлар Совети ҳамда Сиёсий бюрода ўзига бириктирилган вазифалардан ташқари, Горбачев, ўша вақтда МҚда иккинчи одам ҳисобланган Лигачев тез-тез ўз топшириқларини беришарди. Шундай топшириқлардан бири ўткинчи шов-шувларга сабаб булган алкогольга қарши кураш кампанияси эди. Ҳужжатни тайёрлаш Рижков, Алиев ва РСФСР Министрлар Советининг Раиси Соломенцевга топширилганди.

– Ушбу ҳужжат устида астойдил заҳмат чекдик, – дейди Николай Иванович Рижков. – Ҳужжат Горбачев раислигида ўтган МК секретариати йиғилишида маъқулланди.

Рижковнинг фикрига кўра, Горбачевни ичкиликбозликка қарши курашга Соломенцев билан Лигачев ундашган. Мавзу,

шубҳасиз, ҳеч қандай баҳсга урин қолдирмасди. Ичкиликбозлик жамиятга улкан зиён-заҳмат етказаятган эди. Очигини айтиш керак, минглаб, ун минглаб эркаклар билан аёллар инсоний қиёфаларини йўқотишаётган, оилалар барбод бўлаётганди. Умуман, ташвиш ўринли ва тўғри эди. Лекин бу масалада кош қуяман деб, қуз чиқарилди. Соғлом турмуш тарзи учун кураш ана шу тахлит бошланди. Рижковнинг тахминича, Горбачев ва унинг атрофидагиларни хушёрликнинг ўзи эмас, балки бу ишдан қўлга киритиладиган сиёсий обрў кўпроқ қизиқтирган. Сиртдан қараганда, кампания одамларнинг мададига таянган ҳолда юткизиксиз кечаётгандек туюлганди.

Афсус! Хушёр турмуш тарзи учун курашчилар, барча ўтакетган мутаассиблар сингари, меъёр ҳиссига эга эмасдилар. Кимда-ким қайта қуриш давридаги ароқ-вино дўконлари ёнидаги навбатларни кўрмаган бўлса, бу гапга ишонини қийин: навбат бир неча чақиримга чузилиб кетганлигидан «думи»нинг охири кўринмасди, магазинлар том маънода ҳужум билан забт этиладиган бўлиб қолганди. Шаҳар ва қишлоқларда самогон тайёрлаш авж олиб кетди. Топқир одамлар ёппасига «Тройной одеколон» ва «Лосьон»ларни сотиб ола бошлашди. Айни шу пайтда бульдозерлар бепоён мамлакат узумзорларини таг-томири билан қўпоришга киришди.

Алиевнинг ёрдамчиси Александр Тимофеевич Гавриловнинг гувоҳлиги ана шу воқеалар манзарасини ўзига хос чизги билан бойитади. Бир куни, чўлларни ўзлаштириш даврдан кадрдони бўлган – Молдавия Министрлар Совети Раиси Устиян унинг ҳузурига келиб, дардини тўкиб солди:

– Сава, бирон чорасини топ! Яшнаб турган узумзорларни қўпоришмоқда. Ахир, уларни юз йиллар мобайнида парваришлаб, шу ҳолатга етказганмиз-ку. Бошлигинга кириб айт, мавжуд аҳволни тушунтир.

– Қўнғимда дадилликми ёки безбетликми, жунбишга келди, – дея эслайди Гаврилов, – юрак ютиб Ҳайдар Алиевичнинг ҳузурига кириб бордим. У гапимни бўлма, охиригача хотиржам эшитди, кейин жавоб тариқасида, афсус, ҳеч нарса қилиб бўлмайдди, дегандай қўлини ёзди.

Алоқоголли ичимликларга қарши ашаддий ҳужум МКда анча йиллардан бери пишитиб келинаётган тадбир бўлганлиги эндиликда ҳаммага аён. Дастлаб бу борада КПСС МК Сиёсий бюроси аъзоси, МК ҳузуридаги Партия контроли комитети раиси Пельшега топшириқ беришганди. Аврид Янович қаттиққўл, лекин етти ўлчаб бир кесадиған ўта эҳтиёткор одам эди. У орқа-олдига қарамасдан бирон ишни бошлаб бўлмаслигини яхши биларди.

– Пельше вафотидан кейин спиртли ичимликларга қарши комиссия бир неча йил йиғилмади, – деб эслайди Николай

Иванович Рижков. – Кўққисдан шуни эслаб қолишди. Нотўғри ишлар қилинаётганлигини дил-дилдан ҳис этиб, англаб турардик.

Уша пайтда СССР Министрлар Советининг Раиси бўлган Рижков бир куни Алиевни ҳузурига чақирди. Ҳайдар Алиев уэр суради: «Ийгилиш утказаетган эдим, якунлаб, ярим соатдан сунг чиқаман».

Хонасига кириб келганда Рижков ундан, зудлик билан адо этилажак қанақа муҳим иш билан банд бўлганини суради.

– Кефир спиртли ичимликларга кирадиган маҳсулотми ёки йўқми эканлигини муҳокама қилаётгандик, – деб жавоб берди Алиев.

Бу Лигачевнинг топшириги эканлигини Рижков биларди. Дарвоқе, партиянинг иккинчи одами юклаган иккинчи топшириқ эди бу.

Ҳозир булар кулгилидек туюлиши мумкин, лекин ушанда ҳеч қанақа ҳазилга ўрин йўқ эди.

– Мен алкоғолга қарши кампанияга танкидий муносабатда эдим, – эътироф этади Николай Иванович Рижков биз билан суҳбатда. – Лекин Сиёсий бюро аъзоси сифатида розилик беришга мажбур эдим. Сиёсий бюро қарор қабул қилдими – бас, уни бажариш шарт эди. МКда бўлганда ҳам, Министрлар Советига келганда ҳам Алиев билан ҳамкорликда ишлаш менга ёқарди, – сўзида давом этади Рижков. – Хорижий сафарларга борганда, турли одамлар билан мулоқотда бўлганда баъзан киши феълининг кутилмаган жиҳатлари маълум бўлади. Бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим: Алиев – гоёт олийжаноб, киришимли одам, зехни ўткир, заковатли сиёсатчи. У билан ҳамкорликда ишлаш роҳат.

1985 йил сентябрида мени СССР Министрлар Советининг Раиси этиб тайинлашди. Тихонов Алиевга нисбатан ноҳақликка йўл қўйиб келганлигини билардим. Министрлар Советида ҳам, бошқа ҳамма тизимларда бўлганидек, ўзига яраша гуруҳлар бор эди. Тихонов меҳнат таътилигами, сафаргами кетаркан, ўз ўрнига Алиевни қолдирмасди. Ишни ўзининг бошқа биринчи ўринбосари, Сиёсий бюро аъзоси бўлганан Архиповга топшириб кетарди. Бу ҳолат Ҳайдар Алиевични камситаетганини тушунардим. Вазифалар қайта тақсимланган биринчи мажлисдаёқ: «Бутундан бошлаб мен ўрнимда бўлмаган пайтимда раислик вазифасини Ҳайдар Алиевич бажаради», – деб узил-кесил айтгандим.

– Уни олдиндан хабардор қилиб қўйганмидингиз?

– Йўқ.

– Бу нарсага Алиев қандай муносабат билдирди?

– Унинг кўнглида самимий бир ийжилик пайдо бўлганлигини ҳис қилдим. Шу бир оғиз сўз билан Министрлар Советида

унинг атрофида вужудга келган ишончсизлик мухити барта-  
раф бўлганди.

Министрлар Советидаги фаолияти хусусида нималар дейи-  
шим мумкин? У жуда яхши ишлади. Алиев – саранжом, ба-  
тартиб одам эди; баъзи раҳбарларга хос мажбуриягисизлик,  
катъиятсизлик, паришонхотирлик унинг учун мутлақо бегона  
эди. Мутлақо саришталик унинг феълига хос хусусият эди.  
Айтишим мумкинки, ботинан йиғинчок одам эди. Зиммасида  
топшириқлар кўп бўлса-да, мабодо биронта кўшимча масала  
юклатилса, уни албатта гулиқ бажарар эди.

Уртамизда ҳеч қачон, ҳеч қанақа келишмовчилик, ихтилоф  
бўлмаган. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, ҳамкасбларинг билан  
бир стол атрофида утирасан, сиртдан ҳамма нарса жойида-  
гидек туюлади, лекин орқангдан нималар гапиришаётганини  
Худо билади. Биз пешонани пешонага тираб ароқ ичмаганмиз,  
оилавий борди-келди қилмаганмиз – Министрлар Советида бу  
нарса одат қилинмаганди. Беш йил мобайнида ўз кабинетимда  
бир қадах ҳам ароқ ичмаганман. Бизда самимий, ишчан муно-  
сабат ҳукмронлик қиларди. Алиевнинг ишидан беҳад хурсанд  
эдим....

МҚда Бош секретарлар меҳнат таътилидан қайтгач, ўз  
уриндошларининг қарорларини қайтадан ёзиш ҳоллари содир  
булиб турарди. Министрлар Советида бу нарса асло бўлмаган.  
Мабодо бирон-бир баҳсли, муаммоли масала муҳокама этила-  
ётган бўлса, Ҳайдар Алиевич дарров ташқари чиқиб, сим қоқиб  
сўрайди: «Николай Иванович, шу-шу масала ҳал қилинмоқда.  
Фикрингиз қандай?»

Алиев билан Горбачевнинг фаолиятларини солиштириб  
қуриш ҳам мароқли. Бу нарсани аниқ мисоллар ёрдамида  
қилайлик, шунда ҳар бири йирик иқтисодий масалалар билан  
қандай шуғуллангани аён бўлади-қолади.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауре-  
ати, Россия Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси, Тюмень  
геология бош бошқармасининг собиқ бошлиғи Фармон Салмо-  
нов шундай хотирлайди:

«Горбачев ҳокимият тепасига келганда, халқнинг ундан  
умиди катта эди, лекин, афсуски, умидлар оқланмади.

Кадрларни тайёрлаш ва танлаш, уларни раҳбарлик лаво-  
зимларига тайинлаш механизми ишлаб чиқилмаган эди. Иш-  
чанлик фазилатлари орқада қолиб кетар, маҳаллийчилик, шах-  
сий садоқат, қариндош-уруғчилик ва ошна-оғайнигарчилик  
бош мезонга айланиб қолганди. Дастлаб Днепропетровск ва  
Молдавиядан юқори вазифаларга кутарилишган эди, кейин  
Ставрополь ўлкасидан ва сунгроқ Свердловск вилоятидан

қанчадан-қанча «ажойиб» кадрлар амал пиллапояларидан пилдираб кутарилишди.

1985 йил сентябрь ойида Горбачев Тюменга келган пайтини эсласам, латифанамо бир ходиса хаёлимга келаверади: Унинг сафаридан олдин бир неча вагон камёб мол – шоколад келтирилган эди. Куккидан бу конфетларни сотиш тақиклаб куйилди. Нима учун? Боиси, конфетларнинг номи «Мишка на Севере» («Мишка Шимолда») экан! Маҳаллий амалдорлар дарров узини муҳофаза қилишга тутинишди: Бош секретарь Тюменга келган пайтида шундай номдаги конфетнинг сотилишини уз шахсига нисбатан ҳақорат деб қабул қилса-чи? Бунчалик хушёр, «оқилу донолиқ»ка, ҳатто, Салтиков-Шедрин қаламига мансуб Глупов («Тентаклар») шахри ҳокимлари ҳам ҳавас қилса, ажабмас.

Умуман, М.С. Горбачевнинг Тюменга сафаридан кунглимда нохуш бир доғ қолган. Бу ҳақда кундалик дафтаримда батафсил ёзганман.

«1985 йил 5 сентябрь. Нижневартовскдаги аэропорт. Кутиб олувчиларнинг катта гуруҳи жамулжам: В.И. Долгих, Б.Н. Ельцин, Н.К. Байбаков, Б.Е. Шербина ва бошқалар. М.С. Горбачев билан Р.М. Горбачева тушган самолёт аэропортга келиб қунди. А.Н. Яковлев, Г.П. Разумовский ҳам улар билан бирга келганди. КПСС МКнинг Бош секретарини кутиб олиш учун гўё, узимизнинг маҳаллий автобусда олиб кетиш мумкин эмасдек, Москвадан самолётда япон автобусини олиб келишганди.

Кечкурун Нижневартовск шаҳар партия комитетида кенгаш бўлди. Шаҳар партия комитети секретари С.И. Денисов, округ партия комитети секретари В.А. Чуриловлар қиска ахборот беришди. Сўнгра Горбачев Тюмень геология бош бошқармасининг бошлиғи сифатида менга сўз берди. Геология-кидирув ишларининг айни пайтдаги аҳволи, истикболлари тўғрисида гапирдим, нефть ва газ саноатининг келгуси тараққиётини таъминлаш учун хом ашё ресурсларини ҳозирлаш буйича аниқ мисоллар келтирдим. Горбачев бир неча марта сўзимни бўлди, геологларга ёмон кўмак бераётганликда айблаб Байбаков билан Долгихни танқид қилишга уринди.

Йиғилиш сўнгида Горбачев нутқ сўзлади: «Ушбу улка геология-кидирув ишларининг самарадорлигига кўра катта истикболга эга эканлигига геологлар мени тўлиқ ишонтиришди. Ёркин келажакни ҳис этиб турибман, геологларнинг меҳнатидан миннатдорман, раҳмат. Лекин, тармоққа ёрдам курсатиш лозим».

Юксак баҳо бизни қанотлантириб юборди.

Кечаси Уренгойга учиб кетдик. Эртаси кун эрталаб халқ Уренгой кўчаларида КПСС МКнинг Бош секретарини шоду хуррамлик билан кутиб олди. Ҳаво очяк, офтоб чарақлаб ту-

рарди. Машиналар кортежи ун минглаб шаҳарликлар йиғилган шаҳар марказида тўхтади. М.С. Горбачев машинадан тушиб одамлар билан суҳбатга киришди. Кекса бир аёл: Катта ерда шимолликларга уй-жой ажратиш масаласи қандай аҳволда, деб сўради. Жавобини эшитгач, таажубдан ёкамни ушлаб қолдим. Михаил Сергеевич унга қарата жиддий оҳангда жавоб берди: «Катта ерда уй-жойни нима қиласиз? Бу ердаги об-ҳавонинг ажойиблигини, гузаллигини кўринг. Шу ернинг узида қўшлаб турар жой биноларини кўринглар...»

Уренгой шимолий кутбга яқин жойлашганлигини наҳотки у билмаса? Россиянинг Европа қисмидан, Украина, Беларусия, Озарбайжон ва бошқа жойлардан бу ерга – Шимолнинг олис чеккасига ишлаш учун келганлар доимий равишда меҳнат қилиб, узоқ яшаб қолишолмасди. Бу ерлар ҳавода кислород миқдори кам бўлганлиги боис ўрмонзорлар ҳам, майса-ғиёҳлар ҳам муътадил ўсмайдиган тундра минтақаси эди.

Эртасига эрталаб Горбачев барча аъёнлари билан Тюменга қайтди. Аэропортда нималар кечаётганлигини кўрсангиз эди! Бош секретарни хотини билан бирга олиб юриш учун Москвадан махсус самолётда тўртта «Зил» машинасини ортиб келишганди. Йўл тўсиб қўйилган, «Республика» кўчасидаги машиналар ҳаракати тескари йўналишга солиб юборилганди. Дабдабани хуш кўрган амалдорлар кўп ва хўп уринишгани кўриниб турарди. – Бош секретарь усти ялтирок – ичи калтирок, сиртидан юзаки пардоз берилган иншоотларга кўзи тушмасин дебми, уни шаҳар четидаги йўлдан олиб ўтишди. Бу ишлар ғашими келтирди. Ахир, давлатнинг иккинчи одами бўлган А.Н. Косигин Тюменда шу пайтгача бир неча марта бўлганди. Ҳеч қанақа япон автобусларини, ҳукуматга тегишли «Зил» машиналарини ҳеч ким Москвадан олиб келмаганди. Ҳамма нарса оддий ва ишчанлик йўсинида ташкил этилганди.

Бу ердаги дабдабадан ажабланасан, холос. Горбачев Бош секретарь бўлганидан буён тўрт ой ўтар-ўтмай гўраларча хашаматга берилиб кетганди. Хизмат сафарларига хотини билан бирга бориш, хашамдорлик, ўз шахсини кўз-кўз қилиш авж ола бошлаганди.

Кечкурун Тюмендаги партия-хўжалик фаоллари йиғилишида Горбачев нутқ сўзлади. Унинг нутқини эшитиб, қулоқларимга ишонмасдим. Икки кун аввал Нижневартовскда айтганларининг бутунлай тескарисини сўзларди. Жуда хафа бўлиб кетдим. Кўп ўйлагач, бир хулосага келдим: Горбачев Москвадаги бюрократик аппарат ёзиб берган маърузани ўқиб берган эди. Нижневартовскдаги ахборотномада келтирилган маълумотлар унинг бир қулоғидан кириб, иккинчисидан чиқиб кетганди. Қулига нимани тутқизишган бўлса, ушани ўқиб берганди, холос. Брежневнинг Бокуга сафари ёдимга тушди –

ўшанда у саҳифаларни алмаштириб юборган, нимани ўқиб бераётганлигини ўзи ҳам англамас, гапларининг маъноси-ни мутлақо укмас, Алиев унинг пойма-пой сўзларини булиб, кулидаги варақлар ўрнига маъруза матнини тутишга мажбур бўлганди.

Кечаси уйқум кочиб, узоқ уйга толдим ва шундай хулосага келдим: янги Бош секретарь улкан сафсатабоз, гаплари телба-тескари, махмадона, иқтисодий билими саъз, тугуруксиз, лекин такаббур, нуксонга бой кимса экан. Шундай феъл-атвори билан у улкан мамлакатни оқилона бошқара олмайди; унинг раҳбарлигида муваффақиятга эришиш дарғумон.

Аслида ҳам шундай бўлди: иқтисодиёт йилдан-йилга пасайиб кетди; ишлаб чиқариш курсаткичлари, суръатлари туша бошлади, биринчи булиб нефть саноатидан ташвишли хабар келди: бутун мамлакат саъй-ҳаракатлари эвазига эришилган нефть қазиб олиш даражаси кескин пасайган эди.

Фақат бир нарсани айтишим мумкин: халқимиз туқин-сочин ва бой яшаши учун давлатни оқилона бошқара оладиган доно раҳбарларга эга бўлиши лозим».

Зукко Фармон ҳақ эди. Фақат бир нарсани аниқлаб олиш керак, шекилли: қандай давлат тизими булишидан қатъи назар, у – тоталитар ёки демократик бўладими, социалистик ёки капиталистикми, ҳокимият тепасига аслида давлатнинг остонасига ҳам йўлатмаслик лозим бўлган кимсалар қандай қилиб келиб қолади? Россиянинг яқин ўтмишидан ҳам, Озарбайжоннинг совет давридан кейинги ҳаётидан дейсизми, бошқа халқларнинг солномасидан дейсизми, бунга истаганча мисол келтириш мумкин.

## 1986 йил 31 август. Новороссийск

1986 йил 30 август соат 22.10 да Новороссийск яқинида «Адмирал Нахимов» йўловчи кемаси юк ташувчи «Петр Васев» баржаси билан тўкнашиб кетди. Қурбонлар бор. Қутқарув ишлари оляб борилмоқда...

31 август кечаси худди шу мазмундаги хабар КПСС МК, СССР Министрлар Совети, Давлат хавфсизлик комитети, Денгиз флоти министрлигига етиб келди. Яхши гапнинг ҳам, ёмон гапнинг ҳам қаноти бўлади, деганларича бор. Совет радио ва телевидениеси хабар бергунга қадар фавқулудда ходиса туғрисидаги шов-шув, ташвишли маълумот бутун мамлакатга ёйилди. Одатдагидек, биринчи бўлиб «довон орғи» (чет эл) дан овоз эшитилди.

Рижков ярим кечаси Алиевга сям қоқди:

– Ҳайдар Алиевич, сиз ҳукумат комиссиясининг раиси этиб тайинландингиз. Одамларни танлашга киришинг...

Уша тун Алиев мижжа кокмай чиқди. Агар хали ун беш кун бедор бўлишини билганида ҳийла тиниқиб олган бўлармиди. Лекин уйқуси қочганди. Хаёл кургур узокларга олиб кетди. Уч йил бурун худди шундай хизмат сафари билан Волгага борганлиги эсига тушди. Ушанда Ульяновск шаҳри яқинида туристлар билан лик тулган «Александр Суворов» йуловчи кемаси куприк устунларига келиб урилган эди. Кино залида комедия фильми намойиш этилаётганди. Купгина томошабинлар болалари билан келганди. Экрандаги кулги одамларнинг бакириқлари ва инграшлари билан қушилиб кетди. Тепадаги палубасидан, кянозалдан ажралган кемани дарё окизиб кета бошлади... Фалокат сабаблари шу заҳоти аниқланди: ичкиликбозлик оқибати! Уша ерда Алиевнинг кайғули нигоҳи боланинг товонига тушди; бежирим болалар пойабзалида қон доғи қолмаганди; жажжи эгасини, ойиси билан дадасини сув тулқинлари комига тортиб кетганди.

Одатда, Алиев Министрлар Советига соат тўққизга яқин етиб келарди. Уша тонг бирмунча эртарок келди. Транспорт масалалари буйича ёрдамчиси Владимир Сергеевич Уховга Министрлар Советининг комиссия таркиби тўғрисидаги фармойишини тайёрлашни, аъзоларга хабар беришни тайинлади.

– Биз билан бирга учасиз.

Ухов уйига бориб келолмади, фақат: «Ун кунлардан кейин кайтаман!» деб телефон қилишга улгурди, холос. Бош универсал магазинга қараб чопди. Қизил майдонни кесиб ўтиб, битта куйлак ва сафарда аскотадиган майда-чўйдалар харид қилди. 31 августдан 1 сентябрга ўтар кечаси Внуково-2 аэропортидан Новороссийск шаҳрига ҳукумат комиссияси аъзолари тушган самолёт учиб кетди.

Алиев билан уч йиллик ҳамкорликдаги иш жараёнида Ухов раҳбарнинг назарига тушди.

– Дадил, қатъиятли одам эканлигини аввалроқ билган эдим, – дея хикоя қилганди Владимир Сергеевич – Лекин Волгада, мажакланган, адоий-тамом булган «Суворов» кемасининг олдиди англадимки, Ҳайдар Алиевичнинг феъл-атвори, айниқса, фожий шароитларда ёркин намоён булар экан; айни шундай ҳолатларда иродаси, хаяжонлари ва фикр-ўйларини бир нуқтага йиғиб ҳаракат қиларкан. Оқилона, кескин, ғайратшижоат билан иш юритарди. Назаримда, одатдаги хотиржам ва сокин шароит Алиев учун тордек туюларди; куч-қувватини қуярга жой тополмас, кечки соат тўққиз-ўнларга қадар ишга шунғиб кетарди.

У бажараётган шундай ишлар ҳам булардики, секретариат аъзолари назарида уша юмушлар бизнинг гармоққа тегишли эмасдек туюларди. Лекин Ҳайдар Алиевичга бу масала бизга дахлдор эмаслиги тўғрисида оғиз очиб қуринг-чи! Ҳукумат ра-



иси билан Бош секретарь истаган топшириқни бериб қолиши мумкин, дея ҳисобларди у; сабаби, кимга суяниш зарурлигини билишади-да. Унинг вазифаси эса топшириқни бажариш!

Тахминий маълумотларга қараганда, «Адмирал Нахимов» кемасида 1234 нафар одам бўлган экан; шундан 888 нафари йўловчи бўлса, қолган 346 нафари экипаж аъзолари эди. Тўқнашувдан кейин пароход 7–8 дақиқа ичида сувга ғарк бўлди. 836 киши қутқариб қолинди. Қолганларнинг тақдири нима кечди?

Новороссийскдаги икки ҳафталик хизмат сафари уммон қадар қайғули бўлди. Қариндош-уруғлари ва яқинларини йўқотганлар билан ҳар куни ва кун ора учрашишга тўғри келарди; «Нахимов» кемасида чўкканларни денгиз тубидан чиқариб ола бошлашди; дастлабки уч кун ичида 79, тўртинчи сентябр-гача яна 116 кишининг жасадини сув остидан олиб чиқишди. Бироқ яна ўнлаб муаммолар ўз ечимини кутиб қолаётганди.

Ҳайдар Алиевичга, толиқдингиз, дам олинг, умумий раҳбарлик қилиб кўя қолинг, деган таклифни ҳам беришди. Комиссия таркибида етарлича обрўли, нуфузли одамлар бор, денгиз флоти министри, Давлат хавфсизлик комитети раисининг ўринбосари, МКнинг транспорт ва алоқа бўлими бошлиғи ҳар қанча масала туғилгудек бўлса ҳал этаверишади, фожиа тафсилотларини миридан-сиригача урганишади, жабрланганларни қабул ҳам қилишади, дегувчилар бўлди.

– Йук, – деб жавоб берди Алиев, – ҳар куни дардига малҳам истаб келувчилар билан ўзим кўришаман, гаплашаман. Яна ҳукумат комиссияси аъзолари ҳам, ўзи масъул бўлган тармоқларга тегишли саволлар юзага келса, жавоб беришади, деди.

Ҳукумат комиссияси ҳар куни икки маҳал – эрталаб соат 10.00 да ва оқшом 17.30 да йнгилиш ўтказарди. «Ҳар куни кечкурун соат 19 да комиссия раиси Ҳ.А. Алиев ҳалок бўлганлар ва жабр чекканларнинг қариндошлари билан учрашув ўтказарди, – деб ёзганди «Труд» рўзномаси Новороссийскдан тайёрлаган репортажида, – ҳар кунги амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берар, йул-йўлақай вужудга келган масалаларни ҳал қилар, саволларга жавоб берарди».

Кейинчалик аниқлашларича, «Адмирал Нахимов» йўловчи теплоходи бириктирилган Қора денгиз кемачилиги раҳбарлари ўшанда бу кемада неча киши денгиз сафарига чиққанлигини ҳам билишмас экан. Бу одатдаги ҳол ҳисобланаркан. Кема капитанлари белгиланган тартиб-қоидаларга, меъёрга ҳилоф равишда, худди аравакапилар сингари, кемалари қай тарзда ўтиб кетишини ўзлари келишиб ҳал этишаверган. Сув сатҳига чиқарилган жасадлар икки, уч, тўрт кундан кейин жазирама иссиқ гаъсирида бузилиб, айний бошлаганди. Муз солинган вагонларни тортиб келишди. Тобутлар ясаптирилди.

Алиев, комиссия аъзоларидан ўз бурчи, вазифаларини аниқ адо этишни қатъий талаб қиларди, – деб эслайди Ухов. – Денгиз флоти министрининг ўринбосари бир топширикни вақтида бажармагани учун вазифасидан четлатилди. Бу ҳаммага сабоқ бўлди.

Уликлар орасидан ўз яқинларини, қариндош-уруғларини таний олмаганлар аламини, қайғу-ўқинчларини эшитиш жудаям оғир эди, умр йўлдошлари – эри ёки хотини, акаси ёки сингиси, тўй сафарига отланган фарзандлари билан видолашгани келиб, жасадлар орасидан таний олмаганларнинг ҳасратларини тинглаш ҳаммасидан ҳам оғир эди.

Операторлар ҳаётларини хавф остига қўйиб бўлса-да, сув остини видеосуратга олишди. Ана, камера кема бортига яқин келаётир, ёғоч тўсиққа қисилиб қолган аёл жасадининг бош томонида пайдо бўлади. Аёлнинг узун сочлари шамолда хил-пирагандек сув тўлқинларида силкинади. Мана, аёл ҳозир бошини даст кўтаради-ю... экрандан кўз узмай ўтирган йигит ўзининг Наташасини таниб қоладигандек эди.

– Уни олиб чиқасизларми? – деган бўғиқ овоз эшитилади.

– Ҳаракат қиламиз... Агар бу нарса ғаввослар ҳаётига хавф солмаса, – жавоб беришади унга. – Бир ғаввосимиз ҳалок бўлди.

«Биз қатъий ишонч ҳосил қилдикки, – деганди Ҳайдар Алиевич Алиев комиссия йиғилишларидан бирида, – ҳалокат «Петр Васев» юк ташувчи баржа капитани билан «Адмирал Нахимов» йўловчи кема капитанининг ўз вазифаларига ўта масъулиятсизлик билан қарагани, жиноятқорона бепарво муносабати оқибатида содир этилган».

Ишнинг бориши, текшириш натижалари ҳақида Алиев ҳар куни муттасил Рижковга ахборот бериб турарди. Ухов гувоҳлик беришчи, Горбачев икки-уч марта сим қоқиб, келишга чоғланаётганлигини айтади.

Лекин бунга одамнинг ишонгиси келмасди. Бош секретарь дам олаётган пайтда ҳаловатини бузиб утирармиди! Май ойида Чернобилга боришга, сентябрда эса Новороссийскка келишга куч, фурсат топа олмади. Орадан бир ярим йил ўтгач, ундаям Рижковнинг қийин-қистови билан, зилзила оқибатида ер билан баробар бўлиб, вайронага айланган Спитакка бориш учун отланганди. Танаси бошқа дард билмайди, деганлари шу бўлса керак-да! Бу нарсани шоирлар ўта таъсирчан қилиб айтишади, ўзлари ҳам кўнгилчан, ҳиссиётга берилишган-да; лекин ғам-аламнинг бегонаси бўлмайди (Константин Симонов сўзи), дея уқтиришади. Сиёсатчилар, сиёсатга алоқаси бўлмаганлар ҳам худди шундай фикрда. Уша ёз ойлари Горбачев 20 августдан 20 сентябргача меҳнат таътилида эди. Москвага қайтаётиб, Кубань ва Ставрополга кириб ўтди; ўзига яқин сайловчилари

билан мулоқотда бўлди. Николай Иванович Рижков ва Украина, Белоруссия раҳбарлари Чернобил ғалокати билан банд эди. Чернобил худудида туриб, юзага келган муаммоларни ҳал этаётганди. Ҳайдар Алиевич Алиевнинг елкасига эса Новороссийск ҳалокагининг ташвишлари юкланганди...

Алексей Николаевич Косигин 1942 йил январида Ленинград камали маҳали изғирин изиллаган кўчада укасиними, кўшнисиними, чанасида тортиб кетаётган икки ўсмир болани кўрган эди. Бу – Ленинград камали пайтидаги одатий манзара эди. Уликларни кўмишга шу тахлит олиб боришарди. Уша пайт Косигиннинг кўнглида такка тўхташ, бу икки ўсмирдан кимни кўмишга олиб кетишаётганлигини билиш истаги пайдо бўлди. Болалар жавоб беришга улгуришмаган ҳам эди, Алексей Николаевич чанада ётган боланинг қовоғи кимирлаганини пайқаб қолди. Ҳаётдан узилиб кетаётган митти вужуд олис-олисларга кетиб қолган отасининг овозига ўхшаш товушдан сергакланди, шекилли... Алексей Николаевич болани қўлига олди, у оҳиста ўзига кела бошлади. Болани иситиб, овқатлантириб, кейин акалари билан бирга-лиқда Ленинграддан мамлакат ичкарасига эвакуация қилиш тўғрисида кўрсатма берди.

ГКО топшириғига биноан Косигин 500 минг ленинградликларни, дастгоҳлар, кранлар, моторлар ва заводларни мамлакат ичкарасига эвакуация қилиши лозим эди; буларнинг ҳаммаси адо этилаётган пайтдаги тасодифий учрашувни қаранг... Камалдаги шаҳар тақдири билан биргина одам қисмати... Косигин учун ҳар иккиси бирдай муҳим эди.

Алиев ҳам шунақа табиатли шахс эди. Бу – турли соҳа ва касбдаги одамларнинг, шу жумладан ёрдамчиларининг шаҳодатидир; улар Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосарига кундалик почтани беришар, топшириқларини ёзиб олишар, у билан бирга хизмат сафарларида бўлишарди.

– Сизнинг назарингизда, – сўрадик Уховдан, – Новороссийскда Алиевга нималар кучли таъсир қилган эди?

– Биринчидан – тўқнашувнинг ўзи. Ушбу ғалокат юз бериши мумкин эмасди, юз бермаслиги керак эди. Тўқнашувнинг содир бўлиши учун ҳеч қандай асос кўринмасди. Денгиз сокин эди. Осмон тўла юлдузлар. Йўловчилар тушган кеманинг чироқлари чарақлайди – кема ён деворларининг таши-ю ичкараси чироқлар шуъласига ғарк бўлган. У замонавий кемалар қатнови учун зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган эди. Кема портдан чиққанда, диспетчерлик хизматида рўпарасида юк ташувчи баржа сузиб келаётганлиги ҳақида хабар олди. Айни шундай хабарни «Пётр Васев» капитани ҳам олганди; қаршисидан «Адмирал Нахимов» сузиб келаётгани, баржа унга йўл бериши, ҳар иккиси ҳеч қандай тўсиқсиз ўз йўлида давом этиши учун имкон бериши лозимли-

ги таъкидланган эди. Баржа капитани диспетчерлик хизматининг оғохлантиришини инобатга олмади. Капитанлар қоидага ҳилоф равишда, қачон ва қай маҳал бир-бирига йўл берипни ўзаро келишиб иш тутади. «Пётр Васев» баржаси капитанининг учинчи ёрдамчиси: «Биз ҳозир тўкнашиб кетамиз!» дея оғохлантиради. «Ҳаммасини кўриб турибман, – жавоб беради капитан радар экрандан кўзини узмай. – Бир-биримизга йўл бериб ўтиб кетамиз. Ҳаммаси жойида... Ҳар икки капитаннинг ўзига ортикча ишонгани ва масъулиятсизлиги унглаб бўлмас фалокатга олиб келганди.

Ақл бовар қилмас даржадаги бепарволик одамни ларзага солади. Оқибатда «Адмирал Нахимов» кемасининг ҳалокати, юзлаб одамларнинг ўлими... Яна бир масъулиятсизликка йўл қўйилган: қирғоқда йўловчилар ва экипаж аъзоларининг тулик рўйхати берилмаганди; йўловчиларнинг исми шарифини турли гувоҳликлар асосида тиклашга тўғри келди.

Алиев у ерда ёрдамчиси Ухов сингари, деярли мижажа қокмади. Владимир Сергеевич тунги икки-учларгача барча қилинадиган ишлар тўғрисида протоколлар тайёрлар, тонг отгач, яна ҳаммаси қайтадан бошланарди. Алиев эрталаб соғат тўққизга яқин меҳмонхонадан чиқиб, кемачилик идорасида жойлашган штабга йўл оларди.

Ун беппинчи куни Горбачев Алиевга комиссия ишларини МКнинг транспорт ва алоқа бўлими мудири Пастернакка топшириб, ўзи Москвага қайтиши тўғрисида кўрсатма берди.

– «Нахимов» масаласини Сибсий бюрода муҳокама қиламиз.

Ушбу буйруқ нимадан келиб чиққанди? Москвада Алиевни кўп юмушлар кутиб қолганлиги учунми ёки энди бу ерда усиз ҳам ишни элайверишлари боисиданми? Шубҳаланасан, киши. Боиси эса бор эди. Горбачевнинг Краснодарга сафари режалаштирилаётган эди; олдинда учрашувлар, нутқлар бор эди. Алиевнинг Новороссийскда қуймаланиб қолиши ва умуман, «Адмирал Нахимов» билан юз берган ҳодиса Горбачевга халақит бераётганди. Бош секретарь 17 августда Краснодарга учиб келди; аэродромдан тўппа-тўғри ўлка районларидан бирига йўл олди. «Йўл-йўлақай у Новотитаровск станицасида<sup>1</sup> тўхтаб ўтди, маҳаллий аҳоли билан суҳбатлашди», дея хабар беришганди ТАСС мухбирлари. Офтобда қорайган Бош секретарь аҳолидан: «Ҳозир мамлакатда олиб бораётган ишларимиздан мамнунмисиз», – деб суради «Хурсандмиз», деган жавобни журналистлар ёзиб олишди.

Ҳайдар Алиев 30 октябрда «Адмирал Нахимов» теплоходининг фалокати сабабларини аниқлаш, текшириш бўйича ҳукумат комиссиясининг хулосалари ҳақида Сибсий бюрога

<sup>1</sup> Станица – казак вилоятларидаги катта қишлоқ.

ахборот берди. Шундан бир неча кун олдин Сиёсий бюронинг мажлислар залида, ахборот кургазмали булиши учун, тегишли хариталар, схемалар илиб куйилди. Ана шундай бир ҳолатда келгуси йилга ажратилган маблағлар, йиллик режалар тўғрисида гаплашиб олишди; кейин КПСС МК қошидаги Партия контроли комитетининг КПСС XXVII съездига йўлланган шикоят аризаларини кўриб чиқиш буйича ҳисоботи тингланди. Ниҳоят, Горбачев Алиевга суз берди. Ҳайдар Алиевич киска ва лўнда маъруза қилди. Хусусан, ҳамма нарса беш кўлдек аён эди: хар икки кема капитанининг жинояткорона бепарволиги, денгизда сузиш хавфсизлиги қондаларини кўпол равишда бузиши оқибатида ўнганмас фалокат юз берганди.

Сиёсий бюро қарорида халок бўлганларнинг оилаларига давлат томонидан зарурий ёрдам курсатилди, дейилганди. Ҳалокатнинг бевосита айбдорлари – «Пётр Васев» ва «Адмирал Нахимов» кемаларининг капитанлари ҳибсга олинди ва жиноий жавобгарликка тортилди. Қора денгиз кемачилиги бошлиғи С.А. Лукьяненко партия аъзолигидан ўчирилиб, ишдан бўшатилди. СССР денгиз флоти министри уринбосари А.В. Голдобенко ва ҳайъат аъзоси, Бутуниттифок «Мореплавание» бирлашмаси раиси Б.С.Майнағашев ўз вазифаларидан четлатилиб, уларга партиявий жазо берилди; СССР денгиз флоти министри уринбосари Б.А.Юницин эса партиявий жазога тортилди. СССР денгиз флоти министрилиги ҳайъатига кемалар ҳаракати хавфсизлигини, денгиз транспорти ишида интизом ва уюшқокликни тубдан кучайтириш чораларини куриш таклиф қилинди.

Ёрдамчилар, олатда, жудаям синчков, кузатувчан бўлишди. Раҳбар шубҳа қилмаган нарсаларни илғашди. Гаврилов ҳам, Ухов ҳам бир-бири билан келишиб олмаган ҳолда характерли бир ҳолатни эслашди.

– Алиевнинг хонасига кирган заҳоти бутун борлиғи билан уй-хаёлга берилиб кетганлигини, нималарнидир мушоҳада қилаётганини юз ифодасидан билиб оласан.

Ёрдамчи пайдо булиши билан раҳбар хаёли кундалик юмушларга қайтади.

– Владимир Сергеевич, бугун Югославия ҳукумати раиси билан учрашувим бор. Манави нарсаларни ҳозирлаб қўйинг: биринчидан, иккинчидан... Нега ёзиб олмаяпсиз?

Ухов раҳбар йўқлаган маҳали қабулхонада бўлганлигини, сеvimли капитанлик ён дафтарчасини хонасида қолдирганини эътироф этишга ҳижолат чекади. Кильск канали буйлаб биринчи бор ўтган барча капитанларга ана шундай ён дафтарча берилганди. Яқингача савдо кемасининг капитани бўлган Владимир Сергеевич уни ғоят ардоқларди.

– Эслаб қоламан, Ҳайдар Алиевич!

– Шундайми?

Алиевнинг ўзи хотираси ҳайратланарли даражада кучлилигига қарамай, ён дафтарчасига албатта ёзиб борарди. Агар, топширик нотўғри адо этилган бўлса, тўғрилашни талаб қиларди.

Алиев аппаратининг ходимлари, одатда, раҳбар билан бир пайтда меҳнат таътилига кетишарди. Идорада Владимир Сергеевич Уховнинг ёлғиз ўзи қоларди. Ҳамкасбларининг унга ҳаваси келарди: энди тўйиб дам оласан, дейишарди.

– Жуда ҳам-да!– жавоб берарди Ухов.– Ҳайдар Алиевич қанака хордиқ чиқаришини ўзингиз яхши биласиз-ку!..

Билишарди. Кўникиб ҳам қолишганди. Алиев дам олиш учун доимо Озарбайжонга кетарди. Лекин бирон кунини беҳуда ўтказмасди. Эрталаб рошпа-роса соат унда Москвага, Уховга телефон қиларди.

– Алиевман. Салом, Владимир Сергеевич, нималар қилинди?

Қискача ахборот берилади.

– Манави масала юзасидан эса ҳали қарор чиққани йўқ Ҳайдар Алиевич.

– Соат учда менга сим қоқинг.

ВЧ бўйича кечқурун 6–7 ларда яна бир бор гаплашилади. Баъзан телефонист аёл «ушбу районда ҳимоя йўқлиги тўғрисида» огоҳлантиради. Демак, Алиев жуда чекка жойга чиқиб кетган ва у ердан туриб очиқ алоқа бўйича ҳамма гапни ҳам гапириб бўлмасди.

## У яхшилиқни кадрлай биларди

Техника соҳасида «металлнинг толиқиши», деган ибора бор. Конструкциялар маълум давргача юкламага дош беради. Залвор орта борса, куприкни ёки фермани<sup>1</sup>, бостирмани алмаштиришга тўғри келади. Металлнинг толиққанини махсус асбоблар билан аниқлаш мумкин. Инсоннинг толиққанини-чи? Бундай асбоб ҳали яратилмаган.

Рижков хузуридаги йиғилишдан сўнг Юрий Петрович Баталин учинчи қаватдаги хонасига кўтарилди; ҳар доимгидек машиналар тиғиз Иванов майдонига кўз кирини ташлади; кейин қоғозлар билан овора бўла бошлади. Шу пайт хонасига Алиев кириб келди. Баталин ҳайрон бўлди: биринчи ўринбосар, СБ аъзоси уни ўз хонасига чақирмай, ўзи келибди. Нима гап экан?

Ҳайдар Алиевич БАМ қурилиши ҳақида гапирди: қатта трасса қурилишида ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар ху-

<sup>1</sup> Ферма – бир-бирига мустаҳкам бириктирилган бир неча устун ва тусиклардан иборат иншоот бўлаги.

сусида тўхталди, мутахассис бўлмаган кишига у ёки бу вариантнинг асоссиз эканлигини аниқлаш қийин кечади, деди у. БАМ буйича бир қатор масалаларни ўз зиммасига олишини Баталиндан илтимос қилди.

Баталин, бу ишларни ҳар томонлама чуқур ўрганиб чиқиш анча қийин, дея эътироз билдирди – кўп муддат талаб қилади.

– Барибир сиз учун осон кечади. Мутахассислар сизнинг профессионал тажрибангизни ҳисобга олиб, хулосангизга катта ҳурмат билан муносабатда бўлишади.

Фақат икки кишигагина маълум бўлган ушбу суҳбат, назаримизда, ниҳоятда муҳим. Олис ва яқин тарихдан маълумки, ҳокимиятга, юқори мартабага эришган одам шу заҳоти барча фанларнинг билагони бўлиб қолади. Зироатчилигу тилшунослик бўладими, космонавтика-ю балетми ва, ҳатто, тасвирий санъатгача – қўлаб соҳаларнинг муътабар билимдонига «айланади-қолади». Совет Иттифоқида генетика ва кибернетика фанларининг тақдири, шимол дарёларини жанубга оқизиш дастури ва ҳоказо қўлаб масалалар шу тариха дилетантларга боғлиқ бўлиб қолди. Ҳайдар Алиевнинг партия ва хўжалик соҳасида ўзидан устун бўлган кишига эътирофи, шубҳасиз, мардонаворлик белгиси эди.

– Сиздан оддий инсоний илтимосим, шу ишни ўз қўлингизга олсангиз, – дея суҳбатга яқун ясади Алиев. Бу даргоҳда ҳали ҳеч ким бундай самимий сўзлашмаган эди.

Баталин рози бўлди, фақат бу масалани Рижков билан келишиб олиш лозимлигини эслатди. Николай Иванович ҳам Алиевнинг ниятини тушунди. Шу тариқа Баталин БАМ ва Шимоллий Муйск тоннели буйича ҳукумат комиссиясининг бошлиғи этиб тайинланди.

Алиев бош-қош бўлган министрликлар ва муассасалар орасида нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети ҳам бор эди. Уни Борис Николаевич Пастухов бошқарарди.

– Ҳайдар Алиевичга бир неча бор мурожаат қилганман, – дея хикоя қилганди у. – Шунини айтишим жоизки, Алиев ҳар бир сўзимни диққат билан эшитар, қаровсиз қолган соҳа муаммоларига ижодий муносабатда бўларди. Матбаани: қоғоз, бўёқ ва шу кабиларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аниқроғи, замонавий асосда янги тдан яратиш лозим эди. У йирик масалаларни ҳал қиларди. Қарорларни чуқур ўйлаб қабул қиларди.

– Масалан?

– Алиев матбаа саноатини ривожлантириш борасида бизни астойдил қўллаган; хусусан, мутлақо қўтилмаган бир фикр ўртага ташланганда биринчилардан бўлиб бизни қувватлаганди. Биз, дастлаб Пушкин, сўнгроқ Лермонтов асарларига чекланмаган миқдорда обуна ўтказишни мулжалладик. Ушбу обунада

Пушкиннинг уч жилдлигига 10 миллиондан ортик буюртма йиғилди. Қоғоз муаммоси юзага чиқди. Уни каердан оламиз? Биз, энг кўпи билан беш миллион обуна тўпланса керак, деб ўйлаган эдик. Қарасак, талабгорлар ўн миллиондан ошиб кетибди. Бошимизни қашиб қолдик. Ё обуначилардан узр сураб, пулларини қайтар, ёки ўласанми-қоласанми, чорасини топ. Чорасини топдик. Яна бир қизиқ ҳолат бўлганди, – дея сўзида давом этади Борис Николаевич. – Ёшим элликка борганди. Одатда, комитет раисларини, министрларни мукофотлашарди. Лекин аввалроқ Ленин ордени билан тақдирлангандим; мукофотлаш тартибига кўра орадан бир мунча муддат ўтиши керак эди. Кейинги мукофот билан тақдирлаш учун ярим йил – бир йилча муддат етишмай турибди. Хуллас, ҳукумат мени қимматбаҳо совға билан тақдирлади, – жилмаяди Пастухов. – Мукофот қишлоқча бағетга<sup>1</sup> укувсизлик билан чизилган бир манзарали сурат эди. Мени Кремлга таклиф қилишди. Раиснинг биринчи ўринбосари ҳамда бизнинг соҳалар куратори сифатида Алиев, СССР Министрлар Совети ишлар бошқармаси бошқарувчиси Смиртюков биргаликда ушбу расмни топширишди. Алиевнинг иш кабинети (ҳозир у хона йўқ) деразаси Москва-рекага қараган эди. Октябрь ойи, анча совуқ тушиб қолганди...

Картинани топшира туриб, ҳазиллашишганди...

– Албатта, Борис Николаевич, сиз орденга муносибсиз, лекин, тартиб-қоида дегандек, ҳаммаси ҳали олдинда, орденлар ҳам бўлади, бироқ сурат қайта бўлмаслиги мумкин.

– Унга миннатдорчилик билдирдим ва ҳаётимдаги ўзининг энг яхши нутқимни айтдим.

– Нима билан тақдирланишнинг аҳамияти йўқ, муҳими, хизматингни билишса бас. Ҳайдар Алиевич, мени маъзур тутасиз, бир нарсани айтмоқчи эдим. Ана шу дарёнинг орғида, Замоскворечьеда вояга етганман... Онам ишчи эди, отам қирқ иккинчи йили ҳалок бўлган. Мен эса сизнинг – мамлакатимиз ҳукумати вакили бўлган инсоннинг олдида турибман. Қуни кеча оғайнилари билан қувалашиб, мактабига бир бориб-бормай, дарсдан кочиб, «Ударник» кинотеатрига бориб юрган замоскворечьелик бир бола бугунга келиб Кремлда эл-юрт ардоғидаги, катта обрў-эътиборли, нуфузли икки киши қаршисида турибман. Сизларга раҳмат!

Борис Николаевич тўхфа қилинган суратни олиб чикиб кетди.

Орадан кўп йиллар ўтди. Пастухов Россия ташқи ишлар министрлигининг биринчи ўринбосари сифатида Бокуга учиб келади. Учрашувлар, музокаралар бўлиб ўтади. Алиев ўзининг

<sup>1</sup> Бағет – чорчўп ясаш учун ёки девор дошияларини безаш учун тайёрлаб қуйилган нақшли энсиз тахта.



ақл бовар қилмас гиник хотираси билан танишган комсомол съездини эсга олиб, меҳмонни лол қолдиради. Тафсилотларни ҳам унутмаганди.

– У умрининг сўнгги дамларигача шунақа эди – ҳамма нарсани хотирасида сақлаб қолганди. Куни кеча содир бўлган воқеа-ҳодисаларни ҳам, йигирма йил олдин кечган нарсаларни ҳам аниқ эсида олиб қолганди. Ҳайратдан ханг-манг бўлиб қолдим.

«50 ёшлигингиз ёдингиздами? – суради Ҳайдар Алиевич Пастуховдан. – Смиртюков билан бирга сизга суратни топширгандик...» – «Ҳа, эсимда...»

– «Ушанда айтганларимни қайтарайми: ҳаммаси ҳали олдинда, орденлар ҳам бўлади, бироқ, Борис Николаевич, сурат бўлмаслиги мумкин...»

– Уша расм дала ҳовлимда, хонага файз бағишлаб турибди, – дейди Пастухов ўтмиш хотираларидан таъсирланиб. – Эрта баҳор, Подмосковьёдаги оқ қайинзор... Уша суратга қараб туриб, яна Ҳайдар Алиевич Алиевни эслаб кетаман. У яхшиликни қадрлай биларди...

### Сизнинг хоббингиз нима?

Рижков, Баталин, Бирюков, Конарев, Пастуховлар, умуман, Алиев билан бир даврадаги одамлар ҳисобланишади. Ҳуш, у қул остидагиларда қандай таассурот қолдирганди. Алиев СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари бўлган пайтида журналист, олим, ношир Александр Тимофеевич Гаврилов уч йил унинг ёрдамчиси бўлганди. Гаврилов билан куришгуига қадар Алиев ушлаб номзодларни куриб чиққанди; ишлар бошқармаси ходимлари танлаган номзодлар билан ҳужжатлари орқали, баъзилари билан эса шахсан танишиб чиқди. Ниҳоят, Гавриловга навбат келди.

Александр Тимофеевич таклиф этилганидан хабар топгач, Алиевни яхши билган эски газетачилардан бири билан маслаҳатлашмоққа жазм эгди. 1984 йил май ойида кечган суҳбатни Гаврилов ҳозир қуйидагича хотирлайди:

«Яхшилаб уқиб ол, у Шарқ одами, Шарқ эса, ўзингга маълум, жудаям нозик. Бу – биринчиси. Иккинчидан, у ДХКдан чиққан – уни лақиллатаман ёки қувлик қиламан деган одам янглишади, кейин, бунга ҳоҷат бормикан? У психологияни билади, жиддий ташкилотда ва республика Компартиясида ишлаб катта тажриба орттирган. Учинчидан, сенга ниманиям маслаҳат берардим: у бир кишини мақтайдиган бўлса ҳам, сен ҳар қандай шароитда унга асло мактов ёғдира қурма. – «Ким у киши?» – «Эдуард Амвросиевич Шеварднадзе».

Гаврилов ана шундай йўл-йўриқ билан Алиев ҳузурига суҳбатга отланди. СССР Министрлар Советининг Кремлга туташ биноси иккинчи қаватига – бир пайтлар Вячеслав Михайлович Молотов ишлаган хонага кутарилди. Қабулхонада котиба аёл кулиб кутиб олди: «Ҳайдар Алиевич узр сурадилар; ҳозир учрашувни тугатгач, сизни қабул қиладилар». Ун дақиқа утар-утмас Гавриловни ичкарига таклиф қилишди.

– Кейинчалик бир нарсага кўп бор ишонч ҳосил қилдим: Алиевга вниклик ва, ҳатто, юксак даражадаги ички интизом маданияти ҳос эди. Бошқалардан ҳам айни шуларни у талаб қиларди.

Алиев столни айланиб ўтиб, кўлини узатди:

– Утиринг, марҳамат, Александр Тимофеевич. Кўпрок нимага қизиқасиз, эрмак деса булармикан, хоббингиз нима?

– Биласизми, Ҳайдар Алиевич, эрмагим йўқ, – жавоб берди Гаврилов.

– Айтайлик, балиқ ови билан шуғулланиб турасизми?

– Йўқ.

– Ов биланчи?

– Йўқ.

– Маркалар йиғмайсизми?

– Йўқ.

– Умуман, нимага кўпроқ қизиқасиз?

– Ўқишни, ёзишни яхши кўраман.

– Мен ҳам ўқишни, ёзишни яхши кўраман, – хайрихоҳлик билдиради Алиев. – Сиз, чамаси, нутқларимни ўқиган бўлсангиз керак.

Гаврилов бошини ирғаб қўйди.

– Менинг усулубимни қисқача қилиб қандай таърифлаган булардингиз?

– Кўпроқ публицистик, – дея шаклини мухтасар белгилади Александр Тимофеевич.

– Тўғри!

Лекин уларнинг танишуви шу билан тугамади.

– Сизни, очиги, яхши билмайман, – давом этди Ҳайдар Алиевич. – Сизни ўзимга ёрдамчи қилиб олаётган эканман, бир қадар таваккал ҳам қилаяпман.

– Лекин, мен ҳам таваккал қилаяпман-ку, – худди шу оҳангда жавоб берди Гаврилов. – Агар ишни удалай олмасам, кейин ўзимга қийин булади.

Алиевга жавоб ёққанди. Ўзи билан бирга ишлаган одамларни шу пайтгача ярим йўлда ташлаб кетмаганлигини айтиб ўтди. Мабодо, хайр-хушлашишга тўғри келганда ҳам, у ҳеч нарса йўқотмасди.

– Бундан кўнглингиз тўқ бўлсин.

– Ҳайдар Алиевич, бу мени қониктиради. Аслида, ҳаётнинг ўзи гаваккадан иборат-ку.

– Бўпти, ҳужжатларингизни расмийлаштиринг, – кулиб жавоб берди Алиев, – ишга тушаверинг.

Гаврилов уч йил Алиев билан бирга ишлади. Ўз раҳбарини энг яхши гаплар билан эслайди. Ишончи қонил: Алиев мамлакат учун ҳали қўп фойда келтириши мумкин эди.

Ушанда, илк учрашувларига яқин ясаркан, Алиев шундай деганди: «Сизга қандай топширик бермай, иккимизнинг ўртасида қолади. Агар, шахсан менга зарур гапингиз бўлса, марҳамат, ҳеч иккиланмай айтаверинг». Тўғри, бу нарса вице-премьер секретариатидагиларнинг ҳаммасига ҳам бирдек ёқмади, амалдорлар орасида раҳбарга яқинроқ бўлиш учун ўзaro кураш кечади: ҳасадчилар истаганча топилади. Лекин, нимаям қила олардинг? Маккорликни, иккиюзламачиликни, қабоҳатни йўқотиб бўлмаганидек, ҳасадга ҳам қирон келтириб бўлмас экан... Унга қарши христиан ахлоқи ҳам, коммунистик ахлоқ ҳам ҳеч нарса қилолмади. Дарвоқе, коммунистик ёки бошқа бир ахлоқ борми ўзи? Назаримда, йўқ. Оддий ахлоқ бор. Кишида ахлоқ ё бор – ёки йўқ: унинг тури бўлмайди.

Айтганча, Ҳайдар Алиевич ўз ходимларидан уларнинг кизиқишлари тўғрисида сураши бежиз эмас эди. Бу унинг энг яхши кўрган саволи эди. Бир нарсага унинг ишончи қонил эди; айтайлик, ходим балиқ овига кизиқса, душанбадан бошлаб унинг фикри-зикри фақат қармоқлар, чувалчанлар, озиқ топиш билан банд бўлади... Бу эса ишга халақит беради. Албатта, бу нарса ҳар доим ҳам ишга халақит беравермайди, кези келганда фойдаси ҳам тегиши мумкин, деб бу борада Алиев билан анча баҳслашиш мумкин эди. Мисоллар ҳам келтирса бўларди. Лекин, барибир, у ўз фикрида қатъий қолаверарди.

– Соат 8 дан 45 дақиқа ўтганда у иш жойида бўларди, – дейди Гаврилов. – Протокол бўйича қимнидир кутиб олишга ёки кузатишга чиқадиган кунларни ҳисобга қўшмаганда, у ҳаминча анча барвақт иш жойига етиб келарди. Мен соат 8 да иш жойимда бўлардим. Биринчи галда почтани – ТАСС хабарларини, бошқа ҳужжатларни кўздан кечирардим; муҳимларини ажратиб, алоҳида эътибор берилиши зарур бўлган сатрлар остига чизиб, белгилаб қўярдим.

Соат 9 дан 15 дақиқа ўтгач расмий иш вақти бошланарди – телефон кўнғироқлари, қабуллар, учрашувлар, йиғилишлар бири иккинчисига уланиб кетади. Алиев ўз иш вақтини аниқ режалаштирган эди. Тўғри, қундалиқ ҳаёт унга ўзгартишлар киритарди, лекин, асосан, ҳамма нарса олдидан белгиланган бўларди; бу нарса қатта ҳўжалиқни уюшган ҳолда аниқ бошқариш имконини беради. Раҳбаримизни қаттиқ ҳўрмат қилардик, бир оз ҳайқардик ҳам. У ҳеч қимга қатъий чора

қўлламаган, овозини кутариб қағтик гапирган ҳам эмас. Лекин унинг топшириқларини бажармаслик асло мумкин эмаслигини ҳамма яхши биларди.

Озарбайжонлик ҳамкасблари Гавриловни кўп бор меҳмонга таклиф қилишган. «Александр Тимофеевич, келиб, дам олиб кетинг...» – дейишган. Гаврилов йўқ демасди, лекин бормасди ҳам. Бундай сафарлар, одатда, бирон-бир мажбурият билан яқунланарди; у эса, табиатан ўта нозик бўлгани боис, ҳеч кимнинг олдида қарздор бўлиб қолгиси келмасди.

Ёрдамчиси Озарбайжонга боришдан ўзини олиб қочиш юрганлигини Алиев кимдандир билиб қолади. Гавриловни ҳузурга таклиф қилади.

– Менга қара, Александр, – бу раҳбарнинг катта ишонч билдириб «сенсираб» гапириши камдан-кам буладиган ҳолат эди, – менга айтишларига қараганда, Боқуга дам олишга боришдан бош тортаётган эмишсан. Аслидаям шундайми?

Гаврилов врачлар хотинига Россиянинг ўрта минтақасига боришни маслаҳат беришадиганини айтгач, Алиев унга синовчан назар ташлади. Асл сабабларини чуқур ҳис этаётган бўлсада, уни айтиб ўтиришни лозим топмади.

– Боқуга бормай бекор қилаяпсан, денгиз об-ҳавоси шунақаям зўрки... – Каспий мадҳида бамисоли дoston айтгандек бўлди. – Кўп юртларда бўлдим, кўплаб денгизларда чўмилдим, лекин, ростини айтсам, Каспийдан яхшисини кўрмадим. Бу, шифобахш денгиз! Бор, Александр, дам олиб кел...

– Уша қуни боришга ваъда қилдим, – дея хотирлайди Гаврилов унутилмас дамларни куз унгида жонлантириб, – лекин барибир бориш насиб қилмади. Энди, ҳозир тушуниб турибман: Ҳайдар Алиевнинг кўнглида Озарбайжон шаъни жўш урган эди, сени сидқидилдан таклиф этишса-ю, гапларини ерда қолдириб, боринг келмаса.

Алиев билан бирга мамлакат бўйлаб, Олтой, Чувашия, Волгоградда бўлганлиқларини Гаврилов яхши эслайди. Бу аслида хизмат сафарлари эди. Қилинадиган ишлар ипидан-игнасиғача катъий белгиланган: партия-хўжалик фаоллари йиғинида нутқ сўзлаш, вилоят партия комитетида суҳбат ўтказиш, завод цехларини айланиш; лекин Алиев буларга албатта ўзгартириш киритарди. Айтайлик, бозорларни айланишни хуш қурарди; нарх-навоми билгиси, пештахталардан ниманингдир таъмини тотиб кўргиси келарди. Гавриловнинг эслашича, у бирон жойга келиши ёки кетиши, сафардан қайтиши олдида ёзилган дастурхон устида бор-йўғи битта ёки иккита қадах коньяк билан кифояланарди. Дастурхон атрофида ковоғини уйиб, фақат таом ейиш, ичиш билан машғул бўлмас, ҳазил-мутойиба билан очилиб-сочилиб ўтирарди. Яна бир эътиборли ҳолат: у ҳеч

қачон совға-салом қабул қилмасди, шу боисдан ҳам унга ҳеч қаерда совға таклиф қилишмасди. Алиевнинг ана шу феъл-атворини яхши билишарди. Бундай таърифлар зум ўтмай тарқалади.

Олтойда қайсидир бир кишлокқа боришди. Мактабни бориб кўришди; меҳмонни шод-хуррамлик, очик чехра билан кутиб олишди. Даста-даста гуллар совға қилишди. Шунақа катта бошлик олис ўлканинг чекка бир кишлогига қадам ранжида қилиши биринчи марта содир бўлаётган эди-да. Уқитувчилар хонасида суҳбат ўтказишди. Турмушингиз қай аҳволда? Ма-ошлар етарлими? Дарслар тақсимоти-чи?

– Болалар гул совға қилишяптими?– сурайди меҳмон.

– Албатта. Биринчи сентябрда, саккизинчи мартда, ўқув йили охирида.

– Ҳеч уйлаганмисиз, бу – пора олишга ўхшаб кетмайдими?

Бу савол бежиз берилмаганди. Уша пайтда меҳнатсиз топилаётган даромадлар туғрисида, порахўрлик, қимматбаҳо совғаларга қарши кураш хусусида кўп гапирилаётган эди.

Орага чўккан узоқ сукутни бузиб, бир муаллима совуққина жавоб қилди:

– Эҳтимол, Москвада, гуллар қимматлиги боисдан бу нарсани у ерда пора деб ҳисоблашар, бизда эса – ўзингиз қаранг — ҳар бир ҳовлида гуллар чаман-чаман очилиб ётибди. Мени маъзур тутасиз, бу гуллар тижорат нуқтаи назаридан ҳеч нарсага арзимас, арзондир. Бу масаланинг бир томони. Маънавий-ахлоқий жиҳати ҳам бор. Агар шундай кунларда менга гул совға қилишмаса, ишдан бўшаш ҳақида ариза берган бўлардим. Мактаб ўқувчилари-ю, ота-оналар ўртасида ҳеч қанақа ҳурматим йўқ экан-да, деган маънода. Сизга ҳам ҳурмат юзасидан гуллар беришди.

Ҳайдар Алиевич диққат билан эшитди. Лекин бу мавзунни қайта кўзгамади.

Алиев Бокуда ишлаб юрган кезлардаёқ Москвадаги адабий давраларда Ҳайдар Алиев пойтахтга келган пайтида Ёзувчилар уюшмасида Пушкин хотирасига бағишланган кечада «Евгений Онегин» шеърининг романини ёддан ўқиганлиги ҳақида овоза тарқалганди. Бундан адиблар, ёка ушлагудек ҳанг-манг бўлишдан ташқари, Алиевнинг Пушкин шеърининг бунчалик мукамал билишидан ҳам таажубга тушгандилар. (Дарвоқе, орадан йиллар ўтгач, Озарбайжон Президентининг ташаббуси билан Боку шаҳрида буюк рус шоирига ҳайкал ўрнатилди.) Эртаси кунини Алиевнинг Озарбайжон мумтоз адабиёти намояндалари Низомий, Фузулий, Жовид каби сўз сеҳргарлари асарларини сув қилиб ичиб юборганлигидан ташқари, Пушкин билан Лермонтов асарларини ҳам ёддан билиши хусусида бутун Москва хабар топганди.

Ушбу ҳолатни эсларкан, Гаврилов Алиевдаги эстетик туйғу ниҳоятда кучли бўлганлигини алоҳида таъкидлайди. У архитектурани профессионал баҳолай оларди; тасвирий санъат, театр соҳаларининг ҳам уга нозик билимдони эди. Шу боисдан ҳам Қора Қороев, Ниёзий, Муслим Магомаев, Тоир Салоҳов сингари атоқли санъаткорлар ҳамиша унга талпиниб туришарди. Дарвоқе, Россия бадиий академиясининг вице-президенти Салоҳов Озарбайжон Президентининг ажойиб портретини чизганди.

Шу билан боғлиқ яна бир кизиқарли воқеа Александр Гаврилов хотирасида жонланади. У «Арғимчоқда икковлон» номли спектаклни бориб кўради; таклиф бўйича эмас, ўз ҳолича, оддий томошабин сифатида театр кассасидан билет олиб тушган эди. Эртаси эрталаб телефон жириглаб колди:

– Салом, Александр Тимофеевич, бу – мен, Табаковман.

– Салом, Олег Павлович.

– Биз сиз билан таниш эмасмиз, лекин спектакль сизга ёқдим-йўқми, шуни билмоқчи бўлиб кўнғирок қилгандим.

Театр арбобининг кўнғироғи сабабини фаҳмлаган Гаврилов, спектакль унга томошабин сифатида ёққанлигини ва лекин эшитмоқчи бўлган расмий баҳони бера олмаслигини ҳамсуҳбатига маълум қилади.

– Ҳайдар Алиевичга ўз таассуротларингизни айтдингизми?– қизиксинди томошабинларнинг суюкли актёри.

– Йўқ, у мендан бу ҳақда сўрамади. Лекин, сиз истасангиз, айтишим мумкин.

– Майли, Ҳайдар Алиевичнинг фикрини жудаям билгим келаяпти.

Урни келганда Гаврилов раҳбарига ана шу суҳбатни айтиб берди.

Алиев кулиб юборди:

– Агар у яна телефон қилса, нима деб жавоб берасиз?– Гавриловнинг жавобини кутмасдан давом этди. – Мен бу спектаклни кўрмаганлигимни айтинг, шу боис салбий фикр билдира олмайман.

Маданият арбоблари ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришга эътибор берди. Алиев эса, театрни жазолашда қатнашмаслигини аниқлаштириб қўйганди.

Ижодий ходимлар ана шу нозик ҳолатни яхши билишар, шу боис, Алиев бевосита маданият ишлари билан шуғулланмасда, тез-тез кўмак сўраб унга мурожаат қилиб туришарди. Репертуар сиёсати, ижодий жиҳатлари бошқа муассасаларга дахлдор, деб ҳисобланарди. Министрлар Совети маданиятнинг моддий таъминоти бўйича масъул эди – Алиев ва Рижков биргаликда Большой театр юмушлари, китоб ноширлиги иш-

ларини ривожлантириш ва кинематография масалалари билан бевосита шугулланишарди...

Бир кунни Алиевнинг почтасига таниқли киноактёр Армен Жигарханяннинг мактуби келиб тушади: У квартира масаласида ёрдам сураган эди. Алиев хатни Моссовет раиси Промисловга йўллайди; уни шунчаки юбортириб қўя қолмайди, айнан кўмак беришини сураб шахсан йўллайди.

Икки ойдан кейин Армен Борисович Гавриловга қайта сим қоқди: илтимос, Ҳайдар Алиевичга менинг улкан миннатдорчилигимни айтиб қўйсангиз.

## КПСС МК Сиёсий бюросида

Энди, кенг омма учун эшпиклари тақа-тақ ёпиқ бўлган Сиёсий бюро «ошхона»сига Борис Николаевич Ельцин ёрдамида куз ташлаймиз. У ерда нималар бўлаётир?

«Одатда, мажлислар қуйидагича бошланарди. Сиёсий бюро аъзолари бир хонага йиғилишарди. Сиёсий бюро аъзолигига номзодлар – иккинчи тоифа, МК секретарлари – учинчи тоифа сифатида мажлислар залида тизилишиб, Бош секретарнинг келишини кутиб туришарди. Сиёсий бюронинг бошқа аъзолари мавқеига қараб мажлислар залида тизилишиб, Бош секретарнинг ортидан бирин-кетин кириб келишарди.

...Бу ерда, энг юксак чуққида, партия Олимпиада табақаланишга ниҳоятда каттик риюя қилинарди.

Шундай қилиб, Сиёсий бюро мажлиси очиқ деб эълон қилинади. Йиғилиш кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан кимда қандай мулоҳаза борлиги туғрисида Горбачев сураб ҳам утирмасди. Йиғилишни очаркан, хусусан бошқа бирон жойда ёки Москвада қурган нарсалари, таассуротлари ҳақида ҳам гапириб кетавериши мумкин эди. Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаганимнинг биринчи йилида бундай ҳол одатда бўлмасди; иккинчи йили эса Горбачев айни шу масаладан бошларди: Москванинг анави жойи нега унақа эмас? Нега буниси ёмон? Шу тарика у менда ботиний эмоционал кайфият «уйғотарди».

Кейин бирон-бир масала муҳокамасига утиларди. Масалан, кадрлар масаласи куриларди, министрлар тасдиқланарди; улар билан Горбачев баъзан гаплашган булар, купинча эса умуман суҳбатлашмас, булажак министрни туғридан-туғри Сиёсий бюрога чақирарди.

...Ҳар қандай масала муҳокамаси Сиёсий бюро мажлиси кун тартибига киритилган материаллар билан олдиндан танишишдан бошланарди. Лекин, назаримда, ана шу нарсаларни анча кечиктириб беришарди. Туғри, баъзан мажлисдан

бир ҳафта олдин, кўпроқ – бир-икки кун қолганда таништиришарди. Шу боис, улкан мамлакатимиз ҳаётига онд жиддий жиҳатларни қисқа муҳлатда чуқур ўрганиб бўлмасди. Мутахассислар билан муҳокама қилиш ҳам фойдадан ҳоли бўлмасди. Лекин бу каби ҳозирлик кўришга, атайинми ёки уюшқоқлик етарлича бўлмагани учунми, жуда қисқа вақт ажратиларди.

...Одатда, кириш сўзини Горбачев айтарди; батафсил гапирарди, баъзан мулоҳазаларини тасдиқлаш учун олдиндан тайёрлаб берилган мактублардан мисоллар келтирарди. Бир-иккита мактубни ўқиб берарди. Бундай узундан-узук даромад МК аппарати томонидан тайёрланган қарор лойиҳалари муҳокамасининг натижасини олдиндан ҳал этиб қўя қоларди. Шу боис аппарат ҳамма нарсанинг фармонбардори эди. Сиёсий бюро аъзолари ушбу масалалар муҳокамасида номигагина қатнашишарди.

... Айтайлик, мажлислар сафсата сотишдангина иборатлиги сиртдан билинмас эди, лекин фаолиятимиз самарасиз эканлиги борган сари аёнлашиб борарди. Горбачев ўзига, нутқларига маҳлиё бўлиб бораётганди, аслида у чиройли гаширишнинг машқини олганди; юксак мартаба уни ўз домига тортиб кетаётганлиги кўриниб турарди. У воқелик туйғусини йўқотиб, қайта қуриш жараёни кенг куламда, чуқур ривожланмоқда, халқ оммасини, улкан ҳудудларни эгаллаб бормоқда, деган хомхаёлларга ишониб қолганди. Аслида эса бунинг акси эди.

Унинг фикрларига қарши кимдир кескин фикр билдирганлигини эслолмайман. Лекин мен уни безовта қилиб турардим...».

Сиёсий бюро фаолиятига берилган баҳо ана шундан иборат. Кўп воқеалар бўлиб ўтгандан кейин, кўп сувлар оқиб кетиб, Ельцин ҳокимият тепасидан кетгандан сўнг шундай баҳоланмоқда. Кўп нарсада Ельцинни четлаб ўтишгани, туртиб чиқаришгани боис озор чеккан, хафа бўлган одамнинг алами гапларидан сезилиб турибди. У Горбачевдан, Сиёсий бюронинг бошқа аъзоларидан ҳеч бир нарсада кам эмасди; ваҳоланки, уни иккинчи тоифага мансуб одам деб ҳисоблашади; хос хонага йўлатишмайди, умумий залда кутиб ўтиришга мажбур қилишади... Сиёсий бюро аъзоларининг ҳар бирига Ельцин томонидан берилган тавсиф ҳам эътиборни тортади. У Гоголь Чичиковининг помешчиларга берган таъриф-тавсифига бир қадар ўхшаб кетади. «Улик жонлар»даги Собакевич, Ноздрев, Плюшкин сингари қахрамонларни эсласангиз керак?

Уша пайтда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси бўлган Андрей Андреевич Громико, Ельциннинг галига



караганда, «сонда бору санокда йук эди». У «канакадир юмушларни адо этар, кимлар биландир учрашувлар утказар, нутқлар сўзлар, лекин аслида ҳеч кимга керак эмасдек эди... Громико унчалик олис бўлмаган ўтмишдан бутунги кунга олиб келиб қўйилгандек эди. Ғалагилиги шундаки, у теварак-атрофида нималар содир бўлаётгани, қанақа жараёнлар кечаётганини қуш ҳам англайвермас, гап нима тўғрисида кетаётганини ҳам фаҳмламасди».

СССР Министрлар Советининг Раиси Рижков, Партия контроли комитетининг раиси Соломенцев, ДХК раиси Чебриковлар учун ҳам Ельцин икки оғиз илик сўз тополмади. Лукъянов ҳақида шундай деганди: «У ностандарт ҳолатларни бошқара олмасди; шахсиятида мослаша олмаслик, ички эркинликнинг йуклиги, фикрнинг торлиги сингари партиявий-бюрократик иллатлар буткул мужассамлашган эди.

В.И. Долгих. Унинг бахтсизлиги шундаки, Гришин уни ўз яқинлари, елкадошлари рўйхатига киритган эди. Сиёсий бюро аъзолари таркибига ҳам киритишни мўлжаллаб қўйганди: уни СССР Министрлар Советининг раиси вазифасига ҳам қўйишни таклиф қилганди.

... Очиғи, у МКнинг энг самарали фаолият юритаётган, ўз соҳасининг чуқур билимдонлиги бўлган секретарларидан эди.

Д.Т. Язов, мудофаа министри. У чинакам жангчи, самимий, серғайрат одам эди. Округ ёки штаб кўмондонлигини унга ишониб топшириш мумкин эди; лекин мудофаа министри бўлиш учун у ҳали тайёр эмасди. Маҳдуд, танкидни мутлақо қабул қилолмасди...

В.В. Шербицкий. Украина Компартияси МКнинг биринчи секретари. Горбачев, бир пайтлар Алиев масаласини ҳал этишга ботина олмагани сингари, унга тегилшдан ҳайқарди.

В.А. Медведев. МК секретари, Сиёсий бюро аъзоси. Унинг асосий фазилати – мўмин-қобиллиги, янги фикр ва ғояларнинг йўқлигидир».

Ельцин барча ҳамкасбларига шу тахлит таъриф-тавсиф улашиб чиқди. Унинг гап-сўзларига ишонадиган бўлсак, партиянинг энг юксак чўққисидан лаёқатсиз одамлар йиғилиб қолганди. Ана шулар Борис Николаевичнинг кадрига етишмади. Совет давлат машинасининг ана шу типик вакиллари, Ельциннинг фикрига караганда, Горбачевни ҳалокатга олиб келишди.

Россиянинг биринчи Президенти берган кўпгина баҳолар юзасидан анча баҳслашиш мумкин. Хусусан, Алиев, Рижков, Шербицкийларга берилган баҳоларда бирёқламалик, ноҳолислик бор... Ўзи айтганидек, Сиёсий бюро йиғилишларида бир ўзи олишар, қолганлар эса миқ этишмас экан. Назаримизда, қўшинча бу ҳолнинг акси содир булар, унинг ўзи оғзига талқон солгандек жим утирарди.

Лекин асосий гап бунда ҳам эмас. КПСС МК Бош секретарининг ёрдамчиси Валерий Иванович Болдин ҳақли равишда қайд этганидек, «мамлакатни таназзулдан асраб қолиш учун кураш аллақачон Горбачевнинг шон-шухратини таъминлаш, мавқеини сақлаш учун курашга айланиб кетганди». Дастлаб ёрдамчи, кейин СССР Президенти аппаратининг бошлиғи, албатта, билиб гапирарди. У Бош секретарь – Президентнинг аксарият тор доирадаги маишатлари иштирокчиси ҳам эди.

Кўплар гувоҳлик беришича, Горбачев истаган пайтда одамларда таассурот қолдира биларди. «Лекин мен, бошқа кўпчилик унинг феъл-атворидаги салбий жиҳатларни, одатларини яхши билардик: у кўполлик қилиши, ҳамсухбатининг дилини оғритиши ва таҳқирлаши ҳам мумкин эди. Юксак партиявий тил билан айтганда, энг яқин дўстлари, елкадошларини хафа қилиши ҳеч гап эмасди». Валерий Болдин ўзига шундай савол ҳам беради: «Бу одамлар Бош секретарга ўзларининг шаънини ерга уришга, танланган йўлга содик эмасликда айблашига нечук рози бўлишади? Ҳар кимда ўз шахсий қарашларига, нуқтаи назарига эга бўлиш ихтиёри бор: ҳар қанақа кичкирик ва тазйиқлар, сўз камчишлари уларнинг нуқтаи назарларини ўзгартира олмаслиги, раҳна ҳам солмаслиги лозим эди-ку».

Дарҳақиқат, Горбачевнинг сўзини ҳамма бирдек маъқулламас эди. Рижков, Алиев, Слюньков, Маслюковлар ўз фикрларини каттиқ туриб мардондор ҳимоя қилишарди. Шу ўринда 1990–1991 йилларда КПСС МК секретари бўлиб фаолият кўрсатган таникли дипломат, олим, публицист Валентин Михайлович Фалиннинг гувоҳликларини келтириш жоиз. Рижков, – дея ҳикоя қилганди Фалин, – Сиёсий бюро йиғилишларида менинг иштирокимда Горбачевга кўп эътирозлар билдирарди: «Биз қўшимча мажбуриятларни олмаслигимиз керак. Орқунгимизга қарамай пулни босиб чиқараверишимиз ва тиллани сотаверишимиз мумкин эмас».

Ҳайдар Алиевич Сиёсий бюро йиғилишларида ўзини канчалик мустақил тутганига Юрий Петрович Баталин алоҳида эътибор берган экан.

– Ҳукумат бирон-бир масалани Сиёсий бюро муҳокамасига олиб чиқканда у ерда қандайдир қалтис вазият сунъий вужудга келтириларди. Алиев ана шундай йиғинларнинг оғир тарзда кечишини яхши биларди, – дея ҳикоя қилади Баталин. – Сиёсий бюро аъзолари ва бошқа иштирокчилар феъллини, нималар дейиши мумкинлигини чуқур тушунган ҳолда, доимо жиддий, баъзан эса, ҳукумат тутган позицияни ёқлаб, кескин фикрмулоҳазалар билдирарди.

Эсимда, бир гап, назаримда, Горбачев бўлса керак, қуйидагича танбеҳ берди: «Ҳайдар Алиевич, партиявий

нуктаи назардан тўғри йўл тутмаяписиз, нукул хўжалик йўлини ёклайсиз; сиз ахир, Сиёсий бюро аъзосисиз-ку». Унинг жавоби ҳамма вақт тайёр эди. Бу гал ҳам у одоб билан, ўз кадрини баланд қўйиб жавоб қайтарди: «Мен, – деди у, – ҳукуматда етакчи мутахассислар иштирокида чуқур муҳокама қилинган тақлифларни ҳимоя қилаялман. Бу борадаги қарашларимиз аниқ. Агар у қабул қилинса, партия манфаатларига ҳам жавоб беради».

Хуллас, Ҳайдар Алиевич ҳукумат манфаатларини ҳаммиша ишонч ва қатъият, шижоат билан қаттиқ ҳимоя қиларди. Айти шу жиҳатлари ёдимда миҳланиб қолган.

Кўпинча Горбачев билан ораларида келишмовчиликлар юзага келиб турарди. Чамаси, Горбачев уни истезфога чиқариб юборишининг сабабларидан бири ҳам шунда бўлса керак.

– Демак, Горбачев унинг сиймосида рақибини кўрган экан-да?

– Рақибини дейиш унчалик тўғри бўлмас. – Уйланиб қолади Баталин, – фикрларига кескин раддия билдирувчи кучли муҳолифни кўрганлиги шубҳасиз.

Горбачевга Алиевнинг лаганбардорлик қилмай, ўз позициясини ҳимоя қилгани ёкмасди.

Бу борада Чернобиль фожиасига бўлган муносабат гоят уринлидир.

– Уша куни шанба эса-да, ишда эдим, – дея хотирлаганди Ҳайдар Алиевич, – дарвоқе, ҳар шанба кунлари ишлардим. Атом электр станцияларидан бирида портлаш юз берди деган гагини эшитдим-у, тафсилотларини билмасдим. Министрлар Советининг ишлар бошқармаси бошлиғи Смиртюковдан нима содир бўлганлигини сўрадим. Сиёсий бюро аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари бўлсам-у, нималар кечаётганидан бехабар ўтирсам. У, Чернобиль АЭС-да катта фалокат содир бўлибди, дея жавоб берди. Бу фалокат куннинг охирида содир бўлганди.

Эртасига, якшанба куни ишламадим. Табиийки, ҳеч нарса ни била олмадим. Душанба куни Горбачев Сиёсий бюро аъзоларини йиғди. Мажлисни ўз хонасида ўтказди. Эрталаб совет 10–11 лар орасида сим кокиб, чақиришди. Жудаям тўмтоқ маълумот беришди.

Швеция, Польша, Германия ва Европанинг бошқа мамлакатлари радиацион нурланиш ҳақида маълумот тарқатишди. Аслида, Чернобиль фожиаси тўғрисидаги хабарни бутун дунё эшитиб-билиб бўлганди. Ана шундай бир вазиятда Горбачев йиғилиш ўтказиш билан банд эди... Жула катта фалокат рўй берганлигини, зудлик билан чоралар қўллаш кераклигини ҳис этиб турардик. Шу дамгача кўрилган чоралар етарли эмасди. Ҳозир ўзимни қаҳрамон қилиб кўрсатмоқчи эмасман, мени тўғри тушунинг. Йиғилишда сўз олиб, дархол ана шу воқеа

билан боғлиқ ахборот бериш кераклигини, ахборот ишончли бўлиши лозимлигини айтдим. Бор ҳақиқатни ҳамма билиши шарт. Зеро, воқеанинг тафсилоти бутун Европага аллақачон маълум бўлган. Ушанда Лигачев гапимни чўрт кесди: «Нима демокчисиз? Қанақа маълумотларни истайсиз?» Мен жавоб бердим: «Қанақа бўлиши мумкин у? Аниқ маълумотлар берилишини истайман. Бундай ҳодисани яшириб қолмаймиз-ку».

Ушанда Александр Николаевич Яковлев ҳам сўзга чиқиб, мен айтганларни айтди. Кейинчалик бир жойда куришиб қолгандик. Лигачевнинг ўша хатти-ҳаракатларидан ранжиганлигини айтди. У менга шундай деди: Кураяписизми, фақат сиз билан мен фожиа ҳақидаги асл ҳақиқатни очик-ойдин ошкор қилиш лозим, дея тахлиф киритдик.

Лекин ўша пайтда Лигачевнинг обрўи баландрок эди. Воқеа-ҳодисаларга муносабат шу тариқа кечганди...

«Бу ниҳоятда муҳим ҳолат, – дея таъкидлайди Украина Олий радасининг депутати, таникли шоир Борис Олейник. – Горбачев Киевга келишдан ҳайиқарди. Ҳатто Шербицкий биринчи май намоишини бекор қилиб, фалокатли ҳудудлардан жилла курса болаларни эвакуация қилишга уринганда Горбачев унга аҳоли уртасида ваҳима солаяпсан, дея дук-пуписа қилганди. Ҳайдар Алиев Горбачевни бир нарсага: Украинада жуда катта микёсда фожиа руй берганини эътироф этишга мажбур қилди. Биз Ҳайдар Алиевич Алиевнинг муносабатини унутмаймиз ва қадрлаймиз».

Валерий Болдин гувоҳлик беришига кўра, Сиёсий бюро йиғилишларидан бирида Горбачев «Ҳайдар Алиевни тийиксизлик билан танқид қилди, шундан сўнг у оғир инфаркт билан касалхонага ётқизилди, икки йилгача ўзига келолмади. Албатта, Алиевни танқид қиладиган жойи бор эди; лекин ўртоқлик ва эҳтиром ила танқид қилиш руҳи ҳукм суриши даркор бўлган мажлисда нечун уни уятсизларча бадном қилишди? Уни нафақага кузатишди; КПСС МК Пленумида Горбачев Ҳайдар Алиевичнинг ўзи ва фаолияти тўғрисида илиқ гаплар айтди, лекин йиғилиш баёни матбуотда эълон қилинганда ана шу сўзлар тушириб қолдирилибди».

Катта ахлоқий маданият соҳибига ўхшамокчи бўлган Бош секретарнинг бундай хатти-ҳаракатини қандай баҳолаш мумкин? Ваҳоланки замондошлари ва авлодлари орасидаги ўз обрў-эътибори тўғрисида пухталиқ билан қайғурарди. Шу хусусда унчалик катта бўлмаса-да, эътиборли бир мисол.

1985 йил 23 август. КПСС МКда янги Бош секретарь Михаил Горбачев раҳбарлигида катта кенгаш ўтказилди. СССРнинг 1986 йилга ҳамда ун иккинчи беш йилликка мўлжалланган ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш режаси муҳокама этиляпти. «Союзсельхозтехника» бирлашмаси раиси, министр А.А. Ежесв-

кий нутқ сўзлаётганди. Қишлоқ хўжалик техникасининг вазни-ни камайтириш зарурлиги туғрисида гапираётганди.

– Оғирлик бир тоннага камайтирилса, – деб Бош секретарга мурожаат қилди у,– Михаил Сергеевич, бир йилда 900 килограмм дизель ёқилгиси тежалади. Бундан ташқари машиналар вазнининг енгиллашиши тупроқ зичланишига олиб келмайди ва унинг ҳосилдорлигига путур етказмайди. Шу тарика самарали усулларни қўллаш натижаси икки хисса фойдали бўлади.

Горбачев унинг гагини бўлди.

– Бир зум гўхта, Колпаковнинг барча машинасозларга ва бошқа металл истеъмолчиларига айтган сўзларини эшитдингми?

СССР қора металлургия саноати министри – ушбу тармоқнинг энг йирик мутахассисларидан бири Серафим Васильевич Колпаков бу борада жўяли фикр билдирган эди. Лекин ҳозир бу гапга тўхталмоқчи эмасмиз; профиллар ва енгиллашган машиналар ишлаб чиқариш хусусида гапирмоқчи ҳам эмасмиз. Биз оддий одоб-ахлоқ ҳақида сўзламоқчимиз. Партиянинг Бош секретари, бу Совет Иттифоқида мамлакатнинг ҳам раҳбари, – одамлар олдида ўздан ёпи анча катта одамни сенсираб ўтирса. Лекин бу хил тафсилотлар тарихга ёзилиб қолмаслиги лозим эди. Шу боис йиғилиш баённомасига тузатишлар киритилди: «тўхтаб тур» ўрнига, «тўхтаб туринг» деб, «эшитдингми» деган жойда «эшитдингизми», дея, тузатишлар киритилганди. Кичкина, лекин ғоят аҳамиятли тафсилот.

Николай Михайлович Шилиннинг гувоҳлиги ҳам худди шунақа. У қўли гул, ўз ишининг мохир устаси бўлиб, турли йилларда Ленин, Димитров, Хо Ши Минга саркофаг – тош тобут ясаган эди; Хрушчев, Брежнев, Горбачев учун сузиш ҳавзаларини бунёд этганди; Ельцин учун томи очилиб-ёпиладиган теннис корти қуриб берганди. Боёнларнинг қандай харҳашалари устани таажжубга солганди?

– Мени ҳаммасидан ҳам Горбачевнинг дала ҳовлиси ҳайратга солганди,– деганди кекса уста. – Унинг қурилишида 700 киши ишлаганди. Мен ҳовузга ишлов бергандим. Жойи жуда хушманзара эди. 50 метрча юкорироқда, тоғ этагида Сталиннинг эски дала ҳовлиси мунғайиб турарди. Нима ҳам дейиш мумкин? На Сталинда, на бу атрофдаги бошқаларда бунақа қаср бор. Горбачевнинг дала ҳовлисидан чиксанг, ўнгда қояга кўзинг тушади; унинг пойидан денгизга қаратиб қудук қазилганди; қирғоқдан 800 метр олисдан ана шу қудук орқали ҳовузга сув олинарди. Дастлаб сув тозаланар, иситилар ва сўнгра ҳовузга қуйиларди. Ҳовузнинг девори шишадан ясалганди; ҳаво очик маҳали ҳовузнинг усти очиларди. Иш қай тахлит бажарилганини чекистлар синчиклаб текшириб, синовдан ўтказиб кўришди.

Горбачевни яқиндан яхши билган одамлар хотираларини чоғиштириб кўраркансан, улар бошқа-бошқа шахслар хусусида айтилаётгандек, хилма-хиллигидан таажжубга тушасан. Болдиннинг ҳикоясига кўра, сал нарсага «пов» этиб ёниб кетадиган киши киёфаси гавдаланади. Бошқа бир ёрдамчиси – Георгий Хосросвич Шахназаровнинг таърифида эса у меҳрибон киши сифатида намоён бўлади.

«Одамларга муносабатда Горбачев ҳаминша холис ва хайрихоҳ эди. Кимгадир бакириб-чақирганини эшитмаганман. Ахён-ахёнда жажли чикиб, овози хийла кутариларди, бироқ дарров эс-хушини йяғиб олар, жилмаяр ёки утган ишга салавот дегандек, қулини бегидир силкиб кўярди. Кимдандир кўнгли қолса, у ходимларидан бири бўладими ёки панд берганларданми, ортиқча сипоришламай хайр-хўшлашиб кўяқоларди, лекин кўнглида кин сақламасди. Уч ҳам олмасди: ракиблардан ҳеч кимни овораи сарсон қилмади, каматмади, бадарға ҳам қилмади, ишидан ҳам хайдамади».

– Фаришталарча таъриф-тавсиф. Унинг ичида қанчаси ростлигини китобхоннинг ўзи билиб ҳам олар. Ёки, улкан мамлакатнинг бахтига қарши раҳбар бўлиб қолган одам қанчалик салоҳиятли муғомбир эканлигини ҳам ажратиб олади. Биринчи бўлиб ташқи ишлар министри, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Андрей Андреевич Громико ўз хатосини тая олганди; ушанда у Сиёсий бюронинг энг нуфузли, бообруъ аъзоларидан эди. Уч раҳбарни (Брежнев – Андропов – Черненко) кетма-кет тупроққа топширгандан кейин айнан унинг ўзи Горбачевни Бош секретарь этиб сайлашни КПСС МК Пленумига тавсия қилганди. Горбачев номзодини қўллаб-қувватлагани учун унинг югурдаклари Сиёсий бюро фахрийсига тинч, ҳаловатли кексаликни ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг Раисидек хотиржам вазифани ваъда қилишганли.

Бош секретарининг бошқа ҳамкасбларининг кўзлари ҳам тезда очилди; Шахназаровнинг баҳосига кўра, бу ҳар жиҳатдан туқис феъл-атворли ивсонга табиатидаги беғамлик, бепарволик ва ўзининг порлоқ толеига ҳаддан ташқари мафтункорлик панд берди. Катта доврўғ солган қайта қуриш самара бермади. Беролмасди ҳам, сабаби, бир-бирига алоқаси йўқ, бири-иккинчиси билан боғланмаган воқеа-ҳодисалар йиғиндисидан иборат эди; файласуф, ёзувчи Александр Зиновьевнинг топқир иборасига кўра, қайта қуриш «қайта қулаш»дан иборат бўлиб қолганди. Уша йиллар таассуротларини эсласак, мамлакат «сўзлар уммонида» ғарк бўлганди. Кунда – кунора мақсадлар ўзгариб борарди: фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва спиртли ичимликларга –

ичкиликбозликка қарши кураш кампанияси, чайқовчилик, олиб сотарликка қарши кураш ва давлат қабул тизимини жорий этиш, кооператорларга<sup>1</sup> умид боғлаш ва эркин сайловлар, бюрократияга қарши ут очиш ва ҳокимиятни Советларга қайтариш ва яна тўхтовсиз тинчлик ташаббуслари билан чиқиш... Шахназаров ўз хулосасида ҳақ эди: «Давлатнинг деярли ҳар бир ҳаракати ўзини оқламаган аввалги қарор ёки тадбирни бекор қилишга ёки унинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган бўларди. Бу нарса, тўғри йул топишга уриниб, туртинишдан иборатдек туюларди».

Аслида ҳам шундай бўлганди. СССР Олий Совети Президиумининг собиқ Раиси, Сиёсий бюронинг собиқ аъзоси Анатолий Иванович Лукьяновнинг Горбачевга берган тавсифи янаям кескин ва шафқатсиз эди: «Ҳамма нарсани, ҳатто, энг принципиал масалаларни ҳам муросасозлик билан ҳал этишга уриниш каби фалокатли иллат, шаронт тақозосига қўра ҳамда ўз маслаҳатчиларининг йуриғига юриб тусмолли чоралар топишга интилиш, ҳар томонга бош уриб кўриш – бу одамга теккан қандайдир қарғишга айланганди. «Бир амаллаб ўнгланиб кетар» дегандек беғамларча ишониб, воқеа-ҳодисалардан ҳаммаша ортда қолишарди. Президент ҳар бир сўзи ўз-ўзидан амалга ошириши вожиблиғига кўр-кўрона ишонарди: бировларнинг фикрини тинглашни эса билмасди...»

Тўғри йулни топиш тобора қийинлашиб борарди. Иш «бир амаллаб» кетаётганди. Халқнинг руҳиятидаги асабийлик, тажанглик кучайиб бораётганди. Ҳамма ёқда, ҳамма нарсага навбатда туриш оддий ҳолга айланиб қолганди; «ниманидир қўлга киритиш» энг кўп ишлатиладиган ибора бўлиб қолганди. Кишилар мебель, пойабзал, кийим-кечак, озик-овқатлар олиш учун талон излаб топишга мажбур эди. Нефть қазиб олиш корхоналари ва шахталарда касаба уюшмалари етакчилари кукариб кетган битта товукни иккита бахтли талон эгаларига бўлиб беришарди.

Кадрларни уйлаб утирмасдан лавозимга тайинлаш бир қатор республикаларда, шу жумладан Қоғозистонда миллий муносабатларнинг кескинлашувига олиб келди. Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг (ушбу китоб муаллифларига йўллаган мактубидаги) нуфузли шаҳодатига қўра, «Ҳайдар Алиев КПСС МК Сиёсий бюроси раҳбариятидагилардан биринчи бўлиб 1986 йилги Олмаота воқеалари олдидан Горбачевни бемаврид, шошилишч қарорлар қабул қилмасликка ундаган эди. Нафақага кузатилаётган Қўнаев урнига Қозоғистон раҳбарлиғига «четдан» етакчи олиб келмасликни, аксинча, раҳбарни маҳаллий

<sup>1</sup> Кооперация – кишиларнинг бир меҳнат жараёнида ёки бир-бирига боғлиқ бўлган турли иш жараёнларида бирга илтироқ этишлари асосида меҳнатни ташкил этиш шакли.

халк вакилларида тайинлашни таклиф қилган эди. Бирок унинг фикрларига кулок солишмади; оқибатда уша фожиали воқеалар содир бўлганди. Ғазабга тўлган халк кучаларга, майдонларга чиқди; у эса қонли тўқнашувларни юзага келтирди.

Кейинчалик ҳам шу нарса қайталанди; хусусан, Закавказье-да миллий сиёсатдаги ноқисликлар учун Кремль раҳбариятини кескин танқид қила бошлаганда, Қорабоғ таназулининг олдини олишга чақириб бонг урганда ҳам эътибор беришмади. Билишимча, ана шу нарса унинг тулиб турган сабр қосасини тоширган томчи бўлганди; оқибатда Алиев истеъфога чиқарилди».

Дарҳақиқат, шундай бўлганди. Колбин масаласи қурлаётган Сиёсий бюрода ҳеч ким гапирмади. Йиғилишдан сунг Алиев Горбачевнинг хузурига кирди. Икки ўртада кечган суҳбатни Ҳайдар Алиевичнинг ўзи шундай хотирлаганди:

«Биласизми, Михаил Сергеевич, тегишли шароит бўлмаганлиги сабабли йиғилишда гапиргим келмади. Лекин бир нарсани сизга айтиб қўяй, ҳарна бўлганда ҳам одамларнинг миллий психологиясини биламан. Сиз хатога йўл қўйяпсиз. Колбин – ёмон одам эмас. У яхшигина биринчи секретарь бўлиши мумкин. У Ульяновск вилоятининг биринчи секретари эди; назаримда, гарчанд, кўзбўямачилик билан шуғулланган эса-да, ёмон бўлмаётганди. Бу нарса ҳаммага маълум. Уни Россиядаги энг йирик партия ташкилотларига раҳбар этиб тайинлашингиз мумкин эди, демокчиман. У эплаб кетади. Қозоғистон учун эса Колбин мос эмас. Хато қилаётганингизни ҳисобга олинг. Горбачев менга қандайдир бир алам ва қаҳр билан қаради: «Майли, кўрамиз», деди. Шундай қилиб, мен ўз бурчимни адо этгандим».

Москвада кечган йилларини кейинчалик эсларкан, Алиев зийрак ва теран сиёсатчи сифатида ҳаётда синовдан ўтказилмаган ёки илмий тажрибаларга таянмаган турли ислохотларга розилик бермаганлигини айтганди. «Сиёсий бюро йиғилишларида қалтис, хатарли режаларга қўл қўйиб чиққандим ва баъзан Михаил Горбачевни пухта ўйланмаган, хом-хатала қарорлар чиқаришдан тийиб қолганман. Лекин асосий «муҳолифим» Егор Лигачевни алкоғолли ичйимликларга қарши қураш кампаниясидан тўхтатиб қола олмадим. Узумчилик кенг ривожланган республикаларга, шу жумладан Озарбайжонга ҳам, ниҳоятда қатта зарар етказилди; чексиз узумзорлар илдизи билан қўпорилди, заводлар тўхтаб қолди».

Алиев ўзини эмин-эркин тутар, Бош секретарнинг ўзгарувчан кайфиятига мослашишга интилмади; ишончи қомил бўлган фикрини, нуқтаи назарларини қаттиқ туриб ҳимоя қиларди; шу боисдан ҳам Горбачев ва унинг доираси учун кен-раксиз бўлиб қолди.





Озарбайжон Компартияси МК биринчи секретари Ҳ.А. Алиев



Республика қурилишларидан бирида.

Бутуниттифоқ шанбалиги. 1976 йил 17 апрель.





Пахта даласида.



Уни иш кабинетидан топиш қийин эди..



*КПСС XXIV съезди минбариди. Москва, 1971 й.*

*Совет ва америка космонавтлари билан учрашув. 1973 й. 8 октябрь.*





Алексей Баталов ва...

...Аркадий Райкин билан учрашув, 1975 йил.





Зарифа ва Ҳайдар Алиевлар фарзандлари Севил ҳамда Илҳомлар билан ҳақли равишда фахрланишар ва набираларини кўриб қувонишарди.





Зарифа ва Ҳайдар бутун умр бирга бўлишни орзу қилишарди.





Зарифа Алиева билан видолашув. Москва, 1985 йил 17 апрель.

Зарифага урнатилган ёлгорлик олдида.  
Боку, Фахрий шаҳидлар хиббони.





М.С. Горбачев ва Ҳ.А. Алиев В.И. Ленин мавзолеи минбарида

Ҳайдар Алиев ва Қозоғистон Компартияси МКнинг биришчи секретари Динмуҳаммад Қунаев Кремлнинг Георгий залида.





КПСС МК Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи уринбосари Х.А. Алиев Кремлдаги иш кабинетида.




Ҳайдар Алиев Байкал-Амур магистрали қурилишидаги  
Шимолий Муйск тоннели проходчиклари орасида...



Никарагуа етакчиси Даниель Ортега...

... ва Чили коммунистлари етакчиси Луис Корвалан билан.





Хайлар Алиев бошчилигидаги совет делегацияси Мехикода. 1982 йил.



СССР Госплани раиси Николай Байбаков билан.

СССР Медицина фанлари академиясининг  
тантанали мажлиси президиумида. *Москва, 1984 й.*





Ҳайдар Алиев — икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.



Халқаро ёшлар йили муносабати билан Алиев таклиф қилган тадбирлар орасида хунар-техника билим юртлари та-лабаларининг ижодий ишлари куриги ҳам белгиланган эди. Ана шу ишлар куриги Халқ хўжалиги ютуқлари кургазмаси (ВДНХ)да ўтказиладиган бўлди. Тайёргарлик кечаётган пайт-да Лигачевнинг тадбир МК паноҳида ўтказилиши ҳақидаги курсатмаси пайдо бўлди.

Александр Тимофеевич Гаврилов куйидагиларни хотир-лайди:

– Кўргазма очилди. Юрий Петрович Баталин сўз олиб, га-пираётганди... Шу маҳал Алиев нимадир қўшимча қилмоқчи бўлди. Лигачев эса кескин ўгирилиб, нега бурнингни суқяпсан, деган маънода қаради. Баталин маъруза қилипти-ку, шунинг ўзи етарли, деди. Сиёсий бюронинг бир аъзоси иккинчисига шундай деб турса... Яна, ҳамманинг олдида... Лигачевнинг ана шу лукмасини эшитгач (сўзма-сўз келтиролмаيمان, лекин маз-муна шундай эди), уялиб кетдим. Бундай қўпол йўсинда га-пириш учун қандай қилиб ўзига эрк берди? Алиев, ҳар холда, сенга ўхшаган КПСС МК Сиёсий бюросининг аъзоси, Иттифок Ҳукумати Раисининг биринчи ўринбосари бўлса. Ва, ҳатто, бундай нуфузли амаллар эгаси бўлмаганда ҳам! Ахир, бир неча оғиз гап билан Баталиннинг мулоҳазаларини тўлдирганда, ос-мон узилиб ерга тушармиди?

– Улар Сиёсий бюрода Алиев устидан «ҳукм чиқариб куйиш-ган» бўлиши ҳам мумкинмиди? – сўраймиз Гавриловдан.

– Ҳа, ҳукм чиқариб куйишганди, – ишонч билан жа-воб беради у. – Горбачев, Лигачев ва Яковлев – учови ҳукм чиқарганди...

Александр Тимофеевич ўз таржимаи ҳоли билан боғлиқ гоят эътиборли бир ҳолатни эслайди. Алиев секретариати-нинг мудирига Гавриловнинг мустақиллиги, эркин фикрлашга мойиллиги ёқмай қолади; айниқса, мудирни четлаб ўтиб, Ҳайдар Алиевнинг ҳузурига туғридан-туғри кириб-чиқишини хуш кўрмасди. Хуллас, Гаврилов ўзини қанчалик оғир-босиқ, сипо тутмасин, барибир, икки ўртадаги муносабатлардан учкун чатнаб турарди. Александр Тимофеевич ўзига муносиброк бошқа бирон ишни қидириб куришни дўстларидан илтимос ҳам қилганди. Бу гап Яковлевнинг қулоғига етиб боради; бир куни у қизиқсиниб, Гавриловдан сураб қолди.

– «У ердаги ишларинг қалай? У билан чиқишиб ишляпсан-ми?» «У билан ҳамма ишларим жойида, – деб жавоб берди Га-врилов, суҳбатдоши уша одамнинг исми шарифини айтишни ёқтирмаётганини билиб. – Қийинчилик унинг атрофидагилар билан боғлиқ».

– Сезиб турибман, жавобим Яковлевга ёқмади, – дея хи-қоясида давом этди Гаврилов. – У Алиев туғрисида бирон-бир

ножӯя гап айтишимни кутган эди, шекилли. Аслида Алиев билан муносабатларимиз кўнгилдагидек эди. У ҳақда биронта ёмон гап айтишни ҳаёлимга ҳам келтирмагандим.

– «Хавотир олма, – деди Яковлев суҳбатимизга яқун ясаб. – Мафкура соҳасида сенга жой топилади».

Кейинги воқеалар қуйидаги тарзда кечди. Гавриловга партия Марказий Комитетининг тарғибот бўлимида сектор мудирлиги вазифасини таклиф қилишади, лекин... Яковлев Гавриловга қарата, унга (Алиевга) телефон қилгиси келмаётганини айтди, шу боис «ариза ёзиб бўшагин, биз сени ўзимизга оламиз», – деди. «Мен бундай қилмайман» – жавоб беради Гаврилов.

«Российская газета» газетасининг бешинчи қаватдаги муъжазгина хонасида у билан суҳбатлашиб ўтирибмиз. Столда ёйилиб ётган китоблар, янги нашрнинг саҳифаланаётган варақлари орасидан икки пиёла қаҳва учун зўр-базўр жой топилади.

– Менинг фикримча, – сўзида давом этади Гаврилов. – Алиев Брежнев даврида, лекин Андроповнинг тавсияси билан давлат тепасига келганди. У ҳам, Шеварднадзе каби, Брежневнинг арзандаси эди. Бироқ, энг муҳими, Андропов уни маъқул кўрган эди. Бир пайтлар Дзержинскийнинг зиммасига юклашганидек, унга ҳам транспорт масалаларини топширишди; ушбу тизимда тартиб-интизомни йўлга қўйиш лозим эди. У бутун диққат-эътиборини транспортга қаратганди; алоқа йўллари министри Конарев билан баҳамжиҳат фаолият юритишарди. Улар ўртасида илик, дўстона, айтиш мумкинки, кадрдонларча самимий муносабат йўлга қўйилганди. Горбачев, Лигачев, Яковлев сингариларга бундай одамлар керак эмас эди. Буёғи, энди, хавфли эди-да...

Уинстон Черчилль бир пайтлар Совет Иттифоқидаги сиёсий курашни гиламлар тагига биқиниб олган бульдог итларнинг жангига ухшатган эди. Горбачев билан Яковлев узига хос усуллар билан ўз командасини шакллантирган эди. Лигачевга эса, чамаси, Алиев устидан фош қилувчи ҳужжатни кўрсатишади; у, табиийки, кучлилар томонига оғиб кетади.

– Назаримда, – дея ҳикоясини давом эттиради Гаврилов, – Алиев жуда катта ижобий роль ўйнаганди. У раҳбарликнинг ахлоқий меъёрларига пухта амал қилар, Николай Иванович Рижковни чалишга чоғланмаганди. Иккови қўлни қўлга бериб, виждонан, ҳалол ишлашганди.

Алиевга қарши ҳужум зимдан тайёрланаётганди. Ва доим катта сиёсатда бўлганидек, бегоналар қўли ишга солинганди. Сиртдан караганда, бу ҳужум олийжаноб ниятлар никоби остида амалга ошириларди.

1987 йил бошларида ушбу китоб муаллифларидан бири «Социалистик индустрия» газетасида ишларди. Ҳали-ҳали

эсимда, бош мухаррир КПСС МКдаги йигилишдан кайтгач, тахрир хайъати аъзоларини жамлади: бизга Бокуда, Озарбайжонда нималар содир бўлаётганлигини аниқлаш вазифаси юклатилган, деди. (Алиев ушанда Сиёсий бюронинг аъзоси эди; хужум аста-секин ҳозирланаётганди). Партия нашрларида бир туркум танкидий мақолалар берилди. Шу жумладан «Социалистическая индустрия» газетасида ҳам шу руҳдаги мақолалар босилди. Гарчанд газеталар катта шаҳарнинг ижтимоий муаммолари тўғрисида оғир-босиклик билан ёзаётган эса-да, СССР Министрлар Советининг Алиев ташаббуси билан қабул қилинган» 1985–1990 йилларда Боку шаҳар хўжалигини янада ривожлантириш хақида»ги қарори муносиб ёритилаётган эди. Буларнинг ҳаммаси Алиевга зимдан тайёрланаётган зарба эди.

1987 йил 10 май якшанбага тўғри келганди. Душанбада секретариат ходимлари Ҳайдар Алиевични туғилган куни билан табриклашди. Қутловлар аллақандай паришон ҳолатда ўтди. Сабаби, почтадан келган хатлар, мактублар, қутловлар, газета ва журналлар орасида Горбачевдан ҳам, Сиёсий бюро аъзоларидан ҳам табриклар кўринмасди. «Старая площадь»дан ҳам ҳеч қим кўнғироқ қилмасди.

– Узимча уйга толдим, – дея фикрларини баҳам кўришда давом этади Александр Гаврилов, – тушунарли: демак, ундан халос бўлишмоқчи. Ахир, туғилган куни-я! Ахир, у ҳам, ўзингиз айтгандек, инсон, елкадош, дўст-биродар-ку. Бир неча йил ҳамфикр, ҳамнафасликда фаолият юритдингиз; у – Сиёсий бюро аъзоси, Ҳукумат Раисининг биринчи ўринбосари бўлса. Лекин, Горбачев табрик йўлламади, атрофини қуршаб олганлардан ҳам садо чикмади. Уша куни биринчи бўлиб уни Конарев табриклади; ажиб гузал феъл-атворли одам-да. Туғри, хийла фурсат ўтгач, хужжатларни элтиб бераётган пайтимда Алиев гап орасида машинада келаётган маҳали Горбачев унга телефон қилиб қутлаганини айтиб ўтди. Балки, уша телефон кўнғироғи бўлмагандир ҳам, у сим қокқанми-йўқми, энди асл ҳақиқатни билолмаймиз.

Уша душанба куни Ҳайдар Алиевич узини ёмон ҳис қилди. Врач дарров етиб келди; эшитиб кўргач, зудлик билан шифохонага ётқизиш зарурлигини айтди. Алиев эътироз билдирди. Мен ҳам врачнинг ёнини олдим, шифохонада даволаниш кераклигини таъкидладим.

– Сизни касалхонага ётқизмасликка иложим йўқ. Сиз ўз вазифангизга қанчалик масъул бўлсангиз, мен ҳам ўз ишimgа шунчалик жавоб бераман. Касалхонага боришингизни талаб қиламан.

Ҳайдар Алиевич «Тез ёрдам» машинасига ўзи юриб бормоқчи бўлди; лекин етиб боролмади. Уни машинага замбилда олиб боришди.

Озарбайжон раҳбарлари – Багиров, Сеидов Алиевни келиб куриб кетишди. Алоқа йўллар министри Конарев ҳам ҳолидан хабар олди. Сиёсий бюродаги сафдошлари-чи? Нахотки оддий инсоний туйғулар уларга бегона бўлса? Нахотки уларнинг оламида фақат ҳисоб-китоб ҳукмрон бўлса? Шундай бўлиб чиқди ҳам. Фақат Николай Иванович Рижков Алиевни кургани касалхонага келди. У ўша дамларни шундай эслайди:

– Орадан йиллар ўтгач, Николай Иванович олдинда хушлаб, орқангдан муштраб кетиш қабилда келган шекилли, дея ножоиз хаёлларга берилганлигини Алиевнинг ўзи эътироф этганди. Ҳозиргидек аниқ эсимда, хорижлик бош министрлардан кимнидир кузатиб қайтаётган эдим; муолажа пайти эмасикан, дея шифохонага кўнғироқ қилдим, сўнгра кириб ўтдим. У таширифимдан беҳад миннатдор бўлди; фақат орадан анча йиллар ўтгач, ушанда янглишиб, ноурин хаёлларга борганлигини бўйнига олганди.

Горбачев «ён-атрофидагиларни» тозалашга аҳд қилганди. Бу борада Лигачев унга фаол ёрдамлашарди. Қадам-бақадам атрофларини «супуриб» боришди. Ҳаммаси нохуш ишлар, инсофсизлик эди.

Николай Ивановичнинг хотирасида шундай бир ҳолат сақланиб қолганди.

– Алиевнинг ўглигами, қизигами квартира зарур бўлиб қолганди. Оиласини яхши билмасдим, хотинини бир-икки мартагина кўргандим; хотиним Людмила унинг аёлини менадан кўра яхшироқ биледи. Хуллас, ўглими, қизими, икковидан бирига квартира керак экан. Унга квартирани ҳозирги «Президент отели» билан ёнма-ён қурилаётган янги уйдан берадиган бўлдик, у аввал «Октябрь» меҳмонхонаси деб юритиларди. Уй Марказий Комитетга тегишли эди. МК билан Министрлар Советининг ишлар бошқармалари ҳамкорликда узаро квартира алмаштириб туришарди. Бир сўз билан айтганда, квартирани ажратишди, бир пайт Алиевнинг ўзи келиб қолди: бизга рад жавобини беришди, деди. Мен шу заҳоти МКнинг ишлар бошқармасига, Кручинага телефон қилдим: «Николай Иванович, нима қилаяпсан ўзи?» У чайналиб қолди. «Менга қара, ахир бу инсофдан эмас-ку. Алиев куни кеча Сиёсий бюро аъзоси эди; ҳозир ҳам Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ҳисобланади; оиласи кўчиб ўтишга ҳозирланаётган экан. Сен билан бирга Москвага ишга келгандик, партия МКда ҳамкорликда фаолият юритдик».

– «Сиз ҳақсиз, Николай Иванович, нима, мен тушунмайманми?». – «Нега бўлмаса бошни котирияпсан!» Шу заҳоти Смиртюковга телефон қилдим. Хуллас, масалани ҳал қилдик...

– Лекин, чамаси, Кручина ёки Смиртюков туғанок булмаган булса керак?

– Албатта. Яна шунга якин бир воқеа кечганди. Алиевни ишдан бушатишгандан кейин уч соатча бирга ўтириб, очиқ-ойдин суҳбатлашдик. Сейфда қоғозлар ётганлигини айтдим... Уларни варақлаб кўрсатдим...

– Николай Иванович, – деди у, – буларни ким ёзганлигини ҳам биламан. Сиздаги бу қоғозлар Горбачевга ҳам, Яковлевга ҳам етиб келган... Бу – инсофсиз одамларнинг ўч олишидан булак нарса эмас.

Бир пиёла чой устида узок давом этган самимий, дилкаш суҳбат пайти Николай Иванович шеригидан тилларда дoston булган узук ҳақида сўради. Кимда-ким Бош секретарь Брежневнинг Бокуда булган пайтида берилган репортажни кўрган булса, Леонид Ильич бармоғидаги катта узукка маҳлиё булиб ўтирганини яхши билади.

– Ҳайдар Алиевич, сиз Брежневга бриллиант кўзли узук тақдим қилганингиз тўғрисида узунқулоқ гаплар бор. У президиумда ўтирган кўйи ана шу узукдан кўзини узмай, бармоғида айлангирарди. Ҳамма ёриткичлар унга йуналтирилганди; узукнинг ловуллаб жилваланишини биз ҳам кўргандик.

– Николай Иванович, буларнинг ҳаммаси тўхмат, – жавоб берди Алиев. – Буларнинг менга нима кераги бор? – Кейин журнални қўлига олди.

Суратда Брежнев тушган самолёт акс эттирилганди. Ҳайдар, Брежнев ва бошқа шахслар трапдан узоклашишаётганди. Ортида қоровул бошлиғи, генерал турарди.

– Уй эгасидан тақозо этилганидек, самолётга чикиб бордим. «Леонид Ильич, юринг», деб Брежневни таклиф қилдим. Бу нарсаси таомил тусига кирганди. Наҳотки самолёт ичида унга узук тутказган, деб ўйласангиз. Яхшилаб қаранг: Брежнев кўлидаги ўзининг узуги. У шу узук билан учиб келганди. Наҳотки мен шунчалик нодон бўлсамки, меҳмонни Озарбайжон тупроғига таклиф қилиб, ишни ҳадядан бошласам?

– Хуллас, суҳбатимиз очиқчасига кечди, – дея хотираларига яқун ясайди Рижков. – Унга тула-тўқис ишондим; икки кундан сўнг худди шу қоғозлар дастаси жамланган пакет билан Горбачевнинг ҳузурига кирдим. У билан деярли ҳар куни кўришардик, баъзан бир кунда икки-уч мартадан мулоқотда булишга тўғри келарди. Бош секретарь қоғоз пакетни кўргач, жон кириб: «Менда ҳам шундан бор», – деди. «Михаил Сергеевич, Алиев билан суҳбатлашдим». – «Хуш, нима бўпти?» – «Бу қоғозларни узокроққа қўйиб, уларни бутунлай унутиш лозим, деб ҳисоблайман». Узим шундай йўл тутдим – уларни

ишга солмадим. Горбачев уша коғозларни нима қилганлигини эса, билмадим.

Бош секретарь пакетни унутмаган эди. Катта шов-шувли ишга ҳозирлик кўрилаётганди. Лекин уйлаган ишлари амалга ошмади. Ошмасди ҳам; сабаби, «фактлар бемаъни сафсата» бўлиб чиқди. Қайта-қайта текширишлар, комиссиялардан сўнг Яковлев ҳам шундай хулосага келганди. Унга Партия контроли комитети раиси Путо текшириш натижалари ҳақида маълумот берганди: иш кўзгаш учун асос йўқ.

Александр Николаевич Яковлев ғайрат-шижоат билан большевикларни қилган-қилмаган гуноҳлари учун тавба-тазарру қилишга ундарди. Лекин Алиевга зулм қилгани, ояласига ўтказган жабрлари учун негадир ўзи пушаймон бўлмади. Худди айби йўқдек, ўзини бепарво тутарди.

«Биласизми, Артём, Сиёсий бюро таркибидан ҳайдалганидан кейин таҳқир ва камситишларга дуч келишимга тўғри келганлигини Зарифа кўрмаганидан хурсандман». Ҳайдар Алиевич ажойиб журналист, авиация фалокати натижасида ҳалок бўлган Артём Боровикка ўзаро суҳбатлари чоғида шундай деганди. Артёмнинг гапларини Вокиф Мустафоев ёзиб олганди. Боровик ўзининг хужжатли фильмида Алиев Шеварднадзегга телефонда (ушанда Москва Давлат халқаро муносабатлар институти (МГИМО) Ташки ишлар министрлиги тасарруфида эди; ўғли Илҳом шу олийгоҳда сабоқ берарди) илтимос қилганлигини сўзлайди: «Йигитни уз ҳолига қуйсангизчи. Нега бошида гаврон синдирмоқдасиз?» Шундай эса-да, барибир, Илҳомни муаллимликдан бўшатиб юборишди, дея давом этади Артём Боровик. Уша пайтда у отасининг, оиласининг боқувчиси эди. Бу оиланинг боши тошдан экан; жула куп синовларни бошидан кечирди.

Илҳом Алиев ҳали олти ёшга тўлмасдан туриб биринчи синфга борганди. Ун олти ёшга тулар-тулмас қобилятли йигитча Москва Давлат халқаро муносабатлар институтининг талабаси бўлганди. МГИМОни тугатгач, Ғарбий Европа мамлакатларидан биридаги совет элчихонасига ишга йўлланма беришди. Бундай йўлланмаларга эришиш ғоят нуфузли ҳисобланарди; битирувчи ёш насллар Париж ва Лондон, Рим ва Брюсселда дипломатик соҳадаги фаолиятини бошлашарди. Лекин Илҳом Алиев юксак эътиборли сафардан воз кечди; чамаси, отасининг маслаҳати билан шундай йўл тутганди; отаси ўғли билан қизига маслаҳат бериб, илм-фанга астойдил фидойиликни лозим кўрганди. Илҳом жонажон институти аспирантурасига ўқишга кирди; «Сўнгги йиллар Англия тарихида урушга қарши халқ ҳаракати» мавзудаги диссертациясини муваффақиятли ёқлади, тарих фанлари номзоди бўлди; талабаларга дарс бера бошлади. Ҳамкасблари ёш олимни ғоят

хурмат килишар, кадрлашарди... Отасини жазолашгандан кейин ўглини ҳам ишдан бўшатиб юборишди.

– Оғир кечганмиди ўшанда? – деб сўради Илҳом Алиевдан Бокуда чиқадиган «Гюнай» газетаси мухбири.

– Ҳа, жуда оғир бўлганди, – Илҳом дилида борини яшириб утирмади, очик айтди-қўйди. – Доимий назорат остида юрамдим; бир кун келиб Бокуга қайтишимга ишонмасдим. Тижорат билан шуғуллана бошладим, ишларим юришиб кетди.

Шундай эса-да, Москвадан кўчиб кетишига тўғри келганди. Лекин қаёққа боради? «Озарбайжонга қайтиши мумкин эмасди – Бокудан турли хил таҳдидлар келиб турарди. Шунда Туркияга жўнадим. Уша ердан туриб Москвадаги компанияларимни бошқардим...»

Алиев истеъфога чиққач, журналистлар Рижковни кийинкистовга олишди:

– Сиз бирга ишлагандингиз; у ёмон одам-а?

– Агар унинг қанчалик яхши одамлигини айтсам, ёзмай қўясизми? Бу нарса сизни қизиқтирмайдими? Ушандаям ҳаммага айтгандим, ҳозир ҳам қайтараман: у одамга асло топ отмайман. Ҳа, биз бирга ишлагандик. У жуда яхши ишлаган.

Рижковнинг хотирасида Внуково аэропортида кечган бир воқеа жонланди:

– Учишдан олдин хотиржам чой ичиб утиргандим. Номалум бир озарбайжонлик олдимга келди: «Николай Иванович, бизнинг Хайдар учун сиз билан бир бокалдан шампан виноси ичгим келди; ёлғиз сиз унинг ортидан тош отмадингиз, бошқаларнинг йуригига юрмадингиз».

Лекин ушбу учрашув кейинроқ содир бўлганди. Горбачев бу пайтда қўлидаги қаргани чийлаётган, атроф-теварагидаги одамларни иккинчиси, учинчи марта алмаштираётган, янгилаётган эди.

Навбат КПСС МК Сиёсий бюроси аъзоси, кейинчалик Президент Кенгаши аъзоси Евгений Максимович Примаковга етиб келганди. Академик Кремлда бир пайтлар Алиев ишлаган кабинетда утирарди. 1991 йил воқеаларини ҳикоя қиларкан, Примаков бундай деб ёзганди:

«КПСС XXVIII съезидан кейин борлигимни Президент Кенгаши ишига бағишлагандим. Фақат ташқи иқтисодий фаолият билан эмас, ундан ташқари масалалар билан ҳам шуғулланишга тўғри келарди. Михаил Сергеевич билан муносабатларимиз яхши эди, кескин, жиддий масалалар билан олдига бемалол кира олардим; уларни зудлик билан ҳал қилиш зарурлигини ҳам уқтирардим. Лекин ушбу масалаларнинг қўйилиши муайян кескинликни ҳам вужудга келтирарди. Эътироф этаман, мени энг кўп хавотирга солган, ҳатто, газаблантирган нарса,

бу – Қонун ҳукмронлигини мустаҳкамлашда қатъиятнинг етишмаслиги эди». Лекин, айтиш лозимки, Горбачевнинг буткул борлиғи айтиш шунда намоён бўлаётганди. Примаковнинг мулоҳазаларига у шундай жавоб берганди: «Бошқа бир жамиятга утилаётган оғир бир шароитда фуқаролар ўртасида нифок, тўқнашувлар келиб чиқмаслигини истайман; мамлакатимиз бўйлаб тартиб ўрнатиш бўйича кескин чоралар ана шундай жараёнларни келтириб чиқариши мумкин».

Примаковнинг мулоҳазаларига караганда, Горбачевнинг сўзлари қисман адолатли эди: «Очигини айтганда, бу – бундай фаолликдан воз кечганда юзага келувчи адолат эмас, балки унинг ниятидаги адолат эди. Буни ГКЧП (Фавқулодда ҳодисалар давлат комитети) томонидан ташқил этилган фитна ёрқин тасдиқлади».

Уларнинг телефон орқали кечган кескин суҳбатларига Горбачев қуйидаги сўз билан яқун ясаганди: «Сезишимча, сен механизмга сингишиб кетолмаяпсан».

Горбачевдан кўп йиллар олдин ўз сафдошларига бу хил ишончсизлик Сталин томонидан билдирилган эди: кескин бурилишлар маҳали улар аравадан тушиб қолишади. Сталин даврида тушиб қолишган бўлса, Горбачев даврида «сингишмаган». Зотан, Иосиф Виссарионович Михаил Сергеевич билан қариндош бўлиб чиқишни, эҳтимол, асло исгамаган бўларди. Улар, феъл-атвори ва фаолиятидаги фарқли жиҳатларга карамай, ҳар иккиси ўз «муҳолиф»ларидан жудаям тез халос бўлишарди. Туғри, Сталин сафдошлари ўз йулини қамоқ лагерларида яқунлаган бўлса, Горбачевнинг елкадошлари «нари борса» Алиев ва Рижков сингари инфаркт орттиришди.

Николай Иванович бир неча бор Горбачев билан яққамаякка гаплашишган, унинг иктисодий йули боши берк кучага элтишини қайта-қайта айтганди.

– Сиёсий бюронинг сўнгги йиғинларида овозлар баралла қуйиб бакириладиган, ҳатто, онадан олиб болохонадор қилиб сукиладиган оҳанглар ҳам чиқди, – эслайди у. – Даҳанаки жанггача бориладиган бўлиб қолди. Бир-бирларини очикдан-очик ҳақоратлашарди. Шундай ола-тасир ўтган мажлисларнинг биридан сўнг Горбачевга телефон қилдим: бу аҳволда узокқа бориб бўлмайти, дедим. Сиёсий бюро йиғилишига четдан таклиф қилинганлар бор, улар бу ерда кечаётган ҳамма паст-баланд гапларни, ёқа бўғишишларимизни Москва бўйлаб етказишяпти. Ахир, бизлар ҳам тирик жонмизку, СБнинг бу хил мажлисларидан кейин қандай қилиб хотиржам ухлаб буладя, дедим. Михаил Сергеевич эртасига шанба кунини учрашишни таклиф қилди. Шундоқ ҳам ҳар шанба кунлари ишлардим, у эса ишга чиқмасди. Қуришдик.



Сухбатимиз ниҳоясига етгач, англадимки, ёнимиздаги хонада Раиса Максимовна ҳамма гапдан бохабар бўлиб ўтирган экан.

Шундан сўнг қатъий ишонч ҳосил қилдимки, бизнинг нуқтан назарларимиз мутлақо тўғри келмас экан. Медведев у билан бирга эди, Яковлев ҳамтовоғи эди... Булар ҳаётда арзирли бир иш қилмаган одамлар эди. Ҳатто, ўз номлари билан эълон қилинган китобларни ҳам ўқиб кўрмаган, қўлини совук сувга урмаганлар тоифасидан эди.

Хайлар Алиевич Алиев, ҳамсуҳбатларимиз фикрича, Марказий Комитетда ҳам, Министрлар Советида ҳам ўзига юклатилган жуда катта қўламдаги ишларни жуда яхши адо этарди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг иккита «Ўрок ва болға» олтин медали (иккинчиси Андропов даврида олинган) унинг меҳнатига берилган юксак баҳо эди. У Чеховнинг бир галини кўп такрорларди: «Энг муҳими – иш битсин, қолганлари бўлаверади». Шифохонада ҳам хийла дармон киргач, ишга шўнғиб кетарди. Ўз тасарруфидаги министрларни, муассаса раҳбарларини кенгашга таклиф қиларди. Ёрдамчилари топшириқларни пешма-пеш ёзиб олишарди. Министрлар Советига қайтгач, ҳамкасблари уларга ҳамдардлик билан боқишарди.

– Бизга худди фарк бўлганларга карагандек термулишарди, – дейди Александр Гаврилов.

Филипп Денисович Бобков ўзининг разведкадаги ҳамда катта сиёсатдаги ҳаётида кўпни кўрганди; у «чўққиларда» хайрихоҳлик, ҳуш кўришлару ёқтирмаслик, душманлик ҳисси қай тариха зоҳир бўлишини яхши билади; муносабатларнинг нечоғлик мураккаблигини, ўзаро иттифоқлар қанақалиги – ким кимлар билан дўстлашишини, кимларнинг чўқтирилишини кўп кўрган. Горбачевнинг Алиевга бўлган муносабатига беражак баҳоси қатъий:

– Бу мутлақо салбий муносабат эди. Мутлақо! Айтайлик, Андроповнинг Алиевга муносабатидан фарқ қиларди. Андропов мустақил фикрлайдиган, қатъиятли, кучли одамлардан кўрқмасди, уларнинг кадрига етарди, юксак лавозимларга тавсия қиларди. Горбачев эса, аксинча, ана шундай одамлардан чўчирди: улардан тезроқ қутулиш пайида буларди: Алиев, Романов, Ельцин, Рижков, Баталин, Киевда – Шербицкий, Олма-Отада Кунаев кўнглига ўтиришмаганди...

Ельцинни Сиёсий бюродан узоклаштиргач, Горбачев унга министрлик вазифасини – Давлат қурилиш комитети раисининг биринчи ўринбосари лавозимини таклиф қилади. Ельцин бундай марҳаматни қутмаганди – СССР министри-я! Шу

захоти розилик билдирди. Горбачев: «Лекин энди сени сиёсат остонасига яқинлаштирмайман», деганди. У ҳалиям ўзини ҳокими мутлақ ҳисобларди: Яқинлаштирмайман, дедими, вас-салом! Шахмат тахтасида доналарни сургандек, одамларни бир лавозимдан иккинчисига силжитарди. Ўзи эса улкан мамлакатни бой бераётганди.

Дарвоқе, у мамлакат туғрисида жон койитганмиди? Туғри, урни келганда машҳур кушиқдаги ушбу сатрларни такрорлашни ҳуш кўрарди: «Жонажон ватаним яшаган буларди...»

Юрий Петрович Баталин Алиев билан Москвадаги сўнги учрашувларидан бирини шундай хотирлайди:

– Учрашувимиз у истеъфога чиққандан кейин Мичурин проспектидаги шифохонада бўлиб ўтганди. Биз, ҳар доимгидек, илик салом-алиқдан сўнг гапга тушиб кетдик. Ҳайдар Алиевичнинг кўриниши унчалик яхши эмасди – хийла озган, толиққанлиги кўриниб турарди. Бир чеккага ўтиб ўтирдик. У бир оғиз галирди-ю, бир умр эсимда мияланиб қолди. Сузма-суз айнан келтиролмайман, лекин мазмуни куйидагича эди: барибир, мени йўқ қилишолмади, тирик қолдим, энди ўзимни ўнглаб оламан. У шундай галирдики, ҳаммаси тушунарли эди: гап фақат жисмоний саломатлик хусусида кетмаётган эди. Узункулоқ гапларга караганда, уни бутунлай йўқ қилишмоқчи экан-у, уддалай олишмабди.

Кўкисдан савол туғилади: истеъфога кетган булса, Алиев кимга қаттиқ халакит бераётган экан? Одамлар тақдирини ҳал қилувчи москвалик ҳукмбардорларгами? Алиев Горбачевнинг ҳам, Яковлевнинг ҳам асл башарасини яхши биларди; аксар уларга қарши чикиб келганди. Лекин бу ерда гап одамларнинг гап-сўзларини бекитишча эшитиб назорат қилиш хизмати билан чекланаётганди. Озарбайжонда юксак лавозимларга тиш-тирноғи билан талпинувчи кучларга бориб боғланаётганмиди? Алиев бир неча марта, шу жумладан Москвадаги арман дўстларига, хусусан, Иттифок нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министрининг уринбосари Аракелянга ҳам: «Ўша даврда Озарбайжонда булганимда эди, Қорабоғдаги, Сумгаитдаги воқеа-ҳодисалар асло содир этилмасди», – деган эди.

– Бу аниқ гап, – деб қўшимча қилади Юрий Петрович Баталин. – Бунга ишончим комил. Алиев Қорабоғдаги урушга чек қуйишга эришди. Икки ўртада музокаралар бошланиб кетди. Бундай музокаралар қанчалар кийин кечишини тушунаман. Лекин бу музокаралар қанчалик узок олиб борилмасин, барибир, урушдан кўра яхшироқ-ку!

Бир пайтлар Мичурин проспектидаги шифохонада ёзувчи Альберт Лиханов Алиев билан бир вақтда даволанган эди.

– Сиёсий муносабатлар буйича мутахассислар эндилик-

да сиёсий нуктаи назардан Алиев билан мулоқотда булишни хавfli деб хисоблашарди, – дея хотираларга оғиз жуфтлайди Альберт Анатольевич. – Менинг эса уни кургим, суҳбатлашгим келди. Ушанда Ҳайдар Алиевичнинг олдига ўғли Илҳом келган экан, назаримда у нимадандир ранжигандек куринди. Илҳом илтифот билан ўрнидан кузгалди ва тапқарига чикди; бизнинг гапимиз эса ўз-ўзидан қовушиб кетди, узоқ, жудаям узоқ – ярим кечагача суҳбатлашиб қолдик.

Алиевга ажратилган палата Лихановни таажжубга солганди (унинг сўзларига караганда «палата» дейишга тилинг бормайди), тор, фақирона эди.

– Унинг олдиди мен ётган палатанинг бошидан сув ўгириб итсанг арзирди. Ҳукумат амалдорларидан бирининг палатасига кирган эдим; алоҳида ошхонаси, буфети ҳам бор экан. Алиевнинг ҳолидан, очиғи, аччиқ ўкингандим.

Уша узоқ киш кечаси Алиев дилида борини тўкиб солганди.

– У Нахичеванда ўтган йилларини, оиласини эслади, ҳаётининг илк паллаларини, фаолиятини қай тарика бошлаганлигини хотирлади. У хотиралар оғушида қолганлиги сезилиб турарди, – дея қайд этади Лиханов. – Кейин янги замон воқеаларига етиб келдик. Алиев, ўзига аёвсиз зарба беришгани, буни Горбачев амалга оширганлигини айтди. Менга нисбатан хиёнат қилишди, деди. Зотан, бу – бизнинг тарих учун оддий ҳолат. Гарчанд хонада суҳбатларни хуфийя эшитадиган мослама борлигини билса-да, ҳеч нарсадан тап тортмай, ҳайикмай гапирди.

Ушбу учрашувдан кейин окшомлари бирга сайрга чиқадиган булдик. У адолатсизликлардан енгилган эса-да, лекин руҳи синмаган шахс сифатида эсимда қолди. Ҳайдар Алиевич иродаси жуда кучли инсон, юксак ташкилотчи эди.

У бутун ҳаётини ишга, партиёга бағишлаган эди. Ҳеч бир асоссиз унинг дилини оғритишди. У кўркханидан эмас, асло, виждон амри билан фаолият юритганди.

Искандарияда подшоҳлардан бири, ҳандаса (геометрия) билан танишишнинг соддарок йули йўқми, дея Евклиддан сўраган экан.

«Ҳандасада шоҳона йул йўқ», – жавоб берибди Евклид.

– Бошқариш илмида ҳам шоҳона йул йўқ, – дея таъкидлашгани яхши курарди Алиев. – Бошқаришни ҳам ўрганиш керак. Кимнинг ҳавойи даъволари билим-тафаккури ва имкониятларидан ортиб кетса, шаксиз, мағлубиятга учрайди.

### VII боб

## «МЕН ГОШ ҲАМ, ТЕМИР ҲАМ ЭМАСМАН, ИНСОНМАН»

1987 йил 19 октябрь, Москва

Кремлда СССР Олий Советининг сессияси очилди. Олий Совет палаталарининг раҳбарлари, ҳукумат ва Сиёсий бюро аъзолари президиумдан жой олишди.

«Кимлардир кириб, яна кимлардир чиқиб турарди, – дея уша кунни эслайди Ҳайдар Алиевич. – Горбачев рўпарамда ўтирарди. Қарасам, у ўрнидан туриб, ташқарига чиқди. Хийла фурсат ўтар-ўтмас Лигачев жойидан кўтарилди, сен ҳам президиум хонасига чиқяшинг керак, дегандек Рижковга бош ирғади. Одатда, йиғилишлар олдидан бу хонада тўпланардик, танаффусларда чой ичиб турардик. Бир оздан кейин мени ҳам таклиф қилишди.

Горбачев мен билан суҳбатни бошлагач, унинг фикрига кура, Сиёсий бюро ва Министрлар Советидан кетишим кераклигини айтди. «Бунинг учун ҳеч қанака асосли сабабни кўрмаяпман. Кетишим керак деб ўйламайман, лекин сиз шундай деб ҳисобласангиз, эътирозим йўқ», – деб жавоб бердим. «Унда биз билишимиз учун, сиз истеъфога ўз ихтиёрингиз билан кетаётисизми ёки бетоблик сабаблими, айтишингиз лозим».

Танаффус пайтида уйга кетдим. Ўғлим билан қизим уйда эди. Вазиятни тушунтирдим. Уларга қойил қолдим! «Дада, сираям хавотирланманг, ташвиш тортишга арзимайди», – деб далда беришди улар.

Кечқурун Горбачевнинг ҳузурига кириб, бутунлай кетаётганимни айтдим. Ҳа, чиндан кетаяпман, саломатлягим сабабли кетаётганимни эълон қилишингиз мумкин, деб айтдим. У ўрнидан туриб келдида, мени кучиб ўқди ва «Ҳайдар Алиевич, сизга қатта раҳмат!» – деди.

Бу пайтга келиб улар йигирма йилдан зиёд вақт бир-бирларини яхши танишар ва билишарди. Партия МК пленумларида, Олий Совет сессияларида учрашиб туришарди. 1972 йили Ҳайдар Алиевич оиласи билан Пятигорскда дам олаётган эди. Ажойиб кунларнинг бирида Горбачев телефон қилиб: «Бирров кўриб, қандай дам олаётганингиздан хабар олмоқчи

эдим», – деди. Келгач, Қорачай-Черкесияга таклиф қилди. КПСС Ставрополь ўлкаси комитетининг биринчи секретари ўз амлокида дам олаётган министрлару амалдорларнинг барчасига ҳам бундай илтифот кўрсатавермасди.

Албатта, биринчи шахслар: Брежнев, Андропов, Косигинга алоҳида диққат-эътибор қаратилган бўларди... Бир куни Михаил Сергеевич Андропов билан қуришганда анчадан бери пиштиб юрган гапини қистириб ўтди:

– Марказий Комитет Сиёсий бюросини факат ёпи улуғлар билан шакллантириш ножоиз. Яхши ўрмоннинг ёнида, албатта, ёш ўрмон ҳам бўлади.

Нозик шамага ўралган ялтоқи хушомадгўйлик Андроповга ёқиб гушганди. Горбачевни, албатта, унинг ёрдами билан, Сиёсий бюрога сайлашганда Юрий Владимирович ҳамкасбини кутлар экан, ўша таг маъноли гапни эслатди:

– Қани, «ёш ўрмон», ўзингни кўрсат!

(Шу ўринда Горбачевнинг кўп йиллик ёрдамчиси, кейинчалик КПСС МКнинг умумий бўлим мудири бўлиб ишлаган, СССР Президенти аппаратининг раҳбари Валерий Иванович Болдин хотираларидан бир эпизодни келтириш жоиз: «Нукул Андропов, Андропов дейсан, – бир куни Горбачев унга ташланиб қолди. – Ўша Андроповнинг нима қилиб қўйибди, ўзи? Касал бўлиб дард тортишдан булак тайинли нима ишни қойиллатди? «Ғалати бир деталга эътибор беринг, Бош секретарнинг тилини қайратган нарса вужудийи ўшкондек ўпирган ҳасад, ичикоралик ва майдақашлик эди. Лекин, ўшанда – 70-йиллар адоғида ва кейинчалик ҳам у одамлар кўзи ўнгида ўзини олий мақомда кўрсата билиш илмини эгаллаганди).

Алиев ҳам Андропов танлаган йўлни маъқуллади: «Горбачев ҳақидаги фикрларим ижобий эди, – дейди Ҳайдар Алиев хотираларга бериларкан. – Туғри, у КПСС МКнинг Бош секретари этиб сайлангач, тубдан ўзгарди-қолди. Бир думалаб бутунлай бошқа одамга айлангандек эди, гўё. Бу биргина менинг эмас, Сиёсий бюро ўзга аъзоларининг ҳам фикри эди». Лекин сайланишгача ҳали узок, жудаям кўп қовун пишиғини кутиш керак эди.

Қорачай-Черкесияга сафардан сунг ҳар иккисининг бири-бирига ики тушиб, дўстлашиб кетишди. «Менга Ҳайдар Алиевич ёқиб қолди, – деганди Горбачев илк бор танишган, дўстлашган маҳалларини эслаб. – Зеҳни ўткир, укуви-идроки баланд; энг оддий-жайдари йўсинда ҳам, баланд мавқеда ҳам суҳбат олиб бора биларди. Ана шу хислати менга жудаям ёқарди. Тезда тил топишиб кетдик».

«Бу дўстлашувимиз ёки самимий муносабатларимизнинг ибтидоси эди», – дейди Алиев.

Олий Совет сессиясидан кейин МК пленумининг йиғилиши бўлиб ўтди. 1987 йил 22 октябрда газеталар қуйидаги мазмун-

даги хабарни босиб чикарди: «Пленум урток Алиев Ҳ.А.нинг саломатлиги туфайли нафақага кетиши муносабати билан уни Сиёсий бюро аъзолигидан озод қилиш туғрисидаги илтимосини қондирди».

Кремль даргоҳининг сир-асрорларидан хийла бохабар одам учун бу қутилмаган бир нарса эмасди. Врачлар бундан бир неча йил бурун Косигинни «шиббалаб», ҳозирлашгани сингари, ҳурматли Ҳайдар Алиевич, нафақага чиқсангиз буларқан, бундай катта қўламли ишларни адо этишга саломатлигингиз дош бермайди, деб Алиевни ҳам нафақага тайёрлай бошлашганди. Табиатан илтифотли, хушмуомала бемор бунақа босимга тоқат қилолмади: сизнинг вазифангиз мени даволаш, бундан буён қандай яшайман, ишлайманми-йўқми, бунинг сизга дахли йўқ – деди. Шифохонадан чиққач, аста-секин ишга шўнғиб кетди. Унинг ишгиригида режалаштирилган ўқитувчилар съезди материалларини синчиклаб урганишга тутинди; иқтисодиётни бошқаришни тубдан қайта қуриш масаласига оид ўз мулоҳазаларини МК йиғилишига жунатди. КПСС МК пленуми июнь ойи охирида қайта қуришнинг туб масалаларини муҳокама қилди (доҳийлар ундан қуйроқ масалаларга киё боққиси келмасди). Қунаевни Сиёсий бюродан чиқаришди; Зимянинни МК секретари вазифасидан озод қилишди. Александр Николаевич Яковлевни Сиёсий бюро аъзоси этиб қутаришди: «Қадам ташлашини қаранг-а. Январь ойида Сиёсий бюро аъзолигига номзод этиб сайлашган эди, ярим йил ўтар-ўтмас тулақонли аъзоликка сайлашди...» – деб қўя қолди Алиев.

Сентябрь ойи бошларида Алиев ишга чиқди. Қундалик юмушлар – МК ва Министрлар Советидаги йиғилишлар, бири иккинчисига улашиб кетди. 18 сентябрда КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолари Ҳ.А. Алиев, Л.Н. Зайков, В.П. Никонов, Н.И. Рижков, Н.Н. Словьковлар «Химия-87» кўрғазмасини бориб қуришди. Алиев турли аломатларга қараб Горбачевнинг унга бўлган муносабати қадам-бақадам ўзгариб борганлигини зимдан кузатиб бораётганди. «Бу нарсани аста-секин ҳис қилиб келаётгандим, – деганди у Воқиф Мустафоевнинг «Бир ҳасад тарихи» номли ҳужжатли фильмида. – Шу пайтгача икки ўртадаги муносабатларимиз илик эди».

## Бир ҳасад тарихи

Горбачев ушбу фильмда камерага тик қараб туриб: «Алиевнинг ишдан кетиши фақат саломатлиги заифлапгани сабабли бўлди, – дея таъкидлади. – Ва яна сизга айтсам, республиканинг тазйиқи ҳам ниҳоятда катта бўлди... У Москвада туриб, республикадаги ишларнинг кечишига халақит берапти, дейишганди. Охири шундай хулосага келгандим.

Бу нарса бирон-бир хусумат туфайли содир этилди, деб ўйламайман. Ёки буни уч олиш оқибати деб ҳам билмаслик лозим. Унга нисбатан инсонийлик доирасидан ташкари чиқилмади. Ҳеч ким уни оёқ ости қилмади, таҳқирламади. Атрофдагилар нималар деб ғийбат қилиши мени қизиқтирмайди; уларнинг менга алоқаси ҳам йўқ. Виждоним поклигини биламан».

Алиевни қай йўсинда четлатишганини китобхон яхши билиб олди. Қандай жазолашганини билгач, ўзи ҳолис хулоса чиқариб олади: кимнинг виждони поку, кимники нопоклигини англаб етади. Михаил Сергеевичнинг Мустафоевдан сўраган биринчи нарсаси – Алиев ҳақида нечта фильм ишламоқчилиги бўлди.

– Ун иккита!

– Ўн иккита деяпсанми?! – таажжубланди собиқ Бош секретарь ва собиқ Президент. – Биз Геншер билан биргаликда (Германия Федератив Республикасининг собиқ ташқи ишлар министри. – *Муалл.*) мен ҳақимда бир серияли фильмни суратга олдик.

– Бу сизнинг ишингиз, – ҳорғин жавоб берди режиссёр.

У Горбачевни суратга олиш учун розилигини уч йил кутди. Ниҳоят Москвадан кунғирок бўлиб қолди: «Михаил Сергеевич розилик билдирди. Сизни кутаяпти. Суратга олиш ўн дақиқага мўлжалланган».

Мустафоев билан оператор шу заҳоти Москвага учиб кетишди. Самолётдан тушар-тушмас қўлидаги уяли телефон жиринглаб қолди: «Михаил Сергеевич сиз билан учрашолмас экан».

Кинорежиссёр қандай туйғулар камровида қолганлигини тасаввур қилиш мумкин! Озарбайжон элчихонасига яқинлашиб қолганди. Низомий ҳайкали пойида уни галдаги телефон кунғироғи тухтатди: «Михаил Сергеевич рози бўлди!»

Ленинград проспектида, шаҳар аэровокзали яқинида жойлашган «Горбачев фонди» биносига кириб боряпти. Кираверишда аквариум кўзига ташланди.

– Мана шу жойда суратга оламиз, – деди Воқиф.

Илк кадрлар умумий мавзуда босиқ, ҳиссиз суҳбатдан иборат бўлди. Лекин Мустафоев Бош секретардан Алиевни нима сабабдан олий маснаддан узоклаштирдингиз, деб очикдан-очик сўради. «Горбачев асабийлаша бошлади, – дея хотирлайди Воқиф, – ҳаяжони операторга ҳам кўчиб ўтди, унинг қўлидаги камера оҳиста титрай бошлади... Ваҳоланки, ҳали анчагина савол беришимиз керак эди».

Ана шу саволларнинг бири Ҳайдар Алиевичнинг ўғли, Москва Давлат халқаро муносабатлар институтининг ўқитувчиси Илҳом билан боғлиқ эди. Уни институтдан кетишга мажбур

килишганди. Горбачев бу гапларни эндигина эшитиб турибман, деди таажужубланган куйи.

«Бир ҳасад тарихи» фильмини Екатеринбургдаги кинофестивалда намойиш қилишди ва у энг юксак Гран-при мукофоти билан тақдирланди. Горбачев Москва Давлат халқаро муносабатлар институтида кечган воқеани эндигина эшитиб турибман, деганда аёл кишининг ҳаяжонли овози бутун зални тутиб кетди: «Ёлғон айтаяпти, Горбачев дегани!»

Унинг ортидаги аквариумда эса балиқчалар думини ликиллатгани ликиллатган эди.

Бош секретарнинг шахсий соқчилари бошлиғи генерал Медведев берган баҳога қўра, у катъиятсизлиги ва беқарорлиги билан ажралиб турарди. У ўзининг сиёсий муҳитини муттасил янгилар, унглари ҳам, суллари ҳам янчиб кетаверарди. Ҳайдар Алиевич Алиев ҳам ана шу тегирмон тошига тушиб қолганди.

Владимир Медведев – СССР Давлат хавфсизлик комитети генерали, Л.И. Брежнев шахсий соқчиларининг қўп йиллик бошлиғи (14 йил) ва М.С. Горбачев шахсий соқчиларининг раҳбари (6 йил) эди. Брежневдан кейин Горбачевгача бўлган даврда у икки ярим йил Давлат хавфсизлик комитети Тўққизинчи бошқармасининг резерв бўлинмасида хизмат қилди. Бошқарманинги вазифаси юқори мартабали давлат делегациялари хавфсизлигини таъминлаш эди. Ушбу вазифада у Ҳайдар Алиевнинг дастлаб Вологда ва Череповецга, кейин Вьетнамга давлат таширифини тайёрлаган эди.

Алиев Владимир Тимофеевични аввалги қўп учрашувларидан, Брежнев билан Боқуга бирга келгандаги учрашувлардан ҳам яхши биларди, албатта. Сафар тадориклари ҳозирланди, деган расмий рапортни қабул қилиб бўлгач, янги вазифада ишлари қандай эканлигини дўстона сўради.

«Алиев Брежневнинг назарига тушганлигини билардим, – дея хотирлайди генерал Медведев. – МК Сиёсий бюроси таркибига Юрий Владимирович Андроповнинг тавсиясига биноян киритилганини ҳам яхши билардим».

Вьетнамда Алиев металлургия комбинатини бориб қўриши кутилаётганди. Совет делегацияси раҳбари ўтажак йўллардан дастлаб Владимир Медведев ўтди. У мартен печидаги металл уюмлари орасида снаряд борлигини пайқаб қолди. Соҳиблар уни олиб ташлашга қўнишмади, хавфсиз, деб қўя қилишди.

«Ҳайдар Алиевич етиб келгач, – дея ҳикоя қилади Медведев, – албатта, снаряд ҳақида ҳам ҳисобот бердим: заводга боришдан воз кечилса бўлмайдим, дея сўрадим. Лекин белгиланган сафар режасини ўзгартириш Алиевнинг табиатига буткул ёт нарса эди. «Мумкин эмас, – деди у, – бизни у ерда одамлар кутиб турибди, боришимиз керак». У доимо шунақа



дангалчи эди. Дарвоқе, у шахсий ҳаёти хавфсизлигига эътиборсиз эмасди, лекин бу унинг учун биринчи галдаги масала ҳам эмасди».

Шу ўринда журналист Эльмира Охундова гувоҳ бўлган воқеани келтириб ўтиш жоиз. У ҳам бошқа мухбирлар қатори Президентнинг галдаги чет эл сафарига ҳамроҳлик қилаётганди. Бундан бىр мунча аввал, 1995 йил июлида Алиев Болгария билан Руминия сафаридан қайтиб келаётганда бахтли тасодифгина унинг самолётини ҳалокатдан сақлаб қолганди. Кимлардир террорчиларнинг галдаги хуружидан юрагини ҳовучлаб, ошқора ҳадиксираб гуларди. Ушанда, самолётда учиб кела туриб, Эльвиранинг саволларига жавоб бераркан, Ҳайдар Алиевич қўшиб қўйганди: «Сен кўркма, менга ҳеч нарса бўлмайди. Мени Оллоҳнинг ўзи паноҳида асрайди: сабаби, ҳали халқимга кераклигимни биллади».

Минг афсуски, шундай олийжаноб инсонни партиявий макрлардан Оллоҳнинг ўзи ҳам асрай олмади.

Ҳайдар Алиевнинг шахсияти ва фаолияти тўғрисида Нурсултон Назарбоев қанчалик теран ва ғурмаъно баҳо берганлигига ҳали тўхталамиз. Қорабоғ воқеалари қанчалик этилиб келаётганлигини, қай тариха портлаб кетганлигини ҳам эслаймиз... Ҳозирча КПССнинг XXVII съезди кечган давр воқеаларига қайтамиз; ушанда иттифоқ миқёсидаги шахсий нафақадор Ҳайдар Алиевни Марказий Комитет аъзолигига сайлашган эди. Таржимаи ҳолига оид маълумотларда унинг барча партиявий ва давлат лавозимлари қайд этилган; ҳатто, (уша пайтдаги) энг охиригиси ҳам курсатилганди: «1987 йил октябридан 1988 йил ноябригача СССР Министрлар Советида давлат маслаҳатчиси».

Лавозим фахрий эди, албатта. Аввалги куч-қуввати, ғайрат-шижоати қайтиб келгандек эди. У, ҳар доимгидек, эрталаб соат 8.30 да мўъжазгина хонасига ишга етиб келарди; лекин бу ерда ҳеч ким унинг маслаҳатига муҳтож эмаслигини кўнглининг тубидан ҳис эта борарди.

Алиев бир қанча муддат СССР Министрлар Советида маслаҳатчи ва КПСС МКнинг аъзоси бўлиб турди. Кейин уни мазкур «вазифалардан» ҳам халос этишди. Нуфузли ва доно сиёсатчи Александр Сергеевич Дзасоховнинг фикри қуйидагича эди: «Алиевга нисбатан адолатсизлик қилишди».

Ҳайдар Алиев истеъфога чиққандан кейин «ўз» секретариатининг мудиридан баъзи материалларни саралаб, жамлаб беришни илтимос қилганди. Ўрнига ҳақоратомуз жавоб олди:

«Сиз энди бизда ишламаяпсиз».

Ушанда хайрихоҳ, олийжаноб Александр Гаврилов, кўнгли майлига кўра, тегишли қоғозларни таяёрлашга тутинди; бироқ зийрак мудир шу заҳоти ҳозир нозир бўлди:

– Бу қоғозларни кимга тайёрляяпсиз?

– Алиев учун.

– Эсингизда тутинг: у энди бизда ишламайди.

Шундай эса-да, Александр Тимофеевич раҳбарининг илтимосини бажо келтирди. «Булакча йўл тутолмасдим, одамгарчиликка хилоф бўларди», – дея қатъий фикрини билдирди.

Хушомадгўйларча ялтоқланиш авж олган бир пайтда Гавриловнинг виждонли, инсоф-диёнатли иш юритишининг тасдиғи тарикасида кичик бир чизгини келтирамиз.

Бошқа дала ховлига кўчиб ўтишга тўғри келиб қолди. «Куримсизгина бир ёғоч қулба беришганди», дейди Лиханов дили оғриб. Майли, Ҳайдар Алиевич дангиллама ховли-жой орттирмади; пасткам «ёғоч уйга» жойлашган бўлди. Сокчилик хизматини ҳам бекор қилишди, бунга ҳам майли. Лекин хонасини йиғиштириб, саранжом-саришта тутиб, овқат пишириб турган уй хизматчисини нега чакириб олишади; айниқса, инфарктдан, хотинининг ўлиmidан кейин кимдир иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб туриши керак эди-ку. Қабихларча йўл тутишганди, тубанлик ҳам шунчалик бўладими?

Кремль Съездлар саройидаги эътиборга лойик бир ҳолат куз ўнгингда жонланади. Танаффуслар пайтида вестибюль партия комитети секретарлари, министрлар, ҳарбий мансабдорлар билан гавжум бўлиб кетади... Туп-туп бўлиб гурунги қилишади, қаттиқ-қаттиқ овоз чиқариб саломлашишади; анчадан бери дийдор қуришмаганлар қучоқлашиб қуришишади. Ва бир одамдан кузларини олиб қочиб, қурмагандек, ўзларини четга олишади. Бу – Ҳайдар Алиевич Алиев; энди у Сиёсий бюро аъзоси ҳам эмас, Министрлар Совети Раисининг биринчи уринбосари ҳам эмас. Куни-кеча ана шу кишилар унинг теварагида қуймаланиб юришар, унга булган ҳурматларини изҳор этиш, шундай ғарибу бенаволар ҳам борлигини билдириб қўйиш учун атрофида гирдикапалак булишарди.

Виктор Поляничко, ана шу таҳқирли манзарани кузатиб тураркан, виждони қийналиб кетди; ушбу китоб муаллифларидан бирига мурожаат қилди:

– Витя, юр, Ҳайдар Алиевичнинг олдига борайлик; бир зум суҳбатини олайлик.

Биз яқинлашиб бордик. Кузлари миннатдорликдан чакнаб кетганини кўрдик.

Кремль Съездлар саройи вестибюлидаги уша манзара Алиев келгусида босиб ўтиши керак булган четлатиш, ажратиб қўйиш, одамларнинг куз ўнгида ғаламислик қилиб қийнашларининг дебочаси эди. Шогирдлари, унинг кўмагида юксакларга кутарилганлар, энг яқин дўстлари хиёнат қилишларини, пайини қирқишларини у ҳали билмасди. «Назаримда, – дейди у, – энг кўркинчлис одамлар бобида адашшадир. Кейин, бир ид-

дао юрагидан отилиб чикди: – Биласизми, менга нисбатан жуда кўп ноҳақликлар, адолатсизликлар қилинди. Ахир, мен ҳам одамман-ку, тош ҳам, темир ҳам эмас, одамман-ку!»

Бу, чамаси, шафқатсиз ва ноҳақ камситишлар, тазйиклардан юраги зада бўлган кишининг жароҳатли кўнглидан отилиб чиққан хиссий фарёд эди. Ҳайдар Алиевич кейин бу ҳақда бошқа ҳеч кимга оғиз очмади. Барча ғам-аламни, қалбини куйдириб бўлса-да, енгиб ўтиш иродаси мустаҳкам одамларгагина насиб этади. Ва, кардиограммалардаги юкорига кўтарилган ва пастга тушган эгри-бутри чизикларгина ирода метинлиги қанчалик қимматга тушишини кўрсатади.

Горбачев, гарчанд, янгича тафаккур ҳақида жалойирга жар солса-да, аслида тутган йўли эскича эди: ўтмишдошларининг авра-астарини ағдаришдан иборат эди. Хрушчев Сталиннинг кулини кўкка совурганди; Брежнев–Хрушчевни, Горбачев–Брежневни қулатиш билан банд эди... Ҳар бир ўтган давр пешонасига шахсга сизиниш, волюнтаризм, турғунлик... деб, қора доғдан муҳр босиларди: Тўғри, янги хатоларга йўл қўймаслик учун ўтмишдан ўтиб келган нималардандир воз кечиш, ўтилган йўлдан сабоқ олиш, хулосалар чиқариш тақозо этиларди. Лекин ўтмиш сабоқлари, бу – ҳўл-қурукни баравар ёқиб, йўқотиш дегани эмас эди.

## Жазо

Совет даврида кадрлар ҳамма нарсани ҳал қилади, деган Сталинча таъбир ғоят машҳур эди. Горбачев айна шу етук кадрлар қадамини қирқишга муккасидан кетди: Кунаев, Алиев, Шербицкийларнинг оёғига болта урди; кейин эса, 1989 йили юзлаб кадрларни Марказий Комитетдан бадарға қилди.

Уша йилларга баҳо бераркан, Анатолий Иванович Лукьянов куйидагиларни ёзганди: «Бош секретарь ишини бажариб бўлган; энди ўзига керак бўлмай қолган одамлардан тезликда халос бўларди. Бу борада партиямиз номенклатурасида синовдан ўтган эски усулларни қўлларди.

Лигачевни йўқотиш керак бўлиб қолганди, Бош секретарь, одатда, Егор Кузьмич олиб борган КПСС МК секретариати йиғилишларини ўтказмай қўйди. Рижковнинг галия келганда эса, СССР Министрлар Совети ўрнига ҳокимиятдан маҳрум Министрлар кабинети ташкил этилди. Айна шу принцип асосида Совет Иттифоқи Президенти эгаллаган юмшоқ ўриндик ҳам давлат билан биргаликда тортиб олинди».

Ана шу шармандали тил бириктиришгача икки ярим йилдан бир оз кўпроқ вақт қолган эди. Ҳозирча эса улкан советлар мамлақати бўйлаб қатта тозалаш ўтказилаётганди.

Бокуда Багировни алмаштиришди – бир пайтлар унинг номзодини Алиев тавсия қилганлиги баҳола бўлди. Комрон Мамед ўғлининг ишчанлик, юксак инсонийлик хислатларини ҳисобга олиб, номзоди юксак вазифага тавсия қилинган эди. У партия ва ҳўжалик соҳасида, ишлаб чиқаришда катта тажрибага эга эди. Партиявий ишда ҳам тажрибаси улкан эди: слесарь, инженер, декан, трест бошқарувчисининг уринбосари, Озарбайжон ССР Министрлар Советининг коммунал ҳўжалик ва қурилиш бўлими мудир, Сумгаит шаҳар партия комитетининг биринчи секретари, Марказий Комитет секретари... Кўпчиликнинг фикрига қўра, ҳалол, катъиятли, инсоф-диёнатли инсон эди. У Алиевга орқаворатдан шубҳа билдириш орқали уни ҳақоратлашдек бебурдликка асло йўл қўймаган бўлурди. Ахир, уни Алиев тавсия этгани-ку. Алиевга қарши эса дафтарни қоралашга тушиб кетишганди.

Марказий матбуот саҳифаларида эълон қилинган, уюштирилган мақолаларни Боку нашрлари шу ондаёқ рус ва озарбайжон тилларида кўчириб босарди. Ошқоралик ва фикрлар хилма-хиллиги даври дея эълон қилинган эса-да, қурук тўхматдан, ёлғон-яшиқ уйдирмадан иборат айбловларга жавоб қайтаришга йўл беришмасди. Алиевнинг ака-укалари Ҳасан, Оқил, Жалолни Бокуда қувгин, таъқиб қила бошлашди. Медицина институтининг сиёсий иқтисод кафедраси мудир, иқтисод фанлари доктори Оқил Алиевни айна туғилган куни – 1988 йил 10 декабрда ишдан бўшатиб, кўчага чиқариб қўйишди. Ваҳоланки, бундан икки йил олдин айна шу институтда Оқил Алиевни муборакбод этишганди; катта ҳўрмат кўрсатиб, қутлуг тилаклар билдиришган, эзгу фикрлар айтишганди. Хотира дасғхатлари битилган совғалар топширишганди... Одамларнинг шаън-шавкатини ҳам, шармсизлигини ҳам тасдиқловчи гувоҳларга айланган совғалар ҳалиям Оқил оғанинг офисида сақланади. Атоқли олим, кўплаб илмий ишлар, теран тадқиқотлар, монографиялар муаллифи икки йил мобайнида ишсиз кўчада қолди.

Академик, атоқли биолог олим Жалол Алиев 1999 йили чоп этилган «Фан ҳақиқати» китобида қуйидагиларни ёзганди:

«Кейинги ўн йил ичида сиёсат омочи ҳаётимиз далаларини шудгорлаб ўтди; бу нарса ёши бир жойга бориб қолган, ҳаётда кўп нарсани кўрган, бошдан кечирган инсон сифатида мени бир нарсага катъий ишонч ҳосил қилишга мажбур этди; ўзимиз бир зарраси бўлган жамиятнинг барқарорлиги, ҳақиқатнинг ёлғон устидан ғалабаси муқаррарлиги тўғрисидаги билим ва тасаввурларимиз қанчалик ўткинчи эканлигини англаб етдим; агар, бани башар калтафаҳмлиқ, енгилтаклик, соддалик қилиб ўз тақдирини ғаразли ниятларини ва шўҳратпарастликларини амалга ошириш учун ҳар қандай қабихликдан тап тортмайди-

ган авантюрачилар ва мунофиқлар кўлига топшириб қўйса, одамлар ва халқларнинг иқболи ва истикболи нечоғлик омонат, заиф ва мурт бўлиб қолишини ҳам тушуниб етдим.

Кўшлар қатори мен ҳам сиёсатга тортилиб, аралашиб қолдим, аслида, мутлақо сиёсат билан машғул бўлмоқчи эмасдим. «Агар сен сиёсат билан шуғулланмасанг, у сен билан шуғулланади», деган фикрнинг нечоғлик ҳақлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим».

Сиёсат тузони академикни лабораториясидан топди; бу тузон у ҳамкасблари билан бугдойнинг янги навларини парваришлаётган тажриба-синов даласига ҳам етиб келди. Академик ўз акасининг кадр-қиммати, оиласининг шаъни химоясига мардонавор отланди. Мўътабар жойларга хатлар жўнатди. Иттифок Бош прокурорига, Олий Совет Президиумига, марказий ва республика газеталари таҳририятларига, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетига, КПСС МК ва Сиёсий бюросига ҳақиқатни тиклаш, адолатни қарор топтиришни сўраб ўнлаб мактублар йўллади...

Жавоб тарикасида бир-икки энлик хат билан кифояланишарди. Фақат «Смена» журнали (1988 йил 19-сонда) Ҳайдар Алиевдан узр сўради.

«...Ва бир кеча» номли мақолада («Смена». № 15. 18-б.) Л.И. Брежнев Бокуда бўлган маҳали Алиевдан катта бриллиант кузли узукни совғага олган, дейилганди. Редакция бу маълумотни тасдиқловчи далилларга эга эмаслиги учун Ҳ.А. Алиевдан ҳамда ўқувчиларидан узр сўрайди».

## Қорабоғ

1988 йил 18 февралда Горбачев узининг янги ёрдамчиси – олим, сиёсатшунос Георгий Хосроевич Шахназаровни вазифага тасдиқлади. У ишга тушар-тушмас арман публицисти ва адиби Зорий Балаян унинг қабулига ошиқди. «Уни «Литературная газета»даги қизиқарли мақолалари орқали билардим. – деб ёзади Шахназаров «Озодликнинг баҳоси» китобида. – Шу боис қуришиш ҳақидаги таклифига бажонидил рози бўлдим: гап Қорабоғ туғрисида кетишини хаёлимга ҳам келтирмагандим. Лекин меҳмоннинг фикру зикрида Қорабоғ эди. Қотмадан келган, қорамағиз бу одамнинг юзига, шарқликларга хос бўлмаган гим қора қисик кузига тикилар эканман, Қорабоғнинг Арманистонга қўшилиши барча ватандошлари қатори, бу кишининг ҳам фикру зикрида, унинг учун ҳаёт-мамонт масаласига айланган эканлигини тушундим.

...Уларни муроса йўлини излаш кераклигига ҳеч нарса билан ишонтириб бўлмасди. Ҳозир айни пайти, ҳаммасини ҳозир ҳал қилиш керак, акс ҳолда ҳеч қачон амалга ошмайди! – ифо-

дачиси Балаян, Тер-Петросян ва уларнинг сафдошлари бўлган миллий ўзликни англаш ўз олдига ана шундай мақсадни қўйган эди».

Аммо КПСС МКнинг Бош секретари ёрдамчисига, «Асли корабоглик, Бокуда туғилиб ўсган, рушлашиб кетган арманига бу гаплар дахлдор эмасми?», – деб ёзади у ўзи хусусида. Аслида унинг ўзи биринчилардан бўлиб ватандошларини «мурося йўли билан масалани ҳал қилишга даъват этиши лозим эмасмиди?». Йўқ. У Балаяннинг шоира Сильва Капутикян билан бирга қабул қилиш тўғрисидаги илтимосини Бош секретарга етказди. «Бу учрашув 26 февралда бўлиб ўтди ва кейинги воқеаларда катта аҳамият касб этди», – деб ёзади Георгий Шахназаров. Совет даврининг энг нуфузли сиёсатчилари ва тарихчиларидан бири Валентин Фалин кейинчалик Шахназаровнинг фаолиятини баҳолар экан, қуйидагиларни қайд этганди: «Ғояларининг моҳияти қуйидагича эди: озодликнинг баҳоси – Совет Иттифоқини йиқитишдан иборатдир».

Горбачевнинг Арманистон вакиллари билан учрашгани хабарини, бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Озарбайжонда ҳам телевизион янгиликлар орқали билишди. Шундан сўнг Бош секретарь Озарбайжон зиёлилари вакилларини ҳам қабул қилса керак, деб кутишди. Лекин у бундай қилмади. Уша пайтда генерал Бобков Қорабоғда эди. У шундай ҳикоя қилади:

– Автоном вилоятнинг ҳар томонлама ривожланиши, миллий муносабатларни мустаҳкамлаш учун Алиев қанчалик заҳмат чекканлигини, катта самараларга эришганини ўзим шахсан қўриб ишонч ҳосил қилдим. Ва, ҳатто, дастлабки жунбиш ҳам тўқнашувларга олиб келмади. Иккита оддий мисол келтираман.

1988 йил 22 февралда Степанакертдан Ағдамга олиб борадиган катта йўлда бўлишимга тўғри келди. Қаҳр-ғазабга тўлган бир тўп одамлар йўлдан келарди. Кекса бир аёл уларнинг олдида пешвоз чиқди, оёқлари остига озарбайжонча рўмолни ташлади. Одамлар тақа-тақ тўхташди. Ортга қайтишди. Бу ҳодиса бирон нарсани англабмайптими?

Иккинчи мисол. Айни шу куни, мазкур районнинг узида қуролланган арманилар икки озарбайжонни отиб ташлашди. Агар бу ҳақда округдагилар хабар топса, қанчалик катта портлаш рўй бериши мумкинлигини тасаввур қиласизми? Биз озарбайжонликларга мурожаат қилдик, бообру кексаларни тўпладик. «Келинлар, – дедим мен, – ана шу қайғу тоғини ошиб утайлик, оғир йўқотиш аламини биргаликда баҳам қурайлик». Ғалимизга қўнишди. Улганларни тўпроққа топширишди; ана шу фавқулодда ҳодисадан қаҳр алангасини авж олдиришмади-ку.

Степанакертдаги намойишлардан бирида ғаламислар тобутларни майдонга олиб чиқишди. Шундоқкина ёнимда область театрининг актрисаси – армани аёл турарди; афсуски, фамилияси хаёлимдан кутарилибди. У шиддат ва дадиллик билан ифвогарларнинг хатти-ҳаракатига қарши чиқиб гапирди. Иғво-фитна амалга олмади.

Назаримда, уша аёл Кнарик Погосян бўлса керак; газеталар Қорабоғдан тайёрлаган репортажларда у ҳақда қуп ёзишганди. Ушанда «Социалистическая индустрия» газетаси Сумгаит алюмин заводи ишчилари армани биродарларини ур-йикит, қирғиндан омон сақлаб қолганлиги туғрисида ёзганди. Завод сокчиларининг бошлиғи Исмоил Алиев армани ишчилар ва мутахассисларнинг бутун оилаларини қорхонага келтирганди; бу ерда уларни озарбайжонликларнинг ўзи ишончли ҳимояга олган эди. Муҳофазалари мустаҳкам. Ҳимояга олинганлар орасида Костя амаки ва унинг оиласи ҳам бор эди. Қуюв цехининг устаси Константин Айказович Мартиросянини заводдагилар шундай аташарди. У эса, Исмоилни туғишганимдек азиз, дерди.

1988 йил февраль ойида Қорабоғ мавзуи марказий газеталарнинг биринчи саҳифасини, телеэкранларни эгаллади. Тоғли Қорабоғ автоном области раҳбарлари Озарбайжон ССР таркибидан чиқиш туғрисида қарор қабул қилишди. Бу ҳол этник заминдаги бир-бирига уланиб кетган тўқнашувларни аланга олдирди.

Москвада 1985 йили нашр этилган (Горбачев раҳбарлигининг биринчи йили, Совет Иттифоқидаги гинчликнинг сўнгги йили) Демографик энциклопедик луғатда Тоғли Қорабоғ автоном областига қуйидаги тавсиф берилган:

«Кичик Кавказнинг жануби-шарқий қисмида жойлашган, Озарбайжон ССР таркибида. Худуди 4,4 минг квадрат километр. Аҳолиси 1983 йилги маълумот бўйича 170 минг киши. Пойтахти – Степанакерт шаҳри». (1900 йилдан Россия социал-демократик ишчи партияси (РСДРП) аъзоси, Боку Халқ Комиссарлари Совети раиси, 26 Боку комиссари қаторида отилган Степан Шаумян хотирасини абадийлаштириш мақсадида 1923 йили шаҳарга шу ном берилган эди).

Авваллари турли туркий салтанатлар тасарруфига қирган ушбу худудлар, дея эслатилади луғатда, XVIII аср урталаридан Озарбайжон марказий қисмида ташкил этилган Қорабоғ хонлигининг бир қисми бўлиб қолди. 1805 йили Қорабоғ хонлиги Россия ҳукми остига ўтди. Тоғли Қорабоғда тўқнашувлар юзга келгунга қадар арманлар билан бирга озарбайжонлар, руслар ва бошқа миллат вакиллари истиқомат қиларди.

Автоном вилоятнинг иқтисодиёти, ижтимоий тизимлари, маданияти Озарбайжон билан бирга тараққий этиб келди. Заводлар ва фабрикалар, сув омборлари қурилди; таълим арман

тилида олиб бориладиган педагогика институти очилди. Умуман олганда, Тоғли Корабоғ автоном областининг ижтимоий-иқтисодий курсаткичлари Озарбайжон ва Арманистондан кўра юқорирак эди. Албатта, ҳамма жойда бўлгани сингари, муаммолар ҳам юзага келиб турарди; лекин уларни ана шу ерда яшайтган одамлар тотувлик билан бамаслаҳат ҳал қилишарди. Чунотчи, Степанакерт – Боку ва Степанакерт – Ереван ҳаво йўллари очилди. Марказий Комитетнинг биринчи секретарлари Алиев (Озарбайжон) ва Демирчян (Арманистон) ташаббуси билан бу йўлда озарбайжон ва арман учувчилари галма-галдан хизмат кўрсатишарди.

### 1988 йил 28 июнь, Москва

Пойтахтда, айна жазирамада XIX Бутуниттифок партия конференцияси очилди. Узундан-узоқ маърузалардан, иссиқдан лоҳас тортган делегатлар танаффус пайтлари Кремлдаги оқ кайинлар соясида тин олишарди: чекишар, Бош секретарни маза килиб қойиб, ҳовурдан тушишарди. Бутун мамлакат шалдир-шулдур маҳмадона сўзлар қуюнидан димиқиб, тоқати тоқ бўлганди; узига бинно қуйган вайсақя карқур эса «инқилобий қайта қуришни қандай килиб янада чуқурлаштириш, жадаллаштириш хусусида» жар солишдан толмасди... Кейинги уч йил унинг учун бурилиш палласи бўлиб туюлаётганди, лекин қаёққа қараб? «Партиянинг, меҳнаткашларнинг саъй-ҳаракатлари билан мамлакатни иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда таназзул томон тойишдан тўхтатишга эришилди. Жамият эндиликда ўзининг ўтмишини, бутуни ва эртасини яхши билади». Бош секретарь аксинча, деб ҳисоблайдиганларни эшитишни ҳам хоҳламасди.

Эртаси куни айна шу минбардан сўзга чиққан ёзувчи Юрий Бондарев қайта қуришни осмонга парвоз қилган ва лекин борадиган манзилида қуниш майдони бор ёки йўқлигини билолмай қолган самолётга ухшатган эди. Бу, аслида, ҳақ гап эди.

– Қуниш майдончасини фақат тотувлик бунёд этади, – дея сўзида давом этди Юрий Владимирович. – Фақат тотувлик лозим. Бирок, яқинда бир механизатордан ҳаётида қандай янгилашишлар содир бўлди, деган саволимга шундай жавобни эшитдим: «Нималар ўзгарди, деб сўраяпсизми? Бизнинг совхозда тафаккурдаги қайта қуриш қуйидагича кечаяпти: кимда-ким шу пайтгача аҳмоқ бўлган бўлса, эндиликда ақли қуйилиб донолашди, шиорлар айтиб бақириб-чакирадиган одат чиқарди; кимда-ким ақлли бўлса, нодонлашиб, аҳмоқлик томон тойиб кетганга ўхшайди; сабаби, дами ичига тушиб кетди, газеталардан қўрқади. Биласизми, ҳозир одам билан пашша



ўртасида қандай фарқ бор? Пашшани ҳам, одамни ҳам газета билан бир уриб ўлдириш мумкин. Шу гапни айтсам, улар мени қайта қуришга қаршисан, деб хол-жонимга қўйишмаяпти». Халқона юмор билан йўғрилган ана шу заҳарханда жавобда ўз ишида хўжа кўрсинга амалга оширилаётган ўзгаришлардан қўнгли қолганлиги кўриниб турган бир одамнинг афсус-надоматларини ҳам, қаҳр-ғазабини ҳам ҳис этдим, шунингдек, матбуотимизнинг бир қисми қайта қуришни мавжуд нарсаларни бекарорлаштиришдан, ишонч-эътиқод ва маънавиятни тафтиш қилишдан иборат, деб қабул қилди, аниқроғи, шундан фойдаланишга уринди.

Уша куни конференцияда Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг янги биринчи секретари Абдурахмон Везиров ҳам сўзга чиқди. Озарбайжонда қайта қуриш жуда катта қийинчиликлар билан кечмоқда, ўтмишдан қолган юкнинг оғирлиги ниҳоятда залворли, деди у.

– Республикадаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий муҳитнинг айнишида биринчи галда кадрлар сиёсатидаги бузилишларнинг гаъсири катта. Бу сиёсатга маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик, тилёғлама-хушомадгўйлик, қўшиб ёзишлар, хизмат вазифасини суинистеъмол қилишлар хосдир.

Биринчи секретарь нутқида М. Горбачевнинг сиёсий йўли сезилиб турарди. Ҳайдар Алиев оппонентларига жавоб беришга тайёр эди, лекин ким ҳам уни минбарни бериб қўярди? Вазиятни ўнглаш учун ким уни чорлайди дейсиз? Ҳеч кимдан садо чиқмаяпти. Мурват қаттиқроқ буралса, ҳаммаси тартибга келиб қолади, деб ўйлашган, умид қилишганди.

Шу ўринда мутлақо махфий ҳисобланган учта ҳужжатни келтиришни лозим топдик:

Биринчиси – «Озарбайжон ССР ва Арманистон ССРда жамоат тартибини йўлга қўйиш буйича шошилинч чора-тадбирлар тўғрисида»ги КПСС МКга қисқа ёзма маълумот варақаси.

*«Қардош Озарбайжон ҳамда Арманистон Республикалари ўртасида Тоғли Қорабоғ атрофидаги воқеалар муносабати билан зиддият тобора хавfli тус олмақда. Иш ташлашлар кенгаймоқда; ижозат берилмаган митинглар ва намойишлар сони ортмоқда. Намойишчиларнинг чиқишлари, хатти-ҳаракатлари тобора тажовузкор тус олмақда; уларни бошқариш ва назорат қилиш қийинлашмоқда; оммавий бошбошдоқликка айланиб бормоқда.*

Юзага келган шароитда мавжуд ҳуқуқ-тартибот воситалари билан жамиятга қарши ҳаракатларнинг олдини олиш мумкин бўлмай қолди.

Шу муносабат билан вақтинчалик чора тариқасида жамоат тартиби сақланишини таъминлаётган кучлар учун бу каби қонунга хилоф хатти-ҳаракатларнинг ташкилотчиларини.

фаол қатнашчилари ва фитначиларни яққолаш, бошқалардан ажратиш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг фармони чикариш зарур.

Мазкур масала юзасидан КПСС МКнинг қарори лойиҳаси илова қилинади.

1988 йил 23 ноябрь.

А. Яковлев,  
В. Чебриков,  
Г. Разумовский,  
А. Лукьянов».

Мактубга Горбачев узун қилиб имзо чекканди: «Розиман» (РГАНИ. Ф. 89, ОП. 4. Д. 5, Л. 1-5).

Иккинчи ҳужжат ҳам 23 ноябрь билан қайд этилганди; у КПСС МКнинг «Озарбайжон ССР ва Арманистон ССРда жамоат тартибини йулга қуйиш буйича шошилиш чора-тадбирлар ҳақида»ги қарори эди. «СССР Олий Совети Президиумининг ушбу масала юзасидан қабул қилган қарори лойиҳаси (илова қилинади) маъқуллансин», дейилганди қарорда (РГАНИ. Ф. 3, ОП. 102, Д. 1058, Л. 22-26).

Ва, ниҳоят, феъл-атвори турлича бўлган юкоридаги тўрт кишининг кистови билан қабул қилинган кечиктириб бўлмаш чоралар тўғрисидаги Фармон лойиҳаси қуйидагилардан иборат эди:

«1. СССР ички ишлар министрлиги томонидан ваколат берилган ва ички ишлар ҳамда ички қўшинлар органларининг мансабдор шахсларига комендантлик соатлари жорий этилган жойларда ёки аҳоли пунктларида ўз хатти-ҳаракатлари билан миллий айирмачиликни қўзғовчи ёки жамоат тартибини бузиш учун атайлаб извогарлик қилувчи ёхуд жамоатчиликка зид хатти-ҳаракатларга ундовчи, шунингдек, фуқаролар ва мансабдор шахсларга қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишларига ҳалақит берувчиларни маъмурий тартибда 30 кеча-кундуз муҳлатга ҳибсга олиш ҳуқуқи берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, мазкур Фармоннинг 1-бандига мувофиқ қўлга олинган шахслар қонунда белгиланган қондаларга биноан СССР ички ишлар министрлигининг махсус қабулхоналарига ёки СССР ички ишлар министрлиги томонидан белгиланган жойларга жойлаштирилади.

3. Мазкур Фармон 1988 йил 24 ноябрдан бошлаб кучга киритилсин».

Лойиҳа Фармонга айланди.

Асли боқулик бўлган биримиз ана шу воқеа-ҳодисаларни бошимиздан кечиримизга, фожиаларни дил-дилидан ҳис

килишимизга тўғри келди, шеригимиз эса маълум муддатга Москвадан учиб келди. Унинг кундалигидан бир неча саҳифа келтирамиз.

## Боку кундалиги

*1988 йил 28 ноябрь.*

Одамни шунчалик руҳан эзувчи туйғу билан Ватаним бўйлаб ҳеч қачон сафарга чиқмаган эдим. Редакцияда ҳам ҳеч қачон бундай алпозда кузатишмаганди. Газетачилар ҳаётида бир кунликми, кўп кунликми сафарларда бўлиш оддий бир ҳолга айланган; кимдир келади – кимдир сафарга жунайди, бу – оддий бир нарса. «Ҳа, қария, кетяпсанми? – сурашади йул-йўлақай. – Қаёққа?» – жавобини эшитмай, ғизиллаб йулларида давом этаверишади. Ҳозиргиси бутунлай бошқа гап. Тўқнашувлар кечаётган ҳудудда бўлган, жангу жадалларни ўз кузи билан курганлар бир зум олдинда тўхтаб қолади; бил-гашларини айтиб, баҳам кургиси келади; баъзилари «Қорабоғ билан боғлик» воқеалар хусусида суҳбатлашишга чоғланади.

Самолёт учгунга қадар бўлган орадаги буш фурсатда гинмай Бокуга телефон қиламан, У ерда нималар бўляпти? Кунгирок қилиб, зўр-базўр боғлана олганим журналистлар, партия ходимлари саросимада эди: бундай ҳолни ҳеч қачон курмагандим, дейишади. Юз минглаб одамлар кеча-ю кундуз майдонда. Заводларда – иш ташлашлар. «Социалистик индустрия» газетасининг Озарбайжон буйича махсус муҳбири, мендан бир кун олдин Бокуга учиб кетган Жавоншир Маликов баъзи аниқликлар киритади: нефтни қайта ишлаш корхоналари мажмуи ишламоқда. Шаҳарга қўшинлар киритилган.

Аэропортда сиртдан қараганда ҳамма нарса тинчдек кўринарди.

– Балки, учиб кетувчилар залига бир кур куз ташларсан? – сурайди мени кутиб олган Жавоншир.

Катта залда оёқ кўйишга жой йўқ. Аёллар, болалар, кексалар. Жомадонлар, урам-урам тугунлар. Яна, одамларнинг шунчалик кўплигига қарамай, ғалати сокинлик чуққанди. Оғир, сал тегинсанг портлаб кетадигандек сукунат эди. Бу одамларни жунаб кетишга нималар мажбур қиляпти? Билмадим. Ўзимни ҳозирча сабабини сурашга ҳам ҳақли деб ҳис қила олмайман. Қаттиқ меҳрим тушган бу шаҳарда бир йил мобайнида нималар содир бўлганлигини билиб олишим зарур. Ишга борлиғи билан киришган Комрон Багиров нега бунча кам ишлади? Қайси яралар патос бойлади? Яна қандай янги яралар кўз очмоқда?

– Тугунларни, айниқса, миллий масалаларга алоқадор қаттиқ боғланган тугунларни жуда эҳтиёткорлик билан, авайлаб ечиш лозим. Устини кул босган гулханлар кўни кеча бўлиб

утган жанжалларни эслатиб турган улкаларада, айниқса, огоҳ бўлиш даркор. Сўнган олов титкиланса, яна алангла ловуллаб кетади.

Ай гишларича, улкан майдонда тўрт юз мингми, беш юз мингми, оломон йиғилган. Минбардан теварак-атрофга ёйилаётган ҳар бир сўзни одамлар жон қулоғи билан тинглаётганини бутун вужудинг билан ҳис этасан. Майдон – жамоатчилик фикрининг ўзига хос барометри. Арманистон пансионатлар, тураржой бинолари, уйлар қурмоқчи бўлган Тўпхона кўрикхонасини химоя қилишга, Қорабўғни бермасликка, ҳаммани оёққа турғизишга даъват этилади. Шу оқшом партия комитети шаънига айтилган даъватлар ҳам қулоқлар остида янгради.

– Ишчиларга иш ташлашга рухсат бермаётган Наримонов район партия комитетига лаънат.

Теварак-атрофда «Лаънат!», «Лаънат!», «Лаънат!», деган гулдурак акс садо эшитилади. Начора. Майдондагиларнинг шунчалик эътиборига сазовор бўлган район партия комитети билан яқиндан танишишга тўғри келади.

*30 ноябрь.*

– Ушбу даъватларни ишимизга берилган рағбат тарикасида қабул қилдим, – дейди Наримонов район партия комитетининг биринчи секретари В. Қосумов.

Вокиф Қосумовичнинг елкасида ўн икки соатлик иш куни. У эрта тонгдаёқ машинасозлик заводидаги ўтиш йўлагига эди. Ўзи ҳам ишчидан чиққан, хўжалик юритишда тажрибаси катта; одамлар билан юзма-юз гуриб гаплашишга жазм қилди. Айримларнинг кўнглида ишонч ҳиссини орттирди, баъзиларни фикридан қайтарди, яна кимларгадир ёлғондан ростни ажратиб олишда қумаклашди, узунқулоқ гаплар орасидан асл ҳақиқатни англашда, адолатни тушуниб олишда ёрдамлашди.

– Экстремал ҳолатлар, фавқулодда вазиятлар одамларни жудаям тез синовдан ўтказайди, – дейди Қосумов. – Бир неча кун ичида ҳар кимнинг кадр-кимматини билиб оласан.

Республикада энг йирик ҳисобланган Наримонов районида 50 дан зиёд корхона бор; куч-қувватини бирлаштириб, тураржой қуришга қаратган эди. Эндиликда ҳаммасини тўхтатиб туришга тўғри келади.

Сабаблари маълум. «Озэлектромаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулотларини СССРда минглаб истеъмолчилар кутиб туришибди; яна қирқта хорижий мамлакатда истеъмолчиларимиз бор; миллион рубль даромадни бой бердик, яна жарима учун миллионлаб тўлаймиз. Агар, моддий йўқотишларни район, шаҳар бўйича оладиган бўлсак, кўрсаткичлар ўн ҳисса, юз ҳисса ортиб кетади. Наримонов район корхоналарни ижтимоий ривожлантириш жамғармаси 400 мингми йўқотиб ту-

рибди; уй-жойга навбатда кутиб турганлар 20 та квартирани ўз вақтида ололмайдиган бўлди.

Кеч соат саккиз. Биринчи секретарь хонасида район партия комитетининг бюро аъзолари, корхона ва муассасаларнинг партком секретарлари, директорлари тупланган. Улар ҳисобот ёки қолоқларнинг «пўстагини қоқиш» учун йиғилишмаган: юзага келган вазиятни соғлом баҳолаш, таҳлил қилиш ва сўнги кузатишларни, тамойилларни аниқлаштириб олиш учун йиғилишган. Заводларни ўраб олган пикетчилар<sup>1</sup> тарқатиб юборилди. Райондаги барча корхоналар ишни бошлаб юборишди, бироқ ҳали тўлик қувват билан ишламаёттанди.

*1 декабрь.*

Бугун Озарбайжон Компартияси МКнинг иккинчи секретари Виктор Петрович Поляничко билан кўришиш тўғрисида келишиб олдик. Боқуга келганига бир ой ҳам бўлгани йўқ; бунгача тўрт ярим йил мобайнида Афғонистонда ишлаганди. Биз бир-биримизни ўттиз йилдан бери, Москва Давлат университети (МГУ)нинг журналистика факультети талабалари яшаган Строминкадаги талабалик йилларидан биламиз. Уша пайтлардан бери эғнидан солдатлик гимнастеркасини ташлаб улгурмаган, ҳаракатчан, елкадор, барваста йигит кўз унгимда қолганди. Тенги йўқ одам, истарали, суҳбати ширинлиги боисми, ўзига жалб этаверар, кўнгилдан қочиргинг келмасди. Поляничко тўғрисида, бир қарасанг, Оренбург кенгликларидан бир мужда эшитиб қоласан: зарбдор объектлардан бири – кон-бойитиш комбинати қурилишида комсомол штабининг бошлиғи эди; яна бир қарасанг, Москвада пайдо бўлиб қолади; кейин Челябинскдан овоз беради. Уралда тақдир бизни яна бир-биримизга рубару қилди, у область комсомол комитетининг биринчи секретари экан, мен «Комсомольская правда» газетасининг махсус муҳбири эдим. Очиғини айтсам, унга ухшаган ерга урса, кўкка сапчийдиган, оёғидан ут чақнайдиган комсомол ёки партия ходимини умримда учратмаганман.

Соат тунги 22<sup>30</sup>. Кечки йиғилиш иштирокчилари МК иккинчи секретарининг хонасидан чиқиб келишарди. Виктор эппика яқин келиб, Жавоншир билан иккимизга бошини ирғади: «Йигитлар, кираверинглар». У турли хил қоғозлар, газеталар, папкалар уюлиб ётган катта столини қолдириб, ёнимизга келиб утирди; чойни, конфет солинган идишни сал суриб қўйди. Бу кеча хотираларга берилиш учун вақт йўқ эди; оксоқоллар айтгандек, гапнинг индаллосига куча қолдик.

– Вазият мураккаб, лекин биз уни бошқараёмиз. Тоғли Қорабоғ воқеалари ҳам, майдондаги олятасирлар ҳам утар; ле-

<sup>1</sup> Пикетчи – иш ташлаган ишчилар отрядлари.

кин биз, коммунистлар, одамлар кузига кандай караймиз? Ана шу нарсани унутмаслигимиз зарур.

Шаҳарлараро телефон кўнгирағи суҳбатимизни бўлди.

– Дашкесан? Эшитаман, Рауф Валиевич. Раҳмат! Мен бир кеча-кундуз ичида эшитган энг яхши хабар бўлди бу.

Виктор Петрович столга яқин келиб, жим бўлиб қолди.

– Яна чой ичасизми?– Кузларида олис ўтмишни эслатувчи нимадир чакнагандек бўлди, кейин тўсатдан самимий дил эътирофи тилига кўчди. – «Тўрт ярим йилдан бери ҳали меҳнат таътилида бўлмадим; урганиб ҳам қолдим; одамлар ҳозир қандай қилиб дам олишаётган экан, билмадим. Бўш вақтим бўлди дегунча бир чеккага чиқиб, китоб ўқишга берилмаман. Фақат уруш тўғрисида эмас. Уруш одамнинг жонига тегди...

Биз сидқидилдан айтилаётган самимий истифғорни, ҳур-китиб юборишдан чўчигандек, жим бўлиб тинглардик; бошқа шароитда уни айтмасмиди, балки...

Эшик ғийжиллаб очилди, МКнинг тарғибот ва ташвиқот бўлими мудирини Афранд Дашдамиров ичкарига кирди:

– Йигитлар, – деди у, – Виктор Петровични аясангиз булармиди!

Кечиктириб бўлмас муаммолар бирин-кетин ёпирилиб келарди. Викторнинг гап қопи эндигина очилган, Ҳиротда афғон дўстларидан бири – партия ходимини гупроққа топширишганини гадириб бераётган эди. Қабр тепасидаги мотам йиғинида Нажибулла сузлаган экан. Кўмиш маросими атрофда миналар, бомбалар портлаган, олатасир бир вазиятда кечган экан. Виктор уни панароққа, хавфсиз жойга ўтишга ундаса ҳам, Нажибулла кўнмабди. Мотам маросими тутаб, икки юз метрча нарига кетишганда галдаги снаряд эндигина тупроқ тортилган қабрга келиб портлабди. Оғир йиллар хотираси бир умр ёддан ўчмасе керак.

– Кел, Афранд Фиридунович, қанақа янгиликлар бор?– Поляничко Дашдамировни қаршилаб, ўрнидан кўзгалди.

– Қочоқлар сови тобора ортмоқда. Бугунги энг муҳим гап шу.

МК бивосидан меҳмонхонага боргунча ҳарбий патруль машинамизни беш марта тўхтатди. Сўнгги постда ёш лейтенант турган экан, гувоҳномаларимизни кўргач:

– Йигитлар, ҳақиқатни ёзинглар, – деб илтимос қилди.

*2 декабрь.*

«Қочоқлар» сўзи олис ташвишли маълумотлардан бизнинг кўнларга келиб қолгандек эди. Озарбайжонликлар Арманистон тупроғини ташлаб чиқишмоқда. Арманлар эса озарбайжон заминидан бош олиб кетишмоқда. Боқуда эрта саҳардан аэрофлот кассалари одамлар билан тирбанд, навбатда турган-

ларнинг охири кўринмайди. Аэрофлот ва темир йўл вокзали одамлар билан тулиб-тошиб кетганди. Одамлар оилалари билан бор-будини йиғиштириб, йўлга отланган; айрим оилалар эса керакли нарсаларини ҳам олмасдан, салти-сувор бош олиб кетмоқда. Уларнинг ўзидан олдин узункулоқ шов-шувлар қанот боғлаб етиб боради. Эл оғзига элак тутиб бўлмаса.

Боягин аэрофлот кассасига яқин боргандим. Киравериш йўғон арқон билан тўрт бурчак қилиб ўраб қўйилибди. Ичида ҳарбий ва милиция патрули. Уларнинг ёнида қўшимча кўнгилли назоратчилар. Рўйхатда кўп рақамли сонлар. Ҳамма жойда бўлганидек бугунги кунда Бокуда ҳам ким билан бир оғиз гаплашсанг, шу заҳоти одамлар атрофингни ўраб олишади. Улар асабий, тажанг; лекин оғир-босиқ, сўзлашишади; кизишиб кетганларни дарров тинчлантиришга, ҳовуридан туширишга интилишади.

Бу одамларни ким ўз кадрдон уй-жойларидан айирмоқда? Турли ваҳимали овозаларни ким тарқатмоқда? Кимлар таҳдид солмоқда? Қўрқитаётганлар кимлар?

Одамлар табиий офатдан жон сақлаб, қочиб кетаётганларни йўқ. Бу даҳшатли фожиа табиий офатдан кўра хавфлироқ; у дўстлик-қардошлик рипталарини узиб, тилка-пора қилмоқда.

– Бу ҳаммамизнинг бошимизга ёғилган қайғу, – слесарь Александр Степанович Скоробогатов вазиятни шундай баҳолаганди; у асли Волгадан, рус миллатига мансуб. Озарбайжон замини унинг иккинчи она Ватани. Бошқарма идорасида инженер А. Суясов, бошқарма бошлиғи Т. Эминов, чилангар П. Киселевлар у билан ёнма-ён утиришарди.

– Урушда бир хандақда рус билан армени, ўзбек билан татар душманга қарши бирга жанг қилишганди, – дейди Скоробогатов. – Бизнинг умумий душманамиз битта эди – у ҳам бўлса фашизм эди. Эндиликда нималар бўлаяпти ўзи? Кимдир бизларни ўзаро ёв қилиб қўйиб, роҳатланмоқчи шекилли. Бунинг кимга кераги бор? Менга керакми? Сизгами? Биласизми, бизнинг жамоа иш ташлашни бекор қилди. Олдинлари қандай ишлаган бўлсак, шу суръатда меҳнат килаверамиз. Лекин одамнинг юраги зириллаб қолибди, ҳатто уйғаям боргинг келмайди. Ишчиларнинг чехрасига бир қаранг, қанчалик руҳи сўниқ, кўнгли эзилган, қайфияти пажмурда. Қочоқлар ҳақида ўйлапман, арманлару озарбайжонлар менинг тутишган жигарларимдек, қариндошларим, аслида. Бу куч-кучлар ҳеч кимга керак эмас; у ерда ҳам, бу ерда ҳам одамларни безовта қилади. Назаримда, бу мушкул вазиятдан чиқишнинг йўли битта. Ҳукумат қатъий қилиб: «Ўртоқлар, тўхтанг, орқа-ўнгингизга бир қаранг! Талвашадиган ҳеч нарсангиз йўқ-ку! Фарзандларингизнинг эртасини ўйланг; улар бир осмон остида бирга ҳамнафас, ёнма-ён яшашади», – дейиши керак.

Тоғли Қорабоғда «Крунк» харакатининг етакчиларидан бири, Степанакерт курилиш материаллари комбинати директори М.Манучаровни камаб куйишибди. У билан бирга ун нафар ёрдамчиларини ҳам хибсга олишибди.

— Бу одамлар курилиш материаллари комбинати билан фукароларга хизмат курсатиш бюросини текин даромад манбаига айлангириб олишибди, — деди СССР Бош прокурорининг ўринбосари А.Ф. Катусов. — Хар бирининг айбдорлик даражаси суд томонидан аниқланади. Бугунги кунда катта миқдордаги ўгирликлари учун айблов куйишга етарли асос ва далиллар бор. Бир нарсани таъкидламасдан утолмайман: Манучаров билан ҳамтовоклари одамларнинг ғам-аламларидан фойдаланиб, пул қилишган; қимматбаҳо курилиш материалларини ўгирлашган, кабртош урнагиш учун поралар олишган. Уларнинг аъмоли маънавий кашшоқликдан, тубанликдан иборат: «Бойимокчимисан — халк кайғусидан фойдаланиб қол».

Қочоқларнинг мусибати, куз ёшлари пул билан ўлчанадиган бўлиб қолдими? Унинг айбдори ким?

СССР Олий Совети Президиуми Арманистон ва Озарбайжон меҳнаткашларини оқил ва сабр-тоқатли бўлишга даъват этади: ўзаро алам, гина-кудурат ва айблашларга барҳам беришга чакиради.

Бу сўзлар одамларнинг кулоғига кирармикан? Кубинка<sup>1</sup> эшигармикан?

Тор, ифлос йулак. Ерга чуқкан пасткам уйлар, хира деразалар, ёнма-ён тақаб, ёпиштириб курилган болохонали-болохонасиз иморатлар бир-бирига уланиб кетган. Айримлари, куш уясидек, йул устида: остидан устунлар тираб куйилган. «Куш уяси»га куча томондаги тор, ингичка зинадан чиқилади.

Деярли хар бир эшик олдида бола-бақра ғужур-ғужур куймалашади.

— Кимга чурек<sup>2</sup>? Чурек кимга?

Тандирдан узилган иссиқ ёпган нон шундоқкига қул остингда, картон қутида, қоғоз қолда.

— «Мальборо» керакми? Арок керакми? — Болакайлар овозларини бир-бирларидан ошириб бакириб-чакиришади; биттаси ҳали жудаям ёш, мактабга ҳам бормаган бўлса керак. «Йуқ», деган жавобни эшитгач, бушашиб ҳамроҳларининг олдига қайтади. Яна янги йуловчи ўтиб қолмагунча уларнинг чулдирати тинмайди.

— Пиво керакми? «Мальборо» керакми?

Катталарнинг тошшириқларини тиришқоклик билан бажариш баробарида болакайларнинг тили сўздан, қули ўйиндан бушамасди. Кубинка райони хар кунни болаларга бераётган

<sup>1</sup> Кубинка - Бокунянг марказий қисмидаги район.

<sup>2</sup> Чурек - ёпган ноннинг бир хил.



очик дарс сабоклари оқибагларини шаҳар аҳли тулик тасаввур қилармикан? Ёшлар гудалари бир йиғилиб, бир тарқалади, чорраҳаларда какқайиб турганлар ҳам бор. Улар қандай харидорларни кутишмоқда? Нимани таклиф қилишади?

Иш ташлашлар хорижий элларда бўлишини билардик. Инглиз кончилари, француз докерлари ўз талаблари амалга ошиши учун қанчалик сабот-матонат билан курашганини эшитгандик; америка авиадиспетчерларининг қаршилиги шафқатсизларча бостирилганидан хабар топгандик... Бизда ҳам стачкалар – иш ташлашлар бўлганди. Ҳаммаси ўтмишда қолиб кетган гаплар эди-да. Чунончи, Морозов стачкаси тарих дарсликларига киритилган. Ўтган аср бошларида Боку нефтчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи машҳур «Мазут конституцияси» қабул қилинган пайтда иш ташлашлар бўлиб ўтганди.

*3 декабрь.*

«Октябрь инқилобидан кейин пролетар давлати вужудга келгач, иш ташлашлар ишчилар синфининг манфаатларини ҳимоя қилувчи кураш воситаларидан бири сифатидаги асл мазмунини йўқотди», – дея таъкидланади энциклопедиялардан бирида. «Иш ташлаш, стачка – капиталистик мамлакатларда пролетариат синфий курашининг шаклларида бири; ишни аввалги шароитларда давом эттиришга қарши коллектив жамоатчилик қаршилигини ифодалайди», – дея тўлдиради иккинчиси.

Аммо 1988 йилда Бокуда бўлиб ўтган иш ташлашлар кимнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганди? Илмий таснифга кўра, у қанақа – сиёсийми ёки иқтисодиймиди? Қисманмиди ёки умумий эдими? Балки, у «қовуштирилган қўллар» ёки «қатъиятли ингилишлар» иш ташлаши бўлгандир? Ҳаёт ҳар қанақа мушоҳадавий схемаларни тузғитиб ташлади.

Одамлар тулкини худди иш сменаларига ошиқаётгандек Ленин номи майдонга оқиб келарди. Тўп-тўп оломон орасида заводлар, фабрикалар, олий ўқув юртларидан келганлар майдонда алоҳида-алоҳида гуруҳларни ҳосил қиларди. Одамлар келиб, ўз гуруҳига қўшиларди. Айни иш пайтида цехлар хувиллаб ётардию бу ерда қадам қўйишга жой топилмасди.

– Бу ерга нима учун келдингиз? – сўрайман намоёйишчиларнинг биридан.

Айримларнинг жавоб бергиси келмасди. Лекин аксарият кишилар бажонудил суҳбатга берилади. Тоғли Қорабоғ билан боғлиқ конституцион талабларини эслатишар, автоном вилоят раҳбариятини республика ҳукуматига қарши очикдан-очик зид қўйишар, қуриқхона зона – Тўпхонанинг ғарбий ҳудудларида қонунга ҳилоф равишда олиб борилаётган қурилиш ишлари хусусида дардларини тўкиб солишарди. Заводлар қанча советкич

(соҳасига қараб – кондиционер, лампа, бурғиловчи лужидон, пой-абзал) ва ҳоказо маҳсулот ишлаб чиқармаганлигини гапиришарди. Бу ҳақда шунчаки, енгил-елпи гапириб қўяқолишарди. Биз хомчўт қилиб ҳисоблаган миллион-миллион рубль йўқотишлар бу одамларни асло ўйлатмас, пинагини ҳам бузмасди. Лекин улар туни билан гулханлар атрофида вақтини ўтказиш, Қорабоғ, Тупхона тўғрисидаги шиорларни, даъватларни бор овоз билан бақриб маълум қилиш орқали нимага эришишмоқда? Республика Компартияси МКга келиб гушган талабномадан бири 200 дан зиёд банддан иборат эди. Квартираларни тақсимлаш, олий ўқув юргларига ўқишга кириш, атроф-муҳит экологияси... Яна бир нарсани қўпимча қилиш мумкин: «Озэлектромаш» бирлашмасидагилар нима учун бош инженер меҳнат жамоалари кенгаши раиси бўлади, деб аччиғланиб кетишибди. Ахир, яқиндагина уни ўзлари сайлашган бўлса, яна ишончсизлик билдиришса... Ёки сайлашга мажбурлашганмиди? Энди оддий бир ишчи меҳнат жамоалари кенгаши раиси бўлади. Бу билан ҳеч нарса ўзгариб қолгани йўқ-ку! Почта ходимлари иш ташлаб, иккинчи сменада ҳам ошхона ишласин, деган талабни илгари суришибди. Бундан ҳам жўн, ғалати истаклар бўлиши мумкинми? Наҳотки шунинг учун почтальонлар сумкаларни бир чеккага иргитишлари шарт бўлса? Наҳотки партия комитетлари, халқ контроли, касаба уюшмалари, раҳбар ходимлар одамларнинг эҳтиёжларини, ҳаёти учун зарур нарсаларни ҳал қила олмаса? Ёки кимлардир, мавжуд қийинчиликларни дастак қилиб, миллий тўйгулардан, ватанпарварлик ҳиссидан ўз манфаъати йўлида фойдаланаяптими?

Лейтенант Шмядт номли машинасозлик заводидаги ўз вазифасига ниҳоятда ҳалол муносабати билан машҳур икки ишчи ҳақида сўзлаб беришганди. Ҳар иккисининг ҳам оиласи катта; ҳар иккови сменадан ташқари дастгоҳда қўшимча ишлашга, ўртача иш ҳақидан 2–3 ҳисса кўп ҳақ олишга вақт топишибди-ку. Иш ташлашлар пайтида униси ҳам, буниси ҳам станогини ишга солишдан чўчишибди. Оқибатда ҳар бирининг маоши икки юз рубль кам бўлибди. Умуман, завод бўйича ишчилар маошдан 213 минг рубль йўқотишди. Яна маҳсулотни ўз вақтида етказиб берилмагани учун тўланадиган жарима ҳам анчагина, Ижтимоий ривожланиш ва моддий ёрдам кўрсатиш жамғармалари қўрадиган зиённи ҳам ҳисоблаш керак бўлади. Иш ташлаш оқибатида бир жамоа 1370 минг рубль, 91 квартирани йўқотмоқда. Навбатда эса 750 киши квартира қўтмоқда.

Одатда, яқшанба кунлари Бокуда узлуксиз технологик жараёнларда 49 корхона ишларди. Бу яқшанбада 100 дан зиёди ишга тушди. Меҳнат жамоалари ишлаб топилган маблағнинг маълум қисмини қочоқлар жамғармасига ўтказишга қарор қилибди. Ҳамма жойда қийим-кечак, идиш-товок, пойабзал йиғилмоқда. Бунинг учун Бокуда ўнлаб йиғиш пунктлари очилганди.

Улардан бири курувчилар маданият саройида жойлашганди. Кираверишдаги узун дахлиз буйлаб устига олма, мандарин, бутерброд териб куйилган столлар қатор турибди.. Иккинчи каватда эса кунгилли хашарчилар катталар билан болаларнинг эркаклар билан аёлларнинг кийим-кечақларини, пойабзалларини саралаб, ажратишаётганди. Буларнинг ҳаммаси одамларнинг бир-бирига кўрсатаётган меҳр-муруввати, хайр-саховати белгилари эди.

Ёшгина, озгин аёл тутунчасини кўкрагига маҳкам босиб олган. Унинг исми Азиза. Эри Фозил ва икки фарзанди билан Арманистоннинг Масис районида кочиб келишган. Беш ёшли угли билан уч яшар кизи онасининг этагини маҳкам тутиб олганди.

– Вазият изга тушгач, ортингизга қайтасизми?

– Йук, йук, йук, – Азиза Исмойлованинг овози титраб, калтираб кетди...

### 5 декабрь

Цехларда иш ҳақидан маълум қисмини қочоқларга ўтказётганлар рўйхатини кўрдим. Озарбайжонлар, руслар, арманлар, украинлар ва бошқаларнинг исми-шарифи ёзиб чиқилган.

Кеча эрталабдан барча корхоналар ишлаб турган эди. Лекин пешинга бориб шаҳарда вазият яна кескинлашди. Оломон кучада ҳаракатни тўхташиб қўяётганди. Турли жойларда қутилмаганда намоёнлар, тўқнашувлар юзага келарди. Икки рус аскар йигит озарбайжонлик милиционер билан биргаликда кекса арман аёлини жунбишга келган оломон орасидан четга олиб чиқаётганига кўзим тушиб қолди. Уви «Боку» меҳмонхонаси залига олиб кириб ўтқиришди; у бошини куйи солганча беҳуш қотиб қолгандек ўтирарди. Соқоли ўсиқ бир гуруҳ ёш-яланг пойабзал фабрикаси йулагига алмойи-алжойи ҳаракатлар қилишаётганини кўрдим. Аскарлар уларнинг йўлини тўсишди. Қоп-қора байроқларни кўтариб олган колонналар саф-саф ўтиб боришарди; уларнинг вазоҳатидан одамлар уларини чеккага, машиналар панасига олишарди... Очиғини айтсам, биз ҳам ўзимизни четга олдик. Бундан олдин бир нечта кучага бош суқиб кўргандик, ўтолмадик. Ҳамма ёқни оломон босиб кетганди. Ниҳоят, мухбирлар пункти машинасининг ҳайдовчиси Акиф қўлини силтади: «Бўлди, тўхтадик». Унинг орқасига такси келиб тикалди. Такси ҳайдовчисини шу заҳоти машина ичидан тортиб, суғуриб олишди: «Нега ҳамма билан бирга иш ташламаяпсан?» Кейин, йўғон бир йигит юзига шапалок тортиб юборди. Унинг бошидаги бежирим кепкаси ерга учиб тушди. Соч-соқоли ўсиб, ҳурпайган бир йигит биз тушган «Волга» машинаси ёнига чошиб келди. Акиф озарбайжонча нимадир деди; йигит келган йулида йўртиб кетди.

Кизишган, тутоққан бу оломонни ёпирилиб кучага чиқишга нима мажбур қилди? Қора байроқларнинг бошлар узра хилпирашининг боиси нимада?

Якшанбадан душанбага ўтар кечаси ҳукумат ижозат берилмаган митинглар қатнашчиларига майдонни бушатиб қўйишни таклиф қилди. Илтимос жавобсиз қолди. Гапга қўнишмагандан кейин майдонни палаткалардан тозалаш тўғрисида буйруқ берилди; бир гуруҳ ёшлар кеча-ю кундуз ана шу палаткаларда ётиб қолишаётган эди. Бунда қурол-яроқ ишлатилмади. Улганлар ва яраланганлар ҳам бўлмади.

Шундай эса-да, қурбонлар бўлди, деган ёлғон-яшиқ хабар зумда шаҳарга ёйилди. Озарбайжон Компартияси МК ва Министрлар Совети биноси олдида, чорраҳаларда оломон қора байроқ кутариб намоёишга туплана бошлади.

Ана шундай оғир, қийин-кистовли кунларда асл ҳақиқатни билишда ким ва қай йусинда одамларга қумак берди? Меҳнат жамоаларида «оғзи билан юрадиғанларни» тўғридан-тўғри воқеалар булиб ўтган жойга олиб борадиган булишди; қўшни заводда турт одамнинг ўлигини ўз кузим билан кўрдим, деяпсанми? Юр, бизга ҳам кўрсатасан. Ленин майдони ҳалок бўлганлар билан тулиб кетган, дедингми? Юр, бирга бориб қўрамиз...

Ҳарбийлар зиммасига жуда катта масъулият юкланган эди. Турли хил тўқнашувлар, катта талафотларнинг олдини олишда, фожиаларни баргараф этишда улар қўлидан келган ҳамма юмушларни адо этишди.

Завод худудига бостириб кирмоқчи бўлганларга, жамоат транспортини тўхтатиб, ўз манфаати йўлида измига солмоқчи бўлганларга зарба берилди. Кўп ҳолларда ишчиларнинг ўзлари милиция билан бакамти ҳаракат қила бошлашди... Боку кучалари ва майдонлари одамлар билан гавжум бўлганди. Боку телевидениеси кун буйи эски фильмларни, мумтоз мусиқий қўйларни қўйиб кўрсатган, заводлар ишлаб турган душанба – 5 декабрь ҳам шу тахлит ўтди...

*7 декабрь.*

Кундузи рошпа-роса соат учда, аввалдан келишиб олинган пайтда, Ж. Маликов билан бирга «Озэлектросвет» бирлашмасига етиб келдик. Айни шу вақтда Еревандаги ҳамкасбларимиз «Лўйс» заводда бўлишлари керак эди. Ушбу корхоналар биродарлашган эди; улар ўртасидаги алоқалар тўғрисида қўшма репортаж тайёрлашни кўзлагандик.

– Ишни Ереванга телефон қилишдан бошлай қолайлик, – дея таклиф киритди бош директор В. Жалилов. – Эски кадрдон дўстим Вениамин Аюпович Тумасян билан гаплаша қоламиз. Беҳад олийжаноб инсон, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. У корхонамизда кўп бўлган.

«Луйс» билан боғланиш учун буюртма бердик. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, бош директорнинг котибаси Ереван билан алоқа йўқ, деди: айтишларига қараганда, ер кимирлабди, зилзила бўлибди...

Биринчи бўлиб хаёлга келган нарса, шунақаям қалтис ҳазил бўладими, деган уй эди. Лекин бунақада ҳазил кетмайди. Тез орада ушбу маълумотларнинг тасдиғини олдик: у шафқатсиз ҳақиқат эди.

Аммо ўшанда зилзила тафсилотларини билмасдик. «Озэлектросвет» жамоасининг шу кунлардаги ҳаёти, фаолияти ҳақида гаплашдик, сафсатабозлар қаршилиғини енгиб, қай тарика иш жараёнини йўлга қўйишаётганини айтишди. Ана шундай дамларда цехни ташлаб кетмаганлардан Али Азизов билан Иван Пахомовни таъкидлаб кўрсатиш жоиз; улар ўз ишларининг юксак даражадаги усталари – вакуумчи-чилангарлар эди. Бир пайтлар улар роботлаштирилган тизимни, ўзлари ҳазиллашиб айтгандай, «темир хотин»ни йиғишган эди. Эндиликда мураккаб ва зарарли жараёнларда қўл меҳнати мутлақо қўлланилмайди. Арман ҳамкасблар ана шу тизим билан кизиқиб қолишди ва Бокуга ўз мутахассисларини юборишди. Улар икки ҳафта мобайнида Азизов ва Пахомовдан иш ўрганишди.

Эртаси кун эрталаб «Социалистик индустрия» газетаси мухбирлари пунктига Али Азизов билан «Озэлектросвет» бирлашмаси партия ташкилотининг секретари Элдор Шириев телефон қилишди. Улар қардош халқ бошига тушган қулфатдан жамоа аъзолари ларзага тушишганини газета саҳифаларида албатта ёритишни илтимос қилишди. «Завод жамоаси арман қардошларимизга таъзия телеграммаси юбориб, ҳамдард эканлигини билдирди, – дея қўшимча қилди Шириев. – Ёрдам кўрсатиш учун маблағ йиғишни бошлаб юбордик. Уларни ёлғизлатиб қўймаймиз!»

«Озарбайжон халқи шундай мушкул кунларда зилзила оқибатларини енгилш учун ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатишга гайёр», – дейлади Озарбайжон Компартияси МК, Олий Совети Президиуми, Республика Министрлар Советининг Арманистон Компартияси МК, Олий Совети Президиуми ва Республика Министрлар Советига йўллаган телеграммасида. Тонгги газеталар телеграммани босиб чиқарди. Қоқ ярим кечаси, босмаҳонада газета босилаётган пайтда жуда ҳам зарур бўлган ёнилғи ортилган эшелон Бокудан Арманистонга қараб йўлга тушганди.

Озарбайжон қурувчилари техника ортилган колоннани та-лафот қўрган арман биродарларига ёрдамга жўнатишди. Лекин ярим йўлдан орқаларига қайтишга тўғри келди. Сабаби нима? Ишчиларни тинтлайлик.

Михаил Арешев, «Татра» машинасининг хайдовчиси:

– Икки республика чегарасида Озарбайжоннинг юк ташувчи автомашиналари ҳамда кранлардан иборат колонна тузилди. Биз саф тортган колоннанинг энг охирида бораётгандик. Олдинда БТР, икки ёндан милиция ва орқада шаҳар ДАН кузатиб борарди. Бундай сокчилар отряди нима учун кераклигини Арманистон худудига етгач англадик. Бизни кувиб утаётган енгил машиналардан ошкора таҳдид, сукиш эшитилар, мушт курсатишарди. Кечаси билан йул юриб Ленинанканга етиб бордик. Спитак билан Ленинанкан ўртасидаги йул упирилиб кетганди; бизнинг колонна тўхтаб қолди: рўпарадан келаётган машиналарни ўтказиб юбора бошладик. Шу маҳал белкураклар дастасини ушлаб олган ёш йигитчалар: «Озарбайжонга йуқолинглар, бизга ёрдамларинг керак эмас», деб кўккисдан машинамизга тапшланишди. Яхшиямки колонна тезда ҳаракатга тушди.

– Эрталаб колоннамиз Ленинанканга етиб келди, – дея хикояни давом эгтирди газ трубаларини кесувчи-пайвандловчи Владимир Лозован. – Кранларимизни тортиб олишди. Кутиб туринглар, дейишди. Ҳарбийлар биздан узоқлашган заҳоти бир тўп муттаҳамлар машинамизни қуршаб олишди. Машиналар номерига қараб, бизнинг озарбайжовлик эканимизни билишган-да.

«Ишласаларинг – ўлдирамиз!»

Бирини менга қараб ўдағайлашга тушди: «Бахтинг бор экан, рус экансан, агар ишламасанг, бармоғимизни ҳам теккизмаймиз».

Милиционерга мурожаат қилиб, комендатура каердалигини сурадик. У машина кабинасига ўтирди, биз йулга тушдик. Лекин биз Бокудан келаётганимизни билгач, шу заҳоти машинани тўхтатди. «Шу жойда қолишим керак...»

Биз тўхтадик: шу заҳоти оломон машинамизни ўраб олди. «Ҳой, азиз одамлар, бу ерга хайрли ниятлар билан келдик; машина кузовида баллонлар, кабинада эса пайвандчилар ўтиришибди. Уларнинг меҳнати сизга жудаям асқотади, ахир, ҳаммаёқда аза-ку». Гапимизни эшитишни ҳам исташмасди; эсини йуқотган, қарахт бир ҳолатда эди улар. Ёғочларни, тошларни қўлга олишди... Шундай қилиб, орқамизга қайтиб келдик.

– Ақлим бовар қилмайди, – қўшимча қилади пайвандчи Рафик Кузахмедов. – Наҳотки одамларнинг бошига тушган қулфатдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш мумкин бўлса? Наҳотки тушуниб етишмаса, ахир, уларнинг барча қаҳр-ғазаби ҳаёти саклаб қолинган бир арман гўдагининг қайнок нафасига ҳам арзимайди-ку.

Озарбайжонликларнинг ёрдам курсатишига қаратилган яна бир сазъ-ҳаракати фожияли яқунланди: 1988 йил 11 декабрда

ИЛ-76 харбий транспорт самолёти Ленинанкан (Арманистон) шахри аэропортига етиб келмасдан халокатга учради. 9 экипаж аъзоси ва 78 киши халок бўлди; улар зилзила оқибатларини бартараф этишга кетишяётган эди. Халок бўлганларнинг барчаси озарбайжонликлар эди.

Афсуски, миллатчилижнинг кузи кўр экан. Айни уша кунлари Герценнинг доноларча гапи хотирамда жонланарди: ашаддий миллий туйғу ҳеч қачон яхшилиқка олиб келмайди. Хусусан, улкан озарбайжон адиби Акрам Айлисли ҳам ҳар икки республикада содир бўлган, Боку ва Еревандаги майдонлар ўзининг кизгин «ватанпарварлик» туйғуларини намоён этаётган одамлар билан лиммо-лим тўлган воқеа-ҳодисалар хусусида мушоҳада юритар экан, ана шу фикрга келганди.

«Ватанпарварлижнинг ўзи яхши нарса-ю, лекин уни кўз-кўз қилиш яхшилиқка олиб келмаслигини кўпчилигимиз тушунамиз,— деганди у. — Бу ҳол ақлсизлик, ахлоқсизлик ва жудаям хавфлидир. Лекин, ҳагто, атоқли фан ва маданият арбоблари ҳам, ошқоралик пайдо бўлгандан бери, қаерга боришмасин, қаерда бўлишмасин, ўз халқига нисбатан катта муҳаббати борлигини айтиб, аччиқ кўз ёш тукаверишса, нима қиласан, бошингни қайси деворга урасан? Улар матбуотда бўладими, телевидениеда бўладими, аудиторияда бўладими, ўз миллатига шакаргуфтор хушомадлар ёғдиришда бир-бири билан ким ўзарга мусобақалашяёттирлар. Уларнинг орасида қаҳри қайнаган омадсизлар ҳам, кўп нарсага эришяётган арбоблар ҳам бор. Арманистон учун ғоят оғир, қайғули дамларда халок бўлган одамлар учун менинг ҳам дилим зиркирайди. кўнглим йиғлайди. Агар улардан бири конга тўлган юрагида миллатдошларимдан бирон-бир кишига нисбатан дилида оғриқ, алам билан қайтиб келмас жойга кетган бўлса, ўзимни кўярга жой тополмайман. Қайғу бизларни бирлаштирди. Харобага айланган шаҳарларга биргаликда ҳаёт бағишлагандан кейин ҳам ҳамнафас бўлиб қолаверамиз».

### *31 декабрь.*

Кўча эшик ғийқиллаб очилди-да, яна жим-жит бўлиб қолди. Яқин тоғ этакларидан ошиқиб-улоқиб елган шамол ҳовлидаги ҳазонларни тўзғитар, дорга қистириб қўйилган биттагина қискични чириллагиб айланттирарди. Уй бекасн шамолда қуриган кийимларни йиғиштириб олгану ҳозир ортига қайтиб келадигандек туюларди. Айвондаги дастшўй энди-гина сув қўйиб тўлдирилгандек лиммо-лим эди; рафига тиш чўткаси, совуви, паста қўйилганди. Кўча эшигига ингичка таёқ тираб қўйилган. Уй эгаси нега кўринмаяпти? У ҳақда, уйнинг тарихи тўғрисида Бокуда чиқадиған «Вишқа» газетасида ўқиб қолдим.

«Акам Мовсесян Гайк Андреевич, менга ухшаб Улуғ Ватан урушининг ветерани, фронтда – ҳаракатдаги армия қисмларида катнашган. У Шемаха районидаги Ширвонзода кишлоғида истикомаг қилади, – деб ёзади Нина Андреевна Мовсесян. – Шу йил бошларида бошига кулфат тушди: электр симлар носозлиги туфайли икки қаватли уйи, мол-мулки, бор буди ёниб кул бўлди. Оғир фалокат. Бошқача таъриф беролмайсан. Лекин акам бошига фалокат ёпирилган пайтда бир ўзи ёлғизланиб қолмади. Қўшниси уруш ногирони Аршак Григорян бутун уч ой акамнинг оиласига уйдан бошпана берди. Кўздек қўшниси Ғариб Рашидов қўлидан келган ёрдамни аямади. Орадан уч ой ўтар-ўтмас акам текинга қуриб берилган янги уйга кўчиб ўтди».

Мактубда Шемаха район партия комитетининг биринчи секретари И. Искандаров, Димитров номли совхоз директори В. Айрапетян, кишлоқ совети раиси С. Григорянлар курсатган беғараз ёрдам туғрисида ҳам тулқинланиб ёзилганди.

«Кунгли беғубор бу одамларга чинакам дўстлик-биродарлик ёрдамлари учун чексиз миннатдорчилик билдираман,– дея мактубини якунлайди Н. Мовсесян. – Қишлоқда акам учун тикланган бу янги уй бутун округда бизнинг мустаҳкам қардошлигимиз тимсоли сифатида яна узок йиллар буй кўрсатиб тураверади».

1988 йилнинг ёз ойлари эди; жанжаллар, келишмовчиликлар ўтмишда қолиб, яна иноқликка, тотувликка асосланган қайнок дўстона турмуш давом этаверади, Гайк Андреевич Мовсесян оиласи учун қуриб берилган уйни биргаликда тиклашгани, атрофдаги узумзорларда елкама-елка меҳнат қилишаётгани, баракали ҳосил етиштиришаётгани сингари, ҳамкор-ҳамнафас ҳаётлари давом этади, деб ишонгинг келарди...

Девор тагида ёнган стропилалар қорайиб кузга ташланади; асрий тошлардан қурилган уй; пишик-пuxта, шинам, катта деразалари ён-атрофдаги кенгликларга қараган. Аммо уй ичи бум-буш, хувиллаб ётибди. Янги уйнинг эгаси йўқ. Барча арман ҳовлилари бўшаб қолган.

Ён қўшни – жон қўшнилари қандай ёвуз кучлар айирди? Ғариб Рашидов, укаси Абдурахмон улар билан нимани бўлишолмади? Аслида, талашпадиган ҳеч нарса йўқ... Улар тутилиб ўсган, камол тошган замин битта, ёнида боболарининг қабрлари. Ана шундай қабрлардан бирига ўрнатилган ёдгорлик лавҳасида жангтоҳлардан қайтмаган фронтчи қуролдош озарбайжон ва арманларнинг исм-шарифи қайд этилган. Ростини айтганда, биргалашиб тер тўкишган, меҳнатдан топилган нонни бирга баҳам кўришган. Ана шу қадок қўллар қанчадан-қанча юмушларни адо этмаган дейсиз; бармоқлар қаварган, уларга сингиган доғ ишқалаган билан кетмаса керак. Бу қадок қўллар



девор тиклаган, тош йўнган, том ёпган. Ҳамкишлоклар фронтчи ватандошлари учун култепа ўрнида қуриб битказилаётган янги уйга худди иш сменасига келгандек ошикишар, бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилишарди.

Бу уйда яна қачон чироқлар ёнаркин? Бошқа-бошқа жойларга кўчирилган озарбайжон ва арман биродарлар кадрдон кишлоқларига, шаҳарларига, посёлкаларига қачон қайтарканлар? Тақдирлар қанча бўлса, жавоби ҳам шунчалик турфа.

Ширвонзода кишлоғида, назаримда, бу саволларга жавоб топишди. Етказилган озорларни қалбларига кўммасдан, ҳувиллаб бум-буш қолган уйлар ҳолидан бохабар бўлиб, ташлаб кетилган молларга ем бериб, келгусидаги ҳамнафас ҳаётларини олдиндан ҳис этиб иш тутишганди.

Ака-ука Рашидовлар билан бирга хотира ёдгорлиги томон йўл оламиз. Ёдгорлик пешлавҳасига оилавий фотоальбомлардан олинган суратлар ўрнатилганди. Пилоткалар остидаги очик чеҳралар, гимнастеркасига кубиклар қадалган суратлар ҳам бор. Самад Рашидов ҳам, Абдул Рашидов ҳам шу гупроққа қўйилган; улар оилада еттовлон эди. Икки жигари уруш жангтоҳларида ҳалок бўлишди. Хотира мемориал тахтасида ўттиз етти исм-фамилия курсатилганди. Арманлар ҳам, озарбайжонлар ҳам ёнма-ён. Ватанни бирга ҳимоя қилишганди.

– Биздан узоқлашганлар яна бағримизга қайтсин дейманда, – оғир хўрсинади Ғариб Рашидов. – Мана, телефон рақамларини ҳам топдик. Бу, Гайк Андреевичники, манавиниси ўзимизнинг Виолеттаники, директорники. Сиз ҳам уларга телефон қилинг, бутун кишлоқ аҳли кайтишиниғизни кутаяпти, дент.

Озарбайжон тилида «Ғариб оқшом» деган ибора бор. Агар сўзма-сўз таржима қилсангиз – ғурбатда қолган оқшом маъносини аңлатди. Унда киндик қони томган ўз ота даргоҳини ортда қолдирган одамларнинг асрий ғам-андуҳлари мужассам. Кўчириб келтирилганлар уй-жойини қанча бўяб, ҳашам беришмасин, барибир, улар учун ғарибдир.

Гайк Андреевич Мовсесян, янги йилни қаерда кутиб олмақчисиз? Сизга телефон қилиб, сираям тушолмасам-а. Балки, ушбу сатрларни ўқирсиз: сизнинг кишлоғингизга олти оила қайтиб келди. Виолетта Айрапетян ва Сергей Григорянлар ҳам қайтиб келишди. Шемаха район партия комитетининг биринчи секретари И. Искандаров уларни кучоқ очиб кутиб олишганини телефон орқали гапириб берди. Автобуслар бошқа ҳамкишлокларингизни ҳам олиб келиш учун Арманистон районларига қараб йўл олганлигини айтди. Шемахага қочиб келган озарбайжонлар ҳам уйларига қайтиб кетишга чоғланишмоқда. Мактаблар яна болалар овози билан тўлмоқда. Ёнингидаги ҳовлининг чироғи ёнди. Нон ёпиш учун тандирга ҳам ўт

каланди, шекилли. Кунни кеча курганимда сўшайиб совуқкина турганди. Лекин тандирнинг ёнига майдалаб чопилган шох-шабба уйиб қўйилганди. Биламан, буни ака-ука Рашидовлар ҳозирлаб қўйишган. Тандирда олов лангиллаб ёнади. Юмшок пўрсилдоқ нонни тандирдан узиб олганга нима етсин; нон иси ҳамма ёқни тутиб кетади. Икковингиз ўртада нон ушатасизлар.

1988 йил кундалиги шу тахлит умид билан яқунланган эди. Ҳайҳот, умидлар оқланмади.

Мамлакат чоҳга қараб сирпаниб борарди...

### «Мен Горбачев билан учрашмоқчи бўлгандим»

Иттифок микёсидаги шахсий нафақадор (шундай расмий ибора бор эди) Ҳайдар Алиевич Алиев КПСС Марказий Комитетининг аъзоси бўлиб қолаверганди. Ҳамма лавозимлардан четлаштирилган бўлса ҳам, фармонбардорларга нималарнидир айтишга, маслаҳат беришга, ўз тавсияларини баҳам кўришишга интиларди.

– Горбачев билан учрашмоқчи бўлгандим. Лекин у мени қабул қилмади. У пайтда мен нафақадор эдим. Ёрдამчилари: биз хабар бердик, лекин у банд, дея жавоб беришарди. Уларнинг жавоби ҳар доим тайин; биз хабар бердик, қачон чақришни унинг ўзи билади, кутиш керак, вассалом. Бир кун, икки кун, бир ой кутдим, ҳеч гап йўқ. Яна кўнғироқ қилдим. У мени қабул қилмади, албатта. Кейин Лигачевнинг олдига кирмоқчи бўлдим. У ҳам мени қабул қилгиси келмади. Аммо бир кунни эрталаб барвақт МКга келдим, унинг қабулхонасида, ҳамма қатори навбат олиб кута бошладим. Кириб келди. Тоғли Қорабоғдаги вазият хусусида тушунтиришга тутундим, ўз нуқтаи назаримни айтдим. У узоқ вақт эшитиб турди, аммо тайинли бир гап гапирмади; мен эса, бирон-бир фойдам тегиб қолар, дея ўйлагандим.

– *Лигачевга биронта ҳаракат режасини таклиф қилганмидингиз?*

– Айтдим... Умуман вазиятнинг нечоғлиқ қалтислиги ва чигаллигини тушунтирдим... энг кескин чоралар кўрилмаса бўлмайди, дедим. «Биз, – деди у, – тегишли чоралар кўрмоқдамиз». Айтгани бор-йўғи шу бўлди. Менинг бу ишга аралашишимнинг ҳождати йўқ, дегандек қилди. Маслаҳатларим ҳам асқотмас экан. Шундан сўнг Разумовскийнинг қабулига ошиқдим; очигини айтганда, у ҳам мени қабул қилишни пайсалга солди. У Марказий Комитет секретари бўлган бир пайтда мен Сиёсий бюро аъзоси эдим. Унга ҳам узоқ гаширдим, диққат билан қулоқ солиб ўтиргандек эди гўё. Гашларим бу қулоғидан

кириб, у кулоғидан чнқиб кетди, шекилли (телебошловчи Андрей Караулов билан сўхбатдан).

*«Мутлақо махфий.*

*КПСС Марказий Комитетида.*

*Товли Қорабоғда ва унинг атрофида вазиятнинг кескинлашуви муносабати билан қўриладиган чора-тадбирлар тўғрисида.*

*Товли Қорабоғда ва унинг атрофидаги воқеаларнинг ривожини озарбайжон ва арман аҳолиси ўртасида Товли Қорабоғ автоном вилоятида, Нахичеван автоном вилоятида ва бутун Озарбайжон ҳудудида оммавий қуралли тўқнашувларга олиб келиши мумкин.*

*Ички қўшинлар ҳамда милиция бўлинмалари томонидан жамоат тартибини сақлаш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўрилган чора-тадбирлар етарлича бўлмастлиги мумкин.*

*Шу муносабат билан аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳозирдан Совет армияси бўлинмаларидан фойдаланиш имкониятини ҳисобга олиш зарурати тўғримида. Воқеаларнинг бу қадар фожияли тусда ривожланаётгани боисидан Озарбайжон ва Арманистоннинг айрим ҳудудларида фавқулодда ҳолатлар жорий этиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш лозим қўринад.*

*Шу муносабат билан СССР мудофаа министрлигига (ўртоқ Д.Т. Язовга), СССР ички ишлар министрлигига (ўртоқ В.В. Бақатинга), шунингдек, СССР Олий Совети Президиумига (ўртоқ А.И. Лукьяновга) тегишли таклифларни олдиндан тайёрлаш ва қонунда ўрнатилган тартибда СССР Олий Совети сессияси муҳокамасига киритиш вазифасини топшириш мақсадга мувофиқ булур эди.*

*1989 йил 29 август*

*Н. Слюньков,  
В. Чебриков.*

Горбачев номига жўнатилган бошқа бир хатда КПСС МК секретари ва Давлат хавфсизлик комитети раиси «Озарбайжон ва Арманистоннинг район ва шаҳар милиция бўлинмаларида мавжуд автоматик ва мерганлик қуролларини олиб қўйиш... Озарбайжон ва Арманистон ҳудудларида жойлашган ракета ускуналари ҳамда зенит артиллериясини Кавказорти ҳарбий округи қисмлари фойдаланиши учун қучириш таклифи» киритилганди. Ва яна «зўравонлик хатти-ҳаракатларини амалга ошириш учун ташкил этилган миллатчилик ва экстремистик қуролли бўлинмаларни аниқлаш, уларни зарарсизлантириш» сингари кўпгина, умуман оқилона чора-тадбирлар белгиланган эди. (РГАНИ. Ф.89, Оп. 10, Д.42, Л.1-4).

Бу орада ҳар икки республикадан 300 мингдан зиёд аҳоли қочоқлар мақомини олди. Кремль эндиликда улкан иттифоқдаги воқеа-ҳодисаларни бошқаролмай қолганди. Бош секретарнинг бутун умиди армиядан эди.

## 1990 йил 21 январь, Москва

Леонтьевск тор кучасида Озарбайжон ССРнинг Москвадаги доимий ваколатхонаси жойлашган, бино олдида хавогирга тушган, бесаранжом одамлар эрталабдан тўплана бошлашди. Боқудан олинган ташвишли хабар уларни бу ерга етаклаб келганди; шаҳарга қўшинлар киритилди, тинч аҳоли ўртасида қурбонлар бор, дейилганди ахборотда. Нималар бўляпти ўзи? Расмий маълумотларга қўпчилик ишонмай қўйганди. Ҳамма оқиллона бир изоҳга мухтож эди. Аини шу дамда Ҳайдар Алиев ўз нуқтаи назарини бор овозда эълон қилди. «Ҳозир бунинг мавриди эмас» деб, даволанаётган жойи – Барвихадан ваколатхонага етиб келганди: «Энди бунга йўл қўйиб бўлмайди!» Эндиликда жим тура олмасди.

Алиевнинг баёнотини ўнлаб телекамералар, микрофонлар ёзиб олганди.

«Ҳурматли ўртоқлар, хонимлар ва жаноблар!

Ўзингизга маълумки, узок йиллар Озарбайжон партия ташкилотини бошқардим, КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига сайландим, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишладим. Икки йилдан ошиб қолди, нафақадан. Кенг қўламли инфарктни бошдан кечирдим. Саломатлигим ёмонлашгани туфайли нафақага чиқдим. 1982 йил декабрь ойида Озарбайжондан жўнаб кетгандан буён, бугун биринчи бор Озарбайжон ССРнинг Москвадаги доимий ваколатхонаси остонасига қадам қўйиб турибман. Мени бу ерга Озарбайжонда содир бўлган фожиа етаклаб келди. Кеча эрталаб шу ҳақда хабар топдим; табиийки, бу нарсага бефарқ қараб тура олмайман. Ваколатхона Озарбайжон тупроғининг Москва заминидаги бир парчаси бўлгани боис, бу ерга, биринчи галда, фожиа туфайли кагта талафотларни бошидан кечирган Озарбайжон халқига ўз таъзиямни билдиргани келдим. Иккинчидан, бу масалага ўз муносабатимни билдирмоқчиман. Озарбайжоннинг Москвадаги доимий вакили Зоҳраб Иброҳимовдан ушбу сўзларимни, чексиз кайғуда эканлигимни, таъзияларимни Озарбайжон халқига етказишини сўрайман. Афсуски, бундан булак имкониятта эга эмасман.

Озарбайжонда содир бўлган воқеаларга келсак, улар ҳар қандай ҳуқуқ меъёрларига зид, демократияга мутлақо ёт деб биламан; гуманизмга ва мамлакатимизда ҳуқуқий дав-

лат курилиши принципларига мутлако эид деб ҳисоблайман. Озарбайжонда юзага келган вазиятнинг муайян сабаблари бор. Унинг тафсилотларига муфассал тўхталиб ўтмоқчи эмасман, бу жуда кўп вақтни олади. Озарбайжон ва Арманистон ўртасидаги миллатлараро можаро икки йилдан бери давом этиб келмоқда; бу тўқнашув Тоғли Қорабоғ ва унинг атрофидаги воқеаларга боғлиқ равишда юзага келди. Озарбайжон ва Арманистон раҳбарлари учун икки йил жуда катта муҳлат; шу орада мамлакатнинг юксак сиёсий-партиявий раҳбарияти чигаллашган масалага ойдинлик киритиши, биродарқушлик урушига барҳам бериши, миллатлараро низоларга чек қўйиши ва ҳар бир фуқаронинг, қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, умумий уйимиз – Совет Социалистик Республикалар Иттифоқидаги тинч-фаровон ҳаётини таъминлаши лозим эди.

Бирок икки йил мобайнида айна шу йўналишда етарлича чоралар қўрилмади, деб ҳисоблайман. Тоғли Қорабоғдаги жанжаллар бошланган заҳоти, биринчи галда, мамлакатнинг энг юқори партиявий сиёсий раҳбарияти томонидан зарур чоралар қўрилганда, бутунги кунда шунчалик катта фожиаларга дучор бўлмасдик; тўқнашув-низоларнинг шунчалик газак олишига йўл қўйилмасди; икки йил бадалида ҳар икки томондан жуда катта талафотлар бўлмасди; 1990 йил 19 январдан 20 январга ўтар кечаси содир этилган, ҳар икки томондан кўплаб одамларнинг ўлимига олиб келган ҳарбий ҳаракат ҳам юзага келмасди».

Вазиятни сиёсий жиҳатдан тартибга солиш учун Озарбайжонда имконият бор эди, дея таъкидлади Алиев ўз сўзида. «Бирок, улардан фойдаланилмади, 19 дан 20 январга ўтар кечаси Совет Армиясининг катта контингенти билан СССР ички ишлар министрлиги қўшинлари Боқута киритилди. Бу нарса қанчалик катта фожага олиб келганлиги бутун ҳаммага маълум. Бундай қарор қабул қилган одамларнинг тутган йўлини сиёсий жиҳатдан хато деб ҳисоблайман. Қўпол сиёсий хатога йўл қўйилди. Улар Озарбайжон халқининг психологиясини, руҳияти, феъл-атворини, республикадаги шароитнинг қанақалигини билишолмаган; жамиятнинг турли қатламларидаги одамлар билан алоқада бўлишмаган. Вазият гоят қалгис тус олиб, фожага айланиб кетишини назарда тутишмаган.

Бу нарсаларнинг ҳаммасини олдиндан кўра билиш ва тегишли чора-тадбирларни қўриш лозим эди; энг муҳим ва энг зарурларини ҳисобга олиш керак эди. Яна ҳарбий хизматчилардан ҳалок бўлганлар борлиги хусусида ҳам маълумотлар олинган. Шундай ҳақли савол туғилади. Мамлакат олий партия раҳбариятининг хато қарори билан Озарбайжондаги ғалаёни бостириш учун юборилган рус йигитининг айби нимада эди?

Озарбайжонга четдан йирик харбий кўшинлар контингенти киритилди. Дарвоқе, Озарбайжонда қанча кўшин борлиги ҳам менга маълум. Шусиз ҳам республикада етарлича кўшинлар: 4-армия, Каспий харбий-денгиз флотилияси, десант кўшинлар дивизияси, ҳаво ҳужумига қарши мудофаа кўшинлари, Ички ишлар министрлигининг кўшини тегишли ҳудудларда жойлашганди. У ерга кўшимча кўшин киритишнинг нима ҳожати бор эди? Зарурат туғилганда уша жойдаги кўшинлардан фойдаланиш мумкин эди-ку. Бундай қарорни қабул қилган Озарбайжон раҳбарияти, биринчи галда, республикадан қочиб кетган Везиров жавобгар. Мамлакатнинг олий партия раҳбариятига ногўтри маълумотлар етказиб турганлар ҳам жавобгарликка тортилиши лозим. Мамлакатнинг олий партия раҳбарияти ўз вақтида объектив ва етарлича маълумотга эга бўлмаган, деб ҳисоблайман. Мамлакат раҳбариятини чалғитишган; натижада мазкур янглиш қарор қабул қилинган.

Фожианинг юзага келишига алоқадор бўлган барча жавобгарликка тортилиши лозим».

Шу куниёк Ҳайдар Алиевич телеграммани Озарбайжон КП МКга, республика Олий Советига ва Министрлар Советига жунатди.

*«Озарбайжон халқига!*

*Совет кўшинларининг катта контингенти Бокуга киритилиши муносабати билан халқимиз бошига тушган катта фожиадан оғир қайғуга ботдим; бу ҳол қўлаб одамларнинг ҳалок бўлишига олиб келди. Биз учун гоаят қайғули кунларда ҳалок бўлганларнинг яқинлари ва оила аъзоларига, бутун Озарбайжон халқига чуқур таъзия билдираман.*

*Амалга оширилган ақцияни қоралайман, гуманистик, демократик тартибларга зид, инсон ҳақ-ҳуқуқларига хилоф деб ҳисоблайман. Шундай қайғули, оғир дамларда сизларни оқилликка, жипсликка ва бирликка даъват этаман.*

*Ушбу йўлланган телеграмма республика матбуотида эълон қилинишини, радио ва телевидение орқали эшиттирилишини, мотам маросимида ўқиб берилишини илтимос қиламан.*

*Ҳайдар Алиев*

*1990 йил 21 январь, Москва».*

Республика матбуоти ҳам, радио ва телевидениеси ҳам қалб амри ва ҳадсиз оғрик билан битилган ушбу телеграммани халққа ошқор қилмаганини айтмаса ҳам бўлади. Марказий матбуот Москвадаги нозирлик томонидан «тозаланган» маълумотни тақдим этди. Асл ҳақиқат эса фақат хизмат

юзасидан фойдаланиладиган депеше<sup>1</sup> да колди. «Рабочая трибуна» газетаси архивида ҳам ўша тигиз кунларда ушбу газетанинг Бокудаги махсус мухбири Жавоншир Маликов томонидан юборилган иккита мактуб эълон қилинмай қолганди. Уларнинг мазмунини тўлиқ келтирамиз; ушбу маълумотлар январь воқеаларининг ҳаққоний манзарасини кўришга ёрдам беради.

«Шошилинч. Хизмат мактуби.

«Рабочая трибуна» газетасининг бош муҳаррири А.П. Юрковга. Анатолий Петрович, хайрли окшом.

Бугун окшом чоғи бугун оиламиз билан ҳақиқий жангнинг гувоҳи бўлдик. Танкчилар ва пулемётчилар Боку хиёбонидан туриб, рўпарадаги Боку кўрфазини муҳосара қилган Каспий денгиз кемачилиги кемаларини ўкка тутди. Айтиш жоизки, биз танклар, оғир артиллерия ва автомат қуроллар тўлиқ ишга солинган ҳақиқий жангнинг гувоҳи бўлдик. Манзара ниҳоятда мудҳиш, даҳшатли.

Мавжуд икки ҳолат кишини сергаклантиради: армия русларга қарши кайфиятни атайин зуриқтирмоқда; Бокудан русларнинг оммавий равишда кўчиб кетишини рағбатлантирмоқда; бу – Озарбайжоннинг ўзи учун ҳам, озарбайжонликларнинг русларга муносабатида ҳам қутилмаган ҳолат. Биз ҳаммиша тинч-тотув, ҳамжихатликда яшаб келгандик; уртада бўлишолмаган ва хусуматлашадиган ҳеч нарса йук. Бу янги вазият купиртирилаётгани бежиз эмас, деб уйлайман. Назаримда, ерлик аҳолига қарши янги жазо чоралари ҳозирланаётганга ўхшайди; ана шу шафқатсизликни қўллаш учун муҳим асослар яратиш керак. Акциялар учун «Руслар» картасидан булак макбул ва ўнгай нарса бўлиши мумкин эмас. Ноҳақлик туйғуси барчамизга азоб бермоқда. Асл интернационалист бўлган бизни ападдий шовинист, сочидан тирноғигача ашаддий миллатчи қилиб кўрсатишмоқчи ва ақлини киритиб қўйиш ниятида қақшатқич зарба беришмоқчи.

Бунга қарши норозилик сифатида халқ ўз-ўзидан партиядан узоқлашди. Кеча Озарбайжон ижодий уюшмаларининг қўшма пленуми бўлиб ўтди. Коммунистик партиядан ёшасига чиқишга қарор қилинди. Барча корхоналарда, қишлоқ районларда партия билетларини оммавий равишда топшириш кузатилмоқда. Менга маълум бўлишича, Озарбайжоннинг иккита йирик саноат маркази – Мингечаур билан Али Байрамлида биронта ҳам коммунист қолмаган. Шаҳар партия ташкилотларининг биринчи секретарлари бошчилигида барча партия билетларини топширган.

<sup>1</sup> Элчи юборган оспигич маълумот.

Вазият жиддий муҳокама юритишни ҳамда бўлаётган воқеаларга, танг ҳолатни юзага келтирганлардан тортиб, хатто, армиянинг аралашуви ва ҳоказоларгача соғлом, аниқ баҳо берилишини тақозо қилади. Назаримда, газета ўз маълумотларини бермасдан, асл ҳақиқатни яширган армия хабарларини ёритиш билан кифояланиб, янглишмоқда. Эртами-кечми, барибир, ҳақиқат тантана қилади; бугунги муносабатимиз учун кейинчалик юзимиз шувут бўлиб қолмаса дейман.

Яна бир эътиборли жиҳати шуки, Бокуга етиб келган марказий газета ва идоралар мухбирларини армия маъмурлари дарров ўз васийлигига олмоқда. Уларни жойлаштириб, ишларини ҳам назорат қилмоқда; табиийки, армия бу ерда амалга ошираётган куз кўриб – кулоқ эшитмаган бедодликларни яшириб, ўзларига маъқул ахборотлар берилишига эришмоқда.

Бор гапни очик-ойдин ёзаётганим учун маъзур тутасиз, лекин виждонга ҳиёнат қилишдан нима наф?

Ж. Маликов,  
Боку».

«Шошилинич. Хизмат мактуби.

«Рабочая трибуна» газетасининг бош муҳаррири А.П. Юрковга.

Расмий тилда айтганда, Бокуда вазият кескинлигича қолмоқда. Ҳукумат томонидан кўрилган чора-тадбирларга қарамай, ур-йиқитлар давом этмоқда, қурбон булганлар ҳам бор.

Менда кечаги кунгача мавжуд булган маълумотларга қараганда, 60 та турли хил ёнгинлар амалга оширилган, гўрт одамнинг жасади топилган.

Арманларни Бокудан Краснодарска паромларда жунатиш йўлга қўйилмоқда.

Тоғли Қорабоғ автоном вилоятидан хабарлар йўқ, у ерда ҳарбийлар вазиятни гартибга солади, деб уйлайман. Шаумян қишлоқ райони билан чегарадош Хонлар райони бирмунча тинч бўлиб қолди.

Офтоб чарақлаган, об-ҳаво одамга бирам хуш ёқади, лекин шаҳарда вазият порглагодек хавфли. Бугун эрталаб жамоавий шикоят хати юзасидан Боку шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Мамедов билан гаплашдим. Утингудек бўлиб, Жавоншир Оғақаримович, кейинроқ кўришсак майлими, дейди. Ҳозир шаҳар партия комитетида ишлаб чиқариш можаролари билан шуғулланадиган одамнинг ўзи йўқ.

Шаҳар партия ташкилоти раҳбари ҳодисалар ривожини нима билан тугатиш ҳақида хавотир билан гапиради, катта фожиалар ҳали олдинда, дейди. Мен ҳам шу фикрдаман. Арманистондан қувилган озарбайжонликларни бизда ерозлар, дейилади; арманларга нисбатан қаҳр-ғазаби чексиз. Қочоқлар масаласини ҳал қилмай туриб, гартибсизликларнинг, фожианинг олдини



олиш мушкул. Лекин ҳамма бало шундаки, кочоқлар билан ҳеч ким жиддий шуғулланмаяпти. 200 минг бошпанасиз радди маъракалар кучада қолмоқда. Уларни бошқаришнинг ўзи бўлмайди.

Ж. Маликов.  
Боқу».

### «Правда» уқ отмоқда

1990 йил 4 февралда, КПСС МК Пленуми очилишидан бир кун олдин «Правда» газетаси «Алиевчилик ёки «ширин» кунлар соғинчи» деган мақолани эълон қилиб, Алиевнинг юзига тарсаки туширди, гўё. Яна ёлғон, яна факт-маълумотлар бузиб талкин қилинган эди.

Шу кунийқ Алиев КПСС МК ва «Правда» редакциясига раддия телеграммасини жўнатди: «Правда» газетасида «Алиевчилик ёки «ширин» кунлар соғинчи» мақоласи босиб чиқарилиши муносабати билан қаттиқ ғазабландим; у бошдан-оёқ тўхматдан ва иттифоқликдан иборат. Газета таҳририятига раддия жавобимни эълон қилиш мажбуриятини юклашнингизни сўрайман».

Қанақа раддия бўлиши мумкин?! Ошқоралиқ фақат бир гомоннинг манфаатларига хизмат қилаётганди. Гарчанд, «Правда»даги мақола медицина фанлари доктори В. Эфендиев имзоси билан чоп этилган бўлса-да, аслида у мақолани ёзмаган эди. Шу ҳақдаги телеграммалар КПСС МКга, «Правда»га ҳамда Ҳ.Алиевга юборилганди:

«Ҳурматли Ҳайдар Алиевич!

*«Правда» газетасида 1990 йилнинг 4 февралда менинг имзоим билан (ушбу жумла қўлёзмада алоҳида қайд этилган. – Муалл.) чоп этилган, ниҳоятда сиёсий руҳдаги ва 1990 йил январиде кечган воқеалар акс эттирилган мақола мутлақо менага номатълум; мен уни ёзмаганман ва имзо ҳам чекмаганман (қўлёзмада ушбу ҳолатлар алоҳида қизиқ белгиланган. – Муалл.). Унда соғлиқни сақлашга оид баъзи масалалар, медицина кадрларини тайёрлаш ва турғунлик даврида мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар туғрисида мен томонимдан бир пайтлар айтилган фикрлардан фойдаланилган.*

Ҳурмат билан

медицина фанлари доктори В.М. Эфендиев.  
05.02.90».

Эфендиев исм-шарифи билан имзоланган мақола, маълумингизки, 4 февраль кунин «Правда» газетасида босилиб чиқди. Эртаси кунин КПСС МК Пленуми очилган эди. Албатта,

мақоланинг чоп этилишини обдан ҳисоб-китоб қилишганди: уртоқлар ўқиб чиқишга, фикрлаб олишга улгуриши керакда. «Советская культура» газетасининг бош муҳаррири Альберт Беляев биринчи бўлиб муносабат билдирди; у асли муҳаррирлик мансабига КПСС МКдан келган, йигирма йил бу даргоҳда ўтириб, анча моғор босиб қолганди. Унинг гапларига қараганда, «Алиевчилик...» мақоласи ҳаммани титратиб, ҳаяжонга солиб юборибди. Айни шундай одамлар партиёга бўлган ишончни барбод қилади». Беляев, пленум партиё сафларидаги раҳбарлар орасида бундай мансабдор туралар, дўстларга нисбатан қупол ва юзсиз муносабатда бўлувчилар, хизмат вазифасидан тор шахсий манфаатлари йўлида фойдаланувчилар КПСС аъзолигига номуносиб, деб ҳисоблашини ёзиб қўйишни таклиф этди.

У билан ким ҳам баҳслаша оларди? Устига-устак яна айнан шу фикрлар у ёки бу йўсинда партиё уставида айтиб қўйилган бўлса. Партиёга аъзо бўлинаётган пайтда барча талабларни бажариш мажбуриятни юклатилади; Алиев ҳам, Беляев ҳам, «Алиевчилик...» қа сўргич билан муҳр босиб қўйишни таклиф қилганлар ҳам устав талабларини адо этиши бирдек вожиб эди. Алиев Горбачевнинг иктисодий, ижтимоий, миллий сиёсатини эътироф этмаётган эди; шу боис уни маънавий жиҳатдан эзиб, таъзирини бериб қўйишга жазм этишганди.

– Менга, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи уринбосари сифатида, – дея хикоя қилади Ҳайдар Алиев, – Москвада вино ва бошқа спиртли ичимликларга турна қатор навбатда турганларнинг суратларини келтиришарди. Қўриб ваҳминг келади! Охири қуринмайдиган ана шу навбатда турган одамлар кайфияти ва суҳбатлари, мамлакат раҳбариятига қарши қаратилган гап-сузлари мазмунидан хабар топиб, уни Горбачев билан Лигачевга етказилганда, улар мамнун қулиб қўйишганди: майли, қани, кўрайликчи, тўнғиллаб-тўнғиллаб охири жимиб қолишди. Халқнинг раъйи билан мутлақо ҳисоблашишмас эди. Асло парво қилишмасди.

1985 йилдан кейинги даврда мамлакат бўйича емирилиш бошланганди; иктисод ва ижтимоий соҳаларда бузилиш, упирилиш авж олиб борарди. Одамларнинг турмуш даражаси пасайиб; аввалги даврлардаги турмушига қараганда тубдан ёмонлашганди. Мамлакатда маънавий-психологик муҳит беҳад таранглашган эди; миллатлараро зиддиятлар одат тусига кирганди; Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи парчаланаятганди; бошқариб бўлмайдиган жараёнлар хуружи авж олаётган эди. Буларнинг ҳаммасини Горбачев қайта қуришнинг эстаги билан ёпмокчи бўларди. Шу боис уни турлича таърифлар-

ди, гоҳ у «кескин бурилиш палласида», гоҳида эса «узгаришлар довоида», баъзида «алоҳида бурилиш босқичида» дейилди; қайта қуриш «ожиддий синов палласига кирди», дея таърифлаб ҳам қурилди ва ҳоказо.

Нима ҳам дейиш мумкин? Урушдан кейинги фақат бир воқеани эслайман. Хрушчев даврида нон танқислиги зўрайганди; буғдой нон анқонинг уруғи бўлиб қолганди. Ҳозир ҳам нон етишмаяпти. Яна қаерда денг? Айни пойтахтда. Урушдан кейинги йилларда гамаки етишмаган пайтни билмайман. Эндиликда, кўраёлисизми, бу нарсага ваз-қорсон кўрсатишга интилишмоқда, тушунтирмоқчи бўлишмоқда. Марҳамат қилиб айтинг, бу нарсани қанақасига изоҳлаш, тушунтириш мумкин? Авваллари бундан ҳам оз миқдорда тамаки ишлаб чиқарар эдик; шунда ҳам инқироз бўлмасди.

Ҳозирги кунда мамлакатда миллатлараро муносабатлар ғоят мураккаблашиб кетди. Горбачев ва унинг атрофидагилар ҳамма нуқсонларни ўтмишга, Сталинга, турғунлик даврига ағдармоқчи бўлишмоқда, аммо кейинги икки-уч йил ичида қанчадан-қанча хатоларга йўл қўйилгани тўғрисида ҳеч ким оғиз очмаяпти; ҳамма беш кўлдек қуриб-билиб турибди. Миллатлараро зиддиятлар ўтмишга асло дахлдор эмас; уларни ўтмишга боғлаш ноҳолис ва инсофдан эмас. Сталин даврида ва кейин ҳам анча-мунча хатоларга йўл қўйилди; қачон қанча хатолар содир этилганини жамласак, кейинги пайтдаги хатолар қўшлиги жиҳатидан ҳаммасидан ўзиб кетади.

Горбачев ҳам, қачон қарама, нуқул ўзига ўзи қарши чиқмоқда. Марказий Комитетнинг 5 февралдаги (1990 йил. – *Муалл.*) пленумида қилган маърузасида Тоғли Қорабоғ автоном вилоятидаги воқеалар тўғрисида яна узок гапирди (гарчанд, маърузанинг ўзи қисқа эса-да). Энг ажабланирлиси шуки, биронта очиқ-ойдин, тайинли гап айтмади; бундан ташқари, Тоғли Қорабоғ автоном вилояти масаласи Озарбайжоннинг яхлитлиги билан боғлиқ ҳолда ҳал этилиши лозимлигини эндигина узил-кесил аниқлаган эмиш. Ўз-ўзидан савол туғилади: нимага бу ҳақда икки йил олдин ҳеч вақо айтилмади? Демак, ўшанда у ўзгача фикрда, ўзгача муносабатда бўлган; ўртача йўлни тутган, унгаям, бунгаям ён босмайман, ёқалашаверишсиз, ким-кимни уриб енгаркин деган экан-да, ахир, шунақаям йўл тутиш мумкинми? Агар, бу – федерация бўлса, у – иттифоқ давлати, демакдир; иттифоқ ҳукумати эса дарров ўз фикрини билдириши лозим эди. Мана миллий сиёсатдаги яна бир хато. Фақат унутмаслик лозимки, қайта қуришгача арман ва озарбайжонлар ўртасида, Кавказортида ҳеч қанақа зиддият, келишмовчилик содир бўлмаганди: Озарбайжон Компартияси МКнинг биринчи секретари лавозимида 14 йил ишлаган пайтимда ҳар йили бир марта, баъзи йиллари бир неча мартадан Тоғли Қорабоғга бориб турардим: ана шу автоном ви-

лоятдаги бирон-бир киши Тоғли Қорабоғ автоном вилоятини Озарбайжон таркибидан чиқариб, Арманистонга қушиб бериш масаласи тўғрисида лом-мим деб оғиз очмаганди. Тушуняпсизми, ҳеч ким?! Арманистонда айрим миллатчилик кайфиятлари кўпчиб турарди; айрим кимсалар ана шундай режани қўйнида пишириб ҳам юрарди; лекин бу Тоғли Қорабоғ автоном вилояти аҳолиси томонидан қўллаб-қувватланмади (*Телебошловчи Андрей Караулов билан суҳбатдан.*)

Балки, Хайдар Алиев қайта қуриш давригача арман ва озарбайжонлар билан икки ўртада ҳеч қанака муҳолифат муаммолари йўқ эди, деб манзарани бўяб кўрсатгандир?

– Озарбайжонда ўша йиллари ҳеч қандай миллатлараро муҳолифат бўлган эмас, – дея таъкидлайди армия генерали Филипп Бобков. У ўша пайтда СССР ДХК раисининг биринчи уринбосари сифатида газеталар нималарни ёзишганини эмас, – яна нималарни ёзишмаганини ҳам яхши билади.

Бош секретарнинг Алиев тилга олган, анча олдинги сафсатабозликдан иборат маърузасини қайта кўздан кечириб чиқдик; Тоғли Қорабоғ атрофидаги муҳолифат ҳаракатлари. «Чигал тугунни ечиш» хусусида фикр юритишга интилган эди. Аслида эса, масала моҳияти тўғрисида тайинли гап йўқ эди; «Тоғли Қорабоғ автоном республикаси ва ҳар икки республикадаги мавжуд кучлар» хусусида туманли муҳокамалар, иқтисодиётдаги хуфийа бўғинлар ҳақида, қайта қуришга тўғанок бўлаётган коррупция кучлари тўғрисида мулоҳазалар билдирган эди; пулга сотилган коррупция кучлари ҳозир етакчиликни қўлга олиб, одамларни чалғитишга, тўғри йўлдан оғдиришга уринмоқда, дейилганди. Мамлакатни тойиб бораётган чоҳдан саклаб қолиш, жанжаллар, муҳолифатлар ёнғинини учириниш учун ҳокимият нима қилди?

Хайдар Алиевич, эски одатига қўра, янги кунни тонгги газеталарни кўздан кечириш билан бошлади. Пленумдаги нутқни ўқиркан, ўзига яқин жойларининг остига чизиб қўйди.

Мана, Киев шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Анатолий Корниенко коммунист ишчининг Горбачевга йўллаган мактубидан айрим парчаларни келтирганди: «Биз ўзи қабққа қараб кетяпмиз? Михаил Сергеевич, аввало ўзингиз, ва сўнгра мамлакат раҳбарияти билан биргаликда социалистик давлатнинг тақдири тўғрисида, меҳнаткаш халқ оммасининг келгуси тақдири ҳақида фурсатни бой бермасдан, жиддий уйлаб қуриш, зудлик билан энг зарур чоралар қўллаш вақти келмадими?»

Ленинграддаги «Ижорск» заводи ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилоти секретари Юрий Архипов «Партия раҳбарияти ҳамда давлат органларига нисбатан ишончсизлик ҳали энг юксак чўққисига чиққани йўқ, лекин унинг остонасида турибмиз», дея бонг уради.

Совет Иттифокининг Польшадаги элчиси Бровиков «партия ва ҳукуматимиз раҳбарлари йўл қўйган шахсий ҳатолар, ҳаддан зиёд ғўдайган, такаббур феъл-атвори» тўғрисида сўзлайди. «Бундай ҳатолар мамлакат бўйлаб интизом ва тартиб кенг жорий қилинмасдан туриб жамиятни ёппасига демократлаштириш жараёни эълон қилинишида намоён бўлди. Демократиясиз интизом яшаб кета олар, лекин интизомсиз демократияни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди; бундай ҳолатда у, шубҳасиз, ижтимоий-сиёсий бошбошдоқликни юзага келтиради».

Фақат қар одамгина ташвишли овозлар гулдуросини эшитмаслиги мумкин, дея уйларди Алиев. Балки Горбачев, Яковлев ва уларнинг атрофидагилар қалб садоларини эшитишни истамаётгандирлар?

### Москва қамали

1990 йил 17 майда Нахичеван коммунистлари Хайдар Алиевни Озарбайжон Компартиясининг XXXII съездига делегат этиб сайлашди. Съезд 8 июнда очиладиган эди. Хайдар Алиевич 1 июнга самолётга билет олди; съезд иш бошлагунига қадар кадрдон Нахичеванда бўлишни кўнглига тугтанди...

Ҳали «Москва – Боку авиарейсига билетга буюртма беришга ҳам улгурмаган ҳам эдим, – дея хотирлайди у, – телефон кўнғироқлари бири иккинчисига уланиб кетди. Дастлаб, КПСС МК қошидаги Партия контроли комитетининг раиси Путонинг ўринбосарлари Слезко билан Герасимов телефон қилишди. Сафарга бормасликни маслаҳат беришди; Озарбайжонда вазият анча кескин, сизнинг боришингиз эса муҳитни янада таранглаштириб юбориши мумкин, дейишди. Кейин, мен билан савдолаштиришга ўтишди. Партия контроли комитетида Алиев устидан ёзилган материаллар бор экан. Агар Бокуга бормасам, улар қўлидаги материалларни архивга топширишар экан; мабодо, Бокуга жўнаб кетсам, ўша материалларни ҳаракатга солиб юборишаркан... 30 май куни Путонинг ўзи телефон қилди. Унинг ҳам муддаоси ўша, ўринбосарлари айтган гап эди. Унга дилимдаги бор гапни айтдим: «Жудаям ғалати-ку, бу; бошимдан анча оғир кунларни кечирдим, бетоб бўлдим, шифохонада даволяндим, бирор марта эсламагандингиз. Эндиликда, хийла ўзимга келиб Ватанимга кетмоқчи бўлганимда, тўсатдан хаёлингизга келиб қолибман. Сафардан қолдиришга, йўлимдан кайтаришга ҳақкингиз йўю».

Хайдар Алиев Бокуда укаси, ўзининг жанговар ҳимоячиси Жалолниқига қўниб ўтишни ният қилди.

Жалол Алиевнинг хотираларидан:

«29 май куни республикадаги таникли бир киши телефон қилиб, мен билан кўришиш истагини билдирди. Белгилан-

ган вақтда Фанлар академияси биноти олдидаги муъжазгина хиёбонда учрашдик; Ҳ. Алиев келгудек бўлса, уни кутаётган хавф-хатардан огоҳ қилди. «Тезлик билан акангизга телефон қилинг, Бокуга келмасин, деди. Иўқса, самолётдан тушаётганда трапнинг ўзида отиб ташлашмоқчи», – у шошиқиб гапнинг индаллосини айтди. Бундай гапни бошқа бирон-бир одамдан эшитганимда бошқача муносабат билдирган бўлардим; ўша пайтда анча нуфузли бир одам огоҳлантираётган экан, унга бефарқ қаролмасдим. Қийин аҳволда қолдим, мен учун ғоят азиз кишининг ҳаёти менинг келаверинг ёки келманг дея монелик кўрсатишимга боғлиқ эди. Аммо тезроқ бир қарорга келиш керак эди. Шу заҳоти «Озарнашр» нашриёти директори Аждар Хонбобоевга учрашувни келишиб олиш мақсадида сим қоқдим.

Эртаси куни, 30 май эрталаб соат 10 да ҳамма гапни унинг хонасида муҳокама қилиб, бир қарорга келгач, Москва билан боғланишга киришдик. Анчагача алоқа ўрнатиш қийин бўлди. Боғланиш канчалик мушкул кечганлигини энди тушуниб турибман. Аждарнинг тўрт соат давомида «вертушка» орқали қайта-қайта телефон қилиши, алоқа министрлигидаги масъул амалдорларга мурожаат этиши натижасида Москва билан гаплашишга муяссар бўлдик. Ҳайдар Алиевичнинг ҳаётидан хавфсираб, табиийки, таваккалига иш тутолмасдим; бу борада Аждар Хонбобоевнинг дадиллиги ва қағъиятига қойил қолдим; бир дақиқа ҳам иккиланмасдан қатъий ҳаракат қилди. Дўк-пўписа ва шов-шувларга қўп ҳам эътибор бераверманг, деди у акамга. Зиёлиларнинг қарори қатъий ва Алиевни аэропортда кутиб олишга шай турибди. Ҳозир ҳам шундоққина эсимда, акам ортиқча овоза қилмасликни ўтинди, кутишга ҳеч ким чиқмаса ҳам майли, фақат Жалолнинг ўзи бўлса кифоя, деди. Хонбобоев эътироз билдирди; шубҳасиз, мен ҳам кутиб оламан...

Шу куни кечкурун Аждар билан ниманидир гаплашиб олишимиз зарур эди. Уйига телефон қилдим. Бир аёл телефон дастагини кутарди. Хўнграб йиғлаб: «Акажон, Аждарни оғир яралашди. У, шифохонада...», – деди. Бир неча соатдан кейин у ҳушига келмасдан вафот этди».

Ушбу воқеаларни Ҳайдар Алиевнинг ўзи қуйидагича эслайди:

«Табиийки, фактларни ўзаро чоғиштира бошладим: 30 май куни кундуз соат 12 да мен билан телефонда гаплашди; кечкурун гўккизда эса отиб ўлдиришганди. Бу одам, билишимча, хотиржам, оғир-босиқ, виждонли эди; искирт ишларга аралашмасди; сиёсат билан кизикмасди; узоқ йиллар Озарбайжондаги энг йирик нашриётлардан бири «Озарнашр»да ишлади; зиёлилар уртасида ҳурмат-эътибори баланд эди. Табиийки, ана

шуларнинг ҳаммаси менда нега айнан шу куни уни ўлдириб кетишди, нима сабабдан – деган савол туғдирганди.

– Қизиқ, республика раҳбарияти, аниқроқ айтсак, Озарбайжон раҳбарияти сиздан шунчалик ҳайиқадики, унинг оқибати ҳар қанақа бўлиши мумкин деб уйлайсизми?

– Биласизми, мендан қуркишадими ёки йўқми, бу ҳақда гапиришим кийин, лекин мамлакат айрим раҳбарларининг менга нисбатан нохуш муносабатини уч йилдан ортиқ муддат давомида ҳис қилиб келяпман. Афсуски, Озарбайжоннинг аввалги раҳбарлари томонидан турли, мутлақо ноҳолис ҳужум – тирғилишларига ҳам дуч келдим. Лекин ҳозир ҳам она юртимга келишимни катта муаммога айлантириб юборишди». (Телебошловчи Андрей Караулов билан суҳбатдан.)

Алиевни Москвадаёқ ажратиб қўйишганди. Озарбайжон Компартиясининг съезди унинг иштирокисиз ўтди. КПСС XXVIII съездига делегат этиб сайланиши унинг ҳокимият тепасига қайтишига йўл очган бўларди, деган тахминлар ҳам бор.

Ҳайдар Алиев Бокуга 20 июлда учиб келди. Унинг билими ва тажрибаси ватанида асқотиб қолади, деб уйлаганди; ўзининг эски квартирасига қайтишга ёки янгисини олишга умид қилганди. Лекин Марказий Комитетда узрли баҳона кўрсатиб, Бокуга прописка қилишни рад этишди. Ва умуман, унинг «маслаҳатларига кўзлари учиб турмаганлигини» сипоришлаб англатишди. Энди фақат жонажон Нахичевангина қолганди. Учиб кетишига икки кун қолганди; шу орада қариндош-уруғлари, ака-укалари ва синглилари, дўстликка содиқ қолган биродарлари билан кўришиши, ўша январнинг қора туни ҳалок бўлганлар мазорида ҳам бўлиши, таъзия билдириб ўтиши керак...

Ёдгорликлардан ун тўрт, ун саккиз, йигирма, йигирма саккиз ёшли навкирон чехралар қараб турарди... Илҳом Оллоҳбердиев, Фариза Оллоҳбердиева, Вера Бессангина, Илғор Иброҳимов, Оғабек Наврузбекли... Уларнинг ҳаёти ҳали олдинда эди, фарзандларини ўстириш, набираларини кўтариб катта қилиш бахти, сурури йўқ энди. Фарзандлари ҳам, набиралари ҳам бўлмади. Хогира куни саҳарлаб эрта қариган онаси, отаси келишади, ўғлининг юзини силагандек ёдгорликни аста-секин сийпалаб қўйишади, ҳолос.

Ҳайдар Алиев бир ҳайкалдан иккинчисига оғир кадам ташлаб, охишта боради, юз ифодаларига узоқ тикилиб қолади; балки, кимнидир танирмиди. Йўқ, республикадан кетаётган маҳали улар ҳали ёш бола эди. Туп тепиб, Каспийда чўмилиш учун ошиқишарди – суюқли денгиз уларнинг пойида жушарди, қирғоқларидан тошиб кетмоқчи бўларди; лекин унга етишишнинг ўзи бўлмади...

### VIII боб

## ЎЗ ХАЛҚИ БИЛАН БИРГА БЎЛИШ ҲУҚУҚИ

1990 йил 22 июль, Нахичеван

Ҳайдар билан Жалол Алиевлар кадрдон шаҳарларига почта рейси билан бирга учиб келишди. Хаёлинг жушиб кетади-я! Ака-укалар мамнун жилмайишар экан, самолёт ичидаги тўп-тўп газеталар ва журналлар боғламига, қоп-қоп хатларга, турли нарсалар солинган халталарга бирма-бир кўз югуртиришарди.

Чамаси, ана шу парвоз маҳали, пастликлардаги кадрдон тоғлар дўнғалак мисол, Аракс дарёси узун бир чивик ипдек кўринганда Ҳайдар Алиевич отасининг бир гапини эслади чоғи, жилмайиб қўйди. Алирза ўғилларига бир матални қайта-қайта такрорлашни хуш кўрарди.

– Аканг канака одам ўзи? – деб сурашади. – Ҳали дўстлашиб кўрганамча йўқ, – деган жавоб эшитилади.

Ака-ука ва ака-сингил Алиевлар муносабатининг нечоғлик мустаҳкамлигини ҳаётнинг ўзи бир неча бор синовдан ўтказди, лекин бугунгидек қаҳрли, қаттиқ синовга биринчи бор дуч келиши. Кўз тегмасин, укаси худди асл дўстдек содик колди...

Жалол Алиевнинг хотираларидан:

«Нахичеванда Ҳайдар Алиевнинг келишидан ҳеч кимнинг хабари йўқ эди. Бир танишимизнинг «Жигули»сида аэропортдан шаҳарга йўл олдик. Кекса бир киши акамни кўрган заҳоти: «Буни қаранглар-а, шундай одамни канака машинада олиб кетишяпти!» – дея таажжубланганди.

Эски ота маконга келдик, яқинда вафот этган катта ошамиз Сура хонимни шу уйдан чиқарган эдик. Ҳайдар Алиевнинг қайтиб келганлиги ҳақидаги хабар шаҳарга яшин тезлигида тарқалди. Одамлар ҳовлимизга йиғила бошлади. Тор йўлакка одам сизмай кетди.

Окшом чўккач, Хусайн Жовид қабрини зиёрат қилгани бордик. Нахичеванликлар Ҳайдар Алиевни шоду хандон қарши олишарди. Буюк шоирнинг қаровсиз қолган қабрини кўриб Ҳайдар Алиевнинг дили оғриди. Кейин марказий майдонга йўл олдик. Окшом соат еттиларда саксон мингга яқин аҳоли майдонга йиғилган эди.



Кўпчиликнинг қўлида Алиевнинг портрети, айримларида битта олтин юлдуз, баъзи суратларда иккита олтин юлдуз акс этгани, китоб омборхоналаридаги эски кўр корга яраган кўринади.

Ҳайдар Алиевич ҳаяжонини яшира олмасди: деярли уч йиллик яккалаб қўйиш, таъқиблардан кейин она юртидаги бундай илик муносабат, самимий кучок очиб қабул қилиниши меҳрини тошириб юборди».

Педагогика техникумида бирга ўқиган курсдоши Довлат Мамедов Алиевни ўраб олган зич оломон орасидан ўтиб борди. Ҳайдар Алиевич Мамедовнинг уни оқлашга уриниб, таҳририятма-таҳририят юрганлигини яқинларидан эшитган эди, одамзоднинг феълти галаги-да, йиқилганни устига чиқиб тепгандек ҳамма амаллардан мосуво кишини орқасидан қоралаб, шахсига лой чаглашга интилувчиларга қарши курашаётган эди-да.

– Раҳмат сенга, Довлат! – деди оҳиста Алиев.

– Нимага? Ҳар бир кишининг адо этиши керак бўлган, қурби етган ишни қилдим, холос, – жавоб берди кекса фронтчи муаллим. – «Бобожон, бу ерда нимаси ҳато экан?» – Кеккайиб, манманлик қилишди таҳририятдагилар, таҳририят ҳақиқатни юзага чиқарувчи охириги, ҳал қилувчи бўғин деб ўйлашади, пекилли. – «Мақолаларингиз курук тухматдан иборат-ку, қани адолат дегани» – эътироз билдирдим мен. Лекин раддиямни босиб чиқаришмади.

– Ҳечкиси йўқ, – деди Алиев, – ташвиш чекма. Тез орада ҳаммасини ҳаётнинг ўзи унглайди.

Ҳеч қачон майдонга бунчалик кўп халқ тупланмаганди. Одамлар ён атрофдаги биноларнинг айвонларига, уйларнинг томларига ҳам чиқиб олишганди. Нахичеван газетасининг муҳбири Алиевга яқин келиб, дафтарига қўйидагиларни ёзиб қўйди: «Буюк шахс билан учрашувга келганларнинг қувончини таърифлашга суз ожиз. Ҳ.Алиевнинг юртдошларига айтган мухтасар сузлари ўз халқига нисбатан меҳр-муҳаббати тулиб тошган буюк калбнинг ҳайкириғи эди». Афсус-надоматлар бўлсинки, ёник сатрларнинг қаноти ўз маъқеини хали бой бермаган цензуранинг темир қайчисида киркилиди.

Ҳайдар Алиев мегафонни қўлига олиб, юртдошлари билан саломлашди, қутлади. У кўп гапирмоқчи эмасди. Ён-верида турганлар билан дилдан суҳбат кургандек секин гапирарди, лекин атрофга сув қўйгандек жимлик чўккани боис кенг майдоннинг чеккасида турганлар ҳам бемалол эшитарди. Дийдор офтобдек хосиятли деганларича бор. Ҳайдар Алиев юртдошларининг чеҳраларида балққан самимиятдан тўйиб-тўйиб баҳра олди. Уйига қайтаркан, ўзининг ҳам кўзлари ловуллаб ёнаётгандек, юзлари кизиб кетгандек туюлди: «Шукур, одамлар мени хали унутмабди», деган мамнун уй кўнглидан кечди.

Кутиб олган-кузатаётган кўни-кушнилар, таниш-билишлар аста-секин тарқалди. Фақат жигарлар бирга қолишди: Ҳайдар, Жалол, жияни Санифа, унинг қизлари. Жалол эски телевизорни сошлаш учун анча уринди, удалай олмади, Ҳайдар унинг куймаланишларини кулиб кузатиб тураркан: бу техникани бошқариш тажриба далаларидаги ишдан кўра мушкулроқ деди.

– Турли «овозлар»ни эшитмоқчи эдим, – эътироф этди кейинроқ Алиевнинг ўзи, – лекин бизнинг уйда ҳеч қачон тузукроқ приёмник бўлмаганди, қўшниларда бир пайтлар Ригада ишлаб чиқарилган ВЭФ маркалиси бор экан, корга яраб қолди.

Эндиликда Алиевлар ота ўйининг қанақалигини камёб суратлар ва хотиралар асосида тасаввур қилиш мумкин. Мана, Ҳайдар Алиевич эшик пойида, остонада турибди; анави Санифа, болалик чоғларидагидек, бувиси Иззат хонимга ўхшаб, тоғасининг қўлларига обдастадан сув қуйяпти...

– Ўша, олис болалик йилларидаёқ у ҳовлимиздаги муздек кудук сувида ювинишни яхши кўрарди. Кузачага тулдириб қуйилган сув ҳар қанақа иссиқ ҳавода ҳам салқин тураверар, одам ювинганда муздеклигидан роҳатланарди, Ҳайдар Алиевич бошидан муздек сувни қуйиб, томчиларни сачратиб ювинишни хуш кўрарди; қариндошларнинг айтишича, шу тахлит ювинишга болалигидан одатланган экан. Тоғам кадрдон ўйини эслатувчи ҳамма нарсани жон-дилидан ортиқ кўрарди. Онаси, менинг бувим бир пайтлар тайёрлаган таомларни – чучвара, дўлма, ёғда пиширилган сомсани севарди... Боғимизда етилган мева-чеваларни гўралигидан пишгунича татиб кўришни қанда қилмасди. Кўп йиллар давомида Боқуга, Москвага жўнатиб турдик. Унинг учун Нахичеван олмалари, нокларидан тоғлиси ҳеч қаерда йўқ эди.

Санифа Султонова Ҳайдар Алиевнинг жияни, Нахичеван ЗАГС бюроси мудираси. Республикада уни шоира сифатида ҳам яхши билишади. «Бакинский рабочий» газетасининг махсус муҳбири Светлана Мирзоева у ҳақда батафсил ёзиб чиққанди. Ушбу журналист, бошқа ҳамкасбларига караганда Ҳайдар Алиев билан ушанда энг кўп қўришган, суҳбатлашганди, у дўстлашган ва кўмаклашган одамларнинг, айниқса, адабиёт, санъат намояндаларининг у ҳақдаги хотираларини асраб-авайлаб тўплаб келарди. Уқишли, дилга яқин китоб қилиб чиқарибди, худди газеталардаги каби энг охирига имзо чекибди. Китоб муқовасига Ҳайдар Алиевнинг суратини олиб чиқибди, китобнинг номи ҳам унинг сузлари билан бошланади: «Санъат буткул ҳаётимга эш бўлиб ўтди..»

Назаримизда, муҳтарам китобхон эътибор берган бўлса керак, Ҳайдар Алиев Нахичеванга келган дастлабки кўниёқ Хусайн Жовид қабрини зиёрат қилганди. Бош эгиб турганда

нималарни ўйлади экан? Қайси сагрларини эслади? Балки, куйидагилардир?

Таянч излар, умиди гирён,  
Барру бахр эзгин, бекарон.  
Ғамга ботган юрак чарх урар,  
Ҳам бош урар осмонлар қалар...

Бир кун ўтиб Ҳайдар Алиевич Жовид музейини бориб кўрди. Охириги марта бу ерда қачон бўлганди? Чамаси, 1882 йил бўлса керак, ўшанда республика шоир, драматург, файласуф Ҳусайн Абдулла ўғли Расизоданинг юз йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўраётган эди. У 1982 йил 24 октябрда Нахичеванда туғилиб. 1941 йил 5 декабрда Сибирь сургунида вафот этганди. Тақдирнинг аччиқ истехзосини қаранг, озодлик жарчиси, ҳақиқатгўй шоирни тириклик маҳали Шаркнинг Шекспири дейишарди. Сталин Конституцияси куни – 5 декабрда ҳаётдан куз юмди. Сибирнинг қаҳратон совуқларига дош беролмай тахта тиладиган бостирмада юраги ёрилдими? Ва ёки ички азоб-уқубатлар исканжасида юрак томирлари узилдими? Қайғуга ботган кунгил узилмайди очундан...

Жовиднинг музейи эски ота уйида жойлашган. XX аср бошларидаги фотосуратлар, ҳужжатлар, уй-рўзгор ашёлари: самовар, керосин лампа-чироқ, Россиядан бу чекка ўлкаларга адашиб-улоқиб келиб қолган патефон, хушбичим армудулар – чой ичишга мўлжалланган нок шаклидаги стаканлар териб қуйилган... Таҳмонда эса идиш-товоклар, кузача, қумғонлар, ҳар бирининг ўз номи, ўз вазифаси бор.

Халқ депутатлари Тайшет район Советининг 1982 йил 21 октябрдаги қарорининг асл нусхаси ойна тагига қуйилган. Мазмунини тулиқ келтирамиз:

*«Озарбайжон Компартияси Нахичеван вилоят партия комитети бюросининг 1982 йил 12 октябрдаги қарори асосида Нахичеван вилоят партия комитети секретари Жафаров Ҳамид қора ўзлига Иркутск область Тайшет райони Шевченко қишловида жойлашган 59-қабристондаги қабрдан Озарбайжоннинг таниқли шоири ва драматурги Ҳусайн Жовид Расизода жасади қалдиқларини она Ватани Нахичеван шаҳрига кўмиш учун олиб келишга рухсат берилади.*

*Тайшет район ижроия комитетининг раиси  
В.А.Смирнов».*

Унинг умр йўлдоши Мушкиноз хонимга Жовиднинг ҳеч қандай айби йўқлиги ҳақидаги ҳақиқатни билиш ҳам на-сиб этди. Аёл кунгли ҳамиша бедор-ку, аслида бу нарсага у асло шубҳа қилмаганди. Фарзандлари – Эртўгрул билан Ту-

ронга оталарини кутишни тайинлар, оталари билан хамиша ғурурланишни уктирарди. Эртўғрул ўз бахтини санъатда синаб кўрди: суратлар чизди, киносценарийлар ёзди, мусикалар басталади. Буюк бастакор Узаир Хожибеков уни энг истезодли шоғирдларимдан бири, дея алқарди. 1941 йил Эртўғрул Жовидни армия сафига чақаришди. Тўғри, саломатлигининг заифлиги туфайли уни фронтга жўнатишмади. Грузиядаги ички кўшиқлар таркибида қолдиришди. Тез орада уни улим тўшагида ётган ҳолатда уйига олиб келишди. У кон тупураётганди. Дори-дармон харид қилиш учун Мушкиноз хоним Ҳусайн Жовиднинг ўзи совға қилган никоҳ узугини сотишга мажбур бўлди. Эртўғрул 24 ёшга тўлар-тўлмас, 1943 йил 14 октябрда Нахичеванда вафот этди.

Жовидовлар оилавий солномасида илоҳий бир нимадир бор: Ҳусайн 24 октябрда туғилган, ўгли Эртўғрул 22, қизи Турон эса 2 октябрда таваллуд топганди.

1982 йил октябрда Ҳусайн Жовиднинг юз йиллиги нишонланаётган кунларда Мушкиноз хоним билан Эртўғрулнинг жасадлари у билан енма-ен охириги маконларини топди; Мушкиноз хоним 1976 йили Боқуда вафот этганди, унинг хоқини келтириб, умр йўлдошининг ёнига қўйишди. 2004 йили Мушкиноз билан Ҳусайннинг қизи Турон хонимни ҳам васиятига қўра шу хилхонага дафн этишди, эндиликда, оила яна жамулжам бўлганди.

Ҳайдар Алиевнинг хаёлида уларнинг қабри узра оппоқ қорли чўққидек улуғвор, муҳташам макбара жонланди. 1990 йил ёзида бунинг фурсати келмаганди. Лекин ишончи қомил, шундай ёруғ кунлар келади.

– Кеча (1996 йил 29 октябрь. – *Муалл.*) биз буюк адиб, шоир, драматург, файласуф олим Ҳусайн Жовид хотирасини ёдга олдик, – дея сўз бошлади Ҳайдар Алиев Нахичеван республикаси жамоатчилиги билан учрашувда, – макбаранинг тантанали очилиш маросимида катнашдик. Бу илм-фан ва маданиятнинг катта байрами бўлди, бу фақат шу ерга тўпланганларнинг байраминга бўлиб қолмасдан, Озарбайжон халқининг тантанасидир. Кеча мазкур шоду хуррамлик автоном республика меҳнатқашларини оёққа турғазди, дейиш мумкин. Кўчаларда, Ҳусайн Жовид макбараси рўпарасидаги майдонда ўн минглаб, юз минглаб одамлар йиғилди. Қувонч тўла ғурур билан бир-бирларини муборакбод этишди.

Бу, мен учун айниқса катта байрам, сабаби, бундан ўн тўрт йил олдин қабул қилган қарорим амалга ошди.

Ишончим қомил, бундай муҳташам, мўъжизадек қашфиёт олдида Юсуф ибн Қусайир ва Мўмина хотун макбараларини бунёд этган буюк меъмор Ажам ибн Абу Бақр ҳам чексиз ғурурланган бўлурди. Бу икки буюк зот биринчи ва иккинчи минг йилликлар оралиғида юртимизга келишганди. Иккин-

чи ва учинчи минг йиллик чорраҳасида Жовиднинг пурвикор мақбараси қад ростлади.

Чарх чаппа айланди-ю, оламни англаб бўлмас,  
Кечаги узум шарбат бугун қонга айланар.  
Ўтган кунлар сарватин очун тутиб қололмас,  
Саройлару кулбалар бирдек кулга тўйинар.  
Давлатидан керилган. бугун қара, хору зор,  
Кечаги ёвуз душман бугун содиқ дўстман, дер.

1990 йили Нахичеванда ҳам, бутун Иттифокда кузагилгани каби, озиқ-овқат маҳсулотларини *топишга* тўғри келди. Ифоданинг ўхшашлигини кўринг?! Сотиб олиш эмас, ҳамма жойда топиш деган сўз истеъмолда эди. Қўшнидан қўшнига, хизматдошдан хизматдошга хабар етиб боради: анави қўшни молини сўйибди, бориб кўринг, сизга ҳам бир-икки кило гушт тегиб қолар. Баъзида Санифанинг куёвлари сотиб олишга улгуришар, кейин уйда сеvimли таомлари – бузбош пиширишарди.

Ҳайдар Алиевич опаси Сура хонимнинг дафн маросимига етиб кела олмаганидан қайғуларди – ушанда унга Москвадан оёқ узиб чиқишга ижозат беришмаганди. Келганининг эртаси кунидек қабристонга йўл олди, опасининг дўшпайган қабри устига суюкли атиргулларини қўйди, отасининг қабри бошида қуръон тиловат қилди...

Нахичеванга келган дастлабки кунларда Алиев газеталарни топа олмади. Маҳаллийларини Санифа олиб келарди, лекин Боку ва Москва газеталари эртаси кун пешиндан кейин, баъзан бир кундан кейин киоскаларга етиб келарди. Қўшниси совға қилган радиоприёмник мушкулини осон қилди.

### Мақсад белгилаб олинди

Она юртига қайтиб келгач, биринчи бўлиб «Ҳаёт» газетасининг махсус мухбири Муҳсун Муҳсунов билан суҳбатлашди, кейин бундай овлоқ жойга ошиқиб етиб келган Литванинг «Республика» газетаси мухбири Ритас Сняталис билан суҳбат қурди. Ҳайдар Алиевичнинг энгил-бошли норасмий, спорт кийимида эди, суҳбатдан олдин ярим ҳазил-ярим чин тариқасида леда: «Бир шарт билан интервью беряпман, кискартирмасдан, ўзгаришлар киритмасдан эълон қиласиз». Ток сўриси билан ўралган шиннамгина айвонда меҳмонларни беҳи мурабболи чой кутиб турарди, Санифа меҳр билан дастурхон тузаганди. Нахичеванлик ва литвалик журналист саволларига Алиев берган жавоблардан ҳар иккиси бирдек фойдаланишни келишиб олишди. Уларнинг ҳамсуҳбати учун, энг муҳими, тўғри ва ҳаққоний жавоб бериб, кўнгилдаги борини тўқиб-солиш, юра-

гини бушатиш эди. Юртдошлари ва бир йўла нари-беридагилар, майли, улар литваликлар булсин, бор ҳақиқатни билсин. Уша жойларда унинг исми-шарифи билан Европа матбуоти кизиқиб қолар. Аслида ҳам шундай бўлиб чиқди.

Ҳамкасблар, Ҳайдар Алиевичдан, Сиёсий бюродан кетгач, қандай яшайсиз, деган мазмунда сўрашди. У қандай вазиятда СБдан кетганлигини эслатди. Марказий ва республика матбуотида қай йўсин бўхтонлар ёғдиришганини сўзлаб берди.

«Сабр қилишга интилдим, – дея ҳикоя қила бошлади у. – Албатта, ҳамма катори менга ҳам алам қиларди: ахир уларнинг бундай муносабати ноҳақлик эди-да. Шу боис 1989 йил содир булган ғаройиб ҳодиса – КПСС МК аъзолари ва МК аъзолигига номзодлардан 110 киши уни ўз ихтиёри билан ташлаб кетганда, бу энг охириги имконият эканлигини ҳисобга олиб, МК пленумида сўзга чиқдим. Менга қарши иғво-туҳмат уюштиришяпти. дедим: буларнинг ҳаммасини бошидан охиригача адолатсизлик деб биламан. Виждонан, ҳалол ишладим деб ҳисоблайман, албатта, камчиликларим ҳам, хатоларим ҳам булгандир. Бусиз мумкин эмас. Бирок менинг шаънимга айтилган бўхтонлар ҳақиқатга асло яқин йўламайди.

Фикрларим ўзим ҳам бир вақтлар аъзоси булган Сиёсий бюродагиларга таъсир қилмади: елкама-елка ҳамкорликда ишлаган ўртоқларимга ҳам таъсир кўрсатмади. Сўзларимга эътибор беришмади...»

Хушбичим стаканлардаги чой ҳам совиб қолди. Ҳайдар Алиевич ўзи танлаган йўлни охишта англади: бир нарсага қаттиқ инондим, у ҳам булса, курашишим зарур экан. Ўз шаъним, ўз номим, ўз халқим учун, деган асл максалини қўшмади. Бу нарса шусиз ҳам маълум эди. Сунгра ғоят уринли, ибратли сўзлар янгради: «Раҳбар учун, энг муҳими, ИРОДА ва яна ИРОДА зарур! Ҳар бир раҳбар киши бир фикрни вужуд-вужудига сингдириб олиши керак, у ҳам булса ўз тупроғини, ўз халқини ҳимоя қилиш асл бурчидир... Ўз хою ҳаваслари, паҳсий манфаатлари деб ўзини бир чеккага олишга ҳаққи йўқ. Ун тўрт йил Марказий Комитетда ишлаб, республикага, халқимга хизмат қилдим. Энди эса, қайрағочдек яланғоч қолдим. Лекин асло ачинмайман. Мабодо сиёсий фаолиятни қайтадан бошлаш керак булса, яна айнан шу йўлни танлаган булардим...»

Интервьюга яна қайтишдан олдин Алиев томонидан икки марта алоҳида таъкидланган ва Алиевнинг илтимосига кўра қатта ҳарфлар билан ёзилган ИРОДА сўзига диққатни қаратмоқчимиз. Ушбу тушунчанинг талқинлари кўп. Фалсафий лугатда «ирода» – бу «мақсадли фаолиятни танлаш ва белгилаш ҳамда уни амалга ошириш зарурати учун ички-ботиний сафарбарлик лаёқати» деб аниқланилади. Кундалик турмушда, ҳаётда иродали одамни индамас, дамани чикармайдиганларга

менгашади... Ботар куннинг отар тонги бор, дейлади мақолда. «Иродасизлик – бу танбаллик демак, – дея Владимир Иванович Даль маъносини муҳрлаб қўйган. Яна: – Иродасизлик, бу – ожиз, имилжирик, феъл-атвори қатъиятсиз, мустақил бўлмаган одам», деб ҳам қўшиб қўйган. Оилада ҳам бундай ўзлигига эга бўлмаган нотавон кимсалар билан туриш қийин. Шундай инсон шаҳар, ўлка ёки республика, мамлакат бошлиғи бўлиб қолса борми? Хайдар Алиевнинг лафзидан нега айнан шу сўзлар отилиб чиққанлиги тушунарли: раҳбар кишида қатъий ирода бўлиши лозим! Иўкса, шунчалик катта ҳокимиятга, сиёсий ҳукмронликка эга бўлган раҳбар бегоналарнинг қўлида итоаттўй, ожиз бир кимса бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Горбачевнинг қўлида қанчалик катта ҳокимият бор эди ва яна қанчадан-қанча ваколатларни талаб қилиб, қўлга ҳам киритди, оқибат нима бўлди?

... Ҳамсуҳбатлар Алиевдан узининг аввалги – Озарбайжон Компартияси МКнинг биринчи секретари, КПСС МК Сиёсий бюроси аъзоси сифатидаги фаолиятини қандай баҳолашига аниқлик киритишни сурашди.

– Узоқ йиллар Бокуда ва Москвада республика ва иттифок микёсидаги раҳбар лавозимларда ишладим. Бир нарсани айтишим мумкин, ўз халқимга, Совет Иттифокига, ўзим аъзоси бўлган коммунистик партиёга виждонан, садоқат билан хизмат қилдим. Билишимча, ҳар бир мамлакат, ҳар бир халқ, ҳар бир республика ҳаётида янги босқич бошланди. Ҳар бир халқ ўз тақдирини қандай лозим деб ҳисобласа, шундай белгилаши лозим.

Ҳаётимнинг ўтган даврига тўхталар эканман, ўтган ишга салавот, дейман. Умуман, бугуннинг юмушларини ўз ҳолига ташлаб қўйиб, ўтмишни қовлаштиришга берилиб кетиш менга ёқмайди. Қаранг-да, ўтмишнинг авра-астарини ағдариб сўка бошлаганимизга ҳам олти йилдан ошяпти. Олти йилдан бери мамлакат иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан булиниб, парчаланиб кетяпти. Бу йилларда, бу – янги босқич, бу – бурилиш довоми, бу – кескин эврилишлар палласи, дея бизни фақат ваъдалар билан алдаб келишди. Ахир, босқичлар қанча бўлиши мумкин! Шу боис ҳозир ҳар бир кишига, ҳар бир халққа, ҳар бир сиёсий ташкилотга ва сиёсий кучларга ўз тақдирини ўзи ҳал қилишдек имконият берилиши лозим. Бугунги фикр-мулоҳазаларим шундан иборат.

– *Коммунистик партия ҳақидаги тасавурларингиз ўзгардими?*

– Ғоят кизиқарли савол. Унга диалектик нуқтан назардан ёндашиш лозим. Лекин бир нарса аёнки, партия бугун ғоят оғир аҳволда. Узинг аъзоси бўлган партия бўлиниб кетаётган экан, бу нарса, табиийки, сени мушоҳада, муҳокамаларга ундайди.

Ҳаётнинг устувор мазмун-моҳияти тўғрисида фикрлашга даъват қилади.

– *Шу йил сентябрь ойида республика меҳнаткашлари халқ вакиллари учун овоз беради. Бу галги депутатлар чиндан ҳам халқ вакиллари бўлишига умид боғлаш мумкинми? Сиёсий арбоб сифатида Озарбайжоннинг янги Олий Совети Президиумининг бош вазифасини нималарда кўрасиз?*

– Агар, чиндан ҳам ҳақиқий халқ депутатлари сайлангудек бўлса (бунини ҳаётнинг ўзи кўрсатади, ҳозирча шошиб, олдиндан чанг чиқармай кўя қолайлик), шундагина муайян бир нарса дейиш мумкин. Қисқача айтсам, мен Озарбайжоннинг иқтисодий ва сиёсий суверенитети ва тугал мустақиллиги таърифдориман.

Айвонда пайдо бўлган Санифа оёқ учида оҳиста келиб, стаканларга чой куйиб чиқди. Тоғасининг кайфияти хуш, чеҳраси чарақлаб турганидан кўнгли кўтарилди, она юртнинг ҳавоси ҳам шифобахш деганларича бор, деган гап ҳаёлидан ўтди. Сухбат энди шахсий ҳаётга келиб тақалганди.

– *Вақтингизни қай тариқа ўтказасиз? Авваллари кечая кундуз тиним билмай ишлардингиз...*

– Биласизми, кейинги икки-уч йил ичида менга нисбатан ноҳақликлар шунчалар кўп бўлдики, бу ҳаётимни заҳарлади. Бундай ҳолатда одам узини қўлга олиб, жиддий бир иш қилиши қийин. Ҳалиям кўп уқийман, кўп ёзаман.

– *Мемуар-чи?*

– Ҳозирча, аниқ бир нима дейиш мушкул, лекин баъзи қайдларни қоралаяпман. Юрагимда гап кўп. Уларнинг ҳаммасини қоғозга тушириш ва халққа етказиш лозим. Агар ўз бурчимни адо этмай, бу дунёни тарк этсам, адолатдан эмас. Айтиш мумкинки, мен билган нарсаларни Озарбайжонда ҳеч ким билмайди.

– *Сизга бирон-бир имтиёзлар берилганми?*

– Ҳеч қандай.

– *Биронта чеклашлар борми?*

– Чеклаш шундан иборатки, уйда ёлғиз сўппайиб ўтирасан. Нафақа оласан, шу таҳлит яшайсан.

– *Демак, магазинга ҳам, бозор-учарга ҳам, дўконга ҳам ўзингиз борасизми?*

– Ҳа, ҳа.

– *Ўзингизга бириктирилган машина ҳам йўқми?*

– Йўқ. Биз озарбайжонликлармиз. Менда ҳам, фарзандларимда ҳам узилиб Озарбайжонга келиш имконияти бўлмаганди. Боқуда квартирам ҳам, дала ҳовлим ҳам йўқ. Боқуга келгач, укам Жалолнинг уйига кўчдим, хоналари анча тор экан. Икки марта диванда ухлаб чиқдим. Ҳозир, мана, кўриб турганингиздек жияним бошпана берди.



– *Нахичеванда шундай кутиб олишларини билармидингиз?*  
– Майдонни назарда тутяпсизми? Шундай бўлиши керак-лигини ич-ичимдан ҳис қилгандим.

– *Уч кундан бери шу ердасиз. Яна қанча бўласиз? Бутунлай қолиш ниятингиз йўқми?*

– Қанча қоламанми? Курайлик-чи, қандай кечаркин. Агар бошқа жойдан гураш жой беришмаса, шу ерда яшайвераман.

– *Кеча Неграм қишлоғи аҳолиси номзодингизни Олий Совет депутатлигига кўрсатди. Қайси платформани<sup>1</sup> тақлиф қилиш ниятидасиз?*

– Қандай платформани – қайси йўлни танлашимни айтиб ўтдим. Озарбайжоннинг иктисодий ва сиёсий мустақиллиги, суверенитети учун кураш олиб бораман.

– *Ўртоқ Алиев, Ҳайдар Алиевга қайси энг муҳим саволини берган бўлардингиз?*

Муҳсун энг яхши кўрган саволи билан ўзини кўрсатмоқчи бўлди, литвалик ҳамкасби эса *жаноб* дея мурожаат қилишни маъқул кўрди. Ҳайдар Алиевич хандон отиб кулиб юборди:

– Қайси саволини берган бўлардим? Саволларим жудаям кўп...

– *Шундай бўлса-да, барибир... энг муҳими?*

– Муҳими, дейсизми? Бирдан-бир саволим бор: Эй, ўртоқ Алиев, нега ҳанузгача айрим одамларни билиб олмадингиз?

– *Улингиз билан қизингиз Москвада экан. Улар нима билан шугулланишади?*

– Умр йўлдошим Зарифа беш йил бурун вафот этган эди. Ундан кейин оилам асосий таянчим бўлиб қолган... Уғлим Илҳом Москвада, Москва Давлат халқаро муносабатлар институтини битирган. Инглиз, француз тилларини билади. Шу институт аспирантурасини тугатиб, номзодлик диссертациясини ёқлади. Лекин ишдан кетганимдан кейин унинг ҳаётида ҳам кийинчиликлар бўлди. Унга ўз соҳаси бўйича иш беришмаяпти. Шу нарса уни эзяпти. Қизим Севил Шарқшунослик институти аспирантурасини тугатди. Фан номзоди, араб тили ва адабиёти мутахассиси. Шу институтда ишлаётган эди, кейинги пайтда ишламаяпти. Беш неварам бор.

– *Демак, сизнинг уйланганингиз ҳақидаги гаплар беҳуда экан-да?*

– Узункулоқ гапларгина эмас, ғирт ёлғон. Ҳаётим йўлдоши Зарифа хонимга жудаям вафодор эдим. Унинг хотираси мен учун муқаддас. Ҳар кимнинг ўзига яраша феъл-атвори бўлади. Оилавий муносабатларда тескаричиман.

– *Энг севган машғулотиңиз?*

<sup>1</sup> Бирор партия ёки гуруҳнинг маслағи, ҳаракат дастури, тутган йули.

– Ҳамма нарсадан ҳам китобни аъло кураман. Китобларим кўп. Маданиятни беҳад севаман. Муסיқани тушунаман, тасвирий санъат мухлисман. Бир пайтлар меъмор ҳам булмокчи эдим. Ҳатто архитектура факультетида икки йил уқиганман. Маданият ходимларига ҳамиша яқин булганман. Бошқа майлларим йўқ, балиқчилик, овчилик билан шуғулланмаганман.

– *Кўпроқ кимларнинг асарларини ўқийсиз?*

– Озарбайжон адибларининг асарлари – хоҳ мумтоз, хоҳ замонавий булсин, Фарбий Европа ва рус классикасими. Кейинги тўрт-беш йил ичида эълон қилинган асарларни ўқишга негадир хушим йўқ, тутуруқсиз асарлар».

Ушбу катта интервью (фақат бир қисмини келтирдик, холос) 1990 йил 26 июлда чоп этилди. Алиевнинг Нахичеванга қайтиб келганининг тўртинчи куни эди. Орадан ун беш йил ўтгач, жавобларини ўқир экансан, у она юртига Оллоҳ насиб этган умрини яшаб ўтиш учунгина қайтмагандлигини ҳис қиласан. Мақсад аниқ белгиланган эди: Озарбайжоннинг мустақиллигига эришиш. Лекин унинг қай тарика қўлга киритилиши ҳақида гапириш эрта. Муҳими, иродаси метиндек мустаҳкам. Бу – давлат арбоби, сиёсатчи, миллат ва халқ йўлбошчисининг матонатли иродаси эди.

Боку нашрлари Алиевнинг юртига қайтганлиги тўғрисида оғиз ҳам очмади. Москва матбуоти, хусусан, «Комсомольская правда», «Известия», «Аргументы и факты» газеталари шу заҳоти хабар берди. Нахичеванга хатлар ёғилиб кетди. Одамлар унинг турар жойини билмасдан, Нахичеван, Ҳайдар Алиевга, деб дил сузларини битган мактубларини йўллашарди. Кўпчилик она юртига – Ватанига қайтгани билан қутлашарди. Айримлар, шундай раҳбар Озарбайжон учун сув ва ҳаводек зарур эди, деб ёзишарди. Бошқалар Алиевнинг Бокуда тайинли турар жойи йўқлигидан хабар топиб, ўзи бор пайти шаҳарда қурилган улкан Аҳмадли уй-жой массиви ва ўнта микрорайон бунёд этилганини эслатишган, ўз жойларини бош устига таклиф қилишганди: «Келиб, бизнинг квартирада яшайверинг, хоналари кенг ва ёруғ, шаҳар марказида, ўзимизга қариндошларниқидан жой топилади».

Одамлар яхшиликни унутишмаган эди. Санифа Султонованинг эслашига кура, боқулик бир киши қўлида квартирасининг қалити билан уларниқига келибди: «Марҳамат, бизниқида яшай қолинглар», дебди. Неграм кичлоғидан бир деҳқон яқинда қуриб битказган кенг ҳовлиси бор шинам уйини совға қилмокчи булганди.

Каттагина бу кишлоқда XX аср бошларида рус адабиётининг ҳассос билимдони ва мухлиси Жалол Маматқулизода бадний барқамол асарларини ёзганди. «Ҳой, мусулмон биродарлар,— деган эди у хайратини ичига яширолмаи, Николай

Васильевич Гоголнинг юбилей кечасида, — юз йил аввал Россияда шундай бир зот дунёга келди, у рус амалдорлари хақида шундай кулгили асар ёздики, уни уқиган заҳотинг Нахичевангами, Шуша ва бошқа қишлоқларгами, Кавказнинг кичик шаҳарларигами «Ревизор» келаётгандек туюлаверади». Неграм қишлоғида сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувларнинг бирида Алиев Маматқулизовданнинг ушбу сўзларини эслаганда, бутун залга йиғилганлар самимий кулгидан қалқиб кетганди. Уни Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумига депутатликка номзод қилиб кўрсатишганди. Бошқа сайлов округларидан ҳам таклифлар бўлганди. Лекин Ҳайдар Алиевич бир қарорга келиб бўлганди: Неграм қишлоғидан ўз номзодини овозга қўяди, одамлари ҳазил-мутойибани тушунади, кадрлайди, керакли пайтда елкасини ҳам тутиб беради, оғирингни енгил қилади. 1990 йил 30 сентябрда у Озарбайжон халқ депутати, Автоном республика Олий Советининг депутати этиб сайланди.

### Асл манбаларга қайтиш

Унча қатта бўлмаган, кўпроқ мактабга ўхшаб кетадиган бинонинг биринчи қаватидаги шинам зални депутатлар тўлдириб ўтиришибди, уларнинг орасида Ҳайдар Алиев ҳам бор. Лекин уни залда қолдиргилари келмади, оқсоқоллар Ҳайдар Алирза ўгли Алиевни президиумга ундашди, сессия йиғилишини олиб боришни ҳам таклиф қилишди. Гулдурос қарсақлар остида муъжазгина ва пастаккина саҳнага яқинлашди. Юртдошлари унинг юлдузи яна порлашга ишонишарди. Кўпни кўрган, кўпни билган кишидан оқилона сўзлар эшитишни, қийналган, азоб чеккан одамлар кўнглига малҳам бўладиган мурожаатни кутишарди. Икки ярим минг йиллик тарихида не-не саноатларни бошидан кечирган Нахичеванни нималар қутаётир? Даврлар пучмоғида дориломон кунлар кам бўлди. 1919–1920 йилларда Арманистон билан икки ўртадаги урушни оқсоқол боболар яхши эслашади. Ушанда, 1920 йили Нахичеван Совет Социалистик Республикаси деб эълон қилинган пайтлар эди, революцион комитет Арманистон буржуа республикаси ҳукуматига сулҳ бўйича музокаралар олиб боришни таклиф қилганди. Эртасигаёқ жавоби етиб келди: «Нахичеваннинг арман ҳукуматига қарамлиги сўзсиз таъминлансин». Бироқ Нахичеван ҳеч қачон талабларни қабул қилган эмас. Жанговар ҳаракатлар яна тўрт ой давом этди, Арманистонда Советлар ҳокимияти ўрнатилгачгина, уруш тўхтади. 1921 йил бошларида Озарбайжон ССР, Арманистон ССР ва РСФСР вакиллари Нахичеваннинг шаҳарлари ва қишлоқларида аҳоли ўртасида ҳудудий мансубиятни аниқлаш мақсадида сўров ўтказишди.

Референдумда аҳолининг 90 фоизидан ортиги Нахичеваннинг автоном республика тарзида Озарбайжон таркибида қолишини ёқлади. Халкнинг ушбу қарорини Владимир Ильич Ленин ҳам маъқуллаган эди. 1921 йил 16 мартда РКП (б) МКнинг Сиёсий бюроси Озарбайжон ССР таркибида Нахичеван ССРни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. (1923 йилдан Нахичеван Автоном ўлкаси, 1924 йилдан эса Нахичеван АССР, деб юритиб келинди.)

Энди нима бўлади? Йўлимиз ким билан бирга кечади? Бу тахлит қутилмаган урушда. Иттифок учун ақл бовар қилмас қуршовда кимнинг мададига таяниш мумкин?

Алиевнинг қомил ишончига қўра, ушбу куч – бу халкнинг, бутун Озарбайжоннинг, Нахичеваннинг ўз тарихидир, маънавий манбаларга таяниш демакдир. Россия, деди у ва кейинчалик ҳам ана шу фикрга қайтганди, Совет Иттифоқининг парчаланиш жараёнини бошлаб бериб, қардош республикалар орасида биринчи бўлиб ўз суверенитетини эълон қилди... Ҳайдар Алиевичнинг таклифига қўра, республика номидан «Совет Социалистик» сўзлари олиб ташланди. Олий Совет эндиликда Олий мажлис деб юритилади. Мухтор жумҳурият Озарбайжон демократик республикасининг уч – яшил-қизил-кўк рангдан иборат байроғини узига қайтарди.

Орадан ўн йилдан кўпроқ муддаг ўтгач, Москвадаги мустақил газеталардан бирининг мухбирига Нахичеванда ҳаёт тўхтаб қолгандек туюлади: биноларнинг юз томонлари гукилиб кетган, одамларнинг энгил-боши ҳам ғарибгина. Ҳа, дарвоқе, дея қўшимча қилади журналист, «ушбу республика Совет Иттифоқи таркибидан чиққанлигини биринчи бўлиб эълон қилганди, СССРнинг парчаланиши айти шу ердан бошланганди». Чамаси, москвалик сайёҳ Нахичеван билан Қорабоғни чалқаштириб юборган қуринади.

1990 йил кузида боқулик журналист Эльмира Охундовани «Литературная газета»нинг Озарбайжон буйича махсус мухбири этиб тайинлашди. Унга берилган илк топшириқлардан бири Нахичеванда Ҳайдар Алиевдан интервью олиш бўлди. Бир нарсани эслатиб ўтайлик: икки йил бурун «Литературная газета» Алиевни ер билан яқсон қилган танқидий мақолани эълон қилганди, чамаси бир пайтлар Рижков кўлини булғатган келмаган «фош эгувчи ҳужжатлар» ишга туширилган қуринади. Ушанда Ҳайдар Алиевич асосли раддия ёзиб, яқинда инфарктни бошдан кечирганига қарамай, уни таҳририятга ўзи олиб борганди. Барибир, мақолани босиб чиқаришмаган эди.

«Ҳайдар Алиев вилоят партия комитетида тез-тез бўлишини билиб, – эслайди Эльмира Охундова, – биринчи секретарнинг қабулхонасига сим қоқиб, ёрдамчисидан илтимос қилдим. “Литературная газета” мухбири билан учрашиш

учун Ҳайдар муаллим<sup>1</sup>нинг вақти, хоҳиши бормикан, билиб беролмайсизми, дедим. Журналистикада янгилигим, катта матбуот минбарларида яқиндан бошлаб чиқаётганим боисдан исм-шарифим Ҳайдар Алиевга ҳеч нарсани англатмаслигини яхши билардим. Бироқ иш кутганимдан зиёда бўлиб чиқди: “Айтиб қўйинг, Эльмира Охундовага Ҳайдар Алиевнинг муносабати жудаям самимий, ҳурмати ҳам юқори, ўзига маъқул фурсатда танишишга ва қўришишга бажонидил розиман”, – депти. Очиғини айтишим керак, жавоб мени ҳайрон қолдирди ва ўзимни бир қадар айбдордек ҳис қилиб, камтарона номимни Озарбайжоннинг бирон-бир номдор атоқли журналист аёлига менгзаб юборишмадимикан, деган ҳаёлларга ҳам берилдим.

Учрашувимиз тарихига бунчалик батафсил тўхталаётганим боиси шундаки, у ҳассос сиёсатчининг яна бир фазилатини, беназир хотира эгаси эканлигини тасдиқлаши жиҳатидан ҳам ғоят ибратлидир. Орадан бир неча кун ўтиб, Нахичеванга самолётда етиб боргач, учрашдик. Ҳайдар муаллим бир пайтлар “Бакинский рабочий” газетасида эълон қилинган мақоламни эслади. Билсам, ана шу мақолам шарофаги билан ушбу учрашувимиз содир бўлаётган экан. Ҳайдар Алиевнинг ўзи бу ҳақда шундай ҳикоя қилиб берган эди. Унинг гапларини диктофонга ёзиб олган эдим, сузма-суз келтираман:

“1990 йил ёзида, Москвадалик пайтимда газеталарни кўздан кечириб турганимда, “Бакинский рабочий”даги бир мақола диққатимни тортди. Назаримда, у “Ҳаммамиз ўтмиш бағридан чиққанмиз” деб аталарди. Мақола ўзининг мантиқан асосли мушоҳада-муҳокаmaları, ҳолислиги ва шубҳасиз, бадий фазилатлари билан эътиборимни жалб қилганди. Кейин муаллифнинг исми-шарифи билан қизиқдим. Мақоланинг куйи қисмида Эльмира Охундова имзоси турарди. Шундай журналистни биламанми-йўқми, сиз билан аввал учрашганмизми ёки йўқми, деб эшлашга уриндим.

Мақолани ўқиб чиққач, ўтмиш Озарбайжонда ишлаган йилларим кўз унгимда жонланди, ҳар бир қизиқарли нарсa, унчалик аҳамиятсиз эса-да, айниқса, адабиёт ва санъатга дахлдор бўлса, менда завқ-шавқ уйғотарди. Журналистикамининг ҳар бир одимини кузатишга ҳаракаг қилардим, газеталарда одатдагидан бошқачароқ материални ўқисам, хурсандлигим ортарди, ахир у муаллифнинг юқодий, илмий ва интеллектуал салоҳиятидан шаҳодат берарди-да. “Бакинский рабочий”, “Коммунист”, “Вышка” газеталари таҳририятларига тез-тез телефон қилиб турардим; бош муҳаррирлари билан суҳбатлашардим, у ёки бу мақола юзасидан ўз мулоҳазаларимни айтардим, муаллиф-

<sup>1</sup> Озарбайжонда қабул қилинган ва кенг русум бўлган, ҳурматли кишига нисбатан анъанавий мурожаат

лари билан кизикардим. Шахсан ганишиш учун айримларини хузуримга чакиртирдим. Шу боис Озарбайжоннинг барча журналистларини анча яхши билардим. Бирок, қанчалик уринмай, барибир, сизни эслай олмадим.

Айниқса, Озарбайжон ва бошқа республикалар матбуоти худбинликка ҳаддан ташқари берилиб, бирёқламаликка тойиб кетган ва ёппасига ўтмишни қоралаб турган бир шароитда мақолангиз менга жудаям ёққанди. Мақолани мамнуният билан ўқиб чиқдим, яқинларимга ҳам ўқиб чиқишни маслаҳат бердим. Биласизми, одамнинг кўнгли анча енгил тортаркан. Шу боис сиз телефон қилиб, ўзингизни “Литературная газета” мухбири деб таниш гирганда, интервью учун тахририятдан топширик олганингизни билганимда, икки хил туйғу кўнглимда жунбишга келди, бир томондан, “Литературная газета” раҳбариятига ишончсизлик туғилди. Бунинг учун етарлича асосларим бор. Ушбу рўзнома кейинги пайтда тарафкашликдан, бирёқламаликдан ибораг анчагина мақола эълон қилди; улар реал воқеликдан йирок бўлиб, у ёки бу гуруҳларнинг манфаатларига хизмат қиларди. Иккинчи жиҳатдан, сизнинг исми-шарифингиз. Биласизми, ҳозирги пайтда журналистлар билан учрашишга эҳтиёткор бўлиб қолдим, сабаби, бир неча марта “оғзим куйди”. Айримлари мен билан суҳбатлашгач, ўзини кизиктирган саволларга жавоб олгач, эркинликка йўл қўйишди, фикрларимни бузиб беришди. Бирок сизнинг “Бакинский рабочий” даги мақолангизни эслаб, бу муаллиф унака ноинсофлик қилмаса керак, деб ўйладим”.

Ушбу мулоҳазалар мен учун қанчалик азиз ва қадрли эканлигини айтиб ўтиришга ҳожат йўқ. Лекин у менда кўп нарсага мажбурият ҳам юқлайди. Унинг ишончини сунистьёмол қилмаслик учун интервьюни ҳеч бир жойини қисқартирмасдан, тушириб қолдирмасдан чиқариш учун кўлимдан келганча ҳаракат қилишни Ҳайдар муаллимга ваъда бердим. Дарвоқе, тўғри сузим – эътирофим ўзига яраша роль ўйнади шекилли, интервью умуман “Литературная газета” юзини кўрмади. Унда Алиев Иттифок сиёсий раҳбарияти, хусусан, М. Горбачев томонидан қайта қуриш ислохотларини ўтказиш жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликларни каттик танқид қилган эди, бу хатолар оқибатида улкан давлат умумхалқ фалокати ёқасига келиб қолганди. Ушбу интервью бутун ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ; ўшанда босилиб чиққанда, ҳали Михаил Горбачевнинг қўли узунлигини, Президентлигини ҳисобга оладиган бўлсак, қўлла-қўндузи портлаган бомбадек таассурот қолдирарди. М. Горбачевнинг истьёфога чиқишига ўшанда бор-йўғи бир йилгина қолганди. Интервьюнинг айрим жойларини “юмшатиш” ёки қисқартиришни Ҳайдар Алиев кескин рад этганди, мен у билан ҳамфикр эдим».

## Тақдирни халқ билан баҳам қурганда

Тарихий ҳақиқатга содиқ булайлик – Ҳайдар Алиевнинг катта сиёсат саҳнига қайтиши шоду хуррамлик билан қарши олингани йўқ. Республика Компартияси МКда унинг устидан алоҳида шахсий дело очилди. У, аввало, турли хил бўҳтон ва тухматларни янчиб йўқ қилиши, иккиланаётган ва шубҳага берилганларда ишонч ҳиссини уйғотиши, тарафдорлари ва елкадошларини атрофига жамлаши зарур эди.

Бир кунги Низомий музейининг ходимаси Маҳабат Мехтиева Озарбайжон Компартияси МКнинг биринчи секретари ва унинг аъёнлари учун экскурсия ўтказаяётган эди. Буюк шоир ва мутафаккирнинг ижоди туғрисида берилиб, тулқинланиб сузларкан, унинг маънавий-ахлоқий уғитларига тухталди. Министрлардан айримлар яширинча соатига қараб-қараб қуяётган эса-да, Ҳайдар Алиевич диққат билан тингларди. Хайрлаша туриб, келгусида бошига тушажак қора кунларни назарда тутибми, негадир Мехтиевага: «Вақти-соати етиб, менга ёрдам берасиз», деганди.

Айни шу айтилган фурсат 1990 йил охири – 1991 йил бошларига туғри келди. Озарбайжон ССР Олий Совети депутати Алиев Нахичевандан Бокуга учиб келиб, укаси Жалолнинг уйига қўнди. Туғри, икки хонали уй Жалол, хотини ва мактаб ўқувчиси бўлган қизи учун анчайин горлик қиларди. Яна амакиси келиб, уззукун уйдан чиқмай нималарнидир ёзаётган пайтда қиз дафтар-китобларини қўлтиқлаб ошхонага равона бўларди.

Ҳайдар Алиевич ҳар доимгидек, нутқини кунт билан жиддий тайёрлар, кўрар, мақолалари устида ишларди. Лекин уларни ким машинкада кўчириб беради? Мақолаларини, нутқларини бошқа нашрларга ҳам таклиф қилиш учун озарбайжон тилидан русчага ким таржима қилади? Узича хабарлаган, суриштирган бўлди, тавсия этилганлар ишининг кўшлиги, вақтининг етишмаслигини, баҳона қиларди, айримлар ғазабга йўлиққан сиёсатчи билан алоқада бўлгиси келмас, ўзини олиб қочарди. Айни шундай ҳолатда Ҳасан Зейналов жонига оро кирди, у Нахичеван Автоном республикасининг Бокудаги вакили, инсоф-диёнатли киши эди. Ҳайдар Алиевнинг омадиқболига ҳамиша катта ишонч, ихлос билан қарарди. Унинг тоғаваччаси жуда яхши таржима қилишини, яна машинкада ҳам қайта кўчира олишини, айни пайтда Низомий номидаги музейда ишлаши, ишга кўп ҳам ботиб қолмаганлигини айтди, ҳозир одамлар қорни билан қозондан ортмай қолди, тирикчиликнинг боқий масалаларини уйлаб ўтиришга вақт қаёқда дейсан. Бу, ўша, Маҳабат эди.

Ҳайдар Алиев музейга телефон қилиб, вазиятни тушунтирди.

– Маҳабат хоним, эртага эрталаб соат саккизда кела ола-сизми?

– Кела оламан.

Уларнинг куришиши арафасида республика Олий Совети сессиясидан туғридан-туғри телекурса-тув олиб борилганди. Ушанда Алиев шаънига ноҳақ айблар ёғдириб ташланган, фақат биригина шоир Бахтиёр Ваҳобзоданинг дадил овози химоя қилиб чиққанди. Маҳабат Исаевна белгиланган вақтга етиб келди, кечаги даҳанаки олишувлардан кейин Ҳайдар Алиевич тушқун кайфиятда, эзгин ҳолатда бўлса керак, дея уйлаганди. Бирок у ҳар доимгидек ораста кийинган. энгил-боши ўзига ярашганди, меҳмонни илтифотли табассум билан кутиб олди.

– Нимадандир безовталаняпсизми, ҳаяжондамисиз. Маҳабат хоним? Уйингиз хотиржамми? Нима бўлди?

– Кечаги сессиядан кейин уйқум кочди, кечаси билан ух-лолмай чиқдим.

– Эътибор берманг, Маҳабат хоним. Яна нима ҳам дейи-шарди.

Қайси материалларни таржима қилиш ва машинкада босиб чиқаришни аниқлагач, бу юмушларни ишхонада – музейда ҳам адо этаверишим мумкин, деди.

– Йук! – эътироз билдирди Алиев. – Бу қоғозлар шу хонадан гашқарига чикмаслиги керак.

Бир-икки кундан кейин Жалол Алиевнинг квартирасига Низомий музейидан ёзув машинкаси ҳам кучиб ўтди.

Маҳабат хоним ишлаб ўтирган хонага Ҳайдар Алиевич ёз-ган варақларини биттама-битта олиб кирар, кейин машинкадан чиққанларини олиб кетарди.

Орадан етти йил ўтди. 1997 йили Ҳайдар Алиев Озарбай-жон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати музейининг тантанали очилиш маросимига келди. Тақлиф этилганлар ора-сида ўзининг кадрдон кўмакчиси Маҳабат Мехтиевага кузи тушди, таажжуб аралаш сўради: «Сиз... шу ерда ишлайсизми?»

– Албатта, Ҳайдар Алиевич нимани назарда тутганли-гини дарров англадим, ушанда, 90-йилларда мени Давлат хавфсизлик хизматида ишлаган, деган хаёлга борди... Тасав-вур қилаяпсизми! Вужудим музлаб қолгандек бўлди. Лекин ҳали жавобга лаб жуфтламаган эдим, вазирлик ходимларидан бири жонимга оро кирди: «Мехтиева хонимни, тажрибали му-зей ходими сифатида, экспонатларни жойлаштиришда бизга кўмаклашади, деб тақлиф қилганмиз». Рухим енгил тортди. Назаримда, Ҳайдар Алиевичнинг ҳам кўнгли таскин топгандек туюлди менга.

Олий Советнинг уша сессияси фақатгина Маҳабат Мех-тиева хотирасида сақланиб қолгани йўқ. Халқ хизматкорла-ри «яқин-яқинларгача уларнинг олдида қаддини адл тутиб



турган, кўп балоларга ўзини қалқон қилган кишини кўпроқ дўшманлашга, тепкилашга уринишганини одамлар ҳали ҳам унутгани йўқ». Халқ сайлаган 340 кишидан биргина шоир Бахтиёр Ваҳобзода ҳамкасбларини ҳушёрликка чақирди, ушбу деворлар Алиев шаънига чалинган не-не гулдурос карсақларга гувоҳ бўлганлигини эслатди. «Иқчилганни устига чиқиб тепкилаш – жасорат, оқиллик аломати эмас, – деди у – Яхшиси тажрибали сиёсатчи, арбобнинг йуриқларига қулоқ тутсақ фойдалироқ бўларди».

Ушанда Ҳайдар Алиевич нималар тўғрисида гапирган эди? Юрагини куйдирган, ўртаган нима эди у? Қандай маслаҳатлар берганди?

«Озарбайжонга кайтишим ва депутат этиб сайланишим хусусида турли хил овозалар тарқалибди. Бунга жавобан шу нарсани айтишим мумкин: яна ҳокимият тепасига чиқиш, кимлар биландир ҳисоб-китоб қилиб қўйиш учун она юртимга кайтганим йўқ, асло, республикамиз учун бугунги оғир, машаққатли кунларда кадрдон халқим қайғусига дарддош бўлиш, озодлик учун курашида ўзимнинг фуқаролик бурчимни адо этиш асосий муддаомдир. Бир озарбайжонлик сифатида мендан бу ҳуқуқни ҳеч ким тортиб ололмайдди.

Олий мажлис диққат-эътиборига Совет Иттифоқида ҳамда Озарбайжонда вужудга келган вазият тўғрисидаги ўз мулоҳазаларим ва таклифларимни ҳавола этмоқчиман.

*Биринчидан.* Мана, бир неча йилдан бери мамлакат, совет жамияти, давлат бошқарув тизими чуқур сиёсий ва иқтисодий инкирозни бошдан кечирмоқда. Миллий муносабатлар ҳаддан ташқари таранглашиб кетди. Совет Иттифоқи парчаланмоқда.

Бунинг сабаби: мамлакатимиз ўтмишида йўл қўйилган хатолар, янглишишлар, адашишларнинг ушбу вазиятни юзага келтиришдаги таъсирини мустасно тутиб бўлмайди. Бироқ, бош сабаб, бу – «қайта қуриш» деб атала бошлаган бир даврда ҳаётимизнинг деярли барча тармоқларида йўл қўйилган жиддий, кўпол, кегириб бўлмас хатолардир.

Афсуски, бу нарсалар хусусида гапирилмаяпти, расмий доиралар ва оммавий ахборот воситалари фақат ўтмишда кечган хато-йўқотишларни танқид қилиш билан овора.

Бир нарсани қатъият билан таъкидлаш мумкинки, 1985 йилдан бери мамлакатимизда юзага келган ўзгаришлар узок муддатларга мўлжалланган, илмий, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан асосланган стратегияга эга эмас эди. Шу маънода шошма-шошарлик билан қабул қилинган ва аксарият бири иккинчисига зид чора-тадбирлар, табиийки, ижобий натижалар бермади...

Кейинги беш йил ичида Горбачев халққа жудаям кўп ваъдалар берди, лекин биронтасини ҳам ҳаётга татбиқ эта олмади.

Оқибатда, суз билан амалий фаолият уртасида катта бушлик вужудга келди, сиёсий раҳбарият билан халқ уртасида эса упирилиш, жарлик пайдо булди. Халқнинг келажакка, сиёсий раҳбариятга булган ишончи йуқолди. Коммунистик партия уз обрусини йуқотиб куйди.

*Иккинчидан.* Мамлакатда юзага келган вазият Озарбайжон учун ҳам хос. Республика раҳбарияти, худди аввалги пайтлардагидек, марказнинг йуриklarини, юқоридан берилган ҳамма курсатмаларни кур-курона ҳаётга татбиқ этиб келмоқда. Натижалар шундоқкина кўриниб турибди: Озарбайжондаги вазият тобора оғирлашиб, чидаб булмайдиган даражага етди.

Бу арман миллатчилари томонидан уйлаб топилган Тоғли Қорабоғ муаммоси билан боғлиқдир. Уч йилдан ошяптики, республикамиз, озарбайжон халқи Арманистон гомонидан тухтовсиз тажовузга, босқинчиликка дучор булмоқда. Оқибатда Озарбайжоннинг худудий яхлитлиги бузилди...

Бир нарсани белгилаб олайлик, ким каерда, қандай хатога йул куйди, не кор-қол руй бердики, халқимиз нажотсиз колди, кўл остидаги ерларини бериб куйди. Буларни шарҳлаб чиқиш зарур. Бу борада В.Поляничю Тоғли Қорабоғнинг кўлдан кетишига Горбачев кумақлашди, деди. Очигини айтсам, мен ҳам худди шу фикрдаман. Мамлакат раҳбари Горбачевнинг бу масалада Озарбайжонга нисбатан сотқинлик муносабати очик-ойдин фош этилиши зарур ва бу нарса тарихимизда уз аксини топиши лозим... Воқеалар хавфли ривожланишининг олдини олиш ва Арманистон Арманистон булиб, Озарбайжон эса Озарбайжон булиб қолавериши мумкин эди. Бунини Иттифокни бошқараётган доно, заковатли одамгина амалга ошириши мумкин эди. Лекин Горбачевда ана шундай зако етишмади. Озарбайжон раҳбариятида эса халқ шаънини, халқ манфаатларини ҳимоя қилиш учун жасорат, инсоф-виждон ва мардона юрак етишмади...»

Ҳайдар Алиев учун эса ватан, замин, халқнинг шаъни ва гурури бир-биридан ажралмас тушунчалар эди.

Орадан бир ой утиб, 1991 йил 7 март куни Озарбайжон Олий Совети сессиясида янги Иттифок муносабати билан Горбачев тайёрлаётган шартнома буйича утказилажак референдумда республиканинг иштироки масаласи муҳокама қилинди. Турли хил нуқтан назарлар билдирилди. Депутатларнинг кўпчилиги референдумда иштирок этиш, Совет Иттифоқини ҳимоя қилиш лозим деб ҳисоблашди. Депутат Алиев ҳам суз олиб, минбарга кўтарилди.

– Озарбайжоннинг келгуси тақдири ҳал этилмоқда,– деди у.– Шу боис уз мулоҳазаларим ва баъзи таклифларимни баҳам кўрмоқчиман.

Озарбайжон 1922 йилдан бери Совет Иттифоқи таркибида. Шу давр бадалида халқимиз мураккаб тарихий йўлни бо-

сиб ўтди, анча ютуқларни ҳам қўлга киритди. Ана шу йўлда машаққатлар ҳам, йўқотишлар ҳам бўлди. Буни инкор этиб бўлмайди.

Ҳаммамиз Иттифоқ мавжуд бўлган шароитда тарбияландик, таълим олдик, шаклландик. Барчамиз, ҳар ҳолда аксарият кўпчилигимиз Иттифоққа ҳаддан гашқари ишонардик, садоқат билан унга хизмат қилдик, халқимизнинг ёруғ тақдирини, келажагини ана шу Иттифоқда кўрдик. Ўзим ҳам, мен билан бирга узоқ вақт республикага раҳбарлик қилган ҳамкасбларим ҳам Иттифоқни янада мустаҳкамлаш йўлида толмай меҳнат қилдик, Озарбайжон халқидан ана шу иттифоққа мухаббат ва садоқат туйғуларини тарбиялашга уриниб келдик. Бирок, сўнгги йилларда жаҳон сахнида, мамлакатда содир бўлаётган ижтимоий, сиёсий жараёнлар бизнинг ўтмишга бўлган муносабагимизни, дунёкарашимизни ўз артириб юборди...

Сўнгра марказ билан республика уртасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқаларни, Горбачев юритаётган сиёсатни таҳлил қиларкан, Алиев шундай бир хулосага келди: Иттифоқ парчаланиб кетмоқда. Янги Иттифоқ шартномасининг лойиҳаси эса, мутлақо ярамайди.

– Бир суз билан айтганда, янги Иттифоқ таркибига киришга, шу мақсадда референдум ўтказишга қаршиман. Бу – менинг сайловчиларимнинг ва мен депутат бўлган Нахичеван Автоном Республикаси Олий мажлиси депутатларининг яқдил фикридир. Мец, Озарбайжоннинг тула-туқис суверенитети, иқтисодий ҳамда сиёсий мустақиллиги тарафдориман. Озарбайжон халқи бу Иттифоқда бир марта бўлди, энди – бас.

Айрим кишилар, республикамиз Иттифоқдан тапқарида мустақил кун кўриш имкониятига эга эмас, деб исботлашга уриномқда. Мамлакатда ҳам шундай носоғлом фикр тарқалган, яъни Иттифоқ таркибига кирган республика ундан ажралиб ҳаёт кечира олмайди, негаки, иқтисодий, техник жиҳатдан бир-бири билан чамбарчас алоқада, деган қарашни дастак қилиб олишган.

Бундай таъкидлар асоссиз. Биринчидан, Озарбайжон мустақил давлат бўлиш учун барча имкониятларга эга. Иккинчидан, жаҳондаги ҳар бир давлат бошқа давлатлар билан ўзига мақбул йўналишларда иқтисодий, савдо, техник алоқаларни амалга оширади, жаҳон иқтисодий интеграциясида қатнашади, буларнинг ҳеч қайсиси унинг мустақиллигига асло раҳна солмайди. Шу боис Иттифоқ таркибидаги республикаларнинг иқтисодий алоқалари мустақилликка эришишлари учун мутлақо монелик кўрсатолмайди. Назаримда, агар Озарбайжон мустақил давлат бўлса, ҳозирги Иттифоқ таркибидаги республикалар билан, мабодо сақлашиб қолса – Иттифоқнинг

узи билан ҳам икки томонлама, тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли иқтисодий алоқалар олиб бора билади...

Озарбайжон халқи бирлашиши, она тупроғини куз қорачигидек асраши лозим. Озарбайжон Республикаси иқтисодий ва сиёсий мустақиллик йўлидан бориши, тўла суверенитетга эришиш учун курашмоғи лозим.

Озарбайжон халқини, барча депутатларни шунга даъват этаман ва ўзим ушбу йўлдан асло оғмасликка сизларни ишонтираман.

1991 йил 17 мартда бўлиб ўтган Бутуниттифок референдуми Иттифок ҳукуматини сақлаб қолиш керак ёки керак эмаслиги тўғрисидаги масалани кун тартибига қўйганди. Кўпчилик фуқаролар, шу жумладан Озарбайжонда ҳам, Совет Социалистик Республикалар Иттифоқини сақлаб қолиш тарафдори бўлишди. Москвадаги август воқеаларидан кейин республикаларда бўлиб ўтган референдумларда аҳоли мустақиллик учун овоз берди. Бу – нима? Халқ ўзи нима хоҳлашини ўзи ҳам билмаслигимиз, раҳбарият унинг учун ҳамма нарсани ҳал қилиб беради, деганими ёхуд халқ мустақилликнинг афзалликлари тўғрисидаги тўғри хомхаёллар оғушида қолганими? Озарбайжон Миллий фанлар академиясининг академиги Афранд Дашдамировнинг фикрига қараганда, булар масалани жўнлаштиришдан бўлак нарсас эмас.

– Халқ нималарни истаётганини ўзи яхши билади. миллий мустақилликка эришиш баробарида тарихан шаклланган умумий иқтисодий, маданий маконни сақлаб қолиш унинг бош муддаоси эди. 1991 йили Озарбайжонда ўтказилган референдум натижалари, назаримда, қўйидагилардан иборат. Аҳолининг кўпчилиги (тахминан 74 фоизи), СССРнинг тарафдори эди, умумий иқтисодий, сиёсий ва ахборот макони афзалликлари билан ҳақиқий демократик, чинакам федератив, иттифок давлати сифатида сақланиб қолишини исташган эди. Лекин айни вақтда миллий мустақилликнинг, ўз-ўзини бошқаришнинг, миллий манфаатлар ва эҳтиёжларни қондирувчи реал суверенитет таъминланишининг кафолатланишини истар эди. Ҳар иккиси қўшилишини хоҳлаган эди. Халқ ўзига ўзи қарши боргани йўқ, аксинча, сиёсий етакчилар ва янги пайдо бўлган сиёсий элита ўз халқига қарши чиқиб, халқ орзу-истакларини демократик, сиёсий ва ҳуқуқий механизмлар шаклида муро-саи мадора асосида яратиш ҳамда рўёбга чиқариш, республикаларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожланишидаги маълум ворислигини таъминлаш учун бир гуруҳ манфаатларни бошқаси билан қовуштира олмади ёки бунинг уддасидан чиқмади. Бу нарсалар амалга ошмади, эндиликда тарих қандай ривожланиши халқларимиз ва мамлакатларимизга боғлиқ.

«Нахичеванда канака янгиликлар бор?»— Боку ва Москвада, Техрон ва Парижда, Анқара ва Нью-Йоркда сиёсатчилар бир-бирларига шу саволни беришарди... Ҳайдар Алиев билан учрашиш учун дипломатлар, журналистлар, жамоат ва давлат арбоблари Нахичеванга учиб кела бошлашди...

Америка дипломатлари, АКШнинг Москвадаги элчихонаси ходимлари Эни Брейгер хоним билан жаноб Обри Карлсон сунгги 70 йил ичида биринчи марта Нахичеванга ташриф буюришди, ўзининг эртақлардаги отдошига асло ўхшамаган меҳмонларни, асосан, амалга оширилаётган демократик ҳамда иқтисодий ислохотлар, Озарбайжон ҳукумати билан икки ўртадаги муносабатлар масаласи қизиктирди.

Америкалик дипломат кетар-кетмас, уларнинг ўрнини эронлик дипломатлар эгаллашди. Уларга Боку орқали учиб келиш анча қулай эди. Олий мажлис раисини: «Эрон ҳаминша Аракснинг бу қирғоғидаги тили ва дини бир бўлган қардош-биродарларига ҳар қанча ёрдам кўрсатишга тайёр. Зенжондаги зилзилада озарбайжонлик қардошларимиз бизга ёрдам қўлини узатишган эди. Бошингизга мушкул кунлар тушганда биз ҳам сизларни ёлғизлатиб қўймаймиз»,— дея ишонтиришди.

Эрон Ислом Републикаси элчихонасининг биринчи секретари Мехти Аббос Пойдор Нахичеванда ўз ҳукуматининг Эрон консулхонасини очиш тўғрисидаги расмий таклифини етказди. «Ҳайдар Алиев ушбу таклифни қабул қилди,— дея хабар қилди 1992 йил 21 январда Олий мажлиснинг матбуот хизмати, — шунинг баробарида Табриз шаҳрида Нахичеван Автоном Републикасининг консулхонасини очиш ҳақидаги таклифни киритди».

Нахичеван Мухтор Републикаси парламентининг раиси Кавказорти чегара округи штаби бошлиғининг ўринбосари Константин Тоцкийни ҳам қабул қилди. Айни шу кунларда Миллий мажлис Озарбайжон туркийларининг миллий бирлиги ва бирдамлиги куни тўғрисидаги таклифни муҳокама қилаётган эди. Ушбу сана «совет-эрон давлат чегараларида Нахичеван Мухтор Републикаси билан Жанубий Озарбайжон ўртасидаги тиканли сим тўсиқлар олиб ташланган 1989 йил 31 декабрдаги воқеалар муносабати билан давлат микёсида нишонлаш таклиф этилганди».

Ҳайдар Алиев чегарачилик ҳаракатларининг, ватанпарвар ёшлар фаолиятининг аҳамияти нечоғлиқ катта эканлигини таъкидлади: «Москвадалик пайгимда ушбу ҳаракатга қандайдир бир жиноятчилик мақоми берилганига гувоҳ бўлгандим. КПСС МК ва Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети ушбу ватанпарварлик ҳаракатини бўҳтон-туҳматларга қориштириб баҳолаганди. Ана шу ҳаракат берган қурбонлар хотирасини абадийлаштириш зарур, деб ҳисоблайман».

Чегара округ штаби бошлигининг ўринбосари чегарада содир этилаётган ўзбошимчалик ҳаракатларини, шубҳасиз, бошқача баҳолаётган эди.

Орадан тўққиз йил ўтгач, Россия чегара кўшинлари Федерал хизмати директори, генерал-полковник Тощкий Озарбайжон Президенти билан учрашган пайтида Нахичеванда кечган ўша суҳбатни эслатди.

– 1991 йили Нахичеванда сиз билан кўришишга мушарраф бўлгандим. Ҳоят кўп қимматли маслаҳатлар бергандингиз. Ушанда шароит анча мураккаб эди. Бу нарсага сиз Ҳоят жиддий муносабатда бўлиб, аниқ вазифалар белгилагандингиз. Ўша пайтда бу масалалар кийинчилик билан қабул қилинарди. Ҳозир, орадан анча йиллар ўтгач, ушанда Ҳоят тўғри, оқиллона йўл танланганини ҳаммамиз идрок этиб, тушуниб турибмиз. Аниқ ҳудуд ва унда истиқомат юлаётган халқ бор, унинг ўз ҳукумати бор: шу боис чегараларда тартибни фақат Москва ўрнатиб бермаслиги даркор. Сиз бу нарсаларнинг фарқини жуда аниқ кўрсатиб бергандингиз. Умумдавлат миқёсидаги тартиб-қоидалар бор, яна ҳисобга олиш зарур бўлган маҳаллий муаммолар ҳам бор.

КПСС МКнинг халқаро муносабатлар бўлими консултанти Рафаэль Ҳусайнов Москвадан Нахичеванга учиб келди, дарвоқе, у 1975 йилдан бери МК аппаратида ишлаётган биринчи озарбайжонликдир, аввалроқ «Комсомольская правда» газетасининг журналисти эди. Алиев Рафиқни, Рафаэль Жагидовични дўстлари шундай чақиришарди, «Молодёжь Азербайджана» газетасининг муҳаррири бўлган пайтидан яхши биларди, москвалик меҳмонни Алиев сергак кутиб олди, уни Лигачев юборганини билгач, таажжубланди, шундаям, барибир, эътибор кўрсатишгани учун миннатдорчилик билдирди. Ўзига ҳеч нарса керак эмаслигини, фақат Боқудаги квартирасини қайтариб беришларини сўради. Лекин Ҳайдар Алиевнинг илтимоси эътиборсиз қолди, чунки у Боқу учун номатлуб, хавфли шахс ҳисобланарди.

### 1991 йил 19 июль, Москва

Ҳайдар Алиевнинг Иттифок Министрлар кабинети партия ташкилотига КПСС сафидан чиқиш ҳақидаги аризасида ана шу сана курсатилган эди. Аризани ёзаётган пайтида партиядоги ўз йулини эслаб, нималарни ҳис қилганлигини тасаввур этиш мумкин. Унда ўзига нисбатан қилинган хиёнатлар дарди-алами, халқ юрагидаги оғриқ, улкан мамлакатнинг фожиалари мужассамлашган эди. Тарих соатлари салтанатнинг сўнгги дақиқаларини ҳисоблаётган эди, бироқ уни бошқараётганларнинг кузи кўр эди.

Ҳайдар Алнев аризасини Москвага ишга келган пайтидан бошлаб ҳисобда турган партия ташкилотига топширди. Бундай ҳужжатлар мазмунини сузлаб бергандан кура, узини уқинган афзал.

*«Сизга маълум қиламанки, мен КПСС сафидан чиқишга қарор қилдим.*

*Бошидан огоҳлантириб қўймоқчиман, бу нарса ҳозир кенг расм булган «мода»га эргашиш эмас, балки умидларимни пучга чиқарган оғир йўлнинг кечмишлари ҳамда кейинги йиллар давомида қадриятларни қайта баҳолаш натижасидир.*

*Мени ушбу қадамни қўйишга ундаган асосий сабаб қўйидагилардир.*

**Биринчидан.** *КПСС сафидан чиқли ҳақидаги қарор менда 1990 йил 20 январда, озарбайжон халқига қарши марказнинг ва Озарбайжон Компартияси МКнинг сиёсий раҳбарлигида амалга оширилган ҳарбий тажовуз билан бовлиқ ҳолда пайдо бўлганди. Январь воқеалари оқибатида юзлаб беғуноҳ одамлар ҳалок бўлдилар, баъзилари майиб-мажруҳ бўлиб, минглаб тинч аҳоли жабр кўрди, уларнинг орасида кексалар, аёллар, болалар бор эди.*

*Ўз нутқларимда Конституцияга, инсон ҳақ-ҳуқуқларига, гуманистик принципларга мутлақо зид ушбу хатти-ҳаракатни кескин қоралаб чиқдим, КПСС МК, Озарбайжон Компартияси МК ёвуз жиноятлар моҳиятини очиб ташлайди, айбдорларни аниқлайди, тегишли жазога тортади, деб умид қилган эдим. Узимни аранг қўлга олиб, сабр-тоқат билан кутдим. Нутқларимга жавобан партия матбуоти органлари томонидан менга қарши ёппасига ҳужум уюштирилди, буни «Правда» газетаси бошлаб берди. Менга қарши уйдирма ва бұхтонлардан иборит маълумотларни асосли исботлар орқали айна шу оммавий ахборот воситаларида рад этиб чиқмоқчи бўлиб қилган ҳаракатларим беҳуда кетди. Қайта қуришнинг энг асосий ютуви дея айюҳаннос солинган ошкоралик амалда бирёқлама гап экан.*

*Нахичеван Автомон Республикаси Олий мажлиси халқ депутатлари, бир қанча фуқаро гуруҳлари, зиёлиларнинг атоқли вакиллари томонидан январь фожиалари айбдорларини аниқлаш ва жазога тортиш ҳақида қилинган қўллаб муурожаатлар бесамар қолди, галатилиги шундаки, айбдорларни жазолаш ҳақидаги талаблар Озарбайжон коммунистик раҳбарияти томонидан зўр бериб рад этиб келинмоқда.*

*Орадан бир ярим йил ўтди. Айбдорлари аллақачон ошкор булган ёвуз жиноятни фош этиш учун бирон иш қилиш у ёқда турсин, аксинча, уни беркитиш, хаспушлаш чораларини қуришга берилиб кетилди, вақт ўтгач, унутилади қабилда иш*

тутиб, уни яшириш учун барча зарур чоралар курилди. Бироқ ҳеч қанақа йиллар, ун йилликлар уз халқига нисбатан амалга оширилган қонли жиноятларни кечиршига, унутшига мажбур қилолмаслигини тарих бизга бир неча бор исботлаб берди.

**Иккинчидан**, марказнинг иккиюзламачилик сиёсати туфайли мана, уч йилдан ошяптики, Озарбайжоннинг Тоғли Қорабоғ вилоятида КПСС МК ҳомийлиги остида арман миллатчиларининг саъй-ҳаракатлари билан юзага келган кескин туқнашув вазияти ҳамон сақланиб турибди. Мазкур вилоят, моҳиятан, Озарбайжоннинг давлат бошқарувидан буткул чиқиб кетди.

Озарбайжоннинг давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлиги Конституцияга хилоф равишда қўпол бузилди. Арманистон ва Озарбайжон уртасида эълон қилинмаган уруш давом этмоқда, деярли ҳар куни у ёки бу томондан одамлар ўлмоқда. Буларнинг ҳаммаси, энг «инсонпарвар» дея жар солинган Совет Иттифоқи ичида содир этилмоқда.

Ишончим комилки, партия раҳбариятининг истак-хоҳиши бўлганда, 1987–88 йилларда Тоғли Қорабоғ масаласи билан боғлиқ юзага келган миллатлараро зиддият бошланмасданоқ олди олиними, тобора кучайиб бориётган, қанчадан-қанча қон туқилишига олиб келган, ҳам озарбайжон, ҳам арман халқига овир мусибатлар ва азоб-уқубатларни келтирган машъум туқнашувлар бартараф этилиши мумкин эди. Демак, сиёсий марказга айна шу туқнашув керак бўлган экан.

**Учинчидан**, жамиятни демократлаштириш, сиёсий эркинликлар, фикрлар хилма-хиллиги даврида, 1988 йили Озарбайжонда республиканинг ҳудудий бутунлигини сақлашга ва жамиятни демократлаштиришга қаратилган ҳаракатлар КПСС МК раҳбарлиги ва раҳнамолигида Озарбайжон Компартияси МКнинг саъй-ҳаракати билан бўғиб келинди. Шу йилларда жуда кўплаб шахслар сиёсий айбловлар билан қатъон қилинди.

Икки миллион аҳолиси бўлган Озарбайжоннинг пойтахти бир ярим йилдан бери ҳеч бир асосиз равишда фавқулодда ҳолат шароитида яшамоқда. Республика Олий Советига бўлган «демократик» сайловлар, Иттифоқни сақлаб қолишга қаратилган Бутуниттифоқ референдуми айна шундай тартиб шароитида ўтказилди. Фавқулодда ҳолат шароитида бирон-бир демократияга ва халқ хоҳиш-иродаси эркин намоён бўлишига эришиш амри маҳол. Республика аҳолисининг мутлақ кўпчилиги референдумда қатнаши олмагани, эълон қилинган натижалар қалбаки эканлиги масаласини демократик ташкилотлар бир неча бор кўтариб чиқди. Бироқ Озарбайжоннинг коммунистик раҳбарияти ушбу мурожаатларни куриб чиқишни ҳам лозим топмади.



Марказ томонидан тиқштирилаётган янги Иттифоқ шартномасига қарши чиққан эдим, ҳозир ҳам қаршиман. Бир суверен мамлакат таркибида бир қанча давлатларнинг суверенитети бўлиши мумкин эмас, бинобарин, эркинлик, ваколат ва вазифалар ҳақидаги тушунчалар ҳам юзаки бўлиши табиийдир.

Барча иттифоқдош республикаларга чинакам сиёсий, иқтисодий эркинликлар берилиши лозим, миллий давлатчилигини қайта барпо этиши учун мустақиллик берилиши шарт. Бу нарса республикалар ўртасидаги иқтисодий интеграцияга ҳамда анъанавий маданий алоқаларга зинҳор монелик қилмайди, аксинча, уларнинг икки томонлама ва кўп томонлама асосда тақомиллаштиришига ҳамда ривожланишишига кўмаклашади.

Озарбайжон ва Нахичеван Автоном республикасининг халқ депутати сифатида ўз нутқларимда бир неча бор ушбу масалаларга диққат қаратгандим, халқ орасида бутунлай обрў-эътиборини йўқотиб қўйган Озарбайжон Компартиясига давлат монополиясидан воз кечишни, барча сиёсий кучлар эркин ва тенг ҳуқуқли фаолият юритиши, демократик жамиятни кенг маънода сиёсий фикрлар хилма-хиллигини ва ошкораликни тўлиқ шакллантириш учун шароит яратиш тўғрисидаги талабларни илгари сургандим.

Бироқ мазкур чиқишларим ва таклифларим Озарбайжон коммунистик раҳбарияти томонидан нафақат кўриб чиқилмади, аксинча, менга қарши ҳужумлар кучайиб кетди, булар менинг шаънимни қоралаш ниятида уюштирилган, турли хил тирегилиш, матомат ёғдириш, ҳужум қилиш шаклларида давом этди. Озарбайжондаги газеталар муҳаррирлари, журналистлар нутқларимни, мақолаларимни босиб чиқаргани учун ишдан ҳайдалди, қуввинларга гирифтор бўлишди.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар, бу борада қатъий қарорга келиш мен учун ниҳоятда қийин бўлган эса-да, мени охириги қадамни қўйишига, КПССдан чиқиш ҳақидаги қароримни эълон қилишига мажбур этди. Мен коммунистлар оиласида ўсдим, бутун онгли ҳаётим Коммунистик партия билан боғлиқ кечди. Йиғирма ёшимдаёқ, 1943 йили ўз тақдиримни большевиклар партияси билан боғлагандим.

Коммунистик партия идеалларига сидқидилдан ишонгандим, режалари амалга ошириши учун фаол иштирок этдим. Эндilikда ана шу барча ишонч-эътиқод емирилди.

Партиянинг, республикалар Иттифоқининг янгилиниши тўғрисидаги чексиз баёнотлари халқни галдаги лақиллатишдан булак нарса эмас.

Коммунистик тажриба, социалистик ҳаёт йўли мамлакатимизда ўзини оқлагани, республикаларнинг куч-қуввати билан қувватлаб турилган ва яратилган Иттифоқ ўз ум-

рини яшаб булгани ҳақида халққа ҳаққоний ва очиқ айтиш зарур.

Ушбу аризамдан кейин қаршимда пайдо бўлажак тўваноқ-зовларни яхши тасаввур қиламан, турли хил ҳужумларни ва маънавий заламисликлару камситишларни ҳам олдиндан кўрялман. Партиянинг босиб ўтган йўлини ҳушёрлик билан таҳлил этиш мени ўзим баён этган мазкур позицияни қабул қилишимга олиб келди. Шунинг баробарида ўз масъулиятим даражасини ҳам теран англаб турибман.

КПСС сафини тарк этарканман, ҳали ҳам ишонч ва умид билан яшаётган барча соф виждонли, инсоф-диёнатли коммунистларга эҳтиромимни изҳор этаман..

Ҳайдар Алиев,

1991 йил 19 июль, Москва шахри».

Ҳайдар Алиевич мардона қарор қабул қилганди. Ҳокимият тепасида турган жаноблардан кўра у узокни кўра олган, воқеа-ҳодисалар қайси ўзан бўйлаб ривожланиб бораётганлигини тасаввур қила билганди. Август фитнасигача бор-йўти бир ой қолганди.

### Фитна

10 июль куня РСФСР Олий Советининг таътанали йиғилишида Россия Президенти Ельциннинг инаугурацияси бўлиб ўтди. Икки ҳокимият – Иттифок ва Россия ўртасидаги ихтилоф, зиддият ниҳоятда кескинлашиб кетганди.

Улкан мамлакатнинг учдан икки қисмини ким бошқариши лозим – Иттифокми ёки Россиями, шахсан Ельцинми ёки Горбачевми? Иттифок парламенти қонунлар қабул қилар, Россия томони уларни очиқдан-очиқ инобатга олмасди. Катта йиғиндан бирида Ельциннинг яқин ёрдамчиларидан Михаил Бочаров (уша пайтда у Министрлар Советининг раиси бўлади, деган овоза чиққанди) ўз нутқида «Россия суверенитети» иборасини ўн марта такрорлаган эди. Ушанда Андроповнинг маслаҳатчиси бўлган сиёсатшунос Фёдор Бурлацкий, унга оддий бир савол берди:

– Яхши, сиз СССРни тарқатиб юбораяпсиз, кейин нима бўлади? Россия Федерациясининг ўзи нима бўлади? Татаристон, Бошқирдистон, Чеченистон, Ингушистон РСФСР таркибидан чиқамиз, дея эълон қилишса-чи, унда нима қиласиз?

Бочаров довдираб, чайнади қолди:

– Биз улар билан музокаралар олиб борамиз.

Айни шу воқеалар тафсилоти ёритилган газетани Алиев бир чеккага қўйди. Бурлацкийни у аллазамонлардан бери биларди, китобларини қўлда қалам билан севиб, ихлос-эътибор

билан ўқиганди. Албатта, Фёдор ҳақ, лекин у бўрибаччаларни фикрига ишонтира олармикан.

1991 йил 15 августда «Московские новости» ҳафталиги Горбачев ҳаммадан сир сақлаб юрган Иттифоқ шартномаси лойиҳасини эълон қилди. СССР ДХКнинг собиқ райиси Крючковнинг гувоҳлик беришича, Қримга дам олишга кетган Бош секретарь телефон қилиб, махфий маълумотлар ошқор этилишида кимлар айбдорлигини аниқлашни ва жазога тортишни талаб этиб, ҳамма ёқни остин-устин қилиб юборди. Лекин бу нарса ҳеч кимни кизиктирмай қўйганди. Мамлакатта сиёсий тўфон қасирғалари ёпирилиб келаётганди.

1991 йил 19 август эрта тонгда СССР аҳолиси Москва вақти билан соат 4 дан бошлаб СССРнинг айрим ҳудудларида олти ой муддатга фавқулодда ҳолат эълон қилинганлигидан хабар топди. «Совет раҳбариятининг баёноти»да ушбу тadbирнинг сабаблари ва мақсадлари баён этилган эди. СССРнинг барча ҳудудларида СССР Конституцияси ва Совет Иттифоқи қонунлари, шубҳасиз, устувордир, дея таъкидланганди.

Ушбу баёнотнинг учинчи бандида СССРда Фавқулодда ҳолат бўйича давлат комитети (ГКЧП) ташкил этилганлиги ҳақида ҳам хабар берилганди. Давлат Комитети «Совет халқига муурожаат» қабул қилганди.

Шу куниёқ Президент Ельцин ўз муурожаатномасини ўқиб эшиттирди. У Тамань дивизиясининг 110-танки устига чиқиб (Россия ҳукумати биноти олдида бронетехникани янги раҳбарият муҳофазаси учун генерал Лебедь хайдаб келтирганди) россияликларни қаршилик кўрсатишга чақирди. Измаиз Ельциннинг ГКЧП ташкилотчиларининг хатти-ҳаракатини давлат тўнтариши сифатида квалификация қилинган қарори маълум қилинди. Икки кундан сўнг фитнага барҳам берилди. Навбат Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига келганди.

Кремлдан тўғридан-тўғри олиб берилган телевизион репортажда Ельцин миллионлаб телетомошабинлар кузи ўнгида КПСС фаолияти тўхтатилиши тўғрисидаги Фармонга имзо чекди. Алиев буларнинг ҳаммасини Нахичевандаги кабинетда кўриб ўтирганди. Икки тавақаси кенг очиб қўйилган деразадан август жазирамасида тик этмай турган пурвиқор чинор кузга ташланади. Икки жувон фарзандларига китоб-дафтарлар сотиб олиш хусусида гаплашиб боришарди. У деразани охиёста ёпиб қўйди.

Ельцин сўзни Горбачевга берди. Михаил Сергеевич сўз бошлади. Шу пайт Москва шаҳар мэри Гавриил Поповдан Ельцинга КПСС МКнинг биноти босиб олингани ҳақидаги хабарни етказишди. Махсус сигнал олгач, Ельцин Горбачевнинг сўзини бўлди. У депутатлар, миллионлаб телетомошабинлар кузи ўнгида, КПСС фаолияти тўхтатилиши тўғрисидаги Фармонга дадил имзо чекди.

Мийигида кулиб кўйди.

– Фармон имзоланган аснодан бошлаб кучга киради.

Бу унинг тантана оллари, интиқом палласи эди, лекин бу – ҳали ҳаммаси эмас, КПСС МКнинг октябрь пленумида Горбачев уни ҳамманинг олдида ерпарчин қилиб ташлагани учун, XIX партия конференциясида одамлар куз ўнгида таққирлагани учун Ельцин ҳали яна орани очик қилади. Ельцин тантана қиларди, лекин буларнинг оқибати нималар билан туташини ўйламасди.

Горбачев нималар бўлаётганини фаҳмлаб улгурмаганди, минбарда турган ҳолатда нималардир деб қаршилиқ кўрсатмоқчи бўлди, бу ноҳақ хатти-ҳаракатлар коммунистларнинг бош кўтаришига сабаб бўлади, у эса хавфли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин, деган мазмунда нималардир деган бўлди. Ельцин: бўлди, егар, Михаил Сергеевич, дегандек, кўл силтади. Депутатлардан бири одамлар орасидан ёриб ўтиб, микрофонга яқин келди ва жазаваси гутиб қичқирди: «Коммунистларнинг ҳаммасини мамлакатдан супуриб ташлаш керак».

Горбачев уни тинчитмоқчи бўлди:

– Нима, сиз ҳали ўн саккиз миллион коммунистни мамлакатдан қувиб чиқармоқчимисиз? Ойла аъзолари билан элик-олтмиш миллион бўлишади-ку? Ўзингизни демократ деб ҳисобласангиз, демократлигингизда туринг!

Ҳайдар Алиевич телевизорнинг овозини учирди. Москвадаги воқеалар, амал талашишларни кўриб, ўзи танлаган йўл – Озарбайжоннинг мустақиллиги йўли ниҳоятда ҳақлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилди.

24 августда у Озарбайжон Олий Совети Президиумига мурожаат қилиб, «зудлик билан Озарбайжон Олий Советининг навбатдан ташқари сессиясини чақириш тўғрисида» таклиф киритди:

«ГКЧП деб аталган ҳарбий хунта амалга оширмоқчи бўлган давлат тўнтариши муносабати билан Озарбайжон Президенти, КПСС МКнинг аъзоси, Озарбайжон Компартияси МКнинг биринчи секретари А.Муташибов ва Озарбайжон раҳбариятининг позициясини ва фаолиятини муҳокама қилиб, ҳолис баҳо бериш...»

Озарбайжон Республикаси халқ депутати Ҳ.Алиев деб имзо чекилганди, унга.

29 августда Озарбайжон Олий Совети сессияси йиғилди. Уша август кунлари, бутун улкан мамлакатда кузатилгани каби, залда ҳам эҳтирослар жунбишга келганди. Халқ депутати Ҳайдар Алиев минбарга кўтарилди.

«Ҳурматли халқ вакиллари! – у сўзини сиртдан анча хотиржамлик билан бошлади. – Мамлакатда сиёсий ва иқтисодий таназзул кескинлашиб кетди, давлат ҳокимиятининг инқирози

ҳам кучайди... Ҳозирги даврда Озарбайжон Республикасининг. Озарбайжон халқининг аҳволи айниқса мураккаблашиб, оғирлашиб кетди. Бу реакцион сиёсатнинг асосий сабаби – республикада ҳукмронлик қилаётган Коммунистик партия сиёсати ва унинг қўпол, унглаб бўлмас хатоларидир...»

Шу жойга келганда, стенограммада, «Залдан норозилик овозлари эшитилди», дея қайд этилганди.

– Сессияда ҳар бир депутатга ўз фикрини айтиш учун имкон берилишини ўтинаман, – дея хотиржамлик билан ҳамкасбларига мурожаат қилди Алиев. Бир оз нафасини ростлагач, давом этди. – Ушбу сиёсат натижасида республиканинг коммунистик раҳбарияти 19–22 августда амалга оширилган давлат гунтаришини, Фавқулодда ҳолат буйича давлат комитетини қўллаб-қувватлади ва шу тариқа Озарбайжон халқини қийин аҳволга солиб қўйди...

Депутат Алиев бир ярим йилдан бери Бокуда жорий этилиб келаётган фавқулодда ҳолатнинг бекор қилинишини; Озарбайжон Республикаси раҳбариятининг ГКЧПга муносабатини аниқлаштиришни талаб қилди. Озарбайжон Коммунистик партияси, – деди у, – тузлик билан ҳокимиятни тарк этиши лозим. Олий Совет раиси Эльмира Кафарова билан Президент Аёз Муталибовдан, 20 январдаги фожиаларга сиёсий баҳо берилмагани сабабларини суради.

Стенограммада қуйидаги жавоблар қайд этилганди:

«*Эльмира Кафарова*: 20-куни бўлиб ўтган сессияда жавоб берилган.

*Ҳайдар Алиев*: Агар, жавоб берилган бўлса, ана шу ҳарбий агрессия айбдорлари ким экан? Бугунга келиб, булар – Язов, Крючков, Бакатин, Гиренко, Горбачев дейишяпти. Бу тўғри. Озарбайжон раҳбариятидан кимлар айбдор? Буларнинг ҳам кимлиги аллақачон маълум булган: Везиров, Кафарова, Муталибов ва Озарбайжон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бошқа аъзоларидир. Яна бошқа айбдорлар бўлса, аниқлаш лозим. Агар, бошқа кучларнинг ҳам айби борлиги маълум бўлса, булар – демократик кучларми, Халқ fronti, уларнинг ҳам фаолиятига сиёсий баҳо бермоқ лозим. Шу нарсаларга аниқлик киритилмас экан, республикада муътадил тинчлик урнатиб бўлмайди. Агар, айтилганларга сиёсий баҳо берилган бўлса, Аёз Муталибовдан бир нарсага жавоб беришини сурайман: Горбачев уч министрни тайинлашда тўққиз республика раҳбарияти билан келишаётган маҳалда, Бакатиннинг Давлат хавфсизлик қўмитаси ранси этиб тайинланишида Аёз Муталибов нега қарши чиқмади? Агар, зътироз билдирган бўлса, нима учун бу ҳақда нутқида айтмади? 20 январдаги фожиалар айбдорларидан бири Везиров нима сабабдан Озарбайжон Республикасидан Халқ депутатлари съездини ўтказиш

буйича тайёргарлик комиссияси аъзолитига сайланди? Ким унинг номзодини таклиф килди? Агар бу ишни Озарбайжон Республикаси раҳбарияти амалга оширган бўлса, у Озарбайжон халқи олдида айбдор ҳисобланади. Бу гапларни бутунлай очик-ойдин айтишни истаيمان.

Ушбу масалаларга ойдинлик киритилмас экан, шубҳасиз, мен ҳам сўзга чиққан депутатлар фикрига қўшиламан, Озарбайжонда президентлик сайловини ўтказиш мумкин эмас. Зеро, Озарбайжон Олий Совети депутатларининг аксарияти коммунистлардан иборат, улар Коммунистик партиянинг турли раҳбар лавозимларида ишлаган, парламентга депутатликка сайланган одамлар, Озарбайжон Коммунистик партияси кўп жиҳатдан айбдор, шу боис Озарбайжон Республикасининг парламенти тарқатиб юборилиши ва янги сайловлар ўтказилиши зарур, деб ҳисоблайман.

Ушбу кескин нутқимдан сўнг, махсус тайёргарлик қўрган одамлар менга қарши сўзга чиқади, деб ўйлайман. Бундай ҳамлаларга ўрганиб қолганман. Шу боис хавотирга ҳолат йўқ. Мен ўз виждоним олдида масъулиятли бўлганим учун сўзга чиқдим».

Владимир Даль виждонни кўнгилнинг сир-асрорлари сақланажак хазина, деганди, унда одамнинг ҳар бир хатти-ҳаракати маъқулланади ёки, аксинча, қораланади. Ва аксарият сиёсатчиларда ана шу хазина, одатда, бўм-бўш бўлади. Ҳайдар Алиев виждон, ахлоқ тўғрисида юксак минбарлардан туриб мушоҳада юритибгина қолмай, ўзи ҳам инсоф-диёнат нуқтаи назаридан иш тутаётир. Зеро, бу нарса ҳозирги дунёда аксарият сиёсатчилар қиёфасини тўлдириш учун зарурий унсур – «зиравор»га ўхшаб қолган. Унинг феълидаги ана шу хусусиятларга нефть кимёси соҳасидаги атоқли озарбайжон олими, Республика Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Рамиз Ризаев биринчилардан бўлиб эътибор қаратган эди. Адолатсизликларга нисбатан тоқатсизлик уни 80-йилларда Халқ fronti сафларига олиб келди. 1991 йили у Алиев билан танишиш учун Нахичеванга учиб келди. Уни тоқ сўрилари билан уралган айвон бўйлаб олиб ўтиб, Нахичеваннинг жазирамасида ҳам салқин турадиган лойсувоқ кулбага таклиф қилишди. Улар деярли тўрт соат суҳбатлашишди. Мехмонни кузатар экан, Ҳайдар Алиев: «Сендан илтимос, тез-тез келиб тургин», – деди.

Ҳайдар Алиев СССР Халқ депутатлари съездига йўллаган яна бир муҳим ҳужжат – телеграммада ҳам ана шу оловли кунлар қайд этилганди. Бу унинг Иттифок ҳукумати билан муносабатларида охириги ҳужжат эди.

«Москва. Кремль.

СССР Халқ депутатлари съездига.

Хурматли депутатлар!

Куйидаги масалаларни кўриб, муҳокама қилиб, ҳал қиласиз деган умидда сизларга илтимос билан мурожаат қилаяпман.

*Биринчиси.* СССР Олий Совети Президиумининг 1983 йил 7 майдаги Қарорига мувофиқ мен туғилган Нахичеван шаҳрида икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор Ҳайдар Алирза ўғли Алиев шарафига бронза бюст урнатилди. Уни олиб қўйиш пайти келди, деб ҳисоблайман. Биринчи марта бюстни 1990 йили Нахичеванга келганимда кўргандим. Маънавий жиҳатдан эзгин туйғулар кўзгалади. Тирик одамга қўйилган бюстнинг олдига боришга юрагим дов бермайди.

*Иккинчидан.* СССР қонунчилик органи томонидан икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари шарафига бронза бюстларини урнатиш тўғрисида қабул қилинган барча расмий ҳужжатлар бекор қилинишини таклиф қиламан, одамлар ҳаётлик пайтида урнатилган барча бюстлар олиб ташланиши лозим деб биламан.

Бу борада қабул қилинган расмий давлат ҳужжатларини ва, афсуски, бугунги кунгача сақланиб келаётган амалиётни баҳолар эканман, ўзим 1991 йил июлда сафини тарк этган КПСС фаолиятининг энг хунук кўринишларидан бири деб ҳисоблайман.

Ҳайдар Алирза ўғли АЛИЕВ,

Озарбайжон Республикаси халқ депутати, Нахичеван Автоном Республикаси халқ депутати, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Нахичеван шаҳри, 1991 йил 1 сентябрь».

Эҳтирослар жунбишга келган 1991 йил ҳам охирлаб борарди. 8 декабрда Беловежск Пушчасида Ельцин, Украина Президенти Кравчук, Беларуссия Олий Советининг раиси Шушкевич СССРни тарқатиб юборишди (орадан ўн беш йил ўтиб, Украинанинг биринчи президенти, мамлакат парламентидаги социал-демократлар фракциясининг лидери Леонид Кравчук Олий рада минбаридан туриб ҳаммани танг қолдирган бир маълумотни эътироф этганди: «Агар, 1991 йили, ҳозиргидек воқеалар кечишини... демократия ўрнига бошбошдоқлик, ҳаддан ташқари тутуруқсизликлар келишини билганимда эди, Беловежск шартномасига имзо чекмасдим, шу қўлларимни кесиб ташлаган бўлардим»).

1922 йилдан бери ана шу Иттифокни ташкил этиб келган Кавказорти республикалари Беловежскдаги ажримга таклиф этилмади. Декабрь ойининг сунгги кечаларидан бирида Кремль узра ҳилшираган қизил байроқ туширилди (кундуз

куни бунга виждон йул қўймасди-да). Кремлнинг янги эгаси СССРнинг биринчи ва охириги Президенти Горбачевни ҳайдаб, кучага чиқариб қўйди.

Озарбайжонда эса узига яраша кураш алангаси авж ола бошлади. Халқ fronti ҳокимият тепасига яқинлашиб келарди. Президентлик сайловида Халқ fronti етакчиси Абулфаз Элчибей ғалаба қозонди. Нахичеванда туғилиб ўсган, камол топган бу икки инсоннинг тақдири бир-бири билан ғалати йўғрилган эди. Йигирма йилча бурун Ҳайдар Алиев уни қамокдан асраб қолганди. Улуғ Ваган уруши жанггоҳларида ҳалок бўлган аскарнинг ўғли Элчибей ҳам ўз халқини жондан ортиқ севарди, унинг мустақиллигини беҳад кадрларди, ҳақ сўзларни айтарди. Лекин бу сўзлар ортидан қандай ишларни қиларди?

Элчибейнинг матбуот хизмати томонидан тайёрланган инаугурация туғрисидаги репортаж ишчанлик руҳида яқунланди: «Республика Президентининг биринчи иш куни бошланмоқда». Бу 1992 йил 17 июнда содир бўлганди. Бир йилдан бир оз кўп фурсат ўтгач, у Боқуни ташлаб кочди. Лекин бу воқеалар тафсилоти олдинда. Ҳозирча Элчибей Озарбайжонга раҳбарлик қиларди. Хонасида, кўзга ташланмайдиган жойда, Ҳайдар Алиев портретини сақларди.

Совет давридаёқ узининг саркашлиги, мустақиллиги билан маълум ва машҳур бўлган шоир Ҳалил Рзо Улуғтуркни Боқуда қўриб қолган Ҳайдар Алиев: «Нега Нахичеванга келмаяпсан? Сени ўзим таклиф қиляпман, келгин» дейди. Шоир Жалолиддин Румийнинг қуйидаги сатрлари билан жавоб беради:

Подшоҳ остонасида шоир –  
Малайларнинг тубан малайи.  
Шоир уйига қўнган подшоҳ,  
Эрур энг муътабар меҳмон.

– Оллоҳга шукр, мен шоҳ эмасман, сен эса сарой шоири эмассан, – дея лутф қилди Ҳайдар Алиевич. – Ун тўрт йил «подшоҳ» бўлганимда сени бирон марта ҳам сарой остонасида – Марказий Комитет эшигида кўрмагандим. Эндиликда салтанатнинг эмас, кичик бир оролчанинг раҳбариман, шундай экан, бемалол келавер, марҳамат.

Ҳалил Рзо Улуғтурк ушбу суҳбат тафсилотини кундалигига ёзиб қўйган эди. 1992 йил 20 январда қуйидаги дил сўзларини унга қўшимча қилди: «Нахичеванга мен энг азиз, кадрли инсонни кўриш учун келдим. Ўз халқига нисбатан меҳрмухаббатда олийжаноб, офтобдек ёруғ чеҳрали инсон дийдоридан баҳраманд бўлиш учун келдим...»



## Нахичеван қамалда

Китобнинг ички саҳифаларида суратлар орасида келтирилган харитага бир қур назар солинг. Нахичеван Мухтор Республикаси Кавказорти тоғ этакларининг жануби-шарқидаа жойлашган, Туркия, Эрон, Арманистон билан чегарадош. Совет даврида автономия билан Арманистон ўртасидаги, аслида уни Озарбайжондан ажратиб турган чегара, худди Россия билан Қозоғистон, Украина билан Белоруссия ўртасидаги чегараланиш сингари шартли ўтган эди. Поездлар ҳам ана шу чегараларни йўловчилар сезмаган ҳолда кесиб ўтарди, мамлакатнинг ягона электр узатиш линияси, нефть ва газ қувурлари ҳам улар орқали ўтарди.

Лекин Совет Иттифоқи тарқалиб кетгач, Арманистон билан ўртадаги чегара фронт чизигига айланди, йўллар поездларгагина эмас, машиналару одамларга ҳам така-так беркитилди.

Нахичеван учун қамал, бу – китобий, адабий тушунча эмас. У нахичеванликларнинг турмуш тарзини белгилаб берарди.

Электр чироқлар ўрнига керосин лампалар қайтиб келди. Қулингиз беихтиёр девордаги включателга чузилади: бир-икки марта босиб қурасиз-у, пикиллаган овоздан булак ҳеч нарсани эшитмайсиз.

Газ плиталар тунғиди, ошхоналарда яна примуслар вишиллай бошлади.

Энди тасаввур қилиб кўринг-а: фарзандларингиз билан учинчи, бешинчи, еттинчи каватларда яшайсиз-у, сув учун пакир кўтариб сув ташувчи машинага боришингизга туғри келади, исиниш учун «буржуйка»<sup>1</sup> ёнига тикилиш керак...

Нахичеван қамалда колган кунлардаги воқеалар тафсилотини, дилда оғриқ ва тапвиш-уқинч билан, эртанги кунга ва эзгуликка ишонч, хайрихоҳлик туйғулари билан ўқишга тутинасан. Мана, чекка кишлоқлардаги дехконлар жамғариб қўйган егуликларини етимхона болалари билан бўлишишяпти. Қизил Ярим Ой жамияти Эрондан минг тонна картошка олиб келди. Яна, тўртта электр генератори билан 500 та электр каминларни ҳам топширди. Уларни зудлик билан мактаблар, болалар боғчаларига тарқатишди. Юз тонна озиқ-овқат маҳсулотларини қўшни Эрон вилояти етказиб берди. Ҳайдар Алиевнинг курсатмаси буйича улар болаларга, қарияларга тарқатилди. Туркия ҳукумати Нахичеван республикасига 100 миллион доллар кредит ажратди. Нахичеванлик юз талабани Туркия олий ўқув юртлари ўқишга тақлиф қилди, барча харажатларни қўшни мамлакат ўз зиммасига олди.

Уша оғир кунларни эсларкан, Ҳайдар Алиев қуйидагиларни ҳикоя қилганди:

<sup>1</sup> Думалок, корни катта чўян пешка.

«Бизни озик-овқат ва нефть таъминотидан маҳрум қилишди. Энергетика тармоқлари ўчириб қўйилди. Совуқ ва очарчилик кунлар бошланди. Чақалоқлар шифохоналарда ўлиб қоларди. Одамлар боғ-роғларини кесиб, ўтин ўрнида ёқа бошлади, ҳосилдор боғларнинг 70 фоизи турар жойларни иситиш учун кесиб юборилди. Лекин мен тирик қолдим, халқ ҳам омон қолди.

Оғир маиший шароитда, халқимга ўхшаб баҳоли қудрат, камсуқум яшадим.

Лекин биз омон қолдик, энг муҳими, руҳимиз тетик, бардам мустаҳкам эди. Боқудан кўпчилик олдимга келиб турарди, катта сиёсатта қайтишга таклиф қилишарди. Лекин хоҳламасдим. Халқ fronti олиб бораётган сиёсатга аралашгим келмасди, фалокатга олиб боровчи қалтис йул эди...»

Бир пайтлар Ленин айтганидек, эндиликда энг катта сиёсат, бу – иқтисодиёт бўлиб қолди. Ана шунда Алиевнинг дунё миқёсидаги нуфузи асқотди.

«Эрон ва Туркия раҳбарияти билан шахсий муносабатларим дустона эди, – дея хикоя қилади Нахичеванда кечган йилларини эсларкан Ҳайдар Алиевич. – Эрон Президенти Нахичеванга ўз самолётини юборди. Техронга учиб бориб, ёрдам кўрсатилиши тўғрисида келишиб келдим. Ўзимизда электр узатиш линиясини қурдик ва шу тариқа Эрондан электр қуввати ола бошладик. Шунингдек, ёқилғи ва озик-овқат маҳсулотлари етиб келарди... Туркия Президенти Демирелнинг ўзи менга 100 миллион доллар кредит таклиф қилди. У ҳам президентлик самолётини жўнатгани, Анкарага бориб келдим. Туркия билан икки мамлакатни боғловчи йўлни қурдим, дарё устига қурилган кўприк орқали турли хил маҳсулотлар таъминоти йўлга қўйилди. Мен эришган катта ютуқ – бу Арманистон билан қуролли тўқнашувни четлаб ўтганим бўлди. Ниҳоятда мушкул вазият юзага келганди, лекин чорасини топдим, натижада ватанимиз тўпроғида қон тўқилмади».

Телехроника кадрлари сақланиб қолганди: ана, Аракс дарёси узра қурилган кўприкдан оғир юк машиналари ўтиб бормоқда, улар Эроннинг инсонпарварлик ёрдами – ун, шакар, қуритилган сўт, гўшт маҳсулотларини олиб келмоқда. Афсус, ана шундай кунларни кўриш Самад Вурғунга насиб элмаган экан... 1948 йили шоирнинг тасаввурида ўлик кўприк ёнида унинг бунёдкори қўринган эди.

Ҳе-не замон ўтса-да, у Аракснинг буида,  
Ўзи қурган кўприк ёнида, қуз ёшлар тўқади...  
Унутилган, камситилган, бари қаровсиз.  
Билмас, қачон йўловчилар ўтган сўнгги бор.  
Муйсафиднинг хира қўзлари йўлга қадап ан...  
Ва лекин, йул бўм-бўш...

Нахичеваннинг узида, Мухтор Республика шаҳарларида йигирманчи йиллардан бери Совет армияси қисмлари, чегара қўшинлари бўлинмалари жойлашган эди... Энди уларни нима қилиш керак? Уларга қандай мақом берилади? Умуман, улар аввалгидек республикада қолаверадими ёки чиқиб кетадими? Агар, кетгудек бўлса, қурол-яроғлари, барча техникаси билан ҳарбий қисм сифатида кетадими? Қаёққа боришади, Германиядан чиқиб келган бўлинмалар каби очиқ майдонларга жойлашишадими? Саволлар кўп эди. Олий мажлис раиси Москва ва Боку билан, республикага жойлаштирилган ҳарбий қисмлар командирлари билан узоқ давом этган музокараларда саволларга жавоб изларди. Охири шундай бир қарорга келинди: 75-моторлаштирилган ўқчи дивизия ўз мол-мулкни, қурол-аслаҳаларини, ҳарбий техникасини, ўқ-дориларини Озарбайжон Миллий армиясининг Нахичеван шаҳрига жойлаштирилган 5-алоҳида моторлаштирилган ўқчи бригадасига топширади. 1991 йил август ойи урталарида ҳарбий техника ва қурол-аслаҳаларни қабул қилиш – топшириш бўйича барча ҳужжатлар расмийлаштириб бўлинди. 18 августда Нахичеван аҳолиси Россия армияси аскарлари ва офицерларининг охириги гуруҳларини илқ кузатиб қолди. Улар билан 75-моторлаштирилган ўқчи дивизия штаби олдида хайрлашишди.

Ҳайдар Алиев ўз сўзида ушбу дивизия Нахичеванга 1946 йили жойлаштирилгани, аслида рус армияси қисмлари бир ярим аср олдин бу тупроққа келиб ўрнашганлигини эслади.

– Эндиликда, – ҳаяжонланиб гапирарди у, – Озарбайжон миллий озодликни ва мустақилликни қўлга киритди ва ҳудудида ўз ҳарбий қисмларига, қўшинларига эга бўлиши мўлжалланган. 27 июлда 75-моторлаштирилган ўқчи дивизиянинг мол-мулки, ҳарбий техникаси, қурол-аслаҳаларини Озарбайжон Миллий армиясининг 5-моторлаштирилган ўқчи бригадасига топшириш бошланди. Бу – табиий ҳодиса эди. Сабаби, Совет Иттифоқи ташкил этилгандан бери иттифоқ таркибига кирган барча республикалар Совет армиясига тегишли мол-мулқдан, техникадан, қурол-яроғдан, ўқ-дори ва асбоб-ускуналардан ўз улушига эга эди. Совет Иттифоқи парчаланиб кетгач, Совет армияси ҳам барҳам топди, бинобарин, Озарбайжон ўз улуши сифатида 75-моторлаштирилган ўқчи дивизияси мулкига эга бўлди.

Бугун рус армияси аскарлари ва офицерларининг сўнги гуруҳи билан хайрлашилар экан, 75-моторлаштирилган ўқчи дивизия Нахичевандалик даврда Совет армиясининг сазй-ҳаракатлари билан замонавий талабларга жавоб берадиган жуда катта ҳарбий иншоотлар, ҳарбий ҳужаликлар, бинолар ва ҳ.к. жойлар қурилганини таъкидлаб ўтиш даркор. Шунингдек, 75-моторлаштирилган ўқчи дивизия Нахичеванда пайдо

бўлган 1946 йилдан бери қисмининг шахсий таркиби билан маҳаллий аҳоли ўртасида дўстона алоқалар ўрнатилди. Шу боис 75-дивизия билан хайрлашар эканман, узок йиллар Нахичеван тўпроғида биз билан ёнма-ён яшаган ҳарбийларга миннатдорчилик ва ҳурмат-эҳтиром билдирмоқчиман. Айниқса, кейинги оғир ва мураккаб йилларда 75-дивизия қўмондонлиги, шахсан дивизия қўмондони, генерал-майор Ростислав Слабошевич Нахичеван Мухтор Республикаси аҳолиси билан самимий муносабатлар ўрнатилишида катта ҳисса қўшди...

Албатта, Халқ fronti бу хил хайр-хушлашиш тарафдори эмасди. Гулларсиз, самимий дил сўзларисиз кузатишни хоҳлайди. Айтайлик, Молдавияда кузатилгани сингари, «Иван, жомадон, вокзал!» дея очиқдан-очиқ масхаралаб, калака қилувчи оломон билан кузатишга иштиёқманд эди.

– Тез орада икки томондан кийин-кистовга олиндим: бир томонимда Муталибовнинг коммунистик тузуми, иккинчи томонда Халқ fronti, – дея сўзида давом этди Ҳайдар Алиев. Дарвоқе, Озарбайжонда Халқ fronti вакиллари менинг таклифим билан Нахичеванда илк бор раҳбарлик лавозимларига тайинланишди. Халқ фронтининг икки фаол намояндасини ўзимга ўринбосар қилиб олдим. Бундан ташқари, Халқ fronti вакилини Бош министр қилиб тайинладим. Тўғри, маълум муддат ўтгач, ашаддий қаллоблиги маълум бўлиб қолди, ҳайдаб юборишга тўғри келди. Ана шундан кейин Халқ fronti билан орани уздим.

Халқ fronti аъзоси бўлган киши ҳамма нарса қилиши мумкин, деган ғалати хомхаёл бошига ўрнашиб қолган-да: унинг ҳам фикри-зиكري ана шундай ажабтовур хаёллар билан банд эди. Уни фирибгарликда қўлга туширганимдан кейин менга қарши қандайдир ҳаракатлар уюштирмоқчи ҳам бўлди. Лекин Нахичеванда бу нарса ўзини-ўзи улимга маҳкум қилиш билан баробар эди. Одамлар уни тилка-пора қилиб ташлашига оз қолди. Юк ташувчи вагонга осилиб, қочиб қолди, йўловчи поездлар Арманистон оркали юрмасди-да.

1992 йил октябрь ойида Халқ fronti Нахичеванда давлат гунтаришини утказишга ҳам уриниб курди...

Лекин бу ҳақда алоҳида ҳикоя қилиш даркор.

## 1992 йил 24–26 октябрь, Нахичеван

Озарбайжон ички ишлар министри, полиция генерал-майори Ҳамидовнинг 1992 йил 18 августда чиқарган 1718-сон буйруғи Нахичеван фитнаси учун туртки бўлди. Жаноб Ҳамидов мазкур буйруқда Мустафоев Сиёвуш Фаридун ўғлини Мухтор Республиканинг ички ишлар вазири этиб тайинлаган

эди. Ҳамма бир-бирини беш қўлдек билган Нахичевандек бир жойда бу гап бир зумда ёпилди: амал курсисига ўзиникини ўтказишмоқда, деган гап тарқалди. Дарҳақиқат, кечагина жисмоний гарбия институтини битирган, эндигина 24 ёшга тулган йигит фақат Халқ fronti намойишларида кўзга ташланиб, танилган эди, ички ишлар органларида эса бир кун ҳам ишламаганди. Яна, кўкқисдан вазир бўлди-қолди!

Ҳамидов бир йўла Ордубад район ички ишлар бўлими бошлиғи, тажрибали мутахассис Ф.Аҳмедовни ишдан бўшатиб, унинг ўрнига «ички ишлар органларида мутлақо тажрибага эга бўлмаган, кўп йиллар давомида Россияда олибсотарлик, чайковчилик билан шуғулланиб келган М.ни тайинлади».

Янги вазифаларга тайинловлардан хабар топгач, Мухтор Республика ички ишлар вазирлиги ходимлари полиция оддий аскари билан офицерларининг ҳақ-хуқуқларини, шаънини ҳамоя қилувчи комитет тузишди. Комитет вазирлик ходимларининг умумий йиғилишини чақирди: «Озарбайжон Республикаси ҳукуматига, ички ишлар вазирлигига полиция ходимларининг мурожаатномаси»ни қабул қилди. Ҳужжатга 1500 имзо чекилган эди, бу деярли, барча офицерлар, оддий аскарлар, терговчилар, йўл ҳаракаги инспекторлари, паспортчилар дегани эди. Ҳужжат муаллифлари: «Ички ишлар органларини сиёсий мақсадларга буйсундиришга қаратилган ҳар қандай ҳаракатларга ва интилишларга йўл қўйилмайди», дея маълум қилганди. Мазкур бўлинманинг «иддаоси қатъий эди: Озарбайжон ИИВнинг республикадаги жиноятчиликка ва ҳуқуқбузарликларга қарши қабул қилинган буйруқлари ва фармойишларинигина бажаради», «Озарбайжон ИИВнинг сиёсий мақсадларга қаратилган буйруқлари ва фармойишлари ижро учун қабул қилинмайди».

Мухтор Республика Вазирлар Кенгаши 15 сентябрда полиция полковниги Аскар Алекперовни ички ишлар вазирини этиб тайинлаш тўғрисида Олий мажлисга таклиф киритди. Номзод ҳар томонлама муносиб эди. Алекперов ички ишлар органларининг тажрибали мутахассиси эди, вазир ўринбосари бўлиб самарали фаолият курсатганди. Нахичеван Мухтор Республикаси Конституциясига мувофиқ Олий мажлиснинг ҳалдаги сессиясига ички ишлар вазирини тасдиқлаш масаласи киритилган эди. Номзодлар икки киши эди: Ҳамидов, аниқроғи, президент Элчибей тавсия қилган С.Мустафоев билан Алекперов. Полковник Алекперов Аскар Алекпер ўғли 86 тадан 69 та овоз олди, унинг рақиби бор-йўғи учта овоз йиғишга эришди.

Ҳаммаси очиқ-ойдиндек эди гўё.. Лекин вазир Ҳамидов буйруқ чиқариб, Алекперовни ҳамда Нахичеван Мухтор Республикаси ИИВ раҳбарларининг қатта гуруҳини ишдан бўшатди. Дўқ-пўписадан иборат овозга Озарбайжон бўйлаб яна

таркалди: агар буйрук ижро этилмаса, шахсан ўзи Нахичеванга келиб, куч ишлатиб булса-да, қарорини амалга оширишга эришар экан.

Ана шундай вазиятда Мухтор Республика Олий мажлис президиуми ва Вазирлар Маҳкамаси президиуми ҳамкорликда «Нахичеван Мухтор Республикаси Ички ишлар вазирлигида вужудга келган вазият тўғрисида» кўшма қарор қабул қилди. «Автоном Республика ИИВда, унинг маҳаллий органларида кейинги икки ой мобайнида вужудга келган номатлуб муҳит вилоятда полициянинг жиноятчиликка қарши курашида салбий таъсир кўрсатди, республикада ижтимоий-сиёсий муҳитнинг кескинлашувига сабаб бўлди. Айти шундай вазиятнинг юзага келишида Озарбайжон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруклари ва кўрсатмалари асосий сабаб бўлди, қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни юзага келтирди. Конституцион нормаларнинг бузилишига олиб келди...

Олий мажлис ва Нахичеван Мухтор Республикаси Вазирлар Маҳкамаси президиумлари Озарбайжон Республикаси ички ишлар вазири томонидан йўл қўйилган очикдан-очик шантаж – дук-пуписага қарши кескин норозилик билдиради, Нахичеван Мухтор Республикасининг Конституцион ҳақ-ҳуқуқлари дахл-сиздир, улар қонун билан ва Мухтор Республика ҳукуматининг қонуний органлари томонидан ҳимоя қилинади, ҳеч кимга уларни бузиш ва поймол қилишга йўл қўйилмайди», – дея маълум қилинганди.

Хужжат Озарбайжон Республикаси Президентига ҳамда Олий Советига қаратилган илтимос билан якунланган эди: «Ушбу қарорларни қўриб чиқиш ва Нахичеван Мухтор Республикасининг Конституцион ҳуқуқлари муҳофаза қилиниши учун тегишли чоралар қўрилиши сўралади».

Унга иккита имзо чекилганди: Нахичеван Мухтор Республикаси Олий Мажлисининг раиси Ҳ.Алиев, Нахичеван Мухтор Республикасининг бош вазири Ш.Хонбобоев, 1992 йил 15 октябрь.

Озарбайжон Халқ фронтининг Нахичеван бўлини маси қуролли қисмлари 24 октябрда республика телевидениесини, алоқа бошқармаси тармоқлари марказини ва Ички ишлар вазирлигини босиб олди. Вазирнинг кабинетига муассасанинг янги раҳбари Сиёвуш Мустафоев пайдо бўлди, уни мазкур лавозимга Озарбайжон ички ишлар вазири Искандар Ҳамидов тайинлаган эди.

Искандар Мажид ўғли Ҳамидовнинг таржимаи ҳолига оид расмий маълумотномада у 1948 йил 10 апрелда туғилганлиги қайд этилганди. У Боку ўрта махсус милиция мактабини ҳамда СССР ИИМ академиясини аъло баҳоларга битирган. 1980 ва 1990 йилларда сиёсий сабабларга қура икки марта ички иш-

лар органларидан бушатишган ва икки марта тикланган. Уни яхши билган одамлар, булажак вазирнинг ишдан бушатилиши сабаблари сиёсий эмас, аксинча, иқтисодий эканлигини айтиб, бармоқларини бир-бирига ишкаб қўйишади, яна Искандар жудаям қизиққон, шошма-шошар, кўпинча хизмат вазифасини суниестемол қилади, дейишади. Озарбайжон ИИВни бошқаргач, у коррупцияга қарши бир неча кургазмали операцияларни амалга оширди. Отишмалар пайтида майдонга тушган пайтлари ҳам бўлган. Республика Давлат банкида ҳатто одамларга маош бериш учун сарик чақа ҳам қолмаганлигидан хабар топгач, пулдорларни ёқасидан олишга, чўнтагини қоқишга киришади. Бу зуравонлигини ўзи очиқдан-очиқ тан олиб, матбуотда ёзиб чиқди: «Тўғри, халқ ҳисобига бойинган казо-казоларни пулларни халққа қайтаришга мажбур қилдим. Уларга нисбатан қўлланилган бундай «одобсизлик» кимларнингдир гашига тегар, лекин бир нарса аёнки, улар ўз хоҳиши билан бир тийин ҳам бермаган буларди. Сизларни ишонтириб айтаманки, улар бундан камбағал бўлиб қолгани йўқ, асло, билман, қоқиб олинган пуллар улар учун увокчалик ҳам эмас...»

Президент Элчибеининг ошқора қўллаб-қуватлаши натижасида вазир Нахичеванда ҳам шундай усуллар билан тартиб ўрнатишга киришганди. Мухтор Республика пойтахтидаги воқеалар арафасида у Боқуда матбуот конференциясини ўтказди, оғзига эрк бериб, дук-пуписага ҳам ўтди, зарур бўлса, деди у, шахсан ўзим Ҳайдар Алиевни пешонасидан отиб тапшлайман. Ушбу хабар зумда жаҳон матбуотига ёйилди. Шубҳасиз, бу гапдан Алиевнинг ўзи ҳам хабар топди. Шу заҳоти Ҳамидов билан боғланди:

– Бу сўзларни матбуот конференциясида айтибсан. Агар пешонамдан отиб ташламоқчи бўлсанг, шу ерга кел. Дук-пуписаларингни шу жойда амалга ошир, фақат бу нарсани ҳамма ёққа ёйиш шарт эмас.

– Бу гапларни қаёқдан олдингиз, – деди у жавобан. – Ўзим ҳам, фарзандларим ҳам қурбонингиз булайлик, бу гапни айтмаганман, – деб туриб олди. – Сиз – буюк шахссиз, буюк инсонсиз.

– Йўқ, худди шундай дебсан, – деди қатъият билан Алиев. – Бир-икки кишигина эмас, матбуот конференциясида қатнашганларнинг ҳаммаси эшитибди. Боқудан етиб келган газета ва телевидение ходимлари ҳам ўша йиғинда қатнашган экан. Айтганларингни улар тасдиқлашади.

Энди, маълум бўлишича, сўздан амалий ишга ўтилган эди. Оқшом соат саккизда ИИВ биноси олдида Халқ fronti соқчилари хизмат ўташ учун бинога киритмаган вазир ходимлари ва шахарликлар тўплана бошлади. Деразалардан мўлжаллаб уларга ўқ ўзишди. Одамлар Олий мажлис биносига ошиқинишди – у ерда Алиев бор эди...

Кейинчалик, Хайдар Алиевич ана шу ташвишли кунларни эслаб, шундай деганди:

– Зудлик билан Бокуга, Искандар Хамидовга телефон килдим. Мардон исмли ёрдамчиси: «Кутинг, ҳозир уни сиз билан боғлайман», деб жавоб килди. Бир дақиқа ўтар-ўтмас, тушунтиришга гутинди: «Биласизми, сиз билан гаплашаётган маҳалда Искандар Хамидов хонасидан қаергадир чикибди».

Шундан сунг Озарбайжон Президенти Абулфаз Элчибейга сим коқдим. Вужудга келган вазиятни тушунтирдим. Шошқич чоралар куришни таклиф килдим. У, шунча гапни эшитиб булгач, «Мен нима қилишим керак?» дея мендан суради. Ахир, Сиз Озарбайжон Президентисиз, яна Озарбайжон Халқ фронтининг раиси булсангиз, дедим. Ушбу жиноятни Нахичеван Халқ фронтининг раҳбарлари ва уларнинг кул остидаги ноқонуний курулли тузилмалар амалга оширди. Айни шу дақиқаларда улар Ички ишлар вазирлиги биносини эгаллаб турибди. Телефон килиб айтинг, улар бинодан чикиб кетсин, шундагина туқнашув бартараф этилди, деб ҳисоблаймиз. Йўкса, вазият янада таранглашиб кетади. Афсуски, ушбу музокаралар ҳеч қандай натижа бермади. Иккинчи марта телефон килдим. Ёнимда Гафор Мамедов билан Асиф Калонтарли ҳам бор эди. Қатъий тарзда айтдим: Абулфаз бей, вазият янада мураккаблашяпти, одамлар йиғилмоқда, қон тукилиши мумкин. Зудлик билан тегисшли чоралар курумук лозим. Гафор бей ва Асиф бей ҳам телефонда гаплашиб куришди. Лекин президент уларга ҳам тайинли бир гап айтмади. Яна маслаҳатлашиб курамиз, деб куйди, холос.

Шу орада гурас-гурас одамлар мажлис биноси олдига оқиб кела бошлади. У уз-узидан намоийшга айланиб кетди: «Ҳамма Хайдар Алиев ҳимоясига ўтсин». «Ана шу воқеаларда, – дейилади Нахичеван Мухтор Республикаси ИИВнинг оператив маълумотномасида, – Халқ фронтининг айрим аъзолари ярадор булишди, тан жароҳати олишди. 24 октябрь кун тахминан соат 22 ларда Халқ fronti аъзолари ИИВ биносини, телемарказни тарк этди, Халқ fronti штабига йиғила бошлашди».

Ҳокимиятни босиб олиш ҳаракаги барбод булди. Лекин ҳалиям хавф-хатар сақланиб турарди.

25 октябрда Хайдар Алиев нахичеванликларга радио орқали мурожаат килди.

– Халқ fronti етакчилари Бокудан бу ерга курулли гуруҳларини юбориб, Нахичеванда тунтариш килмоқчи эди. Бизга ташвишли хабарлар келиб турибди. Искандар Хамидов бу ерда яна бир зуравонлик операциясини амалга оширмоқчи. У самолётда учиб келиб, курулли отряди билан ур-йикит уюштирмоқчи, одамларни зириллатиб, кийрагиб кетмоқчи...



Мустақил Озарбайжонда айни пайтда Халқ fronti халқнинг эркин ҳаракатини бостириш учун кўшин ушлаб турибди. Ана шундай ҳолатни юзага келтиришдан кимлар манфаатдор? Бу ерда энг кучли мафия – ғаразли мақсадларини амалга ошириш учун интилаётган Халқ фронтидир...

Мен ўз ҳаётимни Озарбайжон халқи учун қурбон қилишга тайёрман. Халқ fronti ичида Ҳайдар Алиевни йўқ қилиш истагида ёнаётганлар анчагина.

Халқ бу ерда вужудга келган асл ҳолатни ва ҳақиқатни билишини истайман. Нахичеван Мухтор Республикасининг конституцион ҳақ-ҳуқуқларини бузиб, мухториятни йўқ қилишмоқчи. Бу нарсани Бокуга ўрнашиб олган бир гуруҳ нахичеванликлар амалга оширмоқда.

(«Бокуда яшаётган обрў-эътиборли, энг нуфузли нахичеванлик» президент Элчибей эди. Алиевнинг тингловчилари буни яхши билиб туришарди).

– Лекин Нахичеван республикасининг Конституцияси боқийдир, – дея сўзида давом этди Ҳайдар Алиевич. – У келгусида ҳам ўз мавқеини, кучини сақлаб қолади...

У юртдопларини Ордубад Халқ фронтининг раиси Фараж Қулиев, Нахичеван Халқ фронтининг раиси Асаф Қулиев, ноқонуний тайинланган вазир Сиёвуш Мустафоев, Ордубад Халқ fronti вакилининг тунтаришни амалга оширмоқчи бўлган реакцион ҳатти-ҳаракатига баҳо беришга даъват этди.

– Бизнинг мустақиллигимиз – Озарбайжон халқининг зафари. Озарбайжоннинг бирлаштиши таъминланиши зарур. Ҳамма бирлашмоғи лозим. Мен ҳаётимдан жудо бўлишим мумкин, лекин Нахичеванни Озарбайжондан айиришларига асло йўл қўймайман.

25 октябрда Нахичеван Мухтор Республикасининг Олий мажлиси фавқулодда сессияга йиғилди. Депутатлар Халқ фронтининг ҳарбий тузилмаларини уч кун ичида қуролсизлантириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шу куниёқ «Нахичеван» газетаси Муртуз Алескеровнинг кескин мақоласини босиб чиқарди, у Озарбайжон ички ишлар вазири Ҳамидовга жиддий қарши чиққанди. Бу – ашаддий терроризмнинг худди ўзи, деганди ҳуқуқшунос олим. Унга қарши жавоб жудаям тез юз берди.

Бу воқеа оқшом маҳали Бокуда амалга оширилди. Алескеров Озарбайжон университетининг ҳуқуқ факультетидаги юмушларини яқунлаб, кўчага чиқди. Эски «Москвич»га қараб йўналди. Кейинроқ ана шу фавқулодда ҳодиса билан боғлиқ тафсилотларни эслашга тутинди, шу воқеадан хийла олдин икки номаълум йиғит кафедра эшигида пайдо бўлишди, мудир қачон келиб-кетиши билан батафсил қизиқишди. Кейинги воқеаларни Алескеров шундай эслайди:

– Уларни курганим йук. Одатда, бир узим машинада кетардим. Уйга етиб келдим, машинани Нарямонов проспектидаги тўхташ жойида қолдирдим, йул-йулакай нон харид қилдим, эндигина ҳовлига киргандим, кимдир менга ташланди. Дастлаб, ҳовлида ўйнаётган ўсмирлар бўлса керак, деган хаёлга бордим, лекин... Хужум қилган йигитнинг қулида пичоқ бор эди, бир неча марта зарба беришга улгурди. Иккинчиси темир лом билан оёғимга урди, йиқилиб тушдим. Юзимдаги жароҳатдан қон оқа бошлади. Қўшнилардан кимдир милицияга, яна кимдир хотинимни чақириш учун югурди... Хотиним врачларни чақирди, мени шифохонага олиб кетишди...

Муртуз Нажафович шифохонада олти ой ётди. Безорилар ҳужумидан хабар топган Алиев Нахичевандан телефон қилди: «Муртуз муаллим, мени деб жабрланибсиз». – «Ҳайдар Алиевни ҳимоя қилиб жароҳат олганимдан гурурланаман, – жавоб берди Алескерев. Кейин қўшиб қўйди: – Ҳайдар Алиевич, биласизми, тирик қолганим учун уларни кечирдим...»

### «Озарбайжон сизнинг сўзингизни кутмоқда»

1995–2005 йилларда парламент раиси бўлган Муртуз Алескерев ўша воқеаларни кўп ҳам эслайвермайди. Лекин бугун алоҳида қун. Китобимизнинг биринчи нашри тақдимоти бўлиб ўтди. Сийosatчилар, олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари, ишлаб чиқариш вакиллари Ҳайдар Алиевнинг ўзи туғрисидаги, китоб ҳақидаги таассуротларини баҳам қуришди... Отатурк номидаги Маданият марказининг катта залида кайноқ ижодий муҳит вужудга келди. Учрашув тугагач, Муртуз Нажафович бизни Миллий мажлисга таклиф қилди. Шанба куни бинода фақат навбатчилар бўларкан. Алескерев бизни парламент биноси билан таништирди, кейин ўзининг дам олиш хонасига олиб кирди. У ерда ҳамма нарса жой-жойида, Ҳайдар Алиев Миллий мажлис раиси бўлган пайтидагидек ораста эди, фақат стол устида Алиев помидаги жамғарма томонидан нашр этилган, Ҳайдар Алиевичнинг фотосурати туширилган янги рангдор таквим пайдо бўлибди.

Деразадан телеминора қуриниб турибди, бошқа томондан Боку курфази, кўчага чиқадиган зиналар кўзга ташланади...

– Бу нима?– ўнг деразадаги тешикчани кўрсатамиз.

– Ук изи.–жавоб беради Алескерев, совет даврида машҳур бўлган «Саҳронинг олпоқ куёши» фильмидаги унутилмас иборани қўллайди. – 1993 йилги октябрь воқеаларида Халқ fronti жанчилари отишган эди. Ҳайдар Алиевич эсдалик учун қолдирганди. Мен ҳам ўз ҳолича қолдиринглар, дедим.

Муъжазгина журнал столига гилос, шотут, нок ва яна нахичеван гейчаси куйилган...

– Утиринглар, сизларни меҳмон килмоқчиман...

Муртуз муаллимнинг Ҳайдар Алиевич билан биринчи учрашуви қай тариқа кечганди? 1978 йили республикада Совет Озарбайжони Конституциясининг лойиҳаси муҳокама қилинаётганди. МКнинг биринчи секретари йиғилишга таниқли ҳуқуқшуносларни таклиф этганди, уларнинг орасида Муртуз Алескеров ҳам бор эди.

У Озарбайжон университетининг ҳуқуқ факультетини аъло баҳоларга битирганди, Москвадаги СССР Фанлар академиясининг давлат ва ҳуқуқ институти аспирантурасига ўқишга кирди. Истеъдодли ёш олим диссертациясини муддатидан илгари ҳимоя қилди, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди бўлди, кейин фан доктори, профессор бўлди. Жонажон университетида халқаро ҳуқуқ ва давлат ҳуқуқи кафедраларини бошқарди. 1993–1996 йилларда Боку Давлат университетининг ректори бўлди. 200 дан ортик илмий ишлар, кўплаб монография ва ўқув қўлланмалар муаллифи.

– Ҳайдар Алиевич бир гуруҳ ҳуқуқшуносларни, шулар қатори мени ҳам таклиф қилди, – дея хотирлайди Алескеров. – Озарбайжон тилини давлат тили деб эълон қилиш масаласи муҳокамага куйилганди.

«Бу масалада фикрингиз қандай?» – сўради Алиев.

– Республикада Озарбайжон тили рус тили билан бирга давлат тили бўлиши лозим, – дедим мен. Бу бизнинг биринчи учрашувимиз эди.

Айтишимиз керакки, улар кейин ҳам кўп учрашишган.

1992 йили Нахичеван воқеалари арафасида жамиятда вужудга келаётган ҳалокатли бўлинишни ҳис этиб, бир гуруҳ олимлар Ҳайдар Алиевга очиқ хат билан мурожаат қилишди: «Озарбайжон Сизнинг сўзингизни кутмоқда. Ҳайдар Алиевга мурожаат». Унга 91 имзо чекилганди: Зиё Буниедов, Фарамаз Мақсудов, Умар Элдоров, Озарбайжон фанлар академиясининг мухбир аъзолари Иқроор Алиев, Карим Каримов, Мамедтаги Жаъфаров, Собир Гажиёв, халқ шоири Халил Рзо Улуғтурк, халқ артистлари Зайнаб Хонларова, профессорлар Озарбайжон Республикасининг халқ депутатлари Али Умаров, Элдор Иброҳимов, Михаил Забелин, Элфаддин Абдуллаев, хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос Муртуз Алескеров, Давлат мукофоти лауреатлари, номдор муаллимлар, корхоналар раҳбарлари... Ҳаммаси бўлиб, такрорлаймиз, 91 киши бор эди. Бундай ҳужжатлар даврнинг ҳамда одамларнинг маънавий йуриғи бўлиб тарих саҳифаларида қолади.

«Хурматли Хайдар Алиев!

Республикамизнинг, халқнинг аҳволи кундан-кунга ёмонлашиб бормоқда. Озарбайжон том маънода сиёсий-ижтимоий таназзулни бошдан кечирмоқда. Бунинг асосий сабаби – кейинги йилларда республика ҳукуматидаги инкироздир. Давлат ҳокимиятининг олий ижроия органлари ва бошқарув тизими Конституцияга ҳилоф равишда «реал вокеликка мувофик» иш тутиб, фалаж ҳолатга тушиб қолди. Қўлаб давлат органлари ҳеч қандай ҳуқуқий асосларга таянмасдан ташкил этилган ва шу тариқа фаолият юритмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ҳозирги ҳокимият мамлакатда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни назорат қилолмай қолди. Ҳозир жамият объектив қонунчилик ҳужжатлари асосида эмас, кўпроқ субъектив тусмол, мўлжал асосида бошқарилмоқда. Лекин энг кўрқинчли гомони шундаки, сиёсий ва иқтисодий тизимда ҳеч қандай туб ўзгаришлар ўтказилмаяпти. Озарбайжон Республикасининг Давлат мустақиллигига оид Конституцион ҳужжатда қайд этилганидек, бошқарувнинг бўлиниш принциплари муаллақ ҳолатда, ҳуқуқий давлат барпо этиш борасида ҳеч қандай амалий қадамлар қўйилмади. Билим, тажриба, оқилоналик бўлмаган жойда ҳокимият куч ишлатишга тушади, зўравонлик йўлига ўтади. Ҳайратланарлиси шундаки, президентдан бошлаб барча мансабдор шахслар ўз интервьюларида ҳеч ким бизни ҳокимиятдан четлата олмайди, сабаби армия билан полиция бизга хизмат қилмоқда, дея ахборот беришмоқда.

Чамаси, эртаю кеч кўчалару майдонларда демократия ҳақида жавраганлар ҳақиқий демократиянинг асл моҳиятини тасаввур ҳам қилишолмас экан. Ҳақиқий демократик давлатларда армия, полиция ва бошқа маъмурий органлар сиёсатдан холи бўлиб, ҳокимиятга эмас, халққа хизмат қилади. Мамлакат ичкарисидаги ва ташқаридаги кучлар сиёсий тажрибасизликдан, бошқаришдаги уқувсизликдан, амал-мартабага ўчликдан фойдаланмоқда. Озарбайжон бойликлари кечаги кунгача бир йўналишда олиб кетилган бўлса, эндиликда ҳар томонга тортқилаб, ташиб кетилмоқда. Кўпгина Шарқ мамлакатларидан кўз олайтириб юрганди, эндиликда уни осонлик билан қўлга киритмоқда. Агар бундан бўён ҳам иш шу тахлит давом этадиган бўлса, сиёсий исканжадан халос топмай туриб, иқтисодий қўлликка маҳкум этиламиз. Сабаби, республиканинг омон қолган иқтисодий салоҳияти шиддат билан емирилмоқда, халқ бойликлари ўғирлаб кетилмоқда.

Вазиятнинг оғирлиги, иложсизлик, ҳаётнинг барқарор эмаслиги, республиканинг эртасига ишончсизлик туфайли юзлаб малакали мутахассис кадрлар, энёлилар республикани ташлаб кетмоқда. Энг катта оғирлик, шубҳасиз, жамиятнинг

куйи қатламига, кенг халқ оммасига тушмоқда. Воқеаларнинг бориши яқин келгусида «ижтимоий адолат» тушунчасидан из ҳам қолмаслигини кўрсатмоқда. Шусиз ҳам оғир аҳволдаги республика раҳбариятнинг жамият тараққиётининг етакчи тамойилларини ҳамда ҳозирги даврнинг муҳим хусусиятларини белгилай билмаслиги, кадрлар сиёсатидаги пала-партишлик, давлат тизимларидаги олий лавозимларга бошқариш соҳасида мутлақо билимсиз, тасодифий одамларнинг тайинланиши туфайли янада танг ҳолатга тушмоқда...

Қорабоғ билан боғлиқ охири қуринмаётган иғво минглаб одамларни ҳаётдан олиб кетмоқда, жуда кўп оилалар уй-жойларидан ажрамоқда, кўплар ундан сиёсий уйин сифатида фойдаланмоқда, у даромад орттириш манбаига, амал-мартабани тортиб олиш воситасига айланиб бормоқда. Озарбайжонда «тез ўсиш» фақат янги-янги партиялар пайдо бўлаётган сиёсат саҳнасида кўзга ташланмоқда. Лекин ана шу сиёсий партиялар раҳбарлари орасида халқнинг меҳр-муҳаббатини, чуқур ишончини қозона оладиган, халқаро нуфузли ва турли хил ижтимоий гуруҳларга мансуб кишиларни бирлаштириш истеъдодига эга бўлган кучли етакчи йўқ.

**Ҳурматли Ҳайдар Алиев!**

Бугунги вазиятда ана шу масъулиятли вазифани ўз зиммасига ола биладиган биргина шахс – бу Сиз. Давлат қурилишидаги кўп йиллик тажрибаларингизга асосланиб, Сиз қисқа муддат ичида Озарбайжонда катта, кучли, обрў-эътиборли ва ишчан, республикадаги кенг халқ оммасини бирлаштирадиган партияни биласиз, жамоатчилик фикрини билиш учун ўтказилган сўров натижаларига кўра ҳамда минглаб фуқаролардан ташкилий комитетга келиб тушаётган оғзаки ва ёзма мурожаатларга асосланиб бир фикрга келдик, айнан Сиз бизнинг янгидан ташкил этилаётган «Янги Озарбайжон» партиясининг етакчиси бўла оласиз. Фақат ана шундай партия белгиланган мақсадларни амалга ошириш, жамиятнинг турли қатламларига мансуб халқ оммасини ўз атрофига бирлаштириш, Озарбайжоннинг сиёсий ҳамда иқтисодий ҳаётидаги бушликларни тўлдириш, давлат қурилишини ишига ўзининг муносиб улушини қўшиш салоҳиятига эга. Ишончимиз қомилки, «Янги Озарбайжон» доно оксоқол Ҳайдар Алиев атрофида жипслашган, миллий ғурур туйғулари жўш урган, теран фикр юритувчи, инсоф-диёнатли, юксак маданиятли одамлар партияси бўлади. Ана шу партияга сиздек улкан давлат арбоби асос солса, у халқимизнинг бир неча авлоди учун чинакам камолот мактаби бўлиб қолади. Биз, «Янги Озарбайжон» партияси тимсолида ўз сафларига янгича фикрловчи кишиларни бирлаштирувчи, уюштирувчи ва олға бошловчи қудратли кучни кўрмоқдамиз...

Ҳайдар Алиев!

Ушбу мурожаатимизга Озарбайжоннинг минглаб фуқаролари бажонидил қўшилишга тайёр. Ҳозир дастлабки кадам сифатида, бир гуруҳ зиёлилар номидан дил амрини қоғозга туширдик. Уз номимиздан, шунингдек, Озарбайжоннинг ўн минглаб аҳолиси номидан ташкил этилаётган «Янги Озарбайжон» партиясига раҳбарлик қилишга розилик билдиришингизни сўраймиз.

Озарбайжон сизнинг сўзингизни ва қатъий қарорингизни кутмоқда».

- Ҳайдар Алиевич нима деб жавоб қайтарди?— сўраймиз Алескеровдан.

- У «яхшилаб ўйлаб қўришни, шошма-шошарлик қилмасликни, янги партиянинг дастури ва уставини тайёрлашни маслаҳат берди». Ҳа, дарвоқе, бизни расман атай бошлаган «91 гуруҳи»га жавоби устида 1992 йил 24 октябрда ишлаган экан. Келинг, ана шу тарихий ҳужжатни ўқиб қурайлик, — дея таклиф қилди бизга Муртуз Нажафович Алескеров. — У бугунги кунда унчаям маълум эмас.

«Хурматли зиёлилар!

1992 йил 16 октябрда «Сас» газетасида эълон қилинган мурожаатномангизни диққат ва эҳтиром билан ўқиб чиқдим.

Сизнинг мурожаатингиз, газета ва телевидение хабарлари, Озарбайжоннинг турли минтақаларидан олинаётган мактублар республикада чиндоя ҳам оғир вазият юзага келганлигидан далолат бермоқда. Бундай шароитда Озарбайжон зиёлилари ташвиш чекаётганлиги тушунарли.

Озарбайжон Республикасининг давлат мустақиллигига эришиши — тарихий ҳодиса ва, ҳеч шубҳасиз, Озарбайжоннинг барча фуқароларида чексиз ифтихор уйғотади.

Шу билан баробар мазкур шонли воқеа мустақил Озарбайжон давлати, Озарбайжон халқи зиммасига гоят масъулиятли, мураккаб вазифалар юкламоқда. Ҳозир асосий вазифа давлатчиликни шакллантириш, мустақилликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг эмин-эркин, бахтли, фаровон ҳаёт кечириши учун шароит яратиш, Озарбайжоннинг суверенитети ва хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Ҳар бир ватанпарвар ана шу хайрли ва фахрли ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоғи лозим.

Шу билан боғлиқ равишда ҳамда мурожаатингизга жавобан, баъзи мулоҳазаларим ва истакларимни баҳам кўргим келди.

Аввало, шу нарсани таъкидлаш жоизки, Озарбайжон Республикасининг давлат мустақиллигига эришиши 80-йиллар тонгидаёқ бошланган эди ва у Совет Иттифоқида ҳамда бутун жаҳонда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг мантиқий натижаси бўлди. Мазкур объектив ижтимоий жараёнлар Совет Иттифоқининг парчаланишига, КПССнинг

тарих сахнидан кетишига, ўн беш қардош республика давлат мустақиллигини қўлга киритишига олиб келди. Шундан сўнг рўй берган воқеалар, хусусан, янги мустақил давлатлар, шу жумладан Озарбайжон Республикасининг жаҳон мамлакатлари, турли халқаро ташкилотлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан эътироф этилиши ҳукуматлараро муносабатларнинг халқаро ҳукукий нормаларига мувофиқ эди.

Шу боис Озарбайжон эришган мустақилликни муайян ижтимоий-сиёсий кучлар, ташкилотлар, айрим шахслар, шу жумладан Халқ фронтининг хизмати деб ҳисобламаслик лозим. Қайтараман, бу – объектив тарихий жараёнлар оқибати, тақдир ва замоннинг озарбайжон халқига, шунингдек, собиқ иттифоқдош республикалар халқларига кўрсатган олий марҳаматидир.

Шундай қилиб, Озарбайжон давлатининг мустақиллиги – барча Озарбайжон халқининг миллий бойлигидир, бинобарин, у айрим сиёсий партиялар, тизимлар ва бирон-бир шахсларнинг мутлақ мулкига айланишига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Озарбайжон давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий демократик давлатни, ҳукукий жамиятни барпо этиш, табиийки, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий имкониятлардан тўла-тўқис фойдаланган ҳолда кўп тармоқли фаолият юритишни тақозо этади. Агар бирон-бир мамлакат халқи ўз ҳақ-ҳуқуқларини тушунса ва ҳимоя қилса, кичик давлат ҳам қисқа муддатларда йирик мамлакатга айланади. Ушбу йўлда асосий вазифалар қуйидагилардан иборат деб ҳисоблайман:

*Биринчидан.* Озарбайжон уруш ҳолатидан чиқиб, Қорабоғ муаммосини тезроқ ҳал этишига эришмоқ лозим. Озарбайжон билан Арманистон ўртасида уруш давом этаётганига беш йил бўлаяпти, биз ҳудудимизнинг бир қисмидан ажралдик, Арманистон билан чегарадош ҳудудларда кўплаб аҳоли пунктлари вайрон қилинди, минглаб одамлар ҳалок бўлди, кўплар яраланди, ногирон ва майиб-мажруҳ бўлиб қолди. Республикада юз минглаб одамлар уй-жойларини ташлаб кетди, қочоқликда, қашшоқликда, муҳтожликда яшамоқда. Республикага мислсиз миқёсларда моддий ва маънавий талафот етказилди. Энг даҳшатлиси, ушбу фожиаларнинг охири кўринмайди. Бир йил аввал кузатилганидек, Озарбайжоннинг давлат раҳбариятида Қорабоғ муаммоси билан боғлиқ аниқ, равшан концепция, зарур ҳарбий-сиёсий стратегия йўқ. Қорабоғ ва бошқа чегарадош ҳудудларда ҳарбий операциялар ўз ҳолича ўтказилимоқда, деган таассурот гуғилмоқда.

*Иккинчидан.* Озарбайжонда ижтимоий-сиёсий таназзулнинг чуқурлашиши, халқ турмуш даражасининг пасайиши катта ташвиш уйғотади. Республика иқтисодиётининг жорий йил (1992 йилнинг. – *Муалл.*) тўққиз ойи бўйича аҳволига оид статистик маълумотлар одамни ваҳимага туширади. Миллий

даромад ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 25 фоизга пасайган. Қишлоқ хўжалиги ва капитал қурилишдаги аҳвол яна ҳам аянчли. Агар кейинги беш-олти йил ичида Озарбайжоннинг иқтисодиёти даражаси тушгани ҳисобга олинса, республика қанчалик муаммоларга дучор бўлгани аёнлашади.

Озарбайжон тенгсиз табиий бойликларга, ривожланган саноат ва қишлоқ хўжалигига, юқори интеллектуал салоҳиятга, замонавий ишчи кучига эга. Буларнинг ҳаммасидан республика мустақиллигини мустаҳкамлаш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилаш учун фойдаланиш лозим. Фақат аграр тармоқда бир йил мобайнида ишлаб чиқаришни ошириш ҳисобига қишлоқ хўжалик маҳсулдорлигини бир қадар юксалтиришга эришиш мумкин экан. Афсуски, республикада ана шу бой ресурслардан тегишли даражада фойдаланилмапти.

Давлат ва ҳукумат органларида мавжуд қийин вазиятдан чиқиш буйича аниқ иқтисодий дастур, стратегия йўқ, деган ҳулосага келиш мумкин, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш учун ҳам ҳеч қандай амалий иш қилинмаяпти. Таҳлиллар бу соҳада кўп нарсалар таваккалига, пала-партиш адо этилаётганини кўрсатапти.

*Учинчидан.* Кадрлар сиёсати ҳақли равишда кенг халқ оммасининг норозилигига, зътирозига сабаб бўлмоқда. Ишчанлик фазилатларини, билими, маҳорати, хўжалик ва бошқарув соҳаларидаги тажрибасини ҳисобга олмасдан, фақат Халқ frontiга мансублиги туфайли раҳбар лавозимларга кўтариш ҳуқуқ нормаларини бузади ва оғир оқибатларга олиб келади. Халқ frontiга бундай мутлақ ҳуқуқ ва ваколатларни халқ ҳеч қачон бермаган. Утган йиллар ва ўн йиллар мобайнида бошқарув соҳасида, иқтисодий, илмий, маданий ва ижтимоий соҳаларда республикада миллий кадрлар тайёрланди, улар етарлича билим ва тажрибага, малакага, юксак маданиятга эга. Уларнинг барчаси у ёки бу партияларга, ижтимоий-сиёсий ҳаракатларга, ташкилотларга дахлдорлигига қарамай, фаол яратувчилик фаолиятига жалб этилиши лозим.

Озарбайжондан ташқарида, Россия, Украина ва бошқа республикаларда ҳам мамлакатнинг нуфузли олий ўқув юртларида билим олган, илмий марказларда, ҳарбий билим юртларида бой тажриба орттирган озарбайжонликлар яшамоқда, меҳнат қилмоқда. Бу кишиларни ўз она юртларида – мустақил Озарбайжонда ишга жалб қилиш учун зарур чоралар қуриш керак. Улар самарали фаолияти билан янгиланаётган, демократик, мустақил Озарбайжонга улкан фойда келтиришлари мумкин.

*Тўртинчидан.* Озарбайжоннинг давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, аввало, республика қонунларининг дахлсизлигига, қонун устуворлигига боғлиқ. Демократия изчил ривож-



лангирилган, сиёсий фикрлар хилма-хиллигига эришилган, инсон ҳуқуқлари таъминланган шароитдагина тоталитаризмдан тулиқ халос бўлиш мумкин. Бу уринда суз ва виждон эркинлиги, тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи хусусида гап кетмоқда.

Озарбайжоннинг ҳар бир фуқароси миллати, тили, дини, сиёсий қарашларидан қатъи назар ана шу демократик ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши лозим. Назаримда, республиканинг барча фуқаролари, аҳолининг барча қатламлари вакиллари мустақил давлатни барпо этиш ишига жалб этилиши даркор. Янги мустақил Озарбайжон республиканинг барча халқига тегишлидир.

*Бешинчидан.* Кейинги пайтда Озарбайжонни парчалаб таплашга қаратилган саъй-ҳаракатлар таҳдид солмоқда. Бу хил уринишларга кескин чек қўйиш лозим. Юзага чиқаётган муаммоларни мутараққий ва демократик воситалар билан тартибга солиш тақозо этилади.

Озарбайжон ўн йиллар, юз йиллар мобайнида ўз худудида яшаб келаётган барча халқларнинг ватани бўлиб келмоқда. Ягона, яхлит Озарбайжонни демократик принциплар асосида сақлаш ва ривожлантириш мустақил республика давлатчилигини мустаҳкамлашнинг муҳим хусусияти ва асосий шарти ҳисобланади.

Озарбайжоннинг бугунги ҳаёти ва келгуси тақдири билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам менга тинчлик бермаяпти. Лекин сизлар йўллаган мурожаатномага жавоб беришдан олдин юқорида санаб утилган масалаларга диққатни қаратиш зарур, деб ҳисоблайман. Мустақил Озарбайжон учун уларни ҳоят қисқа муддатларда ҳал қилиш жуда ҳам муҳим, деб ҳисоблайман. Озарбайжоннинг ҳозирги ва келажакдаги аҳволи билан боғлиқ муаммолар борасида ҳеч ким четда қолиши мумкин эмас.

Мурожаатномада билдирилган «Янги Озарбайжон» сиёсий партиясини ташкил этиш туғрисидаги таклиф мустақил Озарбайжон давлати демократиясининг асосини – сиёсий фикрлар хилма-хиллигини таъминлашдек объектив зарурат тақозоси деб ўйлайман.

Озарбайжоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этувчи бундай партия мустақил Озарбайжон давлатини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда тарихий роль ўйнаши мумкин.

Агар шундай партия ташкил этилгудек бўлса, унинг фаолиятида фаол иштирок этишга тайёрман.

Чуқур ҳурмат билан Ҳ. Алиев.  
1992 йил 24 октябрь, Нахичеван».

Уша кунларда газеталар Агсгафа, Тауз, Кедабек, Кубатли, районларининг чегара кишлокларидаги жанглар хакида: «Арманларнинг куролланган булинмалари Агдам ва унга ёндош аҳоли пунктларига ёпирилиб хужум килди. Жабрланганлар бор. Унлаб уйлар вайрон килинди», – деб ёзишарди. Нон, сут, гушт тақчиллиги кучайди, навбатлар тобора купайиб борарди, хагто, карточкаларга ҳам озиқ-овқат маҳсулотларини топиб булмади. Ишсизлар сони тобора ортиб борарди. Қамалдаги Нахичеванда кайгу-ғам икки-уч хисса купайиб бормоқда эди. Лекин Эрондан юборилган халоскорлик ёрдами Аракс дарёси куприги орқали етиб кела бошлади. Нахичеванликлар бор иродаларини бир муштга тутиб, республикани химоя килишарди.

Озарбайжон ички ишлар вазири Искандар Ҳамидов 27 октябрь куни Бокуда 350 кишидан иборат тиш-тирноғигача куролланган «Бузгурд» отрядини ташкил килди. Қайсар Нахичеванга қарши отланган куролланган экспедицияни вазирнинг ўзи бошқармоқчи булди. Лекин айни йулга чиқиш арафасида «бекор килинсин», деган буйруқ берилди. Алиевнинг қатъияти ва жасорати ҳам, унинг позициясининг оммавий куллаб-қувватланиши ҳам, мухторият ҳукумати ва Миллий мажлисининг яқдил иродаси ҳам ҳал килувчи аҳамият касб этди. Озарбайжон Президенти бу билан ҳисоблашмаслиги мумкин эмасди. Бунинг устига тўкнашув халқаро миқёсга чиқиб кетганди. Миллий мажлисининг фавкуллда сессиясида Алиев ҳаммани ҳанг-манг колдириб, баёнот берди: «Ёрдам сўраб Россия Президенти Борис Николаевич Ельцинга мурожаат килдим», – деди у. Депутатлар бу хабарни қарсақлар билан кутиб олишди. Боку Кремлининг феъл-атворини англаб булмас хужайинининг муносабатини кутмасдан, Нахичеванин гинч қўйди. Лекин бу узоққа бормади.

Энди Ҳайдар Алиев «Янги Озарбайжон» партиясини ташкил этиш билан бевосита шуғулланиши мумкин эди. Таъсис конференцияси бўлиб ўтди, сиёсий кенгаши, бошқарув сайланди. Ҳайдар Алиев партиянинг етакчиси булди. 1992 йил декабрь ойи бошларида Муртуз Алескеров «Нахичеван» газетасига партиянинг илк одимлари хусусида катта интервью берди. «Янги Озарбайжон» партияси таъсис конференциясидан сўнг утган ун кун ичида 30 мингга яқин киши унга аъзо булди.

«Янги Озарбайжон» партиясининг куч-қуввати ва устуңлиги шундаки, – дея таъкидлади Муртуз Алескеров, – уни уткир ақл-заковатга ҳамда давлат раҳбарлигида катта тажрибага эга Ҳайдар Алиевдек атокли сиёсий арбоб бошқармоқда.

Машхур қадимги юнон муаррихи Плутарх «Ҳаётнинг қиёсий тавсифи» («Сравнительное описание жизни») асарига халқ етакчиси ўзининг ақл-идроки ва тафаккури, маънавий

поклиги, дадиллиги ва узокни кура билишидек салоҳияти билан бошқаларга ўрнак бўлиши лозимлигини ёзганди. Ушбу оддий ҳақиқатни исботлашга ҳожат йўқ, деб ўйлаймиз. Американинг буюк давлат арбоби Франклин Рузвельтни тўрт марта АҚШ президентлигига сайлашган. Буюк француз давлат арбоби де Голль ўз халқи ва мамлакатини икки марта сақлаб қолган. Франциянинг бошига яна фожиа тушгудек бўлса, уни сақлаб қола олишингиз мумкинми, деб ундан сурашганда: «Мен француз халқининг фарзандиман, агар халқ мурожаат этса, икки марта эмас, юз бора ёрдамга тайёрман», – дея жавоб берган экан у.

Тажриба буюк давлат ва сиёсат арбоблари, ўз халқига фидойи, кучли шахслар Ватан олдидаги ғоят улкан масъулиятни теран ҳис этишини кўрсатади. Дарҳақиқат, «Янги Озарбайжон» партиясининг етакчиси Ҳайдар Алиев ана шундай улкан шахслар жумласидан. Беҳад сабр-қаноатли, бағоят иродали ва заҳматқаш бу инсон ҳар соат, ҳар дақиқада Нахичеван аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш, камалдаги Нахичеван республикасига сув ва газ етказиб бериш, Туркия ва Эрондан маҳсулотлар олиб келиш хаёли билан банд эди. Мухтор Республика Олий мажлисининг раиси сифатида кунига ун тўрт – ун беш соатлаб ишларди. Иш куни эрталаб унда бошланиб, кеч соат олтигача давом этар, бир соат тушлиқдан сўнг тунги иккигача уланиб кетарди. Шундай кун тартиби бир кун ёки бир ҳафта эмас, доимий бўлиб қолганди. «Янги Озарбайжон» партияси таъсис конференцияси ўтказилаётган пайтда делегатларнинг ўзи бунга ишонч ҳосил қилишган эди. Ана шундай инсон бош бўлган партия халқнинг ишончини қозониши, атрофига одамларни жипслаштира олиши мукаррар... Бунга ишончим комил».

1992 йил 21 ноябрда Нахичеванда «Янги Озарбайжон» партиясининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Республиканинг турли минтақаларидан келган ташаббускор гуруҳларнинг 550 дан зиёд вакиллари партия дастури ва низомини тасдиқлашди. Ҳайдар Алирза ўгли Алиев бир овоздан «Янги Озарбайжон» партияси раиси этиб сайланди.

Боқудаги ҳокимият Нахичеванни жиловлаш ниятидан ҳалиям қайтмаган эди. 1993 йил апрель ойи бопида Президент Элчибей «Нахичеван Мухтор Республикасида комендатураларни таъсис этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди. Фавқулодда ҳолатлар жорий этилиши билан боғлиқ равишда Озарбайжоннинг бошқа минтақаларида ҳам комендатуралар таъсис этилаётган эди. Ҳайдар Алиев 12 апрелда Олий мажлис кенгашини чакрди. Кенгаш баёвотида курсатилганидек, кун тартибига иккита масала киритилган эди:

«1. Озарбайжон Республикаси Президентининг Нахичеван Мухтор Республикасида комендантларни тайинлаш туғрисидаги курсатмасига муносабат туғрисида.

2. Нахичеван Мухтор Республикаси аҳолисини нон билан таъминлаш туғрисида».

Нахичеван республикаси Олий мажлисининг раиси Ҳайдар Алиев фикрига кўра, «Нахичеваннинг жуғрофий ҳолатини ҳисобга олинса, бу ерда фавқулодда ҳолат бўлмаслиги лозим». Лекин, кейин аниқланишича, «Нахичеван Халқ фронти Нахичеванда ҳам фавқулодда ҳолат эълон қилишни ҳукуматдан сўраган экан». Президент шу илтимосни инобатга олибди. Энди, комендантлар ҳам тайинланган эди. Фавқулодда ҳолат шароитида ҳокимият уларнинг қўлига тўлиқ ўтиб кетарди. «Охири Президент билан боғланишга муваффақ бўлдим, – дея сўзида давом этди Ҳайдар Алиев, – Нахичеван Мухтор Республикасида фавқулодда ҳолатга зарурат йўқлигини маълум қилдим. Бу ерда ҳозирча тинчлик. Шусиз ҳам қамалдамиз, дедим. Бундай қарорлар нега Нахичеван раҳбарияти билан келишилмайди? Воқеалар моҳиятини билмайдиган бир неча одамнинг сўзига қяриб, нега Нахичеванда фавқулодда ҳолат эълон қилинмоқда. Ушбу фармонни ноқонуний деб ҳисоблашимни, бу ерда ҳеч қандай фавқулодда ҳолат бўлиши мумкин эмаслигини Элчибейга маълум қилдим. Нахичеван аҳолисини мен мудофаа қиламан... Биз ҳамкорлик йўлини тутган эдик. Сиз эса, аксинча, комендант тайинляяпсиз. Қонун ҳаммага баробар. Мухтор Республикада комендант бўлиши мумкин эмас. Бу хил ноурин ишлар Президентни ёмон аҳволга солиб қўяди. Бундай бўлиши мумкин эмас, деди Президент, билайлик-чи, кимни комендантликка тайинлашибди. Дастлаб, мудофаа вазири комендант этиб тайинланиши керак, дейишди. Энди эса, аввалги қарорларга зид уларок, полиция бошлиқларини комендант этиб тайинлашибди».

Олий мажлис раиси олиб борган ушбу кенгашда вазирлар, депутатлар, Нахичеван ва унинг олти райони – Сада-рак, Шарур, Бобак, Шохбуз, Жулфа, Ордубад раҳбарлари йиғилишганди.

«Бир умр қонунга амал қилиб яшаб келдим, – деди Ҳайдар Алиев ҳаяжонга тўлиб, – шу боис қонун бузилишига йўл қўймайман. Келинглар, позициямизни аниқлаб оламиз. Зангиладан келганларнинг айтишига қараганда, у ерда ҳеч ким яшамаётган экан. Фузулий, Ағдам ва бошқа аҳоли пунктларида ҳам аҳвол шундай. Саъй-ҳаракатларимиз туфайли Нахичеван аҳолиси хавф-хатарсиз яшаётган экан, нега энди улар халқимизни ўлим хавфи остида қолдирмоқчи? Нахичеванда фавқулодда ҳолатни жорий этиш нима учун зарур бўлиб қолди? Искандар Ҳамидов халқимиз бошига ташвиш

солмоқчи бўлса, бунга йўл қўймайман. Нахичеван шусиз ҳам фавкулудда ҳолатда яшамоқда. Бу қарор бекор қилиниши зарур. Бундан катта хавотирдаман. Улар кескинликни авж олдиришмоқда. Бу ерда низо уруғини сочмоқчи бўлганларни оғохлантираман: халқни шундай аянчли аҳволга олиб келганингиз етар! Искандар Ҳамидовнинг ноғорасига ўйнаётган айрим кишилар Нахичеванда туполон чиқармоқчи. Президент атрофидаги одамлар унинг оёғига болта уришмоқда. Бу ер – киндик коним тўқилган жой. Шу ерда туғилдим, шу тупроқда жон бераман. Менга етиб келаётган маълумотларга караганда, арманлар районларимизга беҳосдан бостириб кириб, бульдозерларни ишга солишмоқда, уй-жойларни бузиб, текислаб, жуфтакни ростлашмоқда, экан.

Буларга чидаб туrolмайман! Номус-орли озарбайжонликлар ушбу ҳудудлар арманлар қўлига ўтиб кетишига қандай тоқат қилишади. Биз Нахичеванни мудофаа қилишимиз лозим. Бекорга Президент олдига кириб, уни чалғитмаслик керак! Бу ерда утирган уртоқларни ва барча нахичеванликларни бирдамликка даъват этаман. Қурбим етганча иш қилиб келдим ва бундан буён ҳам шундай қиламан. Биттагина талабим, кимларнингдир шахсий манфаатлари деб Нахичеванни арманларга сотмасинлар».

Алиев залга разм солди: саволлар борми? Таклифлар-чи? Саволлар бор эди ва улар, аввало, қишлоқлар оралаб юрган узунқулоқ овозлар хусусида эди: «Тер-Петросян (Арманистон президенти. – *Муалл.*) Сиз билан музокара олиб бориб, Нахичеванни бушатиб қўйинг, деган эмиш. Хавфсизлик вазирлиги бундай ғийбатларга чек қўйсин».

«Бир неча ой булиб қолди, Тер-Петросян билан мулоқот олиб бораяпман, – жавоб берди Алиев. – 1992 йил октябрдан бери у билан гаплашмадим. Нахичеван мудофаасини ўз зиммамга олдим. Нахичеванни ҳимоя қилиш ҳарбий қисмимизга ишониб топширилган. Биронта ҳам нахичеванлик бу ердан бош олиб кетмайди. Агар хонлик, сотқинлик халал бермаса, республика хавфсизлигини таъминлаймиз».

Сунг кенгашнинг иккинчи – нон масаласига утилди. Ун йўқлиги боис район нонвойхоналари уч-тўрт кунлаб ишламаётганди.

«Ҳар икки кунда нон танқислиги муаммоси юзага чиқмоқда, – деди Алиев. – Аббосов кенгаш иштирокчиларига шу хусусда қисқача ахборот берсин». – «Кеча Эрон Ислоҳ Республикаси билан келишиб олдик, – дея Мухтор Республика бош вазирининг биринчи ўринбосари ҳисобот бера бошлади. – Ун билан бугдой жўнатишгани хабарини олдик. Шаҳар ички ишлар бўлимига нон заводлари муҳофазасини таъминлаш юклатилди».

Кенгашни яқунлар экан, Алиев ҳар доимгидек, вазирлар, шаҳар ва район ҳокимиятлари нималар қилиши зарурлигини белгилаб берди. Аббосовга Эрон Ислоҳ Республикаси билан «муттасил алоқада бўлиш ва Олий мажлисни хабардор қилиб туриш» вазифаси юклатилди.

1993 йил 10 май. Ҳайдар Алиев 70 йиллиги муносабати билан табрикларни қабул қила бошлади. Газеталар Озарбайжон Президенти Абулфаз Элчибей табригини босиб чиқарди:

«Хурматли Ҳайдар бей!

Сизни етмиш ёшингиз билан қутлайман, энг самимий истакларимни билдираман.

Юз йиллар мобайнида халқимиз ҳуррият орзуси билан яшаб келди, қўлаб буюқ арбобларимиз, сиёсатчилар, ҳарбийлар, адабиётчилар истиқлол ғояларининг тантанаси ва мустақил давлатчиликка эришиш йўлида ҳаётларини қурбон қилишди. Эндиликда ушбу орзу-умидларни ҳаётга татбиқ этиш вазифаси, ғояларни амалга ошириш шарафи бизнинг зиммамизга юклатилди.

Сиз билан ғоят самимий шароитда кечган биринчи учрашувимизда умумий ишда яқдил эканлигимизга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим, эзгу ишларга ўзингиз ҳам кўп куч сарфладингиз.

Узоқ умр тилайман, меҳнатингиз самарасини тотиб юриш насиб этсин».

Катта сиёсатда ҳар бир сўз салмоқли бўлади: «Эндиликда вазифа...бизнинг зиммамизга юклатилган». Демак, Президентнинг телеграммасини ўқиган тор фикрловчи одам: Элчибей билан Алиев ҳамфикр экан-да, деган ҳаёлга бориши мумкин. Йук! Президент матбуот хизматининг ўша учрашувга оид расмий хабаридан кейин Ҳайдар Алиев ҳам ўз ахборотини тайёрлашни буюрди. Расмий хабарда айтилишига қўра, учрашувда суҳбат мавзуси асосан Нахичеваннинг оғир қамал ҳолатидаги ижтимоий-иқтисодий ахvoli, уни ҳал қилиш йўллари ҳақида борди. Яна расмий хабарда қайд этилишича:

«Озарбайжоннинг ички ва ташқи сиёсатига оид баъзи масалалар юзасидаги фикр алмашилди.

Республика Президенти ушбу учрашувнинг фойдали кечганлигини таъкидлаб, давлат аҳамиятига молик муҳим масалаларни Озарбайжоннинг атоқли ижтимоий-сиёсий арбоблари билан ҳамкорликда муҳокама қилиш мураккаб муаммолар ечимини топишда, шубҳасиз, ижобий аҳамият касб этгани, деди.

Умуман, учрашув ҳамма учрашувлар катори эди... Бироқ Озарбайжон Президенти белгиланган иш режасини бузиб, бир

ҳафта бурун учрашувда яна ким билан сурункасига саккиз соат суҳбатлашди?

Орада даҳанаки баҳс ва гортишувларга ҳам утиб турилган уша суҳбатдан кейин Ҳайдар Алиев «Янги Озарбайжон» партиясининг Бокудаги резиденцияси биносига ўз тарафдорлари билан учрашувга келди. «Бакинский рабочий» газетаси шундай ёзиб чикди. Резиденция дегани эски уйнинг бир неча хонасидан иборат эди. Лекин муҳими шуми?

«Озарбайжон Президенти билан учрашувимиз батафсил бўлди, – деганди Ҳайдар Алиевич ўшанда. – У саккиз соатга яқин давом этди».

«Шахсий юмушлари билан Бокуга келган Ҳ.Алиевнинг сузларига караганда, – дея таъкидлашда давом этади газета муҳбири, – Абулфаз Элчибей билан учрашувда Озарбайжон мустақиллигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, республикадаги ижтимоий-сиёсий вазият, қамалдаги Нахичеваннинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари муҳокама қилинди. Янги партия расининг фикрича, у етакчилик қилаётган ташкилот 1993 йил Озарбайжонда давлат қурилиши йили деб эълон қилиниши билан боғлиқ барча тадбирларда фаол иштирок этиши даркор. Бокудаги резиденцияда кечган суҳбатда у партия аъзоларини Озарбайжоннинг ҳудудий яхлитлигини сақлаш учун курашга чақирди».

Дарҳақиқат, катта сиёсатда ҳар бир суз салмоқли, бу нарсани Ҳайдар Алиев бошқалардан кўра кўпроқ билар ва ҳис қиларди.

У юбилейи шовқин-сурон билан ўтишини истамай, кун бўйи оила аъзолари даврасида ўтказмоқчи бўлди. Яқинда ўгли Туркиядан келди... Аммо, жанговар позицияларидан бир-икки кунга қўйиб юборилган аскарлар, жангчилар билан учрашмай бўладими! Элчибей 9 майни нишонлашдан маҳрум этган боқулик уруш фахрийлари билан учрашувни рад этиш мумкинми? Илҳом отасини жон қулоғи билан тингларди.

– Бизнинг Нахичеванда Ғалаба куни аввалгидек байрам қилинади, – деди Мухтор Республика Олий мажлисининг раиси.

– Ҳайдар муаллим, ушбу байрам Сиз туфайли Бокуга ҳам қайтади, у бутун халқимиз учун гоят кадрли.

Бокудан журналист Светлана Мирзоева учиб келди. Бир ҳаваскор олган, анча уникқан суратни совға қилиб олиб келибди: афсунгар раққоса, машҳур балет устаси Гамэр Олмасзода, кизалоқ Зарифа ва акаси Тамерлан акс этганди.

Ҳайдар Алиевичнинг чехрасига нур югурди:

– Бир умр Зарифага ошику бекарор эдим...

Кейин ташвишларини унутиб, ҳаётда учрашган буюк санъаткорлар, рассомлар ҳақида сузлади.

– Шеърят, театр, мусиқа, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик – булар мен учун жозибадор, муъжизакор дунё билан дийдорлашишгина эмас; таассурот ва тасаввур алмашиш, хордиқ чиқаришгина ҳам эмас. Санъатдан куч-қувват олардим, унда некбинлик кураман, ҳаёт шодликларини туяман. Санъат арбоблари билан мулоқотдан туб билимларни оламан. Ҳаётдаги, инсоний муносибатлардаги чуқур гузалликни ҳис этаман.

Атоқли санъаткорлар Ҳайдар Алиевни узларининг ҳамкасби, ҳаммуалифи деб билишарди. Машҳур Муслим Магомаев оилавий концертларнинг бирида Алиев ижро этган қўшиқни тинглаб, ширали овозидан ҳайратга тушганди. Наҳичеванлик оксоқоллар Ҳайдар ижро этган ролларни куриш учун шаҳар театрига борганликларини ҳали-ҳануз роҳатланиб эслашади... Дарҳақиқат, рассом, актёр, архитектор ҳам бўлиши мумкин эди у. Лекин ҳаёт ўзга йўлни танлашга даъват этди. Сиёсатчи рутбасида у халқи учун кўпроқ фойда келтирди. Халқ ҳам, парламентга сайланганлар ҳам буни тез орада англаб оладилар.

1992 йили Озарбайжон долғали уммондаги дарғасиз кемани эслатарди. Республика бўлиниб кетиш, миллий мустақиллигини йўқотиш хавфи остида қолганди.

1992 йил 18 майда мамлакат Миллий мажлиси сессиясида халқ депутати Элдор Иброҳимов халқни ҳалокатдан сақлаб қолишга қодир кишини парламент раиси этиб сайлаш таклифни илғари сурди. Ушбу қийин вазифани давлатни бошқаришда улкан тажриба орттирган, сиёсатчи Ҳайдар Алиев уддалай олади, дея таъкидлади. Афсуски, ушанда Элдор Иброҳимов таклифини ҳамкасблари қўллаб-қувватлашмади.



## ТУҶСОН УЧИНЧИ ЙИЛ

1993 йил май – июнь, Нахичеван – Боку

Синчков журналист, бугунги кунда Нахичеван Мухтор Республикаси Миллий мажлиси аппаратининг раҳбари Али Ҳасанов ҳафсала билан кунма-кун қайд этиб борган солнома саҳифаларидан бир ҳолат: Алиев кабинетидан керосинли лампа-чирокни олиб чиқишгани жой олмай қолди. Матбуот котиби лампани узида қолдириш ҳақида курсатма берди. Ҳатто, шкафга жойлаб, қулфлаб ҳам қўйди. Чирок ўчиб қолгудек бўлса, раҳбарнинг лампасидан фойдаланиш учун эмас, албатта. Хаёлан уни келгусида Алиев музейига қўйилажак камёб ашёлар орасида қурди.

Дарвоқе, вақти келиб шундай бўлди ҳам. Солномадан жой олишга муносиб бўлган нарсалар чиндан ҳам музейдан жой олди. 1993 йил июнида Нахичеван Эрон электр қуввати тизимига уланди. Камал туфайли ҳар жиҳатдан узиб қўйилган республикага Табриздан газ қувурлари тортиб келинди.

Ушбу янгиликка ҳаммадан бурун Нахичеван бозори аксадо берди: керосин лампанинг нархи тушди; русларнинг ноумид фомасининг озарбайжон фольклоридаги биродари. Кофирмонандларгина лампаларни ҳар эҳтимолга қарши сотиб олиб қўйишарди.

Ҳайдар Алиевичнинг 70 йиллиги арафасида «Бакинский рабочий» газетаси журналисти у билан суҳбат ўтказиш учун ижозат сўради. Алиев таклифни қабул қилди; мухбирнинг ҳамма саволларига бажонидил жавоб берди; хайрлашаркан, суҳбат босилиб чиқишига шубҳаси борлигини айтди. Дарҳақиқат, билиб айтган экан. 10 май ҳам, 20-си ҳам ўтди. Июнь ойи ҳам келди-ю, «Бакинский рабочий»дан садо чиқмасди. Суҳбат 10 июндагина босилиб чиқди. Унга «Озарбайжоннинг бахтли келажагига ишонаман», деб сарлавҳа қўйилганди.

Матбуотдан йироқ кишига мақоланинг кечикиб босилиши оддий ҳолатдек туюлиши мумкин. Мамлакатнинг чекка минтақаси сиёсатчиси, автономия раҳбари билан суҳбат бир ой олдин чиқдими ёки кейинми, нима аҳамияти бор, дегандай.

Бирок 1993 йил май ойидаги Озарбайжон билан ирондаги Озарбайжон – икки хил мамлакат, деган эди. Ганжада<sup>1</sup> (совет даврида, Киров ўлимидан сўнг ушбу шаҳар Кировобод деб аталди; ундан олдин чор қўшинлари Закавказьени забт этгач, Елизаветград деб ном олди; Октябрь инқилобигача Елизаветполь губерниясининг маркази ҳисобланарди) кечган воқеалар мамлакатни иккига ажратиб турарди.

Ганжа қуп асрлик умрида анча воқеаларни бошдан кечирди; хонликка таҳдид солган қанчадан-қанча босқинчиларга қарши мардона кураш олиб борди; қаҳрамон химоячиси Жаводхонни ҳам ёдидан чиқармади: у 1803 йили Кавказнинг бош қўмондони, рус генерали Цициановнинг «Россия тобелигидаги мулкдор хон бўлиб қолиш тўғрисидаги таклифини қабул қилиш тугул, унга жавоб ҳам беришни эп кўрмаганди: бу таклифни бемаъни, ўзи учун ҳақорат деб билганди. Ганжа ҳаммасини қуриб, билиб турарди: лекин ҳар ким ўз ёғига ўзича қовриларди.

### Полковник Ҳусайнов танклари

Полковник Суръат Ҳусайнов қўмондонлигидаги 7097-сон ҳарбий қисмни «қуролсизлангириш операцияси» 4 июнь эрталаб соат 6 да бошланди. Ҳарбий қисмга президент гвардияси, Миллий хавфсизлик министрлиги, ички қўшинлар бўлинмалари ҳужум қилди. 68 нафар ҳарбий хизматчи ва фуқаро ҳалок бўлди. 12 аскар ҳужумни қайтариш чоғида, танк занжир-ғилдираклари остида мажақланди. Ҳукумат қўшинлари тор-мор келтирилди – 1200 таси асир олинди, шундан 180 нафари офицер эди. Чамаси, улар ўз хоҳиши билан Суръат Ҳусайнов томонига ўтганди. Боиси, улар ҳам, Суръат сингари, порахўр тузумни химоя қилишни истамаган қуринади.

Ганжадан қайтган парламент комиссияси ҳисоботини эшитгач, депутатлар миллий телевидение орқали тўғридан-тўғри кўрсатув бериш керакми ёки йўқми, деган масалада икки соат баҳс олиб боришди. Президент Элчибей билан Миллий мажлис раиси Исо Қамбаров кўрсатув республикадаги шусиз ҳам тараф вазиятни янада жунбишга келтиради, деб ҳисоблашарди. Қўпчилик депутатлар уларга қўшилишмади. 8 июнь соат 19.30 да тўғридан-тўғри кўрсатув бошланди.

Шу санага ҳам диққатни қаратайлик.

Ҳайдар Алиев ҳали Нахичеванда эди. Элчибей кўнига икки-уч марта кўнғироқ қилиб, Боқуга тезроқ етиб келишни ва мамлакатни парокандаликдан сақлаб қолишни ўтиниб сўрарди.

<sup>1</sup> Ганжа - аҳолисининг сони жиҳатидан Боқудан кейинги иккинчи шаҳар, йирик саноат, илм ва маданият маркази; Россияга қўшилгунга қадар Ганжа хонлигининг пойтахти эди.

Полковник Хусайнов танклари одамлар юрагига ғулгула солиб, Боку томон ўрмалаб борарди.

Элчибей Алиевни олиб келиш учун шахсий самолётини икки марта юборди, лекин экипаж ҳар гал Ҳ. Алиевсиз қайтиб келди.

7 июнь куни Алиев Мухтор Республика Олий мажлиси билан Нозирлар Кабинети (Вазирлар Маҳкамаси) раҳбарларини қўшма мажлисга йиғди. Ганжа ва Бокудан узук-юлук хабарлар олиб турилибди. (Озарбайжон Миллий мажлисидан туғридан-туғри олиб бериладиган курсатув кеч соат саккизда бошланар эди).

– Элчибей билан телефонда гаплашдим, – деб хабар берди Олий мажлис раиси ҳамкасбларига. – У, Суръат Хусайнов қўшинни оёкка тургазиб, ҳукуматга қарши чиққанлигини айтди. Бизга маълум бўлишича, бир қанча оқсоқоллар Суръат Хусайнов билан музокаралар олиб бориш учун Ганжага йўл олишган. Натижа ҳали маълум эмас. Шунга қарамай, Нахичеван республикаси Олий мажлиси ушбу воқеаларга муносабат билдириб, баёнот қабул қилиши керак, деган таклиф бор.

Баёнот лойиҳаси муаллифлари ҳаммани яраштиришга, «халқни Президент атрофида жипслаштишга» даъват этганди.

– Биз узил-кесил хулоса чиқара олмаймиз, боиси, бизга ҳеч нарса аён эмас, – дея эътироз билдирди Ҳайдар Алиев. – Шу сабабли барча масъулиятни зиммамга ололмайман ва аниқ фикр айтолмайман.

У ҳамкасбларининг мулоҳазаларини диққат билан тинглар, ким биландир баҳслашар, кимнидир ним табассуми, қўл ҳаракати, бир-икки оғиз сўзи билан қўллаб-қувватларди: «бизнинг мурожаатимиз халқнинг бирлиги ва жисплигига қаратилмоғи лозим». «Халқ катта ҳалокат – фуқаролик уруши ёқасига келиб қолган. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди».

Нахичеваннинг салобатли овозини бутун Озарбайжон тинглади:

«Биз ҳаммани миллий жипсликка, фуқаролик бирдамлигига даъват этамиз. Ишончимиз комилки, Ганжа воқеалари синчиклаб урганилади, баҳсли масалалар бутун Озарбайжон манфаатлари йўлида, миллий давлатчилик қурилиши йўлида, музокараларда, ўзаро тушуниш ва тинчлик йўли билан бартараф этилади.

Элчибей Алиевнинг уйига ҳам, ишхонасига ҳам қўнғирок қиларди.

– Элчибей билан телефонда гаплашдим ва Бокуга боришдан бош тортдим, – дея эслаган эди кейинчалик Алиев. – Тўққизинчи июнда Суръатнинг қўшинлари Бокудан юз километрча масофада турарди. Унинг одамлари ўзини ҳақоратланган ҳис қилар, «Бокуга етиб борсак, жиноятчиларни симёғочга осамиз», дейишарди. Элчибей мени йўқлаб яна

самолётини юборди, келишимни ўтиниб сўради. Охири бо-ришга рози бўлдим.

Очиғини айтсам, фалокат ўчоғига бориш юрагимга гулгула соларди; бироқ боришим зарурлигини билардим, зеро, халқ тақдири ҳал бўлаётган эди. Етиб бордим, Элчибей билан бир неча соат суҳбатлашдик. У сафдоши Паноҳ Хусаинов эгаллаб турган бош министр лавозимини таклиф қилди. Рози бўлмадим. Улар ҳаммаси Элчибей ҳузурига йиғилиб, гапларимни тинглашарди. Уларнинг жиноятко-рона бошқаруви ҳақида ўйлаганларимнинг барини айтдим. Исо Қамбаров (Миллий мажлис раиси. – *Муалл.*) ўзини ту-толмай бўғриқиб кетди: «Бизга йўл-йўриқ кўрсатасиз, деб ўйлаган эдик; аксинча, айблов хулосасини айтяпсиз». Асли-да ҳам шундай эди.

Бу уларнинг биринчи учрашуви эмасди. Юқорида ай-тиб ўтганимиздек, февраль ойидаги учрашувда саккиз соат суҳбатлашишган эди. «Бундай сиёсат ҳалокатга маҳкум», – де-ганди ўшанда Ҳайдар Алиев Элчибейга. Бунга жавобан нима-ни эпитган эди? «Биз бошқаришни ўрганмоқдамиз. Майли, тажрибасизлар тажриба орттирсин. Тажриба орттиришмаса, уларнинг ўрнига бошқаларни кўямиз». – «Ахир, халқ устида тажриба ўтказиш мумкинми?» – эътироз билдирганди кекса киши ҳокимиятга буркалган ҳамсуҳбатига.

10 июнда «Бакинский рабочий» газетасида эълон қилинган мақола ана шу суҳбатни давом эттиргандек бўлди.

Республикадаги энг машҳур газеталардан бирининг саҳи-фалари орқали Мухтор Республика раҳбаригина эмас, балки, ҳар доимгидек, бутун мамлакат учун масъул бўлган атоқли сиё-сатчи сифатида вағандошларига мурожаат қилганди. Ҳайдар Алиев ҳал этилиши шарт бўлган муҳим масалалар – уруш-ни тўхтатиш, иқтисодни таназзулдан олиб чиқиш йўллари тўғрисида фикр юритганди...

«Суверенитет, миллий мустақиллик – Озарбайжоннинг бе-назир бойлигидир. Лекин уни мустаҳкамлаш қўшни давлатлар, яъни ва узоқ хорижий мамлакатлар билан амалий, иқтисодий, маданий алоқаларни йўлга қўйишга монелик қилмайди. Хужалик алоқаларининг узилиши кимга наф келтирди? Собик СССРдаги биронта ҳам республика бундан фойда кургани йўқ! Ҳатто, кудратли Россия, Украина, Беларусь сингарилар ҳам. Янги алоқаларни ўрнатиш учун қанча вақт керак бўларкин? Тусмоллаб, гоҳида зарар кўриб, изланаётган ҳар бир мамла-катни, шу жумладан Озарбайжонни ҳам қанчадан-қанча хавф-хатар кутиб турган экан?

Озарбайжондан аҳолининг бир қисми чиқиб кетмоқда. Баъ-зилар собик СССР шаҳарларига кетаётган бўлса, айримлар яна-ям узоқроққа – АҚШ, Исроил, Германияга равона бўлмоқда.

Боку ўзининг бу ерда яшаб келганлар учун қулай бўлган интернационал маданият шаҳри, деган рутбасини йўқотмоқда.

Аниқ айтаманки Озарбайжон турли жабхаларда эришган ютуқларини деярли юз йиллар давомида шаклланган ана шу кўпмиллатли ижтимоий-маданий муҳитда қўлга киритганди.

Ва, Озарбайжонни асосан, рус тилида иш олиб борадиган озарбайжонликлар тарк этаётганини асло кечириб бўлмайди. Улар, одатда Москва, Ленинград олий ўқув юртларида тахсил олиб қайтган юксак малакали мутахассислардир.

Дарвоқе, мен раҳбарлик қилаётган «Янги Озарбайжон» партияси турли миллатга мансуб кишилар ўртасида ўзаро ишонч, дўстлик, қардошлик муҳитини қарор топтириш учун фаол курашмоқда».

Шу сўзлари тугар-тугамас мухбир ҳамсухбатига Коммунистик партия сафидан чиққач, бошқа ҳеч қандай партияга аъзо бўлмайман, деган ваъдасини эслагди.

«Ҳаммаси тўғри, – деди Ҳайдар Алиевич, – лекин «Янги Озарбайжон» партияси ҳаёт тўғрисидаги менинг тасаввуримга ҳамоҳанг кўплаб мақсадларни илгари сурдики, унинг сафига киришгагина эмас, балки раҳбари бўлишга ҳам қарор қилдим. Ушбу партия ўзининг чинакам демократик интилишлари билан кўплаб аъзоларни – ижодий, илмий-техник зиёлилар, деҳқонлар, ишчилар вакилларини ўз сафларига жалб этмоқда.

«Янги Озарбайжон» партиясининг энг асосий мақсади одамларни душман, Қорабоғ уруши, у билан боғлиқ харобаликлар юзага келтирган улкан хавф олдида бирлаштиришдан иборат.

Мен кийин ва лекин бахтли ҳаёт кечирдим. Бошимдан кечган яхшиликлару ёмонликлар, қувончлару ғам-андуҳлар – барчаси менинг бойлигим, мулкимдир. Катта сиёсатга қайтишимга сабаб ёмонликларни эслаш ёки ким биландир ҳисоб-китоб қилиш эмас, балки одамларга, Озарбайжонга қўлимдан келганча яхшилик қилишдир.

Мен реалистман, бинобарин, Озарбайжонда юзага келган аҳволнинг бутун оғирлигини кўриб турибман. Бирок мен эртанги кунга назар ташлайман, шундай шароитда ҳам бардош берган халқнинг кучига ишонаман; у харобаларни тиклай олади, янги ҳаётни барпо этади. Юз минглаб ёшлар ёстигини қуритган Улуғ Ватан урушидан кейин жароҳатларни даволаб, ҳаётини изга сола олди-ку. Озарбайжоннинг бахтли келажагига ишонаман».

Газетанинг айни шу сонида, мазкур суҳбат келтирилган саҳифасида Ганжадаги жанглар тафсилоти, қонли тўқнашувларни жойида урганган ҳукумат комиссиясининг ахбороти ҳам ёритилган эди. Қонли воқеалар таҳлили парламентнинг фавқулодда сессиясида давом эттирилди; вазирлар-

нинг истеъфога чиқиши, президентнинг тунда ғойиб бўлиши билан яқунланди... Воқеаларни бир чеккадан ҳикоя қиламиз.

11 июнда Миллий мажлис раиси Исо Қамбаров истеъфога чиқди. Бир гуруҳ депутатлар Ҳайдар Алиевни раис этиб сайлаш ҳақида таклиф киритди. У рози бўлмади: Суръат Ҳусайнов билан кўришиш учун сессияни бир неча кунга кечиктиришни таклиф қилди.

«У билан аввал таниш эмасдим. Ганжага, олдига учиб бордим. Тун буйи гаплашиб чиқдик. Эрталаб мени шаҳарга бошлади; аёвсиз жанглар изини, харобага айланган биноларни, ёнган уй-жойларни бориб кўрдик. Ёвуз жиноят изларига гувоҳ бўлдим. Бокуга қайтиб, Миллий мажлис таклифини қабул қилдим; 15 июнда раис лавозимига сайландим. Биргина мақсад – фуқаролар урушининг олдини олиш учун ана шу ишга кўнгандим.

16 июнда Суръатнинг кўшини Халқ fronti ҳарбий тузилмалари билан тўқнашди. Икки ўртада кечган жангларда ўлганлар бўлди. Биродаркушликка йўл қўёлмасдим; шусиз ҳам кейинги йилларда озмунча қон тўқилдими. Суръат билан кўшинлари Бокуга кирмаслиги, пойтахтда жанг бўлмаслиги ҳақида келишгандик. Кейинчалик нималар кечганлиги ўзингизга аён. Натижада Ганжадаги воқеаларни текшириш учун комиссия тузилди; комиссиянинг хулосаси қуйидагича эди: Халқ fronti ўз етакчилари қиёфасида жиноят содир этди. Кейин мажлис сессияси бўлди. Бош айбдорлар депутатлик дахлсизлигидан маҳрум этилди ва камокқа олинди. Бокуга шу тариқа қайтиб келдим».

## Қайтмиш

Аниқлаб олайлик: Ҳайдар Алиевич Алиев Озарбайжон Республикаси Миллий мажлиси раислигига яширин овоз бериш йули билан сайланди. Мутлақ кўпчилик унинг учун овоз берди.

Депутатларга, халққа илк мурожаатида у ўзига билдирилган юксак ишонч учун миннатдорчилик изҳор этди. Сўнг Озарбайжон Республикасининг тарихий зафари – мустақиллигини ҳимоя қилиш, мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан иборат ўзининг бош мақсадияни маълум қилди. ОРнинг суверенитети 1918 йили ташкил топган биринчи Озарбайжон Демократик Республикаси анъаналари асосида, бутунги талабларга, ҳозир жаҳонда кечаётган жараёнларга вобаста таъминланиши лозим.

Энди муҳолифатдаги сиёсатчи эмас, парламент бошлиғи, мамлакатдаги барча нарса учун масъул раҳбар сўзлаётган эди. Тўғри, яқиндагина сайланган давлат бошлиғи Элчибей ҳам бор эди; лекин у давлат тизгинини шитоб билан қўлдан чиқариб

борарди. Аини шу дамларда Алиевнинг давлат арбоби ва зукко сийсатчи сифатидаги характери: вазиятларни аниқ баҳолаши, келажакни кўра билиши, белгиланган мақсадга етишишдаги жасорати ёрқин намоён бўлди.

Уша кунлари тез ўзгариб турган гоҳ фожиали, гоҳ қайғуга йўғрилган воқеалар орасида Ҳайдар Алиевнинг ушбу нутқи Озарбайжондан четда деярли маълум бўлмади. Унда нотик ўзининг қатъий позициясини эълон қилганди. Миллий мажлис йиғилиши стенограммасидан олинган ушбу қондаларни келтирамиз.

«...Умримнинг қолган қисмини фақат ва фақат суверен давлат бўлган Озарбайжон Республикасини ривожлантиришга бағишлайман. Озарбайжон Республикаси энди ҳеч қачон мустақиллигини йўқотмайди; бирон-бир давлат таркибига кирмайди; биронта давлатга қарам бўлмайди. Аҳён-аҳёнда гўё, Совет Иттифоқи яна тикланаркан ва Озарбайжон Республикаси унинг таркибига кираркан, деган узунқулоқ гаплар ҳам пайдо бўлмоқда. Буларнинг ҳаммаси хом хаёл. Бу хил уйдирмаларни кескин инкор қиламан, Озарбайжоннинг барча фуқароларини бундай уйдирмаларни рад этишга чақираман».

Уша кунларда Арманистон билан уруш давом этарди. 1993 йил 14 июнда, Ҳайдар Алиев Миллий мажлис раислигига сайланиши арафасида Россия, Қўшма Штатлар ва Туркия ташаббуси билан Озарбайжон ва Арманистон икки уртадаги жанговар ҳаракатларнинг тўхтатилишига олиб келувчи ҳужжатга имзо чекишди.

«Мустақиллик ва суверенитетни таъминлаш учун Озарбайжон Республикасининг Арманистон томонидан босиб олинган ерлари қайтарилиши лозим», – дея таъкидлади Алиев Миллий мажлис раиси лавозимидаги биринчи нутқида. «Ишончим қомилки, Озарбайжон ўз ҳудудларининг эгаси бўлиши зарур».

Ганжа оловли ҳудуд бўлиб қолганди. У ерда содир булган воқеалар Озарбайжон учун парчаланиш, фуқаролар уруши хавфини соларди.

«Кеча (1993 йил 14 июнь. – *Муалл.*) Президент Абулфаз Элчибей билан муфассал суҳбатлашдим, – дея сўзини давом эттирди Ҳайдар Алиев Миллий мажлис минбаридан, у овоз чиқариб фикрлаётгандай эди гўё. – Ганжада ҳам ўзим билан борган одамлар иштирокнда Суръат Ҳусайнов билан юзма-юз музокаралар олиб бордим. Шу боис, барча сазъ-ҳаракатларимиз ана шу кескинликни, тўқнашувни бартараф этишни таъминлайди, деб ўйлайман. Асло қурол ишлатиш тарафдори бўла олмайман. Ушбу кескинлик, қарама-қарши туриш тинчлик, ярашиш, ўзаро тушуниш, музокаралар йўли билан ҳал этилиши зарур».

Ҳайдар Алиевич «халқ донишмандлигига, нуфузли шахслар, зиёлилар, оқсоқолларнинг ҳамкорликдаги сазъ-

харакатларига» катта умид боғлайди. «Озарбайжонда узок йиллардан бери ҳамжихат яшаб келаётган этник гуруҳлар, халклар ўртасидаги муносабатлар ҳозир муайян даражада бузилгани ҳам» уни ташвишга солади. Озарбайжон ўн йиллар, юз йиллар мобайнида ушбу заминда яшаётганлар учун жонажон Ватан бўлган, келгусида ҳам шундай бўлиб қолиши даркор.

«Озарбайжон ҳудудида истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро, қайси миллатга мансублигидан катъи назар, тенг ҳуқуқларга эга бўлиши лозим. Ана шу принципга амал қилсак ва уни рўёбга чиқарсак, республикамызда яшаётган барча халклар, этник гуруҳларнинг тулик бирлашувини таъминлаймиз ва буни, шак-шубҳасиз, рўёбга чиқаришимиз даркор».

Миллий мажлис янги раиснинг ташки сиёсати қандай бўлади? Нималарни устувор деб белгилайди? Алиев халқаро ишлар хусусида сўз очганда гурли мамлакатлар дипломатлари, журналистлар қаламини чархлашга туширди.

«Озарбайжон Республикаси барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли муносабатларни йўлга қўяди деб ҳисоблайман. Биринчи гада яқин қўшниларимиз билан лозим даражада маданий, иқтисодий, давлатлараро муносабатлар жорий этилиши зарур. Шу маънода Туркия жумҳурияти билан мавжуд алоқалар республикамыз аҳолиси томонидан маъқулланмоқда. Қўшни Эрон Республикаси билан алоқаларимиз янада яхшиланиши ва ривожлантирилиши лозим. Шимолий қўшнимиз Россия бағоят қудратли давлат. Россия билан Озарбайжон ўртасидаги мустақиллик принципларига асосланган муносабатлар бундан буён ҳам ривож топтирилиши шарт. Собик Совет Иттифоқи таркибига кирган барча давлатлар билан узаро алоқаларни йўлга қўйишимиз даркор; ушбу давлатлар билан жипс иқтисодий, маданий алоқалар куп йиллар, асрлар давомида шаклланиб келганди. Мазкур алоқаларни узиб бўлмайди. Уларни ривожлантириш Озарбайжон Республикасининг мустақил давлат сифатида шаклланиши ва ривожланиши учун, шубҳасиз, ёрдам беради. Республикамыз жаҳон миқёсига чиқиб олди. АҚШнинг республикамызга муносабати бизни қувонтиради; мазкур муносабатларни янада кенгайтириш ва ривожлантириш лозим, деб ҳисоблайман».

Ҳайдар Алиевич жим бўлиб қолган залга боқди. Миллий мажлис депутатлари уни жон қулоғи билан тинглашарди. Уни бутун Озарбайжон тингларди. Операторлар телекамераларини қулдан қўйишмасди. Парламентдаги гапдонликларга қўниқиб қолишганига қарамай, ота ўз ўғил-қизига гапирётгани сингари мамлакатга мурожаат қилаётган бу кишининг жозибадор сўзларига берилишганини пайқамай қолишди.

«Миллий мажлис йнгилиши минбаридан туриб Озарбайжоннинг барча фуқароларига, ака-укаларимиз, опа-сингилла-



римизга, фарзандларимизга мурожаат қилаяпман: республика-миз ҳозир оғир аҳволда.

Яна қайтараман, ҳозирги пайтдаги энг муҳим вазифа-миз босиб олинган ерларимизни қайтиб олишдан, Озарбайжоннинг ҳудудий яхлитлигини тиклашдан иборат. Шу боис ҳар қандай ички низоларга, тўқнашувларга барҳам бериш лозим. Барча Озарбайжон халқига, Ганжа аҳолисига, Озарбайжон Республикасининг депутати Суръат Хусаиновга, унинг сафдошларига мурожаат қиламан, уларнинг барчасини оқилликка, инсоний муносабатларга даъват этаман. Биз ҳозир ҳамжихат бўлишимиз лозим... Барча кучлар, барча сиёсий партиялар, барча сиёсий ва жамоат ташкилотлари жипслашиши даркор; ҳар қанақа ғазаб ва адоватни бир четга йиғиштиришимиз шарт. Барчамиз бирлашиб, Озарбайжонни оғир аҳволдан олиб чиқишимиз керак».

### Президент Элчибейнинг қочиши

Орадан уч кун ўтди. 18 июнь тонгда Абулфаз Элчибей самолётда пойтахтни ташлаб учиб кетди; у қапта сиёсатни деб тарихий қўлёзмаларни бир чеккага йиғиштирган олим эди. Тақдир қушойишларини, Оллоҳ ёзувларини тугал англаш қийин экан! Президентнинг қочиб кетганлигини эрталабки хабарлардан эшитиб билган фуқаролар ханг-манг қолишди. Президент она юрти Нахичеванга учиб кетишининг сабаби республикадаги вазиятни муътадиллаштириш, пойтахтда биродарқушлик тўқнашувларига йўл қўймаслик эканлиги билан изоҳлади. Озарбайжон Конституциясига мувофиқ, давлат бошлигининг барча ваколатлари ижросини парламент раиси ўз зиммасига олди. Ҳайдар Алиев миллий телевидение орқали шу ҳақда маълум қиларкан, Абулфаз Элчибейнинг хатти-ҳаракатларини асло оқлолмаслигини, Президент энг оғир вазиятларда ҳам ўз халқи манфаатларини охиригача ҳимоя қилиши лозимлигини айтди.

21 июнда Миллий мажлис ўзининг навбатдан ташқарн мажлисига тўшланди. Йиғилишни очаркан, Ҳайдар Алиев кадрларнинг ўрин алмадрилиши бўлмаслигини, Президент Абулфаз Элчибейсиз бу нарсани амалга ошириш мумкин эмаслигини айтди. Бироқ Суръат Хусаиновнинг кўзғолончи отрядлари Боқудан кетмагунча Президент ортига қайтмоқчи эмасди. «Бугун бир нарсани муҳокама қилишимиз лозим; Элчибей республикани бошқара оладими-йўқми? Агар қурби етмаса, бирон чорасини кўришимиз зарур», – деди Миллий мажлис раиси.

Ички ишлар вазири вазифасини бажарувчи Равшан Жаводов Суръат Хусаиновнинг кўзғолончи бўлинмалари ҳеч қандай қаршиликсиз Боку бўсағасига етиб келгани тўғрисида

депутатларга ахборот берди. Музокаралар олиб борилгач, Локбатан кишлоғида (шаҳар чеккасида) ҳамда Шемаха йўлининг 75-километрида уларнинг ҳаракатини тўхтатишга муваффақ бўлинди.

Вазирнинг сузлари темирдек каттик тус ола борди: «Кузголончилар жиноятчи унсурлар билан алоқа урнатмоқда; бу ҳолат пойтахт остонасидаги вазиятнинг назоратдан чиқиши хавфини солади. Эртага парламент йиғила олмаслиги ҳам мумкин...»

– Президент нима деяпти?– ташвишланиб сурашди депутатлар.

– У менга телефон қилди, – дея жавоб берди вазир. – Бокуга келмас экан, зарур буйруқларни Нахичевандан туриб бераркан.

– Озарбайжон Республикаси Президенти Абулфаз Элчибейни халқни тақдир ҳукмига ташлаб, ўз хавфсизлигини ўйлаб Нахичеванга кетиб қолганликда айблаш мумкин эмас, – деди давлат котиби Али Керимов. – Қон тукилмасин, деб Президент пойтахтни ташлаб кетди.

Унинг сузини шу заҳоти бўлишди: кимдир Элчибейни қурқокликда айблади; яна кимлардир: «Олий бош қўмондон Бокуда бўлмай туриб ўз вазифасини қандай бажаради; ҳарбий стратегия ва тактика масалаларини қай тариқа назорат қилади», – дея саволга тутди.

– Президент стратегияни аллақачон ишлаб чиққан, бугун уни ижро этиш керак, холос. – Давлат котиби раҳбарини ҳимоя қилишга тутинди. У баъзи депутатлар Элчибейни истеъфога жўнатиш учун уни Нахичевандан чакириб олишмоқчи, деб ҳисобларди.

Миллий мажлис раиси Ҳайдар Алиев Озарбайжон Миллий хавфсизлик вазирлиги чегара қўшинлари бошқармасининг бошлиғи Искандар Оллоҳвердиевнинг собиқ мудофаа вазири ўринбосари, полковник Алиакрам Гумбатов «мустақил Толиш республикасини» тузаётгани ҳақидаги хабарини ўқиб эшиттирди. Гумбатов ҳам, Ҳусайнов сингари, думбул полковниклардан эди. У тинчлик пайтида республиканинг жанубидаги Ленкоран шаҳрида гаражда меҳнат қилганди. Халқ fronti ҳокимият тепасига келгач, амал пиллапояларидан, Мудофаа вазирлигигача силжиб борди; кейин тезда у жойдан «учиб кетди». «Ишсиз» қолгач, Ленкоранда шаҳарни ва унинг атрофини террор қилган қуролли отряд тузди. Гумбатов ўз «республикасини» Эронга қўшиш ниятида эди. Суд уни умрининг охиригача қамоқ жазосига ҳукм қилиб, фаолиятига нукта қўйди. (Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев фармонида кура, у 2004 йили афв этилди).

## Президент ваколатлари Ҳайдар Алиевга топширилсин

Миллий мажлиснинг 21 июндаги мажлисида Озарбайжон Республикаси Президенти Абулфаз Элчибейга Бокуга қайтиб, ўз вазифасини бажаришга киришишини сўраб бир овоздан мурожаат қабул қилинди. Ушбу мурожаат лойиҳаси 20 июнда, мудофаа, миллий хавфсизлик, ички ишлар вазирилари, парламент раҳбари Ҳайдар Алиев, унинг ўринбосарлари Тамерлан Қораев билан ўтмишда Озарбайжон Компартияси Нахичеван область комитетининг биринчи секретари бўлган Офияддин Жалиловлар иштирокида тайёрланган эди. Полковник Суръат Ҳусайновга мурожаат қабул қилинди. Уни қарама-қарши туришдан воз кечиб, ҳокимият билан сулҳ музокаларини олиб боришга даъват этилди.

Бу, энди, фуқаролар уруши ёқаси эмас, ҳақиқий урушнинг ўзи эди. Агар уша кунлари Ҳайдар Алиев Бокуда бўлмаганда, уруш бутун Озарбайжонни ўз қомига тортган, ундаи нималар колган бўлиши ёлғиз Оллоҳга аён эди.

24 июнда Миллий мажлис, ҳеч муболағасиз, тарихий қарор қабул қилди:

*«1. Абулфаз Қодиргулу ўғли Алиев (Элчибей) бундан буен Озарбайжон Республикаси Президенти вазифасини бажара олмаслиги тасдиқлансин.*

*2. Озарбайжон Республикаси Президенти ваколатлари Озарбайжон Республикаси Миллий мажлиси раиси Ҳайдар Алирза ўғли Алиевга топширилсин!».*

Энди унинг расмий лавозими шундай юритиларди: Озарбайжон Республикаси Президенти ваколатини амалга оширувчи, Озарбайжон Республикаси Миллий мажлиси раиси.

– Озарбайжон халқи учун гоят қийин синовлар даврида, республикадаги ижтимоий-сиёсий вазият кескинлашган бир даврда, зиммамга юкланган масъулиятни чуқур идрок этаман... Мамлакатни кўплаб соҳаларда содир бўлган таназулдан олиб чиқиш учун давлат ва сиёсий арбоб сифатидаги бор тажрибаларимни сафарбар этаман. Айни маҳалда Озарбайжон танлаган демократик йўлга содик қоламиз...

Алиевнинг олдида унинг нутки тезислари ёзилган варақлар турар, у эса, одатдагидек, уларга куз кирини ҳам таппамасдан гапирарди. 1969 йилда бўлгани сингари, Озарбайжон ҳаёти билан кўшилиб кетган умрининг янги саҳифасини очишга тўғри келганди. Лекин овозида ўзига ишонмаслик йўқ эди. Капитан кемани бошқариш кўприкчасига қайта кўтарилганди. У нима қилишни билиб, асосий йўлни кўриб турарди. Бундай одамлар ҳақида, уларни ҳокимиятнинг ўзи озиклантириб туради дейишади. Шундай деса ҳам, демаса ҳам бўлади. Негаки, қозонда бори чўмичга чиқади; яъни сиёсатчи пухта-пишик, билимдон,

интеллектуал жихатдан салоҳиятли, бир суз билан айтганда, ўчоғида чўғи булсагина уни ҳокимият озиклантириб туради. Борди-ю, майдакаш ва нияти ғаразли булса, ҳеч нарса ёрдам бермайди.

Озарбайжонда кечаётган воқеа-ҳодисалар кўплаб мамлакат пойтахтларида диққат билан кузатиб келинаётган эди. Турли мамлакатлар элчилари Ҳайдар Алиев қабулига ошиқишди; етакчи газета ва журналларнинг, теле ва радио компанияларнинг махсус мухбирлари у билан суҳбатлашиш, учрашиш ҳаракатига тушиб қолишди. Энг кўп шоҳидликлар орасидан рус адиби Александр Прохановни танлаймиз.

«Боқуга келиб, ҳокимият технологияси ила банд булган Ҳайдар Алиев билан уч кунгача кўриша олмадим; Миллий мажлис сессияси давом этаётган эди. Ганжада булиб ўтган воқеаларни текширган комиссиянинг маърузаси тингланаётган эди. Мажлисга Алиев раислик қилаётганди. Унинг ҳаракатларини телевизор орқали кузатиб бордим. Кечаги ҳукумат арзандалари, кон тўкилиши айбдорлари, бир ярим йил мобайнида телевизор экранларидан тушмаган, ақл ўргатган, фош қилган, қоралаган, лаънат ўқиганлар бирин-кетин минбарга кутарилишди. Ҳозир улар эсанкираган, тушқун эди.

Мингирлашар, чайналишар, далиллар босими остида кийинчилик билан айбига иқдор булишарди. Бош айбдор деб Элчибейни тилга олишарди.

Алиев моҳир психолог сифатида уларни ўзини ўзи фош қилишига олиб борар, кўлидаги амал-ҳокимият тизгинларини тортиб олар, даражасини пасайтирар, ҳокими мутлақлигини бекор қилар, мунофиқ телевидение шакарғуфторлик билан яратган чучмал қиёфаларини фош этарди. Ҳокимият маркази билан уларни боғлаб турган ришталарни узиб ташлар, ушбу ришталарни ўз кўлида жамлаб, ўзи ана шу марказда турар, бузилиб кетган бошқарувнинг илк нозик тузилмасини барпо этарди. Етмиш ёшли сиёсатчи қанчалик қийналаётгани, ундан қанчалик сабр-тоқат, бардош талаб қилинаётгани кўриниб турарди.

У тантана туйғуси, қасос олиш ҳисси билан эмас, аксинча, ёниб, кулаб бораётган самолётни ҳалокатдан сақлаб қолаётган учувчидек аниқ ҳисоб-китоб билан иш олиб бораётганди.

Яқиндагина Миллий мажлис раиси булган Исо Қамбаров, Вазирлар Маҳкамасининг раиси булган Паноҳ Ҳусайнов ҳамда ИИБ ва хавфсизлик хизмати амалдорлари – тўрт асосий «фронтчи» қамоққа олинди..

Янгиликларнинг ҳар бир соатдаги кўрсатувларида ҳокимият жадаллик билан янгиланиб борарди. Умидини узган, қарахт, толиққан, тасодифлар измига тушиб қолган жамиятнинг ўзи ҳам шитоб билан ўзгариб бормоқда эди».

Тун яримдан оқанда, Миллий мажлис раисининг катта хонасида Алиев Прохановни қабул қилди.

«Орғида республиканинг давлат байроғи штандарти турарди. Столча устида эса зарҳал ҳарфлар билан арабча ёзилган Куръон суралари. Шундоққина ёнида СССР герби туширилган фил суяги рангидаги ҳукумат телефонлари.

Унинг бир ҳафтадан бери суткасига тўрт соатга яқин ухлайганини билардим. Толиққанлиги сезилмаётган, хушбичим гавдали киши менинг истиқболимга чиқди. Қўл қисишган курук кафти иссик ва бақувват туюларди. Чўзиқрок юзи офтобда қорайган, бироқ кексалик нуқси урмаганди. Эғнида чиройли тикилган, қимматбаҳо костюм. Бўйинбоғи ҳам расмиятчи амалдорларникига ўхшамаган, куркам, ўзига жуда ярашганди. Кўзлари тийрак, чакнок, одамга синчков боқади. Унинг киефасидан ҳамсуҳбатини зумда англай биладиган, кайфияти-ю кўнглидаги иддаони дарров фаҳмлай оладиган салоҳият балкиб турарди.

Яна, хонасидан тамаки ҳиди эмас, аранг сезиладиган қимматбаҳо одеколон иси келарди».

Уларнинг суҳбатидан парчалар келтирамиз.

*Александр Проханов:* «Ҳайдар Алиевич, Озарбайжоннинг энг янги тарихида яна бир босқич тугаганлиги энди аён. Халқ фронтининг бир ярим йиллик «ҳукмронлиги» бир соатда барҳам топди. У тутундек ёйилиб кетди. Буни қандай изоҳлайсиз? Ушбу давр Озарбайжон учун нималарни аңлатади?

*Ҳайдар Алиев:* «Бу – республиканинг вайрон қилиниши эди. Хўжаликни, ахлоқни, психологияни вайрон қилишди. Энг даҳшатлиси – одамлар меҳнат қилмай қўйди. Меҳнат қилиш имкониятининг ўзи йўқолди. Ленкораннинг қир-адирларида, чўл ҳудудларида ажойиб мева-сабзавот далаларини барпо қилганимизни биласиз. Уша жойлар «бутуниттифок томорқаси» деб аталарди. Зур эртаги помидор, бодринг, поллиз экинлари етиштирилар, ҳаммаси Норилскка, Уралга, Москвага жунатиларди. Бундан республика беҳад катта даромад қўрар, Россиянинг саноат шаҳарлари эса ажойиб сабзавот билан таъминланарди. Эсимда, Финляндия Президенти Урхо Кекконен шу жойларга дам олгани келиб, серҳосил далаларни қўриб, ҳаваси келганди. Қани улар? Ҳаммаси ташландиқ ҳолга келган, ўрнида яна қирлар, чўллар. Одамлар эса ишсиз...

Ёки узумни олайлик. Алексей Николаевич Косигин соҳибқорларга кўп ёрдам қўрсатарди. Йилига икки миллион тонна узум олаётган эдик. Апшерон узуми – мен билган узум навлари орасида энг ширини. Апшероннинг тупроғи қурук, кумли; узумзорлар ана шу заминдан ҳарорат билан таъм оларди. Ҳаммаси ҳароб бўлди! Бу йил тўрт юз миң тонна ҳосил олсак ҳам катта гап...

Одамлар меҳнат қилмай қўйишди: тирикчилик қилиш учун майда олибсотарликка берилиб кетишди. Эрон яқин. Туркия шундоққина бикинимизда. Қандайдир арзимас молни тўп-тўп харид қилиб келиб, майдалаб сотиб ўтираверишади. Лекин ҳеч нарса ишлаб чиқарилмаяпти! Сумгаит химия заводининг ярми ишсиз турибди! Нефть қазиб олиш кескин пасайиб кетди! Ҳокимият тепасига келганлар эса сиёсатчи ҳам эмас, бошқарувчи ҳам эмас, хўжалик юритувчи ҳам эмас! Улар – кичик илмий ходимлар, ёзувчилар, давлатни тушунтирмайди!.. Устига-устак, гапни эрк-хуррият, адолатдан бошлаб, ёпасига ўғирлик билан тугатишди! Халқнинг улардан қўнгли қолди! Қимматбаҳо «мерседес»ларда кучама-куча юриб, тинмай гапиришарди. Маънавий кашшоқлар, ошқора ўғрилари қўп!

Ва, албағта, Қорабоғ масаласи! Улар бу урушда ғалаба қозонишмади, зиддият оловини сиёсий жиҳатдан ҳам ўчира олишмади. Қўплаб кишлоқларимиз, еримиздан ажралдик. Кеча бир колхоз раиси олдимга келганди. «Минглаб бош қорамолни, минглаб гектар ерни йўқотганимиз даҳшатли ҳол, – деди у. – Лекин энг даҳшатлиси – ота-боболаримизнинг қабрини йўқотдик! Душман ғалабасини ана шу қабрлар устида нишонламоқда!»

*Александр Проханов:* Мамлакат пароканда, жамият парчаланган, тушқунликка тушган. Энди қандай йўл тутиш лозим, деб ўйлайсиз? Халқнинг бошини қандай ғоя халқни бирлаштириши мумкин? Толиққан жамиятни қандай фалсафа, қанақа мафкура бирлаштира олади? Узингиз ҳам яқингача коммунистик ғоялар тарғиботчиси эдингиз, энди у ғоялар йўқ. Халқ фронтининг таянчи бўлган либерал ғоялар ҳам куни кеча барбод бўлди. Одамлар қандай ғояларни қабул қилиши мумкин?

*Ҳайдар Алиев:* Фақат миллий тотувлик ғояларигина одамларнинг бошини қовуштиради! Қандай партиёга мансублигининг, неча ёшдалигининг, аҳволининг аҳамияти йўқ. Фақат умуммиллий ҳамжиҳатликкина бизни хавф-хатардан йироқлаштиради. Бу нарсани халқ, ҳарбийлар, тижоратчилар, корхона директорлари ҳам яхши билишади. Биз ҳеч қимни таъқиб қилмаймиз. Либералмисан, Халқ фронтининг аъзо-симисан, сени ҳеч қим таъқиб этмайди. Халқ хизматида бўл, ўзингни халқ учун фидо қил. Асосий ғоя, фалсафа ана шу! Назаримда, айнан шу мафкура адабиёт ва санъат кишилари, руҳоний даъватчилар томонидан шакллантирилади!

*Александр Проханов:* Расмий Россия Бokuдаги воқеаларга сизнинг катта сиёсатга қайтишингизга қандай муносабат билдиarmoқда?

*Ҳайдар Алиев:* Ҳозирча ҳеч гап йўқ. Фақат Руслан Хасбулатов Миллий мажлис раислигига сайланишим муносабати билан табриклади. Расмий Москва ҳозирча жим. Халқ fronti русларга қарши сиёсат юргизганди; Россия билан Озарбай-

жон ургасида якинлик булмаслигига интилан эди. Чамаси, бу нарса Москвани ҳам кониктирган, шекилли. Менинг Россияга муносабатимни яхши биласиз. Озарбайжон Россия билан иктисодий, маданий, жуғрофий-сиёсий жиҳатдан чамбарчас боғлиқ. Биз шунчаки кўшнилари эмасмиз, бизнинг тарихимиз бир. Такрорлайман: Россия билан бутунги муносабатлар мени кониктирмайди; лекин алоқалар мукаррар ривожланишига ишончим комил.

Энди, XX асрнинг 90-йиллари бошида Озарбайжон сиёсати уфкида юлдузи ёрқин порлаган, бироқ тезда сўнган кишини батафсил таништириш мавриди келди.

Суръат Хусайнов совет даврида жунви қайта ишлаш фабрикасида муҳандис, сўнгра директор бўлиб ишлаганди. Арманистон билан уруш бошланиб кетгач, ўзининг айтишича, «курби етганча фронтга ёрдам берди. Кейин, ҳарбийдан булак ҳамма ишларини йиғиштириб қўйди». Россиядаги фукаралар уруши тарихидан хабардор китобхон шу каби кўплаб тақдирларни, масалан, гоҳ оқларга, гоҳ қизилларга қарши, гоҳ ўзи билан ўзи курашган Нестор Махнони эсласа керак. Жанг майдонида кўрганларнинг айтишига қараганда, Суръат душманга қарши мардона жанг қиларди. Унга полковник унвони берилди; Озарбайжоннинг Миллий қаҳрамони бўлди; Элчибей уни ўзининг Тоғли Қорабоғдаги шахсий вакили, корпус командири этиб тайинлади. Ҳаракатдаги армия қисмлари ҳам, «шахсий резерв қисмлар» ҳам командирнинг ихтиёрида эди.

Иззатгалаб полковник улар ёрдамда нималарга эриштишни мақсад қилиб қўйганди? Ўзининг шахсий даъволари билан боғлиқ саволларга айлангириб жавоб берарди. Ганжа воқеаларидан сўнг, 1993 йил июнь ойи охирида журналист Элмира Охундова билан суҳбатида бундай деганди:

– Ҳозир амал талашадиган пайт эмас. Ҳозир барча нуфузли сиёсий кучлар ва етакчилар бирлашиб, ҳамжиҳатликда урушга чек қўйишни, халқнинг турмуш даражасини кўтаришни ўйлашимиз керак. Ана шу икки масала мени кўпроқ ташвишга солмоқда. Кимнинг қанақалигини халқ яхши билиб олди, деб ўйлайман. Олди-қочди гапларни йиғиштириб, амалий ишга ўтадиган пайт бўлди. Халққа, фронтга ким ёрдам бера олса, ўша олдинга чиқиши лозим. Бу ўринда ҳамма нарсани халқ фикри ҳал қилади.

Қатъиятли журналист суҳбатдошидан, сизнинг назарини изда ҳозир нима қилиш керак, деб суради. Президентни қайта сайлаш зарурми? Ёки беқарорликни юзага келтираётган омил сифатида ушбу лавозимни бекор қилиш керакми?

Башанг тикилган очик ранг костюм кийган йигит тасбеҳ доналарини санаб, ўзига маъкул тушган гапни такрорлайди: ҳозир амал талашадиган пайт эмас. Қатъий фикрича, чораси

– миллатнинг асл фарзандлари ғайрат-шижоатини бирлаштиришда.

– *Янги ҳокимият тизимида ўзингизни қандай вазифада кўряпсиз?*

– Халқнинг хоҳиш-иродасига қараб иш қиламан. Агар халқ маъқул топса, ўзи мени илгари суради. Унинг истагига буйсунаман.

Александр Проханов Суръат Ҳусайнов тимсолида XVII аср бошларида оддий халқ вакили Минин билан биргаликда халқ лашкарини тузиб, Москвани босиб олган полякларга қақшатқич зарба беришда бош бўлган янги князь Пожарскийни кургандек бўлди. Миннатдор Россия Қизил майдонда Минин-Пожарскийларга» ҳайкал урнатди. Суръат Ҳусайнов ҳақида Проханов куйидагиларни ёзганди:

«Ганжадаги казармаларга қилинган ҳужумни қайтариб, Элчибейни янчиш учун ганкларини Бокуга қаратган дамдан бошлаб Суръат Ҳусайнов руслар учун афсонага айланди. Либераллар учун бирдан-бир орзуси айбдор «демократлар»ни симёғочларга осибдан иборат бўлган қаҳри каттиқ полковник туғрисидаги куркинчли афсона тусини олди. Ватанпарвар учун эса, босқинчиларга қарши орзиқиб қутилган халқ қўзғолонини кутарган афсонавий қаҳрамон бўлиб қолди. У ношуд ҳукмдорларнинг миллатни, унинг қуролли кучларини парокандаликка олиб келган сиёсатига тоқат қилолмаган, ҳақоратланган армиянинг тимсоли бўлиб қолди.

Ватанпарварлар уни рус ҳарбийларига ибрат қилиб кўрсатишда давом этишарди; улкан салтанат нураб йўқ бўлган, ҳарбий саноат ва стратегик мудофаа тизими тузғиб кетган бир пайтда рус офицерларидан биронта мардона суз чикмади, офицерларга муносиб иш қилинмади, қайтага, минғир-минғир арз-додлар, хўрсиниклар, оғзи гапирса бурни эшитадиган зорланишлар, шикоятлардан нарига ўтилмади; пичирлаб таҳдид солишлар, «демократларга» флотларни, химоя йўлакларини бузиш, ўзгартириб ташлаш имконини берган, ғалабалар ва қурбонлар эвазига орттирилган мудофаа онгини барбод этган умидсизларча итоаттуйликкина намоён этилди.

Уғри генераллар, ичкиликбоз офицерлар, қочоқ аскарлар урчиган паллада ўз Пожарскийсини орзу қилган рус ватанпарварлик ҳаракати кузи унгида озарбайжон полковниги қаҳрамон даражасига кутарилганди.

Миллий генераллар сессиясида Суръат Ҳусайновни телевизордан куриб турдим. Жиддий юзи, қаҳр билан уқолган қошлари, ёник кузлари кечагина унинг казармаларни бузиб, ер билан яксон қилиш, узини эса улдириш ҳақида буйруқ берган, артиллериядан гузаржойларни ўкка тутган, 40 кишини ҳалок этган, энди эса хокисор ва пажмурда ҳолатда мин-





Озарбайжон Президенти Ҳ.А. Алиев.  
*Гойур Салахов ишлаган портрет.*



Ватанга садоқат ҳақида қасамёд. Боку, 1993 й.



Нахичеванга қайтгандан кейинги қайғули учрашувлар: қочоқтар учун барпо этилган палаткали кучаларда; ҳалок булган жангчилар қабрлари бошида.





Ота макон  
остонасида;  
юртдошлар билан  
учрашувлар.  
*Нахичеван, 1990 й.*





Күз миңглаб озарбайжонликлар ўз Президентларининг  
ҳимоясига отландилар. Боку, 1994 й.



Академик Евгений Примаков ҳамда...

Москва ва Бутун Русь патриархи Алексий II билан.





Ҳайдар Алиев, Нурсултон Назарбоев ва Владимир Путин.

РФ ёқилғи ва энергетика министри Юрий Шафраник билан.






Хайдар Алиев Озарбайжон нефть стратегиясини ишлаб чиқди...





... Ушбу стратегияни Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев ижодий давом эттирмоқда. Янги кондан олинган дастлабки нефть.  
*Боку, 1997 й.*





Ҳайдар Алиев буюк озарбайжон шоири Ҳусайн Жовид мақбараси очилишида. *Нахичеван, 1996 й.*



Метислав Ростропович...

— Муслим Магоммаев ва Тамара Синявская билди.





Озарбайжон Президенти жахон сиёсати биринчи шахслари билан муваффақиятли мулоқот қиларди. Рим паласи билан...

... АҚШ Президенти Жорж Буш билан...





... Россия Президенти Владимир Путин билан...

... Франция Президенти Жак Ширак билан...





У уз қатбини  
Озарбайжон  
болаларига  
бахшида этганди.

Неваралари Лайло  
ва Ҳайдар билан.



Жонажон  
Нахичеванда.  
2002 йил август.



Ота ва ўғил.  
Боку, 2000 й.





Тоғларнинг қайғудан бошлари эгик.  
Айрилиқ доғидан қалблари маҳзун.  
Ўчмас сен таратган ёрқин эзгулик  
Қалбим тарк этмагай ҳар лаҳза мамнун.  
*Бу мисраларни Лайло Алиева ёзганди.*



барда минғирлаганча «валломатларга» тикилганди. Назаримда, унинг вужудида интихосиз шижоат жуш урарди. Ана шу нарса уни хароб этилган Ганжадан Бокуга қараб танкларини йуналтирган, айбдорлардан уч олишга, жазолашга чорлаган эди.

Суръат Хусаинов Прохановнинг саволларига жавоб бераркан, Халқ фронтининг хатолари, янглишишлари ҳақида гапирди. Унинг укувсиз, нотавон кишиларни ҳокимият теласига олиб чиққанидан сўради. Улар вайрон қилишдан булак ҳеч нарса ни билмасди. Алдамчилик, порахўрлик, ифлос сиёсат юритиш билан шуғулланишарди. Исёнкор полковникнинг сўзларига қараганда, бу – порахўрлар диктатураси, мафия диктатураси эди.

У Ҳайдар Алиевни эхтиром билан тилга олди: «бу ғоят катта тажрибали одам, ўтмишнинг бой тажрибасига эга доно, заковатли сиёсатчи. Ёшим ундан анча кичик, назаримда, келажак туйғуси менда кучлироқ бўлса керак. Биз бир-биримизни тўлдирамыз...»

Яна полковникнинг «Завтра» номли рус газетасига берган интервьюсидан бир-икки оғиз сўз келтирамыз:

«...Мен ҳокимиятни қўлга киритмоқчи эмасдим! Ҳокимиятга интилганим ҳам йўқ! Уз ҳаёт йўлимдан бораётган эдим, у мени ҳокимиятга олиб келди!

Мамлакатда гартибсизлик кучайса, халқни талаб, ўлдира бошлашса, охир-оқибат ҳарбийларнинг сабри тугайди. Улар ҳам таланаётган ва улдирилаётган халқнинг бир булагича, ахир...»

Ҳайдар Алиев ҳокимиятга қайтгандан кейин амалга оширган дастлабки ишларидан бири хорижий компаниялар билан шартномаларни тўхтатгани бўлди. Ушанда «Известия» газетаси ёзганидек, бу билан жаҳоннинг айрим йирик компанияларини ларзага солди». Лекин Ҳайдар Алиевнинг ўзи бундай деб ҳисобламайди:

– Ушбу иддаонинг ҳеч қанақа сир-асрори йўқ, – дея уз нуқтаи назарини тушунтирганди 1993 йил августда. – Дарҳақиқат, Вазирлар Маҳкамасига ушбу жараёнларни тўхтатиш тўрисида буйруқ бердим, қолаверса, улар ҳали қоғозда, декларация ҳолатида экан; ҳукумат тизими билан парламентнинг уларни қайта ишлаши, тўлдириши тақозо этилади. Ҳамма гап шундаки, бу хил масалалар мен учун янгилик эмасди. Озарбайжон раҳбари бўлганимда бундай масалаларни анча чуқур ўрганган эдим. Энди қарасам, кўп жиҳатлари шубҳали кўринди. Узингиз ўйлаб кўринг. Паноҳ Хусаинов 6 июнда Вазирлар Маҳкамаси раиси лавозимидан истеъфога чиқди, 11 июнда эса декларацияни имзолашга розилик билдирувчи ҳукумат қарорига имзо чекмоқда; 12 июнда Халқ fronti вакили, Давлат нефть компаниясининг

бошлиғи Собит Багиров декларацияга имзо чеккан. Миллий мажлис раиси бўлганимдан кейин бир неча кун ўтгач, Вазирлар Маҳкамасидан ҳузуримга келиб, бу шартномаларда кинғирликлар борлигини маълум қилишди.

Шундагина бу шартномаларни бекор қилишни буюрдим. Хорижда кутаришган шовкин-суронни кўрсангиз эди. «Амоко» компаниясининг президенти, кейин ВР («Бритиш петролеум») компаниясининг етакчи ходимлари ғизиллаб етиб келишди. Бир бошдан тушунтирдим. Ваҳима қиладиган ҳеч нима содир бўлгани йўқ. Фақат моҳиятни аниқлаштириб олиш керак, дедим. Агар ҳамма нарса тўғри бўлса, хавотирга ҳожат йўқ. Бу шундай бир масалаки, ун марта ўлчаб, битта кесиш керак. Нефть – Озарбайжоннинг миллий бойлиғи; у фақат бизнинг авлодга эмас, 100–200 йилдан кейин келадиган авлодларнинг ҳам қорига яраши лозим. Ҳамкорликнинг шундай шакллари ҳам борки, шериклар қазилма бойликларни «расамад» қилишгач, 10–15 йилдан кейин унинг ўрнида ҳеч вако колмайди. Ушбу ҳамкорликлардан бир нарсали бўлиб, ҳамёнини қаппайтириб олишга чоғланган олғирлар ҳам бор деб ҳисоблаш учун асосларимиз мавжуд.

Айни шу ҳолат ҳозир Россияда авж олганлигини таъкидлаш лозим. Академик Примаковнинг сўзларига қараганда, «қазилма бойликларнинг энг маҳсулдор қонларини саралаб, нефтни сўриб олиш давом этмоқда. Айтиш мумкинки, давлат вазиятни назорат қилолмай қолди; табиий бойликлар ресурсларини, нефть қудуқлари захираларини тугатиш жараёнларини қўлдан чиқариб юборди». (*«Российская газета», 2005. 15 январь*). Алиев шарофати билан Озарбайжонда бундай ҳолатлар содир этилмади.

Кундалик юмушлар бошланганди. Биринчи галда кадрлар масаласи турарди. Алиев ҳеч кимни бирор уринга ўзича тайинлай олмас, у курсатган ҳар бир номзодга парламент розилиғи талаб қилинарди. 3 июлда янги миллий хавфсизлик, ички ишлар вазирлари, бош прокурор, Боку шаҳар ижроия ҳокимияти бошлиғи тайинланди... «Кадрлар масаласи»ни Ҳайдар Алиев иш кунининг охирига қолдирарди; уни кун тартибиде бу нарсани купинча кечасига, баъзан ярим кечасига тўғри келарди. Ана шундай учрашувлардан бирида Нозим Иброҳимовни Давлат матбуот қўмитасига ишга қайтишни таклиф қилди (эндиликда Аҳборот вазирлиғи, деб юритилмоқда). Нозим эътироз билдирди: ҳозирги шароитда бундай вазирликнинг кераги бормикан..

– Сиз ҳар доим гапни эътироздан бошлайсиз, – деди жилмайиб Алиев. – Ҳўп, Иброҳимов, нимани таклиф қиласиз?

– Қудратли матбаа негизига эга бўлган бевосита Президент ижрочи аппаратида буйсунадиган «Озарбайжон» давлат нашриётини ташкил этишни таклиф қиламан.

Худди шундай килинди. Ҳозир «Озарбайжон» нашриёти нафақат жумҳуриятда, умуман Кавказ ортидаги энг йирик нашриёт ҳисобланади.

Ана шундай оқшомги, тунги суҳбатларда Ҳайдар Алиевич ёшларни ҳам ўз командасига қабул қилди. Улар орасида ўзи бир пайтлар Москвага ўқишга юборган истеъодлар; хусусан, физика-математика фанлари доктори Фотима Абдуллазода ҳам бор эди. У бугунги кунда Озарбайжон Республикаси Президенти ижрочи аппарати ижтимоий сиёсат бўлимининг мудиридир.

Халқ fronti вакиллари-чи, тахта-косини йиғиштириб, ими-жимиди кетаверишдими? Унчалик эмас! Боқу шахридаги ун бир район раҳбарларидан тўққизтаси «Элчибеининг президентлик ваколатидан маҳрум қилинганига норозилик сифатида ўз фаолиятларини тўхтатишди». Майли, худо хайрини берсин. Уларнинг ўрнига бошқалар тайинланди.

1993 йил 4 июлда Ҳайдар Алиев «Останкино» телекомпаниясига интервью берди – Россия телевидениесининг биринчи канали ўшанда шундай аталарди. Мамлакатдаги вазият хусусида берилган саволга жавоб қайтараркан, қуйидагиларни таъкидлади: «Республикага жиддий хавф солиб турган фуқаролар уруши бартараф этилди; қарама-қаршилик анча сусайди. Шунга қарамай, вазият мураккаблигича қолмоқда; бироқ кейинги уч кун ичида арман қуроли кучлари Озарбайжон ҳудудларига бостириб кириши натижасида ушбу қийинчиликлар янада авж олди?»

Уша ёз ойлари Москвада ҳам ўзига яраша тўқнашувлар авж олганди: Борис Ельцин собиқ сафдоши Руслан Хасбулатов бошляқ Россия Олий Советини бўйсунмасликда айблаб таркатиб юборишга чоғланганди. Москвалик журналистлар гап кетидан қувишга тушишганди:

– *Жаноб Алиев, қўнгина қўзатувчилар сизнинг ҳокимият тепасига келишингизни «конституцияга ҳилоф равишда», деб баҳолашмоқда. Айтингни, сизнинг назарингизда, сиёсатда муайян мақсадларга эришиш учун қонундан воз кечиш ҳам мумкинми? Яна шу билан боғлиқ иккинчи савол, Президент Абулфаз Элчибеининг тақдири нима бўлди; бугунги кунда унинг бошидан нималар кечмоқда, келажаги қандай? Истеъфосидан розими?*

– Биринчидан, шу нарсани айтишим керакки, эгаллаб турган лавозимга келишим конституцияга ҳилоф равишда кечмади, деб ҳисоблайман, – қатъий ва ишонч билан жавоб берди Алиев суҳбатдошларига. – Ун бешинчи июнда қўлаб депутатларнинг, шунингдек, Президент Абулфаз Элчибеининг ўзининг тавсияси билан Озарбайжон Миллий мажлиси ра-

ислигига сайландим. Бу мутлако конституциявий қарор эди. Узингизга маълумки, шундан бир неча кун аввал Миллий мажлис Раиси Исо Қамбаров истеъфога чиққанди. Шу боис мен – Озарбайжон Миллий мажлисининг раисиман. Иккинчидан, мен ҳокимиятга ўзимча келганим йўқ, мени тақлиф қилишди; Ганжадаги воқеалардан сўнг республика аҳолисининг турли гуруҳлари вакиллари – зиёлилар, муътабар оқсоқоллар бир неча кун мобайнида менга мурожаат этиб, кўндиришга уринишди. Абулфаз Элчибеининг ўзи ҳам бир неча бор ўтингудек мурожаат этди. У уч марта – 7, 8, 9 июнда Нахичеванга махсус самолёт юборди; телефон орқали сузлашганимизда ҳам Бокуга келишимни қайта-қайта сўради. 7 да ҳам, 8 да ҳам тақлифларини рад қилдим; ниҳоят, 9 июнда вазият тобора кескинлашиб бораётганини ҳис этгач, тақлифини қабул қилиб, Бокуга келдим.

– Бу ерда Абулфаз Элчибей ва бошқа сиёсий арбоблар билан биргаликда кескин вазиятни юмшатишда қатнашдим; такрорлайман, 15 июнда парламент раислигига сайландим. Бу ўринда ҳуқуққа зид, Конституцияга хилоф ҳеч нарса йўқ. 24 июндан бошлаб зиммамга Президент вазифасини бажариш юклатилгани изохсиз ҳам аён.

Президент Элчибей 17 дан 18 июнга утар кечаси, яширинча, ҳеч кимни, шу жумладан мени ҳам огоҳ этмасдан, Бокудан учиб кетди; шундан бир соат олдин биз бирга эдик. Унинг самолёти Нахичеванга бориб қўнгани бизга тонгда маълум бўлди. Президент Халқ fronti аъзолари томонидан Келаки тоғ қишлоғига олиб борилган, ҳозир ҳам шу жойда. 18–24 июнь кунлари Абулфаз Элчибей билан телефон орқали тўхтовсиз музокаралар олиб бордим; менинг ташаббусим билан Озарбайжон Фанлар академияси президенти бошчилигида академиклар, профессорлар, ёзувчилар, оқсоқоллардан иборат зиёлиларнинг катта гуруҳи унинг олдига борди.

Улар Элчибей билан учрашишди; Бокуга қайтишга кўндиришга уриниб кўришди. Мен ҳам қаттиқ туриб тақлиф қилдим. У тақлифимизга рози бўлмади; қабул ҳам қилмади. Ҳозир ҳам Келаки қишлоғида. У ўзи фармон чиқариб, президентлик мажбуриятларини Миллий мажлис раиси зиммасига юклади. Фақат, фуқароликка қабул қилиш ва қонунларга имзо чекиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолди. Қолган ҳамма ваколатларини Озарбайжон Миллий мажлиси раиси зиммасига юклади.

Ушбу вазият айни пайтда бир неча кун мобайнида Озарбайжон парламентида ҳам муҳокама қилинди; парламент аъзолари мазкур мажбуриятларни зиммамга олишни қатъиян тақлиф қилишди. Рози бўлмаётган эдим; лекин Абулфаз Элчибеининг ўзи шу хусусда Фармон чиқаргандан кейин қабул қилдим. Аслида, республика деярли бошқариб бўлмайдиган

холатта тушиб колган эди; сабаби Президент йук эди, Вазирлар Махкамасининг раиси истеъфога чикканига анча булганди; рахбариятда, узим колгандим. Куплаб масалаларни эса президентлик ваколатларига эга булибгина хал қилиш мумкин эди. Ана шундай нозик бир вазиятда мажбуриятларни уз зиммамга олдим. Такрорлайман, бунинг учун интиланганим йук; узим ҳам хохламайман. Мабодо Абулфаз Элчибей кайтиб келса, президентлик вазифасини узи адо этавериши мумкин.

Абулфаз Элчибейнинг тақдири билан боғлиқ иккинчи саволга келганда, у халиям Келаки кишлоғида яшайпти; Халқ фронтининг бир гуруҳ курулланган йигитлари уни куриклашмоқда. Менимча, ҳеч нарса билан машғул эмас. Эҳтимол, дам олаётгандир ёки бирон-бир иш қилаётгандир, буниси менга номаълум.

– Сиз Элчибейнинг командасига ҳам, унинг узига, тутган йулига ҳам қаттиқ муҳолифатда эдингиз. Элчибей Сизни Миллий мажлис раиси лавозимига тавсия қилганда нималарга умид қилганди; сиз ана шу вазифага рози булганда қандай мақсадларни кузлаган эдингиз?

– Саволни унчалик тўғри таърифламадингиз. Абулфаз Элчибейга нисбатан қаттиқ муҳолиф эмасдим. Нахичеванда яшаб, Олий мажлис раиси вазифасини бажараётган эдим. Абулфаз Элчибей билан телефондаги суҳбатларимиз ҳам ахён-ахёнда булиб турарди. Албатта, Абулфаз Элчибей Президент сифатида қамалда қолган ва халиям қамал муносабати билан оғир аҳволда булган Нахичеван Мухтор Республикасига кунгилдагидек эътибор қаратмади; у Олий мажлис раиси вазифасини бажарганимда менга ҳам зарур диққат-эътибор бермади. Бинобарин, бизнинг муносабатларимиз қандайдир муҳолифатчи қарама-қаршилиқ билан эмас, аксинча, оддий белгиланганди.

(Баъзи сабабларга кўра, чамаси, ҳуқуқий жиҳатдан халиям мамлакат Президенти вазифасини эгаллаб турган кишига ҳурмат юзасидан булса керак, Ҳайдар Алиев Россия телетомошабинларига ораларидаги муносабатлар тафсилотини айтмади. Нахичеванда Халқ fronti ИИБ ҳамда телевидение биносини ишғол қилганда Элчибейга кўнғирок қилганди; у аралашуш тўғрисида ваъда қилганди. Кейинчалик маълум булишича, тўнгаруш ҳаракатларидан хабардор экан.

1993 йил февралда Ҳайдар Алиевич Бокуга, акаси Ҳасаннинг дафн маросимига келди. Ушанда Абулфаз Элчибей билан биринчи марта шахсан куришганди. Президент меҳмонга ўз эътиборини намойиш қилган ҳолда таъзия билдирганди).

– Биз у билан учрашдик,– сўзида давом этди Алиев,– кўп масалаларни муҳокама қилдик; кўп нарсада бир-биримизни

гушунган бўлдик. Унга маслаҳат берардим, ўз истакларимни, таклифларимни ҳам айтардим. Қанчалик фойдалангани ёки фойдаланмагани унинг ўзига ҳавола; шундан кейин ҳам муносабатларимиз кунгилдагидек эди.

Мени таклиф қиларкан, Абулфаз Элчибей нималарга умид қилганди, дейсизми? Бу ўринда жавоб биринчи савол моҳиятидан, гўё бир-биримизга, кескин қарама-қарши туришимиз туғрисидаги гапдан келиб чиқади; бироқ, ундай эмас эди. Кейинчалик Озарбайжонда вазият ҳаддан ташқари мураккаблашгач, республиканинг турли минтақаларидан, аҳолининг турли катламлари вакилларидан Алиевни ҳокимиятга таклиф қилиш керак, деган овозлар эшитила бошлади; ана шундай кийин шароитда менинг ёрдамим егиб қолади, деган фикрга келган бўлса керак. Менга телефон қилганда ҳам шундай деганди: вазият ниҳоятда чигаллашиб кетди; Бокуга тезроқ етиб келсангиз, шароитни муҳокама қилиб, бирон чорасини топшимиз лозим...

1993 йил 29 августда Озарбайжонда ОР Президенти Абулфаз Элчибейга ишонч туғрисида референдум ўтказилди. Бир ярим йилгина олдин у 1 миллион 800 минг овоз олганди; сайловчиларнинг деярли 60 фоизи барчани бахтиёр қилиш туғрисида ваъда берган тарихчи олимга ишонч билдирган эди. Тўсатдан қўлга киритилган бу бойликни бой бериш учун кўп заҳмат чекканга ўхшайди. Энди Элчибейга 77.000 киши ишонч билдирди. Озарбайжон мифологиясида қўпалок етти рақамлар бахт-иқбол рамзи ҳисобланади. Лекин Элчибей учун омадсизлик, бахтсизлик тимсолига айланди. 3.673.978 киши унга, у етакчилик қилаётган ҳокимиятга ишончсизлик билдирган эди. Озарбайжон халқи ўз азму қарорини намойиш қилганди.

Атоқли қозоқ шоири, адиби, жамоат арбоби Ўлжас Сулаймоновнинг бу борада айтганлари эътиборли.

«...1993 йил 1 июнда, Болаларни ҳимоя қилиш қуни муносабати билан Бокуга хайрия ёрдами – 40 тонна болалар озиқ-овқатини олиб боргандим. «ИЛ-76» юк самолёти бортига «Болалар айбдор эмас» деган шиорни ёздириб қўйгандик. Болалар озиқ-овқати солинган барча банкалар мулжалланган жойга – болалар шифохоналарига, болалар уйларига етиб боришини назорат қилдим. Дўстларим Элчин, Анор, Пулат Булбул ўғли, Фарход Бадалбейли бу борада менга ёрдам беришди.

Элчибей билан унинг резиденциясида учрашдим. Уни бир неча йилдан бери билардим. Тинчлик замони учрашганимизда филолог олим сифатида келган бўлса, 1990 йил январида Халқ fronti раҳбарларининг бири сифатида келди. Ўшанда Е.Примаков ва А.Муталлибовлар олдида уни ҳимоя қилиб чиққандим. Мен СССР Олий Советининг Бокудаги ёлғиз ку-

затувчиси эдим, шу боис фикр-мулоҳазаларим эътиборга олинарди.

Лекин Болаларни ҳимоя қилиш куни Президент билан бўлиб ўтган учрашувимиз, айниқса, эсимда қолди. Рўпарамда раҳбар эмас, сиёсатчи ҳам эмас юмшоқ табиатли, зиёли одам, турарди. Қисқа муддат ичида у икки буюк қўшни давлат – Россия ва Эрон билан муносабатни бузиб қўйди. Уни тиклашни эса асло уйламасди.

Ишончим комилки, уша июнь ойида халқ Ҳайдар Алиевни чақириб келмаганда эди, мамлакат янаям кўпроқ одамларидан, ҳудудларидан ажраб қоларди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ғарбдаги қудратли демократик давлатларнинг бепарволиги билан Тожикистонда одамлар қирпичок бўлиб ётганди; Югославия, Грузия, Молдавияда кишилар қони тукилаётганди...»

Уша пайтларда кундалик хабарлар фронтдан олинган маълумотлар билан бошланарди. Озарбайжон қисмлари эгаллаб турган жойларини жон-жаҳдлари билан мудофаа қилмоқда эди. Ҳаракатдаги мунтазам қўшинларга ёрдам тариқасида «арман-озарбайжон муҳорабаси кечаётган, вазият ниҳоятда кескинлашган зонага Суръат Ҳусайнов қисмлари жўнади», дейилади расмий хабарлардан бирида.

Ҳайдар Алиев АҚШ Президенти Билл Клинтонга, вице-президент Альберт Горга, Конгресс спикери Томас Фолга очик хат билан мурожаат қилди;

«Ҳозир ушбу мактуб билан сизларга мурожаат қилаётган пайтимда арман курулли кучлари Озарбайжоннинг янги Жаброил ва Кубатли районларини босиб олиш учун ҳужумни давом эттирмоқда; янги-янги аҳоли пунктлари босиб олинмоқда, ваҳшиёна, талон-торож қилинмоқда.

Демократия ва озодлик идеаллари ҳаққи, инсон ҳуқуқлари ва унинг яшашга бўлган бош ҳуқуқи ҳаққи қон тукилишини тўхтатиш, айбсиз бир ҳолатда ваҳшийларча агрессия рўпарасида ҳимоясиз қолган Озарбайжон халқини мудофаа қилиш учун бутун чораларни куришингизни утиниб сўрайман».

Озарбайжон Республикаси Президенти ваколатини амалга ошираётган Ҳ. Алиевнинг биринчи фармони Москвага элчи тайинлаш ҳақида эди. У Рамиз Ризаев номзодини танлаган эди; унинг дипломатлар учун зарур бўлган ўтқир зеҳнини, ташаббускорлигини, дилкаш сўхбатдошлигини, табиий вазиятларда қатъият курсига олиш салоҳиятини, кадрлар эди.

– Ушбу йўналишни сендан бошкага ишониб топшира олмайман, – деди Хайдар Алиев ярим кечаси кечган суҳбатда элчига йўл-йўриқ курсатар экан. – Бу – энг муҳими. Илтимос, икки ойга боргин. Институтни топширмай гур. Удалаб кетишингга ишончим комил.

5 сентябрда Хайдар Алиев, расмий баёнотда айтгилганидек, «Россия Федерацияси раҳбарияти билан музокаралар олиб бориш учун Москвага учиб кетди». Тўрт кун давом этган расмий сафар чоғида Президент Ельцин, Олий Совет Раиси Руслан Хасбулатов, ҳукумат раиси Виктор Черномирдин, министрлар, Москва шаҳар мэри Юрий Лужков билан учрашувлар ўтказди.

– Ҳозирги мулоқотлар республиканинг аввалги раҳбарияти томонидан йўл қўйилган хатолар туфайли икки томонлама муносабатларни чеклаб қўйган ишончсизликни бартараф этди, – деди Хайдар Алиев музокараларга яқун ясаркан. – Озарбайжон-Россия алоқаларидаги бундай бурилишни тарихий тараққиёт мантиғи тақозо эгади; зеро, икки асрдан ортиқ давр мобайнида бу икки давлатни ҳамкорликнинг мустаҳкам ришталари боғлаб келмоқда; уларни узиб бўлмайди.

Дарвоқе, Борис Ельцин «Тегшли мавзудаги тазарру» («Исповедь на заданную тему») асарини қайта нашрга тайёрлаш жараёнида ўзаро муносабатларга Алиев берган баҳоларни тушириб қолдирибди. Элчининг икки ойлик сафари эса ўн уч йилдан зиёд давом этди. Дипломатия тажрибасида бундай ҳолатлар камдан-кам учрайди.

Озарбайжонда мамлакат Президенти сайловларини ўтказиш 3 октябрга белгиланган эди. Шу сана арафасида, 1993 йил 20 сентябрда Озарбайжон Республикаси Миллий мажлиси Раиси Хайдар Алиев «Озарбайжон Республикасининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига қўшилиши ҳақида»ги қарорга имзо чекди. Хайдар Алиевнинг ўзи чиройли дастхати билан лўнда, ёркин ифодалаган, ушбу ғоят муҳим сиёсий ҳужжатдан парча келтираман;

«Озарбайжон халқининг олий манфаатларидан келиб чиқиб, шунингдек, Озарбайжон Республикасининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги илтирокчиси бўлган давлатлар билан азалий тарихий алоқаларини ҳисобга олиб, ушбу давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва бошқа соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида Озарбайжон Республикаси Миллий йиғини қарор қилади:

1. Озарбайжон Республикаси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига қўшилсин.



2. Озарбайжон Республикаси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг коллектив хавфсизлик ҳақидаги шартномасига қўшилсин.

3. Озарбайжон Республикаси Президентига ушбу қарордан келиб чиқадиган зарур чораларни амалга ошириш тавсия қилинсин».

24 сентябрь куни Москвада Ҳамдўстлик мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқларининг учрашувини ўтказиш режалаштирилган эди. 21 сентябрь куни Россия Президенти Борис Ельцин Россия Федерацияси халқ депутатлари съезди ҳамда мамлакат Олий Совети фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги фармонга имзо чекди. Ушбу фармон билан бир вақтда Борис Ельцин Конституцияга ўзгартириш киритиш ваколатини ўз зиммасига олди. Ҳукумат уйда чирок, сув, алоқа хизмати ва канализация учириб қуйилди. Ҳозирги тарихда куз қурмаган ҳодиса рўй берди: ўз парламенти, қамал қилишга тайёрланилмоқда эди; Москва-река соҳилидаги улкан бинони штурм қилишга тайёргарлик қўрилади бошланди.

Борис Ельцин, шундай нотинч шароитда Ҳамдўстлик республикалари давлат ва ҳукумат бошлиқлари Москвага келмай қолса, саммит ўтмаса, «президентнинг обрў-эътиборига путур етди» дея юрагини ҳовучлаб турарди. Лекин ҳамма етиб келиб, жамулжам бўлди. 24 сентябрда Ҳайдар Алиев Кремлда Озарбайжон МДҲга аъзо бўлганлиги тўғрисидаги ҳужжатга имзо чекди. Ельцин уни табриқлади. Дўстона кулиб: «Ҳайдар Алиевич, сиз ҳалиям Кремлдан кетмагандек кўринасиз», деди. Лекин айни шу дақиқаларда Борис Николаевичнинг юрагига меҳмонлар сигмаётганлиги сезилиб турарди. Келишгани учун раҳмат. Устига устак Беларусь Олий Советининг Раиси Станислав Шушкевич уни қувватлаб, ҳамкасблари номидан: «МДҲ давлатлари ва ҳукуматлари бошлиқлари Президент Ельцин томонидан амалга оширилаётган конституциявий ислохотларни қўллаб-қувватлайдилар ва ислохотларни олиб боришда муваффақиятлар тилайдилар», — деди.

РСФСР Олий Совети сўнгги нафасини олаётганди. Ушбу дақиқаларда Кремлда ҳеч ким Конституция ҳақида уйламаётган ҳам эди. Шоир Тютчев таъбири билан айтганда, уша ҳокимият узига макбул ҳақ-ҳуқуқдан булак ҳеч нарсани тан олмас ва ҳаёлига ҳам келтирмас эди.

## Озарбайжон Ҳайдарни танлади

1993 йил учинчи октябрда Озарбайжон Ҳайдар Алиевич Алиевни Президент этиб сайлади.

4 октябрда Москвада ҳам «сайловлар» бўлиб ўтди. Россия армиясининг танклари Россия Олий Совети биносини ўтқа тут-

ди. Америка телевидениеси пойтахт марказида кечаётган жангу жадаллар тўғрисида бутун дунёга репортаж бериб турди.

Алиевдан фарқли улароқ, Ельцин давлатни инқироздан чиқаришнинг тинч, конституциявий йўлини топа олмади.

Тантанали инаугурация маросими. Президент Ҳайдар Алиев ватандошларига миннатдорлик билдирди, халқ олдидаги масъулияти хақида сўзлади.

– Озарбайжон Республикаси ғоят мураккаб шароитда мустақилликни қўлга киритди. Биз учун энг мушқули – Озарбайжон беш йилдан буён бошидан кечириётган уруш бўлмоқда. Арман куролли кучлари худудларимизга тажовуз килди; ана шу босқинчилик халқимиз бошига мислсиз кулфатлар солди. Шунинг учун олдимизда турган асосий мақсад республикани уруш ҳолатидан олиб чиқишдан, фуқаролар ҳаёт кечиришлари учун тинч шароитни таъминлашдан иборат.

... Озарбайжон давлат раҳбарлари томонидан йўл кўйилган қўпол хатолар натижасида июль ойида республика фуқаролар уруши ёқасига келиб қолди; айрим миятақаларнинг ажралиб чиқиш хавфи юзага келди. Лекин бу барча ҳодисалар бартараф этилди; бир қатор жиноятчи гуруҳлар йўқ қилинди; республика ичида ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш учун шароит пайдо бўлди.

Ҳайдар Алиев Озарбайжоннинг янги истикболли йулларини қадам-бақаддам белгилаб борди. Қорабоғ масаласини ҳал этишнинг тинч йўлини излаб топиш... Кейинги бобда хикоя қилинажак «Аср шартномаси», Туркия, Англия, Хитой, Туркменистонга бўлажак сафарлар.

Чет эллик ҳамкорлар олдида қарз сураб келган илтимосчи эмас, тенг ҳуқуқли ҳамкор намоён буларди. Ҳайдар Алиевнинг Туркия парламентидаги ёрқин нутқи Элмира Охундованинг хотирасида михланиб қолганди. Президент Озарбайжон фан, таълим, маданият соҳаларида 70 йил ичида эришган улкан ва ҳайратланарли зафарлар тўғрисида гапирди.

«Биз, – дея таъкидлади Президент, – ўз тили, миллий анъаналарини сақлаб қолган мамлакатмиз. Туркия Озарбайжоннинг асосий иқтисодий шерикларидан бири эквалигини билдираркан, Ҳайдар Алиев шу билан баробар уни Россия ва собиқ СССР республикалари билан боғлаган кўп асрлик сиёсий, иқтисодий муносабатларни узиш тўғрисида гал ҳам бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлади. Унинг фикрига кўра, устувор жихатларни бир-бири билан алмаштириш эмас, уларнинг тенг, муқобил шаклларини топиш муҳимдир.

Ун йилларга татимли драматик коллизияларга бой йил Туркменистон пойтахти Ашқободга МДХ давлат бошлиқлари

кенгаши йиғилишига бориш билан адоғига етди. Кенгашнинг 24 декабрда бўлиб ўтган ёпиқ мажлисида Озарбайжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев «арман куролли бўлинмалари Тоғли Қорабоғ ҳудудларини тулиқ назорат остига олгач, ўз ҳаракатларини кенгайтириб, Озарбайжоннинг унга ёндош районларини ҳам босиб олмоқда. Бир миллионга яқин озарбайжонликлар уй-жойларидан ажралди, босиб олинган ҳудудлардан юз миллионлаб доллар қимматга эга бўлган хусусий ва давлат мулки Арманистонга олиб чикиб кетилмоқда. Озарбайжон Республикаси 1993 йил сентябрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб, Коллектив хавфсизлик шартномасига қўшилгач, Арманистон Республикаси тажовузини тўхтатиш ўрнига, ҳарбий ҳаракатларни тобора кенг тус олдирмоқда», — деб алоҳида таъкидлади.

Озарбайжон Президенти бутун МДҲ ҳудудида сиёсий вазиятни муътадиллаштиришга қаратилган икки томонлама ва кўп томонлама битимлар тизимини ишлаб чиқишни таклиф қилди. У давлат бошлиқларига мурожаат қилиб, Арманистон Республикасининг Озарбайжон Республикасига нисбатан тажовузкорона қилмишларига сиёсий баҳо беришни; Арманистон Республикасидан Озарбайжон Республикасига қарши ҳарбий ҳаракатларни дарҳол тўхтатишни; Арманистон Республикаси куролли кучлари бўлинмаларини Озарбайжон Республикаси ҳудудидан зудлик билан олиб чикиб кетишни қатъий талаб қилишни сўради...

### 1994 йил 30 сентябрь. Нью-Йорк

Озарбайжон Президенти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси мажлисида нутқ сузлаши лозим эди. БМТнинг Бош секретари Бутрос Ғоли Ҳайдар Алиевни бутун дунёга машҳур осмонупар бино холлида кутиб олди. БМТ ва Озарбайжон байроқлари олдида протокол бўйича суратга тушилди. Кейин Бош секретарь меҳмонни мажлислар залига кузатиб қўйди. Суверен Озарбайжон давлати раҳбари Ҳайдар Алиев унинг тарихида биринчи марта юксак минбардан туриб нутқ сузлади.

Шу куни Озарбайжонда республика Миллий мажлиси раисининг ўринбосари Офияддин Жалил ўғли Жалилов ва Озарбайжон Республикаси Президенти ҳузуридаги махсус бошқарма бошлиғи, республика хавфсизлик органларининг кекса ходими, полковник Шамси Нуру ўғли Рагимов ёлланган котиллар томонидан отиб ўлдирилди.

Улар 1 октябрда дафн этилди. Мотам гулчамбарлари, қора мотам рамкасига солинган портретлар, фахрий қоровулда Миллий мажлис раиси Расул Гулиев, бош министр Суръат Хусанов,

бош прокурор Али Омаров туришарди. Қўзғолоннинг асосий ташкилотчиси, темир иродали Суръатнинг юзида килча ўзгариш сезилмасди.

Расул Гулиев ҳозиргина Нью Йоркдан Ҳайдар Алиев телефон қилганлигини, дафн маросимида ишгирок этолмаётганидан афсусдалигини, ҳалок бўлганларнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига, бутун Озарбайжон халқига чуқур таъзия билдирганлигини маълум қилди.

– Ушбу фожиани амалга оширганларнинг максоди, – дэвом этди Парламент бошлиғи ўз номидан, – Озарбайжонни ортига қайтариш, халқ иродасини букиш, уни саросимага солишдир. Миллий хавфсизлик вазирлиғи тергов изоляторидан маҳбусларнинг қочиши, таниқли давлат арбоби Офияддин Жалилов билан хавфсизлик органларининг кекса ходими Шамси Рагимовнинг ваҳшийларча ўлдирилиши Озарбайжон халқига қасд қилган душманлар ҳалиям борлигидан далолат беради.

### «Мен халқимга суянаман»

Қамоқхонадан қочиш ҳам, икки кишининг ўлдирилиши ҳам Озарбайжонни ларзага солиши керак бўлган фожиалар тизимининг дастлабки бугинлари эди. Президент ватанига қайтгач, 3 октябрда Боку шаҳрида фавқулодда ҳолат эълон қилиш туғрисидаги фармонга имзо чекди. Ҳайдар Алиевга ҳам суикасд ҳозирланаётган эди. Шу хусусда унинг ўзи Озодлик майдонидаги юз минглаб боқуликлар, бошка шаҳар ва кишлоклар аҳолиси тупланган намойишда эслагди.

– Азиз ватандошлар, қадрли опа-сингиллар ва ака-укалар, – дея мурожаат қилди Ҳайдар Алиев юртдошларига қарата. – Севимли озарбайжон халқи!

Кейинги кунларда Озарбайжон ҳаётида мураккаб воқеалар содир бўлди, жамиятда кескинлик кучайди. Шу муносабат билан, Мустақил Озарбайжон давлати мудофаасига даъват этиб, бир неча марта Озарбайжон халқига мурожаат қилдим. Ҳамиша халқимга умид боғлаб келганман; доимо унга умид боғлаганман, суянганман; унинг ақл-заковати ва куч-қувватига ҳар гал ишонганман. Шу кунларда ҳам Озарбайжон халқи ўзининг бирдамлиғи ва жиқслигини, бир-бирини доимо қўллаб-қувватлашини яна бир қарра намойиш қилди; миллий озодликка эришгач, буқилмас иродасини, мардлик-жасоратини, сабот-матонатини кўрсатди...

Уч кун бурун махсус полиция отряди айрим гуруҳларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари нағижасида юзага келган қуролли тўқнашув, гарчи вазият ўта кескин бўлган эса-да, тинч йўл билан бартараф этилди, – деди Ҳайдар Алиев. – Ёш-

ларни йўлдан оғдириб, чалгитаётган кучлар борлигини тушуниб турардим. Ёшларни кўтирчоққа айлантириб олган ғайрли кучлар уларни ўзлари истаган йўлга солмоқдалар; ёвуз, душмаялик ниятларини амалга ошириш йўлида фойдаланишга уринмоқдалар. Ҳамма гапни аниқлаш учун кўп вақт ва куч сарфладик. Ниҳоят, моҳиятни аниқладик!

Натижада тўқнашувни тинч йўл билан баргараф этишга муваффақ бўлдик!

Ўзингизга маълумки, ўтган йили куз ойида менинг ҳаётимга суикасд уюштирмоқчи бўлган террорчилик гуруҳи қўлга олинган эди. Бу гуруҳ аъзолари жиноят содир этиш чоғида тугилган. Халқ frontiдан айримлар Туркия фуқароси Ҳасан Тоқуни йўлдан оздириб, менинг ҳаётимга суикасд қилиш учун Боқуга олиб келишган эди. Бироқ муайян кучлар ўзига ушбу террорчилар қамалганидан хулоса чиқариб олмаган кўринади-ки, яна террорчилик йўлини танлашибди. Халқимиз бу жиноятга йўл қўймаслигига ишончим комил. Лекин халқимиз билиб қўйсин: Озарбайжоннинг мустақиллиги учун, ватанимиз суверенитети учун, мамлакатимиз ҳудудларининг яхлитлиги учун бор кучимни сарфлаб меҳнат қилдим; мени террор билан кўркигишолмайди, йўлимдан қайтаришолмайди.

Бугун афсус-надомат билан айтишим лозимки, ҳаётимга таҳдид солган террорчилардан айримлари Келаки қишлоғига яширинган. Улар собиқ президент Абулфаз Элчибей атрофида йиғилишган. Абулфаз Элчибейнинг Озарбайжон миллий озодлиги учун олиб борган қурашини юксак кадрлайман. Лекин, тақрор айтаманки, ҳеч ким қуролга, террорга таянмаслиги лозим. Барча қуролланган отрядлар қуролсизлантирилиши керак. Шунинг учун бугун сиёсий террор йўлини танлаган одамларга ўз нафратимни билдираман; халқни уларни фош этишга чақираман.

Шундай ташвишли шароитда Президент Ганжа ҳақида икки марта гапиришига тўғри келди. Биринчи гап эрта саҳарда Президент саройи олдида йиғилган ватандошлари ҳузурида сўзга чиқди. Боқуликларга миннагдорчилик билдирди:

– Халқнинг куч – бирликда, деган доно мақоли бор. Ҳеч ким ва ҳеч қандай куч халқ қувватига бас келолмайди. Мен ҳам – халқимга, кадрли Озарбайжон фуқаролари, сизга ишонаман. Сизларга раҳмат!

Кейин Ганжа шаҳрида қуролланган кучлар «шаҳар ва район ижроня ҳокимиятларини, аэропортни, темир йўл вокзалини, Миллий хавфсизлик вазириликни бошқармасини босиб олганлигини айтиб ўтди. Бироқ улар халқ ва давлат олдида қатта ҳаётга йўл қўйишди. Уларнинг ҳомийси ҳам гуноҳга қўл урди. У Озарбайжон учун шундай оғир қунарда бундай қилиш

мумкин эмаслигини билиши керак эди. У ҳозирга қадар ўзига кўрсатиб келинган ҳурматни билмади.

Бирок, сизга айтиб қўяй, Ганжада соғлом кучлар оёкка турди. Улар Озарбайжон давлатчилигига раҳна солмоқчи бўлганларни қўлга олишмоқда, жиловлашмоқда. Балки, ҳозир Ганжа аҳолиси мени телевизор орқали кўриб тургандир. Озарбайжон пойтахти Бокуда туриб уларга саломлар йўллайман, ганжаликларга беҳад ҳурмат-эҳтиромимни изҳор қиламан. Улар душман кучларни маҳв этишларига ишонаман».

Президент исёнчиларнинг пуштипаноҳи номини ҳозирча айтмади.

Мана, халққа яна бир мурожаатнинг матни:

– Барча алоқа йўллари шикастлангани боис Ганжа билан боғланиш қийин кечди. Бош вазир Суръат Ҳусайновга телефон қилдим. Ўзингизга маълумки, у асли ганжалик. У ерда сафдошлари тарафдорлари бор; унга бўйсунувчи қуроли кучлар бор (афсуски, бу – ноқонуний қуроли кучлардир); Ганжада содир бўлган воқеаларни гапириб бердим. Суръат Ҳусайнов бу воқеалардан беҳабарлигини, суриштириб билишини айтди. Орадан бироз ўтгач, ушбу масала билан жиддий шуғулланишни ундан яна илтимос қилдим. Ганжадаги тартибсизликларни маҳсус полиция отрядлари келтириб чиқарганини айтди.

– Хийла фурсат ўтгач, бу ОПОН вакиллари томонидан эмас, аксинча, ноқонуний қуроли отрядлар томонидан амалга оширилгани, уларга Суръат Ҳусайновга яқин айрим шахслар раҳбарлик қилаётгани ҳақида хабар олдим. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси Суръат Ҳусайнов қўл остида ишлаётган ва Ганжага юборилган кишилар содир этилаётган воқеаларга раҳбарлик қилаётгани ҳақида хабар етиб келди. Ҳамма гапни билгач, воқеа-ҳодисалар тафсилотини аниқлаш мақсадида Суръат Ҳусайновни ҳузуримга чақирдим. Лекин, афсуски, у келмади.

Кейин у билан телефонда қайта боғлана олмадим. Телевидение орқали чикқанимдан кейин телефон қилиб қолди. Бу хил ҳатти-ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслигини қатъий маълум қилдим. Ахир, биз бирга, бир давлатда ишлаяпмиз-ку. Давлатда раҳбарлик лавозимини эгаллаб турган шахс давлат тўнтаришида иштирок этиши мумкин эмас. Шу боис уни ҳузуримга қайта таклиф қилдим. Лекин у яна келмади. Ҳозир эса у ёнимда ўтирибди. Унга ҳамма гапни очик-ойдин айтаяпман. Ҳеч нарсани яшираётганим йўқ. Бундай ҳатти-ҳаракатларни қоралайман. Орамизда ундай иш бўлмаслиги лозим.

Ганжадаги воқеаларни бартараф этиш учун армия кучидая фойдаланишга мажбур бўлдик; кеча кечқурун операцияни амалга оширишга киришилди. Нагжида давлат тўнтариши қилинган янгиликларни жиноятчилар қўлга олинди.

Улар устидан суд бўлиб ўтди. Суръат Хусаинов умр-бод қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Бироз илгарилаб айта қолайлик: 2004 йил 17 мартда Президент Илҳом Алиев уни афв этди. Озодликка чиққан заҳоти у Ҳайдар Алиев кабрига йўл олди; ҳоки пойида уч марта бош эгиб таъзим қилди. Тазаррунинг шунақаси ҳам бўларкан.

Юрий Константинович Шафраник 1993–1996 йилларда Россия ёқилғи ва энергетика министри бўлганди; кейинги йилларда давлатлараро «Союз Нефтегаз» нефть компаниясига ва Россиянинг Олий кенгашига раҳбарлик қилмоқда. Унинг Ҳайдар Алиев билан танишуви Озарбайжон учун хавотирли бурилиш йилларига тўғри келганди.

– Бундай юксак миқёсли давлат арбоби, – дейди Юрий Шафраник, – ўз мамлакатининг четдан туриб кўпда англаш қийин бўлган манфаатлари ва қизиқишларига мутаносиб ҳолда иш қилади. Замондошларига нимадир нотўғридек туюлиши мумкин; у эса воқеаларни кўп йиллар олдин кўра олгани боис ягона тўғри йўлни танлайди. Бунга кўплаб тарихий муқоясалар келтириш мумкин.

Бир пайтлар Дэн Сяопин, Хитойда қайта қуриш юз йил давом этади, деганди. Айни маҳалда сиёсий тизим, сиёсий йўл шубҳа остига олинмайди. Иқтисодда эса қўлингдан келган, қурбинг етган нарсани қилавер, фойда келтирса бас, қабилда иш тугилади. Мушук қанақа тусда бўлиши шарт эмас, – дея образли фикр юритганди доно Дэн, – муҳими, сичконни тутса бас. Ёш бир мутахассис сифатида бу гапга елкамни қисиб қўя қолгандим. Лекин ўтган давр улар доноларча йўл тутишганини курсатди. Улар ўзининг «буюк сакрашлар»идан сабоқ олиб, оқилона хулоса чиқаришган экан. Биз эса бундай қилмадик. Иқтисодни беш юз кунда ўнглаш мумкин, дея хомхаёлга берилдик. Озарбайжон билан муқояса қилмоқчиман: Ҳайдар Алиев фавқулудда қийин шароитда қанчалик миришқорлик билан, ўйлаб, ҳисоб-китоб қилиб фаолият юритганлигининг гувоҳи бўламиз. Четдан туриб уни тасаввур қилиш қийин. Қанчалик доно сиёсатчи эканлигини, қандай шароитда иш олиб борганини англаш учун унинг ёнида бўлиш лозим. Унинг хизматлари ҳалигача тўлиқ анлангани йўқ. Ўша, 93, 94-йилларда Россия министрларидан бирон киши Бокуга бормаган бўлса керак. Ҳарбийларгина борган бўлиши мумкин. Шундай экан, Москвада ўтириб, Озарбайжонда, Бокуда нималар қилиш кераклиги ҳусусида қандай хулоса чиқариш мумкин?

Ун йилдан ортик муддат ўтди. Унчалик катта муҳлат эмас-дек кўринса-да, бу катта давр; вақт ўтгандан кейин воқеа-ҳодисалар хиралашади. Озарбайжон билан Арманистон ўр-

тасида шунчаки тўқнашув эмас, уруш борганини эсланг-а. Кипилар аёвсиз жанглар қилишаётганди. Ҳарбий қисмлар хужум қилган, чекинган пайтлар. Боқуда миллионлаб қочоқлар гупланган. Булар, асосан, тоғли районлардан келган, шаҳар ҳаётига мутлак мослашмаган деҳқонлар. Оилаларнинг егулик нарсаси йўқ. Заводлар тухтаб қолган. Совет Иттифокининг етмиш фоиз нефть-газ усқуналари Озарбайжондан етказиб бериларди. 1992–1993 йилларда курсаткич нолга тушиб қолди. Нефть қазиб олиш пасайиб кетди. Уруш туфайли ҳамма томондан ажралиб қолинди. Мамлакат ичкарисида Халқ fronti, партиялар, президент эса қочиб кетган, кўчаларда бошбошдоқлик ҳукм сурарди. Узини Ҳайдар Алиев ўрнига қўйиб кўрдим: шундай шароитда нима қилган булардим? Ушандаям, ҳозир ҳам бир гапни айтишим мумкин: Алиев ўша вазиятда 100 та имкониётдан 100 натижага эришганди. Бундай сиёсий мерганлик ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Кейин қизиқишим тобора ортди: наҳотки, у ҳамма нарсани шунчалик туғри ҳисоб-китоб қила олган? Ҳавасим келиб кузатардим. Очиғини айтишим мумкин: унинг фаолиятидан биронга ҳам кийик тополмадим. Боқута келганимда, шунчаки, Шафраникка эмас, Россия министрига нисбатан курсатиладиган эътиборни ҳис қилдим. У Россия раҳбариятига етказилиши мулжалланган айрим жиҳатлардан, маълумотлардан мени хабардор қиларди: мана, бу фитнани фош қилдим, мана бунисини.... Ҳа, бу нарсани турлича тушуниш мумкин эди: сиёсий қураш тарикасида ҳам, рақибни сиқиб чиқариш тарикасида ҳам. Лекин оқибат нима бўлди? Бу барқарорликни юзага келтирдими? Шундан сўнг уруш тўхтатилдими? Икки йилдан кейин Боқу бутунлай узгача бўлиб қолдими? Ҳа, шундай.

Алиевнинг ўрнида бошқа одам бўлса, назаримда, мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилган буларди. Озарбайжонни сақлаб қолиш, урушни тўхтатиш, оддий тартиб ўрнатиш, одамларда эртанги кунга ишонч уйғотиш, иқтисодни жонлантириш учун ҳарбий шароит қонун-қоидаларига мувофиқ фаолият юритарди. Алиев ана шуларни икки-уч йилда адо этишга эришди. Сиёсий воситалар билан амалга оширди.

Илк учрашувларимиз яхши эсимда. Ҳайдар Алиевич Халқ fronti вакиллари ҳам, бошқа ҳар хил ҳаракатлар етакчиларини ҳам ёнига оларди. Уша одамларга разм солар эканман, Алиев билан киёсланганда, Озарбайжон олдида турган вазифалар билан киёслаганда, улар ҳеч ким бўлмай қоларди. Булар митингчилар эди. Алиев эса уларни мен билан кечган суҳбатларга, барча музокараларга таклиф қиларди. Ушанда Суръат Ҳусайновни ҳам қурганман. Ҳеч кимни қораламай айтаманки, улар дунёни англаши, тарбияси, маънавияти жиҳатидан бир-бирдан фаркли икки дунё эди...



Ҳеч кимни идеаллаштироқчи эмасман; умуман, болалигимдан мен интилган ҳеч қанақа тимсол бўлмаган. Лекин улкан шахслар олдида ҳамипа бошимни эгаман. Ҳайдар Алиев ана шундайлардан бири. У тарихнинг энг бурилиш палласида ақл бовар қилмас самараларга эришди. Ҳайдар Алиев тангрининг Озарбайжон учун инояти эди.

Вазиятни енгиб ўтиш учун Озарбайжоннинг қандай имкониятлари бор? Нефти бор! Демак, ҳамкорларни топиб, улар билан нефть лойиҳаларини бошлаш лозим.

Россиянинг манфаати нимадан иборат? Лойиҳани тақиклашми? Йўқ, албатта. Баҳам кўриб, биргаликда ишлаш зарур. Катта сифимли трубалар бизнинг мамлакатимиздан ўтиб боради; озарбайжонлик нефтчилар аллақачондан бери бизнинг юртда, биз уларникида фаолият юритяпмиз; қанақа савол туғилиши мумкин? Гап – сиёсий иродада. Озарбайжонга ёрдам кўрсатиш баробарида, ўз улушини ҳам белгилаб олиш зарур. Бошқа, юксак нарсалар тўғрисида гапирмоқчи эмасман. Вақт шунини кўрсатдики, министр сифатида Россия манфаатларини химоя қилар эканман, ўз иддаоимда ҳақ эдим! Биласизми, ана шу манфаатдорлик ҳисси қалбимга малҳам бўлади. Собик иттифокдош республикаларнинг барчаси, шу жумладан Арманистон ҳам мен учун азиз... Биз улкан мамлакатда тарбия топдик, ўсдик. Арманистонни қандай килиб севмаслигим мумкин! Қанчадан-қанча нефть-газ қурувчиларимиз зилзила оқибатларини тугатишда уларга кўмак беришди. Агар Россия манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, жамоатчилик фикрига қарамасдан, Россия ташқи ишлар министри Козырев позициясига қарамасдан иш қилдим.

Вақтдан келиб чиқиб айтаман: Алиевнинг ҳамда министр сифатидаги менинг қилган ишларимиз бир-бирига зид эмасди. Янги вазиятда Россия манфаатларини ўзимча тушунишимдан келиб чиққандим.

Юрий Константинович Шафраник Россиянинг Озарбайжондаги, Каспий ва Кавказортидаги кизиқишларига хилма-хил ёндашув габиатини белгилаб берди. Бу ҳақда кейинги бобда алоҳида тўхталамиз.

Х боб

## ОЗАРБАЙЖОН НЕФТИ ЖАҲОН СИЁСАТИДА

### Нефть қиролича бўлса...

Тан оламинг: ушбу боб номида Ҳайдар Алиевич Алиев таъбирини такрорладик. 1994 йилдаёқ у «Озарбайжон нефти жаҳон сиёсатида» кўп жилдлигини кўнглига тугиб қўйганди. Мазкур кўп жилдлик нефть саноатининг энг қадимги замонлардан бизнинг кунимизгача бўлган тарихи, унинг сабоқлари ва истиқболлари тўғрисида ҳикоя қилиши керак эди. Нашр уша пайтларда Озарбайжон Республикаси Давлат нефть компанияси раисининг биринчи уривбосари бўлиб ишлаган Илҳом Алиев ва унинг ҳамкасбларига топширилган эди. Бугун бемалол айтиш мумкинки, Озарбайжоннинг янги нефть сиёсати ва уни тарихий тушуниш баравар олиб борилмоқда. Президент буни сиёсий, иқтисодий, ижтимоий нуқтаи назардан ҳайратомуз даражада аниқ ишлаб чиққан эди.

Қадимги замонларда мажусийлар Боку нефтига сўнгинган эдилар. XIX аср охирида номаълум башоратчилардан бири бундай деб ёзган эди: «Кичик эҳромнинг битта хонасини ғира-шира ёритган нефть эндиликда бутун салтанат худудини ёритмоқда ва шундай пайтлар келадикки, у дунёнинг тенг ярмини ҳам ёритажак, ҳам иситажак». Нефтьта қироллар ва шоҳлар, президентлар ва шайхлар, банкирлар ва авантюрачилар сўғинадилар. Нефть учун давлатлар ва сиёсатчилар жанг қилганлар ва қилмоқдалар.

1918 йилда британиялик таникли иқтисодчилардан бири бундай деб ёзган эди: «Нефть оламида Бокуга тенг келадигани йўқ. Агар нефть қиролича бўлса, Боку унинг тахтидир». Бу тахтга даъвогарлар кўп эди – Англия, Германия, Туркия. Лекин 1920 йилда Қизил Армия барча билан орани очик қилди.

1942 йил 20 апрелда немис генераллари Адольф Гитлерга Каспий денгизи ва Боку тасвири туширилган торти тақдим этган эдилар. Уша қушлари вермахт совет-герман фронтининг жанубий кантида ҳал қилувчи ҳужумга тайёргарлик кўраётган эди.

Май ойи урталаридан Совинформбюро маълумотлари Харьков ва Кремль йуналишидаги жанглар борасида кела-

ётган хабарлар билан бошланадиган бўлди. Кейин маълумотлардан Керчь тушиб қолди. Йиллар ўтгачгина биз Ажимушқайнинг матонатидан хабар топдик, ер ости гарнизони сўнгги нафасигача у ерлардаги моғораларда газлардан бўғилиб, очлик ва ташналикдан кирилиб, жанг қилган экан. Совет кўшинлари 3 июлда, 250 кунлик қахрамонона мудофаадан кейин, Севастополни ташлаб чиққан эдилар. Уруш Ростов, Батай, Краснодар йўналишларида жануб томон тобора силжиб борарди... Дунё Шарқдан келаётган хабарларни тинглар эди. Америка Ассошиэтед Пресс агентлигининг Москвадаги мухбири жаноб Кэссиди СССР ХКС Раиси И.В.Сталинга савол билан мурожаат қилди:

– Қаршилик кўрсатишга Советларнинг кўрби етадимми?

– Советларнинг немис қарокчиларига қаршилик кўрсатиш қобилияти, ўз кучига кура, фашист Германияси билан бошқа ҳар қандай босқинчи давлатнинг жаҳон узра ҳукмронлик ўрнатиш борасидаги қудратидан ортик бўлса бордирки, асло кам эмас, деб уйлайман.

Фронт чекинмоқда эди. Аммо, деб таъкидлаган эди ўз эс-даликларида Совет Иттифоқи маршали К.С.Москаленко, «бир гуруҳ жангчилар эмас, балки батальонлар, полклар, дивизиялар, яъни командирлар ва штаблар бошқарувидаги армия чекинмоқда эди... Уйласанг, ичинг ачишиб кетади. Бироқ заифлик ёки маҳкумлик туйғусидан асар ҳам йўқ эди. Илгаригидек, душманни ер билан яқсон эгишга, ғалабамизга бўлган мустаҳкам, енгилмас ишонч бор эди».

1942 йилнинг 1 августи. 383-ўқчи шахтёрлар дивизияси ҳарбий ҳаракатлар журнали: «... Комендантлик роталаригача бўлган барча захиралар жангга ташланди». 2 август. «Душмanning мудофаани ёриб ўтишга бўлган ҳаракати пучга чиқди. 16.00да душман 691-ўқчи полкни ўнг томондан айланиб ўтди ва икки батальонча куч билан учинчи батальонни янчиб ташлади. Одамлар жон олиб-жон бериб олишардилар. Шахсий таркибнинг кўпчилиги мардларча ҳалок бўлди. Беш пулемёт расчёти бутунлай йўқ қилинди. Пулемётларни командирлар таркиби қўлга олди ва у ҳам шундай қисматга дучор бўлди. Батальондан санокли одамларгина қолди».

Уша марраларда асосан Озарбайжон жангчиларидан тузилган 416-ўқчи дивизия ҳам жанг қилган. Бир йилдан сўнг, уруш Ғарбга томон сурилганда, бу дивизия Таганрогни озод қилиш учун бўлган жангларида ўзини кўрсатди ва Таганрог ўқчи дивизиясига айланди. Буюк Пётр хоҳиш-иродаси билан Азов денгизи соҳилида вужудга келган шаҳарда Ҳайдар Алиев ташаббуси билан дивизия жангчиларига ажойиб ёдгорлик ўрнатилди. МКнинг биринчи қотиби уларок у ёдгорлик очилиши маросимига ташриф буюради.

1942 йилнинг ёзида эса, олдин айтиб ўтганимиздек, Боку шаҳрида туғилган, Иттифок нефть саноати халқ комиссари ўринбосари Николай Байбаков Кубандаги нефть кудукларини портлатди.

Бутун шаҳар Боку теварагида мудофаа марраларини курмоқда эди. Силлани қуритувчи меҳнатдан кейин ваҳгага нефтчилар чиқар эдилар, талабалар, ўқувчилар, уй бекалари кулларига белкурак олардилар. Яхшиямки, бу марра жанговар бўлмади колди. Саноатни ҳимоя қилиш максасида фақат зенигчилар ўт очар эди.

Йиллар ўтаверди. Бир вақтлардаги махфий буйруқлар архив ҳужжатларига айланди. Фашист директивалари уюми ичидан 1942 йил 23 июль санаси қўйилган ушбу 45-сон директива чиқиб колди:

«А» армиялар гуруҳининг энг биринчи вазифаси Ростовдан жануброққа ва жануби-шарқдаги минтақага, Дон дарёсининг нариги томонига қараб кетган душман кучларини қуршовга олиш ва йўқ қилишдан иборат эди. «А» армиялар гуруҳи ўзининг муҳим топшириғини бажара олмагач, бизнинг қисмимиз Шимолий Кавказ томон чекинди.

Дикқатта сазовор жиҳат. 1942 йилнинг 9 сентябрида «А» армиялар гуруҳига... Адольф Гитлер қўмондонлик қилган. У собик қўмондон генерал-фельдмаршал Листни ишдан олди ва Сталино (ҳозирги Донецк) шаҳрида жойлашган «А» армиялар гуруҳи қароргоҳи орқали унинг Кавказдаги ҳаракатларини бошқара бошлади. Эртасига Гитлер ўзининг Винница яқинидаги «Вервольф» қароргоҳидан Туапсега ҳужум қилиш, Қора денгиз соҳилларини босиб олиш туғрисида буйруқ берди. Аммо воқеалар бошқа режалар бўйича – Сталинград яқинида ва Кавказда ривожланмоқда эди.

Қандолатчиларга Каспий ва Боку шакли туширилган тортни пиширтиришда Берлиндаги жаноблар ховлиққанлари аниқ эди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Озарбайжон нефтчилари 75 миллион тонна нефть казиб олиб, 22 миллион тонна бензин ишлаб чиқарган эдилар. Умумиттифок нефть казиб чиқаришда Озарбайжоннинг улуши 71,4 фоизни ташкил этганди. Шундан авиация бензини – 80 фоиз, автотранспорт мойи – 96 фоиздир. Совет танклари ғалаба сари Боку ёнълғисини қуйиб борган эди.

## 1971 йил 21 апрель, Боку

Шу куня пойтахтда Озарбайжон тарихида, Совет Иттифоқи нефть саноатида муболағасиз жаҳоншумул воқеа – республика нефть қорхоналарида бир миллиард тонна нефть казиб олинганига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Бир сурат сақланиб қолган: биринчи қаторда юлдузлар ва орденлар таққан нефтчи-

лар; минбарда – Ҳайдар Алиевич Алиев; сахна узра мафкуравий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган композиция – нефть минораси, актни лол қолдирувчи рақам ва ўша йиллар учун шарт бўлган дохий сурати.

Ўз-уздан равшанки, миллиард – бу бир оз шартли рақам. Нефть қазиб олиш бўйича ишончли ҳисоб бундан юз йил аввал конларни сановат йули билан ўзлаштириш бошланган пайтдан олиб борилган. Утган асрлар ва минглаб йиллар давомида улар қанча нефть берганини ҳеч ким аниқ билмайди, чунки Каспийнинг саховатпеша кирғокларидан «қора олтин» милоддан олдин ҳам қазиб олина бошланган.

Дарвоқе, нима учун фақат қора олтин бўларкан? Савдогарлар ва сайёҳларга Боқунинг оқ олтини ҳам маълум эди ва улар уни юксак кадрлар эдилар. Владимир Иванович Даль ҳам ўзининг машҳур луғатида қуйидаги изоҳни берган: нефть оқ, анча суюқ, қунғир ва қора сақичдай қуюқ ҳам бўлади ва, ниҳоят, қайишқоқ сланецга ўхшаш каттик ҳам бўлади, Нефть булоқлари (Даль топган суз нишонга теккан!) вулқонли жойларда, масалан, Боқу яқинида бўлади, бу ерда «нефтни оқизиш ва туплаш учун нефть қудуқлари» қазийдилар. Дмитрий Иванович Менделеев 1880 йилда Боқудан туриб бундай ёзган эди: «... бу ердагидай нефть мўл жой ҳалигача бошқа ҳеч жойда йўқ. Мен Пенсильванияда бўлганман ва у ердаги нефть конларини кўрганман, комил ишонч билан айта оламанки, бу ерда, шубҳасиз, нефть захираси жуда катта ва уни қазиб чиқазиш анча осон». Таникли озарбайжон сановатчиси Тағиев тасарруфидаги янги нефть фаввораларидан бирига эгалари буюқ рус олими ўғлининг номини берганлар. Бу Дмитрий Ивановичнинг Озарбайжон нефть сановати олдидаги хизматларини эътироф этиш белгиси эди. Унинг хатларидан қароматгүй сатрларни келтириб ўтамиз: «Нефть етарлича кўп... Энди бу нефтни ишга солиш, у билан Россияни, Шарқни ва Ғарбни ёритиш ва мойлаш керак. Боқуликларнинг ёлғиз ўзи бунинг уддасидан чиқолмайдилар. Улар ўз ишларини бажариб бўлишди ва вазифаларини шараф билан уддалашди. Энди ақл ва янги кучлар, узоқни кўра билиш ва жасорат керак».

### Алиев сабоқлари

Мамлакатнинг янги нефть сановатини обдан ўйлаб кўрар экан, Ҳайдар Алиев ана шундай одамларга гаянар эди. Шулардан биринчи бўлиб унинг фамилиядоши, ҳозирги сановат ва энергетика министри Алиев Нотик Оғами ўғлини тилга оламиз. Алиевлар Озарбайжонда шунақа кенг тарқалганки, Россиядаги Иванов ёки Петровдан ҳам олиб тушишти ҳеч гап эмас. Нотик

Оғамиевич Озарбайжон республикаси Давлат нефть компания-сига 1993 йилдан бошчилик қилиб келмоқда.

У шифокорлар оиласида вояга етди, аммо тиббиёт уни ўзига жазб этмади. Уша йиллари бутун Иттифок бўйлаб Боку ва Тюмень нефтчилари, Донбасс шахтёрлари, Сибирь электр станциялари курувчиларининг номлари жаранглар, – меҳнат кишиларининг толе юлдузи порлаган даврлар бўлган. Озарбайжонда энг оммавий касб нефтчилик эди, бурғилаш усталари, геологлар, ишлаб чиқариш ташкилотчиларининг номлари газеталарнинг биринчи саҳифаларида манаман деб турарди. Ой туғса ҳам, кун туғса ҳам уларга эди. «Тўтрисини айтсам, болалиқдан, ёшлиқдан менда ижобий шухратпарастлик гуйғуси бор эди, – деганди Нотик Оғамиевич суҳбатларимиздан бирида. – Мактабни битиргач, хужжатларимни Озарбайжон нефть кимёси институтига олиб бордим, у энг обрўли институт эди».

Сўнг ёш мутахассиснинг оддий йўли бошланди: бурғилловчи ёрдамчиси, техник-геолог, муҳандис-геолог, аспирантура, фан ва яна ишлаб чиқариш. Нотик Озарбайжонда энг ёш техника фанлари номзоди бўлди, уни республика комсомол МК қошидаги Ёш олимлар кенгашига таклиф этишди. «Ишлаб чиқариш фаолиятида ҳам, ижтимоий фаолиятда ҳам фаол бўлишга ҳаракат қилдим», – дейди у ўша йиллар ҳақида. Унинг ҳамма ишлари расамади билан бормоқда эди – бирлашмада янги лавозимга тайинланди, партия қўмитаси секретари бўлди... Озарбайжон Компартияси МКга нефть ва кимё саноати бўлими йуриқчиси бўлиб ўтиш ҳақидаги таклиф бўлиши табиий эди.

Бу 1984 йилда содир бўлди. Иккинчи йилдирки, Алиев биринчи қотиб вазифасида ишлаган вақтидаги вориси Комрон Багиров республика компартияси МКга раҳбарлик қилмоқда эди. Ҳайдар Алиев, маълумки, Москвада, СССР Министрлар Советида ишламоқда эди. Янги йуриқчи у билан шахсан таниш эмасди, ўзи айтганидек, илгари «йулларимиз сира кесинмаган эди». Аммо аслида бу унча ҳам туғри эмас экан. Йуриқчи, кейинчалик МКнинг ижтимоий-иқтисодий бўлими сектор мудирига хизмат бурчи бўйича нефть ва кимё саноати, транспорт, алокани назорат қилиш топширилганди. Ишнинг янги қўламли участкасини ўзлаштирар экан, у бўлимда сакланаётган хужжатларга мурожаат қилди. Ҳайдар Алиевич Алиевнинг МКда олиб борган кенгашлари стенограммалари, нефтчиларнинг у маъруза қилган республика фаоллари йиғилишлари, нефть билимдонлари, олимлари ва энг йирик ишлаб чиқарувчилар – Курбон Аббосов, Баҳмон Ҳожиев, Али Амиров, академик Ализоданинг нутқлари ва ҳоказолар тажриба, дадил илмий изланиш, ўтқир тафаккурнинг чинакам ҳазинаси бўлиб чиқди.

– Мен кенгашлар ва активлар стенограммаларини, МК биринчи секретари нотикларга берган саволлар стенограммала-

рини қайта-қайта ўқиб чиқдим, унинг соҳани, нефть саноати муаммоларини қанчалик чуқур тушунишини кўрдим, – деб эслайди Нотик Алиев. – Бу материаллар янги вазифаларни ўзлаштиришда менга ҳам кўп жиҳатдан ёрдам берди. Умуман, партия МКда ишлаб, катта тажриба ортирдим, кўшлаб етук одамлар билан юзма-юз бўлдим.

1991 йил августдан кейин Нотик Алиевни Бокуда фаолият юритаётган инглиз фирмаларидан бири ишга таклиф қилди. Шу тариқа унинг совет нефтчиси, олими, партия ходими сифатидаги тажрибасига менежерлик амалиёти келиб қўшилди. Бу орада Озарбайжонда ҳокимият яна алмашди. Ажойиб кунларнинг бирида Нотик Алиевнинг офисида бирдан кўнгирик жиринглади: «Сиз билан Ҳайдар Алиевич учрашмоқчилар».

– Мен ўша учрашувни, Ҳайдар Алиевич билан бизнинг биринчи учрашувимизни яхши эслайман, – дейди Нотик Отами ўгли. – Бундай воқеалар хотирада узоқ сақланиб қолади... Мен тайинланган вақтда парламентга келдим, мени дарҳол Ҳайдар Алиевнинг кабинетига таклиф қилишди. Кабинетнинг жуда узунлиги эсимда қолган – ёки менга ҳозир шундай туюляптимикиан? Столнинг энг тўрида Ҳайдар Алиев ўтирибди. Менга ўтиргани жой кўрсатди, менинг хужжатларимни кўриб чиққанини, энди ўзим билан яқиндан танишмоқчи эканлигини айтди. Ота-онам ҳақида, қаерда ва ким бўлиб ишлашгани ҳақида, дўст ва уртоқларим тўғрисида, қариндош-уруғимдан бирон киши давлат хизматида бўлганми-йўқми – шулар ҳақида суради. У саволларни шундай берардики, гўё дилдан суҳбатлашаётгандай эди. Аммо бу, кейинроқ тушунишимча, суҳбатдошни чуқур таҳлил қилиш экан: менинг шахс сифатида канакалигимни билиб олаётганди. Уни кўпроқ республиканинг қийин аҳволга тушиб қолган нефть саноати муаммолари борасидаги қарашларим кизиқтирмоқда эди.

Албатта, кейинги йилларда республика иқтисодиётида вужудга келган вазиятни Ҳайдар Алиев ўзи билар эди. Сўнги совет йилларида бошқарувнинг бутунлай издан чиқиши, Халқ fronti билан кириб келган тартибсизликлар заводлар ва саноатга катта зарба бўлиб тушаётган эди. Янги хўжайинлар кабинетлардан мутахассисларни улоқтириб тақшамоқда эди. «Хўп ҳукм юрғаздинг, энди бошқага жойни бушатиб қуй!» «АзНИПИ нефть» илмий-тадқиқот институти директори, тавсияларига бутун Иттифоқ бурғичилари қулоқ солиб келган Саидризонни кўчага иткитишганди. Нефть ва газ қазиб чиқариш ҳамда бурғилаш бошқармаларида мутахассисларни тумтурақай қилмоқда эдилар. Режимга қарши саводсиз курашчилар кабинет эгалланса, телефон ёнига ўтирилса бўлди, нефть ўзи қувурлардан оқиб келаверади, биз эса мўмай даромаддан завқланиб юраверамиз, деб ўйлашган эди.

– Агар республика яшаб колмоқчи бўлса, – деб мулоҳаза юритарди Ҳайдар Алиев овоз чиқариб, – фақат нефть саноатигина унинг жонига оро киради...

Унинг шуурида кейинчалик Озарбайжон нефть стратегияси, деб аталган уша сиёсат шаклланмоқда, эҳтимолки, умумий тархларда вужудга келиб бўлган эди. Ҳозир ҳам у суҳбатдоши соҳанинг бош муаммолари ҳақида нималарни уйлаётганини, қўшма корхоналар фаолиятини, ғарб фирмалари тажрибасини қандай баҳолаётганини билишга ҳаракат қилмоқда эди.

– Мен айтдимки, – дея уша суҳбатни хаёлида қайта тиклайди Нотик Алиев, – бизнинг нефть стратегиямиз, назаримда, икки йўналишда бориши керак. Биринчиси, ички захиралар, тартиб-янтизом, янги кадрлар сиёсати ҳисобига таназзулни тўхтатиш. Иккинчиси, шу нарса аниқки, Озарбайжон фақат ўз кучи билан бу муаммоларни ҳал этолмайди. Бу эса фақат техник эмас, балки сиёсий, ахлоқий-руҳий ҳолат ҳамдир.

Дарҳақиқат, Озарбайжонни «Иттифокнинг нефть академияси» деб аташлари бежиз эмасди. Озарбайжонлик мутахассислар Иккинчи Боку – Волга бўйида, Татаристон ва Бошқирдистон республикаларида, Ғарбий Сибирда нефть конларини ўзлаштиришда ёрдам берганлар. Боку заводлари бутун мамлакатга асбоб-ускуналар етказиб берган. Энди бўлса, ўзининг ёрдам сурашига тўғри келяпти! Аммо сўнгги йилларда вазият ўзгарди. Нефть қазиб чиқариш бўйича жаҳон тажрибаси анча илгарилаб кетди, янги технологиялар, янги ишлаб чиқариш, экологик техника ўзлаштириб олинди. Озарбайжон мутахассислари бошқалардан ўрганишга тайёрмиканлар? – Кимдир қарши чиқиши мумкин, – ўйчан жавоб берди Нотик Оғамиевич. – Аммо бу зарурий қадам.

Шундай бўлиб чикди ҳам. Дастлабки пайтларда нефть масаласида Озарбайжон қуринмас чизик билан икки лагерга ажралди. Бирлари Штатлар, Англия, Норвегия ёки Туркия ёрдамига суянмай, ўз кучимиз билан удалаймиз деса, иккинчилари бу қадамни оқилона ва зарурат, деб ҳисоблар эди.

– Уша пайтда республика молиявий инқироз ёқасига келиб қолганди, – давом этади Нотик Оғамиевич. – Чет эл сармоясиз биз уни ўн беш-йигирма йил ичида ўзлаштириб ололмасдик, аммо ихтиёримизда бунча вақт йўқ эди. Бирдан-бир йўл – ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш, вассалом. «Аммо Бокуга интилаётганларнинг барчаси билан ҳам эмас, – таъкидлади Ҳайдар Алиевич, – биз дунёдаги энг таниқли, энг бообрў компаниялар билан музокаралар олиб борамиз».

... Суҳбат мен кутмаган тарзда тугади:

– Кеч бўлиб қолди, – деди Ҳайдар Алиевич ҳамсуҳбатига. – Уйингга бор, сени бу ишимизга жалб этишни уйлаб қураман. Қандай тўхташга келганимни сенга етказишадди.



Кейинги кунгирок булганда Нотик Алиев сингисининг дала ховлисида эди. Ундан ун беш дақиқадан сунг президент хузурида хозир булишини илтимос килишди, аммо у уйга кириб кийимларини алмаштириб олмаса булмаслигини айтди.

– Озарбайжон Давлат нефть компанияси президенти лавозимига бир неча номзод бор эди, – деди унга уша «узун» кабинетда Хайдар Алиев, – мен узоқ уйладим ва сенинг номзодингда тухтадим. Сен ёшсан, удалашингга ишонаман. Эртага, 9 августда парламентга хорижий нефть компаниялари вакилларини таклиф этиб куйганман, сен улар олдида сузлайсан. Нефть – бу Озарбайжоннинг миллий бойлиги эканини улар тушунишлари керак, биз тузиб куйилган битимларни, улар Озарбайжон манфаатларига мос келиш-келмаслиги жихатидан баҳоламаслигимиз мумкин эмас.

Бу тун Нотик Алиев учун кандай кечганини тасаввур этиш кийин эмас. Қарийб тонггача у уз нутки тезисларини коралаб чикди: ёзди, учирди ва қайта ёзди.

Эрталаб соат 10 да парламентнинг катта залида хилма-хил забонли меҳмонлар – Озарбайжонда ишлаётган нефть компанияларининг вакиллари тупланган эди. Хайдар Алиев уларни илиқ қарши олди... Бу мустақил Озарбайжоннинг нефть стратегиясидаги биринчи ҳақиқий қадами эди.

Уз-уздан маълумки, Нотик Алиевдан фақат нефть стратегияси ҳақида эмас, балки уни ишлаб чиккан ва амалга оширган инсон ҳақида сураб-суриштириш биз учун кизиқарли эди.

– Сиз Хайдар Алиевич билан тез-тез учрашиб турган булсангиз керак, у киши тасаввурингизда кандай гадаланади?

Давлат нефть компанияси президенти узининг худди бегим кунларидек дақиқаларга булиб чикилган шанбалик иш тартибидан бир соатини ажрата олди. Денгиз вокзали ёнидаги чоғрок ресторанда, очик ҳавода столчалар тизилган, ҳаракатчан, кулиб турувчи официант Азиз барча меҳмонларга оёғи олти, кўли етти булиб хизмат килмоқда. Москванинг эсига ҳам келмайдиган учрашув. Бу ерда Нотик Алиевнинг пихини ёрган ҳамкасбларига талай куриқчилар ҳамроҳлик килган. Нотик Оғамиевич нафис стаканчадаги чойни кавлаштирар экан, бирдан ўзи бизга мурожаат килиб қолди:

– Истасангиз, Хайдар Алиевич мени кандай тарбиялаганини хикоя килиб берман.

– Бажонидил!

– Иш бошлаганимга бир-икки кун булган, – деб хикоясини бошлади у. – Бокуда, эслатиб кўяй, комендантлик соати амал килмоқда. Ҳали менда на гувоҳнома, на рухсатнома бор. Соат гунги ун иккилардан кейин патруль ҳар кандай одамни ушлайди... Кечки соат саккизларда Алиевнинг котибиятидан

кунғирок бўлди. Унинг ёрдамчиси Таризль Гасанов экан: «Сиз билан Ҳайдар Алиевич гаплашадилар, кетмай туринг».

Яхши. Кунғирокни кутаман. Тукқиз, ун... Жимлик. Унда узим кунғирок қилдим. «У ҳали банд, – жавоб беришди, – кутиб туринг». Ун бирдан ошди. Ҳадемай ун икки булади. Бир нима қилиш керак. Мен яқинда тураман, уйимга етиб оламан. Ҳайдовчим эса Боқунинг нариги чеккасига бориши керак... Хуллас, мен уйга кетдим ва ҳайдовчимни қўйиб юбордим.

Эрталаб соат 9.00 да ишга келдим. 9.05 да яна ташвишли овоз келди: «Нима қилиб қўйдинг!» – «Нима қилибман?» – «Уйга кетиб қолибсан-ку, Ҳайдар Алиевич эса сени қадирди. Сени ишдан тополмади». Нима бўлганига аклим етмаса ҳам, нима учун кетиб қолганимни тушунтираман.

Кечки соат саккизда яна уша Таризль Гасанов кунғирок қилади: «Сен билан Ҳайдар Алиевич гаплашади». Кутаман – ун, ун бир, ун икки... Бешта кам учда кунғирок жиринглади. Яна Таризль Гасанов: «Уйга бораверишингни айтди, сен билан бошқа вақт гаплашар экан».

Эртасига яна шу воқеа такрорланди. Ниҳоят, учинчи кун Ҳайдар Алиевич гушакни олди. Албатта, у нима гаплагини суриштириб ўтирмади. Фақат: кунғирогимни кутмасдан уйга жунаворгани уялмадингми? – деб сўради. Мен вазиятни тушунтирдим. Бунга жавобан: «Ўзим ҳозир айтиб қўяман», – деди. Кейин менга дашном бера кетди: «Сен каерда бўлма, истаган маҳалим сен билан боғланиб туришим керак. Токи мен ишда эканман, сизлар ҳам ҳеч қачққа кетмаслигингиз керак. Сизлар ёшсизлар ва мендан кўпроқ ишлашингиз керак». – «Хўп, Ҳайдар Алиевич, тушундим».

Бу биринчи сабоқ эди. Кўп ўтмай иккинчи сабоқни олдим. Мен Боқудан 100 километр узоқда, нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармасига кетган эдим. Уша ерда менга Президент кунғирок қилиб қолди: «Бундан буен менинг изимсиз Боқудан ташқарига чиқа кўрма». – «Тушундим, Ҳайдар Алиевич!».

## 1994 йил 20 сентябрь, Боқу

Энди таквимдан 1994 йил сентябрини очамиз. Айнан ушанда Озарбайжонда, бошқа мамлакатларнинг ишбилармон доираларида Алиев тақлиф этган «Аср шартномаси», деган жушқин қоида таомилга қира бошлаган эди. Хўш, бу шартномада нима назарда тутилган эди? Озарбайжон Республикаси Давлат компанияси билан халқаро компаниялар консорциуми ўртасида Каспий денгизининг Озарбайжон секторида жойлашган «Чирок», «Озарий» ва «Гунешли» нефть конларидан биргаликда фойдаланиш бўйича битим тузиш назарда тутилди. Бир нарсага эътибор қаратамиз. «Аср шартномаси»ни тантана-

ли имзолаш маросими 1994 йил 20 сентябрда, Ҳайдар Алиев ҳокимиятга қайтиб келганидан кейин бир йил – шартномани имзолаш режалаштирилган дастлабки сана 1993 йил 21 июлдан ва президент Элчибей Англияга кетмоқчи бўлиб турган вақтдан бир йилдан бир оз кўпроқ вақт ўтгач бўлиб ўтди. Эсингизда бўлса, йўналишни тўсатдан ўзгартиришига тўғри келиб қолганди.

Ҳа, музокараларни Алиевнинг ўтмишдошлари, номуносиб ва очкўз муваққатчилар бошлаган эди. Тахт ҳавасмандлари чет эл компаниялари билан шартномани мамлакатни қулликка соладиган, аммо ўз-ўзидан равишанки, ўзлари учун фойдали шартлар билан тузишга тайёрландилар. Чиройли ўровлардаги вариантлар моҳиятини «Ёшасига сотиш», деган дабдабали сарлавҳа билан ифода этиш мумкин. Фақат бу ерда гап ётиб қолган қатлам-қатлам латта-путгалар эмас, ер ости бойликлари ҳақида борарди. Бир қорчалон «Чирок» конини ўзлаштиришга олти йил ичида 21 миллион доллар сармоя қўйишга ваъда берган. Бунда у Озарбайжонда бозор нархларида сотишга мўлжаллаган нефть ва газ эгаси бўлиб қолар эди. «Чирок» нефть булоқлари ўзлаштириш бошланганидан кейин учинчи йилида отилиб чиқди ва қазиб олинган нефть миллионлаб тонналарни ташкил этмоқда эди.

Музокаралар қандай кечганини Илҳом Алиев шундай эслайди: «... Табиийки, томонларнинг ҳар бири ўз манфаатларини энг кўп даражада ҳимоя қилишга интилар эди. Гоҳо иш боши берк қўчага кириб қолар эди. 1994 йил баҳори ва ёзида Истанбул ва Хьюстонда бўлиб ўтган музокараларнинг сунгги босқичлари, айниқса, оғир кечди. Музокаралар давомида қалтис дамлар ҳам бўлиб турди. Озарбайжон томони музокараларни тўхтатиш даражасига ҳам бориб қолган эди, айрим шартларни мамлакат миллий манфаатлари учун номақбул деб ҳисоблаб, улар билан келиша олмайди. Биз хорижий компанияларга: «Сизлар айрим компаниялар манфаатларини ҳимоя қиласизлар, биз эса мамлакат ва Озарбайжон халқининг манфаатларини ҳимоя қиламиз. Агар сизлар хато қилсангиз, бутун компаниянгизнинг битта лойиҳасига таъсир қилади. Борди-ю, биз хато қилсак, бу хато бутун Озарбайжон халқи манфаатларига зарба бўлиб гушади. Бошқача айтганда, биз ҳеч қанақа хатога йўл қўя олмаймиз», – дер эдик.

Оппонентлар барча фойда чет эл фирмалари чўнтагига оқиб боради, дер эдилар. Илҳом Алиев: «Аср шартномаси»дан тушган барча фойданинг 80 фоизини ўттиз йил давомида Озарбайжон олади, барча чет эл компаниялари эса биргаликда атиги йигирма фоизини олади», – деб галнинг пўстқалласини айтиб қўя қолганди.

«Аср шартномаси» Озарбайжоннинг XXI асрга сиёсий ва иқтисодий ёриб кириши бўлиб қолди. Бу, ҳеч шубҳасиз, авва-

ло, Ҳайдар Алиевнинг, заковати, иродаси, ғайрат-шижоатли хизматлари туфайли бўлди. Шу боис бутун дунёда акс садо берган бутун оламшумул воқеа хусусида муфассалроқ тўхталамиз.

1994 йил 4 февралда Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев «Озарбайжонда денгиз нефть ва газ конларини ўзлаштиришни жадаллаштириш тўғрисида» фармойиш чикарди. Ушбу стратегик ҳужжат мамлакат Давлат нефть компанияси, аниқроғи, унинг раҳбарлари, делегация аъзолари жаҳоннинг энг йирик нефть ва газ компаниялари менежерлари билан олиб борган музокараларга асос бўлди. 1995 йил октябрида Илҳом Алиев «Гюнай» газетасига берган интервьюсида музокаралар тўғрисида муфассал сузлаб берди. Интервью биз келтирган баҳога қизиқарли тафсилотларни қўшимча қилади ва нефть лойиҳалари тўғрисидаги музокаралар доирасидан чиқиши билан қизиқиш уйғотади.

«1994 йил 2 майда, менинг шу лавозимга (ОРДНК вице-президенти) тайинланганимдан бир кун кейин бизнинг делегациямиз музокаралар ўтказиш учун Истамбулга йўл олди. – деб ҳикоя қилади Илҳом Алиев. – Истамбулда биз икки марта, биринчи марта йигирма кун, иккинчи марта бир ойга яқин бўлдик. Музокаралар ўтказилгандан кейин биз барча масалалар ҳал бўлди, деб тахмин қилгандик. Дарҳақиқат, 1994 йил июлда Ҳьюстонга музокараларнинг сўнгги босқичига бориб, биз бу ерда бир ҳафтача, кўпи билан ўн кунча бўламиз, шартномадаги қандайдир услубий сохталикларни гўғрилаймиз, баҳсли майда масалаларни бир ёқли қиламиз ва Бокуга қайтамиз, деб ўйлагандик. Аммо биз кутганчалик бўлиб чиқмади, музокаралар вақтида кўплаб баҳсли масалалар юзага келди ва биз Ҳьюстонда қирк беш кун қолиб кетипга мажбур бўлдик. Баъзан вазият шу қадар кескинлашиб кетардики, гоҳ биз, гоҳ шерикларимиз музокараларни тўхтатмоқчи бўлар эдик.

ОРДНК вице-президенти уларок мен, бир томондан, шуни аңлар эдимки, бу шартнома тузилиши керак, иккинчи томондан, шартнома фақат манфаатли шартлар билан тузилиши керак. Зеро, ҳеч ким на бугун, на эртага ёки на ўн йил ўтгач, мени Озарбайжон манфаатларига зид келувчи шартнома тузилишида айбламаслиги керак. Мана шу икки туйғу делегациянинг ҳар бир аъзоси қалбида кураш олиб борар эди. Масала сиёсий йўл билан ҳал этилсагина бунга эришиш мумкин, деб ўйлардим.

Оқ ўйдаги давлат департаментидаги учрашувларда мен ўз нуқтаи назаримни гапирдим. Айтдимки, Озарбайжон шартнома тузилиши истайди, аммо таклиф этилган шартларга биз рози эмасмиз. Агар шартнома шундай шартларда тузиладиган бўлса, мени ҳисобдан чиқариб ташланглар.

Мен Америка энергетика министри билан учрашдим, бу масалани яна муҳокама қилдик. Муҳокаманинг бош мавзуси Каспий денгизининг мақоми ҳақидаги масала эди. Уша пайтда консорциумга кирувчи компаниялар шартномада иш Каспий денгизи мақоми аниқлангандан кейин бошланиши керак, деб ёзиб қўйиш лозим дердилар. Яъни биз шартнома тузамиз ва у, ҳатто, қонуний кучга киради, аммо Каспий денгизининг мақоми ҳақидаги масала очиқ қолади. Айрим мамлакатлар мақом ҳақидаги масаланинг очиқ қолишидан манфаатдорлигини ўзингиз биласиз. Мен шунда: токи шу жумла олиб гашиланмас экан, шартнома имзоланмайди, деб маҳкам туриб олдим. Америка энергетика министри мени қўллаб-қувватлади ва бу модда олиб ташланди. Шартнома имзоланишида мен озмунча меҳнат сарфламадим. Аммо мен буни ортик бўрттирмакчи эмасман».

– *Борди-ю, азир, худо кўрсатмасин, ОРДНК вице-президенти Илҳом Алиев жиддий хатога йўл қўйса, Озарбайжон Президенти уни кечирармиди? – қизиқсинди шарҳловчи.*

– Менимча, ўгли сифатида кечирарди, аммо ОРДНК вице-президенти сифатида – йўқ. Бунинг устига асосий масала унинг кечирмиш ёки кечирмаслигида ҳам эмас, мен ўзим-ўзимни кечирмасдим ва борди-ю, шундай ҳол юз бергудек бўлса, ишдан кетаман.

– *ОРДНК вице-президенти билан Озарбайжон Президенти фикрлари ҳар доим ҳам бир-бирига тўғри келадими? Сиз Москвада яшаган даврда, ўша азир пайтларда ҳар доим ҳам отангиз томонида турганмисиз ёки йўқми?*

– Ҳа, мен барча вақтларда отам томонида турганман. Чунки унинг ҳақлигини билар эдим. Мен ҳозир ҳам унинг тарафидаман. Чунки бу, бир томондан, менинг фарзандлик бурчим бўлса, иккинчи томондан, ҳозирги вазиятда бу энг тўғри ва Озарбайжоннинг мустақиллигига хизмат қиладиган йўл, деб биламан.

– *У ҳолда масалани мана бундай қўямиз: зигирдек бўлса ҳам фикрларингизда қарама-қарши жиҳатлар бўладими?*

– Сиёсий масалаларда – йўқ. Озарбайжоннинг геосиёсий ҳолати шундайки, ҳозир бизда бир қанча асосий тамойиллар бўлиши керак. Энг асосий вазифа – мустақилликни ҳимоя этиш. Бу йўлда Президент олиб бораётган ишни маъқулламоқ керак. Мен бу ишни қўллаб-қувватлайман ва кейин ҳам қўллаб-қувватлайвераман. Қандайдир майда масалаларда менинг ўз фикрим бўлган ҳоллар учрар. Аммо ҳозир бизда баҳс олиб борадиган вақт эмас. Ҳозир халқимиз, жамиятимиз, хуллас, ҳаммамиз битта мақсадни қўлашимиз керак.

– *Озарбайжон Президенти билан тез-тез учрашиб турасизми?*

– Ҳа.

– У нефть компанияси ишидан ташқари ўзглининг ошавий, турмуш масалалари, неваралари билан қизиқадими?

– Ҳа, жудаям қизиқади. Невараларини жуда-жуда соғинади. Чунки оиламиз аъзолари узоқ вақт айриликда яшашган. Мен Москвага 1977 йилда кўчиб кетган эдим. Кейин опам кўчиб ўтди. 1983 йилдан биз ҳаммамиз Москвага тулландик. Кейин отам Нахичеванга кетди. Ва биз яна айриликқа гирифторм булдик. Ҳозир опам чет элда. Отам невараларини соғинади, албатта, улар билан кўпроқ вақтини ўтказишни орзу қилади. Ўз вақтида мени тарбиялагани каби, уларни ҳам тарбиялаб вояга етказсам дейди.

– Илҳом муаллим, сиз ота маслаҳати зарурлигини ҳис эта-сизми?

– Албатта. Аммо мен бир фикрга риоя қиламан, агар инсон ўзини етук деб билса, у ўзи бир тўхтамага келиши ва ўзи жавобгар бўлиши керак. Гарчи гоҳида отамга маслаҳат солсам-да, барибир, ўз муаммоимни ўзим ҳал этишга ҳаракат қиламан. Мен аллақачон мустақил яшашга ўрганиб қолганман. Президентнинг бусиз ҳам иши бошидан ошиб ўтибди, аллақандай шахсий масалалар билан уния безовта қилишни истамайман.

1994 йил 14 сентябрда Президент музокаралар якуни бўйича фармонни имзолади. Унда лойиҳанинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий аҳамиятига баҳо берилди. ОРДНК президенти Нотик Алиевга (ўғил ҳам, ака-ука ҳам, қуда ҳам эмас) «Озарий», «Чирок» конларида ва «Гунешли» конининг чуқур қисмида биргаликда иш олиб бориш ва нефть маҳсулотини ОРДНК ҳамда тўққиз чет эл компанияси, шу жумладан, Россиянинг «Лукойл» компанияси ўртасида пайли тақсимлаш ҳақидаги шартномани имзолаш топширилганди. Бундан олдин Озарбайжон консорциумга «Лукойл»ни, шунингдек, эрон ва француз компанияларини қўшишни рад қилиб келган эди.

Шартномани таянганли имзолаш маросими 1994 йил 20 сентябрда «Гулистон» саройида ўтказилди. Бокуга Қўшма Штатлар, Россия, Буюк Британия, Туркия, Норвегиядан министрлар, парламентарийлар, ишбилармонлар келишди.

– Нефть – Озарбайжон Республикасининг ва озарбайжон халқининг энг катта миллий бойлиги, – деди Ҳайдар Алиев, меҳмонларга мурожаат қиларкан. – Шу боисдан ҳам Озарбайжонни «Оловлар мамлақати» дейишади.

Алиев республикада нефть қазиб олиш тарихини фахр билан эслади ўтди, Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашизм устидан қозонилган ғалабага Озарбайжон нефтчилари қўшган ҳиссани юксак баҳолади.

– Нефтчиларимиз Совет Иттифоқининг ҳар қандай нуқтасида янги нефть конларини ривожлантириш ва ишга со-

лишда фаол иштирок этдилар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари ва меҳнати шарофати билан очилган ва ишга солинган янги нефть конлари Иккинчи Боку, Учинчи Боку, Тўртинчи Боку деб ном олиши тасодифий эмас. Россиядаги энг йирик Сибирь, Тюмень конларини ривожлантиришда ва улардан фойдаланишда, у ерларда қудратли нефть ва газ комплексларини барпо этишда озарбайжонлик нефтчиларнинг хизмати бекиёс.

Мен бу гапларни меҳмонларимизнинг эътиборига ҳавола этишни, бу ҳақда озарбайжон халқига эслатиб қўйишни зарур деб ҳисоблайман. Зеро, булар бари озарбайжон халқининг фахри ва шаънини ташкил этади, жаҳон иқтисодиётида халқимизнинг, нефтчиларимизнинг буюк хизматларидан дарак беради.

Мамлакат президенти ана шуларни айтганди ва унинг сузлари факат муҳташам «Гулистон» саройининг чироқлари порлаб турган зал ичидагина эмас, балки бутун республикадаги ҳар бир хонадонда акс садо берганди, чунки гап халқ бойлиги тақдири устида борарди.

– Очигини айтадиган бўлсам, шартномада озарбайжон томонининг барча хоҳишлари ҳам тўла ўз аксини топган эмас, – давом эттиради Президент ўз нутқини. – Аммо ҳар бир шартномада иккала томоннинг манфаатлари ҳисобга олиниши кераклигини гушунамиз. Ғарб нефть компаниялари консорциуми ўз манфаатларини таъминлашга интилди, Озарбайжон Давлат нефть компанияси Озарбайжон Республикаси миллий манфаатларини таъминлаш учун ҳаракат қилди. Улкан ва қаттиқ ишлаш натижасида, томонларнинг ишга олий даражадаги масъулият билан ёндашишлари натижасида ҳар иккала томон манфаатларига жавоб берувчи шартнома тайёрланади.

1994 йил 2 декабрда битим қонунга айланди. Денгиз қудукларида ва лабораторияларида, кабинетларда ва Россия ҳамда Грузия орқали ўтадиган нефть қувурлари йўлларида қаттиқ меҳнат бошланди, аниқроғи, давом эттирилди.

### Оқ йул, «Дога Қўрқут»!

«Гулистон» саройидаги тантанали воқеалардан кейин бир йил ўтгач, 1995 йил 9 октябрда Ҳайдар Алиев Нефть консорциумининг халқаро раҳбар қўмитаси аъзоларини қабул қилди. Лойиҳа иштирокчиларининг фикрича, йил муваффақиятли бўлди. 1996 йилда бирламчи нефтни (мутахассисларда шундай таъбир бор) казиб олиш ва ундан фойдаланиш мумкинлиги аниқ эди.

Озарбайжон нефтчилари совет даврида яратилган қудратли захира эвазига катта чуқурликдаги конларни ўзлаштирдилар.

1949 йил 7 ноябрь санаси нефть саноати тарихига адабий муҳрлаб қўйилган. Ушанда денгизда ҳозирги машҳур Нефть Дашларида «кора олтив»нинг биринчи фаввораси отилиб чиққанди. Кейин «Шельф-1», «Шельф-2», «Шельф-3» сузувчи бурғилаш мосламалари яратилган, Озарбайжон Компартияси МКнинг биринчи котиби Ҳайдар Алиев ташаббуси билан даставвал Астраҳанда режалаштирилган чуқурликдаги конлар заводи барпо этилган эди; қурилиш иттифок режаларида алоҳида сатр билан ўтган эди, ҳарқалай – 500 миллион долларлик эди-да!

1996 йил 4 июнда Озарбайжон чет эллик шериклар билан яна битта шартномани имзолади. Бу чуқур «Шоҳденгиз» конини ишга солиш тўғрисидаги шартнома эди. Ярим километр чуқурликдан геологлар триллион кубометргача захирага эга газ хазинасини топдилар. Шунинг эслатиш жоизки, «Шоҳденгиз» конида кидириб топиш натижалари тўғрисида гапира туриб, Ҳайдар Алиев бундай деганди: «Бизнинг бу ишимизга халақит берадиганлар ҳалигача топилади. Аммо ҳеч ким ҳеч нарсанинг уддасидан чиқолмайди. Озарбайжон давлатининг янги нефть стратегияси аниқлаб бўлинган. Бу стратегияни биз бундан кейин ҳам рўёбга чиқараверамиз».

Ҳозирги пайтда Каспийда бутун бир флотилия меҳнат қилмоқда: унинг сафида «Истиклол» ҳам, қачонлардир «Каспморнефть» номи остида машҳур бўлган «Дода Қўрқут» ҳам бор. Сувга ярми ботувчи сузувчи бурғи мосламаси – аслида бутун бир завод деяверинг – 1981 йилда нефть ва газ кидириб йўлга чиққан. У ўнлаб қудуклар қазиган, янги-янги нефть ва газ конларини топган. Энди уларни реконструкция қилиш вақти келганди. Сузувчи заводни озарбайжонлик мутахассислар ва усталарнинг бевосита иштирокида Американинг «Санта-Фе» компанияси янгилаб берди.

Қудратли мосламанинг энг юқори палубасига юздан ортик зиналар билан чиқилади. Бу зиналардан кутарилганда, гоҳо чиниққан нефтчиларнинг ҳам нафаси қайтади. Ҳайдар Алиев 74 ёшда, аммо у юқорига қараб тобора дадил кутарилиб борарди. Унга 1986 йилда ташхис қўйган Кремль шифокорларни уз беморларини бир қуриб қўйсалар буларди!

Фахрий меҳмонлар китобида Ҳайдар Алиев эсдалик хати қолдиради:

*«Бугун Озарбайжон нефть саноати ҳаётида шонли воқеа содир бўлмоқда.*

*«Аср шартномаси» рўёбга чиқарилиши натижасида биринчи ярим ботувчи бурғи мосламаси ишга туширилмоқда. Ушбу мосламага бутун халқимиз учун қадриятли ном – «Дода Қўрқут» номи берилади. Мосламанинг умри узоқ бўлсин, унга оқ йўл тилайман! Бу мосламани реконструкция қилган ва уни замонавий*



*даражгага етказган барча-барчага миннатдорчилик билдираман. Улкан нефть шартномасини амалга ошираётган Халқаро консорциумга муваффақиятлар тилайман.*

*Озарбайжон Республикаси Президенти  
Ҳайдар Алиев  
Боку ш., 1996 йил 24 август»*

Айтмоқчи, 17 йил муқаддам шу куни Озарбайжон Компартияси МКнинг биринчи секретарига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган эди. Нефтчилар шонли савани эслан чикармадилар. Уша мукофот Ҳайдар Алиевичга ўзининг ҳам эсидан чиқмас бўлиб қолгани кўриниб турарди, аниқроқ айтганда, унинг жонини жабборга бериб қилган катта меҳнатининг эътирофи унутилмас воқеа бўлиб қолганди.

– Республикамиз нефть саноатини ривожлантириш, Каспийнинг Озарбайжон секторидаги конларидан оқилона фойдаланиш учун, – деди ҳозир Ҳайдар Алиев, – биз 1970-йилларда бу ерда, сиз билан турган шу жойда, чуқур сув остида катта завод куриш ҳақида қарор қабул қилгандик. Энди бу ерда барпо этилган маҳобатли завод биносини, ишлаб чиқариш майдонларини кўриб, қалбимизда зўр фахр туйғусини ҳис қилмоқдамиз.

Бугун бу ерга йўл олар эканман, катта завод корпусларига ва қудратли мосламаларга, соҳилда ва ушбу майдон теварагида кўкка буй чўзган дарахтларга қараб туриб, яна фахр туйғусини ҳис этаётиман, – барчаси Каспий соҳил бўйининг бир пайтлар бутунлай ҳувиллаб ётган жойида вужудга келган. Бугун мен жуда бахтиёрман, жуда хурсандман. Бахтиёрлигим ва хурсандлигим шундаки, мен бу ерда сиз кўриб турган ҳамма нарсага асос солганлардан бириман, шуларнинг ташаббускориман. Бу ишлар рўёбга чиқиши учун ўз вақтида мен йиллаб ҳаракат қилдим, булар барчаси ҳақиқатга айланиши учун йиллар давомида меҳнат қилдим, шуларни деб оғир йўллардан юриб ўтдим.

(Ҳа, ўз ниятларининг рўёбга чиқишини кўришга мушарраф бўлган одам бахтиёрдир. Байкал-Амур магистрали курувчиларини эслайлик, «олтин ҳалқа»ни ётқизаётганларида улар қанчалик қувонган ва фахрланган эдилар; уларнинг ёнокларига оқиб тушган кўз ёшларини ҳамма тушуниб турарди. Юзларига биринчи нефть юқлари чапланган нефтчи ва геологлар бахт-у севинчларини эслайлик. Бу ерда ҳам ана шундай пайт келишига Ҳайдар Алиевнинг ишончи комил эди).

– Мослама янгидан дунёга келди, – деганди Президент. – Шу боис унга янги ном бериш керак. Озарбайжон халқи тарихи, унинг анъаналари ва ҳилма-хил тарихий жойлари билан боғлиқ унлаб номлар таклиф қилинган эди, дея оламан. Таклиф

этилган барча номлар ҳақиқатан ҳам қадрли эди. Бироқ мен бу мосламани «Дода Қуркут» деб номлашга қарор қилдим. Бу ҳар бир озарбайжон учун муқаддас ва азиз ном деб биламан – бу мослама учун энг қимматли, энг муносиб ном.

«Дода Қуркут» мосламасининг узоқ йиллар сузиб юришини ва унга бахт ёр бўлишини истайман!

Озарбайжон халқ достони «Китоби Додам Қуркут» VIII аср бошида яратилганди. 2000 йилда ЮНЕСКО қарори билан дунёга машҳур дostonнинг 1300 йиллиги нишонланди. Энг йирик тантаналар Озарбайжонда бўлиб ўтгани тушунарли. Бунда ҳамма жойда Петербург университети собиқ битирувчиси, буюк рус шарқшунос олими Василий Владимирович Бартольднинг номи жаранглаб турарди.

– Айнан у, – деганди Боку Славян университети ректори Камол Абдуллаев, – «Китоби Додам Қуркут»ни ҳаётга қайтарди. Агар Бартольд таржимаси бўлмаганда, дoston тақдири фожияли бўлиши мумкин эди.

Бу сузлар Россия Президенти, Бартольд каби Петербург университети битирувчиси Владимир Путинга Славян университетининг Фахрий доктори дипломи топширилиши чоғида янграган эди. Бокудаги Славян университети эса – Президент Хайдар Алиевнинг ижоди маҳсулидир. Замонларнинг бир-бирига ўхшаб кетишини кўринг!

«Китоби Додам Қуркут» туркийзабон халқлар дostonчилигининг қадимий ёзма ёдгорлиги. Қулёзма Дрезденда сақланмоқда; у Германияга қандай қилиб, қайси йўллар билан бориб қолганини ҳеч ким билмайди. Бўлажак шарқшунос, Петербург университети талабаси, йигирмадан эндигина ошган Василий Бартольд бебаҳо варақларни дастлаб 1891 йилда кўрди. Ушандаяк у қулёмаларни кучириб ола бошлаган, кейинчалик эса таржима қила бошлаган эди. Ун йил ичида – 1893 йилдан 1903 йилгача – ёш олим тайёрлаган тўрт жилд нашрдан чиқди. Унинг илмий кизиқиш доираси кенгая борди. Шарқ халқлари тарихи, уларнинг келиб чикиши, мусулмон олами тарихида Каспийолди вилоятларининг ўрни; академик Бартольд 1924 йил ноябрь-декабрида Озарбайжон Давлат университетининг Шарқ факультетида ўқиган маъруза курсини ана шу мавзуга бағишлаган эди... Аммо қадимги бахшининг Озарбайжон замида XV асрда ёзиб олинган эпик мероси унинг учун асосий бўлиб қолаверди. 1930 йилда вафот эттунига қадар Василий Владимирович Бартольд «Китоби Додам Қуркут»ни ўрганди ва рус тилига таржима қилди».

«Ўғузлар орасида у энг илғор одам эди, у ҳамма нарсани биларди; унинг айтганлари бўлмай қолмасди...»

Дода Қуркут яна деди: «Кавказ отига миниб қийин йўллардан юришни билмайдиган ноқобил йигитнинг отга минмагани маъқул».

Дода Қуркут яна деди: «Мехмонлар келмайдиган қора уйнинг вайрон бўлгани яхши. От емайдиган аччиқ ўтнинг ўсмагани яхши; инсон ичмайдиган аччиқ сувнинг окмагани яхши...»

Академик В.В.Бартольд таржимасидаги «Китоби Додам Қуркут»ни унинг шоғирдлари 1967 йилда нашр эттиришди. У жаҳон халқлари маданий меросининг энг етук асарлари билан бир қаторда «Адабий ёдгорликлар» академик туркумида чоп этилди. Руслар, украинлар, белоруслар учун қимматли бўлган «Игорь полки жангномаси», французлар учун қимматли бўлган «Роланд ҳақида қўшиқ» сингари туркийлар, озарбайжонлар учун қимматли бўлган «Китоби Додам Қуркут» шу тариқа китобхонларга қайтиб келди.

### Катта нефть томон йўл

Катта нефть томон йўл ҳеч қачон осон бўлмайди. «Қора олтин» қаттиқ меҳнат эвазига қўлга киритилгани учунгина бундай эмас. Машҳур банкир қисқа ва аниқ қилиб айтганидай: нефть – пул. Катта нефть – бу катта пул... ва катта сиёсат, деб қўшимча қилганди бошқаси. Озарбайжон нефти, унинг қонларини ўзлаштириш, ташиш йўллари атрофида корпорациялар, банклар, давлатларнинг хилма-хил манфаатлари туқшнаш келарди... Ўз-ўзидан маълумки, илгари минтақанинг ягона хўжайини бўлган Россия ҳам ўз мавқеининг йўқолиши билан муроса қилмоқчи эмас эди. «Россияга фақат биргина қарор маъқул келади – Каспийда устушлик қилиш», – деган эди РФ ТИВнинг кўзга кўринган дипломати. – Бунинг учун унда ҳуқуқ ҳам, имконият ҳам бор. Муқобил йўл Россиянинг минтақадаги сиёсий таъсири бой берилишига олиб келади...» Петр I нинг Константинополдаги рус резиденти Неплюевга берган «Бизнинг манфаатларимиз қайси давлат бўлмасин, Каспий денгизига келиб ўрнашиб олиши билан асло муроса қилолмайди...», – деган топшириғи руҳидаги сафсата эди бу.

Такрор айтамикки, сафсата дахлпатли, аммо жуда кеч қолган сафсата. Буни Москвада ҳам кўплаб ишбилармон одамлар тушунар эдилар. Масалан, Россия ёқилғи ва энергетика министри Юрий Константинович Шафраник 1995 йил майда Бокуда сўзлаган нутқида «Аср шартномаси»га муносабати ижобий эканлигини ва «Каспий мақоми» ҳақидаги гапларни асоссиз, деб ҳисоблашини айтганди. Министр жуда дадиллик билан айтган эди бу гапни. Бу вақтга келиб Россия ТИВда Буюк Британия элчиси Б.Фоллни галати нота билан ҳайратга солиб улгуришганди. Дипломатия тажрибасидаги ноёб, эҳтимолки, энг ноёб бу воқеа 1994 йил 27 апрелда содир бўлганди. Нотада Буюк Британия ва Озарбайжон ўртасида

имзоланган «Энергетика соҳасидаги ҳамкорлик туғрисида»ги меморандумда «Каспий денгизининг Озарбайжон сектори» атамаси эслатиб ўтилиши муносабати билан норозилик билдирилган эди. Каспийдаги нефть конларини ишга солиш ва уни Европа мамлакатларига элтиш билан боғлиқ ҳар қандай лойиҳа, – деб айтилган эди нотада, – ҳавзадаги барча мамлакатлар билан олдиндан битим тузмай туриб, юридик кучга эга бўлмайди. Бу Россия манфаатларининг «ҳимоячи»си, ташқи ишлар министри Андрей Козиревнинг қарори эди. АҚШ давлат котиби муовини Струоб Тэлботт Козиревни «Россиянинг энг ғарбпараст сиёсий арбобларидан», деб атаганди.

Ўша йиллари Россия Озарбайжонни транспорт камалига олганди – расмий баҳона Чеченистонга келаётган курул йўллари-нинг беркитилиши эди. Камал Доғистонга ва бутун Россияга зарба бўлиб тушди. Россиянинг 1994–1995 йиллар ичидаги зарари 6,1 миллиард доллар, деб баҳоланди. Фожиаги ҳалок бўлган генерал Рохлин Давлат думасида нутқ сўзлар экан, Россиянинг Озарбайжонга нисбатан сиёсатини Россиянинг миллий манфаатларга хиёнат деб баҳолаганди.

Каспийнинг мақоми ҳақидаги гаплар, музокаралар, баҳслар яна кўп йиллар давом этди. Илҳом Алиевнинг қатъий ишонч билан айтишича, 2001 йил январида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Бокуга расмий ташрифидан сўнг, Россия Озарбайжон тутган позицияни узил-кесил тан олди.

Расмий тил билан айтганда, масаланинг ибтидосига – Россия ташқи ишлар министр нотасига қайтишни ибратли деб ҳисоблаймиз. РФ ёнилғи ва энергетика министри Юрий Шафраник ўша кунларда ўзини қандай ҳис қилди экан? У ҳам нота тайёрладими? Ёки чегарачиларни Каспийнинг Россия сектори муҳофазаси учун патруль қўйишга кўндирдимиз? Биз бу саволларни «СоюзНефтьГаз» компанияси идораси раисига унинг бузиб ташлашга маҳкум этилган «Минск» меҳмонхонаси ортида жойлашган кўҳна бинодаги шином кабинетида бердик. Юрий Константинович стол устидаги чирокни бир оз нарига суриб қўйди:

– Сизлар савол бераётганингизда зиддиятнинг моҳиятини ифода эта оладиган сўзларни танлаётгандим ва бу сўзларни топдим: бизнинг келишмовчилигимиз дунёқарашларимиз билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан эди. Шу сўзни маъқул топаман. Мана шу нуктаи назар тўғри деб биламан.

Сўхбағдошимиз министр бўлгунча Тюмень вилоятига раҳбарлик қилган даврдаги тажрибасидан мисол келтирди. Ўшанда, Совет Иттифоқи умрининг сўнгги ойларида Латвия ҳукумати республикадан Рига ОМОНини, махсус вазифали милиция отрядини чиқариб юборганди.

– Ҳамма уни қабул қилишдан бош тортганди, мен эса ундай қилмадим, қабул қилдим, жойлаштирдим, – деб ҳикоя қилади Шафраник. – Одамлар яшаяпти, ишляяпти, бироқ 1991 йил охирида мен хизмат сафаридан бўлган вақтимда Тюменга тўсатдан Латвия прокуратураси ва ИИМ вакиллари келиб, бизнинг фуқарони ҳибсга олиб кетишибди. Хизмат сафаридан қайтиб келганимдан кейин ҳаммани оёққа турғаздим. «Бу қанақаси, – дедим, – улар ўз мустақиллигини эълон қилишди. Россия, Украина, Латвия – барчалари мустақиллик учун овоз беришди. Ахир, француз полицияси бизни келиб фуқароларимизни ҳибсга олиши мумкинми? Россия фуқаросини ҳибсга олиш учун Латвиядан утиб келишга қандай ҳақлари бор?». Мен бу воқеани Каспий ва Боку тарафга қараб бураман. Агар ягона мамлакатни ўзимиз парчалаган бўлсак, – ахир уни Алиев парчаламаганку! – тазйик билан муносабат ўрнатиш керак, деб ҳисоблашганима ҳаққимиз бор? Бу дунёқарашлар билан боғлиқ зиддият. Мутлақо! Ёқилғи ва энергетика министри Ташки ишлар министри бўлган Андрей Козиревнинг оптимизда муайян позициялар ва қарашлар турарди. Аммо мен ўзимдан, Россия фуқароси бўлмиш Шафраникдан: Озарбайжон билан қандай муносабат ўрнатиш керак, деб сўрадим. Бир варианты мана бундай: уларнинг муаммоларини, ўзимизнинг муаммоларимизни тушунтишимиз керак. Умумий йўл топиш керак-да, бир ёқадан бош чиқариб, олға боришимиз керак. Иккинчи йўл – уларнинг муаммоларини тушунтириш ва бу муаммоларни ўзлари ҳал этишига ҳалақат бермаслик керак. Учинчи йўли ҳам бор. Ажралдингизми, тўрт томонингиз қибла.

– Бу уч йўлдан учинчиси – энг ёмон йўл. На тарихий, на сиёсий, на иқтисодий жиҳатдан самара беради. Доғистон ва Чеченистоннинг ёнида беқарор мамлакат бор, деб фараз қилинг. Шу саволларни бериб кўриш керак-да! Энг яхши йўл – биринчиси. Аммо бунинг учун уларнинг муаммоларини яхши билиш ва ўзимизникини чуқур англашимиз лозим. Мен Бокуга сафарга тайёрлана туриб, мулоҳаза қилиб кўрдим. Ҳозир эса орадан шунча вақт ўтганидан кейин, менинг фикрларим тўғри чиққанидан мамнунман. Мамлакатларимиз президентлари Каспий бўйича ҳужжатларни имзоладилар. Ҳатто, музокаралар давом этиб турган бўлса-да, биргаликдаги ҳаракат йўлимиз, барибир, тўғри бўлиб чиқарди. Биз дарҳол «Озарий – Чирок»дан фойзни олдик ва «Лукойл»га бердик – бу давлат компанияси эди. Ушанда мен Каспий учун Россия томонидан «Роснефть» жавоб беради, деган фармойиш чиқардим. «Роснефть» ҳозир ҳам давлат компанияси. Мени маъзур тутинг-у, булар иш бўлди, деган гап кейин чиқди.

Юрий Константинович Ҳайдар Алиевич билан қилган узок суҳбатини эсда қаттиқ сақлаб қолганди. «Юрий Константино-

вич, Президентни кундира колгин, бир соатга булса ҳам келиб кетсин. Биз иккаламиз борамиз. Майдонда бир оз турамыз. Бошқа ҳеч нарса керакмас». Йук, келмади.

– Бошқа нуктаи назарлар устун келди, – давом этади Шафраник. – Мен эса бундай дедим: Арманистонни мен ҳам севаман. Менинг озарбайжонлардан кура армани дўстларим кўпрок. Умуман, мен одамларни миллатига караб ажратмайман. Аммо Россиянинг манфаати аниқ – бу Каспий ва нефть. Озарбайжон ва Боку геологик ва стратегик марказ булган эди ва шундай бўлиб қолади. Келинг, улар билан ишлайлик-да, минтаканинг барча мамлакатлари билан муносабатларни ри-вожлантирайлик.

Ёкилги ва энергетика министрлигида дипломатлар, бошқа идоралар ходимлари ёрдамида ушбу йўлни ишлаб чиққанимиздан кейин, мен учмоқчи бўлаётганимни Президент Ельцинга хабар қилдим ва у розилик берди

– *Шахсий учрашувдами?*

– Албатта! Яна бир жиҳати шуки, бу ҳукуматда ишлаб чиқилган, келишилган директива эмасди. Агар биз шу билан шуғулланганимизда, келишувлардан бошимиз чиқмай қолган буларди. Шу боис муайян даражада таваккал ҳам қилгандик. Буни мен зиммамга олган эдим. Кейинчалик, Президентга хабар берган чоғларимизда, уни Россия ва Озарбайжон уртасидаги давлатлараро муносабатлар билан янада жиддийроқ шуғулланишга кўндирдим.

Мен ён бериш сиёсатига қатъиян қаршиман. Бусиз ҳам кўп ён бериб юбордик, деб ўйлайман. Ён бериш эмас, бирлашиш сари, икки тарафлама манфаатли ечимларни излаб топиш сари боришимиз керак.

Шунинг учун зиддиятни соддалаштирмаймиз. Мен уни дунёқараш билан боғлиқ, деб биламан. Россия муносиб ва мустаҳкам бўлиши керакми?

Бу биз, Ёкилги ва энергетика министрлиги, Каспийда қаттиқ туриб ҳимоя қилган нарсанинг ўзи. Мен бизнинг миллий манфаатларимиз ҳақида гапиряпман. Ҳайдар Алиев ҳам Озарбайжоннинг миллий манфаатларини изчил ҳимоя қилар эди.

– *Россия манфаатларини ҳимоя қилганингиз учун сизни ишдан четлатишмоқчи бўлишганди.*

– Бу биринчи марта эмас, камида уч марта шундай бўлганди, ушанда ҳукумат раиси муовинлари Шафраникни ишдан бўшатиш керак, деб президентга ёзган эдилар.

– *Бу нима билан боғлиқ эди?*

– Ёкилги-энергетика ва иқтисодий муаммолар билан, деса ҳам бўлади. Мен онгли равишда ҳаракат қилардим. Иш нотагача борди, деб ўйламагандим. Лекин мен Озарбайжон билан

узимча тушунган ҳамкорлик қилиш фикрини рӯёбга чиқаришда онгли равишда иш олиб боргандим. Мен суҳбатимизни Ҳайдар Алиевич ҳақидаги сузлар билан тугатаман. Мен Ҳайдар Алиевни буюк инсон, буюк давлат арбоби, деб биламан. Ҳайдар Алиев айнан уша дамда, уша жойда бўлгани Озарбайжон халқининг омади бўлганди. У синмаганди, оёққа туриш учун узида куч топа билди... Оёққа туролмаганлар эса, ҳатто, оёққа туриш нима эканини тушунолмадилар.

Истеъфога чиққандан кейин оёққа тура олган одамларни кўп кўрганмисиз? У эса оёққа тура олди ва ўз республикаси, ўз халқига фойда келтира олди. Мен кўплаб учрашувлар, кўплаб суҳбатлар, кўп соатли тунги музокаралар ва баҳслар иштирокчиси бўлганман. Бу Алиевнинг узига хос мактаби эди. Бу одам кенгаш, анжуман, учрашувларга қандай тайёрланишини кўрганман; столлар қандай жойлаштирилганини, ким қаерда утиришини ўзи кўриб чиқарди ва сиёсат учун майда нарса бўлмаслигини тушунар эди. Министрликдан кетгач, Алиевнинг таклифи билан унинг давлатлар бошлиқлари билан учрашувларига учиб борган эдим. Уларни Алиев нақадар уддабуронлик билан бошлаб юришини – раҳбарлик қилишини эмас, айнан бошлаб юришини кўрдим, чунки нуқул тенглар тўпланган эдик, у эса гўё дирижёрлик қиларди, – қойил қолгандим. Бу ҳам катта сиёсатчининг сабоғидир.

Сизга унинг ҳайратомуз хотираси тўғрисида кўпчилик гапирган бўлса керак, албатта. Бундай одамларни бошқа учратмадим. Ана, у хотирасидаги қандайдир маълумотни келтиряпти. У шу кенгашга тайёрланган, материал танлаган, деб тахмин қилиш мумкин. Бироқ мавзу ўзгариб қолади-ю у яна жуда катта фактик материалларни ўшандай билимдонлик билан келтириб гапираверарди. Ҳайратга соларди.

## **Ельцин Бокуга егиб боролмади**

Айни шу вақтда бошқа таниқли сиёсатчилар, давлат арбоблари, олимлар ҳам ўз ташаббуслари билан Борис Николаевич Ельциннинг эътиборини Озарбайжонга нисбатан Россиянинг сиёсатидаги хатоларга тортдилар. Рамазон Абдулатипов ва Вячеслав Михайлов ана шулардан эди. «Мен Борис Ельцинга Озарбайжонга, Бокуга бориш, Ҳайдар Алиевич билан учрашиш зарурлигини, бунинг жуда муҳимлигини бир неча бор уқтиришимга тўғри келганди, – деб ҳикоя қилади фалсафа фанлари доктори, эндиликда РФнинг Тожикистондаги элчиси Рамазон Ҳожимуродович Абдулатипов. – Аммо ҳар гал бирон-бир воқеа – гоҳ Арманистон, гоҳ Эрон, гоҳ Туркия, гоҳ радиолокация станцияси, гоҳ яна нимадир орага тушиб қоларди».

Тарих фанлари доктори Вячеслав Александрович Михайлов Миллатлар ишлари министрлигига раҳбарлик қилар экан (кейинчалик бу министрлик тугатилган), Россия Президентига хат йўллаб, унда мамлакатнинг ташқи сиёсатдаги устувор жиҳатлари ҳақидаги ўз тасаввурларини баён қилган эди.

«Бу Россия ўз ташқи сиёсатининг энг муҳим, асосий уринларини энди-энди пайпаслаб топаётган давр эди, – деб эслайди, эндиликда РФ Президенти ҳузуридаги Россия давлат хизмати академиясининг Россия ташқи сиёсий фаолияти кафедраси мудирин бўлиб ишлаётган профессор Михайлов. Мамлакат гўё ўзаро муносабатларимиздаги ўнлаб эмас, юзлаб йиллар давомида тўплаган тарихий тажрибани ҳисобга олмагандек эди. Ушунда гап, дарҳақиқат, кўп ҳолларда, айтиш мумкинки, этно-диний омилларга етарлича баҳо берилмагани, яхши тушунилмагани билан боғлиқ айрим салбий сиёсий андазалардан халос бўлиш ҳақида борар эди.

Россия Президентининг қулоғига православлар православлар билан, мусулмонлар мусулмонлар билан бўлиши ва, уларнинг фикрича, фалон-фалон халқлар ва мамлакаглар орасида иттифокдошларни шу тамойил бўйича табиий равишда танлаш керак деб қуювчи баъзи сиёсатчилар бор эди. Уша йиллар ҳолатининг афсоналаштирилган айрим уринлари ана шундай эди. Мен бу гапларни сиёсатчиларимиз қанчалик овсар бўлишган ва қанчалик машъум хатога йўл қуйишган, деб таъкидлаш учун айтмаётиман. Бу ўзларини янги кашфиётчилар деб билган, янги сиёсат ясаётимиз, деб ўйлаган ёш сиёсатчи ва дипломатларнинг қизиққонлиги эди. Аммо бу, афсуски, маъно ва моҳияти энг яхши маслаҳатгуй – тарихий тажриба деган ғоядан иборат мустаҳкам тамойилни менсимасликка олиб бормоқда эди.

Тарихий тажриба – доноликнинг шундай хазинаси-ки, усиз дипломатия ҳеч қачон иш кўролмайди. Шу нуқтага назардан ва, албатта, географик, стратегик, тарихий, иқтисодий ва қўшлаб бошқа муҳим омиллар туфайли Озарбайжон ҳар доим Россиянинг миллий манфаатлари учун асосий давлат эди ва шундай бўлиб қолаверади».

Бундан шу нарса келиб чиқадики, дейди ҳулоса қилиб профессор Михайлов, Озарбайжон Республикаси, ҳеч бўлмаганда имкон доирасида бизнинг асосий шеригимиз бўлиб қолиши мумкинлигини аллақачон эътироф этиш лозим эди. Россия ташқи сиёсатнинг устувор жиҳатларини танлашда миллий манфаатнинг асосий тамойилига қаттиқ риоя қилган ҳолда, Пётр I давридан буён муваффақиятларга эришиб келган. У бундай тамойиллардан чекинган жойда қашқатқич мағлубиятларга учраган. Олим шу нарсага аминки, Россия Федерацияси миллий ҳавфсизлиги манфаатлари унинг ички, ташқи, халқаро



сиёсатида муайян устувор жихатларни такозо этади: «Мен ташки сиёсатнинг Озарбайжон йуналиши муҳимлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Доғистоннинг тақдири худди шу жойда ечимини топади; Туркия, Эрон, Яқин Шарқ, айниқса, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон билан боғлиқ ташки сиёсатимиз ҳақида ҳам шу ерда гапириш жоиз. Кавказдаги умумий вазият улар билан узаро муносабатларга боғлиқ. Ўз навбатида, Озарбайжоннинг ошкора геосиёсий аҳамиятини, россия-озарбайжон жипс ҳамкорлигининг стратегик кимматини кўрмаслик, англамаслик мумкин эмаски, Россия унга суянган ҳолда мазкур минтақада ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш буйича катта имкониятларга эга бўлади».

Бу ҳақда Вячеслав Александрович Михайлов «Россия-Озарбайжон муносабатлари: тажриба, имкониятлар ва истиқболлар» мавзuidaги илмий анжуманда сўзлади. Бу анжуманни Россия Федерацияси ва Озарбайжон Республикаси ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг ун йиллиги муносабати билан Давлат хизмати академиясининг Ташки сиёсий фаолият кафедраси Бутун Россия-Озарбайжон конгресси билан биргаликда ташкил этган ва муваффақиятли ўтказган эди. Озарбайжоннинг Россиядаги элчиси Рамиз Гасанович Ризасев анжуманда нутқ сўзларкан: «... Уша йиллари улкан давлат арбобларининг ҳаммаси ҳам бундай дадил кадамлар кўявермас, Россия раҳбариятини айблашга журъат этавермас ва Президентга унчалик тўғри сиёсат юргизмаяпсиз, деб айта олмас эди», — деб Михайловнинг Россия Президентига мактубини эслатиб ўтанди.

Бу сиёсатга иккала томон ҳам узгартириш киритишди. Уша анжуман пайтида Озарбайжоннинг Россиядаги фавқулodда ва мухтор элчиси вазифасида бўлган, дипломат ва олим Рамиз Ризасев шаънига кўплаб илиқ сўзлар айтилди. Унинг ёрдами, шахсан иштироки билан мамлакатларимиз ўртасида «узаро бир-бирига ҳурматта асосланган муносабатларнинг ягона тўғри йўли танланган эди».

Озарбайжоннинг Москвадаги элчисини эса, китобхоннинг ёдидан чиқмаган бўлса, Ҳайдар Алиевич Алиев тайинлаган, Узининг президент сифатидаги биринчи фармони билан тасдиқлаган эди.

### **«Аср шартномаси» ҳақида**

1996 йил октябрь. Ҳайдар Алиев ҳузуридаги кенгашда «Аср шартномаси» бажарилиши муносабати билан бунёд этилган Озарбайжон халқаро операция компанияси (ОХОКО) нинг икки йиллик фаолияти якунлари муҳокама қилинмоқда эди. Кенгаш матнини ажойиб детективдай завқ билан ўқийсан.

Нефть қувури қурилишининг бориши мана бундай муҳокама қилинганди:

«*Ҳайдар Алиев*: Сиз ғарбий қувурни ўтказишни келаси йилнинг мартида ётқиза бошлаймиз, дедингиз ва қурилишни 1998 йил охирида тугаллаймиз, деб ваъда бердингиз. Нима учун бунчалик кеч? – деган савол келиб чиқади. Эсингизда бўлса, шу йилнинг мартида биз жаноб Шеварднадзе билан ғарбий қувур ўтказгичи борасида шарнома тузганмиз. Ишга гушиш учун бутун бир йил зарур бўлишининг сабаби нимада? Ишни бошлаш нима учун кечиктирилмоқда?».

«*Охоко*»нинг вице-президенти *Вейн Волтс*: «Жаноб Президент, ғарбий йуналиш, бажарилиши лозим бўлган ишлар қийматини аниқлаш бўйича қурилиш ишлари сметасини тузиш борасида қаттиқ иш олиб борилмоқда. Супсадаги терминал қурилиши учун кўзда тутилган майдон бу иш учун дунёдаги энг ёмон жой, деб тавсифланмоқда. Грузия халқаро нефть корпорацияси ва «Жон Браун инжиниринг» фирмаси шу участкада синчиклаб техник, муҳандислик, геотехник тадқиқотлар олиб бормоқда. Ишни бошлашга тўла ишонч ҳосил қилиш учун зарурий аниқ маълумотни ва ишларнинг аниқ сметасини 1997 йилнинг мартидагина оламиз.

Қурилиш ишларига тайёргарлик куриш ва унга тез ҳамда самарали киришиш учун, биз жиҳозлар ва ашёларга буюртма беришга 33 млн. долларлик оралиқ бюджети тузганмиз, жиҳоз ва ашёларга буюртма бериш ҳамда уларни ташиб келтириш эса узок вақт талаб қилади.

Сизни ишонтириб айта оламизки, мавжуд қувур ўтказгичлар тафтиши, қувур ётқизиш майдонини ўрганиш, қувур ўтказгичларнинг биринчи қисмини лойиҳалаштириш, денгиз тубини тадқиқ қилиш, ер усти терминали қурилиши ўрнига муқобил тадбир сифатида органик терминалдан фойдаланиш имкониятини аниқлаш бўйича муҳандислик ишлари давом эттирилмоқда. Лойиҳани бошқариш ва умуман лойиҳани тайёрлаш бўйича муҳандислик ишларини ўтказиш тўғрисида «Жон Браун инжиниринг» фирмаси билан шартнома тузилган.

Келаси ойда қурилиш ишларига тендер эълон қилмоқчимиз. Келаси йил бошида қурилиш лойиҳасини тақдим этиш учун рақамларимиз ва асосларимизга етарли даражада умид боғласак бўлади, деб ҳисоблайман, 1997 йилнинг мартида қурилиш ишларига киришишимиз кутилмоқда.

1998 йил охирида лойиҳани тугаллаш учун ишларнинг бoriғи йигирма ойлик муддат кўзда тутилган жуда қаттиқ, тезкор жадвалини тузамиз.

«*Ҳайдар Алиев*: Раҳмат. Шундай бўлса-да, ҳар қандай ҳолатда ҳам ғарбий қувур ўтказгич қурилишида анча кечикиш бор, деб ҳисоблайман. Борди-ю, Супса бақдаргоҳи сиз айт-

гандек бўлса, яъни бундай мақсадлар учун жаҳон амалиётидаги энг ёмон жой ҳисобланса, унда Грузия ҳудудида бошқа бандаргоҳни танлаш мумкин, деб уйлайман. Аммо мана шу Супса бандаргоҳи аввал бошданок танланган эди. Афтидан, самарали бандаргоҳ, деб уйланган бўлса керак. Нима бўлганда ҳам, мана, бир йилдирки, ғарбий қувур ўтказгич оғиздан тушмай келяпти. Энди бўлса, Супса бандаргоҳи яроқсиз экани ва, ҳатто, бошқа терминал уйланаётгани маълум бўлмоқда. Очигини айтсам, бу мени жуда хайрон қолдирмоқда».

Президент ҳузуридаги амалий кенгашларнинг бошқа стенограммалари ҳам шундай кескин ва аниқ. «Яхшироқ ишлаш керак» қабилидаги умумий истақлар эмас, балки вазиятни амалий таҳлил қилиш кўриниб турибди. Бу бурғи мосламаларидан фойдаланишга маҳаллий кадрларни жалб этишга тааллуқлими?...

1997 йилнинг 5 апрелидаги «Қорабоғ» нефть конини ишга гушириш бўйича кенгашда Ҳайдар Алиев сузлаган нутқдан:

«Тоҳо қулоғимга бу компаниялар, ҳатто, бу ерга ишчиларни олиб келмоқчилар, деган гап чалиниб қолади. Мен Озарбайжон давлат нефть компаниясини олдиндан огоҳлантираман ва улар буни назорат остига олишлари туғрисида фармойиш бераман, биз бунга рози эмасмиз. Ўзингиз биласиз, Озарбайжон нефтчилари юқори малакага эга. Озарбайжонда нефть соҳасида таниқли олимлар, муҳандислар, юқори малакали ишчилар бор. Буларнинг барчаси бор гап. Нефть битимлари имзоланган барча конлар озарбайжон мутахассислари, олимлари томонидан топилган. Мана, эллик йилдирки, Озарбайжон денгизнинг чуқур қатламларидан нефть қазиб чиқармоқда. Озарбайжон нефтчилари фақат ватанида эмас, ўз вақтида Вьетнамда ҳам нефть қазиб чиқариш билан шугулланганлар. Вьетнамнинг жанубидаги денгизда Вингтау деган жой борлигини биласиз. Биринчи марта у ерда айнан озарбайжон нефтчилари нефть қидириш ва қазиб олиш билан машғул бўлганлар. Мен 1983 йилда кўшлаб озарбайжон нефтчилари меҳнат қилаётган уша жойда бўлганман. Ҳозир Вьетнам у ердан кўп нефть қазиб олмоқда.

Озарбайжон нефтчилари Кубада, Руминияда, Ҳиндистонда нефть қазиб чиқарганлар – улар юқори малакали мутахассислардир. Озарбайжон муҳандислари каби, техниклари, ишчилари ҳам бу ишга кенг жалб этилишлари керак, деб ҳисоблайман.

Масалан, «Дода Кўрқут» бурғилаш мосламасига бориб кўрдимки, у ерда ғарб мамлакатларидан келган юқори малакали мутахассислар билан бир каторда, Озарбайжон Республика-

сининг юқори малакали мутахассислари ҳам тер тўқмоқдалар ва жуда яхши ишламоқдалар. Шу боис сизлардан илтимосим шуки, иш ўринларини тузганда менинг бу фикримни ҳисобга олсангизлар. Озарбайжон давлат нефть компанияси ва унинг президентига шу масалалар устидан биз томондан назорат ўрнатилгани таъминлашни топшираман.

Биз барча имзолаган битимларни ҳаётга татбиқ этишга ҳаракат қилмоқдамиз ва бундан кейин ҳам шунга интиламиз. Сизлар учун яратилган иш шароитидан мамнун эканлигингиз мени хурсанд қилди. Биз бундан кейин ҳам келган хорижий компаниялар, мутахассислар учун яхши шароит яратиш бора-сида зарур чоралар кўрамиз.

Жаҳоннинг таниқли нефть компаниялари билан ҳамкор-лигимиз узоқ муддатлидир. Биз имзолаган барча битимлар муддати – ўттиз йил. Аммо натижалар олингандан кейин, ўттиз йилга яна кўп йиллар қўшилажак.

### 1997 йил 3 июль, Москва

Озарбайжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиевнинг Россия Федерациясига биринчи расмий ташрифи, Кремлда Россия Президенти Борис Ельцин билан музокаралари. Ҳайдар Алиевич 10 йил мукаддам қоғозларини йиғиштириб, Кремлдан чиқиб кетган эди. Эҳтимол, кимдир шуҳратпарастлик билан: Мана, кўриб кўй мени! Қайтиб келдим! Барча ҳасадгўйларга кўрсатиб қўйдим, деган бўлар... Албатта, оддий инсоний туйғулар Алиевга ёт эмасди: Россия Президенти ўзини қабул қилган Кремль саройининг янги ички безакларига кизиқиш билан кўз югуртириб чиқди, суҳбатдошининг соғлигини, хотинини, кизларини ва невараларини сўради... Юрак операциясидан чиққан Борис Ельцин ўзига келиб қолган, Кремль хизматчилари ва нижнийновгородлик отдоши, амалда ўзи кўтарган Борис Немцов олиб бориб қўйилган ҳукуматни койир эди.

Иккала президент учрашуви ҳақидаги расмий маълумотни эълон қилар экан, шарҳловчилар унинг «илик ва ўзаро ҳурмат муҳигида» ўтганини таъкидлашди. Илик бўлмай-чи! Россия Президенти ўзининг бир вақтлар битта Сиёсий бюрода мажлисда ўтирган озарбайжонлик ҳамкасбини тўрт йилдан бери таклиф қилмоқчи бўларди. Олдинроқ бунинг сира иложи бўлмаган, шекилли...

Энди улар дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ҳавфсизлик ҳақидаги шартномани, шу жумладан Каспий денгизидаги Озарбайжоннинг истикболли блоки Д-222 нефть конларини кидириш, ишга солиш ва улушни тақсимлаш тўғрисидаги қатор битимларни имзолашлари лозим эди...

Кремлнинг дастлабки гузаллиги қайта тикланган Владимир зали гумбази остида Россия ва Озарбайжон давлат мадҳиялари янтради. Борис Ельцин ўз нутқини ўқиб берди.

– Россия билан Озарбайжонни кўп асрлик тарих, бой анъаналар ва хилма-хил алоқалар бирлаштириб туради. Биз уларни узишимиз мумкин эмас. Биз уларни ривожлантириш учун ҳамма нарсани қилишимиз керак.

Ҳайдар Алиев нутқ сўзларкан, гарчи қоғоз ёнида бўлса-да фойдаланмади.

– Россия Федерацияси билан Озарбайжон ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва узаро хавфсизлик тўғрисидаги ҳужжатнинг имзоланиши билан Сизни, Борис Николаевич, бу ерда ҳозир бўлган барчани самимий табриклайман... Бугун кўплаб иқтисодий ҳужжатлар ҳам имзоланганидан чуқур қониқиш ҳис этаётирман. Улар барча соҳалардаги ҳамкорлигимизни бундан кейин ҳам ривожлантириш ва чуқурлаштириш учун яхши шартномавий-ҳуқуқий асос яратади.

Бир оз кейинроқ журналистлар саволларига жавоб берар экан, Ҳайдар Алиев Каспий нефти масаласи ҳам муҳокама қилинганини айтди, «ва биз Борис Николаевич билан кенг фикр алмашдик... Россиянинг «Лукойл» компанияси шу пайтгача Озарбайжон нефть компаниясининг трансмиллий компаниялар билан имзоланган учта шартномасида иштирок этаётганиди, бугун эса Россия ва Озарбайжон президентлари иштирокида «Лукойл» компанияси ҳамда Озарбайжон нефть компанияси ўртасида тўртинчи шартнома имзоланди», – деди.

Россия молиявий ва ишбилармон доиралар вакиллари билан 4 июлда бўлиб ўтган учрашувда ҳам Ҳайдар Алиев шу мавзуга қайтди. У 1994 йилда имзоланган биринчи шартномани эслатди ва гарчи унда «Лукойл» ҳам иштирок этган бўлса-да, Россиянинг айрим доираларида нима учундир у ноҳуш кутиб олинганини қайд этди.

– Энди «Лукойл» тўртта шартномада иштирок этмоқда. Буни гапирётганимнинг сабаби шундаки, гоҳо бу ерда – Россияда турли доираларда, афсуски, гоҳо давлат доираларида ҳам Озарбайжон Россиядан узоклашиб кетяпти, у кўпроқ гарб компаниялари билан яқинлашмоқда, деган гаплар юрибди. Республикаimizга нисбатан бадхоҳ айрим кишилар сунъий равишда носоғлом муҳит яратмоқчилар, матбуотда чиқишлар қилмоқдалар, хилма-хил мақолалар ёзмоқдалар ва ҳоказо. Очiq айтиб қўя қолай, бу бизда катта норозилик туғдиради, чунки биз бирга ишлаймиз...

Буни у, ўзининг эъгириф этишича, Россиянинг дўсти сифатида айтди. Энди, «Москвадаги ўтган кунги, кечаги ва бугунги учрашувлардан кейин, сизлар бўлиб ўтган ва, эҳтимолки, эртага ҳам буладиган бу носоғлом гап-сўзларнинг (чунки

ниятини нопок одамлар кўп) олдини олишларингизга ишонаман». У Сибирь, Татаристон, Бошқирдистонга нефть саноати жиҳозларининг 70 фоизини айнан Озарбайжон етказиб бериб келганлигини эслатиб ўтди, «аммо бу алоқани тўхтатиб қўйишди, натижада бизнинг машинасозлик заводларимиз жуда оғир аҳволда қолди. Аммо гап фақат бундагина эмас, биз уларни қийин аҳволдан чиқариб оламиз. Бироқ, модомики, яхши жиҳоз ишлаб чиқарадиган мукаммал корхона бор экан, нима учун ундан фойдаланмайлик?».

### Ирода йўқни йўндирали

Тамом, вассалом. Кўп халқларда шундай ёки шунга яқин ибора бор. Аммо нефть қонига бу иборани ишлатиб бўлармикан? Геологларнинг кидирувлари биринчи фаввора билан яқунланди. Энди нефтчилар оқилона ва ижодий меҳнат қилишлари керак бўлади. Конгресс устида меҳнат қила бошлагандан кейин уч йил ўтгач, биринчи мутахассислар айтганидек, дастлабки нефтни олиш «Аср шартномаси»да шонли воқеа бўлиб қолган.

Уша қуни Бокуда катта байрам бўлган эди. Нефть чиқа бошлаган эди. Анъана бўйича узоқ қутилган бойликни юзга суртиш лозим эди. Ҳайдар Алиев, уша вақтда «ОРДНК» президентининг биринчи муовини Илҳом Алиев, барча фахрий меҳмонлар мамнуният билан шундай қиладилар.

Юз миллион доллар тўпланган Давлат нефть жамғармаси – янги стратегиянинг жонли гувоҳи. Бу пуллар ижтимоий муаммоларни ҳал этишга, республика барча фуқаролари ҳаётини яхшилашга сарфланади.

Озарбайжонга қўйилаётган сармоялар миқдори МДҲ кўплаб мамлакатлари курсаткичларидан ўзиб кетган. Бунга фақатгина иқтисодий манфаатгина эмас, балки республикадаги барқарор иқлим, демократик ва ҳуқуқий негизларнинг қарор топиши ҳам сабаб бўлган. Чет элик мутахассислар ва шериклар бу ҳолатни алоҳида таъкидлайдилар. «Охоко» компанияси президенти Дэвид Вудворднинг қайд этишича: «Иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик, чет эл нефть компанияларининг ОРДНК ва Озарбайжон ҳукумати билан халқаро нефть саноати андазаларига мос келувчи шериклик асосида ҳамкорлик қилиш қобилияти мамлакатга сармояни жалб этиришда давом этаверади».

«Озарий – Чирок – Гунешли» конларини ўзлаштиришнинг биринчи фазасиёқ республикага қўшимча уч минг иш ўрни берди.

Икки янги нефть қувири ишлаб бошлади. Сангачалда катта терминал қурилди.

Улкан бошқарув тажрибаси билан тобланган ирода ва реализм Ҳайдар Алиевдаги асосий фазилат бўлиб, республика нефть стратегиясининг муваффақиятли рўёбга чиқишига сабаб бўлди.

Инсон иродасининг табиати тўғрисида турли замонларда файласуфлар, ёзувчилар, сиёсатдонлар фикр юритганлар. Жек Лондон уни сеҳрли восита, деб атаганди. Инсон иродаси ва тафаккурини тўсиб қола оладиган мустаҳкам девор, у қанақанги тошлардан кутарилган бўлмасин, – деб ёзганди бразилиялик ёзувчи Жоржи Амаду, – дунёда топилмайди».

Озарбайжон Президентининг иш столида Достоевский, Карлейль, Низомий, Сартр... каби хилма-хил машхур мутафаккирларнинг асарларини қуриш мумкин эди. Уларни мутолаа қилган киши қалбида қанақанги фикрлар пайдо бўлганини ким билади дейсиз. Ҳайдар Алиевич китобни шу қадар қаттиқ севардики, ҳатто, хошияларига қалам текказишни гуноҳ деб биларди. Ўғли ёки қизига у ёки бу китобни ўқиб чиқишни маслаҳат берарди, ўз ёрдамчилари эътиборини алоҳида наشرларга тортарди. Мисол учун, Алиев тўғрисидаги ушбу китоб муаллифларидан бири Ҳусайнбола Мираъламовнинг «Тазару» номли китоби билан шундай бўлганди – бу Қорабоғ фожияси, озарбайжонликларнинг кўчиши ҳақидаги китоб эди.

Ҳайдар Алиевич Эмерсонга ўхшаб қуйидагиларни такрорлаши мумкин эди: «Фақат инсон йўқни йўндирга олади... Фейл-атвор – бу мукамал тарбия топган ироладир». Ирода сарқардага ҳам, давлат арбобига ҳам, олимга ҳам раҳбарлик қилади. Ирода – бу Суворов ва Жуковнинг, де Голль ва Рузвельтнинг, Королёв ва Менделеевнинг феъл-атвори негизидир... Аклли иродагина! Некрасовга жўр бўлиб такрорлаймиз:

Инсон иродаси, меҳнати билан  
Мўъжизалар яратар мудом.

Озарбайжон учун ана шундай мўъжизалардан бири – «Аср шартномаси»нинг рўёбга чиқиши бўлди. Аммо фақат шутгина эмас.

### 1997 йил 1 август, Вашингтон

Шу куни Ок уйда Ҳ.А.Алиевнинг АҚШга расмий таширифи давомида Американинг «Шеврон», «Экссон», «Мобиль», «Амок» компаниялари билан Озарбайжон давлат нефть компанияси ўртасида тўртта шартнома имзоланди. Икки мамлакат президентлари бу ҳужжатларни мана бундай баҳоладилар.

*Билл Клинтон:* «Каспий денгизи ҳавзаси янги нефть ва газ лойиҳаларини амалга ошириш учун ҳаётий аҳамият касб этув-

чи минтака ҳисобланади. Энергия ресурсларидан фойдаланиш буйича шу кунларда қабул қилинган битимлар самарасини келажак авлодлар кўради. Каспий бойлигидан фойдаланиш буйича Озарбайжон билан биргаликда ишлар эканмиз, бу билан биз Озарбайжоннинг гуллаб-яшнашигагина ёрдам бериб қолмаймиз, уз мамлакатимизни энергия маҳсулотлари билан турли йўллар воситасида таъминлаймиз, давлатимиз хавфсизлигини мустаҳкамлаймиз».

*«Ҳайдар Алиев:* Каспийнинг озарбайжон секторидаги энергия захираларидан фойдаланиш соҳасида Америка ва Озарбайжон уртасидаги ҳамкорликда шу пайтгача яхши нәтуқларга эришганмиз. Бу ҳамкорликни давом эттирмакдамыз ва давом эттирамыз. Бугун мана шу бинода имзоланган туртта шартнома бунинг яққол мисолидир. Энергия ресурсларини жаҳон бозорига чиқариш, Ғарбга экспорт қилиш учун олдимизда қатор нефть қувурларини, шу жумладан Урта Осиёдан, Каспий орқали Марказий Осиёдан ўтқизиш масаласи турибди. Бу борада сизлар билан муттасил ҳамкорлик қиламыз».

Ҳужжатлар Оқ уйда, Франклин Рузвельт номи билан юригиладиган хонада имзоланди. АҚШ вице-президенти Альберт Гор шу муносабат билан, «Америка ва Озарбайжон «энергетика мулоқоти»ни бошламоқда, бу мулоқот Каспий бойликлари билан фойдаланишга булган умумий умидларимизга нисбатан муносабатимизнинг жиддийлигини намоён этади», деди.

*«Ҳайдар Алиев:* «Бугун бу ерда, Вашингтонда, Оқ уйда фахр билан айтаманки, Озарбайжон нефтчилари эллик йил муқаддам денгизда дастлабки нефть қонларини очган ва ундан фойдалана бошлаган эдилар. XX аср охирида Озарбайжон Каспий денгизининг катта-катта бой қонларини бутун дунёга намоён этди. Бу ишларда Америка Қўшма Штатларининг йирик компаниялари фаол иштирок этаётганликларини зўр қониқош билан таъкидлайман. Чет эл сармоясининг Озарбайжонга кириб келиши, иктисодиётимизнинг жаҳон иктисодиёти билан яқинлашуви, жумладан, Америка Қўшма Штатлари билан мустаҳкам иктисодий алоқаларнинг йўлга қўйилиши озарбайжон халқининг гўзал келажигига хизмат қилажак».

Сирасини айтганда, бу алоқалар идизи узок тарихга бориб тақалади. 1923 йил майида «Ознефть» бурғилаш ва нефть казиб чиқариш туғрисида Америка корпорацияларидан бири билан шартнома тузди. Уша йил июлида Боқуга «11 америкалик – нефть саноатининг турли соҳалари буйича экспертлар» ташриф буюради. «Бакинский рабочий» газетасининг 1923 йил 17 июль сониди улар номма-ном тилга олинган. Рўйхатда еттинчи булиб Клинтон Лонгшор деган киши турарди. Яна 18 нафар бурғиловчи уста йўлда келаетганди.





Ҳайдар Алиев ўғли Илҳом билан.




Ватанга салоқат ҳақида қасамёд. Боку, 2003 й.

Владимир Путин Ҳайдар Алиев мукофотланган Андрей Первозванный орденини Илҳом Алиевга топширмоқда. Февраль, 2004 й.





Бакунинг кўрки  
ҳисобланмиш ушбу  
бинода Ҳайдар Алиев  
фонди жойлашган.  
Уни Миллий мажлис  
депутати,  
ЮНЕСКОнинг  
Яхши амаллар элчиси  
Меҳрибон Алиева  
бошқаради.





Янгидан-яңги заводлар, фабрикалар, конлар ҳамда қувуртқазғичлар —  
Озарбайжоннинг кундалик ҳаёти.





Мамлакат Президенти Илҳом Алиев Ҳайдар Алиевнинг истаги билан бунёд этилган Боку — Тбилиси — Жайҳон нефть қувури пульти олдида. 2005 йил 25 май.



Болалар — Озарбайжон келажаги.  
Меҳрибон Алиева ўсиб келажатган авлод, етимлар ва ногиронлар,  
қочоқлар ҳамда қишлоқ уқувчилари ҳақида амалда қайғуради.





ЮНЕСКОнинг Яхши ниятлар элчиси Меҳрибон Атиева Боқу шаҳрининг Насимий районида жойлашган 1-сон эмизикли болалар уйида...

...ҳамда ЮНЕСКО бош директори Коичиро Мацууро билан учрашувда.









42°

КАСПИЙ  
ДЕНГИЗИ

40°

48°

50°



«Ушбу уруш — моторлар ва ёнилғилар уруши», — дея таъкидлаган эди И.В. Сталин Улуг Ватан уруши ҳақида. Совет самолётлари ва танклари озарбайжон ёнилғиси билан жангга кирарди. Боку нефтини ҳақли равиюда ва гурур ила Ғалаба нефти деб аташди.

416-Озарбайжон Таганрог уқчи дивизияси Кавказдан Берлинга ҳалар ғалаба билан борди.





Озарбайжон фронт ва фронт орти қаҳрамонларининг жасоратини ёдда тутади ва ҳурмат қилади, Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига гамхўрлик курсатади. Фашистлар устидан қозонилган ғалаба — барчамизнинг умумий хотирамиз, абадий фаҳримиз. 1993 йили Озарбайжонни қайтадан бошқара боцлагаган Ҳайдар Алиев Ғалаба кунини мамлакатнинг расмий байрами деб эълон қилди.

Россиялик Улуғ Ватан уруши қатнашчилари — мамлакат Президенти Илҳом Алиев қабулида.





Президентлар Илҳом Алиев ва Владимир Путинларнинг суҳбати — мамлакатларимиз ва халқларимиз мулоқоти.

Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев «ЛУКОЙЛ» компаниясининг раҳбари Вагит Алекперов билан учрашди.



Озарбайжонда Россия кунлари муносабати билан утказилган концерт ҳамда учрашувларда Пушкин шеърлари кун маротаба янгради. Хайдар Алиевнинг ташаббуси билан Боку марказида улуғ рус шoirи Пушкинга ҳайкал қуйилди.





Меҳнат жамоалари, ҳарбий қисмларда, бевосита цехларда...



... қурилиш  
майдонларида,  
билим юртларида  
мунтазам  
ўтказиладиган  
учрашувлар  
мамлакат  
Президентининг  
иш режасидан  
жой олган.







Ҳайдар Алиев ташриф давомида олий даражадаги учрашувлардан ташқари яна 75 (китобхон ишониши учун сўз билан ҳам ёзамиз – етмиш беш) амалий учрашув, музокара ўтказди. Унинг суҳбатдошлари орасида «Би-Пи-Америка» ва «Фронтера ресурсез», «Шеврон» ва «Пеннзойл», «Юнокал» ва «Корноко», «Экссон» ва «Шелл» қаби энг йирик компанияларнинг раҳбарлари ҳам бор эди... Уз-уздан равшанки, Президент жадвалига фақат ишбилармон кишилар билан учрашувларгина киритилган эмасди.

Суҳбатдошларидан бири билан мулоқотда у конгрессменлар, сенаторлар, Халқаро алоқалар қумитаси раиси Гильман, вакиллар палатаси спикери Гингрич билан суҳбатлашганини айтган эди. Бу музокаралар – алоҳида мавзу, халқаро майдонда Озарбайжоннинг миллий манфаатларини зур бериб ва изчил ҳимоя қилиш, АҚШ конгресси қабул қилган Озодликни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги актга шубҳали 907-қўшимчани бекор қилиш учун кураш эди.

Бундоқ олиб қараганда, айниқса, Озарбайжондан ташқаридаги қўллаб китобхонлар 907-тузатиш (ёки қўшимча) номи билан машҳур бу ҳужжатнинг номидан бир нарсани англаши амри маҳол. Изоҳ бериб ўтамиз: 1992 йилда АҚШ конгресси Озодликни қўллаб-қувватлаш ҳақидаги актни муҳокама қилди. Америка йирик корчалони Р. Бернс таъкидлаганидек, ўша кунлари «арманлар фақат Озарбайжондаги жанг майдонларида эмас, балки АҚШ конгресси кабинетлари ва залларида ҳам кураш олиб борганлар». Охир-оқибат «АҚШдаги қудратли арман лоббиси» мана шу қонун (Озодликни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги акт)га ҳозир 907-тузатиш номи билан машҳур бўлган бўлим киритишга муваффақ бўлганди. Бу тузатиш то уруш ва «Озарбайжоннинг Арманистонни қамал қилиши» давом этар экан, АҚШ конгрессининг Озарбайжон ҳукуматига бирон-бир бевосита иқтисодий ёрдам курсатишини манъ этади. Ҳайдар Алиев мана шу ошқора адолатсизликка қарши, агрессия қурбони бўлган Озарбайжоннинг айбдор деб курсатилишига қарши кураш олиб борди.

Ҳайдар Алиевнинг ўша катта океанорти сафари хусусида яна икки оғиз гапириб ўтамиз. Унинг қанчалик қаттиқ ишлашини, шерикларини уз томонига оғдириб, қанчалик одоб ва оқилоналик билан гап уқтиришларини бир қуриб қуйинг.

28 июлда Нью-Йоркда «Би-Пи-Америка» компанияси вакиллари Стиф Перси, Эдд Уйахэт ва Майкл Таунсхэт билан учрашув бўлиб ўтди.

– Озарбайжонда, – деди Ҳайдар Алиев, – жаҳоннинг турли мамлакатлари, жумладан, Америка Қушма Штатлари компаниялари билан биргаликда иш олиб бориш учун, шунингдек, нефть соҳасида ишлар олиб бораётган компаниялар учун барча шароитлар яратилган. Мамлакатимизга қўйилган чет эл сар-

мойлари ҳимояси қонун билан мустаҳкамланган. Озарбайжон ўз иктисодиётини бозор муносабатлари тамойиллари асосида қурмоқда ва эшикларини жаҳонга очиб қўйди.

2 августда Ҳайдар Алиев Ҳьюстонда «Пеннзойл» компанияси президенти Жеймсон Пейт билан учрашди.

– «Пеннзойл» Озарбайжонга келган дастлабки чет эл компанияларидан бири ҳисобланади. «Пеннзойл»нинг мамлакатимиздаги газ компрессор станциясини қуришда ва Озарбайжонда газ ишлаб чиқаришни кўпайтиришдаги хизматларини юксак баҳолайман. «Пеннзойл» «Аср шартномаси»да улۇшга эга, «Қорабоғ» конларини биргаликда ишга солиш бўйича шартномани амалга оширишда эса сизнинг компаниянгиз етакчи роль ўйнайди. Қушма Штатларда Озарбайжон манфаатларининг вакили бўлиб ва унинг манфаатларини тарғиб қилиб, катта ишлар олиб бораётганингизни биламан.

3 августда у яна Ҳьюстонда «Экссон» компанияси президенти Терри Кунц билан музокаралар олиб борди.

– 1994 йилда «Аср шартномаси» имзолангандан кейин қолган озгина қисмини тақсимлашда катта қийинчилик туғилди. Ёдингизда бўлса, ўша вақтда сизга ўхшаган қўплаб йирик компаниялар мана шу қисмини олмоқчи бўлдилар. Шу компаниялар орасида сизнинг мамлакатингизнинг ҳам, Европанинг ҳам вакиллари бор эди, қўшниларимиз орасида ҳам бундайлар бор эди. Сиз бундан хабардорсиз ва мен ҳам хабардорман, уларнинг номларини тилга олиб ўтирмайман, бу энди ўтмишга айланди.

Ушанда менга ҳам бир қарорга келиш осон бўлмаган, чунки сизнинг компаниянгиз билан бир қаторда бошқа жуда бообру компаниялар ҳам биз билан яхши муносабатлар ўрнатишни хоҳлар эдилар. Узок ўйлаб кўргандан кейин мен бир тўхтамга келдим. Мана шу тўхтам «Аср шартномаси» имзолангандан кейин «Экссон»нинг унга киришига имкон туғдирди. Шундан кейин сиз билан бир неча марта учрашдим ва сизнинг алоҳида қонда ишлашингизни хоҳлагандим. Бу охири амалга ошгани жуда зўр иш бўлди. Коннинг номи – «Нахичеван», бу мен дунёга келган жойнинг номи. Бу эса янада кўпроқ масъулият оқлайди.

– Ҳа, – жавоб берди жаноб Кунц, – «Экссон» бу билан фахрланади.

Бу суҳбат чоғида Президент қалбида чуқур ҳаяжон жуш урганлиги диққатга сазовор. Узининг мўъжаз мамлакати Нахчиванга (озарбайжонча) нисбатан муҳаббат эътирофи қалбининг тубидан акс садо берган.

– Туғилган жойимни севишимнинг яна бир сабаби – 1990 йил Москвада яшаб турганимда ҳаётим хавф остида қолганида, мени таъкиб қилишганида, олдимга қўплаб ғовлар қўйилгани

ва мен Озарбайжонга кайтдим, Бокуда туришнинг имкони бўлмаганидан тутилган жойим Нахчиванга кетдим. У ерда оғир, кийин кунларни бошдан кечирдим, аммо Нахчиван мени иссиқ каршилади, бағрига босди ва мен унинг яшаб қолиши учун ҳамма ишни қилдим. Агар мен у ерга бормаганимда, у ўлканинг қисмати хавф остида қолиши ҳеч гап эмасди. Шунинг учун тутилган жойимни жуда-жуда севаман. Оғир кунларда у менга қулини чузди, мен буни жуда кадрлайман... Сиз ишга енг шимариб киришиб кетасиз, деб ўйлайман. Биламан, «Экссон» Американинг энг йирик нефть компанияси. Аммо сиз шу пайтгача Оқ уйда ҳеч шартнома имзолаганмидингиз, билмайман.

– Бу ерда биринчи марта имзолашимиз!

– Курдингизми, биз сиз билан шартномани шунчаки имзоламабмиз, унинг Оқ уйда имзоланишига эришибмиз. Мен сиз билан Бокуда бир неча бор ва Америка Қўшма Штатларида учрашганман. Аммо мана шу шартнома ҳозир Оқ уйда, ҳукуматингиз раҳбарлари иштирокида имзоланди, бу ўзидан тарихий воқеа бўлиб қолди ва бу шартномани сиз имзоладингиз.

– Бизнинг компаниямиз Озарбайжон Давлат нефть компанияси билан биргаликда Каспийдаги Б-9 блоки устида ишламоқда. Бу истикболли тузилма чуқур сув қатламлари остидадир. Бу бизга ва ОРДНКга янада чуқурроққа кириб бориб, у ердан нефть қазиб чиқаришимизга имкон беради... Бу конга ном беришингизга шубҳа қилмайман, чунки Б-9 ҳеч нарсаи англлатмайди.

– Ҳа, бу вақтинчалик ном, шартнома имзолангандан кейин у бошқа номга эга бўлади. Мен Нотик Алиевга топшираман, у менга бу тўғрисида хабар беради.

– Биз Каспийнинг чуқур сув остидаги йирик тузилмаларини ишга солишда қатнашишни истаймиз ва тез орада ОРДНКга ўз таклифларимизни тақдим этамиз. Каспийнинг озарбайжон сектори чуқур жойларида катта нефть захиралари бор деб ўйлайман. «Экссон»нинг тажрибаси ва имкониятлари бу конлардан ОРДНК билан биргаликда оқилона фойдаланиш тўғрисида гапиришга асос беради.

Имкониятдан фойдаланиб, жаноб Президент, мен бошқа бир масалани ҳам тилга олиб ўтсам, илгари ҳам сиз билан бу тўғрисида гаплашган эдик. Гап Каспийнинг газ конларидан фойдаланиш устида кетаётир. Ушанда бу газ конларининг захиралари, зангори ёнилғидан фойдаланиш ва уни ташиш тўғрисидаги таклифларни ОРДНК билан биргаликда тайёрлаймиз, деган эдик. Бу таклифлар тайёр ва, ўйлаймизки, вице-президентимиз ҳамда жаноб Нотик Алиев яқин вақтларда уларни бандма-банд келишиб чиқадилар. Газ конларидан фойдаланиш борасида янада фаолроқ ҳаракат қилмоқ керак бўлади, чунки

бу махсулотга харидор топиш нефтга харидор топишдан фарк килади, бунда рақобат кучлироқ. Яқинлик омилини ҳисобга олиб, озарбайжон газ ичун энг яхши бозор Туркия бўлиши мумкин. Сизнинг шимолий қўшнингиз – «Газпром» Туркия билан биргаликда бир қанча шартнома тузди, аммо Туркиянинг бу махсулотга эҳтиёжи бор. Шу боис ушбу бозорни қўлдан бермаслик учун қидириш ишларини тезлаштирмақ керак.

– Агар масала тайёрланган бўлса, мен Нотик Алиевга топшириқ бераман, сиз эса музокаралар ўтказиб, узил-кесил лойиҳани тайёрланг. Мен сизнинг сўзларингизга қўшиламан. Газга бизнинг минтақада ҳам, Туркияда ҳам, бошқа мамлакатларда ҳам катта эҳтиёж бор ва шу боис сизлар тезроқ ишга киришсангиз, жуда соз бўлар эди... Дўстлигимиз жуда мустақкам ва мен бу таклифларни куриб чиқаман. Газ конлари борасидаги таклифларни тезлаштириш бўйича фикрларингизга тулик қўшиламан.

3 августда Ҳайдар Алиев яна Хьюстонда «Тексако» компаниясининг вице-президенти Роберт Блэк билан учрашди.

– «Тексако» тўксон беш йиллик тарихга эга ва саксон йилчадан бери жаҳоннинг турли мамлакатларида лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда, – деди Роберт Блэк. – Аммо Озарбайжонга боришда кеч қолдик. Бир неча йил олдин Компания директорлар кенгаши бизнинг Каспийга боришимиз керак эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилди, ҳозир мен бу қарордан жуда-жуда афсусланаяпман. Жаҳондаги кўплаб компаниялар каби, биз ҳам хато қилиб турамыз.

– Хато қилмайман деган одам нотўғри айтади, – дейди Ҳайдар Алиев. – Хатони тушунмоқ, тан олмоқ ва хато қилганига иқдор бўлиб, уни тузатмоқ керак.

– Компания бошқарувининг янги раҳбарияти Озарбайжон нефть конларини ишга солишда узок вақт иштирок этиш учун ҳамкорликни бошлаб юборишни хоҳлаяпти.

Президенти бунга қисқача жавоб берди:

– Озарбайжон эшиклари бутун дунёга, барча компанияларга, айниқса, Америка Қўшма Штатлари компанияларига кенг очик. Шу боис ҳали ҳам имконият бор. Сиз ўз хатоларингизни тушунганингиз дуруст бўлибди.

### Уч денгиз афсонаси ва ҳикояти

2002 йил 18 сентябрда Боку – Тбилиси – Жайхон асосий экспорт қувурларини ётқизиш маросими бўлиб ўтди. Озарбайжон «қора олтин»ининг бу қўлбола қон томири жаҳон бозорига оқиб бориб, республикага ризқ-рўз ва фаровонлик олиб келади.

Кувурларни ётқизиш маросими, унутилмас хаяжонли лақиқалар. Асосий иштирокчилар – уч президент: Ҳайдар Алиев, Аҳмат Нажот Сезер, Эдуард Шеварднадзе ҳам хаяжонда. Озарбайжон, Туркия, Грузия...

«*Ҳайдар Алиев*: Сизларга шуни маълум қилмоқчиманки, Боку – Тбилиси – Жайхон кувур ўтказгичига қарши чиққанлар кўпинча бу сароб, қилиб бўлмайдиган иш, Озарбайжонда эса бунча нефтнинг ўзи йўқ, деб айтар эдилар. Бундай гапларни ҳар қасқда эшитса буларди... Аммо у гаплар асоссиз бўлиб чиқди, биз ўз илҳимизни қилдик. «Уч денгиз афсонаси» номидаги анжуман... Мен унда нутқ сузладим ва бундай дедим: «Сиз бу ерда афсона ҳақида гапиряпсиз. Мен эса сизларга айтмоқчиманки, бу сароб эмас, афсона эмас, балки учта денгиз бирлашди, уларни лойиҳани амалга ошираётган Туркия, Грузия, Озарбайжон ва бу масалада муттасил қўллаб-қувватлаб келаётган Америка Қўшма Штатлари бирлаштирди. Шу боис биз ҳозир орзумиз рублини куриб турибмиз».

«*Аҳмат Нажот Сезер*: Мен тепасида муҳтарам Алиев ва муҳтарам Шеварднадзе турган Фарбий-Шарқий энергетика йўлагига меҳнатини сарфлаган ҳар бир ишчини яна бир марта қутлайман. Туркия Республикасининг мендан олдин ўтган президентлари марҳум Тургут Ўзални ва муҳтарам Сулаймон Демирелни ҳурмат ва эҳтиром билан ёдга оламан. Улар ўз фаолиятлари билан сиёсий қатъият кўрсатиб, йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилдилар. Ушбу буюқ лойиҳалар Озарбайжон, Грузия ва Туркия халқлари ўртасида дўстлик ва қардошлиқни, минтақамизда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилишини истайман».

«*Эдуард Шеварднадзе*: Бутундан амалга оширила бошланган аср лойиҳаси неварачевараларимизга мерос бўлиб қолади. Уларга муносиб мерос қолдираётганимиздан фахрланаман. Саъй-ҳаракатларимиз, биргаликдаги фаолиятимиз билан жаҳонга унча катта бўлмаса-да, чинакам муъжиза яратишга қодир эканлигимизни намойиш этдик. Биргаликдаги ҳамкорлигимиз кўплаб шундай муъжизалар яратишини тилаб қоламан».

Ушбу сана – 2005 йил 25 май ҳам Озарбайжоннинг янги тарихига қиради, шу кунни Боку – Тбилиси – Жайхон нефть қувури фойдаланишга топширилди.

Уша кунларда Озарбайжон пойтахти узгача безанганди. Меҳмонлар кўп, нутқлар ва табриклар ундан кўп эди. Мамлакат Президенти Илҳом Алиев нутқ сузлади. У сиёсат билан иқтисодиёт чамбарчас боғланиб кетган ушбу сермеҳнат лойиҳа қурилиши қандай бошланганини эслатиб ўтди. Бу лойиҳага кўплар шубҳа билан қараганда, Ҳайдар Алиев унга қаттиқ ишонганди.

– Боку – Тбилиси – Жайхон лойихаси амалга ошишига айримлар ишонмаганди, – деди қувурни нефть билан тулдиришга бағишланган тантанали маросимда Илҳом Алиев, – айримлар халакит бермоқчи бўлди, аммо уддасидан чиқолмади. Озарбайжон, Туркия, Грузиянинг бу борада иттифоқи, АҚШнинг барча минтакавий энергетика лойиҳаларини қўллаб-қувватлаши, ВР ва бошқа компаниялар фаолияти бу афсонани ҳақиқатга айлан-тиришимизга имкон туғдирди.

АҚШ Президенти Жорж Буш Озарбайжон раҳбарига махсус нома йўллади. «Ушбу қувур йўли, — дейилганди унда, – Каспий нефть тижорат нуқтаи назаридан яшовчан, атроф ва муҳит учун хавфсиз йўллар билан Европа ҳамда бошқа бозорларга етказилишидан далолат беради.

Уша куни Бокуда Россиядан ҳам меҳмон келиши кутиляётганди, бу РФ Президентининг халқаро энергетика ҳамкорлиги бўйича махсус вакили Игорь Юсуфов эди. Аммо у келмади. Кейин айтишларича, у бетоб бўлиб қолган эмиш. Шунақаси ҳам бўлади.

...Ҳайдар Алиев ният қилиб қўйган наشرга унинг ўгли, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев яна икки жилд кўшишви таклиф қилди. Улар Ҳайдар Алиевнинг АҚШ, Россия ва бошқа мамлакатларга қилган давлат ташрифлари, ўтказган музокаралари ҳақидаги материалларни, суҳбатлари стенограммалари, интервьюларини ўз ичига олган. Китоблар Ҳайдар Алиевич таклиф қилган «Озарбайжон нефти жаҳон сийёсатида» номи остида чиқди. Ота ишини ўғил давом эттирмоқда.

2004 йил августда француз газетаси «Монд» «Нима учун нефть геосийёсат марказига қайтди» деган ажойиб сарлавҳа остида мақола эълон қилди. Газета «Африкадан Каспий минтақасигача янги нефть тартиби юзага келгани» ҳақида ёзганди.

«Геосийёсий нуқтаи назаридан энг муҳими – Каспий минтақаси. Турли тадқиқотларга қўра, Озарбайжон, Қозоғистон ва Туркменистоннинг разведка қилинган нефть захиралари 30 млрд. баррелни ташкил этади, яъни бу Шимолий денгиздаги конлар билан қарийб тенг дегани.

Нефтни Озарбайжондан Урта денгиздаги Туркия бандаргоҳига Грузия орқали етказиш учун мўлжалланган Боку – Тбилиси – Жайхон нефть қувури қурилиши Эрон, Туркия ва Хитой куз узмай қараб турган минтақада америкаликлар ва русларнинг тўқнашувига баҳона бўлади, – хулоса ясайди «Монд». – Бу барча мамлакатлар ичида Россия фақат нефть давлати сифатида эмас (қунига тахминан 8 млн. баррель – Саудия Арабистони билан барабар нефть экспорт қилади), балки газ конлари давлати бўлишга ҳам даъвогарлик қилмоқда, чунки

у жаҳон газ захираларининг 45 фоизига эга, Яқин Шарқда бу рақам 36 фоизни ташкил этади. Президент Владимир Путиннинг Россия манфаатларига хиёнатда шубҳа қилинаётган олигархлар қўлида қолган мамлакат энергетика сиёсати устидан назорат ўрнатгани шу икки омил билан изоҳланади.

2004 йил ёзида «нефть биржаларида нархларнинг ошиб кетиши»ни таҳлил қилар экан, «Монд» таъкидладики, ОПЕКқа ва унга қирмайдиган нефть ишлаб чиқарувчи мамлакатларга жўмрақларни каттарок очиб қўйиш тўғрисида қилинган даъваг ўрта муддатли истикболда сезиларли самара берилми амри маҳол. ОПЕК мамлакатларининг қуввати 96 фоиз ишга тушириб бўлинган ва улардан талаб қилинганидек, қўшимча тарзда 2 млн. баррель нефть етказиб бериш унинг учун осон бўлмади.

Таҳлилчилар фикрича, Халқаро энергетика агентлиги маълумотларига қўра, нефтьга бўлган эҳтиёжи 2025 йилга бориб кўнига 5,5 млн. баррелдан 11 млн. баррелгача ўсиши керак бўлган Хитой янги энергетик портлашни келтириб чиқарган. Жаҳонда нефтьга ошиб бораётган эҳтиёжнинг 40 фоизи шу мамлакатнинг ўзига тўғри келади. Ваҳоланки, йирик истеъмолчилар рўйхатида Хитойга яқин орада Осиёнинг бошқа ўсиб бораётган мамлакатлари, жумладан. Ҳиндистон ҳам келиб қўшилади. Замона зайли билан Буюк Британия 2004 йил июнида ўн йил ичида илк бор нефть импорт қила бошлади.

Нефтьга талаб ортиб бормоқда. Аммо уни қаердан олиш мумкин? Назарий жиҳатдан, қидириб топилган захиралар бўйича дунёда иккинчи ўринни (Саудия Арабистонидан кейин) эгаллаб турган Ироқ тақлифни қўпайтиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этиши керак. Аммо мамлакатдаги нохуш ҳолат бунга халақит қилади. Бутун араб-форс зонаси борасида ҳам худди шундай шубҳалар мавжуд. Бинобарин, таъминотнинг янги манбаларини қидириб топиш зарур. «Монд» уқтирганидек, шулардан бири – Каспий.

---

**XI боб**  
**ҚУЁШ ДЕНГИЗ ТОМОНДАН ЧИҚАДИ**

**2001 йил 14–15 июль, Боку**

Бу гап 2001 йилнинг июлида бўлган эди, қалам аҳли билан навбатдаги учрашувда журналистлардан бири Ҳайдар Алиевдан эсдаликлар ёзмоқчи эмасмисиз, деб сураб қолди.

– Йўқ, – жавоб берди у, – мен эсдаликлар ёзмайман. Кези келганда қандайдир воқеаларни ҳикоя қилиб бераман. Ёзишга келганда эса ёзмайман. Истамаганимдан эмас, бунга вақтим йўқлигидан.

Учрашув «Зағульба» давлат қароргоҳида бўлиб ўтгани – бир гал Муслим Магоммаев айтганидек, озарбайжон тили учун хос бўлмаган галати ном – «Зағульба» – «Ишратхона». Уни ўтган асрнинг 30-йилларида партия номенклатураси учун қуришган. Янги озарбайжонлар каби, янги руслар ҳам дала ховлини қуриб ҳафсалалари пир бўлиши тайин: сиз ўйлагандек эмасди асло! Кишини тортадиган ягона нарса суви бағоят мазали чашма эди, холос. Балки ишратпарастлар ишратларидан кейин шу ерда ўзларига келгандирлар?

– Бу эски уй, – деганди Озарбайжон Президенти меҳмонларга – Россия энг йирик оммавий ахборот воситалари раҳбарларига. – У бутунги кун талабларига жавоб бермайди. Биласизми, менинг галати одатим бор, урганган нарсамдан айрилгим келмай қолади. Тўғри, мен ҳозир кўпроқ шаҳарда яшайпман. Бу ерда кам, факат езда бўламан. Болаларим ҳам шу ерда вояга етишган. Бу жой биз учун унигилмас бўлиб қолган.

Журналистлар бир-бирини турта-турта меҳмондўст мезбон изидан борар, фотоаппаратларини ширк-ширк қилар, диктофонларидаги тасмаларни чакқонлик билан алмаштирар, бу қутилмаган эътирофдан бирорга ҳам сўзни тушириб қолдирмасликка уринар эдилар.

– Биз норасмий шароитда учрашайлик, деб илтмос қилган эдингиз, – деди Ҳайдар Алиев, – мана, учрашиб турибмиз. Қаранг... Сизлар кўпроқ хиббонга ухшайдиган йўлдан келдингиз. Бу дарахтларни етмишинчи йилларда, йўл қурилаётганда ўтказган эдик. Биласизми, ўтмишда Бокуда дарахт бўлмаган. Бу борада Горькийнинг сўзи ҳам бор...



– Дарахтдан ном-нишон йўқ шаҳар... Мудхиш дўзахнинг даҳоларча чизилган тасвири, – москвалик шарҳловчилардан бири пролетар адабиёти мумтоз ижодкорининг асари билан таънишлигини намоён этди.

– ... Маяковский ҳам айтган – улар бу ерда бўлишган, – давом эттирди Алиев луқмага эътибор бермай. – Россиядан фарқли ўлароқ бу ерда дарахтларнинг ўсиши кийин, уларни тинмай парварिश қилиш, сугориш керак бўлади. Яхши дарахт бўлиб ўсиши учун уни беш-олти йил сугориб, парварিশлаш керак, шундагина илдиз отади.

Эрагу аёл ҳамроҳлар барчаси ғала-ғовур қилганча дамбадам атрофга алантлар эди – бийдай далада жаннатнамо бир ғуша барпо этилганига ҳеч кимнинг ишонғиси келмасди.

– Такрор айтаман, дарахтларни бу ерлар ободонлаштирилаётганда ўтказганмиз. Мана бу анор дарахтларини ўзим экканман. Озарбайжонда анорни жуда севадилар...

Кейин ҳўл мевалар, озарбайжон пишириклари ва хузурбахш чой қўйиб тузалган дастурхон устида меҳмонлар Каспийнинг мақоми, республикада матбуотга муносабат, Алиевнинг катта сиёсатга қайтиши ва, албатта, Тоғли Қорабоғ туғрисида гап олиб боришди...

Ҳайдар Алиев 1971 йилни, Озарбайжонда бўлиб ўтган совет адабиёти кунларини эслади. Ушанда республикага бутун мамлакатдан энг йирик ёзувчилар келишган эди, шулар орасида машҳур Мариэтта Шагинян ҳам бор эди.

– Мен у билан шунгача таниш эмасдим, – деганди Президент. – Унинг асарларини-ку ўқигандим. Бунгача Мариэтта Сергеевна Бокуга чорак асрдан кўпроқ олдин келган экан, у расмий ташвиш-тадорикларсиз Озарбайжон билан танишишни хоҳлаб юрган экан. У бизникида меҳмон бўлишни илтимос қилди ва мен рози бўлдим. Йигирма кунча у меникида меҳмон бўлиб турди.

Шунда мен дедим: биласизми, илтимос, арманилар яшаётган жойга борсангиз. У илтимосимни қабул қилиб, Тоғли Қорабоққа кетди. Боқуда арманилар кўп эди, албатта, шоира улар билан мулоқотда бўлиб турар эди. Ганжага, Озарбайжоннинг бошқа минтақаларига борди. Мархума хотиним ҳам санъат ва адабиётга кизиқарди. У Мариэтта Сергеевна билан яхшигина дўстлашиб қолди. Яқшанбада биз уни уйимизга таклиф қилдик. Кун бўйи бирга бўлдик, бу унинг эрта-индин кетаман, деб турган кунлар эди. У ўзининг китобини менга совға қилдида, айтди: «Биласизми, мен барча арманилар билан учрашдим ва уларга сизлар бу ерда бошқа ҳамма жойдагидан яхшироқ яшайсизлар, дедим». Мен унинг гапини ҳамиша кечагидай эслайман: «Озарбайжонда арманиларнинг егани олдида, емагани ортида». У яна менга бундай деди, – эслайди Алиев ўзининг

Маризтта Шагинян билан учрашувини. – Еревандан келиб, бу ерда бир hafta булган экан. Айтишчя, унинг олдига маданият, фан арбоблари Совет Иттифоқи рахбарларига мурожаат қилган юз нафар таникли одамлар имзоси булган руйхат билан тухтовсиз келишар экан. Улар Тоғли Қорабоғни Арманистонга қушиб беришни сурашган экан. Шоира уларнинг гапларини эшитиб, сизлар керак булмаган нарса билан шуғулланыпсизлар. Биринчидан, мен бунга ҳеч қачон имзо чекмайман, иккинчидан эса, бундай иш билан шуғулланишингизни маслаҳат бермайман, дебди. Ҳа, Маризтта Шагинян шахс эди.

– Бу билан айтмоқчиманки, бу масала вақти-вақти билан авж олиб туради. Аммо Совет Иттифоқи рахбарияти ҳар доим уни йулга солиб турган. 1988 йили бу масала кун тартибига қўйилганда эса Совет Иттифоқи рахбарияти уни изга солиш учун чора куриш у ёқда турсин, аксинча, қайтага оловга ёғ сеппиб гурди...

Озарбайжон Президенти халқи бошига тушган бу фожиа тугрисида биринчи гапириши эмасди. Тоғли Қорабоғ унинг дарди, бу оғрикли жароҳатга у турли тоифа одамлар олдида бот-бот қайтар, ўз нуктан назарини уқтирар эди. Алиев бир нарсага ишонар эди: «Агар Горбачев ва атрофидагилар 1988 йилда тугри йулни танлашганида эди, қарама-қаршилик бу қадар тус олмаган, шунча йуқотишлар булмаган, Арманистон ҳам, Озарбайжон ҳам бутунгичалик бу қадар адоватлашиб қолмаган булар эди» (2000 йил 22 июнда Москвада ватандошлар ҳузурида сузлаган нутқидан).

### **У Озарбайжонга Россия билан дустлашишни васият қилганди**

Можаро билан 1992 йилдан ЕХХКнинг Минск гуруҳи шуғуллана бошлади. 1997 йилда гуруҳда учта— Россия, АҚШ ва Франция ҳамраис булиб қолди. Бу мамлакатларнинг дипломатлари таклифлар ишлаб чиқдилар, Озарбайжон бу таклифларга рози булди.

Ҳайдар Алиевич бу гал ҳам меҳмонларга гап нима ҳақида кетаётганини тушунтира бошлади. Озарбайжон таркибидаги Тоғли Қорабоғқа ўзини ўзи бошқаришдек олий мақомни бериш тугрисида... Дарвоқе, 1997 йил охирига келиб Арманистон Президенти Тер-Петросян масалани бундан ҳам яхшироқ ҳал қилиб булмайдди, деган тухтамга келди. У Тоғли Қорабоғ атрофидаги босиб олинган етти туманни арман курулти кучларидан бушатиш, кейин эса Тоғли Қорабоғ мақоми ҳақида музокара-лар утказиш тугрисида таклифни қўллаб-қувватлашини очик-ойдин айтди. Аммо унга халал беришди. 1998 йил февралда у истеъфога чиқди... Музокараларда озарбайжон делегацияси

таркибида республика ТИВ Бошқармаси бошлиғи уринбосари, кейин бошлиғи бўлиб ишлаган, бизга таниш Мурод Ҳайдаров бор эди. Мурод Ҳайдаров Президентга қилган докладларидан бирида ундан лундагина: «Баракалла!» деган мактовни эшитганидан фахрланиб юради.

Евгений Примаковнинг нуфузли фикрича, Алиев арман-озарбайжон тўқнашувига барҳам бериш ҳақидаги шартнома тузишга жуда яқин келиб қолганди.

– Мен буни қатъий ишонч билан айтаман. Унга улим ҳалакит берди.

Евгений Максимович Примаков таклиф этилган лойиҳага бевосита дахлдор эди, шунинг учун унинг нуқтаи назарини келтириб ўтиш кизик бўлса керак.

– Арманистон ва Тоғли Қорабоғ Озарбайжоннинг худудий яхлитлигини ва унинг чегаралари бузилмаглигини тан олиши Тоғли Қорабоғнинг Озарбайжон доирасида олий даражадаги ўзини ўзи бошқариши билан узвий боғланиб кетганди. Ҳар икки томондан амалий кадамлар кутилаётганди...

Боқуга таклифларни олиб бориб топшириш ўша вақтда ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаган Борис Николаевич Пастуховга юклатилганди.

– Мен Алиев билан яккама-якка учрашувимизни илтимос қилгандим, – деб эслайди Пастухов. – Шунда мен Алиев ҳайратомуз хотирага эга одам бўла туриб, унутилиб кетган ҳафталигини олиб очгани-ю оғзимдан чиққан гапларни ёзиб олаётганини биринчи марта кўрдим. Бу Россия Президентининг оғзаки номаси эди. «Қизик, – жавоб берди Алиев, – бу жуда кизик».

Пастухов фикрича, Алиев Қорабоғ муаммосини ҳал қилишдан келиб чиқаётганди. Кейин бу ишни қилиш кийин бўлиб қолади, деб ҳисобларди.

– Кейин Арманистон ҳам орқага чекинди, – ҳулоса ясаб деди Борис Николаевич. – Ҳолбуки, Озарбайжон асосий масалаларда ён берганди.

Энди улар неча марта учрашганининг ҳисобига етиб бўлмайди. Пастухов бу учрашув ва суҳбатлардан энг асосий нарсалар сифатида нималарни кўрсатади?

– Асосий нарса мана бундай. Ҳайдар Алиевич Алиев, шубҳасиз, Совет даври ва советлардан кейинги даврдаги энг ёрқин сиёсатдонлардан бири. У ўз мамлакати ичида тинчликни сақлаб қолди. Грузияга зид ўларок, иқтисодий таназзулни четлаб ўта олди. Россия билан яхши қўшничилик муносабатларини тиклади ва Чеченистон масаласида бизнинг нуқтаи назаримизни қўллади. У Россияга нисбатан ўз зиммасига олган барча мажбуриятларни бажарди. Беларусни истисно қилганда МДХда рус тили Озарбайжондагичалик бу қадар

кенг ҳуқуқлардан баҳраманд булган бирорта ҳам давлат йук. Биласизми, унинг буюклиги тагин нимада эди? У ўғлига, мамлакатига Россия билан дуст булишни васият қилганди. Албатта, ҳар қандай давлат каби, Озарбайжон ҳам яхшироқ жойни, купрок наф келадиган жойни кидиради... Бу – табиий. Мен у билан куп бора суҳбатлашганман. Турли муаммоларни, масалан, Каспийни муҳокама қилардик. Қанаканги мураккаб музокаралар булмаганди! У бизнинг ифодаларимизни қабул қиларди, юзма-юз колганимизда эса менга: «Мен бу масалани күз очиб-юмгунча ҳал қиламан, лекин сиз Тоғли Қорабоғ бўйича мана бу-бу ва буларни кафолатлаб беринг, дерди... Сиёсат нуқтаи назаридан бу табиий эди.

– Фалокат-эй! – очилиб дейди Пастухов. (Бу унинг комсомоллик давридан қолган севимли ибораси эди.) – Ҳақиқатан ҳам, барча томонларнинг манфаатларини ҳисобга олиш керак. Ҳа, мувозанат... Сиёсатда фақат шундай қилиш керак. Ҳайдар Алиевич олий малакали сиёсатчи эди. Ўзига етганча мард ҳам эди. У юраги хасталигини биларди, аммо ўзига олмасди. Бор иродасини тушлаб ишлар эди. Мана буни муносиб яшаш деса бўлади...

Евгений Максимович Примаков эски уртоғи, дусти, ҳам-маслагига қўшимча қилиб бундай деди:

– Ҳайдар Алиевич бошдан-оёқ истеъдод эди. Туғма истеъдод эди. У, шубҳасиз, совет тизими одами сифатида шаклланганди. Бирок қаёққа кетаётганини хис қилгач, тизим одами булишдан воз кечди. Ўғли унинг истеъдодини мерос қилиб олди. Айтганча, Озарбайжон Президенти Илҳом Ҳайдарович Алиев отаси каби қоғозсиз гапиради. Мазмундор, пурҳикмат гапларни айтади.

Ҳайдар Алиев ҳар доим мулоқотта, мураса йулини топишга, меъёри билан, тайёр турарди. Озарбайжоннинг миллий манфаатларига дахлдор жойда у ҳеч кимга – на Москвага, на Вашингтонга, на Техронга ён бермасди... «Албатта, кимдир Озарбайжонга нисбатан каттик позицияда туриши мумкинدير. Аммо биз мустақил давлатмиз ва бизга каттик позициядан туриб тазйик ўтказиб бўлмайди» (РФга ташириф давомида 1996 йил 9 августда матбуот анжуманидаги савол-жавоблардан).

1998 йил 10 апрелда Ҳайдар Алиев РФ ҳукумат раиси уринбосари вазифасини бажарувчи Иван Рибкинни қабул қилди. У яқин ўтмишда КПСС Волгоград область комитети секретари, Давлат думаси раиси булганди, яқин келажакда эса Россия халқаро кидирувга берган Борис Березовскийнинг ёрдамчиси булиб ишлайди. МДХдаги ишлар, Россия ва Озарбайжон муносабатлари ҳақида музокара олиб боришди. Президент, жумладан, 12 мартда Борис Николаевич Ельцинга

Россиядан Арманистонга курул-яроғ етказиб берилаётгани муносабати билан муфассал хат ёзганлигини айтди.

– Бирок мана, 10 апрель булибдики, жавоб йук. Умуман, сирасини айтганда, Россия Федерацияси раҳбариятига хат юбориб, жавоб олмаётганимиз биринчи марта булаётгани йук. Биз, ахир, мустақил, тенг ҳуқуқли давлатлармиз. Ахир, у замонлар утиб кетди. Дейлик, республика Москвага, КПСС МКга, Министрлар Советига хат ёзарди-ю, аммо жавоб олмади. Ҳозир мутлако бошқа ҳолат-ку.

– У вақтда жавобни вақтида олишарди, – деди Рибкин.

– Гоҳо олишмасди. Хуп, олишган ҳам дейлик, ҳозир эса, албатта, олишлари керак. Бу масала биз учун жиддий.

Президент фармойишларидан 1993 йилда чиқарилган биттаси фуқароларни қабул қилишни тиклашга қаратилганди. 80-йиллар охиригача у республика Компартияси МКнинг 4-подъездида эди, сўнг эшикларни тамбалаб ташлашганди.

1993 йил октябрдан бу ерда келувчиларни қабулхона ходимлари, шунингдек, давлат маслаҳатчилари, Президент ижрочи аппаратининг бўлим мудирлари, унинг ёрдамчилари қабул қила бошлашди. Қабул жадвали олдиндан мағбуотда эълон қилинарди. Шу тартиб ҳозиргача сақланиб қолган.

Президент номига қўшлаб хатлар келарди. Улар бўлимларга, хизматларга, ижрочиларга Алиевнинг топшириқлари билан чиқариларди. Топшириқлар гоҳ батафсил, гоҳ жуда ҳам қиска, хатто, баъзан биргина «Бахин» («Кўриб чиқилсин») сўзи қайд этилган буларди.

Чунончи, боқуликларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилган Приморский хиёбони борасидаги шикоятларини кўриб чиқиб, Ҳайдар Алиевич шаҳар ҳокимиятига хиёбонни обод қилиш тўғрисида кўрсатма берди. У шу билан кифояланиб қолмади – Президент фармойиши билан боқуликларнинг неча-неча авлодига кадрдон булиб қолган хиёбон Миллий боғ макомини олди. Президентга юборилган хатлар буйича «Озарбалик» концерни фаолияти текширувдан ўтказилди. Бундай ҳолларда айтилади-гандек, далиллар тула тасдиқланган. Концерн раҳбарлари жавобгарликка тортилган.

Мусика дунёсида озарбайжон макомининг соҳир ижрочиси Сурхай Асқаров номи аллақачон машҳур. Озарбайжон Президенти Боку санъат гимназиясининг туққизинчи синф укувчисини ижодий йўлининг энг аввалидаёқ қўллаб-қувватлаганди. Йигитчанинг отаси хатини ўқиб, у Сурхайга яхшигина моддий ёрдам кўрсагиш тўғрисида фармойиш берди.

Бундай далилларни қўшлаб келтириш мумкин, аммо энг асосийси мана бу: 1995 йилда мамлакат уша йилнинг 12 ноябрида қабул қилинган янги Конституция лойиҳасини муҳокама қилмоқда эди. Моддалардан бири, хусусан, 57-мод-

да фукароларнинг шахсан, шунингдек, якка тартибда ва жамоат бўлиб ёзма равишда давлат идораларига мурожаат қилиш ҳуқуқини белгилайди. Шубҳасиз, фукароларнинг давлат идораларига таклифлар, аризалар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқларини ҳаётга татбиқ этишнинг бош шартларидан бири ҳисобланади. Яна шу нарса муҳимки, фукароларнинг ҳар бир мурожаатига ёзма равишда жавоб қайтариш керак эди. Конституциянинг, жумладан, 57-модданинг қоидалари бошқа қонунчилик ҳужжатларида давом эттирилди. Дарвоқе, одамларнинг давлат идораларига мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳақидаги қоидаларни Конституцияга киритишни Ҳайдар Алиев таклиф қилган эди.

1997 йил 10 июнда Озарбайжон Республикасининг «Фукаралар мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби туғрисида»ги қонуни қабул қилинган эди. Ушбу қонун, шунингдек, Президент қабул қилган бир қанча фармон ва фармойишлар зарурий меъёрий-ҳуқуқий негизни яратди: Президент хатларни кўриб чиқишнинг муайян муддатларини, мансабдор шахслар хатларни кўриб чиқишда қонунбузарлик қилгани учун жавобгарлигини, фукароларни якка қабул қилиш тартибини белгилаб берди. Ҳарбий хизматчилар, Қорабоғ уруши қатнашчилари ва улар оила аъзоларининг хатлари, қонунда белгилаб қўйилганидек, қисқа муддатларда, 15 кун ичида тезкор тарзда кўриб чиқилиши шарт қилиб қўйилганди.

### 1999 йил 21 сентябрь, Боку

Озарбайжон пойтахтида «Асп шартномаси» имзоланганлигининг беш йиллиги нишонланмоқда. Тантанали маросимга қўшлаб чет эллик меҳмонлар таприф буюрган. Россиядан ёқилги ва энергетика министри Виктор Калюжный бошчилигидаги чоғроқ делегация келган. Ҳайдар Алиевич Алиев билан учрашувда у ўзининг Бокуда яшаётган қариндошлари ҳақида мамнуният билан гапирди: «Бу ерда менинг бобом ҳам, бувим ҳам дафн этилган, ота-онам шу ерда яшаган, 1938 йилда синглим шу ерда дунёга келган... Биз Нефтчаладаги Степан Разин кишлоғида яшар эдик. Кейин уруш бошлангач, Иккинчи Бокуни ўзлаштирдик, нефтчи сифатида отам ўша ёққа кетди, мен Уралда туғилганман. Аммо тарихий томиримиз шу ёққа торгани-тортган. Бу ерда бўлиш биз учун қувончи».

Бу, таъбир жоиз бўлса, ўзига яраша лирик чекиниш бўлганди. Кейин эса нефтни ҳайдаш йуллари, Каспий муаммолари, Шимолий Кавказ... ҳақида жиддий суҳбат борди.

«Шимолий Кавказда биз учун тинч вазият – Россия ила мустақкам алоқа билан боғлиқ, – деганди Алиев. – Ҳозир Россия билан мустақкам алоқа нима дегани? Мен транспорт,

бошқа алоқа воситаларини назарда тутяпман – бу савдо, бу товар айланиши, бу одамларнинг бир жойдан бошқа жойга бориш имконияти.

Доғистон – бизнинг ён ва жон қўшнимиз. Биз Доғистонда тинчлик ҳукм суришидан ҳар доим манфаатдормиз...1997 йилдаёқ – бизнинг нуктаи назаримизни бузиб курсатмасликлари учун бугун матбуот борлигида бу далилларни баён этишга мажбурман, – мен расмий ташриф билан Москвада бўлганимда ва Президент Борис Николаевич Ельцин билан учрашганимда, делегациямиз аъзолари олдида, унга Доғистонда аҳвол оғир, мураккаблашиб бормоқда, сиз бунга эътибор беринг, дегандим».

Ельцин бунга нима деб жавоб берганди? Ҳа, биламиз, шуғулланишмиз, деганди.

Нима билан шуғулланишмаяпти экан? Жаҳон матбуоти боплаб кескин баҳо бериб қўйган одам нима билан шуғулланиши мумкин? «Ельцинни қаттиқ ҳурмат қилган ҳолда, уни тирик мурдага ўхшатишлари бежиз эмас, – деб ёзганди 1999 йил августда немисларнинг «Рейнишер меркурс» газетаси. – Ельцин тузумини омон сақлаб қолиш учун уни вақти-вақти билан янгилаб гурадилар. Аммо Ленинни кўргазмали курол сифатида абадий сақлаб қолиш мумкин бўлмаганидек, Ельцин ҳам, Россиядаги барча соатлар тўхтатиб қўйилган тақдирда ҳам, замонга чап бера олмайди».

«...У ердагиларга ёқмаса ҳам шуни айтишим керакки, Россия раҳбарияти Доғистон хавфсизлиги учун керакли чораларни қурмади. Ҳа, қурмади. Мен буни бекорга айтаётганим йук, чунки у ердаги аҳволни биламан ...

Мен Доғистон вакиллари билан муттасил учрашиб тураман. Улар менга – биттаси келади, униси ё буниси билан учрашади, бироқ ҳаммаси жойида экан, дейди-да, жуфтаси ростлаб қолади. Россиядаги энг муътабар шахслардан бири бу воқеалар бошланишидан анча олдин Доғистонга келган эди, биласизларми, ваҳҳобийлар – ғоят тараққийпарвар одамлар ва улар билан ҳамкорлик қилиш керак, деб айтганди. Бу гаплар Доғистонда маълум, энди бизгача ҳам етиб келди. Биласизми. Доғистондаги Россия Федерацияси турли хизматларининг ўзларини бундай беқарор тутишлари Доғистонни ҳозирги аҳволга солган асосий сабаб ҳисобланади... Булар барчаси Россия раҳбариятига беш қўлда маълум эди. Нима учун улар чора кўришмади, нима учун бундай ҳол юз беришига йўл қўйишди? Бунинг азобини бизлар тортаяпмиз. Қўшни сифатида, шерик сифатида биз булар ҳақида очик айтишга асосимиз бор».

«Энг муътабар шахслардан» бирининг исмини Ҳ.Алиев одоб юзасидан тилга олмади. Бу Федерал хавфсизлик хизмати (ФХХ) раиси, 1999 йил майдан августига қадар бош министр (82 кун, Россия ҳукумати тарихида энг қисқа муддат) бўлган

Сергей Степашин эди. 1999 йил 8 августда Ельцин буйруғи билан Чеченистондан Шомил Басаев жангарилари бостириб кирган Доғистонга учиб келди. Иккинчи чечен уруши бошланди.

9 августда Ельцин Степашинни истеъфога чиқариб юборди, унинг ўрнига Путинни қўйди, бу бир йил ичида учинчи бош министр эди.

«Россия ўзининг қўлаб асрлик тарихида энг оғир даврлардан бирини бошдан кечирмоқда. Эҳтимол, сўнги 200–300 йил бадалида у жахон давлатларининг иккинчи, ҳаттоки учинчи эшелонида бўлиб қолишдек ошқора хатар билан юзма-юз турарди. Бундай бўлмаслиги учун миллатнинг барча ақлий, жисмоний ва ахлоқий кучлари қаттиқ туриб ва бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиши зарур эди».

Владимир Путиннинг «Россия асрлар бусағасида» номли дастурий мақоласи ана шундай сўзлар билан тугалланарди. У Ельцин истеъфосидан бир неча кун олдин интернетдаги Министрлар кабинети сайтида эълон қилинган, кейин эса газеталарда чоп этилган эди. 31 декабрда Борис Ельцин Патриарх Алексий II (айтишларича, авлиё ота Кремлга нима учун зудлик билан чақиришганидан беҳабар экан) ҳузурида Владимир Путинга президентлик ҳокимияти рамзларини ва «Паркер» ручкасини топширган. У фармонларни, шу жумладан ўзининг истеъфоси ҳақидаги энг сўнги фармонни ҳам, айнан шу ручка билан имзолаган.

### **Абадий фарзандинг бўлиб яраган**

Сиёсий йилномалар қатида Ҳайдар Алиевнинг Виктор Калюжный билан суҳбатидагига ўхшаш, қаттиқ баёнотлари талайгина. Бошқа қўшлари ҳам умумий ечим топишга, ҳатто, маълум ён беришларга, бошқалар фикрини ҳисобга олишга шайликнинг ёркин мисолларидир.

Евгений Максимович Примаков ажойиб воқеани эслаб қолди.

– Мен Россия ташқи ишлар министри бўлганимда, – деб ҳикоя қилгани у, – Халқаро Қизил Хоч мендан Озарбайжон ва Арменистон ҳарбий асирларини алмаштиришни уюштириб беришни илтимос қилди .

Алмашув ёппасига – ҳаммани ҳаммага тарзида бўлиши керак эди. Қизил Хоч рўйхати бўйича Озарбайжонда юздан ортиқ асир бор эди.

Аввал Бокуга учиб келдик. «Ҳайдар Алиевич, – дедим, – мен ҳарбий асирларни мана бу рўйхат бўйича олиб кетсам дегандим». – У рўйхатни диққат билан қараб чиқди. – «Бўпти, учтасидан ташқари ҳаммасини қўйиб юбораман. Бу учта»



си ўлимга ҳукм қилинганлар камерасида ўтиришибди. Улар котилликда айбланган». – «Агар сиз уларни қуйиб юбормангиз, мен алмашув ўтказолмайман. Нариги томон бунга кўнмаслиги мумкин». Икковимиз ҳам жим бўлиб қолдик. Бир оздан сўнг у деди: «Бўпти, ҳаммасини олиб кета қолинг».

Примаков ва ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Пастухов аэропортга келишади, уларга бир асирни олиб келишмабди, деб хабар беришади. Ҳайдар Алиевич москваликларни кузатиб қўйишга келган эди. Барча асирларни Примаковнинг ИЛ-62 сига ўтказишади. Президент фармойишига қарамай, асирлардан биттасини беришмайди. Вазирнинг самолёти учиб кетолмайди. Алиев ўз айтганидан қолмайди. Қаттиқ интизомга урганган официантлар аэропорт VIP – залида меҳмонларга учинчи ёки тўртинчи мартадан стаканда чой узатмоқдалар. Охири самолётга рўйхатдаги сўнгги асирни ҳам олиб чиқаришади.

Асирларни рўйхатга қараб топшириш учун Еревангача асирларга ҳамроҳлик қилишни Алиев адлия вазири ўринбосари Чингиз Амировга юклайди. Примаковнинг Степанакертдан қайтишини у Ереванда кутиши керак эди. Евгений Максимович ҳамроҳи безовталанаётганини сезади ва Россия дипломатларидан Амировни элчихонага олиб кетишни илтимос қилиб, «бошидан битта сочи ҳам тўкилмасин» деб тайинлайди. Арман вакиллар ҳатто хафа бўлишди, ҳамкасбимизни ўзимиз рисоладагидек қабул қиламиз, дейишди.

– Бу нарса самимий қилинаётганлигини ҳис этиш қийин эмасди, – таъкидлайди Евгений Максимович. – Бокуга қайтиш йўлида вазир муовинининг кайфияти кўтаринки эди. Биз, ҳатто, у билан, гарчи илгари ароқ ичмаганини айтиб турган бўлса-да, самолётда бир қадахдан ичдик ҳам. Бир неча ойдан кейин хушрўй, оқсўнгил бу одамнинг дунёдан ўтганини эшитиб, дилдан ачиндим.

Примаковнинг далилларини ушбу меҳрибонлик акциясининг яна бир иштирокчиси Борис Николаевич Пастухов тўлдирди:

– Степанакертда ҳам Қизил Хоч рўйхатига киритилган уч одамни бермай туришди – «улар ПВО воситалари жойлашувидан огоҳдирлар», – деб ваз-қорсон қилишди. Биз суҳбатдошларимизга агар бу зениткалардан бир бор ўк узилганда ҳам, уларнинг жойлашган ерини билиб олардилар деб ўқтирдик. Хуллас, Бокудаги гаплар яна такрорланди. Ҳаммани олмаганимизча учиб кетмаймиз, деб туриб олдик. Охири олдик ҳам. Шу парвоздан кейин икки юздан ортиқ одам ўз оилалари бағрига қайтди.

– Бу одамларнинг қўпчилигига қараб туриб, юрагинг орқага тортиб кетади – уларнинг ҳам, буларнинг ҳам уст-бошлари

дабдала, оч, калтаклардан эзилган, – деб эслайди Е.М. Примаков. – Кўзларимга ёш келди, самолётнинг умумий қисмига кирарканман, «Раҳмат, Россия!» деган кичкирикларни эшитганимда кўзимдан дув этиб ёш тўкилди. Ҳарбий асирлар орасида бир нечта рус йигити ҳам бор эди, – қушимча қилди Примаков. – Уларни дарҳол Ереван ва Боқудаги элчихоналаримизга топширдик, авиа чипта олиб, уларни зудлик билан уйга, Россияга жўнатиб юбориш туғрисида курсатма бердик.

Примаков ва Пастуховга Алиевнинг сўнгги туғилган кунларидан бирида бўлиш насиб этди. Катта оиланинг барча аъзолари тўпланди.

– Алиев ота, бобо сифатида қандайлигини ушанда кўрдим. – туликиб эслайди Пастухов. – У гуё уша-ушадай ва айни вақтда бутунлай бошқа одамдай. Унинг вужудидан нур ёғилади. Алиев оиласи даврасида кечган мана шу бир неча соат энг ёруғ кунлардан биридай хотирамда қолган.

Пастухов болалиқдан шеърятга қизиқарди, севимли шеърларидан парчалар ўқирди – шу фазилати уни Алиев билан кадрдон қилиб қўйганди. Бир куни у Озарбайжон Президентининг китоб жавонларига куз югуртириб чиқди.

– Қарасам, Самад Вурғун, турли нашрлар, шу жумладан рус тилида ҳам. Мен бир тўпламни қўлимга олдим ва Ҳайдар Алиевичдан дастхат ёзишни илтимос қилдим, бўлмаса чиқармасликлари мумкин эди.

У дастхат ёзди ва сўради:

– Сиз нима учун Самад Вурғунга қизиқиб қолдингиз?

– Константин Симонов уни қанчалик кадрлаганини билман. Ажойиб лирика... «Шундай бўладик, большевик бирдан Лондонга бориши керак... – Ва яна : – Айт уларга бир оғиз суз, Самад, ҳаром қилгил таомин!».

Алиев қаҳ-қаҳ уриб қолди.

– Мен Вурғунни темирдан бўлган партия шоири деб қарардим, – зътироф этди Пастухов. – Революция, Октябрь. Биринчи май...

– Эҳтимол нуқул шунақаларини таржима қилишгандир, бунинг устига ёмон таржима қилишган, – деди жавобан Алиев. – Вурғунни Пастернак таржима қилиши керак эди. Унинг лирикасига гап йўқ – эшитинг-а... – Озарбайжон тилида биринкетин бир нечта шеърни ўқиди. – Ундаги мусикани ҳис этаяпсизми? Озарбайжон ҳақидаги мисраларни-чи?

Эл билар: сен меникисан,  
Юртим, элим масканисан.  
Демак, она – Ватанимсан!  
Айриларми кўнгил жондан,  
Озарбайжон, Озарбайжон!

*(Миртемир таржумаси)*

– Бу сатрлар 1998 йил 18 октябрда қанчалик зур жаранлагани ёдимда, – босиқ оҳангда деди Пастухов.

Ушанда шонли воқеалар бир-бирига тўғри келиб қолганди. – Давлат мустақиллиги эълон қилинган кун ва мамлакат Президентининг қасамёд этиш кунини. Ҳайдар Алиев қасамёд қилганди. Кейин, одатдагидай, қогозсиз нутқ сўзлади, тингланганлар қалбини ларзага солган нутқ эди бу – Озарбайжон ички мавзулари, умумқавказ мавзулари, Россия – Озарбайжон муносабатлари таҳлилининг теран, метин мантиғи билан ларзага солган нутқ. Залдагилар 75 ёшга тулган, аммо ёшини ҳеч ким сезмаган одамнинг сўзларини қарийб ярим соат жон қулоғи билан тинглашди.

Тантанали маросимга МДХ мамлакатларидан, Яқин Шарқдан, Европадан кўлаб давлат арбоблари етиб келганди. «Бу Ҳайдар Алиевнинг катта обрўини эътироф этиш эди, – деганди Александр Сергеевич Дзасохов (уша вақтда Шимолий Осетиянинг Президенти). – Айниқса, унинг ислом оламидаги, араб мамлакатларидаги шухратини айтмайсизми, у ёқларда Алиев жаҳон миқёсидаги энг тажрибали сиёсатчилардан бири сифатида эътироф этиларди».

Қасамёд маросимидан кейин катта зиёфат берилган эди: чет эллик меҳмонларнинг нутқлари, табриклар...

– Бир дарёга икки марта тушиб булмайди дейишади, – Александр Дзасохов ўз табригини ана шундай сўзлар билан бошлади. – Аммо Ҳайдар Алиевич икки марта тушди. Озарбайжонда шундай йўлбошчи борлигидан эса биз ўзимизни бахтиёр ҳис қиламиз. Сиёсатчилар ўртасидаги муносабатлар оддий одамлар орасидаги муносабатлардан холи эмас. Кучли, мардона Ҳайдар Алиевични инсон сифатида хафа қилдилар, аммо у антик қаҳрамонга ухшаб ўз она ерига келди, эгилиб уни ўпди. Куч тушлади ва ўз халқига бош булди.

Ана шу зиёфатда туйғуларни жуш урган Ҳайдар Алиев буюк Самаднинг мисраларини ўқиди:

Айриларми кунгил жондан,  
Озарбайжон, Озарбайжон!

Ёзувчи Элчин Афандиев Фузулийнинг Туркияда нишонланган 500 йиллик юбилейини эслайди. Давлат қабулида истеъдодли озарбайжон хонандаси Сакина Исмоилова «Кючелере су сепмишем» («Кучаларга сув сепаман») халқ кўшиғини ижро этганди.

– Бу кўшиқ Ҳайдар Алиевга қандай таъсир қилганини кўриш учун кўпам зийрак бўлиш шарт эмасди, – деб ҳикоя қилади Элчин. – Уша манзара ҳамон кўз олдимида турибди. Ҳайдар Алиевга қарар эканман, мен Озарбайжон маданиятининг, халқ кўшиқларининг ошиғу шайдоси бўлган бу одам ўз

элидан узоқда, айниқса, у яққаланиб қолган йилларда қандай яшадийкин, деб ўйлардим. Қандай чидади экан?..

Қадрдон маданияти, миллий санъати, фанининг мусаффо чашмалари унга куч берар эди. Ҳайдар Алиевнинг Хусайн Жовид ижодий меросига қанчалик меҳр билан муносабатда бўлганини, унинг номи, шеърятини бугунги дунёга қайтаришга қандай эришганини айтиб ўтган эдик. Озарбайжон фан ва маданиятининг улуғ сиймолари қаторида бошқа бир ном – республика ФА президенти, Озарбайжон Давлат университети ректори, Совет Иттифоқи Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Юсиф (Юсуф) Ҳайдарович Мамадалиев бор.

1996 йил сентябрида Республика саройида олим таваллудининг 90 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Юсиф Мамадалиевнинг республикада кенг нишонланаётган юбилейи, деганди ўшанда Ҳайдар Алиевич, «бу ватан фани шухратини бутун дунёга ёйган, унга янги шитоб бахш этган, ўзининг бетакрор шахсияти кўлами билан она халқи маънавий бойлиги ва ички дунёси гўзаллигини намойиш қила олган буюк ватандошимизга умумий ҳурматимиздир. Янги ғояларнинг сунмас манбаи ва бош ҳарфларда ёзиладиган Устоз, ажойиб назариётчи ва амалиётчи, ташкилотчи ва ҳормас меҳнаткаш – Юсиф Ҳайдаровични биз ҳаммамиз ана шундай эслаймиз, у шундай бўлган эди ва халқимиз хотирасида шундай қолажаю».

Орадан икки йил ўтди ва Озарбайжон Президенти Бокунинг ажойиб гўшаларидая бирида Мамадалиевнинг ҳайкалини очди. Олим гўё оғир ҳаёлга толганча, ҳозир курсига чўккандек. Унинг орқасида – кўхна калъа, олдинда охири кўринмайдиган одамлар оқими. Гўё бир авлод кетидан бошқа авлод юриб келмоқда.

– Озарбайжон халқининг қадимги анъаналарига қўра, мамлакатимизда, умуман Шарқда инсонга ҳайқал қўйиш удуми бўлмаган, – деганди ўшанда Ҳайдар Алиевич. – Бирок бизнинг халқимиз ривожланди, ўз ҳаётида жаҳон маданиятининг ажойиб намуналарини қўллашга ҳаракат қилди, шу билан ўзини бойитди ва ХХ асрда Озарбайжон заминида, Озарбайжон пойтахтида жуда қадимий, гўзал, улугвор меъморчилик ёдгорликлари билан бир қаторда, ҳайқаллар ҳам яратилди. Бу ватанимиз ҳаётини янада бойитди, безатди...

1996 йилда Юсиф Мамадалиевнинг 90 йиллик юбилейини умумхалқ байрами сифатида нишонладик. Бу унинг хизматларига бугунги авлод берган олий баҳо тимсоли бўлиб қолди... Менинг Юсиф Мамадалиев хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги қарорим қабул қилинганидан ва ҳаётга татбиқ этилганидан ғоят мамнунман. Бу ерда Юсиф Мамадалиевнинг кизи ажойиб нутқ ирода этди, у ушбу ҳайқални яратишда иш-

тирок этган барчага ўз миннатдорчилигини изҳор этди. Мен Севда Мамадалиева сўзларига қўпиламан ва ушбу ҳайкални яратишда иштирак этган барча кишиларга миннатдорчилик билдираман. Севда Мамадалиева сўзлаётганда мен унинг ҳақиқатан ҳам отасининг кизи эканини ўйлаб қолдим. У ажойиб сўзларди. Юсиф Мамадалиевнинг туғма истеъдоди унинг фарзандларига ўтганлиги шундоқ кўриниб турибди.

Ҳайдар Алиевич ҳақ. Севда Юсифовна – республика маданият вазири ўринбосари, файласуф, таниқли жамоат арбоби. Унинг саъй-ҳаракатлари, ғамхўрлиги билан отасига бағишланган пурмаъно «Академик» китоби босилиб чиқди.

Юсиф Мамадалиевни ватанидан ташқарида ҳам – Москвада, Россияда, бутун жаҳонда билишадди. ЮНЕСКО қарори билан буюк озарбайжон олимга туғилган куннинг юз йиллиги шарафига 2005 йил – Юсиф Мамадалиев йили деб эълон қилинган эди.

1996 йилда Озарбайжон яна бир юбилейни илиқлик билан эслаган эди. Генерал Ҳайдаровнинг 70 йиллиги. Бу ҳам Президентнинг ташаббуси эканини айтиб ўтириш шартмикан! Одам тўла зал томон мурожаат қилар экан, Ҳайдар Алиевич мард, истеъдодли, инсофли инсон, йирик давлат арбоби ҳақида эслатиб ўтди... Афсуски, вояга етган ўғиллари Мурод ва Максудни кўрадиган, невараларини бағрига босадиган йилларгача яшаш насиб этмаган экан...

Алиевнинг овози титраб кетганини, темир иродали инсон кўз ёшларини тиёлмаганини Мурод Ҳайдаров бир умр ёдида сақлаб қолди... Уша нутқ стенограммаси – Ҳайдаров хонадониди энг қимматли оилавий ёдгорликлардан бири.

«Кези келганда қандайдир воқеаларни ҳикоя қилиб бераман» – эсдаликлар ёзмаёписизми деб сўрашганда Ҳайдар Алиев ана шундай жавоб берган эди. Бу воқеаларда шунақа лавҳалар борки, уларсиз тарихнинг ўзи бўлмайди. Улар кўпларнинг хотирасида муҳрланиб қолган.

Москвада қатта кенгаш кетмоқда. Маърузачи диссидентлар ҳақида гапирмоқда. «Бизда эса диссидентлар йўю», – қўшниси, ёзувчи Анор томон эгиллади Алиев.

Ҳайдар Алиевич латифалар айтганини ва латифа тинглаб, қотиб-қотиб қулганини кўрганлар оз бўлса керак. Бу латифани унга Арманистонда айтиб беришганди. «Бир куни бир арманидан сўрашибди:

– Карл Маркс ким?

– Иқтисодчи.

– Бизнинг Айкануш-чи?

– Сени қара-ю! Айкануш бош иқтисодчи-ку!»

1999 йил 25 декабрда Ҳайдар Алиев россиялик бир гуруҳ журналистларни қабул қилди. Учрашув тугагач, Россия Жур-

налистлар уюшмаси котиби Геннадий Мальцев Президентдан унинг афоризмлар китобига дастхат ёзиб беришини сўради. «Қаерга ёзай?» – сўрайди Алиев. – Мана бу ерга имзо қўяман. Ҳозир бизда ҳамма нарса озарбайжон тилида, аммо имзо эскича, русчада сақланиб қолган».

Бундай имзони биринчи марта қаерда чеккан эди? Техникумда ёки институтда ўқиб юрганидами, балки Ички ишлар халқ комиссарлигида ишлай бошлаганидандир? Нима бўлганда ҳам, охири узун жингалак имзо унга бир умр ҳамроҳ бўлиб юрди. Ваҳоланки, Алиев суҳбатдошларига 15–16 ёшгача рус тилини билмаганини айтарди. Бу борада биз бошқа мулоҳазаларни ҳам эпитганимиз. Бизнингча, кўплар бунда уларнинг ўз фикрларини рус тилида қанчалик яхши баён эта олишларидан келиб чиқади. Алиев рус тилини мактабда, техникумда ўрганган, мустақил шуғуланган эди. Рус тилини қачон ўрганиб олганини эслаб экан, у тилни чала билишни, кўчада фикрини бир амаллаб ифода этишни эмас, балки ўзгалар тилини она тилидай билишни назарда тутар эди.

80-йиллар охири – 90-йиллар бошида Озарбайжондан руслар, русийзабонлар қоча бошлашди. Озарбайжонлар Россия олий ўқув юртлиари дипломларини яширар эдилар – ватанларида уларнинг билими керак бўлмай қолганди. Ҳокимият тепасига Халқ (?) фронти келиши билан Озарбайжон бўйлаб «маданий инкилоб» авж олди – ўтган асрда Хитойда дунёга келган атамадан фойдаланамиз. Янги хунвейбинлар профессор ва академикларни ҳайдашга тушишди. Кишлоқларда ўзларининг «университет»ларини очишди. Боқудаги бутун дунёга машҳур Нефть академияси 1992 йилда ўқиш йилини декабрдагина бошлай олди.

Уша йилларни эслаб туриб, Алиев деганди:

«Мени тўғри тушунинглар, ўзини мактаепти деб ўйламанглар, Озарбайжон раҳбарлигини а қайтиб келганимдан кейин кўпгина руслар ҳам қайтиб келишди. – Сўнг давом этди: – Биз учун Россия ва Озарбайжон ўртасидаги ўзаро муносабатлар катта аҳамият касб этади, албатта. Россия билан дўстона алоқаларни ривожлантириш ва мустақамлашда Озарбайжон қаттиқ туради, дея дангал айта оламан».

Энг нуфузли маданият арбоблари, Озарбайжон зиёлиларининг буюк вакиллари бу позицияни қўллаб-қувватладилар. Халқ шоири Бахтиёр Ваҳобзоданинг айтганларига эътибор берайлик: «Биласиз, мен умрим бўйи «туркий», «туркий» деб келдим. Аммо бошқа бир ҳақиқат ҳам бор. Биз рус тилининг, рус маданиятининг катта мактабидан ўтиб келдик. Таълимнинг совет тизимига тенг келадигани бўлмаганидек, рус таълим тизимига ҳам тенг келадигани йўқ. Рус маданияти ҳақли равишда жаҳон маданияти чўккиларидан бири ҳисобланади».

## 2001 йил 9 январь, Боку

Шу куни Бина аэропортида «Россия» самолёти трани олдида Хайдар Алиевич Алиев Россия Президенти Владимир Владимирович Путинни кутиб олди. Расмий ташриф – байроқлар, транспарантлар, мадхиялар, миллий либосдаги болалар, фахрий қоровуллар бошлигининг рапорти... Хуллас, ҳаммаси рисоладагидек.

Бу Россия Президентининг советлардан кейинги ўн йил ичида Озарбайжонга биринчи расмий ташрифи эди. Путиннинг 2001 йилда, янги аср ва минг йиллик бошидаги биринчи хорижий ташрифи ҳам эди. Владимир Владимирович Путин, ўн йил мобайнида Озарбайжонни ўзининг шоҳона нигоҳи билан бирон марта ҳам сарафроз этмаган ўз ўтмишдошидан фарқли ўларок, мустақил Озарбайжон Республикаси билан яхши қўшничилик муносабатларини бундан кейин ҳам ривожлантиришга тайёрлигини намояндалар этди. Алиев бу муносабатларнинг яқин ўтмишдаги аҳволидан хафалигини яшириб ўтирмади. Россия ва Озарбайжон делегациялари музокараларида у бу ҳақда дангал гапирди:

– Бугун Россия Федерацияси Президентининг Озарбайжонга расмий ташрифи бошланди. Ушбу ташриф муносабати билан Владимир Владимирович, сизни самимий қутлайман. Таклифимни ва Озарбайжондаги қўшлаб одамларнинг истакларини қабул қилганингиз ҳамда расмий ташриф билан Озарбайжонга келганингиз учун чуқур ташаккур изҳор этаман.

Бу ташриф тарихий аҳамият касб этади десам муболаға бўлмайди, чунки Озарбайжон давлат мустақиллигига эга бўлган вақтдан буён Россия Федерацияси бошлиги Озарбайжонда бўлган эмас, балки бунинг баъзи сабаблари бордир, шундай бўлса-да, биз учун бу муҳим омил ва шу боис бундай ташриф бўлмоғини жуда-жуда хоҳлар эдик. Бу ташрифни Владимир Владимирович Путин амалга оширмакда. У билан биз МДХ таркибида, МДХ давлатлари бошлиқлари Кенгашида бирга ишлаганимизда анча яхши танишиб олганмиз, яқинлашиб қолганмиз ва барча масалалар буйинча бир-биримизни яхши тушунаимиз.

Музокаралар мавзуи кенг: иктисодий алоқалар, Каспий денгизи мақоми, Тоғли Қорабоғ, терроризм ва жиноятчиликка қарши кураш... Россия Президенти, Доғистондаги турарчилик уйлари портлатилишига алоқадор шахсларни Россияга топширганни учун, Хайдар Алиевичга ва бутун Озарбайжон раҳбариятига миннатдорчилик билдиришни ўз бурчи деб ҳисоблайди... «Биз биламиз, Россияга жиноятчилар топширилгандан кейин сизнинг шъънингизга дўк-пўписалар бўлди, сизга қарши террористик хуружлар қилмоқчи бўлишди, шахсан сизга қарши туришди. Сиз чўчиманингиз, мардлик ва жасорат кўрсатдингиз».

Россия Президенти рус тилига эътибор қаратгани учун Ҳайдар Алиевичга алоҳида миннатдорчилик билдирди:

– Менинг билишимча, Бокуда совет вақтида ишлаган барча мактаблар тўлиқ фаолият кўрсатмоқда экан. Рус тилини ривожлантириш негизи сақлаб қолинапти. Бу бизнинг ҳамкорлигимиз, Озарбайжон раҳбарияти таъкидлаганидек, келажакка мўлжалланганини яна бир қарра гасдиқлайди.

«Ҳайдар Алиев: Фақат мактаблар эмас, олий ўқув юр்தларининг факультетлари ҳам».

«Владимир Путин: Яъни рус тилини қўллаш соҳаси қисқаргани йўқ. Бу муносабатларни ривожлантириш учун бизда яхши негиз борлигидан дарак беради. Маданият ва саяҳат бундан кейин ҳам муносабатларимизни боғловчи ҳалқа бўлиб қолаверади, деб ҳисоблайман».

Россия Президенти билан бирга Озарбайжонга минтақадаги Доғистон, Астрахань вилояти, Шимолий Осетия республикаси раҳбарлари гуруҳи келган эди.

«Владимир Путин: Бизнингча, Россия Федерацияси ва Озарбайжон минтақаларининг ҳамкорлиги ўзаро ҳамкорликнинг муҳим соҳаси ҳисобланади...»

«Ҳайдар Алиев: Минтақалар ҳамкорлиги ҳақида сиз айтган фикр ҳам фавқулудда аҳамиятга эга. Тарихни эсга солиб ўтмоқчиман: Россия Федерацияси минтақаларининг ва Озарбайжоннинг иктисодий ҳамкорлик сари интилиши бир неча йил муқаддам юзага келди. Аммо шуни айтишим керакки, Россия Федерациясининг Озарбайжонга яқин бир қанча субъектлари шундай ҳамкорлик тўғрисида ташаббус кўрсатганда ва биз уни қўллаб-қувватлаганимизда бу ташаббус Россиянинг марказий ҳукумати томонидан малоллик билан ва, ҳаттоки, эътироз билан қарши олинганди».

«Владимир Путин: Ҳайдар Алиевич, бу муаммоларни ҳал қилиб бўлди...»

«Ҳайдар Алиев: Буни шунинг учун таъкидлаяпманки, энди бунни сиз таклиф қиляпсиз. Гужвин (уша вақтда Астрахань вилояти губернатори, 2004 йилда вафот этган. – *Муалл.*) шу ерда, унинг эсида бўлса керак. Биз уни таклиф қилганимизда у келган эди. Биз битим тайёрладик ва бирдан Москвадан кўрсатма келиб қолди, нега бундай қилинди, унинг розилиги йўқ, бунинг розилиги йўқ ва ҳоказо, ва ҳоказо. Аммо шунга қарамай, биз битимни юзага чиқармоқдамиз. Доғистон билан ҳам, Россия Федерациясининг бошқа субъектлари билан ҳам шундай. Бу масала бўйича сизнинг фикрингиз бизнинг фикримиз билан жуда мос келади, чунки Россия катта мамлакат, федерация ҳар бир субъекти, ҳатто федерациянинг бизга энг яқин субъекти иктисодий салоҳият жиҳатидан баъзан Озарбайжонга тенг».



В.В. Путиннинг 1990 йил январида Бокуда содир этилган жазо операцияси қурбонлари дафн этилган хиёбонни боғриб қўриши унинг ташрифидоғи катта воқеа бўлди, – дейди таниқли озарбайжон жамоат арбоби академик Афранд Дашидамиров. – Янги демократик Россия гўё совет ўтмишининг серғалва саҳифалари остига чизик торгандек бўлди ва буни Озарбайжонда чуқур қониқиш билан қабул қилишди.

Музокаралардан кейин икки президент ўтказган қўшма матбуот анжуманида Владимир Путин деди:

– Сўнги ўн йил мобайнида Россия давлати раҳбарининг Озарбайжон заминида бўлмаганининг ўзи икки тарафлама муносабатларда катта зарар деб қаралмоқда. Демакки, Кавказдаги минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда ҳам шундай.

Уша ўн йилдан тўққиз йили Борис Ельцин даврига тўғри келганди.

Боқуга келишдан олдин Владимир Владимирович Путин Озарбайжон Президенти учун ғалати ва жуда қимматли совға тайёрлаганди. Уни Славян университетида талабалар билан учрашувда топширганди.

– Ҳайдар Алиевич бирмунча вақтини менинг жонажон шахрим Петербургда, Ленинградда ўтказган эди, – деган эди Россия Президенти. – У ерда махсус ўқув юртини тугаллаганди. Мен ҳамкасбларимдан илтимос қилдим, айрим архив ҳужжатларини кўтардик. У ҳозирча буни билмайди. Бу унинг учун ҳам янгилик. Махсус мактабни тугаллагани ҳақидаги гувоҳномани кўриб қўйинг. Бу ерда бундай деб ёзилган: «Катта лейтенант Ҳайдар Алиев гувоҳномаси. 1949 йил 16 май». Яна унинг ўқиши натижалари. Мен ҳаммасини ўқиб ўтирмайман-у, айримларини ўқиб бераман. Диалектик ва тарихий материализм – «аъло», чекист тайёргарлиги – «аъло», СССР ва чет мамлакатлар иқтисодий ва сиёсий географияси – «аъло», жиноят ҳуқуқи – «аъло», адабиёт – «ҳисоб», ҳарбий иш – «ҳисоб», рус тили – «аъло». Уйлашимча, бу ерда бошқача баҳо йўқ. Ҳаммаси «аъло». Агар университетингиз талабалари ўзлаштириш вақтида Озарбайжон Президентидай ўқиса, мамлакатнинг гуллаб-яшнаши ишончли қўлларда бўлади.

Дарвоқе, Ленинград махсус мактабни тугатганидан кейин икки йил ўтгач, Ҳайдар Алиев Озарбайжон университети тарих факультетига ўқишга кирди. Хизмат мажбурияти туфайли олий маълумотни сиртдан олишга мажбур бўлди, аммо уруш туфайли бой берилганларнинг ўрнини тўлдириш керак эди.

Кириш имтиҳонларида – шунақаси ҳам булар экан-да! – Ҳайдар ўзининг эски ўртоғи Нахичевандаги педагогика техникумида бирга ўқиган курсдоши Довлят Мамедовни учратиб қолади. Дўстлар елкама-елка туриб ҳаракат қилишга қарор қилишади. Айнан мана шу ҳол 1951 йил 14 августда рус тили

буйича ёзма имтиҳонда Алиев билан руй берган воқеанинг хогирада сақланиб қолишига ёрдам берди. Опиалари «СССР тарихи»дан «аъло», озарбайжон тилида ёзмадан ва озарбайжон адабиётидан «ҳисоб» олишди. Энди бир кунда рус тили ва адабиётидан имтиҳон топширишаётганди. Оғзаки имтиҳондан Ҳайдарга «аъло», ёзмадан эса – «яхши» қуйишди, ҳолбуки, ишончи битта ҳам хато қилмасдан ёзганига ва мавзуни тўла очиб берганига унинг ишончи комил эди.

– Уқитувчи сузида туриб олди, – Довлат Мамедов элик биринчи йилнинг уша август кунини эслайди, – иш муносиб баҳосини олиб бўлган, қаёққа бориб шикоят қилсанг қилавер! Ҳайдар Алиев имтиҳон варақасини олди-да, университет ректори ҳузурига йул олди. Ректор абитуриентнинг гапларини диққат билан тинглаб, баҳсли ишни комиссияга топширишни буюрди. Бошқа тахмин буйича, етти кишидан иборат комиссия қағъиятли уртоқни тўла дастур буйича имтиҳон қилди. Шундай бўлганми-йўкми, кавлаштириб утирмаймиз. Олдимизда С.М. Киров номидаги Озарбайжон Давлат университети тарих факультети абитуриенти Ҳайдар Алирза ўғли Алиевнинг 2659-рақамли имтиҳон варақаси асл нусхаси турибди. Учинчи банддаги «рус тили ва адабиёти»дан ёзма имтиҳон учун «яхши» баҳоси устидан чиқилган ва тепасига «аъло» деб ёзилган. Саҳифа қуйисида одатдагидек белгилаб қуйилган: «Аъло»га тўғрилангани рост. Имзо. Ҳайъат раиси ҳамкасабаси учун узр сўради.

Университет ректори, профессор Ҳожиевга Ҳайдар Алиев ёзганди:

«Тарих фанлари соҳасида олий маълумот олишни ва билимларимни оширишни истайман».

Тарихнинг биринчи сабоғидан у шараф билан ўтди.

Кириш имтиҳонлари «аъло» топширилган, диплом «аъло»га ҳамоя қилинган эди.

Довлат Мамедов хотирасидан узоқ ўтмиш йиллари лип-лип ўтади. Сиртқиларнинг машғулотларини йуриқ маърузалари дейиларди, «ҳисоб» ва имтиҳонларга биргаликда тайёрланиш... Навбатдаги «ҳисоб»дан кейин Довлат куз клиникасида даволанаётган қариндошини бориб куришга қарор қилди. Ҳайдар эса ўз иши билан қаёққадир отлана бошлади. Бирок клиника ҳақида эшитиб, бирдан мен ҳам уша ёққа бораман, деб қолди.

– Ишинг бошингдан ошиб ётибди-ку, – қайгармоқчи бўлди Довлат.

– Ҳечкиси йўқ, қўявер...

Дусти азизим режасини ўзгартирганининг сабабини клиникага боргандан кейин билдим.

– Бу ерда мен танийдиган бир аёл ишлайди, – деди Ҳайдар. – Бирпас шошмай тур, уни куриб чиқай. Бўлмаса келганимни эшитиб кейин хафа бўлади.

Икки-уч дакикадан кейин у докторнинг хонасидан ёш, чиройли бир аёл билан чиқиб келди.

– Таниш, Довлат! Бу Зарифа хоним, дўстим Тамерланнинг синглиси.

Зарифа бемор мижозлари олдига қайтгач, мен пайтни кўлдан бермай ҳазиллашдим:

– Ҳайдар, сен бу ерга менинг қариндошимни эмас, узининг қариндошингни кўргани келган экансан-да?

– Энди сенинг қариндошинг олдига борамиз, – ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтарди Ҳайдар.

Кўп утмай мен Зарифа билан уни тўйлари ила табрикландим. Кейин вақти соати етиб Севил дунёга келди. Ҳайдар Алиев уни, чекист капитанни туғруқхонага қўйишмаганини завк билан эсларди...

Бокудаги машҳур 5-туғруқхонанинг бош шифокори Шамома Мамедкарим кизи Алескерова Зарифанинг отаси ва Ҳайдарнинг қайнотаси Азиз Алиевнинг туғишган синглиси эди. Ҳозир туғруқхона Шамома Алескерова номи билан юритилади. У ажойиб шифокор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. Шамома хоним Зарифани олиб келган Ҳайдар Алиевни, шунгача бошқа бўлажак оталарни жунатгандек, уйга жунатиб юборди.

– Бу ёққа кириш мумкин эмас. Сиз иштингизни қилиб бўлдингиз. Қолганини сизсиз ҳам эплаймиз.

Орадан кўплаб йиллар ўтди. Эндиликда Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев Японияга ташрифи чоғида олган ноёб ускунани туғруқхонага инъом қилди. Олий мартабали меҳмон ва ҳамроҳларини каватма-кават олиб юрадилар ва шифокорлар чақалокларни қабул қиладиган эзгу залга олиб кирадилар. Ҳайдар Алиевич кошини чимирди:

– Бизни бу ерга қандай қўйдингиз! Шамома хоним остонадан қайтариб юборгани эсимда.

– Биз ҳам қайтариб юборамиз. Фақат сиз учун истисно қилдик, жаноб Президент.

Бу ҳикояларни бизга профессор, тиббиёт фанлари доктори Ноила Мусаевна Шамсаддинская узининг ихчам кабинетида айтиб берганди. Сулувгина талаба қиз конспектарини бир четга қўйиб, уз мураббияси сўзларини сеҳрланиб тинглайди.

– Жавондаги фоторасмларни олиб бер менга, – илтимос қилади Ноила Мусаевна.

Эски суратдан бизга Зарифа жилмайиб қараб турибди, улар мактабда, кейин эса тиббиёт институтида бирга ўқишган. Бошқа фотосуратдаги аёл – Шамома хоним.

– Улар худди Федор Николаевич Ильиндай доим ёнимдалигидан қувват оламан.

Озарбайжон тиббиёт университети акушерлик ва гинекология кафедрасининг кўплаб йиллик мудирини, профессор Шам-

саддинская ўз тарихий очеркини ҳамкасабалари хотирасига, устози – истеъдодли шифокор, рус доктори Федор Николаевич Ильинга бағишлаган. «Федор Николаевич, – деб ёзади Ноила Шамсаддинская, – Озарбайжонда илмий ва амалий акушерлик асосчиси».

Устоз билан бўлиб ўтган унлаб учрашувлар унинг эзгу хотирасидан учмайди.

Ана, у узининг кенг дошияли суюкли шляпасида унинг кабинетига кириб келади. Шляпа тагидан зилдай соч ўрими осилиб турибди. Профессор кўпдан бери кўрмай қолганди.

– Кучадан ҳозир келдингизми, Ноила?

– Ҳа, қандай билдингиз?

– Тоза ҳаводан... Қайси маърузаларда бўлдингиз?

– Диамат, истмат...

– Кимга керак булар?

Ноила Петербургда қилган илмий сафаридан қайтиб келгач, Ильин ундан Петербургнинг кўриниши канақалигини сўраб-суриштиради. Кадрдон шахри унинг учун ўша-ўша Петербург эди. Институтда Ильин Октябрь революцияси қахрамонларидан бири, Болтиқ матроси, кейинчалик Сталин «халк душмани» деб эълон қилган Фёдор Раскольниковнинг узок қариндоши, деган узун-қулок гаплар юрарди. Бироқ Ноиланинг ўзини ҳам «халк душманининг кизи» деб тўғри юзига айтар эдилар. 1937 йилда унинг отаси Муса Мамедович Шамсаддинскийни 17 йилга қамаб юборишганди.

– Бу воқеа Янги йил ўтиши билан содир бўлганди, – эслайди Ноила Мусаевна. – Уйда ҳали арча турарди. Бир неча кундан кейин онамни ҳам олиб кетишди.

Қизалок бувиси билан қолганди. Мактабни «аъло»га битирди. Бироқ уни орзу қилган тиббиёт институтига олишмади. Москвага мурожаат этиб, ёрдам сўради. Пойтахтдан ҳайратомуз даражада тез жавоб келди: «Фуқаро Шамсаддинская Н.М. кириш имтиҳонларига қўйилсин».

Ильин «Асарлар»и – профессор Шамсаддинская кунда фойдаланадиган китоб. Муқовасида – бевасининг ёзуви: «Азизамиз, меҳрибонимиз Ноила Мусаевна Шамсаддинскаяга устози ва катта инсон Ф.Н. Ильиндан хотира».

Боқуда, Озарбайжонда пундай инсонлар хотираси яшаётгани зўр гап.

Боқута Халқаро валюта фонди президенти жаноб Камдессю рафиқаси билан келганда, уларни Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев кутиб олди. У Камдессю хонимга чоғроқ озарбайжон гилами совға қилди.

– Бу сизга мамлакатимизни эслатиб турсин.

– Жаноб Алиев, – миннатдорлик билдиради Камдессю хоним, – худдй ичимдагини билиб тургандайсиз: айнан шун-

дай расмни, рангларнинг айнан шундай уйғунлигини севман.

Олий мартабали эри эса қўшиб қўйди:

– Бу ерда бўлишдан хавфсираб қолдим. Президент хотинининг ичидагини билиб турибди. – Ва жилмайиб қўйди: – Тезроқ йўлга тушиш керакка ухшайди.

Дўстона суҳбат Ҳайдар Алиевичнинг СССР Министрлар Советида, Сиёсий бюрода ишлаган йилларига кўчди. Алиевнинг эслашича, унинг Кремлдаги кабинетида илгари Сталиннинг Халқ Комиссарлари Советидаги биринчи ўринбосари, халқ комиссари ва ташиқи ишлар министри, унинг энг яқин сафдошларидан бири Молотов ишлаган эди. Тарихга бефарқ қарамайдиган жаноб Камдессюни айтиб Вячеслав Михайлович Молотовнинг шахси кизиктирарди. Унинг назарида, бу сиёсатчи, Хрушчевнинг муҳолифи ноҳақ хўрланган эди. Алиев ўз нуқтаи назарини тушунтириб берди. Сиёсий бюро мажлисларининг қандайдир манзараларини қайта гавдалантирди. Камдессю диққат билан тинглар ва ҳайрон бўларди: «Буларнинг барини қандай эслаб қоласиз?».

Алиевнинг бошқа қўллаб суҳбатдошлари ҳам унинг хотираси кучлилигига ҳайрон қолар эдилар – бу ҳақда аввалги саҳифаларда айтиб ўтдик. Ушбу мавзуни давом эттирар эканмиз, ҳатто, унлаб йиллар давомида Ҳайдар Алиевични биланларнинг ажойиб хотираларини келтириш мумкин.

1968 йил 23 декабрда республика ДХК раиси генерал Алиев ўз кабинетида ёш муҳандис-энергетик, нефть кимёси институти битирувчиси Ҳоконий Багиров билан гаплашиб ўтирарди. У отаси – Озарбайжоннинг энг кекса чекистларидан бири Ҳоконийнинг ишини давом эттирмоқчи бўлибди. Алиев суҳбатдошидан соҳадаги техник янгиликлар ҳақида суриштиради. Театрда нималарни кўргани, муסיқага таъби, ўқиган китоблари билан қизиқади... Ҳоконий анча ўқимишли йигит экан, рус тили ва хорижий мумтоз адабиётни яхши биларкан, бироқ ватан адабиётидан ночорроқ экан, фақат Низомий ва Фузулийни биларкан. Алиев киши ўзининг миллий маданияти, адабиётини яхши билиши керак, шунда жаҳон маданияти бойликлари кенгрок ва туларок юз кўрсатади, деди. Суҳбатни тугаллар экан, Багировларнинг катта оиласи, ака-ука, опа-сингиллари нима билан шуғулланиши ҳақида суриштиради.

Алиевнинг ҳам, Багировнинг ҳам ҳаётига қанчалаб воқеаларни жам қилган ўн гўрт йил ўтади-кетди. Озарбайжон Давлат чегаралари муҳофазаси қўмитаси раиси муовини Ҳоконий Нахичеванга учиб келади. Уни Алиев қабул қилади ва ишга киришишдан олдин Багировнинг ота-онаси, ака-укаси ва опа-сингиллари ҳақида сурайдди.

– Оиламизда нечта бола борлиги унинг эсида колганди, – деб hozир ҳам хайрон бўлади Хоқоний Мамед ўғли.

Фотима Абдулазиззоданинг кизикарли кузатувини ҳам қўшимча қиламиз.

– Одамзод қўлаб нарсани эса саклаши ва билиши мумкин. Аммо Хайдар Алиевда ахборот айна керак паллада мана мен деб тургани учун бирон кишлокка келиб, ун-ун беш йил муқаддам учрашган одамни қўриб қолиши ва уни исмини айтиб чакириши мумкин эди. «Ҳа, биласанми, Вокиф, колхоз раси унака эди, фалон даладаги ҳосил бунака чикқанди, сен эса йиғим-терим ёмон ташкил қилинган деб хуноб бўлгандинг». Бу одамлар олдида ўзини кўрсатиш эмасди, – хотима ясади Фотима хоним. – Бу фазилати билан улар, паҳлавон биллак кучини кўрсатиб ғурурлангани каби, қанча ғурурланса арзирди. Унинг мияси компьютерга, факат ҳали ишлаб чиқарилмаган компьютерга ўхшарди.

Олис кишлокдаги ёки нефть қонидаги тасодифий учрашув бутунлай бошқа муҳитда, масалан, ёзувчилар билан бўлган учрашувда, қатта партия кенгашида эса тушиб қоларди. Хайдар Алиевич уста бурғичилар, чўпонлар, оддий деб аталадиган, сиёсий дунёқарашли бўйича ўзларини «оддий»лар сирасига киритиб қўйганлардан аллақачон ўтиб кетган кишилар билан қилган суҳбатлар ҳақида сузлаб берарди.

Хайдар Алиевичнинг ўзи фавқулодда хотираси туғрисида нима дейди?

«Биласиз, мен ҳеч қачон, ҳеч қанака маъруза ёки нутқни олдиндан ёзмайман. Эсимда бори – шу ҳисоб. Қандайдир қўшимча материаллар, рақамлар келтириш учун шунчаки менга маълумотлар беришларини сурайман... Худога шукр, хотирам яхши, қўп нарсани эслаб қоламан.

Кейин, ҳатто совет даврида ҳам, мен ўз республикамизда асосан матнсиз нутқ сузлардим. Москвада ҳам бир гал шундай қилгандим, бироқ кейин бундай қилиш керак эмас, дейишди. Ҳамма матн билан нутқ қилади, нима, узингизни кўрсатмоқчимисиз? Ҳар бир одамнинг ўз одати бўлади. Менда бу одат жуда олдин пайдо бўлган... Агар сен ишни билсанг, агар сен ҳар куни иш билан машғул бўлсанг, булар бари хотирага ўтириб қолади, фикрларни шакллантиради. Улар бир кунда шаклланмайди, қаерда нутқ сузмоқчи бўлсанг, лаббай деб турмайди. Улар аста-секин пайдо бўлади, тахланиб боравиради. Зарур бўлгандагина юзага чиқади, мен шундай тасаввур қиламан» (1999 йил 25 декабрда Россия журналистлари билан бўлган суҳбатдан).

## Унга «арш девони» ҳам бўйсунарди

Ҳайдар Алиевни яқиндан билган кўпчилик одамлар унинг фавқулодда хотираси билан бир қаторда унга хос бўлган ҳазилкашлик туйғусини ҳам иликлик билан эслайдилар. Ҳайдар Алиевич ҳазилни ёқтирар, тушунар эди. Эҳтимол, китобхонларимиздан кимдир Боқуда бўлиб ўтган КВН-кувноклар ва зукколар клубининг навбатдаги танловида Озарбайжон Президентини кўргандир. Қотиб-қотиб кулаётган Алиевни Москва телевидениеси ҳам кўрсатганди. Энг оғир вазиятларда ҳам ҳазил туйғуси Ҳайдар Алиевични тарк этмаганди. Михаил Гусман Алиев барча лавозимлардан четлатилиб, Москвада оддий пенсионер бўлиб юрган кунлардаги воқеаларни эслайди.

– Кино уйида Россияда ҳам яхши танилган озарбайжон ёзувчиси Мақсуд Иброҳимбековнинг ўгли Мурод Иброҳимбековнинг янги фильми премьераси берилаётган эди, – деб ҳикоя қилади Михаил Соломонович. – Мақсуд премьерага Ҳайдар Алиевични таклиф қилади. Алиев келмаслигига тўла амин бўлса-да, ҳурмат юзасидан таклиф қилган бўлади. Бирок тайинланган соатда Кино уйи подъезди олдига ҳашамдор ино-маркалар билан изма-из эскигина «Москвич» юриб келди. Бу Алиевнинг собиқ кўрикчилари бошлиғи Саппа Иванов бўлиб, Ҳайдар Алиевич ва унинг қизи Севил Ҳайдаровнани олиб келган эди.

Ёш режиссёрнинг фильми Алиевга ёқди ва ота-бола Иброҳимбековларни ижодий ютуқлар билан табриклаб, кетишга чоғланди. Кўрикдан кейин фахрли меҳмонларни зиёфатга таклиф этишди.

– Мақсуд, – деб давом этади Гусман, – кўпроқ расмиятчилик юзасидан Ҳайдар Алиевичдан зиёфатда катнашинг, деб сўрайди.

– Бажондил, – деди Алиев.

Шунда бошқача жавоб беради, бандлик ҳақидаги масалани кўтаради ва ҳоквазо деб уйлаб турган Иброҳимбеков бир оз саросималанди. Зиёфатда ҳурматли меҳмонга, ёши улут одамга бошқача иззат-икром курсатиш керак-да. Алиевни кимга топширса экан? Албатта, Гусманга-да.

– Биз ёнма-ён ўтирдик, – деб эслайди Михаил Соломонович. – Унинг суҳбатга қандай жўшқинлик билан киришиб кетганини кўрсангиз эди. Мен эса ҳурматли меҳмонни овутиб ўтириш учун у МКга раҳбарлик қилиб турган вақтда Боқуда айланиб юрган афсона-ю латифаомуз хангомаларни эслай бошладим. Узимда журъат пайдо қилиб, уш айтиб бера бошладим.

Шундай чўпчаклардан бирида айтиладикки, ҳатто, об-ҳаво ҳам Алиевнинг раъйига қараб ўзгарар экан. Дарҳақиқат, боқуликлар ғалати воқеалар гувоҳи бўлмоқда эдилар. Дейлик,

булутли тонг, кундузи Алиевни кутишяпти – митинг, курсантлар паради, хайкалнинг очилиши бўлади; Алиевнинг келишига булутлар тарқалиб кетади. Аммо Москвада одат тусига кирган булут ҳайдаш технологиясидан Бокуда фойдаланилмайди.

Озарбайжон пойтахтининг бош майдони бўлган Ленин майдонида халқ навбатдаги тадбирга тўпланмоқда. Тонгдан ҳавонинг авзойи бузук: шамол, ёмғир, изғирин. Соат унда ҳамроҳлари билан Алиев келади.

Шу аснода буйрук берилгандай шамол ҳам, ёмғир ҳам тинади-да, куёш жилмайиб юз кўрсатади.

– Уласанми бунга, ё қоласанми! – хитоб қилади Гусман.

Тадбирдан кейин гарқала бошладик. Кимдир об-ҳавонинг кескин ўзгариши ҳақида пичинг билан, кимдир жиддий гапирди. Шу пайт мен, афсуски, эндиликда марҳум Ефим Григорьевич Гурвични учратиб қолдим. Ушанда у ТАССнинг Озарбайжон бўлими мудирини бўлиб ишларди. Илгари Алиевнинг спичрайтери, Озарбайжон Компартияси МК аъзоси, Олий Совети депутати бўлганди. Дарвоқе, унинг марҳум угли Гриша Гурвич Москва телевидениесига кувнок «Эски хонадон» дастурини олиб борарди. Мен Ефим Григорьевичнинг олдида бордим-да, энгил хушомад билан дедим: – Афтидан, Ҳайдар Алиевич арши аълодагилар билан чиқишиб қолганга ўхшайди. Қаранг, у пайдо бўлиши билан ёмғир тиниб, куёш чиқди...

Фаросатли Гурвич бунга жавобан деди:

– Менга қара, арши аълода ақлли одамлар ўтиради. Унинг гашига тегмай қўя қолайлик дейишган-да!

– Мен бунини Алиевга айтган эдим, – деб ҳикоясига хотима ясайди журналист, бағоят кизикарли «Ҳокимият қондаси» телетуркумининг муаллифи, Михаил Гусман, – шундай қаҳ-қаҳ уриб кулдики, стулдан йиқилиб тушаёзди.

Қайта ҳикоя қилиб берганида одобли Миша Гусман фақат бир сўзни ўзгартирган эди. Гурвич аслида: «Унга тенг келиб нима қилишади!» деган эди. Аммо бу билан ҳеч нарса ўзгариб қолмайди-ку, тўғрими?

### **«Боқунинг барча кўчаларини яхши биламан»**

Боку ёзининг қизгин палласида, 2000 йил июнида Озарбайжонда Россия маданияти кунлари бўлиб ўтди. Жаҳонга танилган жамоалар, ижрочилар келган. Ҳамма одатдан тапшари қизгин, самимий қабулдан, Боку, Сумгаит, Ганжа, Нахичеван... даги ўзгаришлардан ҳаяжонда эди.

– Сўнги вақтларда ҳамма нарса ўзгариб кетганидан ўзим ҳам ҳайрон қоламан, – деганди Ҳайдар Алиев ўша кунларда бир учрашувда. – Боку мен учун янги шаҳар эмас. Бу ерда



мен 16 ёшимдан ўқиганман. Талаба нима қиларди? Ўқийди, куча айланади, ҳамма нарсани томоша қилади. Бунинг устига мен чекка вилоятдан келган одам эдим. Шунинг учун ҳамма нарсага қизиқардим. Кейинрок, ўсмирлик йилларимда, ҳали буйдоқлигимда яқшанба кунлари юрар, томоша қилар, гоҳ қизларга разм солар эдим. Шу боис барча кучаларни яхши билман...

Хуллас, Ҳайдар Алиевич ҳамсухбатларини бутун Боку буйлаб «олиб ўтди» – тоғ қисмига, ўрта асрлар Ичери шехер қалъасига, Денгизбуйи хиёбонига олиб борди. 40-йиллардаёқ хиёбоннинг «қумлоғи ва чўмилиш жойи бўлиб, шаҳарнинг бутун аҳолиси ўша ерда чўмиларди...»

Ҳайдар Алиев Бокуга рассом, меъмор, қурувчи кузи билан қарарди.

У бот-бот Апшерон яримороли харитада денгизга ёриб қирган лочин тумшугига ўхшайди, дер эди. Апшерон – лочиннинг боши; ташбехни давом эттириб айтиш мумкинки, лочиннинг кузи – бу Боку.

Боқунинг шимолги-ғарбидаги тепаликлар оралиғида дара ётибди – жанубга, денгиз томонга, шимолга, яриморол ичкари-сига олиб ўта оладиган ягона йўл. Бу тоғлик – аслида Боқунинг «истехком» тўсиғи, Аллоҳнинг марҳамати. Дарани азалдан «Бури туйнуғи» деб қелишган, эндиликда эса уни «Бури дарвоза» деб аташади. Йўлнинг одам номидан иборат яна битта номи бўлган, у чўнг қояларни уйиб, йўл очган эмиш – «Ғасим чалдиран» – «Қосим уйган». Афсуски, у унут бўлиб кетган...

Тевага, шаҳарга олиб чиқадиган сукмок фойтун йўлига, кейин эса шоҳроҳга айланган. Ҳайдар Алиев бу йўлдан республика буйлаб сафарлардан қайтганда қуп юрган. Ёнида меҳмонлари бўлса, Патомдар тизмаси денгизгача чўзилиб кетгани ҳақида ҳикоя қиларди. У ерга боргач, тизма йўқолади, шу ерда Ших кишлоғи жойлашган, энди у Боқунинг чеккаси ҳисобланиб, ажойиб Биби Эйбат масжиди бор. Ших – бу «шайх» сўзининг бузилган шакли. Қадимда шайхлар деб донишманд, олим, маърифатли ва аслзода одамларни айтишган, мулла, руҳоний, аллома, авлиё сифатида уларни бошқача ҳурмат-иззат қилишган.

«Бури дарвоза»дан бутун Боку ва унинг теварак-атрофи қафтдагидек кўриниб туради. Пастга тушаверишда шаҳар амфитеатр мисол денгиз томон чўзилиб кетган. Ўртада – қадимги Ичери шехер (Ичкари шаҳар) қалъаси ҳам денгизга ёндош.

Бокуда яна бир истехком бўлган, бу – Сабоил қалъаси. Бу туман ҳозир Бойил деб аталади. Сабоил қалъаси денгизга ғарқ бўлиб кетган. Сув остидан чиқариб олинган тош битиклар, накшли сурат булаклари Ширвоншоҳларнинг Ичери

шеҳердаги қайта тикланган ёдгорликлари мажмуи ховлисида намойиш қилинмоқда.

Халқ озарбайжон муғом (мақом)ида ўз орзу-ниятлари ва уй-хаёлларини мусика тили билан изҳор этганидек, Боку қалъасининг оқиш тошлари ҳам ўз тилида халқ қалби ва тақдиридан дарак беради. Ичери шеҳернинг сукути – гузал. Сукут ҳам узига хос забон.

Шоирлар купинча Ичери шеҳер тарихий ёдгорликларига мурожаат қилишарди. А. Халафлининг «Ичери шеҳер: тошлар, одамлар» достонидан бир неча сатрни сизларга ҳавола қиламиз:

Кошонадан бизга қарайди гузал,  
Ошиқ наққош чеккан санам мисоли.  
«Рост» мақомидаги шиддаткор «Уззал»  
Лаҳзада дунёни яшартиб боқий.

Қоратоғ қўйнидан югурар чашма,  
Ғамгин қўшиқ айтар шоҳ канизаги.  
Ишқ ўқи юракка ботсин, қарашма –  
Қонли ёш азалдан ҳавас дилдаги...

«Қизминвор» турибди чўзиб кукка бўй,  
Ёр юзи бандаси топинган маъво.  
Ҳатто, эй қутурган Каспий, тўхта, қуй,  
Сукутгни бузмокқа қилмагил даъво<sup>1</sup>.

«Рост» мақомида гуё халқнинг фожиали тақдири акс этгандек. «Рост» – бутун бир мусиқий достон, «Уззал» – шу достондаги бир боб, бўлим. Ичери шеҳерни достонга ухшатиш мумкин. Тошга айланган достон... Абадиятга маҳкум.

Ҳайдар Алиев – миллатнинг бу тарихий ва маънавий ёдгорлиги паноҳкори, жонбози ва фидокори; у бутун умри давомида шу ёдгорликни асраб-авайлаш учун қўлидан келган ҳамма нарсани қилди.

Яна икки мисра ҳақида икки оғиз сўз. «Қоратоғ» бу ерда «қора тоғ» маъносига эмас, балки «қатта тоғ» маъносига қўлланмоқда. Шаҳарнинг тоғ қисми назарда тутилмоқда. «Шаҳ кягризи» («шоҳ булоқ») – бир замонлар суви сопод қувурлардан Ширвоншоҳлар саройига оқиб борган булоқ. Улкашунослар таъкидлаганидек, бу булоқ шоир Алиоға Воҳид ҳайкали ёнидан отилиб турган экан (филармония ёнидаги боғда).

Қоратоғда Ҳайдар Алиев ташаббуси билан турк аскарига ва ватан ҳимоячиларига ёдгорлик барпо этилган.

<sup>1</sup> *Самод Вурғун*. Танланган асарлар. –Т.: Ўзлавиаштр.1953.

Биз парча келтирган дostonда XII аср меъмори, Қиз мино*р* ижодқори деб тахмин қилинган Масъуд Довуд ўғли номи гилга олинади. Муҳаммад Абубакр ўғли (XI аср) – Ичери шеҳердаги Синиқ қалъа мино*р*аси меъмори, бизнинг кунларгача, ХХI аср-гача етиб келган маънавий ришта уша олис, қадимий даврлардан бошланади. Замонларнинг жонли алоқаси узилиб қолмаслиги учун Ҳайдар Алиев кучи борича ва ундан ҳам ўтиб, ҳамма ишни қилди. Ҳусайн Жовидни ўз халқига қайтарди. Александр Дзасохов «Ҳайдар Алиев етук озарбайжон шоири ва мутафаккири, кўп асрлар мукаддам ҳозирги Сурия заминидagi Ҳалаб музофотида дафн этилган Насимийнинг хоқини Боқуга кўчириб келтириш учун саъй-ҳаракатлар қилган»ини яхши эслайди. Буюк шоирнинг 600 йиллиги қанчалик тантана билан нишонланишини ёзган эдик. Эслатиб ўтамиз: Насимий номи бутун араб дунёсида машҳур. Унинг асарлари ўнлаб тилларга таржима қилинган, шеърий асарлари ва фалсафий ғоялари ҳозирги замон маънавий ҳаётида ҳам долзарб. Алиев тавсияси билан СССР ёзувчилар уюшмаси кўтиби Алим Кешоқов бошчилигидаги делегация Дамашқа йўл олганди. Кейинчалик шу мамлакатда Совет Иттифоқининг элчиси бўлиб ишлаган Александр Сергеевич Дзасохов Ҳайдар Алиев илтимоси билан Насимий хоқини Озарбайжонга қайтариш ҳақидаги мурожаатини янгилади, аммо Сурия раҳбарияти унга ҳам ўз нуқтаи назарини аниқлади, яъни бунинг иложи йўқ, деб жавоб беришди.

– Биз Ҳайдар Алиевич билан икки ёки уч марта бу ҳақда гаплашдик, бу пайтда у Москвада, СССР Министрлар Советида ишлар эди. Насимий шафқатсизларча қатл этилган, қийноқларга дучор этилган эди. Унинг терисини тириклик шилишган эди. Уни ислом ақидаларига зид келувчи фикрлари учун жазога гирифтор эгишганди. Ислом қадриятларини узида жо этган мутафаккир дунёда тангри яратган хилкағлар ичида энг улуғи инсон, деб жар солганди.

Алиев котибиятидан бастакор Ориф Мелиқовга кўнгирик қилишди: «Президент Саудия Арабистонига бораётти ва бошка шахслар билан биргаликда сиз ҳам унга ҳамроҳлик қилишингизни сўраяётти». Албатта, мусикачи йўқ дермиди. Макка ва Мадинага ҳаж қилиш ҳар бир мусулмон учун бахт-ку. Аммо СССР халқ артисти, Давлат мукофоти совриндори, машҳур «Муҳаббат афсонаси» балети, симфониялар ижодқори Президент нима учун уни айнан мана шу сафарда ҳамроҳлик қилишга таклиф этганини ҳаёлига ҳам келтирмади. Саудия Арабистонига борганда Ҳайдар Алиев бундай деди:

– Бу жойларни сен ҳам кўрсанг дегандим, бу сенинг янги симфоник асарлар яратишингга илҳом беради.

Кейинчалик Ориф Меликов абадиятга бағишланган асар яратиш фикри миёсида анчадан бери айланиб юрганини айтганди. Аммо сира бошлай олмай юрган экан. «Симфоник асар яратиш учун Макка ва Мадина илҳом манбаи бўлиши мумкинлиги илгари хаёлимга ҳам келмаганди. Ҳайдар Алиев эса, мендан фарқли ўларок, қандайдир ички сезгиси билан катта симфоник асар яратиш учун Макка ва Мадинага боришим, улардан бекиёс қувват олишим зарурлигини англаган эди».

Кунлар, ойлар ва йиллар утаверди. «Мен ваъда қилинган симфонияни хануз ёзолганим йук эди, – давом этди Меликов. – Ниҳоят, навбатдаги учрашувлардан бирида Президент яна у ҳақда сураб қолди: «Хуш, менинг симфониям нима бўлди?» Шу пайтгача у ҳар доим симфония дер эди, ҳеч қачон «мешинг» демаганди. Қачон, қанақа асар дунёга келишини вақтнинг ўзи белгилар экан. Шу симфониянинг ҳам куни келди. Мен уни Ҳайдар Алиевичнинг 80 йиллигига бағишладим. Президент менинг саккизиёчи симфониямни – «Абадият симфонияси»ни тинглашига умид қилгандим. Афсус, насиб қилмаган экан. Аммо бу мусика ҳар доим Ҳайдар Алиев тутилган кун – 10 майда янграйди.

Генерал-лейтенант Кондрашов – Алиевнинг тенгдоши. Ўз касбияи у билан деярли бир вақтда танлаган. Венада совет таъқиқ разведкаси қароргоҳига бошчилик қилган. Лондонда Британия контрразведкаси зобити ва совет разведкачиси, машҳур Жорж Блейк Кондрашов билан алоқада бўлган. Разведка бошқармаси бошлиғи, СССР чегара қўшинлари бошлиғининг ўринбосари бўлган Сергей Александрович Кондрашов Озарбайжонда кўп бўлган, Алиев билан кўришган, албатта. Ҳатто, профессионал разведкачи бўлиб туриб ҳам, биринчи учрашувларини эсидан чиқарган экан. Унга Алиевни танитишганда Кондрашов биринчи бор куриб турган одамдай суз котган, Ҳайдар Алиевич эса «Биз сиз билан кўришганмиз, Сергей Александрович», – деб эслатган.

– Китобхон Ҳайдар Алиев шахсияти кенг микёсли эканлигини кўришини истардим, – дейди генерал-лейтенант Кондрашов. – Рамзий қилиб айтганда, унинг пайтида Боку Якин Шарк мамлакатлари учун намуна бўлиб қолганди, у Совет Иттифоқининг Эрон, Туркия, Афғонистон давлатлари билан муносабатларини ишлаб чиқишда катта ҳисса қўшди. Алиевнинг халқаро обрў-эътибори уша йилларда камол топа бошлаганди. Мустақил Озарбайжонга раҳбарлик қилганда эса мустақамланди. Янгиланган соҳил бўйига чиқиб, Приморский хиёбонидан юрар экансан, вужудингга куч ва тетиклик оқиб қираётгандек ҳис этасан ўзингни. Бу Боку суяниб турган довоннинг қудратли хотиржамлиги билан боғлиқми ёки озон ҳиди анқиб турган денгиз нафаси, кирғоққа бир маромда келиб урилаётган тўлқинлар биланми? Буни аниқлаш осон эмас.

Зеро, Бокуда замин билан осмон, тоғ билан денгиз бир-бири билан чагишиб кетган. Боку – икки табиий кудрат: денгиз ва замин, Каспий ва тоғлар фарзанди...

Бу ердаги ҳамма нарса Ҳайдар Алиевни, меъмор истеъдодига эга инсонни эслатиб туради.

Йул чеккасидаги баланд симёғочлар учига қурган инларида турган лайлакларга кўз гушади. Сув, ер ифлосланиб, ҳаво заҳарланса, лайлаклар паноҳ истаб олиш ерларга кетади. Лайлакларнинг қайтиб келиши эса хайрли нишона.

Ҳозир шаҳар аҳлининг сеvimли дам олиш жойи булган Приморский хиёбони яна одамлар билан гавжум. Ойижонлар ва дадажонлар кичкинтойларнинг қўлларидан етаклаб аттракционларга, ҳалинчакларга, чархпалакларга олиб бормоқдалар. Турли исмлар қулоққа чалинади. Аммо кўпроқ «Ҳайдар!» деган чакирик янграйди.

Кум-кук либосга бурканган, ажойиб бинолар қад кутарган пойтахт ҳақида Ҳайдар Алиев ҳар доим меҳр билан шундай дерди: «Боку – жаҳондаги энг чиройли шаҳарлардан бири. Асрлар мобайнида Боқуни қурган, бунёд этган одамлар бугунги ва келажак авлодлар учун ажойиб шаҳарга асос солганлар! Мамлакатимиз пойтахти Боку билан биз ҳақли равишда фахрланамиз. Унинг табиий гузаллиги, меъморчилиги билан гурурланамиз».

Боку – шамоллар шаҳри. Гоҳо бурон шунақанги қутурадики, шовқини қулоқни тешгудек. Бироқ тез ўтиб кетади... Тонгда «Бури дарвоза»дан ўтган йўловчи денгиз томондан қуёш чиқиб келатганини куради. Гўё у сув тубидан чиқиб келгандай. Эҳтимол, шунинг учун ҳам Қобустон қояларига суратлар чеккан қадимги одамлар қуёшни денгиз фарзанди, деб аташгандир?

## XII боб ПРЕЗИДЕНТ ЙИЛИ

### Тақвими варақлаганда

Барча замонларда одамлар ҳокимият тепасига интилиб келганлар. Баъзилар чўққигача чикиб олади-да, халқ хотирасида бирон-бир из қолдирмай, ўша заҳоти ғойиб бўлади. Унлаб йиллардан кейин ХХ асрнинг 90-йиллари Озарбайжон сиёсий сахнасидагилардан кимни илғаб бўларкин? Ҳайдар Алиевнинг сиёсий муҳолифлари нима учун югказишди? Чунки халқ сафсатабозлар, кийкирикбозлар, молпарастлардан юз ўгириб, айнан Алиевнинг ортидан эргашди. Афсонавий Антей каби унинг ҳам кучи – она ерда, унга ва унинг фарзандларига меҳрда. Ватандошлари, ҳамюртлари ҳам бунинг қадрига етдилар.

Ҳайдар Алиев умуммиллий раҳнамога айланди, шу боисдан ҳам унинг ахлокий фазилатлари сиёсатчи ва мутафаккир сифатидаги истеъдоди билан йўғрилиб кетди. «Ҳокимиятга нисбатан муҳолиф бўлиш мумкин, аммо халққа, Ватанга, ахлоққа ва олий мақсадларга нисбатан муҳолиф бўлиш мумкин эмас», – дерди у ҳам иши, ҳам сўзи билан. Немис файласуфи Артур Шопенгауэр айтгандики, инсоннинг даҳолиги унинг англаш қобилияти заруратдан ҳам кўпроқ тараккий этганлигидан иборат. Шундай қилиб, даҳолик – бу ақлнинг ҳаддан ташқари муллиги ва бу муллик воқеликнинг умумий қонуларини англашга хизмат қилишдагина ўзига кўпроқ майдон топади; бу билан у ўзини бутун башарият наслига хизмат қилишга бағишлайди, оддий одам эса алоҳида шахслар хизматида бўла олади, ҳолос...

Ҳа, Ҳайдар Алиевнинг бенуқсон зақоси бутун халққа хизмат қилди. Президент Шарқнинг буюк мутафаккири Жалолиддин ал-Афғоний фикрларига таянар эди ва худди у каби, халқдан ташқарида бахт йўқ, деб биларди.

Кимдир бу қондани керак нарса деб, қатта сиёсатчи атворининг узвий хусусияти, деб эътироф этар, кимдир эса «иш билгунча гап бил» деб ўйлар... Начора, келинг, Президентнинг бир йиллик тақвими кун-бақун варақлаб чиқайлик-чи. Аммо қайси йилни оламит?

Президентлик қилган ўн бир йилни олайлик... Улардан ҳар бир йил нимаси биландир бошқасига ўхшаш ва ҳар бири ўз хусусиятлари билан ажралиб туради. Умумий хусусиятлари яққол кўриниб турибди: тақвим бор, иш жадвали бор – ташрифлар, қабуллар, матбуот анжуманлари, нутқлар. Аммо ташқаридан бир хил бўлиб кўринган бу шакл ортида ҳар гал бошқа мазмун очилиб турган, уни давлат бошлигининг шахсияти, Ҳайдар Алиевич Алиевнинг шахсияти белгилаган. Ҳар қандай йилни танлаш мумкин эди – тўксон бешни дейсизми, тўксон тўққизни дейсизми... Биз 2002 йил тақвимини варақлашни тақлиф этамиз – бу унинг сўнги тўлиқ иш йили эди.

2002 йилда Ҳайдар Алиев имзолаган дастлабки ҳужжатлардан бири – «20 январь фожиасининг 12 йиллигини ўтказиш тўғрисида»ги фармойиш. Халқлар ҳаётида шундай саналар бўладики, уларга «йил» сўзини қўйиш талаб этилмайди. 20 январь... Боқуликлар учун, озарбайжонликлар учун шу икки сўзда ҳаммаси айтилган. Бамисоли руслар учун тўққизинчи январь «Қонли якшанба» бўлганидек – ушанда, 1905 йилда Петербургда шоҳ ҳузурига талаб билан бораётган ишчиларнинг тинч намойиши ўққа тутилганди.

Президент ташаббуси билан 20 январь воқеаларига 1994 йилдаёқ Миллий мажлиснинг «1991 йил 20 январида Боқуда содир этилган фожиали воқеалар тўғрисида»ги қароридан узил-кесил ҳуқуқий ва сиёсий баҳо берилганди. Ушанда, эслатиб ўтамиз, Боқуда, Озарбайжоннинг айрим туманларида Горбачев кўрстмаси билан фавқулодда ҳолат эълон қилинмасдан, кўшинлар киритилган эди.

## 2002 йил 24 январь, Москва

24 январда Озарбайжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиевнинг Россия Федерациясига давлат ташрифи бошланди. «Россия пойтахтига шундай миқёсдаги сиёсатчилар келишининг ўзиёқ катта воқеа, – деб ёзганди ўша кунлари «Известия» газетаси. – Ўз вақтида Михаил Горбачев истеъфога чиқариб юборган бу арбоб кейин катта сиёсатга ва ўз мамлакатига керак бўлиб қолганди. Бугун у Ельцин Москваси томонидан етказилган хафагарчиликларни бартараф эта олди».

«Известия»нинг баҳолашича, «айёр ва доно сиёсатчи Алиевнинг Россиянинг ёш Президенти билан биринчи танишуви ана шундай ижобий натижаларга эга бўлади» деб ҳеч ким кутмаганди. Дастлабки танишишларини хотирлаб, Алиев, «Путин билан 30 дақиқаликкина учрашувни мўлжаллаган эдим. Лекин тўрт соатча гаплашиб қолдик», дея эътироф этганди. «Шуларни ҳисобга олиб қараганда, улар бир-бирларида жуда яхши таассурот қолдирдилар, – деб шарҳлайди «Известия». – Ўша

ерда hozir bulganlarning etirof etishicha, Aliiev Putin bilan yana uchrashishlariга очик-ойдин истак билдирган холда хайрлашган. Натихада олий меҳмон кеча кечқурун (2002 йил 24 январь. – *Муалл.*) алоҳида эътиборга сазовор булган. Владимир Путин уни Завидоводаги дала ҳовлисида қабул қилган. Бу оила даврасидаги кечки нонуштада булган. Ишончли манбаларнинг айтишича, Россиянинг hozirги раҳбари Хайдар Алиев билан турли халқаро масалалар буйича маслаҳатлашишни ортиқча ва камситувчи деб билмайди».

Давлат ташрифи – бу кўплаб маросимий, расмий жараёнлар, учрашувлар ва суҳбатлар, давлат раҳбарларининг якка-якка ва делегациялар билан биргаликдаги музокаралари, қабуллар, матбуот анжуманлари дегани... Ичимиздан биттамизга – «Трибуна» газетасининг ўша вақтдаги бош муҳарририга Хайдар Алиевич билан учрашиш насиб қилганди, уни ОАВ раҳбарлари учун ИТАР-ТАССнинг бош директори Виталий Игнатенко ўтказганди. Ташриф ниҳояланмокда эди, бу уч кунлик ташрифнинг сўнгги тадбири бўлиб, катта матбуот анжуманидан кейин дарҳол ташкил этилди. Президентнинг оқлар чехрасида чарчоқдан ном-нишон йўқ эди. 80 ёшга тулаётган одамнинг бундай каттик меҳнатга бардош берганини кўриб хайратда қолмаслик мумкин эмас.

ТАССдаги бундай йиғинларда йиллар давомида юзага келган ўз маросими бор эди. Виталий Никитич меҳмонни муборакбод қилиб таомлар билан сийлади. Хайдар Алиевич Алиев учун қадаҳ кўтарилди. Президентнинг қадаҳида кизил мусаллас бор эди. Бир хўплаб қўйиб, у истеъфодан кейин журналистлар билан булган учрашувини эслади, Озарбайжоннинг нефть стратегияси ҳақида, матбуот билан муносабати ҳақида гапирди... Бизлар хайрлашаётганимизда мен унга яқинда унинг собиқ ёрдамчиси Александр Тимофеевич Гаврилов билан учрашганимни айтдим. «Унга мендан самимий салом айтинг, – деди Президент, – мен уни яхши эслайман».

Ўша куни, Бокуга келиб Хайдар Алиев шу кун давомида учинчи марта журналистлар билан учрашди.

– Москва телевидениеси менинг hozirги ташрифимни, учрашувларимизни, музокараларимизни, суҳбатларимизни кенг ёритди. Мен шуни айта оламанки, ушбу ташриф Озарбайжон учун ниҳоятда муҳим эди. Биринчидан, Россия давлати, Россия Президенти Озарбайжон Президентини давлат ташрифи даражасида Россияга, Москвага таклиф қилди. Ушбу мақом ва таклиф давлат ташрифига даҳлдор барча талабларга мувофиқ амалга оширилган эди. Сиз буларнинг барини балки телевидениедан кўргандирсиз. Табиийки, ҳаммасини кўролмагансиз, аммо кўзингиз тушганлари ҳам сизда муайян таассурот қолдиради.



Мен тапширф якувларидан гоъят мамнунман. Биз фавқулудда муҳим ҳужжатларни имзоладик.

Президент Путин ва мен алоқаларимиз ҳақида, алоқаларимизнинг мазмуни ва тамойиллари ҳақида қўшма баёнотни имзоладик. Кейин биз 2010 йилгача бўлган даврга мўлжалланган узок муддатли ҳамкорликни кўзда тутувчи Россия – Озарбайжон иқтисодий ҳамкорлиги туғрисидаги шартномани ва унга қўшимча яна икки ҳужжатни имзоладик. Ниҳоят, биз Габала радиолокация станцияси туғрисидаги битимни, шунингдек, бошқа масалалар бўйича келишувларни имзоладик. Булар бари Озарбайжон учун гоъят муҳим ҳужжатлардир, улар айни вақтда Россия – Озарбайжон ҳамкорлиги ривожланишига кучли туртки беради.

Эслатиб ўтамиз, бу 26 январда бўлиб ўтган эди. 30 январда эса Озарбайжон Президенти АҚШга отданаётган эди. Унинг маъбуот хизмати хабар берганидек, Нью-Йоркда ўтказилаётган Давос жаҳон иқтисодий форумида иштирок этиши керак эди. Сафар олдидан, 29 январда Ҳайдар Алиев АҚШ давлат котиби ўринбосари Элизабет Жонсни қабул қилди.

Озарбайжон Президенти Жонс хоним билан суҳбатлашар экан, халқаро терроризмга қарши кураш ҳақидаги Москва музокараларига тўхтади.

– Президент Путин, Қўшма Штатлар ва Россия бу соҳада анча узвий ҳамкорлик қилаётганларини менга айтганди. Россия бундан кейин ҳам бу ҳамкорликни давом эттиришини ҳис этдим. Жаноб Путинга шу нарса ҳам маълумки, биз бу альянсда иштирок этамиз, мамлакатингиз самолётлари ҳудудимиздан учиб ўтаверади. Булар барчаси маълум гаплар. Шундай қилиб, сизларнинг Россия билан ҳамкорликларингиз сиз Афғонистонда ва умуман бутун минтақада олиб бораётган ишлар учун кенг имкон яратди.

Меҳмон билан хайрлашар экан, Президент дўсти жаноб Армитежга саломини етказишни илтимос қилди: «Айтинг, мен унинг Россия – Америка қўшма комиссияси ишида муваффақият тилайман. Омад ёр бўлишига ишонаман».

Ричард Армигеж – АҚШ давлат котибининг биринчи ўринбосари. Уларнинг 90-йиллар бошидаги учрашуви гайритабиий ҳолати билан ҳар иккаласининг хотирасида муҳрланиб қолган. Ричард протокол меъёрини унутиб, бирдан гоъят самимий тарзда: «Менинг отам сизга жуда ўхшаб кетарди, жаноб Президент!» – деди. Яхши муносабатлар ана шундай пайдо бўлганди. Армитеж АҚШ – Озарбайжон савдо палатасига раҳбарлик қиларди. Алиевнинг тапширфи вақтида унга собиқ мудофаа министри Уайнбергерни таништирганди.

– Илгари сизни телевизорда курганимда душманим ҳисобланардингиз, – жилмайди Ҳайдар Алиев, – аммо ҳозир сиз билан танишиш қандай яхши!

Бу жавобдан Ричард гул-гул очилиб кетди, чунки Уайнбергер унинг устози ва дўсти эди-да.

## 2002 йил 1 февраль, Нью-Йорк

Озарбайжон Президенти Нью-Йоркка учиб келгач, Жаҳон савдо маркази харобаларни олдидаги ёдгорлик пойига гулчамбар қўйди. Бу гулчамбар, гўё Ҳужали култпасига, Шушадаги ўққа тутилган ёдгорликлар пойига, Қорабоғнинг топталган заминига қўйилгандек бўлди, каерда ҳалок бўлишмасин, гуноҳсиз қурбонлар қайғуси ва хотираси умумийдир.

Навбатдаги Жаҳон иқтисодий форуми «Ташвишли пайтдаги раҳнамолик: келажакка қадалган нигоҳлар» шиори остида бўлиб ўтди. Форум асосчиси ва президенти Клаус Шваб маросим очилишида, Нью-Йоркни танлашдан мақсад «энг аввало, 2001 йил 11 сентябрдаги воқеалар натижасида энг кўп зарар қўрган шаҳарни қўллаб-қувватлашни назарда тутати», дея эътироф этди.

1 февралда Ҳайдар Алиев «Уолдорф-Астория» отелидаги мажлисда нутқ сўзлади. Мажлис, Марказий Осиёда барқарорлик» мавзуга бағишланган эди. Унга биринчи бўлиб сўз берилди. Глобализация даврида жаҳон тўқнаш келган муаммоларни тилга олиб, Президент Кавказни қамраб олган айирмачилик ва ҳарбий тўқнашувлар ҳақида гапирди.

«Айирмачилик терроризм шаклини олмоқда ва боз устига шундай хавф туғдирмоқдаки, айирмачилар босиб олган ҳудудлар умуман назоратсиз зоналарга айланмоқда. Масалан, Озарбайжоннинг Тоғли Қорабоғ минтақасини олайлик. Бу ҳудуддаги тўқнашув айнан айирмачилик ниятлари туфайли бошланган эди, кейин эса Арманистон ва Озарбайжон ўртасидаги урушга айланди, натижада озарбайжонлар ерининг ўн етти минг км.кв.майдони назоратсиз зонага айлантирилди, аниқроқ айтганда, ноқонуний қуроли кучлар назорати остида қолди. Буни жаҳон ҳамжамияти назорат қилмаяпти. Табиийки, у ерда қўллаб қуролилар тўпланиб қолди. Демак, бу ўзаро низоларни юзага келтирган манба. Терроризмнинг манбаи.

Шу туфайли халқаро терроризмга қарши курашаётган пайтда унинг манбаларини, турли шакллари ва қўринишларини ҳисобга олиш лозим бўлади. Ҳарбий низоларни баргараф этиш – халқаро терроризмнинг майдонга чиқиш имкониятларини чегаралаш учун жуда жиддий ва муҳим чоралардан биридир».

Нью-Йорк билан Қорабоғнинг ораси узок. Лекин ана шу дақиқада олисдаги тоғлар яқинлашгандек бўлди. Форумнинг

106 давлат вакиллари бўлган 3 минг қатнашчиси, эҳтимол, ундан сал кўпроғи – тортиб олинган ватан нима эканлигини тушунди чоғи.

2002 йил 27 февралда Швейцариянинг «Матэн» газетасида: «Озарбайжон халқи Хўжали кирғинининг 10 йиллигини нишонламоқда: тарих буни эсдан чиқармайди» номли мақола босиб чиқарилди. Хўжалидаги кирғиннинг 10 йиллиги муносабати билан Озарбайжон Республикаси Миллий мажлиси мамлакат Президенти ташаббуси билан баёнот берди. Баёнотда: БМТ Хавфсизлик Кенгашининг босиб олинган ерларни бушатиб бериш ҳақидаги 4 та қарорини (№ 822, 853, 874 ва 884), Европа Кенгаши парламент ассамблеясининг, ЕХХТнинг Будапешт, Лиссабон ва Истанбул саммитлари ҳужжатларини эътибордан соқит қилаётган Арманистон Республикаси Озарбайжоннинг ҳудудий яхлитлигини тан олишдан бош тортмоқда. Тоғли Қорабоғда террорчилар тайёрлайдиган лагерлар ташкил этилган, у ерга фақат арманлар эмас, балки бошқа мамлакатлар вакиллари ҳам келмоқда. Улар Озарбайжон халқига қарши янги хавfli жиноятларни тайёрламоқдалар. Бу ерда гиёҳванд моддалар айланиши ва уларни ташиш, қурол-аслаҳа сотишдан олинган даромаддан террорчилик мақсадларида фойдаланилмоқда».

Президентнинг ярим кечада қилган кўнгироғи Фотима Абдуллазоданинг ёдида қолган.

– Тунги соат икки эди. Биз ҳали ухламагандик, видеода ниманидир томоша қилаётган эдик. Ҳайдар Алиевич мутлақо аниқ савол билан мурожаат қилди. Мен жавоб қайтарганимда, у бирданига: «Мен нима қилиб қўйдим, ҳозир соат икки-я!» деди. Мен биз ҳали ухламаганимизни, фильм қураётганлигимизни айтдим. «Мен эса бир ҳужжат устида ишлаб ўтириб қолибман...»

Шу тунда, бир оз олдинроқ, соат ун иккида Алиев вазирлардан бирига кўнгироқ қилиб, шу саволни берган экан. У энг туғри ахборотни Фотима хонимдан олганлиги эрталаб маълум бўлди. Президент унга миннатдорлик билдиришни унутмади. Юбилейи кунда Президент ажойиб гулдаста юборгани ҳам Фотима Ҳусайнованинг ёдида қолган.

– Ҳайдар Алиевич кўнгироқ қилди. Жуда ажойиб суҳбат бўлиб ўтди. У гап-сўзлар оҳангидан одамнинг иши қандайлигини билиб оларди. «Қандай муаммолар бор?» – деб қайта-қайта сўрар эди. Шундай ҳолатлар булардики, мен, физика-математика фанлари докторининг ҳам ақли етиши қийин эди...

Алиев билан 10 йил бирга ишлаш тақдирининг менга инояти эди, – дейди Фотима Абдуллазода.

Фотима хоним бир куни кечаси соат ун иккида ўзини, Алиевнинг топшириғига кура, давлат секретари билан суҳбатга чакиришганини эслайди.

Бу 1993 йилда бўлганди, у вақтларда эрталабгача ишлардик.

Суҳбатлашиб, уйга қайтдим, мен партия МКда ишлаган, бу бинога қайтгим келмас эди. Кейинчалик янги воқеалар бошланиб кетди. Бизга қаттиқ таҳдид қилаётганликлари маълум бўлди.

У пайтларда соҳил бўйида яшардим. Суръат Ҳусайнов гулларининг наърасини эшитиб турардик. Бизнинг йўлакда асосан русийзабон кишилар истиқомат қилишарди. Ҳайдар Алиев эфир орқали нутқ сўзлади, мен унинг сўзларини рус тилига таржима қилиб турардим. Унинг бир сўзи сира ёдимдан чиқмайди: «Менда ҳарбийлар йўқ, фақат сиёсий ирода бор, тажриба бор». Шу боис халқ уни қўллаб-қувватлади.

### Наврўз – баҳор байрами

13 март куни Президент афв этиш ҳақидаги фармонни имзолади. Бу – жамиятда тотувликни, фуқаролар тинчлигини мустаҳкамлаш учун барча ишни қилаётган давлат раҳбарининг муҳим ҳиммати эди. Озодликка чиққан кишилар бунинг қадрига етсин. Президент уларни афв этди. Оллоҳ уларни кечирадими ёки йўқми, кейинги ҳаётларига боғлиқ.

81 киши озод этилди, қолган саккиз кишининг жазо муддати ярмига қисқартирилди. Афв этилганларнинг деярли барчаси Озарбайжон Республикасининг мустақиллиги, давлатчилиги ва ҳудудий яхлиғлиги ва қарши чиққанлар эди. Бирлари 1994 йил октябрида Ганжада давлат тўнтаришида иштирок этганлардан, бошқалари 1995 йил мартда Боку, Казах, Афстафа шаҳарларида ҳокимиятни қўлга олишга уринганлардан эди. Учтаси 1993 йил сентябрда Ҳайдар Алиевга суиқасд қилишга уринишган эди. Президент бу яхши ниятли ҳужжатни Наврўз байрами билан боғлади. Инқилобий ахлоқнинг ашаддий ҳимоячилари узоқ йиллар давомида бу байрамни эскилик сарқити деб, миллий тақвимдан ўчириб ташламокчи бўлдилар.

Ҳаракат қарши ҳаракатни туғдиради. Халқ ўз урф-одатлари ва анъаналарини авайлаб сақлаб келди. Наврўз муносабати билан Президент бутун дунёдаги озарбайжонларга мурожаат қилди: «Озарбайжон халқи бутун тарихи давомида кадрлаб келган, синовларга тўла машаққатли даврларда ҳам қалбида ардоқлаб келган бу байрам кириб келишини сабрсизлик билан кутганди. Халқимиз бутун ҳам миллий борлиғи рамзига айланган бу баҳор байрамининг катта қувонч билан нишонламокда. Маданиятимизнинг бой хазинаси ҳисобланмиш Наврўз байрами миллий давлатчилигимиз анъаналари тиклангач ва қайтадан

мустақилликка эришилгач, Озарбайжон Республикасининг расмий байрамлари календаридан абадий жой олди».

Байрам кечасида Ҳайдар Алиевни барча қариндошлари – ака-укалари, опа-сингиллари, уларнинг эру хогинлари, жиянлари – жуда кўп кишилар табриклагани келишди. Нахичевандаги туғилиб ўсган уйда ота-онаси тириклигида Наврузни қандай байрам қилишганини эслашди.

Байрам бошланганидан биринчи бўлиб уй орқасидаги самбиттол дарак берарди. Унинг шоҳларидан қор кетмай туриб бутоклари оппоқ момикка бурканарди. Иззат хоним самбиттолни жуда яхши кўрарди. Бу дарахт гуллаганида у ёш боладек қувониб кетарди. Бир куни Шафика онасидан нима учун самбиттолни бунчалик ёқтиришини сўради. Иззат хоним бир хўрсинди: – «Э, кизим, ким самбиттолни севмайди дейсан! У ҳар гуллаганда Зангизур баҳори ёдимга тушади... Биз пасткам жойлардан унинг гулларини териб, гулоб тайёрлар эдик.

Болалик хотиралари доимо Шафиканинг ёдида эди. Кейинчалик у ўзи ишлаган жойларда доимо самбиттолни ахтариб топиб, томоша қилар ва онасининг қувончга, меҳрга тўла кўзларини эсларди.

Навруздан олдинги сўнгги сешанбадан бир ҳафта олдин ҳамма ёқни тозалаш, оқлаш бошланарди, ойна, эшиклар ювилиб, кўрпа-тўшаклар, ёстиклар уриб-қоқиб тозаланарди, тикиб-чатиларди. Уй ичи ораста қилиниб, гиламлар солинарди, устига момик болишлар териб қуйиларди. Ҳар донимгидек, ахил оила дастурхон атрофида ўтмиш хотиралари, куни кеча кечган воқеалар ҳақида суҳбатлашишарди.

– Эсларингдами! – деди уйнинг энг кенжаси Шафика, – бир марта Навруз олдидан қор ёққан эди!

– Биз томонларда бу оддий ҳол, – деди Жалол Шафикага.

Март ойидаги бу қор Шафиканинг ёдида бир умр қолган. Оталари билан оналари энг катта гиламни ҳовлига олиб чиқиб, қор устига ёйишди, болалар унинг устига қўлқопсиз уюм-уюм қор ташлашди, шу қувноқ даврада кимдир, албатта, бир сиқим қорни биронтасининг ёқаси ичига ташлар, у бўлса бақирар, қий-чув бошланарди, Иззат хоним эса аччиқлангандек бўларди.

Кейин гиламни супуриб, уйга солишарди, ундан оёқларга муздек майинлик тараларди, димоққа салқинлик уриларди.

Байрамга Алиевлар хонадониди, халқ эътиқодига кўра, чанг-тўзон, кир-чир орқада, ўтмишда қолсин деб, ҳамма нарса ювиб-таралган, тозаланган бўларди. Байрам куни ҳамма ундирилган бугдой, шам билан безатилган дастурхон атрофида йиғиларди. Байрам дастурхонида юзига тархун сепилган палов, ичига майиз, олхўри ва йирик туршаклар тикиб пиширилган товук босилган учар палов тортилар эди.

Столни оналари тузарди. Қизлар ёғли патир, кулча, оилада ҳамма суйиб истеъмол қиладиган ширинликларни қуйишарди. Сут, ёғ, тухум, эзилган ёнғок, янчилган занжабил, долчин, хил, калампирмунчоқ солинган хамирдан тайёрланган бу неъматларни оналари ўзи тандирда ёпар эди.

Иззат хоним паловни тортар экан, столга албатта гулқанд – атиргул гулбаргларидан тайёрланган шинни кўяр эди. Кейин эса энг ҳаяжонли дақиқа – совға улашиш бошланар эди. Ота-она буларни аввалдан тайёрлаб қуйишади: қизларга кўйлак, ўғил болаларга ботинка ёки кўйлак бериларди. Уйинчоқларга пул етмагани учун энг зарур нарсалар олинар эди. Ииллар утиши билан шундай кунлар келдики, Ҳайдар ҳам онасига совға қиладиган булди, буни қизлар яхши эслашарди. У Ленинграддан онасига совға қилиб гулдор кўм-кўк маркизет олиб келганди, ундан Иззат хоним ўзига ёкадиган ёпинчик тикиб олганди.

Янги либослар кийган болалар гулхан ёқиш учун ховлига чиқишарди. Асосан ёшлар Озарбайжон фольклори қаҳрамонлари Кўса ва Качал қиёфасида у хонадондан бу хонадонга ўтиб, байрам билан табриклашарди.

Президент Ҳайдар Алиев 31 март – Озарбайжон халқи киргин қилинган кун<sup>1</sup> муносабати билан Озарбайжон халқига мурожаат қилиб, қуйидагиларни таъкидлаган эди:

«Биз тарихда содир бўлган, арман миллатчилари томонидан мунтазам бузук шаклда амалга оширилаётган воқеаларни бугунги кунга нисбат берипга, улардан одамлар ва халқлар ўртасига нифок солишга қаршимиз. Биз учун бугунги дунёда урушни тарғиб қилиш; инсонга нисбатан нафрат идеологияси, бошқа давлатларга нисбатан худудий даъволар йўл қўйиб бўлмайдиган ҳодисалардир. Мустақиллигимиз гуфайли яратилган имкониятлардан фойдаланиб, мамлакатимизнинг доимий тараққиётига эришишни, ҳамюртларимиз учун фаровон ҳаётни бунёд этишни истаймиз».

Кўшнини танлаб олинмаслиги – исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Улар билан тинч-тотув яшаш зарур. Бу гап барча халқларга ҳам тўлиқ тааллуқли. Озарбайжон халқи, тақдир тақозосига кўра, миллий хусусияти, менталитети, этник келиб чиқиши бўйича хилма-хил кўшнилари билан яшаб келмоқда. Уларнинг ҳам, бизнинг ҳам бошимиз узра ягона осмон. Таасуфки, бу осмон доим ҳам мусаффо булавермас экан.

<sup>1</sup> Озарбайжон Республикаси Президентининг «Озарбайжонликларнинг геноцид қилиши» тўғрисидаги Фармони 1998 йил 26 мартда эълон қилинган эди. Ҳайдар Алиев 31 мартни Озарбайжонликларнинг геноцид қилинган куни деб эълон илди. Озарбайжон Демократик Республикасида 1918 ва 1919 йилларда айни шу кун киргин қурбонларини хотирлаш умуммиллий мотам куни сифатида нишонланган эди.

## 2002 йил 3 март, Боку

Журналистлар Ҳайдар Алиев ҳақида гапирар эканлар, кўпинча чиройли ташбеҳларни ишга соладилар. Шундай ташбеҳлардан бирида уни бақувват илдилари она ер бағрига сингиб кетган кудратли асрий чинорга ухшатдилар. Чинормонанд инсон... Нишонга урган ташбеҳ. Ҳайдар Алиев 3 март куни Президент саройида дунёга донғи кетган кишилар – Мстислав Ростропович билан унинг турмуш ўртоғи Галина Вишневскаяни қабул қилди.

– Кадрли Слава! – деди Президент. – Сизнинг 75 йиллик туйинингизга бағишланган тантаналар Озарбайжонда – Сизнинг Ватанингизда бошланаётганидан мен бениҳоя хурсандман. 2002 йил Ростропович 75 ёшга тулганлиги, март ойи эса Ростропович 75 ёшга тулган ой. Ушбу қувончли воқеалар сизнинг жонажон юртингизда бошланмоқда. Мен биламанки, бу туй тадбирлари Сиз улкан ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган ва сизни севишадиган бошқа мамлакатларда, улкан паҳарларда ҳам давом этади. Сиз юртимизга Глобал вакцинация фонди делегацияси билан келдингиз ва бир миллион доллардан ошик маблағлик вакцина олиб келдингиз. Бу бизнинг республикамизга курсатилмаётган жуда катта ёрдам. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, бу жуда катта аҳамиятга эга соҳа – болалар соғлиғи соҳасига катта ёрдамдир.

Озарбайжон билан халқаро алоқаларни ривожлантиришдаги буюк фаолиятингиз ва Озарбайжон мусиқасини ривожлантиришга қўшган юксак хизматларингиз учун, Сиз, кадрли Слава, Президент фармонига мувофиқ Озарбайжоннинг энг юксак ордени – «Истиқлол» ордени ила мукофотландингиз.

Таниқли мусиқашунос, узининг узоқ давом этиб келаётган ижодий ҳаётида кўп эзгу сузлар ва мактовлар эпиттан, гулдурас қарсақларга сазовор бўлганди. Бирок шу дамда у узини озрок йукотиб қўйгандек бўлди.

– Туйғуларим шу қадар жунбишга келдики, – деди у, – фикрларимни бир оз йигиб олишимга тўғри келади. Биринчидан, мен жуда кўп нарсалар учун – ўқитанлари учун, билим берганлари учун, ҳамма-ҳаммаси учун ўз ота-онамдан беҳад миннатдорман. Лекин мени дунёга келтириш учун ер юзининг энг яхши, гўзал гўшасини танлаган онамдан чексиз миннатдорман.

Албатта, таъкидлашим керакки, Озарбайжонга, Бокуга бўлган муҳаббат менга отамдан ўтган. Отам бу ердан кетганидан кейин Москвада яшади. Бу ерда – Бокуда мен яхши ганийдиган машҳур инсоннинг музейи бор. Мен гўдак эдим, лекин мени отам у билан гаништирган эди. У отамнинг яқин дўсти Узаир Ҳожибеков эди. Москвада озарбайжон санъати декадаси бўлганида отам: «Сени буюк мусиқачи билан таништираман», – деб мени «Москва» меҳмонхонасига олиб борди. Мен Узаир Ҳожибековнинг

сиймосини бир умрга эслаб колдим. Узаир Ҳожибеков музейида отам унга уруш олдидан ёзиб юборган хат бор. Бу хатида отам: «Мен Москвадан Бокуга қайтишни жуда орзу қиламан», – деб ёзган эди.

Уруш бошланиб қолгани учунгина отам Бокуга қайтиб кела олмади. Биз Оренбургга кучишга мажбур бўлдик, отам шу ерда 1942 йилда вафот этди. Мен бу қайғули ходисани бир умр эслаб қолганман. Шу боис Бокуга ҳар йили келиб кетишим мен учун улкан неъмат. Ҳар гал Бокудан жунаб кетаётганимда, бу шаҳарга мени қайта олиб келадиган самолётга яна қачон ўтирар эканман, деб ўйлай бошлайман.

Президент қабулида Мстислав Ростропович Россия ва Озарбайжон ҳақида яна шундай деган эди:

– Утган давр ичида менинг учун бахтиёр дамлардан бири Сизнинг Президент Путин билан учрашувингиз бўлди.

Бу мен учун қувончли ҳамда бахтиёр онлар эди. Мен таълим-тарбияни Россияда олган, умрининг катта қисмини ўша ерларда ўтказган киши эканлигимни биласиз. Мен учун Россия ва Озарбайжон гўё менинг икки бўлагим. Шунинг учун мусика соҳасидаги, маданият соҳасидаги алоқаларни, рассомлар, адиблар ўртасидаги алоқаларни йўқотиш мумкин эмаслигига аминман. Буларнинг ҳаммасига не азоблар билан ҳамкорликда эришганмиз. Шунинг учун Сизга раҳмат. Сиз жуда ақли расо инсонсиз, буни бутун дунё билади. Бу учрашув сиз буюк давлат Президентини эканлигингизни тасдиқлабгина қолмай, балки узокни қўрувчи, бағри кенг, меҳрибон инсонлигингизни ҳам намойиш этди. Чин юракдан Сизга раҳмат.

Кечқурун «Республика» саройида Мстислав Растропович Узаир Ҳожибеков номли Озарбайжон Давлат симфоник оркестрига дирижёрлик қилди. Қани энди, қоғознинг тили бўлса-ю, Мстислав Леопольдович ўз она шахрига қандай ғаройиб мусика кечаси ҳадя қилганини айтиб бера олса!

Зарифа хоним дунёдан куз юмган мудҳиш 1985 йилдан буён 15 апрель Ҳайдар Алиев ва Алиевларнинг барча уруғи ҳаётида мутлақо алоҳида, унутилмас кунга айланди.

2002 йил худди шу куни Ҳайдар Алиев, Илҳом, унинг фарзандлари, қариндош-уруғлари, Бокуда бўлган барча яқинлари Зарифа Азизовна қабри зиёратига боришди. Бош эгиб, тин олдилар, сўнг қадимий урф-одат бўйича, қуёш тафтида қизиқ турган бронза ёдгорликка қафтларини қўйдилар...

Озарбайжоннинг истеъдодли хайкалгароши Омар Элдамов ясаган мрамор хайкални Алиевлар онласи аввалига Москвага – Зарифа хоним қабрига олиб бориб ўрнатишни мўлжаллаган эдилар. Уша дамларга келиб Ҳайдар Алиев учун «уни олиб кетиш муаммоси» пайдо бўлди.



– Келгусида нима бўларкин? Шу каби саволлар қийнарни мени. Шунинг учун Омар Элдоровга ундан миннатдорлигимни билдириб, ҳозирча ҳайкални ўз устахонасида сақлаб туришини илтимос қилдим. Аҳвол шундай эдики, эртанги кундан умид қилиб бўлмасди. Агар бу ишни бажара олмасам, фарзандларимдан бири охирига етказар, деб ўйлар эдим. Омар Элдоров бу ҳайкални ўз устахонасида 8 йил сақлади.

Бокуга қайтгач, бир неча бор устахонага бориб, улкан ҳайрат билан бу ҳайкалга боқар эдим. Биласизми, бир томондан бу ҳайрат Зарифа хоним хотираси, ҳурмати туфайли бўлса, бошқа томондан, ҳақиқатан ҳам юксак даражада маҳорат билан ишланган бу ҳайкал мени ҳаяжонга солар эди. 1994 йилда Зарифа хонимнинг хоки Москвадан Бокуга кўчирилгандан кейин ҳаётимда янги давр бошланди. Ҳайкални қаерга ўрнатиш керак? – деган муаммо туғилди. Омар Элдоров бу ҳайкал музейга муносиб эканлигини айтганда бу каби санъат асарини, эҳтимол, музейда сақлаш зарурлигини тушувиб, рози бўлдим. Бу суҳбат 1994 йилда бўлиб ўтганди. Қабр устига ўша ҳайкал асосида ясалган бронза ёдгорлик қўйилди (*Ҳайдар Алиевнинг 1997 йил 15 апрелда Бокудаги санъат марказида бўлиб ўтган «Элегия» асари – Зарифа Алиеванинг мрамор ҳайкали ва шу ҳайкал ҳақидаги альбом тақдимида сузлаган нутқидан*).

Ҳайдар Алиев ва Омар Элдоров илк бор талабалик йилларида Ленинградда учрашишган эди. Улардан бири, китобхонга маълумки, Давлат хавфсизлик министрлигининг раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш махсус мактабида ўқирди, иккинчиси эса Репин номидаги (халқ орасида уни «Рева» деб аташарди) Олий бадий билим юртида таҳсил оларди. Омар буш вақтларида Ленинград бўйлаб сайр қилиб юришни хуш қуларди. Нева бўйлаб Университет соҳилидан юриб, «Рева» жойлашган декабристлар майдониغا чиқарди, «Мис чавандоз» (А.С. Пушкиннинг машҳур достони босилиб чиққандан сўнг шаҳар аҳли Петр I ҳайкалини шундай атай бошлаган эди) олдида узок вақт уйчан туриб қоларди. Франсуз ҳайкалтароши Этьен Морис Фальконе ишлаган бу машҳур ҳайкал 1782 йилда Сенат майдонида очилган эди. Шундан бери у Петербург – Петроград – Ленинграднинг юзи ҳисобланади.

– Ҳайкалтарош Фальконенинг ижодий даҳоси Россияда яшаган даврида ёркин намоён бўлди, – мактабда олган сабоғини такрорлаётгандек сузларди экскурсовод. – Русия тарихидаги бурилиш даврининг драмаларга тўла мураккаб томонлари бу асарда жуда теран, мазмундор акс эттирилган. Унда шиддат ва тантанавор улуғворлик уфуриб туради.

Омар фотоаппаратларини чиқиллатаётган сайёҳларга қараб туриб: «Кимга керак чуғур-чуғур? – деб ўйларди.

– Дархақиқат, санъаткор бундай юксак уйғунликка қандай эриша олган экан?».

Қанча куч эгаси бу пахлавон, бок!  
Бу отда нақадар оташ бор шу пайт!  
Қаерга чопасан, мағрур аргумоқ,  
Қаерга босгайсан туёғингни, айт!  
Сен, э тақдирларга қодир ҳужумрон!  
Нақ тубсиз жарларнинг устидан ҳамон  
Темир юган ила шу баландликка  
Русияни сенми кутардинг тикка?!

*(Мақсуд Шайхзода таржимаси)*

Бу вақтга келиб Омар, профессионаллар даврасида у ҳақда айтишганидек, танилиб қолган, кўргазмаларда қатнаша бошлаганди. Боқудаги республика кўргазмасида унинг «Пахтакор» ва «Нефтчи портрети» деб номланган асарлари назардан четда қолмаганди. Маҳаллий матбуотда ёш, истеъдодли ҳайкалтарош ҳақида, унинг оддий кишилар, меҳнаткашлар образини тасвирлашга кизиқиши тўғрисида кўп ёзишди. Лекин Элдаров ижодий йўли энди бошланаётганини танқидчилардан кўра ўзи яхши биларди. Олдинда нима бор? Асрлар оша от суриб келаётган мана шу чавандоз каби одамлар қалбида қоладиган асарлар ярата олармикан? Унинг уй-фикрларини кимнингдир нотаниш овози тўзгитиб юборди.

– Салом, Омар! Менинг исмим Ҳайдар, – деб ўзини таништирди баланд бўйли, қадди-басти келишган йигит. Бу нотаниш йигит ўзи ҳақида шундан булак ҳеч нима демади, Элдаров ҳам сурамади. «Рева»да уни кўрган эмас. Боқуда ҳам учратмагани аниқ. Она тилини соғинган кўринади, бу ҳамвортим.

– Баъзи ишларингни Боқуда кўргазмада кўрганман, – деб гапини озарбайжонча давом эттирди нотаниш йигит. – Менга ёқди.

Шу билан ижодкор зотиға мойдек ёқадиган мақтовлар тугади. Бу санъат шайдоси «Нефтчи портрети»да денгизда, Нефть Дашларида ишловчиларға хос нотинчликни, хавотирни кўргиси келарди.

– Менимча, сен бу кишилар туйғусини, кирғоққа гезроқ қайтиш умидини, оиласи, яқинларини тез орада кўриш орзуларини тасвирлай олмагансан, – деб ўз нутқини тугатди Ҳайдар. – Дилингга озор берган бўлсам кечиргайсан, Омар, – деб қандай пайдо бўлган бўлса, шундай ғойиб бўлди.

Репин билим юртини тугатган Омар Элдаров Боқуга қайтди. Ленинградда учратган нотаниш танишини излаб топишга уринган эса-да, бошқа учратмади. Аммо бир кун

хайкалтарошнинг устахонасига Хайдар Алиевнинг ўзи кириб келди.

Бу воқеа Омар Элдоров учун эса қоладиган кунда содир бўлди – шу кун «Озарбайжон ёшлари» газетасида унинг янги асари – XIX асрнинг таникли озарбайжон шоираси Нотавон хайкали ҳақида мақола чиққан эди. Хуршида бону Нотавон Қорабоғнинг сунгги хони Мехтигулунинг кизи эди, ғазаллари тилдан-тилга ўтиб юрарди.

– Ёдимда, шу кун мен кечгача устахонада ишладим, – эслайди Омар. – Кимдир эшикни кокканда қоронғи тушганди. Эшикни очдим. Узун плаш кийган, шляпали, баланд бўйли йиғит кириб келди. Мен у кишига ечиниб, ўтиришни таклиф қилдим, у шошилаётганини, ўтиб кетаётиб бир неча дақиқага кирганини айтди. Кейин у: «Биз Ленинградда, Петр I хайкали олдида учрашганимиз. Танимадинг-а?» – деб қўшимча қилди.

Тиқилиб қараганимдан сўнг уни танидим. Машҳур хайкал олдидаги учрашувни ёдимдан чиқармаган эдим.

Кучоклашиб қуришдик. Хайдар газетада мен ҳақимда ўқиганини, ишлаб турганим Нотавон хайкалининг суратини қўрганлигини айтди, омадим келишига ишонч билдирди. Агар мумкин бўлса, баъзи фикр-мулоҳазалари ва маслаҳатларини айтмоқчи эканлигини билдирди.

Хайкалтарош Хайдар Алиевни кузатиб қўйгандан кейин, ўзи учун ёзиб олган унинг сўзларини келтиради: «XIX асрдаги машҳур шоирамиз Нотавон лирик ғазаллари билангина эмас, балки амалий безак санъатига оид асарлари, тенги йўқ нақшлари билан ҳам машҳур ижодкордир. Таникли француз ёзувчиси Александр Дюма ўз вақтида Россия бўйлаб саёҳатда юрганида Нотавондан ясаган буюмларидан биронтасини соғва қилишни сўраган. «Улар меники эмас, халқимники». – деб жавоб берган экан ушанда шоира. Сен унинг киёфасини мана шундай: халқ кизи – шоира, рассом, каштадўз, саховатли инсонлигини очиб беришинг керак».

Омар Элдоров бу маслаҳатни чин дилдан қабул қилди. Нотавон хайкали 1960 йилда «Озарбайжон» кинотеатри олдида ўрнатилди. Бу – моҳир санъаткорнинг энг яхши ишларидан бири эди. Гуё озарбайжон халқининг буюк кизи қалби тошда гирилгандек бўлди. Омар Элдоровга 1963 йили республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби унвони берилди. Кўпгина табриқлар ичида мана бу телеграмма ҳам бор эди: «Омар! Фахрий унвон билан сени чин юракдан юксак табриқлайман. Жуда банд бўлганлигим сабабли сен билан учрашолмаяпман, лекин ижодингни кузатиб бораман. Буюк шоиримиз Фузулийнинг Тукай Мамедов билан биргаликда яратилган бетакрор хайкали. Озарбайжон мусиқа санъатининг асосчиси Узаир Ҳожибековга қўйилган хайкал менда алоҳида бир

ифтихор уйғотади. Яна бир бор табриклайман. Эҳтиром ила Ҳайдар Алиев».

Ёзувчилар, мусиқачилар, рассомлар, меъморлар, бир сўз билан айтганда, адабиёт ва санъат аҳли Ҳайдар Алиевнинг доимий диққат марказида эди. Бирларига, айтиб ўтганимиздек, бутуниттифок экранига чиқишда ёрдам берар, ҳасади туфайли бир-бири билан тескари бўлиб қолганларни яраштириб қўяр, учинчиларининг турмушидаги мушкулени осон қиларди. Боку шифокорлари таникли ёзувчи Фикрат Хужанинг касалини муолажа қила олмадилар. Улар ҳеч нарса қилиб бўлмади, деганларида Ҳайдар Алиев адибни Москвага жўнатиб, Иттифокнинг энг яхши шифохоналаридан бирига жойлаштириш ҳақида кўрсатма берди. Боз устига, операциядан олдин Фикратта кўнгирак қилиб, кўнглига таскин берди:

– Ҳаммаси яхши бўлади, чўчиманг, сизга дунёнинг энг яхши шифокорлари қарашаяпти.

Ушанда москвалик шифокорлар Фикрат Хужани ўлимдан олиб қолдилар.

Маълум бўлган ва номаълумлигича қолган бундай эзгу ишлар қанча экан, дейсиз! Баъзилари ҳақида хотираларда ёзилган, бошқалари эса оилавий давраларда қолган...

25 апрелда Президент гадбиркорлар билан учрашди. Таклиф қилинганларнинг рўйхати кенг доирада тузилди. Учрашув тайёрланаётгани ҳақида республика газеталарида озарбайжон ва рус тилларида ахборот берилди. Барча қизиқувчилар иктисодий ривожланиш вазирлигига мурожаат қилишлари мумкинлиги айтилиб, боғланиш учун телефон рақамлари берилди. Аудитория шу тариқа тўлланди.

– Бутунги учрашувнинг асосий мақсадларидан бири сизлардан, гадбиркорлардан тўғри, объектив ахборот олишдир, – деди Ҳайдар Алиев йиғилганларга мурожаат қилиб. – Такрор айтаман: тўғри, объектив ахборот олиш. Яъни сиз бор гапни очик айтишингиз керак.

Биз бу учрашувга Озарбайжоннинг маҳаллий гадбиркорларинингина чақирдик. Бу ерда давлат органларидан, уларнинг гадбиркорлик ва бозор иктисодиёти шаклланишида иштирок этадиган раҳбарларидан ҳеч ким йўқ. Бу ерда мендан тапқари, бош вазир, Президент девонининг ижрочи аппарати раҳбари, иктисодий масалалар бўйича давлат маслаҳатчиси ва Президент ёрдамчиси ўтирибди. бошқа ҳеч ким йўқ. Нима учун мен бундай қилдим? Сиз бу ерда эркин гапиришингиз учун, айрим вазирлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш, солиқ ва бошқа органлардан жаноблар сизга ола қарамасликлари, тазйик ўтказмасликлари учун... Сизлар бутун берган ахборотлар ўрганиб чиқилади, таҳлил қилиниб, шу асосда якуний кенгашимиз ўтказилади.

## Гулнор – тинчлик элчиси

10 май – Ҳайдар Алиевнинг туғилган куни. Шу куни у кўплаб расмий хат ва телеграммалар олди. Боқудаги С. Магеррамов номли 106-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Гулнор Ҳусейнованинг хати энг қадрлиси бўлди. У Президентни чин юракдан болаларча таъсирчанлик билан табриклади ва ундан тенгдошларини ҳимоя қилишни сўради. «XX аср илм-фан, техника асригина эмас, балки урушлар даври ҳам бўлиб қолди, – деб ёзганди у. – Илм-фан ривожини, бир томондан, тараққиётга олиб келган бўлса, бошқа томондан, атом, нейтрон бомбалар, термоядро қуроллари ишлаб чиқариш учун шарт-шароит яратди. Бу эса миллионлаб одамларнинг ёстиғини қуритади. Барча урушларда энг қаттиқ зарба болаларнинг бошига тушади.

Мен она шахримда урушни ўз кузи билан кўрганларданман. Кўплаб кишилар қатори мен ҳам қадрдон еридан ажралган ва она юртини кўмсаб яшаётганлардан бириман.

Мен эртанги кунимизни ёруғ, осмонимизни беғубор кўришни, уруш бўлмаслигини болалар ота-оналари бағрида бўлишини, одамлар ўз уйларида, ўз жойларида яшагини хоҳлайман».

Гулнор ўзининг хатига: «Агар мен тинчлик элчиси бўлсам...», – деб сарлавҳа қўйган эди.

2002 йил 13 майда Озарбайжон Президенти фармон чиқарди. Унда Билясувар райони ҳудудига мажбуран кўчиб келганларга ёрдам бериш кўзда тутилганди. Ҳайдар Алиев қочоқлар ва чодирларда яшаётган мажбуран кўчиб келганларнинг ижтимоий-маиший шароити билан шахсан ўзи шугулланар эди. Бу ишни бошқа бировга юклашни хоҳламас ва буни қилолмасди.

Сиёсатчи ишбилармонлар жабрдийдаларнинг бошига тушган кулфатдан фойдаланиб, Қорабоғ муаммосини уруш йўли билан ҳал қилишга чақирардилар. Бундай даъватлар кўпинча масъулиятсизлик оқибати эканлигини айтиш лозиммикан? Уруш – фақат қон тўкиш бўлган. Урушдан доним энг химоясизлар жабр кўришган.

22 май, Озарбайжон Республикаси мустақиллиги Ватикан томонидан тан олинганлигининг 10 йиллиги олдидан Рим папаси Иоанн Павел II Боқуга расмий таъриф билан келди. Италия газетаси «Стампа» нинг ҳисоби буйича, шу вақтгача Озарбайжонда 130 та католик яшар экан. Шунга қўра, кўчага кўпчилик чиқиши кутилмаётган эди. Аммо «Стампа» гап ажойиб ҳодиса ҳақида бормоқда, деб адолатли равишда қайд этди. Рим папаси ҳам, Ҳайдар Алиев ҳам уни худди шундай баҳоламоқда эдилар.

– Сизнинг ислом дини кенг тарқалган мамлакатларга, шунингдек, Озарбайжонга қилган сафарларингиз икки буюк жаҳон динлари ўртасида тотувлик ва ўзаро ишонч мустаҳкамланишига хизмат қилади, – деди Рим палатасига мурожаатида Президент. – Сиз инсонлар ўртасида меҳрибонлик ва ғамхўрликни тарғиб қиласиз, оғир аҳволга тушган одамларни сабр-тоқатли бўлишга даъват этасиз. Озарбайжонда ҳам шундай офатлардан жабр кўрганлар бор. Булар Арманистон томонидан Озарбайжон ерлари босиб олингани туфайли ўз она маконидан қувғин бўлган миллиондан зиёд озарбайжонлик қочоқлардир. Бу одамлар сизнинг хайрихоҳларча сузларингизга, тасаллига муҳтождирлар. Улар адолат тантанасида Сизнинг ҳам ёрдамингиз бўлишига умид боғладилар.

– Мен бу тарихий мамлакат маданиятининг бойлигига нисбатан юрагимда чуқур ҳаяжон ва ҳурматни сақлаган ҳолда келдим. – деди Ватикан бошлиғи жавоб нутқида. – Кавказликларга хос хилма-хил фазилатларга бой бу мамлакат жуда кўплаб маданиятларга, жумладан, форс ва олтой-турон маданиятларига мансуб бойликларни камраб олган. Бу заминда йирик динлар мавжуд бўлган ва ҳозир ҳам бор: қадимда жуда катта роль ўйнаган оташпарастлик Албан черкови христианлари билан тинч-тотув яшаб келган эди. Кейинчалик бу ҳудудда ислом дини катта роль ўйнади. Бугунги кунда у Озарбайжон халқи кўпчилигининг дини ҳисобланади... Ҳатто черковнинг дастлабки ҳашамати пасайган пайтларда ҳам христианлар бошқа динлар вакиллари билан ёнма-ён ҳамжиҳат яшаганлар. Бунга шу ерда мавжуд диний бағрикенглик туфайли эришилдики, бу билан фахрлансангиз арзийди. Парвардигорга илтижо қилиб сўрайманки, барча низолар тезроқ барҳам топиб, бу маконда адолат ва ҳақиқат заминидан тинчлик, тотувлик устувор бўлсин!

Боқуда костёл энди қурилаётгани боис папа спорт саройида ибодат қилди. Аммо гап бунда эмас, асосийси папанинг Боқуга келгани. Бу Озарбайжон тан олаётганидан далолат беради ва унинг етакчиси дунё миқёсида эътироф этилганини кўрсатади.

Эркин кураш бўйича Боқуда ўтказилган 45-Европа чемпионатига бутун дунёдан кўплаб вакиллар йиғилди. Президент чемпионат катнашчиларига табрик билан мурожаат этди.

Чемпионатни Озарбайжон Миллий олимпия қўмитасининг президенти Илҳом Алиев очди. У Халқаро олимпия қўмитасида республиканинг муносиб вакили бўлди.

Озарбайжон тилида рус тилидаги «папёнькин сынок» деган маталга тўғри келадиган ибора бор. Бу – «дедилар» (отасининг паноҳида қун кўрадиган, деган маънода).

Таниқли шоир ва сийёсатчи Вокиф Самад ўтли шундай ёзда: «60-йилларда адабиётга кириб келганимизда бизга нис-

батан жуда куп даъволар килинган эди. Бизнинг авлод вакилларининг купини «дедиллар» деб атардилар. Бу сўз маълум ижтимоий тоифани англатарди. Мен бу сўзни утган асрнинг иккинчи ярми китобларида қолиб кетган, деб ўйлардим. Лекин адашган эканман. XXI аср бошида юкоридаги ибора Илҳом Алиевга нисбатан ишлатила бошланди, гўёки Ҳайдар Алиевнинг ўгли сиёсатчи бўлиши мумкин эмасдек. Нима учун, ахир! Биз Илҳом Алиев билан Страсбургда бирга куп буламыз. У ўзини етук сиёсий арбобдек тутуди. Менимча, у ерда Илҳом олиб бораётган ишни Озарбайжонда бошқа ҳеч ким қила олмайдди».

## Тарих сабоқлари

Президент Алиев ўз нутқларида ва чиқишларида Озарбайжон Демократик Республикаси сабоқларига куп бора мурожаат қилган эди.

Унинг иш столида қискагина яшаган ўша республика тарихига оид китоблар, ҳужжатли асарлар турар эди. Озарбайжон Демократик Республикаси гинчлик делегацияси раҳбари, ОДР парламенти раиси Алимардонбек Тупчибошев 1919 йилда Париждан Бокуга, Озарбайжон ҳукуматига мактуб йўллаган эди: Бизни ҳали давлат сифатида тан олишмаётгани тўғри. Лекин каерга бормайлик, бир ярим йилдан бери давлат сифатида мавжуд эканлигимизни айтмоқдамиз. Ўз парламенти, ҳукумати, маъмурияти, суди, мактаблари, армияси бор Озарбайжон суверен давлат сифатида яшаётганлигини ҳаммага таъкидлаялмиз. Мана шу Озарбайжон большевикларнинг шафқатсиз тазйиқларига чидади, бинобарин, озарбайжонликлар яшовчан халқ, у ўзининг мустақил давлатини қура олади. Кучимиз стадимиз-йўқми, лекин бу қароримизда туришимиз ва уни ҳимоя қилишимиз керак. Биз, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётга лаёқатли эканлигимизни исботлаш учун ҳозир жиддий синовдан ўтаётганимизни ҳамма, бутун халқимиз яхшилаб англаб олишини истардик.

Бу ишга кучимиз етишига ишонман. Чунки халқимиз лаёқатли, юртимиз табиий захираларга бой. Лекин шу вақтгача ахлоқий негизларга суянадиган сиёсий мактабимиз йўқ... Юртимизда, унинг маъмурий тузилмаларида ва судларда тартиб ўрнатишимиз, умуман қонунларни ҳурмат қилишни йўлга қўйишимиз лозим. Ички ҳаётда шундай мустаҳкам тартиб ўрнатилгандагина Озарбайжон давлат бўлиб қолиши мумкин. Бировларнинг тан олишига муҳтож бўлмайдиган давлат бўлиб қолиши мумкин. Чунки ботинан кучли, барқарор Озарбайжон реал ва рад қилиб бўлмайдиган факт сифатида ўз-ўзидан тан олинади».

Тупчибошев «давлатнинг ички ҳаётини тартибга солишни» яшовчан давлатни қуриш шарти бўлган масала сифатида кундаланг қўйган. Ҳайдар Алиев ҳам ўз иш фаолиятида шунга эришишга интилаганди.

Ҳайдар Алиев бутун жамиятни бирлаштиришга хизмат қиладиган мафқуранинг назарий асосларини ишлаб чиқиш ташаббускори бўлди. Бу – озарбайжончилик эди. Жаҳон озарбайжонларининг I съездидаги чиқишида у шундай деб таъкидлаганди: «Биз озарбайжонлармиз. Ҳаммамиз учун Ватан ягона, бу – Озарбайжон. Бу замин бизни халқ қилиб, миллат қилиб, шахс қилиб вояга етказди. Шунинг учун ҳар биримизда озарбайжончилик руҳи яшайди. Ана шу озарбайжончилик руҳи, озарбайжончилик ғояси бизни бир-биримиз билан боғлайдиган ва янада маҳкамроқ жипсладишимизга ундайдиган восита бўлиши лозим. Ҳар бир давлатнинг ўз миллий мафқураси бўлади. Мустақил Озарбайжоннинг миллий мафқураси озарбайжончилик мафқурасидир».

Ҳайдар Алиев ўзининг нутқ ва маърузаларида бу фикрларига бир неча бор қайтганди. Албатта, унинг тарафдорлари билан бир қаторда, ўз юртида ҳам, хорижда ҳам муҳолифлари бор эди. «...Республиканинг бутунги мафқуравий ҳаётида икки йўл ёки икки тенденция яққол кўриниб турибди, – деб ёзган эди академик Афранд Дашдамиров. Биринчи йўл Озарбайжон ғоясини умумтуркий, умумисломий ғояларга қўшиб юборишга қаратилган. Иккинчи йўл эса Озарбайжоннинг қўп қатламли этник маданиятини, шу жумладан унинг туркий илдизларини, кавказча воқеликни, миллий-демократик анъаналарни, ислом негизларини интеграцияловчи озарбайжонизм формуласини химоя қилади».

28 май – Республика куни. 1918 йилда айна шу кунда Шарқдаги биринчи демократик давлатга асос солинган эди. 1918 йили Хойлик Фатали хон, Насиббек Юсифбейли, Мамед Эмин Расулзодаларнинг сазъ-ҳаракати билан мустақил Озарбайжон Демократик Республикаси ташкил этилган эди. Республика парламентида Славян фракцияси фаол иш олиб борарди. Тарихчиларнинг баҳосига кўра, «амалда рус аҳолисининг асосий қисми манфаатларини химоя қиларди». 1917 йил 26 октябрда «Мусовот» («Тенглик») партиясининг I съездида Мамед Эмин Расулзода айтган сўзлар ҳақиқатга айлана борди. Унинг айтишича: «Мустақил Озарбайжон давлати ташкил топади ва бу янги давлат мустақил давлатлар иттифоқига кирарди». Вақт гайратли сиёсатчининг фикрлари тўғрилигини тасдиқлади. Дарвоқе, 1902 йил ана шу 17 ёшли Боку техника билим юрти талабаси шаҳарда Мусулмон ёшлар ташкилотини тузган эди. Кейинчалик «Гуммет» («Қувват») номли мусулмон социал-



демократик ташкилотни пайдо бўлиб, РСДРП Боку қўмитаси билан ҳамкорлик қилди. Ҳозирги республика ОДР нинг ҳам. Совет Озарбайжонининг ҳам анъаналарни, ижобий тажрибаларининг ворисидир.

Бунинг бари – жонли тарих, унга дахл қилиб бўлмайди. Лекин тарих ўзгартириб ҳам талқин қилинди. Озарбайжон халқ шоири Бахтиёр Ваҳобзода бу ҳақда жуда кўп мулоҳаза юритган. Биз билан суҳбатда у тарих ҳақиқатининг «оғзини ёпишга» уринилганда, Ҳайдар Алиев ҳақиқат ҳимоясида собит турган вақтларни эслаганди.

– Республикада серҳосил, бепоён ерларимизни, кўп асрлик тарихга эга шаҳарларимизни подшо Россияси билан форс шоҳлари бўлишиб олганини қонунлаштириб берган Гулистон шартномаси имзоланганининг 150 йиллигини (1813 йили) тантанали нишонлашга тайёрланилмоқда эди. Бу тадбирни нишонлаш марказнинг буйруғи билан режалаштирилганди. Марказнинг хизматга тайёр ноиблари курсатмаларни сўзсиз бажарар, лекин қалби тарихий хотиралар билан яраланган халқнинг юраги қақшарди. Афсуски, ўша йиллардаги зўравонлик, таъкиб этишлар, тақиқлар, моддий ва маънавий мосуволиклар оммавий чиқишларга йўл қўймас эди. Қалбимдаги миллий гурур ва виждон азоби, санъаткорнинг тарих олдидаги масъулияти норозилик мисраларига айланиб, «Гулистон» дostonимни ёздим.

Таъкиб ва ман этилишларга қарамай, дoston қўлёзмалигидаёқ қўлма-қўл бўлиб кетди. Бутун Озарбайжонда уни зиёлилар, талабалар ёдлаб ола бошлашди. Қадрдон шаҳрим Шекидаги «Нуха фехляси» газетаси дostonни босиб чиқарди. Шундан кейин менинг қора кўнларим бошланди. Изимга тушишлар, терговлар, таъкиблар... Мен қамалишимга шубҳа қилмай қўйгандим. Аҳвол шу даражага бордики, дарвоза олдида машина тўхтаса ёки сигнал чалса, чўчиб тулар эдим. «ДХК дан келишди, ҳозир олиб кетишади», – деган хаёл миямдан кетмас эди. Ростини айтман, энг ёмон кўнларга ўзимни тайёрлай бошладим.

Ўша кезларда яқин қариндошларимдан бири ДХКда ишларди, лекин на мен, на у бу ҳақда миқ эта олмас эдик. Бир кун шу қариндошим олдимга келиб: «Хотиржам бўл, сени қамамайдилар, сенинг ҳимоячинг бор», – деди.

Мен бу сўзларни ҳамдардлик билдириб, бардамлик тилаб, овутиш учун айтди, деб уйладим. Кўп йиллар ўтгандан кейингина мени бу офатдан ўша пайтларда ДХК раисининг биринчи ўринбосари бўлган Ҳайдар Алиев сақлаб қолганлигини билдим...

У менга дўстим деб мурожаат қилгани йўқ, мен ҳам бу сўзни айтишга ботина олмадим. Лекин ҳар доим содиқ дўстнинг ўзимга нисбатан эътиборини сезиб юрдим.

90 йилларнинг уртасида қаттиқ бестоб бўлиб қолдим. Тургисини айтсам, тузалиб кетишимга ҳеч қандай умидим қолмаган эди. Яна уша дуст менга ёрдам қилини узатди. Ҳайдар Алиев қўнғирок қилиб, соғлигимни сўради ва суҳбат охирида: «Тайёргарлик куравер, сени уз ҳисобимдан Туркияга шифохонага жунатаман», – деди.

Мен миннатдорчилик билдирдим, 2–3 кундан кейин олдимга топшириқ билан бир киши келиб, столга Президент юборган 30 минг долларни қўйди ва эртага йулга чиқишимни, Туркияга учадиган самолётга билет буюртириб қўйилганлигини айтди. Анкарада мени энг яхши клиникалардан бирига жойлаштиришди. Бир куни Туркия Президенти Сулаймон Демирел мени кўргани келди. Соғлигимни сўради ва : «Сиз икки давлатнинг, ер юзидаги барча туркий халқларнинг шоирисиз. Сизни муолажа қилиш билан боғлиқ барча ҳаражатларни мен уз зиммамга оламан. Ишончим қомилки, якин орада соғайиб, Озарбайжонга қайтасиз ва миллатимиз, қони-пушти, тили, дили, адабиёти, тарихи бир миллатимиз учун зарур шеърлар ёзасиз», – деди.

Бокута қайтгач, Ҳайдар Алиевич Алиевга қўнғирок қилиб, учрашишга истагим борлигини айтдим. У шу заҳоти вақтини белгилади. Туркияга кетишимдан олдин у берган 30 минг долларни учрашувга олиб бордим. Президент соғлигимни сўради. Мен миннатдорчилик билдирдим ва пулни столга қўйдим. У менга ҳайрон бўлиб қараб:

«Бу нима?– деб сўради.

Мен Президент Сулаймон Демирел барча сарф-ҳаражатларни уз зиммасига олганлигини ва бир манат ҳам ишлатишимга йул қўймаганини айтдим. У кулиб қўйди-да:

– Олиб қўйинг-да, бошқа эҳтиёжингизга ишлатинг,– деди.

Шу пулларга мен 8 жилдлик асарларимни нашр эттирдим. Бутун ижодий ҳаётим давомида мен бу буюк шахснинг гамхўрлигидан баҳраманд бўлдим.

6 июнь куни Ҳайдар Алиев АҚШ Президентининг Каспий ҳавзаси энергия захираларини ривожлантириш бўйича махсус маслаҳатчиси, элчи Стивен Мэнн бошчилигидаги АҚШ делегациясини қабул қилди. Президент меҳмонларни кутлар экан, уларнинг «Каспий – нефть, газ, нефтни қайта ишлаш ва нефть кимёси» IX кўргазмаси ва Халқаро конференцияси ишидаги фойдали ишларини қайд этиб ўтди.

– Президент жаноблари!– деди Стивен Мэнн. – Элчилик давримдаги фаолигимда менга икки марта Президент Бушнинг хатларини эгаларига топшириш буюрилган эди. Ҳар икки хат ҳам Президент Буш томонидан Сиз олий ҳазратларига юборилган эди. Боку – Жайхон лойиҳасини қўллаб-қувватлаганлигингиз учун биз америкаликлар ўзимизнинг эҳтиромимизни

шу тарика изҳор этамиз. Шунингдек, биз мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда шу даражага эришишдаги кўмагингизни юксак қадрлаймиз.

Ҳайдар Алиев элчига миннатдорчилик билдирди:

– Бу хатлар бизнинг мамлакат учун жуда муҳимдир. Президент Бушнинг мактуби IX Халқаро кўргазма ва конференциянинг очилиши маросимида ўқиб берилгани АҚШ ва унинг Президенти Каспий хавзасида нефть-газ конларини аниқлашга, энергия захиралари экспортига қанчалик катта эътибор бераётганлигини кўрсатади. 1994 йилда биз «Аср шартномаси»ни имзоладик ва кейинги барча босқичларда АҚШ ҳукумати ва унинг қўллаб-қувватлашини сезиб турдик. Бизлар 1999 йилда Истанбулда имзолаган Боку – Тбилиси – Жайхон қувур ўтказгичи орқали нефтни экспорт қилиш лойиҳасини тасдиқлаш тўғрисидаги битимни АҚШ Президенти имзолагани АҚШ ҳукумати бизнинг ишимизга қанчалик катта эътибор қаратаётганидан далолат беради.

– Биз Каспий денгизи нефти ва газидан фойдаланишнинг янги тарихини яратмоқдамиз, – дея таъкидлади Ҳайдар Алиев. – Мен, биз мана ушбу тарихни яратаётганлар қаторида эканлигимиздан жуда мамнунман. Қилаётган ишимизнинг келажаги катта. Бу тарих биздан кейин ҳам бардавом бўлади...

2002 йил июнда Давлат иқтисодиёт университети 70 ёшга тўлди. «Озарбайжон иқтисодиётини ривожлантириш ва уни ҳозирги жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялаш учун юқори малакали мутахассислар керак», – деди Президент юбилей тантаналарида. У иқтисодий юксалиш даврларини кўрсатиб берди. «Тахминан 1994 йилдан ҳозиргача Озарбайжон иқтисодиётига 9 миллиард доллар инвестиция қилинганини биласизми? Уйлаб кўринг-а, кичкина давлат учун бу жуда катта рақам... Биз нефть шартномаларидан фойда оламиз. Биз Нефть жамғармасини ташкил этдик. Ҳозир бу жамғармада 580 миллион долларга яқин маблаг бор. Бизда 1 миллиард 200 миллион долларлик валюта захираси бор. Лекин бундан 9 йил аввал, 1993 йил 12 июнда шу ерда, Бокуда Озарбайжоннинг тақдирини ва келажагини зиммамга олиш тўғрисидаги таклифни оғир вазиятда уйлаб ва муҳокама қилиб кургандим. Ушанда 1 доллар ҳам валюта жамғармамиз йўқ эди. Булар – эришган дастлабки ютуқларимиз. Келгуси йилларда даромадларимиз ошади ва халқимизнинг турмуш даражаси яхшиланади, иш ҳақи ортади. Энди бизнинг бюджетимиз тўлиб боради, муаммолар бўлмайди.

Бир неча кун аввал мен Нефть фанлари академияси президенти билан гаплашгандим, бутун ҳам айтмоқчиманки, яқин вақт ичида академия ходимларининг ойлик маошларини ошираман ва бу ҳақда Бош вазирга, молия вазирга фармойиш бер-

дим. Улар менга таклиф тайёрлашмоқда, шу кунларда уларни куриб чиқаман. Хавотир бўлманглар, кутараман. Буни сизлар амалда ҳис этасизлар. Бошқа соҳаларда ҳам ойлик маоши оширилади.

Икки кун олдин бир фармонга қўл қўйдим. Озарбайжоннинг 150 таниқли санъат адабиёт арбоблари ва бошқа соҳаларда фаолият юритаётган кишиларга умрбод стипендия тайинладим. Беш йил аввал бундай имкониятим йўқ эди. Хоҳласам ҳам қила олмасдим... Энди маблағ бор, мана курдингизми, қандай сахий бўлиб қолдим! 150 та стипендия тайинладим. Бу кишиларнинг ҳар бири Озарбайжон адабиёти, санъати, маданияти ва бошқа соҳалар тарихидир. Ҳар бири!»

Озарбайжон адабиётчилари, маданият ва санъат арбоблари билан бирга рус ёзувчиси Иван Третьяков ҳам президент стипендиясига сазовор бўлди. У совет даврида «Озарбайжон адабиёти» журналининг бош муҳаррири бўлганди.

## 2002 йил 12 июнь, Боку

Россия календариди бу кун байрам сифатида кизил ракам билан ёзилади. 1990 йил 12 июнда РСФСР халқ депутатларининг биринчи съезди Россия давлат суверенитети тўғрисидаги Декларацияни қабул қилди. Тўрт йилдан кейин президент Ельцин 12 июнни давлат байрами – Россия мустақиллиги куни деб эълон қилди. «Биз кимдан мустақилмиз!» – деб қизикди Россия халқи. Кремлдагилар бунга тез жавоб топишди ва байрам номини қисқартириб, «Россия куни» деб эълон қилишди.

Турли давлатлардаги Россия элчихоналари миллий тантаналар кунларида протокол бўйича ҳапматли қабуллар утказадилар. Давлат раҳбарлари энг хурматли меҳмонлар бўлади. Тўғри, улар ҳар ерда ҳам Россия элчихонасига ташриф буюришни ўзларига муносиб қўраверибмайди. Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев Россия куни муносабати билан буладиган қабулга муқаррар келар эди. Бу буюк шимолий кўшнига (бу унинг сеvimли сўзларидан бири эди) ҳурмат-эҳтиромини оммавий билдириш учунгина қилинмас эди. Совет давридаги қўпгина рус, россиялик дўстларини, таниш-билишларини куриш Президентга хузур бахш этарди, деб ўйлаймиз. Мана, Алиев дипломатлар, ҳарбийлар, зиёлилар орасида бўйи унча баланд бўлмаган, орденларнинг бир неча қатор планкасини тақиб олган кишини куриб қолди ва у томов юрди:

– Хайрли кун, Третьяков! Саломатлигинг қандай?

Иван Поликарпович ҳассасини у қўлидан бу қўлига олиб саломлашди.

Россия элчиси Николай Тимофеевич Рябов Озарбайжон Президенти дилдан суҳбатлашаётган кекса аскарни танимас эди. Алиев элчи томонга ўғирилди:

– Бу фронтчи, ажойиб ёзувчи Иван Поликарпович Третьяков. Биз у билан 60–70-йилларда дўстона ишлаганмиз. Бу киши бизнинг эски гвардиядан.

– Раҳмат, Ҳайдар Алиевич! – ҳаяжонланиб гапирди Третьяков. – Қалб сўзларингиз учун ҳам, президент стипендияси учун ҳам, кўнғироғингиз учун ҳам...

1982 йилда 24 октябрда Иван Поликарпович 60 ёшга тўлган кунги ёдда қоладиган кўнғироқ фақат иккаласига маълум эди. МК биринчи котиби эрта тонгда фронтчи ёзувчини юбилей билан табриклади. Бундай кўнғироқлар, бундай табриklar асло унутилмайди.

– Демак, бу йил саксонга тўлар экансан-да,– деб суҳбатдошига қаради у. – Албатта табриклайман. Элчи ҳам буни ёддан чиқармайди, деб умид қиламан.

Худди Алиевдек хушбичим, қадди-қомати келишган Николай Тимофеевич бошини қимирлатиб маъқуллади.

Каспий ёзи орқада қолди. Китоб жавонлари билан тула, торгина хонага меҳмонлар йиғилди. Эски кадрдонлар, рус, озарбайжон ёзувчилари, «Рус жамияти»даги таниш-билишлар табриклар кўнғироқ қилишарди. Архангельск вилоятидан юртдошлари телеграмма юборишибди. «Кўчамизга номингизни қўймоқчимиз». Фақат элчидан дарак йук. Нима ҳам дейиш мумкин!

Фавқулудда ва мухтор элчи жуда банд одам. У дипломатик хизмат манзилини қиска вақт ичида уч марта ўзгартирди. Прага – Боку – Кишинев. Марказий сайлов комиссиясидаги анча асабий иш фаолияти даврида айниқса, Ельцин иккинчи марта сайланаётганда унинг раиси дурустгина мукофот олди. Эҳтимол, хизматиغا ярашадир!

Уша июнда Истанбулда Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти аъзоларининг «Уч денгиз афсонаси» деб номланган конференцияси бўлиб ўтди. Конференциянинг номи ҳам Қора денгизга тугаш давлатлар билан уруш жароҳатларидан батамом қутулмаган Озарбайжоннинг ҳамкорлик қилиши мумкин эмас деб ҳисоблаган ноумидликларга жавобдек эди. Аммо ҳаёт Озарбайжонни қайта тиклаш борасидаги режалар асосли ва ишончли эканини кўрсатди.

Буларнинг ҳаммаси Ҳайдар Алиевнинг нуткида ўз ифодасини топди.

– Каспий, Қора ва Урта денгиз муаммоларига боғлиқ «Уч денгиз афсонаси» деб аталган конференция 5 йилдан бери ўтказиб келинади. Нима учун бундай тадбир илгари ўтказилмас

эди? Чунки илгари бу борадаги ишларда бу кадар жипс узаро боғликлик тўғрисидаги ахборот жуда кам, бунга ишонч билдирганлар ҳам кам эди. 1994 йилда «Аср шартномаси» деб номланган битим имзолангандан сунг Каспий денгизи муаммолари бутун дунёда, кенг микёсда муҳокама қилина бошлади. Унгача Каспий денгизи нефть ва газ захираларига бунчалик бой эканлиги дунёда кўпчиликлка маълум эмасди. Лекин биз Озарбайжонда буни билар эдик.

Шундан кейин Озарбайжон Президенти нефтчи олим ҳам, фахрланса арзийдиган даражада ажойиб маъруза қилди.

– Уч денгиз афсонасининг онаси битта – Каспий денгизи, – Алиев ҳаяжон билан гапирар эди. – Озарбайжон шу онанинг ёнида жойлашган.

Озарбайжон туркий халқларнинг ажралмас қисми. Совет даврида Озарбайжоннинг Туркия билан алоқалари, маданий борди-келдилари, маънавий кадриятлар алмашинуви ҳар томонлама каттик чегараланган эди. Лекин Озарбайжон мустақилликка эришгач, ўртадаги мафкуравий ғовлар ўтмишга айланди.

Озарбайжоннинг мустақиллигини биринчи булиб Туркия тан олди. Буни Ҳайдар Алиев кўп марта эслатганди. Карсада Президент номи билан боғ ва хиёбон барпо этилганлиги уни каттик ҳаяжонга солган эди.

## 2002 йил 9 июль, Петербург

2002 йилнинг 9 июль, якшанбаси рус ва озарбайжон маданияти тарихида абадий қолади. Уша серкуёш кунда Санкт-Петербургдаги Каменноостровск шох кўчасида озар шоири Низомийнинг Озарбайжонда хизмат курсатган рассом Герюш Бобоев яратган ҳайкали очилиши маросими бўлди.

– Низомий факат шоир эмас, балки буюк инсонпарвар ҳам эди, – деди тантанали маросимда нутқ сузлаган Россия Президенти Владимир Путин. – Шу маънода унинг ижоди ҳаммаизга, бутун инсониятга тегишлидир.

– Утган йили 12 октябрда Бокуда рус шеъриятининг даҳоси А.С. Пушкинга қўйилган ҳайкал очилган эди, – деб эслатди Ҳайдар Алиев. – Бугун Пушкин буюк Пётрнинг ижоди деб атаган шаҳарда Низомий ҳайкали очилди. Шуни қўшимча қиламизки, давлатлар Пушкин ва Низомий Ганжавийдек элчилар билан алмашиши жуда гўзал ходисадир.

Низомийнинг «Сенсиз» деб номланган мапхур ғазали Озарбайжонда энг сеvimли романслардан бирига айланган. Куй-қушнинг кадрили биладиган, Ҳайдар Алиев таъбири билан айтганда, Озарбайжон қушиқ санъатида катта бир давр-

ни бошлаб берган Булбул Мамедовнинг беназир ижросида бу романсни тинглаганлар уни яхши эслашади.

Булбул 1961 йили оламдан ўтди. Алиевнинг ташаббуси билан буюк хонанданинг она юрти Шушада унинг уй-музейи очилди. Боқуда ҳам шундай музей барпо қилинди. Булбулнинг беваси Одила хоним ундан кейин анча яшади. У 80 ёшга тўлганда кўп табриклар, эзгу тилаклар билдирилган телеграммалар олди, лекин улар орасида энг кутилмагани, ҳаяжонлиси Президент кўнгироғи бўлди.

– Мен ҳайратдан қотиб қолдим, – деб бизга чин юракдан очилиб гапирди Одила Мамедова уша дақиқани эслаб. – Ҳайдар Алиев мени юбилейим билан табриклади. Ё Оллоҳ, бунчалик одамийлик, бунчалик эътибор, зийракликни у каердан олди экан! Уйимиз кўнгироғи жиринглаганда биз у билан ҳали гаплашаётган эдик. Ҳайдар Алиевнинг ташриф қоғози билан бир кучок гулдаста кутариб киришди.

Шунда Одиланинг кулоқларида гуё «Сенсиз» яна янграётгандек бўлди...

Ҳайдар Алиев Петербург бўйлаб сайр қилиб юриб, Гороховая кўчасини қийналмай топди. У ерда, 6-уйда бир вақтлар ДХМнинг раҳбар кадрларни қайта тайёрлайдиган махсус мактаби жойлашган эди. Таниш деворлар ёнида у эсдалик учун завқ-шавқ билан суратга тушди. «Астория» меҳмонхонасига қайтар экан, петербургликлар ва ҳамюртлари билан жондилдан суҳбатлашди. Парижга, Берлинга, Петербург ва Москвага борганда ҳам доим шундай буларди.

Леонтьев тор кўчаси пойтахт марказида бўлса ҳам, унчалик шовкин-суронли эмас. Бир вақтлар Моссовет жойлашган, кизғиш тош деворларнинг бирида Ленин тасвири туширилган тош тахтачалар сакланиб қолган мэрия яқинида бу тор кўча Тверь кўчасидан пештоқлар остига кириб кетади. Авваллари, иттифоқдош республикаларнинг ваколатхоналари кўним топган бу манзилда турли идоралар ҳамда Куба, Украина, Озарбайжон элчихоналари жойлашган Леонтьев кўчасида идоралар бум-бўш бўлиб, навбатчи кўриқчиларгина оҳиста чекиб, мудраб ўтирадиган якшанба кунларида сукунат ҳукм суради. Иш кунларида эса элчихоналар, консулхоналар одамга тўлиб кетади. Аммо бу гал Озарбайжон элчихонасига одамлар ҳужжат тўғрилаш, виза ёки паспорт олиш учун ошиқишмаётганди. Бу ерда бутун Россиядан ҳамюртларни кутиб олишаётганди. Уларни Президент Алиев таклиф этганди.

У ҳамюртларига бешиқданок эшитиб келган, ўзлари учун азиз бўлиб қолган она тилида мурожаат этди:

– Кадрли ватандошлар! Азиз опа-сингиллар, биродарлар, дустларим!

Бугун сизлар билан учрашаётганимдан ниҳоятда хурсандман. Барчангизни чин дилдан олқишлайман. Сизларнинг тим-солингизда Россияда яшаётган барча озарбайжонликларни, ҳар бир озарбайжонликни қутлайман; ҳар бирингизга соғлиқ-саломатлик, ишларингизда муваффақиятлар тилайман. Оилангиздан бахт-икбол аримасин!

Президент оҳиста сўзларди, лекин самимий сўзлари энг охирги қаторда утирганларнинг ҳам кўнглига етиб борарди.

– Озарбайжон тили – бу бизнинг она тилимиз, мустақил Озарбайжоннинг давлат тили. Озарбайжонликлар ва айниқса, ёшлар яна рус, инглиз, француз, немис, араб ва испан тилларини ҳам яхши билишларини хоҳлайман. Лекин улар озарбайжон тилини ҳам мукаммал билишсин. Одам қанчалик кўп тилни билса, шунчалик бойиб бораверади. Бир тил билан кифояланиб қолган одам, узаро алоқалар асосига қурилган замонавий дунёда анча кийналади.

Шу нарсаларни ҳисобга олган ва сизга беҳад ҳурмат қурсатган ҳолда сўзимни рус тилида давом эттираман.

Кимда-ким Алиев лутфини эшитган бўлса, унинг русча нутқи бошқа таниқли кавказлик сиёсатчилар, айтайлик, Шеварднадзе нутқига караганда ҳам бекам-кўстлигини таъкидларди. У қандай заминда юзага келганди? Мактаб, оила таъсирими? Узининг хусусий тайёргарлигимизми?

Алиевлар оиласида болаликдан озарбайжон тилида сўзлашишарди. Буткул Нахичеванни оладиган бўлсак, ўтган асрнинг 20-йилларигача рус тилини биладиганлар унчалик кўп эмасди. Алиевнинг биографларидан бири Фотима Абдуллазода айтганларига қура, «Ҳайдар Алиев рус тилини урганишга анча кеч киришди. Нахичевандаги мактабда у Крилов масаллари билан Пушкин шеърларини илк бор эшитганди».

Дарвоқе, бошқа яна бир омилни ҳам тахмин қилиш мумкин. Рус ва жаҳон адабиётининг буюк сиймолари бўлган Крилов ва Пушкинга иззат-эҳтироми асло кам бўлмагани ҳолда, айтиш жоизки, Ҳайдар Алиевнинг ички дунёсига улкан реалист санъаткор, ҳажвчи адиб Жалил Маматқулизованинг таъсири бекиёс бўлганди. Мумтоз адабиёт вакилининг ўғитлари, хусусан, «Онамнинг китоби» («Книга матери моей») пьесасидаги куйидаги сўзлар Ҳайдар Алиевнинг она тилига нисбатан сўнмас майлини тоблаганди.

...Уч ўғил олис ўлкалардан она қошига қайтади. Бирининг сўзларида русча ифодалар қоришиб кетганди; иккинчиси ўз фикрини озарбайжонча-туркча тилда ифодалайди; учинчисининг нутқи форсча иборалар билан пардозланган эди.



Бу, аслида, сайёр сюжет. Бу борада Гоголнинг «Диканка кишлоғи оқшомлари» асаридаги руҳонийлар мактаби талабасини эслаш мумкин. Юзаки билимдон бу талаба «лотин тилини шунчалик «сув қилиб» ичиб юборадик, оқибатда она тилида ямлаб гаширадиган бўлиб қолади. Ҳамма сўзларнинг охирига «ус» қўшиб гаширадиган одат чиқаради. Белкуракни куракус, аёлни – аёлус, дейди. Бир куни далада хаскашни куриб қолиб, отасини саволга тутди: «Бобой, анави сизларда нима деб аталарди?» Анковсграб, хаскаш тишини босиб олганини билмай қолади. Отаси ҳали жавоб беришга ҳам улгурмаганди, хаскашнинг дастаси пешонасига келиб урилди. «Маънати хаскаш! – Бакириб юборди болакай пешонасини чангаллаган кўйи ва икки қадам нарига сапчиб гупди. – буни қарагин-а, ёмон гегаркан!»

Хуллас, ёшлар ўша хаскашни босиб олишганди. Уч ўғил сафардан қайтиб, онаси билан ўз тилида сўзлашолмайди; ахир, онаси шу тилда алла айтганди; чўпчак сўйлаганди. «Онамнинг китоби» ўзга бир оламга олиб кирганди; зеро, ҳар бири ўзга тиллардан бир чимдим-бир чимдим чўкилаб, она тили гароватини, унинг замиридаги маънавий хотирани ҳам йўқотганди. Ушбу «билагон туралар» Маматқулизоданинг «Данабош кишлоғидаги воқеалар» повести персонажлари сингари чаласаводликдан нари ўтмаган эди.

2000 йил июнда Россияда яшовчи ватандошлар Озарбайжон элчихонасининг катта залига мамлакат Президенти билан учрашувга гушланишганди. Залда таниш чехралар кўп эди. Кўпларини Москвада ишлаган пайтидан, хизмат сафарларидан танирди; кўпчилиги Ҳайдар Алиевич ройишига кўра илм эгаллаш ниятида она юртидан келиб, туриб қолганди.

– ...Мен Озарбайжонда ишлаган йилларимда ҳам доимо айтганман, ҳозир ҳам бир нарсага ишончим қомилки, ўз худуди чегарасида ўралашиб қолган биронта ҳам халқ жаҳон миқёсларида ривожлана олмайди; мен ҳаминша миллий маҳдудликка қарши булганман.

Илмга чанқоқ ёшларни Россияга ва Совет Иттифокининг бошқа республикалари олий ўқув юртларига ўқийшга юборишни таклиф қилганда Озарбайжон Компартияси МК биринчи секретарини республикада ҳам, Москвада ҳам кўпчилик қўллаб-қувватламаган эди. Лекин Алиев сўзининг устидан чиқди; ўшанда тўғри йўл тўтганлигини бугун ғурурга тўлиб эслайди; боиси, ўшанда совет республикалари орасида биргина Озарбайжон «бу борада имтиёз олган эди».

– 1970 йилдан бошлаб озарбайжонликларни мамлакатдан ташқарига, биринчи галда Москва, Ленинград ва бошқа олий

укув юртларига, илм-фан, маданият марказларига тахсилга юборишни мақсад қилиб қўйгандим.

Ҳатто, КПСС МК аъзоси, республика Компартияси МКнинг биринчи секретари бўлса-да, бу борада саъй-ҳаракатлари осонлик билан амалга ошмади. Дастлаб, кўп жойлар билан келишилгач, республика учун 100 кишига квота берилди. Лекин 100 киши Москва ёки Ленинградми, Киев ёки Свердловскми (ҳозирги Екатеринбург) олий ўқув юртларига ўзи ҳам бориши, ҳамма қатори имтиҳон топшириб ўқишга кириши мумкин эди. Аксарияти йиқилиб кетарди. Негаки, Озарбайжоннинг чекка қишлоқларидан келган ёшлар катта шаҳарлардаги тенгдошлари билан билим борасида баҳслаша олмасди.

Нихоят, Алиев Озарбайжон ёшлари Совет Иттифоқидаги олий ўқув юртларига конкурсиз қабул қилинишига эришди. Дастлаб 100 ўринга ижозат олди; 1978/79 ўқув йили учун эса 800 та жой ажратишди (ушанда Сиёсий бюро аъзолигига номзод этиб сайланганди). Шубҳасиз, масала ечими биргина Озарбайжон билан кифояланиб қолмасди. Улкан мамлакат миқёсида миллий кадрларни тайёрлаш масаласи қўндаланг турганди. Туркменистон ва Ўзбекистон, Қозоғистон ва Грузия, Молдавия ва Тожикистон каби иттифоқдош республикаларнинг йигит-қизлари ҳам Совет Иттифоқининг энг яхши олий ўқув юртларида таълим олиш квотасига эга бўлишди. Лекин биргина Ҳайдар Алиев шу масала билан шахсан ўзи шуғулланганди.

– Биласизми, – деган эди у 2000 йил июнида Озарбайжон элчионасида кечган суҳбат чоғида. – гоҳ у жойга, гоҳ бу жойга кўп кўчиб юрганлигим боисидан шахсий архивимда ўз ўтмишимга оид нарсалар сақланиб қолмаган. Лекин Совет Иттифоқининг турли шаҳарларига ҳар йили ўқишга юборилган ёшларнинг журналлари сақланиб қолган. Уша йигит-қизлар республиканинг қайси район ва шаҳарларидан, қайси йили туғилган, қайси олий ўқув юртига ўқишга киргани ҳақидаги маълумотлар архивимда бор. Улар орасида юксак мавқеларга эришганлари кўп.

Нима учун бундай қилганимни айтмайми? Биринчидан, очиги, Москва университетидаги таълим савияси Боку университетидагидан кўра анча юқори. Ушандаям даражаси юқори эди, ҳозир ҳам шунақа. Бу – битта мисол, лекин кўплаб мисол келтириш мумкин. Иккинчидан, айрим мутахассисликлар бўйича бизда олий маълумотлилар мутлақо йўқ эди. Демак, аynи шу тақчил соҳа бўйича мутахассислар тайёрлаш учун бошқа республикалардаги мавжуд имкониятлардан фойдаланишга тўғри келади. Учинчидан, одам ўзининг тор қобилигини ёриб, дунё миқёсларига кўтарилишини хоҳлардим. Биласизми, агар одамлар бир-бири билан кўпроқ мулоқотда бўлганда эди, миллий маҳдудлик чегараларини четга суриб таплаган, дунё

кенгликларига чиккан бўлурди. Мазкур эҳтиёж, хоҳлайсизми ёки йўқми, жилла курса рус тилини мукамал билишни тақозо этади; аксарият ёшларимиз Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарларда русчадан ташқари инглиз, француз тилларини пухта эгаллашга муваффақ бўлишди.

Дарвоқе, шахсан ўзим ҳар йили Москвада таҳсил олаётган ёшларни элчихонага йиғиб, суҳбатлашиб турардим. Лекин бора-бора уларнинг сони орта боргач, ваколатхона зали торлик қилиб қолди. Ушанда, яхши эсимда, Тверь хиёбонидаги МХАТ театрининг янги биносига ҳаммани жам қилгандик; КПСС МК ходимлари, комсомол МК раҳбарияти, олий таълим министрлиги, ҳуллас, Москва раҳбарлик тизимининг барча вакиллари йиғилишда иштирок этганди.

МХАТнинг янги биносига ўтган учрашув кўпчилиكنинг хотирасида сақланиб қолган. Бошқа талабалар қатори, Москва Давлат университетига таҳсил олаётган бир йигитча ҳам сузга чиққан. Алиев уни эслаб қолганди; республиканинг тоғли Жаброил районининг чекка бир қишлоғидан экан; ўқитувчиларининг гапига караганда, ниҳоятда қобилиятли экан; қишлоқ мактабида рус тили ўқитувчиси бўлмаган, ҳаммага бир варақай уч баҳо қўйиб юборишаверган. Шу боис рус тилида қийналиб гаплашарди. У ҳозир ҳам Ҳайдар Алиевнинг шундоққина кўз унгида; келишган, ўзини тутиб олган йигит барча фанлардан беш баҳога ўқир, рус тилида ҳам бурро-бурро гапирарди.

– Йигитга қараб туриб, – эътироф этганди Президент, – қувончдан кўз ёшларимни зурға тийиб қолгандим. Унинг камолидан шунчалик хурсанд бўлиб кетгандим-да.

Фақат меҳри тобланган отагина ўз фарзанди тўғрисида шунчалик жўшиб, ёни сузлай олади.

Охундов номидаги Миллий кутубхонада Президент Алиев совға қилган китоблар кўрғазмаси очилди. Улар орасида маълумотномалар, луғатлар, Самад Вурғун, Сергей Есенин, Бахтиёр Ваҳобзода, Бажов, Ницшенинг кўп жилдликлари, фантастик асарлар – жами 500 номдаги нашрлар бор эди.

Ҳайдар Алиев болалигидан китобларни яхши кўрарди; китобнинг, кутубхоналарнинг инсон маънавий камолотидаги, жамият тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини юксак кадрларди. Республиканинг энг катта, бош кутубхонасига Ҳайдар Алиев уч марта ташриф буюрганди.

– 1995 йил 3 июлда, 1996 йил 4 мартда, 1997 йил 20 ноябрда келганди, – дея саналарга аниқлик киритади кутубхона директори Лайло Гафурова. – 1997 йили Президент «Озарбайжонда кутубхоначилик иши» тўғрисидаги қонунга имзо чекди. Бу китобни кадрлаганлар учун улкан мадад ҳисобланади.

– Биласизми, айрим одамлар, – дея қушимча килади Лайло хоним, – Ҳайдар Алиевич ҳамма жойга ўз одамларини, кариндош-уруғларини, юртдошларини қуйиб ташлади. деган уйдирма гапларни тарқатиб юради. Мен уларнинг биронтасига ҳам мансуб эмасман. Лекин Ҳайдар Алиевич билан ҳамиша фахрланаман.

Агар Озарбайжон Республикаси Президенти эгаллаб турган лавозимидан белгиланган муддатдан олдин кетпудек бўлса, муддатидан олдинги Президент сайлови уч ой ичида ўтказилади. Республика Конституциясининг 105-моддасида шундай дейилади. Президент ушбу бандга гузатиш киритишни таклиф қилди: давлат бошлиғи сайлангунга қадар унинг вазифасини бош вазир бажариб туради. Президент ўз вазифасини бажариш имкониятига эга бўлмаса, ушбу ваколат бош вазирга берилади.

Мухолифат унга қарши чиқди. Нима учун? Боку Давлат университетининг ректори, Миллий фанлар академиясининг мухбир аъзоси Абил Маггеррамов бу борада фикр юритар экан, Президентлик ваколатининг бош вазирга берилиши халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқдир, деб ёзганди. «Озарбайжон Республикаси Конституциясининг 7 ҳамда 99-бандларида қайд этилишига қура, ижро ҳокимияти Республика Президентига берилади. Миллий мажлис эса бошқа тизим – қонун чиқарувчи орган ҳисобланади. Ваколатнинг ижро тизимига ўтказилиши мақсадга мувофиқдир; зеро, ижро масалалари билан бевосита бош вазир шуғулланади».

24 августда Озарбайжонда Конституцияга киритилажак қушимча ва ўзгартиришлар туғрисида референдум ўтказилди. Халқаро кузатувчилар таъкидлаганидек, референдум Ҳайдар Алиевга бўлган халқ ишончининг ёрқин намоёнишига айланди.

Қонун бузилишларига оид шикоятлар референдум ўтаётган кезларда ҳам, ундан кейин ҳам Марказий сайлов комиссиясига келиб тушмади. Лекин, барибир, мухолифатдаги айрим партия раҳбарлари 26 августда «Марказий сайлов комиссияси шаънига ғирт тухматдан иборат» хабар тарқатди. Марказий сайлов комиссияси ахборотида ана шу нарсалар қайд этилганди.

Озарбайжон Марказий сайлов комиссияси вашиントンлик ва брюсселлик бакироқларга ҳам тегишли жавобни берди.

Журналистларнинг ўтказилган референдум билан боғлиқ саволларига АҚШ матбуот хизмати давлат департаменти вакилининг жавоби ҳамда ЕХҲТнинг Озарбайжондаги вакили баён қилган позиция мухолифатдаги партиянинг янглиш ахборотларига таяниб, шошма-шошарлик билан билдирилган муносабат

ва субъектив ёндашув натижасидир. 24 августда ўтган референдумга нисбатан ҳамда ЕХХТ Озарбайжондаги вакилининг АКШ давлат департаменти матбуот хизмати ходимларининг муносабати ноҳолис, асоссиз ва Конституцияга киритиладиган ўзгаришларга ўз муносабатини билдирган Озарбайжон халқига, миллионлаб сайловчиларга кўрсатилган беҳурматлик деб ҳисоблаймиз».

24 августдаги референдумда Озарбайжон фуқароларининг 83 фоизи иштирок этди. Уларнинг кўпчилиги Конституцияга киритилган тузатиш ва ўзгартиришларни қўллаб-қувватлади.

## Генерал Охундовнинг туғилган куни

2002 йил 16 сентябрда генерал Воқиф Охундовнинг туғилган куни душанбага тўғри келди. Шунга карамай, бу ҳол йиллар давомида шаклланган ички тартибга таъсир кўрсатмади. Ҳар доимгидек эрталаб соат тўққизда у хизматга етиб келди. Министрлар советининг эски биносини эндиликда Бош бошқарма эгаллаган эди; унинг иккинчи қаватига енгил қадам ташлаб кўтарилди. Нафаси сираям қисилмади, худди равон йўлқадан юриб бораётгандек эди. Четдан караган одам унинг ёши эллиқдан ошганлиги ва ишонғиси келмасди; қадди-баста тетик, қадам ташлашлари дадил, шаҳдам. Хонасига кирар-кирмас тўғридан-тўғри алоқа телефони жириқлади.

– Кулогим сизда, жаноб Президент!

– Кунингиз хайрли бўлсин, Охундов! Олдимга бирров кириб кетолмайсизми?

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, генерал баланд тепалиқда қад ростлаган, Боқуга маълум ва машҳур оқ бинонинг бешинчи қаватига кўтарилди. Президент хонасига кириб борганида Ҳайдар Алиевич унга пешвоз чиқди:

– Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

Душанба кунги ўша воқеаларни эсларкан, генерал-лейтенант ҳаяжонини яшира олмади:

– Ҳайдар Алиевич яқинлари-ю танишларига ҳамипа меҳр, эътибор кўрсатарди. Ҳеч кимни унутмасди.

Уларнинг биринчи учрашуви 1978 йили бўлиб ўтганди: Республика ички ишлар министрлиги комсомол комитети секретари, катта лейтенант Охундовга партия ва совет органлари муҳофазаси Бош бошқармаси бошлигининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари лавозимига ўтишни таклиф қилишди; ўзаро суҳбатда бошқарманинг номи «Тўққизинчи», деб юритиларди. МК нинг биринчи секретари Алиев келажаги ёрқин, ёш йиғитни танлашни таклиф қилганди. Республика ички ишлар министри Ориф Ҳайдаров Охундов номзодини кўрсатди. Ча-

маси, ДХК ва бошқалар томонидан ҳам таклифлар бўлганди. Алиев Ҳайдаров курсатган номзодни маъқул топди.

– Қаерда, ким бўлиб ишлаганимни сўради... Узим ҳақимда қисқача гапириб бердим: нефть институтини аъло баҳоларга тугатдим, дарҳол армия сафига чақиринди, Энгельс шаҳридаги авиация қисмида хизматни ўтадим, ёнилги-мойлаш материаллари таъминоти билан шуғулландим.

Шу тариқа 28 ёшли катта лейтенант Охундов ҳаётида янги саҳифа бошланди. Алиев Москвага ишга ўтказилганда Охундов Бокуда хизматини давом этгирди. 1985 йили бошқарма бошлиғи бўлди. Эндиликда Махсус давлат муҳофазаси хизмати деб юритилади.

– *Жаноб генерал, – дея сўрадик Охундовдан, – Ҳайдар Алиевичга бир неча марта уюштирилган суққасларнинг олдини олганингиз ҳақида гапириб берсангиз.*

– Бундай ҳаракатлар 1994 йил октябрида, 1995 йил мартда чиндан ҳам бўлганди; яна кейинроқ Украина Президенти Леонид Кучма ҳузурига таърифидан олдин ҳам шундай уринишлар содир этилган эди. Ушанда террорчилар аэропорт – Боку катта йўлидаги кўприкни портлатиш учун тайёргарлик куришган, кўприк тагига юз килограммдан ортиқ портлатгич жойлаштиган экан. Агар у портлагудек бўлса, атроф-теварақда бировта ҳам бутун бино қолмасди. Сафар олдидан кўприкни қўздая кечириш чоғида, бетон тўсинлардан бирининг ностандартлиги ходимларимиз эътиборини тортган; у кўприкнинг умумий конструкциясига қовушмасди. У ердан заряд топилди – ундан эса 500–600 метр нарига шнур тортиб кетилганди... Яна бошқа ҳолатлар ҳам бўлган, – дея жилмаяди ҳамсуҳбатимиз, – Президентни тақдирнинг ўзи асраб олганди...

Чет эл сафаридан қайтаётган Ҳайдар Алиевич, ҳамсуҳбатимиз ва уларнинг ҳамроҳларини ҳам тақдир яна бир бор омон сақлаб қолган экан. Ушанда самолёт қўниши олдидан қаттиқ шамол туфайли учувчи ғайритабиий қарор қабул қилади: самолётни аэропорт йўлкасига бошқа схема бўйича қўндиради. Ана шу чакқонлик билан қўрилган ҳаракат, кейинчалик аниқланишича, самолётни ҳалокатдан асраб қолган экан. Бошқа бир иш юзасидан қўлга тушган бандитлар аэропортда террорчилик ҳуружи тайёрлашаётганини бўйнига олишган. Булар 1993 йилги воқеаларга дахлдор одамлар эди. «Стингер»ни отишга улгурмаганлар...

Сўнгги йилларда Ҳайдар Алиевич Боку бўйлаб пиёда сайр қилишни қўш қўрарди...

– Шундай пайтларда унга ҳамроҳлик қиладиган соқчилар сони кам бўларди. У қаҳвахоналарга кирар, яхши қўрган кўчаларидан ўтиб борар. йўловчилар билан суҳбатлашарди.

– *Ҳайдар Алиевич ҳозиржавоб одам бўлган, дейишади. Шу билан бовлиқ бирон-бир ҳолатни эслолмайсизми?..*

– Улар шунчалик кўпки, биронтасини алоҳида ажратиб кўрсатиш кийин. Мен бошқа нарсани айтмоқчиман. Аслида табиатан ўта иктидорли, даҳо инсон эди; бирон-бир мутахассисдан, билимдонлардан, профессионал малакали кишилардан сураб ўрганишни қанда қилмасди. Тортинмасди ҳам. Бир неча бор ўзи билмаган, беҳабар нарсалар тўғрисида суриштириб турган пайтларининг гувоҳи бўлганман. Шундай ҳолларда батафсил маълумот беришни, тушунтиришни, аниқлик киритишни илтимос қиларди.

Генерал Охундовнинг муъжазгина хонасида икки президент – Ҳайдар Алиев билан Илҳом Алиевнинг портретлари илинган; китоблар, совғалар терилган... Чамаси, бу ерда генералга Ҳайдар Алиевични кўпроқ эслагадиган бир буюм бўлса керак. Бу нима бўлиши мумкин? Генерал шу заҳоти жавоб беради:

– Манави суратга қаранг. – Телефонлар тепасидаги токчадан рамкага солинган суратни қўлга олади: Ҳайдар Алиевич эғнида қизил тусли муҳофаза нимчасида, мириқиб кулиб турган ҳолати ифодаланган эди; унинг ортида генерал Охундов ҳам худди шундай нимчада турарди. – Бу Норвегияда олинган сурат,– тушунтиради генерал. – Шимолий денгиз қирғоғидан сузиб юрувчи бурғиловчи ускунагача масофа вертолётда 300 километр эди. Дастлаб йўл-йўриқ кўрсатишди, махсус энгилбош беришди. Хамроҳларидан бири денгизда бундай узок масофага вертолётда учиб хавфли, дея Алиевни бормасликка кўндирмокчи бўлди. Лекин у ҳеч нарсадан хайижмасди. «Улимдан кўркмайман. Душманларим билиб қўйсин: қаёққа бораётганимни ўзим яхши биламан. Оллоҳ мени паноҳида асрайди»,– дерди у кўпинча.

Учишдан олдин, йўриқнома буйича, ҳар биримиз ўз хоҳишимиз билан учаётганимиз ҳақида имзо чекишимиз лозим экан. Ташки ишлар вазири Ҳасан Ҳасанов имзо чекмади, мабодо ҳалокатга учрасам, оилам суғурта пулини ҳам ололмайди, деди. Ҳайдар Алиевич кулиб юборди ва шу заҳоти қоғозга имзо қўйди. Хуллас, учиб кетдик.

– *Бу воқеа қачон бўлган эди?*

Генерал хизмат дафтarchасини олиб, варақлай бошлайди. Керакли маълумогни топгач, ўқиб беради: 1996 йил 24–27 апрель кунлари эди. Уша йили Алиев 18 та халқаро сафарга борганди. Кейинги йили йигирмата. 1998 йили ўн та халқаро сафарга чиққанди. 1999 йили ўн учта, 2000 йилда ҳам ўн уч марта хорижий сафарларда бўлган. 2001 йилда тўққиз марта, 2002 йилда ўн олти марта сафарга борган. Москва, АКШ, Туркманистон, Туркия, Эрон, Петербург, Истанбул, Анкара, Ялта...

Ҳар бир сафарга оид фотосуратлар Президентнинг шахсий фото суратчиси Рафиқ Багиrowда сақланади; у ҳужжатли фотографиянинг моҳир устаси ҳисобланади.

Р. Багиrow хотираларидан:

«... 1997 йил август ойининг бошлари эди. Президент расмий ташриф билан АҚШда эди. Билл Клинтон билан учрашгандан сунг Хьюстонга йул олдик. Хьюстонда бизни қувончли хабар кутаётган экан: Ҳайдар Алиев яна бобо бўлганлиги ҳақидаги хабар етиб келди. Илҳом билан Меҳрибон хоним уғил қуришган эди. Ҳайдар Алиевичнинг қувончи ичига сиғмасди. Делегация аъзолари билан учрашди, ҳаммамизнинг табригимизни қабул килди. Кейинги йилларда Ҳайдар Алиевич бунчалик севинганини кўрмаган эдим. Озарбайжонга қайтаётиб, Президент Лондонга кўниб ўтди; эндигина дунёга келган чақалок тутилган клиникага кириб, неварасидан хабар олди.

Ҳайдар Алиевич ана шу учрашувга гуё қанот боғлаб учиб кетаётгандек эди. Неварасини курсатишганда кузларига қувонч ёшлари келди; овозини кўтариб, тантанали суратда лутф айтди: «Бу дўмбоққа Ҳайдар исмини бераман!» Назаримда, уша лаҳзаларда ғоят гаъсирчан ҳолатларни суратга олдим, деб уйлайман. Жажжи ўғлон – Ҳайдар Алиевичнинг чақалоклик пайтидаги суратларини ўзим олганлигимдан фахрланаман.

Ҳайдар Алиев барча невараларини жондан ортиқ севарди, лекин ўз исмини олган кенжа невараси, жажжи Ҳайдарга меҳри булакча эди; унга жудаям боғланиб қолган, у билан бағоят фахрланарди».

Ҳайдар Алиевич кунма-кун, йилма-йил ақл бовар килмас даражада шитоб билан меҳнат қиларди... Сурункали меҳнатдан роҳатланарди. Сафарга тез-тез бориб туришни ҳам яхши кўрарди. Чамаси, Озарбайжон худудида унинг қадами етмаган шаҳар, қишлоқ, посёлка қолмаган бўлса керак. Айниқса, Нахичеванни ҳаддан ортиқ севарди; унинг кучли, қағъиятли феъл-атвори сингари мардонавор характерларни шакллантирадиган қаҳрли табиатига, мағрур Нахичеван гупроғи ва меҳрмуҳаббати булакча эди.

10 август... Президент самолёти Бокудан кутарилиб, бир соатчадан кейин Нахичеван аэропортига туша бошлади. Мухтор Республикага ер юзасидаги йуллар кесиби қўйилган, шу боис ҳамма самолётда учишга мажбур бўларди. Президент ҳам, талабалар ҳам, сафарга кетаётганлар ҳам, бирон-бир юмуши борлар ҳам самолёт хизматидан фойдаланади. Ёз ойлари қатта самолётлар унта рейс қилса ҳам кам эди!

Бир пайтлар бу аэропорт замонавий ҳисобланарди; лекин эндиликда анча чоғроқ қуринади, эскирган-да. Президентга



янги аэровокзал лойиҳасини курсатишди. Архитекторларнинг мулоҳазаларини эшитгач, Ҳайдар Алиевич катъий қилиб деди:

– Яна вақтинчалик бостирма қурмоқчимисиз?!

Унинг таклифига биноан лойиҳани буткул ўзгартиришди. У Нахичевандаги янги аэропорт очилишини кўришга, курувчилар эса уни тезроқ қуриб битказишга жудаям ошиқишганди... Лекин насиб қилмаган экан. Архитектуранинг ҳашаматли мўъжизасини Илҳом Алиев қабул қилиб олди.

Августнинг беш куни жонажон шаҳрида бўлди. Аэропорт қурилишини бориб кўрди. Ажойиб Озарбайжон рассоми Баҳруз Кенгерли музейида бўлди. У Президент ташаббуси билан икки каватли ғиштин уйда очилганди; рассом номини Алиев талабалик йиллари шу уйда эшитган эди. «У ноёб истеъдод соҳиби эди, – деди Президент Кенгерли музейининг очилиши маросимида. – Унинг асарлари чиндан ҳам камёб, кадри баланд». Вайхир сув омборининг лойиҳаси ҳам Президент маслаҳати билан амалга оширилган эди; сув омбори бунёд этилди; қақраб ётган чул-адирлар сувга маҳтал. Янги мактаб ҳам замонавий лойиҳа асосида барпо қилинди; компьютер синфлари, устахоналар, катта мажлис ва спорт заллари – барчаси бут; унинг ҳам тантанали очилишида Озарбайжоннинг янги Президенти катнашди.

## 2002 йил 23 сентябрь, Москва

Президент Алиев 23 сентябрь куни йил давомида учинчи марта Москвага ташриф буюрди. Айтишларига қараганда, жаҳон дипломатияси тажрибасида учрамайдиган ҳол; лекин кўшни давлатлар ўртасидаги бундай дўстона муносабатлар оддий алоқалардек қабул қилиниши ҳам мумкин. Январь ойида Озарбайжон Президенти давлат ташрифи билан Москвада бўлди; 9 июнда Владимир Путин билан Петербург шаҳрида ишчи учрашувини ўтказди – ушанда Президентлар Низомий ҳайкалини тантанали очишган эди; учинчи марта Россия – Озарбайжон саммитида катнашиш учун келганди. Ушбу учрашувдаги бош масала Россия Федерация билан Озарбайжон Республикаси ўртасида Каспий денгизининг тегишли ҳудудларини чегаралашга оид келишувни имзолашдан иборат эди.

– Ана шу ечимга келиш учун узоқ вақт талаб этилди, – деди Россия Президенти ўз баёнотида. – Икки томонлама олиб борилган қизгин иш жараёнида баҳслар ҳам аячатиға бўлди; лекин бир нарсани таъкидлаш жоиз, бу – манфаатдор шерикларнинг ҳамкорликдаги иши эди. У самарали яқунланганидан беҳад хурсандман.

Россия билан Қозоғистон, шунингдек, Қозоғистон билан Озарбайжон ўртасида аввал имзоланган шартномаларга таяниб қатъий айтиш мумкинки, эндиликда Марказий ва Шимолий Каспий тубида жойлашган минерал ресурсларни ўзлаштириш борасида уч мамлакат ўртасида олиб борилаётган ҳамкорлик алоқалари мустақкам ҳуқуқий асосга эга бўлди. Ишончим комилки, «сув ҳамманики, тубини бўлишяпмиз» деган ақидага ҳамда босқичма-босқич ўзлаштириш принципига амал қилиш Каспий денгизи мақоми масаласида ўзаро манфаатдор ечимга олиб келади; Каспий денгизи атрофидаги барча мамлакаглarning қизиқишлари ҳисобга олинишини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бошқа ҳукуматлараро битимлар ҳам имзоланди; булар – таълим соҳасидаги ҳужжатларни икки томонлама эътироф этиш; ҳарбий мақсадлардаги ашёлар ишлаб чиқарилишида иштирок этувчи ташкилот ва корхоналар ихтисослашувини сақлаб қолишдир...

Ҳайдар Алиев уларни номма-ном санаб ўтирмади.

– Владимир Владимирович бугун биз қайси ҳужжатларга имзо чекканлигимиз, нималар қилганлигимиз хусусида гапирди. Уларни бирма-бир қайтариб, сизларни толиқтирмайман; Владимир Владимирович айтиб ўтган энг муҳим нарсаларни мен ҳам таъкидлаган бўлардим. Бизнинг ўзаро ҳамкорлик алоқаларимиз қамрови нечоғлиқ сермикёс, серкуламлигини тасаввур қилгандирсиз...

Россия-Озарбайжон муносабатлари бизнинг ташқи сиёсатимизда нуфузли йўналиш касб этганлигини яна бир бор маълум қилмоқчиман. Биз икки асрдан бери ҳамкор, ҳамнафасмиз; шу орада шунчалик жипслашиб, чамбарчас боғланиб кетдикки, мавжуд алоқаларни асло узиб бўлмайди. Эндиликда мустақил давлат бўлган эканмиз, бу нарса бир-биримиздан узоклашишга асос бермайди; аксинча, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришимиз, мустақкамлашимиз лозим. Биз бу борада қўлимиздан келганча ҳаракат қилмоқдамиз.

Москва Давлат халқаро муносабатлар институти жамоаси билан 24 сентябрда бўлиб ўтган учрашувда Ҳайдар Алиевга МГИМОнинг фахрий доктори дипломи тантанали равишда топширилди. Ёш дипломат Илҳом Алиев ҳам ўз вақтида шу институтни битириб, талабаларга дарс берганди. Кейинчалик бошқа давр шамоллари эсганлигини юкорида айтиб ўтдик. Эътибордан қолган сиёсатчининг ўглини муаллимликдан четлатишди. Илҳом Ҳайдарович, энди бу даргоҳда ишлай олмайсиз, дегандек йўл тутишди.

Ректор Анатолий Торкунов ўтмишни эслагиси келмади:

– Россия билан Озарбайжонда халқларимиз маданияти, илм-фани, тили ва адабиёти соҳасидаги ютуқларни ўрганишга

ўзаро кизиқиш изчил давом этаётганини, тобора ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этамиз. Мухтарам Президент, буларнинг ҳаммасида шахсий хизматингиз бекиёс...

1993 йилдан бери Сизнинг мамлакатимизга ташрифларингиз, юксак даражадаги учрашувлар ўзаро муносабатларимизга катта таъсир кўрсатмоқда. Ана шу ташрифлар маҳали Президент Владимир Владимирович Путин билан бир қатор муҳим давлатлараро битимларга имзо чекдингиз. Шу жумладан Россия Президенти билан Каспий денгизи тубидаги муайян ҳудудларни ўзаро бўлиб олишга оид битим ҳам ғоят муҳим ҳисобланади.

Икки томонлама муносабатларни такомиллаштиришда, Каспий денгизи атроф ҳудудларида тинчлик ва барқарорликни ривожлантиришда мазкур битим нечоғлик муҳимлигини жуда яхши биламиз. Биз, олий таълим тизими ходимлари учун, кун кеча Россия ва Озарбайжон Республикаси таълим министрлари томонидан илмий даража ва унвоилар тўғрисидаги дипломларни ўзаро эътироф этиш тўғрисида имзолаган битим ғоят катта аҳамиятга эга.

Ҳайдар Алиев ақли калта сиёсий муҳолифларидан фарқли ўларок, шимолий буюк кушниси билан дустона, хайрли алоқалар нечоғлик муҳимлигини жуда яхши идрок этарди.

«Россия-Озарбайжон муносабатлари биз учун биринчи ўриндаги йўналиш ҳисобланади, – деди у. – Ушбу муносабатлар стратегик шериклик, ҳамкорликдир. Совет Иттифоқи тарқаб кетгандан кейинги Россия-Озарбайжон муносабатлари тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ҳамма нарса ҳамирдан қил суғургандек силлик кечмаганининг гувоҳи бўламиз...

Владимир Владимирович Путин Президент этиб сайлангач, ўзаро муносабатларимиздаги ижобий ўзгаришларни, иссиқ экинни дарров ҳис қилдик. У 2001 йили биринчи хорижий сафарини Озарбайжонга амалга оширди. Республика жамоатчилиги бунга бағоят юқори баҳолади. Россия Президенти Озарбайжонни яқиндан таниди, билди; Россияга муносабати самимийлигига гувоҳ бўлди. Шу давр мобайнида ички сиёсий вазият муътадил кечди; Россия билан муносабатларимиз муваффақиятли ривожланди. Мустақилликка эришганимиздан кейинги муносабатларимиз тарихи хусусида гапирадиган бўлсак, Президент Путиннинг Озарбайжонга расмий ташрифи икки томонлама ҳамкорлик алоқаларимизда янги саҳифа очганлигини айтиш лозим».

Мамлакатларимиз ўртасидаги икки асрлик муносабатлар тарихида турли хил саҳифаларни учрағиш мумкин. Бу борада ҳужжатлар истаганча топиладя. Айтайлик, Озарбайжоннинг руслар борасидаги нуқтан назарининг анча эски саҳифаларига мурожаат этиш мумкин. Мана, масалан, 1727 йил санаси

қўйилган, Екатеринага етказилган хуфия маълумотномадан: «Қаерда бўлмай, барча шаҳар ва қишлоқларда мени шоду хурамлик билан кутиб олишди,— дея хабар беради кироличага генерал-фельдмаршал, князь В.В.Долгоруков. — Барча менадан Россия империяси паноҳига олишини ўтиниб сўрарди». Орадан ярим аср ўтгандан кейин берилган маълумотномадан: «Бу ерда истиқомат қилаётган халқлар рус қўшинларининг келишини сабрсизлик билан кутмоқда; барчаси Россия фуқаролигини олишга иштиёқманд». Шу тахлит маълумотлар қўп. Яна бошқа далилларни ҳам кўрсатиш, Шимолдан ёвуз босқинчилар ва мустамлакачилар ёпирилиб келди, дея ёзиш, ишонтириш ҳам мумкин. Бундай хилма-хил маълумотларда тўғри гап бўлмайди. Чунки ҳақиқатни яшириш қийин. Ҳайдар Алиев қайта-қайта таъкидлаганидек, тарих «асл ҳақиқатни билиши лозим».

Ислом дунёси учун муқаддас Рамазон ойи бошланди.

Мустақилликни қўлга киритгач, ислом мамлакатлари ижтимоий ҳаёт пардаси ортидан чиқиб, миллат маънавий борлигининг қонуний иштирокчиси бўлиб қолди. Қадимги эътиқоднинг тарихий ўрни давлат рамзларида ҳам ўз ифодасини топди — Озарбайжон байроғидаги яшил ранг буни очик-ойдин кўрсатиб турибди. Рамазон ҳайити арафасида Президент Озарбайжон халқига кизгин табрик йўллаб, мурожаат қилди. Ватаннинг мамлакат мустақиллиги ва озодлиги йўлида, ҳудудий бутунлигини сақлаш учун жонини фидо қилган, қахрамонона курашган ўғил-қизларини эслади; «руҳларига дуойи фотиҳа қилиб, абадий роҳат-фароғат, қариндошлари ва яқинларига, бутун халққа сабр-тоқат тилади». Ҳайдар Алиев хорижда яшаётган ватандошларга ҳам дил сўзларини, байрам табригини йўллади.

— Озарбайжон мустақиллигини мустаҳкамлаш, демократик жамият қуриш, халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида қилаётган ишингизда барчангизга муваффақиятлар тилайман.

Исломдаги тасаввурларга кўра, Рамазон ойида Оллоҳ таоло шайтонни занжирбанд этади; зеро, одамлар кўнглига яширинча кириб олиб, ҳақ йўлдан оздирмаслиги учун шундай қилинади; ёвузлик инсон олдида ожиз қолади. Рамазон — ҳаёт, эзгу ишлар ҳақида олийжаноб фикрлар шаклланидиган ой; инсон бутун борлиги билан Яратганга талпинган дамлар ҳисобланади.

Ноябрь ойининг бир ҳафтаси ичида Президент бир қатор қарор ва фармойишларга имзо чекди; улар орасида буюк бастакор Фикрат Амировнинг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги фармойиш ҳам бор эди. Сехрли мусиқалар ижодкори яшаган

бинога хотира лавҳаси ўрнатилди; беш жилддан иборат асарлари босилиб чиқади; у ҳақда ҳужжагли фильм яратилди; Пойтахтдаги мусиқа мактабларидан бирига Амировнинг номи берилганди.

Боку метрополитени ўзининг 35 йиллигини нишонлади. Президент муҳандислар, ишчилар ва бошқарув тизими ходимларининг катта гуруҳини орденлар билан мукофотлади. Озарбайжон, шўро давридаги сиғари, ҳозир ҳам ватандошларининг шонли меҳнат самараларини юксак мукофотлар билан тақдирламоқда. Дунё микёсида бу каби давлатлар кам. Шўро даврида илм-фан, ишлаб чиқариш илғорларига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони; Меҳнат Шухрати, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари, «Шавкатли меҳнати учун» медаллари бериларди... Эътибор берярсизми: ҳар бир мукофот меҳнат эвазига берилмоқда. Ҳар бир халқнинг, одамнинг ҳаёти, турмуши ана шундай эъзозга, шарафга бурканмоғи лозим.

Дарвоқе, Озарбайжонда Меҳнат Қаҳрамони унвони бор. Умар Огаев ана шундай қаҳрамонлардан бири. Бу одам республика меҳнат зафарларининг жонли солномаси ҳисобланади. 2003 йил 1 январда у 75 ёшга тулди.

– Туғилган кунимни нишонламоқчи эмасдим, лекин дўстларим, 2 январда Сабоил район оқсоқоллар кенгашига йиғилган таниш-билишлар мени кутлашди, – дея ҳикоя қилади меҳнат фахрийси. – Эртаси куни мухтарам Ҳайдар Алиев уйимга телефон қилди, юбилейим билан, Янги йил билан табриклади. Узимга, оиламга бахт-саодат, соғлиқ-саломатлик тилади. Ўшанда мухтарам Президентимизни табриклаш имконияти тугилганидан беҳад мамнунман... Мукофотларим кўп. Лекин халқим олдидаги камтарона меҳнатим унутилмагани, давлатимиз бошлиғининг ўзи кутлагани мен учун генгсиз мукофотдир.

## Республика байроғини кутарган кизалок

Байроқлар, штандартлар<sup>1</sup>, туглар тарихи – бу халқларнинг тарихи демакдир. 1918 йили Озарбайжон Республикасининг биринчи байроғи кутарилганда мамлакат раҳбарларидан бири: «Бир бор кутарилган туг абадул-абад ҳилпирайди», – дея башорат қилганди. Ушанда тарих ўзгача йулдан кетди. 1918 йил 17 ноябрда Бокуга инглиз қўшинлари кириб келди. Генерал Томсон унинг бош қўмондони эди. Бандаргоҳдаги Буюк Британия, АҚШ, Франция, Италия байроқлари қаторида ҳилпираб турган Озарбайжон Халқ Республикасининг тугини кўрган калондимоғ британиялик шу заҳоти уни олдиртириб ташлади.

<sup>1</sup> Кавалерия ва флот байроғи.

Лекин Британия байроғи ҳам Бокуда узок вақт ҳилпираб турмади. Уни Қизил байроқ билан алмаштиришди.

Ҳайдар Алиев Шеки шаҳри жамоатчилиги билан учрашган маҳали миллий туғ ҳақида эслаб қолди.

«Кичик бир кизалоқ республика байроғини қўлида тутиб турганлигига разм солиб турибман. Анчадан бери кузатаяпман. Сиз ҳам эътибор беринг. У бир қўлида республика байроғини тутиб турибди. Шамол уни гоҳ у, гоҳида бу томонга торткилайди. Лекин кизча барибир текис тутиб турибди. Қизалогим, сени бағримга босаман, пешонангдан упаман. Мустақиллигимиз тимсоли булган ушбу байроқни шунчалик севиб, бошинг узра кутарган экансан, сени эл-юрт эъозлайди; барча меҳрим, эҳтиромим сенга булсин. Бу – халқимиз мустақиллигининг муждасидир».

18 октябрь – Озарбайжон Мустақиллиги куни. 1991 йил 18 октябрь куни Озарбайжон ўзининг давлат мустақиллигини эълон қилди. Тарих мустақилликни эълон қилиш кифоя эмаслигидан, уни мудофаа қила билиш зарурлигидан сабоқ беради.

2002 йили ана шу байрам арафасида Ҳайдар Алиев Туркияга амалий сафаридан қайтиб келди. Бина аэропортида уни журналистлар ўраб олишди.

– Туркиялик ишбилармонларнинг Бокуга оқиб келишлари учун ана шу учрашувимиз асос бўлиб хизмат қилади, – деди Президент. – Улар қўлаб инвестиция олиб киради. Ташрифдан қўнғлим тўк...

Ҳар доимгидек қўлаб саволлар беришди. Айрим саволларга дадил, аниқ, баъзиларига эса хийла ўйланиб жавоб қайтарарди у.

– НАТОнинг Европадаги иттифоқчи қўшинлари қўмондони – Бокуда. Бугун сиз билан учрашувни кўзда тутилмоқда. Мазкур учрашувда Озарбайжон билан НАТО уртасидаги ҳамкорликнинг қайси соҳалари муҳокама этилади?

Ҳайдар Алиев мийиғида жилмайиб қўйди:

– Худо ҳақки, ҳаммангизни жудаям ҳурмат қиламан, яхши қўраман. Комил журналист бўлиб камол топишингизни хоҳлайман. Яхши саволларни қўнғилда пишитиб олишингизни, кейин беришингизни истардим. Фалончи Бокуда экан, сиз билан учрашаркан, деяпсан; лекин, учрашамизми-йўқми, ҳали номаълум. Учрашув чоғи Озарбайжоннинг НАТО билан қандай алоқаларини муҳокама қиласиз, дейсан. Гаплашган гақдирда ҳам уни сенга айтмайман. Лекин бундай нарсалар билан нега ўзингизнинг ҳам, менинг ҳам вақтимни оласиз?

Журналистлар билан учрашувга сира вақтини аямайдиган одам ушбу гапни ҳазил аралаш айтганди. Матбуот сўзининг қудратини у бошқа раҳбарлардан кўра яхшироқ биларди. Журналистлар тимсолида, бир пайтлар таъқидлашгандек, «партия дастёрларини»

эмас, умумий ишдаги сафдошларни, ҳамкор дўстларни кўрарди. Бир куни Озарбайжон Компартияси МКда ишлаган пайтлари, республика районларидан бирида маҳаллий газетанинг барча сонини тиг остига қўйибди. Газетада чоп этилган мақолалардан бири райком секретарига ёлмаган экан, шундай буйруқ берибди... Гап айланиб Алиевгача етиб келди. Биринчи секретарь ана бу воқеадан бутун республика учун ибратли хулоса чиқарди. Айбдорлар эгаллаб турган вазифасидан бўшатилиб, партиявий жазога тортилди; МКнинг масъул ходимлари ҳам узига яраша жазо олишди. Энг муҳими – Ҳайдар Алиев матбуотга ҳурмат билан дўстона муносабатда бўлиш сабоғини берган эди.

– Шанба ва якшанба кунлари ҳам Ҳайдар Алиевич дам олмас, вақти иш билан ўтарди, – дея эслайди генерал Охундов. – Оддий иш кунларидан фарқи шундаки, ишни ярим кечаси эмас, барвақтроқ тугатарди.

Ишга келаётиб ёки хизматдан қайтаётиб, купинча умр йўлдошининг қабрини йўқлаб ўтарди. Ёлғиз ўзи Зарифа хонимнинг ҳайкали пойида узок сукутга чўмиб турар, оғир хаёлларга ботиб қоларди...

Ҳайдар Алиевичнинг ўзи ушбу хотира мемориали лойиҳасини яратганлигини генерал яхши биларди; қаерга қандай дарахт кўчати экиш кераклигини ҳам ўзи белгилаб берганди.. Айни шу лаҳзаларда генерал бир чеккага ўтиб турар, ғойибона дардлашиш қанчалик тансиқ ва лазизлигини ҳис қиларди; буни оддий сўзлар билан ифодалаш қийин.

Севиб мени ардоқлаган офтоб мисол,  
Шом чоғи ёлғизим, кетдинг бетакрор.  
Қушлару оқушлар учадди хушҳол,  
Жануб шаҳримизга эрта ёғар қор.  
Олис қирғоқларда кезар қуланканг,  
Ўзингни излайман, қоламан дилтанг.

Ушбу сатрлар «Қайтгил, севгилим» қушиғидан олинган. У Севил Ҳайдаровна Алиева ижоди маҳсули; уни ойиси суйиб-эркалаб Сева деб атарди...

Севил Алиева Эльвира Охундова билан суҳбатда (*Известия, 2005 15 октябрь*) ушбу қушиқнинг ёзилиш тарихи тўғрисида тўхталган эди. «Дадам ҳар гал шу қушиқни эшитган маҳали кўзларига ёш қалқарди. Ҳали сўзи ёзилмаган эса-да, мусиқанинг ўзи онангни ва у бизни ёлғизлатиб ташлаб кетган дамлардаги аҳволимни эсга солади, дерди. Ушбу куйни Муслим Магоммаев ҳузурида чалиб берганимда, унга сўз ёзиш керак, уни жон-жон деб қушиқ қилиб айтаман, деди. Сўзларини таниқли шоир Николай Добронравов ёзганди; у онам билан шахсан та-

ниш эди, жудаям хурмат киларди. Эсимда, айрим мисралар бир неча вариантда берилганди: мисраларни туйғуларимизни, кайфиятимизни тиник ёритган мисраларни дадам билан танлагандик. Ушбу кўшик мен учун икки хисса қадрли: сабаби, у отам ва онам хотирасини ёдга солади».

Ушбу таъсирчан шаҳодагга яна Севил хоним эсдаликларидан баъзи ўринларни кўшимча қиламиз. Евгений Мартинов билан Андрей Дементьевнинг София Ротару ижросидаги «Оқ кушлар садокати» кўшигини ота-онаси жондан оргик севишарди. Ҳайдар Алиевич озарбайжонча, русча кўшикларни уй бекаси жўрлигида бажонидил ижро этарди; масалан, «Тунги дарбон» кинофильмидаги кўшикни биргаликда куйлашарди. Фильм аллақачон одамларнинг эсидан чикиб кетди; кўшик эса кўнгишлар ардоғида қолди: «Ҳатто кушлар она юртсиз яшай олмайди». Ушбу ифодалар Алиевлар оиласининг мусикий диди нечоғлик чархланганидан далолат беради. Бироқ мусикий диднинг ўзигина эмас...

Боку шаҳрида «Диннинг ҳамда эътиқоднинг демократик жамиятдаги роли: террорчилик ва экстремизмга қарши кураш йўлларини излаб» мавзунда халқаро конференция очилди. Конференциянинг очилиши маросимида Озарбайжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев нутқ сўзлади:

– Глобаллашган дунёда биз бир-биримизга жудаям яқин бўлиб қолдик. Халқлар, маданиятлар, динлар ўртасидаги мулоқотнинг чуқур маъно касб этиши ана шу зарурат, эҳтиёж билан боғлиқ. Ушбу ўзаро мулоқотларни ривожлантира бориб, қўллаб-қувватлаб, террорчиликнинг шаклланиш омилларини, илдизларини аниқлаб, таг-томири билан қуритишимиз лозим...

Бугун эса террорчи кучлар ғаразли сиёсий мақсадларини амалга ошириш ниятида, айрим ҳолларда барчамиз учун муқаддас ҳисобланган умумбашарий қадриятларга мурожаат этишмоқда; у ёки бу гуруҳлар манфаатларини химоя қилиш орқали террорчиликни оқлашга уринишмоқда. Башарият «терроризмга йўл йук», дея қатъий раддия билдираркан, бутун куч-қудратини сафарбар этиб, унинг маънавий, иктисодий, сиёсий илдизларини қуритиши зарур.

Республика ҳудуди 20 фонзининг босиб олиниши – бу арман-озарбайжон тўқнашувининггина оқибати эмаслигини таъкидлади Президент. Унинг сўзларига қараганда, ушбу ҳодиса мавжуд минтақадаги халқаро терроризм фаолияти натижасидир.

Озарбайжон ўз Конституциясига кўра дунёвий давлатдир. Биз, деди Ҳайдар Алиев, динни миллий менталитетимизнинг тарихий мероси, умум маданиятимизнинг ажралмас бир қисми бўлган ҳодиса сифатида қабул қиламиз.



Замонамизнинг кўплаб улкан сиёсий арбоблари ана шу баҳога бажонидил кўшилади. Шулардан бири Татаристоннинг Президенти Минтемир Шарипович Шаймиевдир. У шундай хотирлайди:

—Озарбайжонда булдим, Хайдар Алиевич Алиев билан кочоклар жойлашган лагерларни бирга бориб кўрдим. Тасаввур қиляпсизми, юз минглаб одамлар кунлар, ойлар, йиллар мобайнида ана шундай беҳаловат ҳаёт кечирмоқда. Аччиқ манзаралардан юрагинг ачишиб кетади. Ҳаммаси қай тариха бошланганини яхши биламиз. Миллий ҳақ-ҳуқуқлар тўғрисида жар солишди; охири бир миллионга яқин озарбайжонларни ўз ерларидан ҳайдаш билан яқунланди. Қочоклар билан сузлашганда, кейин уйга келганда уйга толдим: улар учун нима қилиш, қандай ёрдам кўрсатиш мумкин? Татаристондан озиқ-овқат маҳсулотлари ортилган КамАЗлар колоннаси йўлга чиқди.

21–23 ноябрда Президент НАТОга аъзо мамлакатларнинг Злата Прагада ўтган саммитида иштирок этди. Ушбу меҳмондўст, кўнгли очик шаҳарда у биринчи марта бўлиши эмас. Карлови куприги, Старомест майдони, ўрта асрларга оид тор кучалар, кўкимтир тусдаги томлар манзараси очиладиган Градчани ҳашаматидан завқланасан. Учрашувлар, музокара-лар қанчалик тигиз эса-да, Президент Прага Град деворлари пойида бир зум тин олиншга фурсат топа билди.

## 2002 йил 24 ноябрь, Боку

Шанба куни адоғида Бокуга қайтиб келишди. Янги иш ҳафтаси бошланишидан олдин яқшанба куни ҳордиқ чиқариб олиш, куч-қувват туплаш керак. Лекин бу хил иш тартиби Алиевга тўғри келмайди. Эрталаб Охундовга сим қоқди:

—Ҳозир шаҳарга чиқмоқчи эдим.

10–15 дақиқа ўтар-ўтмас генерал резиденцияга етиб келди.

—Эгнига иссиқ свитер, костюм кийган Президент бизни кутиб турган экан. Кейинги пайтда шаҳарга тез-тез чиқаётганлигини, уни пойлашаётган бўлиши мумкинлигини, бу нарса ҳавф туғдиришини Хайдар Алиевичга эслатдим.

«Хавотир олма. Тезроқ отлан, Жабборлининг олдига борамиз».

Хайдар Алиевич ўз тапаббуси билан 1981 йили очилган ушбу ҳайкални яхши кўради. 1934 йили вафот этган Жаббар Жабборлининг улкан истеъдоди, озарбайжон адабиёти тараққиётига қўшган ҳиссаси, миллий ўзлиқни англашни юксалтиришдаги хизматлари тўғрисида кўп марта чуқур эҳтиром

билан тулиб-тошиб сузлаганди. Дарвоке, Алиевнинг катъий илтимосига кура, хайкал учун яхлит гранит тош Украинадан келтирилганди.

Нефть академияси рупарасидаги хиёбонга урнатилган хайкалга якин келгач, машина тўхтади... Шу заҳоти йўловчилар тўплана бошлашди. Кимдир ҳол-аҳвол сўрашди, Президентга соғлиқ-саломатлик тилади: «Бизга инсоний шаънимизни, кадримизни қайтариб олиб бердингиз»; кимдир фурсатдан фойдаланиб ўз илтимосини айтиб олди.

Режалаштирилмаган сафарларга Ҳайдар Алиевич ёрдамчиларини жалб этмас, уларнинг вазифасини Охундов бажаришига тўғри келарди. Ҳар доим ёнида олиб юрган ён дафтаричасига мурожаат қилганларнинг исми-шарифини, турар жойи ва телефон рақамларини ёзиб оларди: «Сизга албатта кўнғирок қилишади, қурилган чораларни маълум қилишади», – дерди.

Генерал Охундовнинг кўп кузатишларига кура, Ҳайдар Алиевич, айниқса, хорижий сафарларидан кейин ватандошлари, боқуликлар билан жонли мулоқотда бўлишни хуш кўрарди.

– Кейин Президент машинани 28 май ҳамда Булбул шох кўчалари кесишган чорраҳада жойлашган «Портофино» қаҳвахонаси олдида тўхтатишни тайинлади. Қаҳвахона доим одамлар билан гавжум буларди: ёш-яланглар, оилалилар, болабақра қадами аримасди... Ҳайдар Алиевич бир чеккадаги буш столни танлади, мени ёнига таклиф қилди, музқаймоқ бузуртирди.

Қаҳвахонада кечган, хотирада сакланиб қолган ўша унутилмас дамларни эслагувчи суратлар у ерда ҳозир ҳам осиглик. Ҳайдар Алиевичнинг эғнида енгилгина свитер, кўзида офтобдан муҳофаза қилувчи қора кўзойнак. Пулини тўлагач («музқаймоқ ҳақини генерал тўлайди, – деди Алиев, – пулимни унга бериб қўйганман»), Низомий кўчасидан ўтиб, икки километр наридаги Фавворалар майдони томон йўл олдик. Ҳайдар Алиевич йўл-йўлакай дўконларга кириб ўтар, рупарасидан чиққан одамлар билан гаплашарди.

Болалар, ёшлар, катталар орқадан эргашиб келар, бирга суратга тушишни илтимос қилишар, Ҳайдар Алиевич эътироз билдирмасди. Шаҳар бўйлаб яёв айланиш икки соатга якин давом этди. Соқчилар учун бунинг ҳаммаси бош оғриғи, боқуликлар учун қутилмаган учрашув, Президент учун эса, кўриниб турганидек, шаҳарликлар орасида бўлишдек ноёб ва шу боис ғоят кадрли имконият эди.

28 ноябрда Ҳайдар Алиев туркиялик делегацияни қабул қилди; «Энка» турк компаниясининг фахрий президенти Шарик Тара унга бошчилиқ қилаётган эди. Меҳмон ўз сўзида «Энка» компанияси Европадаги энг йирик электр станциясини қуриб битказганлигини айтиб ўтди. Озарбайжон иқтисодиётни ривожлантириш учун инвестиция киригиш нияти борлигини, хусусан, Сумгаит иссиқлик электр станциясини қайта жиҳозлаш учун пул ажратишини маълум қилди. Ҳайдар Алиев меҳмонга хайрли таклифи учун миннатдорчилик билдирди: ушбу компанияни Москвада ишлаган пайтидан яхши билишини айтди.

– Петровский тим-растасини таъмирлаган пайтингизда турклар жудаям моҳир қурувчилар экан, дея ҳамма алқаган эди. Авваллари, туркларнинг қулидан ҳеч вако келмайди, дейишгучи эди. Баъзан, ношуд қимсалар ниманидир бузиб қўйса, нима бало, туркмисан, деб турткилашарди! Москвада қўлаб ҳашаматли бинолар бунёд этган эдингиз. Уларни «Энка» қурганлигидан хабар топгач, қувончим ўн чандон ортади.

Қўпчилиқ оқшомги ва тунги Боку манзараларини қуриб, мафтун бўлганлиги пубҳасиз; Товфик Қулиевнинг Рашид Бейбутовнинг беқийс ижросидаги, айниқса, катта авлод унутмаган машҳур қўшиғидаги «Чумолилар олтин уясидек гўжгон чироғлар ёғду сочар» сўзларини эслатади.

Боку марказидаги эски биноларнинг бирида даҳо мутафаккир Муҳаммад Фузулий номидаги қўлёмалар институти жойлашган. Ушбу масканда ноёб қадимги қўлёмалар қўз қорачиғидек асраб-авайланади. Институтнинг 30-йилларда сўз соҳири Хусайн Жовид яшаган хоналарида ҳозирги пайтда унинг музейи очилган. 2002 йил 24 октябрда музейнинг очилиши маросимида мамлакат Президенти нутқ сўзлаганди. Буюк шоир ва мутафаккирнинг фожиаги тақдири туғрисида, ҳеч қандай ёвуз қўч халқдан унинг тарихи ва маданиятини тортиб ололмаслиги ҳақида гапирди.

Буюк Жовиднинг руҳи шод бўлсин.

Москвада Министрлар Совети Раиси биринчи уринбосарининг ёрдамчилари ишдан эртароқ кетмоқчи бўлишса, театр-га бормоқчи эканлиқларини қўч қилишарди. Чамаси, яхши спектаклдан Ҳайдар Алиевич хабар топгач, эртароқ кетишга ижозат беришини билишарди; кейин пьеса ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини албатта сўрарди.

Алиевнинг театр-га меҳр-муҳаббати ёшлигиданок бўлақча эди. 2002 йил декабрида Академик драма театрида «Гамлет» пьесасининг премьерасида қатнашди. Спектакль туга-

гач, Президент труппа билан учрашди, актёрларни ижодий муваффақият билан қутлади. Ҳайдар Алиевнинг маданият, санъат ва адабиёт намояндalари билан учрашиб туриши совет давриданоқ анъанага айланган эди.

Ҳайдар Алиев 12 декабрда Президент саройида республика халқ артистлари, Давлат мукофоти лауреатлари опа-сингил Фидан ва Ҳуромон Қосимоваларни қабул килди. Улар опера сахнасига илк бор 25 йил аввал кўтарилишган эди. Мазмунли кечган мазкур суҳбатдан кичик парча келтиришни лозим кўрдик.

*«Ҳайдар Алиев:* Кўп муваффақиятларга эришдиларингиз. Озарбайжон санъати ва мусиқаси учун катта хизмат килдингиз. Сизлар камёб, тугма истейдод соҳибисиз. Бу фазилат ҳар иккинги учун хос. Оллоҳ таоло бундай салоҳиятни ҳар кимга ҳам беравермайди.

*Фидан Қосимова:* Жаноб Президент, 1975 йили «Кўруғли» операсини тинглаганингиз хотиранингиздами? Иккинчи сахнадан кейин фойега чиқиб келдингиз. Дадам ва онам билан бир чеккада тургандик. Ушанда икки-уч конкурс лауреати эдим... Яқин келиб, дадам ва онам билан сурашдингиз. Сунгра: «Фидан, қачон сени Нигор ролида кўрамиз?» – деб сураган эдингиз. Эсингиздами?

*Ҳайдар Алиев:* Жудаям яхши эсимда.

*Фидан Қосимова:* Ишонасизми-йўқми, уша кунни сираям унутолмайман. Сиздан кўнглимга ўтган куч, масъулият ҳали ҳам менга илҳом бағишлаб келади. Сузларингиз кўнглимни жўш урдириб юборганди; тез орада Нигор партиясини ёд олиб, ижро этдим».

Озарбайжон маданиятининг ҳар бир буюк намояндаси Ҳайдар Алиев туғрисидаги меҳр-ихлос, миннатдорлик туйғулари ила йўғрилган хотираларни кўнгил турида сақлайди десак, асло муболаға бўлмайди. Чунончи, Ҳайдар Алиев Муслим Магомаевни галдаги концертларидан кейин чакиртириб:

– Бирон нарса керак эмасми? – деб сурагани кўшиқчининг ёдида бир умр қолганди.

– Йўқ, – деб жавоб берганди ёш хонанда, гарчанд, уша пайтда коммунал уйда қийналиб ётган бўлса-да.

«Чамаси, менинг одоб билан берган жавобим Ҳайдар Алиевичга маъқул тушган кўринади, – деб ёзганди орадан бир неча йил ўтгач Муслим Магомаев эхтирос билан ёзган «Оҳанглар – муҳаббатим маним» китобида, – шу сабабли менга катта ҳурмат билан, айтиш мумкинки, меҳр билан муносабатда бўларди. Менинг ҳам унга муносабатим шунақа эди».

## «Барча Озарбайжон болалари атрофимида жам бўлди»

Йил охирлаб қолганди. Ҳамма байрамга ҳозирлик қурарди. Лекин Ҳайдар Алиевич учун барча кунлар бирдек иш куни ҳисобланарди.

– Президент ишга келмаган кунни эслолмайман, – дейди генерал Охундов – 1993 йилдан кейин у бирон марта ҳам меҳнат таътилида бўлмади. Иш тартибини ҳам бирон марта ўзгартиргани йук. Эрталаб соат саккизда нонушта қиларди. Унда ишга етиб келарди. Тушлик қилмасди. Уззу-кун учрашувлар, суҳбатлар, ҳужжатлар, кўнғироклар, мактублар... Кечки соат саккизда енгил тамадди қиларди. Бу даргоҳда 25 йилдан бери хизматдаман; ана шу тартиб доим ҳукм сурган.

Президент 80 ёшга тулган янги 2003 йилда ҳам ҳаммаси шу маромда кечишига ишонар эдик.

31 декабрда у Республика саройига келди; бу ерга Бокудаги болалар уйлари тарбияланувчилари янги йил байрамига тўшланган эди. Мусиқа садолари остида болалар кўшиқлар айтиб, рақсга тушишарди; Ҳайдар бобонинг дил сўзларини жон кулоқлари билан тинглашарди.

– Ушбу байрам қувончини сизлар билан баҳам қурар эканман, барча Озарбайжон болалари, Озарбайжон ёшлари атрофимида жам бўлгандек туюлади. Уларни бағримга босгандек, кучиб-ўпиб ардоқлаётгандек бўламан. Барчангизга бахт-иқбол тилайман!

2002 йилнинг охириги дақиқаларида Президент ўз ҳамюртларига Жаҳон озарбайжонлари бирдамлиги куни ва Янги йил муносабати билан мурожаат қилар экан, шундай деди:

– Биз фахр билан айтишимиз мумкинки, 2002 йил озарбайжон халқи учун омадли бўлди. – Ҳайдар Алиев иқтисодиётнинг, иш ҳақи, нафақа, бюджетнинг ўсиши ҳақида ишонарли рақамлар келтирди. – Муаммоларимиз ҳам кўп, – деди у. – Фақат биргина муаммо, – деди у, – Озарбайжон халқининг мусибати – арман-озарбайжон, Тоғли Қорабоғ можаролари ва уларнинг ҳозиргача ҳам ечимини топмаётганлигидир.

Президент ўтаётган йилда қилинган ишларни айтиб берди ва «Озарбайжон охиригача тинч йўлни топмаётганлигини ишга солиди», – деди.

– Биз кишиларга тинч ҳаёт кечиришлари учун имконият яратдик, одамларнинг ҳаёти йил сайин, ой сайин яхшиланиб бориши учун интиляпмиз ва бундан буён ҳам интиламиз.

### XIII боб ОЛАМ НИГОҲИДА

Йирик сиёсатчилар, давлат ва жамоат арбоблари тез-тез бир-бирларига баҳо бериб турадилар. Расмий баёноتلар ва чиқишларга қараб баҳо берилса, куз унгимизда афсонавий паҳлавонлар ва донишмандлар гавдаланади. Орқангдан шундай маълумотлар беришадики, баъзида гап умуман бошқа одамлар ҳақида кетаяпти, деб ўйлайсан.

Албатта, давлатлар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг етакчилари, дипломатлар ҳагги-ҳаракатида кўп жиҳатларни сиёсий этикет ва оддий манфаат белгилаб беради. Генерал де Голль ГФР канцлери Аденауэрга ажойиб сабоқ берганди...

1962 йил июлда Париж канцлерни тантанали кутиб олди. Де Голль уни Фахрий Легионнинг Катта хочи билан тақдирлади, кўшаб ёқимли сузларни айтди. Икки ойдан кейин Франция Президенти жавоб ташрифи билан Рейн ортига борди. Де Голльнинг биографи Николай Молчанов баҳосига қўра, бу ғаройиб, айни замонда таъсирчан спектаклга ўхшаб кетган эди.

Бонн аэропортида Франция Президентини канцлер Аденауэр кутиб олди. Кутилмаганда де Голль хайратда қолган қарияни кучоқлаб олиб, икки юзидан ўтди. Кейинчалик канцлер: «Мени хорижий мамлакат давлат арбоби биринчи марта ўтди. Яна француз!» деганди. Сўнгра Ғарбий Германиянинг йирик шаҳарлари – Гамбург, Кёльн, Мюнхен, Штутгарт, Дюссельдорфда беш кун давомида немис тилида нутқлар ирод этилди... Немислар уни қўлларида кўтариб юрдилар. «Де Голль Германияга французларнинг президенти сифатида келганди, – деб ёзганди французларни хушламайдиган Шпигель журнали. – Бу ердан Европа императори бўлиб қайтмоқда». Кейинчалик генерал узининг яқин аъёнларидан бирига: «Мен немисларга: сиз буюк халқсиз дедим. Бу тўғри гап эмас. Агар немислар буюк халқ бўлганида, мени бундай кутиб олишмасди».

Генерал бу спектаклни Франция ва Ғарбий Германия уртасидаги ҳамкорлик шартномасини тузиш учун дебоचा деб хисоблади. Дарҳақиқат, 1963 йил 22 январда Елисей саройида де Голль ва Аденауэр шартнома имзоладилар. Жуда ўринли

айтилган иборага кўра, бу «Европанинг энг катта тўйи» бўлди. Кейинчалик Франция ва Германия ўртасида турли вазиятлар юзага келди, «ажралишлар ҳам, жаҳл қилишлар ҳам бўлди». Аммо муайян тарихий давр ўтгандан кейин де Голль ҳар бир қадамни Франция манфаатларидан келиб чиқиб босгани маълум бўлди.

2000 йил 10 апрелда Ҳайдар Алиев (Европа Кенгаши Парламент ассамблеяси (ПАСЕ)нинг Озарбайжон буйича маърузачиси, Франция парламенти депутати Жак Бомельни қабул қилди. Жаноб Бомель Алиевни Франциянинг собиқ Президенти генерал де Голль билан қиёслади: «Сиз худди унга ўхшаб позиция тутиб, ҳар қандай блоклардан ташқарида турган сиёсатни юргизяпсиз. Фикримизча, айнан шунинг учун ҳам Озарбайжон билан Европа муносабатларининг яқинлашуви алоҳида аҳамият касб этади. Европа аслида сизни барча соҳаларда қўлламоқда. Бу эса Озарбайжон мустақиллигини сақлаб қолишда кўмаклашади».

Парижлик уддабурон ҳамсуҳбатига жуда тетик кўриниши ва мустаҳкам соғлиги ҳақидаги гапларни ёғдирди. Ҳайдар Алиев унга ўз сўзлари билан жавоб қайтарди: «Жаноб Бомель, сизга қарасам, – кўринишингиз яхши, хотирангиз ҳам зўр... Кеча кечқурун, миллий рақсларимизни кизиқиб томоша қилаётганингизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим».

Бу ёғи эса жиддий кечди:

«Сиз генерал Шарль де Голль сиёсати ҳақида ҳар гал гапирасиз, бу гал ҳам бу мавзуга тегиб ўтдингиз. Дарҳақиқат, Шарль де Голль дунё микёсида буюк шахсдир. У Иккинчи жаҳон уруши даврида ва ундан кейин амалга оширган улкан ишлар асрлар давомида яшайди ва ўз қимматини йўқотмайди. Мен учун Шарль де Голль идеал ҳам, намуна ҳамдир.

Сиз айтиб ўтган муътадил сиёсат, Озарбайжон мустақиллигини химоя қилиш сиёсати – бу мен юритаётган бугунги сиёсатнинг негизидир».

Ва қўшимча қилиб айтаманки, бу сиёсат воқеликка айланди. Алиев буюк давлатлар билан ўз мамлакатни манфаатлари ўртасидаги мувозанатни топа билди.

Ҳайдар Алиев ўғли Алиев бошқа мамлакатлар давлат ва жамоат арбоблари, дунёнинг йирик сиёсатчилари нигоҳида қандай гавдаланади? Газеталарни, хотираларни варақлаймиз. Бу саволга ҳамсуҳбатларимиздан жавоб кутамиз.

Туркия Президенти Сулаймон Демирел шарқона кутаринкилик билан Алиевни «кукрагини калқон қилиб, мустақил

Озарбайжонни демократик йуллардан манзилга мардона олиб бораётган биродарим», – деб таърифлаганди.

ЮНЕСКО бош директори Федерико Майор Хайдар Алиевга мурожаат қилиб: «Сиз дунё тан олган буюк давлат арбоби-сиз» – деб эътироф этганди.

Дарҳақиқат шундай. Дил изҳорлари кўп, улар орасида самимийлари ҳам, муғомбирлик билан айтилганлари ҳам бор. АҚШ дипломатиясининг собиқ раҳбари Олбрайт хоним Алиевга мактов ёғдиргани ҳолда, узини ҳам унутмайди. У, АҚШ давлат котиби бўлиб турганимда «бу ерда бу қадар ҳурмат билан кутиб олинган бошқа Президентни кўрмадим», – деди. АҚШ давлат департаменти канчалик уринганини куриб қуйинг!

Олбрайт хонимнинг ҳамкасби Генри Киссенжер ўз мактубига катта бир дастурни киритиб юборганди: «Ўз олдига АҚШ ва Ғарб давлатлари билан муносабатларни ривожлантиришни мақсад қилиб қўйган, бозор иқтисодиёти ва демократияни қарор топтиришга бутун куч-ғайратини бағишлаган Хайдар Алиевнинг сиёсати мактовга лойиқ. Хайдар Алиев мустақилликни сақлаб қолиш учун қатъият билан кураш олиб бормоқда».

Бошқа қўлаб таъриф-таърифлар орасида Франция Президенти Жак Ширак қизиқ берган образ алоҳида ажралиб туради: «Бу ажойиб шахс Озарбайжонни раванк топиш йўлига олиб чиқди. Мен унинг учрашувларимиз чоғида, хусусан, Тоғли Қорабоғ атрофидаги, уни тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги музокараларни ўтказишда намоён бўлган мардлиги, донишмандлиги, қатъиятини юқори баҳолайман.

Озарбайжонни Хайдар Алиевдек катта сиёсий иродага, бой сиёсий тажрибага эга, донишманд, зийрак ва обрули давлат бошлиғи бошқараётгани мамлакат халқининг омади келганидир».

Жуда аниқ ва лўнда таъриф. Бой бошқарув тажрибаси дегани фақат мустақиллик йилларинигина эмас, балки Алиев давлат арбоби сифатида шаклланган совет даври йилларини ҳам камраб олади. Россия Президенти Владимир Путин ҳам айнан шу нуктага алоҳида урғу берганди. У Хайдар Алиев ҳақида гапирар экан, уни Россия Федерациясида фақат Озарбайжоннинг эмас, балки бутун Совет Иттифоқининг давлат арбоби сифатида яхши билишади, деб қайд этди.

Егор Строев Россия Федерацияси Федерал Йигинининг раиси бўлиб турган чоғида Хайдар Алиевнинг донишмандлиги ва некбинлигини юқори баҳолаганди. «Можарони ҳал этишнинг тинч йўлини топиш, – деб таъкидлаганди Строев, – бу сиёсий тафаккурнинг чўққисида бўлиш демакдир».

Москва мэри Юрий Лужков Хайдар Алиевга бундай баҳо берганди:



«Ҳайдар Алиев совет даврида ва советлардан кейинги даврда бутун собик СССР хулудида буюк инсон бўлганди. У ҳақиқий байналмилалчи, озарбайжонликлар Россиядан доим катта манфаат олади, деб чин юракдан, оқилона ҳисобловчи донишманд ва теран шахс эди».

Россиянинг йирик сиёсатчиларидан бири Александр Дзасохов Ҳайдар Алиевни «озарбайжон халқининг собик иттифок давлати парчаланиши билан тугаган сиёсий зилзилалдан кейин бой сиёсий тажрибаси ўз Ватани учун зарур бўлиб қолган буюк фарзанди», – деб таърифлаганди.

ГФР федерал канцлери Герхард Шредер ва Япония бош вазири Дзюньитиро Коидзуми Ҳайдар Алиевнинг мамлакат мустақиллигини қўлга киритишдаги тарихий хизматини, бир-бирларидан айри ҳолда, юкори баҳолагандилар.

АҚШ собиқ Президенти Жорж Буш фикрига кўра: «Алиев Жанубий Кавказда узок давр мобайнида асосий шахс бўлиб келди. Унинг шахсий ғайрат-шижоати туфайли бутунги кунда АҚШ ва Озарбайжон ўртасида дўстона алоқалар йўлга қўйилган ва улар Озарбайжон мустақиллигига хизмат қилмоқда».

Украинанинг ЕИдаги делегацияси бошлиғи, буюк шоир Борис Олейник Ҳайдар Алиевни чин ҳалоскор деб таърифлар экан: «Айни Озарбайжон мустақиллиги ҳавф остида қолган онларда, мамлакат бошқарувини халқининг асл фарзанди Ҳайдар Алиев ўз қўлига олди. У донолиги, мардлиги, жасурлиги, туфайли, чин ҳалоскор сифатида Озарбайжонни оғир вазиятдан олиб чиқишга эришди», – деганди.

Биз мурожаат қилган шахслар орасида энг батафсил жавоб хатини Қозоғистон Президенти Нурсултон Абишевич Назарбоевдан олдик. У Ҳайдар Алиевнинг сиёсий портретини жуда теран чизиб берди: «Бой ҳаётий, иктисодий қурилиш ва катта сиёсий тажрибага эга арбоб бўлиш билан бирга у кўнгли очик ва самимий инсондир». Биз 1986 йилда Олмаотада содир бўлган, Тоғли Қорабоғда бошланаётган мудҳиш воқеалар ҳақида гапирганда, ушбу хат ҳақида эслатиб ўтгандик. Миллий сиёсатда катта хатоларга йўл қўйилаётганидан огоҳлантирган Алиевнинг фикрларига М. Горбачев қулоқ солмади. Унга ўзиға маъқул, гапига қулоқ соладиганлар билан ишлаш қулай эди. Ўз фикри ва қарашларини каттик туриб ҳимоя қилган кишини истефога чиқариб юборди.

«Аммо таназзул бошланиб кетди, кескинлик ва халқ норозилиги кучайди, Озарбайжонда сепаратчи ва миллатчилар бош кўтардилар, – деб ёзади Н.А. Назарбоев. – Ҳайдар Алиевнинг барча бошбошдоқликлар учун айбни унга тўнкашга уринганларидаги иродасига, буқилмас сабр-бардошига қойил қолиш керак. Уни синдириб бўлмади.

Душманларининг дук-пуписаларига, дустларининг огохлангиришига ва, ҳатто, ўзини ўзи сақлашдек оддий инстинктуга қарамай, у она юртида булаётган воқеаларга «узоқдан» бефарқ қараб утира олмади, Ватанига қайтиб келди. Ўз юртининг чинакам фарзанди ва ватанпарвар сифатида барча кийинчиликларни халқи билан бирга баҳам қуришни хохлади. Фақат баҳам қуриш эмас, балки бой сиёсий тажрибасини ва обрў-эътиборини ишга солиб, мамлакатни оғир вазиятдан олиб чиқишда иштирок эгишни истади.

Ҳайдар Алиев шундай қалтис вазиятда бағоят билимдонлик билан вазмиё ва очик сиёсат олиб борди. Оқибатда 1993 йилда халқ тўла ишонч билдириб, уни янги мустақил мамлакат Президенти бўлишга даъват этди. Мамлакат бошига тушган мураккаб инкироздан чиқишнинг ягона йўлини халқ шунда қурди.

Умумлаштириб айтишим мумкинки, 1982 йилда Москвага кетаётиб, у иқтисодий ва сиёсий барқарор юксалаётган республикани қолдирган эди. Орадан ўн йил ўтиб, 1993 йилда Президент бўлгач, гарчи мустақил деган мақоми бўлса-да, иқтисодиёти тўлиқ вайрон бўлган, катта қон тўкилишларгача бориб етаётган, уруғ-аймоқчилик, фуқаролараро ва миллатлараро зиддиятлар парча-буруш қилаётган, қочоқларга тўлиб-тошган, жиноятчилик ниҳоятда авж олиб, халқ ўта аянчли аҳволда қолган мамлакатга эга бўлди.

Қисқа вақт ичида давлат ҳокимиятининг барча институтларини тиклаш ва мустаҳкамлаш, сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, қон тўкилишига чек қўйиш, иқтисодиётни деярли янгидан тиклаш, тўб бозор ислохотларини бошлаш, халқ фаровонлигини жиддий юксалтиришга доир тадбирларнинг улкан катта жасоратидир.

Совет Иттифоқи шароитида шаклланган, социализм ғоялари асосида тарбия топган, лекин тақдир тақозоси билан бутунлай янги вазиятга тушиб қолган бу инсон қовуштириб бўлмайдиган нарсаларни қовуштирди. У ўтмиш ҳаётдан мақсадга интилиш, халқ кучига ва ақл-идрокига ишонч, бурч ва садоқат, топширилган иш учун юксак масъулият каби фазилатларни олиб, ёшларга хос ғайрат билан тубдан янги иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни барпо эта бошлади. Ва бунинг урдасидан чиқди.

У глобаллашув асрининг баъзан инсонпарварларча бўлмаган хавф-хатарларига муносиб жавобларни ўз халқининг кўҳна тарихи, бой маданияти ва миллий анъаналарини сақлаб қолиб, қўпайтириш билан қовуштира олди.

Ҳайдар Алиевичнинг доно ва узоқни қура оладиган давлат арбоби ҳамда халқаро миқёсдаги сиёсатчилиги тўлиқ ақс этган жуда муҳим бир жиҳатни таъкидламоқчиман, – дейди

Қозоғистон Президенти. – У давлатни қайта бошқара бошлаган пайтда Озарбайжон амалда халқаро майдонда яққаланиб қолганлигини эслаш жоиз. Мамлакатда бир неча йил ҳукмронлик қилган Элчибей бошчилигидаги муҳолифат яққаланиш ва миллий устуңлик сиёсатини байроқ қилиб олган қўшнилар билангина эмас, балки бошқа хорижий давлатлар билан ҳам алоқаларни бузиб бўлган эди.

Қатъиятли прагматик, ҳамкорлик ва интеграция тарафдори бўлган Ҳайдар Алиевич аҳволни яхшилашга, халқаро ҳамжамият ва, айниқса, биринчи навбатда МДҲ билан алоқаларни тиклашга зўр бериб ҳаракат қилди. Менинг ҳам кўпгина интеграцион ғояларимга у тушуниб муносабатда бўлганини мамнуният билан таъкидламоқчиман. Мен унинг доно маслаҳати ва катта тажрибасидан доим баҳраманд бўла олардим.

Каспий минтақаси муаммолари устида биз соатлаб маслаҳатлашган пайтларимиз бўлган. Каспий захиралари жанжалга сабаб бўлмаслигини, зотан, минтақада можаролар туғилиши имконияти катталигини тушуниб турганимиз бизни бирлаштирарди. Биз Каспий денгизи тинчлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик денгизи бўлиб қолиши учун барча чораларни кўрганмиз ва ҳозир ҳам кўрмоқдамиз. Каспий атрофидаги барча давлатлар ва жаҳондаги барча шерикларимиз бундан манфаатдордирлар.

Бировни ранжитишдан кўркмаган ҳолда, шуни таъкидламоқчиманки, Россия, Озарбайжон ва Қозоғистон давлатлари етакчиларининг сиёсий иродаси ва бир-бирини ўзаро тушуниши Каспий денгизининг ҳуқуқий мақомини белгилаш жараёнини қотиб қолган жойидан силжитди.

Бугун Озарбайжон яна юксалиш йўлига тушиб олган. Ҳайдар Алиевичнинг ишларини унинг ўғли – Озарбайжоннинг янги Президенти Илҳом Алиев давом эттиришига аминман. Қозоғистон ва Озарбайжон нафақат Каспийбўйи минтақасида, балки барча соҳаларда ҳам яхши қўшничилик ва самарали ҳамкорликни давом эттиришига асло шубҳаланмайман».

1986 йилда Владимир Кузьмич Гусев Совет Иттифоқи Министрлар Совети Раисининг ўринбосари этиб тайинланди. Бунгача у Россия Министрлар Советида ишлаган, Саратов обкомининг биринчи секретари бўлганди. У Алиев билан икки йил (Алиев истеъфога чиққунича) ҳамкорликда ишлади.

– Биз Ҳайдар Алиевич билан тез-тез учрашардик. Мен уни доимо иш устида кўрардим, – дейди Владимир Кузьмич. – У ниҳоятда қобилиятли ташкилотчи эди. Ўз топшириқлари бажарилишини каттиқ талаб қиларди. Бу масалада биз у билан ҳамфикр эдик. Талабчанлик раҳбар фаолиятидаги энг асосий

жиҳатлардан биридир. Ҳозирги кунда ҳар қадамда дуч келинаётган назоратсизлик менинг тоқатимни тоқ қилади. Ҳайдар Алиевичда бу камчилик йўқ эди. Байкал-Амур магистрали қурувчилари Алиевнинг талабчанлигини ҳозир ҳам яхши эслашади.

Кабинетини ташлаб кетишни истамайдиган баъзи раҳбарлардан фаркли ўлароқ у жойларга мунтазам чиқиб кетарди. Ишчилар, мутахассислар билан мулоқотда бўлиш, ҳақиқий аҳвол билан жойида танишиш Алиевга хос иш услуби эди. Ҳозир бундай раҳбар кам учрайди.

Алиев Москвада ишлаб юрган кезларда Владимир Гусев Озарбайжонга кўп келган.

– Жонажон республикасида у ҳақда айтилган фикрлар мени қувонтирарди. У ўз Ватани билан алоқани сақлаб қолди, у ерга бориб турди... Мен унинг оилавий ҳаётидаги баъзи лавҳаларни биламан. У рафиқаси Зарифа Азизовнага умрининг охиригача қанчалик меҳрибонлик билан қараганди! Бу ҳам унинг иродали, мукаммал инсон сифатидаги қиёфасини курсатади.

У 80 ёшда ҳам жушқин эди, мамлакатни ишонч билан бошқарарди. Озарбайжон иқтисодиётининг муҳим тармоқларини давлат ихтиёрида қолдирди. Бошқарувнинг бундай дастагисиз иш олиб бориб бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси, ҳеч қандай муболағасиз, у Совет Иттифоқи ва мустақил Озарбайжоннинг йирик давлат ва сиёсий арбоби эди, дейишимга асос беради.

2002 йил июлда Озарбайжон Президентининг Москвага давлат ташрифи пайтида Россия телевидениесининг биринчи канали орқали Михаил Гусманнинг «Ҳокимият формуласи» дастури берилди. ИТАР-ТАСС билан ТВнинг ҳамкорликдаги лойиҳасида Россия телетомошабинлари ва ўқувчилари Ҳайдар Алиев билан таништирилди. Курсатувда Алиев инсон, жаҳон миқёсидаги давлат арбоби, оилапарвар сифатида намоён бўлди. Ҳайдар Алиевични суҳбатга тортиш қийинмиди? У батафсил суҳбатда, мусоҳиблар юзма-юз учрашиб турганида сизда қандай таассурот қолдирди?

– Одатда инсон кексайганда кўзлари хиралашиб, ёшланадиган бўлиб қолади,– дейди Михаил Соломонович Гусман.– Аммо Алиевда кексалик аломатлари сезилмасди. У менинг кўзларимга тик қаради ва мендан бу нигоҳга бардош бериш қийин, деган фикр ўтди.

Саксон ёшни қоралаётган Алиев компьютердек аниқ фикрларди. У тафсилотлар, майда нарсалар, расмларни нозик томонларигача яхши эсларди. Масалан, қизи Севе ҳақида гаплашганимизда Ҳайдар Алиевич унинг кўп йиллар қандай қўйлак кийганлиги, менинг бўлажак рафиқам билан қандай

уйнаб юрганини эслади. Бу ҳам етмагандек, дугонасининг куйлаги қандай рангда бўлганини ҳам аниқ гапириб берди. Дарвоқе, унинг хотираси зўрлиги ҳақида бошқа суҳбатдошлар ҳам гапириб беришган бўлса керак.

Аммо давлат бошқаруви табиатини ўта нозик хис қилиши мени лол қолдирди. Баъзи сиёсатчиларга ўхшаб, у ҳокимиятни асосий мақсад қилиб олмаганди. Назаримда, у ҳокимиятни ўзининг юксак вазифаси деб билар, масъулият, миллат, халқ манфаатлари учун яшашни ўзининг бурчи деб ҳисобларди. Чамаси, бу тушунча унда жуда эрта – Озарбайжон Марказий Комитетини бошқарган пайтидаёқ пайдо бўлган эди. Ҳайдар Алиев Озарбайжон ривожланишининг узок йиллик исгиқболини белгилаб берганлигини ҳозир, айниқса, аниқ кўриб турибмиз.

2003 йил 10 майда бутун Озарбайжон ўз Президенти Ҳайдар Алиевнинг 80 йиллик юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда эди. Ҳамма уни Кливленддан даволаниб қайтишини кутар, хушxabар ва дийдорлашувга мушток эди. Аммо куни кеча Ҳайдар Алиевич ўзининг кўп йиллик содик сафдоши, Миллий мажлис раиси Муртуз Нажаф ўғли Алескерова кўнғироқ қилди:

– Муртуз, менсиз нишонлайверинглар...

Жуда олисдан келаётган кадрдон овозни эшитган Муртуз Нажафович ҳозир улкан бокқа қараган катта палатада ётган кишининг аҳволи қай даражада оғирлигини тушунди. Бор иродасини йиғиб гапирди:

– Сизнинг қайтишингизни кутамиз, жаноб Президент.

Эртаси куни у тантанали мажлисда сўзлаган, чуқур тахлил бўлган сермазмун маърузасида Алиевнинг сиёсатчи, давлат ва халқ раҳбари, умуммиллий етакчи сифатидаги қиёфасини тасвирлаб берди.

– Босиб ўтган йўлимизга назар солар эканмиз, – деди Парламент раиси, – барча озарбайжонликларнинг қалби ғурурга тўлади. Бу ютуқларда Ҳайдар Алиевнинг хизматлари бекиёсдир. У бутун ҳаётини халқига, Ватанига хизмат қилишга бағишлади, миллатнинг бунёдкори ва халоскори бўлиб тарихимизга кирди.

Озарбайжон ёзувчилар уюшмасининг раиси Анор эсдаликларидан:

«Совет даврида Ҳайдар Алиев республиканинг олис районларига поездда йўл оларди. Кўпинча у билан бирга мутахассислар, баъзан шоирлар ва артистлар ҳам бўларди. Бир куни

перронда машхур артист Нодар Шашик ўгли кўриниб қолди. Ҳайдар Алиев ундан:

– Бу ерларда нима қилиб юрибсиз?– деб суради.

– Сизни кузатиб юрибман, – жавоб берди Нодар, – эҳтимол, қачондир сизнинг ролингизни ўйнашимга тўғри келар.

Ҳайдар Алиев ўйлаб ўтирмасдан чўрт кесди:

– Менинг ролимни ўйнаш керак эмас, уни ўзим яхши ўйнайман».

Ҳа, ўзига тақдир ато этган ролни у тўлиқ берилиб ўйнади. Уни ушбу тарих сахнасида замондошларигина эмас, улардан кейин дунёга келадиган авлодлар ҳам баҳолашади. Балки улар, биз замондошлардан фарқли равишда, баъзи воқеаларга бошқачароқ қарашар. Одатда, шундай булади ҳам. Тарихчилар, тадқиқотчиларнинг буюк кишилар ҳақида уларнинг замондошларининг хотираларига мурожаат қилишга интилишлари одатдаги ва тушунарли ҳол, албатта. Улар – нахичеванликлар, боқуликлар, москваликлар, озарбайжонлар ва руслар, турли ёш ва касб эгалари – эркалар ва аёллар Ҳайдар Алиев ҳақидаги ўз таассуротларини биз билан самимий ўртоқлашдилар. Ушбу китоб уларнинг хотиралари заминида дунёга келди.

## СУНГСУЗ

Совуқ хабар шамолдан тез учади, дейишади. Машъум хабар океан ортидан етиб келди: АҚШда, Кливленд касалхонасида Ҳайдар Алиевич Алиев оламдан ўтди.

У ёруғ дунёга келганда, Ҳайдар деб исм беришди. Ҳайдар – муминлар Шарқда куч-қудрат, донолик ва ҳақиқат рамзи булган ҳазрат Али Муртазонинг сифатларидан бири. Кишилар тақдирида ота-она, мухит ва тарбиянинг роли борлиги муқаррар. Кишига исм танлаш ҳам қайсидир маънода инсон ҳаёти, қисмати билан боғланиб кетади. Инсон бутун умри давомида пешонасига муҳр булиб босилган ушбу тақдир измида юради.

Нурнинг изи борми? Абадий сунган қуёшни тасаввур қилиш қийин. Юлдузлар ҳам вақти-соати келиб сунади, лекин одамлар уларнинг нуридан узок йиллар баҳра оладилар.

Нурсиз ҳаёт йўқ.

Ҳайдар Алиев қуёшли Озарбайжон диёрида дунёга келди ва ана шу жонажон қуёш тафтини қалбига жо қилиб, уни ҳаммага ва ҳар бир инсонга, жонажон заминга қайтариш учун 80 йил умр кўрди. Алиев юлдузи унлаб, юзлаб йиллар Озарбайжонга нур сочиб, ёритиб туради.

Расо яратди Сизни она табият,  
Бу замин осуда бўлсайди агар  
Бўлмасайди агар дилда жароҳат  
Юз ёшдан ошарди бундай мард Инсон.

Шоир Сиёвуш Мамадзода Президентга бағишланган шеърда шундай деб ёзганди. Чиндан ҳам, Ҳайдар Алиевнинг ҳаёт йўли фақат гулларга бурканган эмасди, у куплаб тиканларни ҳам енгиб ўтишига тўғри келди. Қалбларни ларзага солувчи, юракларни чатнатувчи, ё ҳаёт, ё мамот дегувчи, унинг ўзи учунгина эмас, бутун Озарбайжон учун ҳам оғир синовлар бўлди.

У чидади. Бардош берди. Азобларни енгди.

Она халқин шони, номусин саклаб  
Мағрур бош кўтариб юрди у донм.  
Курук, сафсаталарга солмади кулок,  
Фидойи аскардек кирди у жангга.

Ҳатто, рақиблари ҳам унинг сиёсий тажрибасини, ирода кучи ва тафаккур қудратини ҳисобга олишарди. У 1993 йилда, ватанини душманлар азоблаган ва пора-пора қилган оғир дамларда қайтадан ҳокимият тепасига келди. У ошиқ Аббос Туфарганли кетидан: «Халқ бир бўлса – у тоғларни емиради!» – деб бонг урганди.

2003 йилнинг ўн иккинчи декабридан ўн учинчи декабрига ўтар кечаси унинг халқи етим бўлиб қолди. Ўн учинчи куни тонгдан Боку, барча шаҳарлар, қишлоқлар мотам тасмалари ва чиннигуллар туфайли қора-қизил тусга кирди. Байроқларда, автобусларда, метро турникетларида қора тасмалар. Одамлар Президент саройи томон оқиб келмоқда. Кеча телевидение диктори кўрсатувни тўхтатиб, Ҳайдар Алиев оламдан ўтганини хабар қилиши билан бу бино кўнгурасида чинни гуллар ва ёқилган шамлар пайдо бўлди. Ҳайдар Алиев бу гулларни жуда севар эди ва одамлар кучоқ-кучоқ чиннигулларни кўтариб Президент саройи томон кела бошладилар. Яқиндагина бу зиналардан ўзи югуриб чиқарди. Кексалик аломатлари сўнгги кўнгурача унга ёт эди. Боқуда бир воқеани кўп гапиришади. Президент янги вазирлардан бирини тасдиқлашдан бош тортди. «Ақлли йигит, лекин нима учун бунчалик семириб кетган? Аввал ўзини эпақага келтирсин». Вазирликка номзод ортиқча тошини ташлаб, ўзини эпақага келтирди. Президент ҳам ҳар доимгидек сўзида турди: уни кўрсатилган лавозимга ўтказди. Шу тариқа ҳуқуматда Алиевнинг «фотиҳасини олган» яна бир киши пайдо бўлди.

Эфирда – мотам мусиқаси. Телеэкранда Алиевнинг республика Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Миялистрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, мамлакат Президенти бўлган йиллардаги ҳаётидан лавҳалар кўрсатилмоқда.

– *Биз Озарбайжонни XXI асрга кучли, мустақил давлат сифатида олиб киришга интиломқдамиз. Биз келгуси авлод учун бахтлироқ ҳаётни барпо этмоқчимиз. Озарбайжоннинг имкониятларидан самарали фойдаланиб, иқтисодиётни ривожлантириб, озарбайжон халқининг турмуш фаровонлигини оширишга интиломқдамиз... Озарбайжон эркин, демократик мамлакат сифатида қамол топиб, Европа ва Осиё қитъалари туташган нуқтада ўз тарихий ютуқларини намойиш этади.*

*Азиз ватандошлар! Сизларни ишонтириб айтаманки, ўзимнинг оғир ва масъулиятли мажбуриятларимни англаб ту-*



*рибман, сизлар билдирган ишонч мен учун нақадар қимматли эканини билишингизни хоҳлайман. Менга кўрсатилган бу юксак ишончга катта масъулият ҳисси билан ёндашаман. Бутун борлигим билан ишончингизни оқлашга интиламан ва Озарбайжонни яқин йиллар ичида жадал ривожлантиришга эришаман.*

Одамлар оқими чексиздек. Бу умумхалқ моғам карвони эди.

Мана, сочлари ошпоқ аёл уйда утира олмасдан, мусибатни бошқалар билан баҳам кўриш учун кўчага чиқди. Ёш жувон эмизикли гудаги билан бир дона чинни гулни бағрига босиб олган. Уруш фаҳрийси ўзини тик тутишга уринади. Ёнида ўзига ўхшаган ўғиллари... Ҳайдар Алиев халқига нисбатан ҳеч қачон муғомбирлик қилмаган эди. Ана шу халқи ўз оқсоқоли, ўз Ҳайдар оғаси билан видолашмоқда.

*– Биз мустақил давлат сифатида яшамоқдамиз ва бу мустақил давлатчилигимиз асрлар оша бардавом бўлишини қайта-қайта таъкидладик. Яъни биз бундан буён бошқа бир давлат таркибида, унга қарам бўлиб яшамаймиз... Бу мустақиллик фақат ижтимоий-сиёсий натижа эмас, моддий натижа ҳам келтирмоғи, одамлар турмуши фаровон бўлишини таъминламоғи лозим.*

*Совет Иттифоқи парчаланаятганда, кўплаб иқтисодчилар... ўн беш республикадан уч-тўрттасигина мустақиллик даврида ўзини тўлиқ таъминлаши мумкин, улардан бири Озарбайжон, деган хулосага келган эдилар. Совет олимлари ва гарб советишунослари уша пайтда шундай дейишган эди. Бу осмондан тушган гап эмас. Бу гап Озарбайжоннинг табиий бойликлари билан ҳам, иқтисодий салоҳияти билан ҳам боғлиқдир.*

Ҳайдар Алиев бу сузларни нақадар ишонч билан, нақадар неқбинлик билан айтган эди!

Каспий бўйидаги кўҳна шаҳар асрлар давомида нималарни кўрмади, дейсиз. «Нафта деб аталган ёнувчи мой» ва ёт қўллар илгари ҳам чўзилганди, ҳозир ҳам чўзилмоқда.

Мамлакат Каспий каби кўпириб тошган ўша таҳдидли дамларда халққа бир неча бор бевосита мурожаат қилишга тўғри келганди. Президент куч ишлата олмагани учун эмас. Йўқ. Қонун унга бундай ҳуқуқни берарди. Лекин у доим куч ишлатиш ҳуқуқини эмас, ҳуқуқ кучини, ишонтириш кучини танларди. У барча ватандошларини маслаҳатга қорларди.

*– Озарбайжонни парчалаб ташламоқчи бўлаятган кўчлар кўп: баъзилари ичимизда, бошқалари – ташқарида. Баъзи масалаларда муроса йўлини тутуши, баъзида кечиримли бўлишини билиш ҳам керак. Бўгун сизларга яна такрорлайман: мен кўп нарсини кечириб келганман. Айримлар: Ҳайдар Алиевни яхши*

биламиз. 70-йиллардаги Хайдар Алиев билан ҳозирги Хайдар Алиевнинг ўртасида фарқ катта, деб ҳайрон бўлади. Фарқ шундаки, у ўша даврда қатъиятлироқ, қаттиққўлроқ эди. Бугун эса ҳам юмшоқроқ, ҳам баъзи нарсаларни кечириб юборадиган бўлиб қолган.

Буларнинг ҳам ўз сабаблари бор. Сабаби, биз демократия даврида яшаймиз. У даврдаги ва ҳозирги давлат тузуми ўртасида фарқ бор. Мен демократия йўлидан бормоқдаман. Озарбайжонда демократия тамойилларини қарор топтираётган шахс сифатида кўп масалаларда муроса йўлини тутаман. Демократия йўлидан борилар экан, тинчликни, хавфсизликни ўрганиш, фуқаролар тотувлигини барпо этиш даркор...

Хайдар Алиев давр сиёсий томиридаги ўзгаришларни сезгир сейсмограф каби илғарди. Унинг ҳар бир зарбини юрагидан ўтказарди. Юқорида ёзганимиздек, 1987 йилнинг майида у инфаркт бўлди. «Даҳшатли инфаркт», – деди Евгений Максимович Примаков мен билан бўлган суҳбатда. Унга бу ҳақда рафиқаси, Кремль поликлиникасида кардиолог шифокор бўлиб ишлаган марҳума Лаура Васильевна айтган экан. Алиевни шу заҳоти нафақага чиқаришди. «Лекин у оғир дардни енгиб ўтди, – деб кўшимча қилади Евгений Максимович, – бу ҳам унинг иродасидан, зарур пайтда бор ҳаётий кучларини сафарбар қила олишидан далолат беради». 2003 йилнинг 13 декабрида, ўша машъум шанба кунинда Евгений Максимович Примаков улкан дўсти билан видолашиш учун Озарбайжоннинг Москвадаги элчихонасига биринчилардан бўлиб етиб келди. «У тарихни яратган шахс эди», – деб ёзганди Алиев ҳақида Примаков таъзиялар китобида. «Бу шахс ҳар қандай миллатнинг фахри бўла оларди», – бу Давлат думаси депутаты Сергей Бабуриinning ёзганлари. «Даҳо», «Озарбайжон халқининг буюк фарзанди» – таъзиялар китобида энг кўп учрайдиган сўзлар.

Алиев қайтганидан кейин барча ракибларидан ўч олади, ҳаммага тазйик ўтказадди, деган «башоратчи»ларни Озарбайжонда яхши эслашади. Лекин буюклар бундай йўлдан бормайдилар.

– Бугун ўтган даврнинг қатагонлари, тазйиқлари тўғрисида, инсонларга қарши қилинган ёвузликлар ҳақида гапириш мумкин, албатта. Бу бизнинг тарихимиз. Тарихий ҳақиқатни доим гапириш керак. Лекин, шу билан бирга, эришган ютуқларимизни нега унутасизлар? Бу ютуқлар орасида... Озарбайжон тили ҳам бор-ку. Ҳозир буни хоҳлаганча талқин қилишингиз мумкин, аммо Озарбайжон тили бутун тарихи

давомида ҳеч қачон мана шу олтинчи йилдагидек равои бо-  
йимасан эди. Озарбайжон тилида ҳеч қачон шунча китоблар,  
романлар, шеърлар, ҳикоялар ёзилмаганди. Бу бизнинг тарихий  
йўлимиз, бу бизнинг тарихий ютуғимиздир...

...Биз доим ўз миллий туйғумизни юксак ҳурмат қили-  
шимиз керак. Миллий ўзлик туйғуси мени кўп оғир дамларда  
қутқарган. Миллий ўзликни ҳис қилиш ҳаётимда тўғри йўлдан  
боришим, мақсадимга эришишим ва халқимга хизмат қилишим  
учун менга доим мадад берди.

Президент Ҳайдар Алиев ҳаётининг сўнгги даврида Боку  
кучаларида сайр қилишни ёқтирарди. «Известия» газета-  
си журналистлари бир репортажда қайд этганидек: «...ўзига  
ёққан ресторанга бемалол кириб ўтира оларди». Унинг хос  
қўриқчилари безовта бўлиб: «Ҳайдар Алиевич, овқатни тек-  
ширмаганмиз», – дейишганда: «Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ», – деб  
қулиб қўярди. Сўнг: «Бирор нарса бўлса сен айбдор бўласан», –  
деб ҳазиллашарди. Инсон буюклашган сари соддалашиб ҳам  
бораркан. Қанчалик самимий ва ғамхўр бўлса, шунчалик жо-  
зибадор бўларкан. Ҳайдар Алиев ўзининг одамхунлиги билан  
барчани лол қолдирарди.

Санъат аҳли – ёзувчилар, мусикачилар, рассомлар унга  
интилишарди. Улар бу мададкор инсонни ўзларига маънавий  
устоз деб ҳисоблашарди. Бу ҳақда улар кўп айтишган. Лоақал  
Анор ва Мамед Ораз, Воқиф Самад ўғли ва Элчин сингари  
ёзувчиларнинг, уларнинг рус биродари, уруш катнашчиси, бир  
қанча адиблар ва санъат арбоблари каторида президент сти-  
пендияси соҳиби бўлган Иван Поликарпович Третьяковнинг  
дил сузларини эсланг. «Мен умрим борича Ҳайдар Алиевни  
эслаб яшайман, – деб ёзганди бизга Иван Третьяков. – У одам-  
ларни ишига қараб қадрларди, унинг ёнида жон фидо қилиб  
меҳнат қилгиси келарди кишининг».

1995 йил 19 декабрь. Ҳайдар Алиев Гулистон саройида  
бевақт оламдан ўтган халқ ёзувчиси Юсиф Самал ўғлининг  
60 йиллигига бағишланган тантанали кечада маъруза қил-  
моқда.

– Бугун бир қизиқ воқеани айтиб бериш зарур, деб ҳисоб-  
лайман. 1990 йилда мен Москвадан Озарбайжонга қайтиб кел-  
дим. Бу ерда (Бокуда. – Муалл.) яшаб бўлмади ва мен Нахиче-  
ванга кетдим. Ўша даврда, бир томондан, мени таъқиб қилиб,  
жамият ҳаётидан четлаштириб қўйишган, адолатсизлик  
қилишган бўлса, иккинчи томондан, халқнинг иззат-ҳурмати  
ва қизғин меҳрини доим ҳис этиб келгандим. Мени яққалаб  
қўйишган пайтда, Нахичеванда барча тусиқларни ёриб ўтиб,  
мен билан учрашувга келган кишиларни ҳеч қачон унутмайман.

*Бу осон иш эмас эди. Олдимга одамлар кўп келарди. Мендан хабар олишиб, кўришиб, бир-икки соат суҳбатлашгандан кейин Бокугами, Ганжагами ёки бошқа шаҳарларгами қайтиб кетишарди.*

*Бир кун мен учун мутлақо қўтилмаган ҳодиса содир бўлди. Тусатдан эшик очилиб, Айбениз хоним кириб келди. Ушанда мен ҳовлида утирган эдим. Айбениз хоним Нахичеванга ўз юмуши билан кимгадир учрашиш учун келгандир, деган уй ҳам хаёлимдан ўтди. Менинг бу ердалигимни эшитиб қолган бўлса, кўриб кетай деб келгандир-да. Кейинчалик билсам, Бокудан Нахичеванга самолётда қариндош-урувлари билан бирга фақат бир нарсага: мени кўриш учун келган экан... Билсангиз, бундай ҳолаҳвол сураб келувчилар кўп эди, аммо бу учрашув менинг учун жуда қадрли эди. Чунки у Самад Вурғун хонадонининг вакили эди. Яна бир жиҳати, Нахичеван оғир аҳволда, самолётларнинг келиши жуда қийин эди. Тасаввур қилинг, аёл боши билан мени ҳурмат қилиб, кўргани келибди. Бу ҳодиса менга жуда ҳам таъсир қилди, хурсанд ҳам қилди. Бу яхши одамлар, тоза қалбли кишилар жамиятимизда кўпчиликни ташкил қилишини яна бир қарра тасдиқлади.*

Унинг ўзи ҳам шундай: қалби тоза, яхши одам эди.

Яратган унга сахийлик билан хуш комат, юсак заковат, ажойиб хотира, кучли нотиклик маҳорати, ижодкорлик туйғуси, жисмоний ва маънавий кўрк ато этган эди.

2003 йил мартда тақдир уни яна бир бор қаттиқ синовдан ўтказди. У совет даврида ўзи асос солган Жамшид Нахичеванли номидаги ҳарбий билим юрти курсантлари ҳузурига келди. Президент нутқ сузлаб турган жойида кўксини чангаллаб, чайқалиб кетди... Бу лаҳзаларни жонли эфирда бутун мамлакат кўрганди. Беш, ўн, ўн беш дақиқа ҳаяжонли сукунат дамлари, шивирлаб айтилган гап ҳам ҳайқирикдай эшитилади. 20 дақиқадан кейин, шифокорларнинг қаршилигига карамай, Президент яна минбарга кўтарилиб, мустақил Озарбайжоннинг келажаги, умиди бўлган бўлажак офицерлар ва зал билан қисқача хайрлашиб кетди. Бундан бошқача йўлни тута билмасди. Фақат ирода – Алиевга хос букилмас ирода уни ёш офицерлар билан тўла залга қайтарди. Муболағасиз айтиш мумкинки, ўша дамларда залга Бобак ва Кўруғлидан тортиб, номи афсоналарга бурканган генераллар Самедбек Меҳмандаров ва ҳаётлигида рус артиллериясининг худоси ҳисобланган Шихлилик Али оғаларга қадар ажодларининг қаҳрамонона шон-шухратига муносиб бош кўмондон, генерал, жангчи кириб келгандек бўлганди гўё. Ҳаётининг сўнгги кунларида ҳам у ўзини эмас, дўстлари,

сафдошлари, уларга топшириб кетаётган мамлакати ҳақида ўйлади.

20 сентябрь кечсурун Озарбайжон Миллий мажлиси раиси Муртуз Алескеров кабинетига телефон жиринглади. «Муртуз, бу мен! – таниш овоз эшитилди. Муртуз Нажафович бу кадрдон овозни дарҳол таниди, лекин у шу қадар узоқдан келарди-ки, раиснинг юраги шув этиб кетди.

– Туғилган кунинг билан табриклайман. Ҳозирча телефонда... Яна бир неча илик гаплардан кейин овоз узилди. Лекин ҳеч ким бу уларнинг охириги мулоқоти эканини билмас эди.

Боқуликлар XX аср бошида инқилобчи Хонлар Сафаралиевнинг дафн маросимида минглаб одамлар иштирок этганини эслашади. Қахрамон генерал Асланов билан ҳам бутун шаҳар видолашганди. Буюк Узаир Ҳожибековни кузатаётган одамлар шунчалик қудратли эдики, «отлик милиция» унга сингиб кетганди». Халқ ўз шоири Самад Вурғунни ва бастакор Қора Қораевни ҳам сунгги йўлга шундай оғир мунг билан кузатганди. Филармонияда ўтказилган видолашув маросимидан сунг дафн иштирокчилари Фахрий шаҳидлар хиёбонига йўл олдилар. Хиёбонга томон йўл анча олис ва тик эди. Одамлар кутариб бораётган, буюк композиторнинг жасади солинган тобут қайнаққа ухшаб сузиб борарди. Тобутни биринчи бўлиб Ҳайдар Алиев ўз елкасига олди. Ва узоқ йўлни охиригача босиб ўтди. Қора Қораевнинг шогирди, таникли бастакор Ориф Меликов шундай эслайди: «Ҳаётда бундай воқеалар кам учрайди. Лекин бу ана шундай камёб воқеалардан бири эди. Бу воқеа Ҳайдар Алиевнинг Озарбайжон Республикасини, озар халқи шаънини юксакка кутарган буюк инсонларга эътибори нақадар катта эканлигини яна бир бор намоён этди».

Учинчи минг йилликнинг учинчи йилида халқ дарди узининг юқори чуққисига чиқди, миллионлаб ватандошлар Ҳайдар Алиев хотирасига таъзим бажо этдилар.

14 декабр. Президент саройига одамлар оқими узилмайди. Улкан оломон майдонларга сиғмай қолди. Шаҳар марказидаги Президент саройини Бина аэропорти билан туташтириб турувчи катта автомобиль йўли одамга тўлиб кетди. Озарбайжон ўз асл фарзандининг қайтишини кутарди. Қора тасма боғланган, эгик байроқлар шамолда хилширайди. Улар гўёки: «Сен баланд кутарган ялов бир умр эгилмайди... Биз сенинг хотиранг олдида бош эгамиз... Сенга охириги ҳурматимизни бажо келтирамиз», – деяётгандай бўлади.

Озарбайжон халқининг етакчиси она днёрига қайтди. Она тупроғига бош қўйиб, мангу ором олиш учун қайтиб келди.

Мудрок Касий тўлкинлари ғамгин чайқалди. Аскарлар оқсоч Кавказ тоғлариядек оғир тобутни елкаларида қайғу билан кўтариб боришарди.

Тоғдек оғир мусибат.

Ё, Оллоҳ, мусибат нури мунча ҳам кўзларни олмаса! Одамлар қайғунинг ана шу нури томон ошиқишмоқда.

Декабрь шамоли дарахтларнинг сариқ баргларини ерга сочиб, йўлчаларда учириб уйнайди. Дарахтларда забон йўқ, лекин улар хотирасиз эмас. Апшерон чўллари шўрхоқлар, қумтепалар, туя янтоқлар, мой босган қўлмақлар, эски қонлар яқинидаги ташлама сувдан ҳосил бўлган қўллар билан келиб, кўп қаватли бир хил уйларга туташиб кетган. Апшероннинг бўз манзараси Ҳайдар Алиевнинг ҳиммати билан гузаллик касб этиб, яшил тусга кирди. Республика байроғидаги яшил ранг ислом олами маънавий кадриятларини эслатади. Ва бу ҳаётбахш ранг Ҳайдар Алиевнинг меҳнати ва иродаси туфайли гузаллашган Озарбайжон табиатига ҳос яшилликни ҳам ёдга солади. Қани энди, у ўзи бунёд этган бу сеvimли шаҳарни, асфальт кўчалари, текис томларини, тош кўприкларини кўра олса.

Кучанинг ҳар икки томонида – аэропортдан Бокугача одамлар жонли саф тортиб, девор ҳосил қилган.

Тўғри, байрам кунларида халқ уни шу кўчаларда гуллар кўтариб, чин юракдан олқишлаб кўп марта кутиб олган эди. Дил сузларини айтиш учун унинг истиқболига интилардилар. Унинг бир оғиз илиқ сузини эшитишга, шодон чехрасини кўришга ошиқардилар. Ҳозир ҳам у Боку аэропортига қайтди. Минглаб одамлар соат милларига қарашади. 13.55. Таассуфларки, энди самолётдан ўзи тушиб келолмайди. Шамол аччиқ эрмон ҳидини таратади. Жимжитлик сузсиз мотамни эслатади.

Ҳамма ўз юрак товушини эшитади. Ҳамманинг ғам-алами, изтиробни қушилиб кетган.

Халқ ўз йўлбошчисидан, миллат етакчисидан айрилиб қолди. Илҳом Алиев эса отасидан ҳам жудо бўлди... Машғум хабарни Илҳом Алиев жаҳон ахборот ҳамжамияти саммитида қатнашаётган пайтида эшитди.

Ҳозир у самолёт нарвони оддига бориб, бортига кўтарилиши, отасининг ёнига бориши керак. Сўнгги ун беш дақиқа улар холи қолишди. Шу дақиқаларда Илҳом нималарни кўнглидан ўтказганини, фарзандлик қалби нималарни тинглаётганини ким биларди? Отаси ёки онасини сўнгги манзилга кузатишдек изтиробли бурчни бажаришига тўғри келганларгина билса керак буни...

Тоза пир мачитида жаноза ўқилди. Расулulloҳ Муҳаммад (с.а.в.) васият қилган ва юзлаб йиллардан бери яшаб келаётган суннат амаллар бажарилди.

Пайғамбаримиз айтганлар: бу дунёдан куз юмганларни йиғлаб кузатманг. Бир кишидан жудо бўлсангизу куп нарса-ни йўқотсангиз, ўша кишига ҳам йиғламанг. Лекин бундай дақиқаларда ким ҳам ўзини тия олади?!

Давлатни кимга ишояиб топшириш Ҳайдар Алиевни безовта қилаётган сўнги ва энг муҳим масала эди. Ёш демократия бундай катта меросни эплай олармикан? Парда ортида пайт пойлаб турган уста сиёсатбозлар ва омадини кутаётган уddaбуронлар бу вазиятдан фойдаланиб қолмасмиканлар?

Ўзи тарбиялаган, ўз мактабига мансуб янги ёш сиёсатчилар авлоди унга маълум эди. Ота сифатида, устоз, тарбиячи сифатида Илҳомнинг жамоатчилик, қалқ олдидаги обрўси билан фахрланарди. Юраги: «ўғлинг» дерди. Тажрибаси эса бошқа гапни дерди: «Унинг тавсиясини бошқача қабул қиладилар. Муҳолифат, сиёсий сафсатабозлар Президентни «оталарча ҳомийлик», «қариндош-уруғчилик», «тахтни мерос қолдириш» ва, худо билсин, яна нималарда айблайдилар. Лекин у мўлжаллаётган номзод катта раҳбарлик қобилияти ва салоҳиятига эга эди. Зотан, қондош ворис маънавий ворис ҳам эди. Ҳайдар Алиев буни биларди. Унинг хоҳишини халқ тўла қувватлади.

Бу тақлифни жаҳон аҳли ҳам маъқуллади. 15 декабрь, дафн маросими куни Москвада чиқадиган «Время новостей» газетаси бундай деб ёзганди: «Ҳайдар Алиев чинакам шарқ давлат арбобига муносиб тарзда дунёдан ўтди. У мамлакатда ўз ҳукмрон сулоласини ўрнатишга эришди. Сиёсий муҳолифлари қанчалик ғазабланишмасин, бу ишни бугунги Озарбайжон шароитида мумкин бўлган тарзда қонуний амалга оширди. Фақат МДҲ давлатларида эмас, бутун Европада ҳам ноёб бўлган бу сулоланинг яшаб қолиши эса унинг ўғли Илҳомнинг ўзига боғлиқ. Дарвоқе, унинг ўзи ҳам ўгли – қичкина Ҳайдарни тарбиялаб вояга етказмоқда».

Келинг, сулола ҳақидаги ўринсиз фикрлар борасида беҳуда баҳслашмайлик. Асосий гап бошқа нарсада. Илҳом Алиев тобут ортидан борар экан, куплар у отасига жуда ўхшаб кетишини такрор-такрор гапирдилар. Гап фақат ташқи ўхшашлик ҳақида эмас эди. «Отасининг характериға хос куп жиҳатлар унга ўтган эди, – деб таъкидлайди Евгений Максимович Примаков. – Илҳом Ҳайдарович кенг фикрловчи, зиёли одам. У отаси каби мамлакатнинг муносиб Президенти бўлишиға ишонаман».

Аэропортдан шахар марказигача чўзилган йўлнинг икки томонида турган кишиларнинг кўзида фақат мусибат эмас, балки келажакка умид учкунлари ҳам ялтирар эди.

15 декабрь. Алиевнинг жасади солинган тобут 70-йилларда ўзи бош бўлиб қурдирган Республика саройига қўйилди. У янги Озарбайжоннинг буюк бунёдкори, меъмори эди. Унинг ижодий режаларига мувофиқ қурилган бинолар янги Бокунинг рамзи бўлиб қолди.

Республика саройи, Президент саройи, «Гулистон», ўқув юртлари, шахмат мактаблари, клублар, заводлар, гузар жой массивлари – барчаси унинг йирик давлат арбоби сифатидаги дастхатининг абадийлаштирилган «муаллифлик гувоҳнома»сига айланиб қолди.

Одамларнинг туганмас окими устига давлат байроғи ёпилган тобут қўйилган саҳна олдидан маънос ўтарди. Кимдир фарёд қилар, кимдир йўл-йўлакай ўзича дуои фотиҳа қилиб борарди. Ҳар кимнинг кўнглида ўз Алиеви яшарди. Айримлар уни телеэкран орқали билишарди. Бошқалар у билан учрашиш бахтига муяссар бўлганди, яна бирлари, генерал Воқиф Охундов каби, у билан ҳар куни бирга ишлаган ҳамкасблари эди.

16 сентябрь – генерал-лейтенант туғилган кун. Утган барча йилларда Президент ҳар гал уни чакириб, чин юракдан табриклар эди. 2003 йил сентябрда улар Кливлендда бирга эдилар. Битта палатада Президент, ёнидаги палатада Президентнинг хос куриқчилари ва америкалик соқчилар ётар эди. Шу куни Охундов ҳар нарса ҳақида ўйлаши мумкин эди-ю, бироқ Президент уни табриклаш учун ҳузурига чакиришини ҳаёлига ҳам келтира олмас эди.

– Мен 27 сентябрь куни Ҳайдар Алиевич билан хайрлашган эдим, – деб кейинроқ сўзлаб берди генерал Воқиф Охундов. «Унинг куриниши яхши, чехраси очик, руҳи тетик эди. Мен унги кўлидан ўпдим, чап кўлига осма укол қўйилган эди. У ҳам мени ўзига тортиб, ўтди. «Яқин кунларда кўришгунча!» – деди. «Сайловлар тугагандан кейин мен олдингизга қайтаман, бирга Бокуга учамиз», – дедим. Мен Илҳом Ҳайдаровичнинг хавфсизлигини таъминлашим керак эди, ўшанда у ҳукумат раиси эди. Мен шу ердан Кливлендга кўнгироқ қилардим, ҳар ҳусудга гаплашиб турардик... 12 декабрь куни эса мана шу машғум ҳодиса юз берди.

Охири видолашув онлари... Очик тобут олдида энг яқин кишилар, улар орасида генерал Охундов ҳам бор эди.

– Ҳайдар Алиевичга қарар эканман у кўзимга тирикдек қуринди. Худди ёшариб кетгандек, 60–65 ёшдек қуринарди.



«Нима учун Сизни бу ерга ётқизиб қўйишди?!» – деб ўйлардим. Шифохонада кейинги пайтларда бир мунча тўлишибди, мен кетаётганимда озиб қолган эди... Ҳозир эса юзи тиниқ, гўё нур ёғилиб тургандек.

Чет эл делегациялари видолашардилар – Туркия Президенти Аҳмад Нажот Сезер ва бош министри Ражаб Толиб Эрдуғон...

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев тобут ёнида бир зум тўхтаб, бош эгиб видолашди.

Россия Президенти В.В. Путин буюк сиёсий арбоб хотираси учун шахсан ўз номидан, Россия номидан, рус халқи номидан бош эгиб таъзим қилишни ўзининг бурчи деб билиб, Бокуга учиб келди.

Путин Бокудан учиб кетар экан, журналистларга шундай деди: «Мен Ҳайдар Алиевични жуда ҳурмат қилар эдим. Унга фақат катта ҳурмат билан эмас, балки муҳаббат билан қарар эдим. У йирик давлат арбоби эди. У сиёсатда метиндек мустаҳкам эди, десам муболаға бўлмайди».

Бутун жаҳондан, Берлин, Вашингтон, Токио, Париждан... Бокуга таъзия телеграммалари ёғилди.

Таъзиячилар Президент саройини айланиб ўтишарди. Эҳтимол, океан ортидаги шифохонада Алиев давлат бошлиғи вазифасига ким келишини билгандир, билиб улгургандир, шундан чехраси севиначдан ёриш андир.

Даҳо Собирнинг ажойиб мисралари бор:

- Кур бўл!
- Мен кузимни юмаман.
- Кар бул!
- Қулларим билан қулогимни ёпаман!
- Фикр юритма!
- Кечир, бу ёлғон гапинг
- Менга тегишли эмас!..

Инсон табиати шундай. У манқуртликка буй бермайди. Шунда асрлар оша: «Барибир ер айланади!» – деган сўз такрорланади. Озарбайжон шоири Расул Рза ўзининг бир китобига «Ер айланаётганини сезаман» деб ном берган эди. Ҳайдар Алиев ҳам Ернинг айланишини ҳис этарди.

Алиев ҳокимиятга қайтгандан кейин ҳаваскор сиёсатчилар, бир соатлик халифалар тинчини йўқотди. Улар бўшашиб кетган давлатнинг яна мустаҳкамланишини ёқтирмас эдилар. Минг хил бўҳтон, ёлғон-яштак билан унинг қайтиб келишига тўсқинлик қилдилар.

Мусибат қарвони халқ учун азият қабрлар ёнидан оҳишта борар эди. Мангу олов ҳам шамолда ўйнаб, Озарбайжон учун

бутун умрини бахшида қилган инсонга қараб талпинаётган-дек туюларди. Қўплаб ол байроқлар ҳилпиарди. Республика байроғида ҳам қизил ранг бор эди. Қизил ранг – озодлиқ учун курашларда туқилган қонни эслатарди.

Шаҳидлар қони билан бўялар байроқ,  
Замин учун ўлдиларми, у Ватанга айланажак.

Ҳайдар Алиев жасади замбараклар садоси остида биринчи хиёбондаги Фаҳрий шаҳидлар хилхонасига – Она Ер бағрига қўйилди. У сўнгги макон тошган бу ер энди Озарбайжон халқининг энг азиз зиёратгоҳи бўлиб қолади.

Ердан илик ҳовур кутарилиб турар, у туқилган барглар исига қўшилиб, одамлар денгизи узра чарх урарди.

У рафикаси Зарифа хоним ёнидан мангу жой олди. Икки қалб, икки руҳ яна бир умрга бирлашди. Зарифа хонимнинг руҳи ғамгин фарзандлари бошида айланар ва уларни Оллоҳнинг паноҳига топширарди.

Халқ ўз йўлбошчисини, оқсоқолини кўмди. Лекин Ишонч, Умид ва Меҳрни кўмиб бўладими?

«Замин учун ўлдиларми, у Ватанга айланажак». Турк шоири, ушбу мисралар муаллифи Намиқ Камол ҳақ.

Биз китобимизда ҳикоя қилганимиз инсон бахтли ҳаёт кечирди. Пайғамбаримиз эзгу ишлар қилишга шошилиниг, деганлар. Ҳайдар Алиев худди шундай қилди. Библия каби, Куръони карим ҳам тақиқланган йилларда ҳам, бу муқаддас китоблар яна халққа қайтарилганида ҳам эзгу ишлар қилишга шошилди. У ўзининг эзгу орзулари, улкан амаллари рўёбга чиққанини кўрди. Оллоҳ таоло амр қилган бурчларини бажарганини билиб оламдан ўтди. У бўш вақтларида Самад Вурғун шеърларини қайта-қайта ўқишни яхши кўрар эди.

Мардларнинг олдида улим нима гап?  
Кимки Она юртга фидо этса жон,  
Севса, севилиб, ёнса бир умр  
Ардоқлар кўксида уни келажак.

2004 йил 6 февралда Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев Москвага ўзининг биринчи сафари билан борди. Россиялик ҳамқасби билан беш Каспийбўйи давлатлари раҳбарларининг навбатдаги учрашувини, ёқилғи-энергетика комплекси бўйича қўшма лойиҳалар билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди. Учрашув олдидаан Россия Президенти Илҳом Алиевга отасининг орденини топширди. Россия ҳукумати Ҳайдар Алиевни ана шу олий нишон – Андрей Первозванний ордени билан

тақдирлаган эди. Бу орденни – мамлакатнинг олий мукофоти-ни Путин Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиевга 2003 йил 10 майда, 80 ёшлик тўйида тақдим этмоқчи эди. Афсус, насяб қилмади.

– Бизнинг мамлакатда Ҳайдар Алиевнинг ҳурмати кагга эди, – деди Путин. – Мен бу орденни сизнинг оилангизга эсдалик учун топшираман...

Донишманд Дода Қуркут қулидаги кубуз билан асрлар оша халқлар, авлодлар орасида кезиб юради. У қайси йиғит мард-лигини, ким ожиз, қурқоқ эканини яхши билади. У айтган барча сўзлар албатта ижобат бўлади.

– Мен ҳикоятлар қилган, дунё – меники, деган жангчи беклар қани? Уларнинг барини улим махв этди, ер ўз бағрига яширди; бебақо дунё қимларга қолди? Ҳаёт, сен келиб, кета-верасан, сенинг сўнгинг – улим, эй ҳаёт! Узоқ умрнинг-да охириги бекати – улим, айрилиқ! Бир башоратим бор, менинг хоним: улим – ҳар банданинг бошида бор. Яратган сени имон-дан айирмасин; муйсафид отангнинг жойи жаннатда бўлсин, оқсоч онагнинг жойи фирдавси аълода бўлсин!

*Боку – Москва – Боку  
2003–2006 йиллар*

## Ҳ.А. АЛИЕВ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ САНАЛАРИ

- 1923, 10 май - Ҳайдар Алти Раза ўгли Алиев Нахичеванда таваллуд топди.
- 1936-1939 - Нахичеван педагогика техникуми ўқувчиси.
- 1939-1941 - Озарбайжон индустриал институти (ҳозирги Озарбайжон давлат нефть академияси)нинг архитектура факультети талабаси.
- 1941-1943 - Нахичеван АССР ички ишлар халқ комиссарлиги бўлимининг архив бўлинмаси махфий қисми мудир.
- 1943-1944 - Нахичеван АССР Халқ Комиссарлари Совети умумий бўлими мудир.
- 1945 - КПСС аъзоси бўлди.
- 1944-1949 - Нахичеван АССР давлат хавфсизлик органларида оператив вакил, катта оператив вакил, ДХХК-ДХМ бўлими бошлиғи бўлиб ишлади.
- 1949-1950 - СССР ДХМнинг раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш бўйича Ленинград махсус мактаби тингловчиси.
- 1951-1969 - Озарбайжон ССР давлат хавфсизлик хизмати органларида ишлади: ДХМ бўлинмаси бошлиғи, бўлим бошлиғи, ДХК раисининг уринбосари, Озарбайжон ССР Министрлар Совети қошидаги ДХК раиси бўлди.
- 1951-1957 - Озарбайжон давлат университети тарих факультетининг сиртки бўлимида ўқиди.
- 1954 - Зарифа Алиева билан турмуш қурди.
- 1955, 18 октябрь - Ҳайдар ва Зарифа Алиева оиласида кизи Севил туғилди.
- 1961, 24 декабрь - Ҳайдар ва Зарифа Алиева оиласида ўгли Илҳом туғилди.
- 1969, 14 июль - Озарбайжон Компартияси МКнинг биринчи секретари этиб сайланди.
- 1971 - партия XXIV съездида КПСС МК аъзоси этиб сайланди. Шунингдек, КПСС XXV съездида (1976), КПСС XXVI съездида (1981), КПСС XXVII съездида (1986) КПСС МК аъзолигига сайланди.
- 1976, март - КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига номзод этиб сайланди.
- 1976-1987 - СССР Мудофаа Кенгаши қошидаги Бош Ҳарбий Кенгаш аъзоси.
- 1979, 24 август - Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.
- 1982, 22 ноябрь - КПСС МК Сиёсий бюроси аъзоси этиб сайланди.
- 1982, 24 ноябрь - Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг Олий Совети Ҳайдар Алиевни СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари этиб тайинлади.
- 1983 - Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг иккинчи «Урок ва болға» олтин медали билан мукофотланди. СССР Олий Совети Президиуми Ҳ.А. Алиевнинг бронза бюстини она юрти Нахичеванда ўрнатиш тўғрисида фармон чиқарди.
- 1985, 15 апрель - Турмуш уртоғи Зарифа Азизовна Алиева вафот этди.
- 1986 - КПСС МКнинг Сиёсий бюроси аъзолигига қайта сайланди.

- 1986 – СССР Министрлар Советининг Ижтимоий ривожланиш бўйича бюроси раиси (уриндошлик асосида) этиб тасдиқланди.
- 1986, август – «Адмирал Нахимов» теплоходга ҳалокатини текшириш бўйича Давлат комиссияси раиси этиб тайинланди.
- 1987, октябрь – Нафақага кетиши муносабати билан КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолиги ҳамда СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи уринбосари вазифаларидан озод қилинди; СССР Министрлар Совети қошида Давлат маслаҳатчиси этиб тайинланди.
- 1988, ноябрь – СССР Министрлар Совети қошидаги давлат маслаҳатчиси лавозимидан озод қилинди.
- 1989, 24 апрель – МКнинг нафақа ёшига етган бир гуруҳ аъзолари қаторида КПСС МК таркибидан чиқарилди.
- 1990, 21 январь – Совет армияси қўшинларининг Бокуга киритилиши муносабати билан Озарбайжон ССРнинг Москвадаги ваколатхонасида баёнот берди.
- 1990, 20 июль – Бокуга қайтди.
- 1990, 22 июль – Нахичеванга қайтди.
- 1990, 30 сентябрь – Озарбайжон ССР Олий Совети депутати ва Нахичеван АССР Олий Совети депутати этиб сайланди.
- 1991, 19 июль – КПСС аъзолигидан чиқди.
- 1991, 3 сентябрь – Нахичеван АССР Олий Советининг раиси этиб сайланди.
- 1992, 21 ноябрь – «Янги Озарбайжон» партиясининг раиси этиб сайланди.
- 1993, 10 июнь – Озарбайжон Республикаси Президенти Элчибейнинг утинчали илтимосига кура давлат инқирози муносабати билан Бокуга келди.
- 1993, 15 июнь – Озарбайжон Милли мажлиси Раиси этиб сайланди. 18 июнда Хайдар Алиевга Озарбайжон Республикаси Президенти ваколатини адо этиш топширилди.
- 1993, 20 сентябрь – «Озарбайжон Республикасининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига қўшилиши тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.
- 1993, 24 сентябрь – МДҲ давлатлари бошлиқларининг Москвадаги учрашувида иштирок этди.
- 1993, 3 октябрь – Озарбайжон Республикаси Президенти этиб сайланди.
- 1993, 10 октябрь – Бокудаги Республика саройида янги давлат раҳбарининг инаугурацияси бўлиб ўтди.
- 1993, 2 ноябрь – Озарбайжон халқига биринчи марта телевидение орқали тўғридан-тўғри мурожаат қилди.
- 1993, 11–12 декабрь – Уруш бўлиб ўтаётган районларни бориб қўрди.
- 1993, 19 декабрь – Озарбайжон давлатининг раҳбари сифатида биринчи чет эл сафарига чиқди – Францияга расмий ташриф билан борди. Дўстлик, узаро тушуниш ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага имзо чекди.
- 1994, май – Қорабоғдаги арман-озарбайжон тўқнашувида жанговар ҳаракатлар тўхтатилди.
- 1994, 20 сентябрь – Бокуда «Аср шартномаси» имзоланди.

- 1994, 30 сентябрь – Нью-Йоркда Бирлашган Миллатлар Таъкилотининг Бош Ассамблеяси мажлисида нутқ сўзлади.
- 1997, 2–4 июль – Россияга биринчи расмий ташрифи.
- 1997, 27 июль – 5 август – АҚШга биринчи расмий ташрифи.
- 1998, февраль – Ҳайдар Алиев билан Туркия Президенти Сулаймон Демирелга Истанбул шаҳрида «Йил кишиси» мукофоти топширилди.
- 1998, 11 октябрь – Озарбайжон Республикаси Президентлигига иккинчи муддатга сайланди.
- 1998, 18 октябрь – Бокудаги Республика саройида инаугурация бўлиб ўтди.
- 2001, январь – Россия Президенти В.В.Путиннинг Бокуга расмий ташрифи чоғида у билан музокаралар олиб борди.
- 2001, 28 май – Москва ва бутун Русь Патриархи Алексий II билан учрашувни бўлиб ўтди.
- 2001, 9–10 ноябрь – Бокуда Президент ташаббуси билан жаҳон озарбайжонларининг I съезди бўлиб ўтди.
- 2002, 24–26 январь – Россия Федерациясига давлат ташрифи амалга оширилди.
- 2002, 30 январь – 3 февраль. Нью-Йоркдаги Жаҳон иқтисодий форумининг ишида иштирок этди.
- 2002, 19–20 май – Эронга расмий ташриф билан борди.
- 2002, 22 май – Бокуда Рим папаси Иоанн Павел II билан учрашди.
- 2002, 9 июнь – Президентлар Путин ва Алиев Петербургда Низомий ҳайкалининг тантанали очишди.
- 2002, 23–24 сентябрь – Россия Федерациясига ишчи ташрифи билан борди.
- 2003, 30 июль – Илҳом Алиевни Озарбайжон ҳукумати раиси вазифида тавсия этиш тўғрисидаги мактубга имзо чекди.
- 2003, сентябрь – Озарбайжон Республикаси Президенти лавозими учун ўтказиладиган сайловларда катнашишдан ўз номзодини олди.
- 2003, 12 декабрь – Ҳ.А. Алиев вафот этди.
- 2003, 15 декабрь – Ҳайдар Али Рза ўғли Алиевни Бокудаги Фахрий шаҳидлар хйёбонига дафн этиш маросими бўлиб ўтди.

Ҳайдар Алиевич Алиев – икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, беш марта Ленин ордени, Октябрь Революцияси ордени, I даражали Улуғ Ватан уруши, Қизил Юлдуз орденлари ҳамда Совет Иттифоқининг 13 медали билан мукофотланган; Россия Федерациясининг олий мукофоти – Андрей Первозванний ордени ҳамда Озарбайжон Республикаси, Грузия, Қозоғистон, Туркия, Украина, Франция ва бошқа давлатларнинг орденлари билан тақдирланган.

## КИСҚАЧА БИБЛИОГРАФИЯ

*Алиев Ҳ.* Бизнинг мустақиллигимиз боқий. Нутқлар, мақолалар, мурожаатлар, интервьюлар, мактублар. 13 жилд. Боку, 1993–2005 (озарбайжон тилида).

*Алиев Г.* Личная позиция. Баку, 1996.

*Алиев Г.* Россия – великая страна. Баку, 1997.

*Академик Зарифа-ханум Алиева.* Сборник научных трудов. Баку, 1990.

*Зарифа-ханум Алиева.* Баку, 1998.

*Алиев И.* Каспийская нефть Азербайджана. М., 2003.

*Алиева Ш.* Менинг онажоним. Баку, 2000 (озарбайжон тилида).

Азербайджанская Республика в Содружестве Независимых Государств. Баку, 2001.

Азербайджан – Россия. Новые взаимоотношения, новые горизонты. Баку, 2002.

Азербайджан. Историко-этнографический очерк. Баку, 1998.

XXIV съезд Коммунистической партии Советского Союза. Стенографический отчет. В 2 т. М., 1971.

XXV съезд Коммунистической партии Советского Союза. Стенографический отчет. В 3 т. М., 1976.

XXVI съезд Коммунистической партии Советского Союза. Стенографический отчет. В 2 т. М., 1981.

XIX Всесоюзная конференция Коммунистической партии советского Союза. Стенографический отчет. В 2 т. М., 1988.

*Абдуллазаде Ф.* Гейдар Алиев. Баку, 1997.

*Абдуллазаде Ф.* Гейдар Алиев. Политический портрет. Баку, 1998.

*Абдуллаев Э.* Проблема Нагорного Карабаха в контексте международного права. Баку, 2005.

Азербайджан – Россия: исторический диалог. М., 2004.

*Алиев Д.* Наука истинна. Баку, 1999.

*Алиева Р.* Азербайджанцы в европейском движении Сопротивления. Баку, 2005.

*Андрянов В., Черняк А.* Одинокий царь в Кремле. М., 1999.

*Андрянов В., Черняк А.* Одинокий царь играет президента. М., 2000.

*Андрянов В., Черняк А.* Одинокий царь уходит. М., 2000.

*Ахмедов Ш.* Азиз Алиев – жизнь, государственная и политическая деятельность в Дагестане. Дербент, 2003.

*Ахундова Э.* Мгновения истины. Баку, 2003.

*Байбаков Н.* От Сталина до Ельцина. М., 2005.

*Бирюков В.* Жизнь особого назначения. М., 2004.

*Бобков Ф.* КГБ и власть. М., 1995.

*Болдин В.* Крушение пьедестала. М., 2003.

*Гаджиев К.* Геополитика Кавказа. М., 2003.

*Гасанлы Д.* Южный Азербайджан: начало холодной войны. Баку, 2003.

- Дашдамиров А.* Национальная идея и этничность. М., 1996.
- История Азербайджана. В 3 т. Баку, 1958–1963.
- История Азербайджана. Баку, 1995.
- Магамаев М.* Любовь моя – мелодия. М., 1999.
- Мамедов А.* Час «икс» переворота М.А. Багирова и Л.П. Берии. Баку, 2005.
- Мираламов Г.* Путь к триумфу (Пер. с азерб.) Баку, 2003.
- Мирзоева С.* Гейдар Алиев: Искусство прошло через всю мою жизнь... Баку, 2004.
- Молчанов Е.* Генерал де Голль. М., 1973.
- Примаков Е.* Годы в большой политике. М., 1999.
- Рыжков Н.* Десять лет великих потрясений. М., 1996.
- Самедзаде Э.* Этапы большого пути. Экономика Азербайджана за полвека, ее реалии и перспективы. Баку, 2004.
- Салманов Ф.* Жизнь как открытие. М., 2003.
- Чекисты Азербайджана. Баку, 1981.
- Шахназаров Г.* Цена свободы. М., 1993.



Муаллифлар Ҳ.А. Алиев ҳақидаги ушбу китобнинг ёзилишида самимий ёрдам кўрсатган барча азиэларга чуқур миннатдорчилик билдирадилар. Биринчи галда булар:

**Алиев Илхом Ҳайдар ўғли, Ҳ.А. Алиевнинг ўғли.** Озарбайжон Республикасининг Президенти;

**Алиева Мехрибон Ориф қизи,** Озарбайжон Республикаси Президентининг умр йўлдоши, Миллий мажлис депутати, Ҳайдар Алиев жамғармаси Президенти. ЮНЕСКОнинг яхши ниятлар элчиси;

**Алиева Севил Ҳайдар қизи, Ҳ.А. Алиевнинг қизи;**

**Алиев Оқил Алирза ўғли,** Озарбайжон Миллий фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ҳ.А. Алиевнинг укаси;

**Алиев Жалол Алирза ўғли,** Озарбайжон Миллий фанлар академиясининг академиги, Ҳ.А. Алиевнинг укаси;

**Алиева Рафиқа Алирза қизи, Алиева Шафиқа Алирза қизи, Ҳ.А. Алиевнинг сингиллари.**

Шунингдек:

**Абдуллазода Фотима Ҳусайн қизи,** Озарбайжон Республикаси Президенти ижрочи аппаратининг гуманитар сибат бўлими мудир;

**Авлеева Светлана Владимировна,** журналист;

**Азизов Фикрат Наҳмед ўғли,** Озарбайжон Республикаси Президенти ижрочи аппаратининг умумий бўлим мудир уринбосари;

**Алиев Нотик оға ўғли,** Озарбайжоннинг сановат ва энергетика вазири, 1993–2005 йилларда Озарбайжон Республикаси Давлат нефть компаниясининг президенти;

**Алиев Алижон Тарикүлу ўғли,** «Ганжлик» нашриёти директори;

**Алескеров Муртуз Нажаф ўғли,** Озарбайжон Республикаси Миллий мажлиси раиси (1995–2005), Миллий мажлис депутати;

**Асадов Али Ҳадоят ўғли,** Озарбайжон Республикаси Президентининг ёрдамчиси;

**Алекперов Анор Соҳиб ўғли,** Ҳайдар Алиев жамғармасининг ижрочи директори;

**Багиров Рафвк Идоат ўғли,** фоторассом;

**Охундов Вокиф Алибола ўғли,** генерал-лейтенант. Озарбайжон Республикаси махсус давлат муҳофазаси Бош бошқармасининг бошлиғи;

**Байбаков Николай Константинович,** СССР Министрлар Совети Раисининг уринбосари, СССР Давлат План Комитети раиси (1965–1985);

**Баталин Юрий Петрович,** Россия нефть-газ қурувчилари уюшмасининг фахрий президенти, СССР Министрлар Совети Раисининг уринбосари (1985–1990);

**Бирюков Виктор Ефимович,** СССР Давлат План комитети раисининг уринбосари (1977–1990);

**Бобков Филипп Денисович,** «Новости» Россия ахборот агентлиги бошқаруви раиси маслаҳатчиси, армия генерали, СССР ДХК раисининг биринчи уринбосари (1986–1990);

**Вакилов Тельман Хусайн угли**, СССР газ саноати министрининг ўринбосари (1979–1982);

**Гаврилов Александр Тимофеевич**, тарих фанлари номзоди, СССР Министрлар Совети Раиси биринчи ўринбосарининг ёрдамчиси (1983–1987);

**Хасанов Али Акбар угли**, Нахичеван Республикаси Олий мажлиси аппаратининг раҳбари;

**Хасанли Жамил Пулатхон угли**, Озарбайжон Миллий мажлиси депутаты, тарих фанлари доктори;

**Гусев Владимир Кузьмич**, Россия Федерацияси Федерал Йиғини Федерал Кенгаши иқтисодий сиёсат, тадбиркорлик ва хусусий мулкчилик комитети раисининг биринчи ўринбосари, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари (1986–1991);

**Хусайнзода Латиф Толиб ўгли**, тарих фанлари номзоди, Ҳ.А. Алиевнинг ўқитувчиси;

**Хусейнов Рафазл Жагидович**, «Труд» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари;

**Гусман Михаил Соломонович**, ИТАР-ТАСС Бош директорининг биринчи ўринбосари;

**Дзасохов Александр Сергеевич**, Россия Федерал Йиғини Федерал Кенгашининг аъзоси;

**Конярев Николай Семенович**, «Интертранс» ЁАЖ нинг Бош директори, СССР алоқа йўллар министри (1982–1989);

**Кулиева Ирода Анвар кизи**, «Амрах-банк»нинг «Лидер» филиали бошқарувчисининг ўринбосари;

**Лиханов Альберт Анатольевич**, ёзувчи, Россия болалар жамғармаси бошқаруви раиси;

**Мамедов Чингиз Исрофил угли**, химия фанлари номзоди;

**Маҳмудов Элдор Аҳмад ўгли**, Озарбайжон Республикаси миллий ҳавфсизлик вазири;

**Мехтиев Рамиз Энвер угли**, Озарбайжон Республикаси Президенти ижрочи аппарати раҳбари;

**Мехтиева Махабат Исаевна**, Ҳ.А. Алиев жамғармаси ходими;

**Морозков Владимир Николаевич**, журналист, Боку шаҳри;

**Мусаев Дилман Мусо ўгли**, журналист;

**Мустафоев Вокиф Бехбуд угли**, кинорежиссёр;

**Назарбоев Нурсултон Абишевич**, Қозоғистон Президенти;

**Пастухов Борис Николаевич**, Россия Федерацияси савдо-саноат палатаси катта вице-президенти, ВЛКСМ МКнинг биринчи секретари (1977–1982), СССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети раиси (1982–1986), Россия Федерациясининг МДХ ишлари бўйича министри (1998–1999);

**Примаков Евгений Максимович**, академик, Россия Федерацияси савдо-саноат палатаси Президенти, РФ ташқи ишлар министри (1996–1998), Россия ҳукумати раиси (1998–1999).

**Ризаев Рамиз Ҳасан ўгли**, Озарбайжон Миллий фанлар академиясининг мухбир аъзоси;

**Рижков Николай Иванович**, РФ Федерал Йиғини Федерация Кенгаши аъзоси, Россия товар ишлаб чиқарувчилар уюшмаси президенти, СССР Министрлар Советининг Раиси (1985–1990);

**Салмонов Фармон Қурбонович**, Россия Фанлар академиясининг мухбир аъзоси;

**Толъбов Восиф Юсиф ўгли**, Нахичеван Мухтор Республикаси Олий мажлисининг раиси;

**Томилива Наталья Георгиевна**, Россия энг янги тарих давлат архиви директори;

**Третъяков Иван Поликарпович**, Ёзувчи, Боку шахри;

**Ухов Владимир Сергеевич**, СССР Министрлар Совети Раиси биринчи уринбосарининг ёрдамчиси.

**Шафраник Юрий Константинович**, Нефть-газ савоатчилари уюшмаси президенти, РФ ёқилғи ва энергетика министри (1993–1996);

**Юсифзода Зиё Мамед ўгли**, генерал-лейтенант, Озарбайжон миллий ҳавфсизлик вазирлиги академияси бошлиги.

Ҳайдар Алиев жамғармаси, Озарбайжон миллий архивлар бошқармаси, Озарбайжон миллий ҳавфсизлик вазирлиги музейи, М.Ф. Охундов номидаги миллий кутубхона, Ҳ.А. Алиевнинг Нахичеван музейи, Россия энг янги тарих давлат архиви, Россия давлат кутубхонаси ходимларига ташаккур изҳор этамиз.

Фойдали маслаҳатлари, хайрли сўзлари билан ушбу ишда кумаклашган барчага миннатдорчилик билдирамыз.

## МУНДАРИЖА

|  |     |
|--|-----|
| Сузбоши .....  | 5   |
| <i>I боб. «МЕН НАХИЧЕВАНДА ТАВАЛЛУД ТОПДИМ...»</i> .....             | 13  |
| 1923 йил 10 май, Нахичеван .....                                     | 13  |
| Тарихнинг бир куни .....   | 15  |
| Ота маскан, она уй .....   | 18  |
| <i>II боб. БУ ЕР ҲАМ ФРОНТ</i> .....                                 | 35  |
| 1941 йил 22 июнь, Нахичеван .....                                    | 35  |
| Жанубий Озарбайжондаги совет миссияси .....                          | 40  |
| Бу ҳақда лом-мим дейишмади .....                                     | 50  |
| <i>III боб. ҲАЙДАР ВА ЗАРИФА</i> .....                               | 60  |
| <i>IV боб. «БУ КАСБНИ БОЛАЛИГИМДАЁК<br/>ТАНЛАГАН ЭДИМ»</i> .....     | 78  |
| 1980 йил 21 декабрь, Боку .....                                      | 78  |
| 1997 йил 15 июль, Боку .....   | 83  |
| Биз қандай мамлакатда яшайтмиз .....                                 | 105 |
| <i>V боб. РЕСПУБЛИКАГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИБ</i> .....                     | 118 |
| 1969 йил 14 июль, Боку .....   | 118 |
| «Айтингчи, у виждонли одамми?» .....                                 | 122 |
| Ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади .....                               | 125 |
| Адо этилган бурч туйғуси .....                                       | 130 |
| «Уртоқ Вакилов, сизга омонлик...» .....                              | 142 |
| Адолат қарор топаверсин .....  | 156 |
| 1982 йил 2 декабрь, Боку .....                                       | 164 |
| <i>VI боб. «ҲАЙДАР, СЕН БУТУН ИГТИФОҚҚА КЕРАКСАН!»</i> .....         | 171 |
| Бош секретарнинг сунғи ташрифи .....                                 | 171 |
| 1982 йил 22 ноябрь, Москва .....                                     | 179 |
| Министрлар Совети: кундалик ташвишлар .....                          | 185 |
| Ёт фарзандлар .....  | 201 |
| Ҳотира ва хотирасизлик .....   | 210 |
| БАМ унинг қалбида яшаб қолгуси .....                                 | 212 |
| Сунган юлдуз шуъласи .....   | 220 |
| 1985 йил 22 апрель, Москва .....                                     | 224 |
| 1986 йил 31 август, Новороссийск .....                               | 231 |
| У яхшилиқни кадрлай биларди .....                                    | 238 |
| Сизнинг хоббингиз нима? .....  | 241 |
| КПСС МК Сийсий бюросида .....  | 247 |
| <i>VII боб. «МЕН ТОШ ҲАМ, ТЕМИР ҲАМ<br/>ЭМАСМАН, ИНСОНМАН»</i> ..... | 268 |
| 1987 йил 19 октябрь, Москва .....                                    | 268 |
| Бир ҳасад тарихи .....   | 270 |
| Жазо .....   | 275 |
| Қорабоғ .....  | 277 |

|  |     |
|--|-----|
| 1988 йил 28 июнь, Москва .....                                   | 280 |
| Боку кундалиги .....   | 283 |
| «Мен Горбачев билан учрашмоқчи бўлгандим» .....                  | 298 |
| 1990 йил 21 январь, Москва .....                                 | 300 |
| «Правда» ўқ отмоқда .....  | 305 |
| Москва камали .....  | 309 |
| <b>VIII боб. ЎЗ ХАЛҚИ БИЛАН БИРГА БЎЛИШ ҲУҚУҚИ</b> .....         | 312 |
| 1990 йил 22 июль, Нахичеван .....                                | 312 |
| Мақсад белгилаб олинди .....                                     | 317 |
| Асл манбаларга қайтиш .....                                      | 323 |
| Тақдирни халқ билан баҳам кўрганда .....                         | 327 |
| 1991 йил 19 июль, Москва .....                                   | 334 |
| Фитна .....  | 338 |
| Нахичеван қамалда .....  | 345 |
| 1992 йил 24–26 октябрь, Нахичеван .....                          | 348 |
| «Озарбайжон сизнинг сўзингизни кутмоқда» .....                   | 354 |
| <b>LX боб. ТЎҚСОН УЧИНЧИ ЙИЛ</b> .....                           | 369 |
| 1993 йил май-июнь, Нахичеван – Боку .....                        | 369 |
| Полковник Хусайнов танклари .....                                | 370 |
| Қайтиш .....   | 374 |
| Президент Элчибеёвнинг қочиши .....                              | 377 |
| Президент ваколатлари Ҳайдар Алиевга топширилсин .....           | 379 |
| Озарбайжон Ҳайдарни танилади .....                               | 393 |
| 1994 йил 30 сентябрь, Нью-Йорк .....                             | 395 |
| «Мен халқимга сўянаман» .....                                    | 396 |
| <b>X боб. ОЗАРБАЙЖОН НЕФТИ ЖАҲОН СИЁСАТИДА</b> .....             | 402 |
| Нефть – қиролчиқа бўлса .....                                    | 402 |
| 1971 йил 21 апрель, Боку .....                                   | 404 |
| Алиев сабоқлари .....  | 405 |
| 1994 йил 20 сентябрь, Боку .....                                 | 410 |
| Оқ йўл, «Дода Кўрқут!» .....                                     | 415 |
| Катта нефть томон йўл .....                                      | 419 |
| Ельцин Бокуга етиб боролмади .....                               | 423 |
| «Аср шартномаси» ҳақида .....                                    | 425 |
| 1997 йил 3 июль, Москва .....                                    | 428 |
| Ирода йўқни йўндиради .....                                      | 430 |
| 1997 йил 1 август, Вашингтон .....                               | 431 |
| Уч денгиз афсонаси ва ҳикояти .....                              | 436 |
| <b>XI боб. ҚУЁШ ДЕНГИЗ ТОМОНДАН ЧИҚАДИ</b> .....                 | 440 |
| 2001 йил 14–15 июль, Боку .....                                  | 440 |
| У Озарбайжонга Россия билан дўстлашишни<br>васият қилганди ..... | 442 |
| 1999 йил 21 сентябрь, Боку .....                                 | 446 |
| Абадий фарзандинг бўлиб яралган .....                            | 448 |
| 2001 йил 9 январь, Боку .....                                    | 455 |
| Унга «арш девони» ҳам буйсунарди .....                           | 463 |
| «Боку унинг барча кўчаларини яхши биламан» .....                 | 464 |

|   |         |
|---|---------|
| <i>XII боб. ПРЕЗИДЕНТ ЙИЛИ</i> .....                    | 470     |
| Тақвимни варақлаганда .....                             | 470     |
| 2002 йил 24 январь, Москва .....                        | 471     |
| 2002 йил 1 февраль, Нью-Йорк .....                      | 474     |
| Навруз – баҳор байрами .....                            | 476     |
| 2002 йил 3 март, Боку .....                             | 479     |
| Гулнор – тинчлик элчиси .....                           | 485     |
| Тарих сабоқлари .....                                   | 487     |
| 2002 йил 12 июнь, Боку .....                            | 492     |
| 2002 йил 9 июль, Петербург .....                        | 494     |
| Генерал Охундовнинг тугилган куни .....                 | 501     |
| 2002 йил 23 сентябрь, Москва .....                      | 505     |
| Республика байроғини кўтарган қизалок .....             | 509     |
| 2002 йил 24 ноябрь, Боку .....                          | 513     |
| «Барча Озарбайжон болалари атрофимизга жам бўлди» ..... | 517     |
| <br><i>XIII боб. ОЛАМ НИГОҲИДА</i> .....                | <br>518 |
| Сунгсуз .....   | 527     |
| Ҳ.А. Алиев ҳаёти ва фаолиятининг асосий саналари .....  | 540     |
| Қисқача библиография .....                              | 543     |

Ижтимоий-сиёсий нашр

*Андріянов Виктор Иванович,  
Мирзаъламов Хусайнбола Фозил ўғли*

## **ҲАЙДАР АЛИЕВ**

Таржиманинг масъул муҳаррири: *Шамухиддин Мансуров*  
Муҳаррирлар: *С. Мирзааҳмедова, Л. Игамова,  
А. Саъдуллаев, Н. Нурқулов*  
Бадий муҳаррир: *Ҳ. Қутлуқов*  
Техник муҳаррир: *Т. Харитоновна*  
Мусахҳихлар: *Ш. Орипова, С. Салоҳутдинова*  
Компьютерда саҳифаловчилар: *Г. Қулназарова, Б. Душанова*

Нашр лицензияси АІ 158. 14.08.09.

Босишга рухсат этилди 8.09.2010. Қоғоз бичими 84×108<sup>1/32</sup>.  
«Times New Roman» гарнитурасида офсет қоғозига  
офсет усулида босилди. Шартли босма табоқ 29,40 + 3,36 вкл.  
Нашриёт табоғи 37,99 + 4,86 вкл. 1000 нусхада чоп этилди.  
Буюртма № 10-314

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги  
«O'zbekiston» нашриёт-матбая ижодий уйи.  
100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

А 32

**Андриянов, Виктор Иванович**

Хайдар Алиев / В.И. Андриянов, Ҳ.Ф. Миръаламов;  
тўлдирилган русча 2-нашридан Н. Раҳимжонов тарж.  
–Т.: «O‘zbekiston» НМИУ, 2010. 552б+ 64б вкл.

И. Миръаламов, Ҳусайнбола Фозил ўғли.

ISBN 978-9943-01-608-8

Хайдар Алиевич Алиев Совет Иттифоқи ҳукуматида иккинчи шах: ва КПСС МК Сиёсий бюросининг аъзоси эди. Адолатсизлик билан истеъфога чиқарилганидан кейин китга сиёсатга қайтишга узида толмас куч ва ирода топа ёлди. Мустақил Озарбайжоннинг раҳбари бўлди. Унинг ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти, тўртинчи ҳақнинг номатълум саҳифалари гўгрисиди адиблар Виктор Андриянов билан Ҳусайнбола Миръаламов архив манбалари, Ҳ.А. Алиевнинг қариндош-урулари ва яқинлари, сафдошлари ва дўстлари хотиралари, сиёсий оппонентларининг фикр-мулоҳазалари асосиди қисқарди ҳикоя қилинган.

Китобди Ҳайдар Алиевнинг оилавий архивиди. Наҳичевандаги музейиди. Президент Ҳ.А. Алиевнинг шахсий сураткашлари Р. Багиров, Е. Граблевди ҳамди «Трибуна» газетаси архивиди сақланётди ан ва китоб муаллифлариди мавжуд фото суратлариди фойдаланилди.

**ББК 66.3(503а)8**